



Абу Райхон  
Беруний



ҚАДИМГИ  
ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН  
ЁДГОРЛИҚЛАР

I



Абу Райхон  
Беруний



# Абу Райхон Беруний

Танланган асарлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

# Абу Райхон Беруний



## ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИҚЛАР

(Осор ал-боқия)

I

ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2022

УЎК 94(5-191.2)  
КБК 63.3(54)  
Б 61

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия»)

Лойиҳа раҳбари  
Т. МУХАМАДИЕВ

А. Расулов таржимаси асосида қайта ишлаб, тўлдириб, нашрга тайёрловчи,  
кириш мақоласи ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, профессор  
Ашраф АҲМЕДОВ

Таҳрир хайъати:  
*академиклар: А. САЪДУЛЛАЕВ, А. АЪЗАМОВ,*  
*профессорлар: Б. АБДУҲАЛИМОВ, С. КАРИМОВА*

Масъул муҳаррир: *Азимбой САЪДУЛЛАЕВ*

Такризчилар:  
Убайдулла УВАТОВ, тарих фанлари доктори, профессор,  
*Роиқ БАҲОДИРОВ*, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Техник ишларни бажарувчи: *Ботиржон АБДУЛЛАЕВ*  
Кўрсаткичлар муаллифлари: *Ботиржон АБДУЛЛАЕВ, Умида КУРАНБАЕВА*

Ушбу китоб XI асрда яшаган қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973–1048)нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия») асарининг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси. Мазкур китобнинг ўзбек тилидаги биринчи нашри 1968 йилда чоп этилган. Ушбу нашрда изоҳлар янгидан ишланиб, кўриб чиқилиб, ўрганилиб, уларда тарихий масалалар, аниқ фанларга оид муаммолар кенг ёритилди. Асарда қадимги халқларнинг, хусусан, ватанимиз ҳудудидаги суғдлар, хоразмликлар ва ундан ташқарида яшовчи мусулмонлар, христианлар, яҳудийларнинг байрамлари, урф-одатлари, турли мамлакатларда ҳукм сурган подшоҳлар, императорлар сулолалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, китобда Беруний таржимаи ҳолига, диний этикодига алоқадор материаллар ҳам берилган.

Китоб тарих ва аниқ фанлар тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар ва, умуман, Марказий Осиё халқларининг ўтмиш ҳаёти, фани ва маданияти тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 14 сентябрдаги 4642-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-6579-2-2

© Абу Райҳон Беруний, Қадимги халқлардан  
қолган ёдгорликлар «Осор ал-боқия», 2022  
© Ашраф Аҳмедов, нашрга тайёрловчи, 2022  
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2022



## БЕРУНИЙ ВА УНИНГ «ОСОР АЛ-БОҶИЯ» АСАРИ

Беруний яшаган X асрнинг охириги чораги ва XI асрнинг биринчи ярми Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маданий ва сиёсий ҳаётидаги муҳим бир давр эди. У IX аср охиридан бошланиб, деярли то XIII аср бошларигача давом этган бўлиб, бир вақтлар араб халифалиги таркибига кирган мамлакатларда юксак маданий тараққиёт ва катта сиёсий ўзгаришлар юз берган. Бу тараққиёт ва ўзгаришлар шу қадар кескин ҳамда оламшумул эдики, уни, ҳатто исломнинг илк асрлардаги ривожланиши билан ҳам солиштириб бўлмас эди. XIX асрда яшаган швейцариялик шарқшунос ва тарихчи Адам Мец бу даврни ҳар томонлама таҳлил қилиб, Мусулмон Ренессанси даври деб атади<sup>1</sup>. Беруний ана шу Мусулмон Ренессансининг фаол қатнашчиларидан ва уни шакллантирувчиларидан бири эди.

Марказий Осиё худудлари араб халифалиги таркибидан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришди. Ўзаро урушларнинг вақтинча тўхтатилиши бу мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишида ижобий аҳамиятга эга бўлди. Лекин Яқин ва Ўрта Шарқда IX–XI асрларда юз берган иқтисодий ва маданий кўтарилишнинг омиллари халифалик давридаёқ яратилган эди. Ҳақиқатан ҳам, IX аср бошларида халифаликда кўплаб олимлар, жумладан, астрономлар, математиклар, табиблар, файласуфлар, шоирлар ва бир қатор таржимонларнинг ижодий фаолияти ривожланиб, мисли кўрилмаган кўламда ёйилди. Бу олим ва мутафаккирлар кўпдан-кўп бебаҳо асарлар яратишганки, улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган Хоразм, Суғд, Фарғона ва Хуросон халқларининг ўзига хос маданиятини, уларнинг дунё маданиятига қўшган ҳиссаларини инкор этиш қўпол хатоликдир. Бунга жуда кўп далиллар келтириш мумкин: IX асрда Бағдодда «Ал-Маъмун академияси»да ишлаган олимларнинг кўпи, шу жумладан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850), Абдулҳамид ибн Турк ал-Хутталиий (IX), Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий (IX), Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий (IX), Абу-л-Аббос Аҳмад ал-Фарғоний (IX)лар Марказий осиелик эди. Асли Ўрта осиелик бўлган ва Яқин Шарқнинг Бағдод, Ҳалаб, Дамашк ва бошқа шаҳарларида яшаб ижод этган машҳур файласуф ва мутафаккир олим Абу Наср Форобий (870–950) ҳам Эроннинг Рай шаҳрида астрономик

<sup>1</sup> *Мец Адам. Мусулманский Ренессанс // Перевод с немецкого, предисловие, библиография и указатели Д.Е. Бертельса. Изд. 2-е. – М., 1973.*

кузатишлар олиб борган, «Фахрий секстант»ни илк бор ясаган атоқли астроном Абу Маҳмуд ал-Хўжандий ҳам Эроннинг турли шаҳарларида яшаб ижод этган. Ғарбда «Авиценна» номи билан танилган машҳур Ибн Сино ҳам, Беруний ҳам шу ҳудуддан эди. Мазкур олимларнинг барчаси ва бу ерда номлари эслатилмаган кўпдан-кўп бошқа олимлар ҳам ўз ватани бўлмиш Марказий Осиёнинг турли шаҳар ва кентларида туғилиб, ўша ерда турли фанлардан етук маълумот олганлар ва кейинроқ айрим объектив ёки субъектив сабабларга кўра Якин ва Ўрта Шарқнинг бошқа шаҳарларига кетишга мажбур бўлганлар. Берунийнинг ҳаёт йўли бунинг ёрқин мисолидир.

Илм-фаннинг IX–XI асрлардаги шиддатли одимларига сифат нуқтаи назаридан қаралса, Марказий Осиё ва халифаликдаги барча мамлакатлар учун шу нарса характерлики, халифаликнинг фан ва маданияти Ҳинд, Хуросон, Мовароуннаҳр, Форс, Бобил, Миср, Юнон ва Рим фани ҳамда маданиятининг ўзаро аралашishi, бир-бирига сингиб бориши билан бирга, ҳеч қандай истисносиз барча илғор олимлар антик давр тафаккурининг у ёки бу фан соҳасида эришган энг юксак поғонасига асосландилар ва уни янада юқори кўтаришга ҳаракат қиладилар<sup>1</sup>. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай жуда тез ўзлаштириш ниҳоятда эҳтиёткорлик ва синчковлик билан олиб борилади; маълум бўлган йирик маълумотларга янгидан-янги фактлар қўшилади. Албатта, қадимгиларнинг ютуқларини бундай ўзлаштириш айрим кишиларнинггина шахсий мақсади бўлмай, балки ҳар қандай жиддий табиатшунос ва файласуф учун зарурий бўлган билимлар доираси, билиш мактаби бўлган. Шарқ фани тарихи билан шуғулланувчилар ўрта аср қўлэмаларида, кўпинча, «Иккинчи Гиппарх», «Иккинчи Аристотель», «Иккинчи Евклид», «Иккинчи Птолемей» каби ҳурмат ва эъзозлаш билан айтилган атамаларни учратадилар. Лекин шу ондаёқ иккинчилар кўп масалаларда биринчилардан ўзиб кетганликларини кўрадилар. Улар ўзларининг қадимги ўтмишдошларига тан бериш билан бирга, уларнинг салобатидан чўчимай, барча эски ва кучини йўқотган маълумотларни жасурона улоқтирганлар ва уларнинг ўрнига янги, замонавийларини қўйганлар. Шундай қилиб, IX–XI асрлар Шарқ фани ҳаракат йўналишининг асосий хусусияти қадимги буюк ҳақиқатларни ўзлаштириш ва ривожлантиришда уларга нисбатан янги бўлган барча маълумотларга интилиш, янгилик йўлида тўхтовсиз изланиш эди.

Янгилик йўлида изланиш, асосан, амалиёт, тажриба орқали олиб бориларди. Берунийнинг айтишича, фақат файласуф бўла туриб, чуқур назарий билимларга эга ва амалий тадқиқотлар олиб бориб, ўз изланишларида ҳаққоний бўлган кишиларгина ҳақиқий олим номига лойиқдир. Демак, фаннинг бу даврдаги ривожланишини характерловчи яна бир хусусияти шуки, узлуксиз

<sup>1</sup> *Фильштинский И.М., Шидфар Б.Л. Очерк арабо-мусульманской культуры. – М., 1971. – С. 78–95.*

ривожланаётган эмпирик фанлар фалсафа билан, кўпроқ қадимги юнон фалсафаси билан алоқа ва боғланишда бўлиши керак.

Табиий фанлар билан шуғулланувчилар орасида бир қатор догматиклар ҳам бор бўлиб, улар фаннинг у ёки бу қоидаларини ўзгармас, доимий деб қарашга одатланган эди. Беруний ўз асарларида бундай шахсларни «муқаллидлар», яъни «традиционалистлар» деб атади ва ижодий тажриба ҳамда изланишлар тарафдорларини уларга қарама-қарши қўяди, уларнинг фан ривожига тўсқинлик қилишларини қоралайди.

Шундай қилиб, IX–XI асрларда Марказий Осиё тафаккур ҳаракатининг муҳим хусусияти – илмий изланиш эркинлиги учун кураш, догматизмга, унинг барча соҳалари ва кўринишларига қарши кураш эди.

Мана шу сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ҳаммаси Эрон, Марказий Осиё, хусусан, Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда илмий-маданий кўтарилишга олиб келди. IX–XI асрлардаги бу кўтарилиш Ренессанс, яъни Уйғониш типидagi кўтарилиш эди.

Уйғониш даврига фақат йўқотилган қадимги маданиятни қайта тиклашгина хос бўлмай, бу давр, шунингдек, шаҳарларнинг, яъни ўша давр ҳунармандчилиги ва савдо марказларининг ривожланиши, шаҳар табақаларининг пайдо бўлиши, шаҳар жамоатчилиги ва маданий ҳаётнинг ўсиши, ниҳоят, зодагонлар табақасидан ҳамда халқ орасидан зиёлиларнинг етишиб чиқиши билан ҳам характерлидир<sup>1</sup>. Бу даврда феодализм ўз тарихининг янги – шаҳардаги босқичига ўтади, шаҳарлар сифатда ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам жадал ўсади ва феодал жамияти фаолияти барча кўринишларининг огирлик маркази шаҳарларга кўчади<sup>2</sup>.

Шаҳарларда ўрта аср фанининг деярли барча тармоқларида тадқиқотлар олиб борилади. Феодал устқурманинг объектив мавжудлиги учун зарур бўлган фалсафий ва диний билимлар билан биргаликда, дунёвий фанлар – математика, механика, кимё, биология, минералогия ва бошқа фанлар соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилади. Шаҳарларда қурувчилик, меъморчилик ниҳоятда ривожланади.

Албатта, назарий ва амалий билимлар соҳасидаги бундай ривожланиш шу билим эгалари ва ҳунармандларнинг, яъни ҳозирги замон таъбири билан айтганда, зиёлиларнинг, маданият арбобларининг бўлишини тақозо қиларди. IX–XII асрлардаги Ренессансни юзага келтирганлар ҳам шулар эди.

IX–XII асрларда Марказий Осиё шаҳарларининг сон жиҳатидан ўсиши ва ривожланишининг асосий сабабларидан бири – ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва бу билан узвий боғланган равишда ҳунармандчиликнинг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ажралиши эди. Бу даврдаги маданий

<sup>1</sup> Бертельс Д.Е. Предисловие. – С. 11.

<sup>2</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – С. 16.



ва иктисодий ривожланишда огирлик маркази шаҳарларга кўчган бўлишига қарамай, қишлоқлар ҳам улар билан баробар ўсиб боради. Айрим йирик қишлоқлар маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланиши туфайли шаҳарга айланади. Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг барча воҳаларида тўқимачилик, куллочилик, мисгарлик, дурадгорлик ва бошқа ҳунармандчилик соҳаларида муҳим роль ўйнаган кўпгина қишлоқлар пайдо бўлади. Бу вақтларда Марв, Нишопур, Бухоро, Самарқанд, Гурганч каби шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик саноати маркази сифатида катта ўрин тутди. Марказий Осиё шаҳарларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Яқин ва Ўрта Шарк, Ҳиндистон, Шарқий Европа шаҳарларига олиб бориб сотилган. Халқаро савдонинг ривожланиши ҳам бу савдода муҳим роль ўйнаган Марказий Осиё шаҳарларининг ривожланиши ва ўсишида асосий сабаблардан бири бўлди.

Халифаликнинг аввалги икки асрида энг йирик шаҳарлар, асосан, унинг марказий қисмидаги Қоҳира, Дамашқ, Мосул, Бағдод ва Басра бўлса, IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрга келиб, Эроннинг Шероз, Исфохон, Ҳамадон, Рай, Тус, Нишопур ва Марказий Осиёнинг Марв, Балх, Бухоро, Самарқанд, Дарғон, Гурганч, Кот, Бинкат, Ахсикат, Ўзган, Тороз, Фороб шаҳарларида маданият юксалди.

IX–XII асрларда Шаркда юз берган маданий инқилобда Марказий Осиё шаҳарларининг муҳим роль ўйнашига яна бир сабаб, VIII аср ўрталаридан бошлаб Самарқандда қоғоз ишлаб чиқаришнинг жорий қилиниши бўлди. Маълумки, халифаликнинг илк даврларида ёзув материали сифатида Миср папируси ва теридан фойдаланилар эди. «Албатта, бу халифалик худудидаги мамлакатларнинг Мисрга боғлиқлигини тақозо қилар эди. Бироқ Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарилиши бу боғлиқликни йўққа чиқарди»<sup>1</sup>, IX асрда қоғоз фақат Мовароуннаҳрда ишлаб чиқарилар эди. «X асрга келиб Суриядаги Тараблус, Табария ва Дамашқда ҳам қоғоз ишлаб чиқарила бошланди, лекин Самарқанд асосий қоғоз ишлаб чиқариш маркази бўлиб қолаверди»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам халифаликнинг шарқида кўплаб китоб ёзиш имконияти бўлган ва йирик-йирик кутубхоналар юзага келган. Қисқа муддат ичида Марказий Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Марв, Гурганч ва Кот каби шаҳарлари йирик маданият марказларига айланди. Масалан, Марв масжидининг кутубхонаси халифаликдаги энг қадимий кутубхона бўлиб, унга Сосоний подшоҳ Яздигард III томонидан асос солинган ва, ҳатто, XIII аср бошларида ҳам у ерда ўндан ортиқ йирик кутубхона бўлиб, буларнинг фақат биттасидагина ўн икки минг жилд китоб бўлган<sup>3</sup>. Аммо Марв ўзининг кутубхона ва китобларга бойлиги билан ягона эмас эди. X аср охирларида Амир Нух ибн Мансурнинг

<sup>1</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. – С. 371–372.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. – С. 148.

Бухородаги кутубхонаси ҳам дунёдаги энг йирик кутубхоналардан эди. Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида айтишича, кутубхона шунчалик бой бўлганки, унда фаннинг ҳар бир тармоғи бўйича китоблар алоҳида хоналарда жойлашган. Айрим китобларни эса у Рай, Ҳамадон, Қазвин, Исфаҳон шаҳарлари кутубхоналарида ҳам учратмаганлигини айтган<sup>1</sup>. Мазкур кутубхонада у бир ярим йил мутолаа қилган бўлса ҳам, у ердаги китобларнинг фақат маълум бир қисмини ўкиб улгурган, холос<sup>2</sup>.

Мазкур даврда кўшни Шарқ мамлакатларида ва Марказий Осиёда адабиёт ҳам бекиёс ривожланди. Антик давр маданий мероси, Қадимги Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг адабий мероси ҳамда халқ оғзаки ижодига асосланган ҳолда араб, форс ва туркий тилларда ўлмас асарлар яратилди<sup>3</sup>. Адабиёт соҳасида Рудакий, Фирдавсий, Ас-Саолибий, Низомий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби алломалар етишиб чиқди. Шунинг учун ҳам И.С. Брагинский IX–XV асрларни Н.И. Конрад ва Э. Браунга кўшилиб, инсоният маданий ҳаётидаги Ренессанс (Уйғониш)нинг илк даври – Шарқ Ренессанси даври деб қараган<sup>4</sup>.

Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда аниқ фанлар соҳасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Ҳатто, биргина Беруний келтирган маълумотларнинг ўзиёқ бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Уларга кўра, Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида IX асрдаёқ мунтазам астрономик кузатишлар олиб борилган расадхоналар бўлган. Чунончи, Сарахс шаҳрида Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Сарахсий<sup>5</sup>, шунингдек, Абу Маъшар Балхий<sup>6</sup> ва Сулаймон ибн Исмаат ас-Самарқандий Балхда<sup>7</sup>, Мансур ибн Талҳа Марвда мунтазам астрономик кузатишлар олиб борганлар. X–XI асрларга келиб бундай шаҳарларнинг сони ортиб боради. Бу даврда Муҳаммад ибн Али ал-Маккий Нишопурда, Абу-л-Фазл ал-Ҳиравий, Абу Жаъфар ал-Хозин ва Абу Маҳмуд ал-Хўжандий Райда, Абу Наср ибн Ироқ ва Беруний Кот ва Гурганчда, Ибн Сино ва Беруний Гургонда кузатишлар олиб бордилар.

Албатта, IX–X асрларда Марказий Осиё ва халифаликда юз берган маданий юксалиш жараёни асрлар бўйи тўпланган маданий қатламга, тарихий анъаналарга асосланганди. Акс ҳолда, бундай жараён тасодифий бир ҳодиса бўлиб қоларди. Шунинг учун ҳам Н.И. Конрадининг ушбу сўзлари диққатга сазовордир: «Ўрта Осиёдаги илк давлатлар – Хоразм ва Бактрия мил. авв. VII–

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Туркестан I. – С. 54.

<sup>2</sup> Қодирова А. Ибн Сино. 8-б.

<sup>3</sup> Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. 24–26-б.

<sup>4</sup> Брагинский И.С. Из истории. – С. 30–31.

<sup>5</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, II. 57-б.

<sup>6</sup> Ўша китоб. 46, 73, 144-бетлар.

<sup>7</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, I. – Т.: «Фан», 1973. 281-б., Беруний. Геодезия. – Т.: «Фан». 1982. 98-б.

VI асрларда юзага келган. Демак, худди антик давр италян ва юнонлар учун умумий бўлганидек, дунёнинг бу қисмидаги халқлар учун ҳам деярли умумий бўлган ўз антик даври бўлган»<sup>1</sup>.

С.П. Толстов ва Я.Ф. Ғуломов бошчилигидаги археологларнинг Хоразм воҳасида олиб борган қазилмалари шуни кўрсатдики, мил.авв. IV–I асрлардаёқ Хоразм кудратли давлат бўлиб шаклланган, юксак сугориш тизимига асосланган деҳқончиликка эга бўлган<sup>2</sup>. Археологик топилмалар Қадимги Хоразм ва Ўрта Осиёдаги давлатлар Миср, Сурия ва Қора денгиз бўйидаги эллинистик мамлакатлар билан савдо алоқалари ўрнатганлигини кўрсатади<sup>3</sup>. Қадимги хоразмликларнинг ўз тили ва ёзуви бўлиши билан бир қаторда, улар ажойиб тасвирий санъатга ҳам эга бўлганлар.

Шубҳасиз, Қадимги Хоразмда математик ва астрономик билимлар ҳам ривожланган. Албатта, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Абу Райхон Берунийлар аниқ фанлар соҳасида Хоразм, Суғд, Маргиёна ва Бактрияда бўлган қадимги математик ва астрономик анъаналарга асосланганлар.

Биз юқорида эслатган сабаб ва омилар IX–X асрларда Марказий Осиёдаги Уйғониш жараёнини келтириб чиқардики, Беруний бутунлай мана шу шароитда туғилиб ўсди ва вояга етди. Унинг илмий қарашлари ва онги мана шу жараёнда шаклланди, озикланди.

## 1. ОЛИМНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Берунийнинг туғилиш санаси ҳақида яқин йилларгача шарқшунослар орасида ягона фикр йўқ эди. Айрим манбаларда у ҳижрий 362 йил 2 зулҳижжада<sup>4</sup>, бошқаларида эса 3 зулҳижжада<sup>5</sup> туғилган дейилади ва иккала ҳижрий сана ҳам милодий 973 йил 4 сентябрга кўчирилади. Аслида эса, фақат ҳижрий 362 йилнинг 3 зулҳижжаси милодий 973 йил 4 сентябрига тўғри келади. Бу кейинги сана эса биринчи берунийшунос олим Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ғазанфарнинг (1233–1293) Беруний 1036 йил 25 сентябргача ёзган асарларига ўзи тузган фихрист(библиографик рўйхат)ининг бир нусхасига қилган кўшимчасидан олинган бўлиб, Ал-Ғазанфарнинг ўзи бу маълумотни қаердан олганлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқ эди. Лекин «Геодезия»ни Анқарада

<sup>1</sup> Конрад Н.И. Об эпохе Возрождения. – С. 238.

<sup>2</sup> Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма. – С. 97–113. Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳар маданияти ҳақида яна қаранг: Дандамаев М.А. Ахеменидское государство. – С. 94–104; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира. – С. 122–154; Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран. – С. 155–163; Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям. – С. 26–30; Ставиский Б.Я. О кушанской Бактрии. – С. 43–46.

<sup>3</sup> Фрай Р. Наследие Ирана. – С. 29–34; Гулямов Я.Г. Эпоха Абу Райхана Беруни. – С. 34–35.

<sup>4</sup> Муминов И.М. Абу Райхон Беруний – буюк энциклопедист олим. 3-б. Крачковский И.Ю. Беруни и его роль в истории географии. «Бируни» тўплами.

<sup>5</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – С. 26; Абдуллаев И. Сўз боши. 5-б.

арабча нашр этган турк олими Муҳаммад ибн Товит ат-Танжий Берунийнинг «Макола фи ҳикоят тарик аҳл ал-Ҳинд фи истихроҷ ал-умр»<sup>1</sup> рисоласининг нодир қўлёзмасини топиб, унда олимнинг туғилган куни ва жойи ҳақида ўзи келтирган қуйидаги жумлаларни кўрсатган<sup>2</sup>:

”وقت مولدى قد إتقف بمدينه خوارزم التي عرضها في ناحية الشمال ٢٠٤١ وبعدها عن مدينة السلام نحو المشرق ساعة مستوية تامة: وكانت الولادة يوم الخميس ثالث نى الحجة سنة ٣٦٢ هـ.“

«Менинг туғилиш вақтим Хоразм шаҳрида юз берганки, унинг кенгламаси шимол тарафда 41°20` ва Мадинатуссалом [Бағдод]дан шарқ йўналишида узоклиги тўлиқ бир текис соат – туғилишим ҳижрий 362 йилнинг учинчи зулҳижжаси – пайшанба кунига тўғри келган».

Бу иқтибос Танжийнинг хабарига асосланади. Унда келтирилган жумлалар Беруний қачон ва қаерда туғилган деган жумбоқни узил-кесил ҳал қилади. Афтидан, Ал-Ғазанфарнинг маълумоти ҳам мана шу жумлаларга асосланган.

Олимнинг тўлиқ исми – Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний. Бу тўлиқ исмдаги «берун» қисмига келсак, у «ташқари» маъносини билдиради. Бунда ўрта асрларда Хоразмда бўлган анъана акс этган, шунга кўра, Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, хоразмликлар ватанидан узок муддатга, ёки, умуман, хорижга кетиб қолган кишига нисбатан Беруний лақабини ишлатганлар. Кейинчалик бу лақаб олимнинг тўлиқ номига қўшилиб қолган. Бунга далил қилиб шуни келтириш мумкинки, олимни шахсан билган машҳур тарихчи Абу-л-Фазл Байҳақий (вафоти 1077) унга нисбатан Беруний лақабини қўлламай, фақат «Абу Райҳон» деб атайдиган<sup>3</sup>. Олимнинг исмидаги «Абу Райҳон» сўзлари «марҳаматли», «рахмдил» маъноларини билдиради<sup>4</sup>.

Юқорида келтирилган иқтибосдаги «Хоразм шаҳри»га келсак, бу билан олим Хоразмнинг қадимги пойтахти Котни назарда тутати<sup>5</sup>. Қадимги Кот Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган, ҳозирги Беруний (собик Шаббоз) номи билан юритиладиган туман маркази ўрнида бўлган. Қадимда шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг энг баланд еридаги, хоразмшоҳлар саройи жойлашган қисмидаги қўрғон Фир (ёки Фил) деб аталган. Одатда, шаҳар ҳам шу ном билан аталган<sup>6</sup>. Қўрғон Амударё тўлқинлари билан аста-секин ювила бо-риб, 994 йилда бутунлай емирилади<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> «Киши умрини ҳисоблаб чиқаришда ҳинд аҳли усулини ҳикоя қилиш ҳақида мақола».

<sup>2</sup> Бу келтирилган иқтибос Шамсийнинг 82-изоҳда эслатишган биринчи асаридан (182-бет) олинди.

<sup>3</sup> *Бейҳақи. История Масъуда.* – С. 587–589.

<sup>4</sup> *Каримов У. Абу Райҳон Беруний.* 20-б.

<sup>5</sup> *Беруний. Геодезия.* 79-б., 230-изоҳ.

<sup>6</sup> *Ибн Хурдодбех.* 33-б.

<sup>7</sup> *Бартольд В.В. Туркестан.* – С. 199–200.

Х аср охирларида Кот Хоразмнинг энг йирик ва гуллаган шахри эди. Машхур географ Ал-Муқаддасийнинг айтишича, Кот Бухородан ҳам катта бўлган, шаҳарда жоме масжид ва бозорлар кўп бўлган. Шаҳар уламолар, адиблар, ҳар хил мол ва матоларга бой бўлган<sup>1</sup>. Бу эса шаҳар маданиятининг юксаклиги ва ҳаётининг ривожланганлигидан далолат беради. Кот шимолга, Шарқий Европага ҳамда Яқин ва Ўрта Шарққа олиб борувчи савдо йўлларининг кесишиш жойида ўрнашганлиги Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, араб мамлакатлари ва Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида унинг муҳим роль ўйнашига сабаб бўлди. Шаҳарнинг бундай ҳолатига кўра, у ерда кўп мамлакатлардан келган савдогар, хунарманд ва саёҳатчиларнинг доимий бир қатлами муқим бўлиб туриши табиий ҳол эди. Булар эса сиёсий, маданий ва илмий маълумотларнинг манбаи бўлган. Хоразмликлар ҳам, ўз навбатида, узоқ мамлакатларга саёҳат қилган ва савдо муносабатларида бўлган. Хоразмнинг Булгор, Хазар, Русия ва Венгрия билан алоқалари тарих саҳифаларида акс этган<sup>2</sup>.

Берунийнинг болалик ва ўсмирлик йилларида Котда хоразмшоҳларнинг Африғийлар сулоласининг энг сўнги намояндаси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ ҳукм сураб эди.

Беруний болалигининг илк даври ҳақида маълумот сақланмаган. Олимнинг айтишига кўра, отасини ҳам, бобосини ҳам билмаган<sup>3</sup>. Афтидан, у болалигидаёқ егим қолган кўринади. Шу сабабли унинг бошланғич маълумотни қаерда ва кимдан олганлиги ҳақида ҳам хабар йўқ. Ҳар ҳолда, билимга кизиқиш, синчковлик унинг табиатидаги туғма хусусият бўлса керак. Бунга унинг «Сайдана» асарида ёзиб қолдирган қуйидаги сўзлари гувоҳлик беради: «Табиатимга кўра, мен кичиклигимданок ўз ёшимга лойиқ ва шароитга мос билимларга эга бўлишга чанқоқ эдим. Бунга далил қуйидаги [бўла олади]: [ўша пайт] бизнинг ерларга бир румлик кўчиб келди, мен эса унга дон, уруғ, мева ўсимликларини олиб келар, ундан бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўрадим ва уларнинг [номларини] ёзиб олардим»<sup>4</sup>. У ўткир зехни ва истеъдоди туфайли Кот ҳокимлари – Ироқийлар хонадонининг диққатини ўзига жалб қилади. Бу ҳақда олим бундай деган:

*Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам  
Ўтди неъмат соясида кўп оним.  
Боқди Ироқ оиласи сут билан,  
Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним<sup>5</sup>.*

<sup>1</sup> Ўша асар. 200-б.

<sup>2</sup> Толстов С.П. По следам ... – С. 221–133; Путешествие Абу Хамида ал-Гарнати. – С. 40–50.

<sup>3</sup> Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература IV. – С. 245; Крачковский И.Ю. Беруни и его роль в истории географии. – С. 56.

<sup>4</sup> Беруний. Сайдана. 139-б.

<sup>5</sup> Булгаков П.Г. Абу Райхон Беруний. 8-б.

Бу мисраларда хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг амакиси Али ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ҳақида сўз кетаётир. Берунийнинг келтирилган сўзларига кўра, унинг биринчи устози ва тарбиячиси Абу Наср ибн Ироқ бўлган дейилади. Абу Насрнинг туғилган йили ҳозиргача номаълум. Бироқ Хайриддин аз-Зириклининг маълумотиغا кўра, у 1034 йили Ғазнада вафот этган<sup>1</sup>. Агарда Абу Насрнинг бобоси Ироқ X аср бошида хоразмшоҳ бўлганлигини ҳамда унинг ўғли, яъни Абу Насрнинг амакиси – Муҳаммад ибн Ироқни машҳур сайёҳ ва географ Ибн Фазлон 921–922 йиллар<sup>2</sup> Хоразм тахтида кўрганлигини эътиборга олсак, X аср охирида Абу Наср 50 ёшлар атрофида бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. У ҳолда, Беруний туғилган пайтда Абу Наср 25 ёшларда бўлади.

Абу Наср ибн Ироқ ўз замонасининг атоқли математики ва астрономи эди. Умар Хайёмнинг айтишича, у «математика билан шуғулланган олимларнинг энг буюғи эди»<sup>3</sup>. У ясси ва сферик синуслар теоремасининг илк исботини берган. Абу Наср ўн бешга яқин йирик асар ёзган бўлиб, улардан машҳурлари – Менелайнинг «Сферика»сига ёзилган шарҳ, хоразмшоҳ Али ибн Маъмунга бағишланган «Ал-Мажист аш-Шоҳий» асари, Абу Жаъфар ал-Хозиннинг «Зиж ас-сафоих»ига ёзилган тузатиш, Ҳабаш ал-Ҳосибнинг «Эфемеридалар жадвалидаги амалларнинг исботи ҳақида рисола», «Ас-Саратоний астурубоби ҳақида рисола»га изоҳлар, «Замоний соатларни чегараловчи доиралар ҳақида рисола»га изоҳлар ва бошқалардир<sup>4</sup>. Абу Наср асарларининг ўн иккитасини шогирди Берунийга бағишлаган<sup>5</sup>.

Беруний мана шу сиймонинг таълим-тарбиясини олиб, етук олим бўлган ва умрбод ўз устозини чуқур ҳурмат ва мамнуният билан эслаган.

Яқин пайтларгача Беруний 18–21 ёшлар орасида мустақил ҳаёти ва ижодини бошлаган, деб кўрсатилар эди. Лекин бунга ишонарли, аниқ далил келтирилмасди. П.Г. Булгаков «Геодезия»нинг русча таржимасини нашрга тайёрлаш жараёнида олимнинг таржимаи ҳолига алоқадор ушбу жумлаларни учратади. «... Ёшлик йилларимда мен топган миқдор шунга мос келади: ўйлайманки, бу хижрий уч юз саксонинчи йилда ёки шунинг атрофида бўлган бўлса керак. Мен ўша [шаҳар]да иккала тенгкунликнинг ҳар бирида Қуёшнинг тушдаги баландлигини даражанинг ярмидан бошқа бўлақларини топишга имкон бермайдиган ҳалқа ёрдамида Ҳабаш ал-Ҳосиб зижига кўра аниқладим ва уни 48030' деб топдим»<sup>6</sup>. Бу ерда эслатилган хижрий 380 йил милодий 990 йилга тўғри келади. Беруний ушбу асарида Искандарнинг 1300 йили 10, 23

<sup>1</sup> Зирикли. Ал-Аълам. VIII. 240-б.

<sup>2</sup> Ибн Фазлон. 21, 123-бетлар.

<sup>3</sup> Умар Хайём. Трактаты. – С.104; Матвиевская Т.П. Учение о числе. – С. 86.

<sup>4</sup> Зирикли. Ал-Аълам. Ж. VIII. 240-б. Солиҳ Закий. Осори боқия. Ж. I. 169-б.

<sup>5</sup> Беруний. Рўйхат. 241-б.

<sup>6</sup> Беруний. Геодезия. 180-б.

таммузида, демакки 989 йил 10, 23 июлида, яъни ҳали 16 га тўлмасидан, Шом Сириуси ва Яман Сириуси юлдузларини кузатганини айтган<sup>1</sup>. Демак, Беруний ўша йили баҳорги ва кузги тенгкунликларни ўлчаган пайтларида 16–17 ёшларда бўлган. Бундан ташқари, бу иқтибосдан кўринадики, Беруний ўспиринлик чоғидаёқ ёриткичларнинг баландлигини ўлчайдиган астрономик асбоб ясай олган ва, ҳатто, кўп йил ўтганидан кейин ҳам ёшлигида топган натижасининг аниқлигига таянган. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай зиждан, жумладан, энг аввалги зижлардан бўлмиш Ҳабаш ал-Ҳосибнинг «Зиж»идан фойдаланишнинг ўзи астрономиядан чуқур назарий ва амалий билимларни билишни талаб қилади. Демак, Беруний 16–17 ёшларидаёқ астрономия ва математика соҳасида етук олим бўлиб шаклланган. Албатта, Берунийнинг бундай эрта олим бўлиб етишишида Абу Наср ибн Ироқнинг роли катта бўлган. Беруний ўз устози раҳбарлигида астрономия ва математикани чуқур ўрганиб, ҳижрий 384, милодий 994 йили эклиптиканинг осмон экваторига оғиш бурчагини ўта аниқлик билан ўлчайди. Бу ҳақда у ўз «Геодезия»сида муфассал ёзган<sup>2</sup>, у ўша ўлчашида мазкур бурчакни  $23^{\circ}35'45''$  топган. Ўша асарида келтирган яна бир хабарига кўра<sup>3</sup>, Беруний 994–995 йилларда ёзги ва қишки Куёш туришларидаги баландликни ўлчаган ва бунинг учун у диаметри 15 газ (қарийб 7,5 м) келадиган доиравий асбоб ясаган. Астрономик кузатишларни ёшлигидан бошлаганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи қуйидаги сўзларни ҳам у «Геодезия»да айтган: «Шунга ўхшаш Куёш тутилишларини ёшлик чоғларимда кузатаверганимдан кўришим ёмонлашиб қолди»<sup>4</sup>.

Шубҳасиз, Беруний ёшлик чоғларидаёқ фаннинг математика, астрономия ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларидан ташқари, бошқа тармоқларидан ҳам чуқур билимларга эга бўлган. Энг аввало, унинг кўп тилларни билганлиги диққатга сазовордир. Олимнинг барча асарлари араб тилида ёзилганлигига қараганда, у ўша даврнинг ислом тарқалган ерлардаги асосий илмий тил бўлган араб тили ва унинг грамматикасини ҳар томонлама чуқур билган. Унинг «Минералогия», «Ҳиндистон» ва бошқа асарлари олим араб поэзиясини, ундаги вазнларни ҳам мукаммал билганлигидан далолат беради. «Ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий», «Сайдана» каби асарлари Беруний хоразмий, суғдий, форсий-дарий ва бошқа маҳаллий тилларни ҳам билганлигини кўрсатади. У «Сайдана»да айтишига кўра<sup>5</sup>, ёшлигида Хоразмда яшаган «румлик»дан юнон тилини ўрганган, эҳтимол, ўша пайтлардаёқ Хоразмдаги хинд савдогарларидан санскрит тилини ҳам ўргангандир<sup>6</sup>. Олимнинг ёшлик

<sup>1</sup> Қуйида 1387-изоҳга қаранг.

<sup>2</sup> Беруний. Геодезия. 89-б.

<sup>3</sup> Ўша асар. 105-б.

<sup>4</sup> Беруний. Геодезия. 133-бет.

<sup>5</sup> Беруний. Фармокагнозия. 139-б.

<sup>6</sup> Shamsi F.A. Abu al-Rayhan al-Bayruni. – P. 194–195.

йилларида мазкур тилларда ёзилган тарихий асарлардан хабардор бўлганлиги «Ёдгорликлар»да (1000–1003 йилларда ёзилган) ўз аксини топган.

Ўша даврда, яъни 995 йилгача Беруний астрономия, география ва геодезиянинг амалий масалаларини ҳал қилиш билан бирга, Марказий Осиёда биринчи марта Ер глобусини ясади. Бу ҳақда у ўзининг «Картография» номли асарида хабар қилган<sup>1</sup>. Рисоланинг бошланишида «Хожамиз хурматли амир, адолатли подшоҳ, валинеъмат хоразмшоҳ»<sup>2</sup> эслатилади. «Картография»ни биринчи марта ўрганган ва 1922 йили уни қисман немисчага таржима қилган Ҳ. Зутер<sup>3</sup> бу хабарга негадир аҳамият бермаган.

Беруний «Картография»да «яссиланган (*мубаттаҳ*) астуурлоб» ҳақида сўзлаётиб, бундай «астуурлоб яшаш ва унинг ҳақиқатини баён этиш хусусида бундан кейин, худо хоҳласа, бир китоб ёзаман»<sup>4</sup>, дейди. Унинг «Астуурлоб яшашнинг мумкин бўлган барча усуллари қамраш ҳақида»ги китобининг бир боби шундай астуурлобга бағишланган<sup>5</sup>. Бу рисола эса у «Ёдгорликлар»да эслайди<sup>6</sup>. Демак, бу рисола 1000 йилгача ёзилган. У ҳолда «Картография» ундан аввал, 995 йилгача, яъни хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ даврида ёзилган бўлиши мумкин ва рисола унга бағишланган.

Шундай қилиб, «Картография» 995 йилгача ёзилган бўлиб, у олимнинг бизгача етиб келган асарларининг энг қадимгиларидандир.

Беруний «Картография»да бундан ҳам аввал ёзган яна икки асарини эслатади; буларнинг бири «Глобус яшаш китоби»<sup>7</sup> бўлиб, у фақат «Картография»да эслатилган. Иккинчиси «Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгламаларини аниқлаш ҳақида мақола»<sup>8</sup> дейилиб, у Беруний рўйхатида келтирилган.

Бундан кўринадики, Беруний 20 ёш атрофида, яъни феноменал ёшдаги йилларида камида учта илмий асар яратган бўлиб, бу кишини фақат ҳайратда қолдириши мумкин.

Шундай қилиб, ёш олим 20–22 ёшларида Шарқда биринчи марта Ер ва осмон глобусларини ясаган ва бир неча асар ёзиб улгурган. Бироқ кўкқисдан юз берган фалокат уни ғафлатда қолдириб, бир неча йиллик меҳнати самаларини йўққа чиқаради. Олим тез кунлар ичида ватани Хоразмни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

<sup>1</sup> Беруний. Картография. 257-б.

<sup>2</sup> Беруний. Ўша асар. 244-б.

<sup>3</sup> Suter H. Über die Projektion... – P. 79–93.

<sup>4</sup> Беруний. Картография. 249-б.

<sup>5</sup> Беруний. Рўйхат. 234-б; Wiedemann, Frank. Allgemeine Betrachtungen von Al Berunis. P.–17–121.

<sup>6</sup> Беруний. Ёдгорликлар. 415-б.

<sup>7</sup> Беруни. Картография. – С. 303.

<sup>8</sup> Беруний. Картография. 257-б. Беруний. Рўйхат. 232-б. 4-рақамда эслатилган.



995 йили ўзаро ички низолар туфайли Сомонийлар давлати бутунлай заифлашганини сезган Гурганч амири Маъмун ибн Муҳаммад Сомонийларга содик бўлган хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг пойтахти Котга кўкқисдан бостириб келиб, уни асир олади ва Гурганчга олиб бориб, ўша ерда қатл қилади. Сўнгра у пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади.

Ўша йили 21–22 ёшлардаги Беруний етук олим сифатида танилган эди. Ирокийлар хонадонига яқинлиги ва ўтқир идроки туфайли Беруний хоразмшоҳ саройига яқин бўлган ва пойтахт Котнинг сиёсатида кўзга кўринган шахслардан бири эди. Албатта, Котнинг сиёсатига алоқадор бўлган Берунийнинг мазкур вазиятда пойтахтда қолиши ҳаёти учун хавфли эди. Шунинг учун у аввалига шаҳарда беркинишга, сўнгра ватанини ташлаб, муҳожирликка юз тутишга мажбур бўлади.

995 йили Беруний Каспий денгизидан жанубдаги Рай шаҳрига кўчади. Бу ерда у X асрнинг машҳур астрономи Абу Маҳмуд ал-Хўжандий билан ҳамкорлик қилади. Сўнгра 997 йили Котга қайтиб келади. Сабаби, бундан бир оз аввал Бағдодда турган Абу-л-Вафо ал-Бўзжоний билан мактуб орқали ўша йили юз берадиган Ой тутилишини Абу-л-Вафо Бағдодда ва Беруний Котда туриб кузатишга келишиб олишган эди. Худди ўша 997 йили Гурганчдаги хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этиб, ўрнига ўғли Али ибн Маъмун ўтирган эди. Афтидан, Беруний бу хоразмшоҳ билан ҳам яхши муносабатда бўлмаган кўринади. Чунки Беруний ал-Бўзжоний билан келишилган Ой тутилишини кузатганидан сўнг, Котда узоқ муддат қолмади ва 998 йили Гургон амири Қобус ибн Вашмгирнинг таклифи билан унинг ҳузурига кетади.

Аввалига Қобус олимнинг илмий ишларига хайрихоҳлик билдиради ва унга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Беруний ҳокимнинг бу хислатлари эвазига ўзининг энг йирик асарларидан бири – «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»ни унга бағишлайди. Умуман, Берунийнинг Гургонда бўлган йиллари самарали ўтган кўринади: у 15 та асарини шу ерда ёзади. Бироқ Қобус ибн Вашмгирнинг илм-санъатга муҳаббати ва хайрихоҳлигидан шухратпарастлиги устун келиб, Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, у Берунийдан фақат ўзи билан бирга бўлишни ва саройда умрбод қолишини талаб қилади<sup>1</sup>. Олим эса бундай талабни рад этади ва шу сабабли яна хотиржамлигини йўқотади<sup>2</sup>. Қобуснинг лутф ва муруввати қаҳр ва ғазабга алмашиниб, олимга бўлган хайрихоҳлик ҳамда моддий ёрдамини тўхтатади. Натижада Беруний илмий изланишларини давом эттира олмайди, жумладан, Ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчаш учун қилган энг биринчи ҳаракати зое кета-

<sup>1</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – С. 75.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 75–76-бетлар.

ди. Бу ҳақда у «Геодезия»<sup>1</sup>да, кейинчалик «Қонуни Масъудий» асаарида ҳам куюниб баён қилган<sup>2</sup>.

Бундай шароитда Берунийнинг Гургонда қолиши хавфли эди. Шунинг учун ҳам у Хоразмга қайтишга қарор қилади.

Беруний Гургондан қачон кетгани ва Хоразмга қачон келгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин фақат «Қонуни Масъудий»да келтирилган ва кўпчилик берунийшунослар яқин йилларгача аҳамият бермаган бир хабарга кўра, у Хоразмга, бу гал янги пойтахт Гурганчга 1004 йилнинг бошларида келганлиги аниқланади. «Қонуни Масъудий»да у учта Ой тутилишини кузатганлигини, буларнинг аввалги иккитасини ҳижрий 393 йили рабиъ ал-охир ойининг 14-си ва шаввол ойининг 13-сида, яъни милодий 1003 йилнинг 20 февраль ва 15 август кунлари Журжонда (Гургонда), учинчисини эса Гурганчда кузатганлигини айтади<sup>3</sup>.

Ал-Журжония – Гурганч 995 йилдан бошлаб Хоразмнинг пойтахти саналади. Кузатиш ҳижрий 394 йилнинг 14 рамазонида, милодий 1004 йилнинг 5 июлида бўлган. Демак, бундан Беруний 1003 йилнинг охири ёки 1004 йилнинг бошларида Гурганчга келганлиги аниқланади. Маълумотларга кўра, Берунийни Гурганчга бу ерга 1002 йили келган Абу Али ибн Сино ва унинг устози, машҳур табиб ва файласуф Абу Саҳл Масихийларнинг илтимоси билан хоразмшоҳ Абу-л-Ҳасан Али ибн Маъмун таклиф қилган. Гурганчда Беруний Абу Али ибн Сино ва Абу Саҳл Масихийдан ташқари устози Абу Наср ибн Ироқ ҳамда математик ва табиб Абу-л-Хайр Хамморни учратади. Шундай қилиб, 1004 йилнинг ўрталарига келиб Гурганчда, кейинчалик «Ал-Маъмун академияси» номини олган илмий муассаса шаклланади. Беруний Хоразмга келганининг дастлабки йилларидаги фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Фақат у Яздигарднинг 378 йили 21 тир моҳда, яъни милодий 1010 йил 2 июнда Симок ал-Аъзал (Қуролсиз Симок) юлдузини кузатганлиги ҳақида «Қонуни Масъудий»да айтган<sup>4</sup>.

Маъмунийлардан энг сўнги хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун даврида, яъни 1010 – 1017 йилларда Берунийнинг илмий машғулотлари учун катта имкониятлар юзага келади. Олимнинг 995 йили Хоразмдан чиқиб кетганидан кейинги аҳволи ва Хоразмда учинчи бор бўлиши шароитини ўзи «Геодезия»да қуйидагича баён қилади: «Шундан сўнг токи замон тақозоси билан [тартиб] яна тикланмагунича, мен бир неча йил қарор тополмай юрдим. Гарчи жоҳил ва нодон кишилар менга ҳасад қилган ҳамда оқил кишилар [ишларда] менга ҳамдард бўлган бўлсалар ҳам, мен дунёнинг ишларидан қаттиқ

<sup>1</sup> Беруний. Геодезия. 215-б.

<sup>2</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, I. 388-б.

<sup>3</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, II. – Т.: «Фан», 1976. 128-б.

<sup>4</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, II. – Т.: «Фан», 1976. 89-б.

нафратландим. Сўнгра шахид хоразмшоҳ амир Абу-л-Аббоснинг даврида астрономик кузатиш ишлари учун бир оз бўш вақтга эга бўлдим»<sup>1</sup>.

Ўша даврда хоразмшоҳ саройида илмий ишларга шароит яратилишига Гурганчда Берунийдан ташқари Абу Наср ибн Ироқ, Ас-Саолибий, Ибн Мискавайх, Абу Али ибн Синодек олимларнинг бўлиши ва улар атрофида «Ал-Маъмун академияси»нинг шаклланиши сабаб бўлган.

Шу йилларда олим маъданлар, кимматбаҳо тошлар ва минераллар устида тажрибалар олиб боради, уларнинг солиштирма оғирликларини ўлчаш билан қизиқади ҳамда физика ва минералогия тарихида биринчи марта солиштирма оғирликни аниқ ўлчайди. Ўз тадқиқотлари натижасини у «Жавохирлар ва металлларнинг ҳажмлари орасидаги нисбат ҳақида мақола»<sup>2</sup> номли махсус рисолада баён қилади.

Берунийнинг Хоразмдаги бу галги энг жадал астрономик кузатишлари 1016 йилга тўғри келади. Шу йилнинг ўзида у 14 та кузатишни амалга оширади. Булардан бештаси июнь ойида, биттаси июль, иккитаси август, тўрттаси сентябрь, биттаси ноябрь ва биттаси декабрь ойида бўлган. Шунингдек, хижрий 407 йил 4 ражаб ойида, милодий 1016 йил 7 декабрда<sup>3</sup> Хоразмдаги кузатиш жараёни энг охиргисидир. Бу кузатишларда Беруний астрономия, география ва геодезияга оид комплекс масалаларни, жумладан, тенгкунлик ва Қуёш ҳолатларини, Қуёшнинг энг катта ва энг кичик баландликларини, эклиптиканинг осмон экваторига оғиш бурчагини ҳамда шаҳарнинг маҳаллий вақтини аниқлайди. Шу кузатишлари натижасини у ўша йили ёзган «Қуёш ҳолатини аниқлаш усули» номли рисоласига киритади<sup>4</sup>.

Бироқ 1017 йилдан Хоразм учун ҳалокатли ва Беруний ҳаётида оғир палла бошланади. Мазкур йил, тўғрироғи, ундан аввалги йил охирларида хоразмшоҳ саройида рақобат кучайиб, сарой аъёнлари хоразмшоҳдан четлашади ва Маъмун улар билан аразлашиб, фақат Берунийни ўзига яқин тутади ва уни сиёсий маслаҳатчи қилиб олади. Беруний бизгача тўла ҳолда етиб келмаган «Хоразмнинг машҳур кишилари» асарининг бир парчасида айтишича, хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун «олим, шавкатли, фаол ва ишларда саботли»<sup>5</sup> бўлса ҳам, кўп вақтини ва молу мулкани айшу ишратга сарфлар ҳамда Хоразм давлатининг хўжалик ишлари ва сиёсий аҳволи билан кайғурмас эди. Хоразмшоҳнинг мана шу нуқсонлари Хоразм давлатини ҳалокатга олиб келди ва ўз ҳаётининг кушандасига айланди.

Ўша 1017 йилнинг мартада кўзғолон кўтарган шаҳарликлар хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмунни қатл қиладилар, шаҳарда ва мамлакат-

<sup>1</sup> Беруний. Геодезия. 130-б.

<sup>2</sup> Беруний. Рўйхат. 236-б.

<sup>3</sup> Беруний. Рўйхат. 61-б.

<sup>4</sup> Беруний. Геодезия. 121-б.

<sup>5</sup> Байхаки. История Масъуда. – С. 588.

да катта тартибсизликлар бошланади. Бирок Маъмуний хоразмшоҳларнинг охиргиси бўлмиш Абу-л-Аббос жанубдаги кудратли Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг синглисига уйланган эди. Маҳмуд куёв учун қасос олиш баҳонаси билан катта лашкар тўплаб, Гурганча келади. У исёнчи ва ифвогарларни дорга осадди, 1017 йилнинг охиригача Хоразмда бўлиб, тартиб ўрнатилганига ишонгач, яна Ғазнага қайтади. Султон ўзи билан бирга Абу Наср ибн Ироқ ва Берунийни ҳамда кўплаб асирларни олиб кетади<sup>1</sup>. Олиб кетилган асирлар шу қадар кўп эдики, улар турна қаторининг охири Жайхун (Амударё)да бўлганида, боши Лоҳур ва Мўлтонга етган эди<sup>2</sup>. Шундай қилиб, олим ҳаётининг Ғазнадаги даври бошланади.

Ғазнадаги дастлабки йиллар Беруний учун оғир кечади. Олимнинг бу йиллардаги ахволи ҳақида бизгача етиб келган хабарларга кўра, унинг ҳаёти бир неча бор хавф остида қолган. Султон Маҳмуд атрофида тўпланган илмга алоқадор шахслар орасида ҳақиқий олимлар билан бир қаторда, илм ниқоби билан ўралган, аслида эса жаҳолат либосини кийган, қаллоб ва ғайриилмий шахслар ҳам бор эди. Улар султон олдида обрў-эътиборга эга бўлиб, Маҳмуд уларнинг гапига кулок солар эди. Улар ўз кирдикорларининг фош этилишидан кўрқиб, Ғазнага келган Берунийни таъқиб остига оладилар. Беруний «Геодезия»га ёзган сўзбошисида бундай шахсларни тарих ва келажак авлодлар олдида шафқатсиз қоралайди<sup>3</sup>.

Бирок Султон Маҳмуд саройида вазир Хожа Ҳасан каби олимга хайрихоҳлик билдирувчи кишилар ҳам бор эди. Улар султон олдида Берунийни ҳимоя қилиб, хавфни бартараф этадилар. Шундай оғир шароитга қарамай, олим илмий изланишларини давом эттиришга бел боғлайди.

Беруний Ғазнага келиб «Геодезия»ни ёзишга киришади ва айни вақтда, «Хоразмнинг машҳур кишилари» номли тарихий асари устида ҳам ишлайди. Абу-л-Фазл Байҳақий ўша асардан келтирган парчага кўра<sup>4</sup>, асарда Хоразмнинг қадимги даврдан то 1017 йилгача бўлган тарихи баён қилинган.

Беруний Ғазнада 1019 ва 1020 йиллари бир қатор астрономик кузатишларни амалга оширади – 1019 йилнинг март ва сентябрларида тенгкунликларни<sup>5</sup>, Ой ва Қуёш тутилишларини кузатади, 1020 йилнинг июнь, июль, ноябрь ва декабрь ойларида Қуёш баландликларини ўлчайди<sup>6</sup>. Шу йили у кузатишлар ёрдамида Ғазнанинг географик координатларини ҳам ҳисоблайди<sup>7</sup>.

Беруний 1020 йилнинг 5 декабридаги кузатиш билан «Геодезия»ни ёзиб тугатган сана – 1025 йил 20 сентябрь орасидаги йилларни Ҳиндистонда ўт-

<sup>1</sup> Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей, или Четыре беседы // Перевод С.И. Баевского и З.Н. Ворожейкиной, – М.: ИВЛ, 1963. – С. 114.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Беруний. Геодезия. 22–23-бетлар.

<sup>4</sup> Бейхақи. История Масъуда. – С. 587–608.

<sup>5</sup> Беруний. Геодезия. 292, 302-бетлар.

<sup>6</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, I. 282–308-бетлар.

<sup>7</sup> Беруний. Қонуни Масъудий, II. 42-б.

казган<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, у шу йиллар орасида Ҳиндистондаги (ҳозирги Покистоннинг шимоли-шарқида) Нандна қалъасида ўлчамларни топиш билан шуғулланади. Бу ўлчовлар натижасида у Нанднанинг географик кенгламасини (32°) топади. Шу кенглама учун у Ернинг ўлчамларини ҳам аниқлайди ва меридианининг бир даражаси узунлигини 55°53'15" мил деб топади<sup>2</sup>. Бу эса ўз даври учун катта аниқлик эди. Олим «Фуррат аз-зижот» асарида эслатишча, ўша ерда ҳижрий 416 йил 27 сафарда – милодий 1025 йил 29 апрелда ҳилолни кузатган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, мана шу санани Беруний ўша куни Маҳмуд Ғазнавий билан Юсуфхон Қорахонийнинг Самарқанд яқинида учрашиш ва битим тузиш санаси деб кўрсатган<sup>4</sup>. «Геодезия»дан кейин Ғазнада ёзилган йирик асарлари қаторида 1027 йилнинг августида ёзиб тугатган математик асари – «Доирадаги ватарларни унга ички чизилган синиқ чизиқнинг хоссалари ёрдамида аниқлаш» (қисқача: «Ватарлар») рисоласи ҳам бор. Бу асарнинг муҳим аҳамияти шундаки, Беруний унда Ўрта Осиё ва хуросонлик фанга номаълум ёки кам маълум бўлган олимларнинг номларини қайд этади ва уларнинг математик ижоди ҳақида хабар беради, айрим олимлар ҳақида янги маълумотлар келтиради.

1029 йилнинг охирида Беруний йирик асари «Юлдузшунослик санъати негизларини тушунтириш китоби» («Тафҳим»)ни ёзиб тугатади. Асарнинг форсча таржимаси ҳам мавжуд. Ҳозирги кунгача унинг 14 арабча ва 21 форсча нусхалари сақланган. 1934 йили биринчи марта Р. Райт унинг инглизча таржимасини арабча факсимилеси билан биргаликда нашр қилди<sup>5</sup>. 1940 йили Эрон олими Жалол Хумойй «Тафҳим»нинг форсча илмий нашрини чоп этди<sup>6</sup>. Ҳозирги кунда унинг тожикча<sup>7</sup> ва русча нашрлари ҳам мавжуд<sup>8</sup>. Ушбу сатрлар муаллифи 2006 йили унинг ўзбекча нашрини чоп этди<sup>9</sup>.

«Тафҳим»да Беруний математика, астрономия, география, хронология ва астрологиянинг бошланғич тушунчаларини савол ва жавоб тарзида баён қилган.

Беруний Ҳиндистондалик чоғларида ҳинд олимлари билан мулоқотда бўлади ва ёшлигида ўз юртида ўрганган, ҳиндларда илм тили саналган санскрит тилини янада чуқурроқ ўзлаштиради. Санскритчада ёзилган ҳинд илмий асарларини таҳлил қилади. Бу изланишлар натижаларини у 1030 йили ёзган «Ҳиндистон» асарида<sup>10</sup> баён қилади. Асардан Беруний ҳиндларнинг урф-одат-

<sup>1</sup> Булгаков П.Г. Предисловие. – С. 18–19; Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – С. 142–143.

<sup>2</sup> Беруний. Геодезия. 223–6.

<sup>3</sup> Rizvi. Millenary. – P. 3, 307.

<sup>4</sup> Беруний. Рўйхат. 236–6.

<sup>5</sup> Abu-l-Rayhan al-Biruni. The book of instruction.

<sup>6</sup> ابو الريحان البيروني كتاب التفهيم لاولاد الصناعات ...

<sup>7</sup> Абу Райхон Беруний. Китоб ут-тафҳим.

<sup>8</sup> Беруни. Наука о звездах.

<sup>9</sup> Беруний. Тафҳим.

<sup>10</sup> Беруний. Ҳиндистон. Тошкент, 1965.

лари, дини ва фанига оид адабиётларни яхши билганлиги кўринади. Шуни айтиш керакки, «Ҳиндистон»да Беруний қарийб 180 та ҳинд асарини эслатади, булардан талай қисми ҳинд астрономиясига оиддир. Султон Маҳмуднинг Ҳиндистонга қилган 16 та юришида иштирок этган Беруний ҳинд фани ва маданиятини чуқур ўрганиб, таҳлил қилади, уларнинг баъзи камчиликларини танқид остига олса, баъзиларига юксак баҳо беради, ардоқлайди. Унинг «Ҳиндистон»и бунинг ёркин ифодасидир. Беруний фан тарихида биринчи марта Птолемейнинг «Ал-Мажистий»си, Евклиднинг «Негизлар»и ва ўзининг астуриоб ҳақидаги асарларини санскритчага ва ҳиндларнинг «Карана тилака»<sup>1</sup>, «Арканд», «Кҳандакҳадяка» асарларини араб тилига ўгиради.

1030 йили Султон Маҳмуд вафотидан сўнг олимнинг ҳаётида янги давр бошланади. Маҳмуднинг кичик ўғли Муҳаммад валиаҳд деб эълон қилинганлигига қарамай, катта ўғли Масъуд тахт учун курашиб, бир неча ой султон бўлиб турган укаси Муҳаммадни тахтдан туширади ва ўзи ўтиради (1030–1041). Шундан сўнг Берунийнинг ҳаётида кескин бурилиш ясалади. Султон Масъуд олимни ўзига яқин тутуди ва унга ҳомийлик қилади. Ёқут Ҳамавийнинг хабар беришича, олим билан бўлажак султон Масъуд орасида илгаридан яхши муносабат бўлган. Беруний унга араб тилини ўргатган, астрономия ва бошқа аниқ фанлардан таълим берган<sup>2</sup>. Бунинг эвазига Масъуд унга хайр-эҳсонини аямаган<sup>3</sup>. Беруний «Қонуни Масъудий»нинг сўзбошисида айтишича, Масъуд унинг илмий ишларига шароит яратган ва ўзига яқин тутиб, моддий жиҳатдан қўллаб турган<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам олим ўзининг 1037 йилда ёзиб тугатилган энг йирик астрономик асарини унинг номи билан «Ал-Қонун ал-Масъудий» деб атаган.

«Қонуни Масъудий» ҳақли равишда ўрта аср Шарқ астрономиясининг энциклопедияси ҳисобланади<sup>5</sup>. Беруний бу асарда Қадимги Бобил подшоҳи Набонассар (Бухтунассар, мил.авв. 747–735) давридан то милодий 1030 йилларгача бўлган Шарқ ва Ғарбдаги астрономик кузатишлар, шу жумладан ўзининг кузатишлари натижаларини танқидий равишда баён қилади. Ўн бир мақоладан иборат бу асарнинг математикага оид учинчи мақоласида биринчи марта радиуси 1 бўлган айланани қўллайди ва сон тушунчасини кенгайтиради, сферик ва ясси синуслар теоремаларини исботлайди. Беруний олам тузилиши геоцентрик назариясини баён қилган бўлса ҳам, астрономияда бир қанча янги фикр ва ғояларни илгари суради. Шу жумладан у Қуёш апогейининг ҳаракатланувчанлигини исботлайди ва унинг моҳиятини кўрсатади. Бир

<sup>1</sup> Rizvi. Unique and unkroven book of al-Beruni.

<sup>2</sup> Беленицкий А.И. Очерки жизни и трудов Беруни. – С. 283.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Biruni. Al-Qanun-i-Mas'udi. – P. 3.

<sup>5</sup> Беруний «Қонуни Масъудий»сининг ўрганилиш тарихи ва унга оид Библиография асарининг I ва II жилдларига ёзилган сўзбошида келтирилган.

даражали ёйнинг синусини ўз даври учун катта аниқликда ҳисоблайди ва энг мукаммал бўлган (1029 та) юлдузлар жадвалини келтиради.

«Қонуни Масъудий» астрономия тарихида чуқур из қолдирган. Унда баён этилган қонун, қоидалар ва юлдузлар жадвали кейинроқ Носириддин Тусий (1201–1273/74) ва Мирзо Улуғбек (1394–1449) «Зиж»ларида дастур тутилади. «Қонуни Масъудий»дан эса Тусий ва Улуғбек расадхоналарида астрономия-дан асосий қўлланма сифатида фойдаланилади.

Ҳижрий 427 йилнинг охири, яъни милодий 1036 йил сентябрда Беруний Х асрнинг машхур файласуф, кимёгар ва табиби Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий асарларининг рўйхатидан иборат рисоласини ёзиб тугатади<sup>1</sup>. Бу рисолада у мазкур вақтгача ўзи ёзган ва ёзаётган асарлари рўйхатини ҳам келтиради<sup>2</sup>. Рисолага ёзган қисқача сўзбошисидан Беруний 1030 йилларнинг бошида ўз ватани Хоразмга бориб келгани англашилади<sup>3</sup>. Бу даврга келиб Берунийнинг соғлиғи анча заифлашган эди ва шу сабабли ўзининг энг севимли машғулоти бўлмиш астрономик кузатишлардан тобора узоқлаша борди. Шунинг учун бўлса керак, 1040 йили султон Масъуд салжукий туркларга асир тушиб ҳалок бўлганидан кейин паноҳ излаб бошқа даргоҳга кетмайди ва умрининг қолган қисмини Масъуднинг ўғли Мавдуд даврида ўтказади.

Кекса олим умрининг қолган йилларида (1041–1048), асосан, минералогия ва доришунослик билан шуғулланади. Беруний бу даврда ёзган асарларидан иккита энг йириги диққатга сазовордир. Буларнинг биринчиси «Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами» (қисқача: «Минералогия») деб аталган бўлиб, олим унга бутун умри давомида маълумот тўплаган. Беруний болалик чоғларида Хоразмда, кейинчалик Рай, Журжон, Ҳиндистон ва Ғазнада бўлган йилларида ҳам қимматбаҳо тошларнинг хусусиятлари, улар қазиб олинadиган ерлар ва бундай маъданлар ҳақидаги ривоят, ҳикоя ва маълумотларни тўплайди, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини ўрганади. Қарийб 70 йиллик изланишлари натижасини у ўз «Минералогия»сида баён қилади. Асарда Беруний жисмларнинг оғирлиги, ҳажми ҳақида тушунча беради, 50 дан ортиқ модданинг зичлиги ва солиштирма оғирлигини фан тарихида биринчи марта ҳозирги замон аниқлиги билан ҳисоблайди, қаттиқ жисмлар ва суюқликларнинг солиштирма оғирликларини ўлчашга мўлжалланган махсус асбоблар ясайди ва уларнинг тавсифини келтиради<sup>4</sup>.

Олимнинг энг сўнгги асари «Табобатда доришунослик» (қисқача: «Сайдана») бўлиб, шу асарнинг тадқиқотчиси У.И. Каримовнинг фикрича, муал-

<sup>1</sup> Розий ва Беруний муносабатлари ҳақида қаранг: *Булгаков П.Г.* Жизнь и труды Беруни. – С. 280–290; *Ҳикматуллаев Ҳ.* Розий ва Беруний. 198–205-бетлар.

<sup>2</sup> *Беруний.* Рўйхат. 230–243-бетлар.

<sup>3</sup> *Булгаков П.Г.* Жизнь и труды Беруни. – С. 281.

<sup>4</sup> *Леммлейн Г.Г.* Минералогические сведения. – С. 292–402; *Беленицкий А.М.* Место минералогического трактата. – С. 402–418; *Акрамхўжаев О.М.* Беруний – дастлабки тадқиқотчи. 32–33-бетлар; *Усмонов Т.* Берунийнинг физика тарихидаги ўрни. 179–197-бетлар.

лиф уни тўлиқ ёзиб тугалламаган, асарнинг айрим ўринлари чала кўринади. Бу пайтга келиб олимнинг соғлиғи шунчалик оғирлашадикки, «Сайдана»ни ёзишда унга ёрдамчи керак бўлади. Бу вазифани газналик табиб Абу Холид ан-Накшодий бажаради. Бирок олимнинг вафоти асарни тугаллаш ва окка кўчиришга имкон бермайди<sup>1</sup>.

Яқин йилларгача «Сайдана» бирор тилга тўлиқ таржима қилинмаган ва ўрганилмаган эди. 1974 йили атоқли шарқшунос олим У.И. Каримов бу масалани ҳал қилиб, асарнинг ҳар томонлама чуқур илмий таҳлил қилинган русча таржимасини чоп этди<sup>2</sup>. У.И. Каримов бир йўла Беруний вафоти санаси ҳақидаги масалани ҳам аниқлади. Шунга кўра, Беруний ҳижрий 440 йил 2 ражаб оyi – милодий 1048 йил 11 декабрда вафот этганлиги исботланди<sup>3</sup>.

Олим умрининг охири дақиқаларигача илмга бўлган муҳаббатига содик қолди. Ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам билиш, ўрганишга интилди<sup>4</sup>. Беруний умри давомида математика, астрономия, астрономик асбоблар, география, фалсафа, минералогия, фармакогнозия, тарих, этнография, хронология ва филологияга оид кўпдан-кўп асарлар ёзди. Беруний номи билан боғлиқ асарларнинг умумий сони 170 дан ортади. Булардан 143 тасини олим ўз кўли билан ёзган бўлиб, қолган 27 тасини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масихий ва Абу Али Жилийлар унга атаб ёзган. Лекин Беруний «Рўйхат»ида: «Булар ҳам бамисоли бағримдаги ўғай болаю бўйиндаги маржоннинг ўзи, мен булар билан ўғиллар орасини ажратмайман»<sup>5</sup>, деб ёзади.

Беруний асарларининг биз эслатган сони 1955 – 1956 йилларда Д.Буало<sup>6</sup> томонидан тузилган рўйхатга кўра олинган. Бирок Буало рўйхати нашр қилинганидан кейин 1959 йили покстонлик берунийшунос Саййид Самад Хусайн Ризвий Берунийнинг «Фуррат аз-зижот» рисоласининг қўлёзмасини топган<sup>7</sup>. Бундан ташқари, «Осор ал-боқия»ни қайта таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, олимнинг ушбу асарида эслатган баъзи асарлари, хатто, унинг ўзи ёзган «Рўйхат»ига кирмай қолган<sup>8</sup>. Ишонамизки, олимнинг ҳозирда бизгача етиб келган 33 асари ва «Рўйхат»ига яна бошқа асарлари ҳам қўшилади.

## 2. ОСОР АЛ-БОҚИЯ

Юқорида айтганимиздек, Беруний «Осор ал-боқия» («Ёдгорликлар») асарини 1000 йили бошлаб, 1003 йили ёзиб тугатган. Олим асарини ўша кезларда унга ҳомийлик қилиб турган Каспийбўйи ерларининг ҳокими Шамс ал-Маъолий Қобус ибн Вашмгир (976 – 981, 998 – 1012)га бағишлаган.

<sup>1</sup> Каримов У. Рукопись Сайданы. – С. 16.

<sup>2</sup> Каримов У. Рукопись Сайданы. – С. 16.

<sup>3</sup> Каримов У. О дате смерти Беруни. – С. 67–68.

<sup>4</sup> Беленицкий А.М. Очерки жизни и трудов Беруни. – С. 280–291.

<sup>5</sup> Беруний. Рўйхат. 241-б.

<sup>6</sup> Boilot D.L. L'ouvre d'al-Beruni.

<sup>7</sup> Rizvi. Unique and unknove book of al-Beruni.

<sup>8</sup> Куйида таржиманинг 40-, 101-бетларига қаранг.



Бу асар олимнинг энг биринчи йирик асари бўлиб, унинг мундарижасида муаллиф бу борада ҳали камолотга етмагани сезилади: китоб бобларга бўлинмай қолган, лекин у муқаддима ва 21 бўлимдан иборат. Бўлимларнинг матнида уларга нисбатан «боб» ибораси ишлатилади. Биз ҳам бу бўлимларни «боб» деб атаيمиз ва шу сабабга кўра бобларни рим рақамларида I дан XXI гача тартиблаймиз.

Асар араб тилида ёзилган бўлиб, унинг тўлиқ арабча номи «*Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холья*» деб аталади. Бу атамани «Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар» деб таржима қилиш мумкин. Лекин китобнинг биринчи нашрида негадир «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб таржима қилинган ва бундай таржима адабиётда ўрнашиб қолган. Шунингдек, арабча атамани қисқача «Осор ал-боқия», ўзбекчада эса «Ёдгорликлар» дейиш ҳам ўринли. Биз шу анъанага амал қилишни маъқул кўрдик.

Асарнинг кириш қисмида Беруний ўз ҳомийси Шамс ул-Маолий Қобус ибн Вашмгирга илтифотлар билдириб, ушбу асарни ёзишга сабаб бўлган омиллар ҳақида тўхталади ва ўз амалларини асослайди.

Айтарли унча катта бўлмаган ва «Кундуз билан кеча, улар мажмуининг моҳияти ва бунинг бошланиш [вакти] ҳақида сўз» деб аталган биринчи бобда кеча ва кундузни юзага келтирувчи Куёш ва Ой ҳаракатлари ҳақида қисқача хабар беради. Кеча, кундуз ва кун бошланишларининг турлича ҳолатлари ҳақида тўхталади.

«Кеча-кундузлардан таркиб топувчи ойлар ва йилларнинг моҳияти» деб аталган иккинчи боб ҳам кичик бўлиб, унда қадимги халқлар – мисрликлар, сурёнийлар, калдонийлар, юнонлар, қибтлар, яҳудийлар, исломгача араблар, мусулмон араблар, қадимги форслар, ҳиндлар, хоразмликлар, сугдлардаги йил ва ой ҳисоби ҳақида бошлангич маълумотларни келтиради.

Жоҳилия давридаги, яъни исломгача араблар ҳар уч йилда бир марта 33 кундан иборат «насий» ойини қўшиб, қамарий йиллардаги ва шамсий йиллардаги кунлар сонини бир-бирига мослаштирганлар. Лекин Муҳаммад алайҳиссалом 632 йили «видолашув ҳажи»ни бажараётганида «насий» ойи ҳаром қилиниши ҳақидаги оят нозил бўлган (Қуръони карим. «Тавба» сураси, 37-оят). Шундан сўнг 33 кунлик «насий» ойи тақвимдан чиқарилиб, мусулмон йили 354 кундан иборат қатъий қамарий йил бўлиб қолди.

Асарнинг муҳим бобларидан бири «Эранинг моҳияти ва халқларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари хусусида сўз» деб аталган учинчи бобидир. Унда тарихий характерга эга бўлган қатор хабарлар келтирилган. Беруний аввал эрага таъриф беради, сўнгра турли халқларнинг ўз эралари мавжудлигини эътироф этиб, бу масала хусусида турли халқларда ихтилофлар мавжудлигини таъкидлайди. Хусусан, инсоният тарихининг бошланиши ва Одам Ато билан боғлиқ эра «уйдирма гаплар ва афсоналар билан қоришган»лигини айтиб, бунинг сабаби сифатида ўша воқеа ҳақида ишонарли, аниқ китобат йўқлигини, яъни

у пайтларда ёзув бўлмаганлигини кўрсатади. Бунга мисол қилиб, Беруний христиан ва яҳудийлардаги ихтилофни келтиради. Яъни, гўё яҳудийларнинг айтишича, «Одамдан то Искандаргача 3448 йил ўтган», христианларнинг айтишича эса, «5180 йил ўтган». Сўнгра Беруний яҳудий ва христианларнинг бу борадаги бахсларига аралашиб, Таврот ва Инжил матнлари ҳақида фикр билдиради. Демак, у «Ёдгорликлар»ни ёзганидан аввалроқ қадимги яҳудий, сурёний ва юнон тилларини билган. Таврот ва Инжилнинг турли матнларини таҳлил қилиб, уларда катта ихтилофлар ва номутаносибликлар борлигини аниқлайди ва: «Демак, на Инжиллар ва на пайғамбарлар китоблари (яъни, «Таврот»нинг беш китоби) орасида биронта ҳам ишончлиси йўқ»<sup>1</sup> деган хулосага келади.

Барча қадимги эралар орасида энг биринчи ишонарли, ҳақиқий эра деб Беруний Қадимги Бобилнинг мил.авв. 747–733 йиллари ҳукм сурган подшоҳи Набонассар ёки Бухтунассар I эрасини ҳисоблайди. Птолемейнинг «Ал-мажистий»сида ишлатилган Набонассар эраси мил.авв. 747 йил 26 февралда, яъни Набонассарнинг тахтга ўтирган санасида бошланган.

Кейин Беруний яна бир неча ҳақиқий эраларни эслатади. Булардан бири Филипп эраси; буни Беруний Искандарнинг отаси Филипп билан чалкаштирган, аслида эса, у Искандарнинг отаси эмас, балки унинг ақли заиф укаси Филипп Арридей бўлиб, у Искандарнинг ўлиmidан кейин подшоҳ деб эълон қилинган ва мил.авв. 323–317 йиллари ҳукм сурган. Филипп эраси мил.авв. 324 йил 12 ноябрида бошланган. Ундан кейин Искандар эраси, яъни мил.авв. 312 йил 1 октябрида бошланган Селевк Никатор эраси келади; кейин подшоҳ Август эраси, Антонин эраси, Диоклетиан эраси, (мил.авв. 284 йилдан) ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳижрий эраси (622 йил) келади.

Бобнинг охирида Беруний Хоразмнинг қадимги йил ҳисобига, тарихига оид қимматли хабарларни келтиради. Унинг айтишича, қадимги хоразмликлар «Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан йил ҳисоблаганлар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди (яъни,  $980+312=$  мил.авв. 1292 йил). Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг насли Хоразмда подшоҳлик қилишидан йил ҳисобладилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлигида ўз ҳукмини ўрнатган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин (яъни,  $1292-92=$  мил.авв. 1200 йил) бўлди».<sup>2</sup> Демак, Беруний хабарига кўра, Хоразмга биринчи бўлиб мил.авв. 1292 йили турклар жойлашган, кейин мил.авв. 1200 йили эроний гуруҳга кирувчи сиёвушийлар жойлашган ва турклар устидан ўз ҳукмини ўрнатган. Сўнгра Беруний Хоразм тахтига милодий 305 йили ўтирган Сиёвушийлар сулоласига тааллуқли хоразмшоҳ Африғнинг исмини келтиради. Бу сулола Хоразмда 995 йилгача ҳукм сурган. Берунийнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Таржима. 48-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Таржима. 61-б.

Ўзи шу сулоланинг охириги вакили, мазкур йили ўлдирилган Абу Абдуллох Муҳаммадга хизмат килган.

Шу бобнинг охирида Беруний Хоразм тарихи нуктаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган маълумотни келтиради, яъни у Хоразмни 305 йилдан то 995 йилгача бошқарган Африғийлар сулоласидан бир неча хоразмшоҳларнинг номини келтиради<sup>1</sup>. Унинг бу маълумотлари XX асрда Хоразм ҳудудларида, тарихий археологик тадқиқотлар олиб борилишига туртки берди. Бу тадқиқотлар натижасида мил. авв. 20 ёки 10 йилдан Хоразмни икки сулола бошқарганлиги ва Африғийлар уларнинг иккинчиси эканлиги тўғрисида Хоразмни милодий 305 йилдан бошқарганликлари аниқланди<sup>2</sup>.

«Зулқарнайн лақабини олган подшоҳнинг [кимлигини] аниқлашда турли халқларнинг ихтилофлари хусусида сўз» деб аталган мўъжаз тўртинчи бобда Беруний бу тўғрисида Қуръоннинг «Каҳф» сураси 83–93-оятларида айтилганларни ва у ҳақида Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида тарқалган ривоятларни изоҳлайди.

Асарнинг «Айтиб ўтилган йил ҳисобларида ишлатиладиган ойларнинг фазилатлари ҳақида сўз» деб аталган бешинчи бобида Беруний кўплаб халқларнинг тақвими, ойлари ва кунларининг номларини келтиради. Булар орасида «Қубо аҳли», яъни Фаргона водийсидаги Қува шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли, «Бухортак аҳолиси», яъни Бухоро яқинидаги шу номли кишлоқ сугдларининг тақвимини, жоҳилия ва мусулмон даври арабларининг, арабларнинг самудий қабиласи, «хамма яҳудийлар», форслар, «қадимги си-жистонликлар», сугдлар, хоразмийлар, ғарбий турклар, сурёнлар, румлар, юнонлар, мисрлик қибтлар, «Мағриб аҳли», ҳиндлар, шаркий туркларнинг тақвимларини келтиради. Олим келтирган жадвал ҳам тарихий, ҳам тилшунослик нуктаи назаридан тадқиқ қилишга арзийди.

Асарнинг «Баъзи эраларни бошқасидан ҳисоблаб чиқариш, подшоҳлар подшоҳликларининг [бошланиши] ва подшоҳлик муддатларига оид турли ривоятлар ҳақида сўз» деб аталган олтинчи боби энг йирик боб бўлиб, бир қатор подшоҳлар жадваллари келтирилади. Бунда Беруний Таврот ва Библиядаги аждодлардан бошлаб, исломдаги ва ўз давридаги Яқин ва Ўрта Шарқнинг мусулмон ҳокимлари – халифалар, подшоҳлар ва султонлар жадвалларини келтиради. Беруний ўзининг бу бобдаги энг биринчи жадвалида христианлар ва яҳудийлар фикрлари бўйича «инсонлар отаси Одам» ва унинг авлодлари яшаган йилларни солиштиради. Беруний жадвални келтиришдан аввал: «[Жадвалдаги] йилларни то Иброҳим алайҳиссалом давригача кўздан кечирган киши [яҳудий ва христианлар] сўзлари ўртасидаги ихтилофнинг нақадар

<sup>1</sup> Қаранг: Таржима. 69-б.

<sup>2</sup> Ливици В.А. 1970, 164–165-бетлар; Вайнберг Б.И. 1977. 80–81-бетлар.

катта эканини кўради»<sup>1</sup>, деб эътироф этади. Муаллиф асарнинг бошлангич қисмларидаёқ мазкур икки дин вакилларининг Одам эраси ҳақида катта ихтилофлари борлигини айтганини юқорида кўрган эдик. Жадвалнинг биринчи сатридаёқ «инсонлар отаси Одам» дейишнинг ўзиёқ Таврот ва Библиядаги анъананинг акс этишидир. Ундан кейин, жадвалда келтирилган аждодларнинг барча номлари яхудийча. Агар Таврот анъанасига кўра биринчи инсон Одам Ато (Адам) яхудий бўлиб, унинг авлодлари ҳам яхудий бўлганлиги эътироф этилса, у ҳолда дунёда биринчи бўлиб яхудийлар яратилган, деган сафсатани ҳам эътироф этиш керак бўлади.

Ушбу бобдаги Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти, «Хулафои рошидин» ва Умавий халифалар даврига бағишланган жадваллар аслида ҳижрий эранинг биринчи асридаги исломнинг қисқача тарихидан иборат деса бўлади. Пайгамбар (с.а.в.) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган биринчи жадвалда кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири – Беруний Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларига катта аҳамият бериб, уларнинг завжалари номлари билан келтирганидир. Рўйхат аввалида Муҳаммад алайҳиссаломнинг биринчи завжалари Хадича бинт Хувайлид туради. Ислом манбаларига кўра, Муҳаммад алайҳиссалом унга уйланганларида 25 ёшда ва Хадича (р.а.) 40 ёшда бўлган дейилади. Беруний келтирган жадвалда Муҳаммад алайҳиссалом завжаларининг рўйхати тўлиқ эмас. Ибн Ҳишомнинг «Сира ан-набавийя» китоби ва Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Пайгамбар (с.а.в.)нинг Сауда бинт Замъа, Умму Ҳабиба (Рамла бинт Абу Суфён), Сафийя бинт Ҳуйайй, Жувайрийя (Барра) бинт ал-Ҳорис деган завжалари ва Райҳона деган чўрилари ҳам бўлган. Муҳаммад алайҳиссалом уларнинг ҳаммаси билан ҳаётларининг сўнги дамларигача яшаганлар.

Мазкур жадвалнинг яна бир муҳим томони – унинг охиrhoғида Пайгамбар (с.а.в.) хайрлашув ҳажини (*ҳажж ал-видо*) адо этганларида, «насий» ойи ҳаром қилингани ҳақидаги маълумотлар келтирилганидир. Гап шундаки, араблар деярли милод бошидан то ўша ҳажгача, яъни 632 йил бошигача шамсий-камарий таквимдан фойдаланар эдилар. Бу таквимнинг асосий хусусияти шундан иборат эдики, камарий йил 354 кун бўлгани учун унинг шамсий йил (365 кун)га етмаган 11 кунини икки йил ёдда сақлаб («насий»), учинчи йили битта 33 кунлик ойни, «насий» деб, йил охирига кўярдилар. Шунда уч камарий йилнинг кунлари уч шамсий йилнинг кунларига тенглашарди. Пайгамбар (с.а.в.) видолашув ҳажини адо этиш учун Маккага келган вақтларида мазкур «насий» ойининг ўрталари бўлган. Кейин ҳаж пайтида «насий» ойининг ҳаром қилиниши ҳақидаги оят, яъни Қуръоннинг «Тавба» сураси 37-ояти нозил бўлади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қуйида. 105-б.

<sup>2</sup> Афсуски, бизнинг «билағон» таржимонлар Қуръоннинг шу оятида нима ҳақида сўз бо-

Мазкур жадвал Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотлари ва уларнинг Ойша (р.а.) уйига дафн этилганлари билан тугайди. Беруний бу жадвал охирида ҳам, халифа ва имомларга бағишланган кейинги жадвал бошида ҳам Муҳаммад (с.а.в.)нинг вориси, яъни имомлик масаласи хусусида тўхталмайди. Ҳолбуки, ўша кезларда бу мусулмонлар учун ҳал қилиниши керак бўлган энг муҳим масала эди.

Беруний подшоҳлар ва халифалар жадвалларини тугатганидан сўнг бирор маълум эрага кўра, бошқа эралар боши ёки улардаги санани аниқлаш учун «қўшқават тайласон», яъни учбурчак шаклидаги тақвимларнинг синхроник жадвалини келтиради. Шунда у диққатга сазовор икки математик қонидани келтиради: бири – ихтиёрий катталиқдаги А сонини олтмишлик тизимда ёзиш қондаси, яъни:

$$A = a_0 \cdot 60^n + a_1 \cdot 60^{n-1} \dots + a_n \cdot 60^0$$

ва иккинчиси – машҳур «шахмат масаласи»нинг ечимини келтиради, яъни ушбу:

$$\sum 2^n = ((16^2)^2)^2 \cdot ((16^2)^2)^2 - 1 = 18446744073709551615$$

йиғиндини топади. Бунда у 16 квадратлари билан амал қилгани Берунийнинг юксак ҳисоблаш маҳоратига эга бўлганидан далолат беради.

Беруний «Яҳудийлар йиллари ва бошқа йиллардаги даврлар ва «такуфалар», йиллар ва ойларнинг бошлари, кайфиятлари ва кабисалари ҳақида» деб аталган еттинчи бобда яҳудий тақвими ва бошқа баъзи тақвимларнинг қулайликлари ва камчиликларини кўрсатади.

Асарнинг «Пайғамбарликни даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари (уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин) эралари ҳақида» деб аталган саккизинчи бобида оташпарастларнинг «пайғамбари» Зардуштни сохта пайғамбарлар қаторида эслайди.

Беруний шу бобда христиан сохтакорларини фош қилади. Хусусан, милодий II–III асрларда яшаган Маркион ва Ибн Дайсон тўрт асосий Инжилдан ташқари ўзларининг икки Инжилини эълон қилганликларини, лекин бу инжилларга ишониб бўлмаслигини айтади.

Асарнинг «Форс ойларидаги байрамлар ва машҳур кунлар ҳақида сўз» деб аталган тўққизинчи бобида оташпараст форслар томонидан йил давомида нишонланадиган байрам кунлари ҳақида баён қилинади. Берунийнинг таъкидлашига кўра, янги йилнинг биринчи куни Наврўзни форслар қадимда Қуёш саратон буржига кирганида, яъни 22 июнь куни нишонлаганлар ва кейинчалик улар Наврўзни ҳамал бошига, яъни 21 мартга кўчирганлар. Кейинги бобда бу воқеа қачон бўлгани айтилади.

раётганини тушуниб етмай, таржимада оятнинг маъносини бутунлай бузиб юборганлар. Беруний ушбу асарида «насий» ойининг харом қилинганлиги ҳақида ҳаммаси бўлиб 8 ёки 10 марта эслагани.

«Суғдлар ойларидаги байрамлари хусусида сўз» деб аталган ўнинчи боб суғдларнинг йил бўйи нишонланадиган байрамларига бағишланган. Илк ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарканд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари, Тожикистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудлари ерлари Суғд, аҳолиси суғдлар деб аталган. Суғдлар ҳам форслар ва хоразмийлар каби оташпараст-зардуштий эдилар. Уларнинг тиллари хоразмий тили каби шарқий эроний тиллар гуруҳига кирган ва ғарбий эроний тиллар гуруҳига кирувчи форс ва тожик тилларидан анча фарқ қилган.

Беруний шу бобнинг бошида ажойиб бир фикрни айтган, яъни форслар аввал Балх ва унинг атрофларида яшаган ва сўнг Форс ва Бобил ерларига кўчган, натижада уларнинг тақвимлари ўзгариб, суғдларникидан фарқ қилган. Шуни айтиш керакки, Беруний ўз асарларида келтирган маълумотлар қандайдир ёзма манбалар ва баъзи ҳолларда оғзаки хабарларга асосланади. Бу ерда келтирилган хабарлар кейинги ҳолатга тегишли бўлса керак. Беруний хабарларидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Форс подшоҳлари (демак, умуман форслар) қачонлардир, (эҳтимол, мил.авв. 1 минг йиллик бошида) Балх ва унинг атрофларида, яъни қадимги Бохтарзамин ва Арйанам Вайжеҳда яшаганлар, кейинчалик улар Элам ва Шумер ерларига кўчган, у ерлар Форс деб аталган.

2. Ўша даврларда улар билан суғдларнинг йил ҳисоблари ва тақвимларида айтарли фарқ бўлмаган. Форслар жанубга кетганларидан сўнг янги жойларига мослаштириб, ўз тақвимларини ўзгартирганлар. Суғдлар эса тақвимларини ўзгартирмаганлар.

3. Форслар Балхда бўлган кезларида суғдлар билан шу қадар яқин бўлганликларига қарамай, иккала этник бирликнинг ўз подшоҳлари ва алоҳида ўз давлатлари бўлган.

4. Форсларнинг Балхдан кўчиш пайтлари Зардушт ўз таълимоти билан Балхга келган вақтга тўғри келган.

Зардуштнинг зуҳур қилган вақти ҳақида фанда аниқ бир фикр йўқ. Бу фикрлар вақт жиҳатидан милоддан аввалги 1500–700 йиллар орасида тебранади. Демак, Зардуштнинг Балхга қачон келгани аниқ исботланса, форсларнинг ҳам Элам ва Шумер ерларига қачон келгани аниқ бўлади.

«Ёдгорликлар»нинг ўн биринчи боби қадимги хоразмликларнинг ойлари ва улардаги байрамларига бағишланган. Беруний бобнинг аввалида хоразмликларнинг йили ва ойларининг бошлари суғдларникига мувофиқ бўлиб, форсларникидан фарқли эканини таъкидлайди. Бу билан у форсларнинг кейинги кўчиб келган ерларида нишонлайдиган кунлари ва байрамларини назарда тутди. Демак, форсларнинг Балхда бўлган даврларидаги байрамлари қадимги хоразмликларникига мувофиқ келган, чунки у пайтлардаги Хоразм Арйанам Вайжеҳнинг шимоли-ғарбий ҳудудларини ташкил қиларди.

Шу бобда Беруний исломгача хоразмликлар жоҳилия давридаги арабларга нисбатан астрономияни яхшироқ билганликларини ва хоразмликлардаги Ой манзилларининг номлари араблар атаган номларидан аниқроқ бўлганлигини таъкидлайди. Бобнинг охирида у Ой манзилларининг арабча, сугдча, хоразмийча номларини келтиради.

Мўъжазгина ўн иккинчи бобда Беруний Африғийлар сулоласидан хоразмшоҳ Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ 959 йили амалга оширган тақвим ислохоти ҳақида ҳикоя қилади.

Асарнинг «Румликлар ойларидаги маълум бўлган [байрам] кунлари ҳақида» деб аталган ўн учинчи бобида византияликлар ва улар давлатига қарам бўлган бошқа халқларнинг ойлари ва улардаги байрамлари ҳақида баён қилинади. Беруний нафақат ойлардаги машҳур кунлар, балки улардаги метеорологик ҳолатлар ҳақида ҳам тўхталади. Бунда у қадимги юнон олимларидан Демокрит, Метон, Калипп, Досифей, Метродор, Евктемон, Евдокс ва бошқаларнинг маълумотларидан фойдаланади. Демак, у мазкур юнон асарларини ёки уларнинг қайта ишланган нусхаларини ўқиган.

Асарнинг ўн тўртинчи боби яҳудийлар нишонлайдиган байрамларга бағишланган. Бу ва бошқа юқоридаги боблардан кўринадики, Беруний яҳудийларнинг тили, дини ва урф-одатлари билан яхши таниш бўлган. Беруний Фаластинда бўлмагани ва VIII–X асрларда Хоразмнинг ҳудудлари Каспий денгизининг шарқий ва шимолий соҳилларини ҳам ўз ичига олиб, Шимолий Кавказда жойлашган Хазария билан чегарадош бўлганини эътиборга олсак, Беруний яҳудийлик ҳақидаги маълумотларини ўша Хазариядан олган бўлиши мумкин, чунки Хазарияда яҳудийлик дини давлат дини эди. Лекин Хазарияда мусулмонлар ҳам яшаган, уларнинг аксарияти, хусусан, имомлари ҳам хоразмлик бўлгани маълум. Беруний ана ўшалардан ўз маълумотларини олган бўлиши мумкин. Бироқ Берунийнинг буюк ватандоши Муҳаммад ал-Хоразмий «Яҳудий календари ҳақида рисола» номли махсус асар ёзган<sup>1</sup>. Иккала хоразмлик буюк олимнинг яҳудийлар дини ва урф-одатларига бундай катта аҳамият беришидан Хоразмнинг ўзида ҳам, масалан, Хазария билан чегарадош қисмлари, Каспий денгизининг чап соҳилларида ҳам яҳудийлик бўлган, деган фикр келади.

Асарнинг «Сурёний ойларида меликия христианлари нишонлайдиган [кунлар] ҳақида сўз» номли ўн бешинчи бобида – Византия грекларининг диний мазҳаби сурёнчада «меликия» дейилиб, арабча ёзилишида «маликия»га мос келади ва бунда византияликларнинг ортодоксал (православие) мазҳаби назарда тутилади – Беруний христианликнинг шу мазҳаби Хоразмда бўлганлигини очикдан-очик айтади. Бундан эса хоразмликларнинг қанчадир қисми

<sup>1</sup> *Муҳаммад ибн Муса ал-Хорезми*. Астрономические трактаты. Вступит. статья, перевод и комментарии А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 127–142.

христианликнинг шу мазҳабига эътикод қилганидан ёки Хоразмда юнонлар (византияликлар)нинг қанчадир қисми яшаганидан далолат беради.

Шу бобнинг ўзида Беруний Исонинг толеини (юлдузлар жадвалини) келтиради. Лекин буни аниқ эмас, деб таъкидлайди, чунки унинг онаси Марьямнинг ҳомиладор бўлиши ғайритабиий бўлгани учун унинг ҳомиладорлик ойнамаълум.

Асарнинг христианлар рўзаси, уларнинг хаммалари бир фикрга келган рўзага туташадиган байрамлари ва рўза билан бирга келиб-кетадиган маълум кунлари ҳақидаги ўн олтинчи боби умумхристиан байрамларига бағишланган.

XVII боб несториан христианларининг байрамларига бағишланган. Христианликнинг бу оқими 428–431 йилларда Константинопол патриархи бўлган Несторий (вафоти 440) номи билан боғлиқ бўлиб, унинг таълимоти га кўра, Исо Масихда илоҳийлик ва инсонийлик табиатлари мужассамлашмаган дейилган. 431 йили Эфесда бўлиб ўтган дунёвий соборда «несторлашлик» лаънатланган ва бу диний таълимот тарафдорлари Византия империясидан кувғин қилинган. Шундан сўнг несторианлар шаркка, Марказий Осиёшаҳарларига кочганлар. Уларнинг йирик черковлари исломгача ва ислом келган пайтларда Марв, Самарқанд ва Торозда бўлган. Ҳозирда несторианлик Сурия, Ҳиндистон ва Хитойда тарқалган.

Асарнинг қадимги мажусийлар, собийлар ва жоҳилия давридаги араблар байрамларига бағишланган XVIII, XIX боблари этнографик жиҳатдан маълум кизиқиш уйғотади.

Асарнинг XX боби Исломнинг турли мазҳаб ва тариқатларида нишонланган байрамларга бағишланган.

Ниҳоят, XXI боб Ой манзиллари ва уларнинг чиқиш, ботишларига бағишланган. Беруний Ойнинг йигирма саккиз манзилидаги юлдузларнинг сони, уларнинг номларини келтиради ва шу билан бирга, манзиллар билан боғлиқ метеорологик масалаларга ҳам диққатни жалб қилади.

Юкорида келтирилганлардан шуни айтиш мумкинки, Беруний ушбу аса-рида ўз даврида маълум бўлган фан ва ҳунар соҳаларининг деярли хаммасига эътибор қаратган. Берунийнинг ўз асарида олдига қўйган асосий максасига турли динлардаги ва турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг йил давомида нишонлайдиган байрамлари ва бошқа урф-одатлари ҳақида баён қилиш бў-лишига қарамай, у шу турли динлар ва тиллардаги халқларнинг ўз тилларида ёзилган тарихий асарларини таҳлил қилиб, улардан фойдаланган. Шубҳасиз, Беруний ўндан ортиқ қадимги ва ўз замонидаги тилларни мукамал билган.

Беруний ўта синчков ва кузатувчанлиги сабабли ҳаётнинг турли жа-балари ва жиҳатлари ўзаро чамбарчас боғланиб кетганлигини кузатиб, бу боғланишларни ўрганишда илмийликни устун қўйган. Чунончи, у тарих ва хронологияга алоқадор масалаларни ёритаётиб, булар билан қандайдир



боғланган метеорология, астурлоб яшаш, астрономия ва астрология масалалари ҳақида ҳам мулоҳаза юритади.

Берунийнинг ушбу асари маълумот ва хабарларга шу қадар бойки, киши улардан қай бирини олдинга қўйиш ёки алоҳида ажратишга қийналади. Лекин, менимча, бу хабарларнинг энг қимматлиси – Қадимги Хоразм ҳақидаги хабарлардир. Албатта, Берунийнинг бу хабарлари унинг ўзи тарафидан тўқилган уйдирма ёки ҳавойи гаплар эмас, у бу хабарларни бизгача етиб келмаган қандайдир манбалардан ёки унинг даврида Хоразмда тарқалган оғзаки ривоятлардан олган.

«Ёдгорликлар»да келтирилган муҳим хабарлардан диққатга сазовори, бунда исмлари бошқа асарларда учратилмайдиган шахслар номларининг қайд этилиши ва олимнинг ижодига тааллуқли муҳим маълумотларнинг кўрсатилишидир. Чунончи, олимнинг «*Ат-танбиҳ 'ала сина'ат ат-тамвих ва хия аҳкам ан-нужум*», «*Китоб аш-шумус аш-шаффия ли-н-нуфус*», «*Мақала фи хикоят тариқ аҳл ал-Ҳинд фи истихраж ал-'умр*»<sup>1</sup> асарларининг номлари фақат шу асарида эслатилади ва булар Берунийнинг ўзи 1035–1036 йилгача ёзган асарлари «Фихрист»ига киритилмаган. Агар «Ёдгорликлар» 1000–1003 йиллар оралиғида ёзилганини эътиборга олсак, мазкур рисолалар олимнинг Хоразмдалик чоғида, яъни 995 йилгача ёзилганлик эҳтимолини кучайтиради. Бу олимнинг таржимаи ҳолида муҳим чизги бўлади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Ёдгорликлар» фан тарихи жиҳатидан муҳим асар бўлганлигига қарамай, унинг номи қандайдир сабабларга кўра, ўрта аср муаллифлари томонидан эсланмаган. Асарни дунёга маълум ва машҳур қилган шахс Захау ҳисобланади. У 1878 йили Лейпцигда биринчи марта асарнинг арабча матнини ўша пайтлари маълум бўлган учта қўлёзма асосида нашр этган<sup>2</sup>. Орадан бир йил ўтгач, у ўзининг танқидий матни асосида Лондонда асарнинг инглизча таржимасини ҳам нашрдан чиқарган<sup>3</sup>. Э. Захаунинг танқидий нашри асарнинг XVII, XIX асрларда битта умумий нусхадан кўчирилган нусхаларига асосланган бўлиб, бу учала қўлёзма нусхада катор сукутлар (матннинг тушириб қолдирилган, етишмайдиган қисми) мавжуд эди. 1321/1943 йили эронлик шарқшунос Акбар Доно Сиришт Сирафий Э.Захаунинг танқидий матнидан асарнинг форсча таржимасини нашр этди. Бу нашрнинг микрофильми ЎзР ФА Шарқшунослик институтида № 69 рақами билан сақланади.

Э.Захау нашридаги матннинг камчиликларини бартараф қилиш учун бошқа бирор тўлиқроқ нусха ахтариш керак эди. Шундай нусха 1912 йили Петербург Фанлар академиясининг Осие Музейидан (ҳозирги Россия Фан-

<sup>1</sup> Асарларнинг номлари бўйича кўрсаткичларга қаранг.

<sup>2</sup> Chronologie Orientalicher Volker von Albiruni herausgegeben von Dr. Eduard Sachau, Jeipzig, 1876–1878. 3. Сигли. Буниинг микрофильми ЎзР ФА Шарқшунослик институтида № 52 рақами билан сақланади.

<sup>3</sup> The Chronology of Ancient Nations Translated and edited by Dr. Edvard Sachau, London, 1879.

лар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими) топилди. Бу қўлёзма Санкт-Петербургга Техрондаги рус дипломатиясининг вакили Л. Богданов томонидан юборилган эди<sup>1</sup>. Қўлёзма «Ёдгорликлар» нусхаларининг энг қадимгиси бўлиб, 616/1219–1220 йилда кўчирилган. Яъни, у «Ёдгорликлар»нинг маълум бўлган уч қўлёзма нусхасидан анча эски бўлган, қўлёзма Э. Захау нашридаги кўпгина сукутларни тўлдирса-да, бу нашрдаги баъзи боблар унда йўқ эди.

Осиё Музейидаги қўлёзмани академик К.Г. Залеман дархол тавсифлаб, эълон қилади ва унда Беруний асарининг яна бир эски қўлёзмаси Истанбулда топилганини, у яқин келажакда фанга маълум бўлиши учун умид борлигини билдирди<sup>2</sup>. Бу қўлёзма Истанбул Оммавий кутубхонасида № 4667 рақами остида сақланиши аниқланди<sup>3</sup>. Лекин К.Г. Залеманнинг умиди қирк йилдан сўнг амалга ошди. Аввалроқ эса 1915 йили И.Ю. Крачковский Осиё Музейи қўлёзмасининг бир парчасини русча таржимаси ва таҳлили билан чоп этди<sup>4</sup>. И.Ю. Крачковский асарнинг тўла тадқиқини амалга оширмоқчи бўлади, лекин бу қўлидан келмайди. У кейинчалик бу иш у ўйлаганидан қийин эканлигини тан олди<sup>5</sup>.

Истанбул қўлёзмасига илк бор немис арабшунослари – гамбурглик Карл Гарберс ва галлелик Иоганн Фюкк мурожаат қилади. Уларнинг биринчиси 1952 йили унинг Э. Захау нашрини тўлдирувчи катта арабча парчасини<sup>6</sup>, иккинчиси эса ўша йили яна олтита парчасини нашр этади<sup>7</sup>. Бундан биров аввал К.Гарберс ўзи нашр қилган парчанинг немисча изоҳланган таржимасини ҳам чоп этган эди<sup>8</sup>.

Ниҳоят, 1957 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими М. Салье «Ёдгорликлар»нинг тўла рус-

<sup>1</sup> Л. Богданов қўлёзмаси мазкур институтда Д–58 рақами билан, қўлёзманинг микрофильми № 355 рақами остида ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланяпти. Бундан буён уни биз Л. сигли билан келтирамиз.

<sup>2</sup> *Salemman C. Zur Handschriftskunde. I, Al-Birunis al-Atar al-Baqiyah. «Известия Имперской Академии наук», серия VI, 1912. №14. – С. 861–870.*

<sup>3</sup> *Rescher O. Mitteilungen aus Stambuler Bibliotheken. Milanges de la faculti orientale, Beirouth, v.2, 1912, P.239; Истанбул қўлёзмасининг микрофильми ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида №341 рақами билан сақланади. Бундан буён бу қўлёзмани И. сигли билан кўрсатамиз.*

<sup>4</sup> *Крачковский И.Ю. Благодатный огонь по рассказу ал-Бируни и других мусульманских писателей X–XIII вв. Христианский Восток, III, СП б., 1915. – С. 225–226.*

<sup>5</sup> *Крачковский И.Ю. Избр. сочинения. Т. I. – М., –Л., 1955. – С. 63.*

<sup>6</sup> *Garbers K. Eine Ergänzung zur Sachauschen Ausgabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker»: Der Islam, Dd. 30, Heft 1 (ganuar, 1952). – S. 45–68.*

<sup>7</sup> *Fuck F. Sechs Ergänzungen zu Sachaus Ausgabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker». Documenta islamica inedita, Berlin, 1952. P. 69–98. Бу иккала нашрнинг микрофильми Шарқшунослик институтида № 342 (I–II) рақами билан сақланади.*

<sup>8</sup> *Garbers K. Eine Ergänzung zur Sachauschen Ausgabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker». Der Islam, Dd. 30, Heft 1 (yanuar, 1952). – S. 39–80.*

ча изоҳланган таржимасини нашр этди<sup>1</sup>. Китобнинг бошида Хоразмда узок йиллар археологик қазишмалар олиб борган машҳур археолог С.П. Толстов ва ЎЗР ФА Астрономия институтининг директори В.П. Шчегловларнинг кириш мақолалари келтирилган. С.П. Толстовнинг мақоласи анча серқирра ва фойдали бўлиб, Беруний «Ёдгорликлар»ини тушуниш, олимнинг ҳаётига аҳамият беришга кўмаклашади. В.П. Шчегловнинг мақоласи эса астрономиянинг бошланғич тушунчалари баёнидан иборат бўлиб, асарнинг мазмунига деярли алоқаси йўқ.

Иккала кириш мақоласидан кейин таржимон М.Сальенинг кириш мақоласи келтирилган. Унда таржимон ўз таржимасида, асосан, Э.Захау матнига таянганини, Санкт-Петербург қўлёзмасидан ҳам фойдаланганини, аммо Истанбул қўлёзмасидан истифода этишга улгурмаганини билдирган. Шу билан бирга, у китобнинг иккинчи жилдида арабча матни тўлиқ нашр этажигини айтиб, шу жилдда изоҳларни ҳам ҳар томонлама батафсил келтиришини ваъда қилган эди. Лекин, афсуски, унинг ҳаёти бу ишларни бажаришга етмади. У кириш мақоласида яна «Ёдгорликлар»ни шарҳлаш ниҳоятда мураккаб ва катта ҳажмдаги иш эканини ва у факат энг муҳим жиҳатларнигина изоҳлаганини айтган.

М.Сальенинг нашри ўз даврида шов-шувга сабаб бўлганлигини тан олиб, шуни ҳам айтиш керакки, у ўз таржимасида қатор сукутларга йўл қўйган, асарнинг баъзи ўринларида фан тарихига оид тушунчаларни хато таржима қилган. Изоҳларда эса кўпдан-кўп шахслар, географик номлар, тушунчалар, илмий асарлар номлари эътиборсиз қолдирилиб, изоҳланмаган. Беруний кўп Қуръоний иборалар, оятлар ва ҳадисларни келтирган бўлиб, улар таржимада тасбит қилинмаган. Китобда учрайдиган барча атамалар ва тушунчалар кўрсаткичларга киритилмаган.

М.Салье нашридан икки йил кейин собиқ Иттифоқ ФА Ленинград бўлимининг катта илмий ходими А.Б. Халидов Истанбул ва Ленинград қўлёзмаларидан Э. Захау нашридаги сукутларни тўлдирувчи тўрт парчанинг арабча матни ва уларнинг русча таржималарини нашр этди<sup>2</sup>.

Ниҳоят, «Осор ал-боқия» бўйича шунча материаллар ва асос тўпланганидан сўнг, 1968 йили ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида асарнинг ўзбекча изоҳли таржимаси нашр этилди. Таржимани А.Расулов қилган, изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расуловлар тузган<sup>3</sup>, масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев. Китоб бошида ҳар икки масъул муҳаррирларнинг алоҳида сўзбошилари киритилган. Бундан ташқари, таржимоннинг ҳам кичик сўзбошиси келтирилган. Улар қўлларида русча нашр бўла туриб, олдиларидаги

<sup>1</sup> *Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Памятники минувших поколений /Перевод и примечания М.А. Салье. – Ташкент, 1957.*

<sup>2</sup> *Бируни. Памятники. ... – С. 139.*

<sup>3</sup> *Беруний. Ёдгорликлар. 160-бет.*

мавжуд имкониятдан тўла фойдалана олмаганлар, ундаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларини тўлдириш йўлидан бормай, аксинча, унинг камчиликларини қайтариш ва кўпайтириш йўлидан борганлар. Масъул муҳаррирлар таржимани яхши таҳрир қилмаганлар. Масалан, китоб нашр қилинаётган кезларда Ўзбекистондаги барча мактаб ва ўқув юртларида тўрт арифметик амалнинг номи кўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш эди. Лекин бу иборалар бирор марта ҳам ишлатилмай, ўрнига архаик – эскирган, истеъ-молдан қолган иборалар ишлатилган.

Ўрта асрлар арабчасидан ҳозирги замоннинг исталган тилига таржима қилиш таржимондан араб тилининг барча нозикликларини, ундаги сўзларнинг барча маъноларини билишни талаб қилади. Масалан, тилимиздаги «тарих» сўзи асли арабча бўлиб, араб тилида у 5 – 6 хил маънога эга. Ҳозирги ўзбекчада у фақат ўтмиш ҳақидаги фан маъносида қўлланилади. Таржимон ҳам, муҳаррирлар ҳам бу сўзни худди шу маънода тушуниб, катта ноаниқликларга йўл қўйганлар. Натижада асарнинг VI боби турли эраларни бир-биридан ҳисоблаб чиқариш ҳақида бўлмай, тарихларни бир-биридан ҳисоблаб чиқариш ҳақидаги боб бўлиб қолган. Ундаги жадвалларда ҳам «эра» ўрнига «тарих» атамаси қўлланган.

Баъзан арабшунос таржимон арабларнинг этнографиясига оид маълумотлардан ҳам хабардор бўлиши керак. Чунончи, асарнинг VI бобидаги Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти ва фаолиятига оид жадвалда «савиқ» жанги ҳақидаги сатрда «савиқ» сўзини иккала таржимон ҳам тушунмаган. М.Салъе ўз нашрида бу сўзни Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан (ёки амирларидан) бирининг номи деб тушунган. А.Расулов эса уни жойнинг номи деб тушунган. Натижада иккала ҳолатда ҳам таржиманинг маъноси бузилган. Аслида эса гап бундай:

624 йили мартада Абу Жаҳл бошчилигидаги 1000 кишилик маккалик мушриклар кўшини Мадина яқинидаги Бадр деган жойда мусулмонларнинг 300 кишилик гуруҳидан қақшатқич зарба еб енгиледи. Шундан бир оз кейин Абу Суфён бу мағлубият учун мусулмонлардан қасос олиш мақсадида тунда 40 кишилик отлиқ билан Мадина тарафга чопқин қилади. Муҳаммад алайҳиссалом бундан огоҳ бўлиб, 200 отлиқ билан мушрикларнинг қаршисига чиқади. Абу Суфён мусулмонларнинг кўплигини кўриб, барча огир юкларини ташлаб, Макка тарафга қочади. Душман ташлаб қочган юкларининг кўпи коплардаги «савиқ» бўлгани учун бу тўқнашув ислом тарихига «Савиқ куни» «*йавм савиқ*» номи билан киради. «Савиқ» эса бугдой ёки арпа унини асал ёки хурмо билан аралаштириб, ёғда қовуриб қуритилган егулик бўлиб, буни араблар сафарда тановул қилар экан.

Русча нашрдаги изоҳлар ва кўрсаткичларга хос камчиликлар ўзбекча нашрга ҳам айнан хосдир.

«Ёдгорликлар»ни қайта ишлашда изоҳларни бутунлай қайта тўлиқ илмий асосда тузишга, сўз бошини янгидан ёзишга қарор қилинди. Чунки китобнинг


биринчи нашрларидан бери ўтган қарийб ярим аср (русча нашрда ундан ҳам ортик) вақт ўтди, бу орада республикамизда ва хорижда Беруний ва бошқа ўрта аср олимларининг ижодига тааллуқли кўплаб асарлар нашр этилди. Изоҳларда уларни эътиборга олиш керак бўлди ва фан тарихига оид барча сўз ва тушунчалар илмий жиҳатдан батафсил изоҳланди. Жадваллардаги камчиликлар изоҳлар билан ёритилди. Китобни қайта ишлаш жараёнида унинг тили замонавийлаштирилди.

Ҳар қандай илмий китобнинг энг муҳим қисми – унинг кўрсаткичларидир. Одатда, ўрта асрларга оид манба нашр қилинганда, сўз боши ва изоҳларда ишлатилган адабиёт номлари, асарда муаллиф эслатган барча асарлар номлари, этник ва илмий номлар ҳамда жуғрофий номлар кўрсаткичлари берилади. Чунки бу кўрсаткичлар асардан илмий фойдаланишга имкон беради.

Кўрсаткичларда кириш мақоласидаги иборалар квадрат [ ] қавс ичида, матндаги иборалар қавсиз келтирилди. Кўрсаткичлар изоҳларни қамрамайди, сабаби, китобнинг матндан кейинги қисми ҳаддан ташқари кенгайиб кетади.

Афғонистон ўзбекларида «Инсон башар, баъзан адашар» деган мақол бор. Эҳтимол, мен ҳам ушбу буюк ёдгорликка ўз билимим доирасида ёндашиб, баъзи нуқсонларга йўл қўйган бўлишим мумкин. Шуни ҳисобга олиб, китобхонлардан ўша ўринларни афв қалами билан тузатишларини сўраб қоламан.

*Ашраф АҲМЕДОВ,*  
тарих фанлари доктори, профессор.





**ҚАДИМГИ  
ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН  
ЁДГОРЛИКЛАР**

### (3) || БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!

Мақтов ўзаро тенглаштириладиган ёки ўхшатиладиганларнинг [хаммасидан] юқори турувчи Аллоҳга аталсин! Аллоҳнинг раҳмати барча инсонларнинг улуғи [бўлган] Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарга, тўғри йўл ва ҳақиқат раҳнамолари бўлмиш унинг хонадонига бўлсин!

Аллоҳ таолонинг нуфузли тақдир билан оламда бирор замонни халқ инонадиган адолатли йўлбошчисиз қўймаслиги – халойик манфаатларига мос латиф тадбирларидан ва барча халққа берган улуғ неъматларидандир. [Аллоҳ] уни ўз халқига раҳбар қилиб қўяди, улар оғир аҳвол ва бахтсизликларга, қаттиқчилик ва кулфатларга [дуч келганларида] ундан паноҳ тилайдилар; бирор иш шубҳали бўлганида, унинг ҳукмига мурожаат қиладилар. Унинг ижтиҳоди билан оламда тартиб барпо бўлади. Доимо шундай йўлбошчининг бўлиб туришини [Аллоҳ] одамларга фарз этган. Мусулмонларни унга бўйсуннишга буюриб, буни ҳақ ва тўғри сўз билан, ўзига ва пайғамбарига бўйсунниш билан бир қаторга қўйган ва охиратда яхши мукофотга эришишга восита қилган. Унинг қатъий ҳукмдан иборат сўзи [мана шу] оятдир: «Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан [бўлмиш] бошликларга итоат этингиз»<sup>1</sup>.

Аллоҳга шукурлар бўлсин, У улуғ хожамиз жаноби амир, Худо ёрдамига муяссар, неъматлар эгаси Шамс ул-Маолийни<sup>2</sup> халққа адолатли, Аллоҳнинг дини ва ҳаққига ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини қўриқловчи, улар мулкларини талон-торожлардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди. Аллоҳ унинг умрини узоқ қилиб, қудрат ва олий мартабасини янада юқори кўтарсин, уни ҳамиша шоду хуррам этиб, сарой ва даргоҳини ўз паноҳида асрасин, ҳасадчи ва душманларини хор қилсин. Пок Аллоҳ ўз Пайғамбари ва пайғомини етказувчисини «Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз»<sup>3</sup> деб тавсиф қилганидек, [Шамс ул-Маолийга ҳам] яхши хулқ бериб, уни мамнун этган. Аллоҳ таборак ва таоло унинг пок вужудидаги яхшилик нишонларига гўзал ахлоқларини, ибולי руҳига барча ёқимли хислатларни қўшиб, уни қандай [гўзал] сифатлар эгаси қилган! У хислатлар: тақводорлик, тўғрилиқ, ўзни сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоф, камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш [ишларида билимдонлик], тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиғмайдиган, киши баён этиб тугатолмайдиган [яхши] сифатлардан иборатдир. Аллоҳнинг [бутун] оламини бир [кишида]

жам қилиши инкор этилмайди<sup>4</sup>, бундан ажабланишга ўрин йўқ. Аллоҳ унинг яхши мақсад, [мусулмонлар] ҳақида эзгу фикр, уларга нисбатан шафқат ва меҳрибонликларидан мусулмонларни баҳраманд қилишни давом эттирсин; мусулмонлар одатланиб қолган унинг муруввати соясини кундан-кунга орттирсин; миннат ва эҳсони билан хос ва авом халқни ўз фарзларини [адо этиб], унга бўйсунушга муваффақ этсин.

(4)|| Адиблардан бири биздан [турли] халқлар ҳақидаги тарихлар<sup>5</sup>, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлари ва йиллари хусусида, у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилофлар сабаблари, машҳур байрамлар, турли вақтлар ва [ҳар хил] юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа [маросимлар] ҳақида сўради ва бизни имкон борича уларни жуда аниқ баён этиб, ўқувчи фахмлайдиган, [турли] китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолдирмайдиган [бир асар ёзиш]га даъват этди. Бу ишнинг [етишиш] кийин ва олинадиган [манбаи] узоқ эканини ва уни яхши билган одам қалбида шубҳа қолмайдиган аниқ фанлар қаторига қўймоқчи бўлган кишига бўйсунмаслигини билдим. Лекин Аллоҳнинг ёрдамига сазовор, неъматлар эгаси бўлган хожамиз [улуғ] амир Шамс ул-Маолийнинг (Аллоҳ унинг кудратини давомли этсин!) – олий давлатидан қувват олиб, [бутун] кучимизни йиғиб, [бор] имкониятни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва киёс қилиш орқали, билимимиз етганича, юқоридагилар ҳақида баён этишга бел боғладим. Кейин муборак хизмат либосини кийганлигим ҳам ўша [мендан сўралган]ларни олий тахт [эгаси] учун исбот этиб беришга, шу билан Шамс ул-Маолийга янгидан хизмат этиб, шону шарафи асрлар ва узоқ замонлар оша келгуси авлодга мендан мерос бўладиган фахр либосларини кийишга, [шу асарни ёзишга] мени журъатлантирди. Агар амир (Аллоҳ доимо унинг фикрини юқори қилсин!) бу қулнинг жасоратидан кўз юмиб, узрини қабул этса ва уни шарафласа, иншааллоҳ, тўғри фикр юритган бўлади.

Асарни ёзишга [кириша] бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими – қадимги халқлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у халқлар авлодидан ва уларнинг расм-русум ва қоидаларидан иборатдир. У хабарларни ақлий [нарсалардан] далил келтириш, кузатилган [нарса]ларга киёс қилиш йўли билан билиб бўлмайди. Бу фақат «китоб аҳллари»<sup>6</sup> ва турли дин арбобларига, шу [эътикод]ларга амал қилувчи турли маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш орқали аниқланади. Сўнгра бу ўзни кўпчилик кишиларнинг табиатини тубанлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан тозалаяндан кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Мана шу мен айт-





ган ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб, зўр машаққат чексак ҳам, шундан бошқа йўл билан мақсадга эришолмаймиз.

(5)|| Шу билан бирга, мен тутган йўл ва белгилаган усул осон эмас, балки узоқ ва қийин йўлдир. Хабар ва ривоятларга кириб қолган кўпгина ёлғон сўзларнинг ҳаммаси ҳам аниқ эмас. Бошқа далиллар бўлмаганда, баъзиларининг ёлғонлигини билиб бўлмасди. Одамлар ҳозир ҳам, ўтган замонларда ҳам шундай табиий ҳодисаларга дуч келган, агар ўшандай ҳодисалар узоқ замонларда [юз берган деб] ҳикоя қилинса, албатта, биз унга ишонмас эдик. Халқлардан бирига [тегишли] хабарлар[нинг ҳаммаси]ни аниқлаб билишга инсон умри кифоя қилмайди-ю, ҳамма халқлар [ҳақидаги] хабарларни билишга қандай кифоя этсин? Бу мумкин эмас!

Ҳамонки иш шу йўлдан борадиган бўлгач, у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини [бирин-кетин] олишимиз лозим. Уларнинг [баъзиларини] ўз арбобларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини ўз ҳолида қолдираамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни англовчининг бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиши учун йўлловчи бўлади. Биз Аллоҳнинг иродаси ва ёрдами билан шундай қилдик.

[Энди] ўз мақсадимизга кўчиб, кеча ва кундуз ҳақиқатини, бу икковининг мажмуаси нима эканини ва шу мажмуанинг фараз этилган бошланишини баён қилишимиз керак. Зеро, ойлар, йиллар ва эралар учун кеча-кундуз ададлар учун «бир» сони каби [дебоча]дир: улар кеча-кундузлардан таркиб топади ва кеча-кундузларга бўлинади. Кеча-кундузнинг моҳиятини яхши билиш орқали ундан таркиб топган ва унга асосланган нарсаларни билиш осон бўлади.





## 1606. КУНДУЗ БИЛАН КЕЧА, УЛАР МАЖМУИНИНГ МОҲИЯТИ ВА БОШЛАНИШ [ВАҚТИ]

Кундуз билан кеча [мажмуи] Куёшнинг олам айланиши натижасида кеча-кундузнинг бошланиши деб фараз этилган доирага қайтиб келишидан иборатдир. Агар келишилган бўлса, у ҳар қандай доира бўлиши мумкин ва агар у катта доира<sup>7</sup> бўлса, ҳар қандай катта доира билқувва<sup>8</sup> уфқдир. Билқувва уфқ [деган] нинг маъноси [шуки], мазкур доира бирон турар жой учун уфқ бўлиши мумкин. Олам айланиши осмон сферасининг ундаги барча нарсалар билан бирга ўзининг иккала кутби атрофида шарқдан гарбга кўриниб турган ҳаракатидир.

(6)|| Сўнгра араблар уфқ доирасидаги кун ботиш нуқталарини кеча-кундузнинг боши деб қабул қилганлар. Демак, уларнинг фикрича, кеча-кундуз Куёшнинг уфқ остига ботишидан то эртаси куни ботишигача чўзилган муддатдир. Арабларнинг бундай фикрга келишларига сабаб шуки, уларнинг ойлар Ой ҳаракатига асосланиб, унинг турли ҳаракатидан чиқариб олинган. Ойларнинг бошланиши ҳисоб билан эмас, ҳилолларнинг кўриниши билан белгиланган. Ҳилол эса Куёш ботаётганда кўринади. Демак, уларнинг фикрича, ҳилолнинг кўриниш вақти ой боши бўлиб, кеча кундуздан олдин турган. Шунинг учун, улар ҳафта кунларига нисбат берганларида, кечаларни кундузлардан олдин қўйишга одатланганлар.

Бу тўғрида арабларга кўшилувчилар: «Қоронғилик мартабада ёруғликдан олдин туради, нур қоронғиликнинг устига чиқади», – деб далил келтирадилар ва: «Олдин турганни олдинга қўйиш керак», – дейдилар. Шунинг учун, улар ҳаракатсизликни ҳаракатдан устун кўриб: «Роҳат ва ором ҳаракатсизлик натижаси. Ҳаракат бирон эҳтиёж ва зарурат учун [содир] бўлади, чарчаш заруратдан кейин келади. Демак, чарчаш ҳаракат натижасидир», – дейдилар. Яна улар: «Агар унсурларда [тупроқ, сув, олов ва ҳаво] ҳаракатсизлик бир қанча [вақт] давом этса, у ҳеч қандай офатни юзага келтирмайди. Агар уларда ҳаракат давом этиб, ҳукмронлик килса, зилзила, довул, тўлқин ва шунга ўхшаш ёмон ҳодисалар юз беради», – деб [далил] келтирадилар.

Аммо араблардан бошқа [халқ]лар – румликлар<sup>9</sup>, форслар ва уларнинг фикрига кўшилувчиларда кеча-кундуз – Куёшнинг шарқий уфқдан чиқишидан эртасига яна ўша уфқдан чиқишигача ўтган муддат деб қабул этилган, чунки улар қабул этган ойлар ҳисоб орқали белгиланган бўлиб, Ой ҳолатига ҳам ва бошқа ёриткичлар ҳолатига ҳам боғлиқ эмас. Уларнинг қарашича, [кеча-кун-

дуз] кундуз бошидан бошланади. Демак, уларнинг фикрича, кундуз кечадан олдиндир. Бу фикрларига улар: «Нур – борлиқ, зулмат – йўқлик», – деб далил келтирадилар. Нур зулматдан олдин деювчилар: «Ҳаракат ҳаракатсизликдан устун. Чунки ҳаракат йўқлик эмас – борликдир, у ўлим эмас – ҳаётдир», – дейдилар. Бу кишилар кечани кундуздан олдин деювчиларга, уларнинг гапларига ўхшаб, «осмон ердан афзал», «ишловчи ва ёш йигит [чолдан] соғломрок», «оқар сув тўхтаб қолган сув сингари бузилмайди» деган сўзлар билан қарши турадилар.

Аммо астрономларга келсак, бу олимлар аксариятининг ва улар энг яхшиларининг фикрича, кеча-кундуз Қуёшнинг кундуз ярми доирасидан<sup>10</sup> ўтишидан бошлаб, эртасига худди ўша доирага дуч келишигача бўлган муддатдир. Бу – юқорида айтилган икки хил сўз ўртасидаги бир тушунча бўлиб, уларнинг фикрича, кеча-кундуз кундуз ярми доирасининг кўриниб турадиган ярмидан<sup>11</sup> бошланади. Астрономлар зижлардаги<sup>12</sup> ҳисобларини шунга асослаганлар, ёриткичларнинг текис ҳаракатларидаги ҳолатларини ва, шунингдек, уларнинг йиллик астрономик дафтарларда кўрсатилган, тузатилган ҳаракатларини ҳам белгилаганлар.

Баъзи [астроном]лар, масалан, «Зижи Шаҳриёроншоҳ»<sup>13</sup>нинг муаллифи кундуз ярми доирасининг кўринмайдиган ярмини танлаб: «Кеча-кундуз ярим кечадан<sup>14</sup> бошланади», – деган. Бунинг зарари йўқ, чунки [бу икки хил фикр] бир далилга асосланган.

(7)|| Астрономларнинг уфқ доирасини танлаб олмай, [кундуз ярми] доирасини танлаганларига бир қанча сабаблар бор. Бири шуки, улар кеча-кундузнинг [ҳар жойда] ҳар хил ва бир хил эмаслигидаги бу ҳар хиллик Қуёш тутилиши вақтларининг ҳар хиллигидан ҳиссий сезиш билан аниқ билинади. Бу Қуёшнинг эклиптикадаги<sup>15</sup> ҳаракатининг нотекислиги гоҳо тез ва гоҳо суст эканлигидан ҳамда шу эклиптика кесмаларининг [кунлик] доираларидан турли [тезликда] ўтишларидан пайдо бўлади. Улар бу ҳар хилликни йўқотиш учун [вақт] «тенгламаси»ни<sup>16</sup> киритишга мажбур бўлганлар. Бу тенглама эклиптиканинг кундуз ярми доирасида чиқишида, умуман, ҳамма жойда тенг бўлади, чунки бу доира тўғри сферанинг<sup>17</sup> уфқларидан бири бўлиб, унинг ажралмас сифатлари Ернинг ҳамма жойларида ўзгармасдир. [Астрономлар] уфқ доираларида бундай ҳолатни учратмаганлар, чунки у ҳар жойда ҳар хил, ҳар қайси кенглик уфқи бошқа кенглик уфқлардан фарқ қилади ва эклиптика кесмаларининг у доиралардан ўтиш [тезлиги] турлича бўлади. Шунинг учун [уфқ доиралари] билан иш қилиш мукамал ва тартибли бўлмайди.

[Меридианларни танланишининг яна бир сабаби шуки], алоҳида жойларнинг меридиан доиралари ораларидаги [ёй бўйича] масофалари уларнинг экватордаги меридианлари ва [экваторга] параллел доиралар<sup>18</sup> орасидаги масофадан ортиқ эмас. Аммо уфқлар ораларидаги масофалар ўша миқдордан

ва шимол ҳам жанубга томон оғишидан ҳосил бўлади. Ёриткичлар ҳолати ва жойлари меридиан билан боғлиқ йўналишда бўлиши мумкин ва у узунлама деб аталади. Уфққа боғлиқ бўлган ва кенглик деб аталадиган бошқа нарса-нинг<sup>19</sup> бунга алоқаси йўқ. Шунинг учун, [астрономлар] ҳисобларини асослаш учун [кундуз ярми] доирасини танлаб, бошқа доиралардан воз кечганлар. Агар улар уфқ доиралари билан амал қилишни истаганларида, узоқ йўл юрилганидан кейин бўлса ҳам, барибир, меридиан доирасидаги натижага келардилар. Лекин тўғри йўлдан атайлаб энг узоқ йўлга ўтиш жуда катта хатодир.

Биз кунни, умуман, мана шундай таърифладик, [лекин куннинг] таркибига кеча ҳам кириши шарт<sup>20</sup>. Аммо кеча ва кундуз алоҳида иккига бўлинса ва бир-биридан ажратилса, ёлғиз кун ва кундуз бир маънони билдиради, бу – Куёш кулчасининг кўтарилишидан то ботгунигача ўтган муддат; кеча эса унинг аксидир. Буни, умуман, барча халқ эътироф этади, кўпчилик шунга келишиб, бу тўғрида бир-бирлари билан тортишмайдилар. Лекин исломнинг фақиҳ олимларидан бири кундуз ва рўза муддатини баробарлаш учун кундуз аввалини (тонг отиши, охирини) Куёш ботиши деб таърифлайди ва бунга Аллоҳ таолонинг: «...Тонггача, яъни ок ипнинг қора ипдан [тонгнинг тундан] ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз, сўнгра рўзани кечгача [Куёш ботгунча] мукамал тутингиз!...»<sup>21</sup> деган оятини далил келтириб, шу икки чегарани кундузнинг икки томони деб даъво қилади.

(8)|| Бундай фикрга қўшилувчилар учун бу оятнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар рўза боши кундуз бошига тўғри келганида, барча халққа аниқравшан нарсани қийин ва маъносиз ибора билан таърифламаган бўларди. Кундуз охири ва кеча бошини шундай таърифламадик-ку, чунки бу маълум. Кеча [боши] Куёш кулчасининг ботиши эканини деярли ҳамма билади. Бундан маълум бўладики, [Қуръонда] зикр қилинган «аввал» кундуз боши деган сўз эмас. Аллоҳ таолонинг «Сизларга рўза кечаси хотинларингиз билан алоқа қилишингиз ҳалол қилинди...» деган сўзидан то «...Сўнгра рўзани кечгача [куёш ботгунча] мукамал тутингиз»<sup>22</sup> деган сўзигача айтганларимиз тўғрилигидан далолат беради. Демак, [Аллоҳ] бутун кеча давомида эмас, [кечанинг] маълум вақтидагина жинсий алоқада бўлиш ва еб-ичишга рухсат этди. Бу оят нозил бўлишидан илгари хуфтон намозидан кейин ейиш-ичиш мусулмонларга ман қилинган эди. Улар рўзаларини бутун кун ва кечанинг бир қисми, деб санамай, умуман, кунлар бўйича ҳисоблар эдилар.

Агар [Аллоҳ] шу оят билан кундуз бошини мусулмонларга танитмоқчи бўлган дейилса, одамлар бундан олдин кун ва кеча бошини билмаган бўладилар; бунинг мумкин эмаслиги аниқ. Агар шариятда белгиланган кундуз [халқ ўртасида] машҳур бўлган кундуздан бошқа дейилса, бу иборада ўзгалик ва [одатда] бир нарсага ишлатиладиган ном билан бошқа нарсани аташ бўлади, холос. Шу билан бирга, [юқоридаги] оятда кундуз ва кундуз боши тўғрисида

гапирилмаган. Бундай нарсаларда тортишувдан четланамиз, қарши кишилар маънода бизга қўшилсалар, биз ҳам иборада уларга қўшилаемиз.

Ҳақиқатга зид экани аниқ-равшан бўлган нарсага қандай ишониб бўлади? Чунки кун ботиш шафақи ғарбда кўринади ва кун чиқиш – тонг отишга қарама-қарши тарафда бўлади. Икковининг сабабчиси ҳам бир<sup>23</sup>, ҳолати ҳам параллелдир. Агар тонгги шафақ чиқиши кундуз боши бўлсайди, кечки шафақ ботиши, албатта, кундуз охири бўлар эди, ҳатто шиа<sup>24</sup> мазҳабидагиларнинг баъзилари бу фикрни қабул қилишга мажбур бўлган. Шу билан бирга, бизнинг юқорида айтганларимизга қарши бўлган кишилар кеча ва кундузнинг бир йилда икки марта – бир марта баҳорда<sup>25</sup>, иккинчи марта кузда<sup>26</sup> – тенг келиши ва кун узайишининг ниҳояси Қуёш Шимолий кутбга жуда яқинлашганида бўлиши<sup>27</sup>, кун қисқаришининг ниҳояси эса Қуёш ўша кутбдан жуда узоқлашганида бўлиши<sup>28</sup>, ёзнинг энг қисқа кечаси қишнинг энг қисқа кунига тенг келиш борасида бизга қўшиладилар. Аллоҳ таолонинг «У кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур...»<sup>29</sup> ва «...У кечани кундузнинг устидан ўрар, кундузни кечанинг устидан ўрар...»<sup>30</sup> деган сўзларининг маъноси ҳам шунга боради. Агар [рақибларимиз] буларни билмасалар ёки ўзларини билмасликка солсалар, кундуз биринчи ярмининг олти соат, иккинчи ярмининг ҳам олти соат бўлишини қабул этмай чоралари йўқ. Бундан кўз юмишлари мумкин эмас, чунки жума куни жоме [масжид]га илгарироқ борувчиларнинг фазилатлари ва масжидда бўлиш соатлари ортиқ-кам бўлишига қараб, мукофотлари ҳам тафовутли бўлиши ҳадисларда<sup>31</sup> келтирилган. У [масжидда бўлиш] соатлари кундуз бошидан то кун окқунча ўтган олти соат бўлиб, улар «тенглаштирилган» ҳамда «текис» деб аталувчи соатлар эмас, «замоний эгри»<sup>32</sup> соатлар бўлиши ақлга мувофиқ келади.


(9)|| Агар биз рақибларимизга ён бериб, уларнинг даъволарини қабул этсак, Қуёш қишки туришининг у ёки бу ёнида<sup>33</sup> бўлганида кеча-кундузнинг тенглашуви – бу эса баъзи жойларда бўлиб, баъзи жойларда бўлмайди – ва қиш кечасининг ёз кундузига тенг келмаслиги лозим бўларди. [У ҳолда] Қуёш кун чиқиш ва ботиш оралиғи ўртасидаги жойга келганда, туш пайти бўлмай қоларди. Идрокли ва мулоҳазали киши бундай хулосаларга бутунлай қарши фикр юритади. Осмон сфераларининг ҳаракатларидан салгина хабардор бўлган кишига уларнинг шу хилдаги бемаънилиқда чегарадан чиқиб кетганликлари, албатта, маълум ва равшан бўлади.

Агар биров одамларнинг тонг шафақи чиққанида: «Тонг пайтига кирдик, кеча кетди» деган гапларини далил келтирса, бу киши Қуёш ботишга яқинлашиб, сарғайган пайтда одамларнинг: «Кечага кирдик, кундуз кетиб, кеч келди» деган гаплари ҳақида нима деб ўйлайди? Бу фақат бир вақтнинг яқинлашиб келгани ва бўлиб турган [вақт]нинг ўтиб кетаётганидан хабар беришдир. Бу мажоз ва истиора ўрнида қўлланиладиган сўзлардир. Буни тил-

да ишлатиш мумкин. Масалан, Аллоҳ таборак ва таоло: «Аллоҳнинг амри [киёмат] келди. Бас, сизлар [эй мушриклар!], Уни қистамай қўя қолингиз!..»<sup>34</sup> деган.

Пайгамбар(с. а. в.)дан (Аллоҳнинг унга саломи бўлсин) ривоят қиладилар, у: «Кундузги намоз «гунг»<sup>35</sup>, деган ва одамлар пешин намозини – у кундузги икки вақт намознинг биринчиси бўлгани учун – «биринчи намоз» деб атайдилар. Аср намозини – у кундузги икки вақт намознинг биринчиси [пешин] билан кеча намозларининг биринчиси [шом] орасига кирганидан – «ўрта намоз» деб атайдилар», – деган. Бу гапимизнинг тўғрилигини исботлайди.

Бу ердаги гаплардан мақсадимиз, зарурият [аниқ маълумотлар] Қуръони карим далолат берганининг аксини исбот этади, деб гумон этувчи ва гумонни исботлаш учун фикҳ олимлари<sup>36</sup> ва Қуръонни тафсир этувчилардан бирининг сўзини далил келтирувчи кишиларнинг гумонини кетказиш, холос. Аллоҳ ҳақиқатга йўлловчидир.





## II 606. КЕЧА-КУНДУЗЛАРДАН ТАРКИБ ТОПУВЧИ ОЙЛАР ВА ЙИЛЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Биз айтамызки, Куёшнинг эклиптикадаги олам ҳаракатига тескари ҳаракат қилиб, унинг ҳаракати бошланган жой деб танланган ихтиёрий нуқтага қайтиб келгунигача ўтган [муддат] йил дейилади. Йил тўрт фасл – баҳор, ёз, куз, киш ва уларнинг тўрт хил табиатларини ўз ичига олиб, қаердан бошланган бўлса, шу ерда тамом бўлади.

Бу айланишлар Птолемейнинг<sup>37</sup> фикрича, бир-бирига тенгдир, чунки у Куёш апогейида [ҳеч қандай] ҳаракат топмаган<sup>38</sup>. Аммо бошқа [астроном]лар «Синдҳинд»<sup>39</sup>га эргашувчилар ва ҳозирги [астроном]лар фикрича, Куёшнинг айланишлари бир-бирига тенг эмас, чунки уларнинг кузатишларига кўра, Куёш апогейининг ҳаракати мавжуд. [Куёш] айланишининг тенг ёки нотенг бўлишидан қатъи назар, йиллар тўрт фасл ва улардаги табиий ўзгаришларни тамоман қамраб олади.

(10)|| Йилнинг бутун ва қасрли кунлари қанча эканига келсак, бу ҳақдаги кузатишларнинг натижалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқ эмас. Баъзи кузатишларда кўпроқ, баъзиларида камроқ чиққан, аммо кузатишлардаги тафовутлар озгина вақтда сезилмайди. Агар [вақт] узок муддатга чўзилса ва тафовут кўпайиб, йиғилиб қолса, бу пайтда кўпол хато содир бўлади. Ана шундай хато [содир бўлмаслиги учун] донишмандлар қайта-қайта кузатиб, эҳтиёт бўлишни тавсия қилганлар.

Йилнинг [неча кунлигини] аниқлашдаги кузатишларнинг хилма-хил чиқиши кузатиш ва ҳақиқатни топишни билмасликдан эмас, балки катта доира бўлақларини кичик доира бўлақлари орқали аниқлаб бўлмаслиги, яъни кузатиш қуроллари кичик бўлиб, кузатиладиган жисмларнинг жуда катталиги сабаблидир. Бу масала бизнинг «[Астрономик] кузатишлардаги ихтилофлар ҳақида далиллар китоби»<sup>40</sup> номли асаримизда тўлиқ баён этилган.

Шу муддатда, биз Куёшнинг эклиптика бўйлаб бир айланиш муддати-ни назарда тутаямиз. Ой ўн икки ярим мартадан камроқ айланганда, ҳиллол ўн икки марта кўринади. Ойнинг эклиптика бўйлаб ана шу ўн икки марта айланишини қамарий йил деб қабул қилганлар ва ундан ўн бир кунга яқин қаср [кунлари]ни чиқариб ташлаганлар. Шу сабабли, эклиптикани ҳам тенг ўн икки қисмга бўлганлар. Буни «Шуълалар ва нурлар [моҳияти]ни китобларда тўпланган ёлғонлардан тозалаш ҳақида»<sup>41</sup> китобимизда баён этганмиз. Бу китобимиз билан олий тахтда ўтирганга<sup>42</sup> хизмат қилган эдик, Аллоҳ уни яна ҳам олий мартабали қилсин.

Шундай қилиб, одамлар икки хил йил – шамсий йил ва қамарий йилни ишлатадиган бўлганлар. Бу иккисидан бошқа ёриткичларни йил ҳисобида ишлатмаганлар. Бунга сабаб, [биринчидан], уларнинг ҳаракатлари сезилмас, кўз билан кўриб бўлмайди, фақат кузатиш [қуроли] ва тадқиқ орқали кўрилади. [Иккинчидан], бу икки ёриткич ҳаракатларининг вақт, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар аҳволига, булардан бошқа унсурлар бўлақларининг ўзгариб, бири иккинчисига айланишига таъсири бор. Чунки бу иккиси катта, нури, кўриниши билан бошқа ёриткичлардан ажралиб туради ва иккови бир-бирига ўхшайди. Сўнгра бу икки хил йилдан бошқа [барча] йиллар чиқариб олинган.

Теоннинг<sup>43</sup> ўз зижиди айтишича, Қустантания<sup>44</sup> ва Искандария аҳолиси ва бошқа [халқ]лар – румликлар<sup>45</sup>, сурёнийлар<sup>46</sup>, калдонийлар<sup>47</sup>, ҳозирги мисрликлар ҳамда йил тўғрисида Ал-Муътазид биллох<sup>48</sup> фикрига амал қилувчилар – шамсий йилни тутганлар. Бу йил уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кунга яқин бўлади. Улар йилларини уч юз олтмиш беш кун қилиб, чораклар ҳар тўрт йилда бутун бир кун бўлгач, уни [йилга] қўшганлар. Чораклар шу йилга қўшилгани учун ўша йилни «қўшимчали» йил деб атаганлар. Қадимги қибтлар<sup>49</sup> ҳам шунга мувофиқ иш юргизганлар, лекин улар то йиғилиб тўлик бир йил ҳосил бўлгунича, чоракларга тегмаганлар. Бу бир минг тўрт юз олтмиш йилда [бир марта] бўлади, кейин уни бир йил деб санокка қўшардилар. Искандариялик Теоннинг айтишича, шу вақт улар йилининг боши Искандария ва Қустантания аҳолиси йилининг бошига тўғри келарди.

(11)|| Форсларга келсак, улар ҳам ҳукмронлик қилган вақтларида шу қоидага амал қилганлар, лекин улар бунга бошқачароқ ёндашганлар. Улар ўз йилини уч юз олтмиш беш кун қилиб, бундан кейинги касрни ҳисобламаганлар. Ниҳоят, чорак кунлардан бир юз йигирма йилда тўла бир ой ва чорак кундан кейин келадиган бешдан бир соатлардан бир кун йиғилган. Кейин ўша тўлик бир ойни ҳар бир юз ўн олти йилда йилга қўшганлар. Бундай қилганликларининг сабабини кейин баён этамиз.

Бу борада Хоразм ва Суғднинг қадимги аҳолиси ҳам форсларга эргашганлар, форслар ҳукмронлик [қилган] вақтида уларга бўйсунганлар ва динини қабул қилганлар ҳам бу борада уларнинг йўлидан юрганлар.

Эшитишимизча, форслардан Пешдодий<sup>50</sup> подшоҳлари – улар бутун дунёга подшоҳ бўлганлар – йилни уч юз олтмиш кун ва йилнинг ҳар бир ойини ортик-камсиз ўттиз кун қилиб, ҳар олти йилда [йилга] бир ой қўшганлар ва ўша йилни «кабиса»<sup>51</sup> деб атаганлар; ҳар бир юз йигирма йилда [йилга] икки ой қўшганлар: бу икки ойнинг бири [каср қоладиган] беш кун сабабли, иккинчиси чорак кун сабабли [қўшилган]. Улар кабиса йилини улуғлаб, гўё «баракали йил» деб атар ва бу йилда ибодат ҳамда яхши ишлар билан машғул бўлар эканлар.

Аммо «Ал-Мажистий»<sup>52</sup> китобига унинг [муаллифи] ҳисобларида асос тутилган йиллар ҳақидаги маълумотларга қараганда, қадимги қибтлар ва ислом [дини ҳукмронлиги] даврида Форс, Хоразм ва Суғд аҳолиси фикрларининг тақозоси шундай бўлган: улар касрлардан, яъни чорак [кун] ва бун-



га тегишли [бўлақлардан] юз ўгириб, уларни бутунлай [ҳисобдан чиқариб] ташлаганлар.

Ибронийлар, яҳудийлар – ва [умуман] Бани Исроилнинг<sup>53</sup> ҳаммаси, собийлар ва ҳарронийларга<sup>54</sup> келсак, улар юкоридаги икки хил фикр ўртасидаги бошқа бир фикрни айтиб, йилни Қуёш ҳаракатидан олганлар. Байрамлари ва рўзалари ой ҳисобига мувофиқ бўлиши учун ойларини Ойнинг ҳаракатидан олганлар. Улар ҳар ўн тўққиз камарий йилда етти ой қўшганлар. Буни улар даврларининг чиқариб олиниши ва йилларининг кайфиятлари [боби]да баён этамиз.

(12)|| Христианлар рўза ва баъзи бир байрамларини ҳисоблашда уларга қўшиладилар, чунки христианлар ўша кунларнинг ҳисобида яҳудийлар пасхасига таянганлар. Лекин ойларни ҳисоблашда улардан ажралиб, румликлар ва сурёнийлар йўлидан борганлар. Араблар ҳам жоҳилия<sup>55</sup> даврида шундай қилганлар. Улар ўзлари ишлатадиган камарий йил билан шамсий йил орасидаги фарқни [бу қўпол ҳисобланганда ўн кун, йигирма бир бутун ва бешдан бир соат бўлади] – кўриб, қачон шу фарқлардан тўлиқ бир ой кунлари йиғилса, уларни йилга қўшадиган бўлганлар. Лекин улар ўша фарқни ўн кун ва йигирма соат қилиб иш юритганлар. Бу ишни кинона қабиласининг «қаламиса» деб танилган «тўлдирувчилар»и ўз зиммаларига олган эдилар: «қаламиса»нинг] бирлиги «қаламмас» бўлиб, бу «кўп сувли денгиз» демақдир. У кишилар Абу Сумома Жунода ибн Авф ибн Умайя ибн Қалаъа ибн Аббод ибн Қалаъа ибн Ҳузайфа [авлодидан]дирлар, улар [йилни] «тўлдирувчилар» эдилар. Улардан бу ишни биринчи бажарган киши Ҳузайфа бўлиб, Ҳузайфа ибн Аббад ибн Фуқайма ибн Адий ибн Амир ибн Саълаба ибн Малик ибн Кинонадир; буни бажарганлардан [энг] охиргиси эса Абу Сумомадир. Уларнинг шоирларидан бири Абу Сумомани шундай тавсиф қилади:

*Мана, «қаламмас» деб аталган Фуқайма,  
Улар динининг асосчиси,  
Уларнинг бошлиғи бўлиб, сўзи тингланар<sup>56</sup>.*

Бошқа бир шоир бундай деган:

*[У] Кинона бурунги кишиларининг машҳури,  
Унинг ўрни улуғ ва шарафли,  
У шундай давр кечирган.*

Яна бир шоир бундай деган:

*У Қуёш айланиши ва янги Ой ўртасидаги фарқни  
То тўла бир ой бўлгунча йиғар ва ҳисоблаб жамларди.*

[Ҳузайфа] бу [тартиб]ни ислом дини зуҳур бўлишидан қарийб икки юз йил илгари яҳудийлардан олган эди. Лекин [араблар] ҳар йигирма тўрт камарий йилда тўққиз ой қўшар эдилар ва уларнинг ойлари қатъий маълум вақтларга боғлиқ бўлиб, бир тартибда – ўз вақтидан кейин ҳам, олдин ҳам келмас эди. [Бу] Пайғамбар алайҳиссалом [видолашув ҳажи]ни адо этгунча ва унга: «Албатта, насий<sup>57</sup> куфрда зиёда бўлишдан ўзга нарса эмас. Бу билан куфр кел-

тирганлар залолатга кетказилурлар. Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар. Уларга амалларнинг ёмонлиги зийнатланди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас»<sup>58</sup> ояти но-зил бўлгунча [давом этган]. Шундан кейин [Пайгамбар] алайҳиссалом хутба ўқиб: «Албатта замон айланиб, у Аллоҳ осмон ва ерни яратган кунда [қандай бўлса], шундай бўлиб қолди», – деди ва уларга «насий»нинг ҳаром этилганлиги ҳақидаги оятни ўқиб берди. «Насий» – [йилга] қўшиб тўлдиришдир, шу вақтдан бошлаб араблар уни бекор қилдилар. Уларнинг ойлари ўз вақтидан ўзгариб кетди ва номлари ўз маъноларини англатмай қўйди.

Энди бошқа халқларга келсак, уларнинг ой ва йил ҳақидаги қарашлари маълум ва деярли шу айтиб ўтилганлардан нарига ўтмайди. Бу тўғрида уларнинг ҳар бири ўз қўшнисининг тушунчасига эргашади.

(13)|| Ҳиндлар ойларни ҳилол кўринишидан ҳисоблаб, ҳар бир тўққиз юз етмиш олти кунга бир қамарий ой қўшишларини ва ўз эраларини [ёриткичларнинг] бирон буржнинг биринчи дақиқасида бир-бирига қўшилишларидан бошлашларини эшитдик. Кўпинча улар шундай қўшилиш икки тенгкунлик нуқтасининг бирида дуч келишини кутадилар. Улар каби-са йилини «адҳимаса» деб атайдилар. Эҳтимол, булар ҳақиқатдир. Ҳиндлар астрономияга оид ҳукмларида ёриткичлар орасидан Ойни, унинг манзиллари ва жафрларидан<sup>59</sup> фойдаланишни маъқул топиб, буржлардан фойдаланмаганлар.

Абу Муҳаммад ан-Ноиб ал-Омулий<sup>60</sup> «Тонг китоби» [асари]да Ёқуб ибн Торикдан<sup>61</sup> ҳикоя қилишича, ҳиндлар тўрт турли муддат [йил] ҳисобидан фойдаланадилар. Биринчиси, Қуёшнинг эклиптиканинг [бирор] нуқтасидан кетиб, яна худди ўша нуқтага қайтиши. Бу – Қуёш йилидир. Иккинчиси, Қуёшнинг уч юз олтмиш марта тулуъ қилиши. Бу «Ўрта йил» деб аталади, чунки бу қамарий йилдан узунроқ, шамсий йилдан қисқа бўлади. Учинчиси, Ойнинг аш-Шаратон<sup>62</sup> юлдузларидан – бу иккиси Ҳамал [буржининг] бош юлдузлари – кетиб, ўн икки марта айлангач, яна уларга қайтишидир. Ҳиндлар бунини қамарий йил дейдилар. Бу – тахминан уч юз йигирма етти кун, етти бутун ва учдан икки соатга яқин бўлади. Тўртинчиси, Ойнинг ўн икки марта янгиланиши бўлиб, қамарий йил ҳисоби шудир.



### III б о б. ЭРАНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХАЛҚЛАРНИНГ БУ ҲАҚДАГИ ИХТИЛОФЛАРИ ХУСУСИДА

Эра – бу бирор ўтиб кетган йилнинг бошидан ҳисобланадиган маълум бир муддат бўлиб, ўшанда турли аломатлар ва далиллар билан [қандайдир] пайғамбар юборилган, ёки қудратли, шаъни улуг бир подшоҳ зухур қилган, ёки хароб қилувчи умумий тўфон, zilзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор халқ ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломатларидан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо бўлмайди<sup>63</sup>. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, эралар аниқланади, барча дунёвий ва диний [ишлар]да бунга эҳтиёж сезилади.

Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида эраси бор, уни ўз подшоҳлари, пайғамбарлари, давлатлари ёки биз юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан деб ҳисоблайдилар. Шу йил ҳисоби ёрдамида ўзаро муомала ишларида ҳамда [байрамлар] вақтларини билишда керакли [муддат]ларни белгилайдилар ва бу билан улар бошқа халқлардан ажралиб турадилар.

Қадимги эраларнинг энг бошлангичи ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир.

Китоб аҳллари бўлмиш яҳудийлар, христианлар, муғлар<sup>64</sup> ва уларнинг [барча] тариқатларида бу воқеа қандай бошлангани ва ундан қандай қилиб йил ҳисобини бошлаш хусусида шундай ихтилофлар мавжудки, эралар ҳақида бу каби хилма-хиллик бўлиши мумкин эмас.

(14) || Яратилишнинг бошланиши ва ўтмиш авлодларнинг аҳволи орқали билинадиган ҳар бир нарса уйдирма гаплар ва афсоналар билан коришгандир, чунки бу ишлар жуда узоқ вақтларда юз бериб, биз билан улар орасида кўп замонлар ўтиб кетган. Бунга эътибор бермоқчи бўлган киши у [воқеа]ларни эсда сақлаб туриш ва аниқлашдан ожиздир.

[Аллоҳ] таоло: «Сизларга илгари ўтган кишиларнинг – Нух, Од, Самуд қавмларининг ва улардан кейин ўтган, фақат Аллоҳгина биладиган қавмларнинг хабари келмадими?...»<sup>65</sup>, деган. Демак, уларнинг сўзларини ўз ҳолича қабул этмай, бу сўзларнинг тўғрилигини ишончли бир китоб ёки кўпчилик[нинг] фикри асосида бизни ишонтира оладиган бирон хабар исбот этса, шундагина қабул этамиз.

Аввало, биз мана шу [башариятнинг бошланиш] эрасига назар солсак, бу ҳақда у халқлар орасида кўпгина ихтилофларни учратамиз. Ихтилофлар шуларки, форслар ва оташпарастрлар: «Оламнинг умри буржлар ва ойлар сонига мувофиқ ўн икки минг йил», – деб даъво қилганлар. Уларнинг шариати асосчиси Зардушт<sup>66</sup> эса гўё олам пайдо бўлишидан то ўзи юзага чиққунича чорак кунлар кўшилиб уч минг йил ўтди, деб даъво қилган. Шунда у чорак кунлар жиҳатидан ҳамиша йилларда учратиладиган нуқсонни [топиб], у чораклар кўшилиб, йиллар тўғри бўлгунича ҳисоблашни ўз зиммасига олган.

Зардуштнинг юзага чиқиши билан Искандар эрасининг<sup>67</sup> бошланиши орасида икки юз эллик саккиз йил ўтган. Демак, олам пайдо бўлишидан то Искандаргача уч минг икки юз эллик саккиз йил ўтган бўлади. Лекин буни форсларда биринчи одам деб ҳисобланган Каюмарс даврининг бошланишидан ҳисобласак ва ундан кейинги ҳар бир подшоҳ даврини унга кўшсак (чунки форсларнинг подшоҳликлари узилмай туташиб келган) бу сонларнинг жами то Искандаргача уч минг уч юз эллик тўрт йил бўлади. Демак, у даврларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоблангани жамлаб айтилганига мувофиқ келмайди.

Шу билан бирга, Искандардан кейинги давр ҳақида форслар ва румликлар бир-бирлари билан келиша олмайдилар. Шундайки, Искандар билан Яздигард<sup>68</sup> подшоҳлигининг бошланиши орасида тўққиз юз қирқ икки йил ва икки юз эллик етти кун ўтган.<sup>69</sup> Агар бундан Яздигард подшоҳлигининг бошланишигача чўзилган Сосон<sup>70</sup> авлодининг подшоҳлик йилларини айирсак – бу, форсларнинг айтишларича, тахминан тўрт юз ўн беш йилга яқин бўлади, беш юз йигирма саккиз йил қолади<sup>71</sup>, бу – Искандар ва Мулук ат-Таво-йифнинг<sup>72</sup> подшоҳлик йиллари бўлади. Агар Ашконийлардан<sup>73</sup> ҳар бирининг подшоҳлик муддатини форслар исбот этганига мувофиқ жам қилсак, икки юз саксон йил бўлади. У подшоҳликлар [муддати] хусусида форсларда ихтилоф бўлса ҳам, жами уч юз йилдан ошмайди<sup>74</sup>.

(15)|| Форслардан бир гуруҳининг [фикрича], юқорида айтилган уч минг йил Каюмарс яратилгандан кейин ўтган, ундан аввал [эса] олти минг йил муддат ўтган. Бу муддатда осмон сфераси ҳаракат қилмаган, табиат ўзгармаган, унсурлар бир-бирига қўшилмаган, уларда тузилиш ва бузилиш вужудга келмаган, Ер обод бўлмаган эди. [Осмон сфераси] ҳаракат эттирилгач, экваторда бўйининг ярми шимол томонда ва ярми жануб томонда бўлган биринчи одам пайдо бўлган. [Ҳайвон]лар вужудга келиб, бири-биридан туғила бошлаган, инсон насл пайдо қилиб кўпая бошлаган. Тузилиш ва бузилиш натижасида унсур бўлаклари бир-бирига қўшилиб, дунё обод бўлган ва олам тартибга тушган.

Христианлар билан яҳудийларнинг бу масалада катта ихтилофлари бор. Чунки яҳудийлар «Одамдан Искандаргача уч минг тўрт юз қирқ саккиз йил ўтган», деб даъво қилсалар, христианлар: «Беш минг бир юз саксон йил», – дей-

дилар. Улар: «Яҳудийлар Исо алайҳиссаломнинг зуҳури тўртинчи минг йилликка, [яъни] яҳудийлар фикрича, олам умрининг миқдори бўлмиш етти минг йилликнинг ўртасига тўғри келиши учун беш минг бир юз саксонни айирганлар. Бу Мусо алайҳиссаломдан кейинги пайғамбарларнинг охир замонда Исо бокира бир қиздан туғилади деб дарак берган вақтларига тўғри келмайди», – деб яҳудийларни айблайдилар.

У икки гуруҳнинг [яҳудий ва христианлар] ҳар бири ўз далилида ҳарфлар ҳисоби<sup>75</sup> орқали чиқариб олган тафсирларига инонади. Яҳудийлар Искандар эраси минг уч юз ўттиз бешинчи йили тамом бўлганидан [кейин] юзага чиқиши дарак берилган Масихни ишонч билан кутадилар. Ҳатто улар гуруҳларининг ар-Раий, Абу Исо ал-Исфаҳоний<sup>76</sup> ва шуларга ўхшаш пайғамбарликни даъво қилувчилардан кўпчилиги ўзларини Исо Масихнинг яҳудийларга юборган элчиларимиз, деб даъво қилдилар. Чунки улар бу [Искандар] эрасининг аввалги қурбонликларнинг бекор бўлиши, ваҳийларнинг узилиши ва пайғамбарлар [дунёга] келишининг тўхтаб қолиши вақтига тўғри келди, деб даъво қилдилар. Бундан ташқари, улар Тавротнинг<sup>77</sup> бешинчи китобидан Аллоҳ таолонинг сўзларини яҳудий тилида «Мен, Аллоҳ, ўз зотимни ўша кунгача яшираман» шаклида олдилар<sup>78</sup>. Яҳудийлар «яшириниш» лафзи бўлган «ҳастор» ва «астир» сўзларини ҳисобладилар, у бир минг уч юз ўттиз бешта чикди. Шунда яҳудийлар: «Бу – осмондан ваҳий [тушиши] тўхтаб, қурбонликларнинг бекор этилиш муддати. Бу – «яшириниш»дир; бу ерда «зот» сўзидан мурод «амрдир», – дедилар. Улар даъволарининг тўғрилигига Даниёлнинг китобидаги сўзларини далил келтирадилар. Маъноси: «Қурбонликка руҳсат берилишидан то ифлослилик йўқ бўлгунигача минг икки юз тўксон... ўтади»<sup>79</sup>, демакдир ва унинг кейинидан маъноси ушбу бўлган сўзларни ҳам далил қилиб келтирадилар: «Бир минг уч юз ўттиз бешинчигача яшашни умид қилувчи киши бахтлидир»<sup>80</sup>.

(16)|| Яҳудийларнинг баъзилари: «У икки сўз ўртасида қирқ беш йил ўтган. Чунки биринчи сўз Увришалим қурилишининг бошланишида айтилган бўлиб, кейингиси қурилиш тамом бўлган вақтда айтилган<sup>81</sup>», – дейди. Баъзилари эса: «Биринчиси [Исо]нинг туғилиш вақтини белгилаш учун, иккинчиси, унинг зуҳур қилиш вақтини белгилаш учун айтилган», – дейди. Яҳудийларнинг айтишларича, Ёқуб Яҳудога барака тилаб<sup>82</sup>, унинг ҳаққига дуо қилганида<sup>83</sup>, унга то подшоҳликни эгалловчи бир киши келгунича, подшоҳлик унинг авлодлари [кўлидан] чиқиб кетмаслигини хабар беради.

Шундай қилиб, у Яҳудони, то кутилган Исо Масих зуҳур қилгунича подшоҳлик унинг авлодларида бўлади, деб хабардор қилган. Яҳудийлар айтганидек, «Подшоҳлик уларнинг қўлларидан чикмаган»; чунончи «раъс ал-жалут», яъни «Увришалимдаги ватанларини ташлаб кетган қувгиндилар раиси», дунёдаги барча яҳудийларнинг бошлиғи ва подшоҳи бўлиб, унга тўлиқ бўйсуннишган ва унинг амрини аксарият ҳолда яҳудийлар бажо келтирганлар.

Христианлар сурёнийча<sup>84</sup> ёзилган, маъноси шундай калималарга асосландилар: «Исо Масих – буюк халоскор»<sup>85</sup>. Улар бу калималар ҳарфларини ҳисоб қилганларида, бир минг уч юз ўттиз беш кунга етган. Шунда улар: «Даниёл ҳалиги ададлардан мазкур йилларни эмас, ўша калималарни мўлжаллаган, чунки унинг айтганлари фақат ададларгина бўлиб, уларнинг йиллар, кунлар ёки бошқа нарсалар экани билинмайди», дедилар.

Христианлар: «У ададлар Масихнинг келиш вақтидан эмас, балки исмидан дарак беради», – дейдилар. Уларнинг баёнича, Куруш<sup>86</sup> подшоҳлигидан икки йил ўтгач, биринчи ойнинг йигирма тўртинчи куни Даниёл Бобил замида Аллоҳга атаб намоз ўқигандан кейин туш кўрди, бу вақтда Бани Исроил [шулар жумласидан Даниёл ҳам] форслар қўлида асир эди. Аллоҳ унга [тушида] ваҳий юбориб: «Увришалим, яъни Байт ул-Муқаддас етмиш сабуда [етмиш етти йилда] қурилиб, сенинг қавминг учун тинч жой бўлади. Сўнгра Масих келади ва ўлдирилади. Унинг келиши билан Увришалим охирги марта хароб бўлиб, то охирзамонгача вайронликда қолади»<sup>87</sup>, – деган.

(17)|| Етти йилнинг мажмуасига *сабу* дейилади. Увришалим қурилиши ҳақида [айтиб ўтилган] етти *сабу*<sup>88</sup> ҳам шу жумладандир. Закариё ибн Вараҳаё ибн Аддаво айтган муддат ҳам шу. У ўз китобида: «Мен бир минора кўрдим, унда еттита чирок ва ҳар бир чирокда еттита оғиз бор»<sup>89</sup>, – деган. Бундан аввал у: «Зарбобилнинг икки қўли у уйга асос солди ва уни битказади», – деган эди. Байт ул-Муқаддасга асос солина бошланишидан то битказилғунича ўтган муддат қирк тўққиз йил – етти сабудир. Христианларнинг айтишича, олтмиш икки сабудан кейин Марям ўғли Исо [дунёга] келди. Охирги сабуда жонлик сўйиш, қурбонлик қилиш бекор этилди. Ваҳий ва пайғамбарларнинг дунёга келиши тўхтади, Бани Исроил назардан қолиб тарқалиб кетди, уларда қурбонлик ҳам, қурбонлик сўядиган жой ҳам бўлмаганидан, Увришалим, айтиб ўтилгандек, вайрон бўлди.

Юқорида айтилганидек, иккала гуруҳдан [яхудий ва христианлар] ҳар бири шундай маънодаги бир қанча даъволарда бўлиб, у даъволарнинг тўғрилигига ҳарфлар ҳисобидан чиқарилган кучсиз бўяма гаплардан бошқа далил келтирилмайди. Агар диққат билан фикр юритувчи бир киши уларнинг даъволарига у далиллар билан бошқа бир даъво исботлашни ва уларнинг даъволарини ўзлариники сингари далиллар билан рад этишни мўлжалласа, бунга эришиш у кишига кийин бўлмайди. Чунки яхудийлар подшоҳлик Яхудо авлодида қолади деб, подшоҳликни қувгиндиларга раислик қилиш деб тушунадилар. Агар «подшоҳлик» исмини умумий маъно билан шу хилдаги раисликка ишлатиш дуруст бўлса эди, оташпарастлар, собийлар ва бошқалар ҳам яхудийларга бу борада, албатта, шерик бўлар эдилар. Бундан Бани Исроил ва қолган бошқа халқ авлодлари ҳам мустасно бўлмас эдилар. Чунки одамларнинг тубан [даражалиси] ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бошқага эгалик ва раислик қилишдан холи эмас.

Агар биз Тавротдаги «яшириниш» сўзи ифода этган ададдан мурод Бани Исроилнинг Мисрни тарк этиш тарихи<sup>90</sup> билан Марям ўғли Исо замони ўртасидаги муддат десак, бу мулоҳазамизда, албатта, ҳақлироқ бўламиз. Чунки яҳудийларнинг Мисрдан чиқишлари билан Искандарнинг [тахтга] ўтириши ўртасидаги муддат, яҳудийларнинг ўз сўзларига қараганда, минг йилдир<sup>91</sup>. Марям ўғли Исо эса Искандар эрасининг уч юз тўртинчи йилида туғилиб<sup>92</sup>, шу эранинг уч юз ўттиз олтинчи йилида Аллоҳ уни ўз томонига кўтарган. Демак, шу муддатда ўтган йиллар аниқ бир минг уч юз ўттиз беш йил бўлади, бу Имрон ўғли Мусо алайҳиссалом шариатининг, то уни Марям ўғли Исо такомиллаштиргунича давом этган муддатидир. Яҳудийлар далил қилиб келтирган Даниёлнинг иккита гапига келсак; агар у гапларга бошқача изоҳ берилса, бу, албатта, мумкин эди. Балки улар баён этган йўлларнинг биронтасига ҳам йўйиш дуруст бўлмайди, фақат ўша замоннинг бошланиши у икки гап айтилган вақтдан аввал бўлгандагина дуруст бўлади.

Бунинг изоҳи шуки, агар бу икки муддатнинг бошланиши бир вақтда – ўтган замонда ёки ҳозирги, ёхуд келгуси замонда бўлганда эди, айтилган икки вақтнинг турлича бўлишида маъно бўлмасди. Бу икки вақт ўртасида тафовут бўла туриб, у гапларни ҳеч бир йўл билан тўғри йўйиб бўлмайди. Шу билан бирга, иккинчи гапда<sup>93</sup> саналган замоннинг бошланиш муддати<sup>94</sup> айтилиш вақтидан аввал бўлиб, тугалланиши ундан бир йил кейин ё камроқ, ёки кўпроқ ва шуларга ўхшаш бўлиши мумкин. Яна у замоннинг бошланиши [айтилган] вақтнинг худди ўзида ёки ундан оз ва кўп бўладиган номаълум бир муддат[дан] кейин бўлиши ҳам эҳтимол. [Бироқ ходисада] уч турли замон вақтини кўрсатиш эҳтимоли бўлганда, уни аниқ ибора ёки тўғри далил ва ҳужжат бўлмаса, уч замоннинг бирига йўйиб бўлмайди.

(18)|| [Даниёлнинг] биринчи гапига келсак, бу Байт ул-Муқаддаснинг аввалги харобалиги учун ҳам, иккинчи харобалиги учун ҳам айтилган бўлиши эҳтимол, лекин [иккинчиси] Искандар подшоҳлигининг уч юз саксон бешинчи йилида бўлган<sup>95</sup>. У вақтда яҳудийларнинг эра боши қилиб олган вақтларини эраларининг бошланиши дейишларига ҳеч бир асос йўқ. Яҳудийларнинг даъволари билан боғлиқ шубҳалар ана шулардир.

Христианларнинг даъволарига сабаб бўлган [шубҳалар] яна ҳам кўпроқ ва аниқроқдир. Шундайки, агар яҳудийлар уларнинг: «Даниёл тушидан етмиш сабу ўтгандан кейин Масих келади», – деган даъволарини қабул этганларида ҳам, бу ўша муддатдан кейин Марям ўғли Исонинг зухурига мувофиқ келмайди, чунки барча яҳудийлар: «Бани Исроилнинг Мисрдан чиқишидан то Искандар эраси бошланишигача тўла минг йил ўтган», – дейдилар. Улар пайғамбарларга нозил бўлган китоблардан, Бани Исроилнинг Мисрдан чиқишидан то Байт ул-Муқаддаснинг бино этилишигача тўрт юз саксон йил ва унинг бино этилишидан то Бухтунассар<sup>96</sup> уни вайрон қилгунигача тўрт юз ўн йил ўтди ва у етмиш йил вайронлигича қолди, деб нақл қиладилар.

Демак, ҳаммаси тўққиз юз олтмиш йил бўлади, бу эса Даниёлнинг туш кўрган вақтидир. Бунда эслатиб ўтилган мингдан қирк йил ортиб қолади.

Сўнгра яхудий ва христианлар Марям ўғли Исо Масихнинг Искандар эрасининг уч юз тўртинчи йилида туғилганига ихтилоф қилмайдилар. Уларнинг гапларига кўра, Марям ўғли Исо Даниёл тушидан ва Байт ул-Мукаддас қурилишидан кейин уч юз қирк тўртинчи йилда туғилган бўлади, бу эса қирк тўққиз сабуга яқиндир. Унинг пайғамбарлик даъво қилгунигача яна тўрт ярим сабу ўтган. Демак, [Исо] уларнинг айтган [вақтлар]идан аввал туғилган бўлади. Бу гапдан яхудийларга ҳеч зарар етмайди. Агар христианлар уларни Байт ул-Мукаддаснинг бино қилиниши билан Искандар эрасининг бошланиши ўртасидаги муддат миқдорини белгилашда ёлғончи қилиб айбласалар, албатта, яхудийлар ҳам уларга шунга ўхшаш, балки кўпроқ айб қўя оладилар.

Агар биз икки томоннинг ҳам гапини олмай, ўзимиз келгусида баён этадиган калдонийлар подшоҳларининг жадвалига қарасак, Куруш подшоҳлигининг бошланишидан то Искандар подшоҳлигининг бошланишигача икки юз йигирма икки йил ва бундан Исонинг туғилишигача уч юз тўрт йил ўтганини кўрамиз. Ҳаммаси беш юз йигирма олти йил бўлади. Бундан уч йилни чиқариб – чунки [Байт ул-Мукаддас] қурилишининг бошланиши Куруш подшоҳлигининг учинчи йилида эди – қолганини еттига тақсим қилиб сабуга айлантирсак, Даниёл туш кўрган вақтдан Масих туғилишигача етмиш беш сабуга яқин вақт ўтган, Исо христианлар айтган вақтдан кейин туғилган бўлади.

(19)|| Энди христианларнинг сурёнийлар гапидаги ҳарфларни ҳисоблашларига – шу ҳисоб, ўша маълум сон [1335]га тўғри келади ва у гапдан йиллар эмас, ўша сон кўзда тутилган, деб даъво қилишларига келсак, бу даъво-ни кўз билан кўрилгандек аниқ бир далил келтирилмаса, қабул этиш мумкин эмас. Агар ҳисобни билувчи биров «*نجاة الخلق من الكفر بمحمد*» «Халқларнинг куфрдан нажоти Муҳаммад алайҳиссалом биландир» жумласидаги ҳарфларни ҳисобласа, бир минг уч юз ўттиз беш бўлади. Ёки «*ران بمحمد والمسيح باحمد*» «Имрон ўғли Мусо – Муҳаммад алайҳиссалом келишидан, Масих – Аҳмад келишидан дарак берган» жумласидаги ҳарфларни ҳисобланса, аввалгидек чиқади. Шунингдек, агар «*ويشرق بربه فاران بمحمد الأمى*» «Фонрон чўли саводсиз Муҳаммад алайҳиссалом билан яшнайти» жумласидаги ҳарфлар ҳисобланса, бунда ҳам аввалги [1335]га мувофиқ чиқади<sup>97</sup>. Агар бир киши: «У ададлардан мурод хурсандчилик хабаридир; бу [сурёний тилида ёзилган] жумлалардаги ададлар уларга тасодифий равишда тўғри келиб қолган» деса, унинг фойдаси ёки зарарига айтиладиган сўз – [Даниёл] сўзи хусусида христианлар фойдаси ва зарарига айтиладиганнинг худди ўзи бўлади. Айниқса, у Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг юзага чиқиш ҳақидаги хабарнинг ростлигига Ишъиё<sup>98</sup> пайғамбарнинг китобидаги: «Аллоҳ унга [Ишъиёга] кўрган нарсасини хабар бериб туриши учун баланд бир жойга



кузатувчи қўйишни буюрган. Шунда кузатувчи: «Эшак минган бировни ва туя минган бировни кўряпман, уларнинг бири олдинга юриб: «Бобил вайрон бўлди, унинг тарошланган санамлари синди», деб кичкиряпти», – деган. Бу эшак минувчи – Масихдан ва туя минувчи – Муҳаммадан дарак беради, чунки у зухур қилганидан кейин Бобил вайрон бўлиб, санамлари синди, қасрлари кулаб, подшоҳлиги йўқ бўлди», – деган ва шунга ўхшаш сўзни далил келтираверади. Ишъиё пайғамбар китобида Муҳаммад алайҳиссаломдан дарак берувчи, рамзлик, [лекин] очиқ-ойдин ва тафсир этишга яқин гаплар кўпдир. Шундай бўлгач, яҳудийларнинг йўқ нарсага ёпишиб олишлари уларни халқ ўртасида урф бўлмаган ёлғон нарсани даъво этишга ва туя минувчи Муҳаммад алайҳиссалом эмас, [балки Мусо] дейишга чақиради.

(20)|| Мусо ва унинг тобеинлари қайда-ю, Бобил қаёқда? Бобилда Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг суҳбатдошларида юз берган ҳодиса, Мусо ва унинг тобеинларида юз берганми? Йўқ! Агар [яҳудийлар] Бобил аҳолисидан бошларини кутқара олсалар, [ватанга] қайтишдан иборат бу ўлжага юраклари ачишиб бўлса ҳам, албатта, рози бўлар эдилар. Тавротнинг «Ал-Мусанно» номи билан машҳур бўлган бешинчи сифрида Аллоҳнинг Мусога айтган [қуйидаги] гапи у далилни таъкидловчи нарсалардандир: «Тезда уларга ўз биродарлари орасидан сенга ўхшаш пайғамбар юбориб, ўз гапларимни унинг оғзидан айтаман. Шунда у мен буюрган нарсаларни уларга айтади. Менинг номимдан сўзловчи кишининг гапига бўйсунмаган одамдан, ким бўлмасин, ўч оламан». Кошки, Исҳоқ авлодининг Исмоил авлодидан бошқа биродарлари бор эканини билсам эди. Агар яҳудийлар: Бани Исроилнинг биродарлари Исо авлоди бўлади-да, десалар, буларнинг ичидан Мусодан кейин, у каби, унинг сифатларига эга ва унга ўхшаш пайғамбар чикқанми? Яна ўша сифрдаги [қуйида] таржима этилган гап Муҳаммад алайҳиссаломга гувоҳлик бермайдами? «Аллоҳ Сино тоғидан келиб, Саирдан бизга нур сочди ва Форон тоғидан кўринди. У билан бирга унинг ўнг томонида бир тўда пок зотлар бор эдилар»<sup>99</sup>. Бу калималар шу ишораларга алоқадор сифатларнинг пок ва олий Яратувчи зотга нолойиқ эканига ва У зотнинг сифатларига қўшилиб кетмаслигига далил бўлувчи рамзлардир. Демак, Аллоҳнинг Сино тоғидан келиши – Унинг Мусо билан сўзлашувидан, Саирдан нур сочиши – Масихнинг зуҳуридан, Исмоилнинг балоғатга етган ва уйланган жойи бўлмиш Форондан кўриниши эса – Муҳаммад алайҳиссаломнинг [унга] ёрдам учун осмондан туширилган ва аломатлар қўйилган пок лашкар билан барча дин эгаларига зуҳуридан иборатдир. Аниқ кўриб исбот этилган бу изоҳни инкор этувчидан бу ҳақдаги янглишларига далил келтириши талаб қилинади. «...Кимгаки шайтон дўст бўлса, нақадар ёмон дўст у!»<sup>100</sup>.

Агар христианлар у калималарни арабчалаштириб ҳисоблашга рухсат этмасалар, биз ҳам улар хоҳлаган сурёнийча ҳисобга рухсат бермаймиз, чунки

Таврот ва у пайғамбарларнинг китоблари яҳудий тилида нозил бўлган. Улар айтган<sup>101</sup> ва биз хикоя қиладиган гапларнинг барчаси [муқаддас] китоблардаги калималарнинг ўринлари алмаштириб юборилгани ва улардаги матнлар [маъноларининг] бузилиб, ўз йўлларида чикарилганига катъий ҳужжат ва аниқ далиллардир.

Бундай ҳисоблар ва чигалликларга инониш инонувчининг ҳақиқат ва тўғри йўлдан чиққанига энг кучли далил ва энг ишончли ҳужжат бўлади. «Борди-ю, уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсанг-у, ундан [осмонга] кўтарила бошласалар ҳам: «Шаксиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган қавмдирмиз, – деган бўлур эдилар»<sup>102</sup>. Йўқ, аксинча, улар ҳақиқатни кўрмайдиган кўрлардир! Аллоҳдан тавфиқ, мадад, поклик ва ҳақиқатга йўллашни сўраймиз.

Энди [бу одамлар айтган] кўчирма ва сохта гаплар, [яҳудийларнинг] Тавротнинг хабарлари Мусодан кейин пайғамбарлик даъво қилувчи кишини ўлдиришга далолат қилади, деган даъволари ҳақида гапирсак, буларнинг нотўғрилиги ҳам Тавротнинг [бошқа] сўзларида кўриниб туради. Ундай [нарсалар] ҳақида сўзлаш учун бу китобдан бошқа лойиқроқ жойлар бор. Мақсадга қайтайлик, [чунки] гапимиз бир-бирига уланиб, чўзилиб кетди.

Энди айтамикки, яҳудий ва христиан халқларининг ҳар бирида уларнинг фикрларига мувофиқ келадиган Таврот нусхаси бор. Яҳудийлар ўзларидаги нусхани қоришиқ гаплардан узоқ дейдилар. Христианлардаги нусха «Етмишлар Тавроти» деб аталади. Бу [қиссанинг] изоҳи шуки, Бухтунассар Байт ул-Муқаддасга қарши уруш эълон қилиб, уни вайрон қилганида, Бани Исроилдан бир гуруҳи Байт ул-Муқаддасни ташлаб чиқиб, Миср подшоҳидан бошпана сўрайдилар ва Птолемей Филадельф<sup>103</sup> подшоҳ бўлгунча, унинг қўл остида истиқомат қилдилар. Таврот ва унинг осмондан нозил бўлганлиги хабари бу подшоҳга етиб келади. Птолемей ҳалиги гуруҳни қидиради ва охири, бир шаҳарда улардан ўттиз минг чоғли киши борлигини аниқлайди. Уларга жой бериб, ўзига яқинлаштиради, меҳрибончилик қилади ва Байт ул-Муқаддасга қайтиб кетишга рухсат этади. [Шу вақтда] Баҳманнинг Бобилдаги ноибни Куруш<sup>104</sup> Байт ул-Муқаддасни янгидан бино этиб, Шомнинг ободонлигини қайта тиклаган эди. Кейин яҳудийлар Птолемейнинг уларга йўлбошчи қилиб берган яқин кишилари билан биргаликда Мисрдан чиқадилар. Птолемей яҳудийларга: «Менинг сизга бир эҳтиёжим бор, агар уни бажарсангиз, мени жуда миннатдор қилар эдингиз. Эҳтиёжим шуки, китобингиз Тавротдан менга бир нусха марҳамат қилсангиз!» – дейди.

Яҳудийлар унинг илтимосини қабул этиб, ваъдага вафо этишга қасамёд қилдилар. Улар Байт ул-Муқаддасга етгач, дарҳол ваъдаларини ўрнига қўйиб, Тавротдан бир нусхани Птолемейга юборадилар. Таврот яҳудий тилида эди, Птолемей уни тушунмади. Таржима қилиб бериш учун яҳудий ва

юнон тилини биладиган кишини юборишларини сўраб, яна яхудийларга му-  
рожаат этди ва уларга тухфалар, хадялар ваъда қилди.

(21)|| Шунда яхудийлар ўзларининг ўн икки бўғинларидан етмиш икки  
кишини – ҳар бир бўғиндан олти нафар – олим ва қоҳинларни танлаб олди-  
лар, уларнинг исмлари христианларга маълум. Шу кишилар Тавротни юнон  
тилига кўчирдилар<sup>105</sup>, лекин бундан аввал Птолемей уларни [жуфт-жуфтга]  
ажратиб, ҳар икки кишига уларнинг аҳволига қараб турувчи биттадан одам  
тайин этди; ниҳоят улар таржимадан бўшайдилар. Птолемей [Тавротнинг]  
ўттиз олтига таржима нусхасига эга бўлди. У таржималарни бир-бирига со-  
лиштиради, улар маънода мувофиқ бўлиб, фақат иборалардагина хилма-хил  
эканлигини (бундай таржималарда ибораларда ҳар хиллик бўлмай илож йўқ)  
аниклайди. Кейин Птолемей берган ваъдасига вафо қилиб, уларни яхшилаб  
отлантирди. Таржимонлар ёру дўстларига кўрсатиб фахрланиш учун ундан  
ўзларига ўша нусхаларнинг бирини беришни сўрадилар. Птолемей буни ба-  
жарди, христианлардаги нусха ана шу нусхадир. Уларнинг айтишларича, шу  
нусхада алмаштириш ва ўзгартириш воқе бўлмаган.

Яхудийлар эса бу қиссага хилоф равишда шундай дейдилар: уларни Таврот  
китобини таржима қилишга мажбур этганлар. Улар [Птолемейнинг] қаҳри ва  
ёмонлигидан кўрқиб, бунга рози бўладилар ва китобни бузиб, қориштиришга  
аввалдан келишиб оладилар. Яхудийларнинг бу сўзлари (башарти уларни  
тасдиқласак ҳам)шак-шубҳани кетказмайди, аксинча, уни янада кучайтиради.

Таврот фақат шу иккита нусхадангина иборат эмас, балки «Ло мисосия»  
номи билан машҳур бўлган самарийларда<sup>106</sup> унинг учинчи нусхаси ҳам бор.  
Самарийлар – Бухтунассар Шомда яхудийларни асир этиб, улардан шаҳарни  
бўшатган вақтда яхудийларнинг жойларига юборилган одамлардир. Сама-  
рийлар Бухтунассарга ёрдам бериб, унга Бани Исроилнинг ихотасиз жой-  
ларини кўрсатдилар. Натижада Бухтунассар уларни ҳайдамади, ўлдирмади,  
асир этмади ва ўз қўл остидаги Фаластин мамлакатига жойлаштирди.

Самарийларнинг эътикодлари яхудий ва оташпарастлар эътикодларининг  
қоришганидир. Уларнинг кўпчилиги Фаластиннинг Набулус номли жойида  
яшайдилар, шу ерда уларнинг ибодатхоналари ҳам бор. Улар Довуд пайгамбар  
замонидан бери Байт ул-Муқаддас чегарасига кирмайдилар. Чунки улар До-  
вуд зулм-жабр қилди, муқаддас ҳайкални Набулусдан Элияга<sup>107</sup>, яъни Байт  
ул-Муқаддасга кўчирди, деб даъво қиладилар. Улар [аъзоларини] бошқа дин-  
даги кишиларга тегизмайдилар, агар [уларга] тегиб кетсалар, ювинадилар.  
Улар Бани Исроилнинг Мусодан кейинги пайгамбарларини тан олмайдилар.

Энди Тавротнинг яхудийлардаги ва улар ишонч ҳосил қиладиган нусха-  
сига келсак, бунда Одамнинг жаннатдан тушуви билан Нуҳ замонида вужудга  
келган тўфон ўртасида Одам болалари яшаган барча муддат минг олти юз  
эллик олти йил дейилади. Христианлардаги нусхада бу муддатнинг ҳаммаси

икки минг икки юз қирқ икки йил дейилади, самарийлардаги нусхада эса минг уч юз етти йил дейилган.

(22)|| Тарих ёзувчиларнинг бири бўлган Афинея<sup>108</sup> Одам яратилиши билан тўфон бошланган жума кечаси орасидаги муддат икки минг икки юз йигирма олти йил, йигирма уч кун ва тўрт соат деган. Буни Ибн ал-Бозиёр Афинеядан кўчириб, «Сайёраларнинг қўшилиши китоби»<sup>109</sup> асарида ҳикоя қилади. Бу христианларнинг гапларига яқинроқдир. Бундан юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчи астрологларнинг йўлларига асосланган деган ушбу мулоҳаза ҳаёлимга келади, чунки унинг билмай айтилиб, майда бўлақларга бўлинганлиги ҳам кўриниб турибди.

Бу масалада, биз баён этганимиздек, ихтилоф бўлганидан ва бир-бирига солиштириб, ҳақни ноҳақдан ажратишга имкон бўлмаганидан кейин, киши ҳақиқатни билишга қаёқдан умид қилади?

Нусхаларнинг [хилма-хиллиги ва] кўплиги фақат Тавротдагина эмас, Инжилда ҳам шундай, чунки христианларда Инжилнинг битта китоб ичига тўпланган тўртта нусхаси бор. Уларнинг биринчиси Маттейники, иккинчиси Маркусники, учинчиси Луканики, тўртинчиси Юҳаннаникидир<sup>110</sup>. [Исо] шогирдларининг ҳар қайсиси ўз шаҳрида қилган даъватига мувофиқ, Инжилни таълиф этган. Бу Инжилларнинг ҳар биридаги Исо Масихнинг [шогирдлари айтган] сифатлари, унинг динга даъват қилган кунларида ва солибга тортилган вақтида айтган гаплари кўпинча бошқа нусхада баён қилинганларга, ҳатто Исонинг насаби ҳақида айтилганга ҳам зид келади. У насаб эса Марямнинг келгусидаги умр йўлдоши ва Исонинг тарбиячиси бўлмиш Юсуф насаби эди. Чунки Маттейнинг айтишича, у Юсуф ибн Ёқуб ибн Матфон ибн Елеазар ибн Елиуд ибн Ахим ибн Задук ибн Азўр ибн Елиақим ибн Абйуд ибн Зарабобил ибн Салафия ибн Йеухния ибн Иоссия ибн Амун ибн Манассия ибн Езекия ибн Аҳоз ибн Йуафом ибн Узия ибн Йурам ибн Йаҳушафат ибн Аса ибн Абия ибн Раҳбом ибн Сулаймон ибн Довуд ибн Иешшей ибн Обид ибн Бооз ибн Салмун ибн Нахашшун ибн Аминадаб ибн Аром ибн Хасрум ибн Фарес ибн Яҳудо ибн Ёқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир. Маттей Исо насабини Иброҳимдан бошлаб қуйига тушади.

Аммо Луканинг айтишича, унинг насаби: Юсуф ибн Илия ибн Матфат ибн Леви ибн Малхия ибн Юҳанна ибн Юсуф ибн Маттафия ибн Амуз ибн Наҳум ибн Ҳаслим ибн Нағий ибн Мааф ибн Маттафия ибн Шамъий ибн Юсуф ибн Яҳудо ибн Юҳанна ибн Рисай ибн Зарабобил ибн Салафия ибн Нирия ибн Малхий ибн Адий ибн Қусам ибн Елмудам ибн Айра ибн Юсуф ибн Елязар ибн Йурам ибн Матфат ибн Лавий ибн Шамъун ибн Яҳудо ибн Юсуф ибн Ишмам ибн Елиақим ибн Малая ибн Майнан ибн Маттафай ибн Нафан ибн Довуддир.

(23)|| Христианлар бу ихтилофга шундай узр айтиб, далил келтирадилар: Тавротда фараз этилган диний йўл-йўриқларнинг бири шуки, бир хотиннинг

эри ўлиб, унинг ўша хотиндан ўғиллари бўлмаса, ўз биродарига насаб исбот этиш учун ўлганнинг биродари у хотинни олади. Шунда бу эридан туғилган бола насаб жиҳатидан ўлган биродарга, туғилиш ва ҳақиқат жиҳатидан тирик биродарга нисбат берилади. Шу сабабли христианлар: «Юсуф икки отага нисбат берилади, насаб жиҳатидан отаси Илия, туғилиш жиҳатидан отаси Ёқубдир», – деганлар. Уларнинг айтишларича, Маттей [ўз Инжилида] Юсуфга туғилиш жиҳатидан нисбат берганида, яҳудийлар унга таъна қилиб: «Юсуфнинг насаби тўғри эмас, чунки бу насаб [Тавротдаги] йўл-йўриққа мувофиқ олинмаган», – дедилар. Шунда Лука уларга қарши туриб, Юсуфнинг «Таврот» йўл-йўриғи тақозо этган насабини баён қилган. Бу иккала насаб Довудга боради, мақсад ҳам шундай бўлишидир, чунки Исо Масих ҳақида: «У Довуд ўғли», – деб баён этилган. Масихга Юсуф насаби ишлатилиб, Марям насаби ишлатилмади, чунки Бани Исроил урф-одатига кўра, насаб хилма-хил бўлмаслиги учун улардан ҳеч бири ўз қабиласи ва ўз бўғинидан бошқага уйланмайди. Уларда хотинларга эмас, эрларга нисбат бериш одат бўлган. Юсуф ва Марям ҳар иккови бир қабиладан бўлгач, икковининг [насаби] ҳам бир томирга бориши лозим. Насабни баён қилиш ва исбот этишдан мақсад шу.

Маркион ва Ибн Дайсан<sup>111</sup> маслақдошлари ҳар бирининг ўз Инжили бўлиб, уларнинг баъзиси бу [юқорида кўрсатилган] инжилларнинг баъзисига муҳолифдир. Моний<sup>112</sup> маслақдошларининг ҳам алоҳида Инжили бор. У аввалидан охиригача христианлар [Инжилидаги] нарсаларга қарши гапиради. Моний йўлида юрувчилар шу Инжилга инониб, бу тўғри; бунинг мазмунини Исо Масих келтирган ва у амал қилган Инжил мазмунининг ўзидир, бундан бошқаси нотўғри ва унга амал қилувчилар Масихга ёлгончидирлар, дейдилар. Инжилнинг «Етмишлар Инжили» деб аталадиган бир нусхаси бор. У [қандайдир] Баломисга нисбат берилади. Унинг бошида: «Салом ибн Абдуллоҳ ибн Салом бу [Инжилни] Салмон ал-Форсий<sup>113</sup> тилидан ёзган», – дейилган. Бунга назар ташлаган кишига у Инжилнинг сохталиги яширин қолмайди. Христианлар ва бошқалар ҳам бу Инжилни инкор этадилар<sup>114</sup>.

Кейинги эра Нуҳ алайҳиссалом замонида юз берган ва ҳамма нарсани ғарқ этган улуғ тўфон эраси бўлиб, бу ҳам тўғрилигига жазм қилиб бўлмайдиган ва ҳақиқатини билишга умид этилмайдиган даражада тафовутли, ихтилоfli ва ноаниқдир. Чунки биз аввал айтгандек, Одам эраси билан бу эра орасидаги муддатда ва келгусида айтадиганимиздек, у билан Искандар эраси орасидаги муддатда ихтилоф бор. Яҳудийлар ўзларидаги Таврот ва унга тобе китоблардан бу эра билан Искандар эраси ўртасидаги муддатни икки минг етти юз тўқсон икки йил деб ҳисоблаб чиқарганлар. Христианлар эса, ўз Тавротларида у муддатни икки минг тўққиз юз ўттиз саккиз йил деб чиқарганлар.

(24)|| Аммо форслар ва оташпарастларнинг кўпчилиги тўфонни тўла инкор этиб, подшоҳликларини уларнинг эътиқодларича, биринчи одам ҳисобланган Гилшоҳ Каюмарсдан тутатиб келяпти, деб гумон қилганлар. Тўфонни инкор

этишда хиндлар, хитойлар ва бошқа бирмунча Шарқ халқлари улар билан бир фикрдадилар<sup>115</sup>. Форсларнинг баъзилари тўфонни эътироф этсалар-да, уни пайғамбарлар китобларида тавсиф этилганидан бошқача ифода қиладилар. Улар: «Ўшандай тўфон Таҳмурас<sup>116</sup> замонида Шом ва Мағрибда<sup>117</sup> бўлди-ю, одамлар яшайдиган жойларнинг ҳаммасида бўлмади. Унда озгина халқ гарқ бўлди, холос. У Хулвон дарасидан ўтмади ва Шарқ мамлакатларигача етмади...», – дейдилар. Улар яна шундай дейдилар: «Хукамолар қачон тўфон бўлишидан Мағриб аҳолисини огоҳлантиргандан кейин улар (Мисрда бино этилган иккита ҳарам сингари) бир қанча бино қурдилар ва: «Агар осмондан офат пайдо бўлса, бу биноларнинг ичига кирамиз, ердан пайдо бўлса, уларнинг устига чиқамиз», дедилар. Шу гуруҳ, форсларнинг айтишларича, тўфон сувининг излари ва тўлқинларининг таъсирлари ўша икки ҳарамнинг ярим белига етиб, ундан юқорига кўтарилмаганлиги кўриниб туради. Айтилишича, Юсуф алайҳиссалом у икки ҳарамни галла омбори қилиб, қаҳатчилик йиллари учун сақланган озиқ-овқатларни шу ерга қўйган.

Яна бундай дейдилар: «Тўфон бўлишининг дараги Таҳмурасга етгач (бу тўфон пайдо бўлишидан икки юз ўттиз бир йил илгари эди) у ўз мамлакатидан ҳавоси ва тупроги тоза бир жой топишни буюрди. Исфаҳондан бошқа бу сифатга сазоворроқ жой топмадилар. Таҳмурас илмий китобларни жилдларга солиб, Исфаҳоннинг энг тинч жойига кўмишни буюрди». Буни бизнинг замонимизда Исфаҳон шаҳрининг Жаййи номли жойдаги тепаликлар очилганда топилган нарсалар исботлайди. У тепаликларда пўсти ёй ва ўқларга гилоф қилинадиган, «туз» деб аталадиган дарахт пўстлогидан ясалган кўпгина қоплар билан тўла уйлар учратилган. У қоплар устига хат битилган, хатда нима дейилгани ва қопларда нима борлиги аниқланмаган. Форсларнинг ҳикояларидаги бу чалкашликлар эшитувчини шубҳага солиб, уни баъзи китоблардаги мана шу сўзларни тасдиқ этишга чакиради; биринчи одам Каюмарс эмас, балки Камир ибн Ёфас ибн Нухдир. У узок умр кўрган улуг киши эди; [У] Дунбованд<sup>118</sup> тоғига тушиб, уни эгаллади, ниҳоят, унинг ҳукмронлиги кучайди. У вақтдаги одамлар бошлангич ва дастлабки пайдоликка ўхшаш ҳолатда яшардилар. Камир ва унинг баъзи болалари кўп ерларни эгаллашди. Охир у ғурурланиб кетиб, ўзига «Одам» деб исм берди ва: «Ким мени бундан бошқа исм билан атаса, унинг калласини узаман», – деди. Форслардан баъзиларининг айтишича, Камир – Амим ибн Луд ибн Ирам ибн Сом ибн Нухдир.

(25)|| Аммо астрологлар у йилларни Зуҳал ва Муштарийнинг дастлабки қўшилишидан бошлаб тузатдилар, бундай қўшилишни Бобил ва калдоний олимлар исбот этган эдилар; чунки тўфон уларнинг вилоятлари томонида пайдо бўлган эди. Айтилишича, Нух ўз кемасини Кўфада<sup>119</sup> қурган ва у ерда «... ишлар кескинлашган»<sup>120</sup>. Кема ўша вилоятлардан узок бўлмаган Жудий<sup>121</sup>

тоғида тўхтаган. Зухал ва Муштарийнинг бу кўшилиши тўфон пайдо бўлишидан икки юз йигирма тўққиз йил ва бир юз саккиз кун олдин эди. Олимлар шу кўшилиш ишига эътибор билан қараб, шулардан кейинги йилларни тузатганларида, тўфон билан Набонассар<sup>122</sup> биринчи подшоҳлигининг бошланиши ўртасидаги муддатни икки минг олти юз тўрт йил, Набонассар билан Искандар ўртасидаги муддатни тўрт юз ўттиз олти йил деб топганлар. Бу христианлар Тавротини тақозо этган муддатга яқиндир.

Абу Маъшар ал-Балхий ўз зижида<sup>123</sup> ёриткичларнинг ўртача ҳаракатларини бирон эра билан асослаш учун бу [тўфон] эрасига муҳтож бўлган эди. У тўфон ёриткичлар Хут охири ва Ҳамалнинг бошида учрашган пайтда вужудга келди, деб ўйлади ва унинг фикрича, ёриткичларнинг ҳаммаси Хутнинг йигирма еттинчи даражаси билан Ҳамалнинг биринчи даражаси охиригача ораликда тўпланган бўлдилар. Абу Маъшар ўша вақт билан Искандар эрасининг бошланиши ўртасида икки минг етти юз тўқсон кабисали йил ва етти юз йигирма олти кун ўтган, деди. Бу, христианлар айтганига яқинроқ бўлса ҳам, астрологлар ҳисоблаб чиқарган икки юз қирқ тўққиз йил ва уч ой миқдорича кам. Абу Маъшар ўзи тутган йўлига биноан бу хулосани қатъий қабул этгач, астрономлар «ёриткичларнинг даврлари» деб атайдиган муддат унинг ҳисобида уч юз олтмиш минг йил, унинг бошланиши эса тўфон вақтидан бир юз саксон минг йил олдин бўлиб чиққан, шунда у билимсизлик қилиб, ҳар бир юз саксон минг йилда тўфон бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади, деб ҳукм чиқарган. Ўз тушунчаси билан фахрланувчи бу киши «ёриткичларнинг даврлари»ни уларнинг форслар кузатишлари орқали маълум бўлган юришларидангина ҳисоблади. Бу эса ҳиндларнинг кузатишлари кўрсатган ва «Синди ҳинд даврлари»<sup>124</sup> деб танилган даврларга, «Аржабҳаз кунлари»<sup>125</sup> ва «Арканд кунлари»га<sup>126</sup> зиддир. Агар биров Птолемейнинг кузатишлари ёки кейин пайдо бўлган тажрибакорларнинг кузатишлари билан даврларни ҳисоблаб чиқмоқчи бўлса, албатта, у машҳур амаллар ёрдамида ўша истагига эришади. Масалан, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундоз ас-Сарахсий<sup>127</sup> ва Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бўзжоний<sup>128</sup> каби кўпгина астрономлар ҳам шу амаллар ёрдамида мақсадга эришганлар. Биз ҳам ўз китобларимизнинг кўпида, айниқса, «Астрономик кузатишлардаги ихтилофларни исботлаш китоби»да<sup>129</sup> шундай қилдик.

(26)|| Даврларнинг ҳар бирида ёриткичлар Ҳамалнинг биринчи қисмида [даврнинг] бошланишида ва [аввалги жойига] қайтишида жам бўладилар, лекин бу турли вақтларда юз беради. Агар [Абу Маъшар] ёриткичлар ўша вақтда Ҳамалнинг биринчи қисмида яратилган деб қарор қилса ёки ёриткичларнинг шу юлдуз туркумида жам бўлиши оламнинг боши ёки охири билдиради деса, бу бўлиши мумкин нарсалар қаторига кирса ҳам, албатта, далилсиз даъво бўлади. Лекин бундай даъволар аниқ далил ёки оламнинг аввали бошланиши ва асос солинишидан хабар берувчи ишончли сўз бўлмаса, Аллоҳдан

вахий ва ёрдам келиб, сўзининг аниқлигига кўнгли инонган [пайгамбар] хабар бермаса, қабул этилмайди. Чунки Яратувчи унсурларни яратиб, пайдо этган вақтда, улар бир-биридан жудо бўлиб жам қилинмаган бўлишлари ҳам мумкин; ҳисоблаш натижасида маълум бўлишича, улар бир нуктада бирлашиш ҳаракатларига ўша муддатдаёқ эга бўлгандирлар.

Масалан, биз бир доира фараз этиб, унинг бир-биридан узоқ бир неча жойига ҳар хил ҳайвонларни қўйдик, дейлик. Уларнинг баъзиси тез, баъзиси секин юради, лекин ҳар бири бир хил вақт оралиғида ўзининг текис юришида ҳаракат қилади. Яна фараз этилган вақтда уларнинг бир-бирларидан ораларининг узоқлиги, жойлари ва ҳар бирининг бир кеча-кундузда қанча юриши маълум бўлса, қанча замондан кейин у ҳайвонлар фараз этилган нуктада жам бўлишини ёки улар худди ўша нуктада қанча замон илгари жам бўлганликларини ҳисоблаш талаб этилади. Агар ҳисобловчи «мингларча миллион йиллар» деб жавоб берса, уни айблаш керак эмас ҳамда унинг жавобидан у ҳайвонлар ўша ўтмишда бўлганлар ёки [учрашишлари юз берадиган] вақтгача [ҳаёт] бўладилар, деган гап чиқмайди. Лекин жавобининг тақозоси мана бундай изоҳланади: агар у ҳайвонлар бурун бўлган ёки [учрашгунларича] шу ҳолатда бўлсалар, ҳисоб кўрсатган [натижадан] бошқа бўлмайди<sup>130</sup>. Аммо бу [Абу Маъшарнинг] санъати билан эмас, бошқа санъат билан аникланади<sup>131</sup>.

Агар даврлар билан амал қилувчи киши: «Улар, яъни сайёралар Ҳамал бошида учрашгач, ҳамма даврда ҳам ўша ҳолатга қайтадилар, чунки осмон сферасидаги [кайфият ва] ҳолатлар, унинг фикрича, пайдо бўлиш ва бузилишни қабул этмайди, осмон сфераси ҳолати ўтмишда ҳам ҳозиргидек бўлган», деб ҳукм қилса, бу ҳужжатга асосланмаган содда бир ҳукм бўлиб, шу билан у ўзини юпатган бўлади. Чунки мантик қондасига кўра, қарама-қаршиликнинг иккала томонига далил келтириш лозим бўлмайди, балки далил бир томонга хос бўлиб, иккинчи томонни рад қилади. [Далил шуки]: нарсаларнинг ниҳоясиз равишда яширинликдан юзага чиқиши – то мавжуд бўлгунича амримаҳолдир. Бу файласуф олимлар ва бошқалар олдида аниқ ва равшан. [Ёки далил шуки], ниҳоясиз нарсаларнинг қуввадан феълга чиқиб мавжуд бўлишининг маҳол экани файласуф олимлар ва бошқалар олдида аниқ ва равшан. [Юлдузларнинг] ўтмишдаги ҳаракатлари, даврлари ва замонлари ҳисобланса бўлади<sup>132</sup>. Улар яратилган бўлиб, жуссаси бўйича кичрайганлар [яна шу вақтнинг ўзида давом этиб] сонлари кўпаймоқда. Демак, улар ниҳоясиз эмаслар.

Бу сўз ҳақиқатни қидирувчи инсофли кишига етарли далиллардандир. Агар у қаршилик кўрсатиб, мунозарачиларнинг бўяма гапларига мойиллик кўрсатса, қалбидан уни кетказиш, касалга чалинган ақлини даволаш ва кўнглига ҳақиқат [уруғини] сепишда бу китобда келтирилгандан кўпроқ [далилларга] эҳтиёж тугилади. Унинг учун бундан кўра лойиқроқ ўринлар бор.

(27)|| Кузатишларнинг турличалиги эмас, балки даврларнинг турличалиги Абу Маъшар қабул қилган ва [бошқа] динларга таъна қилувчи аҳмоқлар асосланадиган фикрни рад этиш учун етарли далил [ва] энг кучли ёрдамчидир.



Улар «Синдҳинд» даврлари ва шуларга ўхшашлардан қиёмат яқинлашганидан дарак берувчи ва охират уйда яхши мукофот, ёмон жазо учун қайта тирилтиришдан хабар келтирувчи кишиларни сўкиш учун фойдаланадилар. Улар ўзларини астрономлар ва математиклар қаторига кўшиб, шу фан эгалари санъатини ўзларига нисбат берадилар ва бу олимлар устига тухматлар ёғдириб, улар ҳақида ҳаммани бадгумон қиладилар. Лекин улар озгина бўлса ҳам илмдан баҳра олган кишининг [кўзини] бўёлмайдилар.

Ундан кейин, биз баён этган эралардан Набонассар Биринчининг<sup>133</sup> эраси келади. У форсча Бухтнарсий деб аталади. Бу номни «Кўп йиғлаб нола қилувчи киши» деб изоҳлашади. Яҳудийча [у] «Небукаднецар» номи билан юритилиб, унинг тафсирини «Сўзловчи Меркурий» дейишади, чунки Набонассар илми севиб, олимларни ўзига яқин тутган. Бу исм арабчалаштирилиб ва енгиллаштирилиб «Бухтунассар» дейилган. Бу Увришалимни вайрон қилган Бухтунассар эмас, чунки кейинги жадвалларнинг кўрсатишича, иккита Бухтунассар орасида бир юз қирк уч йилга яқин муддат ўтган<sup>134</sup>.

Юқорида эслатиб ўтилган подшоҳ тарихи қибтий йиллари билан келтирилган, Птолемей «Ал-Мажистий»да унга сайёр ёриткичлар вазиятларини аниқлашда амал қилган. Чунки Птолемей шу тарихни танлаб, ёриткичларнинг ўртача ҳолатларини шу билан ҳисоблаб чиққан; кейин у Набонассар эрасининг тўрт юз ўн саккизинчи йилида барпо бўлган Калипп<sup>135</sup> даврини ҳам [шу бўйича] ҳисоблаган. У даврларнинг ҳар бири етмиш олти шамсий йилдир. Бу Калипп даврини билмайдиган киши «Ал-Мажистий» китобида баён этилган даврларни кўриб, уларни «қибтий даврлари», деб далил келтиради; чунки Гиппарх<sup>136</sup> ва Птолемей кузатиш вақтларини қибтий кечалари, кунлари ва ойлари билан баён этиб, кейин уларни Калиппникига мувофиқ келадиган даврларга боғлайди. Аммо ҳақиқатда бу тўғри эмас.

Лекин ойларни Ой курраси ҳаракатидан, йилларни Қуёш ҳаракатидан ҳисоб этувчи киши ишлатадиган даврларнинг биринчиси – саккиз йиллик<sup>137</sup>, иккинчиси – ўн тўққиз йилликдир. Калипп математикларнинг улуғларидан<sup>138</sup> бўлиб, у ва унинг халқи йиллар давридан фойдаланишни ўзларига қонун қилиб олдилар. У шу [етмиш олти йиллик] даврни тўртта ўн тўққиз йилни ўз ичига олган давр қилиб ҳисоблаб чиқарган эди.

Баъзи кишиларнинг айтишича, бу даврлар ҳисоб билан эмас, янги Ойнинг кўриниши билан аниқланган, чунки одамлар у вақтда тутилишларни ҳисоблаб аниқлашни билмаганлар, [ҳолбуки] бундай ҳисоблашларни ва тутилишларни аниқлай олмасдан туриб, қамарий ой узунлиги микдори билинмайди<sup>139</sup> ва [ой] ҳисоблари уларсиз аниқ бўлмайди. [Яна ўша кишиларнинг айтишича], Қуёш тутилиши ҳисобидан биринчи воқиф бўлган киши Милетда<sup>140</sup> яшаган Фалес<sup>141</sup> эди. Чунки у математик олимлар билан муносабатда бўлиб, улардан астрономия ва [ёриткичларнинг] ҳаракатлари илмини ўрганади ва бундан унинг маҳорати Қуёш тутилиши пайтларини ҳисоблаш [даражасигача] кўтарилади.

Кейин у Мисрга боради ва одамларни Қуёш тутилишидан хабардор қилади, унинг хабари тўғри чиққач, халқ уни улуғлайди<sup>142</sup>.

(28)|| Бу ҳикоя [бўлиши] мумкин воқеалардандир, чунки ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланиш жойи бор. Шу бошланиш жойига яқинлашган сари то ўзига бориб етгунча соддалашиб боради. Лекин бу ҳикоядаги Қуёш тутилиши Фалесдан аввал билинмаган эди, деган сўзни умумий [ва қатъий] қилиб айтмаслик керак, балки баъзи жойларда билинган-у, айрим жойларда билинмаган, дейиш лозим<sup>143</sup>. Баъзи кишилар Фалесни Ардашир ибн Бобак<sup>144</sup> замонида [яшаган] деса, бошқалари – Кайкубод замонида дейдилар<sup>145</sup>. Агар у Ардашир замонида [ўтган] бўлса, Птолемей ва Гиппарх ундан аввал яшаган бўлади. Бу икки астрономнинг Қуёш тутилишини билганликлари [биз айтиб ўтганни исботлашда] кифоя қилади. Агар Фалес Кайкубод замонида яшаган бўлса, у Зардуштга яқин бўлади. У эса ҳарронликлар ва улардан олдин ўтган ҳикматшуносларни: «Улар илмда ўзларини кўрсатиб, илмнинг шу қадар юқори чўққиларига эришдиларки, энди улар Қуёш тутилиши вақтларини билмасликлари мумкин эмас», – деб тавсифлайди<sup>146</sup>. Шундай бўлгач, агар [Фалес тўғрисидаги] ҳикоялар рост бўлса, бу мутлақ эмас, балки шартлидир.

Сўнгра Искандарнинг отаси Филипп<sup>147</sup> эраси келади, у қибт йилларига асосланган. Кўпинча бу эра македониялик «Бинокор» Искандарнинг ўлган вақтидан бошлаб ҳисобланади. Бу икки тарих бир-бирига мувофиқдир, фақатгина номда ихтилоф бор. Чунки «Бинокор» Искандардан кейин Филипп подшоҳ бўлган. Демак, аввалгисининг ўлган вақтидан ёки кейингисининг тахтга чиқишидан эра бошланиши фарқсиз бўлиб, эра боши қилиб белгиланган ҳолат иккови ўртасида умумий чегарадир. Бу эрани ишлатувчилар «искандаронликлар» деб лақабланганлар. Шу эрага асосланиб искандариялик Теон<sup>148</sup> «Қонун» номи билан машҳур бўлган зижини [тузган].

Кейин айрим кишилар «Зулқарнайн»<sup>1\*</sup> деб атайдиган юнонлик Искандар эраси келади. Бу ҳақдаги ихтилофларни<sup>149</sup> бундан кейин алоҳида фаслда баён этамиз. Искандар эраси Рум йилларига<sup>150</sup> асосланган, кўп миллатлар шу эрани ишлатадилар.

Искандар йигирма олти ёшида Эрон подшоҳи Доро билан урушишга отланиб, унинг пойтахти томон йўл олади. Юнон мамлакатидан чиқиб, Байт ул-Муқаддасга келади, у ерда яҳудийлар турар эдилар. Искандар уларга Мусо ва Довуд алайҳиссаломлар эрасини кўрсатмасликни, унинг эрасига кўчишни ва Байт ул-Муқаддасга келган йилини эра боши қилиб кўрсатишни буюради. У йил Искандар туғилишининг йигирма еттинчи йили эди.

Яҳудийлар унинг таклифини қабул этиб, амрига бўйсундилар, чунки уларнинг [диний] олимлари ҳар вақт Мусо замонидан минг йил ўтса, янги

<sup>1\*</sup> «Зулқарнайн» – «икки шоҳли» деган маънода. Чунки Александр Македонский икки шоҳли дубулға кийган. Бу ерда Қуёндаги Зулқарнайн назарда тутилган эмас.

эра ҳисобланишига рухсат берган эдилар. Бу вақтда Мусо эрасига минг йил тўлиб, улар айтганидек, қурбонлик қилишлар, жонлиқлар сўйиш тўхтатилган эди. Шундан кейин яҳудийлар Искандар эрасига кўчиб, маълум ойлар ва кунларда қилиниши лозим [бўлган] амалларда шу эрани қўлладилар. Лекин бу эра бошини Искандар тугилишининг йигирма олтинчи йилидан тайин этдилар, бу йил унинг забт сафарига отланган биринчи йили эди; уларнинг бундай қилишига сабаб [Мусо эрасини] минг йилга тўлғазиш эди.

Сўнгра Искандар эрасидан тўлиқ минг йил ўтгач, яҳудийлар эра боши қилиб оладиган бирор ҳодиса юз бермади, шунинг учун улар Искандар эрасига амал қилиб ва уни қўллаб қолавердилар.

Юнонликлар ҳам шу эрага амал қиладилар. Мосул матрони Ҳабиб ибн Бихриз<sup>151</sup> таржима қилган бир китобда ёзилишига кўра, улар бундан аввал Юнон ибн Бурснинг Бобилдан ғарбга томон хуружини тарих қилиб олганлар.

(29)|| Кейин подшоҳ Август эраси келади. Бу подшоҳ биринчи Қайсар эди. «Қайсар»нинг маъноси фаранглар тилида «кесиб олинган»<sup>152</sup> демакдир. Уни «қайсар» дейишга сабаб шуки, онаси унга ҳомиладор бўлиб, дард тутган вақтда ўлган. Шунда онасининг қорнини ёриб, болани олганлар ва унга Қайсар лақабини берганлар. Аҳмад ибн Саҳл ибн Ҳошим ибн ал-Валид ибн Ҳамла ибн Комкор ибн Яздигард ибн Шаҳриёр<sup>153</sup> ҳам Қайсар сингари онаси қорнидан ёриб олинганидан фахрланар эди.

Тарих ёзувчиларнинг баён этишича, Марям ўғли Исо шу Август подшоҳлигининг қирқ учинчи йилида тугилган. Бу йиллар ўтиши бўйича [ҳисобланганда] тўғри чиқмайди. Келажакда бериладиган жадваллардаги эралар Исонинг Август подшоҳлигидан ўн етти йил кейин туғилганини кўрсатади<sup>154</sup>.

Искандарийларнинг қабисасиз қибтий йиллари билан ҳисоб юргизишдан бизнинг замонимизда Мисрда ишлатилаётган калдонийлар йили<sup>155</sup> билан ҳисоблашга ўтказган шу қайсар Августдир. Бу воқеа унинг подшоҳлигининг олтинчи йилида бўлган эди; исқандарийлар ўша йилни эра боши қилиб белгиладилар.

Сўнгра Антонин эраси келади, бу Рум<sup>156</sup> подшоҳларидан биридир. Бу эра рум йиллари [шамсий йиллар] билан ишлатилади. Птолемей Антонин подшоҳлигининг биринчи йилида турғун ёриткичлар ҳақидаги [хатоларни] тузатиб, уларни ўз китоби «Ал-Мажистий»га киритди ва уларни ҳар йили<sup>157</sup> бир даражага сурилсин деб буюрди.

Кейин Диоклетиан<sup>158</sup> эраси келади. У санамларга ибодат қилувчи Рум подшоҳларининг охиргисидир. Подшоҳлик унга ўтгач, унинг авлодида қолди. Бундан кейин Константин подшоҳ бўлди. У Рум подшоҳларидан христиан динини қабул этган биринчи подшоҳ эди. Бу эра йиллари ҳам румийча [шамсий]дир. Зиж тузувчилардан бир қанчаси шу эрани қўллаб, астрологияга оид масалалар, туғилган болаларнинг толелари ва сайёраларнинг бир-бирлари

билан қўшилишлари хусусида ўзлари муҳтож бўладиган масалаларни<sup>159</sup> шу эра билан белгилаганлар.

(30)|| Сўнгра Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижратлари эраси келади. Бу эра қамарий йилларга асосланган бўлиб, ой боши ҳисоби билан эмас, янги Ойнинг кўриниши билан белгиланади. Барча мусулмонлар шу эрани қўллайдилар. Нима учун бу эра боши ҳижратдан белгила-  
ниб, [Пайгамбаримизнинг] туғилишлари, пайгамбарлик ҳақида ваҳий келиши ёки ул зотнинг вафотидан белгиланмаган? Маймун ибн Миҳроннинг<sup>160</sup> ривоят қилишига кўра, Умар ибн ал-Хаттоб<sup>161</sup> ҳузурига, [давлат томонидан] Шаъбон ойида тўланадиган ҳужжат келтирилганида, Умар: «Қайси Шаъбон, шу биз турган Шаъбонми ёки келажак Шаъбонми?» – деган. Кейин Аллоҳнинг расули – Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларини йигиб, вақтларни тайинлашда ўзининг ҳайронлиги хусусида улардан маслаҳат сўраган. Улар: «Форсларнинг бу ҳақда қўллаган тадбирларини билишимиз керак», – деганлар. Кейин Ҳурмузонни<sup>162</sup> олиб келиб, ундан форслар қўллайдиган тадбирни сўраганлар. У: «Бизда бир ҳисоб бор, уни «моҳ-рўз», яъни ойлар ва кунлар ҳисоби деб атаймиз», – деган. Булар моҳ-рўзни арабчалаштириб «муаррах» деганлар ва «тарих» лафзини унинг «масдари»<sup>163</sup> қилиб кўрсатганлар<sup>164</sup>, Ҳурмузон уларга форслар йил ҳисобини қандай қўллашларини, шунингдек, румийларнинг қандай ишлатишларини баён этган. Шу вақт Умар Расулуллоҳ саҳобаларига: «Одамлар ўз муомалаларида қўллашлари учун бир эра бошини белгиланг», – деган. Уларнинг баъзилари: «Рум эрасини кўрсатинг, чунки улар Искандар эрасини қўллайдилар», – деса, биров: «У жуда узайиб кетади», – деган, яна бошқалари: «Форслар эрасини қўлланг», – деса, иккинчиси: «Қачон форслардан бир подшоҳ тахтга чиқса, у ўзидан олдинги подшоҳ эрасини қўлламай кўяди», – деган. Шундай қилиб, саҳобалар бу масалада бир-бирлари билан келиша олмаганлар. [Аммо] аш-Шаъбий<sup>165</sup> ривояти бўйича, Абу Муса ал-Ашъарий<sup>166</sup> Умар ибн ал-Хаттобга ёзган бир хатида: «Сендан бизга мактублар келади, уларнинг санаси йўқ», – деган. Умар турли девонлар<sup>167</sup> тузиб, хирож ва қонунлар жорий қилган эди. У эрага муҳтож бўлди, аммо қадимги эраларни қўллашни истамасди. Шу вақт ўз ҳузурига [кишиларни] чақириб, улардан маслаҳат сўради. Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳижрат қилиб<sup>168</sup>, Мадинага етиб борган вақтлари жуда аниқ, шак-шубҳадан энг узок вақт эди. Бу душанба кун рабиул-аввалдан саккиз кеча ўтганда воқе бўлган эди, йил боши пайшанба кунига тўғри келди. Кейин Умар шунга амал қилиб, ўз эҳтиёжида шу эрани қўллади. Бу ҳодиса ҳижратнинг ўн еттинчи йилида бўлган эди<sup>169</sup>.

– Бу ихтилофсиз бўлиши лозим бўлган нарсани ҳижратни қабул этишларига сабаб шуки, [Муҳаммад алайҳиссаломнинг] туғилган ва уларга пайгамбарлик ҳақида ваҳий келган вақтлар ҳақида шу қадар ихтилоф юз берганки, уни [эра]га асос қилиш мумкин эмас. [Аш-Шаъбий] айтади: «Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилишлари ҳақида айтадиларки, бу душанбага ўтар кечаси рабиул-аввалнинг иккинчисида; биров «саккизин-

чисида», яна бошқаси «ўн учинчисида» деган. Яна хабар қиладиларки, бу ҳодиса Хусрав Ануширвон<sup>170</sup> подшоҳлигининг қирқинчи йилида бўлган; «қирқ иккинчи», биров «қирқ учинчи» йилида содир бўлди деган. Шунинг учун бу ихтилоф билан бирга [Пайғамбаримиз алайҳиссалом] умрларининг муддати ҳақида ҳам келишмовчилик бор». Шунингдек, йилларнинг оралари ҳам бир-биридан тафовутли бўлиб, баъзилари кабисали ва баъзилари насий ҳаром қилинган, тўлдирилмади. Шу билан бирга, ҳижратдан сўнг ислом дини оёққа туриб, ширк<sup>171</sup> орқага қайтди, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макка кофирларининг қийноқларидан қутулиб, кетма-кет ғалабаларга эришдилар.

Пайғамбарнинг вафоти вақти эса, гарчи у маълум бўлса-да, бир пайғамбарнинг ўлган вақтидан ёки бир подшоҳнинг ҳалок бўлган вақтидан эра бошлаш яхши иш эмас. Агар сохта [пайғамбар] ёки халққа душман [подшоҳ] бўлса, ўлимидан халқ қувонса ва ўлими байрам қилинса ёки бир подшоҳ вафотидан кейин давлати инкирозга учраб, дўстлари ўз ўрталарида эсдалик қилиб таассуфлансалар, [ўлган вақтни эра боши қилиш мумкин]. Лекин бундай расм камдан-кам ва фавқуллода учраган. «Бинокор» Искандар бунга мисолдир. Унинг эраси ўлган вақтидан ҳисобланади, чунки у эралари ўзларидан кейин ҳар бири Птолемей деб аталадиган Птолемейлар подшоҳлиги эрасига алмашган калдоний ва ғарб подшоҳлари<sup>172</sup> жумласидан саналади. Птолемейнинг маъноси «аскар» демакдир. Шундай қилиб, давлат ўз қўлига ўтган подшоҳ [Искандар]нинг ўлимидан қувониб, шу вақтни эра боши қилиб олган.

(31)|| Яздигард ибн Шаҳриёр<sup>173</sup> ҳам бунга мисолдир. Оташпарастлар унинг ҳалок бўлган вақтини эра боши қилдилар, чунки унинг ўлими билан давлат инкирозга учради; [форслар] эса унга қайғуриб ва диңлари кетганига ачиниб, ўлган вақтидан йил ҳисобини олдилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) замонида одамлар ҳижрат билан [унинг] вафоти орасидаги ҳар бир йилни ўша йилда тасодифий равишда [Пайғамбар] алайҳиссаломга дуч келган воқеадан чиқариб олинган махсус ном билан атар эдилар. Биринчи йил – «Ҳижратга изн йили», иккинчиси – «[Кофирлар] билан урушишга фармон йили», учинчиси – «Тозалаш йили», тўртинчиси – «Тинчлик йили», бешинчиси – «Зилзила йили», олтинчиси – «Ошночилик йили», еттинчиси – «Ғалаба қозониш йили», саккизинчиси – «Баробарлик йили», тўққизинчиси – «Қутулиш ва халос бўлишлик йили», ўнинчиси – «Видолашиш йили» дир<sup>174</sup>. Одамлар у йилларни шундай номлар билан атаганлари сабабли, ҳижратдан кейин рақам билан [йил] айтишга мухтож бўлмаганлар.

Кейин Яздигард ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвиз подшоҳлигининг эраси келади. Бу эра кабисасиз форс йилларига асосланган бўлиб, ишлатилиши осон бўлганидан зижларда қўлланилади. Бошқа Эрон подшоҳлариникидан кўра бунинг эраси машҳурдир, чунки подшоҳлик паришонликка учраб, уни хотинлар эгаллаган ва подшоҳликка ҳақсиз киши ғалаба қозонганидан кейин у тахтга ўтирди. Шу билан бирга, у [Эрон подшоҳларининг] охиргиси бўлиб,

[жангномаларда] эслатилган урушларнинг кўпчилиги ва [форсларнинг] Умар ибн ал-Хаттоб билан бўлган машхур жанглари унинг замонида юз берди<sup>175</sup>, охири давлат [кўлидан] кетиб, қочди ва Марв аш-Шоҳижонда<sup>176</sup> бир тегирмончининг уйида ўлдирилди.

Кейин Аҳмад ибн Талха ал-Муътазид Биллоҳ амир-ал мўъминин<sup>177</sup> эраси келади. Бу эра бошқачароқ йўл билан рум йиллари ва форс ойларига асосланади. У йўл шуки: ҳар бир тўрт йилда бир кун қўшиб борилади.

(32)|| Абу Бакр ас-Сулий<sup>178</sup> «Варақлар китоби»да баён этишича ва Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфажонийнинг<sup>179</sup> «Наврўз<sup>180</sup> ва Мехригонга<sup>181</sup> тегишли шеърлар ҳақидаги рисола»сида тавсиф этилишича, бу эра киритилишининг сабаби мана бундай бўлган. Ал-Мутаваккил<sup>182</sup> ўзининг ов қўриқхоналаридан бирини айланиб юрганида, ҳали етилмаган ва ўриб олинмаган экинзорга кўзи тушди ва: «Убайдуллоҳ ибн Яҳё<sup>183</sup> халқдан хирож йиғишни бошлаш учун мендан рухсат сўраяпти; кўриб турибманки, [ҳали] экинлар кўкариб ётибди. Одамлар хирожни қаёқдан олиб беради?» – деди. Унга: «Бу одамларга зарар келтирди, улар [хирожни вақтидан олдин тўлаш учун] қарз олмоқдалар, ватанларини ташлаб кетяптилар, шикоят ва доду фарёдлари кўпайиб кетди», – деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил: «Бу нарса менинг давримда пайдо бўлдими ёки илгаридан шундай бўлганми?» – деб сўрагани: «Йўқ, бунини Эрон подшоҳлари наврўз вақтида хирож талаб қилишни бошлаганларидан бери шундай, бу билан улар араб подшоҳларига йўл кўрсатдилар. Ана шунга асосланиб бизда ҳам талаб қилинади», – деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил мўбадни<sup>184</sup> қақриб, унга: «Бу тўғрида гап кўпайди, мен форслар расм-русумидан нарига ўтолмайман. Улар эҳсонли, халқпарвар бўла туриб, қандай қилиб фуқародан [бевакт] хирож олишни бошладилар? Нима учун галла ва экинлар етишмаган шундай вақтда хирож талаб этишга рухсат берганлар?» – деди. Шунда мўбад: «Улар, талабни наврўз вақтида бошласалар ҳам, хирож галлалар етилган вақтда келар эди», – деб жавоб берди. Ал-Мутаваккил: «Бу қандай бўлар эди?» – деб сўради. Шу вақт мўбад унга форс йилларининг ҳолини, миқдорини ва қўшимча кунларга эҳтиёжини баён этди. Кейин воқеани тушунтириб: «Форслар йилларига қўшимча кунлар қўшар эдилар, ислом [дини кириб] келгач, бу бекор қилинди<sup>185</sup> ва бу халққа зарар келтирди. Дехқонлар<sup>186</sup> Ҳишом ибн Абдулмалик замонида Холид ал-Қасрий<sup>187</sup> хузурига йигилиб, бу воқеани баён этдилар ва ундан наврўзни биров кейинга суришини сўрадилар. Холид бунини қабул этмади ва бу ҳақда Ҳишомга хат ёзиб, хатида: «Бу иш Аллоҳ таолонинг «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир»<sup>188</sup>, деган сўзидан саналмаса деб кўркаман», – деди. Ар-Рашид<sup>189</sup> даври келгач, одамлар Яҳё ибн Холид ибн Бармак<sup>190</sup> хузурига йиғилишиб, ундан наврўзни икки ой кейинга суришни сўрадилар.

Яҳё шундай қилмокчи бўлди, лекин душманлари бу ҳақда гап кўтариб, «Бу – мажусийликка ёпишяпти», – дедилар. Яҳё ўз қароридан қайтди ва иш [эски] ҳолича қолди» .

Ал-Мутаваккил Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийни<sup>191</sup> хузурига чакириб, ўнта наврўз ҳақида мўбад айтганига мувофиқ иш қилиб: [йил] кунларини ҳисоблаш, наврўз учун ўзгартирилмайдиган конун тузиш ва наврўзни кейинга суриш хусусида бутун мамлакат шаҳарларига [халифа] номидан хат ёзишни буюрди.

Шундай қилиб, наврўзни Ҳазироннинг<sup>192</sup> ўн еттисига кечиктиришга қарор қилинди. Бу ишларни Иброҳим ас-Сулий бажарди, икки юз қирқ учинчи йил Муҳаррам ойида<sup>193</sup> [халифаликнинг бутун] чеккаларига мактублар юборилди. Бу ҳақда Ал-Бухтурий<sup>194</sup> қасида ёзган ва унда Ал-Мутаваккилни мақтаб, мана бундай деган:

*Наврўз кунини ўз вақтига – Ардашер,  
Белгилаган вақтга қайтди;  
Сен уни аввалги ҳолатига айлантирдинг,  
У ҳайрон бўлиб айланиб юрарди.  
Наврўзда хирож олишига буюрдинг –  
Халқ учун эсда тутиладиган янгилик бўлди.  
Халқдан ҳамд ва сано айтиш, сендан эса,  
Уларга адолат юргизиш ва миннатдор этадиган инъом бериш.*

(33)|| Ал-Мутаваккил ўлдирилиб, [унинг] ўйлаган тадбири чала қолди. Ниҳоят, Ал-Муътазид халифа бўлиб, мамлакат шаҳарларини босқинчилардан қайтариб олди ва булардан бўшагач, фуқаро ишига киришди. Унинг учун энг муҳими кабиса ишини тамомлаш эди. Ал-Мутаваккилнинг наврўзни кейинга суриш ҳақида қилган ишини у охирига етказди, лекин Ал-Муътазид бунга бошқа томондан қаради. Бу шундай бўлди: Ал-Мутаваккил ўзи турган йил билан<sup>195</sup> Яздигард подшоҳлиги эрасининг биринчи йили орасидаги муддатни олган эди, Ал-Муътазид эса ўзи турган йил билан Яздигард ҳалокатидан кейин Эрон подшоҳлиги тугаган йил орасидаги муддатни олди. У ёки унинг томонидан бу ишга мутасадди бўлган киши: «Форслар ўша вақтдан бошлаб кабиса ишини тўхтатганлар», деб гумон қилди. Бу муддатни икки юз қирқ уч йил ва [бу йилларнинг] чораклардан олинадиган ҳиссаси олтмиш бутун ва касрли кун деб топди<sup>196</sup>. Ал-Муътазид шу кунларни ўша йил наврўзига қўшди ва наврўзни охириги кунга кўчирди. У кун ўша йили Хурдод моҳнинг<sup>197</sup> биринчи кунини бўлиб, чоршанба эди, бу Ҳазироннинг ўн биринчи кунига тўғри келиб қолди. Сўнгра Ал-Муътазид румликлар ўз ойларига кабиса қўшганларидек, наврўз ойлари ҳам кабисали бўлсин деб, наврўзни рум ойлари бўйича белгилади. Ал-Муътазиднинг бу фармонини ижро этишни зиммасига олган киши

унинг вазири Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб эди. Мунажжим Али ибн Яҳё<sup>198</sup> бу ҳақда мана бу шеърни айтди:

*Эй покиза шарафни тирилтирган, вайрон бўлган мамлакатни янгилаган,  
Беқарор бўлган дин асосини қайтадан орамизда барқарор этган!*

*Пойгада ўзувчи сингари барча подшоҳлардан ўздинг,*

*Наврўз билан бахтли бўл, бу [ишда] халқни миннатдор этдинг, ҳам  
савоб топдинг –*

*Наврўзни кейинга суриб, бошқалар кейинга қолдирган савоб [ишни]*

*олдинга ўтказдинг!*

Али ибн Яҳё бу ҳақда шундай деди:

*Наврўзинг шундай бир кунки, у ҳеч қачон кейинга қолмай,*

*Ҳазироннинг ўн биринчисига тўғри келаверади.*

Бу ишда ҳар қанча диққат қилинса ҳам, наврўз форслар давлати вақтидаги [йилларга] кабиса кўшиладиган ахволига қайтмади. Воқеа бундай: форсларнинг ўз йилларига кабиса қўшишни тўхтатишлари Яздигард ҳалокатидан қарийб етмиш йил бурун юз берган эди, чунки улар Яздигард ибн Шопур<sup>199</sup> замонида йилга икки ой қўшган эдилар. Биринчи йил ҳамиша [шамсиядан] кейинги сурилиши учун қўшилди, бундай [қилиш] зарур эди; кўшимча кунларни<sup>200</sup> эса [кабисали йилнинг] белгиси қилиб ўша ойнинг кейинига қўйдилар; [ўша йили] навбат Обон моҳники<sup>201</sup> эди, бу [ҳақда] келгусида зикр қиламиз. Иккинчи ой узоқ муддатгача [кабиса қўшишдан] хотиржам бўлиш мақсадида келажак учун қўшимча қилинди.

Яздигард ибн Шопур билан Яздигард ибн Шаҳриёр ўртасидаги йиллардан бир юз йигирма йил айирилса, аниқ ҳисоб билан эмас, тахминий ҳисоб билан етмиш йил қолади, чунки Эрон йил ҳисоблари жуда ноаниқдир.<sup>202</sup> Бу етмиш йилнинг чораклардан оладиган ҳиссаси қарийб ўн етти кун бўлади. Шунда йигирма саккизинчи Ҳазиронда наврўз бўлиши учун уни олтмиш кун эмас, кўпол тахминий қиёс билан етмиш етти кун кейинга суриш зарур бўлади. Лекин бу ишни ўз зиммасига олган киши: «Форсларнинг кабиса хусусидаги йўллари румликларнинг шу хусусда тутган йўлларига ўхшайди», деган гумон билан кунларни форсларнинг подшоҳликлари тугайдиган вақтдан бошлаб ҳисоблаган. Аммо биз баён этганимиз ва келажакда баён этмоқчи бўлганимиздек, бу ҳақда иш ундан бошқачароқдир.

(34)|| Бу [Ал-Муътазид] эраси машҳур эраларнинг охиргисидир. Эҳтимол, мамлакатлари бизнинг мамлакатимиздан узоқ миллатларнинг бизга етиб келмаган эралари бордир. Масалан, форслар мажусийлик замонларида подшоҳларининг тахтга чиқишидан бирин-кетин [янги] эра бошлардилар. Подшоҳларининг бири ўлса, унинг эрасини қўйиб, ундан кейин подшоҳ бўлганнинг эрасига ўтардилар. Уларнинг подшоҳлик муддатлари кейинроқ жадвалларда кўрсатилади.



**Араблардан Исмоил авлодлари<sup>203</sup> ҳам шундай [қилдилар].** Улар ҳам Иброҳим билан Исмоилнинг Каъбани бино этган вақтидан эра бошлардилар; тарқалиб Тихомадан<sup>204</sup> чиқиб кетгунларича [шу эрани тутдилар]. Кейин Тихомадан чиққан кишилар [ўз] чиққан вақтларини эра боши қилдилар. Қолганлар эса Тихомадан чиққанларнинг охиргилари [чиққан вақтдан эра бошладилар]. Охири бу эра жуда узоқлашиб кетгач, Амр ибн Яҳё деб танилган Амр ибн Рабианинг раислик йилидан эра бошладилар. Бу Амр ҳақида: «Иброҳим динини алмаштирган, Хубал<sup>205</sup> номли санамни Балқо<sup>206</sup> шаҳридан олиб келган, Исоф ва Ноила номли санамларни ишлаган», дейдилар. Айтишларича, бу [ходиса] Шопур Зул-Актоф<sup>207</sup> замонида юз берган. Икки гуруҳ (аввалги ва кейинги эра олувчилар)нинг эралар ҳақидаги фикрини бир-бирига таққослаш бунинг [фойдасига] гувоҳлик бермайди.

Сўнгра араблар Каъб ибн Луаййнинг<sup>208</sup> ўлган йилидан то «Ғадр йили»гача эра бошладилар. «Ғадр» шуки, шу йили Ҳимяр<sup>209</sup> подшоҳларидан бири Каъбага атаб юборган пардаларни [араблардан] Бани Ярбу қабиласи талаб олган ва одамлар бозорда бир-бирининг устига ўзини ташлаган. Кейин то «Фил йили»гача<sup>210</sup> ўша «Ғадр йили»дан эра бошлаганлар. «Фил йили» шуки, Аллоҳ бу йилда Каъбани вайрон қилиш мақсадида келган ҳабашларнинг макрларини ўзларига қайтариб, уларни буткул ҳалок этди. То ҳижратгача шу эрани қўлладилар.

Баъзи араблар юз берган машхур воқеалардан ва эсда тутиладиган кунлардан йил ҳисобини олган. Масалан, курайшийларда мана бундай кунлар<sup>211</sup> бўлган:

Шаҳри Ҳаромда<sup>212</sup> юз берган «Явм ул-Фижор».

«Ал-Фузулдаги аҳднома [куни]» – бу мазлумга ёрдам бериш учун қасамёд қилишган кунларидир, чунки курайш қабиласи ҳарамда [Маккада] бир-бирларига зулм қилардилар.

«Ҳишом ибн ал-Муғира ал-Махзумийнинг ўлган йили» унга ҳурмат учун олинган.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳукмига мувофиқ «Каъбани таъмирлаш йили».

Шунингдек, Авс ва Ҳазраж қабилалари орасида ҳам бундай воқеалар юз берган, масалан:

Ал-Фазо куни;<sup>213</sup>

Ар-Раби куни;

Ар-Рухоба куни;

Ас-Сурога куни;

Дохис ва ал-Ғабро куни;

Буос куни;

Хотиб куни;

Мазрис ва Муаббис куни.

Воилнинг икки ўғли – Бакр ва Тағлиб авлодлари орасидаги воқеалардан:  
 Унайза куни;  
 Ал-Хинва куни;  
 Тахлоқ ал-Лимам куни;  
 Ал-Қусайбот куни;  
 Ал-Фасийл куни;

Араб гуруҳлари ва қабилалари ораларидаги шундай воқеалардан эра олар эдилар. У воқеалар ўзларининг жойларига ва сабабларига нисбатланиб [мазкур] номларни олган.

(35)|| Агар ўша воқеалар юз берган вақтлар эралар тартибида сақланиб келганда эди, бошқа ходисалардан қилмоқчи бўлган эра ишларини ўша воқеалар ҳақида ҳам, албатта, қилар эдик. Лекин айтилишича, Каъб ибн Лу-айй ўлган йилдан «Ғадр йили»гача беш юз йигирма йил, «Ғадр йили»дан «Фил йили»гача бир юз ўн йил ўтган. Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳабашлар келганидан эллик кун кейин тугилдилар. «Фил йили»дан «Фижор йили»гача йигирма йил ўтган. Пайгамбар алайҳиссалом [Фижор жангида] ҳозир бўлганлар ва «Ал-Фижор кунида ҳозир бўлдим ва амакиларимга қарата ўқ уздим»,<sup>214</sup> – деганлар.

«Ал-Фижор йили» билан Каъбанинг [қайта] қурилиши орасида ўн беш йил ўтди. Каъбанинг қурилишидан то [Муҳаммад] Пайгамбар бўлгунча беш йил ўтди.

Шунга ўхшаш форслар ўз Хусравлари, румийлар ўз Қайсарлари замонидан йил ҳисобини олганларидек, Ҳимяр ва Бану Қахтон [қабилалари] ўз Туббалари<sup>215</sup> давридан йил ҳисоблар эдилар. Лекин Ҳимяр подшоҳлиги тартибли эмас, йил ҳисоблари ноаниқдир. Шундай бўлса ҳам, биз уларнинг [йилларини] Ал-Ҳирага<sup>216</sup> келиб, шу ерда турган ва у ерни ватан қилиб олган Лаҳмий подшоҳларининг муддатлари билан биргаликда жадвалларда кўрсатдик.

**Хоразмликлар ҳам шундай йўл тутганлар.** Улар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан йил ҳисоблаганлар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг<sup>217</sup> Хоразмга келишидан, Кайхусрав<sup>218</sup> ва унинг насли Хоразмда подшоҳлик қилишидан йил ҳисобладилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлигида ўз ҳукмини ўрнатган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин бўлди.

Сўнгра улар йил ҳисоблашда форсларга эргашиб, шоҳлар деб аталувчи Кайхусрав наслидан бўлган ҳар бир подшоҳнинг ҳукм суришидан йил ҳисобладилар. Ниҳоят Кайхусрав наслидан Африғ<sup>219</sup> подшоҳлиги бошланди. Форслар Яздигард «гуноҳкор»ни ёмон хабар келтирувчига йўйганларидек, [хоразмликлар] Африғни шум хабар келтирувчига чиқардилар. Африғдан кейин унинг ўғли подшоҳ бўлди. Африғ Искандар эрасининг олти юз ўн ол-

тинчи йилида Ал-Фир устига ўз қасрини қурдирди.<sup>220</sup> Кейин хоразмликлар Африг ва унинг авлоди подшоҳлигидан йил ҳисобладилар.

Ал-Фир Хоразм шахрининг чеккасидаги лой ва хом ғиштдан қурилган қалъа бўлиб, бири-бирининг ичига жойлашган ва баландликда бир-биридан қолишмайдиган уч қаватдан иборат қўрғон эди. Бу барча қўрғонлар тепасида Ямандаги ғумдон сингари подшоҳларнинг қасрлари бор эди.

Ғумдон – туббаларнинг турар жойлари бўлиб, Санъо<sup>221</sup> шаҳридаги Масжиди жоме рўпарасидаги тошдан қурилган қалъадир. Айтишларига кўра, у тўфондан кейин Сом ибн Нуҳ қурган бинолардандир. Сом қазиган қудуқ ҳам ўша ердадир. Баъзилар эса: «Бу – Заҳҳок<sup>222</sup> томонидан Зухра исмига атаб қурилган ҳайкал», деганлар. Ал-Фир ўн милча ва ундан кўпроқ масофадан кўринар эди. Жайхун<sup>223</sup> ҳар йили уни бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди. Ниҳоят Искандар эрасининг минг уч юз бешинчи йилида<sup>224</sup> ундан асар қолмади.

(36)|| Пайғамбар алайҳиссалом келган вақтларида Хоразм шоҳларидан Арсамух ибн Бузгар ибн Хамгарий ибн Шауш Саҳр ибн Азкажавар ибн Аскажамук ибн Саҳхасак ибн Бағра ибн Африғ подшоҳ эди. Хоразм аҳолиси [ислом динидан] қайтгандан кейин, Қутайба ибн Муслим<sup>225</sup> Хоразмни иккинчи марта фатҳ қилгач, хоразмликларга Аскажамук ибн Азкажавар ибн Сабри ибн Саҳр ибн Арсамухни подшоҳ қилди ва уни шоҳликка кўтарди. Хусравлар насли қўлидан вилоят кетиб, уларда фақат шоҳлик номи қолди, чунки шоҳлик уларга меросдек эди. Эра мусулмонлар расмига мувофиқ, ҳижрий [йил]га кўчирилди.

Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у [хабар ва ривоятлар] ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди. Мамлакат идораси гоҳо бу хонадонда бўлиб, гоҳо бошқаларнинг кўлига ўтиб юрди. Ниҳоят, шаҳид Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Туркасабас ибн Шавушафар ибн Аскажамук ибн Азкажавар ибн Сабри ибн Саҳр ибн Арсамухдан<sup>226</sup> кейин валийлик ҳам, шоҳлик ҳам уларнинг [қўли]дан чиқиб кетди.



#### IV б о б . ЗУЛҚАРНАЙН<sup>227</sup> ЛАҚАБИНИ ОЛГАН ПОДШОҲНИНГ [КИМЛИГИНИ] АНИҚЛАШДА ТУРЛИ ХАЛҚЛАРНИНГ - ИХТИЛОФЛАРИ ХУСУСИДА

Зулқарнайн исмининг эгаси ким эканлиги ҳақида [ихтилоф] юзага келгани сабабли, у ҳақда махсус ҳикоя қилмоқ даркор. Чунки бу [ҳикоя] биз айтганлар орасида туриб, биз [қабул қилган] йил ҳисобини баён қилиш тартибинини ўзгартиради.

Зулқарнайн солиҳ ва қудратли киши бўлган, Аллоҳ унга улуғ салтанат ва куч бериб, уни кунчиқар ва кунботар томонлардаги шаҳарларни фатҳ этиш, мамлакатларга эга бўлиш, халкларни бўйсундириш ва Ер юзида ҳокимиятни бир қўлга йиғиш мақсадларига етказган. [Аллоҳ унга] шимолда зулмат [подшоҳлиги]га қадам қўйиб, одам яшайдиган жойларнинг энг узоқ ерларигача бориб кўриш, одамлар ва «наснослар»<sup>228</sup> билан жанг қилиш, Ернинг кунчиқар ва шимол томонларида Яъжуж ва Маъжужнинг<sup>229</sup> ўз жойларига яқин мамлакатларга чиқишларига тўсқинлик қилиб, ҳужумларини қайтариш ва зарарларини даф қилиш, [ҳозир] ҳунармандлар ишларида кўраётганимиздек, темир парчаларни эритилган мис билан бириктириб, уларнинг чиқадиган ғорларига тўсик яшаш [имконини берди].

(37)|| Юнонлик Искандар ибн Филипп бир қанча мулкларга бўлинган Рум подшоҳлигини қўлга олгач, Мағриб томондаги подшоҳларга қарши юриш қилиб, уларни забт этди, яна олдинга босиб, Кўк денгизгача<sup>230</sup> етиб борди. Кейин Мисрга қайтди, Искандария [шаҳри]ни бино этди ва уни ўз номи билан атади. Сўнгра Шом ва ундаги Бани Исроилдан бўлган кишилар томон йўл олди. Байт ул-Муқаддасга келиб, унинг қурбонгоҳида жонлиқ сўйиб, қурбонликлар қилди. Кейин Арманистон ва Боб ал-Абвобга<sup>231</sup> бориб, у ерлардан ҳам ўтиб кетди; қибтлар, барбарлар ва яҳудийлар унга бўйсундилар. Сўнгра у Бухтунассар ва Бобил аҳолисининг Шом мамлакатаида тўкилган қонларининг ўчини олиш учун Доро ибн Доро<sup>232</sup> томонга отланди. У билан жанг қилиб, бир неча марта уни мағлубиятга учратди ва шу жангларнинг бирида ўз посбонларининг бошлиғи Навжусанас ибн Озарбахт Дорони ўлдирди ва Искандар Эрон мамлакатини эгаллади. Кейин Ҳиндистон ва Хитойга юриш қилди, узоқ ерлардаги миллатлар билан жанг қилди, қаердан ўтса, ғалаба қозонди. Сўнгра Хуросонга қайтиб, у ерни ҳам эгаллади ва шаҳарлар бино қилди. Сўнгра Ироққа қайтди. Шахризурда<sup>233</sup> касал бўлиб, шу ерда вафот этди. У [ўзининг] барча мақсадлари[ни амалга оширишда] илм ва хикматга асосланиб, ўз муал-

лими Аристотель маслаҳати билан иш қилар эди<sup>234</sup>. Шу айтилганлар сабабли у Зулқарнайндир, дейдилар.

Баъзилар Искандар Қуёшнинг икки «шохи»га, яъни кунчиқар ва кунботар томонларига боргани сабабли бу лақабни олди, деб изоҳлаган. Чунончи, Ардашир Баҳманнинг<sup>235</sup> фармони нуфузли, истаган жойига етиб борадиган бўлганидан у «Кўли узун» лақабини олган эди.

Бошқалар Искандар икки «шоҳ»дан<sup>236</sup>, [яъни] Рум ва Форсдан туғилгани учун шу лақабни олди деб тавсиф этиб, бу ҳақда форсларнинг – душманнинг ўз душманига қилган иши каби мана шу уйдирма ҳикояларига асосландилар: яъни, гўё катта Доро Искандарнинг онасига уйланган, у Филиппнинг қизи эди. Доро у қизда ёмон бир ҳидни сезиб, уни отасига қайтарган. Қиз Дородан ҳомиладор бўлган экан. [Уларнинг айтишича], Искандарни Филипп тарбия қилгани учун у Искандар ибн Филипп деб насабланган. Форслар ўз ҳикояларига Доро жон талашаётган вақтида Искандар унинг бошини тиззасига олиб айтган [қуйидаги] гапини ҳам далил сифатида келтирганлар: «Эй биродар, ким сенга бундай иш қилди, уни менга айт! Ундан сенинг ўчингни олай». У Дорога меҳрибонлик кўрсатиш ва уни ўзи билан тенг тутиш учун унга шундай хитоб қилган. Чунки унга подшоҳ деб хитоб этиши ёки отини айтиб чақириб, подшоҳларга лойиқ бўлмайдиган жафо қилиши мумкин эмас эди.

Лекин душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, зарар етадиган [йўлни] тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар. Масалан, мана бу байтни айтган киши бу икки гуруҳ сифатини кўрсатган:

*Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди,  
Лекин норозилик кўзи [барча] айбларни ошкор қилади.*

(38)|| Бу хил тавсифларга қаттиқ киришиш, кўпинча, кишиларни [бировларни] мақташ учун уйдирма гаплар тўқишга ва [мақтаётган кишиларини] улуғ насабларга мансуб этишга олиб боради. Чунончи, «Шоҳнома»да Ибн Абдураззоқ ат-Тусий<sup>237</sup> тавсиф этилиб, уни Манучеҳрга олиб борадиган насаб тузилган. Бувайҳий хонадонига ҳам шундай қилинган: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Собий<sup>238</sup> ўзининг «Тоғ» деб аталган китобида: «Бувайҳ – Фанна Хусрав ибн Самон ибн Кўҳий ибн Шерзили Асгар ибн Шерказа ибн Шерзили Акбар<sup>239</sup> ибн Шероншоҳ ибн Шерфана ибн Сасаноншоҳ ибн Сасанхурра ибн Шузил ибн Сасаназар ибн Баҳром Гўр подшоҳ», – деб насаб берган.

Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Ноно Бувайҳийлар хабарларини қискартириб баён этган китобида: «Бувайҳ – Фанна Хусрав ибн Самон ўғлидир», – деган. Баъзилар: «Самон Кўҳий ибн Шерзили Асғар ўғлидир», – деган. Бошқалар Кўҳийни инкор этиб: «Шерзили Акбар – Шероншоҳ ибн Шерфана ибн Сасаноншоҳ ибн Сасанхурра ибн Шузил ибн Сасаназар ибн Баҳром ўғлидир», – деганлар.

Сўнгра Баҳром хусусида ҳам ихтилоф қилганлар. Бувайҳийларни форсларга нисбат берувчилар: «Бу – Баҳром Гўр», – деб, юқорида кўрсатилган насабни баён этган. Бувайҳийларни арабларга нисбат берувчилар: «Бу Баҳром – аз-Заҳҳок ибн ал-Абяз ибн Муовия ибн ад-Дайлам ибн Босил ибн Забба ибн Удд ўғли», – деганлар. Унинг ота-боболари орасида Лоҳу ибн ад-Дайлам ибн Босил эслатилган. Айтишларича, шу исм сабабли Лоҳу авлоди «Лаёҳиж» деб аталган.

Лекин шу китобнинг бошида биз айтган шартни кўзда тутиб, ҳаддан ташқари ерга ҳам урмаган ва юқорига ҳам кўтармаган, эҳтиёт учун мўътадил йўл тутган киши шу Бувайҳ қабиласидан машҳур бўлган кишиларнинг аввалгиси Бувайҳ ибн Фанна Хусрав эканини билади. Бу миллат кишилари ўз насабларини сақлаш билан машҳур бўлган эмаслар, бундай ишни давом эттирганлари [ҳеч ерда] эслатилмаган, уларга давлат ўтишидан илгари ҳам ўз насабларини сақлаганликлари билинмаган. Узоқ замонлар ўтиб, кунлар кўпаявергач, насабларнинг кетма-кет сақлаб борилиши кам учрайди. Балки бундай вақтда бирон наслга нисбат берилишининг тўғри ёки нотўғри экани кўпчиликнинг бир фикрга келиши ва гуруҳларнинг бир оғиздан уни тасдиқлаши орқали аниқланади. Чунончи, Одам авлодининг саййиди Муҳаммаднинг [насаби] шундай: у – Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду Манноф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луайй ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Кинан ибн Ҳузайма ибн Мудрак ибн Илос ибн Музар ибн Низар ибн Маадд ибн Аднон ўғлидир.

(39)|| Муҳаммаднинг Исмоил ибн Иброҳим наслдан эканига шак-шубҳа қилмаганларидек, бу ота-боболарнинг тутатиб кетишига на араблардан ва на бошқалардан бирор кимса шубҳа қилмайди.

Аммо Иброҳимдан юқориси Тавротда баён этилган. Аднон билан Исмоил орасидаги номларга келсак, бунда ота ва ўғилни бир-бирига алмаштириш, [номларни] баъзан орттириш ва баъзан камайтиришдан иборат осонлик билан ўзгартириб бўлмайдиган ихтилофлар бор.

Аллоҳ ёрдамига муяссар хожамиз, улуғ амир ва саид, инъомлар эгаси Шамс-ал-Маолийнинг [насаби] ҳам шундай. Гарчи насабининг саидлик наслига туташгани сақланган бўлмаса-да, унинг дўстларидан ва унинг душманларидан ҳеч бир киши унинг келиб чиқиши иккала тарафдан ҳам қадимий,

улуғ, шарафли эканини инкор этмайди. Икки томон аслининг бири улуғлиги Гилонда<sup>240</sup> маълум бўлган Вардоншоҳдир. Унинг амир шаҳид Мардовиждан<sup>241</sup> бошқа [набираси ҳам] бўлган. Айтишларига кўра, Вардоншоҳнинг набираси<sup>242</sup> Асфар ибн Шеруянинг маслаҳатчиси бўлиб, Асфарнинг бало ва офатларидан одамларни тинчлантириш учун Вардоншоҳни огоҳлантириб турар экан.

Иккинчи тарафнинг аслига келсак, улар Табаристон испаҳбадлари ва фархва-жар шоҳлар деб лақабланган Жибол<sup>243</sup> подшоҳларидир. Шулар [наслидан] ва подшоҳ хонадонидан бўлган кишиларнинг [насаблари] Кисролар<sup>244</sup> билан боғланадиган ўзакка мансуб бўлиши инкор этилмайди. Чунки [Шамс-ал-Ма-олийнинг] тоғаси испаҳбад Рустам ибн Ширин ибн Рустам ибн Қарин ибн Шаҳриёр ибн Ширин ибн Сухроб ибн Бов ибн Шопур ибн Кайюс ибн Қубод бўлиб, Қубод Ануширвоннинг<sup>245</sup> отасидир. Аллоҳ хожамазнинг икки томон<sup>246</sup> асл ва насабини шарафли этганидек, оламнинг иккала уфқидаги кунчиқишдан кунботишгача бўлган мамлакатлар подшоҳлигини унга берсин. Албатта, бу иш Аллоҳнинг қўлида ва барча яхшилик Ундандир.

Шунингдек, Хуросон подшоҳларини<sup>247</sup> мисол келтириш мумкин. Улар давлатининг биринчи подшоҳи Исмоил эканига ҳеч ким эътироз билдирмаган. Бу Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомонхудо ибн Жасимон ибн Таҳмот ибн Нуширд ибн Баҳром Чубин ибн Баҳром Жушанас бўлиб, у Озарбайжон марзубони<sup>248</sup> эди.

Хоразмнинг аввалги шоҳлари ҳам [бунга] мисол бўлади. Улар [Эрон] подшоҳи хонадонидан ва Ширвон<sup>249</sup> шоҳларидан эдилар. Чунки насаблари шажараси сақланмаган бўлса ҳам, уларнинг Хусравлар наслидан экани [ҳақида] кўпгина халқларнинг фикри бир [хил].

(40)|| Гарчи насаблар ва бошқа сабаблар ҳақидаги даъволарнинг тўғрилигини яширсалар-да, мушк ҳар қанча ўраб қўйилса ҳам, ҳид сочиб турганидек, ошкор бўлаверади. Ундай [тўғри] даъвони тузатиш учун Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Маймун ал-Қаддох<sup>250</sup> каби маблағ сарф этиб, ҳадялар беришга эҳтиёж қолмайди. У Мағрибда хуруж этган кунларида шиа нақиблари<sup>251</sup> унинг уларга нисбат бергани ҳақидаги даъволарини ёлғонга чиқарган эдилар. Шунда Убайдуллоҳ уларни [пул ва поралар билан] рози қилиб, тинчлантирган. Гарчи бу сохта насаб шуҳрат топиб, тарқалган ва Убайдуллоҳнинг авлоди ўзини ҳимоя қилиш учун қудратга эришган бўлса-да, ҳақиқатни изловчига Убайдуллоҳнинг қилган ишлари яширин қолмади. Бу хонадондан бизнинг замонимизда Абу Али<sup>252</sup> ибн Низар ибн Маадд ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ «Зўравон» ҳукм суради.

Биз бу ҳақда одамлар ёқтирган кишиларининг тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилганлари учунгина эслатиб ўтдик. Баъзан уларнинг бу икки ҳолатнинг бирида ҳаддан ошиб кетишлари уларнинг ўз даъволарида шармандали ҳолатларга олиб келади.

Искандарнинг Филипп ўгли экани яширин эмас, жуда аниқдир. Филиппнинг келиб чиқиши эса насаб билимдонларининг айтишларича, мана бундай: Филипп ибн Мазрабу ибн Хермес ибн Ҳарзас ибн Мейтон ибн Румий ибн Латин ибн Юнон ибн Яфас ибн Сухун ибн Румия ибн Бизант ибн Теофил ибн Румий ибн ал-Асфар ибн Алифаз ибн Шав ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир<sup>253</sup>.

[Баъзиларнинг] айтишича, Зулқарнайн Атракис исмли бир киши бўлган. У Бобил подшоҳларидан бири Самирусга қарши чиқиб, у билан жанг қилган. Ниҳоят, ғалаба қозониб, уни ўлдирган ва калласининг терисини сочи ҳамда иккита кокили билан биргаликда шилдириб олган. Бу терини ошлатиб, ўзига тож қилган, шу сабабдан Зулқарнайн деб лақабланган.

Зулқарнайн – Мунзир ибн Маас-Само[дир], яъни Мунзир ибн Имру ул-Қайсдир<sup>254</sup> деган фикрлар ҳам бор.

Бу исм эгаси ҳақида ғалати хурофот мавжуд бўлиб, гўё унинг онаси жинлардан эди, дейилади. Билқис<sup>255</sup> ҳақида ҳам шундай эътиқод қилиб: «Унинг онаси ҳам жинлардан эди», – дейишган. Найрангбоз Абдуллоҳ ибн Ҳилол ҳақида эса: «У Иблис қизини хотинликка олган», – дейдилар. Шундай масҳарали ва кулгили машҳур ҳикоялар [кўп келтирилади].

Умар ибн ал-Хаттобдан шундай ҳикоя қилинади: «У бир гуруҳ кишиларнинг Зулқарнайн ҳақида жуда гапга тушиб кетганларини эшитиб: «Инсонлар ҳақида гапиришингиз кифоя қилмай, фаришталар ҳақида гапиришга ўтдингизми?» – деган.

Баъзилар: «Зулқарнайн – Саъб ибн Ҳаммол Ҳимярийдир», – дейдилар. Буни Ибн Дурайд<sup>256</sup> «Китоб ал-вижоҳ»да баён этган. Яна бирлари: «Зулқарнайн – Абу Қариб Шаммар Юръиш ибн Ифрикис Ҳимярийдир, у икки елкасига тушиб турган иккита кокили сабабли шу исм билан аталган. У ернинг кунчиқар ва кунботар томонларига етиб борган, шимол ва жануб томонларини кезган, мамлакатлар фатҳ этиб, халқларни ўзига бўйсундирган». Яман подшоҳларидан бири бўлган Асад ибн Амр ибн Рабиа ибн Молик ибн Субайх ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Ясир ибн Танъум ал-Ҳимярий ўз шеърини да Зулқарнайн билан фахрланиб, шундай дейди:

(41)||

*Зулқарнайн мендан илгари мусулмон, ер юзини эгаллаган, ҳеч кимга бўйсунмаган подшоҳ бўлган.*

*У қарамли ва ҳурматли [Аллоҳдан] подшоҳлик воситаларини сўраб, машриқ ва мағриб томонларга етиб борган.*

*Қуёшнинг ботадиған жойини – қора балчиқли булоққа ва қора ботқоққа ботаётган вақтида – кўрган.*

*Зулқарнайндан олдин аммам Билқис бор эди, ниҳоят унинг подшоҳлиги сассиқпотшак тугайли тугади<sup>257</sup>.*




Шу сўзлар орасида охиргиси тўғрига ўхшайди. Чунки «зу»<sup>258</sup> [лақабли кишилар фақат] Ямандан бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. Уларнинг исмлари «зу» лафзидан холи эмас эди. Масалан, Зулманор, Зулазъор, Зу-ш-Шанотир, Зу-Нувос, Зу-Жадан, Зу-Язан ва бошқалар.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақида эслатиладиган китоблар, чунончи «Жуғрофия» ва «Йўллар ва мамлакатлар ҳақидаги китоб»лар<sup>259</sup> у миллатни, яъни Яъжуж ва Маъжужни бешинчи ва олтинчи иқлимда<sup>260</sup> яшовчи Шарқ туркларидан бир тоифа деб кўрсатган<sup>261</sup>. Шу билан бирга, Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Тарих» китобида<sup>262</sup> ҳикоя қилишича, Озарбайжон ҳукмдори [араблар] у ерни фатҳ этган кунларида бир одамни Хазар орқали ўша тўғон олдига юборган<sup>263</sup>. У одам бориб тўғонни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам хандақнинг нариги томонида жойлашган улкан, баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех<sup>264</sup> халифа саройидаги бир таржимондан ҳикоя этишича, Ал-Муътасим<sup>265</sup> тушида ўша тўғоннинг фатҳ этилганини кўрган ва бориб кўришлари учун эллик кишини у ерга юборган. У кишилар Боб Ал-Абвоб, Ал-Лон ва Хазар йўли билан юриб, тўғонга етиб борганлар. Тўғоннинг темир парчалардан ишланиб, эритилган мис билан маҳкам қилингани, унинг қулфланган дарвозаси борлиги ва у ерга яқин шаҳарлар аҳолиси уни кўриқлаб туришини кўрганлар<sup>266</sup>. Қайтишларида йўлбошловчи уларни Самарқанд рўпарасидаги жойларга олиб чиққан.

(42)|| Бу икки хабар тўғонни ернинг одамларнинг чораги яшайдиган шимоли-ғарбий чеккасида бўлганини тақозо этади<sup>267</sup>. Айниқса, бу кейинги қиссада инониб бўлмайдиган мана шундай [тафсилотлар] бор: у мамлакатлар аҳолиси ернинг одамлар яшайдиган қисмидан узилиб колган, араблардан жуда кўп кунлик узоқ масофада, қора, бадбўй тупроқли ерда жойлашган бўлсалар ҳам, гўё улар ислом динига эътиқод қиладилар ва араб тилида гаплашадилар. Бунинг устига, улар халифа ва халифалик мартабасини, халифа ким ва у қандай киши эканини билмайдилар. Бироқ биз [асосий] ислом мамлакатларидан узилиб, ислом динида бўлган Булгор ва Сувардан<sup>268</sup> бошқа [шимол тарафда] бирор мусулмон миллат борлигини билмаймиз. Улар ернинг одамлар яшайдиган қисми узилишининг яқинида ва еттинчи иқлимнинг охирида турадилар. Яна улар шу тўғон ҳақида ҳеч нарса гапирмайдилар. Халифалик [мартабаси]ни ва халифаларни биладилар ва улар номига хутба ўқийдилар, аммо арабча сўзлашмайдилар, балки туркча ва хазарча аралаш бир тилда гаплашадилар.



## V б о б . Й И Л Ҳ И С О Б Л А Р И Д А Б Е Л Г И Л А Н Г А Н О Й Л А Р Н И Н Г Ф А З И Л А Т Л А Р И Ҳ А Қ И Д А

Ҳар бир халқ ўзига хос йил ҳисобини ишлатиши ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Бу йил ҳисоблари бир-биридан фарқ қилгани каби, ойларнинг бошлари, ҳар бир ойнинг неча кундан иборат бўлиши ва бунинг сабаблари масаласида ҳам фарқ қилади. Биз булардан фақат билганларимизни баён этамиз, аниқ билмаганимиз ва у ҳақда ишончли кишилардан бизга бирон маълумот етиб келмаган нарсаларни баён этишга уринмаймиз.

**Форслар ҳисоблайдиган ойлар** ҳақида баён этишдан бошлаймиз ва айтмамизки, ҳар бир йил ойлариининг сони ўн иккита, Аллоҳ ҳам ўз китобида: «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир...»<sup>269</sup>, – деган. Бир халқ бошқасидан фақат кабисали йиллар масаласида ихтилоф қилган.

Форслар ҳисоблайдиган ойлар ҳам ўн иккита. Уларнинг номлари мана бу:

- |                   |                                    |
|-------------------|------------------------------------|
| 1. Фарвардин моҳ  | 7. Меҳр моҳ                        |
| 2. Урдибихишт моҳ | 8. Обон моҳ                        |
| 3. Хурдод моҳ     | 9. Озар моҳ                        |
| 4. Тир моҳ        | 10. Дай моҳ                        |
| 5. Мурдод моҳ     | 11. Баҳман моҳ                     |
| 6. Шаҳривар моҳ   | 12. Исфандармуз моҳ <sup>270</sup> |

Геометрик олим Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Сижзий<sup>271</sup> менга қадимги сижистонликлардан<sup>272</sup> ҳикоя қилишига кўра, улар бу ойларни бошқа номлар билан атаб, Фарвардин моҳдан бошлар эканлар. У ойлар мана булар:<sup>273</sup>

- |             |           |              |
|-------------|-----------|--------------|
| 1. Квоз     | 5. Сризво | 9. Орқнозво  |
| 2. Рху      | 6. Мризво | 10. Каж пушт |
| 3. Усол     | 7. Мзвр   | 11. Кажшин   |
| 4. Тириёнво | 8. Хронво | 12. Сорво    |

(43)|| Форс ойлариининг ҳар бири ўттиз кундан иборат бўлиб, ҳар бир куннинг форс тилида алоҳида номи бор. Ушбу кунлар қуйидагича номланади:

- |                |               |                |
|----------------|---------------|----------------|
| 1. Хурмуз      | 6. Хурдод     | 11. Хур        |
| 2. Баҳман      | 7. Мурдод     | 12. Моҳ        |
| 3. Урдибихишт  | 8. Дай баозар | 13. Тир        |
| 4. Шаҳривар    | 9. Озар       | 14. Гўш        |
| 5. Исфандармуз | 10. Обон      | 15. Дай бамеҳр |

16. Мехр	21. Ром	26. Аштоз
17. Саруш	22. Бод	27. Асмон
18. Рашн	23. Дай бадин	28. Зомйед
19. Фарвардин	24. Дин	29. Морасфанд
20. Баҳром	25. Ард	30. Анирон

Бу кунларнинг номлари хусусида форслар ўртасида ихтилоф йўқ, ҳар бир ой кунларининг номлари ҳам шундай [ихтилофсиз] ва бир тартибда [жойлашгандир]. Фақат «Хурмузд» ва «Анирон»да ихтилоф бўлиб, баъзилари «Хурмузд»ни «Фаррух» деб атаса, баъзилари «Анирон»ни «Беҳруз» деб атайдилар.

[Форсларда] йил кунларининг ҳаммаси уч юз олтмиш беш [кун] бўлади. Ҳақиқатда, йилнинг уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кун эканини юқорида айтган эдик. Форслар у кунларга ортиқча беш кун қўшиб, уларни «Панжи» ва «Андаргоҳ» деб атаганлар, кейин бу ном арабийлаштирилиб, «Андаржоҳ» дейилган. У кунлар «ўғирланган», «ўғирлик» деб ҳам аталган, чунки улар бирор ой кунларидан саналмаганлар. Форслар уларни Обон моҳ билан Озар моҳ ўртасига қўйиб, ҳар бир ой кунларига берилган номлардан бошқа номлар билан атаганлар. У номларни икки китобда ҳам ва икки киши ҳам бир хил шаклда айтганларини эшитмадик. Улар қуйидагилардир:

1. Аҳандгоҳ	4. Асфандмузгоҳ
2. Аштодгоҳ	5. Беҳештгоҳ
3. Асфандгоҳ	

Бошқа китобда мана бундай ҳолатда учратдим:

(44)   1. Аҳанваз	4. Ахштр
2. Аштваз	5. Вҳствшт.
3. Асфандмуз	

«Тонг китоби»нинг муаллифи Ноиб ал-Омулий<sup>274</sup> уларни қуйидаги номлар билан баён этган:

1. Хвнвз	4. Вҳввхштр
2. Аствз	5. Вҳшт биҳишт
3. Асфандлез	

Зодавайҳ ибн Шоҳавайҳ «Форслар байрамларининг сабаблари ҳақида» деган китобида шундай баён этган:

1. Панжа анвфта	4. Панжа аврврдён
2. Панжа андрнда	5. Панжа андаргоҳон
3. Панжа аҳжста	

Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад ибн Халаф аз-Занжоний: «Шероз мўбади [у кунлар номини] менга мана бундай ёзиб берди», – деганини эшитдик:

1. Аҳнвзгоҳ	3. Асбтмзгоҳ	
2. Аштвзгоҳ	4. Вҳвхштргоҳ	5. Вҳашхтвиштгоҳ

Ҳандаса олими Абу-л-Ҳасан Озархурой Яздонхасисдан<sup>275</sup> бундай эшитдик:

- |           |            |
|-----------|------------|
| 1. Ҳнвз   | 4. Вхвхштр |
| 2. Аштвз  | 5. Вхствшт |
| 3. Асбтмн |            |

Шундай қилиб, форсларда йил кунларининг мажмуи уч юз олтмиш беш кундир. Чораклардан тўлиқ бир ойнинг кунлари йигилмагунича, форслар чорак кунларни ҳисобга олмаганлар. Бу бир юз йигирма йилда бир марта бўлган. Шунда қўшимча ойни йил ойлари қаторига қўшганлар. Ниҳоят, у йил ўн уч ойдан иборат бўлган. Ўша йилни кабисали йил деб, қўшимча ой кунларини бошқа ой [кунлари] номлари билан атаганлар.

Форслар подшоҳликлари кетиб, динлари барбод бўлгунича шундай иш юргизардилар. Йиллар аввалги ҳолига қайтиши ва белгиланган вақтларга кўп таъсир этмаслиги учун улардан кейин чорак кунлар ҳисобга олинмади ва йиллар кабисали қилинмади. Чунки ҳисобдонлар, китоб аҳли, хабарларни кўчирувчилар ва ривоятчилар, шунингдек, ибодатхона хизматчилари ва қозилар – ҳаммалари подшоҳ ҳузуридаги йиғинда ҳисобларнинг тўғрилигига келишиб олгач, бу иш билан уларнинг подшоҳлари машғул бўлар эди. Бундан аввал мамлакат атрофида бўлган, юкорида зикр қилинган кишилар подшоҳ қасрида ҳозир бўлар ва [подшоҳ] улар билан маслаҳат қилиб, бир қарорга келишар эди. Бунга кўп пул сарф бўларди, баъзиларнинг айтишича, ҳатто миллионлаб динор сарф этиларди. Ўша кун байрамларининг қадр жиҳатдан энг зўри, ҳол ва мавқе жиҳатдан энг машҳури ҳисобланарди. У байрам «кабиса ийди» деб аталиб, ўша йили подшоҳ фуқаросидан хирож олмас экан<sup>276</sup>.

Форсларнинг ҳар тўрт йилдаги чорак кунларни бир бутун кун ҳисоблаб, ойларнинг бирига ёки «Андаргоҳ»га қўшишлари учун уларнинг: «Кўшиш кунларга эмас, ойларга тўғри келади», – деган сўзлари тўсқинлик қилган, чунки улар кунлар сонини орттиришни истамасдилар, дин буйруғича, «замзама»<sup>277</sup> ўқиладиган куни ўша кун фариштасининг номини тилга олиш лозим бўлиб, кунлар сонига ортиқча бир кун қўшилса, «замзама» тўғри бўлмас эди<sup>278</sup>.

(45)|| Кисролар ҳар бир кун учун райҳон ва гулларнинг бир турини ва мунтазам равишда [ичиб келинаётган] шаробнинг бир хилини ўз олдиларига қўйилишини расм қилган эдилар ва бу ҳеч бузилмас эди.

Форсларнинг қўшимча беш кунни Обон моҳнинг охирига, [яъни] бу ой билан Озар моҳ оралиғига қўйишларига сабаб шуки, улар йилларининг бошланишини биринчи инсон яратилган кунда деб даъво қилган, «У кун Фарвардин моҳнинг Ҳурмузд куни эди, Куёш баҳорги тенгкунлик нуқтасида бўлиб, осмон ўртасида эди. У вақт оламнинг минглар билан саналадиган йилларидан еттинчи минг йиллик бошланиши эди», – дейдилар.

Юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчи астрологлар ҳам шундай даъво қилиб, Саратон оламнинг тулуси [буржи]дир<sup>279</sup>, яъни «Синдихинд даврлари»нинг биринчисида Қуёш Ҳамал бошида Ер обод қисмининг икки чегараси ўртасида бўлган, дейдилар. [Қуёш шундай] ҳолатда бўлгач, Саратон [буржи] тулуь қилаётган бўлади. Бу эса, улар фикрича, юқорида айтганимиздек, давр ва пайдо бўлишнинг бошланишидир.

Баъзиларнинг айтишича, [Саратонни] тулуь қилаётган деб аталишига сабаб, унинг боши бошқа буржлардан Ернинг одамлар яшайдиган чорагига энг яқинидир ва унда мўътадил мизож эгаси бўлган Муштарийнинг «шарафи»<sup>280</sup> бор. Пайдо бўлиш мўътадил ҳарорат намликка таъсир этгандагина юз беради. Шундай бўлгач, Саратон олам пайдо бўлишида тулуь қилишга лойикрокдир.

Яна шундай дейдилар: «Бу [бурж]нинг шундай аталишига сабаб, [Саратоннинг] тулуь этиши билан тўрт унсур пайдо бўлиши ҳам тамом бўлади, уларнинг тамом бўлиши билан эса [оламнинг] пайдо бўлиши ҳам тугалланади». Шуларга ўхшаш бошқа мисоллар ҳам мавжуд.

Форсларнинг айтишларича, Зардушт йилларга чорак кунлардан йиғилган ойларни қўшгач, замон яна ўзининг илгариги ҳолига қайтган. Зардушт форсларга ўзидан кейин ҳам шундай қилишни буюрган, улар Зардушт буйруғига бўйсунганлар. Йилга қўшилган ойга алоҳида ном бермаганлар ва бирор ой номини қайта ишлатмаганлар, балки уни навбати билан ойларнинг кейинига қўярдилар. Улар қўйиш навбати келганда ишнинг шубҳали бўлиб қолишдан қўрқиб, ўша [ортиқча] беш кунни кабиса қўшиш навбати келган ойнинг охирига қўярдилар. Бу [кабиса] ишининг муҳимлигидан, бунда хусусий ва оддий кишиларга, фуқаро ва подшоҳларга умумий манфаат [борлигидан], ақлга асосланиш ва табиат ижобига амал этиш зарурлигидан форслар кабиса вақти келганда мамлакат иши турли ҳодисалар сабабли тартибсиз бўлса, кабиса қўшишни орқага сурадилар. Уни то у қўшимча кундан икки ой тўлгунича кейинга қолдирар ёки келгуси кабиса вақтида уни унуттирадиган бир ҳодиса юз бериш эҳтимоли бўлганда, икки ойлик кабисани олдинроқ қўшардилар. Чунончи, Яздигард ибн Шопур замонида эҳтиёт юзасидан шундай қилинди, бу амалга оширилган кабисаларнинг охиригиси эди. Бунга мансабдорлардан Яздигард ал-Ҳизорий деган киши мутасадди бўлган эди. Ҳизор Эроннинг Истаҳр вилоятидаги бир қишлоқ бўлиб, бу одам унга нисбат берилади. Шу кабисадаги навбат Обон моҳники эди, «Андаргоҳ» унинг охирига қўшилди. Шундан кейин, форслар [кабиса ишига] эътибор бермаганликларидан [қўшимча] Обон моҳ охирида бўлиб қолди.

(46)|| Энди **Мовароуннаҳр оташпарастлари, яъни Хоразм ва Суғд аҳолиси номлайдиган ойларни** баён этамиз. Уларнинг ойлари сонда ва кунда қанча бўлиши борасида форсларнинг ойларига ўхшаш кабидир. Фақат оташпарастлар ойларида баъзиларининг бошланиши билан форслар оила-

рининг бошланиши орасида тафовут бор. Чунки оташпарастрлар ортиқча беш кунни йилнинг охирига қўшиб, йил бошини форсча Фарвардин моҳнинг олтинчи куни, яъни Хурдод рўздан ҳисоб қилганлар.

Суғдлар оиларининг номлари:

1. Навсард	30 кун	3. Нисан	30 кун
2. Жиржин	30 кун	4. Басок	30 кун
5. Ашноханда	30 кун	9. Фуг	30 кун
6. Мажиханда	30 кун	10. Масафуг	30 кун
7. Фагоз	30 кун	11. Жимда	30 кун
8. Обонж	30 кун	12. Хашивам	30 кун

Баъзилар Нисан ва Хашивам охирига «жим» ҳарфини орттириб, Нисанж ва Хашивамж; Басок ва Жимдага «нун» ва «жим» ҳарфларини орттириб, Басоканж, Жимданж дейдилар ва форсларда расм бўлганидек, ҳар бир кунни алоҳида ном билан атайдилар. Кунларнинг номи қуйидагича:

1. Хурмузд	11. Хавир	21. Ромун
2. Жаҳинар	12. Маҳ	22. Воз
3. Ардахушт	13. Тиш	23. Даст
4. Хасишвар	14. Ғуш	24. Дин
5. Сибандармаз	15. Даст	25. Арзах
6. Ридад	16. Махаш	26. Астоз
7. Мридад	17. Сараш	27. Симан
8. Даст	18. Рушан	28. Ромжид
9. Атас	19. Фарваз	29. Нушинад
10. Анжун	20. Вахашгар	30. Нугар

(47)|| Баъзилар «Хавир»ни «Мир» деб атайдилар.

Уч юз олтмиш кундан ортиқча [беш] кун қуйидагича номланади:

1. Ховтаст	4. Ванозун
2. Наханд	5. Ардамбиш
3. Рахшан	

Суғдлар шу кунларни аташда, худди форслардек, бир-бирлари билан ихтилоф қиладилар. Улар [ўша ортиқча кунлар]ни шундай номладилар:

1. Живард	4. Мохард
2. Набвард	5. Мирзадах
3. Сардурд	

Суғдлар шу [ортиқча] беш кунни Хашивам ойланинг охирига қўшганлар. Чорак кунларни қўшиш ва кейинчалик [кабиса ишига] эътибор бермасликда эса форслар сингари йўл тутганлар. Суғдлар билан форслар йилларининг бошланишида тафовут юз беришининг сабабини баён этамиз.

Энди Хоразм аҳлига келсак, улар гарчи форслар дарахтидан бир шох ва форслар дарёсидан бир тармоқ бўлсалар ҳам, йил бошини белгилашда ва ортиқча кунларни қаерга [қайси ойга] қўшишда суғдларга эргашганлар. Хоразмликлар оиларини қуйидагича номлаганлар:

1. Ручнофунавсаржи	30 кун	7. Авмри	30 кун
2. Ардушт фвсирх анком	30 кун	8. Ёнохн фохрсон рочибак	30 кун
3. Ҳрвдод фвихири	30 кун	9. Арвфвфимхкобҳрфин	30 кун
4. Жири форозок	30 кун	10. Всмрфвнофконж анком	30 кун
5. Ҳмдод	30 кун	11. Ашмн фвирд анком	30 кун
6. Ахшриври	30 кун	12. Исфандормажи фвхшвм	30 кун

Баъзи хоразмликлар ой номларини қискартириб, бундай шаклда берганлар:

1. Навсаржи	2. Ардушт	3. Ҳрвдад
4. Жири	7. Авмри	10. Римжд
5. Ҳмдад	8. Ёнохн	11. Аршмн
6. Ахшриври	9. Арв	12. Испандормажи

[Улар ойнинг] кунларини ҳам мана шундай номлар билан юритганлар:

(48)   1. Римжд	11. Ахир	21. Ром
2. Азмн	12. Моҳ	22. Воз
3. Ардушт	13. Жизи	23. Дзу
4. Ахшриври	14. Ғвшт	24. Диний
5. Исфандормажи	15. Дзв	25. Аржвхи
6. Ҳрвдоз	16. Фиг	26. Аштоз
7. Ҳмдоз	17. Асрвф	27. Асмон
8. Дзв	18. Ршн	28. Рос
9. Арв	19. Рвжн	29. Мрсбнд
10. Ёнохн	20. Ариғн	30. Авнрғ

Хоразмликлар Испандормажи ойнинг охирига қўшиладиган ортикча беш куннинг биринчисини ойнинг биринчи кунини номи, [яъни, римжд] билан атаб, қолган кунларга ҳам бирин-кетин кейинги [кун]ларнинг номларини беришларини ва бешинчи кунни Исфандормажи деб аташларини, ундан кейин Навсаржи ойнинг биринчи кунини яна римжддан бошлашларини аниқладик. Хоразмликлар бу [беш кунга] алоҳида ном бермайдилар ва [ҳатто] шундай ном [бериш]ни билмайдилар. Гумонимизча, бу форслар ва суғдларда шу масалада воқе бўлган ихтилофлар туфайли юз берган бўлса керак.

Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Бохилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини ёндиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган<sup>281</sup> бўлдилар. Узоқ вақт шундай бўлгач, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар.

Аммо форслар у кунлар орасида [номда бир-бирига] мувофиқ келадиган уч куннинг ҳар бирини ўзидан кейинги кунга нисбат бериб ва унга таркиб қилиб, «дай баозар», «дай бамеҳр», «дай бадин» дедилар<sup>282</sup>. Суғдлар ва

хоразмликларга келсак, уларнинг баъзилари шундай қиладилар, баъзилари эса ўша номда бир-бирига ўхшаш кунларнинг ҳар бирига ўз тилларидаги «биринчи», «иккинчи», «учинчи» лафзларни қўшадилар.

(49) || [Форслар, суғдлар ва хоразмликлар] давлатларининг<sup>283</sup> бошланишида ҳафталарни ҳисобламас эдилар. Дастлаб ҳафталарни ҳисоблаганлар ғарб томон аҳолиси, айниқса, Шом ва унинг атрофида яшовчилар бўлган. [Бунга] сабаб, у томонда пайғамбарлар юзага чиқиб, Тавротда айтилганидек, биринчи ҳафта ва бу ҳафтада олам пайдо бўлганлигидан хабар берганлар. Кейин бу [одат] улардан бошқа халқларга тарқалган. Давлатлари Шом аҳолиси мамлакатларига қўшни бўлиб, марказлари бир-бирига яқин бўлгани ва Исмоил ибн Иброҳим алайҳиссалом<sup>284</sup> араб бўлгани сабабли, ҳақиқий араблар ҳам ҳафтани ҳисоблаганлар.

Қибтлар, яъни қадимги мисрликлардан бошқа бирор халқнинг ҳафтани ҳисоблашда форслар, суғдлар ва хоразмликларга эргашгани бизга маълум эмас<sup>285</sup>. Чунки қибтлар, юкорида айтиб ўтганимиздек, то мамлакатларини Август ибн Гай<sup>286</sup> эгаллагунича ўттиз кунни номма-ном санаганлар. Август уларнинг [йиллари] румликлар ва исқандарияликларникига доимо мувофиқ бўлиши учун йилларини кабисали қилишга мажбур этишни истади-да, йилларга қаради.<sup>287</sup>

Шу вақтда катта кабисанинг<sup>288</sup> тамом бўлишига беш йил қолган экан. У подшоҳлигининг беш йили ўтгунча кутиб турди. Кейин қибтларни, румликлар сингари ҳар тўрт йилда ойларга бир кун қўшишга мажбур этди. Айтишларича, қибтлар шу вақтда қўшимча кун учун бир номга муҳтож бўлгач, [ой] кунлари номларини айтмай қўйдилар. Натижада, у номларни айтувчилар ва билувчилар қолмай<sup>289</sup>, кунларнинг номлари эсга олинмайдиган бўлди. Қибтлар ойларининг номлари қуйидагича.<sup>290</sup>

1. Тут	30 кун	7. Фаминут	30 кун
2. Фауфи	30 кун	8. Фармути	30 кун
3. Атур	30 кун	9. Бахун	30 кун
4. Кувак	30 кун	10. Бауни	30 кун
5. Тубуи	30 кун	11. Афифи	30 кун
6. Макир	30 кун	12. Масури	30 кун

Булар ойларнинг қадимги номларидир. Аммо кабиса ҳисоблангандан кейин, қибтларнинг қайсидир бошлиғи қуйидаги номларни ижод этган:

1. Тут	7. Фармахут
2. Фауфа	8. Фармута
3. Ҳатур	9. Башнас
4. Кайҳак	10. Бауна
5. Туба	11. Абиб
6. Амшир	12. Мусри



Қибтларнинг баъзилари Кайҳакни Киёк, Фармаҳутни Бармаҳут, Башнас-ни Башондас, Мусрини Масури деб атайдилар. Улар бир иттифокқа келиб, қабул қилгани мана шулардир. Баъзи китобларда бу номлар биз баён этгандан бошқачароқ шаклда учрайди.

Қибтлар ортиқча беш кунни «эпагоменай» деб атайдилар. Бу сўзнинг юнончадан таржимаси «кичик ой»<sup>291</sup> демакдир. Бу кунлар Мусри ойининг охирига қўшилади; Мусри ойига яна бир кабиса кун қўшилади, шу вақтда «эпагоменай» олти кун бўлади.

(50)|| Улар кабисали йилни «ал-бакт»<sup>292</sup> деб атайдилар. Бунинг маъноси «аломат» демакдир.

Абу-л-Аббос ал-Омулий «Қибла далиллари китоби»да<sup>293</sup> бундай деган: «Ғарб халқлари бошлари қибт ойларининг бошларига мувофиқ келадиган ойларни қуйидагича атайдилар»<sup>294</sup>:

1. Мая	30 кун	3. Юлия	30 кун
2. Юния	30 кун	4. Ағуст	30 кун
5. Сатанбар	30 кун	9. Янайир	30 кун
6. Октубар	30 кун	10. Фабрайир	30 кун
7. Нуванбар	30 кун	11. Марса	30 кун
8. Дахимбар	30 кун	12. Абрир	30 кун

Кейин йил охирига қўшиладиган беш кун келади.

Румликларга<sup>295</sup> келсак, уларнинг ойлари ҳамиша ўн иккита бўлиб, қуйидагича номланади:

1. Январуис	31 кун	7. Юлиус	31 кун
2. Феврариус	28 кун	8. Ағустус	31 кун
3. Мартиус	31 кун	9. Себтамбриус	30 кун
4. Африлиус	30 кун	10. Тамбриус	31 кун
5. Майус	31 кун	11. Навамбриус	30 кун
6. Юниус	30 кун	12. Дамбриус	31 кун

Румликларнинг йили уч юз олтмиш беш кундир. Ҳар тўрт йилда тўртта чорак кун йиғилгач, уни тўлиқ бир кун қилиб, Феврариусга қўшганлар. Натижада, шу ой ҳар тўрт йилда йигирма тўққиз кун бўлган. Дастлаб румликларнинг йилларини кабисали қилишга мажбур этган киши Диктатур лақабли Юлиус<sup>296</sup> эди. У ўтмиш замонда Мусо алайҳиссалом юзага чиқишидан узок вақт илгари румликларга подшоҳ бўлиб, улар учун ойларни шу тахлитда тақсимлаб, юқоридаги номлар билан атаган ва ҳар минг тўрт юз олтмиш бир йилда чорак кунлардан расо бир йил йиғилгач, уни кабиса йили дейишни буюрган<sup>297</sup>. Бу одатни ундан кейин<sup>298</sup> ҳам сақлаб қолишган. Румликлар шу йилни катта кабиса ва ҳар тўрт йилдаги кабисани кичик кабиса деб атаганлар. Бу кичик кабисани ўша подшоҳ вафотидан кўп замонлар ўтгандан кейин ишлатдилар. Улар [ойларни] ҳафталарга, биз юқорида айтган [сабаб]га кўра тақсимлайдилар.

(51)|| «Вактларни аниқлаш» китобининг муаллифи<sup>299</sup> бундай деган: «Чо-рак кунлардан кабиса тузувчи румликлар ва бошқалар ўз эраларининг бошига Куёшнинг – апрель, сурёнийларда Нисон бошида Ҳамал буржига киришини қўйганлар». Унинг сўзи рост ва дуруст бўлиши мумкин. Чунки [астрономик] кузатишлар Куёш йилининг [тўлиқ] кунларига тобе бўлиб келадиган каср [кун] миқдорининг чоракдан камлигини кўрсатади. Биз Куёшнинг Нисон бошида [бўлишидан] аввал Ҳамал буржи бошига кирганини учратдик. Демак, у [киши] баён этганидек бўлиши мумкингина эмас, балки зарурга ўхшайди.

Яна у [киши] румликлардан ҳикоя қилиб: «Румликлар йилларининг боши ўз жойидан силжиганини сезгач, йилларни ҳиндлар каби ҳисоблашга мойил бўлдилар. Улар иккала йил<sup>300</sup> ўртасидаги тафовутни ўз йилларига қўшдилар, шунда Куёш қайтадан Нисон бошида Ҳамал буржининг бошига кирди. Агар биз ҳам шундай қилсак эди, Нисон ўзининг аввалги ҳолига қайтган бўларди», – деди. У [даъвосига] мисол келтирди-ю, уни тамомлай олмади. Чунки бунга қудрати етмади. Шунингдек, у румликлар ҳақидаги ҳикоясида уларга эътироз билдириб, бошқаларга ён босди. У румликлар йили билан Куёш йили ўртасидаги тафовутни ҳиндлар усулига биноан, [сонияларга] айлантирган эди, етти юз йигирма тўққиз сония бўлди. [Кейин] кунни сонияларга айлан-тириб, [чиққан сонни] ўша тафовутга тақсимлаганида, ҳосили бир юз ўн саккиз бўлиб чиқди – бу йиллар<sup>301</sup> – олти ой, олти бутуну учдан икки ҳисса кундир. Бу шундай миқдорки, унинг жараёнида эрага ҳалиги ортиқча тафовут жиҳатидан тўла бир кун қўшилиши керак бўлади.

Яна у [муаллиф]: «Агар Рум эрасининг ўтган йилларини (бу унинг замо-нида минг икки юз йигирма беш йил эди<sup>302</sup>) кабисали қилсак, яна Куёш Ҳамал буржининг бошига Нисон бошида дуч келади», – деган-у, мисол келтирмаган ва йилларни кабисали ҳам қилмаган. Агар [шундай] қилганда, у [чиқарган] ҳукм натижаси унинг сўзига ва даъвосига, албатта, [карама-]қарши чиқарди ва Нисон боши Куёшнинг Савр буржи бошига киришига яқин бўлар эди. Бун-да у муаллиф мисол келтирган эрага ўн бутуну учдан бир<sup>303</sup> ҳисса кун кабиса қилиш керак бўларди. Румликлар йили [Куёш йили]дан қисқарок бўлгани-дан Нисон боши Куёшнинг Ҳамал буржи бошига киришидан олдин келади ва қўшимча [кунлар] миқдори Нисон бошидан ўтиб кетиб, унинг ўнинчи кунига етиб боради.

(52)|| Ҳиндларга эргашувчи бу киши қайси тенгкунликни кўзда тутганини кошки билсайдик! Чунки ҳиндларнинг ўша вақтдаги усулига кўра, баҳорги тенгкунлик Нисон бошидан олти ёки етти кун олдин бўлган. Яна мен шу [му-аллиф] ҳикоя қилган нарсани румликлар<sup>304</sup> қай вақтда ишлатганликларини кошки билсайдим. Чунки румликлар геометрия ва астрономия илмини чуқур ўрганиб, мантиқий далиллар билан ишга киришганларидан кейин, ҳийлалар ишлатишдан чарчаб, ҳужжат талаб қилинганда, усул ва қоидаларини ваҳий

ва илҳомга нисбат берувчи кишиларнинг сўзларига умид қилишдан жуда узоклашдилар. Уларнинг фалсафа, илоҳиёт, тиббиёт ва хунармандчилик илмларидаги маҳоратларини қўяверинг. Лекин «...Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилур...»<sup>305</sup> ва «...Ҳар бир гуруҳ ўз олдларидаги (диний) мақсад билан мамнундирлар...»<sup>306</sup>. У киши «Ал-Мажистий» китобини кўрмаган ва уни ҳиндларнинг «Зиж Синдхинд»<sup>307</sup> номи билан шуҳрат қозонган энг машҳур китобига солиштирмаган.

Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний<sup>308</sup> ҳам ўзининг наврўз ҳақида ёзган рисоласида шундай [хатога] йўл қўйган ва Қуёш йиллари хусусида форслар қаттиқ ён босиб: «Форсларда Қуёш йили уч юз олтмиш беш кун, олти бутун бешдан бир соат ҳамда соатнинг тўрт юз бўлакдан бир бўлагидир»<sup>309</sup> деган, румликлар эса олти соатдан ортиқ вақтни кабисага қўшмаганлар.<sup>310</sup> Ўз сўзига далил келтириб, у гўё «Астроном Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир<sup>311</sup> «Қуёш йили ҳақида» китобида бу [масала]ни изоҳлади ва чуқур ўрганди ҳамда бу ҳақда янглишган қадимги [олимларнинг] хатоларини баён этди», деган.

Биз Муҳаммад ибн Мусо ва унинг укаси Аҳмад кузатишларини диққат билан текширдик. Улар фақат бу касрларнинг олти соатдан камлигини айтганлар, холос. Аммо Ҳамза ал-Исфаҳоний ишорат этган китобда Собит ибн Қуррага<sup>312</sup> нисбат берилади. Чунки Собит ўша кишиларнинг «маҳсули», улардан тарбия олиб, улар хонадониди [етишиб чиққан] ва уларнинг илмий асарларини тасҳиҳ этган киши эди. У китоб мазмуни ва [Собит] мақсадларининг хулосаси шуки, Қуёш йилларининг [узунликдаги] ихтилофи ва [узокликдаги] тафовутини баён этади, чунки Қуёш апогеи ҳаракатлидир<sup>313</sup>. Шу билан бирга, у Қуёшнинг ўртача ҳаракатини аниқлаш учун бир-бирига тенг доираларга ва ҳар хил вақт ораликларида ҳам бир-бирига тенг ҳаракатларга муҳтож бўлди. Лекин унда фақат эксцентрик сферадан бўлган ва шу сферанинг бирор нуқтасидан чизилган доираларгина тенг бўлди, бошқа шундай доираларни топмади. Бу исталган доиранинг касрлари Ҳамза ҳикоя қилганидек, олти соатдан ортади, лекин у доира Қуёш йили деб аталмайди. Чунки Қуёш йили, биз [юқорида] таърифлаганимиздек, шундай [даврки], унда тузилиш ва бузилишга олиб келадиган табиий ҳодисалар яна ўзининг аввалги ҳолатига қайтади.

Энди ибронийлар ва Мусо алайҳиссаломга нисбат берилувчи барча яҳудийларга келсак, уларнинг ойлари ўн иккита бўлиб, қуйидагича номланади:

1. Нисан	30 кун	7. Тишрийн	30 кун
2. Ияр	29 кун	8. Мархешвон	29 кун
3. Сиван	30 кун	9. Кислев	30 кун
4. Таммуз	29 кун	10. Тебет	29 кун
5. Аб	30 кун	11. Шефат	30 кун
6. Айлул	29 кун	12. Азар	29 кун <sup>314</sup>

(53)|| Уларнинг [йили] уч юз эллик тўрт кун бўлиб, булар Ой йили кунларидир. Агар яҳудийлар Ой йилини ўз ҳолича ҳисобласалар, йилларининг кунлари ва ойларининг сони, албатта, бир хил бўлар эди. Лекин Бани Исроил Мисрдан ат-Тих саҳросига чиққач, мисрликларга кул бўлишдан озод бўлдилар, қийноқларидан кутулиб, улардан халос бўлдилар ва Тавротнинг иккинчи сифрида тавсиф этилган қонун-қоидалардан иборат Аллоҳнинг фармониغا бўйсундилар. Бу Нисаннинг ўн бешинчи куни кечасига, Ойнинг тўла ёришган [вақтига] ва баҳор фаслига тўғри келди. Шунда Бани Исроилга ўша кунни эсда тутиш буюрилди, чунончи, Тавротнинг иккинчи сифрида: «Биринчи ойнинг ўн тўртинчиси бўлган шу кунни эслашни келгуси авлодингиз учун замонлар бўйи суннат қилиб қолдилинг!» дейилган.

Биринчи ой деб Тишрийни эмас, Нисанни назарда тутамиз, чунки Аллоҳ таоло яна шу сифрда Мусо ва Ҳорунга пасха ойининг Бани Исроил ойлари-нинг бошида ва йилнинг бошида бўлишини буюрди. Кейин Мусо [ўз] умматига: «Кулликдан чиққан кунингизни эсда тутинг. Дарахтлар кўкарадиган ойнинг шу кунда оширма нон еманг!» – деди. Шунинг учун Бани Исроил Нисаннинг ўн тўртинчиси баҳор вақтига – дарахтлар барг ёзиб, гуллайдиган пайтга тўғри келсин деб, Қуёш йилини ҳисоблашга, Ой кулчаси Мезон буржида ўн тўрт кечалик бўлиб нурга тўлиши учун қамарий ойларни ҳисоблашга мажбур бўлдилар. Бу ҳол уларни ойларда керакли вақтдан аввал келадиган кунларни, қачон у кунлар бир ой кунларига тенг келса, тўлик бир ой қилиб, йил ойларига қўшишга мажбур этди, буни «биринчи Азар» деб атадилар. Асосий Азарни эса [қўшимча ой] кетида келгани ва у билан номланиши бир хил бўлгани учун «Иккинчи Азар» деб атадилар<sup>315</sup>.

Кабисали йилга яҳудийлар «иббур» номини бердилар. Бу «мауббарат» сўзидан олинган бўлиб, иброний тилда «ҳомиладор аёл» демакдир, чунки яҳудийлар ортиқча ойнинг йилга киришини аёл кишининг [ҳомила]ни кўтариб юришига ўхшатдилар.

Яҳудийларнинг баъзилари Биринчи Азарни кабисасиз йилларда ҳисобланадиган асосий [ой], Иккинчи Азарни эса қўшимча ой деб гумон қилиб, у йил охирида бўлади, дедилар. Чунки Тавротда Нисан яҳудий ойлари-нинг биринчиси бўлсин, деб амр қилинган.

(54)|| Аммо [ҳақиқат] бундай эмас. Иккинчи Азарнинг асосий ой эканига унинг ўз вазиятида, миқдори ва кунларининг сонидан турғунлиги, байрам ва рўзалар ҳамиша шу ойда бўлиб, уларнинг биронтаси иббур йилида Биринчи Азарда ўтмаслиги ва иккинчи Азарда Қуёшнинг доимо Ҳут буржида бўлиши шарт этилганлиги далил бўлади. Иббур йилидаги биринчи Азарга келсак, бунда Қуёшнинг Далв буржида бўлиши шарт этилган.

Шундан кейин яҳудийлар иббур йилларини аниқлаш учун тартиб [ўрна-тишга] ва улардан фойдаланишни енгиллаштиришга муҳтож бўлдилар. Улар

Қуёш йилларида ҳисобланадиган қамарий ойларнинг даврларига назар солиб, у даврларнинг бешталигини аниқладилар. Биринчиси, саккиз йиллик давр: бунинг ойлари<sup>316</sup> тўқсон тўққизта, [улардан] учтаси қўшимчали [ой]дир. Иккинчиси, ўн тўққиз йиллик давр, бунинг ойлари икки юз ўттиз бешта, улардан қўшимчалиги еттигадир. Бу «Кичик давр» деб аталади. Учинчиси, етмиш олти йиллик давр бўлиб, ойлари тўққиз юз қирқта, шулардан қўшимчалиги йигирма саккиз ойдир. Тўртинчиси – тўқсон беш йиллик давр, бу «Ўрта давр» деб аталади. Бунинг ойлари минг бир юз етмиш олтига бўлиб, шулардан қўшимчалиги ўттиз бештадир. Бешинчиси, беш юз ўттиз икки йиллик давр: бу «Катта давр» бўлиб, ойлари олти минг беш юз саксонга, шулардан қўшимчалиги бир юз тўқсон олтигадир<sup>317</sup>.

Яхудийлар шу даврлардан энг енгил ва эса сақланиши осонроқ бўлганини танладилар. Бундай сифат саккиз йиллик ва ўн тўққиз йиллик даврларда топилди, лекин ўн тўққиз йиллик давр Қуёш йилларига мувофиқроқдир. Чунки бу даврнинг кунлари яхудийлар [ҳисобича] олти минг тўққиз юз ўттиз тўққиз кун, ўн олти соат ва соатнинг бир минг саксон бўлагидан беш юз тўқсон беш бўлагидир. Шу бўлақлар яхудийча «ҳайлак» деб аталади ва ҳар бир соат бир минг саксон ҳайлақдир. Шунинг учун, агар биз соатларнинг дақиқалари, яъни олтмишдан иборат улушларини ҳайлаққа айлантормоқчи бўлсак, [олтмишни] ўн саккизга кўпайтирамиз ва у ҳайлаққа айланади. Агар бунинг аксини қилмоқчи бўлсак, ҳайлақни икки юзга кўпайтирамиз, бундан соат солисалари чиқади. Кейин уларни кўтарилиши мумкин [бўлган] даража [дақиқа]гача яхлитлаймиз. Агар биз бу [ўн тўққиз йиллик] даврни майдалаб, ҳайлаққа айлантирсак, бир юз етмиш тўққиз миллион саккиз юз етмиш олти минг етти юз эллик беш ҳайлақ бўлади. Бу ҳайлақлар ҳинд рақамлари билан мана бундай кўрсатилади: 179876755<sup>318</sup>. Қуёш йили яхудийлар ҳисобича, уч юз олтмиш беш кун, беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлагидир<sup>319</sup>. Бу эса тўққиз юз тўқсон ҳайлаққа яқин бўлади.

(55)|| Агар Қуёш йилини ҳайлаққа айлантирсак, тўққиз миллион тўрт юз олтмиш етти минг бир юз тўқсон ҳайлақ бўлади, унинг ҳинд рақамлари билан кўрсатилиши мана бундай: 9467190. Агар ўн тўққиз йиллик давр ҳайлақини шу сонга бўлсак, ўн тўққиз Қуёш йили чиқиб, бир юз қирқ беш ҳайлақ [каср] қолади. Бу соатнинг еттидан бири ва унинг камроқ каср қисми бўлади.

Агар у [ўн тўққиз йиллик] даврга қўллаганимизни саккиз йиллик даврга татбиқ этсак, унинг миқдори икки минг тўққиз юз йигирма уч кун, ўн икки соат, етти юз қирқ етти ҳайлақ бўлиб, ҳаммаси етмиш беш миллион етти юз етмиш етти минг саккиз юз олтмиш етти (75777867) ҳайлақ бўлади. Агар буни Қуёш йили ҳайлақига тақсимласак, саккиз Қуёш йили чиқиб, бир кун, ўн уч соат ва уч юз саксон етти ҳайлақ каср қолади; бу эса соатнинг қарийб бешдан

бири ва олтидан биридир<sup>320</sup>. Демак, ўн тўққиз йиллик давр тўғрилиққа ва дурустлиққа яқинроқ, қўлланишга лойикроқдир, бошқа даврлар бунга бир неча хисса [ортиқ] даврлардан таркиб топган. Шунинг учун яхудийлар ўн тўққиз йиллик даврни танлаб, иббур йилларини шу билан белгиладилар.

Яхудийлар иббур йилини даврнинг каерига киритиш ёки киритмаслик ҳақида келишсалар ҳам, даврлар бошларининг қай вақтда бўлиши масаласида ихтилоф[га йўл] қўйдилар. Бу эса иббурни даврнинг каерига ўрнатишда ихтилоф тугдирди. Шундайки, яхудийларнинг баъзилари Одам [Ато] эраси йилларини иббур ёки оддий эканини билиш учун мўлжаллаган ва ўзи ўтаётган йил билан қўшиб ҳисобладилар ва уни ўн тўққизга тақсимлаб, даврларга айлантirdилар. Натижада, тўлик даврлар чиқиб, ўтаётган йил қўшилса ҳам, [тўлик бўлмайдиган] даврнинг ўтган йиллари колди. Иббур тартиби 2–5–7–10–13–16–18 ҳисобича, иккинчи, бешинчи, еттинчи, ўнинчи, ўн учинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи йиллар деб белгиланди.


Баъзилари эса ўша [Одам] эрасининг йилларини олиб, ундан бир йилни айирдилар ва иббур тартибини 1–4–6–9–12–15–17 ҳисобича, ўша камайган даврнинг қолган йилларига, яъни биринчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи йилга қўйди. Бу икки турдаги даврни сурияликларга нисбат берадилар.

Бир гуруҳ [яхудийлар] ўша эра йилларидан икки йилни айириб, тартибни 3–5–8–11–14–16–19<sup>321</sup> ҳисоби бўйича ўша йилларга, яъни учинчи йилга, ундан кейин иккини [қўшиб] бешинчи йилга, сўнгра уч марта учни [қўшиб] саккизинчи, ўн биринчи ва ўн тўртинчи йилларга, кейин иккини [қўшиб] ўн олтинчи йилга, сўнгра учни [қўшиб] ўн тўққизинчи йилга қўйдилар. Бу тартиб яхудийлар ўртасида кўпроқ тарқалган бўлиб, улар буни афзал кўрдилар. Буни баъзан бобилликларга нисбат берадилар.

Бу [усулларнинг] ҳаммаси қуйидаги доирада тасвирланганидек, ихтилоф қилинмайдиган бир усулга асосланади. (1-шакл).

(56)|| Биринчи [четки] доира йил кайфиятини, яъни унинг оддий ёки иббур йил эканини билиш учун; иккинчи доира иббур тартибини 2–5–7–10–13–16–18 ҳисоби бўйича даврда кўрсатиш учун; учинчи доира [иббурнинг] 1–4–6–9–12–15–17 [ҳисобича] даврдаги тартибини кўрсатиш учун; ички доира эса иббурнинг 3–5–8–11–14–16–19 [ҳисобича] даврдаги тартибини кўрсатиш учундир.

Биз юқорида баён этган даврлар – гарчи Ой у даврларда танҳо [хукмрон] бўлмаса ҳам – Ойга нисбат берилади. Қуёш даврига келсак, ҳафталарнинг [қайси кунлари] Қуёш йилларининг бошлари эканини билиш учун у йигирма саккиз йил деб белгиланган. Шундайки, агар Қуёш йили фақат уч юз олти миш беш кун бўлиб, чорак кундан холи бўлса, унинг бошланиши дуч келадиган ҳафта кунларига ҳар етти йилда қайтар эди. Лекин Қуёш йиллари ҳар




1-шакл

тўрт йилда кабисали ҳисоблангач, аввалги ҳолатига йигирма саккиз йилда қайтадиган бўлди, бу – еттининг тўрт марта кўпайтирилганидир. Шунингдек, айтиб ўтилган бундан бошқа даврларнинг биронтаси тамом бўлган вақтида ҳафтанинг [бирор кунига дуч келган] аввалги ҳолатига қайтмайди, фақат катта давр [қайтади, холос]. Чунки [бу] давр ўн тўққиз йиллик даврнинг [йигирма саккиз йиллик] Куёш даври билан кўпайтирилганидир.

Биз айтамызки, агар яхудий йиллари дастлабки икки ҳолатда, яъни оддий ва иббурли ҳолатида бўлганида эди, давр йилларининг айтиб ўтилган тартиби ўрганилгач, уларнинг [яхудий йилларининг] бошини билиш ва у йилларда зарурий равишда бўладиган ҳалиги икки ҳолатнинг бирини бошқасидан ажратиш, албатта, осон бўлар эди. Лекин яхудий йиллари уч турли бўлади. Уларда якшанба, чоршанба ва жума кунларининг йил боши бўлиши дуруст эмас, чунки бу кунлар Куёш ва унинг икки ёриткичига<sup>322</sup> хосдир; Нисан бошига мувофиқ келадиган пасханинг қуйи ёриткичларга<sup>323</sup> тегишли душанба, чоршанба ва жума кунларида бўлиши ҳам дуруст бўлмайди, деб ўзаро келишиб олганлар. Бунинг сабабларини келгусида, имкон қадар батафсил баён этамиз.

Яхудийларнинг йил боши – пасха юқорида айтилган кунларга тўғри келиб қолса, уни кейинга ёки олдинга суришга мажбур бўлдилар. Шунинг учун, яхудийларнинг йиллари уч хил бўлди. Уларнинг биринчиси «Хасорин» деб аталади, бу «нуқсонли» демакдир. Бу йилларда Мархешвон ва Кислев ойлари йигирма тўққиз кундан иборат бўлади. Иккинчи турини «Кесидрон» деб атайдилар, бунинг маъноси «ўртача» демакдир. Бу йилда Мархешвон йигирма тўққиз кун, Кислев ўттиз кун бўлади. Учинчи турини «Шаломим» деб атайдилар, бунинг маъноси «тўлик» демакдир. Бу йилда Мархешвон ва Кислев

ойлари ўттиз кундан иборат бўлади. Бу турларнинг ҳар бири оддий ва иббур бўлиб, натижада йил турларининг сони бир-биридан ажралгач<sup>324</sup>, мана бундай шаклда шохобчаларга бўлиб тасвирлаганимиздек, олтита бўлади: (57)||



Бу ҳисоблашларни аниқ бажариш учун яҳудийларнинг кўпгина ҳисоблаш усуллари ва жадваллари мавжуд. Бу ҳақда [қуйида] муфассал баён этамиз.

Кейин улар бу [ҳисоб ва жадвал]лардан фойдаланиш, [йил турларини] аниқлашда икки гуруҳга бўлинадилар. Бири «раббоний» бўлиб, улар [йил ҳисобини] аниқлашда янги Ой хоҳ кўринсин, хоҳ кўринмасин [янги ой бошланишини] Куёш ва Ойнинг ўртача ҳаракати билан ҳисоблайдилар. Мақсадлари [Куёш ва Ой] бир-бири билан учрашгандан кейин ўтадиган шартли муддатни [кузатишдир]. Раббонийларнинг айтишича, улар Байт ул-Муқаддасга қайтгач, янги Ойни кўриш учун тоғларнинг тепасига кузатувчи ва текширувчиларни қўйганлар ва уларга янги Ой кўринганида олов ёқиб, тутун чиқаришни буюрганлар. Раббонийлар билан самарийлар орасидаги душманлик сабаб, самарийлар [у ерга] бориб, тоғ тепасида янги Ой кўринишидан бир кун аввал тутун чиқарганлар. Иттифоқан, бирмунча ойгача Ой бошида осмон булутли бўлиб, самарийлар бу [алдов]ни қайта-қайта такрорлаганлар. Ниҳоят, бу Байт ул-Муқаддасда маълум бўлиб қолди: раббонийлар Ойнинг учинчи ва тўртинчи куни Ҳилолнинг кунботар томонда, уфқда кўтарилганини кўрдилар. Шунда самарийлар алдаганини билдилар ва ўз ҳисобларида душманлар алдовидан беҳавотир бўлиш учун ўша вақтни аниқлашда ҳисоб олимларига мурожаат қилдилар.

(58)|| Раббонийлар [Ҳилолни кўриш] ўрнига ҳисоб билан амал қилиш жозилигини исботлаш учун тўфон воқеасини далил келтирдилар. Улар ўша пайт олти ой давомида осмон берк ва булутли бўлиб, на Ҳилол, на бошқаси кўринганидан: «Нуҳ ой бошларини белгилашда ҳисоб билан иш тутган эди», – дедилар.

Шунда ҳисоб олимлари раббонийлар учун даврлар ишлаб, уларга [ёриткичларнинг] учрашиш вақтлари ва Ҳилолнинг кўриниш [қунини] ҳисоблаб



чиқаришни ўргатдилар. Бунда Ҳилол кўриниши билан [Қуёш ва Ой] учрашиши ораси йигирма тўрт соат бўлиши кўзда тутилади. Агар бу учрашиш мўътадил бўлса, Ой шу соатларда Қуёшдан қарийб ўн уч даража микдорида узоқлашади ва бу эса ҳақиқатга яқин бўлади.

Айтилишича, бу воқеа Искандардан икки юз йилча кейин юз берган. Ундан илгари раббонийлар йил чораклари бўлмиш «*тақуфалар*»га қарар – буларнинг ҳисоблари қуйида келади – ва тақуфа билан шу тақуфага тегишли бўлган Ойнинг [Қуёш билан] учрашувини бир-бирига солиштирар эдилар. Агар учрашишнинг тақуфадан ўттиз кунча олдин келганини аниқласалар, ўша ойни йилга қўшар эдилар. Шундайки, масалан, улар Ой билан Қуёшнинг Таммузда учрашуви ёзги Қуёш туриши – Таммуз тақуфасидан ўттиз кунча олдинлигини аниқласалар, ўша йилга [яна бир] Таммуз қўшардилар, ниҳоят, шу йилда иккита Таммуз келарди. Бошқа тақуфаларда ҳам шундай ҳолат бўлар эди.

Раббонийларнинг баъзилари кузатувчилар ва уларнинг тутун чиқариш ҳодисасини инкор этиб, бу ҳисобнинг қўлланишига сабаб қилиб, [қуйидагиларни] кўрсатдилар: Бани Исроилнинг олим ва қоҳинлари ишларининг охири парокандаликка ва аҳволлари тарқокликка бориб тақалишини билдилар, яъни Байт ул-Муқаддаснинг охириги марта хароб бўлишини сездилар. Шунда улар яҳудийлар атрофга тарқалиб, [Ҳилолни] кўришга асослансалар ва бу турли шаҳарларда турлича бўлиб чиқса, бир-бирлари билан жанжаллашишлари ва шу сабабли сўзларининг хилма-хил бўлишидан кўрқдилар-да, уларга ана шу ҳисобларни ишлаб бердилар. Бу ишлар билан Элеазар ибн Фаррух шуғулланган эди. Раббонийлар яҳудийларга шу ҳисобларга асосланишни буюрдилар. Ораларида ихтилоф юз бермасин деб, қаерда бўлмасинлар, ҳар вақт шу ҳисоблардан фойдаланишни тавсия қилдилар.

Иккинчи гуруҳ «мелодиялар» бўлиб, булар ой бошларини [Қуёш ва Ойнинг] учрашувидан ҳисоблайдилар. Улар «қаройлар»<sup>325</sup> ва «ишмаиялар» деб ҳам аталадилар, чунки улар матнларга амал қилиб, назариёт, киёс ва шунга ўхшаш жиҳатларга эътибор бермайдилар. Лекин бу уларга нуқсон келтиради ва амалда муяссар бўлмайди. Иккинчи гуруҳнинг «анания» номли бир жамоаси бор. Улар бундан юз йилдан ортиқроқ илгари яшаган «ҳайдалганлар бошлиғи» бўлмиш Ананга<sup>326</sup> мансубдилар. «Ҳайдалганлар бошлиғи» Довуд авлодидан бўлиши шарт, бошқа авлоддан бўлган [киши] бу мансабга муносиб эмас. Оддий яҳудийлар: «Тик турганда бармоқларининг учлари икки тиззасига етадиган кишидан бошқа одам бу лавозимга муносиб бўлмайди», – деб нақл қилдилар. Шунингдек, авом халқ<sup>327</sup> Амир ал-мўминин Али ибн Абу Толиб<sup>328</sup> ҳам алайҳиссалом ва унинг авлодидан бўлганлиги имомлик<sup>329</sup> қилишда ва халқни идора этишга қобилиятли кишилардан эканлиги ҳақида худди шундай ҳикоя қилади.

(59)|| Анан – Дониёл ибн Шовул ибн Анан ибн Довуд ибн Ҳасдай ибн Қафнай ибн Бустанай ибн Хунмар ибн Нушра ибн Рабхуна ибн Шабтиё ибн Ҳанна ибн Носом ибн Абомор ибн Раббоно Акибо ибн Шабниё ибн Заккой ибн Хизкиё ибн Шамиё ибн Шабтиё ибн Юҳнон ибн Расусиён ибн Анан ибн Ийшиё ибн Закариё ибн Бархиё ибн Акуб ибн Хананиё ибн Басудиё ибн Мо-сиё ибн Фадое ибн Зарбобил ибн Шалатиёл ибн Юханиё ибн Яхуёким ибн Яхвоҳоз ибн Юшиё ибн Аҳазие ибн Яхуром ибн Яхушофот ибн Асо ибн Абиё ибн Раҳабъамо ибн Сулаймон ибн Довуд ўглидир.

Анан раббонийларнинг бир жамоасига шариатларининг кўпгина ҳукмларида қарши чиқиб, [ойларни] ислом шариатида бўлгани каби Ҳилолнинг кўриниши билан белгилади, лекин [янги Ойни кўриш] хафтанинг қайси кунда бўлишига парво қилмади. У раббонийларнинг ҳисобларини ишлатмай, ойларни мана бундай йўл билан қўшимчали қилди: у Нисан бошидан тортиб, то ундан ўн тўрт кун ўтгунча Ироқ ва Шом теварагидаги арпа экинига назар солар, агар унинг етилгани ва ўриб-янчишга яроқли бўлганини кўрса, ўша йилни оддий йил деб билар, етилмаганини кўрса шу вақтнинг ўзидаёқ [йилни] кабисали қиларди. Бу ҳолат шу йўсинда олдиндан билинади. Анан фикрини тутган ва унга тегишли бўлган бирор киши Шефат оyi тугашига етти кун қолганда, Шом шаҳри ва иқлими [ҳамда] унга ўхшаш жойларга бориб, арпа экинига назар соларди. Агар «сафо», яъни бошоқ тиканлари ўсиб чиққанини кўрса, ўша кундан то пасхагача эллик кун санаб ўтказар, агар у ҳали ўсиб чиқмаган бўлса, ўша йилга бир ой қўшар эди. Баъзилари қўшимча оyi Шефат кейинига қўяр, натижада икки Шефат кетма-кет келарди; баъзилари эса уни Азар кейинига қўяр, бунда бирин-кетин икки Азар келарди. Ананиялар Азарни эмас, кўпроқ Шефатни белгилардилар. Раббонийлар бўлса, Азардан бошқа оyi белгиламас эдилар.

Бу олдиндан билиш [иши] об-ҳаво ва турли жойлар иқлимининг хилма-хиллиги сабабли ҳар хил бўлади. Бу жиҳатдан ҳар бир жой учун [алоҳида] қонун белгилаш зарур бўлиб, бир жой учун белгиланган қонунга асосланиб бўлмайди, чунки бу ҳамма [жой] учун ярайвермайди.

Шом, Ироқ ва Хуросон христианлари эса, румликларнинг ойлари билан яҳудийларнинг ойларини аралаштириб, румликларнинг ойларини белгилардилар ва яҳудийлар йилининг бошига яқин бўлиши учун йил бошини румликларнинг Тамбриус оyi бошидан ҳисобладилар, чунки яҳудийларнинг Тишрий оyi ҳамиша Тамбриусдан бирмунча вақт олдин келади.

Румликлар ўз ойларини сурёний номлар билан атаб, баъзиларини яҳудийларга мувофиқ қилдилар ва баъзисида эса улардан ажралдилар. Бу ойларни сурёнийлар [ойлари] номларига нисбат берадилар. Сурёнийлар набатликлар бўлиб, Савод<sup>330</sup> аҳолисидилар, ҳолбуки Ироқ Саводи «Суристон» деб ҳам аталади. Билмаймизки, нима учун бу ойларда сурёнийларга нисбат

берилади? Улар ислом даврида араб ойларини, жоҳилия даврида форслар ойларини ишлатганлар. Аммо Суристонни Шом мамлакати ҳам дейдилар. Агар шундай бўлса, у ернинг аҳолиси исломдан аввал христианлар бўлиб, улар яҳудийлар ва румликларнинг фикрлари миёнасида ўртача бир [фикрда] бўлганлар. Бу ойларнинг номлари қуйидагича:

(60)	1. Тишрин қадим	31 кун
	2. Тишрин ҳрой	30 кун
	3. Канун қадим	31 кун
	4. Канун ҳрой	31 кун
	5. Шубот	28 кун
	6. Азар	31 кун
	7. Нисан	30 кун
	8. Айяр	31 кун
	9. Ҳазирон	30 кун
	10. Таммуз	31 кун
	11. Аб	31 кун
	12. Айлул	30 кун

Улар ҳар тўрт йилда Шуботга бир кун қўшганлар; у йигирма тўққиз кун бўлиб, уларнинг йиллари румликлар йилига мувофиқ келган.

Бу ойлар машҳур бўлиб кетиб, ҳатто уларни мусулмонлар ҳам ишлатиб, [дала] ишларига боғлиқ вақтларни шу ойлар билан белгилайдиган бўлдилар. Улар «қадим» сўзини «аввал» деб, «ҳрой»ни «охир» деб арабчалаштирдилар<sup>331</sup>, «айяр» сўзининг «й» ҳарфи] охирига алиф орттирдилар, у «Айёр» бўлди. Чунки бу калимадаги «й» ҳарфи шаддасиз ва алифсиз талаффуз қилинса, араб тилида ёмон ва уятсиз маъно чиқади<sup>332</sup>.

Арабларга келсак, уларнинг ойлари ўн иккита бўлиб, биринчиси:

1. Муҳаррам [ундан кейин]:	7. Ражаб
2. Сафар	8. Шаъбон
3. Рабиулаввал	9. Рамазон
4. Рабиулохир	10. Шаввол
5. Жумодилаввал	11. Зулқаъда
6. Жумодилохир	12. Зулҳижжа

Бу ойларнинг номлари хусусида бирмунча сабаблар баён қилинган. Улардан бири шуки, Муҳаррам «муқаддас ойлар»<sup>333</sup> жумласидан бўлгани учун шундай ном билан аталган. Сафар ойида араблар «Сафария» номли гуруҳ билан биргаликда озиқ-овқат қидирганлари учун бу [ойга] шундай ном берганлар. Иккала Рабиъ ойларида ўсимликлар гуллагани, кетма-кет шабнам ва ёмғир ёққани учун улар шундай аталди. Бу – биз куз деб атайдиган фасл табиатига тегишлидир, [қадимги] араблар уни «рабиъ» [бахор] деб атардилар.

Иккала Жумада ойида сув яхлаганидан<sup>334</sup> уларга шу ном берилган. Ражабда уруш бўлмай, тинчлик<sup>335</sup> бўлганидан [араблар] бу ойда [тирикчилик қилиш учун] сафарга чиққанлар. Шунинг учун бу ой шундай аталган; «ружба» – «тиргак» демакдир, «азқ муражжаб»<sup>336</sup> сўзи шундан олинган. Шаъбонда араб қабилалари тарқалгани сабабли<sup>337</sup> у шундай аталган. Рамазон оyi дейилишига сабаб шуки, бу ойнинг жазирама иссиқлигидан тошлар ҳам куяди. Шаввол деб аташ шунинг учунки, бу ойда иссиқ кетиб, ҳарорат пасаяди. Зулқаъда [ойи]да араблар ўз уйларида доимий бўлганлиги сабабли унга шундай ном берилган. Зулҳижжада араблар ҳаж қилганлари учун у шундай аталган.

Араб ойларининг бошқа номлари ҳам бўлиб, қадимги араблар уларни шундай атаганлар. Бу номлар куйидагилардир:

- |      |                |             |
|------|----------------|-------------|
|      | 1. Ал-Муътамир | 7. Ал-Асамм |
| (61) | 2. Ножир       | 8. Адил     |
|      | 3. Хаввон      | 9. Нофик    |
|      | 4. Сувон       | 10. Вогил   |
|      | 5. Хантам      | 11. Хуво    |
|      | 6. Заббо       | 12. Бурак   |

Гоҳо бу номларнинг биз кўрсатганлардан фаркли ва бошқача тартиби учратилади. Чунончи, шоирлардан бири уларни ўз шеърида шундай назм қилган:

*Муътамиру Ножирадан бошладик,  
Сўнгра Хаввон ҳамда Сувон эргашур.  
Кейнидин Заббо келар, сўнг Боида.  
Келгач Асамм, душманлик ҳам қар бўлур.  
Сўнгра Вогил, Нотилаю Адила –  
Жами гўзал шону шухрат нуридир.  
Келса Ранна ҳам Бурак, сўнг вассалом, –  
Панжа бирлан ой санаиш бўлди тамом.*

Луғат китобларида баён этилишича, ой номларининг маънолари мана бундай:

**Ал-Муътамир** калимаси шу йил олиб келадиган ҳукмларнинг ҳар бирига бўйсунувчи [шахс] маъносини билдиради.

**Ножир** эса «нажр»дан олинган, бу – [қаттиқ иссиқ] демакдир. Шоирлардан бири шундай деган:

[Бузилиб сасиган бир сувки, Ножир ойида ташна бўлган киши уни тотса, юзини буриштиради].

**Хаввон** – «хиёнат» [сўзининг] «фаъол» вазнидаги шаклидир. Шунингдек, Сувон ҳам «сиёнат» [яъни, сақламоқ]нинг «фуол» шаклидир. Ўша ойларга дастлаб ном берилаётганда, бу маънолар [тасодифан] мос келиб қолган.

**Заббога** келсак, бу – «улуғ ва оғир фалокат» демакдир. Бу ойда кўп уруш ва қийинчиликлар бўлганидан унга шундай ном берилган.

**Бонд**<sup>338</sup> эса [уруш]дан келиб чиққан, чунки шу ойда кўп одам [урушда] ҳалок бўларди. Бу ҳақда шундай масал нақл қилинган: «Жумада билан Ражаб ойлари ўртасида ажойиб ва ғаройиб [воқеалар юз берган]». Араблар уруш ҳаром қилинган Ражаб ойи киришидан аввал Бонд ойида ўч олиш ва талончилик қилишдан иборат мақсадларига шошилар ва интилардилар.

**Ал-Асаммга** келсак, араблар бу ойда урушсиз тинч яшар ва қурол-яроғ овози эшитилмас эди.

**Воғил** эса «чақирилмаган ҳолда ичкилик [ичишга] келувчи киши» маъносини билдиради. Унинг бундай аталишига сабаб, Рамазон тепасига ҳужум қилиб келганидандир. Араблар [авваллари] Рамазон ойида ичкиликни кўп ичардилар, чунки ундан кейин ҳаж ойлари келарди.

**Нотил** – «ичкилик ўлчови» демакдир. Араблар бунда ҳаддан ташқари [кўп] ичиб, шу ўлчовни кўп ишлатганликлари сабабли ой шундай аталган.

**Адил** эса «адл»дан [олингандир]. Бу ой ҳаж ойларида бири бўлиб, араблар бунда Нотил ойида қиладиган ишларини қилмаганликлари учун шундай аталган.

**Ранна**<sup>339</sup> номининг берилишига сабаб, бу ойда қурбонлик [қилиш] вақти яқинлашгани учун чорва моллари нола қилади.

**Бурак**<sup>340</sup> деб аталишига сабаб, туялар қурбонлик учун сўйиладиган жойга келтирилганда чўктирилишидир.

Ас-Соҳиб Исмоил ибн Аббаднинг<sup>341</sup> ўша ойлар ҳақидаги мана бу назми диққатга сазовордир:

*Уларни Муҳаррам [Сафар каби] тартиб билан саноққа ол.*

(62)|| *Муътамир келади, ундан кейин Ножир,  
Хаввон билан Сувон бир тузоққа йигилади.  
[Сўнгра] Ханаин, Заббо, Асамм ва Адил,  
Нофиқ билан Возилу Ранна билан Бурак.*

Агар ойларни юқоридагидай икки хил ном билан аташнинг сабаблари биз ҳикоя қилгандек бўлса, иккала аташ вақти орасида [узоқ] муддат ўтган бўлиши лозим. Бўлмаса, улар ҳақида айтилган изоҳлар ва келтирилган сабаблар дуруст бўлмайди. Чунки у икки турли аташнинг бирида иссиқ энг кучайган ой Сафар бўлиб, иккинчисида – Рамазондир. Бир вақтда ёки бир-бирига яқин икки вақтда бундай бўлиши мумкин эмас.

Араблар ойларни жоҳилия даврида ҳам ҳозирда мусулмонлар ишлатаётганларидек ишлатганлар, уларнинг ҳаж маросимлари йилнинг тўрт фаслида айланаверган. Кейин улар тери, кўн, мева ва бошқалардан иборат молла-

ри етилган вақтда ҳаж қилишни ва бу маросимни бир ҳолатда – энг яхши, энг фаровончилик вақтда адо этишни кўзда тутиб, ўз қўшнилари бўлган яҳудийлардан йилни кабисали қилишни ўргандилар. Бу ҳижратдан икки юз йилча аввал бўлган эди. Улар ўша йилларда яҳудийлардек амал қилишга ту-тиндилар, яъни ўз йиллари билан Куёш йили орасидаги ортикча вақтни бир ой қилиб, йиллари тамом бўлганда уни [охирги] ойларига қўшдилар. Кейин-чалик бу ишга Бани Кинона қабиласининг «қаламмас»лари мутасадди бўлиб, ҳаж тугагандан кейин ўша вақтда оёққа туриб хутба ўқийдилар ва йилга бир ой қўшиб, буни аввалги ой номи билан атайдилар. Араблар бунга қўшилиб, «қаламмаслар» сўзини қабул этадилар ва бу ишларини «насий»<sup>342</sup> деб атади-лар. Чунки улар аввал ўтган вақт тақозосига қараб, ҳар икки ёки уч йилда йил бошига бир ой қўшардилар. [Шоирлардан] бири бундай деган:

«Бизда «насий» [айрим ойни кейинга қўювчи] бор, сиз унинг байроги та-гида юрасиз, у хоҳлаган вақтда ойларни ҳалол ва ҳаром қила олади»<sup>343</sup>.

Дастлабки «насий» Муҳаррам ойида бўлиб, Сафарни Муҳаррам номи би-лан, Рабиъул-аввал ойини Сафар номи билан атаб, [қолган] ойларнинг номла-рини ҳам кетма-кет, тартиб билан [ўзгартирардилар]<sup>344</sup>.

Иккинчи «насий» Сафар ойида бўлиб, унинг кетидан келган ой ҳам «Са-фар» деб аталарди. Иш шу йўсинда давом этиб, ниҳоят «насий» ўн икки ойни айланиб чиқар ва яна Муҳаррамга қайтарди, шунда улар ойлар устида аввал қилган ишларини яна қайтарардилар.

Араблар «насий» даврларини ҳисоблаб ва замонларни ўша даврлар би-лан аниқлаб: «Фалон замондан фалон замонгача мунча йил айланди», – дер-дилар. Агар бунда Куёш йилининг касрларидан ва у йил билан Ой йили ўртасидаги фарқ қолдиғидан йилга қўшиладиган вақт [яъни, бир миқдор муддат] йиғилиши сабабли тўрт фаслдан бирининг бирор ойи ўз фаслидан аввал ўтиши уларга маълум бўлиб қолса, [йилни] иккинчи марта кабисали қилардилар. Бу ўтиш вақти ой манзилларининг чиқиши ва ботишидан улар-га маълум бўларди. Ниҳоят, Пайғамбар алайҳиссалом [Маккадан Мадина-га] ҳижрат қилдилар, «насий» навбати биз айтгандек, Шаъбон ойига етган эди. (63)|| Шунда [Шаъбон ойи] «Муҳаррам» деб, Рамазон ойи «Сафар» деб аталди. Пайғамбар алайҳиссалом – «насий» то ҳамма ойларни айланиб, ой-лар ўзларининг ҳақиқий ўринларига қайтгунича кутиб турдилар<sup>345</sup>. Кейин ви-долашув ҳажини<sup>346</sup> адо этдилар ва одамларга хитоб қилиб: «Албатта, замон айланиб, Аллоҳ осмон ва ерни яратган кунда [қандай бўлса], шундай бўлиб қолди», – дедилар. Бу билан: «Ойлар ўз ўринларига қайтди, араблар ойлари-ни [олдин-кейин] қилишлари йўқолди»<sup>347</sup>, – демоқчи бўлдилар. Шунинг учун видолашув ҳажи «энг тўғри ҳаж»<sup>348</sup> деб аталди. Кейин «насий» ҳаром этилиб, буткул бекор қилинди.

Абу Бакр Мухаммад ибн Дурайд ал-Аздий «Китоб ал-Вижох»да<sup>349</sup>: «Самудийлар<sup>350</sup> ойларни бошқа номлар билан атардилар», – деган. Бу номлар куйидагилардир:

- |                            |            |
|----------------------------|------------|
| 1. Мужиб, бу – Мухаррамдир | 4. Мулзим  |
| 2. Мужир                   | 5. Мусдир  |
| 3. Мурид                   | 6. Ҳавбар  |
| 7. Ҳавбал                  | 10. Дабир  |
| 8. Мавҳо                   | 11. Ҳайфал |
| 9. Даймур                  | 12. Мусбил |

Ибн Дурайднинг айтишича, самудийлар ойларни Даймур, яъни Рамазондан бошлар эканлар. Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масихий<sup>351</sup> бу ойларни ўз шеърида назм қилиб, бундай деган:

*Самуд ойлари: Мужиб, кейин Мужир.  
Мулзимга Мурид ёндашади, кейин Мусдир [келади];  
Сўнгра Ҳавбар келиб, кейин Ҳавбал киради,  
У иккисидан кейин Мавҳо туради, сўнг Даймур.  
Дабир ўтгандан кейин Ҳайфал ва Мусбил келиб,  
Ниҳоят шулар билан ойлар<sup>352</sup> тамом бўлади.*

Араблар кунларини форслар каби алоҳида ном билан атамадилар, лекин улар ўз ойларидан ҳар қайси ойнинг ҳар уч кечасига Ойнинг ўша кечалардаги [кўриниш] ҳолати ва нуридан келиб чиқиб, алоҳида ном берганлар. Улар [маълум] ой бошидан бошлаб, биринчи уч кеча «ғурар» дердилар, бу «ғурра»нинг кўплиги бўлиб, ҳар бир нарсанинг «ғурра»си – унинг бошланиши демакдир. Баъзилар: «Ундоқ эмас, шу уч кечада Ҳилол «ғурра»<sup>353</sup> сингари кўрингани учун шундай аталади», – дейдилар.

Кейинги уч кеча [4 – 6] *нуфал* дейилган. Бу «танаффала» сўзидан олинган бўлиб, «эҳсон қилиш лозим бўлмаган ҳолда эҳсон эта бошлади» демакдир. Баъзилари иккинчи уч кечани *шуҳб*<sup>354</sup> деб атаган[лар].

Кейинги уч кеча [7–9] *тусаб*<sup>355</sup> дейилган, чунки уларнинг охиригиси тўққизинчи кечадир. Баъзилари учинчи уч кечани *буҳр*<sup>356</sup> деб атаган, чунки бу кечаларда қоронғилик ғолиб бўлади.

Кейинги уч кеча [10–12] *ушар*<sup>357</sup> дейилган, чунки уларнинг аввалгиси ўнинчи кечадир.

Кейинги уч кеча [13–15] *бийз*<sup>358</sup> дейилган, чунки улар Ой чиқиб турганлиги сабабли аввалидан охиригача оқ бўлади.

(64)|| Кейинги уч кеча [16–18] боши қора, гавдаси оқ қўйга ўхшатилиб, *дура* дейилган, чунки у кечаларнинг бошланиши қоронғидир. Буни кийилган совутга ўхшатиш асослироқдир, чунки [совут] кийган киши бошининг ранги баданининг [совут билан ўралган] бошқа қисми рангидан фаркли бўлади.

Кейинги уч кеча [19–21] кўп қисмлари қоронғи бўлгани учун *зулам*<sup>359</sup> дейилган.

Кейинги уч кеча [22–24] *ҳанодис*<sup>360</sup> дейилган. Уларни қораликлари сабабли *дуҳм*<sup>361</sup> деб ҳам атаганлар.

Кейинги уч кеча [25–27] *даодий* дейилган, чунки улар ойнинг «колдик» [кечаларидир]. Айтишларича, бу [ном] туянинг юришидан олинган. У бир оёғини олдинга ташлагач, унинг кейинидан шошилиб бошқасини ташлайди.

Кейинги уч кеча [28–30] *муҳоқ* дейилган, чунки [бу кечаларда] Қамар ва ой тамом бўлади.

Араблар ойнинг бир қанча кечаларини алоҳида номлар билан атаганлар. Масалан, ойнинг охирги кечасида Ой кўринмай қолади, [шунинг учун бу кеча] *сарор*<sup>362</sup> деб аталади, бу кеча қоронғи бўлганлиги учун *фаҳама*<sup>363</sup> деб ҳам аталади. Бу [кечада] ой кулчаси Куёшдан қутулиши<sup>364</sup> сабабли у *баро*<sup>365</sup> ҳам дейилган. Шунингдек, ойнинг охирги кунини *наҳир*<sup>366</sup> деб атайдилар, чунки у кун Ойнинг бўғзига тегади, яъни унинг бўғзида бўлади.

Шунга ўхшаб ойнинг ўн учинчи кечаси *саво*, ўн тўртинчиси *бадр* кечаси деб аталади, чунки бунда Ой тўлиб, нури ҳам тўла бўлади. Ҳар нарса тугал бўлса, «бадр бўлди» дейишади. Чунончи, ўн минг дирхам «бадра» дейилган, бу табиий [шундай] бўлмаса ҳам, сўзда маълум ададнинг бутуни ва ниҳоясидир.

Улар, яъни араблар ойларда ҳафта кунларини белгилайдилар. У кунларнинг қадимги номлари мана булар: аввал, яъни якшанба Аҳван, Жубор, Дубор, Муънис, Аруба, Шиёр. Шоирлардан бири кунларни эслатиб, бундай деган:

*Яшашни умид қиламан ва ўлимим*<sup>367</sup>, *албатта,*  
*Аввалда, ё Аҳванда, ё Жуборда,*  
*Ёки ундан кейин келувчи Дуборда, агар бундан ўтсам,*  
*Муънисда, ё Арубада ёки Шиёрдадир.*

Кейин араблар ҳафта кунларини бошқа номлар билан атадилар: ал-Аҳад, ал-Исоно, ас-Сулоса, ал-Арбао, ал-Хамис, ал-Жумъа, ас-Саbt.

Араблар ой бошини Ҳилол кўринишидан ҳисоблайдилар. Ислом динида ҳам шундай йўл тutilди. Чунончи, Аллоҳ таоло: «Сиздан ҳилоллар ҳақида сўрайдилар. «Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир», деб айтинг» деган.<sup>368</sup>

Бундан бир неча йиллар бурун фалокат юз берди, ёқимсиз аломат ва илмсиз бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар [ҳадис]ни ўринсиз маънога йўйишга тутинганликлари, аниқ маъно олувчиларни рост ва ёлғон гаплар билан қўйишга киришганликлари сабабли, яҳудий ва христианларга назар ташладилар. Шунда уларнинг ўз оиларини ҳисоблаб чиқариш ва рўза вақтларини билишда фойдаланадиган жадвал ва ҳисоблари бор эканини, мусулмонларнинг



эса Ҳилолни кўришга ва Ойнинг нурга қопланган қисмини ҳамда кўринадиган ярми билан кўринмайдиган ярми ўртасидаги умумийликни кузатишга мажбур эканликларини сездилар. Мусулмонларнинг Ҳилол вазиятларини, ботар жойлари ва турган ўринларини, кучлари етганча, синчиклаб текширгандан кейин, кўрилганида [яна] шак-шубҳада бўлиб, ихтилоф қилишлари ва бир-бирларига таклид этишлари аниқланди.

(65)|| Сўнгра у гуруҳ астрономия олимларига мурожаат қилдилар. Астрономлар араб ойларининг бошларини ҳар хил ҳисоб, турли жадваллар орқали билиш [ҳақидаги маълумотлар] билан бошланган зиж ва китобларини таълиф этдилар. [Ҳалиги билимсизлар] у жадвалларни Ҳилолни кўриш учун ишланган деб гумон қилдилар ва улардан баъзиларини олиб, уни Жаъфар ас-Содиққа<sup>369</sup> (Аллоҳ унга раҳмати ва саломини йўлласин) нисбат бердилар ва бу пайғамбарлик сирларидан биттаси деб даъво қилдилар.

Бу ҳисоблар иккала ёриткичнинг кўриниб турган ҳаракатларига эмас, ўртароқ, яъни деярли тенглаштирилган ҳаракатларига асослангандир. Улар Ой йилининг уч юз эллик тўрт ва олтидан бир куни бўлиб, йил ойларининг олтитаси тўла [ўттиз кундан], олтитаси [ўттиздан] кам бўлишига, зиждарда кўрсатилиши ва ойларнинг сифатларига тегишли китобларда баён этилишича, ҳар бир тўлик ой нотўлик ойдан кейин келишига асосландилар.

Қачон ўша [жадваллар] орқали Рамазон ва Шаввол бошларини аниқламоқчи бўлсалар, улар, кўпинча, лозим вақтда бир кун олдин бўлиб чиқаверган. Шунда у [нодонлар] хатога [йўл] қўйиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Янги Ойни кўриб рўзага киринг ва уни кўриб рўзадан чикинг!» деган сўзларини галати тафсир қилиб: «Янги Ойни кўриб рўзага киринг» сўзининг маъноси «Ой кўрилган куни кечкурун рўзага киринг!» демакдир. Масалан, «Фалончини кутиб олишга тайёрланинг!» дейилганда кутиш учун тайёрланиш олдин келтирилади-ку», – дедилар. Яна улар: «Рамазон ойи ўттиздан кам бўлмайди», – дедилар.

Аммо астрономлар ва [Ҳилол] ҳолатига катта эътибор берган кишилар янги Ой кўриниши ҳар вақт бир йўлда бўлмаслигини биладилар, чунки Ойнинг кўринадиган ҳаракати турлича бўлиб, гоҳо суст, гоҳо тез; баъзан у ерга яқин, баъзан узоқ бўлади; бир вақт у шимол ва жануб томонларда юқори кўтарилиб, бир вақт ўша томонларда қуйи тушади. Бу ҳолатнинг ҳар бири эклиптиканинг ҳар қайси нуқтасида юз бериши мумкин.

Яна бир [далил] шуки, эклиптика кесмаларининг баъзиси тез ва баъзиси кеч ботади, бундай ўзгариш мамлакатлар кенгламаси ва ҳаволарининг турлича бўлишига кўра [юз беради]. Бу ҳол жойларнинг ҳавоси табиий равишда тоза, ё ҳамisha буг билан қоришиб хира бўлиши ёки, кўпинча, чанг-тўзонли бўлиши, ёки ҳавонинг баъзи вақтда қуюқ, баъзи вақтда сийрак бўлишига ва янги Ойга қаровчилар кўзларидаги қувватнинг ўткирлиги ва ўтмаслиги сабабли тафовут қилишига нисбатан ҳам юз беради.

Шу [айтилган] ҳолатларнинг барчаси бир-биридан фарқ қилишига қарамай, Рамазон ва Шаввол ойларининг бошида сонсиз шаклларда ва чексиз ҳолатларда учрайди. Шунинг учун Рамазон ойи гоҳо [ўттиз кундан] кам, гоҳо тўлиқ [ўттиз] кун келади.

Яна у ҳолатларнинг ҳаммаси шаҳарлар кенгламасининг ортиши ва камайиши сабабли ҳам ўзгаради. Масалан, шимолий шаҳарларда [Рамазон] ойи тўлиқ [ўттиз кун] бўлиб, шу ой жанубий шаҳарларда [ўттиз кундан] кам ёки аксинча бўлади. Қолаверса, бу [ҳолат] ўша жойларда бир тартибда жорий бўлмайди. Балки у жойларда айнан бир ҳолат бир ойнинг ўзида кетма-кет, бир неча марта ёки ора-сира юз бериши ҳам мумкин.

(66)|| Агар у [нодонларнинг], масалан, ўша жадвал ва ҳисоблар билан қилган ишлари тўғри бўлиб, Ҳилол кўринишига мувофиқ ёки улар ҳисоблагандек, ундан бир кун олдин келса эди, албатта, ҳар бир жой кенгламаси учун алоҳида жадвалларга муҳтож бўлардилар. Шу билан бирга, [Ҳилол] кўринишининг турличалиги фақат кенгламаларгагина боғлиқ бўлмайди. Балки бунда жойларнинг турли узунликда бўлиши [яна ҳам] каттароқ аҳамиятга эгадир. Чунки баъзи шаҳарларда, кўпинча, янги Ой кўринмайдида, ундан кўра ғарбга яқинроқ бўлган шаҳарда кўринади, баъзан бу [ҳол] иккала шаҳарда бир хил бўлади<sup>370</sup>. Бу ҳам узунламанинг ҳар бир даражаси учун алоҳида ҳисоб ва жадвал тузишга эҳтиёж туғдирадиган ҳолатлардандир. Шундай бўлгач, у [гуруҳ] айтганидек, Рамазоннинг ҳамиша тўлиқ [ўттиз кун] бўлиши, боши ва охирининг улар ишлатадиган жадвал кўрсатганидек, ернинг одамлар яшайдиган барча қисмида бир хилда келиши мумкин эмас.

Энди ривоят қилинган ҳадис тақозосига кўра, уларнинг «Рўза[га кириш] ва рўзадан чиқиш янги Ойнинг кўринишидан олдинга қўйилади», – деган сўзларига келсак, бу нотўғридир. Чунки «лом» ҳарфи улар айтгандек, келаси замонда ишлатилгани каби, ўтган замонда ҳам келади. Масалан, «Фалон ойдан шунча кун ўтганда ёзилган», яъни «Шунча кун ўтгандан кейин» дейилса, ёзиш ойнаинг ўтган кунларидан аввал рўй берган бўлмайди. Ҳадис уларнинг сўзларини эмас, шуни тақозо этади. [Пайғамбар] алайҳиссаломдан ривоят қилинган [ушбу ҳадис]да шундай дейилган: «Биз саводсиз кишилармиз, хат битишни ва ҳисоб қилишни билмаймиз. Ой<sup>371</sup> шунча, шунча ва шунча бўлади», – деган. Пайғамбар алайҳиссалом бу ишоратларининг ҳар бирида ўн бармоқларини кўрсатиб, яъни ойнаинг тўла ўттиз кун бўлишини билдирганлар. Кейин яна қайтариб: «Шунча, шунча ва шунча бўлади» деганда, учинчисида бошмалдоғини кафтга қайириб, [Ойнаинг] тўлиқ эмас, йигирма тўққиз кун бўлишини билдирганлар. Демак, [Пайғамбар] алайҳиссалом Ойнаинг гоҳо тўлиқ, гоҳо ноқис бўлишини ва «...Хат битишни ва ҳисоб қилишни билмаймиз» деган сўзлари билан бу [масалада] ҳисобга қараб эмас, янги Ойна кўриб ҳукм чиқаришни ҳеч кимга яширин бўлмайдиган қилиб очиқ айтганлар.

(67)|| Агар улар хронологлар сингари ҳисоблаб, у сўзни [Пайғамбар алайҳиссалом] «ҳар бир тўлик ойдан кейин тўлиқ бўлмаган ой келади» деган маънода айтган десалар, буни инкор этмасалар, кўриниб турган аён [ҳолатки – бу], уларни ёлғончига чиқаради ва бўямачиликларини каттаю кичикка маълум қилади. Шу билан бирга, юқоридаги ҳадиснинг охири уларнинг даъвоси бемаъни эканини очиқ кўрсатади. У Пайғамбар алайҳиссаломнинг мана бу сўзларидир: «Ойни кўриб рўзага кириш, ойни кўриб рўзадан чиқинг, агар осмон булутли бўлса, Шаъбон ойини ўттиз кун қилинг!» Ёки бошқа ривоятда: «Агар янги Ойни кўришингизга булут ёки гард-чанг тўсқинлик қилса, [кунлар] ҳисобини ўттизга тўлдириш!» – дейилган. Гап шундаки, янги Ой[нинг] кўриниш куни жадвал ва ҳисоблар орқали ёки зиж муаллифлари тузган йўллар орқали аниқланиб, рўзага кириш ва рўзадан чиқиш янги Ойни кўришдан олдинга қўйилганда, – агар уфқ булут ёки ғубор билан қопланган бўлса, Шаъбон ойини тўла ўттиз кун қилишга ёки Рамазон ойини ўттиз кунга тўлдиришга эҳтиёж қолмасди. Кейин, [Рамазоннинг охириги] куни рўзасини тутмай, уни ўттиз кунга тўлдириб ҳам бўлмайди. Агар Рамазон ойи доимо тўлиқ [ўттиз кун] бўлиб, боши маълум бўлсайди, Шаввол Ҳилолини кўришга эҳтиёж қолмасди. Лекин асабият кўрар кўзларни кўр, эшитар қулоқларни қар қилиб, ақл эътироф этмайдиган нарсаларни қабул этишга чақиради. Шундай бўлмаганда, у [гуруҳнинг] хаёлларига бундай фикрлар келмас эди. Яна зайдий шиалари<sup>372</sup> китобларидаги уларнинг бошлиқлари тўғрилаган ривоятлар [бор]. Масалан, ривоят қилинишича, одамлар Амир ал-Мўъминин [Али] даврида Рамазон ойида йигирма саккиз кун рўза тутганлар. Кейин у бир кун қазо тутишга буюрган, одамлар қазо [рўза] тутганлар. Бундай ҳодиса Шаъбон ва Рамазон ойлари тенг ҳолатда ўттиз кундан кам келиб қолганлиги сабабли юз берган, одамлар Рамазон ойи бошини кўрадиган вақтда орада қандайдир тўсиқ пайдо бўлган. Шунда улар Шаъбонни ўттиз кунга тўлдирганлар ва ҳолат ой охирида маълум бўлган.

Шунингдек, Абу Абдуллоҳ ас-Содиқдан<sup>373</sup> ривоят қилинишича, у шундай деган: «Бошқа ойларга етишадиган ортиқлик ва камлик Рамазон ойига ҳам етишади». Яна ундан ривоят қилинишича, у: «Шаъбон [бошини] эсингизда тутсангиз, осмон булутли бўлса, [Шаъбон бошидан] ўттиз кунни санаб рўза тутиш!» – деган. Яна ривоят қилинишича, ундан: «Ҳилоллар нима?» – деб сўралганида, у: «Ҳилоллар [янги] Ойлардир. Қачон ҳилолни кўрсанг, рўза тут, қачон уни кўрсанг, рўзангни оч!» – деган. Шиалар китобида шу хабарларнинг ҳаммаси фақат рўза ҳақида келтирилган.

«Мен уларни [иблис ва унинг зурриётини] на осмонлар ва Ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилган эмасман, шунингдек, (бу) йўлдан оздирувчиларни (Ўзимга) дастёр қилиб ҳам олганим йўқ»<sup>374</sup>, – деган эди.

Аммо Ас-Содикдан ривоят қиладилар: «Ражаб Ҳилолини кўрганингда эллик тўққиз кунни санаб, кейин рўза тут!». Яна ундан ривоят қиладилар: «Рамазон ойи Ҳилолини кўрганингдан кейин уч юз эллик тўрт кунни санаб, сўнгра келгуси [йил] рўзасини тут! Аллоҳ таоло йилни уч юз олтмиш кун қилган, осмон ва ерни яратган олти кунни йилдан истисно этган, бу [олти кун] ҳисобда йўқ». Агар ундан қилинган ривоят дуруст бўлса, албатта, Ас-Содик буни бир жойда кўпроқ учратилишидан хабар берган. Лекин бу ҳолат биз [юқорида] айтгандек, ҳамма жойда бир хил бўлмаган. Олти куннинг [истисно] этилишига келсак, у ривоятни ёлғонга чиқариб, дурустлигига путур етказувчи сабабдир.

Биз ўқиган тарихлар орасида шундай бир воқеага кўзимиз тушди: Кўфа шаҳрининг Ал-Мансур<sup>375</sup> давридаги ҳокими Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Сулаймон Маън ибн Зоиданинг тоғаси Абдулкарим ибн Абулавжни қамоққа олди. У киши Моний<sup>376</sup> [маслагидан] эди. Унинг [гуноҳи] кечирилишини сўровчилар Мадинатуссалом [Бағдод]да кўпайиб, Ал-Мансурга мурожаат қила бердилар. Ниҳоят, Ал-Мансур Муҳаммадга: «Ундан қўлингни торт!» деган хат юборди. Абдулкарим шу мазмунда хат келишини кутарди. Шунда у ўзининг ишончли [кишиси] Абду-л-Жабборга: «Агар амир<sup>377</sup> мени [қатл этишни] уч кун кейинга сурса, унга юз минг дирхам берар эдим», – деди. Абду-л-Жаббор буни Муҳаммад алайҳиссаломга билдирди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом: «Уни эсимга солдинг, мен унутган эканман, жума намозидан чиққанимда [яна] эсимга сол!» – дедилар.

(68)|| [Намоздан] қайтганларидан сўнг Абду-л-Жаббор Абдулкарим ҳақида эслатди. Муҳаммад алайҳиссалом уни чақириб, бошини кесишни буюрдилар. Абдулкарим ўзининг ўлдирилишини аниқ билгач: «Азбаройи Аллоҳ! Энди, албатта, мени ўлдирасиз. Мен тўрт минг ҳадис тарқатиб, шуларда ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилдим; рўза кунингизни ифтор кунига, ифтор кунингизни рўзага айлантирдим», – деди. Сўнгра унинг боши кесилди, ҳалиги мазмундаги хат эса кейин етиб келди. Бу динсиз киши у гуруҳ ёпишиб олган ўша маъносиз изоҳ ва асл ривоятларнинг эгаси бўлишга нақадар ҳақли!

Биз билан у гуруҳнинг<sup>378</sup> бир вакили ўртасида улар асосланадиган ҳадис ҳақида тортишув бўлди. Айтиб ўтилган хулосаларни унга исбот этдик. Охирида у: «Буларнинг ҳаммаси [араб] тили қоидаларидандир. Араб тили билан шариат ва унга эргашувчилар ўртасида узоқ масофа бор», – деб [билимдонлик] изҳор этди. Биз унга: «Аллоҳ сени саломат қилсин! Аллоҳ ва унинг расули бизга араблар ўртасида машҳур бўлган тил билан мурожаат қилмаганми? Аммо сен билан араб тили ораси жуда узоқ.<sup>379</sup> Балки сен шариат илмидан ҳам узоқсан, [шариат ва унга эргашувчиларни] қўйгин-да, астрономия олимларига мурожаат қил! Уларнинг ҳаммаси сенинг Рамазон ойи ҳамиша тўла бўлиши ҳақидаги сўзингга қарши чиқадилар ва: «Албатта, осмон ҳамда икки ёриткич<sup>380</sup> мусулмонлар Рамазон ойини рўзага хос қилганларидек, ойлар орасидан

ажратиб, ўзларининг тез ёки суст ҳаракатлари вақтига хос қилмайдилар, дейдилар», – деб айтдик.

Лекин ўз сўзида туриб олиб, ўжарлик қилган билимсиз киши билан баҳслашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирон фойда келтиради. Аллоҳ таоло: «Агар улар [устиларига] осмоннинг бир парчаси тушаётганини кўрсалар ҳам: «Бу қалин булутдир», – дерлар<sup>381</sup>. «Борди-ю, Сизга қоғозга [ёзилган] битикни туширсаг-у, уни қўллари билан сийпалаб кўрганларида ҳам [барибир] кофир бўлганлар: «Бу аниқ сеҳрдан бошқа [нарса] эмас», деган бўлур эдилар»<sup>382</sup>, – деган.

Энди [халифа] Ал-Муътазиднинг ойларига келсак, уларнинг номлари ва тартиблари айнан форсларники кабидир. Лекин уларда форслардаги кунларнинг [номи] айтилмайди. Чунки Ал-Муътазид ойларидаги қўшимча кунларга ҳар тўрт йилда [яна] бир кун қўшилади. Биз мисрликларнинг ойлари ҳақида [юқорида фикримизни] баён этганимиздек, Ал-Муътазид ойларида ҳам номлар ишлатилмаган. Бу ойларга кабиса қўшиш тартиби румликлар ва сурияликларнинг кабисаларига мувофиқ келади.

Ҳинд, хитой, тибет, турк, хазар, ҳабаш ва занги<sup>383</sup> каби бошқа халкларнинг ойларига келсак, гарчи улардан баъзиларининг номи бизга аниқ маълум бўлса ҳам, то уларнинг барчасини билгунча баён этишдан четлашдик. Чунки шубҳани аниқ ва номаълумни маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас. Юқорида айтиб ўтилган ойларнинг номларини улар эсда сақланиб, ўз жойида фойдаланилсин, деб жадвалларда кўрсатдик.

### Ойларнинг жадвали

(69)||

Ойлар боши янги Ойни кўриб белгиланади		Ойлар боши янги Ой кўрилишидан. Биринчи ой Даймур, яъни Рамазон			Бошланиши баҳорги тенг- кунлик ақинидаги янги Ой кўрили- шидан
Қубо <sup>384</sup> аҳолиси	Бухортак <sup>385</sup> аҳолиси	Ислолдаги араблар	Жоҳилиядаги араблар	Самудийлар	Яхудийлар
А-в-и-н	Фадинавард	Сафар	Ножир	Мужир	Мархешвон
Х-х-ш	Софавл	Рабиъ I	Хаввон	Мурид	Кислев
Л-в-л-и-и	Софай	Рабиъ II	Буссон	Мулзим	Тебет
Л-в	Аврис	Жумада I	Хангам	Мусдир	Шефат
Н-р	Исаи	Жумада II	Заббо	Ҳавбар	Азар
М-х-р	Исак	Ражаб	Ал-Асамм	Ҳавбал	Нисан
А-л-м-а	Жидал	Шабъон	Адил	Мавҳо	Ияр
Н-в-а	Хиаг	Рамазон	Нофик	Даймур	Сиван
Ф-қ-а-х	Сиван	Шаввол	Вағл	Дабир	Таммуз
Б-н	Ижнад	Зулқайда	Хуво	Ҳайфал	Аб
А-в-нах	Дариман Кан	Зулҳижжа	Бурак	Мусбил	Элул

(70)||

Бошланиши баҳорги тенгкунлик яқинидаги янги Ой кўринишидан	Ойларнинг бошланиши – биринчи Наврўз		Ойларнинг бошланиши – иккинчи Наврўз		Ойларнинг бошланиши шартли ва бирор нарсага боғлиқ бўлмаган кун
	Форслар	Қадимги сижис-тонликлар	Сутдлар	Хоразмликлар	Турклар <sup>36</sup>
Фарвардин моҳ	Квоз	Навсард	Навсаржи	Сичкан	Тишрийн I
Урдибиҳишт моҳ	Рху	Жиржин	Ардвст	Уд	Тишрийн II
Хурдод моҳ	Усол	Нисан	Хрвдод	Барс	Канун I
Тир моҳ	Тириёнво	Басок	Жири	Тавушкан	Канун II
Мурдод моҳ	Сризво	Ашнаханда	Ҳмдад	Луй	Шубот
Шахривар моҳ	Мризво	Мажиханда	Ахшриври	Йилан	Азор
Меҳр моҳ	Мзвр	Ғағоз	Авшри	Юнг	Нисон
Обон моҳ	Хронво	Лабанах	Ёнохн	Қуй	Айяр
Озар моҳ	Оркнозво	Фуг	Арв	Пичин	Ҳазирон
Дай моҳ	Каж пушт	Масофуг	Римжд	Тавуқ	Таммуз
Баҳман моҳ	Кажшин	Жимда	Аршмн	Ит	Аб
Исфандармуз моҳ	Сорво	Хашум	Исфандаражи	Тунгуз	Айлул

(71)||

Бошланиши сурёнийлар ойлари-дан Коғун II нинг биринчи кундан бўлади		Кабисали йил бошланиши 29 Абдан, оддий йил боши – 1 Дай моҳдан		Ойлар боши – баҳорги тенг-кунликка яқин сайёраларнинг қўшилишидан	Мен бу ойларнинг миқдорлари, ахамияти ва сифатини аниқлай олма-дим
Румликлар <sup>37</sup>	Юнонлар <sup>38</sup>	Қибтлар	Магрибликлар	Ҳиндлар <sup>39</sup>	Турклар <sup>36</sup>
Январис	Аирднаус	Тут	Мая	Вайшака	Улуғ ой
Февариус	Мадугаус	Фауфй	Юния	Жирта	Кичик ой
Мартиус	Диструс	Атур	Юлия	Отода	Биринчи ой
Африлиус	Ксантикус	Кувак	Агуст	Сравана	Иккинчи ой
Майус	Артимасаус	Тубй	Сатанбар	Бҳадрабата	Учинчи ой
Юниус	Дасаус	Макир	Октубар	Ашужа	Тўртинчи ой
Юлиус	Банамус	Фаминут	Нуванбар	Кортика	Бешинчи ой
Агустус	Лауас	Фармути	Дахимбар	Манкатҳира	Олтинчи ой
Септамбриум	Гарбинас	Бахун	Янайир	Юса	Еттинчи ой
Тамбриус	Аубарфаратаус	Бауни	Фабрайир	Мога	Саккизинчи ой
Навамбриус	Дяс	Афифи	Марса	Балкуна	Тўққизинчи ой
Дембриус	Абилаус	Масури	Абрир	Жайтра	Ўнинчи ой



**(72) || VI б о б. БАЪЗИ ЭРАЛАРНИ БОШҚАСИДАН ҲИСОБЛАБ  
ЧИҚАРИШ, ПОДШОҲЛИКЛАРНИНГ [БОШЛАНИШИ] ВА  
УЛАРНИНГ МУДДАТЛАРИГА ОИД ТУРЛИ РИВОЯТЛАР ҲАҚИДА**

Бу китобда мен мўлжаллаган мақсад энг тўғри ва энг аниқ йўл билан турли эралар муддатини аниқлашдир. Агар мен зижларда жорий этилган турли амаллар, ҳисоблашлардан фойдаланиш ва мисоллар келтириш одатига кўра, эраларнинг баъзисини бошқасидан ҳисоблаб чиқариш [усулини] кўзда тутсам, бу ҳақда сўз кўпаяди ва ҳаммасини тугал баён этиш ўзимни ҳам, бошқани ҳам қийналишга мажбур этади<sup>391</sup>. Бу китобнинг бошидан бошлаб мен тутган йўлга мос келадигани шуки, айтилаётган эралар бошлари ораларидаги тафовутни миқдорлари барча халқларда турлича бўлмайдиган ўлчагичлар, яъни кунлар билан аниқлайман. Чунки йиллар ва ойларнинг миқдори биз айтгандек [барча халқларда] бир хил эмас. [Эралар бошланишидан] бошқа нарсалар, умуман, йиллар билан кўрсатилиб, улар орасидаги муддатни билишда шу билан кифояланилди, чунки [у эралар] йилларининг ҳақиқий кайфиятини билиб бўлмайти ва уларни ишлатишга унча эҳтиёж ҳам йўқ.

Гарчи биз [бу китобнинг] баъзи жойларида турли фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узоқ [масалаларга] киришиб кетсак ҳам, бу гапни чўзиш ва кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарайвериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. [Ўқувчи] фандан-фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «хар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни [кўришга] қизиқади ва кўздан кечирнишни истади.

Энди «китоб аҳллари»нинг Одам, унинг ўғиллари ва авлоди ҳақидаги ривоятларидан бошлаймиз. Уларни айтиб бериш энгил ва [китоб аҳллари] ихтилофларини атрофлича ўрганиш осон бўлиши учун уларни жадвалларда кўрсатамиз. Яҳудий ва христианлар сўзларини бир-бирига рўпара турсин деб жадвалларга тўпладик. [Бу ишда] Аллоҳдан ёрдам, тўғри йўлга йўллаш ва муваффақият сўраймиз.

Бу йилларни то Иброҳим алайҳиссалом давригача кўздан кечирган киши [яҳудий ва христианларнинг] сўзлари ўртасидаги ихтилофнинг нақадар катта эканини кўради. Яҳудийлардаги [Таврот] нусхасига келганда, гарчи у Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб, Леви, Қохит ва Мусоларнинг неча йилдан умр кўрганликларини айтса ҳам, фарзанд кўргунларича неча йил ва ундан кейин неча

йил умр кечирганликларини батафсил айтмаган, фақат Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубларники кўрсатилган, холос.

Одам болаларининг аввалгисидан охиригисигача йил ҳисоблари туташидиган ва аҳли китоб орасида уларнинг яшаш вақти ҳақида ихтилоф бўладиганларининг номлари	Христианлар айтишича, улар ўғил кўргуларигача кечирган умрлари	Христианларга кўра, эра йилларининг жами	Яҳудийлар айтишича, улар ўғил кўргуларигача кечирган умрлари	Яҳудийлар сўзича, улар ўғил кўргуларидан кейин яшаган умрлари	Яҳудийлар сўзича, улар ҳар бири неча йил яшагани	Яҳудийлар сўзича, эра йилларининг жами
Инсонлар отаси Одам, Шис туғилгунича	230	230	130	800	930	130
Шис ибн Одам, Ануш туғилгунича	205	435	105	807	912	235
Ануш ибн Шис, Қайнон туғилгунича	190	625	90	815	905	325
Қайнон ибн Ануш, Махлоил туғилгунича	170	795	70	840	910	395
Махлоил ибн Қайнон, Ярид туғилгунича	165	960	65	830	895	460
Ярид ибн Махлоил, Ахнух туғилгунича	162	1122	162	800	962	622
Ахнух ибн Ярид, Матушолиҳ туғилгунича	165	1287	65	300	365	687
Матушолиҳ ибн Ахнух Ламак туғилгунича	167	1454	187	782	969	874
Ламак ибн Матушолиҳ, Нуҳ туғилгунича	188	1642	182	595	777	1056
Нуҳ ибн Ламак, Сом туғилгунича	500	2142	500	460	950	1556
Сом ибн Нуҳ, Тўфон бўлишигача	100	2242	100	500	600	1656
Тўфондан кейин Арфахшад ибн Сом туғилгунича	2	2244	2	0	0	1658
Арфахшад ибн Сом, Шолиҳ туғилгунича	135	2379	35	463	498	1693
Шолиҳ ибн Арфахшад, Обир туғилгунича	130	2509	30	460	490	1723
Обир ибн Шолиҳ, Фолиғ туғилгунича	134	2643	34	396	430	1757
Фолиғ ибн Обир, Арғу туғилгунича	130	2773	30	179	209	1787
Арғу ибн Фолиғ, Сориг туғилгунича	132	2905	82	175	207	1819
Сориг ибн Арғу, Нохур туғилгунича	130	3035	30	170	200	1849
Нохур ибн Сориг, Торах туғилгунича	79	3114	29	119	148	1878
Торах ибн Нохур, Иброҳим туғилгунича	75	3189	70	135	205	1978 <sup>392</sup>



(74)|| «Таврот»нинг айтишига кўра, Иброҳим алайҳиссалом юз ёшга кирганида ундан Исҳоқ дунёга келган ва шундан сўнг у [яна] етмиш беш йил яшаган. Исҳоқ олтмиш ёшга кирганида ундан Ёқуб тугилган. Ёқуб ўз ўғиллари билан Мисрга келганида бир юз ўттиз ёшда бўлган ва шундан кейин у [яна] ўн етти йил яшаган.

Демак, яҳудийларнинг: [Иброҳим алайҳиссалом туғилганидан то Мусо алайҳиссалом туғилгунича тўрт юз йигирма йил ўтди, Мусо алайҳиссалом саксон ёшга кирганида Бани Исроил билан Мисрдан чиқди], деган сўзларига қараганда, Бани Исроил Мисрда икки юз йигирма йил<sup>393</sup> турган. Лекин Тавротларининг иккинчи сифрида Бани Исроилнинг Мисрда турган муддати жами тўрт юз ўттиз йил деб кўрсатилган. Яҳудийлардан бунинг сабаби сўралса, улар: «Бу муддат Аллоҳ Иброҳим алайҳиссалом билан аҳд тузиб, уни кўп қабилаларнинг отаси деб эълон қилишга ва унинг авлодини Канъон ерига эга қилишга ваъда берган кундан ҳисобланади», – деб даъво қиладилар. Сўзларининг тўғри ёки нотўғрилигини Аллоҳ яхшироқ билгувчидир.

Бундан ташқари, [юқорида] баён қилганимиз уч нусха Тавротнинг саналар хусусидаги ихтилофлари ҳам ўз ҳолатида турибди. [Яҳудийларнинг] йил ҳисобларига у қадар эътибор бермаганликларига энг аниқ далиллардан бири шуки, дастлаб улар ўзларининг Мисрни тарк этишларидан то Искандар зуҳур этгунича қабиса билан тузатилган тўла минг йил ўтганига келишганлар ва йиллар кайфиятини ҳисоблаб чиқаришда шунга асосланганлар. Агар биз уларнинг Тавротдан кейинги китобларидан Мусо ибн Имрон алайҳиссаломдан кейинги ҳукмдорлардан ҳар бирининг [ҳукмронлик] йилларини олиб жам қилсак, Байт ул-Муқаддаснинг иккинчи марта бино бўлишига келганда, [бу сон] минг йилдан шу қадар ошиб кетадики, йил ҳисоби ишида бундай ҳодисаларни кечириб бўлмайди. Агар кам чикса эди, иш икки ҳукмдор ўртасидаги бир муддат ҳисобланмай қолганига йўйиларди. Аммо ошиқча чиққанда илож топиш қийин.

Бу хил саволларга жавоб бериш уларни чарчатгач, баъзилари у йиллар Яҳудо авлоди<sup>394</sup> тарихларида аниқланганини, ўзларида у тарихлар бўлмай, Рум томонларга олиб кетилганини айтдилар. Чунки Бани Исроил Сулаймондан кейин икки жамоага ажралди; Яҳудо ва Бинямин қабиласи ўзларига Сулаймон авлодини ҳукмдор қилдилар. Қолган ўн қабилла эса ўзларига Сулаймон ўғли Робоамнинг озод қули Юрбаамни ҳукмдор этдилар. Юрбаам уларни йўлдан оздирди: бу ҳақда яҳудийларнинг байрамлари [бобида] баён этамиз. Сўнгра Юрбаам авлоди ҳукмдор бўлиб, икки жамоа ўртасида уруш бошланди.

(75)|| Яҳудий солномаларида баён этилишича, уларнинг Мисрдан ат-Тихга – у Ҳижоздаги саҳродир<sup>395</sup> – бориш ва иккинчи марта Байт ул-Муқаддасга йўл олиш учун Қизил денгиздан ўтган ҳукмдорларининг йиллари ана шулар.

Яхудийларнинг «Седер Олам»<sup>396</sup> деб аталадиган китоби бор – бунинг тафсири «Олам йиллари» демакдир. Унда [йиллар] Тавротдан кейинги тарих китобларида айтилгандан камроқ кўрсатилиб, айрим [жойлари] яхудийларнинг аввалги сўзларига яқинлашади. Яхудийларнинг китобларидаги икки турли [йилларни] қуйидаги жадвалга тўпладик<sup>397</sup>.

Бани Исроил каби неча марталаб асирликка ва қатли [омга] учраган бир халқда шундай ихтилоф бўлишини инкор этиб бўлмайди. «Уни кўрадиган кунингизда ҳар бир эмизикли она эмизиб тургани [боласи]ни унутар ва ҳар бир ҳомиладор ўз ҳомиласини ташлар...»<sup>398</sup> бир вақтда, у халқнинг бундай ишларни қўйиб, бошқа нарса билан чалғиган бўлиши [ҳақиқатга] яқин ва зарурроқдир. Яна Сулаймон ибн Довуд вафотидан кейин ҳокимият ва бошқарув ишлари бир уруғ [қўли]да қолмай, бўлиниб кетди. Бир қисми Яхудо ва Бинёмин уругига, бир қисми Бани Исроилнинг бошқа уругига ўтди.

Кейин улар сиёсат тартиби, подшоҳлик ва бошқариш интизомида ҳар бир ҳукмдорнинг тахтга ўтирган вақтини эсда тутиш ва ҳукмдорлик муддатини жамлашга муҳтож эмас эдилар, буларни фақат тахминан ҳисоблардилар. Шу билан бирга, баъзилари таъкидлашича, Лут қавмидан бўлиб, ал-Жазирага<sup>399</sup> подшоҳ бўлган Кушан Исо [Нуин]дан кейин яхудийлар устидан ғалаба қозониб, уларни саккиз йил қўл остида ушлаб турган, кейин Атаннал раислик тахтига ўтирганини айтишади. Баъзилари унинг подшоҳлик [муддатини] кўпроқ ҳисобласалар, бошқалари камроқ кўрсатадилар. Кўпинча баъзилари: «Фалон киши яхудийларга шунча йил ҳукмдор бўлди», деса, баъзи бирлари: «Унинг ҳукмронлиги камроқ, бу [кўрсатилган сон] яшаган ҳаётининг миқдори», – дейди. Баъзан шундай ҳам бўладики, эсга олинadиган икки муддатга биргаликда ҳукмронлик қилган икки кишининг даври тўғри келади.

«Седер Олам» китобида айтилганлар, гарчи [юқоридаги умумий] гапларга яқин бўлса ҳам, тафсилда зиддиятлидир, яъни биз яхудийларнинг [Байт ул-Муқаддаснинг] илк қурилиш вақтини [белгилашдаги] ихтилофларини айтмоқчимиз, уларнинг биз айтиб ўтган [аҳволлари] ҳақидаги шубҳа бундан мустаснодир.

Айрим жоҳил «хашвийлар» ва аҳмоқ «дахрийлар»<sup>400</sup> илгари ўтган халқларнинг тавсиф этилган умрларининг узунлигини, айниқса, Иброҳим алайҳиссалом замонидан аввалгилар ҳақида айтилганларни инкор этадилар. Ўз замонларида кўраётганларига қиёс қилиб, илгаригиларнинг гавдалари катталиги ҳақидаги ҳикояларни ёқтирмайдилар ва ёмон кўрадилар; бундай нақлларни имконият чегарасидан имконсизлик соҳасига кўчирадилар. Улар болалар туғилгач, қанча умр кўришлари ҳақида астрологлардан эшитган толлелардаги энг кўп «ёриткичлар ҳадяси»<sup>401</sup> ҳақидаги нарсаларни асос қилиб оладилар.

(76) ||

Бани Исроилнинг Байт ул-Муқаддасдаги ҳарам қурилиб битирилганидан то унинг бириччи вайрон қилингунига қадар, яъни тўрт юз ўн йил ичида ўтган подшоҳлар ва ҳукмдорларнинг исмлари	Ривоятлар китобига кўра, уларнинг ҳар бири ҳукми сурган йиллар	Жами йиллар	«Седеер Олам» китобига кўра улар ҳар бирининг ҳукмдорлик йиллари	Жами йиллар
Бани Исроил Мисрдан чикиб, то Мусо вафотигача ат-Тихда турдилар	40	40	40	40
Мусодан кейин Исо Нуин	27	67	27	67
Атаниал ибн Қиназа	40	107	40	107
Аглон ибн Аммул Моваб ва Амалиқа подшоҳи	18	125	-	-
Эхуд ибн Гира – Ифраим авлодидан, ўнг қули шол [бўлган]	80	205	80	187
Шамкур ибн Анад	20	225	-	-
Дебора, аёл пайгамбар ва унинг ўринбосари Барак	40	265	40	227
Мадяник золимлар	7	272	7	334
Манапша авлодидан Гидеон ибн Офра	40	312	43	277
Аби Мелех ибн Гидеон	3	315	-	-
Тулаъ ибн Фуа – Ифраим авлодидан	23	338	44	3211
Яйрил Гилади – Манапша авлодидан	22	360	-	-
Бану Аммул – Филишти, улар фаластинликлардир	18	378	18	389
Яфтаҳ Гилади	6	384	6	345
Абсун, Нахшун ҳам дейилади, у Байт ул-лаҳмдан	7	391	7	352
Элеон	10	401	10	362
Абдон ибн Гиллел	8	409	8	370
Фаластинликлар	40	449	-	-
Қудратли Самсон, Дан уругидан	20	469	20	390
Раиссилик [яхудийларда]	10	479	-	-
Илия – коҳин	40	519	40	430
Самуилга пайгамбарлик келгунича қайиқ душманлар қулида	10	529	10	446
Самуил подшоҳликка Савулни тайинлади	20	549	-	-
Шавул, яъни Савул	20	569	20	442
Довуд, у подшоҳлигининг 11 йилидан [Қуддус] ҳарамини кура бошлади	40	609	40	482
Сулаймон ибн Довуд, то у ҳарамни қуриб битиргунича	3	612	3	485

Бани Исроилнинг Байт ул-Муқаддасдаги ҳарам қурилиб битрилганидан то унинг биринчи вайрон қилингунига қадар, яъни тўрт юз ўн йил ичида ўтган подшоҳлар ва ҳукмдорларнинг исмлари	Ривоятлар китобига кўра, уларнинг ҳар бири ҳукм сурган йиллар	Жами йиллар	«Седед Оламо» китобига кўра уларнинг ҳар бири ҳукм сурган йиллар	Жами йиллар
Сулаймон ибн Довуд, ҳарам қурилиб бўлганидан кейин	37	649	37	522
Робоам ибн Сулаймон	17	666	17	539
Абия ибн Робоам	3	669	2	541
Аса ибн Абия	41	710	41	582
Яхушафат ибн Аса	25	735	23	605
Яхурам ибн Яхушафат	8	743	6	611
Аҳазия ибн Яхурам	1	744	11	622
Аталия, то уни Йоаш қатл этгунича	6	750	6	628
Йоаш ибн Аҳазия, то уни ўз одамлари ўлдиргунича	40	790	40	668
Амасия ибн Йоаш – то вафотигача	29	819	29	697
Ўзия ибн Амасия, то вафотигача	52	871	52	749
Йосам ибн Ўзия, то вафотигача	16	887	16	765
Аҳаз ибн Йосам, то вафотигача	16	903	16	773
Ҳизиқия ибн Аҳаз – барча [яхудий] уруғларининг подшоҳи	29	932	29	802
Манаша ибн Ҳизиқия	55	987	55	857
Аммун ибн Манаша	2	989	2	869
Йошия ибн Аммун, уни Миср подшоҳи қатл этгунича	31	1020	31	890
Яхуаҳаз ибн Йошия, уни Миср подшоҳи асир қилгунича	3	1023	-	-
Яхуақим ибн Яхуаҳаз, уни Миср подшоҳи тайинлаган	10	1033	11	901
Яхуақин ибн Яхуяқим, уни Бухтунасар асир қилгунича	3	1036	-	-
Садақия, у Бухтунасарга қарши бориб, бу уни ўлдирishi ва Байт ул-Муқаддасни вайрон қилгунича	6	1042	11	912
Ҳарам вайронликда ётди	70	1112	70	982
Айтадилар: асирликдан Даниёлгача	90	1202	90	1052
Даниёлдан Масих алайҳиссалом туғилгунича	483	1685	483	1535
Масих туғилишидан, Муҳаммад алайҳиссалом (иккисига ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин) ҳижратигача	600	2285	600	2135

(77) II

(78) II

(79)|| Асослари шуки, туғилиш юз берганида Қуёш «ҳайлаж»<sup>402</sup> ва «кад-худо»<sup>403</sup> да бўлса, яъни ўз «уй»и<sup>404</sup> ёки «шараф»ида<sup>405</sup> бўлиб, «козиқ»<sup>406</sup> ва «эркакликка [мувофиқ] чорак»<sup>407</sup> да бўлса, у энг кўп йилни – бир юз йигирма йилни [туғилганга] ҳада қилади. Бунга Ой йигирма беш йил, Зухра саккиз йил, Уторид йигирма йил<sup>408</sup>, Муштарий ўн икки йил қўшади. Бу улардан ҳар бирининг энг оз йилидир. Чунки улар [туғилган болага] «мувофиқ назар»<sup>409</sup> ташлаганларида бундан кўпни орттирмайдилар. Икки наҳс сайёра<sup>410</sup> [назардан] тушади<sup>411</sup> ва [йиллар сонини] ҳеч камайтирмайди. «Бош»<sup>412</sup> Қуёш билан бир буржда бўлса-да, Қуёшдан буржнинг [Қуёш] тутилиши чегараларида бўлмайдиган даражада узоқда туради. Шундай бўлгач, «Бош» ҳам Қуёш ҳадаясининг тўртдан бирини, яъни ўттиз йилни қўшади. Натижада буларнинг жами икки юз ўн беш йил бўлади. Айтишларича, агар [умрни] бирор нарса қиркмаса, инсон эришадиган энг узун умр шудир. Табиий умр эса бир юз йигирма йилдир, чунки олам Қуёш билан барпо ва бу адад унинг энг кўп йилидир.

У кишилар<sup>413</sup> ўз даъволари фойдасига шундай ҳукм чиқардилар. «Агар Ҳақ [Аллоҳ] уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса эди, албатта, осмонлар, Ер ва улардаги бор жонзот бузилиб [ҳалок] бўлган бўлур эди...»<sup>414</sup>. Улар [ўз назарияларини] астрологлар айтганининг тескарисига асослаб «Бу сайёралар энг кўп йилларни ҳада қилади», дейдилар ва ўз китобларида оламда ҳукмронлик юқори сайёраларда<sup>415</sup> бўлганда оловли буржларда<sup>416</sup> ёриткичларнинг [мавлидларга] мингларча йиллар берганларини, Қуёш ва Зухра йиллари эса энг узоқ умр кўрган деб зикр қилинган [кишилар] умридан анча кўп эканини айтганлар.

Мунажжимларнинг Машааллоҳ<sup>417</sup> номли астрологиядаги сўзи ишончли эканлиги ва пешқадамлиги инкор этилмайдиган устозлари даъво қилишича, гўё кишининг туғилиш вақти ўртача бирлашиш бир учбурчакдан иккинчисига ўтган, толе эса Зухал ёки Муштарий иккисининг «уй»идан бири бўлган, кундузи Қуёш, кечаси Ой «уй эгаси» бўлган вақтга тўғри келса ва Ой ғоят даражада қувватли бўлса, у киши «ўртача бирлашиш»<sup>418</sup> йилларича умр кўриши мумкин эмиш.

Агар шу хил туғилиш вақти бирлашишнинг Ҳамалга ва унинг учбурчакларига ўтган ва айтиб ўтилганидек далолат бўлган [вақтга тўғри] келса, туғилган бола «катта бирлашиш» йилларича, яъни тўққиз юз олтмиш йилга яқин, токи бирлашиш ўз жойига қайтгунича яшаши мумкин. [Машааллоҳ] ўзининг «Туғилишлар ҳақида китоб»<sup>419</sup>ининг бошида бу ҳақда очиқ ва равшан баён қилади. [Ҳашвий ва даҳрийларнинг] «ёриткичлар ҳадаysi»га асосла-нишлари мана шу.

(80)|| Бизнинг «Алдаш санъатидан иборат юлдузларга қараб ҳукм чиқаришга қарши огоҳлантириш»<sup>420</sup> номли китобимиз ёриткичларнинг ҳар

бири тавсиф этилган бу йиллар ҳақида шулардан фойдаланувчи астрологлар билан бўлган сўзимиз бор. «Кўнгилга шифо берувчи қуёшлар китоби»<sup>421</sup> [асаримиз]да у йилларни ўрганишдаги энг яхши усуллардан фойдаланиш учун қўлланма кўрсатдик. Кейин, фақат ҳозирда кўрилаётганлар ва уларга қиёс қилинаётганлар [илгариги кишиларнинг] узоқ умр кўргани, гавдалари катта бўлгани ва улар ҳақида тарих китобларида айтилганларнинг аксари мумкин эканлигини инкор этмайди. Чунки буларга ўхшаш ҳодисалар [турли] замонда ҳар хил турда юз бериб туради. Бу ҳодисаларнинг айримлари маълум вақтларда бўлиб, кетма-кет даврий равишда юзага чиқади ва мумкинлик даражасига етгач, ўзгаришга учрайди. Уларнинг келаётган вақтида кузатмаган киши [бундай ҳодисани] ақлдан узоқ ҳисоблайди ва, кўпинча, уларни рад этишга шошади.

Жониворларнинг кўпайиши, дарахтларнинг ҳосил бериши, экин ва меваларнинг етилишидан иборат даврий қайтарилиб турувчи барча ҳодисалар шу [сифатлар] жумласига киради. Башарти [дарахтлар] аҳволидан бутунлай хабарсиз бўлган бирор кишини барглари тўкилган дарахт олдига олиб келиб, дарахтнинг кўкариши, гуллаши, мева қилиши ва бошқалар ҳақида унга тушунтириш имкони бўлса, албатта, у ўз кўзи билан кўрмагунича [бундай ҳодисани] ақлдан узоқ деб билади. Шимолий мамлакатлар[да яшайдиган] кишиларнинг хурмо, зайтун, мирт [ос] ва шунга ўхшаш дарахтларнинг қишда кўкариб, яшнаб туришига ажабланишлари учун даъват қилувчи сабаб ҳам шудир, чунки улар бунга ўхшашларни ўз мамлакатларида кўрмаганлар.

У ҳодисалардан баъзилари [турли] замонларда давр билан юзага чиқмай, балки тасодифан рўй беради. Тасодифан юз берган [ҳодиса]нинг вақти ўтгач, унинг фақат хабари қолади, холос. Бундай хабарлар ростлигига шартлар мавжуд бўлса ва уларнинг ўтган замонда юз бериши мумкин [нарса] бўлса, гарчи унинг қандай вужудга келиши хаёлга келтирилмаган ва сабаби билинмаган бўлса ҳам, бундай хабарни қабул этмай чора йўқ.

Баъзилари шундай ҳолатда юз берса ҳам, улар ўз турларидаги тартибдан чиқиб кетгани сабабли «табиат хатоси» деб аталади. Биз уларни бундай ном билан эмас, балки «модданинг мўътадил миқдордан сиртга чиқиши» деб атаган бўлардик. Масалан, ортиқча аъзоли ҳайвонлар учратилиши мана бундай бўлади: ҳайвонлар жинсларини ўз ҳолича сақлашга вакил қилинган табиат ортиқча модда учратган вақтда, уни бекор қолдирмай, ундан бир сурат ясайди. Аъзоси нуқсонли бўлган ҳайвонларга келсак, табиат бир шахс суратини унинг ўз жинси шаклида тугал тайёрлашга модда топмаса, уни аъзо нуқсонлигига зарар етказмайдиган ва руҳ кучига яраша тинчланадиган суратда тайёрлайди.

Собит ибн Синон ибн Собит ибн Қурранинг<sup>422</sup> йил ҳисоблари ҳақида ёзган китобида келтирилган ҳикоя бунга мисолдир: у Сурра Ман Раа<sup>423</sup> шахри

якинида [эндигина] тухумдан чикқан ҳинд жўжасини кўрган. Унинг яратилиши тўла-тўқис-у, аммо иккита тумшуғи ва учта кўзи бўлган.

[Собитнинг] яна накл қилишича, Тузуннинг<sup>424</sup> амирлик [қилган] вақтида унинг олдига юзи инсон юзи сингари кулчасимон, иккала жағи ва тишлари ҳам инсонникига ўхшаш бир кўзли ва пешонасида думга ўхшаш нарсаси бўлган ўлик эчки боласини олиб келишган.

[Собит] яна ҳикоя қилади: Бағдоднинг Ал-Муҳаррам маҳалласида бир бола туғилиб, ўша ондаёқ ўлган. Уни Изз уд-Давла Бахтиёрга<sup>425</sup> олиб келишган, унинг отаси Муъизз уд-Давла<sup>426</sup> ҳаёт экан, у [болани] кўздан кечирган. Унинг танаси кам-кўстсиз битта бўлган, аммо унда иккита бўйин<sup>427</sup> ва иккита расо бош бўлган ва ҳар бирида икки кўз, қулоқ, бурун катаклари билан оғизлари бўлган.

(81)|| Яна [Собит ибн Синон] бир рум руҳонийси [ҳақида] ҳикоя қилади: бу руҳоний 352 йил[нинг] қишида Носир уд-Давлага<sup>428</sup> қорни билан бир-бирига ёпишган икки кишини юборган. Улар арабийлардан бўлиб, ёшлари йигирма бешда экан. [Собит] уларнинг исмларини, соқолли эканларини ва оталарининг ҳам улар билан бирга эканини айтган. Улар бир-бирларига юзма-юз ёпиштириб [яратилган] эканлар. Лекин уларни бир-бирига улаб турган ораларидаги тери узун бўлиб, чўзилиши, ҳатто, бири иккинчисининг ўнг томонида туриши мумкин бўлган. Тавсиф этишларича, уларнинг ҳар бирида алоҳида [эрлик] олатлари бўлган. Ёйиш, ичиш ва ҳожатга бориш вақтлари бир-бириникидан фарқ қилган. Иккови бир уловга бир-бирига юзма-юз ҳолда минар, бири аёлларни, иккинчиси болаларни яхши кўрар экан.

Шак йўқки, «қуввати табиия» илҳомлантирилган ва вакил қилинган ва-зифаси билан бирор моддага дуч келганда, уни бекор қолдирмайди. Агар у модда керагидан ортик бўлса, у қувват [ўз] ишини икки марта орттиради. Шу икки марта ишланган нарса гоҳо эгизаклар сингари бир-бирига яқин, лекин ажралган, гоҳо ҳалиги иккита арабийлар каби бир-бирига ёпишган ва гоҳо арабийлардан аввал айтилган нарсага ўхшаш бир-бирига киришган бўлади.

Шунингдек, иккиланиб ишланган нарса турлари шу сифатда ва бошқа сифатда ҳар хил ҳайвонларда ҳам учратилади. Масалан, денгиз балиқлари ҳақида ҳикоя қилинишича, уларнинг қатма-қат турлари топилди, яъни [бир балиқ] ёрилганда, ичидан унга ўхшаш [иккинчи] балиқ чикқан.

Иккилантириб орттириш баъзан бир неча марта такрорланади. Бу ҳодисаларнинг барчаси ўсимликларда [ҳам] учрайди: бир-бирига ёпишган кўшалок мевалар, битта пўчок ўраб турган кўшалок мағизлар. Икки марта орттиришда кўпайиш ва бир-бирининг ичига кириб кетиш ҳам бўлади: ичида ўзи каби лимон мавжуд бўлган лимон бунга мисолдир.

Гоҳо [қуввати табиия] тўлиқ икки ҳисса қилиш ишини тамомлай олмайди-да, аъзоларни ортиқча (бармоқлар сингари) турган жойларига лойик орттириб

кўяди, чунки [бу бармоқлар] одатдагига ва яроткиларга қараганда ортиқча бўлса ҳам, ўзига тегишли ўринларда туради ёки турган жойларига нолайик аъзоларни орттиради. У пайтда бу [ортиқча]ни «табиат хатоси» деб аташ тўғри бўлади. Журжонда ас-Соҳиб<sup>429</sup> даврида (Бувайхйилар хонадони у жойларни эгаллаган вақтда) кўрилган сигир бунга мисолдир. Уни ёшлар ҳам, кексалар ҳам кўрганлар. Бизга ҳикоя қилишларича, сигирнинг яғринида, бўйнига яқин жойда олдинги икки оёғининг бирига ўхшаш билак бўғинлар ва туёқ расо бир оёқ бўлиб, сигир уни ихтиёрий равишда букиб ва ёзиб ҳаракатлантирар экан.

Булар ва бунга ўхшаш [нуксон] турларини қайд этиш учун китобларимиз орасидан махсус китоб ажратилган. Уларни кўзи билан кўрмаган киши бундай хабарларнинг ростлиги шартларини учратмагани учун уни қабул этмайди.

[Узоқ] умр кўриш масаласи эса наслу насабга тегишлидир. Бу [айниқса] ҳимyar ва уларга ўхшаш [халқларга] хос бўлиб, Фаргона ва Ямома<sup>430</sup> каби жойларда [кўпроқ] учрайди. Солиқ тўпловчиларнинг ҳикояларига қараганда, у икки мамлакатда бошқа шаҳарларда топилмайдиган узоқ умр кўрувчилар бор.

(82)|| Абу Маъшар Балхий ҳақида Абу Саид ибн Шозон<sup>431</sup> ўзининг «Сирлар ҳақида суҳбатлар китоби»да ҳикоя қилади: Сарандиб подшоси ўғлининг [қанча умр кўришини билиш учун] туғилган вақти ҳақида Абу Маъшарга ёзиб юборган. Унинг толеи Жавзода бўлиб, Зухал Саратон [буржида], Куёш Жадий [буржида] бўлган. Абу Маъшар: «Бола Зухалнинг ўрта даврича<sup>432</sup> яшайди», – деб ҳукм чиқарган. [Абу Саид] айтади: «Мен унга: «Субҳаналлох, унинг «уй эгаси» «йиқилаётган қозик»<sup>433</sup> қайта ҳаракатининг<sup>434</sup> авжида-ку! Шундай бўлгач, «уй эгаси» туғилган болага энг кичик даврдан бошқани бермайди. Бунинг [уй]ига қайтиш ҳаракати учун яна эллик йилни олиб ташлаш керак», – дедим. Абу Маъшар менга жавоб берди: «У кишилар узоқ умр кўришга илгарирок ҳукм қилинган иқлим аҳолисидирлар. Бу иқлим кишиси [уй эгаси] Зухал бўлса ҳам, кўпинча [узоқ] яшайди. Эшитишимча, улардан бирор киши Зухалнинг ўрта даврича умр кўрмай ўлса, унинг тез ўлганига ажабланар эканлар. Зухал ўзига хос иқлимда кадхудоликни эгалласа, ўзининг катта ва кичик даврини кўп қамайтирмайди, лекин «йиқилаётган» бўлса [қамайтиради]»<sup>435</sup>. Мен: «У йиқияпти-ку!» – дедим. Абу Маъшар: «Шакл нуқтаи назаридан «йиқияпти», тадбир жиҳатидан эса «йиқилаётгани йўқ», – деди. [Абу Маъшар] бир иқлим [халқи] бошқасига нисбатан узоқ яшашини шу ерда тасдиқ этди»<sup>436</sup>.

[Абу Саид] бошқа жойда ҳикоя қилишича, у Абу Маъшар хузурида эканида ас-Саффорнинг<sup>437</sup> яқин кишиси Абу Исмаил ўзининг туғилган вақтидаги хавфли аломатлар ҳақида унга савол берган. Шунда Абу Маъшар: «Биласанми, отанг неча ёшда вафот этган?» – деб сўраган.



- Ҳа, биламан, – деди Абу Исмат.
- Ўша ёшга етдингми? – сўради Абу Маъшар.
- Ундан ўтдим, – деди.
- Онанг неча ёшда вафот этган, биласанми?
- Ҳа, биламан, ундан ҳам ўтдим.
- Биласанми, отангнинг отаси, бобонг қанча яшаган? – деди Абу Маъшар.
- Ҳа, биламан, ҳали у ёшга етганим йўқ, – деди Абу Исмат.
- Қара-чи, туғилган вақтинг далолат берган бу зиддият бобонг умрига мувофиқми?

Абу Исмат: «Ҳа, унга мувофиқ», – деган эди, Абу Маъшар: «Қўрқишда ҳақли экансан!» – деди-да, кейин у: «Табиат ғолиброкдир. Киши отаси, ё онаси, ёки отасининг отаси – бобоси умрича яшаганда, ўзига келадиган ҳар бир бахтсизликдан кучли далиллар бўлмаса, ўтиб кетолмайди. Бу дарахтлар ва экинларда кўриниб туради, чунки уларнинг бир нави узоқ вақт яшаш билан танилган бўлса, бошқаси тез офат етиш ва қисқа муддат яшаш билан машҳурдир», – деди.

Абу Маъшар бу ерда ҳам [узоқ умр кўришнинг] насл-насабга боғлиқ эканини тасдиқлади. Демак, [баъзиларнинг] астрологлар сўзига асосланганликлари сохталик, чунки [узоқ умр кўриш] астрологлар назарида насл-насабга боғлиқ бўлиши мумкингина эмас, балки биз юқорида айтгандек бўлиши зарурдир.

[Ишонмайдиганлар] то кўзлари билан кўрмагунларича, ўз замонлари ва маконларида учрамаган ҳар бир нарсани инкор этадилар, улардан яширин нарсаларни тасдиқламайдилар. [Бу] инкор этган нарсаларининг кўпини ақл [содир бўлиши] мумкин деб билса-да, [шунини айтиш керакки] улуғ ҳодисалар ҳар доим ҳам юз беравермайди; агар бир даврда юз берса, ундан кейинги кишиларга асрлар ва узоқ замонлар ўтгач, тарихлар ва бу тарихларнинг бири-бирига уланиши билан етиб боради, холос. Балки улар ўз ҳаракатларида яна ҳам диққат кўрсатсалар, албатта, холис софистлар<sup>438</sup> бўлиб, ер юзида ўзлари яшаб турган жойдан бошқа шаҳарлар борлиги тўғрисидаги одамларнинг гапларини тасдиқламасликка ва шунга ўхшаш шармандаликларга йўл қўйган бўлардилар.

(83)|| Агар уларнинг ҳикояларини эшитсангиз, ҳиндларнинг сўзларига асосланишларини ва ҳиндларга нисбат бериладиган хурофотларга суянишларини ҳамда доимо: «Ҳиндларнинг орасида тошдан йўнилиб, бўйнига кўпгина темир маржонлар осилган санам учратилади. Бу [маржонлар] ҳиндларнинг ўн минглаб йиллик эраларидир. Агар улар санаб чикилса, кўп йиллик муддат ҳосил бўлади», деб далил келтиришларини кўрасиз. Агар уларга: «Ҳиндлар[нинг] даъволарича, ҳалила, амила, балила<sup>439</sup> олиб келинадиган шаҳар – Жамалабадҳаранинг подшоҳи икки юз йил яшаган, у улов миниб,

овга чиқиб, хотин олиб, ёшлар сингари юрарди ва булар ҳаммаси даволаниш натижасида эди», десангиз, улар буни инкор этиб: «Ҳиндлар очикдан-очик ёлгон гапирадилар, ростни ёлгондан ажратмайдилар ва ўз илмларида илоҳий ваҳийга нисбат берадилар, уларнинг гапларига ишониб бўлмайди», – дейдилар. Ҳиндларнинг дин, миллат, савоб, жазо ва ўзларини турли азоблар билан қийнашлари бобида тутган мазҳабларининг кучсиз эканини гапира бошлайдилар. Аллоҳ таоло: «Балки [улар Куръон] илмини эгалламай туриб, [Куръонни] ёлгонга йўйгандирлар»<sup>440</sup> ва «...Улар ўзлари у [Куръон] билан ҳидоят топишмагач: «Бу эски уйдирмадир», дерлар»<sup>441</sup>, – деган сўзларида фақат шу гуруҳни кўзда тутган. Булар гарчи кучсиз бўлса ҳам, ўзларига ёққан нарсага иқроп бўладилар ва гарчи рост бўлса ҳам, эътиқодларига зид нарсадан қочадилар.

Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табарий ан-Нотилийнинг<sup>442</sup> табиий умр ҳақидаги мақоласини кўрдим. У: «Табиий умрнинг бориб етган жойи бир юз қирқ Куёш йили, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас», деган. Сўзни бундай умумий қилиб айтувчи кишидан кўнгилни бўйсундирадиган ва қаноатлантирадиган ҳужжат талаб қилинади, [Ан-Нотилий] эса бунга ҳеч қандай далил келтирмаган, фақат [китобига] ёзган муқаддимасида шундай деган: «Инсон учун учта «камолот» бор. Бири – балогатга етиши, яъни ўзи каби бировнинг ундан пайдо бўлиши мумкин бўладиган вақт бўлиб, иккинчи етти йилликнинг бошидир; иккинчи «камолот» – тафаккур қуввати бўлиб, унинг ақли қувватдан феълга чиқадиган вақти, яъни олтинчи етти йилликнинг бошидир; учинчи «камолот» – [одам] ёлғиз бўлса ўзини, уйланган бўлса оиласини ва подшоҳ бўлса фуқаросини кутишга ярайдиган вақти». [Ан-Нотилий]: «Бу «камолот»лар [муддатининг] ҳаммаси бир юз қирқ йил», деган.

Абу Абдуллоҳнинг бу сонларни қандай муносабат билан ҳисоблаб чиқаргани маълум эмас, чунки на бу сонлар ва на булардан ортиқ [сонлар] орасида аниқ мутаносиблик бор. Балки, у айтгандек, инсон «камолоти» учта бўлишини қабул этсак-да, кейин у ҳисоблагандек ҳисобласак ва иш охирида, агар далил талаб қилинишидан кўркмасак, «камолот» муддати] юз йил, ё минг йил, ёки шунга ўхшаш десак, биз билан унинг ўртасида фарқ бўлмайди. Шу билан бирга, биз замонимизда инсон [Ан-Нотилий] «камолот» белгиси қилиб кўрсатган ҳолатга у айтган етти йилликлар ва муддатлардан бир оз фарқли муддатларда етаётганини учратишимиз мумкин.

(84)|| Гавдаларнинг катталиги [масаласи]га келсак, бу ҳолатнинг ҳозирда кўринмаслиги ва у ҳақда ҳикоя қиладиган замоннинг давримиздан узоқлиги сабабли у, албатта, мавжуд бўлган дейилмаса ҳам, имкониятдан ташқари деб бўлмайди. Мана, Тавротнинг ўзи «жабборлар»нинг<sup>443</sup> гавдалари [катталиги] ҳақида гапиради. Уларни Бани Исроил кўрганидан кейин бировнинг Тавротга таъна қилишига йўл қўйилмади. Балки Бани Исроилга [Таврот] ўқиб берилди, ўзлари ҳам тиловат қилдилар ва ўқиб берганларини ёлгончи қилмадилар. Агар

«жабборлар» [Тавротда] айтилгандек бўлмаганида, Таврот ўқиган кишини кўз билан кўрилганнинг аксини айтгани учун, албатта, ёлгончига чиқарардилар. Агар бир гуруҳ одамлар йўгон гавдали бўлмаганларида, одамлар уларни доимо тилга олмас ва катталиқда одатдагидан юқори бўлган ҳар бир кишини уларга ўхшатмас эдилар. Бу Од кавми<sup>444</sup>га ўхшатиш [халқ ўртасида] жорий бўлганига ўхшайди.

У [ҳашвий ва даҳрий]ларни Од кавми аҳволига қандай ишонтира оламиз? Чунки улар яқинроқ замондаги ва ҳолати аниқроқ нарсаларни инкор этадилар, ўзларига қарши келтириладиган энг кучсиз далилга ҳам тенглашолмайдиган [нарсани] далил келтирадилар. «Худди чўчиган эшакларга ўхшаб»<sup>445</sup> кочадилар. Улар ҳозирда Мадйан<sup>446</sup> тоғларининг қоятошларида ўйилган уйлардан, у ерларда уйилган [тош] қабрлардан топилган гавдали одамларнинг колдикларига, бу қабрлар ичидаги катталиги туя устухонларидек ёки улардан ҳам катта суякларга ва бурун тешикларини бир нарса билан беркитмасдан у қабрларга киришга имконият бермайдиган бадбўйликка нима дейдилар?

Бу жойларда яшовчиларнинг ҳаммаси улар [қабрдагилар]ни «соя [куни] кишилари» дейдилар. [Ҳашвий ва даҳрийлар] «соя куни»<sup>447</sup> сўзини эшитганларида масхара қилиб куладилар, кибрланиб лабларини чўччайтирадилар, ўз тушунчаларига хурсанд бўлиб, ўзларини [бошқалардан] ортиқ кўриб, авом халқдан ташқарида эътиқод қилиб, бурунларини юқори кўтарадилар. Тангри уларга кифоя этувчидир.

Бир китобда Мосул аҳолисидан [бўлмиш] Ашшурия подшоҳларининг [подшоҳлик] муддатларини, Мисрда ўтган қибт подшоҳлари ҳамда [ҳар бири] Птолемей деб аталган Птолемейлар подшоҳлари муддатларини кўрсатадиган жадвалларни учратдик. Бу шундай бўлган эди: Искандар ўлими олдидан ўзидан кейин юнонликларга подшоҳ бўлган ҳар бир кишини душманларни кўрқитиш учун шу «Птолемей» лақаби билан аташни васият қилган эди, чунки «Птолемей»нинг маъноси «жангчи» демакдир. Яна [Птолемейлардан] кейинги Рум подшоҳларининг йил ҳисобларини топдик. У жадваллардаги йиллар Иброҳим туғилган вақтдан то Искандаргача икки минг тўқсон олти йил деб кўрсатилган. Бу яҳудийлар, христианлар ва ёриткичларнинг учрашувларидан ҳисобловчилар айтганларидан кўпроқдир.

Бу жадвалларни худди ўзидек қилиб кўчирдик, лекин замон у подшоҳларнинг исмлари [қандай талаффуз этилиши]ни эшитиб тузатишга имкон бермади. Эҳтимол, у исмлардан хабардор киши бўлса, биз талаб қилган [мақсад]ни мўлжаллаб, уларни ўрганувчига ишни енгил қилиш ва қидириш меҳнатидан уни қутқариш учун тузатар ва аниқлар! Ҳарфлар ҳисобини билмайдиган ва уларни тузатишга садоқат билан эътибор бермайдиган киши у жадваллардан ва бошқа жадваллардаги [рақамлардан] нусха кўчирмасин! Чунки кўчирувчилар жадваллар биридан иккинчисига ўтиб юриши сабабли

улар бузилиб, кўп йилларсиз ислох қилиб бўлмайдиган [ҳол]га келади. Биз кўчирган жадваллар қуйидагилардир.<sup>448</sup>

(85)||

Мокул аҳолисидан бўлган Ашшурия подшоҳларининг номлари. Уларнинг ададлари ўғтиз еттига, подшоҳлик муддатлари бир минг уч юз беш йиллар		Улардан ҳар бирининг [подшоҳлик] муддати	Жами [подшоҳлик] йиллари
1	Балус	62	62
2	Нинус – Мокул [вилоятида] Нинуяни [Ниневияни] бино этган. Подшоҳлигининг қирқ учинчи йилида Иброҳим туғилган	52	114
3	Ашмирам – Нинуснинг хотини, Сурраман-Раонинг гарб томонидаги Самаррани бино этган	42	156
4	Замис ибн Нинус – Иброҳим унинг томонидан азоб чеккан ва подшоҳлигининг йигирма учинчи йилида Фаластинга қочган	38	194
5	Ариюс	30	224
6	Аралюс	40	264
7	Ахшияруш	30	294
8	Армамитрис	38	332
9	Балахус	35	367
10	Балаус	52	419
11	Алгадус	32	451
12	Мамутус	30	481
13	Манхалус	30	511
14	Асфарус	20	531
15	Мамулус	30	561
16	Асфаратус	30	561
17	Асқангидус	40	641
18	Амнитус	45	686
19	Балахус	25	711
20	Балатарис	30	741
21	Ланфридис	32	773
22	Сусирас	20	793
23	Ланфарус	30	823
24	Фаннус	45	868
25	Сусрамус	19	887
26	Мисраюс	37	924
27	Тавтанас – унинг даврида Илиус шаҳри босиб олинди, юнонликлар шу [шаҳар]ни олиш учун урушадилар	31	955
28	Тавтаюс	40	995
29	Салинус	30	1025

(86)||

(123-бетдаги жадвалнинг давоми)

30	Даруклус. Унинг даврида Бани Исроилга подшоҳ бўлган	40	1065
31	Евфилос	38	1103
32	Лавасатинус. Унинг даврида Бани Исроил иккига бўлинган	40	1143
33	Фиритиадас	30	1173
34	Афрайус	20	1193
35	Афратанавус – [Унинг] подшоҳлигининг қирк икки йил ва бир юз олтмиш еттинчи кунда юнонларнинг (арабларнинг Имруу-л-Қайс сингари) илгор шоирлари Гомер <sup>449</sup> туғилган.	50	1243
36	Акраганос	42	1243
37	Туну Каланкарирос	20	1305

(87)|| Мағриб аҳолиси охириги [Туну Каланкарирос] подшоҳ ҳақида ҳикоя қилишича, Юнус унинг даврида Нинуяга Пайғамбар қилиб юборилган; ибронийчада «Арбоқ», форсчада «Даҳ-Оқ», арабчада «Заҳҳок» деб аталувчи бир ажамлик<sup>450</sup> бу подшоҳга қарши чиққан, у билан уруш қилиб енгган ва уни ўлдирган. Сўнг Каёнийлар<sup>451</sup> подшоҳлиги барпо бўлгунча, унинг мамлакатини эгаллаб турган. Каёнийлар – Мағриб аҳолиси қошида «Калдонийлар» номи билан машҳур бўлган Бобил подшоҳлари. [Арбоқ] етмиш икки йил ҳукмронлик қилган.

Аммо Калдонийлар Каёнийлар эмас, балки уларнинг Бобилдаги амалдорларидир. Улар Балхда яшардилар, Ироққа<sup>452</sup> келганларидан кейин Мағриб аҳолиси, аввало, уларнинг амалдорларини Калдонийлар деб атаганлар. [Сўнг-ра уларнинг] ўзларини ҳам шундай атай бошлаганлар.

Тарихшунослардан бирининг ҳикоя қилишича, Нимруд ибн Куш<sup>453</sup> ибн Ҳом ибн Нух Бобилда [турли] тиллар қоришувидан йигирма уч йил кейин подшоҳ бўлган. Бобил – Ер юзида илк пайдо бўлган мамлакат. Бобилда тиллар қоришуви Аргуниг туғилган вақтига тўғри келади. [Ҳалиги тарихшунос] Нимруддан кейинги подшоҳларни то юқоридаги жадвалда [подшоҳлик] муддатлари кўрсатилган Ашшур подшоҳларига етиб боргунча эслаб ўтади. Мана ўша (юқорида) эслатилган подшоҳларнинг подшоҳлик [муддатлари] жадвали<sup>454</sup>:

(88)||

Бобил подшоҳлари	Подшоҳлик [йиллари] муддати	Жами йиллар
Намруд ибн Куш	69	69
Фамнувас	85	154

(124-бетдаги жадвалнинг давоми)

Сомирус	72	226
Арфахшот	10	236
Бобил Ашшурийлар эгаллагунича подшоҳсиз колди.	5	241

Бобил подшоҳларининг йилларини ҳам топдик. Бу биринчи Бухтунасардан бошлаб «бинокор» Искандар ўлиши билан эранинг бобилликлардан Птолемей подшоҳларига ўтишигача бўлган муддат эди. Бу йилларни – [подшоҳлик] муддатларини тузатиб ёздик, лекин подшоҳлар исмлари тузатилмади, балки ҳарфлар кўринишига караб кўчирилди.

Бу [йилларни] ўз ичига олган жадвал:<sup>455</sup>

(89) ||

Калдоний подшоҳларининг жадвали	Ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Жами йиллар
Биринчи Бухтунасар – «Ал-Мажистий» китобида эра шу подшоҳдан бошланган	14	14
Навуходоносор – Надивус	2	16
Хинзируфур	5	21
Элулив	5	26
Мардуқанфад	12	38
Ариқинув	5	43
Абасилитис	2	45
Билибис	3	48
Уфрандио	6	54
Ариғабал	1	55
Масисимурдакус	4	59
Абасилитис иккинчи	8	67
Асридину	13	80
Сасдукин	20	100
Нобуфуласару ва Қиналдир	22	122
Навуходоносор	21	143
Бухтунасар – Байт ул-Муқаддасни фатҳ этган [подшоҳ]	43	186
Бархалалтағар	2	188
Балташассар	4	192
Дориус биринчи ал-Модой	17	209
Қуруш – Байт ул-Муқаддасни қурган [подшоҳ].	9	218
Қамбисус	8	226
Дориус	36	262

(125-бетдаги жадвалнинг давоми)

Ахшияруш	21	283
Артахшаст биринчи	43	326
Дариус	19	345
Артахшаст иккинчи	46	391
Охус	21	412
Фирун	2	414
Дариус ибн Арсих	6	420
Искандар ибн Макидун – «Бинокор»	8	428

(90)|| Бундан кейин эса Филиппусга ўтган<sup>456</sup>.

Мисрда ўтган қибт подшоҳларининг исмлари <sup>457</sup> . Уларнинг ададлари «форслардан ташқари» ўттиз тўртта, подшоҳлик муддатлари «форслар қўшилганда» саккиз юз тўқсон тўрт йил	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Диусполитос	178	178
Самандаус	26	204
Сусанис	101	305
Нафахрос	4	309
Амонофутос	9	318
Асахурис	6	324
Фасинохис	9	333
Фасусонис	35	368
Сасанахусис	21	389
Асаратун	15	404
Тақалусис	13	417
(91)   Футафастис	25	442
Асарасун	9	451
Фасаммус	10	461
Авфанивос	44	505
Сабақун ал-Ҳабаший	12	517
Сабийхас	12	529
Тарохус	20	549
Аморос ал-Ҳабаший	12	561
Астофиносис	7	568
Нахфасус	6	574
Наху	8	582
Фасамматикус	44	626
Нажануқа	6	632

Фасаммусос	17	644
Вафрис	25	674
Амасис	42	716
Форслар то Дориушгача	114	830
Амиртаюс	6	836
Нафаритос	6	842
Ухарис	12	854
Фасамус ва Мусатус	2	856
Нақтанабус	13	869
Тавус	7	876
Нақтанабус	18	894

Эра булардан ва Калдонийлардан кейин юнонлик Искандарга ўтди.

Бундан кейин Птолемейлар ва Қайсарлар йилларининг жадвалларини келтирамиз. Эра Филиппдан бошлаб уч қисмга бўлинади. Биринчи қисми – Филипп йиллари; иккинчиси – Август йиллари; учинчиси Диоклетиан йилларидир.

Биринчисига келсак, бу исқандарияликларнинг йиллари [бўлиб], каби-сасиздир; иккинчиси, румликларнинг йиллари: бу кабисалидир; учинчиси эса, худди иккинчисидек, лекин Диоклетиан подшоҳ[лигидан бошлаб] эра янгиланди. Чунки подшоҳлик унга ўтгач, унинг авлодида қолди, ундан кейин улар христианликни қабул этдилар. Сўнгра, гарчи подшоҳлик неча марталаб Диоклетиан авлодидан кетса ҳам, бошқа [подшоҳ] эраси кўрсатилмаган.

У жадваллар мана булар<sup>458</sup>:

(92)||

Македония шаҳри подшоҳларининг исмлари. Улар Птолемейлар деб лақабланган юнонликлардир	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Филипп [мил.авв. 359–336]	7	7
Искандар Филиппнинг ўғли – бу иккинчи [мил.авв. 336–323]	12	19
Птолемей [I] Куешнинг ўғли, Ал-Мантикий <sup>459</sup> – у Фаластинга юриш қилиб, Бани Исроилни асир олди, кейин уларни озод этиб, Байт ул-Муқаддас [ибодатхонаси]га қўйилган жавҳар идишни уларга ҳадя қилди <sup>460</sup>	20	39
Птолемей [II] Филадельф – биродарини севувчи У Тавротни юнон тилига таржима қилган [мил.авв. 285–246]	38	77
Птолемей [III] Эвергет – Заргар биринчи. [мил.авв. 246–221]	25	102
Птолемей [IV] Филоматор – онасини севувчи [мил.авв. 221–203]	17	119
Птолемей [V] Эпифан – Заргар иккинчи [мил.авв. 203–181/0]	24	143
Птолемей [VI] Филопатор – отасига садоқатли [мил.авв. 181/0–145]	35	178



Птолемей [VII] Эвергет – Искандар иккинчи [мил.авв. 145–116]	29	207
Птолемей [VIII] Сотер Темирчи <sup>461</sup> – ҳийла ва найранглارни севувчи [мил.авв. 116–88–80]	36	243
Птолемей [IX] Дионисий – кўп яхшилик қилувчи [мил.авв. 80–51]	3	272
Клеопатра – то Гай Юлий Римга подшоҳ бўлгунича [мил.авв. 51–48]	4 йил 6 ой	275
Клеопатра – то Гай вафот этиб, ўгли Август подшоҳ бўлгунича [мил.авв. 47–42]	14 йил 6 ой	294
Клеопатра, то Август уни ўлдиргунига қадар [мил.авв. 44–30]		

Клеопатрани Птолемей деб аташда ихтилоф бор, чунки у аёлдир. У Искандарияда бўлгани ва у ерда подшоҳлик қилгани учун Птолемей лақабини олган. Гай – румийча Юлий бўлиб, унинг маъноси «олам подшоҳи» демакдир.

(93)||

Рим подшоҳларининг исмлари. Улар Қайсарлар бўлиб, Римда яшаганлар. Улар Ал-Асфар, яъни Сувфар ибн Нафар ибн Исав Ибн Исҳоқ ибн Иброҳим пайгамбар алайҳиссаломнинг авлодидандирлар	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Август – Қайсар – Клеопатрани ўлдирганидан кейин [мил.авв. 27 – 14]	43	43
Тиберий ибн Август [мил.авв. 14 – 37]	22	65
Гай [мил.авв. 37 – 41]	4	69
Клавдий – апостол Павел ва Симон-Петрнинг қотили [мил.авв. 41 – 54]	14	83
Нерон малъун – мўминларнинг қотили [мил.авв. 54 – 68] <sup>462</sup>	14	97
Веспасиан [V] – подшоҳигидан бир йил ўтгандан кейин Фаластинга юриш қилиб, Байт ул-Муқаддасдаги яҳудийларни уч йил қамал қилади. Байт ул-Муқаддасни вайрон этиб, яҳудийларни йўқ қилади, [қолганларини] тарқатиб юборади ва [уларнинг] шариатларини бекор қилади [69 –79]	10	107
Тит [79 – 81]	3	110
Домициан – подшоҳлигининг ўн тўққизинчи йилида Инжил эгаси Юҳанна ҳайдалади. У Домициан вафотига қадар бир оролда яшириниб ётади, кейин Афсус <sup>463</sup> шаҳрида яшайди [81–96]	15	125
Нерва [96–98]	1	126
Траян [98–117]	19	145
Адриан – бу [подшоҳ] Байт ул-Муқаддасни вайрон этди ва подшоҳлигининг ўн саккизинчи йилида мохов касалига йўлиқди [117–137] <sup>464</sup>	21	166
Антонин – Байт ул-Муқаддасни қайта қурган. Гален <sup>465</sup> бу [шоҳ] подшоҳлигининг аввалида анатомия ҳақида бир китоб ёзганини эслаб ўтади [137–161]	23	189
Коммод [180–192] <sup>466</sup>	32	221
Север [193–211] ва Антонини [Совистий X] [211–217]	25	246

(94)	Антониннинг ёлғиз ўзи <sup>467</sup> . Унинг [нодшоҳлиги] даври охирида Гален вафот этган	4	250
	Искандар ибн Маммо (бу [исм]нинг маъноси «ожиз», «кудратси» демакдир) [222–235]	13	263
	Максимиан [235–244]	3	266
	Гордиан [238–244]	6	272
	Филипп [244–249]	6	278
	Деций – («Асхоби Қаҳф» замондоши) [249–251]	1	279
	Галл [253–268] <sup>468</sup>	3	282
	Валериан <sup>469</sup> [253–265]	5	287
	Клавдий [268–270]	1	288
	Аврелиан [270–275]	6	294
	Проб [276–282]	7	301
	Кар [282–283] ва Карин [283–285]	2	303

(95)	<b>Христиан подшоҳларининг исмлари<sup>470</sup></b>	<b>Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]</b>	<b>Жами йиллар</b>
	Диоклетян [284–305] <sup>471</sup>	21	21
	Константин [306–337] – у христианликни биринчи қабул этган подшоҳ. Кустантания деворларини бино этган. Подшоҳлигининг биринчи йилида онаси Елена [Исо пайгамбар осилган] салиб таёғини кидирди ва охири уни топди. Ун тўққизинчи йилида дин раҳбарлари Никеяда тўпланиб, христиан дини қонуларини туздилар	32	53
	Констант [337–361]	24	77
	Юлиан кофир [361–363]	2	79
	Валентиниан [364–375]	1	80
	Валент – [душмандан] қочаётганда [ушланиб], сомонхонада ёндирилган.	14	94
	Улуғ Феодосий [379–395]	17	111
	Унинг ўғли Аркадий [395–408]	13	124
	Кичик Феодосий – унинг даврида Нистурис <sup>473</sup> лаънатланди [408–450]	42	166
	Маркиан ва унинг хотини Фулхерия – уларнинг замонида ёқубийлар <sup>474</sup> лаънатланади [450–457]	6	172
	Улуғ Лав – ўрта [ҳол] кишилардан эди [457–474]	18	190
	Зенон ал-Арминакий – ёқубийлардан эди [474–491]	17	207
	Анастас – Аморийни <sup>475</sup> бино қилди. У ҳам ёқубийлардан эди [491–518]	27	234
	Юстин [518–527]	9	243
	Юстиниан – Ар-Рухо <sup>476</sup> ибодатхонасини бино этган [527–565]	37	280
	Тиберий [578–582] <sup>477</sup>	37	297

(129-бетдаги жадвалнинг давоми)

(96)

Маврик – Баҳром Чубинга қарши [юришда] Кисрога ёрдам берган [582–602] <sup>478</sup>	14(4)	298
Фока – уни Кисро лашкарбошиси Шаҳрбароз <sup>479</sup> Қўстантияда қамал қилган [602–610]	8	318(306)
Иракий донишманд	31	349
Константин – Иракий ўғли, ҳаммомда сўйилган [641 й. 3 ой]	1	350
Констант [641–668]	27	377
Константин [668–685]	16	393
Юстиниан – румликлар унинг бурнини кесганлар [685–695]	10	403
Леонт – кексайиб заифлашгач, истеъфо берган [695–698]	3	406
Тиберий Аписмар [698–705]	7	413
Юстиниан – бурни кесик [иккинчи марта] [705–711]	6	419
Филипп [711–713]	3	422
Анастасий – Артемий. Жанг [қилиш]га ожизлик қилгач, тахдан туширилган [713–715]	2	424
Феодосий [III] – уни Маслама ибн Абдулмалик <sup>480</sup> қамалга олган [715–716]	1	425
Катта Лав – Маслама фириб бериб, уни Қўстантиядан қайтарган [716–741]	24	449
Константин [V] – катта Лавнинг ўғли [741–775]	34	483
Кичик Лав [IV] – катта Константиннинг ўғли [775–780]	4	487
Кичик Константин [VI] – кичик Лавнинг ўғли [780–797]	18	505
Августа [Ирина] – румликларга подшоҳ бўлган [аёл] <sup>481</sup> [797–802]	5	510
Никифор ва Ставракий Никифор ўғли [802–811]	18	528
Михаил Георгий ўғли [811–813]	12	-
Лав [V] – Михаил уни ибодатхонада ўлдиргунича [813–820]	7	-
Михаил Константиний – Лав ибн Фиофил ибн Михаил Константинийнинг қотили [820–829]	7 йил 5 ой	-
Басил ал-Сақлабий 482 – [христиан] подшоҳларининг охир-гиси [877–886]	3 йил 5 ой	-

(97)

Қўстантия подшоҳлари. Ҳамза ал-Исфохонийнинг қози Воқийдан ҳикоя қилишича, қози бу [исмларни гўё] Рум подшоҳларидан бирининг китобидан кўчирган <sup>483</sup>	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]		Жами йиллар	
	Йиллар	Ойлар	Йиллар	Ойлар
Константин ибн Елена – зафар қозонган	31	0	31	0
Унинг ўғли Константин	24	0	55	0
Унинг биродарининг ўғли Юлиан	2	6	57	6
Феодосий	10	9	68	3
Грациан ва Валентиниан	6	0	74	3
Аркадий ибн Феодосий	13	3	87	6
Феодосий ибн Аркадий	42	0	129	-
Маркиан	29	0	158	6

(130-бетдаги жадвалнинг давоми)

Катта Лав	16	0	174	6
Кичик Лав	1	0	175	6
Зенон	17	0	192	6
Анастасий	27	4	219	10
Антлис	11	9	231	-
Кастрондас – унинг подшоҳлиги вақтида Пайгамбар алайҳиссалом [Муҳаммад] туғилган	38	3	369	7
Стефан	4	3	273	10
Маркиан – унинг даврида [Пайгамбарга] пайгамбарликка ваҳий келган	20	4	293	1
Фока – унинг даврида хижрат бўлган	8	0	301	5
Иракий – унинг ўғли – унинг подшоҳлик вақтида Пайгамбар алайҳиссалом вафот этган	31	0	332	5
Константин ибн Иракий	25	0	367	5
Константин – Иракий хотинининг ўгли	17	0	384	5
Константин ибн Иракий	10	0	394	5
Лав – у Лион ҳам дейилади	3	0	397	5
Тиберий	7	0	411	5
Юстин	6	0	417	5
Анастасий	6	0	423	5
Феодосий	2	0	425	5
Лав – унинг даврида Умавийлар ҳукмронлиги барҳам топган <sup>484</sup>	25	3	450	8
Лав ибн Константин – гумон қилинишича, бу ерда бир подшоҳ номи ва подшоҳлик муддати тушиб қолган <sup>485</sup>	5	0	455	8
Константин ибн Лав	6	5	471	11
Константин				
Ирина – подшоҳликни ўз отасидан олган	5	0	476	11
Никифур – ар-Рашид замондоши <sup>486</sup>	8	11	485	10
Ставкарый ибн Никифур	0	2	486	0
(98)   Унинг ўғли Михаил [II]	7	5	493	5
Унинг ўғли Феофил [829–842]	22	3	498 <sup>8</sup>	8
Михаил ибн Феофил – Сўнгра подшоҳлик Ал-Муътаз <sup>487</sup> замонида бу хонадондан [бошқасига] ўтган [842–867]	28	0	526	8
Басил Славян	20	0	546	8
Леон ибн Басил – [ҳижрий] 273 йили Ал-Муътазид <sup>488</sup> даврида [886–912]	26	0	572	8
Искандар ибн Басил – 299 [ҳижрий йилда] чипқон чиқиб ўлган [912–913]	1	2	573	10
Константин ибн Леон – [ҳижрий йилда]				

(99)|| Форсларга келсак, улар Каюмарсни биринчи инсон деб атайдилар. Унинг лакаби «Гиршоҳ», яъни «тоғ подшоҳи»дир. Баъзилар «Гилшоҳ», яъни

«балчик подшоҳи» дейишади. Чунки у вақтда [ерда] ҳеч кимса бўлмаган<sup>489</sup>. Бошқаларнинг айтишича, Каюмарснинг маъноси «тирик, сўзловчи, ўлувчи» демакдир.

Форсларнинг йил ҳисоблари Каюмарсдан [бошлаб] уч қисмга бўлинади. Биринчи қисм – Каюмарсдан то Искандар Дорони ўлдириб, Эрон подшоҳлигини эгаллаши ва уларнинг илму фан хазиналарини<sup>490</sup> ўз мамлакатига олиб кетишигача; иккинчиси – ўша вақтдан то Ардашир ибн Бобак<sup>491</sup> юзага чиқиб, мамлакатда тинчлик қарор топгунича; учинчиси – мана шу вақтдан то Яздигард ибн Шаҳриёр ўлдирилиши ва подшоҳлик Сосон авлодидан кетиб, ислом юзага чиққунича.

[Форслар] оламнинг бошланиши, Ахриман, яъни иблиснинг Аллоҳ оламини фикр қилиб, унга ажабланганидан тугилиши ва Каюмарс ҳақида кўпгина ажойиб гаплар айтганлар. [Улар шундай дейди]: «Тангри Ахриман иши хусусида ҳайрон бўлиб пешонаси терлади. У терни сидириб ташлаган эди, ундан Каюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Ахриманга қарши юборди, у Ахриманни енгиб, миниб олди ва унинг [устида] оламини айланиб чиқди. Ниҳоят, Ахриман Каюмарсдан нимадан кўрқинини сўради. Каюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганида қаттиқ кўрқинини айтди. Ахриман [жаҳаннам] дарвозасига етгач, ҳийла қилиб ўйноқлай бошлади. Охири Каюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Ахриман унинг [устига] чиқиб олди ва Каюмарсдан: «Қайси томонингдан ея бошлай?» – деб сўради. Каюмарс ўзининг айтганига Ахриманнинг қарши иш қилишини билиб: «Оёқ томондан ейишни бошлагин! Олам хуснини бир муддат кўриб олай», – деди. Ахриман уни бош томонидан ея бошлаб, бел қисмига етганида икки томчи сув ерга томди-да, ердан икки туп ровоч кўкариб чиқди ва ровочлар ўртасидан Мешо ва Мешона тугилди]. Бу иккиси [форслар эътиқодича] Одам ва Ҳавво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпарастлари уларни Мард ва Мардона деб атайдилар.

[Юқоридаги гаплар] геометрик [олим] Абу-л-Ҳасан Озархурдан<sup>492</sup> эшитганимиз асосидадир. Шоир Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Балҳий «Шоҳнома»<sup>493</sup> [асари]да инсониятнинг бошланиши ҳақидаги бу ривоятни биз ҳикоя қилгандан бошқачароқ баён этган. У ўз хабарларини Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа<sup>494</sup>, Муҳаммад ибн Жаҳм ал-Бармакий<sup>495</sup>, Ҳишом ибн ал-Қосим, Шопур шаҳрининг<sup>496</sup> донишманди Баҳром ибн Мардоншоҳ ва Баҳром ибн Миҳрон ал-Исфажонийларнинг «Сияр ал-мулук» китобларидан тўғрилаб, кейин мажусий Баҳром ал-Ҳиравий<sup>497</sup> айтганларига солиштирганини даъво қилган.

(100)|| Муҳаммад ал-Балхий шундай дейди: «Каюмарс жаннатда уч минг йил бўлган, бу Ҳамал, Савр, Жавзо минг йилликларидир. Сўнгра ерга тушиб, Ахриман туфайли ёмонликлар юз бергунча, уч минг йил омон ва тинч турган. Бу Саратон, Асад ва Сунбула минг йилликларидир. Каюмарснинг Гиршоҳ деб аталишига сабаб шуки, «гир» паҳлавийча «тоғ» демақдир. Каюмарс тоғларда истикомат қилган ва кўзи тушган ҳайвонлар ҳайрон қолиб, ўзидан кетадиган даражада ҳуснли бўлган. Ахриманнинг Ҳазура исмли ўғли бор экан, у Каюмарсга ёмон қасд қилганида, Каюмарс уни ўлдирган. Бу вақтда Ахриман Аллоҳга Каюмарсдан шикоят қилган ва Аллоҳ ўзи билан Ахриман ўртасидаги аҳдларни сақлаш мақсадида Каюмарсдан қасос олмақчи бўлган. Аллоҳ Каюмарсга, аввало, бу дунё ҳамда қиёмат оқибатларини кўрсатган. Ниҳоят у ўлимни орзу қилган, сўнг Аллоҳ уни ўлдирган. Бу вақтда унинг пуштидан Истаҳрдаги<sup>498</sup> Домдод тоғига икки томчи томган ва улардан иккита ровоч дарахти кўкариб чиққан. Тўққизинчи ойнинг бошида икковида аъзолар кўришиб, [ойнинг] охирида тугал бўлиб, иккови инсонга айланган, улар Мешо ва Мешоналардир. Улар еб-ичмаганлар ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровончиликда эллик йил яшаганлар. Ниҳоят, уларга Ахриман кекса киши суратида кўришиб, дарахтлардан мевалар ейишни таклиф этган ва [ўзи] ейишни бошлаб берган ва унга [Ахриманга] ёшлиги<sup>499</sup> қайтиб келган. Шунда улар ҳам еганлар ва ўша заҳоти иккови бало ва ёмон ҳолатларга гирифтор бўлганлар. Бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлиб, улардан бола туғилган, кўрқиб болани ҳам еб қўйганлар. Сўнгра Аллоҳ уларнинг дилларига меҳрибонлик солган. Шундан кейин улардан олти [марта] бола туғилган, уларнинг исмлари «Авесто» китобида кўрсатилган. Еттинчисида Сиёмак ва Фаровак туғилиб, йиллар ўтганидан сўнг Ушанж туғилган».

Форслар йил ҳисобларининг биринчи қисмида подшоҳларнинг умри ва уларнинг машҳур ишлари ҳақида эшитишдан диллар нафратландиган, кулоқлар тортинадиган ва ақлга сигмайдиган афсоналар бор. Лекин биз[нинг вазифамиз] мақсад йўлидаги хабарларни танқид қилиш эмас, эраларни аниқлашдир. Биз форс олимлари, мажус улуғлари ва донишмандлари айтганларини уларнинг сўзларидан олинган ҳолатда келтирамиз ва бошқа халқларнинг йил ҳисобларида қабул этилган тартибга мувофиқ бўлиши учун уларни юқоридагидай йўсинда жадвалларга йиғамиз. [Подшоҳлар] лақабларини исмларига қўшиб келтирамиз, чунки [Форс] подшоҳлари махсус [лақаблари] билан ўзга подшоҳлардан [ажраладилар]. Гарчи улардан бошқа подшоҳларда лақаб учратилса ҳам, у бутун табақага умумий бўлиб, бир подшоҳ ўрнига ўтирган иккинчиси ҳам ўша лақабга шерик бўлаверади. Умумий лақаблар форслардаги «шаҳаншоҳ» лақабига тўғри келади. Умумий лақабларнинг мисоллари қуйидаги жадвалда берилган:

(101)||

Худуд подшоҳлари	Бу подшоҳларга хос бўлган лақаблар
Форсларнинг Сосоний подшоҳлари	Шаҳаншоҳ ва Кисро
Рум подшоҳлари	Босили, яъни Қайсар
Искандария подшоҳлари	Птолемей
Яман подшоҳлари	Тубба
Ҳазар ва Тўққизўғуз турклари подшоҳлари	Ҳоқон
Ўғуз турклари подшоҳлари	Хонувта
Ҳитой подшоҳлари	Бағпур
Ҳинд подшоҳлари	Балҳаро
Қанauj подшоҳлари	Робий [Рожа]
Ҳабаш подшоҳлари	Нажоший
Нуба подшоҳлари	Кобул
Шаркий денгиз ороллари подшоҳлари	Маҳарожа
Табаристон тоғлари подшоҳлари	Испahбад
Дунбованд подшоҳлари	Масмағон
Ғарҷистон подшоҳлари	Шор
Сарахс подшоҳлари	Зодуя
Нисо ва Абивард подшоҳлари	Баҳмана
Қаш подшоҳлари	Нидун
Фарғона подшоҳлари	Ихшид
Усрушона подшоҳлари	Афшин
Шош подшоҳлари	Тудун
Марв подшоҳлари	Моҳуя
Найсабур подшоҳлари	Қанабор
Самарқанд подшоҳлари	Тархун
Сарир подшоҳлари	Ал-Ҳажжож
Дехистон подшоҳлари	Сул
Журжон подшоҳлари	Аноҳбад
Славян подшоҳлари	Қиноз <sup>500</sup>
Сурён подшоҳлари	Нимруд
Қибт подшоҳлари	Фиръавн
Бомиён подшоҳлари	Шири Бомиён
Миср подшоҳлари	Азиз
Кобул подшоҳлари	Қобулшоҳ
Термиз подшоҳлари	Термизшоҳ
Хоразм подшоҳлари	Хоразмшоҳ
Ширвон подшоҳлари	Ширвоншоҳ
Бухоро подшоҳлари	Бухорхудот
Гузғонон подшоҳлари	Гузғонхудот

(102)||

Шахсий лақабларга келганда, бу мусулмон давлатидан аввал форс [подшоҳларидан] бошқада бўлмаган.

Биринчи қисм [подшоҳлари] уч турга бўлинади:

Биринчиси, Пешдодийлар<sup>501</sup>. Улар бутун дунёни эгаллаб, шаҳарлар қурганлар, конлар чиқариб, хунармандчиликка асос солганлар ва ер юзида адолат барпо этиб, Тангрига аталган ибодатни адо этганлар.

Иккинчиси, Айрон подшоҳлари. Айроннинг маъноси «юқори даражалилар» демакдир. Улар бутун дунёни эгаллай олмадилар. Ер юзидаги мамлакатларни дастлаб тақсим этган пок Афридун эди. У, Хусрав авлодларидан бири [қуйидаги] шеърда айтганидек, мамлакатларни ўз ўғиллари ўртасида тақсимлаган:

«Ўз замонимизда мамлакатимизни кунда устида гўшт бурдалагандек тақсимладик.

Шом<sup>502</sup> ва Румни то кунботишгача улуз Салмга бердик.

Турклар Тужга берилди, [энди] турк мамлакатларини амакининг ўгли эгаллайди<sup>503</sup>.

Ироқ Айронга куч билан бўйсунди, у подшоҳликка эришди, биз [эса] фаровонликка эришдик».

Учинчиси Каёнийлар бўлиб, улар «жабборлар»дир<sup>504</sup>. Уларнинг даврида дунё подшоҳлиги турларга бўлиниб кетди.

Бу сулолалар ўртасида ора узилишлари бўлиб, шу жиҳатдан тарихнинг низом ва тартиби [баъзан] шубҳали кўринди.

Форслар кўпчилигининг фикрига кўра, биринчи қисмга кирган подшоҳлар мана булар:

(103)||

Подшоҳлар турлари	Форс подшоҳларидан биринчи қисмининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Жами йиллар
Биринчи инсонлар	Каюмарс <sup>505</sup> Мешо ва Мешонагача – «Ўғил-қизлар онаси» деб ҳам аталади. Иккови форслар назарида Одам ва Ҳавво ўрнидадирлар. Иккови бир-бирига қўшилгунича Ушанжгача	Гиршоҳ	30 40	30 70
	Ушанж ибн Афровак ибн Сиёмак ибн Мешо		Пешдод	40
Адолатли Пешдодийлар	Таҳмурас ибн Вижаҳон ибн Инкаҳад ибн Ушанж – то Будасаф <sup>506</sup> пайдо бўлгунича	Зибованд	1	254
	Ундан кейин	-	29	283
	Жом ибн Вижаҳон – унинг қуроллар ясашга буюрганидан	Шид	-	-
	то йигириш ва тўқишга буюргунича	-	50	333
	то одамларни тўрт табақага ажратишга буюргунича	-	50	383
	Шайтонларга қарши жанг қилиб, уларни енггунича	-	50	433
	Шайтонларга тошларни кесиб, ташишга буюргунича	-	100	533
	Арава ясашга буюргани ва у ясаиб [битгач], Жом унга ўтиргунича	-	66	599
	Шундан кейин одамлар соғломлик ва фаровонликда яшадилар, сўнгра Жом яширинди	-	300	899
	Жом яширинган ҳолда ҳаёт кечирди, ниҳоят Заҳҳок галаба қозониб, ичакларини ағдарди ва уни арра билан арралади	-	100	999
	Заҳҳок ибн Улвон – Амолақадан бўлиб, у Биваросб ибн Арундосп ибн Зингов ибн Барिशанд ибн Фордир. Фор эса соф арабларнинг отаси бўлиб, Афровак ибн Сиёмак ибн Мешо ўғлидир	Аждаҳок	1000	1999
Афридун <sup>507</sup> ибн Асфиёнгов ибн Асфиён Нигов ибн Асфиён ибн Шаҳргов ибн Асфиён Охунбагов ибн Асфиён Испидгов ибн Асфиён Дизагов ибн Асфиён Нигов ибн Нефуруш ибн Жом подшоҳ	Мобед	200	2199	

(104)||



(105)||

Подшоҳлар турлари	Форс подшоҳларидаги биринчи қисмининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Жами йиллар
Айрон подшоҳлари «юксак даражалар»	Ираж – уни икки биродари – Салм ва Туж ўлдирилиб, подшоҳ бўдилар. Улар ҳаммаси Афридун авлодидирлар	Танланган	300	2490
	Манучеҳр <sup>108</sup> – Ираж қизи Ғазвиннинг ўгли [Манучеҳр] Туж ва Салмни қатл этгунига қадар (Салм форсча Шармдир)	Фируз	20	2519
	Афросиёб ибн Бушанж ибн Ийнат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасп ибн Аршасп ибн Туж. Ниҳоят Манучеҳр Афросиёбдан подшоҳликни [тортиб] олиб, уни [Эрондан] ҳайдади. Кейин иккови машҳур бир отишма <sup>109</sup> туфайли ярашдилар		60	2579
	Манучеҳр – то вафот этгунича		12	2591
	Туж – турк, Ирокни босиб олган [подшоҳ]	Афросиёб	28	2619
	Зоб ибн Таҳмосп ибн Камжаҳубар ибн Зув ибн Хувшаб ибн Видинак ибн Дувсар ибн Манучеҳр ва:		12	2631
	Гиршасп – у Сом ибн Наримон ибн Таҳмосп ибн Ашк ибн Нуш ибн Дувсар ибн Манучеҳр	[иккови] ҳамкор	5	2636
	Кайкубод <sup>110</sup> ибн Заг ибн Нудаго ибн Мойшу ибн Нудар ибн Манучеҳр	Аввал	100	2736
Каснийлар, яъни [улжалар]	Кайковус ибн Кайния ибн Кайкубод – ниҳоят у исён қўтарди ва Шаммар уни асир олди. Кейин уни Рустам ибн Достон ибн Гиршасп подшоҳ асирликдан қутқарди	Нимруд	75	2811
	Ундан кейин, то вафот этгунича		75	2885
	Кайхусрав ибн Сиёвуш ибн Кайковус – то у саёҳат этгунича ва яширингунича	Хумоюн	60	2946
	Кайлуҳрасп ибн Кайважий ибн Кайманиш ибн Кайкубод – то у Бухтунассарни Байт ул-Муқаддасга юбориб, у Байт ул-Муқаддасни вайрон этгунича		60	3006
	Ундан кейин		60	3066
	Кайвиштасп ибн Луҳрасп – то Зардушт юзага чиққунича	Ҳарбаз	30	3096
	Ундан кейин		90	3186
	Кайардашир ибн Баҳманд ибн Исфандиёр ибн Виштасп	Узун қўли	112	3298
	Хумоний – Ардашир Баҳман қизи	Чехразод	30	3328
	Доро ибн Ардашир Баҳман	Улуғ	12	3340
	Доро ибн Доро – то уни юнонлик Искандар қатл этгунига қадар	Иккинчи	14	3354

(106)||

Биз баён этган [биринчи] қисм [подшоҳлари] эралари «Таржимаи ҳол китоби»да<sup>511</sup> ҳам жуда хилма-хил ҳолда учрайди. Лекин мен келтирганларим [тарихчилар] келишиб олганларига яқинроқдир. Ҳамза ибн Ҳусайн ал-Исфажонийнинг «Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улугларининг тарихлари китоби» деб аталган асарида буларни бошқача ҳолатда учратдим. Ҳамза бу эраларни [эронликларнинг] диний китоблари бўлган «Авесто» китобидан тўғрилаганини айтган. Уларни шу ерга кўчирдим. Мана булардир:

**Биринчи қисмнинг иккинчи жадвали**

«Авесто» китобига кўра, Каюмарсдан бошланган Пешдодий подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Каюмарс	40	40
Бир юз етмиш йилча ора узилиш	-	-
Ушанж	40	80
Таҳмурас	30	110
Жом	616	726
Биварасп	1000	1726
Афридун	500	2226
Манучехр	120	2346
Афросиёб	12	2358
Миқдори номаълум ора узилиш	-	-
Зоб	9	2367
Гиршасп Зоб билан биргаликда	3	2370
Ора узилиш	-	-

(107)||

Каёний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Кайқубод	126	2496
Кайковус	150	2646
Кайхусрав	80	2726
Кайлухрасп	120	2846
Кайвиштасп	120	2966
Кайардашир	112	3078
Чехразод	30	3108
Доро ибн Баҳман	12	3120
Доро ибн Доро	14	3134

(108)||

Сўнгра Ҳамза [бу исмларни] Мубад<sup>512</sup> кўлёмасида мана бу жадвалдаги-дек эканини айтган.

**Биринчи қисмнинг учинчи жадвали**

Мубад кўлёмасидан олинган Пешдодий подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Каюмарс	30	30
Мешо ва Мешона – то улардан бола туғилгунича	50	80
Икковининг вафотига қадар	50	130
Ер юзи подшоҳсиз қолди	94	224
Ушанж	40	264
Таҳмурас	30	294
Жом – то у яширигунича	616	910
У яширигунича қолди	100	1010
Биварасп	1000	2010
Афридун	500	2510
Манучеҳр	120	2630
Зув ва Гиршасп	4	2634

(109)||

Каёний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Кайкубод	100	2734
Кайковус	150	2884
Кайхусрав	60	2944
Кухрасп	120	3064
Вишгасп	120	3184
Ардашир	112	3296
Чехразод	30	3326
Доро ибн Баҳман	12	3338
Доро ибн Доро	14	3352

(110)|| Мағрибликлар китобларидан таржима қилинган таржимаи ҳол ва ахборот китобларида Эрон ва Бобил подшоҳлари – Афридундан, у [форсларда] Ёфул деб аталади, то уларнинг охириги подшоҳлари бўлган Дорогача – баён этилган. Биз [у китоблар] ўша подшоҳларнинг ададлари, исмлари, подшоҳлик муддатлари, хабарлари ва аҳволларини [баён этиш ҳолати] турлича эканини топдик. У [муаллиф]лар Эрон подшоҳларини уларнинг Бобилдаги амалдорлари билан қўшиб баён этганлар, деган фикр ҳаёлга келади.

Агар биз уларни баён этишдан мутлако юз ўгирсак, бу китоб қимматини тушираемиз ва ўқувчининг фикрини ундан чалғитиб қўямиз. Фикр ва ривоятлар бир-бирига аралашмаслиги учун улар алоҳида қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Мағриб ахлининг сўзларига кўра, Афридундан бошланган Эрон подшоҳлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Ёфул. У – Афридун	35	35
Тиглотфалосар	35	70
Салманосар. У – Салм	14	84
Синаҳҳариб ибн Салманосар, форсча Санорафдир	9	93
Сардун. У – Зув ибн Тумасп	3	96

(111)||

Кейин [қуйидаги] улуғ подшоҳлар ҳукмронлик қилдилар	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Кайкубод	49	145
Синаҳҳариб иккинчи	31	176
Можам	33	209
Бухтунассар. Бу – Кайковус	57	266
Увлод ибн Бухтунассар	1	267
Балташар ибн Увлод	2	269
Доро ал-Моҳий биринчи. Бу – Дорий	9	278
Куруш. Бу – Кайҳусрав	8	286
Қурс. Бу – Луҳрасп [милоддан авв. 558–529]	34	320
Камбиз	80	400
Доро иккинчи	36	436
Ахшвериш ибн Доро. Бу – Хусрав биринчи	26	462
Ахшдапир ибн Ахшверш. Бу – «Мақрушир», яъни «Узун қўл» деб лақабланган [милодгача 465 – 425]	41	503
Хусрав иккинчи	30	533
Суғд Нотус ибн Хусрав	9	542
Ардашир – Доро иккинчи ўғли	41	583
Ардашир учинчи	27	610
Арсис ибн Охус	12	622
Доро – Эрон подшоҳларининг охиригисиди <sup>513</sup> [мил. авв. 335–330]	16	638

(112)|| Яхудийлар, оташпарастлар, христианлар ва уларга муносабатли синфларнинг ҳикоялари ва ҳаммаларининг ана шу вақтдан [бошлаб] тарихларини юргизиш ҳисоблари, улар [инсоният бошланишини] ё келишиб, ёки ихтилоф билан тан олиб, уни қабул қилганларидан кейин вужудга келган. Аммо [бу бошланишларни] тан олмаган киши шуларга асосланган [тарихларни] бирмунча изоҳлар қўшгандан кейингина қабул этади.

Масалан, биров<sup>514</sup> Одам ва Ҳавводан эра олиб: «Рамонлар ичида бир қанча даврлар бор, [ҳамма] туғилган нарсалар ҳалок бўлиб, [яна бошқалари] пайдо бўладилар, ҳар бир даврнинг махсус Одам ва Ҳаввоси бор, шу давр эраси уларнинг иккаласига боғлиқ бўлади», – деб гумон қилади. Ёки биров: «Ҳар бир даврда ҳар қайси жой учун алоҳида Одам ва Ҳавво тўғри келган, шунинг учун одамларнинг кўринишлари, табиатлари ва тиллари турлича бўлади, – деб гумон қилади.

Ёки шунга ўхшаш биров мумкин бўлмаган эътиқодга, яъни ўтган замонлар бошининг ниҳояти йўқ, деган эътиқодга суяниб, дин арбоблари йўлини тутади ва натижада шундан [бирор] маъно чиқаради. Бу гуруҳнинг кўпчилик [кишилари] шундай қилганлар. [Лекин] Саид ибн Муҳаммад аз-Зухлий<sup>515</sup> китобидагидан яхшироғини топиб бўлмайди. Унинг айтишича, одамлар [аввал] доимо бир-бирлари билан уришиб-талашар, яхши кишилар ёмон[лар] томонидан эзилиб, зулм кўрар экан. Ниҳоят, уларни одил подшоҳ Пешдод Фирдавс деган жойга кўчирган. Фирдавс Адандан Сарандибгача [чўзилади].<sup>516</sup> Бу ерда уд, қалампирмунчоқ [ва] турли хушбўй [ўсимлик]лар ўсади ва турли-туман нозу неъматлар мавжуддир.

Улар шу жойда то Ифрит (ёмонлар подшоҳи) хабар топиб, улар билан жанжаллашгунича турганлар. Пешдод бу жойда ота-онаси номаълум бир йигит ва бир қизни учратган, икковини тарбия қилиб, уларга Мешо ва Мешона деб исм қўйган ва икковини ковуштириб қўйган. Кейин улар хато иш қилиб қўйганлар. Пешдод уларни ҳалиги ер [Фирдавс]дан ҳайдаб чиқарган. Айтишларига кўра, бу афсоналар жуда узундир.

Яна [Муҳаммад аз-Зухлий] бундай деган: «Одамларнинг Фирдавсга тушишларидан (бу тарихлар боши) то Ифрит улардан хабардор бўлгунича бир йил, [Пешдод] Мешо ва Мешонани учратгунича икки йил, уларнинг толеларини бирлаштиргунига қадар қирк бир йил, иккови ҳалок бўлгунига қадар ўттиз йил, Пешдод ҳалок бўлгунига қадар тўксон тўққиз йил ўтган». Сўнгра [Аз-Зухлий] бошқа тарихларни қолдирган ва улар [топган тарихлар]ни ўз ҳолича келтирмаган.

(113)|| Форслар эраларининг иккинчи қисмига келсак, бу Искандардан то Ардашир ибн Бобак подшоҳлигигача ўтган [вақтдир]. Бу муддатда «қабилалар подшоҳликлари» пайдо бўлган. Булар Искандар ўз мамлакатига подшоҳ

қилган кишилар бўлиб, уларнинг ҳеч бири бошқасига бўйсунмаган. Ашконийлар<sup>517</sup> подшоҳлиги ҳам бу даврда бўлган. Булар Ироқда ва Моҳ мамлакатади хукмронлик қилганлар. Моҳ – Жиболдир<sup>518</sup>. Ашконийлар «қабилалар подшоҳликлари»нинг [подшоҳликка] сазоворроғи бўлсалар ҳам, бошқалари уларга бўйсунмаганлар, фақат Эрон подшоҳлиги хонадонидан бўлганликлари сабабли уларни хурмат қилганлар. Гап шуки, Ашконий подшоҳларнинг биринчиси Ашк ибн Ашкон бўлиб, лақаби Афғуршоҳ ибн Балаш ибн Шопур ибн Ашкон ибн Ашк ал-Жаббор<sup>519</sup> ибн Сиёвуш ибн Кайковусдир.

Форс тарихчиларининг кўпчилиги Искандар подшоҳлиги билан Ашконийларнинг аввалги [подшоҳи] орасини туташтириб, [йил ҳисобини] кўпол равишда қисқартиради. Баъзилари Ашконийлар Искандардан бирмунча кейинроқ подшоҳ бўлган деса, бошқалари ҳеч нарса билмай, [гапни] қориштириб юборади.

Биз ҳозирга қадар етиб келган маълумотлар асосида ҳикоя қиламиз. Кучимиз етганича, хатоларни тузатишга, ёлғонларни бекор қилишга, ростни аниқлашга уринамиз. Биринчи қисмдаги биринчи жадвалга боғлиқ бўлганлардан бошлаймиз ва буни ҳам биринчи жадвал деб атаймиз.

Биринчи жадвалга тузилишига кўра Ашконий подшоҳларининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Искандар Румий	–	14	14
Ашк ибн Ашкон	Хушдиҳ	13	27
Ашк инб Ашк инб Ашкон	Ашкон	25	52
Шопур ибн Ашк	Заррин	30	32
Баҳром ибн Шопур	Хурун	21	103
Нарси ибн Баҳром	Кисувар	25	128
Хурмуз ибн Нарси	Солор	40	168
Баҳром ибн Хурмуз	Равшан	25	193
Феруз ибн Баҳром	Болод	17	210
Кисра ибн Феруз	Бародиҳ	20	230
Нарси ибн Феруз	Шикорий	30	260
Артабан ибн Нарси	Охирги <sup>520</sup>	20	280

(114)||

Бунга бу қисмнинг иккинчи жадвалига боғлиқ бўлган ва Ҳамза «Авесто»дан зикр қилган [жадвал]ни илова қиламиз. Қисмлардаги бир исмли отлар ўз номдошларига қўшилсин деб, буни ҳам иккинчи жадвал номи билан атаймиз. Шунда жадваллар тартибли бўлиб, уларни қайтадан эслатишга [ҳеч қандай] эҳтиёж қолмайди. У мана бу жадвалдир:

**Иккинчи қисмнинг иккинчи жадвали:**

Ҳамза кўрсатган жадваллар тартиби бўйича Ашқоний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бири- нинг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Искандар Румий	14	14
Апк ибн Балош ибн Шопур ибн Апк ибн Апк ал-Жаббор	52	66
Шопур ибн Апк	24	90
Жувдарз ибн Вийжан ибн Шопур	50	140
Унинг жияни Вийжан ибн Балош ибн Шопур	21	161
Жувдарз ибн Вийжан ибн Балош	19	180
Нарси ибн Вийжан	80	210
Унинг амакиси Ҳурмузон ибн Балош	17	227
Ферузон ибн Ҳурмузон	12	239
Хусрав ибн Ферузон	40	279
Балош ибн Ферузон	24	303
Артабан ибн Балош ибн Ферузон	55	358

(115)|| Бундан кейин жадваллар тартибида «учинчи» қилиб, Ҳамза ал-Исфажоний Мўбад нусхасидан кўчириб олганини айтган [жадвал]ни келтирамиз. Шунда иш юқоридаги икки жадвалдаги каби бир хилда бўлади. Қуйида иккинчи қисмнинг учинчи жадвали берилади.

**Иккинчи қисмнинг учинчи жадвали**

Ҳамзанинг Мубад нусхасидан кўчирганини эслатиб ўтганига кўра Ашқоний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бири- нинг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Искандар Румий	14	14
Кейин румликлардан бир гуруҳ подшоҳ бўлиб, вазирлари форслардан- дир. У подшоҳлар сони ўн тўртта Апк ибн Доро ибн Доро	68	82
Апк ибн Доро ибн Доро	10	92
Апк ибн Апк	60	172
Баҳром ибн Шопур	11	183
Балош ибн Шопур	11	191
Ҳурмуз ибн Балош	40	234
Феруз ибн Ҳурмуз	17	251
Балош ибн Феруз	12	263
Хусрав ибн Малозон	40	303
Балошон	24	327
Артабан ибн Балошон	13	240
Катта Артабан ибн Апкнон	23	263
Хусрав ибн Апкнон	15	378
Биҳофарид ибн Апкнон	15	393

(142-бетдаги жадвалнинг давоми)

Жувдарз ибн Ашқонон	22	415
Балош ибн Ашқонон	30	445
Нарси ибн Ашқонон	20	465
Охирги Артабан	31	496 <sup>521</sup>

Энди ҳисобдон Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад Халаф аз-Занжонийнинг «Йилнома китоби»даги маълумотни келтираман. У турли ривоятларни солиштиришга уринганида «қабилалар подшоҳликлари» ва уларнинг подшоҳлик муддатлари шу [қуйидаги] жадвалдагига мувофиқ келган. Унинг айтишича, эронликлар «қабилалар подшоҳликлари» орасидан факат Ашқоний подшоҳларининг таржимаи ҳолларини қайд этганлар, Ашқоний подшоҳлари эса Искандар вафотининг икки юз қирқ олтинчи йилида<sup>522</sup> Ироқ ва Жиболда подшоҳлик қилганлар, холос.

(116)||

Абу-л-Фараж китобига кўра Ашқоний [подшоҳлари]	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Искандар Румий	14	14
Қабилалар подшоҳлари	246	260
Афғуршоҳ	10	270
Шопур ибн Ашқон	60	330
Буюк Жувдарз	10	340
Бизан ал-Ашқоний	21	361
Жувдарз ал-Ашқоний	19	380
Нарси ал-Ашқоний	40	420
Хурмуз	17	437
Артабан	12	449
Хусрав	40	489
Балош	24	513
Кичик Артабан	13	526

Абу Мансур ибн Абдураззоқ<sup>523</sup>га бағишлаб ёзилган «Шоҳнома» китобида шу иккинчи қисм тарихларини мана бу жадвалда кўрсатганимиздек учратдик:

(117)||

«Шоҳнома» китобига кўра Ашқоний [подшоҳлари]	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Ашқ ибн Доро – баъзиларнинг айтишича, у Ариш авлодидандир	13	13
Ашқ ибн Ашқ	25	38
Афғуршоҳ	30	68
Баҳром ибн Шопур	51	119
Нарси ибн Баҳром	25	144



(143-бетдаги жадвалнинг давоми)

Хурмуз ибн Нарси	40	184
Баҳром ибн Хурмуз	5	189
Нарси ал-Ашконий	40	420
Хурмуз	7	196
Феруз ибн Хурмуз	20	216
Насри ибн Феруз	30	246
Артабан	20	260

Шу [иккинчи] қисмдаги йил ҳисобининг [мазмуни] жадвалларни бир-бирига солиштирганда маълум бўлади. Бу [шундай] муддатки, унинг бошланиши Искандарнинг Эрон устидан ғалаба қозониши, охири – Ардашир ибн Бобакнинг подшоҳ бўлиши ва Ашконийлардан подшоҳликни тортиб олишидир. Ҳар икки томон маълум ва ихтилофсиздир, [шундай бўлгач], икки томон ўртаси [масаласи]да нима қилишимиз керак? Тўғри, Ашконий подшоҳларидан ва бошқа «қабила подшоҳликлари»дан ҳар бирининг подшоҳлик муддатини ёки подшоҳ бўлиб турган шахслар ададини қиёс билан аниқлаб чиқаришимиз мумкин бўлмайди. Чунки бу ривоятларга боғлиқдир, ривоятларда эса нима бўлса бўлган<sup>524</sup>. Шундай қилиб, энг камида иккинчи қисм муддатини имкон борича тўғрилашга уринишимиз лозим.

Энди айтамыз: Яздигард подшоҳ бўлган йили Искандар эраси, яширин ва номаълум қолмайдиган даражада, аниқ тўққиз юз қирқ уч йил эди. Ана шу [ҳеч ким] инкор этолмайдиган [сон]ни асос қилиб олиб, меъёр ва ўлчов қиламиз-да, юқорида зикр қилинганларни шу билан ўлчаймиз.

(118)|| Аввало, иккинчи қисмнинг биринчи жадвалидаги жами муддатни, яъни икки юз саксон йилни оламиз ва уни бир-бирига ўхшаш [муддатларни] қиёслаш учун келгусида учинчи қисмнинг биринчи жадвалида кўрсатиладиган Ардашир подшоҳлигининг бошидан то Яздигард подшоҳлигининг бошигача бўлган тўрт юз ўн йилга яқин [сон]га қўшамиз, жами олти юз тўқсон йил бўлади. Бу эса ҳалиги ўлчовдан икки юз эллик уч йилча камдир. Бу [йиғинди] ни назардан чиқариб ташлаймиз ва унга эътибор бермаймиз. Яна иккинчи қисмнинг иккинчи жадвалидаги [жами] уч юз эллик саккиз йилни олиб, учинчи қисмнинг иккинчи жадвалида келтирилган муддатга қўшамиз, жами саккиз юз ўн саккиз йил бўлади. Бу ҳам ўлчовдан юз йигирма беш йилча камдир. Энди эса иккала қисмнинг учинчи жадвалига қайтайлик-да, бунда ҳам биринчи ва иккинчи [жадваллар]дагидек ҳисобни амалга оширайлик. Жами тўққиз юз ўттиз йил бўлади, бу ўлчов қарийб ўн уч йил камдир. Буни ҳам санокқа олмасдан ташлаймиз, чунки бу гарчи ҳақиқатга яқин бўлса ҳам, йил ҳисоби бундай тафовутни қабул этмайди.

Шунингдек, бу усулни Абу-л-Фаражнинг китобидаги жадвал [сонлари] га қўллаб, ўхшашни ўхшашга [қиёс қилсак], жами тўққиз юз қирқ тўққиз йил бўлади, бу ўлчов олти йил ортиқдир. Агар шу иккинчи қисм ҳақида «Шохнома» китобида учратилган [сон]ни учинчи қисм жадвалларининг бири тақозо этган сонга қўшсак, ўлчовдан узоқлашиб кетади.

Энди буларнинг ҳаммасини қўйиб, [йил ҳисобларини] Монийнинг «Шапуракан»<sup>525</sup> номли машҳур китобидан тўғрилайлик. Чунки форсларнинг китоблари ичида Ардашир хуружидан кейин фақат шу китобга асосланиш мумкин. Моний ёлғонни ҳаром деб эътиқод қилувчилардан бўлиб, тарихни бузиб кўрсатишга унинг эҳтиёжи ҳам бўлмаган.

Шундай қилиб айтамызки, Моний ўша китобнинг Пайгамбар келиши<sup>526</sup> бобида ўзининг Бобил астрологлари йилининг, яъни Искандар эрасининг беш юз йигирма еттинчи йилида, Адарбан подшоҳ салтанатининг тўртинчи йилида Бобилда тугилганини айтган. Адарбанны охирги Артабан деб гумон қиламиз. Яна Моний ўша бобда ўзига ўн уч ёшида ваҳий келганини сўзлаган. Бу Бобил астрологлари тарихининг беш юз ўттиз тўққизинчи йилида, подшоҳлар подшоҳи Ардашир ҳукмронлиги йилларидан икки йил ўтганда эди. Моний бу билан Искандар ва Ардашир ўртасидаги муддатнинг беш юз ўттиз етти йил, Ардашир ва Яздигард ўртасидаги муддатнинг [эса] тўрт юз олти йил [эканини] очик айтган. Абадий ва ишончли китобнинг<sup>527</sup> гувоҳлиги билан қабул этилган [сон] мана шудир.

(119)|| Ҳикоялар бир-бирига мувофиқ келиб, тўғри бўлгани сабабли, кабисаларнинг охиргиси Яздигард ибн Шопур замонида амалга оширилган ва кабиса кунлар кабиса навбати етиб келган ойнинг, яъни саккизинчи ойнинг охирига қўшилган [дейиш мумкин]. Агар Искандар ва Ардашир орасида беш юз ўттиз етти йил [ўтганини] ҳисобга олсак, Зардушт ва Яздигард ибн Шопур ўртаси қарийб тўққиз юз етмиш йил бўлган. Форслар ҳар бир юз йигирма йилда бир ой қўшимча қилишларига кўра, [бу давр ичида] саккиз ой кабиса қўшиш лозим бўлади. Агар [Искандар ва Ардашир ўртасидаги] ўша муддатнинг икки юз олти йил ёки кўпроқ, аксар [тарихшунослар] айтганларидек, ҳатто уч юз йил эканига амал қилсак, йилларнинг жами олти юз йилга яқин бўлиб, буларга беш ой кабиса қўшилади. Ҳозир айтганимиздек, [тарихшунослар] қўшимча ойларни саккизта деганлари [бунга] хилофдир.

Шунингдек, Ардашир подшоҳ бўлган йилнинг «толе»и қарийб Жавзонинг ярми экани, Яздигард подшоҳ бўлган йилнинг «толе»и эса Ақраб буржининг олтидан бири экани астрологлар китобларида ёзилган. Агар форсларга кўра, Қуёш даврининг бутун кунлардан ортиғи бўлган тўқсон уч бутун тўртдан бир даражани<sup>528</sup> тўрт юз етти йилга<sup>529</sup> кўпайтирсак, жами бир юз эллик икки бутун тўртдан уч даража ҳосил бўлади<sup>530</sup>. Агар шу миқдорни

Яздигард подшоҳ бўлган йил «толе»и даражасининг матлаларидан камайтириб, қолганини Кисролар пойтахти бўлган Ироқ иклимининг матлаларига ёй шаклида қўйсақ, толе [астрологларнинг юкорида] айтганларига яқин [жойда], Жавзо буржининг ўртасида бўлади. Йиллар ортиқ ё кам бўлганда «толе» мувофиқ келмас эди. Иккита гувоҳ исбот этган нарса кўп гувоҳлар қарши бўлган нарсадан афзалроқдир.

Агар астрологлар айтган тўрт юз етти йилга «Шапуракан» [китобида] айtilган беш юз ўттиз етти йилни қўшсақ, жами тўққиз юз қирқ тўрт йил бўлади. Бу Искандар эрасидан Яздигард подшоҳ бўлгунича ўтган [вақтдир]<sup>531</sup>. Бир йил ортиқча бўлиши ҳикоя қилувчининг Рум ва Эрон йилларининг боши ва ой бошланишида, ойлар ва [ойларнинг] қасрларини аниқламай ҳикоя қилишида тафовутли бўлишидан келиб чиққан.

Энди Ҳамза ал-Исфаҳонийга келсак, у Мусо ибн Исо ал-Кисравийдан ҳикоя қилади: «Мусо бу масалага [диққат билан] қараб, биз баён этган чалкашликдан огоҳ бўлгач, бундай деган: «Искандар билан Яздигард подшоҳлиги орасида тўққиз юз қирқ икки йил ўтган. Бундан Ашконийлар подшоҳ бўлган муддат – икки юз олтмиш олти йилни айирсак, Ардаширдан то Яздигард подшоҳлигигача давом этган Сосонийлар подшоҳлигининг олти юз етмиш олти йиллик даври келиб чиқади. Ҳолбуки, форсларнинг ривоятларида бундай учратилмади», Мусо яна [сўзида] давом этиб: «Форс подшоҳларининг ададларига эътибор бериб қарасак, улардан нақл этувчилар кўрсатмаган бир неча кишининг номи унутилган. Улар бир-бирига ўхшаганларини аралаштириб юборганлар, мен уларни ҳақиқатга мувофиқ баён этаман», – дейди.

У, яъни Мусо форс подшоҳларининг [ҳукмронлик] муддатларини ва ададларини орттириб юборган. Аллоҳ таоло хоҳласа, буни навбати етганда ҳикоя қиламиз.

(120)|| Форс йил ҳисобининг учинчи қисми баёнига қайтамиз. Бу Баҳман ибн Исфандиёр наслидан Ардашир ибн Бобакнинг тахтга чиқишидан бошланади. Чунки Ардашир Бобак шоҳ ибн Сосон ибн Бихофарид ибн Мирҳмиш ибн Катта Сосон ибн Баҳман ибн Исфандиёр ўғлидир.

Саналарнинг бу қисми ҳам аввалги икки қисм каби [нуксонлардан] холи эмас, лекин бу ерда [нуксонлар] камроқдир.

Биз бу қисмни аввалги икки қисмнинг ҳар бирида ўтган жадвалларга ўхшаб, биринчи жадвал билан бошлаб, унинг кейинидан иккинчи, сўнгра учинчи жадвалларини келтирамиз. Лекин шу уч қисмдаги жадваллардан ҳар бирининг [йиллари] жам қилинганда, форсларнинг йил ҳисоби узлуксиз бўлади. Биринчи жадвал мана бу:

КАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

Биринчи жадвалда тузилишига кўра Сосоний подшоҳларининг исмлари <sup>332</sup>	Уларнинг лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Жами йиллар		
		Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Ардашир [I] ибн Бобак – у форлар мамлакатини бирлаштиргани учун «Жоме» деб лақабланади [226 – 241]	Бобакон	14	10	0	14	10	0
Шопур [I] ибн Ардашир – у юнонча китобларни таржима қилган, унинг даврида уд сози ихтиро этилган [241 – 272]	Барда	30	6	12	45	4	12
(121)   Хурмуз ибн Шопур [272]	Паҳлавон	1	10	0	47	2	12
Монийни ўлдирган Баҳром [I] ибн Хурмуз [273 – 276]	Яздагон	3	3	3	60	5	15
Баҳром ибн Баҳром	Шоҳидиҳ	17	0	0	67	5	15
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	Сагоншоҳ	0	4	0	67	9	15
Нарси ибн Баҳром ибн Баҳром	Нахжиркон	9	0	0	76	9	15
Хурмуз ибн Нарси	Кухбад	7	5	0	84	2	15
Шопур [II] ибн Хурмуз – [Зулактоф] [310 – 379] <sup>333</sup>	Хубасунбо	72	0	0	156	2	15
Ардашир ибн Хурмуз	Чиройли	4	0	0	160	2	15
Шопур ибн Шопур	Аскарлар шопури	5	4	0	165	6	15
Баҳром ибн Шопур	Кирмоншоҳ	11	0	0	176	6	15
Яздигард [I] ибн Шопур [399 – 421]	Гуноҳкор	21	5	17	198	0	211
Баҳром ибн Яздигард [421 – 438]	Гур	18	10	0	216	10	2
Яздигард ибн Баҳром	Шоҳдўст	18	3	28	235	2	0
Афридун ибн Яздигард	Мардона	27	0	0	262	2	0
Балош ибн Феруз	Кирмоншоҳ	4	0	0	266	2	0
Кубод ибн Феруз – динга [қарши] исён қилиб, тахтдан туширилгунча [489 – 531]	Некрай	38	0	0	304	2	0
Жамасп ибн Феруз – Кубоднинг биродари	Некурув	2	0	0	306	2	0
Кубод ибн Феруз – Иккинчи марта	Зиндик	4	0	0	266	2	0
Хусрав [I] Ануширвон – Пайгамбар алайҳиссалом тугилишигача [531 – 579]	Одил подшоҳ	41	0	0	351	2	0
Ундан кейин		7	7	0	358	9	0
Хурмуз [V] ибн Хусрав – тахтдан туширилиб, вафотига қадар [580 – 589]	Туркзод <sup>334</sup>	9	7	10	368	4	10
Хусрав [II] то салиб таёгини Илиёдан чиқаргунигача [590 – 638]	Парвиз, улуг подшоҳ	33	0	0	401	4	10
(122)   Ундан кейин то Пайгамбар алайҳиссалом хижратигача		0	1	8	401	5	18
Ундан кейин – [тахтдан] туширилиб, кўзи кўрмай қолиб, вафотига қадар		4	10	22	406	4	10
Кубод ибн Хусрав – вабодан ҳалок бўлгунигача	Шируя	0	8	0	407	0	10
Ардашир ибн Шируя. Етти ёшида	Кичкина	1	6	0	408	6	11
Шаҳрабоз – Хусрав уни Қўстантаняни қамал қилишга юборган	Хирмон	0	1	8	408	7	18

Бўрон – Хусрав Парвез [нинг] кизи; унинг онаси Марям – Қайсар кизи	Бахтли	1	4	0	408	7	18
Хусрав ибн Кубод ибн Ҳурмуз ибн Хусрав Парвез	Пакана	0	10	0	410	9	18
Феруз ибн <sup>35</sup> Минузод	Хушдид	0	1	20	140	12	8
Озармидухт – Парвез[нинг] кизи – заҳарлангунигача	Адолатли	0	6	0	411	5	8
Фаррухзод Хусрав – ҳали ёш бола эди		0	1	0	411	6	8
Яздигард [III] ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвез – у ўн беш ёшда эди [632–651]. Сунгра араблар ҳукмрон бўлдилар	Охирги подшоҳ	2	0	0	431	6	8

(123)|| Ҳамзанинг «Авесто» китобидан тўғриланган ва «Таржимаи ҳол китоби»дан кўчирилди, деб зикр қилган [жадвалига] кўшимча иккинчи жадвал қуйидагича берилмоқда:

**Учинчи қисмнинг иккинчи жадвали**

Биринчи жадвалда тузилишига кўра Сосоний подшоҳларининг исмлари <sup>32</sup>	Улардан ҳар бири-нинг подшоҳлик [муддаги]			Жами йиллар		
	Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Ардашир ибн Бобак	14	6	0	14	6	0
Шопур Ибн Ардашир	30	0	28	44	6	28
Ҳурмуз ибн Шопур	1	10	0	46	4	28
Баҳром ибн Ҳурмуз	3	3	3	49	8	1
Баҳром ибн Баҳром	17	0	0	66	8	1
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	0	4	0	67	0	1
Нарси ибн Баҳром	9	0	0	76	0	1
Ҳурмуз ибн Баҳром	7	5	5	83	5	1
Шопур ибн Ҳурмуз – «Зулактоф»	72	0	0	155	5	1
Ардашир ибн Ҳурмуз	4	0	0	155	9	1
Шопур ибн Шопур	50	4	0	209	9	1
Баҳром ибн Шопур	11	0	0	220	2	1
Яздигард ибн Баҳром – «Гуноҳкор»	21	5	8	242	2	9
Баҳром ибн Яздигард – «Гўр»	23	0	0	265	7	9
Яздигард ибн Баҳром	18	4	28	283	7	7
Феруз ибн Яздигард	27	0	1	310	7	8
Балош ибн Феруз	4	0	0	314	7	8
Кубод ибн Феруз	43	0	0	357	2	8
Ануширвон ибн Кубод	47	7	0	405	9	8
Ҳурмуз ибн Ануширвон	11	7	10	416	9	48
Парвез ибн Ҳурмуз	38	0	0	454	5	18
Шируя ибн Парвез	0	8	0	455	11	18
Ардашир ибн Шируя	1	6	0	456	3	18

(124)||

(148-бетдаги жадвалнинг давоми)

Бўрон – Парвез қизи	1	4	4	458	5	18
Жушанасбанда	0	2	0	458	5	18
Озармидухт – Парвез қизи	1	4	0	459	10	18
Хурразодхусрав	0	1	0	459	10	18
Яздигард ибн Шаҳриёр	20	0	0	479		18

(125)|| Бу қисмнинг учинчи жадвалига келганда, Ҳамза уни Мўбад нусхасидан кўчирганини айтади. Ушбу [жадвал] қуйидагича:

Ҳамзанинг «Мўбад нусхасидан олдим», деганига кўра, Сосоний подшоҳларининг исмлари <sup>132</sup>	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Жами йиллар		
	Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Ардашир ибн Бобак – «Қабила подшоҳлари» билан уруш қилгандан кейин	14	10	0	14	10	0
Шопур ибн Ардашир	30	0	15	44	10	15
Ҳурмуз ибн Шопур	3	3	0	48	1	15
Баҳром ибн Ҳурмуз	17	0	0	65	1	15
Баҳром ибн Сагоншоҳ	40	4	0	105	5	15
(126)   Нарси ибн Баҳром	9	0	0	114	5	15
Ҳурмуз ибн Нарси	7	0	0	121	5	15
Шопур «Зулактоф»	72	0	0	193	5	15
Ардашир ибн Ҳурмуз	4	0	0	197	5	15
Шопур ибн Шопур	5	0	0	202	5	15
Баҳром ибн Шопур	11	0	0	213	5	15
Яздигард «Гуноҳқор»	21	5	18	234	11	3
Баҳром «Гўр»	19	11	0	254	10	3
Яздигард ибн Баҳром	14	4	18	269	2	21
Феруз ибн Яздигард	17	0	0	286	2	21
Балош ибн Феруз	41	0	0	331	2	21
Қубод ибн Феруз	48	0	0	379	2	21
Ануширвон	12	0	0	391	2	21
Ҳурмуз ибн Ануширвон	38	0	0	429	2	21
Парвез	0	8	0	429	10	21
Қубод Шируя	1	3	0	431	8	21
Ардашир ибн Шируя	1	6	0	429	4	21
Бўрон – Парвез қизи	1	4	0	432	8	21
Феруз (у Жушанасбанда деб ҳам аталади)	0	1	0	432	9	21
Озармидухт – Жушанасбанда деб аталувчи [подшоҳ] билан биргаликда	0	6	0	433	3	21
Хурразодхусрав	1	0	0	434	3	21
Яздигард ибн Шаҳриёр	20	0	0	454	3	21

Абу-л-Фараж аз-Занжоний китобида шу қисмнинг йилларини учта жадвалда келтирганимиздек, бошқачароқ учратдик. Буни шу уч қисмнинг олдинги икки қисмида ишлаган жадвалимизга биноан бу ерга қўйдик. Шу билан йиллар жадвали тамом бўлади. [Аз-Занжоний] жадвали қуйидагича:

(127)||

Абу-л-Фараж аз-Занжоний китобидаги жадвалга кўра Сосоний подшоҳларининг исмлари <sup>132</sup>	Улардан ҳар бири-нинг подшоҳлик [муддати]			Жами йиллар		
	Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Ардашир ибн Бобак	14	10	0	14	10	0
Шопур ибн Ардашир	31	6	18	46	4	18
Хурмуз ибн Шопур	1	6	0	47	10	18
Баҳром ибн Хурмуз	3	3	3	51	1	21
Баҳром ибн Баҳром	17	0	0	68	1	21
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	4	4	0	72	5	21
Нарси ибн Баҳром	9	0	0	81	5	21
Хурмуз ибн Нарси	72	0	0	162	5	21
Шопур ибн Хурмуз – «Зулактоф»	4	0	0	166	5	21
Ардашир ибн Хурмуз	5	4	0	171	9	21
Шопур ибн Шопур	11	0	0	182	9	21
Баҳром ибн Шопур	21	5	18	204	3	9
Яздигард «Гунохкор»	18	11	3	223	2	12
Баҳром «Гўр»	18	4	18	241	7	0
Яздигард ибн Баҳром	7	0	0	248	7	0
Хурмуз	27	0	0	275	7	0
Феруз ибн Яздигард	4	0	0	279	7	0
(128)   Балаш ибн Феруз	43	0	0	322	7	0
Кубод ва Жамасп – Ферузнинг ўғиллари	47	7	5	370	2	5
Ануширвон ибн Кубод	11	7	15	381	9	20
Хурмуз ибн Ануширвон	38	0	0	419	9	20
Парвез ибн Хурмуз	0	7	0	420	9	20
Шируя ибн Парвез	0	5	0	420	9	20
Ардашир ибн Шируя	0	0	22	420	10	12
Жухон – [V] Румни қамал қилган	0	0	22	420	10	12
Бўрон – Парвез қизи	1	6	0	422	7	12
Жушанасбанда	0	2	0	422	7	12
Озармидухт – Парвез қизи	0	4	0	423	1	12
Фаррухзод Хусрав – у ёш эди	0	1	0	423	2	12
Яздигард ибн Шахриёр	20	0	0	443	2	12

(129)|| Энди ал-Кисравий иккала охириги қисмдаги чалкашликни аниқлагач, шу қисм йил ҳисобини қандай юргизганини баён этиш учун берган ваъда-мизни бажаришга қайтамиз.

Авалло, ал-Кисравийдан ва унинг ишидан жуда ажабланиши ўринли. Чунки у тажриба ва имтиҳон қилиб, Искандар билан Яздигард ўртасидаги муддатдан Ашкониёлар ҳукмронлик қилган муддат учун икки юз олтмиш йилни камайтирди. Ҳамза эса, «Авесто» китобидан тўғриладим» ва «Мўбад нусхасидан олдим» деган мулоҳазалардан бошқани исбот этмади. Бу икки мулоҳазага

кўра, Ашконийлар муддати уч юз эллик йилдан ортиб кетади. Энди унинг фикрича, икковидан бирига ёки ал-Кисравий айтганидан бошқасига амал қилмаслик учун тўғри топилганни ўша икки мулоҳазага қўшмоғимиз керак бўлади. Эхтимол, ал-Кисравий «Шоҳнома»дан кўчириб, [юқорида] баён этган [йўл]га асослангандир.

Сўнгра, ал-Кисравий бу [амал]ни бажариб, хатоларни топган экан, нима учун хатоларни Ашконийлар муддатига юкламай, Сосонийлар [муддати]га юклаганини билсак эди? Ҳолбуки, Ашконийлар муддатида хато юз бериши тўғрироқ бўларди, чунки у вақтда эронликлар паришонҳол бўлиб ўзлари билан овора ва тарихларни ёдлашдан ғофил эдилар. Шу билан бирга, Искандар ва унинг ворислари – румликлар томонидан [форслар] рағбат қилган барча илмий китоблари ёқиб юборилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатлари барбод этилган эди.

Ҳатто Искандар кўплаб диний китобларни ёқиб юборган, ажойиб биноларни вайрон қилган, масалан, Истаҳр тоғидаги бизнинг замонимизда Сулаймон ибн Довуд масжиди номи билан машҳур бўлган [бино]га ўт қўйган эди. Айтишларича, у масжиднинг баъзи жойларида куйганлик нишонлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Шунинг учун форслар Искандар билан Ардашир ўртасидаги муддатда, [яъни] румликлар уларга сиёсат юргизиб турганида тарихлардан ғофил бўлдилар. Ашконийлар подшоҳлиги туфайли хавф-хатарлардан тинчиганларидан кейин яна ўз йил ҳисобларини исботлашга киришдилар. Демак, шу [Сосонийлар]дан олдинги муддат нотўғрилиқка яқинроқдир, чунки подшоҳлик ва ҳукмронлик Сосонийларда низомли бўлиб, Ашконийлар даврида нотинч бўлган. Бу ҳақда биз асосланган далиллар ҳам шуни исботлаяпти.

Ал-Кисравий даъвосича, унинг томонидан киритилган тузатишларни ўз ичига олган жадвал шакли қуйидагича:

(130)   Ҳамзанинг ҳикоя қилишича, Сосоний подшоҳларининг исмлари <sup>532</sup> (Ал-Кисравий тузатишлари билан)	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Жами йиллар		
	Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Ардашир ибн Бобак	19	10	0	19	10	0
Шопур ал-Жунуд	32	4	0	52	2	0
Унинг ўгли Хурмуз	1	10	0	54	0	0
Унинг ўгли Баҳром	9	3	0	86	3	0
Баҳром ибн Баҳром	23	0	0	99	3	0
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	13	4	0	99	7	0
Нарси ибн Баҳром	72	0	0	68	1	21
Хурмуз ибн Нарси	4	4	0	72	5	21
Шопур «Зулактоф»	72	0	0	193	7	0
Унинг биродари Ардашир	4	0	0	197	7	0



(151-бетдаги жадвалнинг давоми)

Шопур ибн Шопур «Зулактоф»	82	0	0	279	7	0
Унинг ўғли Баҳром	12	0	0	291	7	0
Унинг ўғли Яздигард – «Раҳмдил» Шарвин ҳукмдори	82	0	0	373	7	0
Унинг ўғли Яздигард – «Раҳмсиз»	23	0	0	396	7	0
Унинг ўғли Баҳром – «Гўр»	23	0	0	419	7	0
Унинг ўғли Яздигард	18	5	0	437 (438)	1	0
Унинг ўғли Баҳром	26	1	0	463	1	1
Унинг ўғли Феруз	29	0	1	492	1	1
Унинг ўғли Балаш	3	0	0	495	1	1
Унинг биродари Кубод	68	0	0	563	8	1
Ануширвон ибн Кубод	47	7	0	610	8	1
Хурмуз ибн Ануширвон	23	0	0	633	8	1
Парвез ибн Хурмуз	28	0	0	671		
Шируя ибн Хурмуз	30	8	0	672	4	1
(131)   Ардашир ибн Шируя Шаҳрбароз	1	0	0	673	4	1
Бўрон – Хусрав Парвез кизи Жушанасбанда	0	1	8	673	5	9
Хусрав ибн Кубод ибн Хурмуз	1	0	0	674	5	9
Феруз – у Ардашир ибн Бобак авлодидан	0	2	0	675	7	9
Озармидухт – Парвез кизи	0	4	0	675	1	9
Фарруҳзод ибн Хусрав ибн Парвез ва онаси	0	1	0	676	0	9
Яздигард ибн Шаҳриёр	20	0	0	696	0	9

(45)|| Агар бизга Ашконийлар [подшоҳлиги] муддатини Искандар ва Ардашир ўртасида ўтган [йиллар], яъни «қабилалар подшоҳликлари» мажмуидан тўғри йўл кўрсатиб хабардор этувчи гувоҳ ва далилларсиз ажратиб кўрсатиш имкони бўлса эди, албатта, бунга ҳаракат қилар эдик<sup>538</sup>. Лекин бу илми ғайбдан, балки билишни умид қилиб бўлмайдиган нарсалардандир. Бундайлар фақат фолбинлик, ваҳий, илми нуҷум ва шунга ўхшашлар орқали билинади. Масалан, мунажжимлар<sup>539</sup> давлатлар ва халқлар ҳақида таълиф этган китобларида Ашконийларнинг [ҳукмронлик] муддатларини «қирони авсат»<sup>540</sup> йиллари, яъни икки юз қирқ йилга тенг деб кўрсатганлар десак, уларнинг баъзилари Ашконийлар [толеи]нинг хабарчиси Зуҳал бўлиб, бу уларнинг давлатларига ўзининг энг кўп йилини, яъни икки юз олтмиш беш йилни тақдим этган, деб даъво қиладилар. Мунажжимлар Ашконийларнинг қилган ишларининг оқибатлари ва таржимаи ҳолларини ёриткичларнинг мазкур бирлашишларда уларга далолат беришидан деб тавсиф қилганлар. Демак, Ашконийлар [ҳукмронлиги] муддати уч юз йилга яқин, дея оламиз<sup>541</sup>.

(46)|| Кейин Зардуштнинг подшоҳ Виштаспга:<sup>542</sup> «Подшоҳлик сенинг авлодинда минг йил бўлади» деган сўзига қайтиб, [шуни] айтамикки, Зардушт юзага чиққанидан то Яздигард ўлдирилиб, форслар давлати барбод бўлгунича минг икки юз йигирма бир йил ўтган<sup>543</sup>. Бундан икки юз эллик саккизни чиқариб ташлайлик. Бу Виштасп билан Искандар ўртасидаги муддат бўлиб,

бунда Виштасп авлодлари подшоҳлик қилганлар<sup>544</sup>. Бундан яна тўрт юз йигирма олтини айирайлик. Бу Ардашир билан Яздигарднинг ҳалок этилиши орасидаги [вакт] бўлиб, бунда Ардашир авлодлари подшоҳ бўлганлар. Натижада беш юз ўттиз етти қолади. Бу эса Искандар билан Ардашир ўртасидаги биз айтган муддатдир; минг йил тўлгунича Хусравлар уч юз ўн олти йил подшоҳлик қилганлар. Бу Хусравлар жумласидан бўлган Ашконий подшоҳларининг [мунажжимлар ва Зардушт сўзича] тахминий муддатларидир.

(63<sup>a</sup>)|| Гарчи [бу ҳисоб] қатъий бўлмаса ҳам, Искандар билан Ардашир ўртасидаги йилларнинг барчасини Ашконийларнинг подшоҳлик йиллари деювчи кишининг айтганларини аксинча қилиб, яъни Ашконийларнинг подшоҳлик муддатлари ҳақиқатда Искандар билан Ардашир ўртасидаги муддатлар деб, Искандар подшоҳлиги билан Ашконийлар подшоҳлиги ўртасидаги ора узилишидан ва Бобилда Искандардан кейин унинг ўрнига ўтирган румликлар даврларидан беҳабар кишининг сўзини ҳам йўққа чиқаради. Бу бобда гапиришим мумкин бўлган нарсаларнинг аксари шу. Аллоҳ тўғрилиққа муваффақ этгувчидир<sup>545</sup>.

Бу бобда айтилган ва бизгача етиб келган мулоҳазаларни келтириб, ваъдага вафо этдик ва куч сарф қилиб, имкони борича уларни тузатдик. Энди айта-мизки, агар маълум бир вақтни ёки машхур бир муддатни олиб, уни ўзимиз баён этган турли фикрларга солиштирсак, буларга рақамлар мувофиқ келмайди, улар фақат айтиб ўтилган аҳволнинг баъзиларигагина мос келади. Шунинг учун ҳар бир нарсани ўз жинсидан қидириш керак бўлади. Бунга мисол: агар биз Байт ул-Муқаддаснинг Бухтунассар томонидан биринчи вайрон этилиши билан Искандар даври ўртасидаги [муддат]ни билмоқчи бўлсак, форслар йилларидан биринчи қисмининг жадвалларида у муддатни уч юз қирқ саккиз йил, Калдоний подшоҳларининг жадвалларида икки юз тўқсон уч йил эканини кўрамиз, яҳудийларда эса [у муддатни] бир юз ўн йил деб гумон қилинганини учратамиз.

Аҳвол шундай. Бу масала динга тегишли ва яҳудийларнинг йил ҳисоблари дин билан боғлиқ бўлгани учун форслар, илгари айтилган сабабга кўра, эраларга эътибор қилмадилар ва [хатто] бунга аҳамият берувчи киши бўлмади. Бу масалада уларнинг сўзларидан юз ўгириб, яҳудийлар сўзларини – гарчи уларнинг даъволари ҳам бир-бирига зид бўлса-да, олишимиз тўғрироқ бўлади. Бундай зидликка мисол шуки, уларнинг «Седер Олам» – бунинг маъноси «Олам йиллари» демақдир, деб аталадиган китобларининг бир жойида: «Байт ул-Муқаддаснинг иккинчи қурилиши тўрт юз саксон йилга чўзилган», – дейилиб, кейин шу китобнинг ўзида: «Бу қурилиш Искандардан қирқ йил аввал бошланган», – дейилади. Агар биз бу миқдорни Искандар эрасининг бошланиши билан Веспасиан подшоҳлигининг иккинчи йили – бу Байт ул-Муқаддас вайрон этилган йил – ўртасидаги муддатга қўшсак, ҳаммаси тўрт юз

қирқ беш йилга етади. Натижада, бу китобдаги икки сўз бир-бирига мувофик келмаслиги кўринади.

Шу китобда айтилишича, Бани Исроил Байт ул-Муқаддасга кайтгач, форслар у ерда эллик тўққиз йил, сўнгра юнонлар бир юз саксон йил, кейин румликлар уч юз олтмиш йил, ундан кейин Хусравлар беш юз қирқ йил подшоҳлик қилганлар. Бунинг жами минг бир юз ўттиз тўққиз йил бўлади. (63<sup>6</sup>)|| Бу [яхудийлар] сўзининг ҳақиқатга хилоф эканини кўрсатади. Бунга далил шуки, ўша айтилган йилларнинг охиргиси ё хижрат [йили], ё Яздигарднинг ҳалокат [йили], ёки икковининг ўртасидаги бир йилдир; [агар] шундай бўлса, хижратдан олдин бўлади, Яздигард ҳалокатидан кейин бўлиши мумкин эмас. Энди шу мажмуадан Байт ул-Муқаддас қурилиши билан Искандар ўртасидаги муддат бўлган қирқ йилни олсак, минг тўқсон тўққиз йил қолади. [Бу охирги йил] Яздигард ҳалокатидан юз ўттиз етти йил кейинга тўғри келади. Бу ҳам [яхудийларнинг] сўзлари ҳақида бизни шубҳада қолдирувчи ва ишончимизни ].

Бани Исроил ўртасидаги можаро ҳақида Тавротнинг мана шу изоҳланган сўзида ривоят қилинади: «Ёқуб ўз биродари Исавдан қаттиқ кўрқар эди. Аллоҳ унга ваҳий юбориб: «Кўрқма мен, албатта, сени ундан ҳимоя қиламан», – деди. Бу билан Ёқуб қалби тинчимади, балки биродари Исавни рози қилиб, унинг зарарини ўзидан соқит этиш учун қўйларининг ўндан бирини унга берди. [Қўйларининг] ўндан бири беш юз элликта эди. Шунда Аллоҳ таоло: «Нима учун менинг сўзимга ишонмай, биродарингга шунча нарса бердинг? Энди Исо авлодини сенинг авлодинг устидан беш юз эллик йил ҳукмдор қиламан», – деди».

Бу [йиллар] миқдори Байт ул-Муқаддаснинг иккинчи хароб этилишидан то мусулмонлар уни фатҳ этгунича ўтган [муддат]га яқин ва бунга мувофик келади. Шу билан бирга, бунда жабр-зулмни, ота гуноҳи учун болага жазо беришни Аллоҳга тақаш бор, «Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас».

Форсларнинг ислом динини қабул этган насаб билимдонларидан баъзилари у подшоҳларнинг, яъни форслар подшоҳларининг насаблари Иброҳим алайҳиссаломга боради, деб гумон қилади. Яна баъзи бирлари «Визак – Исҳоқнинг ўзи, у Иражнинг қизи Кудакка уйланди, Кудак ундан Манучеҳрни туғди», – дейди. Баъзи форсларнинг айтишларича, Визак бир хотиннинг ўғли бўлиб, насаби биридан иккинчиси эрсиз туғилган олти хотин орқали Кудакка бориб такалади ва бунга форс шоирларидан бирининг мана бу сўзи далил қилинади:

*Отамиз Визакдир, биров ўз насаби билан  
Фахрланганда, мен у билан фахрланаман.  
Отамиз Визак – Аллоҳнинг қули ва пайгамбари,  
Унда пайгамбарлик ва зоҳидлик шарафи бор.*

*Насабимнинг улуғлиги ва софлиги*

*Шундай кўтарилиб турганда, ким менга тенг бўлади?*

(46)|| Айрим [форсларнинг] айтишича, Лухрасп Ёкуб ўғилларидан бири. Ёкуб форс тилида Файнош ибн Кириш бўлиб, у – Исоқдир. Яна [уларнинг] айтишларича, Исмоил Кобуш ибн Фиквор деб аталади, у – Иброҳимдир. Яна улар Афридун – Нуҳ алайҳиссалом дейдилар. Ҳолбуки, тарих ва насабларни озгина билган, хабар ва ривоятларни бироз ўқиган кишига бу [сўзларнинг] араблар ва форслар ўртасида воқе бўлган фахрланишдан келиб чиққан бўяма [гаплар] экани яширин қолмайди. Араблар кўпроқ Иброҳим алайҳиссалом насабига асосландилар ва исломни [форслардан] аввал қабул этганликлари билан ўзларини улардан юқори тутадилар ва гарчи бунга ҳожат бўлмаса-да, форслар ҳам араблар сингари фахрланиш билан уларга карши туришни истайдилар, чунки Аллоҳ таоло: «...Аллоҳ наздида [энг ази-зу] муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир...»<sup>546</sup>, яна: «...Ўша куни уларнинг ўрталарида [ҳеч қандай] насаблар қолмас ва улар ўзаро савол-жавоб ҳам қила олмаслар»<sup>547</sup>, – деган ва Пайғамбар алайҳиссалом: «Барча инсон Одамдан, Одам эса тупроқдандир, араб ажамдан фақат тақводорлик билангина афзал бўла олади»<sup>548</sup>, – деган. Шу билан бирга, фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд [нопокликлар]дан тозаланишидир. Кимда шундай [сифат]лар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади.

Энди [мақсадга] қайтиб айтамикки, барча халқларнинг йил ҳисоблари биз айтиб ўтган форсларнинг ва «аҳли китоб»нинг йил ҳисоблари сингари шакшубҳа туғдирадиган ва билиб бўлмайдиган даражададир. Шубҳа аралашмайдигани кам учрайди.

Таржимаи ҳол китобларида Яман, Лахмий қабиласига мансуб араблар ҳамда Жафна авлоди подшоҳлари ва улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати ҳақида баён этилса-да, бу ривоятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси бири-бирига мувофиқ келмаган.

Яман подшоҳларига келсак, Қахтон авлоди Яманга тўплангач, Ҳимярни, яъни Абд Шамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қахтонни ўзларига подшоҳ қилдилар. Айтилишича, энг аввал араб тилида гапирган ва подшоҳларга лойиқ салом билан олқишланган киши мана шу Яъруб бўлиб, унга: «Лаънатдан сакланинг, тонгинг хайрли бўлсин!» – дейилган. У кексайиб вафот этди ва унинг авлодлари подшоҳликка эга бўлдилар. Асрлар ўтиб ҳукмдорлик ал-Ҳорис ар-Роишга ўтгунича, улар подшоҳлар қаторида саналмай, [фақат] раислар деб аталдилар. [Ҳорис] подшоҳ ва «Тубба» деб аталди, чунки Яман аҳолиси уни ўзларига тубба қилиб олган эдилар<sup>549</sup>. У билан Ҳимяр ўртаси-

да айтганларидек, беш [пушт] ота бор. Ямандаги Ҳимяр подшоҳларининг жадваллари куйида берилмоқда:

	Ямандаги Ҳимяр подшоҳларининг жадвали	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
(47)	Ҳимяр ибн Сабо – у Абд Шамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қажтондир. У Яман заминига биринчи бўлиб асир келтиргани сабабли «Сабо» <sup>550</sup> деб аталди. Подшоҳликда ора узилиш	184	484
	Биринчи тубба – бу ал-Ҳорис ар-Ройиш ибн Саод ибн ал-Милтотдир. [Яманликларни] ўлка билан таъмин этиб тургани сабабли «роиш» <sup>551</sup> деб аталди. Айтилишича, бургутларни севувчи бўлган. 2457 йил умр кўрган Луқмон унинг замонида яшаган	125	309
	Зу-л-Манор Абраҳа ибн ал-Ҳорис – йўлларига жанг вақтида минор қурганидан шу ном билан аталган	133	442
	Ифриқис ибн Абраҳа – Барбар заминида Ифриқия <sup>552</sup> шаҳрини қурган кишидир	164	606
	Ал-Абд Зу-л-Аъзор ибн Ифриқис – У насносларга <sup>553</sup> қарши уруш қилди. Унинг асирлари одамларни қўрқитдилар. [Шунинг учун] «Зул-л-азъор» <sup>554</sup> деб аталди	25	631
	Ҳаддод ибн Шароҳил ал-Ҳадҳод <sup>555</sup>	75	706
	Билқис – Ҳаддод кизи, у Яманда Сулаймон ибн Довуднинг (ҳар иккисига Аллоҳнинг саломи бўлсин) вориси бўлган	24	730
	Ёсир Юнъим <sup>556</sup> – Билқиснинг амакиси. У Билқис Ямандан жудо бўлиб, подшоҳлиги тугаганидан кейин подшоҳликни [қайта] барпо этиб, халққа инъом қилиши сабабли шу ном билан аталди	85	815
(48)	Абу Кариб Шаммар Юръиш ибн Ифриқис – у калтираши сабабли «Юръиш» деб, кокили [борлиги] сабабли «Зулқарнайн» деб аталди. Айтишларига кўра, Виштасп Рустам ўз қўли билан унинг жонини олган	37	852
	Абу Малик ибн Шаммар	55	907
	Ал-Ақран ибн Абу Малик – у «иккинчи тубба»	53	960
	Зу-Хусбон ибн ал-Ақран	70	1030
	Улуг Тубба ибн ал-Ақран	163	
	Маликикариб <sup>557</sup> ибн Тубба – у Малик Кали Кариб деб ҳам аталади	-	-
	Туббаъ Асад ибн Маликикариб – у «ўртанча тубба» [деб аталади]. Ўз жамоаси томонидан ўлдирилган. Унинг [номи] Қуръонда мазкурдир <sup>558</sup>	-	-
	Унинг ўғли Ҳассон ибн Тубба	35	1228
	Унинг биродари Амр ибн Тубба – Мувсабон <sup>559</sup> . Доим висобда, яъни ўрнида ётаверган сабабли [шу ном билан аталган]. У «Ёғоч одам» деб ҳам аталади. Чунки у [ёғочдек] чўзилиб тахтада ётар ва одамлар уни елкаларида кўтариб юрардилар	84	1312
	Абу Кулол ибн Мусаввиб – у яширинча [Исо] Масих динида эди	70	1382
	Кичик Тубба Ҳассон ўгли – у яҳудий динини қабул қилиб, [одамларни] яҳудийликка даъват қилди. Синглисининг ўгли Оқил ал-Мурорни Маад [қабиласига] подшоҳ қилиб қўйган	63	1445
	Марсад ибн Абд Кулол	74	1519
	Подшоҳликда ора узилиш бўлиб, унда Ҳимяр подшоҳлари тарқалдилар	320	1838

(156-бетдаги жадвалнинг давоми)

Валиа ибн Марсад	41	1880
Абраҳа ибн ас-Сабоҳ – Шопур «Зулактоф» замонида [яшаган]	-	-
Сухбон ибн Мухрис	37	1917
Ас-Сабоҳ ибн Абраҳа ибн ас-Сабоҳ	73	1990
Ҳассон ибн Амр ибн Тубба	32	2022
Зу-ш-Шанотир – ҳимяр тилидаги маъноси «зирак таққан киши» демақдир. У подшоҳ хонадонида бўлмаган	36	2058
Зу-Нувос – у Ариб ибн Қатандир. Зу-Нувос деб аталишига сабаб шуки, унинг иккита кокили икки елкасига тушиб, қимирлаб турарди. [Чоҳ эгалари]ни куйдирган <sup>60</sup> ва яҳудийлар ёрдамчиси бўлган, ҳабашлардан қочган [вақтида] денгизга тушиб [кетиб] ҳалок бўлган	57	2115
Зу-Жадан	29	2217

(49)||

Ямани эгаллаган ҳабашлар ва уларни ҳайдаб, у ерни қўлга киритган форслар	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Арбот ибн Саҳм	20	
Ибн Яқсум Абраҳа ал-Ашрам	23	
Унинг ўғли Яқсум	17	
Масрук ибн Абраҳа – [юқоридагининг биродари]		
Сунгра Ваҳриз келди – ўн йилдан кейин «ҳарб ул-фижор» <sup>61</sup> бўлиб ўтди	12	
Сайф ибн Зу-Язан		
Ваҳриз – у Ҳурзод ибн Дорбахор ибн Нарси ибн Жамасп ибн Феруз подшоҳдир <sup>62</sup>		
Фалишжон		
Ҳурзодоншаҳр		
Анушжон		
Марзубон		
Унинг ўғли Хуррахусрав		
Бозом ибн Сосон ал-Жарур ибн Балаш ибн Жамасп ибн Феруз подшоҳ		
Зодавайҳ ибн Фируз ибн Можар Сомод ибн Феруз подшоҳ <sup>63</sup>		
Феруз Дамлабий билан бирлашиб, анс [қабиласидан бўлган] сохта [пайгамбар]ни қатл этган		

(50)|| Жафна хонадонидан бўлган подшоҳларга келсак, Яманда Арим сели<sup>64</sup> пайдо бўлгач – бу исломдан беш юз йилча илгари юз берган эди – араблар тарқалиб кетдилар. Бани Хузоя қабиласи Шомга келиб қолди, улардан бир гуруҳи Малик ибн Фаҳм ибн Таймулло ибн Асад Вабра ибн Хузояни ўзига подшоҳ қилиб олди. Улар устидан Музоқия [уруғи] ғалаба қозонгунича уларнинг подшоҳлари «Зажоима» деб аталарди. У [подшоҳ]ларнинг биринчиси Жафна ибн Амр ибн Музайқия ибн Омир ибн Мо ус-Само ибн Хориса ал-Ғитриф ибн Имру ул-Қайс Ибодаткор ибн Саълаба ибн Мозин ибн ал-Азд ибн ал-Ғавсдир. Музайқия туфайли улар «Музоқия»<sup>65</sup> деб аталдилар, чунки

Музайкия бошқа киши киймасин деб устидаги кийимини [хар куни] йиртиб ташлар эди. Баъзиларнинг айтишича, балки унинг замонида Азд қабиласи бутунлай парчаланиб кетганидан [Музайкия] шу исм билан аталган.

Яна улар «Ғассония» ва «Оли Жафна» деб ҳам аталадилар. Улар Қайсарларнинг Шом араблари устига қўйган амалдорлари эдилар. Жафна Рум подшоҳи Қайсар Настас<sup>566</sup> томонидан қўйилган биринчи амалдордир. Уларнинг [хукмронлик қилган] йиллари ушбу жадвалда кўрсатилмоқда:

(51) ||

Ямани эгаллаган ҳабашлар ва уларни ҳайдаб, у ерни қўлга киритган форсларнинг исмлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]		Жами йиллар	
	Йил	Ой	Йил	Ой
Жафна	44	3	44	3
Амр ибн Жафна	5	0	49	3
Унинг ўгли Саълаба ибн Амр – у «гордаги ўсмирлар» замондоши Қайсар Дикив <sup>567</sup> номидан [хукм сурган] эди	17	0	66	3
Ал-Ҳорис ибн Саълаба	20	0	86	3
Жабала ибн ал-Ҳорис	10	0	96	3
Ал-Ҳорис ибн Жабала	10	0	106	3
Ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис	3	0	109	3
Унинг биродари Ал-Нуъмон ибн ал-Ҳорис	15	6	124	9
Унинг биродари Жабала ибн ал-Ҳорис	13	0	137	9
Унинг биродари Ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис	34	0	137	9
Унинг биродари Амр ибн ал-Ҳорис – қўш зиракли Мариянинг ўгли	26	2	200	11
Жафна ибн ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис – Мариянинг ўгли	30	0	230	11
Унинг биродари ал-Нуъмон ибн ал-Мунзир	1	0	231	11
Ал-Нуъмон ибн Амр ибн ал-Мунзир	27	0	258	11
Унинг ўгли Жабала ибн ан-Нуъмон	16	0	274	11
Ан-Нуъмон ибн ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис – Мариянинг ўгли	21	0	295	11
Ал-Ҳорис ибн ал-Айҳам	22	5	318	11
Унинг ўгли ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис	18	0	336	4
Унинг ўгли ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон	19	0	355	4
Унинг биродари Амр ибн ан-Нуъмон	33	4	388	8
Унинг биродари Хужр ибн ан-Нуъмон	12	0	400	8
Ал-Ҳорис ибн Хужр	26	0	426	8
Унинг ўгли Абу Шамир Жабала ибн ал-Ҳорис	17	1	443	9
Унинг ўгли Ал-Ҳорис ибн Жабала	21	5	465	2
Унинг ўгли Абу Кариб ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис – лакаби Қарчигай	37	3	502	35
Ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир	22	2	529	7
Унинг биродари Ал-Мунзир ибн Жабала	13	0	542	7
Унинг биродари Шураҳил ибн Жабала	25	3	567	10
Унинг биродари Асир ибн Жабала	10	2	578	0
Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир	1	0	582	0
Жабала ибн ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Мария – у исломни қабул этиб, кейин насроний динига қайтган	3	0	585	0

Арим сели пайдо бўлгач, араблар [турли томонларга] тарқалиб кетганини юкорида айтдик. Улардан бир гуруҳи биз айтгандек, Шомга келиб колди ва ишлари ҳикоя қилганимиздек бўлди. Бир гуруҳи эса Ироққа келиб, уларга «қабилалар подшоҳликлари» замонида Малик ибн Фаҳм ибн Ғанм ибн Давс Аднон ал-Аздий подшоҳлик қилди.

(52)|| Айтилишича, Анбор ва Ҳира<sup>568</sup> шаҳарлари Бухтунассар замонида бино этилиб, унинг [подшоҳлик] даврида обод бўлди. Бухтунассар ҳалок бўлгач, Ҳира аҳолиси Анборга кўчдилар. Кейин беш юз эллик йилча Анбор обод, Ҳира эса хароб бўлди. Сўнгра Маадд [қабиласи] подшоҳларидан Лаҳмийлар Ҳирага келдилар. Шунда Ҳира мусулмон араблар Кўфага келгунларича, [яъни] беш юз ўттиз йилдан ортиқроқ [муддат] обод бўлиб турди.

Лаҳмийлардан биринчи бўлиб Ҳирага келган киши Амр ибн Адий ибн Наср ибн Рабиа ибн ал-Ҳорис ибн Молик ибн Ғанм ибн Самора ибн Лаҳмдир. У Амр ибн Ракош Малик кизи ибн Фаҳм ибн Ғанм ибн Давс ибн Аднондир. Жафна авлоди томонидан қайсарларнинг Шом араблари устига қўйган амалдорлари бўлгани каби, Наср авлодидан бўлмиш Амр ибн Адийдан кейин подшоҳ бўлган кишилар ҳам Хусравларнинг Ироқ араблари устига қўйган амалдорлари эдилар.

Баъзи ривоятчилар [Лаҳмий] подшоҳларининг айримлари оралигида узилиш бўлганини айтса, баъзилари бунинкор этади. Бошқалари у подшоҳларнинг ададларини орттирадилар ёки камайтирадилар, подшоҳлик муддатларини ҳам шундай [орттириб ёки камайтириб] кўрсатганлар. Хаварнакни<sup>569</sup> бино эттирган ан-Нуъмон ҳам шу [Лаҳмий]лардан эди. У Ер юзини саёҳат қилиб яширинди, кейин унинг аҳволи маълум бўлмади. Адий ибн Зайд<sup>570</sup> уни ўз шеърида эслаб, шундай деган:

«Хаварнак эгасини кўз олдинга келтир – тўғри йўл [топиш] учун фикр қилиш керак – у бир куни қараб турганида, ўз аҳволи, қўлга киритган нарсаларининг кўплиги, бепоён денгиз ва қасри уни қувонтирди.

[Бирдан] юраги чўчиди-да: «Киши ўлимга [қараб] боргач, нимага кизиқади?» – деди».

Подшоҳликлар жадвали қуйида берилмоқда:

Маадд [қабиласи]дан Ҳирага келиб қолган Лаҳмий подшоҳлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Жами йиллар
Малик ибн Фаҳм ибн Ҳанм ибн Давс – Азд [қабиласи]дан	20	20
Жазима ал-Абраш ибн Малик – икки Бузоқ <sup>71</sup> юлдузи [санамини] билан майхўрлик қилувчи. Унинг синглиси Заббо бинт Малик у билан биргаликда подшоҳлик қилди	60	80
Сўнгра Лаҳм авлодидан Амр ибн Адий Ҳирага келиб, то Ардашер ибн Бобак <sup>72</sup> подшоҳ бўлгунича	95 14 йил 10 ой	175 189
Кейин то Шопур <sup>73</sup> подшоҳ бўлгунича Ундан кейин то Шопур замонида вафотига қадар	8 йил 2 ой	198



Имру ул-Қайс ибн Амир ал-Бад – хрисгианликни қабул этган <sup>574</sup> . У бешинчидир	114	212
Амр ибн Ҳинд – у Имру ул-Қайснинг ўгли	30	342
Авс ибн Қалдом ибн Бутайно ибн Жумайхир ибн Лиҳён ал-Амликий – у Фасорон ибн Амр ибн Имлик авлодининг бири Жаҳжабо ибн Атик унга қарши қўзғолон кўтаргунича подшоҳлик Наср авлодига қайтди	5	347
Имру ул-Қайс ибн Амр ибн Ҳинд ал-Мухаррик – бу биринчи <sup>574</sup>	25	372
Ан-Нуъмон ибн Имру ул-Қайс – у бир кўзли, саёҳатчи, Зоҳид ва Ҳаварнақни қурган кишидир	30	402
Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн Имру ул-Қайс	44	446
Ал-Асвад ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон	20	466
Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир ибн ал-Нуъмон	7	473
Ан-Нуъмон ибн ал-Асвад ибн ал-Мунзир	4	477
(54)   Сўнгра унинг ўрнига Абу Яъфур ибн ал-Қама аз-Зумайлий ўтирди – Зумайл Лаҳмий [қабиласи]нинг бир уругидир	3	480
Ал-Мунзир ибн Мо ас-Сами – у ал-Мунзир ибн Имру ул-Қайсдир. Уни Зулқарнайн ҳам деб атайдилар	49	529
Подшоҳлик ора узилиш		
Амр ибн ал-Мунзир ибн Мо ас-Само – «тошдан шамол чиқартирувчи». У Мухаррик иккинчидир; Пайгамбар алайҳиссалом тугилгунича	8 йил 8 ой	537
Ундан кейин		545
Унинг биродари Қобус ибн ал-Мунзир	7 йил 4 ой	549
Форс Фийшаҳарт – у Ануширвон замонидан эди	4	550
Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир – Амрнинг биродари	4	554
Абу Қобус ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир ибн ал-Мунзир – Убайд ибн ал-Абрас ва ан-Нобига аз-Зубиёнинг қотили. У Лаҳм подшоҳларининг охиргисидир, Хусрав уни ас-Соботда фил оёқлари тагига [ташлатиб] ўлдирди	22	576
Ийёс ибн Кабиса ат-Тоий – форс Нахиражон ҳам у билан бирга эди	9	585
Ҳамадонлик Озодбех ибн Моҳбиён ибн Мехрбундод	17	602
Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир – у «Махрур» номи билан машҳурдир. Жувосо куни [жангда] ўлдирилган	8 ой	602

Бу муддатларни қандай учратган бўлсак, шундай кўрсатдик. Биз юқорида айтганимиздек, жадвалда кўрсатилган икки подшоҳ ўртасидаги мамлакат бошқарувида узилиш бўлган.

Баъзи китобларда учратилишича, ар-Раба ибн Наср хонадони Тубба Асаддан кейин Яманда подшоҳ бўлган, Тубба ибн Ҳассон ўз синглисининг ўгли Оқил ал-Мурор деб танилган ал-Ҳорис ибн Амр ал-Киндийни Ирокқа подшоҳ қилган. У куч билан Ҳирага бостириб кириб, у ердаги Лаҳм подшоҳларини ўлдирган ва Ҳирани эгаллаб олган. Аммо на шу ҳолатларнинг йиллари миқдори ва на у [подшоҳларнинг] кунялари,<sup>575</sup> муддатларининг миқдори баён этилган.

Энди юкорида айтганимизга мувофик, исломдаги машхур саналар ва халифаларнинг хукм суриш муддатларини баён этишимиз лозим. Ислом саналарининг ҳаммаси маълум бўлгани учун сўз жиловини ҳижрат баёнига томон бурдик.

Қуйида қайд этилган жадваллар Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилганларидан то вафот этгунига қадар кечирган ҳаёт йўллари баён этади.

## 55// ПАЙҒАМБАРИМИЗ АЛАЙҲИССАЛОМ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ЙИЛ ҲИСОБЛАРИ

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тириклик вақтларидаги аҳвол ва афъоли. Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Асҳоби фил» Маккага келганидан эллик кун кейин тугилдилар. Бу [воқеа] Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Китоб ат-тарих»<sup>576</sup> [асаридаги] сўзига кўра, душанба кечаси Дай моҳнинг ўн еттинчиси Ануширвон подшоҳлигининг қирқ иккинчи йилида ёки Искандар тарихининг саккиз юз саксон иккинчи йили – Нисаннинг йигирманчи кунда юз берган эди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлик вақтларидаги ҳолатлари ва фаолиятлари	Ҳодисалар юз берган вақтлар орасидаги [муддат]			Жами йиллар сони		
	Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
{Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг} доялари Ҳалима уларни ўз оналари Ваҳб ибн Абд Манноф ибн Зухра ибн Килоб ибн Мурра қизи Оминага <sup>577</sup> қайтаргунигача	5	0	2	5	0	2
Оналари уларни Мадинадаги Адий [қабиласидан] бўлмиш тогаларини кўрсатиш учун олиб боргунигача	1	0	0	6	0	2
Оналари Абвада вафот этгунигача, – шунда оналари билан бирга эдилар <sup>578</sup>	0	1	0	6	0	2
Оналари ўлганидан кейин, то Умму Айман Маккага келгунигача	0	0	5	6	1	7
Боболари Абдулмутталиб вафот этгунигача <sup>579</sup>	1	10	25	8	0	2
Уларни амакилари Абу Толиб Суриядаги Бусрага <sup>580</sup> олиб боргунигача. Шунда уни Бухайра ар-Роҳиб кўриб: «Бу [бола]ни эҳтиёт қилинглар, чунки у – пайғамбар», – деди	4	0	0	12	0	2
Улар «Фижор кун»да ҳозир бўлгунигача – бу Укозда муқаддас ой [Муҳаррам]да Қурайш ва Кинана қабилалари ўртасида юз берган жангдир <sup>581</sup>	8	0	0	20	0	2
Ҳадича уларни савдо иши билан Шомга юборгунигача <sup>582</sup> – Настур ар-Роҳиб уларнинг устига булут соя ташлаб турганини кўрди-да: «Бу – пайғамбар!» – деди	4	9	6	24	9	8
Улар Хувайлид қизи Хадичага уйлангунларигача <sup>583</sup>	0	2	20	24	11	28
Қабанинг тузатилишида ҳозир бўлгунича – Қурайш қабиласи бу борада унинг ҳукмига рози бўлдилар;	10	0	0	34	11	28

(56) ||

(57)||

Аллоҳ уларни барча халққа [Пайгамбар] қилиб юборгунигача. Бу – душанба кунида эди <sup>584</sup>	5	0	0	39	11	28
Қурайшийлар уларнинг пайгамбарлиги аломати сифатида юлдузларнинг кетма-кет учаетганини кўргунларигача	0	0	20	40	0	0
Қурайшийлар уларни ҳайдаб чиқаргунигача. Шунда [Ҳошим авлоди] дарада қамалда эди	5	11	1	45	11	19
Дарада қамалдан чиққунларигача турдилар	3	0	0	48	11	19
Амакилари Абу Толиб вафот этгунигача <sup>585</sup>	0	6	0	49	15	19
Хувайлид кизи Хадича вафот этгунигача <sup>586</sup>	0	0	13	49	6	2
Зайд ибн Ҳориса <sup>587</sup> биргаликда Тоифдан <sup>588</sup> чиққунигача	0	3	6	49	9	8
Тоифда Маккага қайтгунича турди – Маккага Мутъим ибн Адий химоясида кириб келди	0	1	2	49	10	10
Унинг ҳузурига Нисбий жинлари келгунларигача. Улар уч юзта бўлиб, Ҳажун [тоғида] исломни қабул қилдилар	0	3	0	50	1	10
Улар замзам ва Мақом [Иброҳим] орасидан кечаси Байт ул-Муқаддасга олиб борилгунигача	1	6	6	51	7	16
Уларнинг Маккадан Мадинага хижрати йилининг биринчи кунигача <sup>589</sup>	1	2	1	52	9	17
Намозга икки ракат қўшилгунигача – [бу] муқим [турувчи] билан мусофир намози орасида фарқ бўлиши учун эди <sup>590</sup>	0	1	4	52	10	21
Улар муҳожирлар билан ансорлар <sup>591</sup> ўртасида биродарлик муносабатини ўрнатгунларигача – ўзлари билан амакиларининг ўғли Али ибн Абу Толиб ўртасида ҳам биродарлик муносабатини ўрнатди	0	5	0	53	3	21
Улар Абу Бакр Сиддиқнинг кизи Ойшага уйлангунларигача <sup>592</sup>	0	0	25	53	4	16
Фотимани Алига турмушга узатгунларигача <sup>593</sup>	0	4	15	53	9	1
Ваддонда уруш қилиб, Абвага етиб боргунларигача <sup>594</sup>	0	0	18	53	9	19
Қурз ибн Жобирни қидириб жанг қилгунларигача – ниҳоят, улар Бадрга етиб бордилар	0	0	20	53	11	12
Улар жанг қилиб Қурайшийлар қарвонига етиб боргунларигача – бу «Ушайра жанги» эди <sup>596</sup>	0	1	12	54	0	24
Аллоҳ мусулмонларга [янги ойни] кўрингунча, Рамазон ойида рўза тутишни фарз қилгунича <sup>597</sup>	0	1	107	54	2	11
Қибла Байт ул-Муқаддасдан Каъбага ўзгартирилгунигача <sup>598</sup>	0	0	13	54	2	24
Пайгамбар алайҳиссалом Бадрга юриш қилиб, мушрикларга ҳужум қилишлари ва улар устидан галаба қозонгунларигача <sup>599</sup>	0	1	2	54	3	26
Қайнуқаъ авлодига қарши жанг қилгунларигача <sup>600</sup>	0	0	18	54	4	14
Абу Суфённи таъқиб қилишда «Савиқ жанги»ни ўтказгунларигача <sup>601</sup>	0	1	0	54	5	14
Пайгамбар алайҳиссаломнинг қизлари Руқия вафот этгунигача – у Усмон ибн Аффоннинг рафикаси эди	0	0	15	54	5	29
Али ибн Абу Толиб Фотимага уйлангунларигача	0	0	16	54	6	15

## ҚАДІМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

(162-бетдаги жадвалнинг давоми)

[Пайгамбар алайҳиссалом] Сулайм [қабиласи]га қарши Қудрда жанг қилгунларигача <sup>602</sup>	0	1	5	54	7	20
Ғатафон [қабиласи]га қарши жанг қилгунларигача – бу «Зу-Амарр жанги» <sup>603</sup> деб ҳам аталади	0	2	0	54	9	20
[Пайгамбар алайҳиссалом] Умар ибн ал-Ҳаттобнинг қизи Ҳафсага уйлангунларигача	0	2	3	55	2	29
Ҳилол қабиласидан Ҳузайма қизи [Зайнаб]га уйлангунларигача – у [хотин] «бечоралар онаси» [лақабини олган]	0	0	20	55	3	19
Уҳуд тоғида жанг қилгунларигача, жангда [Пайгамбар алайҳиссаломнинг] юзи конга бўялди <sup>604</sup>	0	0	22	55	3	19
Назир авлодига қарши жанг қилгунларигача	0	4	10	55	8	26
«Шаҳидлар саййиди» Ҳусайн ибн Али тугилгунигача	0	5	20	56	2	16
[Пайгамбар алайҳиссалом] Абу Умайя қизи Умму Саламага уйлангунларигача	0	2	20	56	4	27
Зот ар-Рикоъда жанг қилгунларигача – бу ерда [Пайгамбар алайҳиссалом] хавф намозини ўқидилар <sup>605</sup>	0	2	20	56	7	17
Думат ал-Жандалда жанг қилгунларигача <sup>606</sup> – [бу ерда] улар [душманнинг] алдовига йўликмадилар	0	2	4	56	9	21
Ҳузоъа қабиласидан Бани Мустаълиққа қарши жанг қилиб, уларни асир олгунигача <sup>607</sup> – бу ерда бўҳтончилар Ойша ҳақида гап тарқатдилар <sup>608</sup>	0	5	3	57	2	24
Бани Қурайзага қарши жанг қилгунларигача <sup>610</sup>	0	0	8	57	5	22
[Пайгамбар алайҳиссалом] Жаҳш қизи Зайнабга уйлангунларигача <sup>611</sup>	0	0	20	57	6	12
Усфонда Ҳузайл қабиласидан Бани Лиҳёнга қарши жанг қилгунларигача <sup>612</sup>	0	3	0	57	9	12
Зу-Қарад жангига отлангунларигача – Зу-Қарад Бани Фазора [қабиласига қаршли] сувлардан бирининг [номидир] <sup>613</sup>	0	1	9	57	10	21
Йирткич ҳайвонлар [Пайгамбар алайҳиссалом] ҳузурига ўзларига овқат белгилашини сўраб келгунларигача	0	0	0	14	57	11
Шируя ўз отаси Ҳусравга қарши кўзғалиб, уни ўлдиргунигача <sup>614</sup>	0	0	6	57	11	11
Халқ курғоқчиликда қолгунигача – шунда [Пайгамбар алайҳиссалом] ёмғир тилаб дуо қилганлар	0	4	0	58	3	11
Улар Умра ҳажини қилиб, Ҳудайбияда мушриклар билан ўн йиллик шартнома тузгунларигача <sup>615</sup>	0	1	21	58	5	2
Пайгамбар алайҳиссалом Қайсар, Ҳусрав ва Муқавқисга элчилар юборгунларигача <sup>616</sup>	0	1	14	58	6	16
Хайбарда жанг қилгунларигача <sup>617</sup>	0	4	5	58	10	22
[Пайгамбар алайҳиссалом] Ҳудайбия шартномаси ҳажини ўтагунларигача <sup>618</sup>	0	6	10	59	5	2
Улар Ҳорис қизи Маймунага уйлангунларигача – шунда у эҳромда эди	0	0	22	59	5	24
[Пайгамбар алайҳиссалом завжаси] Жаҳш қизи Зайнаб вафот этгунигача	0	3	0	59	8	24
Маккага юриш қилиб, уни куч билан фатҳ этгунларигача <sup>619</sup>	0	6	18	60	3	12

Санамлар синдирилиб, улар сақланадиган ибодатхоналар бузилгунигача	0	0	14	60	3	26
[Пайғамбар алайҳиссалом] Хунайнга юриш қилиб, душман ўрдасини забт этишлари ва душманни асир олиб, молларини қўлга киритгунларигача <sup>620</sup>	0	0	1	60	3	27
Тоиф учун жанг қилиб, аҳолисини қамал қилгунларигача <sup>621</sup>	0	0	17	60	4	14
Довуд қизи Мулайкага уйлангунларигача – аммо бу киз улар [билан яшадан] бош тортди	0	0	15	60	4	29
Заҳҳок қизи Фотимага уйлангунларигача – аммо бу улар [билан яшадан] бош тортди	0	0	15	60	5	14
Мория ал-Қибтий Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўғли Иброҳимни туққунигача	0	1	10	60	6	24
(59)   [Пайғамбар алайҳиссалом] Табуқда жанг қилгунларигача <sup>622</sup>	0	6	20	61	1	14
Ҳабашистонда ан-Нажоший ўлгунигача – Пайғамбар алайҳиссалом Мадинада туриб унга жаноза ўқиганлар <sup>623</sup>	0	0	15	61	1	29
Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизи, Усмоннинг рафиқаси Умму Қулсум ўлгунигача	0	0	25	61	2	24
Абу Бакр мусулмонлар билан бирга ҳаж қилгунигача – [шу вақтда] «Бароат» сураси нозил бўлган эди, <sup>625</sup> Али ибн Абу Толиб уни мусулмонларга ўқиб берди	0	3	25	61	6	19
Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўғли Иброҳим вафот этгунигача – шу куни икки соат вақт мобайнида Куёш тутилди	0	0	18	62	5	7
Видолашув ҳажини адо этгунларигача – шунда «насий» ой ҳаром қилинди <sup>626</sup> .	0	1	12	62	6	19
Пайғамбар алайҳиссалом охири ўлимга олиб борган касалликка дучор бўлгунларигача	0	2	6	62	8	23
[Пайғамбар] алайҳиссалом то жонлари узилгунигача касал бўлиб ётдилар	0	0	14	62	9	9
[Пайғамбар] алайҳиссалом Ойшанинг уйига дафн этилгунларигача	0	0	2	62	9	11

Бу жадваллардан кейин Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратларидан бошланадиган бошқа жадваллар келади. Улар Пайғамбар алайҳиссаломдан кейинги халифаларнинг муддатларини, улар давридаги фатҳларнинг [йилларини] ўз ичига олади. Халифалик амирларнинг даврларига, [Умавий] подшоҳларининг даврлари, сўнгра буларга Аббосийлар сулоласи эгалари бўлмиш «имом»ларнинг даврлари туташади.

[Йилларга] уларнинг кунялари ҳам қўшимча қилинади. Чунки бошқаларга қараганда, айниқса, араблар кунялар билан кичикларининг қадрини улуғлайди ва катталарининг номларини айтмай куняларини айтиш билан кифояланади. Аббос авлодининг лақаблари ҳам кўрсатилади, чунки Марвон авлодининг<sup>626</sup> биронта яхши [лақаби] бўлмай, фақатгина «Ан-Нокис», «Ал-Ҳимор» ва шунга ўхшаш лақаблари бўлган. Уларнинг ўзлари бу лақабларни [тан] олмаганлар,

балки [бошқалар] уларга берганлар. Язид ибн ал-Валидга ато ва эҳсонларни камайтиргани учун «Ан-Нокис»<sup>627</sup> деб, Марвонга эса жангда кучли ва чидам-ли бўлгани учун «Ал-Ҳимор»<sup>628</sup> деб лақаб берилган. [Баъзиларнинг] айтиши-ча, Марвон туғилган йили эшаклар қирилган, шунинг учун унга бу лақаб бе-рилган. [Бошқалар]: «Ундоқ эмас, балки Аббос авлоди [тарафдорлари] Бани Умайя давлатининг у билан тамом бўлишини умид қилиб: «Аллоҳ тирил-тирган «эшак эгаси»нинг «Бақара» сурасида<sup>629</sup> эслатилган муддатда, яъни юз йилда Марвон билан тугайди», – дердилар. [Шунинг учун Марвонга шу лақаб берилган]», – дейди. Марвон ҳалокатга учрагач, [Аббос авлоди] қўзғалишга тайёрланиб, халқни очикдан-очик [Аббосийлар томонига] қақирди.

Жадваллар қуйида берилмоқда:

(60)    Халифа ва имомларнинг <sup>630</sup> исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Уларнинг кунялари	Ҳодисалар юз берган вақтлар орасидаги [муддат]			Жами йиллар		
		Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Пайгамбар алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижратлари [эра боши биринчи муҳаррамдан ҳисобланишигача] <sup>631</sup>	Абу-л-Қосим	0	2	8	0	2	8
[Пайгамбар] алайҳиссалом Мадинага келиб, вафот этгунларигача шу ерда бўлдилар		9	11	22	10	2	0
[Абу Бакр] ; «Ас-Сиддик» <sup>632</sup> , Абдуллоҳ ибн Абу Кухофа – у Тайм ибн Мурра авлодидан бўлиб, жоҳилиятда исми Абдулкаъба эди [632–634] <sup>633</sup>	Абу Бакр Сиддик	0	0	10	10	2	10
Араблар диндан қайтиб, Тулайҳа ибн Ҳувайлид пайгамбарликни даъво қилгунигача <sup>634</sup>		–	–	–	–	–	–
Яздигард ибн Шаҳриёр подшоҳлиги бошлангунигача <sup>635</sup>		0	0	8	10	2	18
Фотима (Аллоҳ ундан рози бўлсин) – вафот этгунигача		0	5	11	10	7	29
Ҳолид ибн ал-Валид қаттиқ жангдан кейин Йамогани сулҳ билан фатҳ этгунигача <sup>636</sup>		0	6	8	11	2	7
Абу Бакр амир ва лашкарларни Сурияни босиб олишга юборгунигача <sup>637</sup>		0	1	15	11	3	22
Ҳолид ибн ал-Валид Ироқни фатҳ этиб, Салуба билан сулҳ тузгунигача <sup>638</sup>		0	2	14	11	6	6
Мусулмонлар билан румликлар Фихлда тўқнашгунларигача – [бунда] румликлар қочиб кетдилар <sup>639</sup>		0	5	4	11	11	10
Фаластинда Ажнодайн жанги бўлиб, румликлар енгилгунигача <sup>640</sup>		0	5	23	12	5	3
Абу Бакр вафот этиб, Умар ал-Форуққа [634 – 644] қасамёд этилгунигача <sup>641</sup>		0	1	10	12	6	13
Абу Убайд ўлдирилгунигача <sup>642</sup>		0	3	20	12	10	3
Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Мазор [вилояти] ҳокимига ҳужум қилиб, уни енгилгунигача <sup>643</sup>		0	5	3	13	3	6

(165-бетдаги жадвалнинг давоми)

(61) ||

Жарир Нухайлада Михронга ҳужум қилиб, уни ўлдириб, одамларини мағлуб эттунигача <sup>644</sup>	0	2	1	13	5	7
Дамашқ олти ой қамал қилингандан кейин сулҳ билан фатҳ этилгунигача <sup>645</sup>	0	2	15	13	7	22
Умар шаҳарларга мактуб юбориб, [аҳолини] Рамазон ойи кечаларини ибодат билан ўтказишга буюргунигача	0	0	8	13	8	0
Ҳимс [шаҳри] икки ой қамалдан кейин сулҳ билан фатҳ этилгунигача <sup>646</sup>	0	3	25	13	11	25
Баълабак шаҳри сулҳ билан фатҳ этилгунигача <sup>647</sup>	0	0	11	14	0	6
Ярмук жангигача – бунда румликлар икки юз минг киши эди, Аллоҳ уларни мағлубиятга учратди <sup>648</sup>	0	7	9	14	7	15
Иракий Антакиядан Кустантанияга қочгунигача уруш майдонида румликлардан қирқ минг киши ўлдирилди, сойли ва тоғ йўлларида ҳам улардан қирқ минг киши ҳалок бўлди	0	1	10	14	8	25
Мория ал-Қибтийя [Пайгамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири] ўлгунигача	0	4	25	15	1	20
Мактубларга ҳижрат йилининг бошидан йил ҳисоби қўйилишигача	0	2	5	15	3	25
Саъд ибн Абу-л-Вакқос Қодисияни фатҳ этиб, Рустам ўлдирилгунигача <sup>649</sup>	0	1	20	15	5	15
Саъд ал-Мадоинни бир ой қамалдан кейин фатҳ эттунигача <sup>650</sup>	0	1	15	15	7	0
[Исломи] лашқари дастлаб Рум мамлакатига киргунигача – лашқар амири Майсара ибн Масрук эди	0	1	5	15	8	5
Абу Убайд ал-Жарроҳ ал-Жобияни фатҳ эттунигача <sup>652</sup>	0	1	10	15	9	15
Умар Байт ул-Муқаддасни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>653</sup>	0	2	0	15	11	15
Ийад ибн Ғаним Суруж ва ар-Рухани сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>654</sup>	0	1	3	16	0	18
Саъд одамлари билан Куфага ўрнашиб, уни катта шаҳарга айлантиргунигача <sup>655</sup>	0	0	5	16	0	23
Ийад ар-Раққа, Амид, Телл-Мавзан [шаҳарлари] ни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>656</sup>	1	4	0	17	4	23
Умар ибн Саъд Айн ал-Вардани фатҳ эттунигача <sup>657</sup>	0	1	10	17	6	3
(62)    Умар Байтуллоҳ деворидаги [Иброҳим] намоз ўқиган жойни ҳозирги кунда турган ўрнига сургунигача	0	6	12	18	12	15
Муовия Қайсарияни фатҳ эттунигача – шунда у юз мингга яқин кишини қатл этди <sup>658</sup>	0	3	0	18	3	15
Саъд раҳбарлигида Жалула жангигача <sup>659</sup>	0	2	12	18	5	27

(63)||

Ийад ибн Ганим Нисибин, Тур Абдин ва Қард [шахарлари]ни сулҳ билан фатҳ эттунигача – шунда Иракий вафот этди <sup>660</sup>		0	1	10	18	7	7
Умар [давлат ишлари бўйича] девонлар тузишга буюргунигача <sup>661</sup>		0	6	10	19	1	17
Амр ибн ал-Ос Миср ва Искандариянн фатҳ эттунигача <sup>662</sup>		0	3	13	19	5	0
Умар Хижоз яхудийларини Нажрондан Куфага кўчиргунигача <sup>663</sup>		0	2	5	19	7	5
Утба ибн Ғазвон Майсон ва ал-Фирот [вилоятлари]ни фатҳ эттунигача <sup>664</sup>		0	1	10	19	8	13
Ниҳовандининг биринчи жангигача. Лашкарбоши Ан-Нуъмон ибн ал-Муқаррин эди ва у ўлдирилди <sup>665</sup>		0	5	0	20	1	15
Яздигард Марвга қочиб, у ерда ўлдирилгунигача <sup>666</sup>		0	3	12	20	4	27
Амр ибн ал-Ос сулҳ билан Баркани фатҳ эттунигача <sup>667</sup>		0	2	6	20	7	3
Абу Мусо ал-Ашъарий Аҳвоз вилоятини, ал-Муғира ибн Шуъба Озарбайжонни фатҳ эттунигача <sup>668</sup>		1	0	10	21	7	13
Абу Мусо ал-Ашъарий ва Усмон ибн Абу-л-Ос Истахрни фатҳ эттунигача <sup>669</sup>		0	6	8	22	1	21
Хузоъ [қабиласи]дан Абдуллоҳ ибн Будайл Ҳамадон ва Исфаҳонни фатҳ эттунигача <sup>670</sup>		0	2	4	22	3	25
Ансорлар [жамоаси] Қарз ибн Каъб Райни фатҳ эттунигача <sup>671</sup>		0	3	2	22	6	27
Муовия Асқалонни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>672</sup>		0	1	8	22	8	5
Умар ўлдирилгунигача <sup>673</sup>		0	3	20	22	11	25
Кейин [маслаҳат] мажлиси бўлгунигача <sup>674</sup>		0	0	3	22	11	28
Усмон ибн Аффон [644–656] – то Абдуллоҳ ибн Абу Сарх Ифркияда жанг қилгунигача <sup>675</sup>	Абу Амр	0	4	0	23	3	28
[Абдуллоҳ ибн Абу Сарх] Искандарияни фатҳ эттунигача – бу «қалъалар йили»дир Шу йили лаънати Йазид туғилди <sup>676</sup>		1	0	0	24	3	28
Шопур шаҳри жангигача <sup>677</sup>		1	0	0	25	3	28
Ифркия ва Қиннасрин жангигача <sup>678</sup>		1	0	0	26	3	28
Усмон Аллоҳнинг ҳабиби [Мухаммад] алайҳиссаломнинг масжидини кенгайтиргунигача <sup>679</sup>		1	10	15	28	2	13
Абдуллоҳ ибн Амир Форса иккинчи марта юриш қилгунигача <sup>680</sup>		0	2	5	28	4	18
Муовия Қибрис аҳолиси билан сулҳ тузишга Абу Аъвар ас-Суламийни юборгунигача <sup>681</sup>		0	3	0	28	7	18
Саъид ибн Ос Табаристонни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>682</sup>		0	5	14	29	3	2
Абдуллоҳ ибн Амир Форснинг Шопур [шаҳри] дан бошқа ҳамма [қисмини] фатҳ эттунигача <sup>683</sup>		0	3	10	29	6	12

(64)||



(65) ||

Ар-Рабиъ ибн Зиёд ал-Ҳорисий Заранж, Золиқ ва Қобулни фатҳ эттунигача <sup>684</sup>		0	2	0	29	8	12
Ҳабиб ибн Маслама ал-Фихрий Арманистонни тўртинчи марта фатҳ эттунигача <sup>685</sup>		0	8	7	30	4	19
Абдуллоҳ ибн Омир Нишопур, Табасайн, Кухистон ва Марвни фатҳ эттунигача <sup>686</sup>		1	0	0	31	4	19
Ал-Аҳнаф ибн Қайс Ҳирот, Марв аш-Шоҳижон ва хайталларни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>686</sup>		1	0	0	31	4	19
Ал-Аҳнаф ибн Қайс Ҳирот, Марв аш-Шоҳижон ва Хайталларни сулҳ билан фатҳ эттунигача <sup>687</sup>		0	3	14	31	8	3
Абдуллоҳ ибн Хозим Сарахсни сулҳ билан фатҳ этиб, подшоҳини ўлдиргунигача <sup>688</sup>		0	2	4	31	10	7
Муовия Рум еридан Анкарани фатҳ эттунигача <sup>689</sup>		0	4	8	32	2	15
Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх Ифрикияда иккинчи марта жанг қилгунигача <sup>690</sup>		0	3	7	32	5	22
Жарир ибн Абдуллоҳ Арманистонга юриш қилгунигача <sup>691</sup>		0	9	0	33	2	22
Румликлар ўз подшоҳлари Константинга қарши қўзғалиб, уни ўлдиргуларигача <sup>692</sup>		1	2	10	34	5	2
Усмон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ўз уйида қамал қилингунигача <sup>693</sup>		0	4	25	34	9	27
У ўлдирилгунигача қамалда қолди		0	1	20	34	11	17
Сўнгра Али ибн Абу Толиб халифа деб эълон қилиниб [656–661] то Басрада «Туя жанги» юз бергунигача	Абу-л-Ҳасан	0	5	21	35	5	8
Али Куфага келгунигача		0	1	0	35	6	8
Али Сиффинда Муовия билан тўқнашгунигача		0	6	13	36	0	21
Иккови бир-бири билан жанг қилиб тургунигача		0	7	28	36	8	19
Икки томон фозиллари бир-бири билан учрашиб, Алини жангни тўхтатишга кўндиргуларигача		0	5	24	37	2	13
Али ибн Абу Толиб Наҳравонда хорижийларга қарши чиққунигача		1	2	0	38	4	13
Абдурахмон ибн Мулжам [ханжар билан] Алининг бошини ёриб, уни ўлдиргунигача		1	4	4	39	8	17
Ал-Ҳасан ибн Али халифаликни Муовияга топшириб, унга тобе бўлгунигача	Абу Муҳаммад	0	6	3	40	2	20

Умайя авлодидан бўлган подшоҳларнинг исмлари	Уларнинг кунялари	Ҳар бирининг ҳукмдорлик [муддати]			Ҳижрий ҳисоб бўйича жами йиллар		
		Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
Йауфён, то унинг вафотига қадар [661 – 680]	Абу Абдуллоҳ	19	3	25	59	6	15

Йазид ибн Муовия [680 – 683] – то Хусайн ибн Али Карбалода қатл этилгунигача	Абу Холид	0	5	25	60	0	10
Шундай кейин, то у Ўлгунигача		3	2	5	63	2	15
Муовия ибн Йазид ибн Муовия – то яширингунигача	Абу Лайло	0	3	22	63	6	7
Абдуллох ибн аз-Зубайр <sup>694</sup> – Маккада, Марвон ибн ал-Ҳакам [684 – 685] Сурияда;	Абул Ҳакам	0	4	0	63	10	7
Абдуллох ибн аз-Зубайр – Асад ибн Абдул-узза [қабиласидан]	Абу Абдулмалик	8	5	0	72	3	7
Абдулмалик ибн Марвон [685–705] то Абдуллох ибн аз-Зубайрнинг вафотига қадар	Абу Бакир	1	2	3	73	5	10
Шундан кейин, то унинг вафотига қадар	Абул Валид	12	4	5	85	9	15
Ал-Валид ибн Абдулмалик [705 – 714] <sup>695</sup>	Абул Аббос	9	7	29	95	5	14
Сулаймон ибн Абдулмалик [715 – 717] <sup>696</sup>	Абу Айюб	2	7	29	98	1	13
Умар ибн Абдулазиз [717–720] <sup>697</sup>	Абу Ҳафс	2	5	13	100	6	26
Йазид ибн Абдулмалик [720 – 724] <sup>698</sup>	Абу Холид	4	0	1	104	6	27
Ҳишом ибн Абдулмалик [724–743] <sup>698</sup>	Абул Валид	19	8	9	124	3	6
Ал-Валид ибн Йазид ибн Абдулмалик то қатл этилгунигача [743–744]	Абул Аббос	1	2	21	125	5	27
Сўнгра нотинчлик юз берди	Абу Холид	0	2	25	125	8	22
Йазид ибн ал-Валид ибн Йазид [744] – у эҳсонларни камайтиргани [учун] «нокис» – «камайтирувчи» [деб лақабланган]	Абу Холид	0	2	9	125	11	1
Иброҳим ибн ал-Валид ибн Абдулмалик то гахтдан туширилгунигача	Абу Исҳоқ	0	2	11	126	1	12
Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳакам [744 – 749] то «қора кийимлилар» пайдо бўлгунигача	Абу Абдулмалик	5	2	0	131	3	12

(66)||

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Аббос авлодидан <sup>699</sup> бўлган имомлар <sup>700</sup>	Уларнинг лақаблари	Уларнинг кунялари	Ҳижрат тарихи бўйича йилларнинг жами			Жами йиллар		
			Йил	Ой	Кун	Йил	Ой	Кун
(67) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад – то Марвон Айн аш-Шамсада қатл этилгунга қадар [749–754] <sup>701</sup>	Ас-Саффоҳ	Абул Аббос	0 4	8 0	2 0	131 135	11 11	14 14
Шундан кейин то ўлгунигача <sup>702</sup> . Унинг биродари Абдуллоҳга қасамёд қилингунигача <sup>703</sup>			0	0	14	135	11	28
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос вафотигача [754 – 775]	Ал-Мансур	Абу Абдуллоҳ	21	11	8	157	11	6
Унинг ўғли Муҳаммадга қасамёд қилингунигача	Ал-Маҳди	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад	0	0	12	157	11	18
Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад [775 – 785]	Ал-Маҳди	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад	10	1	5	168	0	23
Унинг ўғли Мусо ибн Муҳаммадга қасамёд қилингунигача	Ал-Ҳодий	Абу Муҳаммад	0	0	8	168	1	1
Мусо ибн Муҳаммад то вафотигача [785 – 786]	Ал-Рашид	Абу Жаъфар	1	1	15	169	2	16
Унинг биродари Ҳорун ибн Муҳаммадга Тусда вафот этгунга қадар [786 – 809] <sup>704</sup>	Ар-Рашид	Абу Жаъфар	23	2	16	192	5	2
Унинг ўғли Муҳаммадга қасамёд қилингунигача			0	0	12	192	5	14
Муҳаммад ибн Ҳорун тахтдан туширилиб, қамалгунигача [809–813] <sup>705</sup>	Ал-Амин	Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ ҳам дейдилар)	3	0	25	195	6	9
У ал-Ҳусайн ибн Исо ибн Моҳонинг тўполон кунларида маҳбус бўлиб турди			3	0	25	195	6	9
Сўнгра уни ҳибсдан чиқариб, унга қасамёд қилишди ва [яна] қамал қилиб ўлдиришди			0	0	2	195	6	11
Унинг биродари Абдуллоҳ Марвад – то Иброҳим ибн ал-Маҳдийга қасамёд қилингунигача <sup>706</sup>		Абул Аббос	1	6	13	197	0	24
Иброҳим ибн ал-Маҳдий Бағдодда – то у тахтдан туширилиб яширингунигача,	Ал-Муборак	Абу Исҳоқ	3	11	11	201	0	5
Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид – то Румда унинг вафотига қадар	Ал-Маъмун	Абул Аббос	14	7	1	217	6	17
Унинг биродари Муҳаммад ибн Ҳорун – то вафотига қадар [833 – 842]	Ал-Муътасим биллоҳ	Абу Исҳоқ	8	8	2	226	2	19
Унинг ўғли Ҳорун ибн Муҳаммад – то вафотига қадар [842 – 847]	Ал-Восиқ биллоҳ	Абу Жаъфар	5	9	4	231	11	23

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

Аббос авлодидан бўлган имомлар	Унинг лақаблари	Уларнинг қуналари	Ҳижрат тарихи бўйича жами йиллар			Жами йиллар		
			Йил	Ой	Қун	Йил	Ой	Қун
Унинг ўгли Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид [861–862]	Абу Мунтасир биллоҳ	Абу Жаъфар	0	6	1	247	3	3
Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид [862–866] Сурраман Раа, то у Бағдодга киргунигача	Ал-Мустаъин биллоҳ	Абул Аббос	2	9	0	250	0	3
Аз-Зубайр ибн Жаъфарга қасамёд қилингангача			0	0	8	250	0	11
Ал-Мустаин тахтдан воз кечгунигача. Шундан кейин у қатл қилинди			0	11	22	251	0	
Аз-Зубайр ибн Жаъфар [866–869] – то у ўзини азл қилгунигача, шундан кейин у ўлдирилди	Ал-Муътазз биллоҳ	Абу Абдуллоҳ	3	6	23	254	6	26
Муҳаммад ибн ал-Восикқа қасамёд қилингангача			0	0	2	254	6	26
Муҳаммад ибн Ҳорун [869–870] – то ал-Бурқуий хуружигача	Ал-Мухтадий биллоҳ	Абу Абдуллоҳ	0	1	28	254	8	26
Шундан кейин то у қатл этилгунигача қадар			0	9	21	255	6	17
Аҳмад ибн Жаъфар [870–892] – то Ал-Бурқуийни ўлдиргунигача	Ал-Муътаид алаллоҳ	Абу-л-Аббос	13	6	15	269	1	2
Шундан кейин, у ўлгунигача			9	5	16	278	6	18
Аҳмад ибн Талха – у Абу Аҳмад ал-Муваффақдир, то ўлгунигача [892–902]	Ал-Муътаид алаллоҳ	Абу-л-Аббос	9	8	25	288	3	13
Али ибн Аҳмад ибн Талха – то ўлгунигача	Ал-Муктафий биллоҳ	Абу Муҳаммад	6	6	29	294	10	2
Жаъфар ибн ал-Муътазид [908–932] – то Абдуллоҳ ибн ал-Муътаззга <sup>707</sup> қасамёд қилингангача	Ал-Муктадир биллоҳ	Абу-л-Фазл	0	4	9	295	2	21
Шундан кейин то қамалиб, биродари Муҳаммадга қасамёд қилингангача			20	9	23	316	0	14
Муҳаммад ибн ал-Муътазид – то подшоҳлик нотинч бўлгангача	Ал-Қохир	Абу Мансур	0	0	3	316	17	
Жаъфар ибн ал-Муътазид – иккинчи марта, то қатл этилгангача	Ал-Муктадир биллоҳ	Абу-л-Фазл	3	9	11	319	9	28
Муҳаммад ибн ал-Муътазид – иккинчи марта, то у тахтдан туширилиб, кўзи кўр қилингангача [932–934]	Ал-Қохир биллоҳ	Абу Мансур	1	6	7	321	4	5
Муҳаммад ибн Жаъфар – то вафотига қадар [934–940]	Ар-Розий биллоҳ	Абу-л-Аббос	6	10	11	328	2	16

(68)

(171-бетдаги жадвалнинг давоми)

Иброҳим ибн ал-Муктадирга касамёд қилингунигача			0	0	4	328	2	20
Иброҳим ибн Жаъфар – то тахтдан туширилиб, кўзи кўр қилингунигача [940–944]	Ал-Муттақий биллоҳ	Абу Исҳоқ	3	10	29	332	1	19
Абдуллоҳ ибн ал-Муктафий – то тахтдан туширилиб, кўр қилингунигача [644–946]	Ал-Мустакфий биллоҳ	Абу-л-Қосим	1	4	3	333	5	22
Ал-Фазл ибн Жаъфар – то ўзи истеъфо бериб, ўрнига ўғлини ўтказгунигача [946–974]	Ал-Мутиъ биллоҳ	Абу-л-Қосим	29	4	21	362	10	13
Абдулкарим ибн ал-Фазл – то тахтдан туширилгунигача, кейин у ишга яроқсиз қилинди [974–991]	Ал-Тойиъ биллоҳ	Абу Бакр	19	9	12	382	7	25
Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ал-Муктадир [991–103].	Ал-Қодир биллоҳ	Абу-л-Аббос <sup>708</sup>						

(132)|| Мунажжимлар фикрича, ислом халифаларининг ва бу дин[ни] қабул этган [халқлар] подшоҳларининг биронтаси йигирма тўрт йилдан ортик подшоҳлик қилмаган. Аммо Ал-Мутиъ даврининг қарийб ўттиз йил чўзилишига, мунажжимларнинг фикрига кўра, давлат ва подшоҳлик Ал-Муттақий даврининг охири ва Ал-Мустакфий даврининг бошида Аббос авлодидан Бувайҳ авлодига ўтганлиги сабаб бўлган. Аббосийлар қўлида эса, яҳудийлар фикрича, «раъс ул-жалут»<sup>709</sup> [мол] мулкисиз ва давлатсиз диний раисликдан иборат бўлгани каби, дунёвий подшоҳликка алоқаси бўлмаган, фақатгина диний эътиқодга тегишли ишлар колди. Демак, мунажжимлар фикрича, Аббос авлодидан ҳозирда халифа бўлиб турган киши<sup>710</sup> подшоҳ эмас, фақат ислом динининг раисидир.

Аҳмад ибн ат-Таййиб ас-Сарахсийнинг<sup>711</sup> Ҳорун ар-Рашид мунажжими Канканинг<sup>712</sup> Исфаҳондан Имод уд-Давла лақабли Али ибн Бувайҳнинг<sup>713</sup> чиқиши ҳақида келтирган гапи жуда таажжубли.

Аббосий [халифа]лар ўз амалдорларини – дўст ва душманларини баб-баравар – ёлгон лақаблар билан атаб, уларнинг ҳаммасини «Ад-Давла» лафзига нисбат бергач, давлатлари барбод бўлди<sup>714</sup>. Улар буни ҳаддан ошириб юбордилар, ниҳоят ўзларига яқин турган киши билан бошқаларни фарқлашга эҳтиёж туғилди ва улар [ҳалиги] яқин киши учун қўшалок лақаб бера бошладилар. Бошқа амалдорлар ҳам шундай [қўшалок лақаб] олишни хоҳлардилар. Бунга қизиқувчи[лар] пул сарф этиб, эҳтиёжини қондирди ва йўл кўрсатувчилар орқали ҳожатига чора топди. Яна иккинчи марта улар билан халифалар ҳузуридаги кишиларни фарқли аташга эҳтиёж туғилди. Шун-

да халифалар хос кишилари лақабини уч қават қилиб, «шаҳаншоҳ» [сўзи] ни қўшдилар. Иш ғоятда мураккаб тус олиб ва оғирлашиб кетди. Ҳатто, у лақабларни эслатувчи киши эслатишни бошламасданок бундан қийналадиган, ёзувчи [бир қанча] вақт ва сатрларни бекор кеткизадиган, [уларнинг номини] хутбага қўшувчи намоз вақтининг ўтиб кетишидан кўрқадиган бўлиб қолди. Халифалик даргоҳида содир бўлиб, бизнинг замонимизда ҳам давом этаётган лақабларни мана шу жадвалда кўрсатсак, фойдадан холи бўлмас<sup>715</sup>.

Шунингдек, халифаларнинг вазирали [номининг олдига] «зу» [сўзи] қўшилиб: «Зуляминайн», «Зурриёсатайн», «Зулкифоятайн», «Зуссайфайн», «Зулқаламайн» ва шунга ўхшаш сифатлар билан лақабландилар.

Бувайҳ авлоди ҳам [юқорида] айтиб ўтганимиздек, давлат ҳукмронлиги уларга ўтгач, Аббосийларга ўхшадилар ва лақаб беришда муболаға қилиб, ёлғонга қўмилдилар. Ўз вазиралини «Кофий ал-Куфот», «Ал-Кофий ал-Авҳад», «Авҳад ал-Куфот» деб атадилар.

Хуросон ҳокимлари бўлган Сомонийлар<sup>716</sup> бундай лақабларга қизиқмадилар, балки куня олиш билан кифояландилар. Улар ҳаётлик вақтларида «Ал-Малик ал-Муаййад», «Ал-Муваффақ», «Ал-Мансур», «Ал-Муаззам», «Ал-Мунтасир» деб, вафотларидан кейин «Ал-Ҳамид», «Аш-Шаҳид», «Ас-Саид», «Ас-Садид», «Ар-Розий» ва шунга ўхшаш лақаблар билан зикр қилинардилар. Лекин улар халифалар одатига эргашиб, ўз лашкар-бошиларига «Носир уд-Давла», «Имод уд-Давла», «Хусом уд-Давла», «Амид уд-Давла», «Сайф уд-Давла», «Синон уд-Давла», «Муъин уд-Давла», «Наср уд-Давла» лақабларини бердилар. Шунингдек, уч юз саксон иккинчи йилда бостириб келган Бугроҳон<sup>717</sup> ҳам уларга эргашиб, ўзига-ўзи «Шихоб уд-Давла» лақабини берди.

(133)||

Лақаб берилганларнинг исмлари	Халифалик даргоҳида содир бўлган лақаблар
Ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ	Валий уд-Давла
Унинг ўғли	Амид уд-Давла
Абу Муҳаммад ибн Ҳамдон	Носир уд-Давла
Унинг ўғли	Саъд уд-Давла
Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамдон	Сайф уд-Давла
Али ибн Бувайҳ	Имод уд-Давла
Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Бувайҳ	Муъизз уд-Давла
Ал-Ҳасан ибн Бувайҳ	Рукн уд-Давла
Абу Мансур Бахтиёр ибн Абу-л-Ҳасан	Изз уд-Давла
Абу Исҳоқ ибн ал-Ҳусайн	Умдат уд-Давла
Абу Ҳарб ал-Ҳабаший ибн Абу-л-Ҳусайн	Санад уд-Давла
Абу Мансур Бисутун ибн Вашмгир	Захир уд-Давла
Абу Мансур Бувайҳ ибн ал-Ҳасан	Муаййад уд-Давла

Ал-Марзубон ибн Бахтиер	Иъзоз уд-Давла
Қобус ибн Вашмгир	Шамс ул-Маолий
Абу Аҳмад Ҳорис ибн Аҳмад	Валий уд-Давла
Абу Шужоъ Фанна Хусрав ибн ал-Ҳасан	Азуд уд-Давла ва Тож ул-Милла
Абу Қалинжар ибн Фанна Хусрав	Фахр уд-Давла ва Фалак ул-Умма
Абу Қалинжар Марзубон ибн Фанна Хусрав	Самсом ад-Давла ва Шамс ул-Милла
Абу-л-Фаворис ибн Фанна Хусрав	Шараф уд-Давла ва Зайн ул-Милла
Абу Толиб Рустам ибн Али	Мажд ул-Милла ва Қахф ул-Умма
Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Сабуктегин	Ямин уд-Давла ва Амин ул-Милла
Абу Наср Хурра Фируз ибн Фанна Хусрав	Баҳо уд-Давла ва Зиё ул-Милла ва Гиёс ул-Умма
Абу-у-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим	Носир уд-Давла
Абу-л-Аббос Тош ал-Ҳожиб	Хусом уд-Давла
Абу-л-Ҳасан Фоиқ ал-Хосса	Амид уд-Давла
Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим	Носир уд-Давла
Сабуктегин, аввал	Муъин уд-Давла
Сўнгра	Носир уд-дин ва-д-Давла деб лақабланган
Маҳмуд ибн Сабуктегин	Сайф уд-Давла
Абу-л-Фаворис Бектузун ал-Ҳожиб	Синон уд-Давла
Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Иброҳим	Наср уд-Давла
Абу Мансур Алш Арслон ал-Болавий	Муъин уд-Давла

Баъзи [хокимлар] бу чегарадан [ҳам] ўтиб, ўзларини «Амир ул-олам», «Сайид ул-умаро» деб атадилар. Аллоҳ уларга бу дунё ҳаётида хорлик торттириб, ожизликларини ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам кўрсатди.

(135)|| Аммо хурматли улуғ амирга<sup>718</sup> халифа даргоҳидан мактуб юборилиб, «Ад-Давла» калимасига қўшилган лақаблар таклиф этилди. У бундайлардан олийлик қилди, мажозий лақабланган кишиларга ўхшатилишдан узоклашди ва ўзи учун ҳақиқатни, ўтмаган лақабни танлади. Аллоҳ доимо қудратли қилгур [амир] олам подшоҳлари ўртасида куёш каби бўлиб, уларнинг қоронғилиklarини ўзининг олий нурлари<sup>719</sup> билан ёритди. Халифалар унинг «Амир ал-мўминин» эканига иқрор бўлиб, иккинчи лақаб орттиришни истадилар<sup>720</sup>, у эса ҳимматининг баландлигидан буни қабул этмади. Аллоҳ унинг умрини узун қилиб, оламнинг ҳамма томонини унинг адолати билан ёритсин, унинг назоратида бутун дунёни обод этсин. У ва барча бандаларнинг ишларини ўз паноҳида тараққий эттириб, ниҳояланмайдиган камолотга етказсин! Албатта, Аллоҳ бунга қодир, бандаларига керакли нарсаларни билувчи ва кўрувчидир.

Биз юқорида кўрсатган жадваллар орқали саналар бирмунча маълум бўлгач, ваъдамизни бажаришга киришиб, зижлар, астрономик кузатишлар ва

булардан бошқа [савдо] шартлари ва муомалаларида ишлатиладиган эраларни ҳисоблаб чиқара олиш усулини ўрганишда йўл кўрсатишимиз лозим бўлади. Бунинг учун улардан ҳар икки кетма-кет жойлашган эра [бошлари] орасидаги ўзгармас миқдорда [кўрсатувчи] «Қўшқават тайласон»<sup>721</sup> [жадвали]ни тақдим этамиз. Бундай миқдор – кунлардир. «Қўшқават тайласон»да] чизиқнинг куйи ярмидаги ҳинд рақамлари билан ёзилганлар [эралар орасидаги] муддатни кўрсатувчи кунлардир; юқори ярмидаги [миқдорлар] икки хил: тепадагиси худди ўша кунларнинг ўзи, [лекин] мумкин бўлгунигача мартабаси олтмишга кўтарилгандир<sup>722</sup>, куйидагиси ўша кунларнинг айнан ўзи, [аммо] ҳинд рақамлари[нинг] мартабалари бўйича ҳисоб ҳарфларига кўчирилгандир.

Бунинг маълум бўлган [белгилаш] намунаси шундай: ўн олтининг квадрати квадратининг квадратини ўзига кўпайтириб, кўпайтмадан бирни айирсак, бунда у шахмат тахтаси хоналарининг биринчисида бир сони билан бошлаб, қолган ҳар бир хонада икки ҳисса қилиб борилганда барча хоналардаги сонлар йиғиндисига тенг келади<sup>723</sup>. Ҳинд рақамлари<sup>724</sup> билан у мана бундай ифодаланади:

18 446 744 073 709 551 615

Бу мумкин бўлгунигача олтмишга кўтарилса, куйидагича бўлади.<sup>725</sup>

30 30 27 9 5 3 50 40 31 0 15

Ҳисоб ҳарфларга кўчирилса,<sup>726</sup> бундай бўлади: *هاوهطعجزمهزوددحا*

(136)|| Бу ҳарфлар бирин-кетин ҳинд рақамларига кўчирилса, [юқорида] айтиб ўтилган сон ҳосил бўлади. «Қўшқават тайласон» мана шу мисол билан тушунилсин! Буни баъзи адаб ва рақамларнинг ҳарфларида шак-шубҳа воқе бўлган пайтда шу уч хил усулнинг ҳар бирини бир-бирига гувоҳ қилиш учун қўлладик. Бу китобни ҳисоб амалиётини изоҳламай, умумий равишда баён этамиз. Чунки ўқувчининг ҳисоб [фани]да бошланғич [маълумот] даражасидан юқори бўлиши лозим.

(137)|| Энди биз айтамикки, агар бир киши ўзига маълум бир эра орқали бошқа эрани билмоқчи бўлса, ўша маълум эрани кунларга айлантирсин. Бу «асл» деб аталади. Кейин иккови, яъни маълум ва матлуб эралар боши ўрта-сидаги [фарқ]ни олсин. Биз уни тенглама деб атаймикки. Агар маълум эра матлуб эрадан олдин бўлса, аслдан тенглама айрилади, агар маълум эра матлуб эрадан кейин бўлса, унга тенглама қўшилади. Бундан ҳосил бўлган матлуб эранинг кунлари саналади. Шу кунларни ўша эрага тегишли йил миқдорига тақсим қилсангиз, бундан чиққанлар тўлиқ йиллар, қолганлари кунлардир. Бу кунлар йил ойларига айлантирилади ва ойларнинг ҳар бирига биз айтиб ўтган миқдор – [кунлар]дан кераклиси берилади. Ана шулар «Қўшқават тайласон»да эралар орасидаги кунлар бўлади<sup>727</sup>.



## «КЎШҚАВАТ ТАЙЛАСОН»

(138)|| Шахмат [катакларини] икки баравар қилиб ҳисоблашда иккита қоида бор. Бири – агар олтмиш тўрт хонадан бирортасини ўзига кўпайтирилса, чиққан [сон] ўша хонадан узоқлиги кўпайтирилган хонанинг биринчи хонадан узоқлигича бўлган хонадаги [сонга] баробар бўлади. Масалан, бешинчи хонадаги [сон] 16 ни ўзига кўпайтирсак, 256 чиқади, бу тўққизинчи хонадаги [сонга] баробар бўлади. Тўққизинчи хонанинг бешинчидан узоқлиги биринчи хонанинг бешинчидан узоқлигичадир<sup>728</sup>.

Иккинчи қоидага келсак, у [бундай]: агар хоналардан биридаги сондан бирни айирсак, колдиқ ундан олдинги барча хоналардаги [сонларнинг] йиғиндисига тенг бўлади. Масалан, олтинчи хонадаги сон 32 ни олиб, ундан бирни айирсак, ўттиз бир қолади. Бундан олдинги хоналардаги сонларнинг, яъни бир, икки, тўрт, саккиз, ўн олтининг йиғиндисига тенг бўлади<sup>729</sup>.

Ўн олти квадрати квадратининг квадратини ўзига кўпайтиришнинг маъноси ўттиз учинчи хонадаги сонни ўзига кўпайтиришдир. Шунда олтмиш бешинчи хонадаги сон ҳосил бўлади. Бундан бирни олиб ташланса, шахмат тахтасидаги [сонларнинг] йиғиндиси ҳосил бўлади<sup>730</sup>.

Ўттиз учинчи хона сонининг квадрати ўн еттинчи хона сонининг [ўзига] кўпайтирилгандан чиққанидир; ўн еттинчи хона квадрати тўққизинчи хона сонининг [ўзига] кўпайтирилгандан чиққанидир; тўққизинчи хона сонининг квадрати эса бешинчи хона сони, яъни эслатиб ўтилган ўн олтининг ўзига кўпайтирилгандан чиққанидир.

Абу Райҳон «Рақамлар китоби»<sup>731</sup> да бундай деган: «Яхшилаб ўрганилиши учун шахмат ҳисоби йўлини баён этмоқчиман. Бундан аввал «жуфт-жуфт»нинг икки баравари қанча узоққа чўзилса, кетма-кет жуфт чиқа беришини, агар икки ҳисса қилинувчилар тоқ сон бўлса, улар ўртасида биргина восита бўлишини, икки чекканинг бир-бирига кўпайтирилиши икки ўртанинг бир-бирига кўпайтирилганига тенг эканини билишингиз керак бўлган нарсалардандир». [Шахмат ҳисобини ўрганишдан олдин] куйидагини билиш зарур: бошқа бири, агар «жуфт-жуфт»<sup>732</sup> [сонларнинг] икки ҳиссасидан мўлжалланган сонлар жамини билмоқчи бўлсак, уларнинг энг каттасини, яъни охири хонаникени икки ҳисса қилиб, бундан энг кичиги, яъни биринчисини айирамиз. Шунда икки баравар қилинган сонларнинг йиғиндиси қолади<sup>733</sup>.

(139)|| Бу муқаррар бўлгач, шахмат тахтаси хоналарига бир хона орттирамиз, у олтмиш бешинчи [хона] бўлади. Маълумки, биринчи [хонадан] бошланган «жуфт-жуфт»нинг икки ҳиссаларидан иборат бу сони тахта хоналарининг ҳаммасидаги сон ва унга биринчи хонадаги дастлабки бирининг қўшилганига тенг бўлади. Бундан бир сони айирилса, ҳамма хонадаги сон йиғиндиси қолади<sup>734</sup>. Бу [олтмиш бешинчи] хона билан биринчи хонани [кет-

ма-кетликнинг] икки чеккаси қилсак, улар учун ўттиз учинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу биринчи [ўртачадир]. Агар ўттиз учинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, улар учун ўн еттинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу иккинчи [ўртачадир]. Агар ўн еттинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, булар учун тўққизинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу учинчи [ўртачадир]. Тўққизинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, бешинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу тўрттинчи [ўртачадир]. Бешинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, учинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу бешинчи [ўртачадир]. Агар учинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, иккинчи хона ўрта [пропорционал] бўлади, бу олтинчи ўртачадир; бунда икки [сони туради].<sup>735</sup>

**«Қўшқават тайласон» бўйича ҳар бир эра ўртасидаги кунлар миқдори жадвали**

33 27 45 6 جهروطهدا	38 46 18 6 خطهجر جا	15 46 17 6 خطهجر جا	56 244 5 واهجبا	33 34 28 5 جز حباا
20 31 46 2 فدططه	25 50 19 2 هبدجن	2 50 18 2 بف ططد	43 5 45 1 جد خجز	20 38 29 1 ذبيج
0 32 3 2 كزددد	5 51 36 1 هووحج	42 50 35 1 بندج	23 6 2 1 ججهجب	0 39 46 مطزوا
39 19 2 2 طنجمد	44 38 35 1 دبجدج	21 38 34 1 اعمج	2 54 0 1 بدبباب	39 26 45 ططهجرا
5 13 33 1 ههههه	10 32 6 1 لهطجب	47 31 5 1 زصهجب	28 47 31 حددداا	5 20 16 ههفه
0 53 16 1 فزوزب	5 12 50 ههزفا	42 11 49 ههززا	23 27 15 جدرهه	Антонин эраси, юнон йиллари ва қиbt ойлари билан
37 25 1 1 زجالب	42 44 34 ههنا	19 44 33 طهدايا	Диоклетян эраси юнон йил- лари ва ойлари билан	55 643

(177-бетдаги жаadwalнинг давоми)

18 41 27 حزروط	23 0 1 جوج	Хижрат эраси, қамарий йилла- ри, араб ойлари билан	121 459	177 102
55 40 26 ههسط	Яздигард эраси, форс йиллари ва ойлари билан	3 623	125 082	180 725
Ал-Муътазид эраси, юнон йиллари ва форс ойлари билан	96 055	99 678	221 137	276 780
28 14 12 5 حومباا	54 7 43 4 دزيطاي	33 55 41 4 جچطدای	13 56 58 3 جواسح	Туфон эраси қибт йиллари ва ойлари билан
15 18 13 1 هطحجوب	41 11 44 ايطها	20 59 42 سزدها	Бухтунассар эраси, қибт йил- лари ва ойлари билан	860 173
55 18 30 هجاتي	21 12 1 ادجد	Филипп эраси, қибт йиллари ва ойлари билан	154 760	1 014 933
34 6 29 نطزدي	Искандар эраси, сурён йиллари ва ойлари билан	4 341	159 101	1 019 274
Август эраси, юнон йиллари ва қибт ойлари билан	104 794	109 135	263 895	1 124 068
58 805	163 599	167 940	322 700	1 182 87
114 448	219 242	223 583	378 343	1 238 516
235 907	340 701	345 042	499 802	1 359 975
239 530	344 324	348 665	503 425	1 363 598
336 585	440 379	444 720	599 480	1 459 653

Иккини ўзига кўпайтирсак, биринчи хонани учинчи хонага кўпайтирилганидек [сон] чиқади. Лекин биринчи хонада бир [сони] туради. Демак, шу вақтда учинчи хонадаги бешинчи ўртача [сон] чиқади, бу эса тўртдир. Тўртни ўзига кўпайтирсак, ўн олти бўлади, бу бешинчи хонадаги тўртинчи ўртачадир. Буни ўзига кўпайтирсак, икки юз эллик олти бўлади, бу тўққизинчи хонадаги учинчи ўртачадир. Бу сонларни ўзига кўпайтирсак, 65536 бўлади, бу ўн еттинчи хонадаги иккинчи ўртачадир. Буни ўзига кўпайтирсак, 42945967296 чиқади, бу ўттиз учинчи хонадаги биринчи ўртачадир. Агар бу сонларни ўз баробарига кўпайтирсак, жами 18 446 744 073 709 551 616 бўлади. Бундан бирни, яъни биринчи хонадаги сонни айирсак, шахмат тахтаси хоналаридаги сонларнинг жами, яъни биз юқоридаги мисолда келтирган сон қолади<sup>736</sup>.

Бундай катта миқдорни фақат «бидра»ларга айлантириш йўли билангина ифодалаш мумкин. Бунинг учун у [сон] ўн мингга тақсим этилади. Бидраларни «вақр»ларга айлантириш учун саккизга тақсим этилади. Вақрлар сони [улар юкланган] хачирларнинг ҳар бир подаси ўн мингтадан [бош] бўлган подаларга айланиши учун ўн мингга тақсим этилади. Кейин хачирларнинг подалари дарёнинг ҳар қайси қирғоғида мингтадан бўлиб ўтлашлари учун мингга тақсим этилади. Сўнгра дарёлар сони ҳар бир водийдан ўн мингтадан тоғ чиқиши учун ўн мингга тақсим этилади. Тақсимда ҳар қанча бепарволик қилинса ҳам, ўша тоғлар сони икки минг уч юз бешта бўлади. Бу сифатлар ернинг одамлар яшайдиган қисмига сиғмайди. Яна Аллоҳ билимдонроқ ва донишмандроқдир.<sup>737</sup>

(140)|| Энди биз бу ҳақда муфассалроқ гапирамиз, [чунки] бусиз эҳтиёж коникмайди. «Аҳли китоб» сўзи асосида Одам ва Тўфон эралари бошларини аниқлашни кейинроққа қўямиз, чунки бу иккиси яҳудийларнинг йил ва ойларига боғлиқдир. Улар эса, юқорида қисман айтиб ўтганимиздек, жуда чалқаш, ноаниқ ва уларда ҳисоб орқали аниқланиши кийин ҳолатлар бор. Шунинг учун бу икки эра ҳақида биз алоҳида эътибор бериб, махсус гапирамиз.

Шундай қилиб, [турли] эралар ҳақида батафсил гапиришни бошлаймиз ва кунларнинг бошлари билан биз қидираётган кун орасидаги кунлар маълум эканига асосланиб иш тутамиз. Бу кунларни «Аниқланган кунлар» деб атаймиз<sup>738</sup>.

Абу Маъшар сўзи асосида унинг зижда ишлатилган Тўфон эрасининг [бирор санасини] билмоқчи бўлсак, бунинг «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш бешга тақсим қиламиз.<sup>739</sup> Шунда тўлиқ йиллар чиқади. Қолган кунларни қибт ойларига айлантирсак, Тўфон эрасидан Тут ойининг боши каби-сасиз Яздигард эраси Бахман моҳининг ўн саккизинчи кунига тўғри келади.

Агар Бухтунассар ва Филипп эраларини билишни истасак, «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш бешга бўламиз. Шунда йиллар тўлиқ чиқиб, ҳар бир ой учун ўз ҳиссасига қараб тақсим этиладиган кунлар қолади. [Буни] Тут

ойидан бошласак, унинг боши кабисасиз Яздигард эрасининг Дай моҳ ойи бошига тўғри келади.

Искандар эраси [боши]ни билишни истасак, унинг «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш беш кун ва чорак кунга тақсим қиламиз, яъни ўша кунларни чоракларга айлантириш учун [аввал] уларни тўртга кўпайтирамиз, кейин кўпайтмани йил чораклари бўлмиш минг тўрт юз олтмиш бирга тақсим қиламиз. Натижада бутун йиллар чиқади. Қолган чораклар қайтадан кунларга айланиши учун тўртга тақсим этилади. Бундан ҳар бир ой учун унинг кунлари сонини чиқариб ташлаймиз ва [ишни] Тишрийн қадим («аввал»)дан бошлаймиз, тўла бир ойга етмайдиган қолдиқ ҳозирги ойнинг ўтган кунлари бўлади. Шубот [ойи] учун кабисали йилда йигирма тўққиз кун, бошқа йилда йигирма саккиз кун чиқарамиз.

(141)|| Кабиса йили [шу йўл билан] аниқланади: чораклар тўртга тақсим этилгач, кейинги қолдиққа қараймиз, агар иккита қолган бўлса, айти амалдаги йил кабисали; агар [иккитадан] кам ёки кўп бўлса, кабисасиз бўлади. Бунга сабаб шуки, кабисали йил [қидирилаётган] эра бошидан икки йил олдин келиб, эра бошида иккита чорак кун йиғилган бўлади. Агар эрадан кейин ҳам иккита чорак қолиб, бу иккиси ҳалиги иккита чоракка қўшилса, тўла бир кун бўлиб, йил кабисали бўлади.

Агар бу эрани [қидиришда] румликлар йўлига биноан иш тутсак, румликлар ва сурёнийларда йил боши тафовутли бўлгани сабабли, «аниқланган кунлар»нинг ҳаммасидан тўқсон икки кунни чиқариб ташлаймиз. Қолдиқ борасида сурёнийлар йўлига кўра [Искандар] эраси учун бажарган амалимизни ишлатамиз: қолган чоракларни [бутун] кунларга айлантирамиз, ҳар бир ой учун унинг кунлари сонини ташлаймиз ва ишни Январюс, яъни Канун ҳрой («охир»)дан бошлаймиз. Кабисали йил эса юқорида айтилган йўл билан аниқланади.

Агар Август эраси [боши]ни билмоқчи бўлсак, унинг «аниқланган кунлари» бўйича Искандар эрасидаги амалимизни қайтарамиз. Ниҳоят, йиллар тўлиқ чиқиб, чораклар қолади. Уларни кунларга айлантирамиз ва қибт ойлариининг ҳар бири учун унинг кунлари ададини чиқариб ташлаймиз, ишни Тут ойидан бошлаймиз. Агар йил кабисали бўлса, «ибуғумно», яъни «кичик ой»<sup>740</sup> учун олти кун ташлаймиз. Агар [йил] кабисали бўлмаса, унинг учун беш кун оламиз. Чоракларни кунларга айлантирганимизда қолдиқ қолмаса, йилнинг кабисали экани билинади, чунки кабисали йил [мазкур] эра бошланишидан аввал ўтган бўлади. Бунга шубҳаланиш керак эмас, чунки «ибуғумно» йил охирида келади ва Тут ойнининг боши ҳамиша сурёнга Аб ойнининг йигирма тўққизига тўғри келади.

Антонин эрасига келсак, унинг тўлиқ йилларини Август эрасидаги сингари аниқлаб, қолдиқни тўртга тақсим қиламиз ва чиққан [сон]дан ҳар бир ой

учун ҳисса ажратамиз. Ишни Тут ойдан бошлаб, кабисали йилда ибуғумно учун олти кун ташлаймиз. Шунда чораклардан биргина чорак кун қолса, [йилнинг] кабисали экани маълум бўлади.

Диоклетиан эраси учун эса, унинг «аниқланган кунлари» борасида Август ва бошқа эралардаги сингари иш қиламиз. Ниҳоят, тўлиқ йиллар чиқиб, чораклар бутунга айлантирилади. Ойларнинг ҳиссаларини бўлиб берамиз ва ишни Январуис, яъни Канун охирдан бошлаймиз. Шунда йил кабисали бўлса, Фебриуис, яъни Шубот учун йигирма тўққиз кун, кабисасиз бўлса, йигирма саккиз кун ташлаймиз. Искандар эрасидаги каби чораклардан фақат иккита чорак қолса, йилнинг кабисали экани билинади.

Арабларнинг эралари, ойлари, «насий»нинг қайси ойда бўлиши ва улар [ойлари]нинг жоҳилия давридаги тартибларига келсак, бу масала эътиборсиз қолдирилган. [Жоҳилия] даври араблари саводсиз бўлганлар, ривоятларни абадий қилиб қолдиришда фақат ёдда [сақлаш] ва шеърларда [келтиришга] суянганлар. У ривоятларни ишлатувчилар вафот этгач, улар унутилган. Бундай нарсаларни билиб олиш учун имкон йўқ<sup>741</sup>.

(142)|| Ислом давридаги Ҳижрат эрасида [бирор санани] билмоқчи бўлсак, унинг «аниқланган кунлари»ни ўртача қамарий йилга, яъни уч юз эллик тўрт бутун бешдан бир ва олтидан бир кунга тақсим қиламиз. Бунинг учун [йиллар миқдорини] бешдан бир ва олтидан бирга эга бўлган энг кам сон – ўттизга кўпайтирамиз ва кўпайтмани ўн минг олти юз ўттиз бирга тақсимлаймиз. Бу уч юз эллик тўртнинг ўттизга кўпайтирилиб, бешдан бири ва олтидан бирининг йигиндисидан иборат бўлган ўн бирга кўшилганидир. Тақсимдан чиққани тўлиқ қамарий йиллар бўлиб, қолгани ўттизга кўпайтирилган кунлар бўлади. Буларни ўттизга тақсим этсак, яна кунларга айланади. Шу кунлардан бир ой учун ўттиз, [иккинчи] ой учун йигирма тўққиз кун олиб, ишни [ўттиз кунлик ой] – Муҳаррамдан бошлаймиз. Бир ойни тўлдирмайдиган қолдиқ кунлар шу ойдан ўтган [кунлар] бўлади. Зижларда ҳам эралар бошларини аниқлашда шу тариқа иш қилинади. Башарти, бунда турли йўлларга юрилса, уларнинг [ҳаммаси] бир мақсадга олиб боради.

Аммо [ҳисобда] янги Ойни кўришга асосланилса, икки ой кетма-кет қисқа, уч ой тўла бўлиши мумкин. [Ой] ҳаракатининг турличалиги сабабли қамарий йилнинг айтиб ўтилган миқдордан ортиқ ёки кам келиши ҳам мумкин.

Яздигард эрасини билмоқчи бўлсак, унинг «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш бешга тақсимлаймиз. [Тақсимдан] чиққани тўлиқ йиллар бўлади, қолган кунлардан ҳар бир ойга ўзининг [юқорида] айтиб ўтилган ҳиссасини берамиз ва [буни] Фарвардин моҳдан бошлаймиз. Натижада бундан зижларда ишлатиладиган Яздигард подшоҳлиги эрасини биламиз.

Мажусийлар эрасининг [бошини] аниқлашни истасак, Яздигард подшоҳлиги вақтидан йигирма йилни айирамиз. Шунда мажусийлар эраси-

нинг [боши] қолади, чунки эрани улар Яздигарднинг подшоҳ бўлган йилидан эмас, у ўлдирилиб [Сосонийлар] давлати барбод бўлишидан бошлайдилар.

Ал-Муътазид Биллоҳ эрасини аниқлашда эса, Искандар эрасида ишлатган амалиётимизни қиламиз ва ҳар бир ойга форслар ойларига бергандек ўз хиссасини қўшамиз, ишни Фарвардин моҳдан бошлаб, Озар моҳгача олиб борамиз. Шунда агар йил кабисали бўлиб, Искандар эрасидаги сингари чораклардан икки чорак қолса, олти кун, кабисали бўлмаса, беш кун ташлаймиз. Биз юқорида Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билан айтиб ўтган сабабларга кўра, бу эрада Наврўз хамиша Ҳазироннинг ўн биринчисида келади.

Бу ўринда зижларда мавжуд бўлмаган ва бирон киши айтмаган, фақат Абул-Аббос Фазл ибн Ҳотим ан-Найризийнинг<sup>742</sup> «Ал-Мажистий» [китоби]га ёзган тафсирида эслаган бир баҳсни баён этиш тўғри бўлади. Бу кўп учрайди ва уни ҳал қилмоқчи бўлганлар ҳайратда қоладилар.


(143)|| У шундай: биздан маълумоти турлича бўлиб, у [маълумотлари] ягона, умумий бўлмаган бир вақтни аниқлаб беришни талаб қилсалар, масалан, бир куннинг румийча, арабча ёки форсча бир ойда келгани аниқ бўлса-ю, у ойнинг номи ноаниқ бўлса, аммо ўша ойга [бошқа эра бўйича] тўғри келган бошқа ойнинг номи маълум бўлса, шу иккала ой тегишли бўлмаган эра ва ҳалиги номи ноаниқ ой эраси ҳам маълум бўлади.

Масалан: «Ҳурмузд куни уч юз тўқсон биринчи ҳижрат йилида Таммуз ойининг [нечанчиси эди?】 дейилсин<sup>743</sup>. Буни билиш йўли шуки, Искандар эраси бўйича уч юз тўқсон биринчи [ҳижрий] йилнинг биринчи Мухаррамини аниқлаймиз. Шу пайтда Таммуз ойининг боши араб қйларидан қайси ой ва қайси кунга тўғри келгани маълум бўлади. Кейин Яздигард эраси бўйича Таммуз бошини аниқлаймиз. Шунда Ҳурмузднинг Таммуз кунларининг нечанчиси экани, уч сананинг навлари ва жинслари орқали маълум бўлади. Шу билан бирга, ўша кун ҳафтанинг нечанчисида келгани аниқланса, бу ҳақиқатни топишга ёрдам бериб, унга эришишни осонлаштиради.

Яна бир мисол. Жума куни Рамазон боши Яздигард эраси етмишинчи йилининг нечанчи ойида келгани сўралса, уни аниқлаш йўли шуки, Араб эраси бўйича Яздигард эраси Наврўзини аниқлаб, ундан Рамазон ойининг бошини ҳисоблаймиз ва ойларнинг бошларини ҳафта кунларига солиштирамиз. Шунда кидирилаётган нарса аниқ бўлади. Шунингдек, ҳафталарнинг куни, унинг бирон эра орқали бирон ойнинг нечанчиси экани ва ҳалиги ой номи маълум бўлса, бунда ҳам номаълумни биз айтиб ўтган усул билан билиш мумкин бўлади.

Бу йўлларнинг барчасидан атрофлича бохабар қилган киши бу фанга оид ўзига бериладиган ҳар қандай саволга жавоб топа олади. Агар диққат билан фикр юритса, ҳеч нарса унга яширин қолмайди.

Агар сонларнинг миқдорлари ҳақидаги маълумотлар бирликлар, ўнликлар, юзликларнинг хоналари бўйича хилма-хил ва бир-биридан фарқли бўлса, яъни мисол учун: «Йигирма бешинчи кун: беш кунни форс ойдан ва йигирма кунни рум ойдан», – дейилса, аммо у ойлarning биттаси маълум ёки ҳар иккиси номаълум бўлса, ёки: «Уч юз қирқ бешинчи йил: беш йили рум эрасидан, қирқ йили араб эрасидан ва уч юзи форс эрасидан», – дейилса, албатта, [кўпроқ] диққат билан ўйланса, гарчи бу натижасини чиқаришда ҳисоб [узокқа] чўзилса ҳам, амалга оширилгани аниқланади.







## **VII боб. (144)|| ЯХУДИЙЛАР ЙИЛЛАРИ ВА БОШҚА ЙИЛЛАРДАГИ ДАВРЛАР, «ТАҚУФА»ЛАР, ЙИЛЛАР ВА ОЙЛАРНИНГ БОШЛАНИШ ВАҚТИ ҲАМДА КАБИСАЛАРИ ҲАҚИДА**

Биз айтганимиздек, эраларнинг биридан иккинчисини аниқлаш маълум бўлиб, фақат Одам алайҳиссалом эраси билан тўфон эрасигина [аниқланмай] қолгани сабабли энди [биз] у икки эрани билиш учун йўл кўрсатишимиз лозим. Аввал яхудийларнинг йиллари, ойлари, даврлари ва йилларининг бошларини [аниқлашни] тушунтириб, кейин бошқа халқлар йилларининг бошларини ҳам аниқлашга ўтамиз. Матлубни осонлик билан топишга ёрдам бериши учун бунга [баъзи бир] нарсаларни кўшимча қиламиз.

Шундай қилиб, айтамикки, Одам алайҳиссалом эраси яхудийлар қўллайдиган эра, Искандар эраси эса насронийлар фойдаланадиган эрадир. Агар [яхудийлар] Тишрий ойининг боши христианлар Тишрий аввалининг бошига тўғри келса, албатта, Одам эрасига уч минг тўрт юз қирқ саккиз йил кўшилгач, Искандар эраси бўлар эди; бу яхудийлар сўзига кўра, Одам билан Искандар ўртасида ўтган [муддат]дир. Лекин ўртача олганда, Тишрий боши ҳамиша Абнинг йигирма еттинчи кунидан Айлулнинг йигирма тўртинчи кунигача бўлган [муддатда] воқе бўлади. Натижада, яхудийларнинг [ўз эралари йилларини орқага суриб] ўзгартирган вақтларича нуқсонли бўлган Искандар эраси, агар бунга Одам билан Искандар ўртасидаги [муддат] кўшилса, тўлиқ Одам эраси бўлади.

Тишрийнинг боши ҳалиги [айтиб ўтилган] кунларда шунинг учун сурилиб турадики, яхудийлар Пасхаси, ўртача олганда, ҳамиша сурёнча Азар ойининг ўн саккизинчи кунидан Нисаннинг ўн бешинчи кунигача бўлган муддатда кўчиб туради. Бу эса Куёшнинг Ҳамал буржида бўладиган муддатидир. Чунки шу муддатда [Ой ва Куёшнинг] рўбарўлиги пасхани келтириб чиқарувчи ҳолатни тақозо этади. Бу тахминий ҳисобдир. Агар шамсий йил уч юз олтмиш беш кун ва тўлиқ чорак кун бўлганда, шамсий йил румликлар йили кунлари билан [доимо] тўғри келган бўларди. Лекин бу қандай бўлиши мумкин? Биз кузатганимизда бу [чорак кундан ортиқча] касрнинг беш соат, қирқ олти дақиқа, йигирма сония ва эллик олти солиса эканини билдик. Шунда астрономик кузатишларга кўра, Куёш эклиптикадаги жойига ҳаракати билан етиб боришига қараганда, у фарқ ҳар бир юз беш йилда тўлиқ бир кунни ташкил қилади.

(145)|| Лекин биз ҳам яхудийлар асос тутганга амал қилиб, энди уларнинг йиллари бошини қандай аниқлашни ва йилларининг ҳолатини: у оддий йилми ёки иббурми, кейин у ноқисми, мўътадилми ёки тўлиқми эканини қандай билишни баён этамиз.

Биз айтамиз: агар уни [билишни] истасак, сурёний Тишрин қадим [ойи] бошига мувофиқ бўлган Искандар эрасига уч минг тўрт юз қирқ саккиз [йил] ни қўшамиз. Натижада, Одам эрасининг [боши] биз ҳисоб қилгандек, Тишрин қадимдан олдин келувчи Аб ёки Айлул ойлари охирида воқе бўладиган Тишрин бошига тўғри келади.

Агар аввал эра боши бўлган йилнинг оддий ёки иббур йил эканини билмоқчи бўлсак, шу эрани олиб, ундан икки йилни айирамиз ва қолганини ўн тўққизга тақсим этамиз. Тақсимдан чиққани тўлиқ кичик даврлар бўлади, қолганларини «андоза доираси»нинг биринчи қаватига қўямиз. Шунда иккинчи қаватидаги сана рўбарўсида у [эра] йилининг сифатини – оддий ёки иббур эканини, учинчи қаватда [у йил] бошининг сурёний ойдаги мавқеини, тўртинчи қаватда эса ўша ой номини қўямиз. «Андоза доираси»нинг шакли мана бу:



Агар биз юқорида ўн тўққиз йиллик давр тугаган пайтда бу йиллар ҳафта кунларининг қайси биридан бошланган бўлса, ўша кунга қайтмайди деманганимизда эди, [йил боши] ҳафта кунларининг қайси бирига тўғри келиши

бўйича «андоза доираси»га, албатта, бешинчи каватни кўшган бўлардик. Лекин бу ҳеч қачон муяссар бўлмайди.

Агар биз учинчи каватда ҳосил бўлган кун ҳафта кунларининг қайси бири эканини билмоқчи бўлсак, келгусида баён этиладиган амаллар орқали ўша йили Аб ёки Айлул ойининг боши ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқлаймиз. Бунга эришилгач, қидирилган нарса маълум бўлади.

Тишрий ойи сабабли бизда туғилган бу фикр тузатиш киргизилмаган ўр-тача ҳисобга кўрадир. Аммо [Тишрий боши], кўпинча, биз айтиб ўтгандек, [яхудийлар] жоиз кўрмайдиган кунларда воқе бўлади. Шунда [янги йилини] бир кун олдинга ёки кейинга суришга эҳтиёж туғилади. Агар биз уни тўғрилашни мақсад қилсак, аввало, Қуёш ва Ойнинг бир-бири билан Тишрий бошида учрашув [вақтини] астрономлар усулига эмас, яхудийлар усулига кўра билишимиз керак. Чунки бу икки усул ўртасида ихтилофлар бор.

(146)|| **Ихтилофларнинг бири.** Яхудийлар [ҳисобича], камарий ой ҳисобида [Ойнинг Қуёш билан бир учрашувидан] иккинчи учрашувига-ча бўлган муддат йигирма тўққиз кун ўн икки соат ва етти юз тўқсон уч ҳайлақдир. Бу, [яъни, ҳайлақ] – қирк тўрт дақиқа уч сония йигирма солисадан иборат. Ҳозирги замон кузатувчилари ҳисобича, [камарий ой] – йигирма тўққиз кун ўн икки соат қирк тўрт дақиқа икки сония ўн етти солиса йигирма бир робиа ва ўн икки хомисадир. Икки [усул] ўртасидаги ортиқчалик соатнинг бир сония икки солиса ўттиз саккиз робиа ва қирк саккиз хомисаси бўлади<sup>744</sup>.

**Яна бир ихтилоф.** Яхудийлар фикрича, Қуёш йили уч юз олтмиш беш кун беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлагидир. Ҳолбуки, кейинги кузатувчилар [Қуёш йилини] бундан камроқ деб ҳисоблаганлар<sup>745</sup>.

**Учинчи ихтилоф.** [Қуёш билан Ойнинг] учрашиш вақтигача ўтувчи кеча ва кундуз астрономлар ҳисобича, мамлакатларнинг узунлама ва кенгламасига қараб турлича бўлади. Яхудийлар эса буни барча мамлакатлар учун бир хил деб ҳисоблайдилар, [уларнинг] ҳисоблари қайси жойда бажарилгани номаълум. Лекин бу ҳисоб Байт ул-Муқаддас ёки унинг атрофидаги [жойлар] учун бажарилгани хаёлга келади. Чунки ўша жойлар яхудийларни бирлаштирган эди.

**Яна бир ихтилоф.** Яхудийлар Қуёш ва Ой учрашиш [пайт]ини «эгри» соатлар билан ҳисоблаганлар. Ҳолбуки, [бундай] учрашувларни экватордан бошқа жойда бу соатлар билан ҳисоблашнинг тўғри эмаслиги маълум.

**Тагин бир ихтилоф.** Яхудийлар ўз ҳисобларини [Қуёш ва Ойнинг] кўринадиган ҳаракати билан эмас, ўртача ҳаракати билан бажарадилар. Шунинг учун [уларда] баъзан пасха Қуёш ва Ойнинг ҳақиқий учрашувидан икки кун: тузатишлар сабабли бир кун, пасхани дуруст бўлмайдиган кундан кейинга қолдириш сабабли яна бир кун орқага сурилади.

Агар йил «туғилиши»ни, яъни икки ёриткич [Куёш ва Ой]нинг Тишрий бошида учрашувини билмоқчи бўлсак – яхудийларда ҳар бир ойдаги [Куёш ва Ой] учрашувини Ой туғилиши деб аташ ва ҳар бир давр бошида бўлган учрашувини [ҳам] унинг туғилиши деб [аташ] одат бўлган – албатта, биз Одам эрасининг тўлиқ йилларини, яъни кидирилаётган Тишрий билан ундан олдин келадиган йилнинг охиригача [ўтган йилларни] олиб, уларни кичик даврларга айлантирамиз. [Ҳосил бўлган] сонни икки кун ўн олти соат беш юз тўқсон беш ҳайлаққа кўпайтирамиз – бу эса ҳафталарга айлантирилган кичик давр кунларининг қолдиғидир – кўпайтмани эсда сақлаймиз. Кейин йилларнинг бир даврга етмайдиган қолдигига қараймиз ва 2–5–7–10–13–16–18 ҳисобига кўра йилларнинг қанчаси оддий ва қанчаси иббур эканини биламиз<sup>746</sup>. Оддий йиллар сонини тўрт кун саккиз соат саккиз юз етмиш олти ҳайлаққа кўпайтирамиз; иббур йиллари сонини беш кун йигирма бир соат беш юз саксон тўққиз ҳайлаққа кўпайтирамиз ва бу иккала кўпайтмани ҳалиги эсда сақлаб турганимизга қўшамиз. Йиғиндига ҳамиша беш кун ва ўн тўрт соат, яъни Одам [эраси] йилларидан биринчи йил якшанба кечасининг бошидан учрашувгача [бўлган] вақт узоқлигини қўшамиз.

(147)|| Кейин ҳар бир минг саксон ҳайлақни бир соат қилиб, соатларни ва ҳар бир йигирма тўрт соатни эса бир кун қилиб, кунларни чиқарамиз. Ҳосил бўлган кунларни ҳафталарга айлантирамиз, ҳафтага етмайдиган қолдиқ учрашиш [вақти]нинг якшанба кечаси бошидан узоқлиги бўлади. Шунда ҳисоб бориб етган [вақт] Тишрий бошидаги учрашиш вақти бўлади.

Биз ишни осон ва меҳнатни енгил қилиш учун буларнинг [ҳаммасини] Искандар йиллари бўйича йилма-йил ҳисобладик. Тишрий бошида учрашув бўлишини билмоқчи бўлган киши Искандар йилларини олиб, ҳамиша ундан ўн икки йилни, яъни Искандар [эраси бошланган]дан кейинги кичик давр [йиллари] қолдиғини 3–5–8–11–14–16–19 ҳисобига кўра қамайтирсин, қолганни ўн тўққизга тақсим қилсин. Тақсимдан чиққанлар кичик даврлар бўлади. Агар [йиллар] етарли бўлса, уларни катта даврларга айлантирсин ва қолган йилларни эсда сақласин. Булар 3–5–8–11–14–16–19 формуласига кўра ҳозирги даврнинг ўтаётган йилларидир.

Агар бу тақсимдан чиққанлар катта даврлар бўлса, улар ўзларига махсус бўлган жадвалга киргизилади ва [жадвалда] уларнинг рўпараларидаги кунлар, соатлар ва ҳайлақлар олинади. Кичик даврларни ҳам ўзлари учун ишланган жадвалга киргизиб, рўпараларидаги [кунлар, соатлар ва ҳайлақлар] олинади. Ҳар бир жинсни ўз жинсига қўшиб, сўнгра буларни жадвал тепасига қўйилган аслга, яъни Искандар эраси бўйича ўн иккинчи йилнинг «туғилиши»га қўшади.

Кейин ҳар бир минг саксон ҳайлақ соатга<sup>747</sup>, ҳар йигирма тўрт соат кунга ва кунлар ҳафталарга айлантирилади. [Ҳафтага етмай] қолгани яхудийлар

мазҳабига кўра, якшанба кечаси бошидан учрашиш вақтигача ўтувчи кунлардир.

Биз бу ҳисобни фақат кеча бошидан бошладик, чунки бу китоб бошида биз баён этган асосга кўра кундуз ва кеча мажмуи, яҳудийлар фикрича, Куёш ботган вақтдан ҳисобланади<sup>748</sup>.

Биз бажарган ҳисобга мувофиқ тузилган жадвал шакли қуйидагича:

(148)||

Кичик даврлар сони	Кичик даврлар йиллари	Кунлар	Соатлар	Ҳайлақлар
1	19	2	16	595
2	38	5	9	110
3	57	1	1	705
4	76	3	18	220
5	95	6	10	815
6	114	2	3	330
7	133	4	19	925
8	152	0	12	440
9	171	3	4	1035
10	190	5	21	550
11	209	1	14	65
12	228	4	6	660
13	247	6	23	175
14	266	2		
15	285	5		
16	304	1		
17	323	3		
18	342	6	9	990
19	361	2	2	505
20	380	4	19	20
21	399	0	11	615
22	418	3	4	130
23	437	5	20	725
24	456	1	13	240
25	475	4	5	835
26	494	6	22	350
27	513	2	14	945
28	532	5	7	460

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

(149)||

Кичик даврлар сони	Қунлар	Соатлар	Ҳайлақлар	Иббур йиллари
1	5	21	589	—
2	3	6	385	—
6	0	15	181	Иббур
4	6	12	770	—
5	3	21	566	Иббур
6	2	19	75	—
7	0	3	951	—
8	4	12	747	Иббур
9	3	10	256	—
10	0	19	52	—
11	5	3	928	Иббур
12	4	1	437	—
13	1	10	233	—
14	5	19	29	Иббур
15	4	16	618	—
16	2	1	414	Иббур
17	0	22	1003	—
18	5	7	799	—
19	2	16	595	Иббур

(150)||

Катта даврлар сони	Йиллар	Қунлар	Соатлар	Ҳайлақлар
1	532	5	7	460
2	1064	3	14	920
6	1596	1	22	300
4	2128	0	5	760
5	2660	5	13	140
6	3192	3	20	600
7	3724	2	3	1060
8	4256	0	11	440
9	4788	5	18	900
10	5320	4	2	280
11	5852	2	9	740
12	6384	0	17	120
13	6916	6	0	580

(151)|| Агар ҳисобдонлардан биров [яхудийлар] айтганига карамай, қузатишлар орқали аниқланган Қуёш ва Ой учрашуви вақтини билмоқчи бўлса, биз уни маълум қилиш мақсадида тузган [қуйидаги] жадвалга карасин. Бу олдингиси сингари тўғри ва замонимизга яқин, [қузатишларга] мувофиқ

тузилган. Шундайки, биз Птолемейнинг ўртача қамарий ой миқдори ҳақидаги сўзини, Холид ибн Абдул Малик ал-Марваррудийнинг<sup>749</sup> Дамашқда ўтказган ўлчашлари асосидаги сўзини, Мусо ибн Шокир ўғиллари<sup>750</sup> ва бошқаларнинг сўзларини диққат билан ўқиб, Мусо ибн Шокир ўғилларининг айтганларига асосланишни ва унга амал қилишни мақсадга мувофиқроқ деб топдик. Чунки улар ҳақиқатни топишда куч аямаганлар ва кузатиш ишида моҳирлик ҳамда донолик кўрсатиб, ўз асрларининг яғонаси бўлганлар. Олимлар уларнинг кузатишларини кўриб, тўғрилигига гувоҳлик берганлар; шу билан бирга, уларнинг кузатишлари қадимгиларникидан узоқ, бизнинг замонимизга яқиндир.

Шундай қилиб, биз уларнинг айтганларини асос қилиб олдик. Бу Искандар эрасидан ўн икки йил ўтгандан кейинги [Куёш ва Ойнинг] учрашуви вақтидир. Бу учрашув вақти Мадинат ус-салом<sup>751</sup> учун сешанба куни кундуз ярмидан йигирма бир соат йигирма дақиқа эллик сония ўн тўрт солиса ва йигирма тўққиз робиа ўтганида юз берди<sup>752</sup>. Байт ул-Муқаддас меридиани доираси Бағдод меридиани доирасидан ғарбга томон «ўн тўрт замон»<sup>753</sup> орқада бўлгани учун, унинг ҳиссасини, яъни эллик олти дақиқани ҳалиги [Бағдод учун бўлган] учрашув вақтининг дақиқа ва соатларидан айирдик. Натижада, Байт ул-Муқаддас учун у ернинг кундуз ярмидан йигирма соат йигирма тўрт дақиқа эллик сония ўн тўрт солиса ва йигирма тўққиз робиа ўтган вақт асос бўлиб қолади<sup>754</sup>.

Бунга амал қилувчи киши Искандар [эраси]нинг тўлиқ бўлмаган йилларидан<sup>755</sup> ҳамиша ўн икки йилни айириб, қолган йилларни катта ва кичик даврларга айлантиради. [Даврларнинг] ҳар бир ҳиссасини олиб, қолган йилларни [жадвалда кичик даврни ташкил этувчи] содда йиллар қаторига ёзади. Кейин улар қаршисидаги рақамларни йиғади ва асосга қўшади. Соатлар ва уларнинг касрларини кўтариладиган даражасигача кўтаради<sup>756</sup> ва кунларни ҳафталарга айлантиради. Қолган кун Байт ул-Муқаддасда якшанба кундуз ярмидан то Тишрийй бошида [Куёш ва Ойнинг] учрашуви вақтигача ўтаётган [муддат] бўлади. Қуйида кузатишларга асосланиб, [тузилган] жадвал берилган:

(152)||

Кичик даврлар сонни	Кичик давр йиллари	Кунлар	Соатлар	Дақиқалар	Сониялар	Солисалар	Робилар
Асос	12	2	20	24	50	14	29
1	19	2	16	28	57	57	53
2	38	5	8	57	55	55	46
3	57	1	1	26	53	53	39
4	76	3	17	55	51	51	32
5	95	6	10	24	49	49	25
6	114	2	2	53	47	47	18
7	133	4	19	22	45	45	11
8	152	0	11	51	43	43	4

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

(190-бетдаги жаadwalнинг давоми)

9	171	3	4	20	41	40	57
10	190	5	20	49	39	38	50
11	209	1	13	18	37	36	43
12	228	4	5	47	35	34	36
13	247	6	22	16	33	32	29
14	266	2	14	45	31	30	22
15	285	5	7	14	29	28	15
16	304	0	23	43	27	26	8
17	323	3	16	12	25	24	1
18	342	6	8	41	23	21	54
19	361	2	1	10	21	19	47
20	380	4	17	39	19	17	40
21	399	0	10	8	17	15	33
22	418	3	2	37	15	13	26
23	437	5	19	6	13	11	19
24	456	1	11	35	11	9	12
25	475	4	4	4	9	7	5
26	494	6	20	33	7	4	59
27	513	2	13	2	5	2	51
28	532	5	5	31	3	0	44

(153)||

Кичик даврлар йиллари	Кунлар	Соатлар	Дақиқалар	Сониялар	Солисалар	Робиналар
1	5	21	32	29	45	35
2	3	6	20	57	13	49
3 Иббур	0	15	9	24	42	3
4	6	12	41	54	27	38
5 Иббур	3	21	30	21	55	52
6	2	19	2	51	41	27
7	0	3	51	19	9	41
8 Иббур	4	12	39	46	37	55
9	3	10	12	16	23	30
10	0	19	0	43	51	44
11 Иббур	5	3	49	11	19	58
12	4	1	21	41	5	33
13	1	10	10	8	33	47
14 Иббур	5	18	58	36	2	1
15	4	16	31	5	47	36
16 Иббур	2	1	19	33	15	50
17	0	22	52	3	1	25
18	5	7	40	30	29	39
19 Иббур	2	16	28	57	57	53



(154)||

Кичик даврлар сони	Кичик давр йиллари	Кунлар	Соатлар	Дақиқалар	Сониялар	Солисалар	Робилар
1	532	5	5	31	3	0	44
2	1064	3	11	2	6	1	28
3	1596	1	16	33	9	2	12
4	2128	6	22	4	12	2	56
5	2660	5	3	35	15	3	40
6	3192	3	9	6	18	4	24
7	3724	1	14	37	21	5	8
8	4256	6	20	8	24	5	52
9	4788	5	1	39	27	6	36
10	5320	3	7	10	30	7	20
11	5852	1	12	41	33	8	4
12	6384	6	18	12	36	8	48
13	6916	4	13	43	39	9	32

(155)|| Биз ора узоқлиги [вақтини] кундуз ярмидан ҳисобладик. Чунки йил «туғилиши»ни кундуз ярми орқали ҳисоблаб тўғрилаш уфқлар билан [ҳисоблашдан] осонроқ. Байт ул-Муқаддас кенгламасининг энг узун кундузи соатлари ўн тўрт соатдан бир оз ортиқроқ. Яҳудийларнинг «вақтли» соатлар билан амал қилиши фақат [Қуёш ва Ой] учрашуви Тишрийн бошида кузги кеча-кундуз баробарлигига дуч келгандагина тўғри бўлади. Ҳолбуки, [учрашув] ҳеч қачон у билан дуч келмайди, балки юқорида баён этганимиздек, кузги [кеча-кундуз бараварлигидан] анча олдин ёки кейин воқе бўлади.

Учрашув вақтини яҳудийлар келтирган ҳисоб ёки улар фикрига мувофиқ ўзимиз тузган жадвал билан аниқлаганимизда, бу орқали [уларнинг] йили бошини билишга ва унинг ноқислик, мўътадиллик ва тўлиқлик ҳолатларини ўрганишга ўтамиз. Йилнинг оддий ёки иббур эканини ўрганиш [йўли] юқорида кўрсатилди. Энди [Чегаралар жадвали]дан икки чегараси ва икки тарафи учрашувни билдирадиган вақтни ўз ичига олувчи ҳафта кунларининг муддатини қидирамиз. Агар [йил] иббур бўлса, учрашув иббур йили томонда, оддий бўлса, оддий [йил] томонда бўлади. Уни топгач, рўпарасида ҳафта [кунларидан] йил боши ва унинг сифатини топамиз. Йил боши ва сифатини билиб, у сифатни оддий ёки иббур йилга юқлагач, бундан келгуси йил бошини биламиз.

[Чегаралар жадвали]:

	Оддий йилларда ҳафта [кунлари]га тақсимланадиган [вақт] чегаралари	Йил боши [қуни]	Йиллар сифати
(156)	Шанба кундуз ярмидан то якшанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақигача	2	Ноқис
	Якшанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақидан, агар бундан олдинги йил иббур бўлса душанба кундузи тўртинчи соатнинг беш юз саксон тўққизинчи ҳайлақигача; агар бундан олдинги йил оддий бўлса, душанба куни ярмигача	2	Тўлиқ
	Душанба кундузи тўртинчи соатнинг беш юз саксон тўққизинчи ҳайлақидан ёки кундуз ярмидан сепанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақигача	3	Ноқис
	Сепанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақидан пайшанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақигача	5	Мўътадил
	Чоршанба кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақидан пайшанба кундузи ярмигача	5	Тўлиқ
	Пайшанба кундузи ярмидан, агар келгуси йил оддий йил бўлса, жума кечаси биринчи соатнинг икки юз сакқизинчи ҳайлақигача; агар келгуси йил иббур бўлса, жума кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақигача	7	Ноқис
	Жума кечаси биринчи соатнинг икки юз сакқизинчи ҳайлақидан ёки жума кечаси ўнинчи соатнинг икки юз тўртинчи ҳайлақидан шанба кундузининг ярмигача	7	Тўлиқ
	Шанба кундузи ярмидан якшанба кундузи тўққизинчи соатнинг тўрт юз тўқсон биринчи ҳайлақигача	2	Ноқис
	Якшанба куни тўққизинчи соатнинг тўрт юз тўқсон биринчи ҳайлақидан душанба кундузи ярмигача	2	Тўлиқ
(157)	Душанба кундузи ярмидан сепанба кундузи ярмигача	3	Ноқис
	Сепанба кундузи ярмидан чоршанба кечаси ўн иккинчи соатнинг олти юз тўқсон бешинчи ҳайлақигача	5	Мўътадил
	Чоршанба кечаси ўн иккинчи соатнинг олти юз тўқсон бешинчи ҳайлақидан пайшанба кундузи ярмигача	5	Тўлиқ
	Пайшанба кундузи ярмидан жума кундузи тўққизинчи соатнинг тўрт юз тўқсон биринчи ҳайлақигача	7	Ноқис
	Жума кундузи тўққизинчи соатнинг тўрт юз тўқсон биринчи ҳайлақидан шанба кундузи ярмигача	7	Тўлиқ

(158)|| Бу ҳолат ва сифатларнинг шундай бир [тури] бор: агар йил боши ҳафтанинг бирон кунига тўғри келса, йил ўша турга хос бўлиб қолади. Яна йилда воқе бўлиши мумкин бўлмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Ана шулар,

аниқланса, қидирилаётганни топишга ёрдам беради. Айтганларимизнинг тақсимлаш ва шохобчалаш йўли билан кўрсатилган тизими қуйидагича:



(159)|| Яна бу ҳолатнинг икки йилда кетма-кет такрорланиши мумкин бўладиган ва кетма-кет такрорланиши мумкин бўлмайдиган жиҳатлари ҳам бор. Агар биз уларни «Қўшқават тайласон»да кўрсатсак, [қидирилаётган нарсани] топишга ёрдам беради ва ишни осонлаштиради. Энди [қуйида кўрсатилган хоналардан] икки йилдаги икки сифатида умумий ҳамкор бўлган хонага қарайлик: у икки йилнинг бир хил сифат билан кетма-кет келиши мумкин ва мумкин эмаслигини кўрсатади.

		3 2 1 Ноқис	Йилларнинг сифатлари
	5 4 Мўтадил	1 Кетма-кет келиши мумкин эмас	1 Ноқис
6 Тўлиқ	4 Кетма-кет келиши мумкин эмас	2 Кетма-кет келиши мумкин	4 2 Мўтадил
6 Кетма-кет келиши мумкин	5 Кетма-кет келиши мумкин	3 Кетма-кет келиши мумкин	6 5 3 Тўлиқ

(160)|| Иккита мўтадил йилнинг кетма-кет келиши мумкин эмаслигига келсак, мазкур китобимиз сўнгидаги тенглама жадвалида кўрсатилганидек, йилларнинг охирлари ва бошлари бир-бирига тўғри келмаганидандир. Иккита ноқис йилнинг кетма-кет келиши мумкин эмаслиги эса давр ойларининг кўпчилиги тўлиқ, саноклиси ноқис бўлганидандир. Бунга сабаб шуки, кичик давр олти минг тўққиз юз қирқ кунни ўз ичига олади. Бу бир юз йигирма бешта тўлиқ ой ва бир юз ўнта ноқис ой бўлади. Шу сабабли, [янги Ойни] кўришда учта тўлиқ ой кетма-кет келади ва иккитадан ортиқ ноқис ой келмайди. Бу икки ой фақат икки ёриткич ҳаракатларининг ва буржлар ботишининг турличалиги сабаблигина кетма-кет келиши мумкин.

Агар икки катта давр бошида [Қуёш ва Ойнинг] иккала учрашуви кетма-кет бир-бирига мувофиқ бўлганда эди, яҳудийларнинг йиллари сифатини аниқлаш учун, албатта, христианларнинг «хроникон»лари<sup>757</sup> шакли сингари катта давр йилларини ўз ичига олган жадвал тузишимиз керак бўлар эди. Лекин йилларнинг туғилиш пайтлари ҳафта ичидаги ўринларига фақат 689472 йилдагина [бир марта] қайтиб келади. Бу шунинг учунки, кичик даврнинг ҳафталарга айлантирилгандаги қолдиғи икки кун ўн олти соат беш юз тўқсон беш ҳайлақдир. Бу [охирги] сон бир кеча-кундуз ҳайлақига, яъни 25920 га тенг бўлгандагина тўлиқ [бир кун] бўлади. Чунки касрлар сони фақат ўша жинсдан маълум бир бутуннинг барча касрларига баробар келадиган икки ҳисса орттирилишлардан кейин, [яъни, сурат сони махраж сонига тенг бўлганда] тўлиқ бўлади. Лекин [бир] кеча-кундуз ҳайлақининг сони даврнинг қолдиқ касрлари ҳайлақи билан умумий бўлувчи – бешга эга бўлади. Демак, бу касрларни кеча-кундуз ҳайлақининг бешдан бирига, яъни 5184 га кўпайтириб тўлиқ қилиш мумкин.

Сўнгра [Қуёш ва Ой учрашуви] ўша даврлар сонини еттига кўпайтирган дагина, яъни 36288 бўлганида ҳафтадаги ўз ўрнига қайтади. Бу эса йиллари юқорида айтилганча бўладиган даврлардир<sup>758</sup>.

Аммо [Қуёш ва Ойнинг], умуман, бир-бири билан учрашиши ва рўпара келишига келсак, бу 181440 ойда [бир марта] ўз ўрнига қайтади. Бу [сон] кеча-кундуз ҳайлақининг еттига кўпайтирилганидир.

Бу [усулни қўллаш] мумкин бўлмаса, узоқни яқин, қийинни осон ва оғирни енгил қилишда одатдан четга чиқиш яхши эмас. Бизга йилларнинг бошлари, сифатлари ва бир сурёнийча ойларнинг бир неча йил олдинги ўринларини [билиш] кифоя қилади. Ҳисобловчи кўп ҳолатда булардан ортиқча нарсага муҳтож бўлмайдди.

(161)|| Биз уларни уч жадвалда кўрсатдик. Биринчи жадвал йилларнинг бошларини [билиш учун]: бу – «Белгилар<sup>759</sup> жадвали». Иккинчиси йилларнинг сифатлари учун: бу – «Сифатлар жадвали». Бу жадвалдаги **Ҳ** ҳарфи йилнинг ноқислик аломати, чунки ноқис йил [яҳудийлар] тилида «ҳасорин» дейилади; **К** ҳарфи мўътадиллик аломати, чунки [яҳудийлар] мўътадил йилни «касидрон» дейдилар; **Ш** ҳарфи тўлиқлик аломати, чунки яҳудийлар тўлиқ йилни «шаломим» дейдилар.

Учинчиси, «Расоликлар ва миқдорлар жадвали». Бунда агар йил боши қизил билан [кўрсатилган] бўлса, йилнинг боши Аб ойида; қора билан [кўрсатилган] бўлса, Айлул ойида бўлади.

Бу жадвалларнинг барчасидан фойдаланмоқчи бўлган киши Тишрийдан кейин келувчи Тишрийн қадимда Искандар эрасининг ноқис йилини олиб, унинг йиғилганини [жадвал] бўйидан, сочилганини энидан қидирса, [бўй ва энга] умумий бўлган катакда улуғ ва азиз Аллоҳнинг изни билан талаб қилганини топади. Биз учун Аллоҳнинг ўзи етарли ва кифоядир.

(162–168)|| Белгилар жадвали

Искан- дар эраси йиллари бўйича	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
			Иббур		Иббур			Иббур		
1305	3 К 19 а	7 Ш 8 а	* 5 Ш 29 о	5 К 17 а	2 Ҳ 6 а	7 Ш 24 а	* 5 К 14 а	2 Ш 2 а	2 Ҳ 22 а	5 К 10 а
1324	7 К 20 а	3 К 8 а	7 Ш 28 о	* 7 Ш 17 а	5 Ҳ 6 а	3 К 24 а	7 Ш 13 а	* 5 Ш 3 а	5 К 22 а	2 Ҳ 11 а
1343	* 2 Ш 20 а	7 Ҳ 9 а	3 К 28 а	2 Ш 16 а	* 7 Ҳ 6 а	5 Ш 23 а	3 К 13 а	7 Ш 2 а	* 7 Ш 22 а	5 К 11 а
1362	5 К 20 а	* 2 Ш 9 а	7 Ҳ 29 а	5 К 16 а	2 Ш 5 а	* 2 Ҳ 25 а	5 Ш 12 а	3 К 2 а	2 Ш 21 а	7 Ҳ 11 а
1381	7 Ш 19 а	5 К 9 а	2 Ҳ 29 о	7 Ш 15 а	5 Ш 5 а	5 К 25 а	* 2 Ҳ 14 а	5 Ш 1 а	5 К 21 а	2 Ш 10 а
1400	3 К 19 а	7 Ш 8 а	5 Ҳ 29 о	* 3 К 16 а	7 Ш 4 а	7 Ш 24 а	5 К 14 а	* 2 Ҳ 3 а	3 К 20 а	5 К 10 а
1419	* 5 Ш 19 а	3 К 8 а	7 Ш 28 о	7 Ҳ 17 а	* 3 К 5 а	2 Ш 23 а	7 Ш 13 а	5 Ҳ 3 а	* 3 К 21 а	7 Ш 9 а
1438	2 Ҳ 20 а	* 5 Ш 8 а	3 К 28 о	2 Ш 16 а	7 Ҳ 6 а	5 К 24 а	* 2 Ш 12 а	7 Ҳ 2 а	5 Ш 20 а	* 3 К 10 а
1457	5 К 20 а	2 Ҳ 9 а	5 Ш 28 о	5 К 16 а	2 Ҳ 5 а	7 Ш 23 а	* 5 К 13 а	2 Ш 1 а	2 Ҳ 21 а	5 Ш 9 а
1476	7 Ш 19 а	5 К 9 а	2 Ҳ 29 о	* 7 Ш 16 а	5 Ҳ 5 а	3 К 23 а	7 Ш 12 а	* 5 Ш 2 а	5 К 21 а	2 Ҳ 10 а
1495	* 2 Ш 19 а	7 Ш 8 а	5 Ҳ 29 о	3 К 16 а	* 7 Ш 5 а	7 Ш 24 а	5 К 14 а	2 Ҳ 3 а	* 7 Ш 21 а	5 К 10 а
1514	5 К 19 а	* 2 Ш 8 а	7 Ҳ 28 а	5 Ш 15 а	3 К 5 а	2 Ш 24 а	* 7 Ҳ 13 а	3 К 1 а	2 Ш 20 а	* 7 Ш 10 а
1533	7 Ш 18 а	5 К 8 а	* 2 Ш 28 о	2 Ҳ 16 а	5 Ш 15 а	5 К 24 а	* 2 Ш 13 а	* 7 Ҳ 2 а	5 К 20 а	2 Ш 9 а
1552	3 К 18 а	7 Ш 7 а	5 Ш 28 о	* 5 К 17 а	2 Ҳ 5 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	* 2 Ҳ 2 а	7 Ш 19 а	5 К 9 а

(162–168)|| Белгилар жадвали (давоми)

10	11	12	13	14	15	16	17	18	Яхудий эраси йиллари буйича	Христиан эраси йиллари буйича
Иббур			Иббур		Иббур			Иббур		
*				*				*		
2 Ш 30 о	2 Ш 18 а	7 Х 8 а	3 К 27 а	2 Ш 15 а	7 Х 4 а	5 К 22 а	2 Ш 11 а	7 Ш 1 а	4754	993
5 Ш 30 о	5 К 19 а	2 Ш 7 а	7 Х 28 о	5 К 15 а	2 Ш 4 а	2 Х 23 а	3 К 11 а	2 Ш 31 о	4773	1012
2 Х 31 о	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Х 27 о	7 Ш 14 а	5 Ш 4 а	5 К 24 а	2 Х 12 а	5 Ш 31 о	4792	1031
3 К 29 о	2 Ш 17 а	7 Ш 7 а	5 Х 28 о	3 К 14 а	7 Ш 3 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	2 Х 1 а	4811	1050
7 Х 31 о	5 К 17 а	2 Ш 6 а	7 Ш 27 о	7 Х 16 а	3 К 3 а	2 Ш 22 а	7 Ш 12 а	5 Х 2 а	4830	1069
2 Ш 30 о	2 Х 19 а	5 К 6 а	2 Ш 26 о	2 Ш 15 а	7 Х 5 а	5 К 22 а	2 Ш 11 а	7 Х 1 а	4849	1088
5 Ш 30 о	5 К 19 а	2 Х 8 а	5 Ш 26 о	5 К 15 а	2 Х 4 а	7 Ш 22 а	5 К 11 а	2 Ш 31 а	4868	1107
7 Ш 29 о	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Х 28 о	7 Ш 14 а	5 Х 4 а	3 К 22 а	7 Ш 11 а	5 Ш 31 о	4887	1126
3 К 30 о	2 Ш 17 а	7 Х 7 а	3 К 26 о	2 Ш 14 а	7 Ш 3 а	7 Х 23 а	3 К 11 а	7 Ш 31 о	4906	1145
5 Ш 28 о	5 К 18 а	2 Ш 6 а	7 Х 27 о	5 К 14 а	2 Ш 3 а	2 Ш 22 а	7 Х 12 а	3 К 31 о	4925	1164
2 Х 30 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 Ш 26 о	2 Х 15 а	5 Ш 3 а	5 К 23 а	2 Ш 11 а	7 Х 1 а	4944	1183
5 Х 30 о	3 К 17 а	7 Ш 6 а	5 Ш 27 о	5 К 15 а	2 Х 4 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	2 К 31 о	4963	1202
3 К 29 о	2 Ш 17 а	7 Х 6 а	3 К 26 о	2 Ш 13 а	7 Ш 3 а	7 Х 22 а	3 К 10 а	7 Ш 30 о	5153	1392
7 Х 30 о	5 Ш 16 а	3 К 6 а	7 Ш 26 о	7 Х 15 а	3 К 2 а	2 Ш 21 а	7 Ш 11 а	5 Х 1 а	1982	1221

(162–168)|| Белгилар жадвали (давоми)

Искандар эраси йиллари буйича	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
			Иббур		Иббур			Иббур		
1571	* 7 Ҳ 20 а	3 К 7 а	7 Ш 27 о	7 Ш 16 а	* 5 Ҳ 6 а	3 К 23 а	7 Ш 12 а	5 Ш 2 а	* 5 К 22 а	* 2 Ҳ 10 а
1590	2 Ш 19 а	* 7 Ҳ 9 а	3 К 27 о	2 Ш 15 а	7 Ҳ 5 а	* 5 Ш 23 а	3 К 12 а	7 Ш 1 а	7 Ш 21 а	* 5 К 11 а
1609	5 К 19 а	2 Ш 8 а	* 7 Ҳ 29 о	5 К 15 а	2 Ш 4 а	* 2 Ш 24 а	* 5 Ш 12 а	3 К 1 а	2 Ш 20 а	* 7 Ҳ 10 а
1628	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Ҳ 28 о	* 7 Ш 15 а	5 Ш 4 а	5 К 24 а	2 Ҳ 13 а	* 5 Ш 1 а	5 К 20 а	2 Ш 9 а
1647	* 3 К 19 а	7 Ш 7 а	5 Ҳ 28 а	3 К 15 а	* 7 Ш 4 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	2 Ҳ 2 а	* 7 Ш 20 а	5 К 9 а
1666	5 Ш 18 а	* 3 К 8 а	7 Ш 27 о	7 Ҳ 16 а	3 К 4 а	* 2 Ш 23 а	7 Ш 12 а	5 Ҳ 2 а	3 К 20 а	* 7 Ш 9 а
1685	2 Ҳ 19 а	5 Ш 7 а	* 3 К 28 о	2 Ш 15 а	7 Ҳ 5 а	5 К 23 а	* 2 Ш 12 а	7 Ҳ 1 а	5 Ш 19 а	3 К 9 а
1704	5 К 19 а	2 Ҳ 8 а	5 Ш 27 о	* 5 К 5 а	2 Ҳ 4 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	2 Ш 1 а	2 Ҳ 20 а	5 Ш 8 а
1723	* 7 Ш 19 а	5 К 8 а	2 Ҳ 28 о	7 Ш 15 а	* 5 Ҳ 5 а	3 К 22 о	7 Ш 11 а	5 Ш 1 а	* 5 К 21 а	2 Ҳ 9 а
1742	2 Ш 18 а	* 7 Ш 8 а	5 Ҳ 28 о	3 К 15 а	7 Ш 4 а	* 7 Ҳ 24 а	3 К 11 а	7 Ш 31 о	* 7 Ш 20 а	* 5 К 10 а
1761	5 К 18 а	2 Ш 7 а	* 7 Ҳ 28 о	5 Ш 14 а	3 К 4 а	2 Ш 23 а	* 7 Ҳ 13 а	3 К 31 о	2 Ш 19 а	7 Ш 9 а
1780	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 Ш 27 о	* 2 Ҳ 16 а	5 Ш 3 а	5 К 2 а	2 Ш 12 а	* 7 Ҳ 2 а	5 К 19 а	2 Ш 8 а
1799	* 3 К 18 а	7 Ш 6 а	5 Ш 27 о	5 К 16 а	* 2 Ҳ 5 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	2 Ҳ 1 а	* 7 Ш 19 а	5 К 8 а
1818	7 Ҳ 19 а	* 3 К 7 а	7 Ш 26 о	7 Ш 15 а	5 Ҳ 5 а	* 3 К 23 а	7 Ш 11 а	5 Ш 1 а	5 К 21 а	* 2 Ҳ 10 а

(162–168)|| Белгилар жадвали (давоми)

10	11	12	13	14	15	16	17	18	Яхудий эраси йиллари буйича	Христиан эраси йиллари буйича
Иббур			Иббур		Иббур			Иббур		
2 Ш 29 о	* 2 X 18 а	5 Ш 5 а	3 К 26 о	2 Ш 14 а	* 7 X 4 а	5 К 21 а	2 Ш 10 а	7 Ш 31 0	5001	1240
5 Ш 29 о	5 К 18 а	* 2 Ш 7 а	7 X 27 о	5 К 14 а	2 Ш 3 а	* 2 X 23 а	5 К 10 а	2 Ш 30 о	5020	1259
2 X 30 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	* 2 X 27 о	7 Ш 13 а	5 Ш 3 а	5 К 23 а	* 2 X 12 а	5 Ш 30 о	5039	1278
* 3 К 29 о	2 Ш 16 а	7 Ш 6 а	5 X 27 о	* 3 К 14 а	7 Ш 2 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	* 2 X 1 а	5058	1297
7 X 30 о	* 5 К 17 а	2 Ш 5 а	7 Ш 26 о	7 X 15 а	* 3 К 3 а	2 Ш 21 а	7 Ш 11 а	5 X 1 а	5077	1316
2 Ш 29 о	2 X 18 а	* 5 К 6 а	2 Ш 25 о	2 Ш 14 а	7 X 4 а	* 5 К 22 а	2 Ш 10 а	7 X 31 о	5096	1335
5 Ш 29 о	5 К 18 а	2 X 7 а	* 5 Ш 26 о	5 К 14 а	2 X 3 а	7 Ш 21 а	* 5 К 11 а	2 Ш 30 о	5115	1354
* 7 Ш 29 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 X 27 о	* 7 Ш 14 а	5 X 3 а	3 К 21 а	7 Ш 10 а	* 5 Ш 31 о	5134	1373
5 Ш 28 о	5 К 17 а	* 2 Ш 6 а	7 X 26 о	5 К 13 а	2 Ш 2 а	* 2 Ш 22 а	7 X 11 а	3 К 30 о	5172	1411
* 2 X 29 о	7 Ш 16 а	5 К 6 а	2 Ш 26 0	2 X 14 а	5 Ш 2 а	5 К 22 а	* 2 Ш 11 а	7 X 31 о	5191	1430
* 5 X 30 о	3 К 16 а	7 Ш 5 а	5 Ш 26 о	* 5 К 15 а	2 X 3 а	7 Ш 21 а	5 К 11 а	* 2 X 31 о	5210	1449
7 X 29 о	* 5 Ш 16 а	3 К 5 а	7 Ш 25 а	7 X 14 а	* 3 К 2 а	2 Ш 20 а	7 Ш 10 а	5 X 31 а	5229	1468
2 Ш 28 о	2 X 17 а	* 5 Ш 5 а	3 К 25 о	2 Ш 13 а	7 X 3 а	* 5 К 21 а	2 Ш 9 а	7 Ш 30 о	5248	1487
5 Ш 28 о	5 К 17 а	2 Ш 6 а	* 7 X 27 о	5 К 13 а	2 Ш 2 а	2 X 22 а	* 5 К 10 а	2 Ш 29 о	5267	1506



[Ушбу жадвалдаги «о» – Аб, «а» – Айлул ойлари, «\*» – румликлар эраси бўйича мос келувчи йил иббур эканини билдиради.]

Агар бизга ҳақиқатан йил бошининг Аб ёки Айлул ойининг қаерида экани «Микдорлар жадвали» орқали маълум бўлмай, унинг ҳафта ичидаги куни «Белгилар жадвали» ёрдамида аниқ бўлса ва Аб ёки Айлулда воқе бўлганини олдинроқ «Андоза доиралари»дан билган бўлсак, биз учун керакли нарса, [яъни, йил бошининг] сурёний ойда ўз вақтидан бир кун олдин ёки кейин экани, агар ҳафтанинг ўша куни [йил боши]га тўғри келмаса, албатта, яширин қолмайди. Айниқса, [яхудийларнинг] биз баён этган олдинги уч жадвалда ўзининг аниқ ифодасини топган учта байрам кунлари яхудийларнинг эраси, йилларининг бошланиши ва унинг жуда мураккаб моҳиятини билишга имкон беради. Бу орқали яхудий ойлариининг бошини ўрганиш босқичига ўтилади. Бу ўша йилга тегишли икки сифат тақозосига кўра, ҳар бир [ойга] ўз ҳиссаси [бўлган кун]ни бўлиб бериш орқали ёки ойларнинг бошланишларини кўрсатувчи жадвал орқали [бажарилади]. Шундайки, Тишрий ойининг «Белгилар жадвали»дан йил бошини, агар йил оддий бўлса, «Оддий йиллар жадвали»дан, иббур бўлса, «Иббур йиллар жадвали»дан қидирамиз ва рўпарасидаги [катак]дан йил сифатини – ноқис, мўътадил ёки тўлиқ эканини топамиз.

Буни аниқлагач, рўпарасидаги [катак]дан ҳар бир тўлиқ ой бошини ва ҳар бир ноқис ойнинг иккала [томон] бошини ҳам топамиз. Чунки яхудийлар тўлиқ бўлган ҳар бир ой учун иккита бош белгилаганлар: бири ойнинг ҳақиқий боши бўлган кун, иккинчиси эса ундан олдинги кун, яъни ўтган тўлиқ ойнинг ўтгизинчи куни. Буни билиб олиш лозим. Чунки бу яхудийларнинг [кишини] ҳайрон қолдирувчи гапларидандир.

**(169)|| Йил давомида ойларнинг боши ҳафтанинг қайси кунларига тўғри келишини акс эттирган жадвал**

Тишрин бош белгиси	Йил сифати	Марҳашвон	Қислев	Тебат	Шефат	Азар	Нисан	Ияр	Сиван	Таммуз	Аб	Айлул
7	Тўлиқ	I 2	III 4	V 6	7	I 2	3	IV 5	6	VII 1	2	III 4
7	Ноқис	I 2	3	4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6	7	I 2
2	Тўлиқ	III 4	V 6	VII 1	2	III 4	2	VI 7	1	II 3	4	V 6
2	Ноқис	III 4	5	6	7	I 2	7	IV 5	6	VII 1	2	III 4
3	Мўътадил	IV 5	6	VII 1	2	III 4	2	VI 7	1	II 3	4	V 6
5	Тўлиқ	VI 7	I 2	III 4	5	VI 7	5	II 4	4	V 6	7	I 2
5	Мўътадил	VI 7	1	II 3	4	V 6	4	I 3	3	IV 5	6	VII 1

(170)|| Иббур йили жадвали

Тишрийн бош белгиси	Йил сифати	Мархешвон	Кислев	Тебат	Шефат	Биринчи азар	Иккинчи азар	Нисан	Ияр	Сиван	Таммуз	Аб	Айлул
7	Тўлик	1 2	III 4	V 6	7	1 2	III 4	VI 5	7	1	III 3	4	V 6
7	Ноқис	1 2	3	4	5	VI 7	1 2	IV 3	5	6	V 1	2	III 4
2	Тўлик	III 4	V 6	VII 1	2	III 4	V 6	1 7	2	3	II 5	6	VII 1
2	Ноқис	III 4	5	6	7	1 2	III 4	VI 5	7	1	VII 3	4	V 6
3	Муътадил	IV 5	6	VII 1	2	III 4	V 6	1 7	2	3	II 5	6	VII 1
5	Тўлик	VI 7	1 2	III 4	5	VI 7	1 2	IV 3	5	6	V 1	2	III 4
5	Ноқис	VI 7	1	2		IV 5	1 7	II 1	3	4	IV 6	7	1 2

(171)|| Хотиримга келишича, яҳудийларнинг бундай йўл тутишларига сабаб шуки, улар тўлик ойни касрсиз йигирма тўккиз кун қилиб белгилаганлар, бу Қуёш билан Ойнинг [бир] учрашувидан [иккинчи] учрашувигача давом этган [бутун кунлардир]. Ўтгизинчи кунда эса учрашув сабабли касрлар ҳосил бўлади<sup>760</sup>. Яҳудийлар касрни тамом бўлган ойга қўшганлар. Ниҳоят уни шу билан тўлик [ўттиз кун] бўлган ноқис ойга ҳам қўшганлар. Натижада у ой учун иккита бошланиш вужудга келган<sup>761</sup>. Яҳудийларнинг [бундан] мақсадларини Аллоҳ билгувчидир.

Ой боши учун учрашув вақтини ёки яҳудийлар фикрига биноан, ой ярмида [Қуёш билан Ойнинг бир-бирига] рўпара келиш вақтини аниқлаш мўлжалланса, [буни «Ойларнинг» туғилишлари ва ўн тўрт кунликлари жадвали]дан оламиз. Учрашув вақтини хоҳласак, ўша ой туғилишининг қаршисидаги рақамларни; рўпара келиш вақтини истасак, ўша ойнинг ўн тўрт кунлиги қаршисидаги [рақамларни оламиз]. Йил оддий бўлса, [Оддий йиллар жадвали]дан, иббур бўлса, [Иббур йиллари жадвали]дан оламиз. Буни Тишрий [ойи] туғилишига, яъни [Қуёш билан Ойнинг] унинг бошидаги учрашувига қўшамиз. Кейин касрларни имкон борича [бутунларга] кўтариб, кунларни ҳафталарга айлантирамиз ва талаб қилганимизга эришамиз.

Агар буни астрономлар раъйига биноан аниқламоқчи бўлсак, ҳалиги амалиётни учрашувлар ва «Ой тўлишлари<sup>762</sup> жадвали»га асосан бажарамиз; йил оддий бўлса, [Оддий йиллар жадвали]дан, иббур бўлса, [Иббур йиллари] жадвалидан [фойдаланамиз]. [Бунда] ҳам яҳудийлар фикрига қараб, [рақамларни] Тишрий бошидаги учрашувга қўшамиз. Ниҳоят, аниқламоқчи бўлганимиз, Қуёш билан Ойнинг учрашув ва рўпара келиш вақтларини [билишга] бориб етамиз. Жадваллар куйидагичадир:

(172–173)|| Ой туғилишлари ва ўн тўрт кунликлари жадвали

Ой туғилишлари ва ўн тўрт кунликлари	Оддий йил			Ой туғилишлари ва ўн тўрт кунликлари	Иббур йили		
	Кунлар	Соатлар	Ҳайлақлар		Кунлар	Соатлар	Ҳайлақлар
Тишрийнинг туғилиши	0	0	0	Тишрийнинг туғилиши	0	0	0
Унинг ўн тўрти	0	18	396 1/2	Унинг ўн тўрти	0	18	396 1/2
Марҳешвоннинг туғилиши	1	12	793	Марҳешвоннинг туғилиши	1	12	793
Унинг ўн тўрти	2	7	109 1/2	Унинг ўн тўрти	2	7	109 1/2
Кислевнинг туғилиши	3	1	506	Кислевнинг туғилиши	3	1	506
Унинг ўн тўрти	3	19	902 1/2	Унинг ўн тўрти	3	19	902 1/2
Тебатнинг туғилиши	4	14	219	Тебатнинг туғилиши	4	14	219
Унинг ўн тўрти	5	8	615 1/2	Унинг ўн тўрти	5	8	615 1/2
Шефатнинг туғилиши	6	2	1012	Шефатнинг туғилиши	6	2	1012
Унинг ўн тўрти	6	21	328 1/2	Унинг ўн тўрти	6	21	328 1/2
Азарнинг туғилиши	0	15	725	Биринчи Азарнинг туғилиши	0	15	725
Унинг ўн тўрти	1	10	41 1/2	Унинг ўн тўрти	1	10	41 1/2
				Иккинчи Азарнинг туғилиши	2	4	438
				Унинг ўн тўрти	2	22	834 1/2
Нисаннинг туғилиши	2	4	438	Нисаннинг туғилиши	3	17	151
Унинг ўн тўрти	2	22	834 1/2	Унинг ўн тўрти	4	11	547 1/2
Иярнинг туғилиши	3	17	151	Иярнинг туғилиши	5	5	944
Унинг ўн тўрти	4	11	547 1/2	Унинг ўн тўрти	6	0	260 1/2
Сиваннинг туғилиши	5	5	944	Сиваннинг туғилиши	6	18	637
Унинг ўн тўрти	6	0	260 1/2	Унинг ўн тўрти	0	12	1053 1/2
Таммузнинг туғилиши	6	18	657	Таммузнинг туғилиши	1	7	370
Унинг ўн тўрти	0	12	1053 1/2	Унинг ўн тўрти	2	1	766 1/2
Абнинг туғилиши	2	7	370	Абнинг туғилиши	2	20	83
Унинг ўн тўрти	1	1	766 1/2	Унинг ўн тўрти	3	14	479 1/2
Айлулнинг туғилиши	2	20	83	Айлулнинг туғилиши	4	8	876
Унинг ўн тўрти	2	14	479 1/2	Унинг ўн тўрти	5	3	192 1/2

(174–175)|| Ой учрашувлари ва рўпара келишлари жадвали

Ой учрашувлари ва рўпара келишлари	Оддий йил						Ой учрашувлари ва рўпара келишлари	Иббур йили					
	Қунлар	Соғтлар	Даққалар	Сониялар	Солисалар	Робвалар		Қунлар	Соғтлар	Даққалар	Сониялар	Солисалар	Робвалар
Тишриннинг учрашуви	0	0	0	0	0	0	Тишриннинг учрашуви	0	0	0	0	0	0
Унинг тўлиши	0	18	22	1	8	40	Унинг тўлиши	0	18	22	1	8	40
Марҳешвоннинг учрашуви	1	12	44	2	17	21	Марҳешвоннинг учрашуви	1	12	44	2	17	21
Унинг тўлиши	2	7	6	3	26	1	Унинг тўлиши	2	7	6	3	26	1
Кислевнинг учрашуви	3	1	28	4	34	42	Кислевнинг учрашуви	3	1	28	4	34	42
Унинг тўлиши	3	19	50	5	43	23	Унинг тўлиши	3	19	50	5	43	23
Тебатнинг учрашуви	4	14	12	6	52	3	Тебатнинг учрашуви	4	14	12	6	52	3
Унинг тўлиши	5	8	34	8	0	44	Унинг тўлиши	5	8	34	8	0	44
Шефатнинг учрашуви	6	2	56	9	9	24	Шефатнинг учрашуви	6	2	56	9	9	24
Унинг тўлиши	6	21	18	10	18	5	Унинг тўлиши	6	21	18	10	18	5
Азарнинг учрашуви	0	15	40	11	26	46	Биринчи Азарнинг учрашуви	0	15	40	11	26	46
Унинг тўлиши	1	10	2	12	35	26	Унинг тўлиши	1	10	2	12	35	26
							Иккинчи Азарнинг учрашуви	4	8	48	27	28	14
							Унинг тўлиши	5	3	10	28	36	55
Нисаннинг учрашуви	2	4	24	13	44	7	Нисаннинг учрашуви	2	4	24	13	44	7
Унинг тўлиши	2	22	46	14	52	47	Унинг тўлиши	2	22	46	14	52	47
Иярнинг учрашуви	3	17	8	16	1	28	Иярнинг учрашуви	3	17	8	16	1	28
Унинг тўлиши	4	11	30	17	10	9	Унинг тўлиши	4	11	30	17	10	9
Сиваннинг учрашуви	5	5	52	18	18	49	Сиваннинг учрашуви	5	5	52	18	18	49
Унинг тўлиши	6	0	14	19	27	30	Унинг тўлиши	6	0	14	19	27	30
Таммузнинг учрашуви	6	18	36	20	36	10	Таммузнинг учрашуви	6	18	36	20	36	10
Унинг тўлиши	0	12	58	21	44	51	Унинг тўлиши	0	12	58	21	44	51
Абнинг учрашуви	1	7	20	22	53	32	Абнинг учрашуви	1	7	20	22	53	32
Унинг тўлиши	2	1	42	24	2	12	Унинг тўлиши	2	1	42	24	2	12
Айлулнинг учрашуви	2	20	4	25	10	53	Айлулнинг учрашуви	2	20	4	25	10	53
Унинг тўлиши	3	14	26	26	19	33	Унинг тўлиши	3	14	26	26	19	33

(176)|| Яхудий йилларини билишдан иборат бўлган мақсадимизга шундай қилиб [ҳам] эришилади: икки тарафи орасида Пасха байрами кўчиб юрадиган

чегарада воқе бўлувчи баҳорги кеча-кундуз баробарлигидан кейинги [Қуёш ва Ой] рўпара келишини ҳисоблаймиз. Қуёшнинг кеча-кундуз баробарлигидаги тулуси билан эртаси [кундаги] тулуси орасида қайси кун тўғри келганига қараймиз. Агар у кун яхудийлар Пасхага ижозат берадиган кунлардан бўлса, бу ўша [исталган] кун; агар Пасхага ижозат бермайдиган кунлардан бўлса – бу уч қуйи ёриткичга<sup>763</sup> тегишли кундир – Пасхани иккинчи кунга қолдирамиз. Пасхани кейинга қолдириш яхудийлар тилида «дахий» дейилади.

Шундай амалиёт олдинга сурилган Пасха [вақти]ни билиш учун ҳам ишлатилади. Унинг белгисига икки кун қўшилади, шунда Тишрийй боши икки Пасха ўртасига тўғри келади.

Кейин икки Пасха орасидаги кунлар ҳисобланади; агар улар шамсий йил кунларидан кўп бўлса, ичида охирги пасха келадиган йил иббур бўлади, агар камроқ бўлса, иббур бўлмайди.

Шу усул билан йилнинг биринчи сифатини билиш мумкин, лекин қолганларини эмас. Чунки пасха яхудийлар фикрига, олдинга сурилиши лозим бўлгани ҳолда, гоҳо кейинга қўйилади ёки кейинга қолдирилиши керак бўлгани ҳолда, гоҳо олдинга ўтказилади. Шунинг учун йилнинг ҳолати ноқис, мўътадил ёки тўлиқ эканини аниқ ажратиб бўлмайди. Балки, кўпинча, [Қуёш ва Ойнинг] рўпара келиши Пасха кезиб юрадиган чегаранинг икки тарафидан бирига яқин жойда юз бергач, иккала ёриткичнинг икки вазиятидаги ҳар бир кўриниш ўртача вазиятга зид келади; у икки вазият барча умумий тузатишлар миқдорида гоҳ аввал, гоҳ кейин келиб алмашинади. [Натижада] бундай рўпара келиш фойдаланиш учун ярамайди ва ундан аввалги ёки кейинги [рўпара келиш] олинади. Шунинг учун яхудийлар ҳисоби билан бу амалиёт ўртасида қарама-қаршилик юз беради. Ҳатто шундай бўладигани, маълум бир йил яхудийларга кўра иббур бўлса, бу ҳисоб унинг оддий эканини кўрсатади ёки аксинча бўлади.

Шунингдек, яхудийлар билан христианлар орасида [ҳам] иббур йили хусусида ихтилоф бор. Буни христианларнинг рўзалари бобида баён этамиз.

Уларнинг ораларида ихтилоф воқе бўлиб, бизнинг ҳукмимизга рози бўлсалар, уларнинг ҳар иккиси Пасхаларидаги Қуёш ва Ойнинг рўпара келиши ҳолатига қараймиз. Шунда Ой Сунбула ёки Ақраб ўрталарида воқе бўладиган, Қуёш Ҳамал буржидан чиқадиган пайтдаги рўпара келиш иккала [миллат] таълимотича номақбул, бунинг акси эса мақбул саналади. Агар айтиб ўтилган шартлар ёдда сақланса, ҳақиқатни изловчи учун бу икки нарсанинг қайси бири тўғри экани яширин қолмайди.

(177)|| Яхудийларнинг бошқа даврлари ҳам бор. Улардан бири Юбил<sup>764</sup> даври бўлиб, бу – эллик йилдир. Яна бири Еттилик<sup>765</sup> даври, бу – етти йилдир. Бу даврларнинг аввалги йиллари «қайтиш йиллари» деб аталади. Чунки Аллоҳ таоло «Еттилик давр» ҳақида Тавротнинг учинчи сифрида бундай

деган: «Агар Канъон заминига кирсангиз, олти йил экин экинги, ўриб олинг ва узумларингизни кесиб олманг. Уларни кулларингиз, чўриларингиз, ўзингиз билан бирга турувчиларга, ҳайвонлар ва паррандаларга қолдиринг». Яна иккинчи сифрида ўша сўзни қайтариб [бундай] деган: «Олти йил ерингга экин экиб, ғалласини тўпла. Еттинчи йили бундай қилма, у йил ғаллангни камбағалларга ва ҳайвонларга қолдир».

Шунингдек, яҳудийлар динида ва шариатида ҳожатманд киши ўз бола-сини бойларга ҳожатини қондириш учун эмас, хизмат қилиш учун ижарага сотиши мумкин. Чунки [жинсий алоқа] фақат маҳр ва никоҳ билан мумкин бўлади. Кейин [бола] хожасига бир сабуъ давр хизмат қилиб, сўнгра озод бўлади, агар [буни] истамаса, қолаверади. Чунончи, пок Аллоҳ таоло Тавротнинг учинчи сифрида бундай деган: «Ораларингиздан биров еттинчи йили унинг мулкидан чиқиб, озод бўлади, унинг ўзи ва агарки хотини ҳам бўлса, у ҳам хоҳлаган жойига кета олади. Агар кул: «Мен хожамга содиқман ва унинг қўл остидан чиқмайман», деса, хожаси уни эшиги остонасига яқин келтириб, бигиз билан иккала қулоғини тешсин ва уни ўзи рози бўлган муддатгача кул қилиб турсин».

Юбил даврига келсак, яҳудийлар Аллоҳнинг [Таврот] учинчи сифридаги фармони сабабли, у даврни қўллашга муҳтож бўладилар. У шундай деган: «Етти марта етти, яъни қирқ тўққиз йил ерга экин экингиз. Сўнгра эллингинчи йил учун бутун ерингизни карнай билан пуфлаб тозаланг. Экин экманг ва ҳосил олманг; эллингинчи йилда қайтиш бўлади. Ер абадий қилиб сотилмайди, чунки ер меники, сиз унда мен билан бирга яшовчилар ва менинг меҳмонларимсиз. Сотилган [наrsa]ларнинг байлари эллингинчи йилда бузилади. Бай [ўша] йиллар, яъни юбил давридан қолган [йиллар] миқдорига қараб бўлсин».

Яна Аллоҳ таоло шу сифрида: «Агар биродаринг фақир бўлса ва сен уни сотиб олсанг, уни куллардек ишлатма, лекин у то қайтиш йилигача хизматчи ва меҳмондек бўлиб турсин», деган.

Қонунлаштирилган мана шу ҳолат сабабли, яҳудийлар даврнинг қолган йили миқдорига қараб байларни ортиқ ёки кам баҳода бўлиши ва булардан бошқа диний қонунларнинг [бажарилиши] учун бу икки даврни [ишлатишга] муҳтож бўлганлар. [Масалан], агар кул озод бўлишни истамай, Юбил даври тамом бўлгунича кулликда қолса, бундан кейин уни тутиб туриш дуруст бўлмайди.

У икки даврдан ҳар бирининг йиллари нечанчи эканини билмоқчи бўлган киши [Одам] эраси йилларини ўтиб бораётган йил билан қўшиб олсин, ундан бир минг ўнни айирсин ёки унга етти юз қирқни кўпайтирсин, натижани уч юз элликка тақсим қилиб, тақсимдан чиққанларни ташласин ва қолдиқни «Ҳукмлар жадвали»даги сонлар поғонасига киритсин. Шунда унинг рўпарасида икки даврдан ҳар бирининг нечанчи йили турганини билади.

(178–179)||

«Хукмлар жадвали»

Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр
1	1	1	26	26	5	51	1	2	76	26	6	101	1	3	126	26	7	151	1	4
2	2	2	27	27	6	52	2	3	77	27	7	102	2	4	127	27	1	152	2	5
3	3	3	28	28	7	53	3	4	78	28	1	103	3	5	128	28	2	153	3	6
4	4	4	29	29	1	54	4	5	79	29	2	104	4	6	129	29	3	154	4	7
5	5	5	30	30	2	55	5	6	80	30	3	105	5	7	130	30	4	155	5	1
6	6	6	31	31	3	56	6	7	81	31	4	106	6	1	131	31	5	156	6	2
7	7	7	32	32	4	57	7	1	82	32	5	107	7	2	132	32	6	157	7	3
8	8	1	33	33	5	58	8	2	83	33	6	108	8	3	133	33	7	158	8	4
9	9	2	34	34	6	59	9	3	84	34	7	109	9	4	134	34	1	159	9	5
10	10	3	35	35	7	60	10	4	85	35	1	110	10	5	135	35	2	160	10	6
11	11	4	36	36	1	61	11	5	86	36	2	111	11	6	136	36	3	161	11	7
12	12	5	37	37	2	62	12	6	87	37	3	112	12	7	137	37	4	162	12	1
13	13	6	38	38	3	63	13	7	88	38	4	113	13	1	138	38	5	163	13	2
14	14	7	39	39	4	64	14	1	89	39	5	114	14	2	139	39	6	164	14	3
15	15	1	40	40	5	65	15	2	90	40	6	115	15	3	140	40	7	165	15	4
16	16	2	41	41	6	66	16	3	91	41	7	116	16	4	141	41	1	166	16	5
17	17	3	42	42	7	67	17	4	92	42	1	117	17	5	142	42	2	167	17	6
18	18	4	43	43	1	68	18	5	93	43	2	118	18	6	143	43	3	168	18	7
19	19	5	44	44	2	69	19	6	94	44	3	119	19	7	144	44	4	169	19	1
20	20	6	45	45	3	70	20	7	95	45	4	120	20	1	145	45	5	170	20	2
21	21	7	46	46	4	71	21	1	96	46	5	121	21	2	146	46	6	171	21	3
22	22	1	47	47	5	72	22	2	97	47	6	122	22	3	147	47	7	172	22	4
23	23	2	48	48	6	73	23	3	98	48	7	123	23	4	148	48	1	173	23	5
24	24	3	49	49	7	74	24	4	99	49	1	124	24	5	149	49	2	174	24	6
25	25	4	50	50	1	75	25	5	100	50	2	125	25	6	150	50	3	175	25	7

Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр
176	26	1	201	1	5	226	26	2	251	1	6	276	26	3	301	1	7	326	26	4
177	27	2	202	2	6	227	27	3	252	2	7	277	27	4	302	2	1	327	27	5
178	28	3	203	3	7	228	28	4	253	3	1	278	28	5	303	3	2	328	28	6
179	29	4	204	4	1	229	29	5	254	4	2	279	29	6	304	4	3	329	29	7
180	30	5	205	5	2	230	30	6	255	5	3	280	30	7	305	5	4	330	30	1
181	31	6	206	6	3	231	31	7	256	6	4	281	31	1	306	6	5	331	31	2
182	32	7	207	7	4	232	32	1	257	7	5	282	32	2	307	7	6	332	32	3
183	33	1	208	8	5	233	33	2	258	8	6	283	33	3	308	8	7	333	33	4
184	34	2	209	9	6	234	34	3	259	9	7	284	34	4	309	9	1	334	34	5
185	35	3	210	10	7	235	35	4	260	10	1	285	35	5	310	10	2	335	35	6
186	36	4	211	11	1	236	36	5	261	11	2	286	36	6	311	11	3	336	36	7
187	37	5	212	12	2	237	37	6	262	12	3	287	37	7	312	12	4	337	37	1
188	38	6	213	13	3	238	38	7	263	13	4	288	38	1	313	13	5	338	38	2
189	39	7	214	14	4	239	39	1	264	14	5	289	39	2	314	14	6	339	39	3
190	40	1	215	15	5	240	40	2	265	15	6	290	40	3	315	15	7	340	40	4
191	41	2	216	16	6	241	41	3	266	16	7	291	41	4	316	16	1	341	41	5
192	42	3	217	17	7	242	42	4	267	17	1	292	42	5	317	17	2	342	42	6
193	43	4	218	18	1	243	43	5	268	18	2	293	43	6	318	18	3	343	43	7
194	44	5	219	19	2	244	44	6	269	19	3	294	44	7	319	19	4	344	44	1
195	45	6	220	20	3	245	45	7	270	20	4	295	45	1	320	20	5	345	45	2
196	46	7	221	21	4	246	46	1	271	21	5	296	46	2	321	21	6	346	46	3
197	47	1	222	22	5	247	47	2	272	22	6	297	47	3	322	22	7	347	47	4
198	48	2	223	23	6	248	48	3	273	23	7	298	48	4	323	23	1	348	48	5
199	49	3	224	24	7	249	49	4	274	24	1	299	49	5	324	24	2	349	49	6
200	50	4	225	25	1	250	50	5	275	25	2	300	50	6	325	25	3	350	50	7

(182)|| Яхудийларнинг биз айтиб ўтгандан бошқа даврлари ҳам бор. Уларни «Тақуфот» деб атайдилар. Яхудийлар фикрича, йил чоракларидан ҳар бир чоракнинг боши тақуфадир. Демак, Нисан тақуфаси – баҳорги тенгкунлик, Таммуз тақуфаси – ёзги Куёш туриши, Тишрий тақуфаси – кузги тенгкунлик, Тебат тақуфаси қишки Куёш туришидир.



Яҳудийлар ҳисобича, бир тақуфадан ундан кейинги тақуфагача Қуёш йили кунларининг тенг тўртдан бири бўлиб, бу тўқсон бир кун ва етти ярим соатдир. Улар тақуфаларни аниқлашдаги ҳисобларини шунга асослаганлар.

Яҳудий коҳинлари оддий халқни тақуфа соатида овқатланишдан тийиб: «Бу тана учун зарарли», деганлар. Бу [халқни] илинтириш учун қўйилган тузоқ ва қопқондан бошқа нарса эмас. Ниҳоят, улар шу [восита] орқали халқни овлаб, ўзларига бўйсундирдилар, ҳатто [оддий халқ] уларнинг раъйсиз бир иш бошламайдиган ва ўзлари учун муҳим саналган нарсага уларнинг рухсатсиз ҳаракат қилмайдиган бўлди.

Улар: «Ойларнинг туғилиши соатларида сув булғанади», – дейдилар. Илмаърифатли бир [яҳудий] бизга буни ўз кўзи билан кўргангани айтди. Агар у рост айтган бўлса, бунга яҳудийларнинг ҳисоблари эмас, табиийки [астрономик] кузатишлар олиб келган бўлади. Бу инкор этилмайди, чунки у мумкин [бўлган ҳолат]. Табиатшунос олимларнинг айтишича, Ойда нур кўпайиши туфайли умуртқа ва бош мия мағзи, оқсил моддаси ва аксар суюқликларнинг ҳажми ортади, нур камайиши сабабли эса [улар] камаяди, хум ва идишлардаги шароб қайнаб, қуюқлашиб лойқаланади. Ойда нур кўпайганда қон тананинг сиртига чиқса, камайганда ичкарасига ботади<sup>766</sup>. «Ой тоши»даги хусусият буларнинг ҳаммасидан ажойиброқдир. Аристотель айтганидек, у устида сариқ нуктаси бор бир тош бўлиб, Ой нури ортгани сари у [нукта] ҳам кўпайиб боради. Ҳатто, Ой тўлганда бутун тошга ёйилади. Кейин нур озайиши билан у ҳам камая бошлайди. Буларни бизга баён қилган киши сўзи ишончли бўлган ва ҳикояларида ёлғон учрамаган одамдир. [Табиат олимлари] айтган ҳолатнинг бўлиши имкониятдан холи эмас.

Тақуфалар орасидаги муддатларга келсак, яҳудий ҳисобдонларининг айтишича, у муддатлар Птолемей айтганидекдир, яъни Тишрий тақуфасидан Тебат тақуфасигача саксон саккиз бутун ва саккиздан бир кун, ундан Нисан тақуфасигача тўқсон бутун ва саккиздан бир кун, ундан Таммуз тақуфасигача тўқсон тўрт ярим кун, ундан Тишрий тақуфасигача тўқсон икки ярим кун бўлиб, ҳаммаси уч юз олтмиш беш бутун чорак кундир.

Яҳудийлар тақуфалар билан ишлаган [вақтларида] йил миқдорига диққат қилмайдилар. Диққат қилганларида, биз юқорида айтгандек, шамсий йил уч юз олтмиш беш кун беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлаги бўлар эди.

(183)|| Йил чорақлари [бошининг] кунлари маълум бўлгани учун Қуёш апогейининг жойи ҳам аниқ бўлади. Яҳудийлар турли кузатиш ўтказган вақтдаги апогейни билмоқчи бўлсак, Қуёшнинг бир кунлик ўртача ҳаракати қанча эканини аниқлашимиз керак. Кеча-кундуз бўлақларини, яъни 98 496 ни – яҳудийлар буни «Қуёш даври» деб атайдилар – 360 га кўпайтирамиз ва натижани шамсий йилнинг бир жинсли миқдорига тақсимлаймиз. Қуёш йилида бу

[миқдор]  $35\ 975\ 351$  бўлиб, яхудийлар буни «асл» деб атайдилар. Натижада, яхудийлар айтганидек, Куёшнинг бир кеча-кундуздаги ўртача ҳаракати  $0^{\circ}\ 59^{\text{I}}\ 8^{\text{II}}\ 17^{\text{III}}\ 7^{\text{IV}}\ 46^{\text{V}}$  га якин бўлиб чиқади<sup>767</sup>. Бунга сабаб шуки, бир куннинг шамсий йил кунларига нисбати эклиптика даражаларидан ўша кун ҳиссасининг бутун эклиптика доирасига нисбати кабидир.

Кейин эклиптикага концентрик тасвир этилувчи Куёш орбитаси учун *h* марказида *abcd* айланасини чизамиз (2-шакл), *a* нуқтаси – Ҳамал боши, *b* нуқтаси – Саратон боши, *c* нуқтаси – Мезон боши, *d* нуқтаси – Жадий боши бўлади. Сўнгра иккита *ahc* ва *bhd* диаметрларини ўтказамиз. Юқорида яхудийлар сўзини келтирганимиздек, Куёш [доиранинг] *ab* чорагини бошқа чораклардан кўра кўпроқ муддатда кесиб ўтади. Бундан эксцентрик орбитанинг маркази шу чоракда [жойлашиши] лозим бўлади. У марказ *x* нуқтаси бўлсин. Бу нуқта атрофида концентрик айлана [ичидан] уринадиган ва эксцентрик айланани ифодалайдиган доира чизамиз. Бу *zfn* доираси бўлиб, уринган ер *t* нуқтаси бўлади.

*tx* [чизиғи]ни туташтириб, *rxmk* диаметрини *ahc* диаметрига параллел қиламиз ва *lx* ярим диаметрини *bhd* диаметрига параллел қилиб, *x* нуқтаси устидан ўтказамиз ва *s* [нуқтаси]гача тўғри давом эттираемиз.

Куёш ўзининг ўртача ҳаракати билан баҳор ва ёз чоракларининг йиғиндиси бўлмиш *авс* ярим доирасини бир юз саксон етти кунда ўтаб чиқиши сабабли эксцентрик орбитанинг *zfn* сегменти  $184^{\circ}\ 18^{\text{I}}\ 52^{\text{II}}\ 43^{\text{III}}\ 12^{\text{IV}}$  га тенг бўлади. Агар бундан *rtfk* ярим айланани, яъни бир юз саксон даражани айирсак, *zr* ва *kn* ёйларнинг йиғиндиси  $4^{\circ}\ 18^{\text{I}}\ 52^{\text{II}}\ 43^{\text{III}}\ 12^{\text{IV}}$  қолади. Лекин иккала диаметр бир-бирига параллел бўлганидан у иккиси [*zr* ва *kn*] бир-бирига тенгдир. Шунинг учун *zr* ва *kn* нинг ҳар бири  $2^{\circ}\ 9^{\text{I}}\ 26^{\text{II}}\ 21^{\text{III}}\ 36^{\text{VI}}$  га тенг ва ҳар бирининг синуси бўлмиш *xs* чизиғи *hx* ярим диаметри 1 бўладиган миқдорда  $0^{\circ}\ 2^{\text{I}}\ 15^{\text{II}}\ 30^{\text{III}}\ 57^{\text{VI}}$  га тенг бўлади. Куёш *ab* чорагини тўксон тўрт ярим кунда босиб ўтгани учун эксцентрик доиранинг *ztf* сектори  $93^{\circ}\ 8^{\text{I}}\ 3^{\text{II}}\ 38^{\text{III}}\ 44^{\text{VI}}$  га тенг бўлади.

Аниқланган *zl* [ёйи] ва доира квадранти *rl* нинг йиғиндисидан иборат *zl* ни *zf* дан айирсак *lf*, яъни  $0^{\circ}\ 59^{\text{I}}\ 8^{\text{II}}\ 17^{\text{III}}\ 8^{\text{IV}}$  қолади.

(184)|| *lf* нинг синуси радиуснинг ўша миқдорда  $0^{\circ}\ 1^{\text{I}}\ 1^{\text{II}}, 55^{\text{III}}\ 35^{\text{IV}}$  га тенг. Бу *sh* га тенг *xt* чизиғидир. Тўғри бурчакли *xsh* учбурчагида *xs* ва *sh* иккала томон маълум ва гипотенузаси номаълум. Энди *xs* ва *sh* икки томонининг ҳар бирини квадратига ошириб, иккаласининг квадратини қўшсак, 287, 704, 466, 674 сомина<sup>768</sup> бўлади. Бунинг илдизини олсак,  $0^{\circ}\ 2^{\text{I}}\ 28^{\text{II}}\ 59^{\text{III}}\ 40^{\text{IV}}$  бўлади. Бу иккала марказ орасидаги «энг катта» синусига тенг масофадир. Агар уни синуслар жадвалларида ёйга айлантирсак, ёйи  $2^{\circ}\ 22^{\text{I}}\ 19^{\text{II}}\ 12^{\text{III}}\ 16^{\text{IV}}$  чиқади. Бу «энг катта тенглама»дир.

... бир даражаси<sup>769</sup>. Гап шундаки: *hx* кесманинг ярми, *xt* узунлигини бир деб олинса, *xt* га нисбати каби бўлади. Агар энди биз *hxt* чизигини бир деб, шу узунлик орқали *xh* чизигини билмоқчи бўлсак, *xh* ни бирга кўпайтириб, нати-



ларини танладилар. Устозимиз Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг<sup>771</sup> – амиралмўмининнинг озод кули – юқорида айтилган ҳисобларни чиқаришда тутган йўли Қуёш йили миқдорини белгилаб олгандан кейин эклиптикадан уч нуқтани кузатишга эҳтиёж туғдиради. Биз «Кузатишлардаги ихтилофларга далил келтириш китоби»<sup>772</sup> номли асаримизда шу йўлнинг афзал эканини исбот этдик.

Энди [мақсадга] қайтиб сўзлаймизки: яҳудийлар йил чораклари, яъни тақуфаларни аниқламоқчи бўлсалар, Одам [эраси] йилларини жорий [йил] билан қўшиб олиб, уни шамсий йил даврларига айлантирадилар. Қолган ҳар бир йил учун ўттиз соат, яъни бир куну чоракни олиб, йиғиндини еттидан камроқ кун қолгунича ҳафталарга айлантирадилар. Кунларни ё чоршанба кечасининг бошидан, ёки у [кеча]га уч кун қўшиб, йиғиндини якшанба кечасининг бошидан ҳисоблайдилар ва Нисан тақуфасигача етиб борадилар. Бу жорий йилда келадиган баҳорги тенгкунликдир.

Биз юқорида тақуфалар ораларидаги узоқликларнинг иккала хилини: оддий кишилар раъйича бўлганини ҳам, ҳисобдонлар ўйлаганича бўлганини ҳам баён этдик. Тақуфаларнинг биттаси маълум бўлса, бошқалари ҳам аён бўлади.

Яҳудийлар ҳафта кунларини чоршанба кечасининг бошидан ҳисоблашларига сабаб шуки, баъзилари: «Қуёш чоршанба куни йигирма еттинчи Айлулда яратилган, Тишрий тақуфаси Тишрий [ойи]нинг бешинчи санасига, чоршанба кунининг учинчи соат охирига тўғри келади», – деб гумон қиладилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, яҳудийларнинг синчикланмаган ҳисоблари бўйича, Қуёш баҳор ва ёзнинг иккала чорагини бир юз саксон икки кун ва ўн беш соатда босиб ўтади. Бу кунларни ҳафталарга айлантирсак, кунлар тугаб, ўн беш соат қолади. Сўнгра Тишрий тақуфаси вақтидан орқага қайтиб, бу соатларни санасак, чоршанба кечаси биринчи соатининг бошига етилади. Айтиб ўтилган ҳисоб шундан бошланади.

Баъзиларининг гумонича, Қуёш Ҳамал бошида, тақуфалар ҳисоби бошланадиган вақтда яратилган ва яратилгандан кейин Нисан тугилишининг тўққиз соат ва олти юз қирқ иккинчи ҳайлақида Ой билан учрашган. Шамсий йил, агар унинг миқдори синчиклаб ҳисобланмаганда, уч юз олтмиш беш кун билан чоракдир. Энди шу кунларни ҳафталарга айлантирсак, бир кун билан чорак қолади. Бу ҳар бир тақуфанинг олдинги йилдаги ўзига ўхшаш тақуфага қўшимчасидир. Шунинг учун қолган йилларнинг ҳар бирида бу қўшимчани ҳисобга оламиз.

Агар [тақуфалар ҳисоби] Қуёш даврида бирон кун ёки кеча аввалида бошланса, ўша давр тамом бўлганда ҳисоб айна бошланган вақтига қайтади.

(186)||Биз Қуёш даври тақуфаларини шу ҳисобга мувофиқ ҳисобладик<sup>773</sup>. Одам [эраси] йилларини жорий йил билан қўшиб олиб, уларни Қуёш даврла-

рига айлантирган ва қолганини унга мувофиқ [сон]ни топиб, давр погонасига киритган киши шу [қолдик] рўпарасида Нисан тақуфасининг жорий йилда яқшанба кечасининг бошидан қанча узоқлигини, ундан кейин келувчи уч тақуфани ва ичида тақуфа учратиладиган «соат эгаси» [бўлган ёриткич]<sup>774</sup>ни кўради. Чунки яхудийлар «соат эгаси»ни тақуфани [аниқлаш] вақтида эслайдилар ва [бундай] ёриткичларни «соатлар толелари» деб атайдилар. Шунда, агар соатлар ўн иккидан кам бўлса, улар кечасиники, кўп бўлса, кундузники бўлади. Бундан ўн икки соат айирилса, қолгани ўша кундуздан [қанча соат] ўтганини кўрсатади.

**(187)|| Тақуфалар жадваллари:**

Қуёш даври погонаси	Тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг яқшанба кечаси бошидан узоқлиги			Тақуфа учратиладиган «соат эгалари»
		Кунлар	Соатлар	Хайлақлар	
Биринчи [йил]	Нисан	4	18	0	Шаббатай
	Таммуз	5	1	540	Шаббатай
	Тишрий	5	9	0	Сидик
	Тебат	5	16	540	Сидик
Иккинчи [йил]	Нисан	6	0	0	Мозим
	Таммуз	6	7	540	Мозим
	Тишрий	6	15	0	Ҳамму
	Тебат	6	22	540	Ҳамму
Учинчи [йил]	Нисан	0	6	0	Нугаҳ
	Таммуз	0	13	540	Нугаҳ
	Тишрий	0	21	0	Киху ҳамму
	Тебат	1	4	540	Киху ҳамму
(188)   Тўртинчи [йил]	Нисан	1	12	0	Лифона
	Таммуз	1	19	540	Лифона
	Тишрий	2	3	0	Шаббатай
	Тебат	2	10	540	Шаббатай
Бешинчи [йил]	Нисан	2	18	0	Сидик
	Таммуз	3	1	540	Сидик
	Тишрий	3	9	0	Мозим
	Тебат	3	16	540	Мозим
Олтинчи [йил]	Нисан	4	0	0	Ҳамму
	Таммуз	4	7	540	Ҳамму
	Тишрий	4	15	0	Нугаҳ
	Тебат	4	22	540	Нугаҳ
Еттинчи [йил]	Нисан	5	7	0	Киху ҳамму
	Таммуз	5	13	540	Киху ҳамму
	Тишрий	5	21	0	Лифона
	Тебат	6	4	540	Лифона

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

(212-бетдаги жадвалнинг давоми)

	Саккизинчи [йил]	Нисан	6	12	0	Шаббатай
		Таммуз	6	19	540	Шаббатай
		Тишрий	0	3	0	Сидиқ
		Тебат	0	10	540	Сидиқ
	Туққизинчи [йил]	Нисан	0	18	0	Мозим
		Таммуз	1	1	540	Мозим
		Тишрий	1	9	0	Ҳамму
		Тебат	1	16	540	Ҳамму
(189)	Ўнинчи [йил]	Нисан	2	0	0	Нугаҳ
		Таммуз	2	7	540	Нугаҳ
		Тишрий	2	15	0	Киху ҳамму
		Тебат	2	22	540	Киху ҳамму
	Ўн биринчи [йил]	Нисан	3	6	0	Лифона
		Таммуз	3	13	540	Лифона
		Тишрий	3	21	0	Шаббатай
		Тебат	4	4	540	Шаббатай
	Ўн иккинчи [йил]	Нисан	4	12	0	Сидиқ
		Таммуз	4	19	540	Сидиқ
		Тишрий	5	3	0	Мозим
		Тебат	5	10	540	Мозим
	Ўн учинчи [йил]	Нисан	5	18	0	Ҳамму
		Таммуз	6	1	540	Ҳамму
		Тишрий	6	9	0	Нугаҳ
		Тебат	6	16	540	Нугаҳ
	Ўн тўртинчи [йил]	Нисан	0	0	0	Киху ҳамму
		Таммуз	0	7	540	Киху ҳамму
		Тишрий	0	5	0	Лифона
		Тебат	0	22	540	Лифона
	Ўн бешинчи [йил]	Нисан	1	6	0	Шаббатай
		Таммуз	1	13	540	Шаббатай
		Тишрий	1	21	0	Сидиқ
		Тебат	2	4	540	Сидиқ
	Ўн олтинчи [йил]	Нисан	2	12	0	Мозим
		Таммуз	2	19	540	Мозим
		Тишрий	3	3	0	Ҳамму
		Тебат	3	10	540	Ҳамму
(190)	Ўн еттинчи [йил]	Нисан	3	18	0	Нугаҳ
		Таммуз	4	1	540	Нугаҳ
		Тишрий	4	15	0	Киху ҳамму
		Тебат	4	16	540	Киху ҳамму
	Ўн саккизинчи [йил]	Нисан	5	0	0	Лифона
		Таммуз	5	7	540	Лифона
		Тишрий	5	15	0	Шаббатай
		Тебат	5	22	540	Шаббатай

Ўн тўққизинчи [йил]	Нисан	6	6	0	Сидик
	Таммуз	6	13	540	Сидик
	Тишрий	6	21	0	Мозим
	Тебат	0	4	540	Мозим
Йигирманчи [йил]	Нисан	0	12	0	Ҳамму
	Таммуз	0	19	540	Ҳамму
	Тишрий	1	3	0	Нугаҳ
	Тебат	1	10	540	Нугаҳ
Йигирма биринчи [йил]	Нисан	1	18	0	Киху ҳамму
	Таммуз	2	1	540	Киху ҳамму
	Тишрий	2	9	0	Лифона
	Тебат	2	16	540	Лифона
Йигирма иккинчи [йил]	Нисан	3	0	0	Шаббатай
	Таммуз	3	7	540	Шаббатай
	Тишрий	3	15	0	Сидик
	Тебат	3	22	540	Сидик
(191)   Йигирма учинчи [йил]	Нисан	4	6	0	Мозим
	Таммуз	4	13	540	Мозим
	Тишрий	4	21	0	Ҳамму
	Тебат	5	4	540	Ҳамму
Йигирма тўртинчи [йил]	Нисан	5	12	0	Нугаҳ
	Таммуз	5	19	540	Нугаҳ
	Тишрий	6	3	0	Киху ҳамму
	Тебат	6	10	540	Киху ҳамму
Йигирма бешинчи [йил]	Нисан	6	18	0	Лифона
	Таммуз	0	1	540	Лифона
	Тишрий	0	9	0	Шаббатай
	Тебат	0	16	540	Шаббатай
Йигирма олтинчи [йил]	Нисан	1	0	0	Сидик
	Таммуз	1	7	540	Сидик
	Тишрий	1	15	0	Мозим
	Тебат	1	22	540	Мозим
Йигирма еттинчи [йил]	Нисан	2	6	0	Ҳамму
	Таммуз	2	13	540	Ҳамму
	Тишрий	2	21	0	Нугаҳ
	Тебат	3	4	540	Нугаҳ
Йигирма саккизинчи [йил]	Нисан	3	12	0	Киху ҳамму
	Таммуз	3	19	540	Киху ҳамму
	Тишрий	4	3	0	Лифона
	Тебат	4	10	540	Лифона

(192)|| Аммо биз «Такуфалар жадвали»да кўрсатган ёриткичларнинг номлари иброний тилда берилди. Чунки яҳудийлар уларни иброний тилда атаганлар. Халқларнинг ҳар бири ёриткичлар номларини эслашга муҳтож бўлганида, албатта, уни ўз тилида атайди.

Мана бу жадвалда ёриткичлар номларининг турли тилларда ифодаланиши кўрсатилган. Бу билан танишган киши ёриткичларнинг биз баён этган иброний ва бошқа тиллардаги номларини билиши мумкин.

### Еттита ёриткич номларининг жадвали

Арабча	Зухал	Ал-Муштарий	Ал-Миррих	Аш-Шамс	Аз-Зухра	Уторид	Ал-Қамар
Румий	Крунас	Зовус	Арес	Илиус	Афродита	Хермес	Селенас
Форсча	Кайвон	Хурмузд	Баҳром	Меҳр-Хуршид	Нохуд	Тир	Моҳ
Сурёнийча	Коваш	Бил	Наргал	Шамшо	Астаро-билги	Нифу	Сахро
Ибронийча	Шаббатай	Сидик	Мозим	Ҳамму	Нугах	Киху ҳамму	Лифона
Ҳиндча	С-нс-ж-р	Б-р-х-с-б-ти	М-н-к-л	А-д-и-д	Ш-р-к	Б-д	С-ум
Хоразмийча	–	Р-и-м-жд	А-р-н-ғ-з	А-х-и-р	Нохич	Чири	Моҳ

Китобнинг мазкур ўрни зарурат туғдирмаса ҳам ва ушбу асарда унга эҳтиёжимиз тушмаса ҳам, ёриткичлар учун ишлаганимиздек, буржлар учун ҳам жадвал тузиб, унда уларнинг турли тиллардаги, ўзимизча муқаррар бўлган номларини шу жадвалда беришимиз китоб тартибининг табиий ҳаққидандир. Чунки у [ном]ларни билиши зарур бўлган киши буржлар ҳақида шундай жадвалдан фойдаланишга мажбур бўлади.

(193)|| Қуйидаги жадвал ўша номларни ўз ичига олади.<sup>775</sup>

Арабча	Румийча	Форсча	Сурёнийча	Ибронийча	Ҳиндча	Хоразмийча
Ал-Ҳамал						
Ал-Қабш	Кринос	Бара	Амро	Тула	Меша	В-р-н
Ас-Савр	Таврус	Гов	Тавро	Шур	Вришан	Гов
Ал-Жавзо						
Ат-Тавъамон	Дивдиму	Дупайкар	Томи	Тумим	Митхина	А-з-в-п-ч-р
Ас-Саратон	Карқонас	Карзанг	Саратон	Саратун	Каркарга	Х-р-ч-н-к
Ал-Асад	Леон	Шир	Ариё	Арий	Санка	С-р-ғ
Ас-Сунбула			Шабалто			
Ал-Азро	Парсонас	Хуша	Баталто	Батулу	Канья	В-в-ф-и-к
Ал-Мезон	Зугос	Тарозу	Мососо	Музаним	Тула	Т-р-о-з-к
Ал-Акраб	Искарбюс	Каждим	Акрабо	Ақруб	Виршачика	Др-м-ч-ик
Ал-Қавс						
Ар-Ромий	Таксавтас	Нимосп	Кашто Салмораббо	Кишт	Дҳану	З-н-и-к
Ал-Жадий	Агукарус	Баҳий	Казие	Казии	Макара	С-о-р-н-и-к
Ал-Далв	Идрихус	Дул	Дуло	Дилу	Кумбҳа	Д-в-р
Ал-Хут						
Ас-Самака	Иксинос	Моҳий	Нуно	Дуг	Мина	К-и-б



(194)|| Энди мақсадга қайтамыз:

Биз юқорида келтирган ҳисоб ва жадваллар тақуфанинг ҳафта кунларидан қайси бирида воқе бўлишини кўрсатади. Натижада, тақуфанинг сурёний ойда кўрсатилган ўрни ҳақиқатан қабул этиб бўлмайдиган даражада узоқ бўлиб чиқади. Агар биз Одам эрасини Искандар эрасининг 1311 йили биринчи Айлули якшанба кунда тугилган Тишрий бошидан деб олсак, Одам эрасининг [шу вақтгача ўтган] тўлиқ йиллари тўрт минг етти юз эллик тўққиз йили бўлади. Бу саккизта катта давр, йигирма олтита кичик давр ва 2–5–7–10–13–16–18 ҳисобига мосланган тўққизта тўлиқ йиллар бўлиб, олтитаси оддий йил, учтаси иббур йил бўлади. Агар бу икки турли йилнинг ҳар бирини ўз кунларига кўпайтирсак, жами 1 738 200 кун етти соат икки юз эллик уч ҳайлақ бўлади. Бу Одам эраси биринчи йилининг туғилиши билан биз айтиб ўтган йил туғилиши орасидаги муддатдир.

Биз [яхудийларнинг] Тишрий тақуфаси, яъни кузги тенгкунлик вақти йил туғилишидан беш кун ва бир соат ўтгандан кейин Одам эрасининг бошланишига тўғри келган деб қабул қилганларини айтган эдик. Шу миқдорни [юқорида] ҳосил бўлган сондан айирсак, [Одам] эрасининг бошига тўғри келган Тишрий тақуфаси билан йилимиз туғилиши орасидаги муддат қолади. Буни уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кунга тақсим қилсак, тўрт минг етти юз эллик саккиз йил чиқиб, уч юз ўттиз беш кун ва уч чорак кун қолади. Қуёш йили тугаб, тенгкунликкача яна йигирма тўққиз кун ўн бир соат ва саккиз юз йигирма етти ҳайлақ қолади. Агар буни йилимиз туғилишига, яъни [йил туғилишидан] етти соат ва икки юз эллик ҳайлақ ўтгандан кейинги якшанба кунига кўшсак, Тишрий қадимнинг биринчи кунни сешанба кечасининг тўққизинчи соатига етамыз. Шунда [тақуфа] кузатиш орқали кўрилган тенгкунликдан ўн тўрт кунча кейинга қолади. Гарчи бир гуруҳ шунга амал қилган бўлиб, [яхудийлар] мазҳабига мувофиқ биз шунни асос қилиб жадвал тузган бўлсак ҳам, [тақуфанинг] бунчалик ва бундан камроқ [кейинга қолиши] жоиз эмас.

Агар тақуфалар боши билан йилимиз туғилиши орасидаги муддат 1 738 195 кун олти соат ва икки юз эллик уч ҳайлақни олиб, шамсий йилни – яхудийлар шамсий йилининг аниқ ҳисобланган қисмлари бўлмиш мана бу – 98 496 сонга кўпайтирсак, жами 171 280 3051 ва бир бўлакнинг иккита бешдан бири бўлади<sup>776</sup>. Кейин буни яхудийларда бир шамсий йилнинг ўз қисмлари билан бир жинсли қилинган миқдори бўлмиш 35 975 351га<sup>777</sup> тақсим қилсак, бўлинмада тўрт минг етти юз эллик саккиз йил чиқиб, уч юз эллик кун йигирма бир соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан тўрт юз олтмиш уч бўлаги  $\frac{463}{4104}$  қолади; шамсий йил тамом бўлиб, тақуфа бўлишигача яна ўн тўрт кун саккиз соат ва соатнинг беш юз ўн уч бўлагидан тўрт юз ўн олти бўлаги

$\frac{416}{513}$  қолади. Буни йилимиз тугилишига кўшсак, Айлул ўн олтиси душанба кечасига етамиз. Шу ҳисобга кўра, [кечадан] олти соат ва соатнинг беш юз ўн уч бўлагидан йигирма уч бўлаги  $\frac{23}{513}$  ўтгач, такуфа ўша кечага тўғри келади. Гарчи кузатиш бизни такуфа ўша кечадан қарийб икки ярим кун олдин келади деган қарорга олиб борган бўлса ҳам, бу ҳақиқатга яқинроқдир.

Бу ҳисоблар кузатувчилар ҳисоби билан мувофиқ келмайди. Чунки [ҳисобдонлар билан кузатувчилар] орасида шамсий йилнинг апогей ойи, унинг ҳаракати ва икки марказ орасидаги масофа ҳақида ихтилоф бор. Агар кузатишлар орқали аниқланган натижа [такуфа ҳисоби] даврларнинг бирида ўзи бошланган кунга ва унинг касрига қайтганда эди, албатта, суҳбатдошларимиз усулига мувофиқ йил чоракларининг ўзгартирилган жойларини кўрсатган бўлар эдик: лекин иш биз қандай айтган бўлсак, шундай; демак, «қарийб [икки ярим кун]» дейиш билан [кифояланиб] бўлмайди. Шунинг учун Куёш даври такуфаларини Абу Саҳл Вижон ибн Рустам ал-Кўхий<sup>778</sup> Искандар эрасининг бир минг икки юз тўқсон тўққизинчи йилида кузатган ёзги Куёш туриши вақтига биноан ҳисобладик. У [ёз бошини] кечанинг биринчи соати охирида, шанба куни ўн олтинчи Таммуз тонги [давом этган муддат ичида] топган эди. Такуфалар орасидаги муддатлар Абу Ҳомид ас-Сагоний<sup>779</sup> кузатишдан олинди. Чунки у Абу Саҳлдан кейинги энг фозил астрономлардан эди. Бу иш бирон ҳақиқат асосида эмас, чунки шамсий йилда кунларига тегишли бўлган чоракда нуқсонни топдик. Лекин, ҳар ҳолда, узок вақтдан бери такуфа ҳақиқатга яқин бир вақтда воқе бўляпти. Бу усул билан иш қилмоқчи бўлган киши яҳудийлар раъйига биноан, «Такуфалар жадвали»га киритган нарсасини жадвалга ҳам киритсин; шунда у жадвалдаги ишни «Такуфалар жадвали»даги сингари Мадинат ус-салом учун аниқланган жадвал билан тузатилганини кўради. Бунда такуфаларнинг ораликлари якшанба куни кундуз ярмидан «текис соатлар»<sup>780</sup> орқали ҳисоблаб олинган.

**Йил чораклари жадвали**<sup>781</sup>

Куёш даври устуни	Тўрт такуфа ойлари	Такуфаларнинг якшанба куни кундуз ярмидан олиб ҳисобланган оралик муддатлари		Такуфалар тўғри келадиган суръний ойларнинг номлари	Бағдодда ойнинг биринчи куни кундуз ярмидан ўтган муддат	
		Кунлар	Соатлар		Кунлар	Соатлар
Биринчи давр	Нисан			Азар		
	Таммуз			Ҳазирон		
	Тишрий			Айлул		
	Тебат			Канун қадим		

Биз яҳудийларнинг ойлари, йиллари, даврлари, уларнинг бошлари ва ҳолатларини билиш борасида ҳаракат қилдик. Бу биз берган мазмунга зид

келмади. Одам эраси [боши]ни билишни изохладик; Агар Одам эраси орқали ундан бир минг олти юз эллик олти тўлик йил айрилса, яхудийлар фикрига кўра, Тўфон эраси аниқланади.

Энди яхудийлардан бошқа халқларнинг йиллари ва ойларидаги аниқланган ҳолатларни баён этамиз.

Абу Маъшар фикрига биноан, Тўфон эраси йиллари бошини билмоқчи бўлсак, у эранинг тамом бўлган йилларини олиб, ҳамиша унга бешни кўшиб, жамини еттиларга бўламиз. Қолдик Тут [ойи] боши, яъни ҳафтадаги биринчи куннинг белгиси бўлади. Агар Тутдан бошқа ойни мўлжалласак, йил боши белгиси учун қидирилаётган [ой]дан олдин ўтган ҳар бир ойга иккини кўшиб, йиғиндини еттиларга бўламиз. Еттига етмаган қолдик ўша ой бошининг белгиси бўлади.

Агар [текширишни] Бухтунассар ва Филипп эраси орқали амалга оширмоқчи бўлсак, бунда ҳам худди аввалгидек иш олиб боришимиз керак бўлади. Лекин Бухтунассар эрасининг тугаган йилларига ҳамиша тўртни ва Филипп йилларига ҳамиша бирни кўшамиз, шунда излаётганимиз келиб чиқади.

Агар уни сурёнийлар усулига мувофиқ Искандар эрасида билмоқчи бўлсак, унинг йиллари сонига йил чорагича миқдорни кўшиб, йиғиндисига ҳам доим икки чоракни кўшамиз. Шунда агар чоракларнинг касрлари бир кунга тўлса, у кунларга кўшилади, тўлик бир кун бўлмаганига ва энг оз миқдорига қарамаймиз. Кейин бутун кунларни еттиларга бўламиз, шунда Тишрийн қадимнинг белгиси қолади.

Агар [Тишрий қадимдан] бошқа ойни кўзда тутсак, бундан олдин ўтиб тугаган ҳар бир ой учун – у ой ўттиз бир кунлик бўлса, уч кун, йил белгисига ўттиз кунлик бўлса, икки кун кўшиб, йиғиндисини еттиларга бўламиз. Шунда ўша ойнинг аломати қолади. Агар Шубот ойигача етсак ва йил кабисали бўлмаса, Шубот учун ҳеч нарса қўшмаймиз, кабисали бўлса, бир кун кўшамиз. Кабисали йил мана шундай билинади: Искандар эрасининг тамом бўлган йилларига ҳамиша иккини кўшиб, йиғиндини тўртларга бўламиз. Агар бирор қолдик қолса, йилнинг кабисали эмаслиги, қолмаса кабисали экани маълум бўлади.

Агар румликлар усулига кўра иш тутсак, Искандар эрасининг тамом бўлган йилларига уч бутун чоракни кўшиб, юқоридаги амалиётимизни ишлатамиз. Шунда Январуис (бу Канун ҳрой) белгиси чиқади. Шундай қилиб, дастлабки мисолни ойларнинг бошларини аниқлашда ва кабисали йилларни билишда қўлласак, матлубга осонлик билан эришамиз.

Агар хоҳласак, Искандар эрасининг [тамом бўлган] йилларини ўтаётган йили билан кўшиб олиб, уларни Қуёш даврларига айлантирамиз, қолганини сурёнийлар ойларининг бошлари кўрсатилган жадвалнинг сон устунига

киритамиз. Шунда унинг рўпарасида барча ойларнинг бошларини ва кабиса-ли йилларнинг белгиларини кўрамай<sup>782</sup>.

**Сурёнийлар ва румликлар ойларининг бошларини  
кўрсатувчи жадвал**

Кўёш даври учун	Тамбриус	Навам-бриус	Дамбриус	Январиус	Феб-риус	Мартиус	Африлиус	Майус	Юниус	Юлиус	Агустус	Септем-бриус	Кабисали йиллар
	Тиширин қадиим	Тиширин хрой	Канун қадиим	Канун хрой	Шубот	Азар	Нисан	Айяр	Хазн-рон	Таммуз	Аб	Айлул	
1	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
2	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
3	4	7	2	5	1	2	5	7	3	5	1	4	К
4	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
5	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
6	1	4	6	2	5	5	1	3	6	1	4	7	
7	2	5	7	3	6	7	3	5	1	3	6	2	К
8	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
9	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
10	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
11	7	3	5	1	4	5	1	3	6	1	4	7	К
12	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
13	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
14	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
15	5	1	3	6	2	3	6	1	4	6	2	5	К
16	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
17	1	4	6	2	5	5	1	3	6	1	4	7	
18	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
19	3	6	1	4	7	1	4	6	2	4	7	3	К
20	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
21	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
22	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
23	1	4	6	2	5	6	2	4	7	2	5	1	К
24	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
25	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
26	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
27	6	2	4	7	3	4	7	2	5	7	3	6	К
28	1	4	5	2	5	5	1	3	6	1	4	7	

(196)|| Агар шу кидирилаётганни Август эраси орқали билмоқчи бўлсак, унинг тамом бўлган йилларини олиб, бунга чоракни қўшамиз. Кейин йиғиндига ҳамиша олтини қўшамиз ва натижасини еттиларга бўламиз. Тут ойи бошининг белгиси қолади. Сўнгра бунга матлуб ойдан олдин ўтган ойлارнинг ҳар бири учун иккени қўшиб, йиғиндидан еттиларни олиб ташласак, матлуб ой белгиси қолади.

Бу эрадаги кабисали йилни билиш [усули]: унинг тамом бўлган йилларига ҳамиша бирни қўшиб, йиғиндини тўртга бўламиз. Шунда агар бирон қолдиқ қолса – ўтиб турган йил кабисасиз, қолмаса кабисали бўлади.

Агар уни Антонин эрасида билмоқчи бўлсак, унинг ўтиб тамом бўлган йилларига йил чорагига тенг миқдорни қўшамиз ва йиғиндига ҳамиша тўрт ва уч чоракни қўшиб, юқоридаги амалиётимизни қўллаймиз.

Бу эра бўйича кабиса йилини билиш [йўли]: унинг тамом бўлган йилларига ҳамиша учни қўшиб, йиғиндини тўртга бўламиз. Агар шунда қолдиқ қолмаса – йил кабисали, қолса – кабисасиз бўлади.

Диоклетиан эрасига келсак, унинг тамом бўлган йилларига йил чорагини ва йиғиндига ҳамиша тўрт ва чорак йилни қўшамиз. Қолган [ишларда] ва ойларнинг бошларини аниқлашда Искандар эрасида румликлар усули асосида амалга оширган амалиётимизни бажарамиз.

Бу орада кабисали йилни билиш мана бундай: унинг тамом бўлган йилларига доим иккени қўшиб, тўртга бўламиз. Агар қолдиқ қолмаса – йил кабисали, қолдиқ қолса – кабисасиз бўлади.

**Ҳижрат эраси.** Унинг йиллари ва ойлари бошини эралар ҳисоби орқали билмоқчи бўлсак, ундан аввал бутунлай тугаган ҳижрий йилларни олиб, уларни уч жойга қўямиз. Биринчи [жой]дагини уч юз эллик тўрт кунга, иккинчидагини йигирма икки дақиқага, учинчидагини бир сонияга кўпайтириб, дақиқаларга ҳамиша ўттиз тўрт дақиқани қўшамиз. Сўнгра ўша [уч] жойдаги сонларни мумкин бўлганича [юқори мартабага] кўтарамиз. Агар дақиқалар ўн бешдан ортиқ бўлса, уларни [бир кун деб] ҳисоблаймиз, кам бўлса, уларни эътиборсиз қолдирамиз. Шунда йиғилган сон ҳижрат йили бошидан то кидирилаётган йил бошига қадар ўтган кунлар бўлади. Кейин ушбу йиғилган сонга бешни қўшиб, ҳаммасини ҳафталарга айлантирамиз, еттига тўлмай қолгани Муҳаррам ойининг [ҳафта кундаги] белгиси ҳисобланади<sup>783</sup>.

Агар Муҳаррамдан бошқа ойни мўлжалласак, кидирилаётган ойдан аввал ўтиб, тамом бўлган ойларнинг биттаси учун икки кун, бошқа бири учун бир кун қўшиб, йиғиндини Муҳаррам аломатига қўшамиз ва натижани еттига бўламиз. Шунда [Ойнинг] ўртача ҳаракати билан аниқланган ҳисоб орқали ўша кидирилган ой белгиси қолади<sup>784</sup>.

Ҳилолни кўришга келсак, буни аниқлаш узок [вақт] ва машаққатни тақозо этиб, қийин ишларга ва кўп жадвалларга эҳтиёж туғдиради. Бу ҳақда

Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний зиждаги<sup>785</sup> ва Ҳабаш ал-Ҳосиб зиждаги<sup>786</sup> сўзлар кифоя қилади. [Янги Ойни кўриб, ҳисоб олишни зарур топган] кидирувчи шу икки зижга мурожаат қилсин.

(197)|| Яширин нарсалардан хабардорликни даъво қилувчи ва ўзларини Али авлодининг дўстлари сифатида кўрсатувчи бир гуруҳ мана шу биз баён этганга амал қилиб, бир ҳисоб келтирдилар ва уни гўё пайғамбарлик сирларидан деб кўрсатдилар<sup>787</sup>. У ҳисоб мана бу: «Рамазон бошини билишни истасанг, ҳижрат эрасининг тўлиқ бўлган йилларини олиб, уларни тўртга кўпайтир, кўпайтирганингдан ҳосил бўлган кўпайтмага ҳижрат йилларининг бешдан бирини ва олтидан бирини қўш. Агар бу икки қисмдан каср қолса ва башарти иккала касрнинг бири ёки иккови иккала касрдан бирининг ярим махражидан кўп бўлса, уни бир кун ҳисоб қилиб, кунларга қўш. Кейин йиғиндига тўртни қўшиб, ҳаммасини еттиларга бўлиб ташла, еттидан кам қолгани Рамазон ойининг белгиси бўлади»<sup>788</sup>.

Бу [ҳисоб] биз [юкорида] айтиб ўтган йўсинга асосланган. Чунки қамарий йилларнинг ҳар бирига тегишли кунлар, яъни уч юз эллик тўрт кун еттиларга бўлинса, тўрт қолади. Ҳижрат йиллари тўртга кўпайтирилса, худди [ҳалигидек] ҳар бир йил кунлари еттиларга бўлиниб, барча қолдиқлар қолгани сингари бўлади. Араб йилларининг бешдан бири ва олтидан бири олинса, гўё ҳар бир йил учун куннинг бешдан бири ва олтидан бири олингандек бўлади. Йилларнинг бешдан бирини ва олтидан бирини олиш худди йилларни куннинг бешдан бирига ва олтидан бирига кўпайтириб, буни иккала касрнинг махражларига тақсим этгандек бўлади. Кейин йиғиндини еттига бўлиб, қолдиқ ҳижрат эрасининг биринчи куни бўлмиш жумадан ҳисобланса, Муҳаррам ойининг белгисига етиб келинади; бунга олтини қўшиб, йиғиндиси якшанбадан ҳисобланса, бу ҳам ўша бир мақсадга боради.

У гуруҳнинг тўртни қўшишларига сабаб шуки, агар бир ой учун икки ортиқ кун ва келаси бир ой учун бир кун олинса, жами Рамазон ойининг бошигача беш кун бўлади. Буни Муҳаррам белгисига қўшса, Рамазон ойининг белгисига етади. У [киши] Муҳаррам учун олти кун қўшган эди. Бунга Рамазон ойига тегишли беш қўшилса, жами ўн бир кун бўлади, бу еттига бўлинса, тўрт қолади, тўрт сони иккала қўшилганнинг қолдиғидир. Жума кунидан олинган ҳисоб билан биз ундан сал аввал баён этган, яъни пайшанба кунидан олинган ҳисобнинг бир-бирига тўғри келишига сабаб, унда касрлар бир нарсага ҳисоб этилмагани ва унда ўттиз тўрт дақиқанинг бир кунга ҳисоб этилишидир.

(198)|| Шу мазҳабда ижод этган фикр эгалари Бағдодда турган ва даъватчилари саналган бир шайхга<sup>789</sup> нисбатланганлар ва Хоразмда «Бағдодий» номи билан машҳур бўлганлар. Улар бу ҳисоб ва шунга ўхшашларга мойил бўлдилар. Биз унинг бошлиқларидан бирини учратдик. У Ҳабаш ўз «Зиж»ида

юлдузларни ҳисоблаш ва эрани тузатиш учун ишлаб чиққан «Холис жадвал»ни олибди-да, ундаги ҳар бир [сонга], яъни Муҳаррам белгисига, биз баён этган сабабга кўра, бешни кўшиб, жадвал суратини ўзгартирибди: унинг тўғри шаклини винтсимон қилиб, худди [ҳалқа каби] ўралган илонга айлан-тирибди; чунончи, табаристонликларнинг баъзиси ҳам шу жадвални доира қилиб тузган эди. Ундаги [охирги] сонлар жадвал тўғри бўлган пайтда ўзининг бошланган жойига қайтар эди. [Юқорида айтилган бошлик] ўша гуруҳ йўлидан бориб, бир китоб тузган. Унда янги Ойни қидириб кўрувчиларга таъна қилган, уларни койиб ва айблаб: «Яҳудийлар ва христианлар ўзларидаги [мавжуд] жадваллар сабабли рўзалар ва ойларнинг бошини аниқлашда Ҳилолни кўришга мухтож бўлмайдилар. Мусулмонлар эса шубҳали ҳолатлар билан овора бўлиб юрадилар», – деган.

Агар у Ҳабаш зижининг «Холис жадвали» кўрсатилган жойидан ўтиб, астрономларнинг янги Ойни кўриш борасидаги турли амалларигача борганида ва бу амаллар кайфиятидан, яҳудийлар ҳамда христианларнинг [фикрлари] моҳиятидан воқиф бўлганида эди, китоб аҳллари қабул этган йўлнинг нақадар шубҳали эканини, албатта, билган бўларди. Юқорида айтганларимиздан воқиф бўлган киши шояд буни ҳақиқат эканлигига иқрор бўлар.

Шу билан бирга, астроном олимлар: «Янги Ойни кўриш амалларининг охиридаги фараз қилинган микдорлар тажрибадан ўтказилмагунча аниқлаб бўлмайдиган узоқликлардир», – деб қарорларини айтганлар. Манзараларга хос турли геометрик ҳолатлар бор. Шулар сабабли, кўз билан кўриладиган [нарса]лар катта ва кичикликда фарқли бўлади. Осмонда юз берадиган турли ҳолатларга эътибор берувчи инсофли киши янги Ойни кўриш имконсиз эканига – айниқса, янги Ой шу фараз қилинган узоқликнинг ниҳоясига яқин воқе бўлган пайтда – узил-кесил ҳукм чиқармайди.

**«Холис жадвали»дан кўчирилган «Винтсимон [даввали] жадвал».**<sup>790</sup>

210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси	210 йиллик давр	Рамазон бошининг белгиси
1	4	31	2	61	7	91	5	121	3	151	1	181	6
2	1	32	6	62	4	92	2	122	7	152	5	182	3
3	6	33	4	63	2	93	7	123	5	153	3	183	1
4	3	34	1	64	6	94	4	124	2	154	7	184	5
5	7	35	5	65	3	95	1	125	6	155	4	185	2
6	5	36	3	66	1	96	6	126	4	156	2	186	7
7	2	37	7	67	5	97	3	127	1	157	6	187	4

(222-бетдаги жадвалнинг давоми)

8	6	38	4	68	2	98	7	128	5	158	3	188	1
9	4	39	2	69	7	99	5	129	8	159	1	189	6
10	1	40	6	70	4	100	2	130	7	160	5	190	3
11	5	41	3	71	1	101	6	131	4	161	2	191	7
12	3	42	1	72	6	102	4	132	2	162	7	192	5
13	7	43	5	73	3	103	1	133	6	163	4	193	2
14	5	44	3	74	1	104	6	134	4	164	2	194	7
15	2	45	7	75	5	105	3	135	1	165	6	195	4
16	6	46	4	76	2	106	7	136	5	166	3	196	1
17	4	47	2	77	7	107	5	137	3	167	1	197	6
18	1	48	6	78	4	108	2	138	7	168	5	198	3
19	5	49	3	79	1	109	6	139	4	169	2	199	7
20	3	50	1	80	6	110	4	140	2	170	7	200	5
21	7	51	5	81	3	111	1	141	6	171	4	201	2
22	5	52	3	82	1	112	6	142	4	172	2	202	7
23	2	53	7	83	5	113	3	143	1	173	6	203	4
24	6	54	4	84	2	114	7	144	5	174	3	204	1
25	4	55	2	85	7	115	5	145	3	175	1	205	6
26	1	56	6	86	4	116	2	146	7	176	5	206	3
27	5	57	3	87	1	117	6	147	4	177	2	207	7
28	3	58	1	88	6	118	4	148	2	178	7	208	5
29	7	59	5	89	3	119	1	149	6	179	4	209	2
30	4	60	2	90	7	120	5	150	3	180	1	210	6

Донишманд Ҳабашнинг машҳур «Зиж ал-Мумтаҳан» номли асарида келтирилган ва мазкур киши томонидан беш қўшилиб, ундаги [шакл] винтсимон кўринишга айлантрилиб кўчирилган «Холис жадвали»да яна бир қанча ўринлар мавжуд.<sup>791</sup> Ҳабаш бу [ўринларда] касрларни бутунларга айлантрирган, ҳолбуки жадвалда бундай қилиш керак эмас. У янглишмаслик учун [ёриткичларнинг] ўртача [ҳаракатлари] жадвалларида ҳам шундай иш қилган. Сўзимизнинг тўғрилигини билмоқчи бўлган киши бу «Винтсимон даввали жадвал»ни биз Муҳаррам ойи аломати учун тузган, тасҳиҳ этилган жадвал билан солиштирсин. «Винтсимон даввали жадвал» худди «Холис жадвали»нинг ўзи, фақат унда Рамазон [ойи белги]сига етиш учун беш қўшилган. Биз бутун сонларга тегишли касрларни [ҳам] кўз остида бўлиб, айнан идрок этилишини ва бошқа амалларда ёрдам беришини мўлжаллаб исбот этдик.

Бу жадвалдан фойдаланувчи Ҳижрат [эраси] йилларини ўтаётган йил билан қўшиб ҳисоблаб, ундан икки юз ўнни – агар у йиллар бундан кўп бўлса – ташлайди, қолдиқ билан сонлар устунига кириб, сон рўпарасидаги кунлар ва дақиқаларни олади. Дақиқаларга ҳамиша беш кун ва ўттиз тўрт дақиқа қўшади, кейин дақиқаларни мумкин бўлганича кўтариб, кунларга айлантриради ва айлантририлганнинг ичида қанча етти бор бўлса, уларни ташлайди.



Натижада, Муҳаррам бошининг белгиси кўринади, агар бунга бешни кўшсак, Рамазон белгиси ҳосил бўлади. Энди [у киши] тасҳиҳ этилган жадвални ўша «Винтсимон давралаи жадвал»га солиштирсин. [Аломатларнинг] баъзисида олтмишга тўлмаган дақиқаларни кунларга ҳисоблаб, бир кун қўшилиши сабабли қарама-қаршилик юз беради. [Кузатувчи] яхшироқ ўйлаб қараса, [жадвалнинг] нима сабабдан икки юз ўн йил учун тузилиб, ундан кам ёки кўп йилга тузилмагани аниқ кўринади.

(199–200)|| Тузатилган жадвал<sup>792</sup>:

Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар	Сонлар	Кунлар	Дақиқалар
1	4	22	31	2	22	61	0	22	91	5	22	121	3	22	151	1	22	181	6	22
2	1	44	32	6	44	62	4	44	92	2	44	122	0	44	152	5	44	182	3	44
3	6	6	33	4	6	63	2	123	93	0	6	123	5	6	153	3	6	183	1	6
4	3	28	34	1	28	64	6	28	94	4	28	124	2	28	154	0	28	184	5	28
5	0	50	35	5	50	65	3	50	95	1	50	125	6	50	155	4	50	185	2	50
6	5	12	36	3	12	66	1	12	96	6	12	126	4	12	156	2	12	186	0	12
7	2	34	37	0	34	67	5	34	97	3	34	127	1	34	157	6	34	187	4	34
8	6	56	38	4	56	68	2	56	98	0	56	128	5	56	158	3	56	188	1	56
9	4	18	39	2	18	69	0	18	99	5	18	129	3	18	159	1	18	189	6	18
10	1	40	40	6	40	70	4	40	100	2	40	130	0	40	160	5	40	190	3	40
11	6	2	41	4	2	71	2	2	101	0	2	131	5	2	161	3	2	191	1	2
12	3	24	42	1	24	72	6	24	102	4	24	132	2	24	162	0	24	192	5	24
13	0	46	43	5	46	73	3	46	103	1	46	133	6	46	163	4	46	193	2	46
14	5	8	44	3	8	74	1	8	104	6	8	134	4	8	164	2	8	194	0	8
15	2	30	45	0	30	75	5	30	105	3	30	135	1	30	165	6	30	195	4	30
16	6	52	46	4	52	76	2	52	106	0	52	136	5	52	166	3	52	196	1	52
17	4	14	47	2	14	77	0	14	107	5	14	137	3	14	167	1	14	197	6	14
18	1	36	48	6	36	78	4	36	108	2	36	138	0	36	168	5	36	198	3	36
19	5	58	49	3	58	79	1	58	109	6	58	139	4	58	169	2	58	199	0	58
20	3	20	50	1	20	80	6	20	110	4	20	140	2	20	170	0	20	200	5	20
21	0	42	51	5	42	81	3	42	111	1	42	141	6	42	171	4	42	201	2	42
22	5	4	52	3	4	82	1	4	112	6	4	142	4	4	172	2	4	202	0	4
23	2	26	53	0	26	83	5	26	113	3	26	143	1	26	173	6	26	203	4	26
24	6	48	54	4	48	84	2	48	114	0	48	144	5	48	174	3	48	204	1	48
25	4	10	55	2	10	85	0	10	115	5	10	145	3	10	175	1	10	205	6	10
26	1	32	56	6	32	86	4	32	116	2	32	146	0	32	176	5	32	206	3	32
27	5	54	57	3	54	87	1	54	117	6	54	147	4	54	177	2	54	207	0	54
28	3	16	58	1	16	88	6	16	118	4	16	148	2	16	178	0	16	208	5	16
29	0	38	59	5	38	89	3	38	119	1	38	149	6	38	179	4	38	209	2	38
30	5	0	60	3	0	90	1	0	120	6	0	150	4	0	180	2	0	210	0	0

(201)|| Биз Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шайхобда<sup>793</sup> – у турли жиноятлар [қилиш йўллари]ни изловчилардан ва шиаликни тарғиб қилувчиларнинг катталаридан саналар эди – бир жадвал кўрдик. Унинг айтишича, бу жадвал

билан [мана бундай тартибда] иш қилар экан. Ҳижрат эрасининг тўлиқ йиллари олиниб, бунга тўрт йил қўшилади. Йиғинди саккизларга бўлиб ташланади, [саккизга] етмаган қолдиқ сонлар устунига киритилса, рўпарасида мўлжалланган ойнинг боши ҳафтанинг қайси кунда экани кўриниб туради.

Ойлар жадвали<sup>793</sup>

Сонлар	Мухаррам	Сафар	Рабиъ ул-аввал	Рабиъ ус-соний	Жумодаввал	Жумодахир	Ражаб	Шаъбон	Рамазон	Шаъвол	Зулҳажа	Зулқайжа
1	3	5	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6
2	7	2	3	5	6	1	2	4	5	7	1	3
3	5	7	1	3	4	6	7	2	3	5	6	1
4	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2	3	5
5	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2
6	4	6	7	2	3	5	6	1	2	4	5	7
7	1	3	4	6	7	2	3	5	6	1	2	4
8	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2

Ҳаётимиз билан қасамёд қиламизки, бу ҳам [Ҳабашнинг] «Холис жадвали»дан олинган. Бу жадвални ишлашда асос тутилган саккиз йиллик даврга [эътибор билан] қараган киши унда йилларнинг бошлари ҳафтадаги бошланган куннинг [ўзига] қайтиб келганини ва [кунларнинг] касрлари тўрт дақиқага камайганини аниқлайди. Бу жадвал тузатилган «Холис жадвали»га зид эмас. Лекин саккиз йиллик давр бир неча марта айланиб, муддат узайса, шу пайтда [сонлар] тартиби кўпол равишда бузилади.

(202)|| [Шиаликка] даъват этувчи бу фирибгарнинг айтишича, Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ<sup>794</sup>га одамларнинг Рамазон боши ҳақида ихтилоф ва шак-шубҳага тушганлари маълум бўлганда, бу жадвални тузган. Унинг гумонича, Жаъфар: «Муҳаммадни чин Пайғамбар алайҳиссалом қилиб юборган [зот] билан қасамёд этаманки, [Муҳаммад] Пайғамбар алайҳиссалом бўлиб ўтган ва дунё охиригача воқеа ва ҳодисаларнинг хабарини бизга етказмай, умматидан ажрамади. Буларнинг энг кичиги ҳар йили ва [йилнинг] ҳар бир кунда рўза [боши]ни билишдир», – деган. У [Жаъфар ас-Содиқ]: «Шаъбон ойи ҳеч қачон тўлиқ [ўттиз кун] бўлмаган ва Рамазон ўттиз кундан кам бўлмаган», – дер экан.

Бу золим шундай улуғларнинг энг шарафлиси ва имомларнинг энг билимдони бўлган саййид ҳақида ёлғон гапирди ва аждоди<sup>795</sup> динида жоиз бўлмаган нарсани унга нисбат берди. Ҳолбуки, у [айтганларининг] зидди ҳақ эканига

хужжат бор. Бу тақводор имом<sup>796</sup> бундай кишиларни ёмонотлик қилиш учун айтган гапларидан ва унга бадният билан нисбат беришга ўхшаган сўзларидан жуда узоқдир, унга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Муҳаррам белгисини билишда икки йўл бор. Уларни Абу Жаъфар ал-Хозин<sup>797</sup> «Илми нужумга кириш» номли йирик асарида баён этган. Бири шуки, ҳижрат йилларининг ўтиб бўлган ҳар ўттиз йили учун беш кун олиниб, ўттиздан камларининг ҳар ўн йили учун бир бутун ва учдан икки кун, яъни ўн олти соат олинади. Ўнтадан кам қолган йилларнинг ҳар бештаси учун йигирма соат ва ҳар бир тамом бўлган йил учун тўрт кун саккиз соат ва тўрт марта бешдан бир соат олинади. Йиғиндисига беш кун қўшилади ёки ундан икки кун айрилади ва ҳосил [бўлган натижа] еттиларга бўлинади. Қолгани Муҳаррам бошининг [белгиси] бўлади<sup>798</sup>.

Бу тўғри [ва юқорида] айтиб ўтилган амаллар йўлига мувофиқдир. Йилларнинг сонлари учун [Абу Жаъфар] ҳисобга оладиган кунлар ва уларнинг касрлари ўша сонларнинг кунларга айлантирилиб, ҳафталарга тақсимлангандаги қолдиғидир. Бу [биз] тузатган жадвалда кўриниб туради. Биз юқорида баён этиб ўтганимиздек, [Абу Жаъфар] йиллар якшанбадан бошланиши учун йиғиндига бешни қўшади. Давр етти йиллик бўлгач, у бешни қўшсин ёки еттига етмаган қолдиқни айирсин, фарқи йўқ, буни билиб қўйиш керак.

Агар [Муҳаррамдан] бошқа ой [боши]ни аниқлаш мўлжалланса, тоқ кунли ҳар бир ой учун йилнинг асосий [кунларига] икки кун, жуфт кунли бўлиши мувофиқ бўлган ҳар бир ой учун бир кун қўшилиб, йиғинди еттига бўлинади, қолдиқ ўша [мўлжалланган] ойнинг боши бўлади<sup>799</sup>.

Абу Жаъфар ал-Хозин баён этган иккинчи усул: тамом бўлган йилларнинг, агар жуфт бўлса, ярми олинади, агар тоқ бўлса, улардан бир айирилади. Бунинг учун тўрт кун ва йигирма икки дақиқа [эсда] сақланади. Йилларнинг қолгани иккига бўлиниб, икки жойга ёзиб қўйилади. [Бу икки жойдаги соннинг] бири учга кўпайтирилиб, тўртга тақсим этилса, кунлар чиқади. Иккинчиси саккизга кўпайтирилиб, кўпайтмага беш қўшилади ва ҳалиги кунларга қўшилади. Сўнгра ҳаммасидан ўша йиллар ярмининг сонига тенг кунларнинг дақиқалари айрилади. Агар йиллар тоқ бўлса, қолдиққа ҳалиги эсда сақланган [кун ва дақиқалар] қўшилади. Агар қолдиқда ўттиз дақиқадан ортиқроқ каср бўлса, [бутунга] айлантирилади, агар кам бўлса, ташланади. Кейин ҳаммаси еттига бўлинса, Муҳаррам белгиси қолади<sup>800</sup>.

(203)|| Бу [усул] ҳам тўғри ва айтиб ўтилган [юқоридаги] ҳолатга асосланган. Чунки эсда сақланган [кун ва дақиқалар] йиллар қаторидан айрилган йил кунларининг еттиларга бўлингандан кейинги ҳиссасидир. Қолган йиллар ярмининг саккизга кўпайтирилгани худди барча йиллар тўртга кўпайтирилганидек бўлади. Бу [тўрт йил] эса Ой йили еттиларга бўлиб ташланганда қолган бутун кунлардир.

Энди ҳар бир йил учун куннинг бешдан бирини ва олтидан бирини олиш қолади. Лекин ҳар бир сон ярмининг учта тўртдан бирининг барчаси (у соннинг бирга нисбати ярмининг олтмишга нисбатидек бўлгани сабабли) бешдан бири ва олтидан биридан ортади. Шундай бўлгач, йиллар сонининг ярми учга кўпайтирилиб, тўртга тақсим этилганда, унинг тўртдан учи ҳосил бўлади. Бу барча йилларнинг бешдан бири ва олтидан бири билан йиллар ярмининг олтмишга нисбати миқдоридан ортиқдир. Агар бу [миқдор] билан бирга олтмишнинг бўлаклари, яъни дақиқалар ҳисобга олинса ва улар [йиллар] йиғиндисидан айрилса, йилларнинг бешдан бири ва олтидан бири ҳосил бўлади.

Яздигард эрасига келсак, агар унинг йилларидан ҳар бир йил бошининг белгисини билмоқчи бўлсак, тамом бўлган йилларини оламиз ва уларга ҳамиша учни кўшамиз. Йиғиндини еттиларга бўлсак, Фарвардин моҳ белгиси қолади. Агар бошқа [бирор] ойни мўлжалласак, тамом бўлган йилларнинг Обон моҳдан бошқа ҳар бир ойи учун икки кун оламиз. Йиғиндига Фарвардин моҳ белгисини кўшиб, агар йиғиндида етти [сони] бор бўлса, уни чиқариб ташлаймиз. Шунда мўлжалланган ойнинг белгиси қолади<sup>801</sup>.

Яздигарднинг ўлдирилишидан ҳисобланган Мажус эрасида эса ўтиб бўлган йилларга ҳамиша бешни кўшиб, бошқа ишларда, агар унда форсларнинг ойлари ишлатсак, олдинги амалиётни қўлаймиз. Агар суғдлар ёки хоразмликларнинг ойларидан фойдалансак, тамом бўлган йилларга ҳамиша учни кўшиб, йиғиндини еттиларга бўламиз. Шунда Навсард ёки Навсаржий ойнининг белгиси қолади. Кейин ҳар бир ўтган ой учун Навсард белгисига икки кун кўшсак, [матлуб] ой белгиси келиб чиқади.


(204)|| Форсларнинг давлат қўлларидан кетишидан аввал ишлатган кабисали [йилларини] билишни истасак, уларнинг йилларини Мажус эрасининг боши бўлмиш Яздигард давлатининг барҳам топишидан оламиз ва унга бу китоб аввалида айтилган сабабга кўра етмиш йилни кўшамиз. Йиғиндини бир юз йигирмага тақсимлаймиз; натижа кабисали ойларнинг [йил кабисалари] бекор қилинган вақтдан ҳисобланган сонлари бўлади. Кейин эра [йиллари] орасидан кабисали [йиллар] сонига мос келадиган ойлари ажратамиз. Шунда кўрамиз: агар йиллар ҳисобидан қолдиқ қолмаса – эралар [форсларда] асоссиз бўлгани сабабли – йил тахминан кабисали бўлади, агар [бирор қолдиқ] қолса, кабисали бўлмайди. Кейин [юқорида айтилгандан] чиққан кабисали [йилларнинг] ойлари ўз йилимиз бошига кўшамиз ва ниҳояланган жойини Наврўз деб оламиз. Шунда Наврўз Хусравлар замонидаги ўрнида келган бўлади. У вақтда Наврўз форсларнинг зижларида ҳисобланган ёзги Қуёш туришига тўғри келар эди.

Ал-Муътазид эрасига келсак, бунда Фарвардин моҳ аломати [бундай] аниқланади: унинг тамом бўлган йилларига чоракларни ва йиғиндига ҳамиша

тўрт билан чоракни қўшиб, натижани еттиларга бўлсак, Фарвардин моҳ белгиси қолади.

Йил боши белгисини аниқлаб, бошқа ой белгисини билмоқчи бўлсак, Фарвардин моҳдан олдин ўтган Обон моҳдан бошқа ҳар бир ой учун Фарвардин моҳ белгисига икки кун қўшамиз. Обон моҳ учун эса фақат кабисали йилда бир кун қўшиб, бошқа йилларда уни бекор ва эътиборсиз қолдирамиз. Кейин ҳаммасини еттиларга бўлиб чиқсак, ўша [матлуб] ой белгиси қолади.

Бу эрнинг кабисали йилини билиш [усули] унинг тамом бўлган йилларини тўртларга бўламиз. Агар шунда қолдиқ қолмаса – йил кабисали, қолса – кабисасиз бўлади.



## VIII б о б. ПАЙҒАМБАРЛИКНИ ДАЪВО ҚИЛГАН КИШИЛАР ВА УЛАРНИНГ АЛДАНГАН УММАТЛАРИ (УЛАРГА ОЛАМЛАР ЭГАСИНИНГ ЛАЪНАТИ БЎЛСИН) ЭРАЛАРИ ҲАҚИДА

Пайғамбарликни даъво қилган кишилар эраси ҳақида сўзлаймиз. Биз [бу китобда] келтирган пайғамбарлар ва подшоҳлар орасидаги [даврларда] бир гуруҳ сохта пайғамбарлар чиққан. Бу китоб уларнинг [ҳаммасини] санаш ва улар ҳақидаги хабарларни баён этиш учун қисқалик қилади. Уларнинг баъзиларига ҳеч ким эргашмай ҳалок бўлган ва ўзидан кейин номидан бошқа нарса қолмаган. Баъзиларига эса маълум халқлар эргашган, унинг қонунлари шу одамлар ўртасида сақланиб қолган ва улар унинг эрасидан фойдаланганлар.

Зикр қилинган [сохта пайғамбарларнинг] биринчиси Будасафдир. У Тахмураст подшоҳлигидан бир йил ўтганда, Ҳиндистон заминида юзага келди. Будасаф собийлик мазҳабига даъват этди ва унга кўпчилик халқ эргашди<sup>802</sup>.

Пешдодий подшоҳлари ва Балхда турувчи каёнийларнинг баъзилари то Виштасп<sup>803</sup> подшоҳлигидан ўттиз йил ўтиб, Зардушт юзага келган вақтгача, икки ёриткичи<sup>804</sup>, юлдузлар ва барча унсурларни улуғлар ва муқаддас ҳисоблар эдилар.

(205)|| [Ҳозиргача] собийларнинг Ҳарронда қолганлари турган жойларига нисбатланиб, «Ҳарроний» деб аталдилар. Баъзиларининг айтишича, «Ҳарроний» Иброҳим алайҳиссаломнинг биродари бўлмиш Ҳарон ибн Тарахга нисбат бўлиб, у собийларнинг бошлиқлари орасида динга жуда берилган ва унга қаттиқ эътиқод қилган киши экан. Христиан Ибн Синкила<sup>805</sup> собийлар таълимотини фош қилишни мўлжаллаб, ёлгон-яшиқлар билан тўлдирган китобида улар ҳақида шундай ҳикоя қилади. Унинг айтишича, Иброҳим алайҳиссалом уларнинг қавмларидан ўзининг эрлик олати учидан пешлик бўлгани сабабли чиқиб кетган. Собийлар шундай касалга учраган кишини нажас деб, ўзларига қўшмас эдилар. Шу сабабга кўра, Иброҳим ўз олатининг бошидаги терисини кесган, яъни ўзини ўзи хатна қилган ва санамларнинг уйларидан бирига кирган. Шунда санамлардан бирининг: «Эй Иброҳим, сен биргина айб билан қавмимиздан чиқиб, иккита хато билан [кириб] келдинг! Чик, қайтиб бизга келма?» – деган овозини эшитган. Иброҳим газабланиб, [санамларни] синдирган ва улар орасидан чиқиб кетган. Сўнг-

ра у қилган ишига пушаймон бўлиб, [собиийлардаги] ўз авлодини қурбон қилиш одатига кўра ўз ўглини Муштарий юлдузига атаб сўймоқчи бўлган. Муштарий юлдузи [Иброҳим] тавбасининг рост эканини билгач, [ўғли ўр-нига] бир кўчқор қурбон қилган<sup>806</sup>.

Шунингдек, христиан Абду-л-Масих ибн Исҳоқ ал-Киндий<sup>807</sup> Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Ҳошимий<sup>808</sup> китобига [берган] жавобида собиийлар ҳақида [бундай] ҳикоя қилган: «Улар одамларни қурбон қилиш билан машҳурлар, лекин ҳозирги кунда бу ишни ошқора равишда қилишлари мумкин эмас».

Биз уларнинг Аллоҳни яккаю ягона деб билувчи ва [ҳамма] ёмонликлардан уни покловчи одамлар эканликларини биламиз, холос. Аллоҳни тасдиқ билан эмас, «У чекланмайди, кўрилмайди, зулм қилмайди, жабр қилмайди» каби инкор билан тавсифлаб, Унга «энг яхши исмлар»ни<sup>809</sup> мажозий равишда берадилар. [Олам] тадбирини фалак ва унинг унсурларига нисбат бериб, уларни тирик, сўзловчи, эшитувчи, кўрувчи дейдилар ва нурларни улуғлайдилар.

Дамашқ жоме масжидида мақсура<sup>810</sup> олдидаги меҳроб тепасига қурилган гумбаз [собиийлар] асарларидандир. Юнонлар ва румликлар собиийлар динида бўлган замонларда [шу гумбаз ости] уларнинг ибодат қиладиган жойлари эди. Кейин у яҳудийлар қўлига ўтди, улар буни ибодатхона қилдилар. Сўнгра уни христианлар эгаллаб, черковга айлантирдилар. Ниҳоят, ислом [дини] ва унга инонувчилар келиб, уни масжид қилиб олдилар.

Абу Маъшар ал-Балхий «Ибодатхоналар ҳақида китоб»ида айтганидек, [собиийларда] махсус ҳайкаллар ва Қуёш номлари билан аталган маълум шакллардаги санамлар бўлган. Масалан, Баълабакдаги ибодатхона Қуёш санами учун эди. Ҳаррон [ибодатхонаси] эса Ойга нисбатли бўлиб, Ой шаклида «тайласон»га<sup>811</sup> ўхшатиб қурилган эди. Ҳаррон яқинида Саламсин деб аталадиган ва қадимги номи «Санам Син», яъни «Ой санами» бўлган бир қишлоқ билан Тараъуз, яъни «Зухра дарвозаси» номли бошқа бир қишлоқ ҳам бўлган.

Айтишларича, Каъба ва унинг санамлари собиийларга тегишли бўлиб, улар ўша санамларга ибодат қилувчилар жумласига кирган. Лот [санами] Зухал номига, Узза эса Зухрага аталган<sup>812</sup>.

Собиийларнинг кўпгина пайғамбарлари бўлиб, уларнинг аксари юнонлик файласуфлардир. Масалан, мисрлик Гермес<sup>813</sup>, Агатодемон<sup>814</sup>, Фалес<sup>815</sup>, Пифагор<sup>816</sup>, Бобо<sup>817</sup> ва Афлотуннинг она томонидан бобоси бўлмиш Солон<sup>818</sup> ва шуларга ўхшашлар. Уларнинг баъзилари қалтироқ бўлиб қолишдан кўрққани учун балиқни, ҳамиша иситмали ҳолатда бўлгани туфайли жўжани, бош оғриғини чақиргани ва қонни ёки олам барпо бўлишининг асоси саналган эрлик уругини куйдиргани сабабли саримсоқни, зехни ўтмас қилиб, бузиши сабабли саримсоқни, зехни ўтмас қилиб, издан чиқаргани боис ловияни – у

дастлабки ҳолатда инсоннинг бош суягида ўсган – [истеъмол қилишни] ҳаром қилганлар.

(206)|| Собийларнинг уч маҳал фарз намозлари бўлган: биринчиси, Қуёш чиқиши олдидан саккиз ракат; иккинчиси, Қуёш осмон ўртасидан огишига яқин беш ракат; учинчиси, Қуёш ботиши олдидан беш ракатдир. Ҳар бир ракатда уч марта сажда қиладилар. [Фарз намозидан ташқари] кундузи иккинчи соатда яна кундузи тўққизинчи соатда ва кечаси учинчи соатда нафл намозини<sup>819</sup> ўқийдилар.

Собийларнинг никоҳ ва жазо масалаларидаги кўпгина ҳукмлари мусулмонларнинг ҳукмларига, ўликларга тегилганда нажас бўлиб қолиш ва шунга ўхшаш масалалардаги [ҳукмлар] Тавротникага ўхшайди. Уларнинг юлдузларга, ўз санамлари ва ибодатхоналарига аталган қурбонликлари ва [жонлик] сўйишлари бор. Уларни [сўйишни] коҳин ва жодугарлар ўз зиммаларига олганлар. Улар шу [йўл] билан келгусида қурбонлик қилувчида бўлиши мумкин [ҳолатни] ва унинг саволларига жавоб беришни билиб оладилар.

Гермес Тавротда Енох дейилган. У Идрис номи билан ҳам аталади. Баъзиларининг айтишича, Будасаф – бу Гермесдир.

Баъзиларнинг айтишича, ўша ҳарронийлар ҳақиқатда собийлар эмас, балки китобларда «ҳанифлар» ва «васаний»<sup>820</sup> деб аталувчилардир. [Гўё] собийлар Бобилда қолиб, Куруш даврида ва Артахшаст замонида Байт ул-Мукаддасга қараб ҳаракат қилган [яхудий] қабилаларидандир. Улар мажусий шариатига мойил бўлдилар ва Бухтунассар динига ўтиб, Суриядаги сомирийлар сингари мажусийлик ва яхудийлик қоришган бир мазҳабни тутдилар.

Собийларнинг кўпчилиги Воситда<sup>821</sup>, Ирокнинг Жаъфар вилоятидаги Савод шахрида, Жомидада ва икки Сила анҳори<sup>822</sup> [тараф]да яшайди. Улар ўзларини Ануш ибн Шисга нисбат берадилар. Собийлар ҳарронийларга қарши бўлиб, уларнинг мазҳабларини қоралайдилар. Фақат баъзи жиҳатлардагина улар [эътиқоди] мувофиқ келади. Ҳатто, улар намозни Шимолий кутб томонга, ҳарронийлар эса Жанубий [кутб] томонга қараб ўқийдилар<sup>823</sup>.

Аҳли китоблардан баъзиларининг гумонича, Матушолихнинг<sup>824</sup> Ламақдан бошқа Собий исмли ўғли бўлган. Собийлар унинг исми билан аталганлар.

[Бу] одамлар шариатларнинг зоҳир бўлиши ва Будасафнинг юзага чиқишидан бурун шаманийлар<sup>825</sup> бўлиб, ернинг шарқ томонида турар ва бутларга сиғинар эдилар. Уларнинг намояндалари ҳозир Ҳиндистон, Хитой ва тўғўзғузлар<sup>826</sup> орасида учрайди. Хуросонликлар уларни «шаманон» деб атайдилар. Шаманийларнинг ёдгорликлари – санамлари учун қурилган оташхоналари ва бутхоналари Хуросоннинг Ҳиндистонга туташган чегара-



ларида учрайди. Улар: «Олам қадимдан мавжуд. Рухлар жасаддан-жасадга кўчиб юради. Фалак чексиз бўшлиққа туширилган. Шунинг учун у айланма ҳаракат қилади. Чунки юмалоқ нарса ўрnidан тушириб юборилганда юмалаб тушади» деб гумон қиладилар.

Улардан баъзилари оламнинг кейин пайдо бўлганига иқроп бўладилар ва: «Оламнинг [борлик] умри минг марта минг йил бўлиб, у тўртга бўлинган», – дейдилар.

Биринчи бўлаги тўрт юз минг йил: бу – тинчлик ва яхшилик замони. Иккинчиси, уч юз минг йил: бунда яхшилик аввалгидан камроқ. Учтинчиси, икки юз минг йил: бунда яхшилик аввалги иккала қисмдагидан камроқ. Тўрттинчиси, юз минг йил: бу ёмонлик ва бузуқчилик замонидир.

Ҳижрат эрасининг уч юзинчи йилига яқин таълиф этилган китобларда<sup>827</sup>: «Шу қисмдан ўн икки минг икки юз қирқ йил ўтди», – дейилган.

[Шаманийларнинг] баъзилари Одам [барча инсонларнинг] отаси эканига иқроп бўлади, баъзилари эса [буни] инкор этиб, ҳар бир тоифани алоҳида отага нисбат берадилар. Улар: «Агар дастлаб ота битта бўлганда, гавда тузилишлари ва кўринишлари, албатта, бир-бирига ўхшаш бўлар, тиллар ва луғатлар мувофиқ келар эди», – дейдилар.

Бу гапнинг қайси далилга асосланганини билмаймиз. Чунки [одамлар] тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг [одам] яшайдиган жойларда турлича бўлишидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун [зарур] бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга солинган.

(75)|| Шаманийлар ва ҳиндларнинг биринчи Будда ва ундан кейинги Будда ҳақидаги ривоятлари орасида эшитувчини ҳайрон қолдирадиган воқеалар бор. «[Гўё] унинг беш томонидан<sup>828</sup> нур бирга борар, у ердан бир қарич чамаси кўтарилиб, ҳавода юрар эмиш». Туғилиш ва ўлишдан қутулиш<sup>829</sup> (бундан таносухни кўзда тутадилар) воситаси бўлган Бодисатва ва Буддалиққа қандай қилиб эришиш тўғрисида ҳам ажойиб ривоятлар бор.

Юнонларнинг таъкидлашича, қонунлар ва шариатларни уларнинг насаби бориб тақаладиган Зевс ижод этган. Уларнинг олам яратилганлигига иқроп этувчилари Зевсни башариятнинг биринчи отаси деб гумон қиладилар. Уларнинг олам қадимдан бор деб, унинг яратилганлигини инкор этувчилари эса: «Қачон ерда одамлар кўпайиб кетса, тўсатдан тўфон [келиб], уларни йўқ қилиб юборади. Кейин янгидан [олам] пайдо бўлиб, одамлар бир-бировлари билан дўст ва ёр бўладилар, насллари кўпаяди», – дейдилар. Шунда кўпайиш

билан бирга ораларида душманлик, бир-бирини кўролмаслик ва нафрат пайдо бўлиб, улар нотинчликлар, урушлар ва бошқа шафқатсизлик ҳамда нодонликларга сабаб бўлади. «Иш охирига, чегарасига етгач, яна тўфон қайтиб келади», – дейдилар.

[Бу гуруҳ]: «Қонунлар ижод этган Зевс одамларнинг ҳозирги давримизга энг яқин пайтда содир бўлган тўфондан кейинги отасидир», – деганлар. Афлотуннинг «Қонунлар китоби»да бунга ўхшаш ва шунга мос келадиган [сўзлар] бор.

Кейин озарбайжонлик Зардушт ибн Сафид Туман юзага чиқди. У подшоҳ Манучеҳр наслдан, муғлар хонадонидан, уларнинг кўзга кўринган кишилари ва улуғларидан эди. Бу [ходиса] Виштасп подшоҳлигидан ўттиз йил ўтгандан [кейин] рўй берди. [Зардушт] икки ёни – ўнг ва сўли қирқилган қўйлак кийган, белига хурмо пўстлоғидан зуннор<sup>830</sup> боғлаган, юзига шолдан парда тутган, қўлида ёзувлари ўчиб кетган бир варақ терини ушлаб, кўкрагига босган ҳолда юзага чиқди.

Мажусийлар гумонича, Зардушт осмондан кундуз ярмида Балхдаги бир айвон томига тушган. Том ёрилиб, Виштасп кундузги уйқудан уйғониб кетган. Зардушт уни мажусийликка, Тангрига имон келтириб, уни пок ва муқаддас билишга, шайтонга ибодат қилмасликка, подшоҳларга бўйсунушга, ўз табиатини ислоҳ этишга ва энг яқин кишисига уйланишга даъват этган.

Зардушт мажусийлар «Авесто» деб атайдиган китоб билан [юзага] келди. Бу китоб бошқа халқларнинг тилларидан буткул фаркли бўлган бир тилда [ёзилган] ва алоҳида тарзда тартибга солинган. Уни махсус бир тил эгалари билиб, бошқа тил эгалари билмай қолмаслиги учун [у тилдаги] ҳарфлар сони барча тилларнинг ҳарфларидан ортиқ эди. Зардушт бу китобни Виштаспнинг олдига қўйди. Виштасп ҳузурида мамлакатининг улуғлари ҳозир бўлган ва мамлакат аҳолисидан кўп халқ йиғилган эди. Зардушт мис эритишни буюрди, мис эритилди. Шунда Зардушт: «Худо, агар бу мен билан шу подшоҳга юборган китобинг бўлса, миснинг зарарини мендан қайтар!» – деди.

Кейин у [эритилган мисни] устидан қуйишни буюрди. Мисни унинг кўкраги ва қорнига қуйиб юборган эдилар, устидан оқа бошлади ва сочилиб, ҳар бир мўйига юмалоқ мис шар бўлиб осилди. Бу шарлар мажусийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг хазиначарида сақланганини эшитдик.

Виштасп [Зардуштга] розилик билдирди ва унинг даъватини қабул этмай турганида Аллоҳнинг ҳузуридан фаришталар келиб, уни Зардуштга имон келтиришга буюрганини айтди. Шундан кейин Зардушт ўз динига даъват қилиб етмиш йил, [баъзиларнинг] айтишича, қирқ етти йил умр кўрди.

Ибронийлар: «Зардушт Илёс пайғамбар шогирдларидан эди», деб даъво қиладилар. Зардушт [ўзининг] «Туғилиш китоби»да болалик вақтида Ҳарронда ҳикматшунос Илёсдан илм ўрганганини айтган.

(76)|| Румликларнинг даъвосича, Зардушт Мосулдан бўлган. Эҳтимол, улар Озарбайжон чегараларини Мосул чегараларига қўшиб, шундай деган бўлсалар керак.

Юнонлар [бундай] дейдилар: «Аммоний файласуфларнинг фикрларини баён этиш мақсадида тузган китобида ҳикоя қилишича, Пифагорнинг иккита шогирди бўлиб, бирини Қалаюс, иккинчисини Файлакус деб аташар экан. Қалаюс Ҳиндистон мамлакатига борган. Унга брахманлар [таълимоти] нисбат бериладиган Брахман етти йил шогирд бўлган ва ундан Пифагор таълимотини ўрганган. Қалаюс ўлгач, Брахман [янги] фикрлар ижод этиб, уларни Пифагор таълимотига қўшган.

Файлакус эса Бобилга борган. У билан Пурушаспнинг ўғли машхур Сафид Туман ва Зардушт номи билан танилган Вартуш учрашган ва ундан таълим олган. Файлакус ўлгач, Зардушт Цейлон<sup>831</sup> тоғига кетиб, бир неча йил ўша ерда яшаган. Ниҳоят, у китобини тайёрлаб, янгилекларини юзага чиқарган».

Тўғриси шуки, Зардушт Озарбайжондан бўлган. Эҳтимол, у бизга: «Туғилиш китоби»да зикр қилинган, у ўз отаси билан Ҳарронга бориб, донишманд Илёсга мурожаат қилган ва ундан [илм] истифода этган», – деб ҳикоя қилинган [кишидир].

Йилнома китобларида шундай дейилган: «Шопур Зулактоф подшоҳлигининг охирида мажусийликка қарши бир халқ пайдо бўлди. Дусар ибн Манучеҳр қабиласидан Озарбод ибн Мораспанд улар билан баҳслашиб, ғалаба қозонди. Кейин уларга мана бу аломатни кўрсатди-ю, унга зарар қилмай қотиб қолди. Шунда Шопур унинг болаларини Зардушт болалари қаторида мўбадлар орасида ўз мўбадларига айлантирди». [Зардушт] келтирган «Авесто» китобидагиларни билиш фақатгина мажусийлардан диёнати ишончли бўлган, тутган йўли динлари арбоби қошида мақталган кишига хос эди. Бундай кишига ҳам дин арбоби томонидан шу ҳақдаги ҳужжат битилиб муҳрлангач, рухсат бериларди.

Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида «Авесто»нинг ўн икки минг қорамол терисига олтин билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан кейин «Авесто»нинг бешдан учи йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз «наск» эди, мажусийлар қўлида чамаси ўн икки «наск» қолди. Биз Куръон бўлақларини «хафтияк» деганимиздек, «наск» «Авесто» бўлақларининг аталишидир.

Астрологлар уларнинг қайси бири Зардушт эканлигига ва ундан кейин чиққан баъзи [кишилар] пайғамбарлигининг ёлғонлигига далил келтириб, бундай дейди: «Кенгламаси ўттиз уч даражадан ортиқ жойдан чиққан пайғамбар, юлдузлар унинг жойи зенитида бўлмаслиги сабабли,

пайғамбарликни даъво қилишда ҳақли бўлмайди. Чунки бу сон Зухра кенгламаси билан энг катта оғишнинг йиғиндисиدير. Зухра эса кенгламаси энг катта бўлган сайёрадир». Бу далил ҳақиқатга мувофиқ бўлиб, ундан четга чиқмаганда ҳам кучсиздир.

(77)|| У вақтда Виштаспнинг Жомасп исмли вазири бор эди. У Зардуштга имон келтирди ва унга тобе бўлди. Унинг бир китоби бўлиб, унда: «Зардушт юзага чиққандан минг беш юз йил ўтганда давлат [форсларга] қайтади», – дейилган. Эраларни текширувчилар сўзига кўра, Искандар подшоҳлигидан минг икки юз қирк икки йил ўтганда у муддат тугаган; шу вақт ичида биз келгусида баён этадиганлардан бошқа [сохта пайғамбарлар] юзага чиқмаган. Лекин мажусийлар сўзига караганда, у муддат тугамаган. Чунки, юқорида айтганимиздек, улар «қабила подшоҳлари» муддати тўғрисида шубҳаланадилар. Бу муддат, уларнинг сўзига кўра, давлатлари кетиб, охириги подшоҳлари бўлмиш Яздигард ибн Шаҳриёр ўлдирилишининг беш юз ўттизинчи йили тамом бўлганда тугаши керак.

Пайғамбарларнинг ҳар бири ўзидан кейинги пайғамбарнинг юзага чиқишига ишора қилган. Биз Мусо алайҳиссалом ва Исо алайҳиссаломнинг ҳамда улар оралиғидаги пайғамбарларнинг ишораларидан бир қисмини ва у ишораларнинг ҳақиқий баёни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга боришини айтдик. Сўнгра ўзини пайғамбар кўрсатган ёлгончилар уларга тақлид қила бошлади. Улардан баъзилари ўзининг қайтиб келишини ваъда қилса, бошқалари ўзидан кейин унинг ишини кучайтирувчи киши келишини ваъда қилган. Ўша даврда ўзини овунтириш ва давлат қайтиб келади, деб нафсини қувонтириш учун уйдирма [гап]лар тўқимаган халқ кам эди. Чунончи, Ҳимяр қабиласи ҳам «Биз Зафор<sup>832</sup> шаҳри дарвозасида [қуйидаги] ёзувларни кўрдик», – деб, ўзларига [давлат қайтиб келишига] умид қилганлар:

Зуфар ҳукумати кимники? – Яхши ҳимярийларники.

Зуфар ҳукумати кимники? – Ёмон ҳабашларники.

Зуфар ҳукумати кимники? – Озод форсларники.

Зуфар ҳукумати кимники? – Савдогар қурайшийларники.

Зуфар ҳукумати кимники? «Ҳимярийларга қайтади», яъни уларга қайтиб келади.

Ёлгончилардан бир гуруҳи ошқора равишда ва очиқдан-очиқ [динга] таъна қилиш мумкин бўлмагач, кўринишда пайғамбарларни тасдиқ этиб, «кўпик ютаётганларини яширдилар»<sup>833</sup>. Дўст кўриниб, душманлик қилдилар ва тузатаётган бўлиб, буздилар. Масалан, бу динга таъна қилишда ўз замонининг энг машҳур кишиси бўлган Аҳмад ибн Таййиб ас-Сарахсий<sup>834</sup> икки нахс [сайёранинг<sup>835</sup>] нахслик буржи, яъни Саратонда бир-бири билан учрашуви ҳақида китоб ёзган ва уларнинг учрашувларини ҳижратдан олти ой илгари Рамазондан уч кун ўтганда, якшанба кунининг бешинчи соа-

ти охирида деб ҳисоблаган. У Зухранинг арабларга ўтган давлат устидан ҳукмронлигини астрология далиллари билан исботлаган. Унинг ҳисобича, Зухра [шу вақтда] Хут буржининг ўн саккизинчи даражаси ва йигирма еттинчи дақиқасида бўлиб, унинг бурж охирига бориши учун ўн бир даража ва ўттиз уч дақиқа қолган. Булар ҳисобга олинганда, олти юз тўқсон уч [дақиқа] бўлган. Шунда у ислом давлати ўша дақиқалар миқдорича йилларда<sup>836</sup> давом этишига ҳукм қилган ва буни мана бундай исботлаган: Қуръони каримда маълум суралар бошидаги «алиф, лом, мим», «алиф, лом, мим, сод» ва «алиф, лом, мим, ро» ва улар каби алоҳида ҳарфларни жам қилиб, уларнинг такрорларини олиб ташлаган. Қолганларини ҳарф рақами билан ҳисоблаганда, натижа олти юз тўқсон уч бўлган. Араблардан давлат кетишини ва ислом динининг ўзгаришини умид қилувчилар бу [ҳукм]ни ёдларида сақлаб қолдилар. Диёнати кучсиз мусулмонларнинг хаёлларига турли ўйлар келди, улар, аввало, бу астрономлар фикрича тўғри эмаслигини билиш учун аниқ фикр юргизмадилар.

(78)|| Агар бу астрономлар фикрича тўғри бўлганида, улар, албатта, кузатишларини қўйиб, пайғамбарларнинг рамзларига мурожаат қилар, ҳатто, улардан ёриткичларнинг жойларини, уларнинг даража ва дақиқаларини билар эдилар. Шу билан бирга, Пайғамбар алайҳиссалом [қиёмат] соатидан бошқанинг дарагини бермади. Бундан ташқари ва фақат ўз дини [бошқа] барча динлар устидан ғолиб келиши, араб давлати қиёматгача давом этиши, пайғамбарлик ўзи билан хотима топиши ҳақида хабар берди. Агар у ҳарфлардан шу ҳисоб мақсад қилганда эди, уларни такрорлаш, албатта, бефойда гап бўларди. У [ҳисобни] Пайғамбар алайҳиссалом [ҳаммадан] яхши билганлар. Масалан, ҳузурига яҳудийларнинг донишманд ва коҳинлари – Каъб ибн ал-Ашраф, Хуяйй ибн ал-Ахтоб, Абу Башир, Ибн Абул Ҳаким, Кинона ибн ар-Рабиъ, Рафоъа ибн Зайд ибн ат-Тобут ва Ибн Суриё [кабилар] келиб, шу ҳисобни далил қилиб, Пайғамбар алайҳиссаломдан унга туширилган сурани билишни истаганларида, ул зот «алиф, лом, мим»ни ўқиди. Шунда улар: «Давлатинг етмиш бир йил давом этади», – дедилар. Расулуллоҳ эса: «Менга булар билан бошқалари ҳам туширилган», – деб бошқа алоҳида [ҳарфларни] санаб ўқиб бердилар. Коҳинлар ул зотнинг ҳузуридан туриб: «Ишингиз бизга мушкуллик келтирди-ку!» – дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом такрорланган ҳарфларни [ташламасдан] ўқидилар.

Ас-Сарахсийнинг қачондан бери Қуръон оятларини далил қилиб келтирадиган бўлганини билсак эди! Ҳолбуки, илгари унинг [бўямачи]лар, яъни пайғамбарлар сирларини очиш ҳақида китоб ва мақолалари ёзилган бўлиб, у шулар орқали пайғамбарларни масхаралаб, уларнинг шаънларига лойиқ бўлмайдиган сўзларни айтиш билан ёдда қолган эди. «Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур»<sup>837</sup>. Агар унинг ёрдамчи ва ҳимоячиларидан бири:

«Ас-Сарахсий у гапни ўша муддатдан кейин қиёмат бўлади деган мақсадда айтган», деб баҳона кўрсатса, у Куръон исбот этган нарсанинг зиддини даъво қилган бўлади. Аллоҳ таоло: «[Муҳаммад], сендан қиёмат қачон қоим бўлишини сўрайдилар. Айтинг: «Унинг илми Раббим ҳузуридадир. Унинг вақти [келгани]да уни Ўзи билдиради. [Қиёмат] осмонлар ва Ерга оғирлик [тушкунлик] қилур. Сизларга [у] тўсатдан келиб қолур». Сиздан гўё у ҳақда вакил [хабардор бўлганингиз]дек сўрашади. Айтинг: «Унинг илми Аллоҳ ҳузуридадир. Лекин одамларнинг аксарияти буни билмайдилар»<sup>838</sup>, – деб буюрган.

Кейин [Пайгамбар] алайҳиссалом: «Қиёматнинг қачон бўлиши борасида сўралувчи сўровчидан биладиганроқ эмас», – дедилар. Энди [қиёматдан] баҳс этувчиларнинг тамаларини кесадиган, унинг яширинлигини аниқ ва етарлича исботлайдиган бундан ортиқ қандай жавоб ва ҳужжат бўлсин!

Шунингдек, мунажжимларнинг кузатишича, [машҳур воқеалар] Зуҳранинг Хут [буржи] охирига етиши [билан боғлиқ]. Искандарнинг форслар устидан ғалаба қозониши [буржларнинг шарқий қисми] Зуҳранинг «қисмат» чегараси бўлмиш Хут буржи бошига етганида юз берди. Ҳар бир бурж учун минг йил кераклиги ҳам [маълумдир]. «Қисмат» Зуҳра чегарасидан Ироқ ва [бутун] шарқ учун «хабар» далили бўлмиш Муштарий чегарасига кўчганда, Ардашир ибн Бобак юзага чиқди.

Сўнгра «қисмат» Зуҳранинг «юқори даража»сига, яъни Хутнинг йигирма еттинчи даражасига етганда араблар форслар устидан ғалаба қозонди. Зуҳра [Хут] буржининг қолган даражаларида ҳукмронлик қилган [муддат] да давлат фақат арабларнинг қўлида қолди. «Қисмат» Ҳамал буржидан Муштарий чегарасига ўтгач, Абу Муслим<sup>839</sup> Хуросон аҳолисидан бўлган қора кийимчилар<sup>840</sup> билан бирга юзага чиқди.

Кейин «қисмат» Зуҳра чегарасига етганда, Дайлам давлати бошланиб, Бувайҳ хонадони ҳукмрон бўлди. Демак, [мунажжимларнинг] фикрига кўра, тадбирлар Хут охирига етиб узилиб қолмади. Лекин у жохил [ас-Сарахсий] ўзини гўлликка солиб, «уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер» дегандек, истаганини гапиравериш даражасига етди.

(79)|| Ҳаммасидан кизиғи шуки, у: «Дақиқалар йилларнинг сонларидан далолат беради», – деди. Ҳолбуки, давримиз мунажжимлар билан тўла; улар йилларнинг сонларидан дақиқалар эмас, даражалар далолат беришини кўрсатдилар. Шу билан бирга, дақиқалар ва уларнинг касрлари қачондан бери кенглама ўлчанадиган миқдорлар даражасига етиб, ишлатилишлари қабул этилган ва мувофиқ топилган? Агар [Ас-Сарахсий] бутун сонларни касрлари билан кўшиб, бир хилликка келтириш билан кифояланса, у билан ўша бутунларни дақиқалардан кам билган ва далолат қилаётган сонини бирин-кетин кўпайтирадиган ва бениҳоят узайтирадиган касрларга туширувчи киши

орасида қандай фарқ бор? Ёки у билан алоҳида ҳарфларни ҳисоблашда такрорланган ҳарфларни ташламайдиган киши орасида қандай фарқ бор? Агар такрорланган ҳарфларни ташламаганида, бу киши учун уч минг тўрт юз эллик етти [йил] ҳосил бўларди.

(207)|| Биз келтирадиган астрономияга оид мулоҳазада [астрологлар] бизга қаршилиқ қилмаслар деб гумон қиламиз. Чунки астрономия илмида улар билан ҳамкормиз. Шундай бўлгач, далил кўрсатувчининг далили ва уни изоҳловчининг изоҳи бирор важ билан ҳеч қандай маънога эга эмас.

Биз айтиб ўтган ана шу «қисмат» масаласи чегаралар хусусида мисрликлар фойдасига далолат беради. Чунки Зухранинг Ҳут буржида бўлиш муддати, мисрликлар сўзига кўра, тўрт юз йил, Птолемей сўзига кўра, икки юз олтмиш олти йил. Биз юкорида Искандар билан Ардашир орасидаги муддатнинг тўрт юз йилдан ўтиб кетишини айтиб, уни тузатишга уриндик.

Энди [мақсадга] қайтамиз. Форслар Зардушт келтирган мажусийликни дин тутдилар ва улар Исони кўкка кўтариб, [унинг] шогирдлари [ўн икки ҳаворий] Исо динига даъват [қилиш] мақсадида ҳар томонга тарқалмагунча, мажусийликда мазҳабларга бўлинмадилар ва ихтилоф қилмадилар. Исонинг шогирдлари мамлакатларга тарқалгач, баъзилари Эрон мамлакатига келиб қолди. Ибн Дайсон ва Маркион иккови Исодан билиб, даъватини қабул этган кишилардан бўлиб, унинг сўзларини эшитган эдилар. Иккови Исодан билиб олганларидан бир қисм ва Зардушт томонидан эшитганларидан бир қисм олиб, ҳар бири шу икки сўздан икки қадимги асл мазмунни ўз ичига олган бир мазҳаб тузди ва ҳар бири биттадан Инжил чиқариб, уни [Исо] Масихники деб кўрсатди ва ундан бошқа [Инжил]ларни ёлгонга чиқарди. Ибн Дайсон юрагига Аллоҳнинг нури жойлашганини даъво қилди. Лекин булар [Инжиллари]нинг ҳар хиллиги уларнинг икковини ва уларга эргашганларни христианлар жумласидан чиқарадиган даражага етмади. Уларнинг Инжиллари ҳамма масалаларда ҳам христианлар Инжилига қарама-қарши қўйилмади, балки бу икки [Инжил]да ортиқ ва камлик юз берди, холос. Аллоҳ билимдонроқдир.

Сўнгра [Будасаф ва Зардушт] икковидан кейин Фодарун шогирди Моний келди. У мажусийлар, христианлар ва санавийларни<sup>841</sup> билган эди. У пайғамбарликни даъво қилди. У ўзининг Шопур ибн Ардаширга [атаб] ёзган «Шопуракон» номли китобининг бошида: «Ҳикмат ва яхши амаллар доимо [Аллоҳнинг] элчилари вақти-вақти билан келтириб турадиганларнинг айнан ўзидир. Бир замон у [ҳикмат ва яхши амал]лар Будда исмли элчи орқали Ҳиндистон мамлакатига, бир замон Зардушт орқали Эрон заминига ва бир замон Исо орқали Мағриб заминига юборилган. Сўнгра ушбу охирги асрда мен Монийга – Аллоҳнинг ҳақиқий элчисига айни ваҳий туширилиб ва айни пайғамбарлик берилиб [мен орқали] Бобил заминига юборилди», – деди.

(208)|| Мониий йигирма икки харф тартибида тузган Инжилида ўзини [Исо] Масих хабар берган «параклет» ва «пайғамбарларнинг муҳри»<sup>842</sup> деб кўрсатди. У оламнинг борлиги ва кўриниши ҳақидаги ҳужжат ва далилларнинг натижаларига зид равишда хабар берди. Нур оламларига, қадимги инсонлар ва «хаёт руҳи»га [ишонишга] даъват этди. [Нур ва зулмат қадимдан бор ва бу иккиси азалий], – деди. Ҳайвон сўйишни ва унга озор беришни, олов, сув, ўсимликларга зиён етказишни – энг очик сўз билан – ҳаром қилди. Сиддиклар, яъни монийларнинг тақводорлари ва зоҳидлари ўзлари фарз қилган қонунларни тузди. У [қонун]лар фақирликни ихтиёр этиш, ҳирс ва шаҳватни жиловлаш, тарки дунё қилиш, узлуксиз рўза тутиш, имкон қадар садақа бериш, бир кунлик ва бир йиллик кийимдан ўзига ҳаром қилиш, жинсий алоқани тарк этиш, халқни даъват қилиб, йўлга солиш учун доимо дунёни кезишдан иборатдир.

Яна [монийлар] шогирдларига, яъни издошларига ва дунё ташвишларидан узилмай, уларнинг сўзини қабул этувчиларга мулкининг ўндан бирини садақа қилиш, умрининг еттидан бирида рўза тутиш, биргина хотин билан чекланиш, сиддикларга ғамхўрлик қилиш ва мушкулларини аритиш каби бошқа буйруқларни фарз қилдилар.

Мониий «Шопуракон» номли китобининг пайғамбар келиши бобида ҳикоя қилишича, у Бобилнинг юқори Кувсо ариғи [ёнидаги] Мардин<sup>843</sup> деган қишлоқда Бобил мунажжимларининг йиллари, яъни Искандар эрасининг беш юз йигирма еттинчи йилида<sup>844</sup> ва Озарбон подшоҳнинг шоҳлик йилларидан тўрт йил ўтганида туғилган. Ўн уч ёшида, Бобил мунажжимлари йилларининг беш юз ўттиз тўққизинчи йили тўлганда ва шаҳаншоҳ Ардашир [подшоҳлиги] йилларидан икки йил ўтганда<sup>845</sup> [Мониийга] ваҳий келган. Бу фасл [йил ҳисобини] юқорида, Ашконийлар давлати ва «қабила подшоҳлари» муддатини баён қилганда тасҳиҳ этдик<sup>846</sup>.

Насроний Яхё ибн Нуъмоннинг мажусийларга қарши ёзган китобида айтилишича, христианларда Мониийнинг исми Қорбикос ибн Фатак бўлган.

Мониий юзага чиққач, унга ишонувчилар ва тобелар кўпайди. У ўз Инжили ва «Шопуракон», «Тирилтириш хазинаси», «Жабборлар ҳақида китоб», «Сирлар китоби» каби кўпгина китобларни таълиф этди, шунингдек бу асарларида [Исо] Масихнинг рамзларини ифодалаб берганини даъво қилди.

Мониийнинг иши Ардашир, унинг ўғли Шопур ва унинг ўғли Хурмузд замонларидан то Баҳром ибн Хурмузд<sup>847</sup> подшоҳ бўлгунигача кучайиб борди. Баҳром уни то топгунча қидирди ва: «Бу [одам] оламни хароб этиш учун даъват қиляпти. Истагидан бирор нарса юзага чиқмасидан аввал ўзини йўқ қилишга киришишимиз керак», – деди. Мониий аҳволи ҳаётининг машхур жиҳати шуки, Баҳром уни қатл этишга буйруқ бериб, терисини шилдирди ва унга сомон солдириб, Жундишопур<sup>848</sup> шаҳрининг дарвозасига осдирди.



Бу дарвоза то бизнинг замонимизгача ҳам «Моний дарвозаси» номи билан машҳур бўлди. Баҳром [ўша ерда] Моний даъватини қабул этганлардан кўпчилигини қатл этди.

Насроний Жаброил ибн Нух [мажусий] Яздонбахтнинг христианларга ёзган раддияси учун берган жавобида ҳикоя қилишига кўра, Моний шогирдларидан бирининг бир китоби бўлиб, унда Монийнинг ўлими ҳақида шундай хабар беради: «Моний подшоҳга [кандайдир] бир яқинлиги сабабли камалди. У подшоҳга жин текканини даъво қилиб, уни даволашга сўз берди, лекин бунга қудрати етмади. Кейин икки оёғига кишан ва икки қўлига [уларни бўйинга йиғиб кўядиган] ғул солинди. Охири у қамокда вафот этди. Унинг боши [подшоҳ] чодир эшигининг баланд жойига [қозиққа] қўйилди, жасади эса [бошқаларни] кўркитиши ва ибрат [бўлиши] учун йўлга ташланди».

(209)|| Монийга эргашувчилардан тирик қолганлари мавжуд бўлиб, уларнинг Самарқанддаги собийлар деб аталадиган машҳур гуруҳидан бошқаси ислом давлатларининг бирор ерида жамланишлари учун имкон бўлмайдиган даражада тарқалиб кетганлар. Ислом мамлакатларидан ташқарида эса Шарқ туркларининг, Хитой, Тибет аҳолисининг аксари, ҳиндларнинг баъзилари Моний дини ва таълимотидадирлар. Улар Моний тўғрисида икки хил сўзлайдилар. Бир гуруҳ: «Монийда мўъжиза бўлмаган», – дейди-да, у ҳақда: «[Исо] Масих ва унинг суҳбатдошлари оламдан ўтганда, у [ердан] оятлар кўтарилади», – деб хабар қилди, – дейдилар. Бошқа гуруҳ: «Монийда [пайғамбарлик] аломатлари ва мўъжизалари бўлган. У Шопур подшоҳни ўзи билан бирга осмонга олиб чиқиб, иккови осмон билан ер орасида, ҳавода турган пайтда, Шопур унга имон келтирган ва Моний унга мазкур ҳайратланарли воқеани кўрсатган», – дейди. Яна улар: «Моний ўз суҳбатдошлари орасидан осмонга кўтарилиб, бир неча кун у ерда турар, кейин улар олдига [қайтиб] тушар эди», – деганлар.

Испаҳбад Марзубон ибн Рустамнинг [мана бундай] ҳикоя қилаётганини эшитдик: «Шопур Зардуштнинг пайғамбарлик даъво қилувчи сохталарни мамлакатдан ҳайдаш [ҳақидаги] қонунига асосланиб, Монийни ўз мамлакатидан [қувиб] чиқарган ва унга қайтиб келмасликни шарт қилган. Моний Ҳиндистон, Хитой ва Тибет томонларга кетиб, у ерларда [ўз динига] даъват қилиб юрган ва кейин қайтиб келган. Шу вақтда Баҳром уни тутиб ўлдирган. Чунки у шартни бузиб, [ўз] қонини тўкишни ҳалол қилган».

Улардан [Будасаф, Зардушт ва Монийдан] кейин Насо аҳолисидан Маздак ибн Ҳадодон деган киши пайдо бўлди. Маздак Қубод ибн Фируз<sup>849</sup> даврида мубодлар мубоди, яъни қозилар қозиси эди. У санавийликка даъват қилди ва таълимотининг кўп ўрнида Зардуштга қарши чиқди. У: «Одамлар мол-мулк масаласида бир-бировларига шериклар», – деди. Сон-саноксиз

халқ унга эргашди. Кубод ҳам унга имон келтирди. Баъзи форсларнинг гумонича, Кубод Маздакка фақат унинг тобеинлари кўпайган вақтда давлати учун хавф туғилганидан қўрқиб, мажбурий тарзда эргашган.

Баъзиларнинг даъвосича, Маздак хийлагарлардан бўлган. У усталик қилиб шу таълимотни ўйлаб чиқарган ва уни эълон қилган. Кубод уни дарров қабул этган. Маздак Кубодга чорва молларини то ажали етгунча сўйишни ман қилган.

Ануширвон подшоҳ бўлгач, унинг дастлабки қилган иши Маздак ва унинг саҳобаларини ушлаб, уларнинг юзларини куйига, оёқларини юқорига қилиб, чуқурларга кўмиб ўлдиришдан иборат бўлган. Ануширвон Маздакка тобе бўлган ҳамма улуғ ва атоқли кишиларни унинг эътиқодидан қайтишга мажбур қилган ва қайтмаган кишини қатл этган.

Маздакка эргашганлардан унга нисбат берилган «маздакийлар», маздакийларнинг дин ва таълимотларига нисбат берилган «хуррамдинийлар», тафсир маъносига нисбат берилган «зиндикийлар» тоифасигина қолди. [Тафсирга нисбат берилганнинг] сабаби шуки, уларнинг сўзида «занд» – тафсир, «бозанд» – таъвил<sup>850</sup> маъносини беради. Маздак: «Авесто» тафсири ва таъвилининг эгасиман, – деб даъво қиларди. Монийлар ҳам мажозий маънода шу исмга нисбат беради. Ислондаги «ботинийлар» ҳам маздакийларга нисбатланади. Чунки: улар биринчи ва иккинчи [имомларини] пок яратувчининг сифатлари билан тавсиф қилишлари ва [оятларнинг] зоҳирий маъноларини қўйиб, ботиний маъноларига диққат қаратишлари маздакийларга ўхшатилади.

Турли исмлар билан машҳур бўлган гуруҳлардан ҳар бирининг – гарчи баъзилари номаълум бўлса ҳам – маъноси бор. Масалан, «яхуд» исмини оламиз. Баъзилар бу ҳақда: Улар «Биз Сен томон тўғри йўл тутдик», яъни: «Сен кўрсатган ҳақиқатга тобе бўлдик» деганлари сабабли шу ном билан аталганлар, дейдилар-да, «яхуд» калимасини луғавий жиҳатдан туслаб: [Бу Аллоҳ таолонинг: «Худ бўлинг»<sup>851</sup>, – деган сўзи. «Яхуд» калимаси [ўтган замонда] «хода» [феъли]дан бўлиб, [ҳозирги-келаси замони] «яхуду», [сифатдоши] «хоид» ва [масдари] «ҳавд» эканига далил бўлади], – дейдилар. Бу йўқ нарса, балки «яхуд» калимаси Яъқуб алайҳиссаломнинг ўгли Яхузога нисбатдир, чунки яхудийлар давлати Яхузо хонадониди эди. «Зол» [ҳарфи] нуқтасиз «дол» га айлантирилиб<sup>852</sup>, «яхуд» дейилган.

(80)|| Шунингдек, «насоро» калимасини оламиз. Бу ҳақда баъзилар: «Исо тилидан] Аллоҳ таолонинг «... Худди Исо ибн Марям ҳаворийларга: «Аллоҳга [яъни, унинг динига даъват қилишимда] ким менинг ёрдамчиларим бўлур?» деганидек. Ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг [динига] ёрдам берувчилармиз...»<sup>853</sup> сўзининг маъносига биноан, «насоро» калимаси «наср» [яъни, «ёрдам»дан олинган], – дейдилар. Бу ҳам асоссиз.

Балки, «насоро» калимаси Носирага, яъни [Исо] Масих алайҳиссалом яшган қишлоққа нисбатдир. Уни шу қишлоққа нисбатлаб, «Ийсус ан-Насоро» дер эдилар.

Шунга ўхшаб «мажус» номини оламиз, баъзилар: «Мажус» сўзи «нажосат»дан олинган. «Мажуслар» «нажуслар»дир, «нун» [харфи] «мим»га алмашган. Чунки харфлар ичида бу иккови бир-бирига «гайм» ва «гайн», «айм» ва «айн»<sup>854</sup> каби алмашилиб юради, – деган. Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфажоний буни инкор этиб: «Мажус» сурёнча «магуший» номининг арабчалаштирилганидир. Чунки набатийлар Эрон подшоҳини «магуший» деб атар эдилар, – деган. Бу лафзнинг маъноси «улар ўз мамлакатлари иши ҳақида сўзловчилар» демакдир; «мокуший» сурён тилида «жосус» демакдир<sup>855</sup>.

«Фурс» номи ҳам шундай. [Форслар] Форис ибн Яхузо ибн Яъкубга нисбат берилиб «фурс» деб аталганлар. Баъзиларнинг айтишича, балки Форс мамлакатига келганликлари сабабли шундай [аталганлар]<sup>856</sup>.

Сурияликларга келсак, улар Суристонга нисбат берилади. Суристон Ироқнинг Савод шаҳри ва Шом вилоятидан иборатдир. Яна айтишлари-ча, [Суристон] Хузистондаги бир шаҳардир. Бу ҳақиқатдан узоқ эмас, лекин Рум подшоҳи Ираклийнинг Антияда жойлашган Қустантанияга қочган вақтда Шом томонга қараб: «Эй Сурия, сенга саломлар! Қайтиб келишни ўйламай абадий видолашувчидан саломлар!»<sup>857</sup> деб айтган гапи Суристоннинг Шом мамлакатларидан эканига далил бўлади.

Шунингдек, ибронийлар Ибр денгизи кирғоғига нисбат берилдилар<sup>858</sup>. Турли машхур гуруҳлар[га бериладиган] номларнинг ҳаммаси шундай.

Маздакийлар эътиқодига кўра, замон [Аллоҳ томонидан] юборилган пайғамбардан холи бўлмайди ва улар бирин-кетин юборилиб турадилар.

Сўнгра ўнинчи ҳижрат йилининг охирида Ямомада ёлғончи Мусайлима ибн Ҳабиб юзага чиқиб, Бани Ҳанифа қабиласига ўзини пайғамбар сифатида танитди ва аҳмоқона гаплар айтиб, булар унга ваҳий қилиб юборилганини даъво қилди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга мана бу тарзда мактуб ёзди: «Аллоҳнинг элчиси Мусайлимадан Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад алайҳиссаломга! Ундан кейин [гап шуки], ҳукмронликда мен сенга шерик қилиндим. Ернинг ярми бизники, ярми Қурайш қабиласиники, лекин Қурайш қабиласи душманлик қилувчи халқдирлар». [Мусайлима] бу мактубни икки элчи орқали юборди. Шунда Аллоҳнинг Пайғамбари элчилардан: «Сизлар нима дейсиз?» – деб сўрадилар. Улар: «Биз ҳам унинг айтганини айтамыз», – дедилар. «Ва Пайғамбар алайҳиссалом: «Агар элчилар ўлдирилмайди», дейилмаганда эди, албатта, бошларингизни узган бўлардим», – дедилар. Сўнгра Мусайлимага бу жавобни юбордилар: «Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан каззоб Мусайлимага. Тўғри йўлдан юрган кишига

салом. Ундан кейин [гап шуки] «Ер Аллоҳникидир». Уни [Ўзи] хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Окибат [яхшиликлари] эса тақводорларга тегишлидир»<sup>859</sup>.

(210)|| Ҳикоя қилинишича, Ямома аҳолиси Мусайлимага алдандилар. Чунки у [олдиндан] сиркада ивитилган тухумни шишага киргизди; паррандаларнинг қанотларини олдин қирқиб қўйиб, кейин уларнинг ўзларига тур-тур қилиб пат улади ва шу каби бўяма ҳамда хурофотларни кўрсатди. То Абу Бакр ас-Сиддиқ халифаликка тайинланган йили Холид ибн Валид Мусайлимани қатл этгунича, Бани Ҳанифа [қабиласи] Ямомада унга бўйсундилар. Мусайлима ўлдирилганда марсиялар айтилди. Бани Ҳанифа [шорларидан] бирининг мана бу сўзи ўша марсиялардандир:

*«Эй Абу Сумома! Сенга ачинаман,  
Булути орасидан чиқаятган қуёшдек эдинг».*

Бани Ҳанифа [қабиласи] Мусайлимадан илгари жоҳилия даврида «ҳайс»дан санам ясаб, кўп вақтгача унга ибодат қилар эдилар. Кейин улар очарчиликка йўлиқиб, санамни еб қўйдилар. Шунда Бани Тамим [қабиласи] дан бир киши бундай деди:

*«[Бани] Ҳанифа ўзидаги қадимги очлик  
Ва фақирликдан ўз раббини еб қўйди».*

Бошқа биров:

*«Қурғоқчилик ва очлик замонида  
[Бани] Ҳанифа ўз раббини еб қўйди.  
Улар раббиларининг ёмон оқибат ва жазо етказишидан қўрқмадилар».*

Сўнгра Аббосийлар давлатининг тарафдори Абу Муслим замонида Беҳофарид ибн Моҳ Фурудин исмли бир киши чиқди. У Нишопур вилоятларидан бири Хавофнинг Сированд деган қишлоғидан келиб чиққан бўлиб, Завзан халқидан саналарди. Фаолиятининг дастлабки [даврида] етти йил Хитойда яшириниб, кейин қайтиб келди. Хитойнинг ажойиб нарсаларидан жам қилинган, нозик ва майин, инсон кафтига сиғадиган бир кўк кўйлак олиб келди. У кечаси «новус»га<sup>860</sup> чиқди ва эрталаб у ердан тушди. Ер ҳайдаб юрган бир одам – деҳқон унинг тушаётганини кўриб қолди. Унга Беҳофарид ўзининг гойиб бўлиб кетганидан буён осмонда бўлганини, унга жаннат ва дўзах кўрсатилганини, Аллоҳ унга ваҳий юбориб, шу кўйлакни кийгизгани ва ҳозирги соатда ерга туширганини ҳикоя қилди. Деҳқон унинг [сўзига] ишонди ва одамларга уни осмондан тушаётганида кўрганини айтди.

Беҳофарид ўзини пайғамбар кўрсатиб, даъват қилгач, мажусийлардан кўпчилик унга эргашди. У Зардуштга ишонса ҳам, шарият ишларининг аксариди мажусийларга қарши бўлди ва ўз динидагиларга Зардушт келтирган қонуннинг ўзгартириб юборилганини даъво қилиб, бу ҳақда ўзига яширин суратда ваҳий келаётганини айтди.

(211)|| Беҳофарид ўзига тобелар учун форс тилида китоб тузиб, уларни бир тизза устида [туриш] Қуёш кулчаси учун сажда қилишни, қаерда бўлмасин намозда юзни Қуёш томонга қаратишни, соч ва кокилларни қўйиб юборишни, овқат вақтида замзама қилмасликни, чорва молларини қаримаса сўймасликни, ичкиликлар ичмасликни, ўлимтик гўштни емаслик, ўз оналари, кизлари, опа-сингилларига ҳамда ака-укаларининг қизларига уйланмасликни ва маҳрларни тўрт юз танга билан чеклашни буюрди. Мол-мулклари ва иш ҳақларининг еттидан бирини йўлларни ва кўприкларни таъмирлаш учун ажратишни буюрди.

Беҳофарид [ўзига тобе бўлганларга] етти вақт намозни фарз қилди: Аллоҳнинг якка-ягоналиги учун намоз, осмон ва ернинг яратилгани учун намоз, ҳайвонлар ва уларнинг ризқлари яратилгани учун намоз, ўлим учун намоз, қайта тирилиб ҳисоб бериш учун намоз, жаннат, дўзах аҳли ва уларга атаб тайёрланган нарсалар учун намоз, жаннат аҳлининг мақталиши учун намоз.

Абу Муслим Нишопурга келиб тушганида [мажусийларнинг] донишманд ва руҳонийлари унинг ҳузурига тўпланиб, Беҳофарид ислом динини ва ўзларининг динларини ҳам бузганини унга маълум қилдилар. Абу Муслим уни [тутиб келиш учун] Абдуллоҳ ибн Шуъбани юборди. Ниҳоят, Абдуллоҳ уни Бодгис<sup>861</sup> тоғида ушлаб, Абу Муслим [ҳузури]га жўнатди. Абу Муслим Беҳофаридни ва унинг қўлга тушган кишиларини қатл этди.

Унинг исми билан «беҳофаридийлар» деб аталадиган бир қанча тобелари қолди. Улар Беҳофарид келтирган динга ишонадилар ва мажусийларнинг замзамачиларига қаттиқ душманлик қиладилар. Улар: «Беҳофариднинг хизматчиси: «У саман от устида осмонга чиқиб кетди. Қанчалик тез кўтарилган бўлса, шундай тушади ва душманларидан ўч олади», – деб даъво қиладилар.

Ундан кейин Муқанна<sup>862</sup> номи билан машҳур бўлган Ҳошим ибн Ҳақим Марвда Ковақимардон номли қишлоқда юзага келди. У бир кўзли бўлганидан юзига кўк шойидан ниқоб тутган эди. У Амударё орқали Кеш<sup>863</sup> ва Насаф<sup>864</sup> томонларга ўтди. Хоконга хат ёзиб, ундан ёрдам сўради. «Оқ кийимлилар»<sup>865</sup> ва турклар унинг атрофида жам бўлдилар. Муқанна уларга [бошқаларнинг] мол-мулкларини ҳалол қилди, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирди ва Маздакнинг барча [йўл-йўриғини] уларга қонун қилиб берди. Ал-Маҳдий<sup>866</sup> унинг қўшинини тор-мор келтирди ва ўн тўрт йил ҳукмронлик

килди. Ниҳоят, у ҳижрий бир юз олтмиш тўққизинчи<sup>867</sup> йили қамал қилинди ва ўлдирилди.

Муқанна қуршаб олингач, жасади йўқ бўлиб кетиши [ва] тобелари унинг гапига ишонишлари учун ўзини оловга ташлаган эди. Унинг: «Куюман-у, йўқ бўлиб кетаман», [деган] мўлжали муяссар бўлмади, балки [унинг жасади] тандирдан топилди. Унинг калласи олиниб, ўша кунларда Ҳалабда бўлган амиралмўминин Ал-Маҳдийга юборилди.

Муқаннанинг Мовароуннаҳрдаги тарафдорлари кўринишда ислом динида бўлсалар ҳам, [аммо] яширин равишда унинг динига амал қиладилар. У ҳақдаги хабарларни форсчадан арабчага таржима қилдик ва уларни «Оқ кийимлилар» ва қарматийлар хабарлари ҳақида»<sup>868</sup> [номли] китобимизда тўла баён этдик.

Сўнгра форс халқи орасидан сўфийлар йўлини тутган Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож<sup>869</sup> номи билан машҳур бўлган киши юзага келди. У дастлаб [имом] Маҳдийга даъват этиб: «Маҳдий Дайламдаги Таллиқон<sup>870</sup> шахридан чиқади», деб даъво қилди. Ал-Ҳалложни ушлаб, [халққа] кўрсатиш учун Бағдодга олиб келдилар, кейин зиндонга ташладилар. Ниҳоят у ҳийла ишлатиб, зиндондан қочди.

(212)|| У найрангбоз ва ҳунарманд, ҳар бир одамнинг эътиқод ва мазҳабига қараб у билан аралашиб кетадиган киши эди. Кейин у ўзига муқаддас руҳ жойлашганини даъво қилди ва ўзини «Аллоҳ» деб атади. Ўз тобеларига мана бундай сўзлар билан бошланган мактублар юборди: «У<sup>871</sup> азалий ва аввал, ёйилиб ва ёритиб турувчи нур, асослар асоси, хужжатлар хужжати, рабблар рабби, булутларнинг яратувчиси, нур чароқдони, Тур [тоғи]нинг рабби ва ҳар бир суратга кирувчидан фалончи кўлига». [Ал-Ҳалложнинг] тобелари эса унга ёзадиган мактубларини шундай бошлардилар. «Сенга мақтовлар бўлсин, эй ҳақиқат ҳақиқати, лаззатлар ниҳоятининг ниҳояти, эй улуг, эй буюк! Сенинг қадимий яратувчи, ҳар замон ёритувчи, ҳар вақт ҳар хил суратда кўринувчи эканингга ва бизнинг бу замонимизда Ҳусайн ибн Мансур суратида кўринаётганингга гувоҳлик бераман. Эй барча ғойибни билувчи, сенинг кичик қулинг, бечоранг, эҳтиёжмандинг, сендан паноҳ тиловчи, сенга ёлборувчи, раҳматингга умид этувчи шундай ва шундай дейди».

Мансур ал-Ҳаллож ўз таълимоти хусусида «Асосий китоб», «Катта ўлчов китоби» ва «Кичик ўлчов китоби» каби китоблар ёзди<sup>872</sup>.

[Халифа] ал-Муктадир биллоҳ ҳижрий уч юз биринчи йили<sup>873</sup> ундан ҳабар топиб, минг қамчи урдирди, қўл ва оёқларини кесдириб, бошини уздирди. Кейин жасади то куйгунича нефть септирди ва қулини Дажла дарёсига ташлатди. Ал-Ҳаллож бу қийноқ вақтида бир [оғиз] калима гапирмади, юзини буриштирмади ва лабини қимирлатмади.

Ал-Ҳаллож тобеларидан фақат унга мансуб бўлган кишиларгина қолган. Улар имом Маҳдийга даъват қилиб: «У Таллиқондан чиқади», – дейдилар. «Башоратлар китоби»да: «Ер жабр ва зулмга қандай тўлдирилган бўлса, [Маҳдий] уни адолатга шундай тўлдиради», деб эслатилган одам шудир. Бундай китобларнинг баъзисида «у – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ»<sup>874</sup> ва баъзисида «у – Муҳаммад ибн Али» дейилган. Ҳатто, Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий<sup>875</sup> [одамларни] Муҳаммад ибн Ҳанафияга даъват қилганида «Башоратлар китоби»да ривоят қилинган ҳадисни далил келтириб: «Албатта, у одам ҳадисда эслатилган Маҳдий», деб даъво қилади.

Бизнинг замонимизда ҳам баъзи одамлар [Маҳдийни] кутадилар ва: «У тирик ва Разво»<sup>876</sup> тоғида туради», – дейдилар. Бани Умайя ҳам «Башоратлар китоби»да эслатилган Суфёний<sup>877</sup> нинг юзага чиқишини кутадилар.

Шунингдек, у китобларда [одамларни] адаштирувчи Дажжолнинг<sup>878</sup> Исфаҳон томондан чиқиши айtilган. Мунажжимлар уни: «Яздигард ибн Шаҳриёр эрасининг тўрт юз олтмиш олтинчи йили тамом бўлиши олдидан, Бартоил оролидан чиқади», деб ҳукм қилганлар.

Инжилда Дажжол чиқишидан дарак берилиб, у христианлик китобларида юнон тилида «Антихристос» деб аталган. Ал-Масийса руҳонийларининг бошлиғи Мар Фёдор ҳам Инжил тафсирида шундай баён этган.

Сийрат ёзувчиларнинг ривоятча, Умар ибн ал-Хаттоб Шомга кирганида, Дамашқ яҳудийлари унга йўлиқиб: «Салом сенга, эй Форук»<sup>879</sup>. Сен Илиянинг<sup>880</sup> эгасисан. Аллоҳ ҳаққи уни фатҳ этмагунча қайтма!» – деганлар. Умар улардан Дажжол ҳақида сўраган. Яҳудийлар: «У Бинямин авлодидан бўлади. Азбаройи Аллоҳ, эй араб жамоаси, сиз уни Лудд дарвозасига ўн газдан ортиқроқ қолганида ўлдирасиз!» – деганлар.

Биз баён этган ҳодисадан кейин қарматийлар иши кучайди ва Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий<sup>881</sup> кўзгалиб, уч юз ўн саккизинчи<sup>882</sup> ҳижрат йили Маккага борди. Тавоф қилаётган одамларни дарҳол ўлдирди ва мурдаларни Замзам [кудуғи]га ташлади. У хонаи Каъбанинг пардасини тортиб олди, тилласини ўғирлаб, тарновини кўчириб ташлади ва қоратошни синдирди. Кейин уни Куфа масжидига осиб қўйди ва ўз шаҳрига қайтди.

(213)|| Уч юз ўн тўққизинчи йилнинг<sup>883</sup> Рамазон бошида Ибн Абу Закарийе ат-Таммомий<sup>884</sup> юзага чиқди. У ёвузлар иши билан шуғулланувчи ва [шундай ишларга] ёлланувчи эди. У [одамларни] ўзига бўйсунгунча қирди ва [бир гуруҳи] унга эргашди. Бу йигит ўз тобеларига ўликларнинг қоринларини ёришни ва ювиб, шароб билан тўлдиришни, оловни қўли билан ўчирган кишининг қўлини кесишни, пуфлаб ўчирган кишининг тилини кесишни, қонун қилиб берди ва уларга оловларга топинишни ҳамда оловларни улуғлашни буюрди. Ўтган пайғамбарлар ва уларнинг саҳобаларига

лаънат айтиб: «Улар ҳийлакор ва гумроҳлар», деди ва [бир канча] шунга ўхшаш ишлар қилди. Буларга биз «Оқ кийимлилар» ва қарматийлар хабарлари ҳақида»ги асарда етарли даражада изоҳ берганмиз.

Ибн Абу Закариё ва унинг тарафдорлари саксон кун шундай қилиб турдилар. Ниҳоят, Аллоҳ уни топишни ўз зиммасига олган кишини унда ғолиб қилди. [У киши] уни сўйиб юборди ва ёвузларнинг ҳийла-найранглари бўғизларига қайтди.

Агар бу Жомасп ва Зардушт мўлжаллаган вақтнинг ўзи бўлса, у иккови вақтни [белгилашда] хато қилмадилар. Чунки бу ҳодиса Искандар эрасининг минг икки юз қирқ иккинчи<sup>885</sup> йилининг охирида содир бўлиб, унда Зардуштнинг юзага чиққанига минг беш юз йил тўлган эди. Лекин улар давлатнинг мажусийларга қайтишини [аниқлашда] хато қилдилар. Жоҳиллик юзасидан мажусийликни маҳкам ушлаган ва бир ҳукмдор чиқишини узоқ вақт умид қилиб турган Абу Абдуллоҳ ал-Адий<sup>886</sup> ҳам шундай хато қилган эди. У даврлар ва қиронлар ҳақида бир китоб таълиф этиб, унда Муҳаммад алайҳиссалом туғилишидан ҳисобланадиган ўн саккизинчи қироннинг Муштарий ва Қавс [ҳукмдорлик қилган муддатда] ўнинчи мингга тўғри келишини айтган. У [шу пайтда]: «Бир одам юзага чиқиб, мажусий давлатини қайта тиклайди. Ер юзига эгалик қилади, араблар ва бошқаларнинг давлатини йўқ қилади, халқни ягона дин ва бир давлатга бирлаштиради. Ёмонликларни бартараф этади ва етти ярим қирон муддат подшоҳлик қилади», – деб ҳукм чиқарди. [Ал-Адий]: «Араблардан ўн еттинчи қиронда [тахтга] ўтирувчи подшоҳдан кейин ҳукмрон бўлмайди», – деб очиқ айтди. У ишорат қилган вақт фақат халифа Ал-Муктафий биллоҳ ва Ал-Муктадир биллоҳни тақозо этади ва унинг қилган ваъдаси бу икки халифа<sup>887</sup> дан кейин вужудга келмайди.

Айтишларига кўра, Сосонийлар давлати «олов қиронот»<sup>888</sup> да барпо бўлган, Имод уд-Давла деб лақабланган Али ибн Бувайҳнинг<sup>889</sup> Дайлам давлати ҳам «оловли қиронот»да вужудга келган. Давлат ҳукмронлиги форсларга қайтиши хусусида бир-бирларига берган ваъдалари, гарчи йўл-йўриғи аввалги давлатникидек бўлмаса ҳам, шу Дайлам давлатидир. Билмаймизки, [юқоридагиларни айтган кишилар] қандай қилиб Дайлам давлати ҳукмронлигини кўзда тутдилар? Ҳолбуки, ўтар жойнинг «оловли учбурчак»<sup>890</sup> ка кўчиши Аббосийлар давлатига аниқроқ далолат қилади. Бу – Шарқдаги Хуросон давлатидир. Ўз навбатида, у [иккала сулола] ҳам [форслар] ҳукмронлигини у қадар тиклай олмайди ва айниқса, уларнинг эътиқодини қайтаролмайди.

(214)|| У баъзи бир ақидаларига амал қилар [Ибн Абу Закариё] юзага чиқишидан олдин қарматийлар ботинийларнинг ва улар Пайғамбар алайҳиссалом хонадони дўстлигига [шиаликка] мансуб бўлиб, кутилади-



ган [Махдий]нинг еттинчи киронда «оловли учбурчак»да юзага чиқишига ишонтирар эдилар. Ҳатто Абу Тоҳир Сулаймон ибн ал-Ҳасан бу хусусда шундай деган:

*Ҳажрга қайтишим сизни мендан гофил қилдимиз?<sup>891</sup>*

*Яқин – тез орада сизга бу ҳақда хабар келади.*

*Миррих Бобил заминидан кўриниб,*

*Икки ёриткич [Кўёш ва Ой]<sup>892</sup> ундан ажраганда, сақланинг, сақланинг!*

*Ҳамма китобларда ёдга олинган мен эмасманми?*

*«Аз-Зумар»<sup>893</sup> сурасида тавсиф қилинган мен эмасманми?*

*Тезда подшоҳ бўламан, Ернинг Шарқ ва Ғарб аҳолисига:*

*То Қайравон румлари, турклар ва хазарларгача.*

*Марям ўгли Исо [қайтиб] келгунича яшайман,*

*У менинг ишларимни мақтайди ва буюрганларимга рози бўлади.*

*Менинг манзилим, шубҳасиз, Жаннат ул-Фирдавсдадир<sup>894</sup>.*

*Бошқа [пайгамбар]лар жаҳаннам утида ёниб қовурилар».*

(80)|| Сўнгра<sup>895</sup> улардан кейин Ибн Абу Азоқир номи билан танилган киши чиқди, у Муҳаммад ибн Али аш-Шалмагонийдир<sup>896</sup>. У ўзида муқаддас руҳ жо бўлганини таъкидлаб, «Олтинчи сезги» номли китоб тузди, бунда бошқа диндорларнинг қонунлари инкор этилди. Тажрибасиз ва нодон халқдан бир қанча одам унга эргашиб, унинг нурини оилаларига олиб кириш билан ўзларини поклаган бўлдилар. Амиралмўминин Ар-Розий биллоҳ<sup>897</sup> уч юз йигирма иккинчи йилда<sup>898</sup> Ибн Абу Азоқирни қидирди. Ниҳоят, уни ҳамда Ҳусайн ибн Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб ва Абу Авн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Нажм<sup>899</sup>ни қўлга туширди: бу иккови азоқирийларнинг етакчиларидан эди. Ар-Розий биллоҳ, бу икковининг Аш-Шалмагонийга уни «рабб» ва «мавло» дея хитоб қилиб, у истганини қилишга қодир деб тавсифлаб, ундан ўзларига раҳмат ва яхшилик тилаб ёзган мактубларини топиб олди.

(81)|| Ибн Абу Азоқир Ҳусайнни «оромлар билан озикланган», Абу Авнни эса «башорат» деб атаган эди. Улар сўроқ қилиндилар ва мактублар ҳамда улардаги гапларнинг тўғрилигига иқрор бўлдилар. Ибн Абу Азоқир эса уларни ўзидан бундай тилакларни тилашдан қайтариб турганини даъво қилди ва Ҳусайн ибн Қосимни бундай сўзлардан покланишга ва унинг кадрини пасайтирадиган бир тадбир қилишга таклиф этди. Ҳусайн бу таклифни дарҳол қабул қилиб, уни бир неча марта шапалоқ билан урди. Абу Авнга ҳам шундай буйруқ берган эди, у бундан тортиниб четланди ва бўйсунмади. Охири Ҳусайн ночор, хурмат, таъзим чўп-чорни тушириш ва азият бераётган нарсани кеткизиш йўлида Ибн Абу Азоқирнинг соқолига қўлини чўзган эди, қўли қалтиради ва у очикдан-очик: «Мавлойим, мавлойим», – деб юборди. Ибн Абу Азоқир ундан тонди ва сўзларини ёлғонга чиқарди.

Сўнгра у лаънат ўқиб: «Уч кунгача осмондан азоб нозил бўлмаса, унинг кони ҳалол», – деди. Шу вақт Ар-Розий биллоҳ фақиҳлар ва қозилардан фатво сўради, улар Ибн Абу Азоқирни ўлдириб, ер юзини унинг ифлосликларидан тозалашга фатво бердилар. Ибн Абу Азоқир билан Абу Авнинг оёқ-қўли Мадинат ус-саломнинг бир маҳалласида миҳлаб қўйилди, сўнг ўлдирилди ва икковининг калласи қозикқа қадаб қўйилди, жасадлари эса қуйдирилди. Уларнинг даъволари йўққа чиқди.

Мана бу тайласон [пайғамбарликни даъво қилган] кишиларнинг орала-ридаги шамсий йиллардан иборат эраларни «Шопуракон» ва бошқа китоблардан тасҳиҳ этилган йўл билан ўз ичига олади. У [киши]лардан бирининг эраси аниқланса, ҳаммасиники маълум бўлади. Улар ҳақида юкорида батафсил сўзланди. Уларнинг машҳурлиги, қилган ишларининг аниқлиги, ўзига мансублиги ва эрасидан фойдаланиш жиҳатидан тобелари мавжудлиги учун улардан бошқалари ёдга олинмади. Ёдга олинганлар ҳақида керагича баён этдик ва Аллоҳ хоҳласа, кифоя қилар даражасига етдик.

### Сохта пайғамбарлар тайласони

	Яхудийлар кутаётган Маҳдий	Ибн Абу Азоқир	Ибн Абу Зақариё аг-Термизий	Ал-Ҳаллож	Муқанна	Беҳофарид	Мусайлима	Маздак	Моний	Зардушт	Будасаф
Ал-Дажол											2842
	22	165	167	185	314	351	467	582	871	1665	4507
		92	95	112	242	279	395	511	799	1592	4435
			2	20	149	186	302	418	706	1500	4342
				18	147	184	300	416	704	1498	4340
				20	149	186	302	418	706	1500	4342
				112	242	279	395	511	799	1592	4435
				185	314	351	467	582	871	1665	4507
					129	166	282	298	686	1480	4322
						27	152	269	557	1351	4192
							116	222	520	1314	4156
								116	404	1198	4040
								222	520	1314	4156
								404	1198	1314	4156
								520	1314	1351	4192
								557	1351	1480	4322
								686	1480	1498	4340
								704	1498	1500	4342
								706	1500	1592	4435
								799	1592	1665	4507
								871	1665		



## IX б о б . ФОРСЛАРНИНГ ОЙЛАРИДАГИ БАЙРАМЛАР ВА МАШҲУР КУНЛАР ҲАҚИДА

Форсларнинг ойларидаги маълум байрам кунларини баён этар эканмиз, зижлар эгаларининг ҳар бири баён этган сўзларига диққат қаратмаймиз, чунки улар бу масалага кўп эътибор бермаганлар. Бунга сабаб у [зиж]лар бузилган ва кўпчилиги ўғирланиб, ишончсиз нусхалардан кўчириш билан кифояланган.

Лекин биз у [маълум кунлар борасида] эътибор берганига шубҳалантирмайдиган кишилардан эшитган гапларимизни келтирамиз. Чунки уларнинг ўша байрам кунлари ҳақидаги эътиқодлари диёнат юзасидан дурустдир. Биз Зодувайҳ ибн Шоҳувайҳ китоби Исфаҳон мубади Хуршид ибн Зиёр китобида ва Муҳаммад ибн Баҳром ибн Митёр китобида шу мақсадда келтирилган сўзлардан қаноатланарли ва ихтилофсиз бир қисмини ўз ичига олганини кўрдик. У [китоблардаги маълумотларни] бу ерда ёзганларимиз қаторига кўчирдик ва уларни бир-бирига қўшиб, бу ҳақда айтилганларнинг аксарини жам қилдик ва Аллоҳдан ёрдам тилаб, шундай дедик:

Форслар йилларини кабисали қилаётган замонларда тўрт фаслни ойлар орқали билар эдилар. Чунки [фасллар билан ойлар] орасидаги ҳолат бир-бирига яқиндир: Фарвардин моҳ – ёз боши, Тир моҳ – куз боши, Меҳр моҳ – киш боши, Дай моҳ – баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб белгиланадиган [байрам] кунлари бор эди. Кабиса бекор қилинган, у [байрам] ларнинг вақтлари ўзгарди.

Бу [байрам] кунларининг баъзилари дунёвий ишлар учун, баъзилари диний ишлар учун белгиланган. Дунёвийлари мукаррам байрамлар ва улуғ кунлар бўлиб, подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимларни ўтказганлар ва улар орқали нафсларини севинтиришга, руҳларини шодлантиришга эришганлар ҳамда мактов ва мадҳга сазовор бўлганлар, [одамларнинг] муҳаббатини қозонганлар ва дуосини [олганлар]. Улар ўша кунларда оддий халқ учун ҳам турли маросимларни жорий қилганлар. Оддий халқ маросимни адо этиб, подшоҳ ва амирларнинг шодликларига қўшилар, уларга ихлос билан бўйсуниб хизмат қилаётганликларини изҳор этарди. Ана шу байрамлар фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва мусибат етганларни хавф-хатар ва кулфатдан халос этувчи сабаблардан бири бўлди. [Подшоҳ ва амирлар] баракот, бахт ва яхшиликка эришиш йўлида аввалгилардан ўрнатилган олиб, бу [маросим]лар учун йўл-йўриқлар тuzдилар.

Диний [байрамларга] келсак, буларни форсларнинг шарият арбоблари, имомлари, фақиҳлари ва диндорлари тайин этганлар. Бундай байрамларни нишонлашдан мақсад ҳам биз айтиб ўтгандек бўлса-да, асли охират [учундир]. Биз форсларнинг ҳар бир ойида учрайдиган мазкур икки турдаги байрамларни баён этамиз.

**Фарвардин моҳ.** Бу ойнинг биринчи куни Наврўз санасидир. Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади.<sup>900</sup> Наврўз форсларнинг зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларда Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. [Энди] у бутун йил (84)|| унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда [шаҳват] кўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Айтишларича, шу куни Аллоҳ фалаклар ҳаракатсиз турганида уларни айлантириб ва ёриткичлар тўхтаб турганида уларни сайр эттириб юборган. У Қуёшни яратган. Ниҳоят, у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган. Айтишларича, шу куни Аллоҳ қуйи оламни яратиб, Каюмарсни унга подшоҳ қилган ва Наврўз унинг «жашн»и, яъни байрами бўлган.

Баъзиларнинг айтишича, Наврўз Аллоҳ махлуқотни яратган олти куннинг биринчисидир. Қуёш ва Ой осмоннинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир.

Ал-Маъмун Али ибн Мусо ар-Ризодан<sup>901</sup> Наврўз ҳақида сўраганида, у: «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир», – деган.

Абдуссамад ибн Алидан ривоят қилинишича, у [бу ривоятни] бобоси Абдуллоҳ ибн Аббосга нисбат беради. Наврўз куни Пайғамбар алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Бу нима?» – деган. «Наврўз», – деб жавоб берганлар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Наврўз нима?» – деб сўраган. «Форсларнинг улуғ байрами», – деганлар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Тўғри, бу шундай бир кунки, Аллоҳ бунда «аскара»ни<sup>902</sup> тирилтирган», – деган. «Аскара нима?» – деб сўраганлар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Улар мингларча бўла туриб, ўлимдан қўркиб, ўз мамлакатларидан чиққанлардир. Шунда Аллоҳ уларга: «Ўлинг!» – деган. Сўнгра уларни шу [Наврўз] кунда тирилтириб, руҳларини ўзларига қайтарган. У осмонга буюрган, осмон уларнинг устларига ёмғир

ёгдирган. Шунинг учун одамлар Наврӯз кунини сув сепишни расм қилиб олганлар», деган. Кейин Пайғамбар алайҳиссалом ҳолвани еб, (215)|| жомини<sup>903</sup> [синдириб] суҳбатдошларига тақсим этганлар ва: «Кошки, биз учун ҳар кун Наврӯз бўлсайди», – деганлар<sup>904</sup>.

Ҳашвийлардан бирининг айтишича, Сулаймон ибн Довуд (иккисига Аллоҳнинг саломи бўлсин) узугини йўқотди, подшоҳлиги кўлидан кетди, сўнгра қирк кундан кейин [узуги] ўзига қайтарилиб, равнаки ҳам қайтиб келди. Подшоҳлар унинг ҳузурига келдилар, паррандалар тўпландилар, шунда форслар: «Наврӯз омад», яъни «Янги кун келди», – дедилар.<sup>905</sup> Натижада, [шу кун] «Наврӯз» деб аталди. Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб кетди, бир қалдирғоч унга рўпара чиқиб: «Эй подшоҳ! Уямда бирмунча туҳум бор. Уларни босиб кетма. Нарирокдан ўт», – деди. Сулаймон наридан ўтди ва у ерга тушгач, ҳалиги қалдирғоч тумшуғида сув олиб келиб, унга сепди ва чигиртканинг бир оёғини ҳадя қилди. Наврӯз [куни] сув сепиб, ҳадялар беришнинг сабаби шудир.

Ажам олимлари: «Наврӯз кунини бир соат бор. Шу соатда Фируз фалаки руҳларни махлуқотни яратиш учун юборади. У куннинг энг саодатли соатлари Қуёш соатларидир. Унинг тонгида ёруғлик имкон борича [ерга] яқинлашади, одамлар унга қараши билан ўзларини бахтли санайдилар.

У танланган кундир, чунки у Ҳурмузд деб аталган. Бу ном бунёд этувчи, санъаткор яратувчи, дунёни ва унда яшовчиларни тарбияловчи азиз ва улуг Тангрининг исмидир. Унинг неъмат ва эҳсонини бўлақларининг бир бўлагини ҳам тавсифлашга тавсифловчининг қудрати етмайди», – дейдилар.

Саъид ибн ал-Фазл: «Форсдаги Думо тоғида ҳар Наврӯз кечаси ҳаво хоҳ очик, хоҳ булутли бўлсин, вақт қандай ҳолатда бўлмасин, чакмоқлар чакқани ва ярқирагани кўринади», – деди. Калвозо<sup>906</sup> оловлари, гарчи кўрмагунча кўнгил инонмаса ҳам бундан ажойиброқдир. Ҳисобдон Абу-л-Фараж аз-Занжоний<sup>907</sup> менга бундай хабар берди: Азуд ад-Давла Багдодга кирган йили, у бир қанча одамлар билан Калвозо томонга кетаётганида, ҳамма у ердаги оловларни кўрган. Улар кўплигидан санаб бўлмайдиган оловлар ва шамлар бўлиб, Дажла дарёсининг ғарб томонида, Калвозо рўпарасида тонг отса, Наврӯз бўладиган кечаси кўринибди. Султон [Азуд ад-Давла] бу ҳодиса мажусийларнинг ясама ишлари бўлмасин, деб ҳақиқатни текшириш учун у ерга кутатувчиларини қўйибди. Улар ҳеч нимадан воқиф бўлмадилар. Фақат агар [оловларга] яқинлашсалар, улар узоклашганини, агар узоклашсалар, [оловлар] яқинлашганини кўрибдилар, холос.

Мен Абул Фаражга: «Форслар кабисани бекор қилганликлари сабабли Наврӯз ўз жойида қолмади-ку? Нима учун бу кўриниш Наврӯздан кейинга қолмайди? Агар кейинга қолиши лозим бўлмаса, [форслар] кабиса ишлатган вақтдагидан олдин келяптими?» – десам, у қаноатлантирадиган жавоб бермади.

(216)|| Афсунгарлар: «Наврӯз кунни тонг отганда биров гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак [хушбўй] мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлади», – деганлар.

Форс олимларидан бири: «У кунни Наврӯз деб аташнинг сабаби шуки, собийлар Тахмурад даврида юзага чиққанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, [мажусийлар] динини янгилади ва бу иш қилинган кун, Наврӯз [яъни] «янги кун» деб аталди. Бу кун, гарчи у [Жамшид]дан олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлсада, байрамга айлантирилди», – дейди.

Наврӯзни байрам қилиш тўғрисида ҳам бундай дейилган: Жамшид [ўзига] арава ясаб олгач, ўша кунни унга чиқди. Жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни байрам қилдилар ва Жамшиднинг [аравада учишига] таклид қилиб, арғимчоқларда учдилар.

Баъзиларнинг гумонича, Жамшид шаҳарларни айланишни яхши кўрар эди. У Озарбайжонда бўлишни истаб, тилладан ясалган тахтга ўтирди ва одамлар тахтни елкаларига кўтардилар. Жамшидга Қуёш нури тушди, одамлар уни кўргач, улуғладилар ва шодланиб ўша кунни байрамга айлантирдилар.

Форсларда Наврӯз кунни бир-бирларига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди. Бағдод мубади Озарбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг [сабаби], Наврӯз кунни Жамшид мамлакатада шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Уни тотиб қараган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган. [Шакар] бешинчи кунни кўтариб олинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар. Меҳржон байрамида ҳам бу [маросим] ўтказилган.

Форслар йил бошланиши [кунни учун] ёзги Қуёш туриши вақтини танлаганликларининг сабаби шуки, Қуёшнинг иккала [ёзги ва кишки] туришини кузатиш қуроллари ва кўз орқали аниқлаш икки тенгкунликни [билишдан] осонроқдир. Чунки Қуёш [оламнинг] икки қутбидан бирига қарашининг бошланиши ва айнан ўша қутбга орқа ўгиришининг бошланишидир. Ёзги Қуёш туришида юқорига кўтарилувчи соя ва кишки туришида қуйига тушиб ёйилувчи соя Ернинг қайси нуқтасида бўлса ҳам кузатилса, Қуёш туриши кунини кузатувчига, гарчи у геометрия ва астрономиядан анча узоқ бўлса ҳам, яширин қолмайди. Чунки [Қуёшнинг] мойил бўлаётгани бироз билинса ҳам, ёйилувчи сояда ёйилишининг орта боргани соя кўпроқ кўтарилганда маълум бўлади.

(217)|| Икки тенгкунликка келсак, олдин шаҳар кенгламаси ва тўлиқ мойиллик билинмасдан, у икки кунни аниқлаб бўлмайди. Қолаверса, бу фақат астрономияга диққат билан эътибор берган, унинг илмидан хабардор бўлган, кузатиш қуролларини, уларни тиклашни ва улар билан ишлашни билган кишигагина маълум бўлади. Демак, шу сабабларга кўра йил боши бўлиши учун

Қуёшнинг иккала туриши икки тенгкунликдан кўра мувофиқроқдир. Ёзги Қуёш туриши шимол томонда зенитга яқинроқ бўлгани сабабли [форслар] уни йил боши бўлиши учун қишдагисига нисбатан муносиброқ кўрганлар. Яна бу ғаллалар етиладиган вақт бўлиб, хирож солигини йиға бошлаш учун бошқа вақтдан кўра қулайроқдир.

Юнон олимлари ва донишмандларининг кўпчилиги кўтарилаётган [ёриткич]ни Ал-Калб ал-Ақбарнинг<sup>908</sup> кўтарилиш вақтидан белгилаб, йил бошини баҳорги тенгкунликдан эмас, ўша вақтдан ҳисоб қилганлар. Чунки унинг кўтарилиши ўтиш замонда шу [ёзги] Қуёш туришига ёки унинг яқинига тўғри келган.

Шу кун, яъни Наврўз ўз вақтидан [шунчалик] ўзгариб кетдики, ҳатто бизнинг замонимизда Қуёшнинг Ҳамал буржигга кирган вақтига, яъни баҳор бошига тўғри келадиган бўлди. Кейин Наврўзда отлик аскарларга баҳорги ва ёзги кийимларни кийдириш Хуросон подшоҳларига одат бўлиб қолди.

[Фарвардин моҳнинг] олтинчи куни, яъни Рўзи Хурдод – Катта Наврўз бўлиб, форсларда шаъни улуг байрамдир. Айтилишича, шу куни Аллоҳ махлуқотни яратишдан фориг бўлган, чунки бу кун айтиб ўтилган олти куннинг охиргисидир. Муштарий ана шу куни яратилган ва бу куннинг энг саодатли соати – Муштарий соатидир.

Айтишларича, шу куни Зардуштнинг худога муножот этиш навбати етган, [бу кун] Кайхусрав ҳавога кўтарилган ва Ерда яшовчиларга шу куни саодатлар таксим этилган. Шунинг учун форслар уни «Умид куни» деб атайдилар.

Афсунгарлар: «Шу куннинг тонгида бир сўз айтишдан олдин шакар тоиб, ўзига зайтун [ёғи] суртган кишидан шу йилда турли балолар даф этилади», – деганлар.

Баъзилар: «Шу куннинг тонгида Бушанж<sup>909</sup> тоғида қўлида бир бойлам гиёҳ тутган индамас бир киши кўринади. У бир соатча пайдо бўлиб, кейин келгуси йил шу вақтгача гойиб бўлади», – деганлар. Зодавайх ўз китобида ёзишига кўра, бу ҳодисага сабаб Қуёшнинг жануб томондан, яъни афахтардан<sup>910</sup> чиқиши бўлган.

Чунки лаънати Иблис баракотни кеткизаверганидан кейин одамлар овқат ва ичимликдан бош кўтармаганлар, [лекин тўймаганлар]. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатган, натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалокат остонасида қолган. Шунда Аллоҳнинг амри ва йўл кўрсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаб, жанубий томонга борган ва то баракатсизликни кеткизгунича бир қанча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўътадил [ҳолатга], баракот ва фаровончиликка қайтиб, балодан қутулганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни Қуёшдек тулуъ этган ва ундан нур таралиб турган, чунки у Қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита Қуёш тулуъ этганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган новдалар кўқарган ва одамлар: «Рўзи нав», яъни «Янги кун» деганлар. Ҳар ким баракатга эришиш учун тос ёки бошқа [идиш]ларга арпа эккан. Кейин подшоҳлар саройларининг сахни

атрофига етти тахтага етти хил дондан экиш расм бўлиб қолган. Буларнинг униб чиқишига қараб шу йилги ғаллаларнинг тўлиқ ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан.

(218)|| Шу куни Жамшид ҳозир турганларни чақириб ва узоққа кетганларга хат ёзиб, эски «новус»ларни бузишга ва шундай кунда янги новус қурмасликка буюрган. [Жамшид] одамлар билан яхши муомала қилди. Унинг қилган иши Аллоҳга манзур бўлди. У Жамшидга бу яхши одати эвазига [шундай] мукофот берди: қўл остидагиларни турли касалликлар, кексайиш, ҳасадгўйлик, йўқчилик, ғам ва мусибатлардан четлатди. Унинг подшоҳлиги даврида, то сингисининг ўғли Биварасп юзага чиқиб, уни қатл этиб мамлакатга эга бўлгунича, ҳеч бир жондор касал бўлмади ва ўлмади.

[Жамшид замонида халқ] кўпайди, ҳатто, уларга ер торлик қилди. Шунда Аллоҳ ерни турган [миқдор]ига нисбатан уч баробар кенгайтирди, одамларни гуноҳлардан пок бўлишлари учун сувда чўмилишни буюрди. Шундан бери улар Аллоҳ йил давомида офатларни даф этиши учун ҳар йили буни такрор қиладилар.

Баъзи кишиларнинг гумонича, Жамшид<sup>911</sup> анҳорлар қазишга буюрган ва айнан шу куни бу анҳорларга сув юборилган. Одамлар бундай серобгарчилик башоратидан қувониб, шу [анҳорлардаги] сувда чўмилганлар. Кейинги авлод ҳам улуғлаш мақсадида олдингиларнинг [бу] ишини давом эттирган.

Баъзиларнинг айтишича, Афросиёб Эроншаҳр иморатларини хароб қилганидан кейин Завв анҳорларга сув юборган.

Бошқалар: «Балки чўмилишга сабаб [шуки], у кун Ҳарузога тегишлидир. Ҳарузо сув фариштаси, унинг насаби сув билан бирдир. Шунинг учун одамлар шу куни тонг ёришган пайтда ўринларидан туриб анҳор ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувлардан идишларда сув олиб, баракатли бўлиш ва офатларни даф этиш учун устларидан сув қуядилар», – деганлар.

Шу куни одамлар бир-бирига сув сепишади. Бунинг сабаби, чўмилиш сабабининг ўзидир. Баъзиларнинг айтишича, балки узоқ замон Эроншаҳрда ёмғир бўлмаганлиги [бунга] сабаб бўлган. Жамшид тахтга ўтириб, биз айтиб ўтган башоратни бергач, ёмғир мўл ёққан. Одамлар ёмғирни табаррук билиб, бир-бирларига сепганлар, кейин [бу] уларга одат бўлиб қолган.

Яна, айтишларича, сув сепиш баданни ўзига олган олов тутунидан ва унга ёпишган аланга қуясидан тозаланиш ўрнида бўлади. Яна бу ҳаводаги вабо ва [бошқа] касалликлар туғдирадиган бузилишни даф қилади.

Жамшид [ҳамма] нарсалар миқдорини шу куни аниқлади ва ундан кейинги подшоҳлар бу ишни яхши билиб, керакли қоғоз ва атрофга юбориладиган мактублар битиладиган териларни [шу куни] тайёрлайдиган бўлдилар. Охирига муҳр босиш керак бўлган нарсаларга [шу кун] муҳр босилди. Бу форсча «исфидо навишт»<sup>912</sup> деб аталарди.



Жамшиддан кейинги [подшоҳлар] бу ой, яъни Фарвардин моҳнинг барча [кунлари]ни байрамга айлантириб, уларни олти қисмга бўлдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси, улуғ кишилар учун; учинчиси, подшоҳларнинг ғуломлари учун; тўртинчиси, хизматкорлари учун; бешинчиси, халқ оммаси учун<sup>913</sup>; олтинчиси, чўпонлар учун.

Айтишларига кўра, икки Наврўз орасини туташтирувчи шахс Шопур ўғли Хурмуз баҳодир бўлган. Чунки у икки Наврўз орасидаги барча кунларни байрамга айлантирган ва баракат олиб келиши, зарраларнинг фазодаги зичлигини куйдириши, ҳавони бузувчи бадбўй моддаларни суюлтириб, йўқ қилиши учун оловларни баланд жойларга кўтарган.

(219)|| Хусравларнинг шу беш кун ичида [ўтказадиган] маросимларидан бири шундай эди: подшоҳ Наврўз куни [байрам]ни бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул этиш ва уларга эҳсон қилиш мақсадида [тахтга] ўтирганини билдиради. Иккинчи куни мартабаси жуда юқори кишилар, яъни деҳқонлар ва [машҳур] хонадон аҳллари [қабул қилиш] учун ўтиради; учинчи куни отлич сипоҳлари ва улуг мубадлари учун ўтиради; тўртинчи куни ўз уйидагилар, яқин ва махсус кишилари учун, бешинчи куни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишиларни [қабул этиш] учун ўтиради. Уларнинг ҳар бирига хизматига лойиқ мартаба бериб, икром қилади, лозим кўрган яхшилик ва инъомини тўлиқ адо этади.

Олтинчи кунида эса [шоҳ] халқ ҳуқуқини адо этишдан бўшаган саналиб, ўзи учун Наврўз қилади, ўз оиласидан ва хилватдаги [суҳбатига сазовор] кишилардан бошқани қабул этмайди. Ҳадя келтирувчиларнинг мартабаларига қараб, ҳадяларни ҳузурига келтиришни буюради ва уларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсимлаб беради, хоҳлаганларини хазиналарга қўяди.

[Фарвардин моҳнинг] ўн еттинчи куни Саруш Рўздир. Саруш – бу дастлабки «замзама»га буюрган киши. Замзама – фаҳмладиган сўз билан эмас, шивирлаб гапиришдир. Бунга [сабаб] шуки, қачон улар намоз ўқиб, Аллоҳга тасбеҳ айтиб, уни муқаддас тутсалар, шу ўртада овқатланиб оладилар. Намоз ўртасида уларнинг гапиришлари мумкин бўлмагани учун «ҳимм-ҳимм» деб ишорат қиладилар. Бу маълумот геометрия фанлари олими Озархурнинг бизга берган хабарига асосланган. Бошқа кишининг айтишича, замзама оғизлардан чиқадиган буғ овқатларга тегмаслиги учундир.

[Саруш рўз] ҳамма ойда ҳам муборак кундир. Чунки Саруш фаришталардан кеча посбонининг исми.

Саруш – жин ва сеҳргарлар билан курашувчи энг кучли фариштадир. У кечаси одамлар устида уч марта [ҳавога] кўтарилиб, жинларни қувгин қилади ва сеҳргарларни ҳайдайди. Унинг кўтарилиши сабабли кеча ёришади, ҳаво салқин ва сув чучук бўлади.

Ҳалиги уч марта кўтарилишнинг бири – тонг отиши. Бунда ўсимликлар ўсади, гуллар очилади, кушлар сайрайди, бемор роҳатланади, ғамгин ғамдан кутулади, мусофир ҳаловат топади, замон яхши бўлади, туш рост чиқади, фаришта ва жинлар шодланади.

[Фарвардин моҳнинг] ўн тўққизинчи куни Фарвардин рўздир. У кун номи кирган ой номи билан бир хил бўлгани сабабли уни Фарвардигон деб ҳам атайдилар. Форсларда ҳар бир ойда шундай [ҳолат] учрайди.

**Урдибиҳишт моҳ.** Бу ойнинг учинчи куни – Рўзи Урдибиҳишт байрам санаси ҳисобланиб, бу кун икки ном мувофиқ келгани сабабли Урдибиҳиштагон деб аталади. Бунинг маъноси «садоқат – яхшиликдир». Баъзиларнинг айтишича, «[садоқат] яхшиликнинг ниҳоясидир».

Урдибиҳишт – олов ва нур фариштаси: бу иккиси шу фариштага мансубдир. Аллоҳ бу фариштани [ўт ва нур] ишига, дори-дармонлар ва озик-овқатлар орқали иллат ва касалликларни кеткизишга, ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан қасамлар билан ажратишга вакил қилган. Айтишларича, булар [Авесто]да хужжат сифатида аниқ баён этилган.

Бу ойнинг йигирма олтинчи куни Аштоз рўз. Бу – учинчи «гоҳанбар»нинг<sup>914</sup> биринчи куни. Бу [гоҳанбар] беш кун бўлиб, охиригиси ойнинг сўнгги [куни]дир. Аллоҳ шу кунда ерни яратган. Гоҳанбарнинг номи «Пайтишаҳим гоҳ»дир. Гоҳанбарлар олтита бўлиб, уларнинг ҳар бири беш кундан [иборат]. Буларни Зардушт асослаган.

(220)|| **Хурдод моҳ.** Бу ойнинг олтинчи куни рўзи Хурдод бўлиб, байрам кунидир. Икки ном бир хил бўлгани сабабли уни Хурдодагон деб атайдилар. Бу номнинг маъноси «махлуқларнинг барқарорлиги» демакдир. Ҳарузо махлуқотлар, дарахтлар ва ўсимликларни парвариш қилишга, сувларни нопокликдан сақлашга вакил қилинган фариштадир.

Йигирма олтинчи кун Аштоз рўз бўлиб, тўртинчи гоҳанбарнинг биринчи кунидир. Унинг охири эса ойнинг сўнгги кунидир. Аллоҳ дарахт ва ўсимликларни шу кунда яратган. Бу гоҳанбарнинг номи «Аётрим гоҳ»дир.

**Тир моҳ.** Бу ойнинг олтинчи куни (рўзи Хурдод) байрам санаси бўлиб, «Жашни Нилуфар» деб аталади.

[Бу ойнинг] ўн учинчи куни (рўзи Тир) байрам бўлиб, икки ном санаси мувофиқ келгани сабабли уни Тирагон деб атайдилар.

Бу куннинг [байрам қилинишига] икки сабаб бор.

Бири, айтишларича, Афросиёб<sup>915</sup> Эроншаҳрни босиб олиб, Табаристонда Манучеҳрни<sup>916</sup> камал қилгач, Манучеҳр ундан бир илтимос қилди. Афросиёб унинг илтимосини қабул этиб, Эроншаҳрнинг бўйига ва энига отилган бир ўк масофасича жойни ўзига қайтариб беришни ваъда қилган. Шунда «Авесто» китобида айтилганидек, фаришталардан Исфандармуз дегани ҳозир бўлиб, [Манучеҳрга] ўқ-ёй тайёрлашни буюрди ва уни ясовчига уларни ўзи кўрсатган ўлчамда бўлишини айтди. Ариш [унинг] хузурига чақирилди. У олиғжаноқ, диёнатли ва билимдон киши эди, [Афросиёб] унга ёйни олиб, ўқ отишни

буюрди. Ариш ўрнидан туриб, яланғоч бўлди ва: «Эй подшоҳ, эй халойиқ, вужудимни кўринг! Мен ҳар қандай жароҳат ва касалликдан покман ва аминманки, бу ўқ-ёйни отганимда парча-парча бўлиб кетаман ва ҳалок бўламан. Аммо мен уни сизларга фидо қилдим», – деди.

Сўнгра унга Аллоҳ берган қувват билан ёйни кериб, ўқни отди ва ўзи парча-парча бўлиб кетди. Аллоҳ шамолга буюрди, шамол ўқни Руён тоғидан Хуросоннинг Фаргона ва Табаристон орасидаги энг узоқ чеккаларига олиб кетди. Ўқ дунёдаги дарахтлар орасида катталиқда мисли кўрилмаган улкан ёнғоқ дарахтининг илдизига тегди. Айтишларига кўра, [ўқ] отилган жойдан то бориб тушган жойигача [бўлган масофа] минг фарсах экан<sup>917</sup>. [Манучеҳр ва Афросиёб] шу [ўқ] отилишига келишдилар. Бу шу [Тир моҳнинг ўн учинчи] куни бўлган эди. Халқ шу кунни байрам қилиб белгилади.

Манучеҳр ва Эроншаҳр аҳолиси қамал [вақтида шундай] қийинчиликка учрадиларки, улар буғдой янчиб, нон қилишга кодир бўлмадилар. Чунки унинг [етилиш] муддати ҳали узоқ эди. Ниҳоят, етилмаган буғдой ва ҳўл меваларни қайнатиб едилар. Шу кундан [бошлаб] буғдой ва ҳўл меваларни қайнатиш<sup>918</sup> одат бўлиб қолди.

Айтишларича, ўқ отилган кун айни шу сана, яъни рўзи Тир<sup>919</sup> бўлиб, бу кичик Тирагондир. Ўн тўртинчи куни эса Гўш рўз<sup>920</sup> бўлиб, катта Тирагондир. Ўқ тушиши хабари шу куни тарқалди.

Рўзи Тирда ошхона асбоблари [синдирилиб], ўчоқлар бузиб ташланади. Чунки шу куни одамлар Афросиёбдан кутулган ва ҳар ким ўз ишига қайтган.

(221)|| [Рўзи Тирда байрам қилиш учун] иккинчи сабаб [бундай]: «дахуфазлик» – бунинг маъноси дунёни сақлаш, уни кўриқлаш ва дунёда ҳукмрон бўлиш; «деҳқончилик» – бунинг маъноси дунёни обод этиш, экин экиш ва дунёни тақсимлаш. Иккиси бир бутун саналиб, дунё шулар орқали обод ва доимо барқарор бўлади, издан чиқиб кетишдан сақланади. «Котиблик» ўша икковига тобе ва боғлиқдир. Дахуфазлик Ушанждан, деҳқончилик эса унинг биродари Вайкарддан содир бўлган.

Бу куннинг номи Тир. Бу котиблар юлдузи – Уторид демақдир. Ўша куни шу вақтда Хушанг ўз биродари Вайкард исмини юқори кўтарди ва деҳқончилик унга берилди. Деҳқончилик ва котиблик – иккови бир нарса. Кейин Вайкардни улуғлаш ва ҳурматлаш мақсадида шу кунни байрамга айлантдилар. Шу куни [Хушанг] дунё аҳолисига котиблар ва деҳқонлар қийини қийишни буюрди. Кейин подшоҳлар, деҳқонлар, мўбадлар ва бошқалар то Виштасп давригача котибликни улуғлаш ва деҳқончиликни ҳурмат қилиш учун котиблар либосида қолдилар.

Форслар шу куни ювиниб покланадилар. Бунинг сабаби шуки, Кайхусрав Афросиёб билан бўлган жангдан қайтгач, шу куни Сова<sup>921</sup> томонга ўтиб, унинг юқорисидаги тоққа чиқди ва лашкаргоҳидан ажралиб, бир булоққа тушди.

Шунда унга бир фаришта кўринди. Кайхусрав кўрқиб, ҳушидан кетди. Бу вақт Гударз ўғли Вайжоннинг Кайхусрав ҳузурига келган пайти эди. Кайхусрав энди ўзига келган эди. Вайжон унинг юзига ўша сувдан пуркаб, уни шу ердаги бир тошга суяб қўйди ва унга: «Эй шох моандеш!» яъни, «Эй шох, кўркма!» – деди. Кайхусрав шу булок [ёнида] бир кишлок қуришни буюрди ва уни «Мондеш» деб атади. Бу ном осонлаштирилиб, «Андеш»га айлангилди. Сўнгра шу сувда ва бошқа барча булок сувларида шукрона келтириб покланиш одат бўлди. Омул<sup>922</sup> аҳолиси шу куни Хазар денгизига<sup>923</sup> бориб, кун бўйи сувда ўйнаб, шўнгишадилар.

**Мурдод моҳ.** Бу ойнинг еттинчи куни – рўзи Мурдод Мурдодагон деб аталади. У байрам куни бўлиб, икки ном сабабли шундай юритилган. «Мурдод»нинг маъноси «махлуқотнинг ўлмаи абадий қолиши» демақдир. Мурдод – дунёни саклаш, очлик, ёмон ҳолат, касалликларни кетказувчи ўсимликлардан бўлган озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни тайёрлаш учун вакил этилган фариштадир. Яна Аллоҳ билимдонроқдир.

**Шаҳривар моҳ.** Бу ойнинг тўртинчи куни, яъни рўзи Шаҳривар икки ном мувофиқ келгани сабабли Шаҳриварагон деб аталадиган байрам санасидир. Бу [ном]нинг маъноси «уруғ» ва «муҳаббат»дир. Шаҳривар – еттита қимматбаҳо нарсага, яъни турли санъатларга, дунё ва дунё унинг аҳли мавжудлиги учун бўлувчи олтин, кумуш ва бошқа маъданларга вакил қилинган фаришта.

(222)|| Зодавайҳ бундай деган: «Бу кун Озаржашн<sup>924</sup> деб аталади. Бу одамларнинг уйларидаги оловлар байрами бўлиб, киш аввалида нишонланади. Бунда одамлар уйларида катта оловлар ёкиб, Аллоҳга кўп ибодат қилиб, ҳамд айтадилар, овқатланиш ва хурсандлик қилиш учун тўпланадилар. Уларнинг даъвосича, бу ишлар совуқни ва қишда бўладиган қуруқликни кўтариш учун амалга оширилади; оловларнинг ҳарорати ҳар ёққа таралиб, дунёдаги ўсимликларга зарар келтирувчи офатларни даф қилади. Уларнинг бу ҳақда тутган йўли катта лашкар билан ўз душмани [томон] га жанг учун кетаётган кишининг йўлидир».

Хуршид Мубад бундай деган: «Озаржашн – бу шу ойнинг биринчи куни, яъни рўзи Хурмуздир. Ойнинг ўн олтинчи куни, яъни рўзи Меҳр «хазони аввал»<sup>925</sup> деб аталади. Бу баъзи кишилар учун [байрам бўлиб], форсларнинг ойларида белгиланса ҳам, уларнинг [байрам] кунларидан эмас. Бу тоҳаристонликларнинг кунларидандир. Ҳаво ўзгариб, қиш бошланиши сабабли уларда шу [байрам] расм бўлган. Хуросон аҳолиси бизнинг замонимизда уни куз бошига кўчирдилар. Бу кун, яъни рўзи Меҳр бешинчи гоҳанбарнинг боши бўлиб, унинг охири рўзи Баҳромдир. Бу кунда Аллоҳ чорва молларни яратган ва бунинг номи [Майдёрим гоҳ]дир».

**Меҳр моҳ.** Бунинг биринчи куни – Ҳурмузд рӯз. Бу иккинчи куз бўлиб, юқорида баён этилганлар сингари умумхалқ учундир.

Ўн олтинчи куни, яъни рӯзи Меҳр шаъни улуғ байрамдир. У Меҳржон номи билан машҳур ой номига мувофиқдир. Бу [сўз]нинг тафсири «жон севгиси» демақдир. Баъзиларнинг айтишича, «Меҳр» – Қуёш номи. Қуёш шу куни оламга зоҳир бўлиб, [байрам] унинг номи билан аталган. Бунга далил шуки, Қуёш сурати ва унинг айланиб юрадиган аравасининг сурати солинган тожни кийиш Хусравларнинг шу кунда ижро этадиган маросимларидандир. Шу куни форсларда бозор бўлади.

Таъкидлашларича, форслар [шу кунни] Афридуннинг ваъз ўқишини эшитиб, одамлар хурсанд бўлишлари учун алоҳида нишонлар экан. Чунки Қовий Аз-Заҳҳок Бивараспа хужум қилиб, уни ҳайдаб, Афридунга эргашишга ундаган.

Қовий шундай киши эдики, форсларнинг подшоҳлари унинг туғ ва байроғини ўзлари учун бахт келтирувчи деб билганлар. У байроқ айиқ териси, баъзиларнинг айтишича, шер [терисидан] бўлиб, «дирафши Қовиён»<sup>927</sup> деб аталган. Кейин у кимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилган.

Айтишларича, Фаридунга<sup>928</sup> ёрдам бериш учун шу куни фаришталар тушган. Шу сабабли, подшоҳларнинг саройларида мана бундай одат жорий бўлган: Тонг ёришаётган вақтда шижоатли бир киши сарой саҳнида туриб, баланд овоз билан: «Эй фаришталар, дунёга тушинг, ундан шайтонлар ва ёмонларни хўрлаб, ҳайданг!» – дейди. Айтишларича, Аллоҳ ерни шу куни кенг қилиб кўйган ва жасадларни руҳлар учун қароргоҳ сифатида яратган. Шу куннинг [қайсидир] бир соатида фалаки Ифранжави жасадлар тарбияси учун чуқур нафас олади. [Яна] айтишларича, Аллоҳ Ойни нурсиз қора курра қилиб яратган. Кейин, [яъни] шу куни унга гўзаллик [берган] ва ўз нури билан ёритган. Шунинг учун: «Ой Меҳржонда Қуёшдан шарафли бўлади», – дейилган. [Меҳржоннинг] энг бахтли соатлари Ой соатларидир.

(223)|| Саъид ибн ал-Фазл: «Форс олимлари: «Шаҳин тоғининг<sup>929</sup> чўққиси бутун ёз давомида ҳамиша қора кўриниб, Меҳржон тонгида ҳаво очиқ, булутли ёки унинг қандай ҳолатда бўлишига қарамай, худди устида қор бордек кўринади<sup>930</sup>», дейдилар», – деган.

Ал-Қисравий: «Халифа ал-Мутаваккил мўбадининг: «Меҳржон куни Қуёш Ҳоминда<sup>931</sup> нур ва зулмат орасида кўтарилиб, руҳлар жасадлар ичида йўқ бўлади. Шунинг учун форслар бу кунни Мирагон деб атаганлар», деяётганини эшитдим», – деган.

Афсунгарлар: «Меҳржон куни бироз анор еб, гул суви хидлаган кишидан кўп офатлар даф этилади», – деганлар.

Аммо форсларнинг шарҳловчилари шундай кунлардан турли маънолар чиқариб, Меҳржонни қиёмат ва олам охирига далил қилганлар. Бунга шу

куни ўсувчи нарсанинг ўсиш чегарасига етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилишини ва ҳайвонларнинг наслланишдан тўхташини сабаб қилиб кўрсатганлар. Шунингдек, Наврўзни, бунда ҳалиги [Меҳржондаги] ҳолатларнинг акси пайдо бўлиши сабабли, оламнинг бошланишига далил қилганлар. Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқ билганидек, улар Меҳржонни Наврўздан ортиқ билганлар. Буни исботлашда Искандар Аристотелдан: «У икки куннинг қайсиниси афзал», деб сўраганида, унинг: «Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз [баҳордан] афзал», – деган жавобига асосландилар.

Ўтмиш замонларда бу кун қиш бошига тўғри келган, кейин кабиса бекор қилиниши сабабли олдинга сурилган<sup>932</sup>. Бизнинг замонимизда Хуросон подшоҳларида шу кун отлик аскарларга кузлик ва қишлик кийим бериш одат бўлди<sup>933</sup>.

Бу ойнинг йигирма биринчи куни, яъни Ром рўз, Катта Меҳржон байрам санасидир. Бу [байрам]га Афридуннинг Аз-Заҳҳок устидан галаба қозониб, уни асир этиши сабаб бўлган. Айтишларича, Афридун олдига келтирилганда, Аз-Заҳҳок: «Бобонг [қони] учун мени ўлдирма!» – деган. Афридун унинг сўзини ёқтирмай: «Қасосланишда ўзингни Вайжон ўғли Жамшидга тенглаштирмоқчимисан? Йўқ, балки сени бобом уйидаги хўкиз [қони] учун ўлдираман», – деб жавоб берган.

Кейин уни боғлатиб, Дунбованд тоғига ҳибс эттирди. Одамлар Аз-Заҳҳок зулмидан халос бўлиб, ўша кунни байрам қилганлар. Афридун уларга белларига [алоҳида] камар боғлашни, овқат вақтида гапдан тўхтаб, замзама қилишни буюрди. Бу – минг йил хавф-хатарда бўлганларидан кейин, Аллоҳ уларнинг ишларида, ейиш-ичиш вақтларида ўзларига ихтиёр берганига шукур қилишлари учун эди. Бундай қилиш уларда суннат ва одат бўлиб қолди.

Гарчи баъзилари: «Биварасп минг йилдан кўпроқ яшаган. Минг йил унинг галаба қозониб, подшоҳлик қилган муддатининг ўзи» деса ҳам, форсларнинг барчаси Бивараспнинг минг йил яшаганини айтади.

Яна айтишларича, форсларнинг бири иккинчисига минг йил умр кўришини тилаб, дуо қилиши, яъни: «Минг йил яшагин», дейиши ўша замондан қолган бўлса керак. Чунки Аз-Заҳҳокнинг минг йил яшаганини билгач, шунча йил умр кўриш улар эътиқодича дуруст ва мумкин бўлган. Яна Аллоҳ билгувчидир.

(224)|| Зардушт: «Меҳржон билан Ром рўзни улуғлаш бир хил бўлсин», деб буюрган ва [бу] икковини бирга нишонлаганлар. То Шопур ўғли Хурмуз баҳодир<sup>934</sup> иккала Наврўз орасини туташтирганидек, бу икки кун орасини ҳам туташтириб, орадаги кунларни байрамга айлантирмагунича [давом этган]. Сўнгра подшоҳлар ва Эроншаҳр аҳолиси Меҳржондан то [ойнинг] ўттиз куни тамом бўлгунича давом этган [кунлар]ни, юқорида Наврўз ҳақида айтилгандек<sup>935</sup>, турли табақалар ўртасида байрам сифатида нишонлаганлар ва ҳар бир табақа учун беш кунни белгилаганлар.

**Обон моҳ.** Бу ойнинг ўнинчи куни, яъни рўзи Обон икки ном мувофик келгани сабабли Обонагон деб аталадиган байрам санасидир. Шу куни Зол ибн Таҳмасп подшоҳ бўлиб, анҳорларни қазिश ва таъмирлашни буюрди. Шу куни Афридуннинг Бивараспни асир этиб, подшоҳ бўлгани, одамларни ўз уйлари, оилалари ва болаларига эга бўлишга ундагани ва ўзини кадхудо деб аташни буюргани етти иқлимга тарқалди. Шу кундан олдин бу ном бўлмаган эди. Кейин ҳар бир киши ўз уйи эшигини кулфлаб, ўзини кадхудо, яъни шу хонадон соҳиби деб атади. [Ҳар ким] ўз оиласи, болалари ва мулкига эгалик қилди, уларга буйруқ берди ва ман кила олди. Бундан олдин, Биварасп даврида [одамлар] жойларидан маҳрум этилар, вақти-вақти билан уйларига шайтонлар, девлар келиб турар ва уларни уйларидан ҳайдай олмас эдилар. Носир ал-Утруш<sup>936</sup> бу одатни йўқ қилди, лекин девларни кадхудоликда одамлар билан шериклик қилишларини тиклади.

Бу ойнинг охириги беш куни Фарвардигон деб аталади ва буларнинг биринчи [куни] Аштоз рўз дейилган. Бу куни [одамлар] маййитларнинг новусларига озик-овқатлар ва уйларнинг томига ичимликлар кўярдилар. Улар: «Шу куни ўликларнинг руҳлари савоб ва азоб жойидан чиқиб келиб, овқатларнинг қувватини шимади ва ичимликларнинг таъмини сўради», – деб гумон қилардилар. Маййитлар ҳидидан лаззатланиши учун марҳумнинг оила аъзолари уйларида қора андиз тутатар эдилар. Яна уларнинг гумонича, яхшиларнинг руҳлари оила, болалари ва яқинларига келиб, уларнинг ишларига бошчилик қилади, лекин [тириклар] уларни кўрмайдилар.

Бу кунлар ҳақида форслар орасида ихтилоф пайдо бўлган. Баъзилари: [Бу кунлар Обон моҳнинг охириги беш куни], деса, бошқалари буларни: «Андаргоҳ», яъни Обон моҳ билан Озар моҳ орасига қўйилган беш кун], – деган. Ораларида ихтилоф кучайиб, бу масалада тортишув содир бўлиб, ўзаро бир фикрга келолмагач, ишни пухталаштириш ва эҳтиёт учун ўша ўн куннинг ҳаммасини олганлар, чунки бу [байрам] динларининг асосларидан бири эди. Улар аввалги беш кунни биринчи Фарвардигон, кейингисини иккинчи Фарвардигон деб атадилар. Иккинчиси биринчисидан афзалдир. Бу ортиқча қўшилган беш куннинг биринчи [куни] олтинчи гоҳанбарнинг биринчи кунидир. Аллоҳ одамларни шу куни яратган ва бу [Ҳамашфатмадам гоҳ] деб аталади.

Айтишларига кўра, Фарвардигоннинг сабаби шундай бўлган: Қобил Ҳобилни ўлдиргандан кейин ота-онаси бунга қаттиқ қайғуришади ва унинг руҳи ўзига қайтарилишини Аллоҳдан сўрашади. [Аллоҳ] унинг руҳини Обон моҳнинг Аштоз рўзида қайтаради. Руҳ [Ҳобил танасида] ўн кун турган. Ҳобил тирилиб, ота-онасига тикилиб ўтираверган. [Чунки] унга [Аллоҳдан] гапириш учун рухсат тегмаган эди. Шунда ота-онаси<sup>937</sup> ўз замонларида ейиладиган, ичиладиган хушбўй нарсаларни унинг атрофига йикқанлар. Олимлар ва

подшоҳлар шу [маросим]ни ушлаб олиб, ўша кунни энг улуг байрамга айлан-тирдилар. Бу байрамга ҳозирланиш учун [олдиндан] уч кун кўшиб, [байрам-ни] Дай бадин<sup>938</sup> кунидан бошладилар. Улар шу куни тожларини бошларидан олиб қўяр, тахтларидан тушиб, оқ кийим кияр, белларига камар боғлаб, ёмон ва яхши ишларни текширишга киришардилар.

(1236)|| **Озар мох.** Бу ойнинг биринчи куни Хурмуз рўзи – «кўсанинг ми-ниб чиқиши» – саналади. Бу бир қизиқ кўса сабаб жорий бўлиб келган одат-дир<sup>939</sup>. Кабиса бекор қилиниб, [Хурмуз куни] совуқ кучайган вақтга тўғри келганда, ҳалиги [кўса] Форсда йиртилган ва эскирган либосларни кийиб, ўзини хунук аҳволга солиб, эшакка миниб чиқарди. У иссиқ овкатлар ва киздирувчи шароблар тотиб, танасига совуқ зарарини қайтарадиган баъзи бир ёғлардан суртарди. Сўнгра елпиғич билан елпиниб, одамларга кўринар, бундан одамларнинг кулгиси кучайиб, унга сув сепар, муз ва қор отар эди-лар. Шу билан у киши Эрон бойларидан манфаатланар эди. Унинг авлодлари [шу одатни] мерос қилиб олдилар. Бу одат бизнинг замонимизда Шерозда ва Форснинг айрим шаҳарларида подшоҳ учун солиқ тўлаш шарти билан ишла-тилади.

Геометрия фанлари олими Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжа-лил<sup>940</sup> Шерозда [шу одатни] кўрган ва бизга шундай ҳикоя қилиб берди. Бун-изун ва қалин соқолли бир қоровул ижро этарди. У ўзи билан бирга мағфара, яъни қизил кесак ивитмасини олиб юрар, бировдан эҳсон сўрар, агар у ҳеч нарса бермаса, унинг кийимларига шундан суртарди.

Бу кунни «ансол» ва «ҳоругон» деб ҳам атардилар. Каёний подшоҳлари бу кунни «Баҳоржашн»<sup>941</sup> деб атаганлар. Бу – «хурсонжара» дастлаб юзага чикқан кундир. Каёнийлар даврида тулкилар учар ва шу сабабли уларнинг замонлари тинч, ҳаётлари фаровон бўлар эмиш. Каёнийлар билан бирга бу тулкилар ҳам ҳалок бўлдилар ва уларнинг [инқироzi] сабабли тулкилар ҳам инқирозга юз тутдилар. Шунинг учун ушбу кунда тулкига қараш бахт-саодат рамзи саналади<sup>942</sup>.

Учар тулкилар деганни эшитган киши, кўпинча, ажабланади. Биз ишо-надиган киши Абул Қосим Али ибн Аҳмад ат-Тоҳирий<sup>943</sup> бизга шундай ха-бар берди: «Исфижоб<sup>944</sup> ҳокими уч юз етмиш тўққизинчи<sup>945</sup> йилда Хуросон ҳукмдори Нух ибн Мансурга<sup>946</sup> икки шохи кўриниб турган бир от билан икки ёнида патли қанотлари бўлган тулкини ҳадя қилган. Агар киши унга [тулки-га] яқинлашса, қанотларини ёзар, узоқлашса, ёнига йиғиб олар экан». Абул Қосим бу тулкини қафасда турганида кўрганини айтди.

Бу кун – Жамшид биринчи бўлиб денгиздан дур олган кундир. Бундан олдин дур ҳеч кимга маълум бўлмаган. Бу кун Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига яқин бўлар эди. Одамлар уни байрам қилиб, Қуёшга топинишар, шодланишар, киш ортда қолиб, унинг машаққатлари кетиши ва баҳор келиб,



хушбўй ҳидлар анқиши сабабли хурсанд бўларди. Бу кун замон қайта тирилган ўликдек бўлгани учун одамлар чўлларга чиққанлар ва ўсимликларга назар ташлашни муқаддас санаганлар.

Шу куни подшоҳлар ҳузурига овқатдан олдин тулки, [овқатдан] кейин эса сассикпопишак, жўжа, хўтик ва гулларнинг ғунчаларидан чиққан дастлабки меваларидан топилганлари киргизилган. Айтишларига кўра, бу кун Аллоҳ яхшилик ва ёмонликка ҳукм қилган, буржларни тузган ва уларни ёриткичларга тақсим этган кундир<sup>947</sup>.

(225)|| Бу куннинг энг яхши вақти ва энг саодатли соати Ҳамал буржи кўтарилган пайтдир. Афсунгарлар саҳар вақтини табаррук билиб, куйида айтиладиган хосиятларини ҳар қандай ҳолатда ҳам учратиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Улар: «Шу куни эрталаб гапиришдан олдин беҳи тотиб, пўртахол ҳидлаган киши [бутун] йил бўйи бахтли бўлади», – дейдилар. Тохир ибн Тохир: «Ажамликлар қадимги вақтларда шу куни Ой манзилларидаги ҳолатларда унга тобе бўлиб, агар Ой [шу] куни олов манзилида бўлса, асал, сув манзилида бўлса, сув ичар эдилар», – деди.

Ал-Эроншаҳрий: «Арманистон олимларидан бир қанчаси: «Тулки куни» тонгида катта тоғ устида, ички ер ва ташки ер орасида оқ кўчкор кўринади. У йилнинг фақат шу кунининг айнан шу вақтидагина кўринади. У ернинг аҳолиси агар ўша кўчкор маъраса, йилнинг ҳосилдор бўлиши, маърама-са, ҳосилсиз бўлишига далил қиладилар», деяётганларини эшитдим», – деди. Ажамликлар «Тулки куни» тонгида булутга қарашни баракатли санайдилар ва булутнинг тиник, ғуборли, латиф ва қалинлигини йилнинг бахтли ва бахтсиз, фаровон ва қурғоқ бўлишига далил келтирадилар.

Шу ойнинг тўққизинчиси, яъни рўзи Озар икки номнинг бир хиллиги учун «Озаржашн» деб аталувчи байрам санасидир. Бу кунда оловда исиниш учун эҳтиёж туғилади. Чунки бу киши ойларининг сўнггиси саналиб, фасл охирида совуқ кучлироқ ва ғолиброқ бўлади. Бу олов байрами бўлиб, фаришта номи билан аталади. Зардушт шу куни оташхоналарни зиёрат қилишни, у ерларда қурбонликлар қилишни буюрган.

**Дай моҳ.** Бу ой «Ҳур моҳ» деб ҳам аталади. Унинг биринчи куни Хуррам рўз дейилиб, бу кун ва шу ой Аллоҳ номи билан, яъни Ҳурмузд дея аталган. Бунинг маъноси «донишманд подшоҳ ва яратувчи ақл эгаси» демақдир. Шу куни подшоҳ шоҳлик тахтидан тушиб, оқ либослар кияр ва чўлда оқ палосларда ўтирарди. Ҳижоб ва подшоҳлик ҳайбатини тарк этиб, дунё ишлари ва дунё аҳли учун ўзини бағишлар эди. Бирон нарса ҳақида подшоҳ билан гаплашишга муҳтож бўлган киши, у хоҳ юқори табақадан, хоҳ куйи табақадан бўлсин, тортинмай унга яқин бориб сўзлашарди. Подшоҳ деҳқонлар ва қорандалар билан ўтириб, овқат ер, шароб ичар ва: «Бугун мен сизларнинг бирингиз ва биродарингизман. Чунки дунё сизнинг қўлингизда вужудга келадиган ободонлик билан, ободонлик эса подшоҳлик биландир, бу иккиси бир-бирига

мухтождир. Шундай бўлгач, биз бир-бирига меҳрибон икки биродар сингаримиз ва бу [биродарлик] бир-бирига меҳрибон икки биродар – Хушанг ва Вайкарддан содир бўлган», – дер эди.

(226)|| Бу кун гоҳо «Навад рўз»<sup>948</sup> деб ҳам аталиб байрам қилинади. Чунки бу билан Наврўз ораси тўксон кундир.

Саккизинчи, ўн бешинчи ва йигирма учинчи кунлар, юқорида айтганимиздек, номлари ой номи билан мувофиқлашган байрамлардир.

Ўн биринчи кун – рўзи Хур биринчи гоҳанбарнинг боши бўлиб, охири – рўзи Дай бамеҳр – ўн бешинчи кунидир. Бу гоҳанбар «Мадёвзарам гоҳ» деб аталади. Аллоҳ бунда осмонни яратган.

Бу [ой]нинг ўн тўртинчи куни – рўзи Гўш «Сер Сава» деб аталади. Бу куни саримсоқ еб, шароб ичилади ва шайтондан сақланиш учун гўштларга сабзавот қўшиб қайнатилади. Бунга сабаб [шуки], форслар Жамшид ўлдирилиб, мағлуб бўлганларида, [шу йўл билан] шайтонларнинг азиятларини даф этганлар. Одамлар [Жамшид ўлдирилгани учун] хафа бўлиб, ёгли овқатга яқинлашмасликка қасам ичганлар. Шу [овқатлар] орқали ёмон арвоҳларга боғлиқ касалликдан даволанадилар.

Ўн бешинчи кун рўзи Дай бамеҳр бўлиб, «пайкон» деб аталади. [Шу куни] хамир ёки лойдан инсон шаклида бир шакл ясаб, дарвозалардан кириладиган жойларга қўйишарди. Бу [одат]га подшоҳларнинг саройларида амал қилинмас эди. Бунда шаккоклик келтириш ва йўлдан адашиш каби хатти-ҳаракат борлиги сабабли ҳозирда у тарк қилинган.

Ўн олтинчи кун рўзи Моҳ бўлиб, «Даромзинон» деб аталади. Уни «Кокил» деб ҳам атайдилар. Эроншаҳрликларнинг турклар ҳукмронлигидан халос бўлишлари ва туркларга ўлжа бўлган қорамолларини яна ўз уйларига хайдаб келишлари шу [байрамнинг келиб чиқиши]га сабаб бўлган. Шунингдек, Афридун Бивараспни тор-мор этгач, тутқунликдаги Асфиённинг қорамолларини қўйиб юборди ва жониворлар Асфиённинг уйига қайтади. Асфиён қадри улуғ, химмати баланд, фақирларга инъомли, ёру дўстлар аҳволидан хабардор бўлиб, уларга берган аҳдида турадиган ва мухтожларга эҳсон қиладиган киши эди. Афридун унинг қорамолларини бўшатиб юборгач, одамлар Асфиённинг хайру эҳсонларини ёд этиб байрам қилдилар.

Афридуннинг кўкрак сутидан ажратилиши шу кунга тўғри келган. Бу [Афридун] дастлаб ҳўкизга минган кундир. Шу куни кечаси Ой аравасини тортувчи ҳўкиз кўринади. У ҳўкиз нурдан бўлиб, икки шохи тиллодан, оёқлари кумушдандир. У бирмунча вақт кўриниб, кейин ғойиб бўлади. Кўришга муваффақ бўлган кишининг унга қараб турган вақтдаги дуоси мустажоб бўлади.

(124 б)|| Уларнинг даъволарича, шу кеча бир катта тоғда оқ ҳўкиз сурати кўринади. У агар ўша йили ҳосил яхши бўладиган бўлса, икки марта, кургоқчилик бўладиган бўлса, бир марта бўкиради<sup>949</sup>. Сўнгра ғойиб бўлиб,

келгуси йилнинг шу кечасигача кўринмайди. Шу кечадан кейинги кунда сир сутини ичиш табаррук ҳисобланади. Афсунгарлар: «Шу куни тонгда сўз айтишдан олдин олма еб, (125 а)|| наргис ҳидлаган киши ўша йили яхшилик ва фаровонликда умр кечиради. Шу кечанинг кундузида гулсапсар тутатиш йил бўйи қаҳатчиликдан, фақирлик ва қийинчиликдан омонлик беради», – деганлар.

Ал-Бобилий шундай деган: «Баъзи ажамликлар бу кунни ёмон кўради. Бу жинларнинг байрами бўлиб, Биварасп Жамшидни ўлдирганида жинлар қувониб, шайтонлар ўзларини юқори тутиб ва одамларга қасд қилиб, ҳамиша уларга бало етадиган кун». Одамлар шайтонлардан сақланганлар ва ўша кечаси ухламай, тўпланиб Аллоҳга ҳамд ва сано айтганлар, эшикларни кузатиб, сақлаб турганлар. Натижада, [шу кечаси] эшикларни тақиллатиш ва уларни пойлаш одатга айланган».

Ал-Бобилий яна шундай деган: «Форс олимларининг айтишларича, Жамшид Кокилни рангларнинг энг гўзалларини ўзида жам қилган ва етти жавҳар: тилло, кумуш, мис, темир, қалайи, кўрғошиндан таркиб топган ҳолда намоён бўлган ҳўкизларнинг энг чиройли ва энг ҳусндорига минган инсон суратида кўрган. У Бобил заминиди, Жамшид дарвозасида қўлида бир даста гулсапсар тутиб турар, ўз ҳўкизи жавҳарларининг таркибидан инсонларнинг исмлари ва сифатларига кўра қисмлар ажратар ва шу сабабдан ҳўкизининг жавҳарлари камайиб кўринарди. Шунда Жамшид унга: «Ҳой гўзаллик турларини ўзида жам этган чиройли юзли, сен кимсан?» – деди. У: «Мен олам бахтиман», – деди. Жамшид: «Бу қанақа гап бўлди? Аввал ҳам шундай деган эдинг, яна шундай деяпсан?» – деб сўради. Кокил: «Одамларга бахт ҳиссаларини бўлиб беряпман», – деб жавоб берди. «Тилло ва кумушни кимларга бўлиб берасан?» – деди Жамшид. «Тилло ва кумушни бор кишиларга», – деди Кокил. Жамшид: «Қайси пайтда оламга кўз қирингни кўпроқ ташлайсан?» – деб сўради. Кокил: «Савр буржи осмон ўртасида бўлганида», – деб жавоб берди. Кейин ғойиб бўлди.

Форс ойлари ҳақида сўзлар эканмиз, фақатгина уларнинг фикрларини ҳикоя қилишимиз ва ўзимиздан ҳеч нарса қўшмаслигимиз керак. Чунки уларнинг хабарларида ёлғон ва мумкин бўлмайдиган асоссиз гаплар кўп. Лекин зарурат туғилган ўринда гапирмай, насиҳат учун тўсик бўлиш фойдани тарк этиш саналади.

Шунинг учун айтамикки, саодат ва бахтнинг оламга қараши, зафар эҳсон этувчи ва мақсадларга эришиш учун ёрдам кўрсатувчи вақтларда вужудга келади; шунда дуолар ишончли бўлади. Қабул этиладиган дуо мақсад дурустлигига, кучли эътиқодга, садоқатли таваккулга боғлиқдир. Чунончи, Инжилда ҳаворийларга қарата: «Сизга ростини айтсам, агар сизда имон бўлса ва шак-шубҳа қилмасангиз, бу тоққа: «Жойингдан кўчиб, денгизга туш», денг,

албатта, шундай бўлади. Намозда сўраган ва орзу қилган ҳамма нарсангизга эришасиз», – дейилган.

(1256)|| Аллоҳнинг ва биз билан унинг орасида воситачилик қилувчи фаришталар, пок ва муқаддас руҳлар, [Аллоҳга] итоат этувчи ёриткичларнинг имкон қадар [одамларни] ислоҳ қилиш ишига аҳамият беришларига ва ёмон ишдан қайтиб, қилган дуоларга эътибор беришларига шубҳа қилмаймиз. Бунга ишонишни талаб этувчи тадбирларнинг энг ажойибларидан бири денгизчилар ва кемаларда юрувчи савдогарларнинг баён этганларидир. Улар ўқнинг учини юқорига қаратиб, кеманинг устун ёғочига боғлаб қўядилар; кучли шамол, ёмғир ёки тўлқин вужудга келганида, ҳалокатга учраб, зорланиб илтижо қилганларида, кемани енгиллатиш учун ҳамма нарсаларини денгизга ташламоқчи бўлиб, юқорига қараганларида, баъзан ўқнинг учида юлдуздек ёруғ нарсани кўрганлар. Денгиз тўлқини ва мавжи ортаётган бўлса ҳам, уни кўргач, ғарқ бўлмасликларига ишониб, суюнганлар. Гоҳо у нарсани ўша пайтда кечаси уч ёки тўрт марта кўрганлар. У булутли кечаларда денгизнинг айрим жойларида кўринган, ҳаво очик маҳалда ҳамда денгизнинг баъзи жойларида эса кўринмаган.

Фозил Гален<sup>950</sup> ва мунажжимларнинг кўпчилиги бунга гувоҳлик берадилар ва ҳақиқат деб ҳисоблайдилар.

Дуоларда саҳроларга чиқиш, товушларни баланд кўтариш, мақсад ва фикрни бошқа нарсадан ажратишдан ёрдам олингани каби ёриткичларнинг [туриш] шаклларида ёрдам олинса, дуо қуввати ортади. Қадимги юнонлар дуо қилмоқчи бўлганларида, Муштарийнинг [ўз] бошлари тепасида, осмон ўртасида, Зухранинг толе [буржида] турган пайтида дуо қилганлар. Баъзилари эса икки бахт сайёрасидан бирининг толе [буржида], иккинчисининг тўртинчи [уй]да бўлишини кутар эди. Чунки уларнинг бири [бахтли] бошланишни, иккинчиси [бахтли] оқибатни кўрсатади. [Юнонларнинг] баъзилари у икки [бахт сайёра]сига фалакдан мувофиқ жой ва Қуёшдан мос шакл бўлгандан кейин, [Ой] бирини тўққизинчи уйда – чунки дуо – диний амал, бошқасини тўртинчида бўлишини кутар эди; [лекин] бу иккисига икки наҳс юлдузи [сайёра] қаршилиқ кўрсатмаслиги ва бу иккиси билан Ой ҳам ишончли саодатга эришиши шарт. Ўз жинси билан [шу] дуо боғлиқ бўлган Ойнинг ёриткичларга нисбатан алоқаси ҳам ёқимли, кучли ва ишончли алоқага айланиши керак.

(126а)|| Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий<sup>951</sup> дуо вақтларига бағишланган қисқа рисолада бундай деган: «Ой ва Уторид Кафф ул-хазиб<sup>952</sup> [номли] юлдуз билан учрашган вақтда – бу учрашиш Искандар эрасининг минг уч юз ўнинчи йили<sup>953</sup> Ҳамалнинг йигирма бир ва йигирмадан бир даражасида бўлган – бадан [соғлиғи] ва унинг тузалиши ҳақидаги дуонинг қабул этилишига умид бўлади. Қуёш ўша юлдуз билан учрашганда, бойлик ва жасурлик учун қилинадиган

дуо вақти бўлиб, дуо у кишининг умри ўртасида мустажоб бўлади. Агар у билан Зухал учрашса ва бу бахт юлдузига айланган бўлса, дуо қилувчи умрининг ўртасидан то охиригача бахтли бўлади. Агар Зухал наҳс ҳолатида бўлса, у фақир, кучсиз ва эҳтиёжманд қолади. Чунки дуоларнинг баъзилари дуо қилувчига акс таъсир кўрсатиб, орзу ва умид қилганининг зидди бўлади». Масалан, Ҳасан ибн Зайд ал-Алавий<sup>954</sup> даврида Табаристон аҳолиси кургокчилик йилига дуч келган ва ёмғир тилаб дуо қилиш учун [сахрога] чикқан. Ҳали дуодан фориг бўлмай турганларида шаҳар атрофига ўт тушган. Бу ҳақда Абул Амр шундай деган:

«Табаристонликлар булут келиб, ёмғир ёғишини тилаб [сахрога] чикдилар, Лекин уларга қуйдирувчи иссиқ билан жавоб берилди.

Уларга орзуларининг зидди келди, чунки

Қалблари фиску фужурлар билан тўлиқ эди».

Агар [ал-Кафф ал-хазибга] Муштарий учрашса, дуо қилувчи зулм қилган кишига қарши ёрдам олади. Агар Зухра учрашса, бойлик тилаган кишининг дуоסי қабул этилади, лекин унинг умри қисқа бўлади. Агар Миррих учрашса, қарғаётган киши шу вақтда қарғишга қолган кишига зулм қилган бўлиб, дуо-си мустажоб бўлмайди.

**Баҳман мох.** Бу ойнинг иккинчи куни, яъни рўзи Баҳман икки ном мувофиқ келгани сабабли «Баҳмангон» деб аталадиган байрам санасидир. Бу одамларнинг ҳаёти ва [кундалик] эҳтиёжлари учун зарур бўлган чорва молларига вакил қилинган фариштанинг исмидир. Форс аҳолиси шу куни қозонларни қайнатиб, уларга турли хил донлар ва гўшт соладилар; ишлаш қуввати учун фойдали санаб оқ баҳманни<sup>954a</sup> сут билан ичадилар. Тоғлар ва водийлардан доривор [ғиёҳ]лар топишда, турли ёғли дориворлар, буғланиладиган ва тутиладиган дориларни тайёрлашда бу куннинг хосияти бор. Форсларнинг таъкидлашларига кўра, Виштаспнинг вазири Жомасп шундай қилган. [Шу куни йигилган] дориларнинг фойдаси кўпроқ бўлар экан.

[Бу ойнинг] бешинчи куни рўзи Исфандармуз бўлиб, «Навсада», яъни «Янги сада» деб аталади, «Барсада», яъни «Сада усти» ҳам дейилади. Чунки бу «сада»дан беш кун олдиндир. Бу эса Биварасп ёдгорликларидан биридир.

(226)|| Бу ойнинг ўнинчи куни, яъни рўзи Обон «сада» деб аталадиган байрам санаси бўлиб, маъноси «юз»дир. Бу Ардашир ибн Попакон ёдгорликларидандир. Бундай аташнинг асос ва сабаби ҳақида ихтилоф мавжуд. Айтишлари-рича, бу ном [юз] Обон моҳ билан шу кун орасидаги (башарти улар орасидан қўшимча беш кун олиб ташланса) кунлар сони бўлади. Яна айтишларига кўра, бу шу кун билан йил охири орасидаги – башарти ҳар бир кун учун алоҳида кундуз ва алоҳида кеча ҳисобланса – [кунлар] сони бўлади. Баъзилари: «Шу куни биринчи ота авлодларининг сони юзга тўлган», – дейди. Булар [бирин-

чи ота деб] Каюмарсни айтмоқчи бўладилар. Шунда ораларидан бировни ўзларига подшоҳ қилганлар. Баъзилар: «Йўқ, бу Хушанг Пешдод Тожи золим устидан галаба қозонгандан кейин [ўтказган] байрамидир», – деган.

Айтишларига кўра, шу куни киш жаҳаннамдан ёруғ дунёга чиқади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб, киш зарарини даф этиш учун тутатки тутадиладар<sup>955</sup>. Ҳатто ўша кеча оловлар ёқиб алангалатиш, шу оловларга ёввойи айвонларни ташлаш, алангалар орасидан паррандаларни учириш ва [олов] атрофида [ичимликлар] ичиб, ўйин-кулги қилиш подшоҳларнинг маросимларига айланди. Сизгили ва зарарсиз махлукларга озор етказишдан лаззатланувчи ҳар бир кишидан Аллоҳ ўч олсин!

(227)|| Форслар ўз ойларини кабисасиз қилганларидан кейин, шу вақтда совуқнинг қирқилиши ва тугашини умид қилар эдилар. Чунки улар киш боғмоҳдан беш кун ўтгандан кейин ҳисоблардилар. Шунда Баҳман часини совуқлиги сабабли «Шаби Газина», яъни «Чакувчи кеча» деб атаганлар.

Айтишларига кўра, шу кечада оловларни баланд [қилиб] ёқишнинг сабаби бундай [бўлган]: Биварасп ўзининг икки илонини [икки кишининг] миямағзи билан озиклантириши учун халққа ҳар куни иккита одам беришни юклатгач, унинг аввалги мурожаатидан кейиноқ бу ишга Азмоил номли бир киши вакил қилинди. Бу вакил берилган икки кишидан бирини озод этиб, унга йўл озиғини берар ва Дунбованднинг ғарбидаги тоғда яшашни ва ўша ерда ўзи учун бино қуришни буюрарди. Озод этилган кишининг мияси ўрилонларга едирарди. Афридун Биварасп устидан галаба қозонгач, одамларни ўлдиргани сабабли Азмоилни жазолаш учун [олиб келишни] буюрди. Азмоил ва ўзи билан бир элчини қўшиб берса, унга озод этилганларни кўрсатмоқчи эканлигини айтди. Афридун элчи берди. Азмоил озод этилганларнинг сонини воқеа Баҳман моҳнинг ўнинчи кечасида бўлган эди. Элчи Азмоилга: «Не-не қайтди ва буни Афридунга айтди. У бундан қаттиқ шодланди ва уни ўз кўзи вандни унга ажратиб берди, тилла тахтга ўтказди ва уни «Масмуғон»<sup>957</sup> деб атади.

Бивараспнинг икки илони ҳақида бундай дейилган: «Илонлар Аз-Заҳҳокнинг икки елкасидан чиққан бўлиб, одамларнинг миямағизлари билан озикланар экан». Баъзиларнинг айтишича, улар илон эмас, балки оғриб турувчи икки ўсма яра бўлиб, миямағзи суртилса, оғриғи босилар экан.

Аммо у икки илоннинг [икки елкадан чиқиши] ажабланарли нарсадир. Бу мумкин бўлса ҳам, [ақлдан] узоқ. Гўштдан қурт туғилади, унда бит ва бошқа жониворлар пайдо бўлади.

Жониворлардан баъзилари ўзининг асл жойидан тўлик бўлиб чиқмайди. Масалан, Ҳиндистонда яшайдиган бир жонивор ҳақида шундай ҳикоя қилинади: у онасининг қорнидан чиқиб, ўтлаб, чиққан жойига яна қайтар экан. Кейин онаси ортидан чопганда ҳам, у онасидан ўзиб кетишига ишонсагина, шу жойидан чиқар экан. У [бутунлай] чиққач, ўша ондаёқ сакраб, қочиб кетар экан<sup>958</sup>. Айтишларича, бунга онасининг тили жуда дағаллиги сабаб қўрққанидан кочар экан. Агар онаси уни учратса, эти суягидан ажралгунча ялар экан.

Бошдан гўштнинг ичида бўладиган оқ илдизи билан юлиб олинган сочлар ёзнинг жазирама иссиқ пайтида сувга ёки нам жойларга тушса, улардан уч ҳафта ёки ундан камроқ муддат ичида илонлар пайдо бўлади. Буни инкор этиш мумкин эмас, чунки бу [ходиса] кўрилган<sup>959</sup>.

(228)|| Бошқа нарсалардан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ҳам учратилган. Абу Усмон ал-Жоҳиз<sup>960</sup> Укбарода ярми каламуш танасининг бир қисмига айланган, ярми ўз холида – кесаклигича қолиб, ҳали ўзгармаган бир кесакни кўргангани ҳикоя қилади. Бир гуруҳ кишилар менга шундай нарсани Журжонда ҳам кўрганликларини айтиб бердилар.

Ал-Жайҳоний<sup>961</sup> шундай баён этади: «Ҳинд денгизида бир дарахтнинг илдизлари бўлиб, улар денгиз қирғоғида қумга ёйилади ва баргларига ўралашади. Сўнгра тагидан узилади-да, асаларининг подшоҳига айланиб учиб кетади».

[Бу ойнанинг] йигирма иккинчи куни рўзи Бод<sup>962</sup> бўлиб, у шу ном билан аталадиган байрам санасидир. Шу куни Қумм<sup>963</sup> ва унинг атрофида байрамларда бўлгани каби ўйин-кулги маросими ўтказилади. Шунингдек, Исфаҳонда ҳам Наврўз кунларида бозор ташкил этилиб, байрам нишонланади. Бу Исфаҳонда «Кужин» деб аталади. Лекин «Рўзи Бод» бир кун, «Кужин» бир ҳафта бўлади.

Ойнинг ўттизинчи куни рўзи Анирон бўлиб, Исфаҳонда Африжагон<sup>964</sup> деб аталади. Бунинг изоҳи «сув қуйиш» демакдир. Бу [байрам]нинг вужудга келишига сабаб, Ануширвоннинг бобоси Феруз замонида ёмғир бўлмай, Эроншаҳрда одамлар курғокчиликда қолдилар. Феруз ўша йиллари халқдан хирож олмади, хазиналарининг эшикларини очиб қўйди, оташхоналарнинг маблағларидан қарз олиб, Эроншаҳр аҳолисига эҳсон қилди. Фуқарога ота ўз боласига ғамхўрлик қилганидек қайғурди. Ҳатто, ўша йиллари бирон киши ҳам очликдан ҳалок бўлмади. Кейин Феруз Форсадаги «Озархуро» номи билан машҳур бўлган оташхонага борди. Намоз ўқиб, сажда қилди ва Аллоҳдан [қийинчиликни] кўтаришни сўради. Кейин ўрнидан туриб, олов олдига келди, қохин ва олов ёқувчилар унинг тепасида турганларини кўрди. Улар Ферузга

подшоҳларга бериладиган салом сингари муносиб даражада салом бермадилар. Шунда улардан кўнглига [ғашлик] тушди. У оловга юзини қаратди-да, икки қўл ва икки билагини аланга атрофида айлантириб, кўришиш вақтида дўст-дўстини кучоклаб бағрига босгандек, оловни уч марта бағрига босди. Аланга унинг соқолига етса ҳам куйдирмади. Кейин Феруз: «Эй Аллоҳим, исмларинг яна ҳам улуғ бўлсин! Агар ёмғир ёғмаслиги мен туфайли ва ёмон ахлоким [сабабли] бўлса, уни менга айт, ўзимни ундан қутқариб олай. Агар бошқа [сабабдан] бўлса, уни кеткиз, буни менга ва дунё аҳлига тушунтир ва уларга ёмғирингни эҳсон эт!» – деди.

(229)|| Сўнгра у олов тепасидан куйига тушиб, гумбаздан чиқди ва «данбақо» устига ўтирди. Бу тилладан тахтга ўхшатиб ишланган, лекин тахтдан кичикроқ нарса бўлиб, подшоҳ кирганида ўтириши учун катта оташхонага тилла «данбақо» қўйиш расм бўлган эди. Қоҳин ва олов ёқувчилар унга яқин келиб, подшоҳларга бериладиган салом сингари салом бердилар. Феруз уларга: «Қандай кўнгли каттиқ, жафокор ва туҳматчиларсиз! Нима учун у пайтда менга салом бермадингиз?» – деди. Улар: «Чунки биз сендан улуғроқ подшоҳ ҳузурида турган эдик. Унинг ҳузурида туриб, сенга салом беришимизга у рухсат бермади», – дедилар.

Феруз уларнинг гапларига ишонди ва уларга [инъомлар] берди. Кейин у Озархуро шаҳридан чиқиб, Доро шаҳрига қараб йўл олди. У Форснинг ҳозирги вақтда Коми Феруз номли машҳур жойига етгач (бу жой ўша замонда обод бўлмаган саҳро эди) булут келиб, мисли кўрилмаган даражада ёмғир ёғиб, ҳатто чодир ва хаймаларга сув оқиб кирди. Феруз ўз дуосининг мустажоб бўлганига ишонди ва Аллоҳга шукурлар қилди. Кейин лашкарига шу ерга қўнишни буюрди, [одамларга] садақа берди, пуллар улашди ва мажлислар куриб, хурсандчилик қилди. «Коми Феруз» деб аталган шу катта қишлоқни бино этмагунича, бу ердан қўзғалмади. Феруз унинг номи, «ком»нинг маъноси «ирода»дир. «Коми Феруз» «Феруз муродига етди» демакдир.

Ҳар бир киши ёмғирдан олган шодлиги сабабли ўз дўстига сув сепарди. Ўша вақтдан бошлаб шу куни Эроншаҳрда бир-бирига сув сепиш одат бўлиб қолди. Одамлар ҳар бир шаҳарда ўша ёмғир ёққан кунни байрам қилиб нишонлайдилар. [Худди] шу куни Исфаҳонда ҳам ёмғир ёғди<sup>965</sup>.

**Исфандармуз моҳ.** Бу ойнинг бешинчи куни рўзи Исфандармуз бўлиб, икки ном мувофиқ келгани учун шу ном билан аталган байрам санасидир. Бунинг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир. Исфандармуз ерга ҳамда солиҳа, номусли, савоб ишларни қилувчи ва эрига муҳаббатли аёлга вакил қилинган фариштадир.

Ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун аёллар байрамига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар. Бу анъана Исфаҳон, Рай ва Фаҳланинг бошқа шаҳарларида қолган. Бу форсча «Муждагирон» деб аталади. Бу кун мактуб-



чалар битиладиган сана сифатида машҳурдир. Шундайки, авом халқ шу куни янчилган майиз ва анор донасини ҳовучлаб ейдилар ва: «Бу чаён чакқанда зарарини даф этувчи тарёк», – дейдилар. Тонг ёришишидан то кун чикқунича чорси қоғозларга ушбу дуони битадилар: «Раҳмли ва меҳрибон Тангри номи билан, Исфандармуз моҳ ва Исфандармуз рӯз [номи] билан. Ҳўкиз, от ва туядан бошқа ҳаммага келиб-кетиши учун қуйи ва юқорини боғладим. Аллоҳ номи билан Жамшид ва Афридун номи билан, Тангри номи билан, Одам ва Ҳавво билан. Мен учун ёлғиз Аллоҳ етарли ва кифоя». Бу [қоғоз]ларнинг учтасини шу куни уйнинг уч деворига ёпиштириб, уйнинг рўпарадаги деворига [эса] ёпиштирмайдилар ва: «Булардан бири тўртинчи деворга ёпиштирилганда, ҳашаротлар йўл тополмай хайрон қоладилар. Уйдан чиқиб кетишни умид қилиб, бошларини дераза томонга кўтарадилар. Бу тилсимотдаги хосият шу», – дейдилар.

(230)|| Гоҳо [шундай] тилсим қўйилган жойлар учрайдики, у ерларда чаён чакмайди. Журжондан Хуросонга томон ўн фарсахлик масофадаги Динори Розий деган жой бунга мисол бўлади. У ердаги ҳар бир тош тагида бир қанча қора ва йирик чаёнлар бўлади, уларга тегиб ўйналса ҳам, чакмайди. Агар улар тутиб олиниб, у ернинг чегарасидан – бу ўша жойдан отилган ўқнинг бориб тушган масофасидан узоқроққа чиқарилса, шундай чақадики, ўша заҳоти ўлдиради.

«Тус чегарасида бир кишлок бор, у ерда [ҳам] чаёнлар чакмайди», – дейдилар. Абул-Фараж аз-Занжоний бизга: «Занжон шаҳрида «Табарийлар мақбараси» номли жойдан бошқа ерда чаён кўринмайди. Биров кечаси ўша жойга бориб, чаёнлардан бирмунчасини тоғорага йиғса, кейин бошқа жойга олиб бориб, уларни қўйиб юборса, ўз жойларига илдамлик билан қайтишларини кўрасиз», – деди.

Айтиб ўтилган ҳалиги мактубчаларга келсак, уларнинг асосизлиги аниқравшан. Чунки афсун қуввати (гарчи зўр бўлса ҳам) афсун қилинувчига ўтиши мумкин эмас. Ёриткичларнинг даврлари ҳам форсларнинг йилига зид ва уларнинг йилида тилсимларни [ишлатиш] учун шароит йўқ.

Иншааллоҳ, У ажал муддатини биздан узоқлаштира ва нафсоний изтиробларни кетказиб, мамнун этса, «Табиат ажойиботлари ва сунъий ғаройиботлар»<sup>966</sup> китобида қайтариқлар, афсунлар ва тилсимлар ҳақида сўз юритиб, маърифатли қалбларга ҳақиқат [ниҳоли]ни экармиз, шубҳаланувчиларнинг дилларидан гумонни аритармиз. Албатта, Аллоҳнинг бунга қудрати етади!

[Исфандармуз моҳнинг] ўн биринчи куни – бу рӯзи Хур – иккинчи гоҳанбарнинг биринчи куни бўлиб, охири куни рӯзи Дай бамеҳрдир. Бу кун «Мадюшам гоҳ» деб аталади. Шу куни Аллоҳ сувни яратган.

[Исфандармуз моҳнинг] ўн олтинчи куни – рӯзи Меҳр – «Миски Тоза»<sup>967</sup> деб аталади.

[Исфандармуз моҳнинг] ўн тўққизинчи куни – рўзи Фарвардин – «Анҳорлар ва оқар сувлар Наврўзи» деб аталади. [Шу куни] сувларга атир, гул суви ва бошқа [нарса]ларни ташлайдилар.

Мажусийларда ҳеч қандай рўза бўлмаган. Рўза тутган киши гуноҳкор бўлади ва гуноҳини ювиш учун бир қанча мискинларни тўйдириши керак. Уларнинг айтиб ўтилган ойлариининг [баъзи] кунларида бозорлар бўлади. Лекин бу кунлар турли шаҳарларда бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун уларни худди сойларда оқувчи селдек тартибга солиб, ҳисобга олиб бўлмайди.

Азуд уд-Давла томонидан [мазкур ойларда] ҳар бири «Жашн карди Фанна Хусрав» деб аталган икки байрам куни белгиланган. Улардан бири Фарвардин моҳ [ойи]даги рўзи Саруш. Ушбу байрам тўрт фарсах ер остидан чиқарилган сув Шероз шаҳридан бир фарсах куйидаги Азуд уд-Давла бунёд этган ва «Карди Фанна Хусрав» деб атаган шаҳарга етиб боргач, жорий этилган.

Иккинчиси, Обон моҳ [ойи]даги рўзи Ҳурмузддир. Бу ўша шаҳар курилиши бошланган кун эди. Бу воқеа Яздигард эрасининг уч юз ўттиз учинчи йилида<sup>968</sup> бўлган эди. Бу икки куннинг ҳар бирида етти кун давом этадиган бозор ташкил қилиниб, [одамлар] ўйин-кулги ва ичкилик [ичиш] учун тўпланадилар.

Форсларда йил давомида махсус танланган бахтли кунлар, ёкимсиз ва наҳс кунлар мавжуд. Шунингдек, уларда барча ой учун умумий ном билан юритиладиган ва бир табақа учун байрам ҳисобланиб, иккинчиси учун [байрам саналмайдиган] бошқа кунлар ҳам бор.

Форсларда ойнинг турли кунларида илон кўринса [нима бўлиши борасида] таъбирлар ҳам мавжуд. Биз уларни ушбу [жадвал]да жам қиламиз.

Бу [Танлов жадвали]дир.<sup>969</sup>

(233)|| Форслар рўзи Моҳни танланган кун<sup>970</sup> деб санайдилар. Чунки Аллоҳ Ойни дунёда яхшилик ва неъмат тақсими учун яратган. Шунинг учун янги Ой туғилган вақтидан бошлаб, то кичрая бошлагунича сувлар, ҳайвонлар кўпаяди, дарахтлар ва ўсимликлар ўсади.

[Ойнинг Қуёш билан] учрашадиган ва рўпара келадиган иккала кунини наҳс дейдилар. Учрашиш кунининг [наҳслиги] шуки, бу куни жин ва шайтонлар оламдаги яшовчиларнинг орасига кирадилар. Улар ёмон мизожга ўч бўладилар, натижада жиннилик ва ақлдан озиш ҳолатлари пайдо бўлади. Шу куни денгизларнинг суви қайтиб, оқар сувлар камаяди ва каптарларнинг [нарлари] тутқаноққа учрайди.

Шу куни бачадонга тушган [эрлик] сувидан вужуди нуқсонли<sup>971</sup> бола пайдо бўлади. Ўша куни экилган дарахт кўчатининг меваси – айникса, унда кун тутилса – тўкилувчан бўлади. Айтишларича, янги Ой нури товук босиб ўтирган тухумга тушса, албатта, палағда бўлади ва нарғис [гули] устида [кўринса, у] сўлийди.

(231–232)|| Танлов жадвали

Ой кунларининг номлари	Фарвардин моҳ	Урдибиҳишт моҳ	Хурдод моҳ	Тир моҳ	Мурдод моҳ	Шаҳривар моҳ
1. Ҳурмузд	Аллоҳ номида бўлгани учун танланган					
2. Баҳман	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
3. Урдибиҳишт	ўртача	бахт	бахт	бахт	ўртача	наҳс
4. Шаҳривар	ўртача	бахт	бахт	ўртача	бахт	бахт
5. Исфандармуз	ўртача	бахт	бахт	бахт	ўртача	бахт
6. Хурдод	ўртача	ўртача	бахт	бахт	бахт	бахт
7. Мурдод	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	бахт	бахт
8. Дай баозар	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
9. Озар	наҳс	ўртача	бахт	бахт	бахт	бахт
10. Обон	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
11. Хур	ўртача	ўртача	наҳс	ўртача	ўртача	ўртача
12. Моҳ	Ой номида бўлгани учун танланган					
13. Тир	бахт	бахт	ўртача	наҳс	ўртача	ўртача
14. Гўш	ўртача	бахт	ўртача	ўртача	бахт	ўртача
15. Дай бамеҳр	ўртача	наҳс	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
16. Меҳр	ўртача	ўртача	бахт	бахт	ўртача	ўртача
17. Саруш	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
18. Рашн	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	бахт
19. Фарвардин	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
20. Баҳром	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	наҳс	ўртача
21. Ром	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	бахт	бахт
22. Бод	наҳс	бахт	ўртача	бахт	бахт	бахт
23. Дай бадин	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
24. Дин	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
25. Ард	бахт	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
26. Аштоз	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	бахт
27. Асмон	ўртача	бахт	бахт	бахт	ўртача	бахт
28. Зомиёд	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
29. Морасфанд	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
30. Анирон	ўртача	ўртача	наҳс	ўртача	ўртача	ўртача


Танлов жадвали

Меҳр моҳ	Обон моҳ	Озар моҳ	Дай моҳ	Баҳман моҳ	Исфандар-муз моҳ	Ой кунларида илон кўринганда чиқарилган ҳукмлар
						Кундуз ярмидан; илгари – подшолик
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	наҳс	ўртача	Иллат ва касаллик
ўртача	ўртача	бахт	ўртача	ўртача	бахт	Ўлим ёки хонадондан бирор нарсанинг кетиши
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Ҳамшаҳарларидан бирор манфаат ва ёрдам
ўртача	бахт	бахт	ўртача	ўртача	наҳс	Ёдга олинмиш ва мақталиш
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	ўртача	наҳс	Кўп фойдали сафар
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	ўртача	наҳс	Иллат ва касаллик
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Подшоҳ ҳузурига кириш
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	бахт	наҳс	Кечаги кундаги каби [ҳодиса]
ўртача	наҳс	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Уйланиш ва никоҳ
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Меҳнатсиз пул
						Кундуз ярмигача яхшилик, ундан кейин ёмонлик
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Пул кўпайиши
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Фақатгина тўрт оёқли [ҳайвонлар]дан ризк етиб туриши
ўртача	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Кетидан соғломлик келадиган касаллик
бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	бахт	Илгари эга бўлинмаган нарсага эга бўлиш
ўртача	бахт	бахт	ўртача	бахт	ўртача	Сафар ва ундан қайтиб келиш
бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Сафар ва унда касал бўлиш
ўртача	ўртача	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	Сафар ва унда касал бўлиш
ўртача	ўртача	наҳс	наҳс	ўртача	бахт	Пул кўпайиши
ўртача	ўртача	наҳс	наҳс	ўртача	бахт	Хонадонда бирор эр кишининг ўлиши
бахт	бахт	ўртача	бахт	бахт	бахт	Сафар ва душманлар устидан зафар
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	наҳс	ўртача	Ўғрилиқ билан тўхматланиш
ўртача	бахт	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Иллат ва касаллик
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	бахт	бахт	Бойликка эришиш
бахт	ўртача	ўртача	ўртача	бахт	бахт	Ёмонланадиган ёмонлик
ўртача	ўртача	ўртача	бахт	ўртача	ўртача	Янги бино қуриш
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Ёлгончилик билан ҳақоратланиш
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Молу мулк ва оилага фалокат [етиши]
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Қисқа сафар
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Зино билан ушланиш

Ал-Киндий бундай деган: «[Ойнинг Қуёш билан] учрашган кунининг наҳс эканига сабаб шуки, барча таналар йўлбошчиси бўлган Ой ўша куни куяди<sup>972</sup>. Шунинг учун ўша куни таналарнинг балога йўлиқиш ва йўқ бўлиб кетиш хавфи бор».

Ойнинг Қуёшга рўпара келган кунининг [наҳслигига] келсак, форсларнинг айтишларича, шу куни девлар ва сеҳргарлар нопок арвоҳга ўч бўладилар. Шунинг учун тутқаноқ ҳолати ортади. Шу куни денгизлар кўтарилиб, сувлар кўпаяди. Мода каптарлар тутқаноққа учрайди. Шу куни бачадонга тушган [эрлик] сувидан вужудда ортиқчалиги бор<sup>973</sup> бола пайдо бўлади. Шу куни экилган кўчат меваси – айниқса, ўша куни Қуёш тутилса – баракали бўлиб, кўпи сасийди.

Ал-Киндий айтади: «Ой тўлишининг ёмонлигига [сабаб] шуки, Ой нури руҳларнинг йўлбошчиси бўлган Қуёш нуридан олинган. Шунинг учун руҳларнинг таналардан жудо бўлиш хавфи туғилади».



## Х 6 0 6 . С У Ғ Д Л А Р Н И Н Г О Й Л А Р И Д А Г И Б А Й Р А М Л А Р

Суғдларнинг ойлари ҳам йил чорақларига тақсимланган бўлиб, суғд ойлари-дан Навсарднинг биринчиси ёз бошидир. Улар билан форслар орасида йиллар ва айрим ойларнинг бошланиши борасида – биз юқорида баён этгандек, қўшимча беш куннинг ўрнидан бошқа – фарқ йўқ.

Суғдларнинг бу [ихтилоф]ларига сабаб шуки, улар подшоҳларини улуғлаб, ўз ишларида ўзларини уларга тенглаштирмаганлар. Подшоҳлар ҳожатраво Жамшид подшоҳнинг зуҳур этган пайтини йил боши сифатида белгилаганларидек, суғдлар унинг қайтиб келиш вақтини йил боши қилиб олганлар.

(234)|| Баъзи кишиларнинг гумонича, иккала йил [форслар ва суғдлар йиллари]нинг бошланиши ҳақидаги тафовутга сабаб, кузатишларда учратилган бир қанча фарқларнинг ўзидир. Бу шундай: қадимги форслар Қуёш йилининг уч юз олтмиш беш ва чорак кун ҳамда соатнинг олтмишдан бирича кўпроқ эканини эътиборга олар ва ортиқчани чорак кунга қўшардилар. Зардушт юзага чиқиб, мажусийликни олиб келгач, подшоҳлар Балхдан Форс ва Бобилга кўчдилар ва дин ишларига эътибор бериб, кузатишларни янгидан ўтказдилар. Шунда ёзги Қуёш туришини учинчи йилдан кейинги кабисадан беш кун олдин келишини кўрдилар-да, аввалги ҳисобларини тарк этиб, кузатиш тақозо қилган ҳисобга амал қилдилар. Мовароуннаҳр аҳолиси эса амал қилиб келган ҳисобларида қолиб, кузатилаётган йилни бекорга чиқардилар. Мана шу сабабдан йилларининг бошланишида ҳар хиллик пайдо бўлди<sup>974</sup>.

Баъзиларнинг гумонича, форслар ва суғдлар йилларининг боши – то Зардушт юзага чиққунича – бир [хил] бўлган. Форслар [Зардуштдан] кейин қўшимча беш кунни, биз юқорида айтгандек, кабисали ойлардан ҳар бир ой охирига кўчирдилар, [аммо] суғдлар уларни кўчирмай, ўз жойида қолдирдилар. Натижада, у кунлар суғдлар йил ойлариининг охирида; форсларда эса кабиса бекор қилингандан кейин, Обон моҳнинг охирида қолди. Яна Аллоҳ ўта билгувчидир.

Суғдларнинг ойларида (форсларники сингари) кўп байрамлар ва машхур, кутлуғ саналар мавжуд. Улардан бизгача етиб келганлари мана булар:

**Навсард.** Бу ойнинг биринчи куни [суғдларнинг] Наврўз санаси бўлиб, бу катта Наврўздир.

Навсарднинг йигирма саккизинчи куни Бухоро мажусийларининг [Ромуш Оғом] номли байрам санасидир. Улар шу куни Ромуш<sup>975</sup> қишлоғидаги оташхонага тўпланадилар. «Ромуш Оғом» улар учун энг азиз байрамлардан

бўлиб, у хар бир қишлоқда [ўтказилади]. Улар хар қайси [қишлоқ] раиси хузурига йиғиладилар ва еб-ичадилар. Бу навбати билан [ҳамма қишлоқда] бўлиб ўтади.

**Жиржин**<sup>976</sup>. Бу ой хусусида бизга бирор хабар етиб келмади.

**Нисан**. Бу ойнинг ўн иккинчи куни биринчи [Моҳирж]дир.

**Басок**. Бу ойнинг еттинчи куни [Наках Оғом] санасидир. Бу байрам Пойкандда<sup>977</sup> бўлиб, улар [шу куни] ўша ерга йиғиладилар.

Ойнинг ўн иккинчи куни иккинчи [Моҳирж]дир.

[Ушбу ойнинг] ўн бешинчи куни Сама Хвора [байрами санасидир]. Бунда овқат, ичимлик ва олов теккан нарсаларни тарк этиб, мева ва сабзавотлар истеъмол қиладилар.

**Ашноҳанда**<sup>978</sup>. Бу ойнинг ўн саккизинчи куни «Баба Хвора» [байрам санаси] дир, «Боми Хвора» ҳам дейилади. Унда узумдан сиқиб олинган янги ва соф шарбат ичилади.

[Ойнинг] йигирма олтинчи куни [Гарм Хвора]дир.

**Мажиханда**<sup>979</sup>. Бу ойнинг учинчи куни [Кишмин] байрами санасидир. Шу кун Кумужкат<sup>980</sup> қишлоғида бозор бўлади.

[Ойнинг] ўн бешинчи куни Тавовисда<sup>981</sup> бозор бўлади. Атрофдан савдогарлар шу ерга тўпланиб, етти кун турадилар.

(235)|| **Фағакон**<sup>982</sup>. Бу ойнинг биринчи куни Ним Сарда деб аталади. Бунинг маъноси «йил ярми» демақдир. Иккинчи куни байрам санаси бўлиб, буни «Минийд Хвора» дейдилар. Бу куни [суғдлар] оташхоналарга йиғилиб тарикнинг уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқатни ейдилар. Баъзи кишилар форсларнинг фикрига мувофиқ бўлсин деб, «Ним Сарда»ни шу [байрамдан] беш кун олдинга қўядилар. Бу Меҳр моҳнинг бошидир. Ҳолбуки, [форсларда] йил ярми йил бошидан олти ой ва икки ярим кун ўтгач бўлиши керак эди.

Бу ойнинг тўққизинчи куни [Тасис<sup>983</sup> Оғом], йигирма бешинчи куни «Гарм Хвора»нинг бошидир.

**Обонж**. Бу ойнинг тўққизинчи куни – «Гарм Хвора»нинг охиридир.

**Фуғ**. Бу [ой] ҳақида бизгача ҳеч қандай хабар етиб келмаган.

**Масафуғ**<sup>984</sup>. Бу ойнинг бешинчисидан то ўн бешинчисига қадар байрамдир. Сўнгра етти кун Шарғда<sup>985</sup> мусулмонлар бозори бўлади.

**Жимда**<sup>986</sup>. Бу ойнинг йигирма тўртинчи куни [Бад амком] байрамидир.

**Хашивам**. Бу ойнинг охирида Суғд аҳли қадимги аждодларини [ёд этиб], йиғлаб-сиқтаб, юзларини тирнайдилар ва уларга [атаб], форслар Фарвардигонда қилгани каби овқатлар тайёрлаб, шароб қўядилар. [Бунинг ой охирида қилинишига] сабаб шуки, суғдларнинг «ўғирланган» деб аталган беш куни, юқорида зикр қилинганидек, шу ойнинг сўнгги кунларидадир.

Суғдларнинг ойларидаги номлари бир хил бўлган кунларда барча қишлоқларда бозорлар ташкил этилади. Бу [одат] Бухоро ва Суғд қишлоқларида сақланиб қолган.



## XI б о б . Х О Р А З М Л И К Л А Р Н И Н Г Б А Й Р А М К У Н Л А Р И

Хоразм аҳлининг йил ва ойлари бошлари суғдларникига мувофиқ бўлиб, форсларникидан фарқ қилади. Бунга сабаб суғдлар билан [форслар ўртасидаги] тафовут хусусида баён этилганнинг айнан ўзидир. Хоразмликларнинг расм-русумлари суғдларникига ўхшайди; уларда ҳам ёз боши Навсаржининг бошидир.

Хоразмликларнинг ўз ойларида байрамлари бўлиб, исломдан аввал шу [байрамлар]ни мукаддас санар ва: «Буюк тангри хоразмликларга уларни улуглашни буюрган», – дер эдилар. Улар ўзларидан аввалги аجدодларидан қолган бошқа кунларни ҳам байрам қиладилар. Ҳозир уларнинг мажусийларидан фақат динида қаттиқ турмаган бир гуруҳи қолган, холос. Ҳатто, бу гуруҳ байрамларни ойларга нисбатан белгиланган вақтларига қараб эмас, улар орасидаги узокликларга қараб нишонлайдилар. Уларнинг динларига алоқаси бўлмаган кунлар ва байрамларга келсак, улар мана булардир:

(236)|| **Навсаржи.** Бу ойнинг биринчи куни – йил боши байрами, яъни [юқорида] зикр қилганимиздек, янги кундир.

**Ардушт**<sup>987</sup>. Бу ой ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

**Хрвдад**<sup>988</sup>. Бу ойнинг биринчи куни Арижосуван деб аталади. Бу кун ҳаво энг кизиган вақтда келар эди. Аслида Арижхан Чузон бўлиб, бунинг маъноси «энди [одамлар] кийимдан чиқади», яъни «ечиниш ва халос бўлиш вақти» демакдир. Аммо бизнинг замонимизда бу кун кунжут ва у билан бирга [бошқа уругларни] ерга қадаш вақтига тўғри келди.

**Жири.** Бу ойнинг ўн бешинчи куни Ажғар бўлиб, маъноси «ўтин» ва «аланга» демакдир. Бу ўтмишда кузда ҳаво ўзгариши сабабли оловда исиниш зарурати пайдо бўлган вақтга тўғри келарди. Бизнинг давримизда эса у ёз ўртасига тўғри келяпти. Шу [байрамдан бошлаб] етмиш кун саналгач, кузги буғдойни экиш бошланади.

**Хмдад.** Бу ой ҳақида ҳеч қандай маълумот айтмаганлар.

**Ахшривари.** Бу ойнинг биринчи куни Фағабарих деб аталади. Айтишларига кўра, аслида Фагоруба бўлиб, бу «Шоҳнинг чикиш вақти» демакдир. Чунки шу вақтда иссиқ кетиб, совуқ келиши сабабли, Хоразм подшоҳлари шаҳар чеккасига чиқар ва шу жойда кишлаб, ўз чегараларидан ўғуз турклари-ни қувар ва мамлакатлари атрофини улардан ҳимоя қилардилар.



**Авмри.** Бу ойнинг биринчи куни Аздоканд Хвар бўлиб, маъноси «Ёғли нон ейиш куни»дир. Хоразмликлар шу куни совуқдан уйларига кириб, олов ёқилган ўчоқлар атрофида тўпланадилар ва ёғли нон ейдилар.

[Бу ойнинг] ўн учинчи куни [Чири Руч] байрами санасидир. Улар бу байрамни форслар Меҳржонни [улуғлагандек] улуғлайдилар.

[Ойнинг] йигирма биринчи куни «Ром Руч» деб аталадиган байрам санасидир.

**Ёнохун.** Бу ой ҳақида ҳеч қандай маълумот айтмаганлар.

**Арв.** Бу ой ҳақида ҳам ҳеч нарса демаганлар.

(237)|| **Римжд.** Бу ойнинг ўн бешинчиси Намхаб [деб] аталади. Айтишларича, бу Минч Эҳиб бўлиб, кўп қўлланилганлиги сабабли [тиллерда] талаффузини енгиллатиш учун Римжад деб ўзгартирилган. Бунинг маъноси «Мина кечаси» демакдир. [Хоразмликлардан] баъзи бирларининг айтишича, Мина уларнинг подшоҳлари ва улуғларидан [чиққан] аёл бўлиб, у [кечаси] маст ҳолида ипак кийимда қасрдан [ташқарига] чиққан. Ўша пайт баҳор фасли эди. У қаср ташқарисида йиқилиб қолган. Унинг уйқуси ғолиб келиб, ухлаб қолганида, ўша кечанинг соғуғидан музлаб ўлган. Одамлар баҳор фаслининг шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганидан ажабланиб, бу [ҳодиса]ни бевақт юз берувчи одатдан ташқари ғаройиб ҳолат тарихи сифатида баҳолаганлар. Бизнинг замонда у кун [баҳор мавсумидан] олдин келадиган бўлди. Авом халқ бу байрамни қиш ярмида ўтказди.

Хоразмликлар айна шу кунларда буғланадиган ва тутатиладиган дориларни ишлатадилар, жинлар ва ёмон арвоҳларнинг зарарларини даф этиш учун ис чиқариб, овқат пиширадилар. Бу тадбир ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик йўлида [қилинган] бўлиб, бунга руҳий омиллар, яъни қайтарик, афсун ва дуолардан бирон нарса қўшилса, зарур амал саналади. Озчиликни ташкил этсалар ҳам, Гален ва унга ўхшаш ҳикматшуносларнинг энг фозиллари [қайтарик, афсун ва дуоларнинг] таъсирларини кўргач, уларга иқроор бўлиб, рухсат берганлар. Шунингдек, бу нарсаларда ёриткичлар ҳолатидан, масалан, «бахтли соатлар»дан ва шундай вақтлар учун эслатилган «танланган шакллар»дан ҳам ёрдам олинса, [яна ҳам керакли иш бўларди]. Эҳтиёткорлик у нарсаларни беҳудага ва ёлғонга чиқариш учун масҳара қилиш ва лабини буриб қулишдан бошқа далил келтиролмайдиган кишиларга илтифот қилмаслигимизни талаб этади. Файласуфлар ва олимларнинг улуғлари, чунончи, Аристотель жин ва шайтонлар [ҳақидаги гаплар]га иқроор бўлганлар, уларни ҳаво ва оловга нисбат берганлар ва инсоний мавжудотлар деб атаганлар. Шунингдек, Яҳё ан-Наҳвий<sup>989</sup> ҳам бунга иқроор бўлган. Ундан бошқалар ҳам жин ва шайтонларни таналаридан ажралгандан кейин, ҳақиқатни билмасликлари ва ҳайронликлари сабабли келиб чиққан аслларига боришдан ман қилиниб, [каёққа боришларини билмай] тараддудда қолган ёмон руҳлар деб тавсиф қилган. Моний ҳам ўз китобларида – гарчи унинг ишоратлари кучсиз талаффуз ва иборатлар билан

адо этилган бўлса ҳам – шу нарсалардан бошқага ишорат этган деб гумон қилмаймиз.

**Аршаман.** Бу ой ҳақида ҳеч қандай маълумот айтмаганлар<sup>990</sup>.

**Испандормажи.** Бу ойнинг тўртинчи куни Ҳеж деб аталади, бунинг таржимаси «турмок»дир<sup>991</sup>. [Бу ойнинг] ўнинчи куни «Вахш Ангом» деб аталувчи байрам санасидир<sup>992</sup>. Ўйгирманчи куни Инча<sup>993</sup> деб аталади. Бунинг маъноси «бир-бирига яқин уйлар» демакдир.

Шулар қаторида хоразмликларнинг диний урф-одатларда зарур саналган байрамлари ҳам мавжуд. Бундай байрамлар олтига.

Биринчиси «Банхажачири». Бу Навсаржи ойининг ўн биринчи кунидир. Авом халқда бу Навсаржи ойига нисбат берилиб, «Навсаржи Каник» деб аталади, чунки бу [байрам] шу [ойда] келади.

Иккинчиси эса «Миссаханирид» деб аталади. Бу Жири [ойи]нинг биринчи кунида бўлиб, «Жовард Миник», яъни «Қовоқ [байрами]» ҳам дейилади. Яна Ажғарга нисбат бериб, «Ажғар Миник» дейилади, чунки бу [байрам] Ажғардан ўн беш кун олдиндир.

Учинчиси «Мазиханирид» дейилади. Бу Ҳамдад [ойи]нинг ўн бешинчи кунида бўлиб, «Анжамариз Каник» ҳам дейилади.

(238)|| Тўртинчиси «Миссазармирид» деб аталади. Бу Авмри ойининг ўн бешинчи куни бўлиб, «Хирравоч Каник» ҳам дейилади.

Бешинчи [байрам] Римжад [ойи]нинг биринчи кунида бўлиб, «Кажизанри Каник» [номи] билан машҳурдир.

Олтинчиси эса «Аршаманрид» деб аталиб, «Аршаманрид Каник» [номи] билан машҳурдир. Бу Аршаман [ойи]нинг биринчи кунидадир.

Хоразмликлар Испандормажи ойининг охириги беш кунида ва ундан сўнг келадиган кўшимча беш кунда форслар Фарвардигон кунларида амал қиладиган [одат]ни адо этиб, қабристонга таом олиб борадилар<sup>994</sup>.

Хоразмликлар ой манзилларини белгилаб, улардан [астрологияга оид] ҳукмларни чиқарар эдилар. Уларнинг тилларида манзилларнинг номлари бўлиб, уларни ёдда сақлардилар. Ушбу [манзил]ларни кузатиш кайфиятини яхши билиб, шунга асосан далил келтирувчи кишилар қолмади. Бунга аниқ ҳужжатнинг бири шуки, мунажжим хоразм тилида «ахтар веник» дейилди. Бунинг маъноси «Ой манзилларига қаровчи» демакдир. Чунки «ахтар» [Ой манзили] демакдир. Хоразмликлар шу манзилларни ўн икки буржга тақсимлаб, буржларни ўз тилларида алоҳида номлар билан атайдилар.

Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар. Буржларга берган номлари уларни тасвирлаш учун мутасадди бўлган [астроном]ларнинг қўйган номларига мувофиқлиги, араб [тили]га мос келмаслиги, араблар эса мутасаддилар томонидан берилган суратлардан бошқа суратлар орқали тасвир этишлари сўзимизнинг тўғрилигини кўрсатади. Масалан, араблар Жавзони Эгизак ўғил бола [сурати] ўрнида буржлар қаторига қўйганлар. Ҳолбуки,

Жавзо Жабборнинг юлдузидир<sup>995</sup>. Хоразмликлар эса бу юлдуз туркумини Аз-вапачкирик номи билан атайдилар. Бу «эгизаклар» маъносини англатади.

Шунингдек, араблар Асад буржини бир неча туркумларда тасвирлаганлар. Натижада, у узунликда учта юлдуз туркумидан ортиқроқ [ўрин]ни, кенгликда эса [эгаллаган]идан бошқани олган. Шундайки, араблар Эгизакларнинг икки бошини Асаднинг ёзилган панжаси; Саратон, яъни ан-Насра<sup>996</sup> кўкрагидаги доғни – унинг бурни, Азро кўкрагини, яъни Аввони<sup>997</sup> унинг икки орқаси; Ромихни<sup>998</sup> унинг яна бир оёғи сифатида тасвир этганлар. Асад сурати арабларнинг фикрига кўра, Саратон, Асад, Азро буржларига ва Мезон буржининг бир қисмига ҳамда шимолий ва жанубий туркумларнинг бир қанчасига ёйилган. Ҳақиқат эса улар ўйлагандан бошқачадир.

(239)|| Агар арабларнинг турғун ёриткичларга берган номларига эътибор берсангиз, гарчи Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба ал-Жабалий<sup>999</sup> ўзининг барча китобларида, айниқса, арабларнинг ажамликлардан афзаллиги ҳақидаги китобида узундан-узок сўзлаб: «Араблар ёриткичлар [ҳолати]ни, уларнинг чиқиш ва ботиш жойларини ҳамма миллатлардан яхшироқ биладилар», – деб даъво қилган бўлса ҳам, арабларнинг буржлар ва уларнинг суратларини билишдан узок эканликлари, шубҳасиз, аниқдир. Билмадик, деҳқонлар ва чорвадорларнинг ҳар жой ва ҳар маконда [дала] ишлари ва бошқа юмушлари бошланишини, уларга мос вақтларни билишларини [Абу Муҳаммад] билмайдими ёки ўзини билмасликка оладими? Кўм-кўк осмондан бошқа нарса [тепасини] қопламаган, ёриткичларнинг доимо бир тартибда чиқиш ва ботишини кўриб турган киши ўз ишларининг бошланиши ва уларнинг вақтларини билишни, албатта, ёриткичларга боғлайди.

Эҳтимол, арабларда бошқаларга хос бўлмаган, яъни бу билган ёки тахмин қилганини – у хоҳ тўғри ёки ёлғон, хоҳ мақтов ёки танкид бўлсин – шеърлар, уржуза<sup>1000</sup> ва қофияли сўзлар орқали абадийлаштиришдир. Улар бундай шеърларни бир-бирларидан мерос оларди, натижада [бу шеърлар] уларда ёки улардан кейин ҳам [сақланиб] қоларди. Агар буларни анво<sup>1001</sup> ҳақидаги китобларда, айниқса, Ибн Қутайбанинг «Юлдузларни кўриш илми» деб аталган китобида ва мазкур асаримиз сўнггида биз келтирганларнинг баъзиларида кўрсангиз, албатта, арабларнинг бу борада бошқа жойларнинг деҳқонларидан ҳам кўра кўпроқ ихтисосли бўлмаганликларини биласиз.

Лекин у киши [Ибн Қутайба] қайси ишга киришса, чегарадан чиқувчи, ўз фикрида туриб олувчи бўлиб, тоғликларнинг табиатидан<sup>1002</sup> холи эмас. Унинг [юқорида] айтиб ўтилган китобидаги гапи у билан форслар орасида душманлик ва адоват борлигидан далолат беради. У арабларни форслардан юқори баҳолаганига қаноатланмай, форсларни энг разил, манфур ва ноқобил халқ деб атайди ва Аллоҳ кўчманчи араблар ҳақида «Тавба» сурасида марҳамат қилгани каби қалтисроқ сўзлар билан уларга исломга нисбатан хусуматкорликни тиркайди. Агар у форсдан афзал деб билган миллат аввалги [тарихини]

озгина фикрлаб кўрганида эди, бу икки халқ хақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксариятида, албатта, ўзини ўзи ёлгончи кўрган бўларди.

Сугдлар ва хоразмликлар тилида Ой манзилларининг номлари куйидаги «Номлар жадвали»да берилган<sup>1004</sup>. Кейинчалик у [бурж]ларнинг чиқиш ва бо-тишини баён қилинган пайтда кўринадиган тасвирларини ҳам тушунтириб ўтамыз.

### Номлар жадвали

Арабча номи	Сугдча номи	Хоразмча номи
Шаратон	Б-ш-и-ш	Рив-н-д
Бутайн	Б-р-в	Ф-р-н-х-н-д
Сурайё	П-р-в-н	П-р-в-н
Дабарон	Баб-р-в	Баб-р-в
Ҳақъа	М-ра-з-на	А-ҳ-мах
Ҳанъа	Р-ш-н-в-н-д	Х-в-ё
Зираъ	Ғ-с-ф	Ғ-в-с-ф
Насра	Ғ-н-б	Чири
Тарф	Х-м-ш-риш	Х-м-шиш
Жабҳа	М-г	Ачир
Зубра	В-за	А-м-г
Сарф	В-и-з-в	Визив
Авво	Ф-с-г-ш-т	Аф-с-ст
Симок	Ш-ғор	Ах-ш-ф-р-н
Ғафр	С-р-в	Ш-в-ш-к
Зубонайн	Ф-с-р-в	С-роф-с-рив
Иклил	Ғ-н-в-н-д	А-ғ-н-в-н-д
Қалб	В-ғ-н-в-н-д	Б-ғ-н-в-н-д
Шавла	М-ғ-н-с-д-вис	Зор-и-н-д
Наъим	Б-с-с-м	С-р-зив
Балда	В-ж-зик	М-р-х-шик
Саъд аз-Зобих	В-н-н-д	Х-ч-м-н
Саъд ал-Була	Юғ	Юғ
Саъд ас-Сууд	Ш-д-м-шир	С-д-м-сиж
Саъд ал-Ахбия	Ш-в-ш-т	М-ш-т-в-н-д
Фарғ ал-Муқаддам	Ф-р-ш-т-бас	Ф-р-х-ш-бис
Фарғ ал-Муаххар	Б-р-ф-р-ш-т	Б-бир
Батн ал-Хут	Рмв-нд	Ж-доз

## ХП 606. ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ БАЙРАМЛАРИ ХУСУСИДА ХОРАЗМШОҲНИНГ ТУТГАН ЙЎЛИ

(241)|| Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ хоразмликларнинг ойлари каби сали қилишда халифа Ал-Муътазид биллоҳ йўлидан борди<sup>1005</sup>. Шундайки, у Бухорода асирлик занжирдан озод этилиб, банддан қутулгач, ўз пойтахтига қайтди ва ҳузуридаги ҳисобдонлардан Ажғар кунини сўради. Ҳисобдонлар уни кўрсатганларида, хоразмшоҳ байрам Таммуз ойининг қайси кунини эканини сўради. Улар буни [ҳам] кўрсатдилар.


Хоразмшоҳ буни эслаб қолди-да, етти йилдан кейин яна ўшандай саволни берди ва у ҳисобни инкор этди. Хоразмшоҳ кабисаларнинг ва уларнинг ҳолатидан воқиф эмас эди. Ал-Каражий, Ал-Ҳамдакий ва ўша даврнинг бошқа мунажжимларини ўз ҳузурига чақиртириб, улардан бу хусусдаги ҳақиқий ҳолатни сўради. Улар ҳақиқатни муфассал изоҳлаб, форслар ва хоразмликлар йилларни қандай ҳисоблашларини сўзлаб бердилар. Шунда хоразмшоҳ: «Бу бузилган ва унутилган нарса экан. Оддий халқ шундай [байрам] кунларига асосланади ва уларни тўрт фаслнинг марказларида кўриб: «Барқарор ва ўзгармас [кунлар] – Ажғар ёз ўртаси, Нимҳаб қиш ўртаси», деб гумон қилади. Экин экиш ва ерни ишлаш вақтлари учун белгиланган муддатларни ўша кунлардан ҳисоблайди. Кўп йиллар давомида тажриба олиб бормади туриб, буни аниқлаб бўлмайди. Мана шу ҳолат ҳам хоразмликларнинг ҳалиги муддатларни ўша кунлардан ҳисоблашдаги ихтилофларининг сабабларидандир. Ҳатто баъзилари: «Олтмиш кун ўтганда бугдой сочиш вақти бўлади», деб гумон қилса, бошқалари: «Ундан кўпроқ», яна баъзилари: «Камроқ», дейди. Яхшиси, ўша кунларни биргина ҳолатда ва йилнинг ўзгармайдиган вақтларида қарор топиши учун бир ҳийла тузамиз, шунда уларнинг вақтлари ўзгармайди», – деди.


(242)|| [Мунажжимлар] унга: [Халифа] ал-Муътазид амалга оширганидек, хоразмийча ойларнинг бошларини румликлар ва сурёнийлар ойлариининг [аниқланган кунлари]га қўйишдан афзалроқ ҳийла йўқ. «Шунда хоразмийча ойлар уларники сингари кабисали бўлади», – дедилар. Бу қарорни Искандар эрасининг минг икки юз етмишинчи йилида қабул этдилар<sup>1006</sup> ва сурёнийча Нисаннинг учинчи кунини Навсаржининг биринчи [куни] деб келдилар. Ниҳоят, Ажғар ҳамиша Таммуз ойининг ярмида келадиган бўлди. Ер ишлари вақтларини, масалан, майиз солиш учун узум узиш вақтини ўша [муддат]га

белгиладилар. Чунки бунинг вақти Ажгардан кейин қирқ кундан то эллик кун ўтадиган [муддатгача] эди. Узумни узиш ва нокларни териб олиш вақтини ҳам шундай белгиладилар. Чунки буларнинг вақти Ажгардан кейин эллик беш кундан то олтмиш беш кун ўтадиган [муддатгача] эди. Шунингдек, экин экиш, [дарахтларнинг] гулларини чанглатиш, кўчат ўтказиш, пайванд қилиш ва бошқа барча ишларнинг вақтларини аниқладилар. Шунда румликлар йили кабисали бўлганда, Испандормажи ойдан кейин қўшиладиган кунлар олти кун бўлди. Агар хоразмшоҳнинг бу қарори тарих боши қилиб олинганда эди, албатта, уни юқорида баён этилган бошқа эраларга қўшган бўлардик.

Қибтларнинг кабисасиз ойларига келсак, гарчи бошқа халқларники сингари буларнинг ҳам шу ойларида байрамлари бўлса-да, бу ҳақда бизгача бирон хабар етиб келмаган. Шунингдек, уларнинг бизнинг замонимизда ишлатилаётган кабисали ойларида ўтказиладиган байрамлари ҳақида ҳам [ҳеч қандай] хабар етиб келмаган. Фақат: Тут ойининг биринчи кунда қибтлар Наврўз байрами саналади; Бауни ойининг ўн олтисида, бошқаларнинг айтишича, йигирмасида Нил дарёсининг суви кўтарилиб, кўпая бошлайди, деган хабар етиб келган, холос. Уларда ҳам румликлар ва сурёнийлар байрамларининг ўтказилиши шубҳа туғдирмайди. Чунки Миср [аҳолиси] румликлар, сурёнийлар ўртасида жойлашган бўлиб, йиллар хусусида улар билан бир фикрдадир. Лекин қибтлар улардан бир қанча [ўзига] хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, уларнинг турар жойлари, яъни Мисрнинг ўзига хос хусусиятлари бўлган суви, ҳавоси, ёмгири кабиларга бошқа жой[ларники] тенглаша олмайди.

Румликлар ва сурёнийлар ўтказадиган [байрам] икки хил. Улардан бири ҳаёт, дунё ишлари, об-ҳавога пайдо бўлган ҳолатлар ва биз айтиб ўтгандек, бошқа сабаблар юзасидан ўтказилса, иккинчи тури уларнинг насроний дини сабабли ўтказилади.





### ХШ 6 о 6. РУМЛИКЛАР ОЙЛАРИДАГИ МАЪЛУМ БЎЛГАН [БАЙРАМ] КУНЛАРИ ҲАҚИДА

Румликларнинг йили Қуёш йилига мувофиқ, унинг табиий фасллари билан мос ва улар билан параллел равишда кечади. Қисмлари [Қуёш йили] қисмларига барабар, лекин улар орасидаги номутаносиблик сезилмас даражада бўлиб, фақат йил кабисали бўлгандагина, бу номутаносибликни ортиқча [бир кун] сифатида йилга қўшадилар. Румликлар, сурёнийлар ва уларга тобе кишилар ўз йиллари билан бирга вақти-вақтида айланиб келувчи ҳодисаларни ва узоқ муддат тажриба қилиб, қўлга киритган кунлар ҳолатини шамсий йилга шундай боғлайдилар. Бу «анво», «баворих» деб аталувчи ҳодисалардир.

Қадимгилар бу ҳолат сабаб келишолмайдилар. Баъзилар буни турғун ёриткичларнинг чиқиши ва ботишига нисбат беради. Араблар шулар тоифасидандир. Уларнинг шоирларидан бири шундай деган<sup>1007</sup>:

«Анави менинг жамоам «Банот наъш»<sup>1008</sup> каби

Орқада қолганлар, [бошқа] юлдузлардек «анво» келтирмайдилар».

«Банот наъш» юлдузларининг чиқиши ва ботишида «нав» бўлмаганидек, уларда яхшилик йўқ.

(243)|| Баъзилар бу [ҳодиса]ни манзилларнинг чиқиши ва ботишига нисбат беради<sup>1009</sup>, баъзилар эса кунларнинг ўзига нисбат беради. Бу [ҳол] кунларда ўртача ҳолатда табиийлаштирилган хусусиятдир. Сўнгра унда бошқа сабаблар кўпаяди ва камаяди. Масалан, ёз фаслининг табиати иссиқ, киш фаслининг табиати совуқ. Қолаверса, булар бир марта камайиб, иккинчи марта кўпаяди.

Гален: «Ўша [уч] гуруҳ ўртасида ҳукм чиқариш тажриба ва имтиҳон билан бўлади. Уларнинг ихтилофларини қисқа вақт ичида имтиҳон қилиш мумкин эмас. Чунки турғун юлдузларнинг ҳаракати яширин, қисқа вақтда уларнинг чиқиши ва ботишида ихтилоф сезилмайди», – деган. Синон ибн Собит ибн Қурра<sup>1010</sup> бундан ажабланиб, ўзининг [халифа] Ал-Муътазидга бағишланган «Анво ҳақида китоб» номли асарида шундай деган: «Гален юлдузлар ҳисобида кучли бўла туриб, бу масала қандай қилиб унинг эътиборидан четда қолди, билолмайман? Чунки ёриткичлар чиқиши ва ботишининг турли шаҳарларда хилма-хил бўлиши аниқ. Масалан, Суҳайл<sup>1011</sup> Бағдодда Айлулдан беш кун ўтганда чиқса, Воситда бундан икки кун олдин, Басрада эса Воситдагидан илгари чиқади. [Мунажжимларнинг] айтишларича, «анво» мамлакатларнинг

тафовутига қараб ўзгармайди, балки [бўлиб ўтган] кунларининг айнан ўзини сақлаб қолади. Бу юлдузлар, уларнинг чиқиш ва ботиши анвога боғлиқ эмаслигига далилдир». Шундан кейин, [Синон ибн Собит] гарчи унинг айтгани тўғри бўлиб, ёриткичлар чиқиши ва ботишининг «анво»га таъсир кўрсатишлари бекорчи гап бўлса ҳам, буни мутлақ холида қолдирмай, шартлар мавжуд бўлишини қайд этиб, ўзини ўзи ёлғончи қилди. У шундай деди: «Арабларнинг [анво]си кўпроқ Ҳижоз ва унга яқин жойларда, қибтларнинг [анво]си Миср ва денгиз қиргоқларида, Птолемейларнинг [анво]си Рум мамлакатлари ва уларга ёндош тоғларда тўғри аниқланади. Тажриба олиб борувчи шу жойлардан бирини мўлжаллаганда, Галеннинг «қисқа вақтда тажриба қилиш мураккаб эканлиги» ҳақидаги фикр [ўз кучида] қолади». [Синоннинг] бу ҳақдаги сўзи тўғри. Гален ўз мисолида ҳужжат билан исботланган тўғри сўзни айтар, унга инонар ва шубҳада қолган нарсдан юз ўтирар эди.

Синон ўз отаси Собит ибн Қурра<sup>1012</sup> ҳақида шундай ҳикоя қилади: отаси бошқа мамлакатлардаги «анво»ни қиёслайдиган усулларни қўлга киритиш учун Ироқда ўттиз йилча «анво» ҳолатини кузатган, аммо мақсадига етолмай вафот этди.

Анвонинг [муайян] йил кунлари ёхуд Ойнинг чиқиши ва ботиши билан боғлиқлигининг икки тасдиғидан қайси бири тўғри деб ҳисобланмасин, ҳар қандай учинчи тасдиқ йўққа чиқади. Қолган икки фикрдан тўғри топилгани [бири] учун бирмунча шартлар саналиб, анвонинг тўғри келиши шу шартларга боғлиқ. Айнан йилнинг хусусиятлари, муайян фасл ва ойнинг қурғокчилик ва намгарчилик хоссалари [кишиларнинг тахминларига] тўғри келадими ёки йўқми, аниқлаш лозим. [Буларнинг барчаси] метеорологик ҳодисалар ҳақида ёзилган астрономик китобларда келтирилган кўрсатмалар орқали аниқланади. Агар «нав» ўша далилларга мувофиқ келса, тўғри бўлиб, тўлиқ юзага чиқади, агар уларга зид келса, тўғри чиқмайди. Бу иккиси орасидаги [ҳолат] ҳам шундай бўлади.

Синон ибн Собит араблар ва ажамликларнинг «нав» масаласида келишишларини эътиборга олишни тавсия этган. Агар улар келишсалар, [нав] аниқ ва равшан бўлади, келишолмасалар, акси бўлади. Биз ушбу бобда Синон ибн Собитнинг [анво] ҳақида барча айтган сўзларини ва румликларнинг ойларида бажариладиган дунё ишларининг вақтларини баён этамиз.

(244)|| Ой манзилларининг чиқиши ва ботиши эса китоб сўнггида, ўзининг махсус бобида баён этилади. Чунки астрономлар [ой манзилларини] румликларнинг ойларида тартибли ва бир хил ҳолатда учратгач, бир-бирига мос бўлсин ва чалғитмасин деб, уларни ўша ойларнинг кунларига қўйганлар. Аллоҳ муваффақият ва ёрдам бергувчидир.

**Тишрийн аввал.** Бу ойнинг биринчи кунда Евктемон<sup>1013</sup> ва Филипп<sup>1014</sup> сўзига кўра, ёмгир ёғиши кутилади; қибтлар ва Калипп<sup>1015</sup> сўзига кўра, ҳаво булутли бўлади.



Иккинчи кунида Калипп, қибтлар ва Евктемон сўзига кўра, қишга хос ва булутли ҳаво бўлади; Евдокс<sup>1016</sup> ва Метродор<sup>1017</sup> сўзига кўра, ёмғир ёгади.

[Ойнинг] учинчи куни ҳақида ҳеч қандай маълумотлар айтмаганлар.

Тўртинчи [кунида] Евдокс сўзига кўра, ёмғир ва кўчувчи шамол; қибтларга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Бешинчи [кунида] Демокрит<sup>1018</sup> сўзига кўра, қиш ҳавоси. Бу экин экишнинг бошланиш вақти.

Олтинчи [кунида] қибтларга кўра, шамол шимол томондан эсади.

Еттинчи кунида Гиппархга кўра<sup>1019</sup>, жанубда [шамол] эсади.

Саккизинчи [кун] ҳақида ҳеч қандай сўз айтмаганлар. Синон шу куни қиш ҳавоси бўлишини айтган.

Тўққизинчи кунида Евдокс сўзига кўра, «нав» [куни], Гиппархга кўра, кунчиқишдан, қибтларга кўра кунботишдан шамол эсади.

Ўнинчи [кун] ҳақида ҳеч қандай сўз айтилмаган.

Ўн биринчи куни Евдокс ва Досифейга кўра, «нав» [куни].

Ўн иккинчи кунида қибтларга кўра, ёмғир [ёгади].

Ўн учинчи кунида Калипп [сўзи]га кўра, кучли шамол, «нав», момақалдирок ва ёмғир бўлади. Евдокс ва Досифейга кўра, шимол ёки жанубдан шамол эсади. Синон бунинг, кўпинча, тўғри келишини тасдиқлаган. Шу кун, албатта, денгиз тўлқинлари кўзғалади.

Ўн тўртинчи кунида Евдоксга кўра, «нав» ва шамол шимол томондан бўлади.

Ўн бешинчи кунида Евдоксга кўра, шамоллар ўзгариб туради.

Ўн олтинчи кун тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган.

Ўн еттинчи кунида Досифей, ёмғир ва «нав»; қибтларга кўра, ғарб ёки жанубдан шамол эсади.

Ўн саккизинчи кун тўғрисида ҳеч қандай сўз айтилмаган.

Ўн тўққизинчи кунида Досифей<sup>1020</sup> сўзига кўра, ёмғир ва «нав» бўлади; қибтларга кўра, ғарб ёки жануб томондан шамол эсади.

Йигирманчи ва йигирма биринчи [кунлар] ҳақида [об-ҳаво билимдонлари] бирон сўз айтмаган.

Йигирма иккинчи кунида қибтларга кўра, ўзгарувчан турли шамоллар эсади. Шу куни ҳаво совий бошлаб, зарурат бўлмаса, дори ичиш ва томирдан қон олиш вақти тугайди. Албатта, агар бадан саломатлигини сақлаш кўзда тутилса, бундай тадбирлар учун [қулай вақтлар] танланади. Аммо бу тадбирларни қўллашга мажбур бўлган [киши] кеча ёки кундузни, иссик ёки совуқни кутиб турмаслиги керак. Балки иш [яъни, касаллик] кучайиб кетмасдан аввал тадбирларни амалга ошириш учун шошилиши лозим. Бўлмаса, уни тўхтатиш қийин ва тадориғи машаққатли бўлади.

Йигирма учинчи кунда Евдокс [сўзи]га кўра, «нав» бўлади; Кесарга кўра<sup>1021</sup>, шимолий ёки жанубий шамол эсади.

Йигирма тўрттинчи кунда Калипп ва қибтлар сўзига кўра, «нав» бўлади.

Йигирма бешинчи кунда Метродорга кўра, «нав» бўлади; Калипп ва Евктемон [сўзи]га кўра, ҳавода ўзгариш бўлади.

(245)|| Йигирма олтинчи кун ҳақида улар ҳеч қандай сўз айтмаганлар.

Йигирма еттинчи кунда қибтларга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Йигирма саккизинчи кун – уларнинг [бу кун] борасидаги гаплари [унутилган ёки атайлаб] олинмаган. Шу кунни ҳаммомга тушиш, хуштаъм, аччик, шўр ва нордон нарса ейиш ёқимсиздир.

Йигирма тўққизинчи кунда, Демокрит сўзига кўра, дўл ёғади ёки совук бўлади. Гиппархга кўра, кетма-кет жанубий шамол, қибтларга кўра қиш ҳавоси бўлади.

Ўттинчи кунда Евктемон ва Филиппга кўра, қаттиқ шамол эсади. Шу кунни калхат, кузгун ва қалдиргочлар пастлайдилар, чумоли уясига киради.

Ўттиз биринчи кунда Калипп ва Евктемон [сўзи]га кўра, бўронли шамоллар; Метродор ва Кесарга кўра, шамол ва қиш ҳавоси; қибтларга кўра, жанубий шамол бўлади. Аллоҳ ўта билгувчидир.

**Тишрийн хрой.** Бу ойнинг биринчи кунда Евдокс ва Конон<sup>1022</sup> сўзича, [ҳар томондан] ёқимсиз шамоллар [эсади].

Иккинчи кунда ёқимсиз ҳаво, шимол ва жанубдан совук шамол эсади.

Учинчи кунда, Птолемей сўзига кўра, жанубий шамол; қибтийлар сўзига кўра, ғарбий шамол; Евдоксга кўра, шимолий ёки жанубий шамол эсади. Евктемон, Филипп ва Гиппархга кўра ёмғир ёғади.

Тўрттинчи кунда, Евктемонга кўра, «нав» бўлади; Филиппга кўра, ёмғир ёғади.

Бешинчи кунда, қибтларга кўра, қиш ҳавоси ва ёмғир бўлади.

Олтинчи кунда, қибтларга кўра, жанубий ёки ғарбий шамол бўлади. Досифейга кўра, қиш ҳавоси бўлади. Синон бу тажрибада тўғри чиққанини исботлаган.

Еттинчи кунда, Метон<sup>1023</sup> [сўзи]га кўра, гирдобли шамол билан ёмғир; Гиппархга кўра, совук шамол бўлади. Бу кун ёмғир ёғадиган мавсумларнинг бошланиши бўлиб, Куёш Акрабнинг йигирма биринчи даражасига тушади. Мунажжимлар шу вақт учун бир толе [бурж] тайин этиб, бундан ўша йилда ёмғир кўп ёки оз бўлиши борасида хулоса чиқарадилар; улар бунда Зухранинг чиқиш ва ботиш ҳолатига асосланадилар. Ўйлашимизча, бундай ҳолат фақат Ироқ ва Шом об-ҳавосида бўлади, бошқа жойларда бўлмайди. Бизда, Хоразмда, кўпинча, бу [вақтдан] аввал ёмғир ёға бошлайди. Абул-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех<sup>1024</sup> ўзининг «Йўллар ва мамлакатлар китоби»да ҳикоя қилишича, Ҳижоз ва Яманда Ҳазирон, Таммуз, Аб

ва Айлулнинг бир кисмида ёмғир ёгади. Биз ёз ойларида Журжонда турдик ва лоақал ўн кун ҳаво очилиб, булутлар тарқаб, ёмғир ёғмай турган пайтгни кўрмадик. У жуда серёмғир ўлкадир.

Ҳикоя қилинишича, халифалардан бири (уни ал-Маъмун деб ўйлаймиз) Журжонда қирқ кун турган. Шу [муддат ичида] ёмғир сира тўхтамаган. Шунда у: «Бизни бу [тинмай] ивитиб сув сепган мамлакатдан олиб чиқинг!» – деган.

(246)|| Бирор жой Табаристонга қанча яқин бўлса, ҳавоси шунча рутубатли ва серёмғир бўлади. Табаристон тоғларининг сернамлиги шу даражага етганки, уларнинг чўкқиларида саримсоқ янчилса, албатта, ёмғир ёгади. «Тонг китоби»нинг муаллифи ан-Ноиб ал-Омулий<sup>1025</sup> бунинг сабабини баён этиб, шундай деган: «Табаристон ҳавоси йиғилиб қолган буғлар туфайли куюк рутубатлидир; саримсоқнинг ўткир ҳиди намлик орасига ёйилгач, уни тарқатиб, куюк ҳавони сиқади ва шу сабабли унинг кетидан ёмғир ёгади».

Агар бу саримсоқ янчишдан юз берувчи сабаб бўлса, Фарғона тоғлари орасидаги машҳур булоққа ифлос нарса ташланганда, ёмғир ёғишининг сабаби нима? Ёки Табаристоннинг Тоқ тоғида Испахбадон деган машҳур саналган ғордаги «Сулаймон ибн Довуд курсиси» номи билан танилган курсига ифлос нарса ёки сут суртилса, нима сабабдан осмон булутланиб, то у тозалангунича ёмғир ёгаверади? Яна турклар еридаги тоғдан қўйларни олиб ўтишда уларнинг оёқларига тоғ тошларига урилмаслиги учун жун боғланса, шундан кейин кўп ёмғир ёғишининг сабаби нима? Баъзан турклар шу тошлардан олиб келиб, душман томонидан ўраб олинган вақтларида унинг зарарини даф этиш учун ишлатадилар<sup>1026</sup>. Бунинг ҳақиқатини билмайдиган киши турклар томонидан сеҳр қилинган деб ўйлайди. Мисрдаги бир тоғ<sup>1027</sup> этагида жойлашган ибодатхона яқинида «Пок» номи билан машҳур бўлган ҳовузнинг ҳолати ҳам шунга ўхшайди. Ҳирот ва Сижистон орасидаги кумликда йўлдан бир оз четда жойлашган тоққа одам ахлати ёки пешоби ташланса, баланд овоз ва кучли даражада шовқин эшитилади.

Булар мавжудот табиатига тегишли хусусиятлар бўлиб, сабаблари содда элементларга ва дастлабки тузилиш ҳамда яратилишга бориб тақалади; бундай ҳодисаларни билишга эришиш [ҳеч кимга] муяссар бўлмаган.

Айрим жойлар, масалан, Мисрнинг ал-Фустати<sup>1028</sup> ва унинг атрофидаги ерлар Табаристон тоғларининг аксидир. Чунки у жойларда ёмғир ёғмайди. Қачонки, ёмғир ёгса, у жойларнинг ҳавоси бузилади, вабо тарқалиб, бу ҳайвонот ва ўсимликларга зарар келтиради. Бундай ҳодисалардаги ҳолат жойнинг табиатига, тоғлар ва денгизлардан узоқ-яқинлигига, ердан баланд-пастлигига, шимол ёки жанубга томон қай даража кенглигига боғлиқдир.

Саккизинчи [Тишрийн хрой]да Евктемон сўзига кўра, ёмғир ва киш ҳавоси; Метродорга кўра, киш ҳавоси ва гирдоб шамоллари; яна Евктемон

сўзига кўра, жанубий шамол ёки «эврос», яъни жануб ва шарқ ўртасидаги шамол; қибтларга кўра, шарқий шамоли бўлади.

Тўққизинчи кунда бирор ҳолат юз бериши ҳақида айтилмаган.

Ўнинчи кунда Евктемон ва Филиппга кўра, қиш ҳавоси ва гирдоб шамоллар; Гиппархга кўра, шимолий шамол ёки жанубий совуқ шамол ва ёмғир бўлади.

Ўн биринчи кунда Калипп, Конон ва Метродорга кўра, «нав» куни Си-нон бунинг тўғрилигини тажрибада исботлаган.

Ўн иккинчи кунда Евдокс ва Досифейга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

(247)|| Ўн учинчи кунда Евдоксга кўра, «нав» бўлади. Демокритга кўра, қурукликда ҳам, денгизда ҳам қиш ҳавоси бўлади. Шу куни кемалар қаерда бўлмасин, тўхтайтиди, Форс ва Искандарияга бориладиган денгиз йўли бекилади. Чунки денгизнинг нотинч бўладиган, ҳавоси булутлашадиган, тўлқинлари кучаядиган, қоронғилиги қуюқлашадиган ва шу сабабли унда юриб бўлмай-диган маълум кунлари бор. Айтишларига кўра, денгиз тубига шамол тушиб, шундай [ҳолат]ларни кўзғатади. Бунга қайсидир баликнинг кўриниши далолат беради. У балиқ ўша шамолнинг денгиз тубида ҳаракатга келишидан дарақ бериш учун унинг юзига чиқади.

«Баъзан [бу ҳодиса] денгиз тўлқинлари кўзғалишидан бир кун олдин кўри-нади», деганлар. Денгизчиларнинг ҳар бирида ўзи юрган денгизда [кўзғалиш юз беришини билдирадиган] белги бўлган. Айтишларига кўра, Хитой денгизида сувга ташланган тўрларнинг сув юзига ўзидан-ўзи чиқиши бунга далил қилиниб, денгизда кўзғалиш бўлиши аниқланади. Денгизнинг хашак ва чўплар тўпланадиган жойига тухум қўйиб, бола очган қушнинг тухумдан чиққан жўжалари эса унинг тинч эканидан далолат беради: у сувдан ерга чиқмайди ҳам, ерга қўнмайди ҳам. У фақат денгиз тинчиган пайтда тухум қўйиб, бошқа вақтда [қўймайди].

Айтишларига кўра, шу куни кесилган ёғоч қуртламайди ва унга қирчумоли тушмайди. Бу ўша кунги ҳаво табиатидаги кайфиятнинг хусусияти бўлса керак.

Ўн тўртинчи кунда, Кесарь [сўзи]га кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, жанубий шамол ёки эврос, яъни қибтчасига жануби-шарқий шамол бўлади.

Ўн бешинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн олтинчи кунда, Кесарь сўзига кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Ўн еттинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир; Кесарга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, кеча-кундуз шимол шамоли бўлади.

Ўн саккизинчи кун ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Ўн тўққизинчи кунда, Евдоксга кўра, қаҳратон қиш ҳавоси бўлади.

Йигирманчи кунда, Евдоксга кўра, шимол шамоли; қибтларга кўра, қаҳратон қиш ҳавоси бўлади. Айтишларига кўра, шу куни барча суяксиз жо-

ниворлар ҳалок бўлади. Бу турли жойларда ҳар хил бўлади. Биз Журжонда Қуёш Жадий буржида эканида чивиндан азият чеккан эдик.

Йигирма биринчи кунда, Евктемон ва Досифейга кўра, қиш ҳавоси бўлиб, ёмғир ёғади.

Йигирма иккинчи кунда, Евдоксга кўра, қаттиқ қиш ҳавоси бўлади. [Қоринга] «сарик сув» [йигилиши]дан кўркиб<sup>1029</sup>, шу куни кечаси совуқ сув ичишдан тийиладилар.

Йигирма учинчи кунда, Калиппга кўра, ёмғир; Евдокс ва Кононга кўра, қиш ҳавоси; Гиппарх ва қибтларга кўра, муттасил жанубий шамол бўлади. Бу кун зайтун узиш байрами санаси бўлиб, янги [пишган] зайтун ёғи сиқиб олинади.

Йигирма тўртинчи кунда, қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Йигирма беш ва йигирма олтинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Йигирма еттинчи кунда, Демокритларга кўра, куруклик ва денгизда, кўпинча, [об-ҳаво] беқарор; Досифейга кўра, «нав»; қибтларга кўра, ёмғир ва жанубдан шамол эсади.

Йигирма саккизинчи кун денгизда тўлқинлар кучайиб, [балиқ] ови камаяди.

Йигирма тўққизинчи кунда, Евдокс ва Кононга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, ғарб ёки жанубдан шамол эсади ва ёмғир бўлади.

(248)|| Ўттинчи кун ҳақида ҳеч қандай сўз айтилмаган.

**Канун аввал.** [Бу ойнинг] биринчи кунда, Калипп, Евктемон, Евдокс ва Кесарь сўзига кўра, қиш ҳавоси бўлади. Шу куни Дамашқда «Арофа дарахти шохларининг бозори» номи билан машҳур бўлган бозор ташкил этилади.

Иккинчи кунда, Евктемон ва Филиппга кўра, ёқимсиз шамоллар; Метродорга кўра, қаттиқ қиш ҳавоси бўлади.

Учинчи кунда Конон ва Кесарга кўра, қиш ҳавоси бўлади; қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Тўртинчи кунда Евктемон, Евдокс ва Кесарга кўра, қиш ҳавоси бўлади; қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Бешинчи кунда Демокрит, Досифей ва қибтларга кўра, қиш ҳавоси бўлади; Синон ҳам шундай ёзган.

Олтинчи кунда Евдокс ва Досифейга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, жанубий шамол бўлади.

Еттинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир; Гиппархга кўра, шимолдан қаттиқ шамол бўлади.

Саккизинчи куни ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Тўққизинчи кунда, Калипп, Евктемон ва Евдоксга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Ўнинчи кунда, Калипп, Евктемон ва Метродорга кўра, қаттиқ қиш ҳавоси бўлади; Демокритга кўра, момақалдироқ, чакмоқ, шамол ва ёмғир бўлади.

Ўн биринчи кунда, Калиппга кўра, жанубий шамол ва «нав»; Евдокс ва қибтларга кўра, қиш ҳавоси ва ёмғир бўлади. Синон ўз тажрибаси орқали бунга гувоҳлик беради. Шу куни жинсий алоқада бўлиш ёмондир<sup>1030</sup>.

Ўн иккинчи кунда, қибтларга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Ўн учинчи кунда, Гиппархга кўра, қаттиқ жанубий шамол ёки шимолий шамол бўлади.

Ўн тўртинчи кунда, Евдоксга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, шамол билан ёмғир бўлади.

Ўн бешинчи кунда, қибтларга кўра, совуқ шимолий шамол ёки жанубий шамол ва ёмғир бўлади.

Ўн олтинчи кунда, Кесарга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

(249)|| Ўн еттинчи [кун] ҳақида улар томонидан ҳеч нарса дейилмаган. Шу куни мол гўшти, лимон, тоғ райҳонини тановул қилишдан, уйқудан кейин сув ичишдан, [мўйларни кеткизадиган] «нура» суртишдан, қони қўзғалган кишидан бошқалар қон олдиришдан тийиладилар. Бу ўша вақтнинг совуқлиги ва намгарчилиги сабабдир. Бу кунни қишқи Қуёш туришини айтмоқчи бўлиб, «Қатта туғилиш вақти» деб атайдилар ва: «Бу кун нур камайиш чегарасидан кўпайиш чегарасига чиқади. Инсонлар униб-ўсишга ва жинлар заифлашиб, йўқ бўлишга тутинадилар», – дейдилар. Каъб ал-Ахборнинг<sup>1031</sup> айтишича, шу куни булутли бўлиб, Қуёш Исо ибн Нун<sup>1032</sup> устида уч соат тўхтатилган. Али ибн ал-Жаҳм<sup>1033</sup> румликларга қарши урушга чиқиб, оғир ярадор бўлади ва кечаси ухлай олмагач, шундай дейди:

*«Тонгни сел оқизиб кетдим  
Ёки кечага кеча қўшилдим?»*

Кейин у киши [қийинчиликдан] қутулгач, ёлғон ваҳималар ва адаштирувчи хаёллардан бўшамай қолади.

Шундай [ҳодиса], кўпинча, рўза кунларида, агар унинг охири булутли ва қоронғи кунлар бўлса, воқе бўлади, ҳатто, одамлар ифтор қилишади. Сўнгра булутлар [бутунлай] ёки қисман тарқалгач, Қуёш ботмай, ер тепасида турган бўлади.

Афсунгарларнинг айтишича, уйқудан уйғонувчининг ўнг ёни билан ўрнидан туриши, Қуёш чиқиши билан кунчиқиш томонга қараб, кетма-кет ўн икки қадам юриши ҳам мақсадга мувофиқ.

Христиан котиб Яҳё ибн Али ал-Анбарий: «Қишқи Қуёш туриши вақтида унинг чиқадиган жойи машриқ бўлиб, Қуёш жаннат ўртасида кўтарилади ва шу куни билимдонлар қурбонлик учун жойларини ҳозирлайдилар», – деган. Бу киши жаннатни жануб томонларда деб тушунган ва томонларнинг турлича

аталишини билмаган. Динининг қоидалари ҳам унинг сўзларини рад этади. Чунки христианларга ибодат вақтида кунчиқиш томонга қараш буюрилган. У христианларга: «Қуёш жаннатда тулуъ этади», – дегандан кейин, улар машрик томонларидан фақат экватор машриқига қарайдиган бўлдилар, ибодатхоналарини ҳам шу томонга қаратдилар.

[Яҳё ибн Алининг] бу гапи унинг Қуёш ҳақида айтганларидан қизиқрок эмас. У: «Йил кунлари [сони]га кўра, [Қуёшнинг] кўтариладиган ва тушадиган даражалари уч юз олтмишта. Аммо йил тамом бўладиган беш кунда Қуёш кўтарилмайди ҳам, ботмайди ҳам. Бу Ҳазирондан икки ярим кун, Канун қадимдан икки ярим кун», – деб даъво қилган.

Шундай даъво Абу-л-Аббос ал-Омулийнинг ҳам кўнглига тушган ва «Қибла далиллари номли китоби»да Қуёш йилини уч юз олтмиш беш кун ҳисоблаб: «Қуёшнинг юз етмиш етти марта чиқадиган ва ботадиган жойи бор», – деган. Яхши билмаган нарсага уринган киши шарманда бўлади. Бу ҳаёллар Қуёш йилида беш куннинг ортиқлигига ва Ой йилида олти куннинг камлигига сабаб кўрсатишдан иборат бўлиб, юқорида айтилган сўздан келиб чиққан.

Ўн саккизинчи кунда бирор ҳолат [бўлиши] айтилмаган.

Ўн тўққизинчи кунда, Евдокс, Досифей ва қибтларга кўра, жанубий шамол бўлади.

Йигирманчи кунда Евдоксга кўра, киш ҳавоси бўлади.

Йигирма биринчи кунда, қибтларга кўра, «нав» [куни].

Йигирма иккинчи куни ҳақида ҳеч гап айтмаганлар.

Йигирма учинчи кун ҳақида ҳам шундай.

Йигирма тўртинчи кунда, Кесарь ва қибтларга кўра, киш ҳавоси; Гиппарх ва Метонга кўра, «нав» ва ёмғир бўлади.

Йигирма бешинчи кунда, Калипп, Метон, Конон ва қибтларга кўра, киш ҳавоси бўлади.

Йигирма олтинчи кунда, Евдоксга кўра, «нав»; Демокритга кўра, ўртача киш ҳавоси бўлади.

Йигирма еттинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма саккизинчида, Досифейга кўра, киш ҳавоси.

(250)|| Йигирма тўққизинчи кунда, Калипп, Евктемон, Демокритга кўра, «нав» [куни]. Шу куни уйқудан кейин совуқ сув ичиш мумкин эмас. Айтишларича, жинлар сувга қайт қилар ва уни ичган кишининг табиатида ақлсизлик ва балғам кўпаярмиш. Бу ҳавонинг совуқ ва намлиги сабабли бўлиб, улар оддий халқни жуда кўркитадиган ва хавфга қўядиган нарсадан эҳтиёт қилиш учун шундай [деганлар].

Ўттизинчи кунда, қибтларга кўра, денгизда киш ҳавоси бўлади.

Ўттиз биринчи кунда Евктемонга кўра, киш ҳавоси бўлади. Тамом.

**Канун хрой.** Бу ойнинг биринчи куни ҳақида «анво» билимдонлари ҳеч қандай маълумот айтмаганлар.

Иккинчи кунида, Досифейга кўра, «нав» [куни]. Бир гуруҳнинг айтишича, шу куни ёғоч кесилса, тез қуримайди.

Учинчи кунида, қибтларга кўра, ўзгарувчан ҳаво бўлади.

Тўртинчи кунида, қибтларга кўра, «нав»; Демокритга кўра, жанубдан шамол эсади.

Бешинчи ва олтинчи кунлар ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, олтинчи куни ердаги бутун шўр сувлар чучук бўладиган [маълум] бир соат бор эмиш. Сувларда учрайдиган ҳолатлар, агар улар йиғилиб қолган сувлар бўлса, бориб тўхтайдиган жойи табиатига, оқар сувлар бўлса, ўтиб турган жойининг табиатига боғлиқдир. Бу ҳолатлар ҳамиша [сувлар билан] бирга бўлиб, ўзгармайди. Фақат турли воситалар орқали аста-секин меъерий ҳолатларга ўтгандагина ўзгаради. Демак, уларнинг «Бутун шўр сувлар маълум бир соатда чучук бўлади», деган сўзларига далил йўқ ва узоқ вақт давомида доимий амалга оширилган тажрибалар уни олиб борувчи учун ёлғон эканлигини кўрсатиб кўяди. Агар ўша соатда [сувлар] чучук бўлганда, албатта, бир муддат шундайлигича қолган бўлар эди. Тўғри, агар шўр сувли қудуқларга ўша соатда ёки бошқа соатда яхшилаб қуритилган мумдан бир неча ратл<sup>1034</sup> ташланса, сувлардаги шўрлик камайиши мумкин. Бу ҳақда мутахассислар айтадилар, улар ҳатто: «Агар мумдан нозик бир идиш ясаб, денгиз сувига ташланса ва унинг оғзи очиқ бўлиб, сув унинг оғзига чикмайдиган бўлса, унинг ичига сизиб ўтган [сув], албатта, чучук бўлади», – дейдилар. Агар шўр сувларга [ҳажм жиҳатдан] улардан кўпроқ чучук сув аралашса, албатта, у кишиларнинг айтганлари ҳақиқат бўлади. Чунончи, Тиннис кўлининг суви куз ва ёзда унга Нил суви кўп аралашганидан чучук, бошқа вақтларда кам аралашганидан шўр бўлади.

Еттинчи кунида, Евдокс ва Гиппархга кўра, киш хавоси бўлади.

Саккизинчи кунида, Калипп, Евктемон, Филипп ва Метродорга кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, жанубий ва ғарбий шамол, денгизда киш хавоси бўлади.

Тўққизинчи кунида, Евдокс ва қибтларга кўра, жанубдан кучли шамол эсади ва ёмғир ёғади. Тилсимчиларнинг даъвосича, агар хонтахтага узум сурати чизилгач, у чизиб, шу ойнинг тўққизинчи ва ўн олтинчи кунлари оралиғида Тошбақа, яъни ан-Наср ал-Воқе<sup>1035</sup> [номли юлдуз] ботган вақтда қурбонлик қилгандек, тоқзорга қўйилса, мевалар барча офатдан омон қолади.

(251)|| Ўнинчи кунида, Кесарь ва қибтларга кўра, кучли жанубий шамол ва «нав» бўлади.

Ўн биринчи кунида, Евдокс ва Досифейга кўра, жанубий шамол; Гиппархга кўра, аралаш шамоллар бўлади.



Ўн иккинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн учинчи кунда, Гиппархга кўра, қиш ҳавоси бўлади; Птолемейга кўра, шимолий ёки жанубий шамол эсади.

Ўн тўртинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн бешинчи кунда Гиппархга кўра, шарқий шамол эсади.

Ўн олтинчи кун ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Ўн еттинчи кунда, Кесарга кўра, кучли шамол эсади.

Ўн саккизинчи кунда, Евктемон ва Филиппга кўра, қиш ҳавоси; Метродорга кўра, ҳаво ўзгаради.

Ўн тўққизинчи кунда, Евдокс ва Кесарга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, ҳавода димлик бўлади.

Йигирманчи кунда, Евктемон ва Демокритга кўра, очик ҳаво; Гиппархга кўра, шимолий шамол; қибтларга кўра, қиш ҳавоси бўлади ва ёмғир ёғади.

Йигирма биринчи кунда, Евдоксга кўра, ўртача қиш ҳавоси бўлади.

Йигирма иккинчи кунда, Гиппархга кўра, «нав»; қибтларга кўра, ёмғир ёғади.

Йигирма учинчи [кун] ҳақида [об-ҳаво билимдонлари] ҳеч нарса демаганлар. Айтишларига кўра, шу куни [мўйларни кеткизадиган] «нура» ва қон олиш тадбири зарур бўлган кишидан бошқага қўлланилмайди.

Йигирма тўртинчида, Калипп ва Евктемонга кўра, очик ҳаво; Демокритга кўра, ўртача қиш ҳавоси. Бунда ҳам кечасида айтилган «нура» ва қон олиш тадбири ҳақидаги гап такрорланган.

Йигирма бешинчи кунда, Гиппархга кўра, шарқий шамол бўлади.

Йигирма олтинчи кунда, Евдокс ва Метродорга кўра, ёмғир; Досифейга кўра, қиш ҳавоси бўлади.

Йигирма еттинчи кунда, қибтларга кўра, қаттиқ қиш бўлади.

Йигирма саккизинчида, Птолемейга кўра, жанубий шамол эсади ва «нав» бўлади.

Йигирма тўққизинчи кунда [об-ҳавога боғлиқ бирор-бир ҳолат] юз бериши айтилмаган.

Ўттизинчи кунда, Гиппархга кўра, жанубий шамол бўлади.

Ўттиз биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

(252)|| **Шубот.** Бу ой кабисалидир. Фикримизча, [румликлар] шу ойни махсус камайгирилиб, йигирма саккиз кун қилиниши ва йигирма тўққиз, ёки ўттиз, ёки ўттиз бир кун қилинмаслигига сабаб шуки (Аллоҳ яхшироқ билгувчидир) агар бу ой йигирма тўққиз кун қилиниб, кейин кабиса қўшилса, ўттиз кун бўлар ва табиийки, у кабисали йилда бошқа ойларга аралашиб кетар эди. Шунга ўхшаб, агар ўттиз кун қилинса – йил кабисали бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, барибир – бошқа ойлардан ажралиб турмас эди. Ўттиз бир кун бўлса ҳам, барча йиллардаги бошқа ойларга ўхшаб қолар, шундай ҳолат [содир]

бўлар эди. Шу туфайли, бу ой кабисали ва кабисасиз йилларда ойлар орасида ажралиб туриши учун йигирма саккиз кун қилинди. Шунинг учун [румликларнинг] ойларида кетма-кет икки ойнинг ўттиз кундан ортиқ келиши зарур бўлди. Чунки улар дастлабки ишни мўлжалга олиб, ойларга ўттиз кундан тақсим этдилар ва Шуботдан икки кунни олиб ташладилар. Шунда уларда етти кун ортиқча бўлиб қолди, Шубот ойлари орасидан тушиб [қолгани] сабабли, ортиқча кунларни ўн бир ойга ажратиш учун эҳтиёж туғилди. Тўлиқ ўттиз кунлик ойлари ўттиздан ортиқ кунли ойлари орасига восита қилиб қўйиш мумкин бўлмади. Чунки [тўлиқ ойлари сони] камлик қилди. Шунда кетма-кет ортиқ кунли ой келиши зарур деб топилди. Бу [румликларнинг] ортиқча етти кунни энг ҳақли жойга қўйиш тадбирлари бўлиб, ниҳоят, қадимги ва кейинги расадларда айтилганидек, баҳор ва ёз чораклари кунларининг ҳаммаси куз ва киш чораклари кунларининг ҳаммасидан кўпроқ бўлди. Яна уларнинг ойлари кўп ҳолатларда бир-бирига тенг, ўхшаш, яъни ҳар бир ой куни билан ундан аввалги ой кунининг мажмуи олтимиш бир кун бўлиб, Қуёшнинг икки бурждаги ҳаракатларидан ўртача ҳаракатига тенгдир. Лекин Аб ва Шубот [кунлари] эллик тўққиз кун бўлиб, биз Шубот ҳақида баён этган сабабга кўра, бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки, агар Аб ўттиз бир кундан ортиқ қилинса, албатта, у ойлари жумласидан ажралиб туради-да, кабисали ҳолатнинг бунга хос экани гумон қилинади.

Таммуз ва Канун ҳройга келсак, бу иккаласи кунларининг мажмуи олтимиш икки кун. Шундай бўлиши ҳам зарур. Чунки кунлари ўттиздан ортиқ бўлган кунли ойлари сони тўлиқ ўттиз кунли ойлари сонидан ортиқдир. Бу ортиқча бир кун каерга қўйилса, шундай қийинчиликка бориб тақалади.

Қўшимча кун бошқа ойга эмас, Шуботга қўшилди. Чунки яҳудийларнинг кабисали йилда қўшимча кунли ойи бўлмиш биринчи Азар Шуботга ёки унинг ён-беридаги ойга тўғри келади.

Бу ойнинг шу биринчи кунда, Евдокс сўзига кўра, ёмғир [ёғди ва] шу кунни совуқ бироз камаяди.

Иккинчи кунда, қибтларга кўра, ғарбий ёки жанубий шамол эсиб, шу орада дўл ёғди. Синон: «Бу кўпинча тўғри келади», – деган.

Учинчи кунда, Евдоксга кўра, очик ҳаво бўлиб, баъзан ғарбий шамол эсади.

Тўртинчи кунда, Досифейга кўра, очик ҳаво бўлиб, баъзида ғарбий шамол эсади; қибтларга кўра, совуқ киш ҳавоси, ёмғир ва ёқимсиз шамоллар бўлади.

Бешинчи кун ҳақида [об-ҳаво билимдонлари] ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, шу кунни тўрт томондан шамол эсади.

Олтинчи кунда, Кесарь [сўзи]га кўра, ёмғир ёғди; қибтларга кўра, шамолнинг эсиши бошланиб, Демокритга кўра, ғарбий шамол эса бошлайди.

Еттинчи кунида, Евдокс ва қибтларга кўра, ғарбий шамолнинг эсиши бошланиб, ҳаво, кўпинча, совуқ бўлади. Шу куни «кичик» деб аталувчи биринчи «жамра»<sup>1036</sup> тушади.

Саккизинчи кунида, Калипп, Метродор ва Гиппархга кўра, ғарбий шамолнинг эсиш вақти; Евдокс ва қибтларга кўра, ёмғир ёғади. Синон ўз тажрибалари асосида бунга гувоҳлик берган.

Тўққизинчи ва ўнинчи кунлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн биринчи кунида, Калипп ва Метродорга кўра, қиш ҳавоси; Евдокс ва қибтларга кўра, ғарбий шамол бўлади.

Ўн иккинчи кунида Гиппархга кўра, шимолий ва шарқий шамол; қибтларга кўра, фақат шарқий шамол бўлади.

Ўн учинчи ва ўн тўртинчи [кунлари]да у ҳолатларнинг биронтаси бўлиши ҳақида айтилмаган. «Ўртача» деб аталувчи иккинчи «жамра» ўн тўртинчи Шуботда тушади. (253)|| Чунончи, қадимги [бир шоир] бундай деган:

*[Исо Пайгамбарнинг] туғилиш [байрами], ундан кейин сувга шўнғитилиш [байрами],*

*Ва икки марта ўн кун, сўнгра тўлиқ беш кун,  
Яна Шуботдан беш, олти ва тўрт кун ўтганда.*

*[Қишнинг] қаттиқ совуғи, шубҳасиз, кетади,*

*Шу [куни] иккита «жамра» тушиб,*

*[Қишдан] бир неча кеча қолади, холос.*

Ўн бешинчи кунида, Евктемон, Филипп ва Досифейга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, кўчувчи шамоллар; Гиппархга кўра, жанубий шамол эсади. Шу куни совуқ бўлади. Араблар: «Бу [шамол билан] кўмир пуфланиб, [олови кучайтирилади]», – дейдилар. Ажамликлар: «Ёз қўлини сувга тикди», – дейдилар. Шу куни дарахт шоҳида пастдан юқорига қараб сув югуради ва қурбақалар қуриллайди.

Ўн олтинчи кунида, қибтларга кўра, ҳар хил шамоллар ва ёмғирлар бўлади. Айтилишича, шу куни ер бағри исиб, Сурияда кўзиқорин униб чиқади. Унинг зайтун дарахти тагига яқин ердан чиққанини ўлдирувчи заҳар деб гумон қилганлар. Бунинг ҳақиқатга яқин бўлишига шубҳа йўқ. Чунки кўзиқорин ва замбуруғларни [кўп истеъмол қилиш] яхши эмас.

Ўн еттинчи кун ҳақида бирон хабар берилмаган.

Ўн саккизинчи кунида, қибтларга кўра, ғарбий шамол [эсиб], дўл ёки ёмғир ёғади.

Ўн тўққизинчи кунида, Гиппархга кўра, шимолдан совуқ шамол эсади.

Йигирманчи кунида, қибтларга кўра, [турли томондан] шамоллар эсади.

Йигирма биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шу куни «катта» деб аталадиган учинчи «жамра» тушади. Ҳар икки «жамра» тушишининг ораси роса бир ҳафтадир. Бу кунлар «Жамралар» деб аталган. Чунки, одатда, бу кунларда «жамра»га эътиқод қилувчилар фикрига биноан, ер остидан унинг юзасига иссиқ ҳарорат чиқади. Аммо бунинг аксига, эътиқод қилувчиларнинг фикрича, ҳаводаги совуклик Қуёш жисмидан [чиқувчи] ҳароратда алмашинади. Чунки Қуёш жисми ва [унинг] шуъласи тўлкинининг яқин келиши ҳароратнинг дастлабки сабабидир. Кўзалардаги ичимликларнинг ва кудук сувларининг кишда иссиқ, ёзда совук бўлиши масаласи шунга боғлиқдир. Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий<sup>1037</sup> билан Абу Бакр Ҳусайн ат-Таммор<sup>1038</sup> ўртасидаги савол-жавоблар, [далил] талаб қилувчи баҳслар ҳақиқатни изловчи кишини масаладан хабардор қилиб, қаноатлантиради.

(254)|| Араблар [бу кунларни] ўз ойларида ишлатган эдилар. Натижада, биз айтгандек, уларнинг [ойлари] ихтилофли ва вақтлари тафовутли бўлди. Шу пайт улар румликларнинг турғун ва кўзгалмайдиган ойларига ўтказилди. Айтишларига кўра, биринчи «жамра»да биринчи ва иккинчи иқлим исийди. Иккинчисида учинчи ва тўртинчи иқлим исийди. Учунчисида қолган иқлимлар исийди. Яна айтишларича, «жамра» [кунлари]да ердан буғ кўтарилиб, [у] биринчи «жамра»да ерни, иккинчисида сувни ва учунчисида дарахтларни иситади. [Баъзиларнинг] айтишларича, одатда, «жамра» кунларида Ой манзиллари ёки уларнинг махсус жойларининг чиқиши белгиланади. Улардан бошқа [масала]га диққат этувчиларнинг баёнича, «жамра»лар киш фаслида совукнинг тақалган чегараларидир. Иссиқ ва совук бошланишининг турли жойлардаги маълум тафовути сабабли тўғри йўлдан чиқиб, қийналган баъзи қадимги [кузатувчи]лар мазкур «жамра» кунларини Хоразмда ҳисоблаб чиқарганлар. Улардан биринчиси, Шуботнинг йигирма биринчисида, иккинчиси, биринчисидан бир ҳафта кейин, учинчиси, иккинчисидан икки ҳафта кейин воқе бўлган.

Йигирма иккинчи кунда, Евктемон ва Гиппарх сўзига кўра, жануби-ғарбий томондан совук шамол эса бошлайди ва қалдирғочлар кўринади.

Йигирма учинчи кунда, Калипп, Филипп ва қибтлар сўзига кўра, [турли томонлардан] шамоллар эсади ва қалдирғочлар кўринади; Евдокс ва Кононга кўра, қалдирғочлар кўриниши олдидан тўрт кун ёмғир [ёғади] ва жануби-ғарбий шамол эсади.

Йигирма тўртинчи кунда, Гиппархга кўра, шимолий ва ғарбий шамол, қибтларга кўра, бошқа томон шамоллари билан бирга, жануби-ғарбий шамол эсади. Демокритга кўра, бу кунларда ўзгарувчан ҳаво бўлади.

Йигирма бешинчи кунда, Кесарь ва Досифейга кўра, киш ҳавоси бўлади.

Йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи [кунлар] ҳақида [об-ҳаво билимдонлари томонидан] ҳеч нарса қайд этилмаган.

Йигирма саккизинчи кунда, Гиппархга кўра, шимолий совуқ шамол эсади.

Шу ой ичида «кампир кунлари» бўлиб, унинг боши йигирма олтинчи Шуботдир. У етти кун кетма-кет бўлади. Йил кабисали бўлса, тўрт куни Шуботдан, уч куни Азар ойидан бўлади; [йил] кабисали бўлмаса, уч куни Шуботдан, тўрт куни Азардан [бўлади].

Арабларда бу [кун]ларнинг номлари бор: биринчиси, ас-Синн, яъни «қаттиқ совуқ». Иккинчиси, ас-Синнабр, бу шундай кунки, нарсаларни «сан-бардек» қилиб қўяди. Санбара, қалин ва зич қўйилган нарса. [Бу калимадаги] «нун» [ҳарфи] «баласус» [сўзи]нинг кўплиги «балансо» бўлиб, айтганларидек, «нун» орттирилгандир. Учинчиси, уларнинг биродари Ал-Вабрдир<sup>1039</sup>. Чунки бу ўша кунлар орқасидан келади, яъни уларга эргашади. Тўртинчиси, Омир<sup>1040</sup>, бу одамларга шу куннинг [совуғидан] эҳтиёт бўлишни буюради. Бешинчиси, Ал-Муътамир<sup>1041</sup>; яъни, одамларга [ўз совуғи билан] азият етказишга буйруқ олади. Олтинчиси, Ал-Муаллил<sup>1042</sup>, совуқни бироз енгиллатиб, одамларни юпатувчи. Еттинчиси – Мутфи ал-Жамр.<sup>1043</sup> Бу «кампир кунлари»нинг энг кудратлиси бўлиб, унда [совуқдан] ўт ўчади. Буни яна Мукфи ал-Қидр<sup>1044</sup>, яъни совуқ шамолнинг кучлилигидан [қозон тўнтарилиб кетади] демоқчи бўладилар. Шоирлардан бири бу номларни назмда келтириб, шундай деган:

*[Шубот] ойи сўнггида келувчи етти кунини  
Бизнинг «кампирлар» қиш ортига олиб кетди.  
Бизнинг «кампир» кунлари. Ас-Синн, Ас-Синнабр, Ал-Вабр.  
Омир, унинг биродари Муътамир,  
Муаллил ва Мутфи ал-Жамр билан тугагач,  
Шу вақт совуқ ортга қайтиб кетади-да,  
Сенга денгиз томондан иссиқ келади.*

Гоҳида, олтинчи [Шубот] Шайбон, еттинчиси эса Милҳон деб аталади. Бу кунлар совуқдан, шамоллардан, ҳаво булутли бўлиши ва ўзгариб туришидан қарийб холи бўлмайди. Балки у кунларда совуқ қайтиши сабабли, кўпинча, кучаяди. Шунинг учун «кампир кунлари» «Ас-Сарфа»<sup>1045</sup> деб аталган. Чунки Сарфа бу кунларга яқин ботиб, [кўринмай кетади].

Совуқнинг пировардида кучайишидан, қайтишида қўзғалишидан ажабланувчи ажабланмасин. Чунки бу [ҳолат] биз келгусида баён этажак иссиқда ҳам бўлади ва бунинг мисоллари оддий, табиий нарсаларда учратилади. Масалан, чирокнинг ёғи тугаб, ўчиш ҳолатига яқинлашганида, [кишининг бадани] титраганидек, бир неча марта кетма-кет шуълаланиб, нури ортади. Шунингдек, касаллар, айниқса, сил касаллиги, қорин [оғриғи] ёки шуларга

ўхшаш касалликлар билан қаттиқ касалланган беморлар кунлари битишга яқинлашганларида қувватлари зўраяди; бундай аҳволни билмайдиган киши уларнинг соғайишига умид қилади ва буни тажрибада синаб кўрган киши [эса] умидини узади.

Шу кунларда кузатилаётган мазкур ходисанинг сабаби<sup>1046</sup> ҳақидаги Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг ёзганларини кўрдик. У далил келтирган [сабаб] нинг хулосаси мана бу: Қуёш [бу вақтда] ўз апогейининг, яъни орбитасидаги энг баланд жойи йўлининг чорагига етади. Бу [йил вақтларининг] ўзгариш жойидир; Қуёшнинг ҳавога таъсири бошқа нарсадан кўра кучлироқ. Қуёш орбитасида юз берган ўзгариш билан Қуёш сабабли ҳавода бўлган ўзгариш бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Бу таъсир кўп ҳолларда Ой [ўз йўлининг] ой боши тўғри келган чорагида бўлган муддат давомида ёки [худди] шу ҳолат Қуёш [ўз йўлининг] чорагида бўлган муддат давомида барқарор бўлиб туради.

Бухоролик ҳисобдон Абдуллоҳ ибн Али<sup>1047</sup> ал-Киндий рисоласидан воқиф бўлгач, апогей ҳаракати тақозосига кўра, шу кунларни ҳаракат қилдириб кўчирганини, кейин у кунлар «Абдуллоҳнинг кампир кунлари» деб аталганини ва у бу ишида ҳамда [Қуёшнинг] ҳавога кучли таъсирини изҳор этишида хато қилмаганини эшитдик.

Қадимгиларнинг ҳикояларига кўра, бу кунларнинг «Кампир кунлари» деб аталишига сабаб, Аллоҳ уларни ўз китобида баён қилиб: «...Пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳукмрон қилиб қўйди...», – деганидир<sup>1048</sup>. Од қавми шу кунларнинг қаттиқ совуқ шамоли, гирдибодлари ва даҳшатлари туфайли ҳалок бўлган. Уларнинг орасидан бир кампир тирик қолиб, ҳалок бўлганларга марсия айтиб йиғлаган. Шунинг учун бу кунлар «Кампир кунлари» деб аталган. У [кеча-кундуз]ларнинг киссалари машҳурдир.

Зикр қилишларича, Од қавмини ҳалок этган шамол ғарбий шамол бўлган. Аллоҳнинг расули [Муҳаммад] алайҳиссалом «Хандақ [жанги] куни менга шарқий шамол билан ёрдам берилди. Од қавми эса ғарбий шамол билан ҳалок этилди»,<sup>1049</sup> – дедилар. Бир шоир бундай деган:

*«Ғарбий шамол Од қавмини ҳалок этди,*

*Улар хурмо дарахтлари сингари ағдарилиб, йўқ бўлиб кетдилар».*

(256)|| Яна айтишларича, Қуръони каримда эслатилган кунлардан ўзига тўртни олган ҳар бир кун, [масалан], ойнинг «ўтган тўрти» ёки «қолган тўрти», «ўтган» ёки «қолган ўн тўрти», «ўтган» ёки «қолган йигирма тўрти» «тўрт»га мувофиқ келган чоршанба кунидир.

Баъзиларнинг гумонича, шу [кунларни «Кампир кунлари» деб аталишига сабаб шуки, бир кампир [ҳавонинг] исиганини кўриб, пахталик кийимини ечиб ташлаган ва шу кунларнинг совуғидан ўлган.

Баъзи арабларнинг фикрича, «Кампир кунлари»нинг бундай аталишига [сабаб], бу кунлар қишнинг «кампири», яъни охиридир.

Обон моҳ билан Озар моҳ орасида [ўғирланган] беш куннинг номи бўлгани сингари арабларда ҳам «Кампир кунлари»нинг номлари бор: биринчиси Ҳиннабр; иккинчиси – Ҳинзабр; бу иккисининг маъноси «совуқ билан азият берувчи» демакдир. Учинчиси – Калиб ал-Фихр; яъни шамоли зўрлигидан «ҳовонча дастасини думалатувчидир». Тўртинчиси – Холиқ аз-зуфр, яъни шамоли кучайиб, ҳатто, масалан, тирноқни қирқиб ҳам кетувчидир. Бешинчиси – Мудахриж ал-Баър: «гўнг юмалатувчи», яъни шамоли каттиқ бўлиб, ҳатто, саҳролардаги туя қумалоқларини манзилларга етказди. Бир шоир бу номларни назмда келтирган:

*Биринчиси – Ҳиннабр – ҳаддан ташқари совуқ кун,  
Ундан кейин Ҳинзабр – [дарахтларни] силкитиб, [баргларини] тўкувчи,  
«Адолат қилувчи» келгунча у дарахтларни силкитади.  
Калиб ал-фихр деб тўғри ном олувчи.  
[Тирноқни] тушириб юбориши равшан Холиқ аз-зуфр –  
Совуғи билан тошларни ёрувчи.  
Булардан кейин охиргилари – бешинчи –  
Мудахриж ал-баър – қаттиқ чақувчи, ялаб кетувчи [кун] келади,  
Бундан кейин ном олган олтинчи [кун] йўқ.*

**Азар.** Бу ойнинг биринчи куни ҳақида [анво] билимдонлари ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, шу куни чигиртка ва ўрмаловчи ҳашаротлар чиқади. Осмон ҳарорати ер ҳарорати билан учрашади. Бу ўша сўзловчининг ҳарорат бошланиб, кучайиши ва ҳавонинг уни қабул этишига тайёрланиши хусусида муболағали сўзи ва иборадаги гапидир. Чунки «осмон ҳарорати» Қуёш жисмидан ёки Ой сферасининг ички томонига тегиб турган ва «олов» деб аталадиган иссиқ жисмдан ерга юборилган нурдан бошқа нарса эмас.

Қуёш нури ҳақида турли фикрлар кўп гапирилган. Биров: «У Қуёшнинг ўзига ўхшаш оловсимон зарра бўлиб, Қуёш танасидан чиқади», деса, биров: «Ҳаво оловга рўпара келганида исигани сингари Қуёшга рўпара келиб исийди», – деган. Бу «Қуёш оловдек иссиқ» деювчининг фикрига кўрадир. Яна биров: «Қуёш нури ҳавода жуда тез, ҳатто, худди замонсиз суръат билан юриши сабабли ҳаво исийди» деган. Бу: «Қуёш табиати тўрт унсур<sup>1050</sup> табиатидан ташқари», – деювчининг фикрига кўрадир.

Шунингдек, Қуёш нурининг ҳаракати масаласида ҳам ихтилофлар бор. Баъзилар: «У замонсиздир, чунки [у] жисм эмас», деса, баъзилар: «Унинг замони тез, лекин ундан ҳам тезроқ бирор нарса йўқ ва [нур] тезлигини сезиб бўлмайди. Чунончи, зарб овозининг ҳаракати нур ҳаракатидан оғирроқдир. Шу жиҳатдан нур унга киёс қилиниб, замони у орқали билинади», – дейди.

Куёш нуридаги мавжуд ҳароратнинг сабаби ҳақида [баъзилар]: «Бунга нур акси бурчакларининг ўткирлиги», – деган. У бундай эмас, балки нурнинг ўзида ҳарорат мавжуд.

(257)|| Осмон сферасининг ичкарасига тегиб турган жисмга, яъни оловга келсак, у тупрок, сув, ҳаво каби асосий ҳамда табиийдир ва курра шаклидадир, деб гумон қилганлар. Бизнингча, олов осмон сферасининг ҳавога ишқаланиши, уни тирмалаши ва тез ҳаракати билан унга тегавериши сабабли ҳавонинг исишидан иборатдир; шакли эса ҳилолий шаклнинг ўз ватари атрофида айлантирилишидан пайдо бўладиган жисмга ўхшашдир. Бу фикр «Мавжуд жисмларнинг ҳеч бири ўзининг табиий ўрнида эмас, барчасининг учратилган жойда бўлиши мажбурият орқасида, мажбуриятнинг эса азалий бўлиши мумкин эмас» деган таълимотга мувофиқдир. Бу масалани ушбу китобдан лойикрок бошқа бир ўринда Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино<sup>1051</sup> билан мазкур боб хусусида бўлиб ўтган музокараларда баён этдик<sup>1052</sup>.

Иккала ҳарорат йилнинг тўрт фаслида Ерга бориб етишида бир-бирига тенгдир. Ердаги ҳароратга келсак, бир гуруҳнинг фикрича, бунга ё Куёш нурларининг Ер сатҳидан акс этиши сабабли ёки Ер ичкарасида жойлашган иссиқ сабабдир. Бошқа бир гуруҳнинг фикрича, Ер устидан ўтадиган, иссиқни кўзғатиб юборадиган буғлар сабаб бўлади. Чунки буғнинг ҳаводаги ҳаракати ҳавода ҳарорат ҳосил қилади.

Олов ҳарорати эса яқинлашмайди ҳам, узоқлашмайди ҳам. Чунки осмон сфераси тезлашмай ва секинлашмай [ҳаракат қилади]. Акс этувчи нурларга келадиган, уларнинг ерга алоқаси йўқ, буғларнинг эса бориб етадиган ва ундан ўтмайдиган чегараси бор. Бизнингча, бу сўзни айтган киши ерда [димо] сақланиб турадиган ҳарорат мавжуд деб ўйлайди. Ҳаво Куёш нурлари орқали исиган вақтда у ҳарорат Ер ичидан сиртига чиқади-да, иккови бир-бири билан учрашади, деб тушунса керак. Бу зарур бўлганда айтиладиган ваҳҳдир.

Азарнинг иккинчи кунда, Гиппархга кўра, шимолдан совуқ шамол, қибтларга кўра, жанубдан шамол бўлиб, дўл ёғади.

Учинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Тўртинчи кунда, Евктемон [сўзи]га кўра, шимолий совуқ шамол эсади. Синон: «Бу, кўпинча, тўғри келади», – деб гувоҳлик берган.

Бешинчи кунда, қибтларга кўра, қиш ҳавоси; Кесарга кўра, бу қалдирғочнинг [келиши олдидан] шамолнинг бошланиши бўлиб, ўн кун давомида шамол эсади.

Олтинчи кунда, қибтларга кўра, ҳавода турғунсизлик бўлади. Бу Демокрит [сўзига кўра], тўққиз кунлик совуқ шамолнинг бошланишидир.

Еттинчи [кун] ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу кун ҳар томондан қаттиқ шамол эсиши айтилган.



Саккизинчи кунда, Евктемон, Филипп ва Метродорга кўра, «нав» ва шимолий совуқ шамол бўлади; Евдоксга кўра, шу куни қалдирғоч ва калхат кўринади; Искандария кўлининг байрами нишонланади.

Тўққизинчи кунда, Евктемон ва Метродорга кўра, шимолий шамол; Гиппарх [сўзи]ча, жанубий қаттиқ шамол; қибтларга кўра, шивиллаб ёмғир [ёғади]; Досифейга кўра, шу куни калхат кўринади.

Ўнинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн биринчи кунда қадимгилар бирор ўзгариш [содир] бўлиши ҳақида айтмаганлар. Синон: «Кўпинча, шу куни қиш ҳавоси бўлади», – деган.

Ўн иккинчи кунда, Калиппга кўра, шимолдан мўътадил шамол эсади. Айтишларига кўра, шу куни қиш аломатлари қолмайди.

Ўн учинчи кунда, Евктемон ва Филипп сўзига кўра, «паррандалар шамоли» эса бошлайди ва калхат кўринади; қибтларга кўра, турли шамоллар [эсади].

(258)|| Ўн тўртинчи кунда Евктемон ва Гиппарх сўзича, шимолий совуқ шамол; қибтларга кўра, ғарб ёки жануб шамоли; Евдоксга кўра «паррандалар шамоли» эса бошлайди.

Ўн бешинчи кунда, Евктемон ва қибтларга кўра, шимолий совуқ шамол [эсади].

Ўн олтинчи кунда, Калипп сўзига кўра, шимолий шамол [эсади]; Синон уни ўз тажрибалари орқали исботлаган.

Ўн еттинчи куни денгизда юриш яхши бўлади. Илонлар [уйқудан] кўзларини очадилар, [лекин ҳаракат қилмайдилар]. Чунки у [кун]лар совуқ кунлардир. Хоразмда илонларнинг ер остида бир-бирига ўралашиб, шар сингари бўлиб ётганини, аксарининг боши кўриниб турганини учратдик. Улар шу ҳолатда қиш кунларидан то шу вақтгача ётадилар. Кабисали йилда Азарнинг шу [ўн еттинчи] оддий йилда ўн саккизинчи кунда кеча ва кундуз баробар бўлади. Бу «Биринчи баробарлик» деб аталади. [Юқорида] айтиб ўтганимиздек, бу ажамликлар баҳори ва Хитой кузининг биринчи кунидир. Бу мумкин бўлмаган ҳолатдир, чунки баҳор ва кузнинг ёки қиш ва ёзнинг бир-бири билан бир вақтда алмашинуви экваторнинг шимолида ва жанубида жойлашган мамлакатлардан бошқасида содир бўлмайди<sup>1053</sup>. Хитой мамлакати эса кенглиги кам бўлишига қарамай, экваторнинг жанубида эмас, балки шимолида, одамлар яшайдиган жойлари шарқий томоннинг энг чеккасидадир. Экваторнинг жануб томони – нариги тарафи ҳеч кимга маълум эмас. Чунки Ернинг экватор чизигидаги қисми жазирама иссиқ бўлиб, унда одам яшамайди; Ернинг одам яшайдиган чорагидан бирмунча кунлик масофа юрилгач, экваторга етмасдан ободончиликлар узилади. Қуёш сувнинг латиф зарраларини кучли буғлантириши сабабли денгизлар суви балиқлар ва ҳайвонлар четланадиган даражада қуюқлашади.

Баъзи кишилар «кунни баробарловчи» ва «баробарлик чизиғи»<sup>1054</sup> сўзларига алданиб: «У ерда кеча-кундуз баробар бўлганидек, ҳаво ҳам мўътадил бўлади», деб гумон этдилар ва буни ўзларининг ёлғон-яшиқларига асос қилдилар. Экваторни жаннат сифатлари билан тавсифлаб: «У ерда фаришталар сингари кишилар яшайди», – деганлар.

Экваторнинг нариги томонида эса, баъзиларнинг айтишига кўра, одам яшамайди. Чунки Қуёш эксцентрик орбитанинг энг қуйи нуқтасига етганида, тақрибан жануб томонга ғоят [даражада] мойил бўлиб, қуйиликнинг рўпарасидаги жойларни қуйдиради. Жанубдаги олтмиш беш даража кенгламадаги [жой иқлими] шимолдаги [шу кенгламадаги] иқлимга тенг бўлади. «Шу жойдан то қутб рўпарасигача [бўлган ерларда] одам яшаши мумкин», – дейилади.

Буни вожиб деб айтиб бўлмайди, чунки яшашга тўсқинлик қиладиган нарса фақатгина ҳаддан ортиқ иссиқлик ёки совуқлик эмас. Шимол томоннинг иккала чорагининг иккинчисида бундай [иссиқ ва совуқ] бўлмайди, у ерда ҳам одам яшамайди. Шу билан бирга, Қуёш ҳаракатининг турличалиги эксцентрик орбитанинг апогеи ва перигеи Қуёшнинг Ерга яқин ва узоқлигини келтириб чиқаради.

(259)|| Абу Жаъфар ал-Хозин<sup>1055</sup> Қуёш учун эксцентрик орбитадан ва Қуёш эпициклидан фарқли орбитани чизди. Бунда Қуёш ҳаракати турлича бўла туриб, унинг Ердан масофаси доим тенг бўлади; шунинг учун Ернинг шимол ва жануб томонлари иссиқ ва совуқда бир хилдир.

Кеча-кундуз тенг бўлган кунни ҳиндлар ўз зижлари бўйича ҳисоблаган, бунда улар билимсизлик қилиб, ўз зижлари ҳақида: «У азалий ва қадимий. Бошқа ҳамма зижлар шулардан олинган», – дейдилар. Улар наврўзни жуда кенг кўламда нишонлайдилар. Шу куннинг биринчи соатида Қуёшга сажда қилиб, [ўтганлар]нинг руҳи шод бўлиши учун дуо қиладилар. Кун ярмида Қуёшга сажда қилиб, қайтар жой – охират учун дуо қиладилар. Кун охирида [яна] Қуёшга сажда қилиб, жонларининг соғ-саломатлиги учун дуо қиладилар. Шу куни бир-бирларига ҳар хил нафис буюмлар ва уй ҳайвонларини ҳадя қиладилар ва: «Бу кун эсадиган шамоллар руҳларга тегишли бўлиб, фойдаси кўп; жаннат ва дўзах аҳли бир-бирига дўстлик кўзи билан қарайди; нур ва зулмат тенг ўлчовда бўлади», – дейдилар.

Шу куннинг [маълум] соатида пок маконларда чироклар ёқилади. Уйқудан уйғонганда чалқанча ётиш, сўзлашишдан аввал тол шохи дудига ўзини тутиш шу куннинг яхши иримларидандир. Бу иримни бажарган киши оғриқлардан холи бўлади. Айтишларига кўра, фарзанди бўлмаган киши шу куннинг кечасида ас-Суҳо<sup>1056</sup> юлдузини кўрса, сўнгра хотини билан мубошара қилса, ундан фарзанд туғилади.

Муҳаммад ибн Митёрнинг<sup>1057</sup> гумонича, шу куни Қуёш огиши пайтида ҳар бир нарсанинг сояси ярмига келади. Бу умумий эмас, айрим жойларда

бўладиган ҳолатдир. Чунки бу кенглиги йигирма етти даражага яқин жойлардагина бўлади.

Шу куни Миср мамлакатида тимсоҳлардан хавфсирашади. Сув эчкемари катта бўлгач тимсоҳ деб аталади. Бу зарарли ҳайвон бўлиб, бошқа дарёларда бўлмай, исқанкур сингари фақат Нил дарёсида бўлади.

Айтилишича, Мисрнинг Ал-Фустат<sup>1058</sup> яқинидаги тоғларида тимсоҳларга [қарши] тилсим ишланган бўлиб, шу тилсим қилинган жойда у зарар етказолмас, балки унинг чегараларига етганида ағанаб, чалқанча ётиб олар ва болалар у билан ўйнар эканлар. Ниҳоят, шаҳар чеккасидан ўтгач, қайтадан ўнгланар ва тутган ўлжасини сувга олиб кетар экан; [кейин] у тилсим бузилиб, таъсири йўқолган эмиш.

Ўн саккизинчи куни[Азар]да, Демокрит ва қибтларга кўра, киш хавоси ва совуқ шамол [бўлади].

Ўн тўққизинчи кунида, Гиппарх сўзига кўра, шимолий шамол; қибтларга кўра, тонгда ҳар томондан шамол ва дўл [бўлади].

Йигирманчи кунида, Кесарга кўра, шимолий шамол [бўлади].

Йигирма биринчи кунида, Евдоксга кўра, шимолий шамол [бўлади].

Йигирма иккинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма учинчи кунида, Кесарга кўра, шимолий шамол; Гиппархга кўра, ёмғир [бўлади].

Йигирма тўртинчи кунида, Калипп, Евктемон ва Филипп [сўзи]га кўра, ёмғир томчилаб ёғади; Гиппархга кўра, «нав»; қибтларга кўра, момақалдирик ва «нав» [бўлади]. Шу куни болаларни хатна қилиб поклаш яхши амал. Айтилишича, шу куни дарахтларнинг гулларини чанглатувчи шамол эсади.

Йигирма бешинчи кунида, Евдокс сўзига кўра, шимолий шамол; Метон, Конон ва қибтлар сўзига кўра, «нав» [бўлади].

(260)|| Йигирма олтинчи кунида, Калиппга кўра, ёмғир ёки бўрон; қибтларга кўра, шамол [бўлади].

Йигирма еттинчи кунида, Калипп, Евдокс ва Метон сўзига кўра, ёмғир [бўлади].

Ойнинг қолган кунлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Сионнинг айтишича, ўттизинчи кун кўпинча «нав» билан келади. Яна Аллоҳ яхши билгувчидир.

**Нисан.** Бу ойнинг биринчи кунида Калипп, Евктемон, Метон ва Метродор сўзига кўра, ёмғир [ёғади].

Иккинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчи кунида Евдоксга кўра, шамол; қибтлар ва Конон [сўзи]га кўра, ёмғир [бўлади].

Тўртинчи кунида ғарбий ёки жанубий шамол [бўлиб], дўл ёғади. Сион: «Бу кўпинча тўғри келади», – деган.

Бешинчи кунда Гиппархга кўра, жанубий шамол ва турли томон шамоллари [бўлади].

Олтинчи кунда Гиппарх ва Досифей [сўзи]га кўра, «нав» [куни]. Синопнинг тўғрилигига гувоҳлик берган.

Еттинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Саккизинчи кунда Евдоксга кўра, ёмғир; қибтга кўра, жанубий шамол [бўлади].

Тўққизинчи кунда Гиппарх сўзига кўра, ёмғир; қибтларга кўра, мижозга ёқимсиз шамол эсади.

Ўнинчи кунда, Евктемон ва Филиппга кўра, мижозга ёқимсиз шамоллар [бўлади]. Гиппарх ва қибтларга кўра, ёмғир [ёғади]. Синоп тажрибалари натижасида ёмғир ёғишини тасдиқлаган.

Ўн биринчи кунда, Евдоксга кўра, ғарбий шамол эсади ва [ёмғир] томчилайди.

Ўн иккинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн учинчи кунда, Кесарь ва Досифейга кўра, ёмғир ёғади.

Ўн тўртинчи кунда қибтларга кўра, жанубий шамол, момақалдирок [бўлади] ва ёмғир томчилайди. Синоп: «Бу кўпинча тўғри келади», – деган.

Ўн бешинчи кунда, Евктемон ва Евдоксга кўра, ёмғир ва дўл; қибтларга кўра, мижозга ёқмайдиган шамоллар [бўлади].

Ўн олтинчи кунда, Евктемон ва Филипп [сўзи]га кўра, ғарбий шамол [бўлади]; Метродорга кўра, дўл ёғади.

Ўн еттинчи кунда, Евдокс ва Кесарга кўра, ғарбий шамол [бўлади]; Конон ва қибтларга кўра, дўл ёғади.

Ўн саккизинчи кунда, қибтларга кўра, турли томондан шамоллар [эсиб], ёмғир томчилайди.

Ўн тўққизинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирманчи кунда Птолемей [сўзи]га кўра, жанубий ёки бошқа [томондан] шамол [эсиб], ҳаво ёқимсиз бўлади.

Йигирма биринчи кунда, Гиппархга кўра, жанубий совуқ шамол [эсади]. Синопнинг айтишича, бу кўпинча тўғри келади. Шу кун сувлар кўпая бошлайди.

Йигирма иккинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир; Кесарь ва қибтларга кўра, қиш ҳавоси [бўлади]. Бу кун денгизлардаги кемалар учун хавфлидир.

(261)|| Йигирма учинчи кунда, қибтларга кўра, жанубий шамол ва ёмғир [бўлади]. Шу кун Дайр Айюбда<sup>1059</sup> бозор бўлади. Абу Яҳё ибн Куноса<sup>1060</sup>: «Сурайё [юлдузлари] қирқ кун Куёш нури остида ғойиб бўлиб, улар чиққанда ўша бозор уюштирилади. Шом аҳолиси ўз ишларини тезроқ бажариш учун [Сурайёни] одатдаги тулуъидан ўн беш кун олдин тулуъ этган деб ҳисоблайдилар. Бозор етти кун давом этади. Кейин бундан етмиш кун санаб,

Бусрада бозор уюштирадилар. Шундай бозорларнинг тайинланган жойларда вақти-вақти билан бўлиб туриши [сабабли] ўша ерларда савдо ишлари ривожланиб, аҳолиси бадавлат бўладилар; халқ ва умуман, харидор ҳамда сотувчилар фойда кўрадилар», – деган.

Йигирма тўртинчи кунида, Калипп ва Метродор сўзига кўра, баъзан дўл ёғади; Демокритга кўра, «нав» [бўлади]; қибтларга кўра, жануб ёки унинг яқинидан шамол эсиб, ёмғир ёғади. Шу куни Фирот суви кўтарилади.

Йигирма бешинчи кунида, Евдокс ва қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Йигирма олтинчи кунида Калипп ва Евктемон сўзига кўра, ёмғир, баъзан дўл ёғади; қибтларга кўра, «нав» ва ғарбий шамол [бўлади].

Йигирма еттинчи кунида, Кесарь [сўзи]га кўра, шудринг ва намлик; қибтларга кўра, [турли томонлардан] шамол [эсади].

Йигирма саккизинчи кунида, қибтларга кўра, шамол; Евдоксга кўра, ёмғир [бўлади]. Синон ёмғир ёғишига ўз тажрибалари орқали гувоҳлик берган. Шу куни жанубдан шамол туриб, дарё ва ариқларнинг сувлари кўтарилади деб гумон қилишади. Сув кўтарилиши ҳамма дарё ва анҳорларда бир ҳолатда бўлмайди, балки жуда хилма-хил бўлади. Масалан, Жайхун<sup>1061</sup>ни олсак, Дажла, Фирот ва бошқа [дарёларда] сув озайган пайтда, унинг суви кўпаяди. Чунки энг совуқ жойлардан чиқадиган [дарёнинг] суви ёзда кўпайиб, қишда озаяди. Бунга сабаб шуки, [бу дарёлар] сувининг кўпроқ қисми булоқлардан йиғилган бўлиб, булоқлар чиқадиган ёки ўтадиган тоғларга ёғинлар тушиб, сел ўша булоқларга куйилганда сув кўпаяди, куйилмаганда озаяди. Бошқа вақтлардан кўра қишда ва баҳор бошларида ёғиннинг кўпроқ ёғиши сир эмас. Тоғлар шимолга киргани ва у ерда совуқ каттик бўлгани сабабли ёғингарчилик оқибатида ер музлайди. Ҳаво исиб, қорлар эриган вақтда Жайхун суви кўпаяди.

Дажла ва Фирот сувига келсак, улар шимолга камроқ кирган жойлардан чиқади. Шунинг учун ёғинларга тўйинган ва музлашга яқинлашган [сувнинг] баҳор бошларида эриши иккаласининг суви қишда ва баҳорда кўтарилишга сабаб бўлади.

Нил дарёсида эса Дажла ва Фирот [суви] камайганда кўпаяди. Чунки, айтилишича, унинг манбаи Ҳабаш мамлакати<sup>1062</sup>даги Асвон шаҳри<sup>1063</sup> орқасида бўлиб, жануб томонларда: ё экваторда, ёки унинг орқасидаги (бу аниқ эмас, чунки юқорида айтганимиздек, у атрофда одам яшамайди) Ой тоғидадир<sup>1064</sup>. У ерда рутубатнинг музламаслиги, албатта, маълум. Нил сувининг кўпайиши агар ёғингарчиликдан бўлса, улар ёгиндан кейин тўхтамай, балки оқиб Нилга тушади; агар булоқлардан бўлса, уларнинг сувлари қишда кўпаяди. Шунинг учун Нил ёзда кўтарилади. Чунки Қуёш бизга ва бизнинг тепамизга яқин келганида, Нил [суви] чиқадиган жойлардан узоклашади, шу сабабли у [жой]ларда қиш бўлади<sup>1065</sup>.

(262)|| Аммо нима учун қишда булоқларда сув кўпаяди? Чунки улуғ ва қудратли донишманд [Аллоҳ] тоғларни яратишда [бир қанча] манфаатларни кўзда тутган. Улардан бири Собит ибн Қурранинг тоғларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида ўз китобида баён этганидир. Бу шундай сабабки, у [Яратувчининг] денгизлар сувларининг шўр бўлишидаги мақсадини ҳам тўлиқ ифода этади. Ёғинларнинг қишда ёздагидан ва тоғларда текисликлардагидан кўпроқ бўлиши аниқ. Ёғинлар тоғларга тушгач, сел бўлиб оққанича оқади, қолгани тоғларнинг ораларига кириб, ўша ерларга йиғилади. Кейин «булоқ» деб аталадиган йўллардан чиқишга тутинади. Шунинг учун булоқлар суви қишда кўп бўлади, чунки [сувдаги] моддалари кўпаяди. Агар [тоғ] оралари пок ва тоза бўлса, сув чучуклигича, тоза бўлмаса, турли кайфиятлар ҳосил қилиб, сабаби бизга номаълум бўлган турли хусусиятларни [ўзига олиб] чиқади.

Аммо булоқларнинг қайнаши ва сувнинг юқорига кўтарилиши сабаби шуки, сувнинг сақланиб турган жойи сунъий фаввораларники сингари чиқаётган жойидан баланд бўлади. Сув фақат шундай йўл билангина юқорига кўтарилади. Ўзлари билмаган табиий ҳодисалар сабабини билишни Аллоҳнинг илмига ҳавола этувчи кўп кишилар бу масала ҳақида биз билан мунозара қилиб, анҳор ва сув йўлларида борган сари сувнинг юқори кўтарилиб оқаётганини ўз кўзлари билан кўрганликларини далил келтирдилар. Бу табиий сабабларни билмасликлари, юқори ва қуйи ҳолатларни кам ажрата олишларидан эди, холос. Улар тоғларда водийлар ўртасида оқаётган сувни кўрганлар. [Бу сув] бир мил чамаси ерда эллиқдан юз газгача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ пастлаб кетади. Агар деҳқон шу масофанинг бирон жойидан озгина нишаб қилиб, ариқ очса, бунга то шу сув водий сувидан жуда юқорилаб кетгунча озгина қисми киради, холос. Ҳисоб илмидан хабарсиз киши водий йўлини бир текисда тўғри ёки озгина нишаб деб ишонса, албатта, у киши айтиб ўтилган ариқ юқорилаб кетади деб хаёл қилади. Бундай кишилар ернинг [баланд-пастлигини] ўлчаш, текислаш, анҳорлар қазиш ва [ариклар] ўтказиш қуроолларини ишлатишни яхши билмагунларигача уларнинг дилларидан шакшубҳани кетказиш осон эмас. Агар улар сув оқаётган ернинг [баланд-пастлигини] ўлчасалар, уларга ишонган ҳолатларининг зидди маълум бўлади. Ёки улар физика илмини ўрганиб, сувнинг марказга ва марказга энг яқин жойга боришини билсалар, сувнинг тушиши учун чиқаётган жойидан қуйроқ йўл топилиб, бўшатган ерини эгалловчи нарсага тўсқинлик қилинса, у исталган жойга, ҳатто чўққиларга ҳам заруран кўтарилаверишини [биладилар]. Сувнинг табиий ишига сунъий мажбурлаш [воситаси] бўлмиш ҳаво [ҳамкорлиги] дан бошқа нарса ёрдам бермайди. Бу тадбир кўпинча кесилиши имконсиз бўлган тоғларнинг ўртасига кириб қоладиган анҳорларни [қазиш учун] қўлланилади.

(263)|| «Сув ўғирловчи» деб аталадиган асбоб бунга мисол бўлади. Уни сув билан тўлдириб, икки учини ичидаги сув сатҳи бир-бирига баробар бўлган иккита идишга ташлаб қўйсангиз, албатта, у [асбобдаги] сув узоқ вақтгача бўлса ҳам, иккала идишга қуйилмай тураверади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи [сувдан] баравар узоқликдадир. Иккала идишга баробар сув қуйилиши ҳам мумкин эмас, негаки у пайтда асбоб бўшаб қолади. Айрим файласуфлар айтганидек, ё бўшлиқ мавжуд эмас, ёки баъзилар айтганидек, бўшлиқ мавжуд бўлиб, у жисмларни тутиб турувчидир. Демак, агар бўшлиқ бўлмаса, у мавжуд эмас; агар бўшлиқ жисмларни тутиб турувчи бўлса, сувни тутиб туради ва ўрнини бошқа жисм эгалламагунча уни [чикиб] кетишга қўймайди. Сўнгра ўша асбобнинг бир учи озгина жойга қўйилса, идишдаги сув у жойга оқади, чунки [унинг] бир учи қуйи бўлгач, [ер] марказига яқинроқ бўлади ва [сув] шунга қараб оқади. Сўнгра сув заррачалари бир-бирини тортиб, тортилиши натижасида суви тортилаётган идишдаги сув тугагунча, ёки сув оқиб бораётган [идиш]даги сув сатҳи суви тортилаётгандагининг сатҳига баробар бўлгунча оқишда давом этади. Шундай қилиб, масала аввалги ҳолатга қайтади. Тогларда мана шунга асосланиб, иш олиб борилади.

Агар қудуқларда юқорига отилувчи сувлар мавжуд бўлса, баъзида улар қудуқлардан отилиб чиқиб кетади. Баъзи қудуқларнинг суви атрофдан оқиб келиб йиғилади. У қудуқ сувининг сатҳи асл моддалари бўлган сувларнинг сатҳига баробар бўлади.

Баъзи қудуқларнинг суви тагидан қайнаб чиқади. Ана шундай сувнинг кўтарилиб ерга чиқишини ва ер юзасида оқишини умид қилиш мумкин. Бундай ҳодиса кўпинча тоғларга яқин ҳамда на қўллар ва на суви туби чуқур дарёларнинг ўрталарига тушмаган ерларда учрайди. Шунда, агар у Ер сатҳидан баландроқ сув омборидан олинаётган бўлса, қисилади ва юқорига отилиб чиқади. Агар сув омбори [Ер сатҳидан] қуйироқ бўлса, сув [юқорига] умуман кўтарилмайди. Баъзан сув омбори минглаб газлик баланд тоғларда бўлади ва сувнинг, масалан, қалъаларга ва минораларнинг тепасига [олиб] чиқиш имконияти бўлади.

Эшитишимизча, Яманда [сув чиқариш учун] гоҳо ерни ковлар эканлар. Агар шунда катта бир тошга дуч келиб, унинг остида сув борлигини аниқласалар, тошни бирор нарса билан уриб кўрар ва унинг товушидан сувнинг микдорини аниқлар эканлар. Кейин тошни тешиб кўришар, агар сув тоза бўлса, қаерга чиқа олса, шу ерга чиқарар, хавфли бўлса, тешикни дарров ганч ва оҳак билан маҳкам бекитиб, ковланган жойни аввалгидек кўмиб кўяр эканлар. Чунки бундай [сувлардан] «Арим сели» [каби ҳодиса]нинг хавфи бор.

(264)|| Абаршаҳр билан Тус<sup>1066</sup> оралиғидаги тоғ устида жойлашган сув ҳавзасининг бу айланаси бир фарсахлик [масофа] Сабзаруд кўли дейилади – унинг асл моддаси шубҳасиз, узоқ бўлса ҳам, ё унга ўзидан юқорида бўлган

сув омборидан, Қуёш буғга айлантириб, қуритганича миқдорда сув келади; шунинг учун [озаймасдан] бир ҳолатда туради; Ё ўзига баробар сув омбори сабаб бўлиб, унинг суви кўпаймайди. Ёки унинг чиқаётган жойларидан тортиб чиқариладиган сувларидаги ва «ўз-ўзига хизмат этувчи» чироқ [ёғидаги] сабаб сингари бир сабаб бор. Шундайки, кўзача ёки ёғ кўза олинади ва лабининг бир неча жойидан нозик қилиб рахна очилади. Оғзининг қуйроғидан доимо идишда керагича сув ёки мой идишида ёғ бўлиб туришини таъмин этадиган миқдорда тор тешикча тешилади. Кейин улар тўлдириб, сув идиши [сувлиқ] жомга, мой идиши чироғдонга тўнкарилса, албатта, сув ва ёғ ҳалиги рахналар орқали чиқиб, фақат ўша тешиккача кўтарилиб туради. Сўнгра тешик кўриниб қоладиган даражада [сув ёки ёғ] ишлатилиб тугаса, тешикни бекитарли [миқдорда модда] чиқиб, [суюқлик] ҳамиша бир ҳолатда қолади.

Кимак мамлакатадидаги<sup>1067</sup> Манкур тоғида<sup>1068</sup> чучук сувли булоқ ўша кўлга ўхшайди. Бу булоқнинг ўлчами катта қалқонга яқин бўлиб, сувининг сатҳи кирғоғига баробардир. Баъзан бундан [бутун] бир кўшин сув ичса, бир бармоқча ҳам озаймайди. Шу булоқ олдида инсон оёғининг, бармоқлари билан иккита кафтининг ва икки тиззасининг изи бор [У худди шу ерда сажда қилганга ўхшайди]. Яна ёш бола қадамининг, эшак туёқларининг изи ҳам бор. Ўғуз турклари шуларга сажда қиладилар<sup>1069</sup>.

Бомиён тоғларидаги бир квадрат мил миқдоридидаги кўл ҳам ўша кўлга ўхшайди. Бу бир тоғ юқорисида жойлашган бўлиб, тоғ этагидаги қишлоқ аҳолиси унинг сувини етарли миқдорда ишлатиши учун кичик тешиқдан тўшиб туради<sup>1070</sup>. Улар бундан ортик ололмайдилар.

Гоҳо сув омбори баланд бўлса, текис ерда ҳам сув отилиб туради. Баъзан отилиб чиқишнинг юқори нуқтасида унинг ишига тўсқинлик қиладиган бирор жисм пайдо бўлади. Қачон у олиб ташланса, яна [сув] отилиб чиқаверади. Ал-Жайҳоний баён этганидек, Бухоро билан Деҳи нав<sup>1071</sup> орасидаги қишлоқ бунга мисол бўлади. Бу қишлоқда бир тепалик бўлган. Ҳазина ва дафиналарни изловчилар шу тепаликни ўйиб кўрганларида, сувга дуч келганлар ва уни қайтариш учун кучлари етмаган. Ўша сув шу вақтгача тинмай оқиб туради.

Меҳржон яқинидаги Файлавон номли жойни кўрсангиз, шубҳасиз, ҳайратланасиз. У бир тоғда пешайвонга ўхшаб ўйилган бўлиб, шифтидан доим сув томиб туради. Ҳаво совиганда, бу сув оқиб узунчоқ яхга айланиб қолади. Меҳржон аҳолисидан эшитдим. Айтишларича, улар кўпинча ўша сув томадиган жойни чўкичлар билан урсалар, урилган жойнинг суви қуриб қолар ва сув кўпаймас экан. Сув кўпаймаса ҳам, ўз ҳолида қолиши тафаккур қилишни тақозо этади.

Балки Ал-Жайҳоний «Йўллар ва мамлакатлар китоби»да ҳикоя қилишича, Қайраводаги жомеда жойлашган ва нимадан ишлангани номаълум бўлган икки устун ҳолати ундан ҳам ажойиброқдир. Ал-Жайҳонийнинг айтишича, ҳар жума куни Қуёш чиқишидан олдин ўша икки устундан сув оқиб турар



экан. Бунинг ажабланарли жиҳати, ҳолатнинг айна жума кунда бўлишида-дир. Агар: «Умуман ҳафтанинг бир кунда», – дейилса эди, Ойнинг Қуёшдан фараз қилинган жойга етгани, ё шунга ўхшаш ҳолат тушуниларди. Лекин жума кунига шарт қилиниши бундай тушунишни кўтармайди. Айтилишича, Рум подшоҳи шу [устун]ларни сотиб олиш учун одам юбориб: «Мусулмонларнинг у икковини [сотиб], пулидан фойдаланишлари масжидда иккита тош туришидан яхшироқ», – деган. Қайравонликлар бунга ор қилиб: «У икковини Аллоҳ уйидан шайтон уйига чиқармаймиз», – деганлар.

(265)|| Қайравондаги қимирлаб турадиган устун ҳолати бундан ҳам ажойиброқ. Чунки у ҳар томонга эгилиб туради. Агар эгилиб турганида тагига бир нарса қўйилса, тўғри турганида уни чиқариб олиш мумкин бўлмайди. Агар [қўйилган нарса] шиша бўлса, синиб парчалангани эшитилади. Бу, шубҳасиз, сунъий ишдир. [Устуннинг] турган жойи шунга далолат беради.

Баён этаётган [мавзуимизга] қайтамиз:

Бу ойнинг йигирма тўққизинчи кунда, Кесарга кўра, қиш ҳавоси; қибтларга кўра, турли томон шамоллари ёки шудринг ва ёмғир [бўлади].

Ўттизинчи кунда, қибтларга кўра, «нав»; Калипп ва Евктемон [сўзи]га кўра, турли томон шамоллари, шудринг, намлик [бўлади] ва ёмғир томчилаб туради.

**Айяр.** Бу ойнинг биринчи кунда қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Иккинчи [куни] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчи кунда, қибтларга кўра, шамол, ёмғир томчилаши, шудринг, намлик ва момақалдирик [бўлади].

Тўртинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир [бўлади]; қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Бешинчи кунда, Досифейга кўра, ёмғир [бўлади]; Сион: «Бу кўпинча тўғри чиқиб, шу кун кучли «нав» билан келади», – деган.

Олтинчи кунда, қибтларга кўра, шамоллар [бўлади]; Евдокс сўзига кўра, ёмғир [бўлади]. Баъзи одамлар [шу куни] ёмғир ёғиш вақтларининг охиргиси деб белгиланган. Бу Қуёшнинг Савр буржида йигирма даража кесиб ўтган пайтидир. Бундаги иш, юқорида айтганимиздек, Ақраб буржида ёмғир вақтларининг бошланиши ҳақидаги иш кабидир.

Еттинчи кунда, қибтларга кўра, шамоллар [бўлади], Сион: «Бу кўпинча, айниқса, олдинги кун ҳаво булутли бўлса, тўғри келади», – деган.

Саккизинчи кунда, Евдокс ва Досифей [сўзи]га кўра, ёмғирлар; қибтларга кўра – ёмғир [ёғади].

Тўққизинчи кунда, қибтларга кўра, ёмғир [ёғади].

Ўнинчи кунда, Калипп ва Евктемонга кўра, «нав» ва шамол; қибтларга кўра, ёмғир [ёғади].

Ўн биринчи кунда, Досифей сўзига кўра, «нав» [бўлади]; Синон бунинг тўғри келишига гувоҳлик берган.

Ўн иккинчи кунда, Евдокс, Метродор ва Гиппархга кўра, «нав»; Кесарга кўра ёмғир; қибтларга кўра ғарбий шамол [бўлади]. Айтилишича, бу кун ва бундан кейинги кунларда меваларни совуқ уриш хавфи бўлмайди. Бу [хукм] махсус бир жойга хос бўлиб, бошқа жойда бўлмаслиги аниқ, яъни умумий бўлиши мумкин эмас.

Ўн учинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир; қибтларга кўра, шимолий шамол ва дўл.

Ўн тўртинчи кунда, Калипп, Евктемон ва қибтларга кўра, «нав» [бўлади].

Ўн бешинчи кунда, Кесарь [сўзи]га кўра, ёмғир [бўлади].

Ўн олтинчи кунда, Кесарга кўра, «нав» [бўлади]. Баъзиларнинг айтишича, гармсел шамоллари шу кунни [кўзгала] бошлайди.

Ўн еттинчи кунда, Гиппарх ва қибтларга кўра, жанубий ёки шарқий шамол ва ёмғир [бўлади].

Ўн саккизинчи кунда, Евдоксга кўра, «нав»; қибтларга кўра, ёмғир ва момақалдирок [бўлади].

Ўн тўққизинчи кунда, Гиппарх ва қибтларга кўра, «нав» [бўлади] ва ёмғир томчилайди.

Йигирманчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма биринчи кунда, Кесарга кўра, «нав»; Досифейга кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, ғарбий шамол.

Йигирма иккинчи ва йигирма учинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

(266)|| Йигирма тўртинчи кунда, Калипп, Евктемон ва Филиппга кўра, «нав»; қибтларга кўра, шамоллар [бўлади].

Йигирма бешинчи кунда, Евктемон, Филипп ва Гиппарх [сўзи]га кўра, «нав» [бўлади];

Йигирма олтинчи кунда, Калипп ва Евктемонга кўра, «нав»; қибтларга кўра, шимолий совуқ шамол [бўлади].

Йигирма еттинчи кунда Калипп ва Евктемонга кўра, шудринг ва намлик; қибтларга кўра, «нав» [бўлади].

Йигирма саккизинчи кунда, Метродор ва қибтларга кўра, ёмғир [ёғади].

Йигирма тўққизинчи кунда, Гиппарх [сўзи]га кўра, жанубий ёки ғарбий шамол [эсади].

Ўттизинчи кунда, Кесарга кўра, жанубий шамол [эсади].

Ўттиз биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

**Ҳазирон.** Бу ойнинг биринчи кунда Евдокс ва Досифей [сўзи]га кўра, шудринг ва намлик; қибтларга кўра, ғарбий шамол [эсади].

Иккинчи кунида, қибтларга кўра, ғарбий шамол.

Учинчи кунида, қибтларга кўра, шамол [бўлади] ва ёмғир томчилайди; Кесарга кўра, момақалдирик [бўлади].

Тўртинчи кунида Кесарга кўра, ёмғир [ёгади].

Бешинчи кунида, қибтларга кўра, ёмғир томчилаб ўтади. Синон: «Бу кўпинча, тўғри келади», – деган.

Олтинчи, еттинчи ва саккизинчи [кунлар] ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Тўққизинчи кунида қибтларга кўра, ғарбий шамол ва момақалдирик [бўлади].

Ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Аммо ўн биринчи [кун] халифанинг Наврўзи бўлиб, шу куни Бағдодда [бир-бирига] сув сепиш, тупроқ сочиш каби бир қанча анъанавий ўйинлар ўйналади. Ўн иккинчи кунида эса, Синоннинг айтишича, кўпинча [ҳаво] айнийди.

Ўн учинчи кунида қибтларга кўра, ғарбий шамол [бўлади] ва ёмғир томчилайди.

Ўн тўртинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн бешинчи кунида, қибтларга кўра, ёмғир томчилайди.

Ўн олтинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтилишича, шу куни [ҳамма дарёларнинг] суви пасаяди. Нил суви эса кўпаяди. Бу юқорида айтганимиздек, дарёлар манбаларининг турличалигидан ва [Нилнинг] икки тарафи [чиқиши ва қуйилиши] барча дарёларга зид бўлган бошқа сабаблардандир.

Кабисали йилда шу куни ва бошқа йилларда ўн еттинчи [Ҳазирон куни Қуёшнинг] араблар ва ажамликлар улуглаб «мирин» деб атайдиган «катта тўлиқлиги» кузатилади. «Мирин»нинг маъноси «Қуёш тўлиқлиги» [демакдир]. Бу ёзги Қуёш туриши бўлиб, бунда нур зулмат устидан галаба қилади. Муҳаммад ибн Митёрнинг айтишича, Қуёш нури қудуқлар [ичи]га ҳам тушади. Бундай ҳолат фақат кенглиги «энг катта оғиш»га мувофиқ бўлиб, Қуёш мамлакатларнинг тепасига келгандагина учрайди.

Ҳайявонийлар<sup>1072</sup> даъвосича, Қуёш шу куни осмон ўртасида нафасини ичга олиб туриб чиқаради. Шунинг учун арвоҳлар умумий иссиқда бир-бирлари билан танишадилар. Шу куни Қуёш кулчасига қараш баракатли деб эътиқод қилинади. Наҳорда анор ейилади. Гиппократдан<sup>1073</sup> накл қилишларича, у: «Шу куни наҳорда анор еган кишининг қирқ кунгача табиати равшан ва хиймуси<sup>1074</sup> тоза бўлади», – деган.

Ҳиндистонлик Ҳаннадан<sup>1075</sup> ҳикоя қилишларича, у Хусрав Парвезга.<sup>1076</sup> «Анор дарахти соясида ётиб ухлаш оғир касалликка шифо бўлади ва ухловчига жин тегмайди», – деган.

[Шу куни] эрталаб чап ён билан ўриндан туриш ва ҳеч бир сўз айтмасдан ўзига заъфарон тутатиш яхши иримларидандир.

(267)|| Шу ойнинг ўн еттинчи кунда, Досифейга кўра, «нав»; қибтларга кўра, иссиқ [бўлади].

Ўн саккизинчи кунда, қибтларга кўра, ғарбий шамол ва иссиқ [бўлади].

Ўн тўққизинчи кунда, қибтларга кўра, ёмғир [ёғади].

Йигирманчи кунда қибтларга кўра, ғарбий шамол, ёмғир ва момақалдирок [бўлади].

Йигирма биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма иккинчи кунда, Демокритга кўра, «нав» [бўлади].

Йигирма учинчи кунда, Гиппархга кўра, жанубий ёки ғарбий шамол [бўлади].

Йигирма тўртинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, гармсел шамоллари шу кундан бошлаб эллик бир кун эсади ва Жайхун суви кўтарилиб, баъзан қирғоқларига ва қирғоқларида яшовчиларга зарар етказди.

Йигирма бешинчи кунда, қибтларга кўра, ғарбий шамол ва иссиқ [бўлади].

Йигирма олтинчи кунда, Демокрит ва қибтларга кўра, ғарбий шамол [эсади].

Йигирма еттинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Йигирма саккизинчи кунда, Евдокс [сўзи]га кўра, «нав»; Демокритга кўра, ғарбий шамол, жанубий шамол ва ёмғир [бўлади]. Кейин шимолий шамол бошланиб, у етти кун [эсади].

Йигирма тўққизинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Айтишларига кўра, шу куни тажрибали кишилар шудринга қарайдилар. Агар у кўп бўлса, Нил суви кўтарилади, кам бўлса, кўтарилмайди ва қурғоқчилик йили бўлади.

Ўттизинчи кунда, қибтларга кўра, шамоллар, бир-бирига кўшилмаган ҳаво [бўлади].

Ўттиз биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

**Таммуз.** Бу ойнинг биринчи ва иккинчи куни ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Учинчи кунда, Кесарь ва қибтларга кўра, жанубий шамол ва иссиқ [бўлади].

Тўртинчи кунда, қибтларга кўра, шамол [эсади]; баъзан [шу куни] уларнинг мамлакатада ёмғир бўлади.

Бешинчи кунда, Калипп, Метродор ва Гиппархга кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, ғарбий шамол ва момақалдирок бўлади.

Олтинчи кунда, Калипп ва Метродор [сўзи]га кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, ғарбий шамол ва момақалдирок [бўлади].

Еттинчи кунда Птолемейча, «нав» [бўлади]; Синон: «[Шу куни] кўпинча ҳаво айнийди», – деган.

Саккизинчи кунда Метоннинг ўз шаҳри [об-ҳавосига] кўра айтишича, шудринг ва намлик [бўлади].

Тўққизинчи кунда, Евктемон ва Филипп [сўзи]га кўра, шудринг; қибтларга кўра, ғарб ва унинг ён-атрофида шамол [бўлади].

Ўнинчи кунда, қибтларга кўра, ёмон ҳаво [бўлади]. Шу куни Бусрода бозор очилиб, у йигирма беш кун [давом этади]; Умавийлар даврида эса ўттиз кундан қирқ кунгача давом этар эди.

Ўн биринчи [кун] ҳақида [об-ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса келтирилмаган.

Ўн иккинчи кунда, Метродорга кўра, ғарбий шамол; қибтларга кўра, шамоллар [эсади].

Ўн учинчи кунда, Гиппарх [сўзи]га кўра, бир-бирига қўшилмаган шамоллар [эсади]. Синон: «Шу куни кўпинча ҳавода ўзгариш бўлади», – деган.

Ўн тўртинчи кунда, Кесарга кўра, қаттиқ шамол; Гиппархга кўра, шимолӣ шамол эса бошлайди; қибтларга кўра, иссиқ [бўлади].

Ўн бешинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса келтирилмаган.

(268)|| Ўн олтинчи кунда, Птолемейга кўра, серёмғир жойларда ёмғир ёғади; Демокрит [сўзи]га кўра, ёмғир ва гирдбод шамоллари; қибтларга кўра, қаттиқ шамол [бўлади].

Ўн еттинчи кунда, Досифей ва қибтларга кўра, шудринг ва иссиқ [бўлади].

Ўн саккизинчи кунда, Гиппархга кўра, йилда айланиб келувчи шамоллар эса бошлайди.

Денгизчилар, фаллоҳлар ва тажрибали кишиларнинг фикрларига кўра, бу [кун] «боҳур» кунларининг биринчисидир. Бундай кунлар кетма-кет етти кун бўлиб, охиргиси шу ойнинг йигирма тўртинчисидир. Улар [шу «боҳур» кунларининг ҳар бири билан куз, киш ойларида ва баҳорнинг баъзи бир [ойида] юз берадиган ҳаво ўзгаришларига далил келтирадилар. Уларнинг айтишларича, йилнинг «боҳур» кунлари қаттиқ касалликларнинг аломатлари ва оқибатлари сабаб пайдо бўладиган қувончли ёки даҳшатли ҳолатлари кузатиладиган «буҳрон»<sup>1077</sup> кунлари кабидир.

«Боҳур» ва «буҳрон» юнон ва сурён тилларидаги «хукмронлар ҳукми» деган сўздан олинган. [Баъзиларнинг] айтишича, «буҳрон», «баҳр» «денгиз» сўзидан олинган. Чунки беморнинг буҳрони денгизда пайдо бўлиб, «мадд» ва «жазр»<sup>1078</sup> деб аталувчи тўлқинга ўхшайди. Бу сўз ҳақиқатга яқин, чунки иккисида ҳам Ойнинг ҳаракатлари, даврлари ва шакллари сабаб бўлади. Улар ё умумий даврада бўлади. Чунончи «мадд»нинг боши Ой уфқдан шарқ ва ғарбга етганда учратилади. Шунингдек, «жазр»нинг боши Ой кундуз ва кеча меридиани доирасига етганда учратилади. Ёки улар Ойнинг ўзига хос даврасида бўлади. Бу у даврда бир нуктадан бошланиб, худди ўша нуктага қайтади

ёки Куёшдан бошланиб, яна шу [нуқтага] қайтади. Шундай қилиб, «мадд»лар қамарий ойнинг биринчи ярмида кучлироқ, иккинчи [ярмида] кучсизроқ бўлади. Шунингдек, буларда Куёшнинг таъсири ҳам мавжуддир.

Мағриб денгизи<sup>1079</sup> ҳақидаги мана бу ҳикоя ажабланарли. Андалус<sup>1080</sup> томонда ҳар куни Куёш ботиши олдидан бир соатча вақт мобайнида сув беш ёки олти фарсахлик масофага кўтарилиб ва камайиб турар, кейин пасая бошлар экан. Бу ҳолат айни шу вақтда такрорланар экан.

Айтишларича, агар [ойнинг] ўн саккизинчи кунда кечки пайт уфқда булут бўлса, сен албатта, Тишрийн қадимнинг бошида совуқ ва ёмғирни кўрасан. Агар ярим кечада шундай бўлса, ёмғир ва совуқ ўша ойнинг ўртасида бўлади, агар [бу] тонг ёришишида бўлса, совуқ ва ёмғир ўша ойнинг охирида бўлади. Кундуз кунларида ҳам аҳвол шундай. Лекин кечаларида бўладиган [ҳаво] ўзгариши аниқроқ бўлади. [Булутни] тўрт томоннинг қайси бирида кўрсанг, [Тишрийн қадимда юз берадиган ҳодисалар] ўша томонда юз беради.

Ушбу китоб аввалида айтганимиздек, [румликларда] кечалар кундузлардан кейин ҳисобланади. Шунинг учун кечаларни кундузлардан олдин ҳисобловчи киши ўн саккизинчи кечани ўн тўққизинчи деб гумон қилиб, «бохур» кунларининг бошини ўн тўққизинчи, охирини йигирма бешинчи [кун] деб ҳисоблайди. «Бохур» кунларининг биринчиси Тишрийн қадимнинг, иккинчиси [Тишрийн] ҳройнинг, учинчиси Канун қадимнинг ва қолганлари билан еттинчиси Нисаннинг [об-ҳавосини] кўрсатади.

(269)|| Тажрибали кишилар бундай деганлар: «Агар «бохур» кунларидан олдинроқ бир тахта устига турли экин ва ўсимликлардан экиб, «бохур» кунларининг охиргиси бўлмиш йигирма бешинчи Таммуз кечаси ўша тахтани юлдузларнинг чиқиши ва ботишига рўпара қилиб, тахта билан осмон орасига бирор нарса тўсиқ бўлмайдиган ҳолатда қўйилса, шу йилги [ҳосили] яхши бўладиган экинлар эрталабгача сарғайиб, ҳосили яхши бўлмайдиганлари кўкарган ҳолида қолади. Қибтлар ҳам шундай қилар эканлар.

Тажрибали кишилар шу кунлар орқали йил ҳолатини олдинроқ билиш учун кўп тадбир қўллаганлар, ҳатто дуо ва афсунларга ҳам мурожаат қилганлар. Баъзилари шундай деган: «Зайтун дарахтидан ўн икки дона барг олиб, ҳар бир баргга сурёнча ойлардан бирининг номи битилса, кейин барглар мазкур [йигирма бешинчи] кечада шудринг тушадиган жойга қўйилса, қайсидир бир ой номи битилган барг ўша кечаси куриб қолса, ўша ойда ёмғир бўлмайди». Баъзилари: «Йил бўйи ёмғирнинг кўп ёки оз бўлиши [шу кечаси] мана шу йўл орқали аниқланади», – деганлар.

Текис ва теварагида шудринг, шамол ва нам тегадиган, тўсиқ бўлмайдиган бир жой танланади. Кейин қаноқ кийимликдан икки газ чамасида олиб, [тарозида] тортилади ва вазни хотирда сақланади. Сўнгра бу кийимлик ўша жойга ёйилиб, ҳалиги кечада тўрт соат ўтгунча қўйилади. Бу [муддат] тамом

бўлгач, иккинчи марта тортилади. Шунда иккинчи вазн аввалгидан қанча ортиқ келса, у мисколлар, юқорида айтганимиздек, ўша кунга тегишли ойдаги ёмғирли кунларнинг сони бўлади.

Бу кунларга, яъни «боҳур» кунларига «Катта Ит»нинг, яъни «Яман Сириуси»нинг – чиқиши белги бўлади.<sup>1081</sup> Гиппократ [ўзининг] «Афоризмлар китоби»да «Яман Сириуси» чиққан [кун] атрофида – чиқишидан йигирма кун олдин ва йигирма кун кейин ҳам [иссиқ] дориларни истеъмол қилиш ва қон олдиришни тақиқлаган. Чунки ўша вақт ёз иссиғининг кучайган ва хароратининг ниҳояга етган пайти бўлиб, ёзнинг ўзи қиздириб тарқатувчи ва рутубатларни чиқариб юборувчидир. Гиппократ ман этган [фикрлар] ҳам рутубатларни камайтиради. Шундан кейин куз ўз совуғи ва қуруқлиги билан келса, туғма хароратнинг сўниш хавфидан сақланиб бўлмайди.

Физика илмидан тажрибаси бўлмаган ва юқори [осмон] ҳолатини [билишга] кўзи етмаган кишилардан бир гуруҳи мазкур таъсирни ўша юлдуз жасадидан ва жойдан-жойга кўчиб чиқишидан деб гумон қилдилар. Ҳатто, бу ҳақда ваҳимага тушиб: «У юлдуз жасадининг катталигидан ҳавони қиздиради», – дедилар. Шу сабабдан у гуруҳга шу юлдузни кўрсатиб, турган жойини танитишимиз ва чиқиш вақтини аниқлаб беришимиз зарур бўлади. Масалан, Абу Нувос<sup>1082</sup> бундай деган:

«Айлул [ойи] ўтиб иссиқ шамол кетди,

Унинг оловини «Яман Сириуси» бекитди».

(270)|| Шунинг учун христиан Али ибн Али ал-Котиб<sup>1083</sup> юлдуз, яъни Сириуснинг кўчиши сабабли «боҳур» кунларининг ҳам кўчирилишига ишорат қилиб: «Боҳур» кунларининг аввали йигирма иккинчи Таммуз, йил бўйи экваторга параллел бир орбитада айланади», – деди. Гиппократ бу вақтдан ёз ўртасини ҳамда Куёшнинг тик тепага яқинлашиши ва сиртки марказли орбита апогейидан куйи туша бошлаши сабабли иссиқнинг кучайишини кўзда тутган. Гиппократ замонида бу [вақт] Сириуснинг тулуъсига тўғри келган, шунинг учун у илмлардан хабардор кишига ҳақиқий аҳвол яширин қолмаслигини билиб, [юқоридаги] сўзини мутлақ ва умумий қилиб айтган. Агар Сириус юлдузи ҳаракат қилиб Жадий ва Ҳамал бошига кўчганда эди, [иссиқ] дориларни истеъмол қилиш тақиқланган замон, албатта, у билан бирга кўчмас эди.

Синон «Китоб ал-Анво»да бундай деган: «Чорвадорларнинг Таммуз бошидан ҳисобланадиган ва қиш ойларидан ҳар бир ой аҳволини билдиришда «боҳур» кунлари йўлидан юрадиган махсус етти кунлари бор. Улар «чорвадорлар «боҳур»лари» номи билан машҳурдир; у кунларда ҳаво ҳолати олдинги ва кейинги кунлардагидан бошқа бўлиб, ҳаммаси ёки баъзиси булутдан холи бўлмайди».

Ўн тўққизинчи [Таммуз]да – қибтлар[сўзи]га кўра, ғарбий шамол ёки иссиқ [бўлади]. Шу куни денгиз итлари<sup>1084</sup> кучайиб, кўп зарар келтиради.

Йигирманчи кунда, қибтларга кўра, ғарбий шамол [бўлади]. Тажрибали кишиларнинг айтишича, шу куни кўз оғриғи кўпаяди.

Йигирма биринчи кунда, Евктемон [сўзи]га кўра, йиллик шамоллар<sup>1085</sup>, Калипп, Евктемон ва Метродорга кўра, иссиқ [кунлар] бошланади.

Йигирма иккинчи кунда, Евктемонга кўра, булутли ҳаво, Гиппархга кўра, иссиқ бошланади, қибтларга кўра, ғарбий шамол эсади ва иссиқ бўлади.

Йигирма учинчи кунда, Филипп ва Метродорга кўра, денгизда қиш ҳавоси ва шамол, қибтларга кўра, йиллик шамол бошланади.

Шу куни [халифа] Абу Жаъфар ал-Мансур «Тинчлик шаҳри»ни бино қила бошлаган. Бу Бағдодда Дажла дарёсининг ғарб томонида «Мадинат ал-Мансур» деб аталувчи шаҳардир. Бу [воқеа] Искандар эрасининг минг етмиш тўртинчи йилида эди<sup>1086</sup>.

Юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчилар «йилни алмаштириш», «муддатининг ўтиши» [йилларнинг] охирлари ва даврларини уларни [маълум] бир вақтдан бошлаб «ҳаракатга келтириш»ни билишга, шу каби вақт ва эраларни аниқлашга муҳтож бўладилар ва ниҳоят, [ўзларига ишонувчилар учун] ҳукм чиқариб берадилар<sup>1087</sup>. Бу шаҳар қурилиши учун вақт танлашни Навбахт<sup>1088</sup> ўз зиммасига олган эди. Шунда осмоннинг кўриниб турган шакли ва ёриткичларнинг эгаллаган ўринлари мана шу сурат кўринишига эга бўлди<sup>1089</sup>.

(271)|| Йигирма тўртинчи кунда Филипп ва Метродорга кўра, шамоллар, Евдоксга кўра, йиллик шамол эсади.

Йигирма бешинчи кунда Евдокс ва Кесарь [сўзи]га кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, ғарбий ёки жанубий шамол бўлади. Шу куни оғир иш қилиш ман қилинади, чунки жазирама иссиқ бўлади. Шу куни Жайҳун суви кўтарилади.

Йигирма тўртинчи кунда, Филипп, Метон, Метродор, Демокрит ва Гиппархга кўра, жанубий шамол ва иссиқ бўлади.

Йигирма еттинчи кунда Евктемон ва Досифейга кўра, шудринг, намлик ва дим ҳаво бўлади. Ҳаводаги димлик аксар осмоннинг булут билан тўсилиб, ҳаво юролмаслигидан вужудга келади. Баъзи жойларда бу ҳолат (у бундай сабабдан холи бўлса ҳам) табиий бўлади. Ал-Жайҳонийнинг баён этишича, бунга бурунги замонда Хўтандан<sup>1090</sup> ҳоқон пойтахтига бориладиган йўлда бир тоғ бошидан иккинчи тоғ бошига хитойлар қурган бир кўприкнинг нариги томони мисол бўлади. Шу кўприкнинг нариги томонига ўтган киши нафасни бўғиб, тилни оғирлаштирувчи ҳавога киради. Унда ўтувчилардан бир қанчаси шу ҳавода ўлади; кўпи қутулиб ҳам қолади. Тибетликлар [бу жойни] «Заҳар тоғи» деб атайдилар.

Йигирма саккизинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.



(272)|| Йигирма тўққизинчи кунида Досифейга кўра, йиллик шамолларнинг бошланишидир; қибтларга кўра, об-ҳаво иссиқ бўлади. Шу куни Бусрада бир ойлик, Саламияда<sup>1091</sup> икки ҳафталик бозор очилади.

Ўттизинчи кунида, Евдоксга кўра, йиллик шамоллар эсади, қибтларга кўра, ғарбий шамол ва иссиқ бўлади.

Ўттиз биринчи кунида, Кесарь сўзига кўра, жанубий шамол эсади.

Аб. Бу ойнинг биринчи кунида – Гиппарх [сўзи]га кўра, иссиқ бўлади.

Иккинчи куни ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчи кунида, Евдокс ва Досифейга кўра, шудринг тушади; Кесарга кўра, шу куни «нав»дир.

Тўртинчи кунида, Евдоксга кўра, каттиқ иссиқ бўлади.

Бешинчи кунида, Досифей ва қибтларга кўра, ҳаво туриб қолиши [натижасида] дим ва иссиқ бўлади, кейин [ҳар томондан] шамол эсади. Шу куни Азриотда<sup>1092</sup> ўн беш кунлик бозор очилади, Урдунн ва Фаластин вилоятларида ҳам шундай.

Олтинчи ва еттинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Саккизинчи кунида, Калиппга кўра, ҳаво туриб қолиб дим бўлади; қибтларга кўра, шамол ва жазирама иссиқ бўлади. Синон: «Шу куни кўпинча ҳаво айнийди», – деган.

	Жаддий	Толе Қавс	Акраб	
Далв	Раъс 25	Муштарий	Ой 19,10	Мезон
Хут				Субҳул
Ҳамал		Миррих 2,50 Зухра 29,0	Кўёш 8,10 Занаб 2,5 Уторид 25,7	Асид
	Савр	Жавзо	Саратон	

Тўққизинчи кунида, Евктемон ва Кесарга кўра, иссиқ бўлиб, ҳаво туриб қолади; қибтларга кўра, жанубий шамол ва булутли ҳаво бўлади.

Ўнинчи кунида, Евдокс, Метродор ва Досифейга кўра, иссиқ бўлади; Демокритга кўра – «нав»дир. Бу иссиқнинг жуда кучаядиган вақти.

Ўн биринчи кунда, Калипп, Евктемон ва Филиппга кўра, шимол шамолнинг эсиши тўхтайди; Евдоксга кўра, жуда каттиқ шамол бўлади; Гиппархга кўра, турли шамоллар биргаликда эсади; қибтларга кўра, момақалди роқ бўлади. Синоп: «Шу кунда] ҳаво ўзгаришида янглишмайди», – дея даъво қилиб: «Ўзим учун ҳаво ўзгаришларини тажриба қилиб, аҳамият берган киши учун ушбу кун сингари тўғри далолат қилувчи бирор кунни билмайман. Шу кунда ҳавонинг тозалана бошлаши қарийб учратилмасдан қолмайди. Бу Ироқ ҳавоси тозалана бошлайдиган биринчи кундир. Бу ҳол баъзан сезиларли даражада аниқ ва баъзан сезилмас ҳолатда юз беради; аммо [тозаланиш бўлмаган вақти] қарийб учратилмайди», – деган.

Синоп: «Қадимгиларнинг баъзиси шу кунни куз ҳавосининг бошланиши деб ҳисоблаган. Баъзилар эса: «Ундан кейинги кунда бошланади деган», – дейди. Яна Синопнинг сўзига кўра, [унинг отаси] Собит: «Биз айтган нарса қай бир нодир йилда шу кунда воқе бўлмаса, ўн иккинчи ва ўн учинчи Абда воқе бўлиши эҳтимолдан узоқ, лекин [шу] ойнинг ярмида [бўлади]. Қачон ўн биринчида воқе бўлса, Абнинг ярми учун озгина бўлса ҳам, албатта, тоза ҳаво фасли янгиланади», – дер экан.

Ўн иккинчи кунда, Евктемон ва қибтларга кўра, иссиқ бўлади.

Ўн учинчи кунда, Кесарь [сўзи]га кўра, «нав» ва дим ҳаво бўлади. Синоп: «Баъзан шу кунда ҳавода кам ўзгариш бўлади», – деган.

Ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн олтинчи кунда, Кесарга кўра, «нав» бўлади.

Ўн еттинчи кунда, Евдоксга кўра, «нав» бўлади.

Ўн саккизинчи кун бирор нарса дейилганидан холи. Айтилишича, шу кунда гармсел тўхтайди.

Ўн тўққизинчи кунда, Демокритга кўра, «нав», ёмғир ва шамол; қибтлар сўзига кўра, гарбий шамол бўлади.

(273)|| Йигирманчи кунда, Досифейга кўра, «нав»; қибтга кўра, иссиқ ва булутли ҳаво бўлади.

Йигирма биринчи кунда ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма иккинчи кунда, Евдоксга кўра, гарбий шамол ва момақалди роқ; Кесарь ва қибтларга кўра – «нав» ва булутли ҳаво бўлади.

Йигирма учинчи кунда, қибтларга кўра, гарбий шамол бўлади.

Йигирма тўртинчи кунда, Евдокс ва Метродорга кўра, «нав» бўлади. Шу кунда иссиқ бироз пасаяди. Бу Куёш Сунбула буржидан олти даража ўтган пайтга тўғри келади.

Йигирма бешинчи кунда, Евдоксга кўра, «нав»; Гиппархга кўра, жанубий шамол; қибтларга кўра, иссиқ бўлади.

Йигирма олтинчи кунда, Гиппархга кўра, ҳар йили шу вақтда айланиб келувчи шамоллар эсади; шу кун билан биринчи «Кампир кунда»нинг ораси

роппа-роса ярим йилдир. Совуқ қайтишдан олдин қайтадан кучайганидек, шу куни иссиқ пасайган пайтида қайтадан кучаяди. Булар ҳам етти кун бўлиб, охиргиси биринчи Айлулдир. Араблар бу кунларни «Суҳайл [юлдузи] алангаси» деб атайдилар. Бу Жабҳа<sup>1093</sup> чиққандаги шамоллардир. Лекин Суҳайл Жабҳа чиқишига яқин чиқади. Шундай қилиб, Суҳайл Жабҳадан кўпроқ тилга олинадиган бўлади. Ҳаво шу кунларда олдинги ва кейинги кунларга нисбатан иссиқроқ бўлиб, шундан кейин кечалар ёқимли бўлади. Бу кўпчиликка маълум ҳолат бўлиб, деярли хатолик кузатилмайди. Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Зайёт<sup>1094</sup> шундай деган:

*«Сув совиб, кеча узайиб, шароб лаззатли бўлди,  
Ҳазирон, Таммуз, Аб ойлари ўтиб кетди».*

Йигирма еттинчи кунида, Филипп [сўзи]га кўра, «нав» бўлади.

Йигирма саккизинчи кунида, қибтларга кўра, ғарбий шамол бўлади.

Йигирма тўққизинчи кунида, Евдокс ва Гиппархга кўра, ёмғирлар ва момақалдирок бўлади; [шу куни] йиллик шамол тўхтайтиди.

Ўттизинчи кунида, Гиппархга кўра, «нав» бўлади.

Ўттиз биринчи кунида, Птолемейга кўра, йиллик шамол тўхтайтиди; Евдоксга кўра, шу куни жойдан-жойга кўчувчи шамол эсади, Кесарга кўра, шамол, ёмғир ва момақалдирок бўлади; Гиппархга кўра, шарқий шамол эсади.

**Айлул.** Бу ойнинг биринчи кунида, Калипп [сўзи]га кўра, «нав» ва йиллик шамолнинг тўхташи. Шу куни Манбижда<sup>1095</sup> бозор очилади.

Иккинчи кунида Метродорга кўра, булутли ҳаво бўлади. Конон: «Йиллик шамол шу куни тўхтайтиди», – деган.

Учинчи кунида, Евдоксга кўра, шамол, момақалдирок ва булутли ҳаво бўлади; Гиппархга кўра, намлик ва шабнам; қибтларга кўра, туман, иссиқ, ёмғир ва момақалдирок бўлади. Шу куни [иқлими] совуқ мамлакатларда [печларга] олов ёқа бошлайдилар.

Тўртинчи кунида, Калипп, Евктемон, Филипп ва Метродорга кўра, ҳавода булут ва алмашиниш бўлади; Евдоксга кўра, ёмғир, момақалдирок, жойдан-жойга кўчувчи шамол бўлади.

Бешинчи кунида, Кесарга кўра, жойдан-жойга кўчувчи шамоллар, ёмғирлар бўлиб, шу куни йиллик шамол тўхтайтиди; қибтларга кўра, ёмғирлар, денгизда қиш ҳавоси, жанубий шамол бўлади. Шу куни ёз ўртасидаги иссиқ ҳаво пасайиб, томирдан қон олдириш ва қирқ кунгача ичиладиган дорини ичиш вақти келади.

(274)|| Олтинчи кунида, қибтларга кўра, ғарбий шамол эсади.

Еттинчи кунида, Филиппга кўра, ҳаво булутли; Досифейга кўра, «нав» бўлади.

Саккизинчи кунида, қибтларга кўра, ғарбий шамол ва «нав» бўлади.

Тўққизинчи кун ҳақида ҳеч нарсаси дейилмаган.

Ўнинчи кунда, Досифейга кўра, бир-бирига аралашмаган ҳаво бўлади.

Ўн биринчи кунда, Кесарга кўра, шимолий шамоллар тўхтайди.

Ўн иккинчи кунда, Евдоксга кўра, жанубий шамол бўлади.

Ўн учинчи кунда, Калипп ва Конон [сўзи]га кўра, «нав» бўлади.

Ўн тўртинчи кунда, Евдоксга кўра, шимолий шамоллар тўхтайди; Демокрит ва Метродорга кўра, «нав»дир. Бу вақтдан бошлаб қалдирғоч кўринмайди.

Ўн бешинчи кунда, Досифейга кўра, намлик ва шабнам; қибтларга кўра, ёмғирлар ёғади ва «нав» бўлади.

Ўн олтинчи кунда, Гиппархга кўра, ҳаво булутли бўлиб, денгиз узра ёмғир ёғади. Кабисали йилда шу куни, бошқа йилда ўн еттинчи [Айлул]да иккинчи марта тенгкунлик бўлади. Буни ажамликлар кузнинг ва хитойлар баҳорнинг биринчи куни деб даъво қиладилар. Биз бунинг мумкин эмаслигини юқорида баён этдик<sup>1096</sup>.

Айтишларича, шу куни эсадиган шамоллар руҳга таъсир қилади<sup>1097</sup>. Шу куни кўтарилган булутга қараш танни оздиради, руҳни оғирлаштиради. Мен совуқ хавфи ва табиатнинг орқага қайтиш ваҳимасини [сезиш] сабабли шундай бўлади деб ўйлайман.

Уйқудан сажда қилган ҳолда уйғониш, сўзлашдан олдин юлғин тутатиб, [ўзни тутиш] шу куннинг яхши иримларидандир.

Айтишларича, шу куни кечаси денгизларнинг суви чучук бўлади. Бунинг мумкин эмаслиги юқорида айтилди. Бу иккинчи тенгкунлик «Синдҳинд» зижига<sup>1098</sup> мувофиқ бўлиб, хиндлар учун форсларнинг Меҳржон байрами<sup>1099</sup> сингари улуғ байрамдир. Улар шу куни бир-бирларига асл нарсалар ва қимматбаҳо жавҳарлар ҳадя қилардилар, кундуз ярмигача маъбудалар [ҳузурига] ва ибодатхоналарга тўпланадилар. Кейин сайргоҳларга чиқар, мажлисларда йигилишар, замонга бўйсуниб, азиз ва улуғ Тангрига итоат қилардилар.

Ўн еттинчи кунда, Метродорга кўра, денгизда ёмғирлар ва булутли ҳаво бўлади.

Ўн саккизинчи кунда, қибтларга кўра, ғарбий, кейин шарқий шамол эсади.

Ўн тўққизинчи кунда, Евдокс [сўзи]га кўра, намлик ва шабнам; қибтларга кўра, ғарбий шамол эсиб, ёмғир томчилаши ва ёгиши кузатилади.

Йигирманчи кунда, Калипп ва Метродорга кўра, ёмғир; қибтларга кўра, ёмғир томчилаши, шамоллар ва ғарбий шамол кузатилади. Шу куни дарахтлар суви тепаларидан илдизларига қайтади.

Йигирма бир ва йигирма иккинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Йигирма учинчи кунда, Евдоксга кўра, ёмғир; Гиппархга кўра, ғарбий ёки жанубий шамол бўлади.

Йигирма тўртинчи [кун] ҳақида [об-ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса нақл қилинмаган. Шу куни Саолиба<sup>1100</sup> бозори очилади.

Тажрибали кишиларнинг айтишларича, шу куни қаралади: қайси [томон] шамоли кечасигача ёки кун оққунигача эсиб турса, у ўша йил шамолларининг энг давомлиси бўлади. Улар бу кунни «шамолларнинг қайтиши» деб атаганлар. Шу куни аксар мамлакатларга олақарғалар учиб келади.

Йигирма бешинчи кунда, Гиппарх ва Евдоксга кўра, «нав»дир.

(275)|| Йигирма олтинчи кунда Евктемон [сўзи]га кўра, «нав»дир. Демокритга кўра, ёмгир ва шамоллар бўлади.

Йигирма еттинчи кунда, Евктемон, Филипп ва Кононга кўра, «нав»дир.


Йигирма саккизинчи кунда, Гиппарх сўзича, «нав»дир, қибтларга кўра, ғарбий ёки жанубий шамол эсади<sup>1101</sup>.

Йигирма тўққизинчи кунда, Евктемон ва Евдоксга кўра, «нав»; Гиппархга кўра, ғарбий ёки жанубий шамол эсади.

Қадимги [олимларнинг] бирортаси ўттинчи кун ҳавода ва бошқада бирон нарса [бўлиши] ҳақида [ҳеч қандай маълумот] айтмаганлар.

Румликларда ишлатиладиган кунлар ана шулардир. Синон «Анво ҳақидаги китоб»да айтганларининг барчасини шу [бобга] киритдик, бу унинг [китобининг] асосидир. Бизгача етиб келган сўзларнинг биронтасини камайтирмадик. Аммо уларни сурёнийлар берган номлар билан атадик. Чунки у номлар халқ ўртасида машхурдир ва бу бир маъно англатади.

Энди азиз ва улуғ Аллоҳ изни билан яҳудийлар ўз ойларида белгилайдиган [кунларни] баён этамиз.



#### XIV боб. ЯХУДИЙЛАР ЎЗ ОЙЛАРИДА НИШОНЛАЙДИГАН [КУНЛАР] ҲАҚИДА

Биз айтамызки, яхудийлар йилининг бошини ва унинг ҳолатини билиш йўли бизга маълум бўлиб, уларни ҳисоб ва жадваллар орқали аниқлашдан ва улар ойларининг бошига қараб, кунларининг сонлари билан тартиблашдан бўшагач, энди уларнинг байрамларини ва машҳур кунларини баён этишимиз лозим. Чунки шу кунларни билиш орқали йил бошининг маълум кунларда бўлиши мумкин эмаслиги сабабини билиб оламиз. Сўзни [яхудий] ойларининг биринчисидан бошлаймиз.

**Тишрий.** Бу ой ўттиз кундан иборат бўлиб, боши биттадир. Бунинг боши, юқорида айтганимиздек, якшанба, чоршанба, жума кунлари бўлмайди. Ҳисобда шу уч куннинг бирига тўғри келса, [у кун] бекор қилинади ва агар ундан кейинги кун ярарли бўлса, ўша кун Тишрий боши қилинади, агар у кейинги кун юқорида кўрсатилган «чегаралар жадвали»даги шартларга мувофиқ бўлмаса, [ҳалиги бекор қилинган кундан] олдинги кун Тишрий боши қилинади. Яхудийларнинг бу иши «дахий» деб аталади.

Бу ойнинг биринчи куни – «Йил боши байрами» куни. Шу куни карнай ва савофир чалинади. Савофир – қўчқорларнинг шохлари. Шанба кунлари [иш] қилинмаганидек, бу кун ҳам иш тўхтатилади. [Яхудийлар] даъвосича, [шу куни] Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни (иккисига Аллоҳнинг саломи бўлсин) қурбонлик [қилинадиган жойга] келтирганда, Исҳоқ ўрнига бир қўчқор фидо қилиниб [сўйилган]. Китоб аҳлларининг сўзича, Исҳоқ сўйилмоқчи бўлган. Қуръонда Исмоилнинг [сўйилмоқчи бўлгани] очик айтилган. Бу «Софбат» сурасидадир<sup>102</sup>. Пайғамбар алайҳиссаломнинг мана бу сўзлари ривоят қилинган: «Мен қурбонлик қилинмоқчи бўлган икки кишининг, яъни Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб билан Исмоилнинг авлодидиман». [Гап давом этаверса] бу масалада сўз узаяди. Яна Аллоҳ билимдонроқдир.

(276)|| Учинчи куни «Гедалиё рўзаси» куни. Гедалиё – Бухтунассарнинг Байт ул-Муқаддасга қўйган ноиби Аҳиқомнинг ўғли. Бу киши шу куни саксон икки нафар [одам] билан биргаликда қудуққа ташланган ва уларнинг устидан сув қуйилиб қатл қилинган. Шу куни Бани Исроил қайғуриб, рўза тутганлар.

Бешинчи куни – «Ақибо рўзаси» куни. Бунинг сабаби шуки, Ақибо санамга ибодат қилишга мажбур этилган, у [бундан] бош тортган. Шунда уни

жон таслим қилгунига [қадар] сандикқа солиб қўйганлар, унинг атрофидаги йигирма нафар киши ҳам қамалган.

Еттинчи куни – «Жазо рўзаси» куни. Бунга [сабаб] шуки, Довуд Исроил авлодини санагач, уларнинг сонига ажабланди. Улар ҳам ўзларининг кўпчилик эканликлари билан кибрландилар. Шундан Аллоҳ уларга газаб қилди ва Довудга ҳамда [яхудий] жамоаларига Натан пайғамбарни юборди. Натан уларни қилич, қахатчилик ва тўсатдан ўлиш билан қўрқитди. Унинг каромати зоҳир бўлгач, Бани Исроил хавфсираб, шу куни рўза тутдилар. Шу куни Бани Исроил бузокқа ибодат қилганликлари сабабли бир-бирларини ўлдирганлар. Уларнинг сўзича, бузокни Ҳорун ясаган; Тавротда ҳам шундай дейилган.

(277)|| Ўнинчи куни – «Киппур рўзаси» кунидир. Бу Ашуро ҳам дейилади. Бу фарз қилинган рўза бўлиб, бошқалари нафл [рўзаларидир].

Киппур рўзаси шу ойнинг тўққизинчи куни Қуёш ботишидан ярим соат аввал то ўнинчи куни Қуёш ботганидан ярим соат ўтгунигача йигирма беш соат тугилади. Бошқа нафл рўзалари ҳам шунга ўхшаб тугилади. Шунинг учун [яхудийларда] кетма-кет икки кун рўза тугилмайди. Чунки икки кун орасидаги бир соат умумий бўлиб қолади ва [икки рўза орасида] ифтор қилиш учун вақт қолмайди. Яъқуб ан-Никрисиининг фикрига кўра, бундай рўза шу куннинг ўзига хосдир, бошқа кунларда эса мусулмонларда бўлгани сингари рўза тутиш мумкин.

Шу куни Аллоҳ Имрон ўғли Мусога сўз қотган ва бу куннинг рўзаси янглишиб қилинган барча гуноҳларни ювади. Шу куни яхудийлардан ким рўза тутмаса, уларнинг [таълимотича], у кишини ўлдириш лозим бўлади. Шу куни беш марта намоз ўқилиб, сажда қилинади. Бошқа байрамларда бундай қилинмайди.

Ўн бешинчи куни – «Чайлалар байрами» нишонланади. Кетма-кет етти кун давом этган ушбу байрамда яхудийлар ҳовлилари саҳнида тол шохлари, қамиш ва бошқа нарсалардан [чайла ясаб], сояларда ўтирадилар. Бу турғун кишига – фарз, сафардаги кишига [фарз] эмас. Шу кунларда бирор иш билан банд бўлиш ман қилинган. Чунки Худойи таоло Тавротнинг учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг ўн бешинчи куни «Чайлалар байрами»дир. Етти кун ишланг, Аллоҳ ҳузурда ҳаж қилинг ва етти кун чайлаларда ўтиринг. Эй барча Исроил авлоди хонадони, Бани Исроилни Мисрдан чиқарганимда уларни чайлаларда ўтқизганимни авлодингиз билсинлар!» – деган. Яхудийлар жамоаси шу куни байрам қилади. Абу Исо ал-Варроқнинг<sup>1103</sup> «Мақолалар китоби»да айтилишича, Сомирийлар [шу кунлари] байрам қилмайдилар. «Чайлалар байрами»нинг охириги куни унинг еттинчи кунидир.

Бу ойнинг йигирма биринчи куни «Арофо» деб аталади. Шу куни Ат-Тих саҳросида Бани Исроил бошларига булут соя солиб турган. Бу кун Йиғилиш байрами бўлиб, яхудийлар Байт ул-Муқаддасдан Ҳорҳарода ҳаж қилиш учун

йиғилиб, ибодатхоналарида [муслмонлар] минбарига ўхшаган «боврун»ни тавоф қиладилар.

Йигирма иккинчи куни – «Табриклаш байрами» куни. Бу билан байрамлар тугайди ва бу куни [ҳам барча] ишлар тўхтатилади. Айтишларича, Таврот охиригача нозил бўлган сана шу кун бўлиб, у ибодатхоналарга, яъни синагогаларга қўйилиш учун имомларга топширилган. Шу куни Тавротни чиқариб, уни табаррук тутадилар, варақлаб ўқийдилар, фол очадилар.

**Мархешвон.** Бу ойнинг боши ҳамиша иккита бўлиб, кунларининг сони тўлиқ йилда ўттиз; мўътадил ва ноқис йилда йигирма тўққиз кун. Бу ойда байрам йўқ.

(278)|| Олтинчи куни – «Седекиё рўзаси» куни. Бу рўзанинг сабаби шуки, Бухтунассар Седекиё авлодини унинг кўз олдида ўлдирган. У ботирлик кўрсатиб, чидаб тураверган, йигламаган ва доду фарёд қилмаган. Кейин унинг икки кўзи ўйиб олинган. Шунда Бани Исроил ғамгин бўлиб рўза тутганлар.

Яхудийларнинг баъзиси бунга муҳолиф бўлиб, шу ойнинг ўтган саккизинчиси билан [келаётган] ўн учинчиси орасидаги душанба куни рўза тутадилар. Бу яхудий мазҳабларига лойиқ усулга мос келадиган ишлардан эмас, балки христианларнинг сўзларига мосроқ. Лекин яхудийларнинг кўпчилиги учун рўзаларининг ҳафта кунларида эмас, ой кунларида бўлиши асослидир.

**Кислев.** Бу ой тўлиқ йилда битта. Кунларининг сони мўътадил ва тўлиқ йилда ўттиз кун, ноқис йилда йигирма тўққиз кун.

Саккизинчи куни – рўза. Бу рўзага Яхуёким<sup>1104</sup>нинг «қинут» номли қоғозларни куйдириши сабаб бўлган. «Қинут»нинг изоҳи «йиғи» демакдир. У коғозларга Аллоҳнинг ваъдаси [битилган] бўлиб, уларни Ирмиё<sup>1105</sup> пайғамбар Бани Исроилнинг келгусидаги аҳволини, уларга келадиган қийинчиликларни тавсифлаб келтирган ва Борух ибн Нерюн<sup>1106</sup> орқали юборган эди. Яхуёким эса уларни оловга ташлади, шунда Бани Исроил орасида катта йиғи кўтарилди.

[Яхудийларнинг] баъзиси бунга муҳолиф бўлиб, шу [рўза]ни ойнинг тўққизинчиси билан ўн бешинчиси орасидаги пайшанба кунига қўяди.

Йигирма бешинчи кечаси – «Ханукка байрами»нинг боши. Бунинг маъноси «покланиш»дир. Бу байрам саккиз кун. Биринчи кечада даҳлизда, эшик олдида оила аъзоларининг ҳар бирига атаб битта, иккинчи [кечада] иккита, учинчи [кечада] – учта, ниҳоят саккизинчи [кечада] саккизтадан чироқ ёқадилар. Бу билан яхудийлар Байт ул-Муқаддасни кундан-кунга поклаб, ёритиб, Аллоҳга шукроналарини кўрсатмоқчи бўладилар. Бу [байрамнинг сабаби]: юнонлар подшоҳи Антиох<sup>1107</sup> яхудийлардан ғолиб келиб, бир қанча вақт уларга зулм қилган. У келинларнинг эрларига юборилишидан олдин ертўлаларда ному-сига тегар экан. Ертўлалардан ташқарига иккита арқон чиқарилган бўлиб, арқонларга иккита қўнғироқ осилган экан. Агар унга бирор аёл керак бўлса,



ўнг томондаги [арқон]ни қимирлатар, шунда унинг ҳузурига бир аёл киргизилар экан. Подшоҳ ундан бўшагач, чап томондаги арқонни қимирлатиб, у аёлни ўз йўлига қўйиб юборар экан. Бани Исроил орасида саккиз ўғил ва бир қизлик киши бўлган экан. У қизни бир исроиллик хотинликка сўрабди ва қизни ўзига топширилишини истаган экан. Қизнинг отаси: «Менга муҳлат бер, чунки мен икки иш орасидаман: агар қизимни сенга юборсам, бу лаънати уни зўрлайдида, ундан кейин қизим сенга ҳалол бўлмайди. Агар қизим бундан тортинса, у мени ўлдиради», – дебди. Кейин бу билан ўғилларини уялтирган экан. Улар газабланибдилар ва хафа бўлибдилар. Уларнинг кенжаси ўрнидан сакраб туриб, аёллар кийимини кийибди, бир ханжарни кийимлари орасига бекитибди ва ахлоқсиз хотинларга ўхшаб подшоҳ эшигига келибди. Подшоҳ ўнг томондаги арқонни қимирлатгач, ҳалиги [йигит] подшоҳ ҳузурига киргизилибди. У подшоҳни холи топиб ўлдирибди ва бошини кесибди. Кейин чап томондаги арқонни қимирлатган экан, ташқарига чиқарилибди ва [подшоҳнинг] бошини ёғочга ўрнатиб қўйибди. Бани Исроил ўша куни ва ундан кейин ҳалиги йигит биродарларининг сонича [кун] байрам қилибдилар. Аллоҳ [ҳақиқатни] яхшироқ билгувчидир.

(279)|| **Тебат.** Бу ойнинг боши ноқис йилда – битта, тўлиқ ва мўътадил йилда – иккита. Кунларининг сони йигирма тўққиз кун.

Бунинг бешинчиси дастлаб қоронғилик пайдо бўлган кун. Бу шундай: Рум подшоҳи Птолемей яҳудийлардан Тавротни талаб қилиб, уни юнон тилига таржима этишларига мажбур қилган ва Тавротни ўз хазинасига келтириб қўйган. [Яҳудийлар] гумонича, «Етмишлар тавротини»<sup>1108</sup> номи билан машхур бўлган [китоб] мана шу. Шунинг учун уч кеча-кундуз дунё қоронги бўлган.

Саккизинчи куни – рўза. Бу [юқорида] айтилган сабабга кўра, қоронғилик босган уч куннинг охиригисидир.

Тўққизинчи куни – яҳудийлар рўза тутишга буюрилганлар. Лекин бунинг сабаби маълум эмас.

Ўнинчи куни – рўза. Бу Бухтунассар келиб Байт ул-Муқаддасни қамал қилган кун.

**Шефат.** Бу ойнинг боши битта, кунларининг сони – ўттизта.

Бешинчи куни – рўза. Бунга Юшаъ ибн Нун<sup>1109</sup> кунларида «ростгўйлар»нинг ўлими сабаб бўлган. Яҳудийларнинг баъзиси бу рўзани шу ойнинг ўнинчиси билан ўн бешинчиси орасида воқе бўладиган душанба кунига белгилайди.

Йигирма учинчи куни – «Фитна рўзаси» куни. Бунинг сабаби шу: Биньямин қабиласи [яҳудийлари] туғён ва исён этиб, ҳаддиларидан ошганлар ва Лут қавмининг ишини қилганлар. Бир киши ўз хотини ва канизаги билан Байт ул-Муқаддасга ҳаж қилиш учун келганида, уни ўз ҳамшаҳарларидан бўлган биров меҳмон қилган. Кечаси бўлгач, ўша кишлоқликлар мезбон эшигига келиб, бузукчилик қилиш учун меҳмонни талаб қила бошлаганлар. Уй эгаси

уларга ўз кизини тақдим этган, улар: «Бизга бу керак эмас», – деганлар. Кейин уларга меҳмоннинг канизагини олиб чиққан. Қийноқларга чидолмаган канизак тонг ёришишидан олдин жон берган. Шунда уй эгаси канизак [жасадини Бани Исроил] уруғлари сонича парчалаб, ҳар бир уруғга унинг тана аъзоларидан бирини юборган ва бу билан уларни ғазаблантирмоқчи бўлган. Уруғлар йигилишиб, ҳалиги [Бинямин] уруғига қарши уруш қилганлар, лекин улар устидан галаба қозонолмаганлар. Кейин шу куни Аллоҳга атаб рўза тутиб, унга ёлворганлар. Ниҳоят, Аллоҳ [душманга] қарши уларга ёрдам берган. Бинямин уруғидан қирқ минг, бошқа уруғлардан етмиш минг [киши] ҳалок бўлган.

**Биринчи Озар.** Бу иббур йилида кўшимча қўшиладиган [кабисали] ой. Бу оддий йилларда йўқ ва улар қаторида ҳисобланмайди. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг сони ўттизта бўлиб, бунда рўза ҳам, байрам ҳам йўқ.

**Иккинчи Озар.** Бу асосий Озар бўлиб, оддий йилларда [«иккинчи» лафзи қўшилмай] Озар дейилади. Олдинда биринчи Озарни баён этишимиз шубҳа туғдирмайди. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг сони йигирма тўққизта.

Еттинчи куни – рўза. Бу Имрон ўғли Мусо ўлган ва унинг ўлими сабабли [осмондан] ун ҳамда бедана<sup>1110</sup> [ёғиши] тўхтаган кун.

(280)|| Тўққизинчи куни – рўза. Шаммо қабиласи аҳолиси билан Ҳиллол қабиласи одамлари орасида жанжал бўлиб, улардан йигирма саккиз минг киши ўлдирилганида, шу рўзани Бани Исроил ўзларига фарз этганлар. Яхудийларнинг баъзиси бу рўза [кунини] шу ойнинг ўнинчиси билан ўн бешинчи кунлари орасида келадиган душанбага қўяди.

Ўн учинчи куни – «Пурим рўзаси» куни. Бунинг маъноси «қуръа ташлаш»дир. Бу рўзанинг сабаби шундай: Ҳомон деган бир камбағал бўлган экан. У бирон амалга эга бўлиш учун Тустар<sup>1111</sup> шахрига қараб йўлга чиққан. Йўлда бир [ходиса] юз бериб, ҳар хил амаллар тақсимладиган кунга етиб келолмай, мақсадига эришолмаган. Турли тадбирлар қилавериб чарчаганидан нима қилишини билмай, «наус»лар ёнида ўтириб, ҳар бир ўлик учун уч бутуну учдан бир дирҳам сўраб олаверган. Ниҳоят, [шу мамлакат] подшоси Ахшурушнинг<sup>1112</sup> кизи ўлиб, унинг жасади олиб келинганида, Ҳомон жасадни кўтариб келганлардан бир нима сўраган. Ҳеч нарса беришмагач, Ҳомон уларга [наусга] йўл бермаган. Ҳатто унинг сўрагани берилса ҳам рози бўлмай, кўпроқ сўрайверган ва улар то бу катта маблағга етгунича кўпайтираверганлар. Подшоҳ бундан хабардор бўлгач, Ҳомонга сўраган нарсасини беришни буюрган. Сўнгра етти кундан кейин подшоҳ уни ўз ҳузурига чакиртириб, бундай амални унга ким берганини сўраган. Ҳомон эса: «Бу амални менга ким ман этган?» – деб сўраб, бошқа ҳеч нарса демаган. Шунда подшоҳ ўз саволини яна қайтарган, Ҳомон эса: «Агар энди менга бу иш ман этилса, жон деб тийилиб, четланаман ва ўз хоҳишим билан сенга шунча ва шунча ҳамён

динор бераман», – дебди. Подшоҳ у айтган пул микдоридан ажабланибди, чунки унинг ўзи буюриш, қайтариш, қўйиб юбориш ва боғлаб [қўйиш] ишларига хожа бўла туриб, бунча пули йўқ эди. У: «Ўликларга амирлик қилиб шунча пул тўплаган киши вазир ва маслаҳатчи бўлишга ҳақлидир», – дебди ва барча ишларини Ҳомонга топшириб, мамлакати аҳолисини унга бўйсунишга буюрибди.

(281)|| Ҳомон<sup>1113</sup> яҳудийларга душман эди. У фолбин ва каромат кўрсатувчилардан: «Бани Исроил учун энг бахтсиз кунлар қайси?» – деб сўраганида, улар: «Озарда Бани Исроилнинг йўлбошчиси Мусо ўлган, Озарнинг энг бахтсиз санаси Озарнинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунларидир», – деганлар. Ҳомон ҳамма томонга хат ёзиб: «Бу кун яҳудийлар қўлга олиниб, ўлдирилсин», – деган. Подшоҳнинг хотини Истирнинг<sup>1114</sup> акаси Мордухай Исроилийдан бошқа мамлакатнинг [бутун] аҳолиси Ҳомонга сажда қилиб, унинг олдида тиз чўкардилар. Ҳомон Мордухайга адоват қилиб, шу куни дилида унга гина сақлади. Подшоҳнинг хотини буни сезиб қолиб, подшоҳ билан вазири Ҳомонни уч кун зиёфат қилди. Тўртинчи [куни] бўлгач, подшоҳ ундан ҳожатларини сўради. Хотини ўзини ва акасини ўлимдан озод этилишини илтимос қилди. Подшоҳ: «Икковингизга қарши ким бундай ботирлик қиляпти?» – деди. Хотини Ҳомонни кўрсатди. Подшоҳ хафа бўлиб ўтирган жойидан турди. Ҳомон ўзини подшоҳ хотинига отди ва унга сажда қилиб, бошидан ўпа бошлади, хотин эса уни итариб юборди. Подшоҳ Ҳомон хотинимга тажовуз қиляпти деб ўйлади-да, унга қараб: «Ботирлигиндан хотинимга тамагир бўлиш даражасигача етдингми?» – деди. Кейин уни қатл этишни буюрди. [Подшоҳнинг хотини] Истир: «Акамни осиш учун тайёрлаган дорга унинг ўзи осилсайди», – деб илтимос қилди. Подшоҳ Ҳомонни остирди ва унинг одамларини ўлдириш ҳақида ҳамма томонга [буйруқ] ёзди. Улар Ҳомон яҳудийларни йўқ қилмоқчи бўлган куни, яъни [иккинчи Озарнинг] ўн тўртинчисида қатл қилиндилар. Шу куни Ҳомон ўлдирилгани сабабли [яҳудийлар] хурсандчилик қиладилар. Бу «Мажалла байрами» дейилади; «Ҳомон Сур» деб ҳам аталади. Чунки яҳудийлар шу куни [Ҳомон]нинг суратларини чизиб, уларни урадилар, кейин уларни Ҳомоннинг ўзини куйдирганларидек куйдирадилар<sup>1115</sup>. Ўн бешинчи ҳам шундай [хурсандчилик куни].

**Нисон.** Бу ойнинг боши битта, кунларининг сони ўттизта.

Бунинг биринчи куни Аллоҳнинг куббасига бегона олов ёққанликлари сабабли Ҳоруннинг икки ўғли Нодоб ва Абихуларнинг<sup>1116</sup> ўлганига рўза тугилади.

Ўнинчи куни Имрон кизи Марям<sup>1117</sup> ўлганига рўза тугилади. Имрон ўғли Мусо ўлими сабабли ун ва бедана ёғиши тўхтаганидек, Марям ҳурмати учун оққан сув у ўлганида ер остига тушиб кетган. Яҳудийларнинг баъзилари бу

рўзани [Нисаннинг] ўнинчиси билан ўн бешинчиси орасидаги душанба куни тутадилар.

Бу ойнинг ўн бешинчи куни – «Пасха байрами». Бу оширма нон ейиш дуруст бўлмайдиган, фатир<sup>1118</sup> [ейиладиган] кунларнинг биринчисидир. Бунинг [изоҳи] шуки, Аллоҳ таоло Тавротнинг учинчи сифрида яҳудийларга фатир ейишни буюриб: «Бу ойнинг ўн бешинчи куни – Аллоҳ учун «Фатир байрами». Етти кун фатир енг, шу кунлари иш қилманг!» – деган. Бу кунлар йигирма биринчи куни Куёш ботганда тамом бўлади. Шу куни Аллоҳ Фиръавни сувга ғарқ этган; бу «Ал-Макс»<sup>1119</sup> деб аталади.

Йигирма олтинчи куни Юшаъ ибн Нун алайҳиссалом вафот этганига рўза тугилади.

**Ияр.** Бу ойнинг боши иккита, кунларининг сони йигирма тўққизта.

Ўнинчи куни – «Тобут рўзаси» куни. Шу куни Бани Исроилдан тобут олиниб, улардан ўттиз киши ўлдирилган. Уларнинг ишини олий қоҳини ўз зиммасига олган эди, бу хабарни эшитгач, ўт қопи ёрилиб, курсисидан йиқилиб тушган ва жон берган. Яҳудийларнинг баъзилари бу рўзани ойнинг олтинчиси билан ўн биринчиси орасидаги пайшанба куни тутадилар.

Йигирма саккизинчи куни ҳам рўза. Шу куни Ишмуил<sup>1120</sup> пайғамбар алайҳиссалом ўлган.

**Сиван.** Бу ой боши битта. Кунларининг сони ўттизта.

Бунинг олтинчи куни – «Ансара байрами» куни. Бу катта байрам бўлиб, Бани Исроил ҳажларининг биридир. Шу куни Бани Исроил шайхлари Сино тоғида ҳозир бўлиб, Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссалом билан сўзлашганини – [унинг] буйрук, тақиқ, ваъда ва кўрқинч [садосини] – эшитганлар. Улар шу куни ўз ерларида саломат яшаганлари, ғаллаларининг кўкариб туриши, шунингдек, совуқ уриши ва шамоллар қоқишидан омон қолиши учун Аллоҳга шукрона айтишни байрам қилишга буюрилганлар. Аллоҳ таоло Тавротнинг иккинчи сифрида: «Мен учун ҳар йили уч марта ҳаж қилинг: биринчиси, фатир кунларида; иккинчиси, Таврот нозил бўлган кунда, бу – Ансара ҳажидир; учинчиси, йил охирида ҳосилларингизни экинзорлардан [омборхоналарга] олиб қирган кунингизда. Ҳажларингиз ва Аллоҳни ёд этишингиз муқаддасхоналарда бўлади», – деган.

Шу куни эрталаб янги пишган ғалладан келтирилади, шайхлар бу ғаллага дуо ўқиб, барака тилайдилар.

Фатир кунларининг бошидан то «Ансара байрами»гача эллик кун. Бу кунлар улуғ ҳафталар бўлиб, шуларда яҳудийларга фарз амаллар лозим бўлган, динлари комил қилинган ва улар Аллоҳни [улуғлаш] одобига муяссар бўлганлар.

(282)|| Тўққизинчи билан ўн тўртинчи орасидаги душанба куни – рўза.

Йигирма учинчи куни – рўза. Айтишларича, бу – Юробаом ибн Набат<sup>1121</sup> ўша қабилага тилладан ясалган иккита бузоққа ибодат қилишни фарз этган кун. Улар бузоқларга ибодат қилганлар. Юробаом авлоди икки юз эллик йилча [яхудийларга] подшоҳлик қилган. Ниҳоят, Мавсил подшоҳи Салмон ал-Аъшар<sup>1122</sup> уларга қарши хужум қилган ва уларни асир олган. Шу пайтда у [ўнта қабила] бошқа қабилалар билан бирлашган. Бу воқеа Хизиқиё<sup>1123</sup> замонида [воқеа] бўлган.

Бу айтиб ўтилган киши [Юробаом] Сулаймон ибн Довуд кулларида бири бўлиб, унинг кўлидан қочган эди. Бани Исроил уни ўзларига подшоҳ қилиб эълон қилдилар. Юробаом уларга Байт ул-Муқаддасга ҳаж қилишни ман этиб, ўша иккита бузоққа сиғинишни буюрди. Чунки у агар Бани Исроил Байт ул-Муқаддасга кирсалар, уларнинг Юробаомни ўзларига подшоҳ қилиб эълон қилганлари ошқора бўлишини ва уларга ҳақиқий ҳолат маълум бўлиб, уни тахтдан туширишлари ва ўлдиришларини билар эди.

Йигирма бешинчи куни – Шамъун, Шамуил ва Ҳанино<sup>1124</sup> ўлдирилганига рўза тугилади.

Йигирма еттинчи куни – рўза. Бунинг сабаби Рум подшоҳларидан бири рабби Ҳанино ибн Тардиюн<sup>1125</sup>ни санамга сиғинишга мажбур қилганида, Ҳанино [ибодат] қилмаган. Шунда [подшоҳ] унинг устига Тавротни ўраб, [шу куни] куйдирган. У рабби Ақибони<sup>1126</sup> қамаб, халқни унга эргашишдан тийган ва шанбани йўқ қилишга уринган.

**Таммуз.** Бу ой боши иккита, кунларининг сони йигирма тўққизта. Бунда байрам йўқ.

Бунинг ўн еттинчи куни – рўза. Шу куни Мусо лавҳаларни синдирган. Бухтунассар яхудийларни қамал қилган кунларда Байт ул-Муқаддас кўрғони шу куни қулай бошлаган. Шу куни Байт ул-Муқаддасда санам ясаиб, уни Аллоҳга қарши ботирлик ва ҳаддан ошиш юзасидан меҳробга кўйилган. Шу куни Таврот куйдирилган ва қурбонликлар бекор қилинган.

**Аб.** Бу ойнинг боши бир кун бўлиб, кунларининг сони ўттизтадир.

Бунинг биринчи куни – рўза. Шу куни Ҳорун ибн Имрон вафот этиб, унинг ҳурмати учун пайдо бўлган булут ғойиб бўлган.

Тўққизинчи<sup>1127</sup> куни – рўза. Шу куни Ат-Тих саҳросида [яхудийларнинг] Байт ул-Муқаддасга киришлари тақиқлангани хабар қилинган ва улар ғамгин бўлганлар.

Шу куни Байт ул-Муқаддас забт этилиб, Бухтунассар унга бостириб кирган ва ўт кўйиб, вайрон қилган.<sup>1128</sup> Шу куни [Байт ул-Муқаддас] ибодатхонаси иккинчи марта вайрон этилган.

Ўн бешинчи куни – [Байт-ул Муқаддас] ибодатхонасидаги ёнғин ўчирилгани учун рўза тугилади. Бу – Бухтунассар Байт ул-Муқаддасдан чиққан ва ундаги хазина ва ибодатхоналарда ёнғин ўчирилган кун.

Ўн саккизинчи куни – рўза. Бунга Байт ул-Муқаддасдаги ибодатхона чироғининг Ахоз пайғамбар замонида ўчиб қолгани сабаб бўлган. Бу Аллоҳнинг яҳудийлардан ғазабланганининг белгиси бўлган.

**Айлул.** Бу ойнинг боши икки кун, кунларининг сони йигирма тўққизта. Бу ойда байрам санаси йўқ.

(283)|| Еттинчи куни – «Айғоқчилар рўзаси». Шу куни [Мусо юборган] айғоқчилар унга жабборлар хабарини олиб қайтишди. Бани Исроил гамгин бўлдилар, Юшаъ ибн Нун айғоқчиларни ёлғончи қилди. Шу сабабдан [рўза] жорий этилди. Яҳудийлардан баъзилари бу ой рўзасини келгуси йил бошига етти кундан камроқ муддат қолганда келадиган душанба ёки пайшанба кунлари тутадилар.

Яҳудийлар негадир биринчи Тишрий [хафтанинг] биринчи, тўртинчи ва олтинчи кунда; «Киппур» биринчи, учинчи ва олтинчи кунда; «Пурим», яъни Ҳомон-Сур иккинчи, тўртинчи ва еттинчи кунда; пасха иккинчи, тўртинчи ва олтинчи кунда; «Ансара» учинчи, бешинчи ва еттинчи кунда бўлишини маъқул кўрмаганлар. Чунки улар иш куни шанбага тўғри келмаслигини мўлжал қилганлар. Агар шундай бўлса, уни [тузатишдан] ожиз қоладилар. Уларга шанба куни ишлаш ҳалол эмас. Аллоҳ таоло [Тавротнинг] иккинчи сифрида: «Шанба куни ким ишласа, ўлдирилсин!» – деган.

Тўртинчи сифрида [шундай ҳикоя қилинади]: «Бани Исроилдан шанба куни саҳрода ўтин териб юрган бир киши учратилган. Уни Мусо ва Ҳорун ҳузурига олиб келиб, қамаб қўйганлар. Лекин Аллоҳ таоло Мусога: «Уни ўлдирилинг!» – деган. Шунда у киши ўлгунича тошбўрон қилинган. Шанба куни билан ҳеч қандай иш қилинмайдиган [бошқа] куннинг кетма-кет келиши ҳам яҳудийлар учун [ҳалол эмас].

Якшанба кунининг йил боши бўлишини дуруст кўрмаганлар. Чунки Аллоҳ таоло [Тавротнинг] учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг биринчи куни сиз учун роҳат ва сурнай чалинган [кунни] эслашдир. Шу куни иш қилманг, қурбонликлар қилинг!» – деган. Агар шу кун шанба билан ёндашиб келса, яҳудийлар учун иккита дам олиш куни кетма-кет келиб, унинг ҳаётий ишларига халақит беради ва бу тадориги ва чораси қийин ҳолатга олиб боради. Бундай пайтда «Арофо куни» шанбага тўғри келиб, бунда садақа [бериш] ва шу кунга расмийлаштирилган ишлар бекор бўлади. Шунинг учун Киппурнинг сешанбага, [жумадан] олдин келувчи пасханинг жума кунига, [шанбадан] олдин келувчи «Ансара»нинг шанба кунига тўғри келиши дуруст эмас. Чунки булар якшанба куни Тишрий боши бўлишини тақозо этади.

Йил боши чоршанба куни бўлишини ҳам дуруст ҳисобламайдилар. Чунки Аллоҳ таоло [Тавротнинг] учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг ўнинчисида гуноҳларни кечиш бўлади. Шу куни тўққизинчи [куннинг] кечидан то [ўнинчининг] кечигача энг арзимас ишни ҳам қилманг!» – деган. Шундай қилиб,

Киппур куни ишлар қилинмасди ва ундан кейин шанба келиб, у [кунда] ҳам ишлар тўхтатилар эди. Шунинг учун [Киппурнинг] жума куни, олдин келувчи пасханинг душанба куни ва олдин келувчи «Ансара»нинг сешанба куни бўлиши дуруст эмас.

(284)|| [Яҳудийлар] йил бошининг жума куни бўлишини дуруст демайдилар, чунки у шанба билан олдинма-кетин келади. [Бунда] «Киппур» якшанба куни, шанбанинг кетидан келади. «Табриклаш байрами» эса жума куни бўлиб, шанба билан олдинма-кетин келади, ҳолбуки, бундай келмаслиги шарт қилинган. Шунинг учун «Киппур»нинг якшанба куни, олдин келувчи пасханинг чоршанба куни, олдин келувчи «Ансара»нинг пайшанба куни бўлиши дуруст эмас. Зеро, бу йил бошининг жума куни бўлишига эҳтиёж туғдирад ва бундан биз айтиб ўтган [кун тартиблари] лозим бўларди. Шунинг учун [яҳудийлар] икки кун кетма-кет дам олиш бўлмаслиги ва «Арофо куни» шанбага тўғри келмаслигига қараб ҳисоб тузишга уринганлар. Чунки улар шу куни садақа қилишга, «урун» деб аталадиган (буни «қилвоз» ҳам дейдилар) минбарни тавоф этишга муҳтож бўладилар. [Ҳисоб тузишда] «Пурим» шанба куни бўлмаслиги – [агар у шанба куни бўлса], яҳудийлар шу куни Ҳомон [суратини] ёндириб, хурсандчилик қилолмайдилар ва ниҳоят, «Ансара» шанба куни келмаслиги керак. Агар шанба куни бўлса, [дуо ўқитиш учун] экин ва янги мевалардан олиб келишлари ва бошқа фарзларни адо этишлари мумкин эмас.

Абу Исо ал-Варроқ «Мақолалар китоби»да «мағрибликлар»<sup>1129</sup> деб аталадиган яҳудийлар ҳақида ҳикоя қилишича, улар: «Байрамларнинг яхши ўтиши учун Ойнинг чоршанба кечасидан, яъни Қуёш ботиши, сешанба кундузидан кейин келувчи кечада тўлиб чиқиши ва бу ҳолат Бани Исроил заминидан бўлиши шарт. Ана шу йил боши [бўлиб], кунлар ва ойлар шундан ҳисобланади ҳамда байрамлар унинг теварагида айланади. Чунки Аллоҳ таоло икки энг ёруғ [Қуёш ва Ой]ни чоршанба куни яратган», – дейдилар. Гўё бу [яҳудийлар] пасханинг чоршанба кунидан бошқасида бўлишини маъкул кўрмайдилар ва унинг шарт ва суннатларини Бани Исроил заминидан бошқа жойда турган кишиларга лозим деб билмайдилар. Бу кўпчилик яҳудийлар фикрига хилоф ва Таврот сўзига зиддир.

[Яҳудийлардаги] анания [гуруҳи]га келсак, улар ойларнинг бошларини янги Ойни кўз билан кўришдан олиб, иббур<sup>1130</sup>ни биз баён этган «олдиндан билиш» усули орқали ҳисоблаб чиқарадилар. Байрамлар ҳафтанинг шанбадан бошқа қайси кунда келишига қарамайдилар, шанба кунлари келган байрамларни ундан кейин келувчи якшанбага қолдирадилар ва бу кейинга қолдиришни «дахий» деб атайдилар. Шанба куни ананийлар ҳеч қандай иш қилмайдилар. Ҳатто шанба куни янги тугилган болаларни ҳам хатна қилмай,

бу ҳолатда раббонийлар ишига хилоф равишда хатнани кейинги кунга қолдирадилар.

Шанба куни иш қилиш мумкин эмаслиги таажжубланарли ҳодисаларга боғлиқдир. Аввало, Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қилган [мана бу нарса]: «...шанбалик кунларида балиқлари очиқ келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра...»<sup>1131</sup>. Яна Ал-Жайҳоний «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб»ида ҳикоя қилишича: «Табария»<sup>1132</sup> шаҳрининг шарқида Балинас<sup>1133</sup> шаҳри бор. Урдун [дарёси] ундан бошланади. Бу [дарё]да тегирмонлар бўлиб, уларда сув пасайгани сабабли шанба тугагунича ун янчилмайди. Биз табиий фанлардан бу [ҳодиса]га бирон асос тополмадик, чунки бу ҳафта кунларига боғлиқдир. Аммо йилларга алоқадор бўлган [ҳодисалар] – Қуёш ва унинг нурларининг таъсири билан боғланади, ойлар билан боғлиқ нарсаларга эса Ой жисми ва унинг нури таъсир қилади. Чунончи, юнонлар юртида йилнинг маълум бир кунда қурбонликларни пиширувчи қурбонгоҳ ва шу кабилар бунга мисол бўлади. Бу қурбонгоҳда Қуёш нури тўпланиб, унинг бирор жойидан акс этиши натижасидир.

(285)|| Абу Исо ал-Варроқ «Мақолалар китоби»да ҳикоя қилишича, яҳудийларнинг «алфония» [гуруҳи] барча байрамларни рад қилади. Уларнинг даъвосича, бирон пайғамбар томонидан хабар берилган [байрамларгина] эътиборга олинади. Уларга кўра фақат шанба кунигина байрам қилинади.

Қуйидаги жадвал, яъни «Далил-исбот жадвали», биз юқорида айтган байрамларни очиқ кўрсатиб, айтиб ўтилган кунларда, яъни Қуёш кунда ва икки ёриткичнинг икки кунда йил бошининг келиши нима сабабдан мумкин эмаслигини баён этади. Жадвалдаги қизил ранг мумкин эмасликка, қора эса жоизликка далилдир. Агар жадваллар тепасида кўрсатилган байрамлар рўпарасидаги жадвал бошидан охиригача қорага дуч келса, [байрамлар нишонланиши] мумкин бўлади. Агар у байрамлар рўпарасидаги қизилга аралашса ёки буткул қизил бўлса, мумкин бўлмайди. Биз жадвалларда [байрамлар] рўпарасида вожиб, мумкин ва мумкин эмасликни кўрсатдик. Вожиб ва мумкин эмаслик изоҳга эҳтиёжсиз ҳодисалардандир. Аммо мумкинлик шуки, йил боши ўзининг бўлишига яроқли кунларга тўғри келиб, кейин шу кунларда байрамлар қизил рангда бўлса, ундай кунлар оддий йилларда яроқсиз, худди шу кайфият билан бошқа йилларда яроқли ёки бунинг акси бўлади. Юқорида айтганимиздек, бу жадвалдан нима учун турли ҳолатлардаги [йилларнинг] баъзи бирлари бошқаси билан кетма-кет кела олиши ва кела олмаслиги очиқ кўринади. Бунинг [изоҳи] шундай: агар маълум ҳолатдаги [йил] кетидан келувчи йилнинг боши бўлган [кун] бошқа ҳолатдаги йилнинг боши бўлолмаса, шунда улар кетма-кет келиши мумкин, бўлмаса, мумкин эмас. Лекин ноқис йиллардагина мумкин, чунки кетма-кетликнинг мумкин эмаслиги бошқа жиҳатдан бўлиб, бунинг баёни юқорида айтилди.



I ва II далил-исбот жадвали (286)||

(287)||

Бъринчи ҳолатлар	Иккинчи ҳолатлар	Қисмлар	1 Тишрий [Бошқа ҳамма байрамлар шун- га эътиборан]	Қипшур, 10 Тишрий	Арофо, 21 Тишрий	Пурим, 13 Азар	Пасха 15 Найсан	Ансара, 6 Суван	Келаси йил боши, 1 Тишрий
Олдин йил	Ноқис	мумкин эмас	1	III	VII	VII	II	III	IV
		вожиб	2	4	1	1	3	4	5
		мумкин эмас	3	5	2	II	VII	V	VI
		мумкин эмас	IV	VI	3	3	5	6	7
		мумкин	5	7	4	IV	VI	VII	1
		мумкин эмас	IV	1	5	5	7	1	2
		вожиб	7	2	6	6	1	2	3
	Муътадил	мумкин эмас	1	III	VII	1	3	4	5
		мумкин эмас	2	5	1	II	VI	V	VI
		вожиб	3	4	2	3	5	6	7
		мумкин эмас	IV	VI	3	IV	VI	VII	1
		мумкин	5	7	4	5	7	1	2
		мумкин эмас	IV	1	5	6	1	2	3
		мумкин эмас	7	2	6	VII	II	III	IV
	Тўлиқ	мумкин эмас	1	III	VII	II	IV	V	VI
		вожиб	IV2	4	1	3	5	6	7
		мумкин	3	5	2	IV	VI	VII	1
		мумкин эмас	IV	VI	3	5	7	1	2
		вожиб	5	7	4	6	1	2	3
		мумкин эмас	IV	1	5	VII	VI	III	IV
		вожиб	7	2	6	1	3	4	5
Иббур йили	Ноқис	мумкин эмас	1	III	VII	VII	II	III	VI
		вожиб	2	4	1	3	5	6	7
		мумкин эмас	3	5	2	IV	VI	VII	1
		мумкин эмас	IV	VI	3	5	7	1	2
		мумкин	5	7	4	6	1	2	3
		мумкин эмас	VI	1	5	VII	II	III	IV
		вожиб	7	2	6	1	3	4	5
	Муътадил	мумкин эмас	1	III	V	3	5	6	7
		мумкин эмас	2	4	1	IV	VI	VII	1
		вожиб	3	5	2	5	7	1	2
		мумкин эмас	IV	VI	3	6	1	2	3
		мумкин	5	7	4	VII	II	III	IV
		мумкин эмас	VI	1	5	1	3	4	5
		мумкин эмас	7	2	6	II	IV	V	VI
	Тўлиқ	мумкин эмас	1	III	VII	IV	VI	VII	1
		вожиб	2	4	1	5	7	1	2
		мумкин	3	5	2	6	1	2	3
		мумкин эмас	IV	VI	3	VII	II	III	IV
		вожиб	5	7	4	I	3	4	5
		мумкин эмас	VI	1	5	II	IV	V	VI
		вожиб	7	2	6	3	5	6	7

## XV б о б . СУРИЯ ОЙЛАРИДА МЕЛИКИЙ ХРИСТИАНЛАРИ НИШОНЛАЙДИГАН [КУНЛАР]

Христианлар бир неча гуруҳларга бўлинадилар. Улардан биринчиси меликийлар<sup>1134</sup>, яъни румликлардир. Уларнинг бундай ном билан аталишларига [сабаб] шуки, Рум подшоҳи шуларнинг мазҳабида бўлган ва Румда булардан бошқа [христиан] гуруҳи бўлмаган. Иккинчиси, несторийлик [гуруҳи]. Бу Искандар [эраси]нинг тахминан етти юз йигирманчи йилида ўз эътиқодини юзага чиқарган Несторийга<sup>1135</sup> мансубдирлар. Учинчиси Яъқубия<sup>1136</sup> мазҳаби.

Ана шулар [христиан] мазҳабларининг улуғларидирлар.

Бу гуруҳлар орасида дин асоси – аконим, лохутият, носутият ва иттиҳода<sup>1137</sup> [масалаларида] ихтилофлар бор. Шу ихтилофлар сабабли улар бир-бирларидан фарқланадилар, яъни [у ёки бу даражада] узоқ турадилар.

Уларнинг аревисия<sup>1138</sup> номли мазҳаби бор. Уларнинг [Исо] Масих ҳақидаги фикрлари мусулмонларникига жуда яқин ва [бошқа] ҳамма христианларникидан йироқ. Яна бошқа кўпгина гуруҳлари ҳам бор, лекин бу ўринда уларни баён этиш жоиз эмас. Бу [масала] рисоалар, эътиқодлар, динлар ва у гуруҳларга қарши раддиялар [ҳақидаги] китобларда батафсил баён этилган, унинг нозик жиҳатлари ва яширин [ҳолатлари] текширилган.

Меликийлар ва несторийлар христианларнинг сон жиҳатдан энг салмоқлидир. Зеро, Рум ва унинг атрофидагилар – ҳаммаси меликий; Шом, Ироқ ва Хуросондагиларнинг аксарияти несторийдирлар. Яъқубияларга келсак, уларнинг аксарияти қибтлар ва Миср атрофида яшовчилардир.

Христианларнинг сурёнийлар ойларида эътибор қаратадиган кунлари бор. Буларнинг баъзисида ҳаммалари бир фикрда бўлиб, бошқасида келишолмайдилар. Бир фикрда бўлишлари бу кунларнинг улар мазҳабларида ажралиш пайдо бўлишидан олдин машҳур саналгани; ихтилофга боришлари эса ўша кунларнинг бошқада бўлмай, маълум бир мазҳаб ва бир жойга хос бўлгани сабаблидир.

Уларнинг катта рўзаларига қўшиладиган яна бошқа кунлари ва машҳур кунларига тегишли ҳафталари ҳам бор. Буларда ҳам аввалги ҳолатларда бўлгани сингари келишиш ва ихтилофлар [мавжуддир].

Биз, [аввало], меликийлар Хоразмда сурёнийларнинг ойларида белгилайдиган кунларини баён этамиз<sup>1139</sup>. Христиан, яхудий ва мажусий халқларининг турли мамлакатларда машҳур, йирик байрамлардан ташқари бошқа байрам-

лар ва маълум кунлар борасида бир фикрга келишлари кам учрайди. Умумий ҳолатга кўра улар [катта байрамлардан] бошқа пайтларда келишолмайдилар.

Дастлаб, уларнинг рўзасини, рўзага тегишли ва ҳаммалари бир фикрга келган кунларни баён этиб, ундан кейин несторийлар томонидан нишонланадиган байрамлар ва хотирланадиган кунлар ҳақида, иншооллоҳ, айтиб ўтамыз.

**Тишрин қадим.** Бу ойнинг биринчи куни – Павел<sup>1140</sup>нинг шогирди, шаҳид этилган епископ Ананияни<sup>1141</sup> хотирлаш куни. Уларда бундай хотирлаш кунлари хусусида шундай одатлари ҳам бор: ўша кун эгасини эслаб, унга дуо қиладилар, мактайдилар ва унинг номидан Аллоҳга ялиниб-ёлворадилар. Шу куни ва ундан кейинги [кунларда] то бошқа хотирлаш кунигача туғилган болаларни [Анания] номи билан атайдилар. Баъзан [иккала] авлиёнинг номларини бир-бирларига тақсимлаб: «Фалончи [ҳам] фалончи [авлиё]нинг хотирлаш куни эгасидир», – дейдилар<sup>1142</sup> ва ўша хотирлаш куни келгач, у кишининг атрофига тўпланадилар. У йигилганларни меҳмон қилиб, овқатлантиради.

Иккинчи кун бир неча кишилар билан бирга шаҳид бўлган Хурис ан-Нажронийни<sup>1143</sup> хотирлаш куни.

(289)|| Учинчи куни эрлар кийимини кийиб роҳиблик қилган ва ўзининг аёллигини эркак роҳиблардан яширган роҳиба Мория [Мария]ни хотирлаш куни.

Тўртинчи кун Павелнинг шогирди, мунажжим, епископ Дионисийни<sup>1144</sup> хотирлаш куни.

Шу [юқоридаги] насаблар диний мартабалардир. Чунки христиан динида [руҳонийлари] учун тўққиз хил мартаба бор: биринчиси, «[черков] хо-нишчиси»; иккинчиси, «қироатхон»; учинчиси, «иподиакон»; тўртинчиси, «диакон»; бу [арабчада] «шаммос»дир; бешинчиси, «кашиш»; бу [арабчада] «қасс»дир; олтинчиси, «епископ»; бу [арабчада] «ускуф»дир, у митрополит қўл остида бўлади. Еттинчиси, «митрополит», бу жасалиқ қўл остида бўлади. Хуросон меликийларининг митрополити Марвда туради. Саккизинчиси, «католикос»: бу [арабчада] «жасалиқ»дир. Ислом мамлакатларидаги меликийлар «жасалиқ»и Мадинат ус-Саломда<sup>1145</sup> туради. Бу Антакия патриархи қўл остидадир. Несторианлар католикоси эса улар кўпчилигининг розилиги билан амирулмўминин халифа томонидан тайинланади. Тўққизинчиси, «патриарх». Бу [арабчада] «батрик»дир. Бу мартаба факат меликийларга хос.

Христиан динида «батрик»лар ҳамиша тўртта бўлади, қачон бири ўлса, унинг ўрнига қолган «батрик»ларнинг, «католикос»лар ва бошқа [диний] мартабалар эгаларининг келишуви билан, бошқаси қўйилади. «Батрик»ларнинг биринчиси Қустантаняда, иккинчиси Римда, учинчиси Искандарияда, тўрттинчиси Антакияда туради. Бу шаҳарларни «пойтахт»лар деб атайдилар.

Батрикликдан юқори ва хонишчидан қуйи мартаба йўқ. Балки кўпинча, мартабаларни шаммосгача санаб, хонишчилар ва қурбонлик сўйиладиган

жойларнинг хизматчиларини мартаба эгалари каторига қўшмайдилар. Мартаба эгаларидан ҳар бирининг махсус вазифалари, коидалари ва бу китобда изоҳ этиш ўрни бўлмаган ҳолатлари бор.

Котиб Абул-Хусайн Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Аҳвозий<sup>1146</sup> «Румликларнинг илмлари ҳақида китоб» [асарида] Қустантанияда ва румликлар мамлакатада кўрган диний ва сиёсий мартабаларни ҳикоя қилиб, мана [бундай] дейди: «Диний [мартабаларнинг] биринчиси «патриарх», бунинг фармони [бутун] мамлакатга ўтади. Кейин «хроникос», бу энг катта ибодатхонанинг эгаси; кейин «епископ», яъни ускуф. Кейин «митрополитес», бу – ҳоким; кейин «гуменос»<sup>1147</sup>, бу – христианлар улуғлайдиган ибодатхонанинг эгаси; кейин «калогерос», бу мартаба гуменосга яқиндир; кейин папас<sup>1148</sup>, яъни «қасс»; кейин «диакон», бу «шаммос»<sup>1149</sup> дир».

Мартабалар хусусида биз айтиб ўтганлар ишончли. Чунки Абул-Хусайн [диний] мартаба аҳлларига, гарчи улуғ кишилар бўлсалар ҳам, ундай [мартабалар] эгаси бўлмаганларни аралаштириб юборган. Баъзан [бу кишилар] ўша диний мартабалар эгаларидан бўлиб қоладилар. Лекин Абул-Хусайн баён этган тавсиф [мартабаларга] тўғри келмайди.

(290)|| Дунёвий ва сиёсий мартабаларга келсак, буларнинг аввалгиси – «басилевс»<sup>1150</sup>, бу Рум подшоҳи Қайсардир. Кейин «лагасит»,<sup>1151</sup> бу Қайсарнинг вазири ва турли тиллардан [таржима этувчи] таржимондир. Ундан кейин «паракимоменос», дарвозабонлар раиси; кейин «доместик» лашкарбоши; кейин, «аксиотос», бу подшоҳнинг лашкардаги ишончли кишиси бўлиб, доместик сингаридир, бу иккисининг мартабаси бир-бириникидан кўйи эмас. Кейин «архонтархон», бу – батриклар унинг қўл остида бўладиган киши. Кейин «патрикиос», бу [арабчада] «батрик» дир. Қўшиндаги патрикиослар биз баён этган диний мартабалардаги [кишилар] сингари эмас, катта аскарбошилар кабидирлар. Икки исмнинг бир-бирига ўхшаб қолишидан кўрққан киши диний [батрикни] батрак деб атади. Кейин «роготор», бу қўшинни намоиш қилдирувчи ва уларга маош тақсимловчидир. Кейин «исродифус»<sup>1152</sup> мартабаси, бу батрикнинг ярим [мартабасига] эга. Кейин «протоскафариос», бу подшоҳнинг батрик қўл остидаги лашкарда ишончли кишиси бўлиб, батрик ўз ишларида унга мурожаат қилади. Кейин «маглабитес», подшоҳ қамчинини сақловчи; кейин «экзархос», минг кишига бошлик; кейин «гекатонтархиос», юз кишига бошлик. Кейин «пентеконтархиос», эллик кишига бошлик; кейин «тессараконтархиос», қирқ кишига бошлик; кейин «триантархиос», ўттиз кишига бошлик; кейин «иконитархиос», йигирма кишига бошлик; сўнгра «декархиос», ўн кишига бошлик.

[Мақсадга] қайтамиз:

Бу ойнинг бешинчи куни – Афасус<sup>1153</sup> шаҳридаги «Асҳоби Каҳф»ни хотирлаш куни. Улар муқаддас Куръони каримда зикр этилган.<sup>1154</sup> Халифа ал-

Муътасим «Асҳоби Каҳф» жойини кўрган ва уларга қўлини теккизган кишини ўз элчиси билан бирга Рум подшоҳига юборган. Бу хабар машҳурдир. Қўл тегизган киши Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир бўлса ҳам, [унинг ҳикояси] у қўлини тегизиб кўрганлари «Асҳоб Каҳф», ёки бошқа ўликлар ёхуд сохта нарса эканлиги борасида шубҳа тугдиради<sup>1155</sup>. Мунажжим Али ибн Яҳё<sup>1156</sup> бир газотдан қайтаётганида, ўша жойга кирганини, у жой кичик бир тоғ бўлиб, тагининг диаметри минг газдан кам эканини, унинг Ер юзасидан бошланувчи ер ости йўли борлигини, шу йўл уч юз қадамлик масофага кириб бориб, тоғда ўймакор устунлар устига қурилган бир равоққа олиб чиқишини ва бу равоқда бир қатор хоналар борлигини ҳикоя қилади. Шу жойда у ўн уч кишини кўрганини, улар орасида соқол-мўйлаби сабза урмаган бир ёш йигит ҳам бўлганини, уларнинг эғнида жундан тикилган ташқи ва ички кийимлари, оёқларида маҳси-кавушлари борлигини, улардан бирининг пешонасига [тушиб турган] сочларини ушлаб торганида, биттаси ҳам юлиниб чикмаганини айтади.

[Асҳоби Каҳф] мусулмонлар [фикри]ча, етти нафар, христианларга кўра – саккиз нафар. Бундан ортиқ бўлса, кўпинча улар шу ерда ўлган роҳиблар бўлади. Зеро, хусусан, роҳибларнинг жасадлари узоқ вақтгача қолади, чунки уларнинг суюқликлари тугаб, суяклари билан терилари орасида озгина восита [эт]дан бошқа нарса қолмайди. Кейин худди чирок ёғи тугаганда сўнганидек, сўнадилар ва баъзан асоларига суяниб, [ўлик] ҳолда узоқ замон [йиқилмай] қоладилар. Бу ҳолат уларнинг ибодатхоналарида кўрилган.

(291)|| Бу айтиб ўтилган ўсмирлар христианларга кўра, уч юз етмиш икки йил, бизнингча Қуёш йилида уч юз йил турган, [Аллоҳ] таоло ҳам Қуръоннинг махсус сурасида уларнинг қиссасини баён этган<sup>1157</sup>. Қўшимча тўққиз йилга келсак, бу [шамсий йиллар] қамарий йилларига айлантирилгандаги қолдиқлардир. Ҳақиқатда, бу тўққиз йил, етмиш беш кун, ўн олти соат ва соатнинг бешдан тўрти [бўлади]<sup>1158</sup>. Лекин ўша замонда [ҳисоб] қилишларига кўра, уч юз йил, бу – ўн бешта кичик давр ва ўн олтинчи даврнинг ўн беш йилдир<sup>1159</sup>. Бу муддат ҳиссаси қўшимча ойларга айлантирилганда бир юз ўн ой бўлиб, қолган йилларда қайси тартибда ҳисобланса ҳам, у тўққиз йил ва икки ой бўлади. Бундай касрлар [одатда] ҳикояларда эътиборга олинмайди.

Еттинчи куни икки шаҳид Сергей ва Баҳус хотирланади.

Ўнинчи кунда Закариё пайғамбарни хотирлаш куни. Қуръони каримда эслатилиб<sup>1160</sup>, Инжилда батафсил айтилишича, шу куни фаришталар унга ўғли Яҳёнинг<sup>1161</sup> дунёга келишидан башорат берганлар.

Ўн биринчи кунда епископ шаҳид Киприяни хотирлаш куни.

Ўн тўртинчи кунда Григорий Ниссий хотирланади.

Ўн еттинчи кунда икки шаҳид [ва] табиб Кузма ва Дамиан эсга олинади.

Ўн саккизинчи кунда учинчи Инжил муаллифи Лука хотирланади.

Йигирма учинчи кунда шаҳид [аёл] Анастасия хотирланади.

Йигирма олтинчи кунда Закариё ўгли Яҳё бошининг қабрга қўйилиши хотирланади.

**Тишрин ҳрой.** Бу ойнинг биринчи куни шаҳид Карнут хотирланади.

Ўн биринчи кунда шаҳид Мина хотирланади.

Ўн бешинчи кунда шаҳидлар Симеон, Гурий ва Авиво хотирланади.

Ўн олтинчи кунда Марям ўгли Исо Масиҳ тугилгани муносабати билан рўза боши саналади. Бу рўза [Исо туғилишидан] олдин қирқ кун узлуксиз тугилади.

Ўн еттинчи кунда ажойиб мўъжизакор Григорий хотирланади.

Ўн саккизинчи кунда шаҳид Роман хотирланади.

Йигирманчи кунда икки шаҳид Исҳоқ ва унинг шогирди Иброҳим<sup>1162</sup> хотирланади.

Йигирма бешинчи кунда Искандария епископи Пётр хотирланади.

Йигирма еттинчи кунда парчалаб ташланган Яъқуб<sup>1163</sup> хотирланади.

Ўттизинчи кунда шаҳид Андрей ва ҳаворий Андрей<sup>1164</sup> хотирланади.

**Канун қадим.** Бу ойнинг биринчи кунда Элияда биринчи епископ бўлган Яъқуб хотирланади.

Учинчи куни христианлик қонунларини тузган Юҳанна ота хотирланади. Христианларда «ота» деб хитоб қилиш эҳтиром ифодаси. Чунки динлари шунга асосланган. Диний қонунлари шариат томонидан кўрсатилган эмас, уларни улуғ раҳбарлари [Исо] Масиҳ ва унинг ҳаворийлари сўзларига асосланиб ўйлаб чиқарганлар; айтиб ўтилган [Юҳанна] шулар [жумласи]дандир.

Тўртинчи куни икки шаҳид аёл Варвара ва Юлиана хотирланади.

Бешинчи кунда Байт ул-Муқаддасда ибодатхона валийси бўлган Савва<sup>1165</sup> хотирланади.

Олтинчи кунда Антакияда батрик бўлган Николай хотирланади.

Ўн учинчи кунда беш шаҳид хотирланади.

Ўн еттинчи кунда Элияда батрик бўлган Модест хотирланади.

(292)|| Ўн саккизинчи кунда хуросонлик католикос Сисин хотирланади.

Йигирманчи кунда Антакияда учинчи батрик бўлган Игнатий хотирланади.

Йигирма иккинчи кунда Юсуф ар-Рамасоний ал-Булавтий хотирланади. Тўрттала Инжилнинг охирида айтилишича, бу киши ўзи учун тайёрланган қабрга Масиҳ жасадини дафн этган. Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-Ҳиравийнинг айтишича, гўё у Байт ул-Муқаддасда Қиёмат ибодатхонасида бир кубба [ичи]да ўша қабрни кўрган. Бу қабр тошга ўйилган ва тепаси туя ўрқачи шаклида ишланиб, олтин суви берилган экан. Бу ҳақда қизиқ ҳикоя бўлиб, уни [христианлар] рўзаси бобида баён этамиз. Айтишларига кўра, подшоҳ Румдаги ҳеч бир кишига ўша қабрни зиёрат қилишига ижозат бермас экан.

Йигирма учинчи кунда шаҳид Геласий<sup>1166</sup> хотирланади. Шу ойнинг йигирма бешинчи кундан олдин келадиган кечада – бу румликлар усулига кўра, ўша йигирма бешинчи куннинг кечаси – «ялидо», яъни «Исо мавлуди байрами» бўлади. Шу кеча у вақтда пайшанба кечаси эди. Кўпчилик одамлар ўша пайшанбани [Канун қадимнинг] йигирма бешинчисида деб ўйлайдилар, бундай эмас, балки у йигирма олтинчисидадир. Хохлаган киши шу [милод] йилини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган йўллар орқали буни ҳисобласин. Шунда ўша йил Канун қадимнинг боши якшанба кунига тўғри келади.

Йигирма олтинчи кунда Довуд пайғамбар ва Элияда епископ бўлган Яъқуб хотирланади.

Йигирма еттинчи кунда шаммослар раиси Стефан хотирланади.

Йигирма саккизинчи кунда Инжил бошида айтилганидек, подшоҳ Ҳирадус ал-Ҳалил шаҳри болаларини ва чақалоқларини ўлдиргани ва шулар қаторида Исони ҳам ўлдириш мақсадида қидиргани хотирланади<sup>1167</sup>.

Йигирма тўққизинчи кунда шаҳид Антоний хотирланади. Гумон этишларича, бу киши Ҳорун ар-Рашид амакисининг ўғли Абу Равҳдир. У гўё ислом динидан кейин христиан динини қабул қилган, шунда Ҳорун уни салибга тортиган. Христианларда у ҳақда узун ва ажойиб қисса бўлиб, дoston ва тарих китобларида уни ёки ўшанга ўхшаш қиссани эшитмадик ва ўқимадик. Шу билан бирга, христианлар бундай афсоналарни, айникса, динларига алоқадор хабарларни таҳқиқ этмай ва ривоятларни текширмай, эшитиб тасдиқ этаверадилар.

(293)|| **Канун хрой.** Бу ойнинг биринчи кунда Василий хотирланади, бу «Калиндос байрами» ҳамдир. Калиндоснинг маъноси «яхшилик бўлсин» демакдир<sup>1168</sup>. Шу куни христиан болалари йиғилиб, уйма-уй кезиб чиқадилар ва бир уйдан иккинчи уйга ўтиб, баланд овоз ва оҳанг билан: «Калиндос, калиндос», – деб кичкирадилар. Ҳар бир уйда уларга овқат берилиб, косаларда шароблар ичирилади. Баъзиларнинг гумонича, шу куни Марям [Исони] дунёга келтирганига бир ҳафта тўлгани, румликларда йил боши бўлгани сабабли шундай қилинади. Бошқаларнинг айтишича, Арий фикри юзага чиқиб, тобе кишилар унга эргашгач, у [Рум] ибодатхоналаридан бирини эгаллаган. Бу ибодатхона қавми у билан тортишганлар. Сўнгра [ўзаро] келишиб, ибодатхона эшигини уч кун қулфлаб қўйишган. Кейин биргаликда эшикка келиб, навбати билан [дуо] ўқишган. Шунда кимга эшик очилса, у ибодатхонага [кириш учун] ҳақли бўлиши борасида сулҳ тузганлар. Улар шундай қилганлар. Эшик Арийга очилмай, ибодатхона қавмига очилган. Айтишларига кўра, шу сабабли христиан болалари (уларга ўша вақтда берилган севинчли хабарга ўхшатиб) шундай қилдилар.

Иккинчи куни Қустантания аҳолиси митрополит Силвестр сабабли христиан динини қабул қилганликлари учун уни хотирлайдилар.

Бешинчи кунда «Данҳ байрами» олдидан рўза тугилади.

Олтинчи кунда «Данҳо», бу – «Данх байрами»нинг ва чўқинтириш кунининг ўзи. Инжилда баён этилишича, бу Яҳё ибн Закариё [Исо] Масих ўттиз ёшга тўлгач, пок [илоҳий] руҳ осмондан каптар суратида тушиб, унга теккундир. Христианлар болалари уч ёки тўрт ёшга етганида шундай қиладилар. Епископ ва поплари бир тосни сув билан тўлдириб, унга [дуо] ўқийдилар. Кейин болани шу сувда чўмилтирадилар. Болага шундай қилгач, уни христиан қилган бўладилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: «Ҳар бир янги тугилган бола фақат фитрат ила тугилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий, христиан ёки мажусий қилади...»<sup>1169</sup> – деганлари шудир.

Абул-Ҳусайн ал-Аҳвозий «Румликларнинг илмлари ҳақида китоб» [асарида] христианликка чўқинтиришни мана бундай тавсифлаган: «Ибодатхонада болага эрталаб ва кечқурун дуо ўқилади. Еттинчи куни яланғоч қилиб, бутун баданига зайтун ёғи суртилади. Кейин ибодатхона ўртасидаги қилиб, жойга қўйилган мраммар тосга иссиқ сув қўйилади. Кашиш бу сув юзига баланд ёғи билан бешта нукта солади: салиб шаклида тўртта ва ўртага битта. Сўнгра [болани] кўтариб, оёқлари йиғилади ва ўртадаги нукта устига тушириб, сувга ўтказилади. Кашиш [тўрт] томоннинг биридан кафтини тўлдириб, сувга ва боланинг бошига қуяди. Кейин бошқа томондан [олади]. Ниҳоят, салиб шаклида тўрт томонга келиб [сув] олиб қуяди. Сўнгра кашиш четрок туриб, болани сувдан олмоқчи бўлган киши (бу болани сувга ўтказган киши) келади. Кашиш болани чўмилтиради, ибодатхонадаги кишилар [дуо] ўқишади. Кейин бола сувдан чиқарилади ва чойшабга ўраб, оёғи ерга тегмаслиги учун кўтариб турилади. Ибодатхонадагиларнинг ҳаммаси етти марта: «Кирие, элейсон!», яъни «Ё Рабб, бизга марҳамат қил!» – деб хитоб қиладилар. Болага кўтариб турилгани ҳолда кийимлари кийдирилади. Кейин у ерга қўйилади. Бола етти кун давомида ибодатхонада бўлади. Еттинчи куни бўлганда, бола етти тун ёғи суртмай, аввалгидан бошқа тосда чўмилтиради».

Шу ойнанинг ўн биринчи куни – ўзига-ўзи оғир темир юклаган ва азоб чеккан роҳиб Феодосий<sup>1170</sup> хотирланади.

Ўн учинчи куни – «Данх байрами» тамом бўладиган ва Сино тоғида пок, солиҳ кишилар<sup>1171</sup> ўлдирилган [кун].

Ўн бешинчи кунда Дамашқ батриги Пётрни хотирлаш куни.

Ўн еттинчи кунда роҳибларнинг биринчиси ва раиси Антоний хотирланади.

Йигирманчи кунда роҳиб [ва] муаллим Евфимий хотирланади.

Йигирма биринчи кунда тарки дунё қилган якка роҳиб Максим хотирланади.

Йигирма иккинчи кунда христианларнинг конун-қоидаларини жорий қилган Кузма хотирланади.



(294)|| Йигирма бешинчи кунда шаҳид этилиб, оловда куйдирилган Поликарп хотирланади.

Йигирма еттинчи кунда «Олтиноғиз» лақабини олган Иоаннес<sup>1172</sup> хотирланади. «Иоаннес» Юханно исмининг румийча талаффузидир.

Ўттиз биринчи кунда икки шаҳид – Иоанн ва Кирос хотирланади.

**Шубот.** Бу ойнинг биринчи куни муаллим Ефрем хотирланади.

Иккинчи кунда «Шам байрами». Бу Марямнинг Исони дунёга келтирганидан кейин қирқ кун ўтгач, у билан бирга Байт ул-Муқаддас ибодатхонасига келган кундир. Бу Яъқубийлар байрами бўлиб, уларга кўра улуг санадир. Айтилишича, шу куни яхудийлар ўз болаларини ибодатхоналарига олиб келадилар ва уларга Тавротдан ўқитадилар. Агар бу шундай бўлса, албатта, у Шуботда эмас, Шефат [ойида] бўлади. Чунки яхудийлар сурёний ойлари-ни ҳисобламайдилар. Шу кундан бошлаб то Азардан саккиз кун ўтгунигача [яъқубийларнинг] биринчи рўзаси бўлади. Иншооллох, келгусида у рўзани баён этамиз. Улар рўза тутганларида биз [куйида] айтмоқчи бўлган хотирлаш [кунларидан] фақат шанбага тўғри келганини ҳисобга оладилар. Улар фақат шанба кунидан фойдаланадилар.

Учинчи кун шаҳид Велесни хотирлаш куни. Уни мажусийлар ўлдиришган.

Бешинчи кунда христианликни биринчи бўлиб Хуросонга келтирган католикос Сис хотирланади.

Йигирма тўртинчи кунда Чўқинтирувчи, яъни Яҳё ибн Закариёнинг боши топилгани хотирланади<sup>1173</sup>.

**Азар.** Бу ойнинг тўққизинчи куни олов, совуқ ва ях билан жазоланган қирқ шаҳид хотирландиган кун.

Ўн биринчи кун Байт ул-Муқаддас батриги Софронийни хотирлаш куни.

Йигирма бешинчи куни «Хушхабар байрами». Бу Жаброил алай-ҳиссаломнинг Марям ҳузурига кириб, [Исо] Масихнинг [дунёга келиши] ҳақида башорат қилган кун. Шундан то Исо туғилгунига қадар тўққиз ой ва беш кундан ортиқроқ вақт ўтган. Бу она қорнида боланинг жойлашиб туриши учун табиий муддатдир. Исо, дунёда табиат тақозосича, йўналишдан холи бўлмаган. Демак, унинг ҳам [она] қорнида табиий муддат мобайнида турган бўлиши тўғридир<sup>1174</sup>.

(295)|| Искандар эрасининг уч юз учинчи йили Азарнинг йигирма бешинчиси – душанба куни Байт ул-Муқаддасда Ойнинг шу кундаги кун ярмида аниқланган ўрни Савр буржи биринчи даражасининг қарийб олти бўлагидан бештасида бўлган. Толелардан мисрлик Ҳермес йўлидан юрувчи кишилар фикрига кўра, Масих толеи Ҳамал охири ва Савр бошида бўлиши лозимдир. Лекин у буржлар Исо туғилган вақтда кундуз куни чиққан. Зеро, Байт ул-Муқаддасда туғилиш кечасидан кейинги пайшанба куни кун ярмида –

Куёшнинг аниқланган ўрни Жадийнинг қарийб икки бутун ва учдан бир даражасида бўлган. Уларнинг мазҳабига кўра милод кечаси тугилган ҳар бир бола [она корнида] ўша айтилган муддат давомида туриши керак бўлиб, Ой Ер остида толе даражасидан қарийб ўз айланасининг ўндан бирича узоқлашган бўлади. Биз буни Ойнинг «Хушхабар куни»даги ўрnidан билганимизда, толе Хут буржининг қарийб бешдан тўртида бўлди. Канун қадимнинг йигирма бешинчи куни Ой ўз айланасининг ўндан бири миқдорича Ер тагига узоқлашган вақтда у ўрнини аниқлаганимизда эса, толе Ҳамал буржининг қарийб учдан иккисиди бўлди. Бу иккала ҳисоб ҳам тўғри келмади. Чунки милод [эраси] ни қўлловчилар у кечаси юз берганини билдирадилар. Ҳисобимиз натижаси эса кундуздир. Бу ҳолат толеларнинг яроқсизлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Аллоҳ ажални кечиктириб, ўз раҳмати билан оғрик ва касалликларнинг асоратларини биздан кўтарса, толеларнинг хиллари ва турлари ҳақида гапириш учун, иншооллоҳ, алоҳида китоб тузамиз<sup>1175</sup>. У толеларни тўлиқ баён этади ва улардаги ҳақиқатни яширин қолдирмайди.

**Нисон.** Бу ойнинг биринчи куни [сира] ифтор қилмай, кетма-кет қирк кун рўза тутган мисрлик<sup>1176</sup> Марям хотирланадиган кун. Бу хотирлаш маросими рўзадан [чиққандан] кейинги жуманинг бошида адо этилади. Бу жума куни шарт қилинган учун биринчи Нисонга тўғри келмайди. Лекин даврлар [ҳозирги] ўтаётган йилни қўшиб, Искандар эрасининг бошидан ҳисобланса, Куёш даврида фақат тўрт марта – тўртинчи, ўнинчи, ўн бешинчи ва йигирма биринчи йилда тўғри келади.

Ўн бешинчи кун бир юз эллик шахидни хотирлаш куни.

Йигирма биринчи кун олти синодни хотирлаш куни. «Синод»нинг маъноси поплар, епископлар ва булардан бошқа [юқорида] зикр қилинган мартаба эгаларидан иборат христиан [руҳоний] олимларининг бирон янгиликка қарши дуойи бад қилиш ва лаънатлаш учун ёки дин ишларидан аҳамиятли бирон масалани ҳал этиш учун тўпланишларидир. Бу [воқеа] бир неча замонлар ўтмасидан ўз вақтига тўғри келмайди ва қачон тўғри келса, унинг санаси [йилномаларда] сақланади. Баъзан бу табаррук саналиб, ибодат учун ҳам қўлланилади.

Олти синоднинг биринчиси уч юз ўн саккиз епископнинг Ниқия<sup>1177</sup> шаҳрида подшоҳ Константин ҳузурига йиғилишидир. Бунга Арий сабаб бўлган. У ҳамма руҳонийлар [уч] «укнум»дан<sup>1178</sup> ота ва ўгил икки «укнум»ини абадий деганлари ва рўзадан чиқиш [Исо] Масихнинг қайта тирилганидан кейинги яқшанбада адо этилиши борасида бир фикрга келиб олганлари учун уларга қарши бўлган. Лекин уларнинг баъзилари: «Рўзадан чиқишни яҳудий Пасха ойининг ўн тўртинчисида адо этамиз», – деганлар.

Иккинчи синод бир юз эллик епископнинг Қустананияда Аркадийнинг қатта ўғли подшоҳ Феодосий ҳузурига йиғилишларидир<sup>1179</sup>. Бунга «Муқаддас

руҳ душмани» лақабли бир мулҳидий киши сабаб бўлган. Чунки у руҳонийлар жамоасининг «Рух ул-Кудс»ни тавсиф этишларига ва бу учинчи «укнум»ни абадий дейишларига қаршилиқ қилган.

(296)|| Учинчи синод икки юз епископнинг Эфес шаҳрида подшоҳ кичик Феодосийни<sup>1180</sup> ҳузурида йиғилишидир. Бунга Қустантания патриархи ва несториан [мазҳабидаги] христианларнинг бошлиғи Несторийнинг [Исо Аллоҳнинг] ўгли эканлиги «укнум»ида руҳонийларга қарши чиққани сабаб бўлган.

Тўртинчи синод олти юз ўттиз епископнинг Халкидон шаҳрида Маркиан подшоҳ<sup>1181</sup> ҳузурида Евтихий [мулҳидлиги] сабабли йиғилишидир. Чунки у: «Роббимиз Исо жасади [Аллоҳ] билан бирлашишидан олдин икки табиатдан, бирлашишдан кейин бир табиатдан [иборат] бўлди», – деган.

Бешинчи синод епископларнинг Мапсуэста ва ар-Руха епископлари ва бошқалар христианлар жамоасидан ажралганликлари сабабли уларга лаънат айтиш учун Юстиниан ҳузурида йиғилишларидир<sup>1182</sup>.

Олтинчи синод Қустантанияда имонли Константин ҳузурида [чақирилган]<sup>1183</sup>. Бунда бир юз саксон тўққиз епископ йиғилган. [Бу синодга] Кир ва сеҳргар Симон сабаб бўлган.

Бу ойнанинг йигирма учинчи кунда турли азоблар бериб ўлдирилган шахид Георгий хотирланади.

Йигирма тўртинчи кунда иккинчи Инжил муаллифи Марк хотирланади<sup>1184</sup>.

Йигирма бешинчи кунда Хуросонда католикос бўлган Иля хотирланади.

Йигирма еттинчи кунда Христофор хотирланади.

Ўттизинчи кунда Хузистонда ёнидаги христианлар билан биргаликда ўлдирилган католикос Шамъун ибн Саббай хотирланади.

**Айяр.** Бу ойнанинг биринчи куни пайғамбар Иеремия хотирланади.

Иккинчи кунда батрик Афанасий хотирланади.

Тўртинчи кунда «Гул байрами». Бу эски одат бўлиб, Хоразмда ҳам ўтказилади<sup>1185</sup>. Шу [куни] ибодатхоналарга қизил гул келтирилади. Бу байрамнинг сабаби: Марям шу куни Яҳёнинг онаси Елизаветага бу гулнинг илк очилган нишонасини тухфа қилган.

Олтинчи кунда Айюб пайғамбар хотирланади.

Еттинчи кунда осмонда салиб кўрингани учун байрам. [Христиан] тадқиқотчиларининг айтишларича, «Музаффар» Константин замонида осмонда олов ёки нурдан вужудга келган салиб шакли кўринган. Шунда подшоҳ Константинга: «Бу белгини байроғингга қўй. Сени чўчитиб турган подшоҳлар [усти]дан тезда ғолиб келасан», – дейилган. Константин шундай қилган эди, уларга ғалаба келди ва шунинг учун у христиан динини қабул қилди.

Константин ўз онаси Еленани салиб тўсинини олиб келиш учун Байт ул-Муқаддасга юборди. Онаси у салибни ва [христианлар] гумонича, Масих билан бирга осилган икки ўғрининг салибларини ҳам топди. Натижада, [салиблар ўхшашлиги сабабли] Еленага [Исо салиби] масаласи шубҳали бўлиб қолди, лекин салибларнинг ҳар бирини бир ўлик устига қўйиб кўрганларида, Исо салиби теккан ўлик тирилди. Шунда у ўша тўсин Исо салиби эканини билди.

(297)|| Тадқиқотчилардан бўлмаган [христиан]ларнинг баъзиси араблар «Ал-Қайд» деб атайдиган Дельфин [юлдузлари] суратидаги салибга ишорат қилган<sup>1186</sup>. Бу «Наср ал-Воке»<sup>1187</sup> [юлдузи] ёнида маълум [тўрт] бурчакли шаклга ўхшаб турган тўртта юлдуздор. Айтилишича, бу ўша вақтда гўё Масих дорга михланган жойнинг тепасида кўринган. Қизиғи шуки, бу кишилар ўйлаб кўрмайдилар; ўйлаганларида кўп йил ва замонлардан бери дунёда юлдузларни кузатиб, улар ҳолатини текширувчи одамлар борлигини билардилар. Бу одамларнинг кейинчилари Дельфин юлдузларининг турғун [ёриткичлардан] эканлигини билишда олдинчиларига меросхўрлар. Турғун [ёриткичлар] ҳолатини улардан олдин текшириб кўрган [астроном]лар Дельфин юлдузларини ана шу юқорида айтилган шакл [ва жойда] кўрганлар. Балки христианларнинг бу гуруҳи салибни улуғлаш ишида кўпинча турли бўямачилик ва сохталикларни қўллайдилар. Масалан, саҳрода Бани Исроил атрофида илон кўпайгач, уларнинг зарарини даф этиш учун Аллоҳнинг уларга мисдан илон яшашни ва уни тикланган бир ёғочга осиб қўйишни буюрганганини далил қилиб: «Бу салибга башорат ва уни эсга туширишдир», – дейдилар. Яна улар: «Мусонинг пайғамбарлик далили унинг ҳассаси эди. Ҳасса – узунчоқ чизик. Масих келгач, ўз ҳассасини [Мусо ҳассаси] устига ташлаган эди, бундан салиб вужудга келди. Мусо шариати Масих [юзага] келиб комил бўлди. Комил [нарса] ортикчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди. Бунга далил шуки, агар салиб устига қайси томондан бўлса ҳам учинчи бир асо ташланса, бундан [йўқ] деган сўз ҳосил бўлиб, «ортикчалик ва камчилик йўқ» деган маъно англашилади», – дейдилар. Бу мусулмонларда турли изоҳлар билан шуғулланувчи бир гуруҳнинг мана бу тутуруксиз гапларидан бошқа нарсага ўхшамайди; улар: «Муҳаммад» [محمد] исмини инсон суратига ўхшатиб: «Мим» [م] ҳарфи инсоннинг боши каби, «ҳо» [ح] – бадани каби, иккинчи «мим» – қорни каби, «дол» [د] – икки оёғи каби», – дедилар. Гумонимча, бу гуруҳ бош ва қоринни тенг кўришларига, бадандан ўсиб чиққан ҳамма аъзолар сонини ва насл туғилишига восита бўладиган аъзони унутишларига қараганда тасвирлашни билмайдилар. Эҳтимол, улар эркакларни эмас, аёлларни кўзда тутгандирлар. Уларнинг бир ҳарф камайтирилганда ёки бошқа бири орттирилганда, суратлари «Муҳаммад» суратига ўхшайдиган «Ҳамид» [حميد], «Мажид» [مجيد] ва бошқа шу каби исмлар ҳақида нима дейишларини

билсак эди. Агар бу исмлардан бири улар ўхшатган нарса [исм]га ўхшатилса, албатта, кулгили бўлиб чиқар эди.

Бундан ҳам кизикроғи шуки, христианларнинг ўша гуруҳи салиб эътиқодини дуруст дейишда пиёнгул чўпини далил келтирардилар. Бу [чўп] кесилса, кесилган жойи сатҳида салиб шакли учратилади. Ҳатто христианларнинг баъзилари: «Шу чўпдаги шакл ўша [Исо салибга михланган] замондан бошлаб кўринган ва тутканок касали бўлган кишининг бўйнига осиш фойдали», – деб даъво қиладилар.

(298)|| Нафс ва табиатнинг табиий нарсаларга бўлган таъсирларини ўзининг турли эътиқодларига – гарчи эътиқодлари бир-бирига қарама-қарши бўлса ҳам – далил келтирувчи ўз даъвосига мувофиқ далиллар, мурод ва мақсадига мос мисоллар учратади. Лекин қиёс қилинувчи нарса билан қиёс учун олинувчи нарса орасини, исботланувчи нарса билан исбот орасини бирлаштирувчи бир сабаб бўлмаса, у далил ва мисоллар қабул этилмайди. Зеро, зид нарсаларда иккиталик мавжуд, ўсимлик баргларининг кўпида ва унинг донларида учталиқ топилади: юлдузларнинг ҳаракатларида, касалликлардаги бухронларнинг кунларида тўртталиқ; гиёҳларнинг пояларида, аксар гулларининг баргларида ва томирларида бешталиқ. Олтиталиқ эса [нарсаларнинг] айланаларида табиийдир ва асалари уялари, қор парчалари [шаклида] мавжуддир.

Шунга ўхшаб, нафс ва табиат ҳодисаларидан иборат табиий нарсаларда, айниқса, гиёҳларда ва уларнинг гулларида [юкорида айтилган] ҳамма сонлар топилади. Албатта, алоҳида жинсдаги ҳар бир гуллардан ҳар бир жинснинг барглари, баргларининг бандлари ва томирлари алоҳида адад билан ҳослангандир. Агар ҳар бир эътиқод эгаси гулларнинг бир жинсини ўз эътиқодига далил қилса, бу қабул этилсагина, мумкин бўлади.

Шунингдек, конларда ажойиб табиий нарсалар учратилади. Ҳикоя қилинишича, Байт ул-Муқаддасда масжид мақсурасида бир тошда «Муҳаммад (унга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Аллоҳнинг элчиси» деган сийқа ёзув бор эмиш. Яна шу масжиднинг қибла томони орқасида бир оқ тош бор экан. Унда «Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан. Муҳаммад – Аллоҳнинг элчиси. Ҳамза унга ёрдам берган» деб битилган эски ёзув бор эмиш. Аммо мусулмонлар амири [Али] номи [битилган] узукларнинг кўзлари кўпдир, чунки Али исмининг шакли тоғ қазилмаларида кўп учратилади.

Сохта ва бўяма нарсалар ана шу жинсдандир. Масалан, шиа мазҳабига чакирувчилардан бири [моддий] фойда кўриладиган бирор нарсани баён этишимизни сўради. Биз унга Ал-Киндийнинг «Ишоратлар китоби»дан ўткир нарсалардан тайёрланадиган бир дори таркибини ёзиб бердик. У дори сувга томизилиб, ақиқ тошга битилса ва кейин у оловга яқин тутилса, тошдаги ёзув оқ бўлиб кўринади. У [киши] Муҳаммад, Али ва бошқа исмларни хуснихатга

ва у қадар эътибор қилмасдан битиб: «Бу фалон жойдан топилган табиий ёзув», – деб даъво қилар ва шиалардан кўп пул олар эди<sup>1188</sup>.

Дуруст, гуллардаги хусусиятларда ажабланиш ўрни бўлган шундай бир нарса бор: улар очилганда атрофи даврали бўлган баргларининг адади кўпинча геометрия қоидаларига мосдир. Аксар ҳолатда у конуссимон шаклда бўлақларга бўлиниши билан эмас, геометрия усули орқали топиладиган ватарларга мувофиқ бўлади. Гуллар орасида барги еттита ёки тўққизта бўлган биронта гулни зўрға топасан. Чунки ундай [ададли барг]лар доирада геометрия усули билан тенг томонли кўпбурчак қилиб ясаши мумкин эмас. Балки [барглари] учта, тўртта, бешта, олтита ва ўн саккизта бўлади. Бу кўпроқ учратиладиган ҳолат бўлиб, ахён-ахёнда еттиталик ва тўққизталик жинс топилиши ёки [юқорида] айтилган турлар орасида (гарчи табиат жинслар ва турларни ўз ҳолича сақласа ҳам) шундай сондаги барглилар топилиши мумкин. Агар сиз бир анор дарахтидаги анорлардан биттасининг доналарини санасангиз, албатта, бошқаларининг доналари ҳам ўша саналган доналар ададига баробар чиқади. Бошқа нарсалар ҳам шундай.

Гоҳо табиат ўзига берилган баъзи нарсаларда янглишади. Бу тадбирли санъаткорнинг ўзига золимлар берадиган тавсифдан жуда юқори эканига далил бўлади.

[Мақсадга] қайтамиз.

Бу ойнинг саккизинчи куни тўртинчи Инжил муаллифи Юҳанна ва роҳиб Арсений хотирланади.

Тўққизинчи куни Ишъиё<sup>1189</sup> пайғамбар хотирланади. (299)|| Додишуъ<sup>1190</sup> Инжилнинг таржимасида бу [пайғамбарни:] «Шайё», – деган. Аллоҳ энг яхши билимдондир.

Ўнинчи кунда епископ Дионисий хотирланади.

Ўн иккинчи кунда епископлар раиси Епифан хотирланади.

Ўн учинчи кунда шахид Юлиан хотирланади.

Ўн бешинчи кунда янги одатга кўра, «Гул байрами». Чунки тўртинчи куни гул кам топилади. Хуросонда аввалгига – [тўртинчига] эмас, шунга амал қилинади.

Ўн олтинчи кунда Закариё<sup>1191</sup> пайғамбар хотирланади.

Йигирманчи кунда роҳиб Кирик хотирланади.

Йигирма иккинчи кунда Музаффар Константин хотирланади. У дастлаб Византияга келиб, унинг атрофини девор билан ўраган киши. Шаҳар унинг номи билан Константиния деб аталган ва [бошқа] подшоҳлар бу ерга ундан кейин келганлар.

Йигирма тўртинчи кунда буюк мўъжизалар қилган роҳиб Шамъун<sup>1192</sup> ёд этилади.

**Ҳазирон.** Бу ойнинг биринчи куни – «Бошоклар байрами». Бу шундай: бугдой экилган ерлардан бошокларни олиб келиб, унга дуо ўқийдилар ва [ҳосилга] барокат тилайдилар.

Шу куни Закариё ўғли Яҳё хотирланади. Унинг ёд этилишини восита қилиб, Аллоҳ таолодан бугдой [ҳосили] яхши бўлишини сўрайдилар. Бу кунни яҳудийларнинг «Ансара байрами» ўрнига қўядилар.

Учинчи кунда Бухтунассарнинг болаларни куйдиргани хотирланади. Улар: Азариё, Ананиё, Мишоил эдилар. Шу куни [Байт ул-Муқаддасдаги] ибодатхонанинг янгилангани ҳам хотирланади.

Бешинчи куни батрик Афанасий хотирланади.

Саккизинчи кунда несториан мазҳабининг бошлиғи Несторийни жамоатдан ҳайдаган Кирилл хотирланади.

Ўн иккинчи кунда Матфей, Марк, Лука ва Иоаннлар хотирланади. Улар тўрт Инжил муаллифидир.

Ўн саккизинчи кунда шаҳид Леонтий хотирланади.

Йигирма биринчи кунда Масихдан икки юз йилча кейин Марвга христианликни олиб келган руҳоний Барахий хотирланади.

Йигирма иккинчи кунда Жаброил, Микоил [каби] фаришталарнинг бошлиқлари хотирланади. Бу билан Аллоҳга яқин бўлиш ва халойиқ Ундан иссиқ зарарини даф қилишини сўрайдилар.

Йигирма бешинчи кунда Закариё ўғли Яҳё туғилгани хотирланади. Унинг [дунёга келиши тўғрисида берилган] башорат вақтидан тугилиш вақтигача икки юз эллик саккиз кун ўтган. Бу саккиз ярим ой ва ойнинг ўндан бири бўлади.

Йигирма олтинчи кунда азобланган шаҳид [аёл] Феврония хотирланади.

Йигирма тўққизинчи кунда христианликни ошкор этган муаллим Павел ўлими хотирланади.

Ўттизинчи кунда Пётр хотирланади. Бу «солиҳлар» раиси Шамъун ас-Сафодир. «Солиҳлар» – хаворийлардир.

**Таммуз.** Бу ойнинг биринчи куни Масих шогирдлари бўлмиш ўн икки солиҳ хотирланади.

Учинчи кунда солиҳ Фома хотирланади. Бу киши шабиҳи Масих салибга михланганидан кейин, тирилиб қайтганидан то унинг ён қобирғаларида яҳудийлар зарбаси изини топмагунича унга ишонмаган. Ҳиндистонликлар христианликни қабул қилганлар.

(300)|| Бешинчи кунда шаҳид Домиций хотирланади.

Еттинчи кунда шаҳид Прокопий хотирланади.

Саккизинчи кунда мўъжизакор Шамъуннинг онаси Марфа хотирланади.

Тўққизинчи кунда Бухтунассарнинг уч ўғил болани куйдиргани хотирланади. Айтишларига кўра, агар христианлар уларни хотирламасалар, Таммуз иссиғи уларга зарар келтирар экан.

Ўнинчи кунда қирқ беш шаҳид хотирланади<sup>1193</sup>.

Ўн биринчи кунда шаҳид Фока хотирланади.

Ўн учинчи кунда шаҳид Тутайл хотирланади.

Ўн тўртинчи кунда бизнинг замонимизда ўлдирилган марвлик кичик Юҳанна хотирланади.

Ўн бешинчи кунда Кирьяк ва унинг онаси Юлитта хотирланади. Айтишларича, Кирьяк уч ёшида подшоҳлардан бирига қатъий ҳужжатлар билан қарши чиққан. Унинг таъсирида ўн тўрт минг киши христианликни қабул қилган.

Йигирманчи куни – Узум байрами. Бу байрамни нишонлар эканлар, одамлар, янги пишган узум мевасидан олиб келадилар ва ҳосил баракали, меҳнатлари унумли бўлиши ва мавсум офатсиз келишини ният қиладилар.

Йигирма биринчи кунда шаҳид Пафнутий хотирланади.

Йигирма олтинчи кунда табиб ва шаҳид Пантелеймон хотирланади.

Йигирма еттинчи кунда Соҳиб ал-Имод роҳиб Шамъун ёдга олинади<sup>1194</sup>.

Ўттизинчи кунда Масих шогирдлари ёдга олинади, улар етмиш икки кишидир.

**Аб.** Бу ойнинг биринчи кунда Масихнинг онаси Марямнинг касаллиги рўзаси [бошланади]. Бу [рўза] ўн беш кун бўлиб, охиргиси Марямнинг вафот этган кунидир. Шу биринчи куни Шаламания Маккабия ҳам хотирланади. Бу [аёлнинг] еттита боласини мажусийлар ўлдириб, товаларда қовурганлар.

Бешинчи кунда Имрон ўгли Мусо алайҳиссалом хотирланади.

Олтинчи кунда Фавор тоғи байрами нишонланади. Бу ҳақида Инжилда мана бундай ҳикоя бор: икки пайғамбар Имрон ўгли Мусо ва Илё, яъни Илёс, Фавор тоғида Масихга кўринганлар. Масихнинг уч саҳобаси Шамъун, Яъқуб ва Юҳанна у билан бирга ухлаб ётган эканлар. Улар уйғониб, пайғамбарларни кўргач, ялиниб: «Хожамиз (Масихни айтмоқчилар) учта соябон яшашга руҳсат берасан, бири сен учун, бошқа иккитаси Мусо ва Илёс учун», – деганлар. Сўзларини тугатмасданок уларнинг тепасига учта булут келиб соя солиб турган. Мусо ва Илёс булутга кириб ғойиб бўлганлар.

Еттинчи кунда биз юқорида зикр қилган Илёс хотирланади.

Саккизинчи кунда Илёснинг шогирди пайғамбар Елисей хотирланади.

Тўққизинчи кунда епископ Равул хотирланади.

Ўнинчи кунда шаҳид Мусо хотирланади.

Ўн бешинчи кунда Марям вафоти байрами. «Хотирлаш» номи билан «байрам» [номи] орасида фарқ бор; байрам – мартабаси улуғроқ, хотирлаш куйирокдир.

Ўн олтинчи кунда Ишъиё, Ирмиё, Закариё ва Ҳазиқил<sup>1195</sup> пайғамбарлар хотирланадилар.



(301)|| Ўн еттинчи кунда икки шаҳид Селевк ва унга унашилган қиз – Стратоника хотирланади.

Йигирманчи кунда Самуил пайғамбар хотирланади.

Йигирма биринчи кунда шаҳид Люций хотирланади.

Йигирма олтинчи кунда кексайиб мункайган роҳиб Савва хотирланади.

Йигирма тўққизинчи кунда Чўкинтирувчи Иоанн ўлдирилиб, боши танидан жудо қилингани хотирланади.

Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-Ҳиравий айтишича, у Байт ул-Муқаддасда «Устун дарвозаси» дейиладиган дарвоза олдида худди тепалик ва тоғлар сингари тош уюмини кўрган. [Одамлар]: «Бу Закариё ўғли Яҳё қони устига ташланган тошлардир, кон қайнаб бу [уюмдан] ошиб кетаверган. Ниҳоят, Бухтунассар ўлдирган одамларининг қонини [Яҳё қони] устига куйган. Шу пайтда [кон қайнаши] тўхтаган», – деганлар.

Инжилда сира бундай гап йўқ. Биз ҳам бу тўғрида нима дейишимизни билмаймиз. Чунки Бухтунассар Яҳё ўлдирилишидан қарийб тўрт юз қирқ беш йил бурун Байт ул-Муқаддасга келган. [Байт ул-Муқаддаснинг] иккинчи марта вайрон қилиниши Румнинг икки подшоҳи – Веспасиан ва Тит қўлларида бўлган. Гўё Байт ул-Муқаддасда яшовчилар уни вайрон қилган ҳар бир [кишини] Бухтунассар деб атаганлар. Шу билан бирга, тарихчилардан бирининг мазкур [вайрон этган] Ашконий подшоҳларидан бири Гўдарз ибн Шопур ибн Афғўршоҳ деяётганини [ҳам эшитдик].

Ўттизинчи – барча пайғамбарларни хотирлаш куни.

**Айлул.** Бу ойнинг биринчи куни – «Йил тожи» байрами. Шу куни [христианлар] намоз ўқиб, [эски] йилнинг кетиши ва янги [йилнинг] бошланишига дуо қиладилар. Чунки йил шу ой билан тугалланади<sup>1196</sup>.

Учинчи кунда Нишопурда ўлдирилган етти шаҳид хотирланади.

Саккизинчи кунда Марямнинг онаси Аннани ва отаси Ёақим хотирланади.

Ўн учинчи кунда ибодатхона янгиланганига байрам қилинади. Бу ибодатхоналарни янгилаш [байрамидир].

Ўн тўртинчи кунда подшоҳ Константин ва унинг онаси Еленанинг салиб [тўсинини] топиб, уни яҳудийлар қўлларидан олгани учун байрам. Салиб Байт ул-Муқаддасда [ерга] кўмиб қўйилган эди, бу ҳақда [юқорида] гапириб ўтилди<sup>1197</sup>.

Ўн бешинчи кунда олти синод хотирланади.

Ўн олтинчи кунда шаҳид аёл Евфимияни хотирланади.

Йигирманчи кунда Евстафий, унинг хотини ва онаси – [уч] шаҳид хотирланади.

Йигирма учинчи кунда шаҳид Вителлий хотирланади.


Йигирма тўртинчи кунда оловда куйдирилган [аёл] Фёклани хотирланади. Шу [куни] Элиядаги Тирилиш ибодатхонасига [аталган] байрам.

Йигирма бешинчи кунида икки шаҳид Сабиниан, Павел ва шаҳид [аёл] Татта хотирланади.

Йигирма саккизинчи куни роҳиб Харитон хотирланади.

Йигирма тўққизинчи кунда Арманистон аҳолисига христианликни қабул килдирган епископ Григорий хотирланади.

(302)|| Меликий [христианларига] тегишли хотирлаш кунлари ва байрамлардан бизнинг билганларимиз ана шулар<sup>1198</sup>. Булар орасида несторианлар муҳолиф бўлмайдиганлари ҳам бор. Бу икки мазҳаб ўртасида рўзани баён этгандан кейин несторианларнинг танҳо ўзлариники бўлган хотирлаш ва байрам кунларини баён этамиз. Чунки рўза барча христианлар учун умумийдир.





## XVI б о б. ХРИСТИАНЛАР РЎЗАСИ ВА УЛАР НИШОНЛАЙДИГАН БАЙРАМ КУНЛАРИ

Яҳудийлар пасхасидаги зарур маросимларни, пасханинг шароитини, уни ҳисоблаб чиқариш усули ва бу [усул] сабабларини юқорида қоникарли даражада баён этишга ҳаракат қилдик. Христианлар рўзаси яҳудий пасхасининг тобеларидан бўлиб, сабаблари унинг сабабларига туташдир. Биз Аллоҳнинг ёрдами, эҳсони ва фазли билан рўза ҳолатидан унинг маросимида кўзда тутилган мақсадга мос келадиганларини баён этамиз.

Энди айтамикки, христианлар рўзаси қирқ саккиз кун бўлиб, бошланиши ҳамиша душанба куни, рўзадан чиқиш эса рўза бошидан ҳисобланганда, қирқ тўққизинчи кун бўладиган якшанбага тўғри келади; бу кунни христианлар «саонин» деб атайдилар. Пасханинг «саонин» билан рўзадан чиқиш орасидаги рўза ҳафталарининг охиригида бўлиши, «саонин»дан олдин бўлмаслиги ва рўзанинг сўнги кунидан кейин қолмаслиги христианлар лозим деб билган шартлардандир. Яҳудийлар пасхаси айланиб юрадиган чегараларни юқорида баён этдик. Лекин христианлар у чегараларда ҳам, «жижал»ларда ҳам яҳудийлар билан келишолмайдилар. «Жижал» сурёнчадан араб тилига ўгирилган бўлиб, «давр» демакдир. Чунки «жижал» – «гигал» бўлиб, бу [лафз] ва «махзур» лафзи бир маънога эга. Лекин ҳар бир миллатда мавжуд шаклларни баён этишимиз керак.

Христианлар «катта маҳзур»ни «индикцио»<sup>1199</sup> деб атайдилар, аммо сўз орасида бу талаффузни такрорлаш оғирлик қилиши сабабли уни «катта жижал» деб атадик.

[Яҳудий ва христианлар орасидаги] бу ихтилофга сабаб шуки, Искандар эрасининг биринчи йили яҳудийлар фикрича, «махзур»нинг ўнинчи йили, христианлар фикрича, бу ундоқ эмас, балки ўн учинчи йилидир. Бунинг изоҳи шуки, [христианларнинг] баъзилари Одам ва Искандар [даври] орасини 5069 йил, бошқаси эса – 5180 йил деб ҳисоблаганлар. Кўпчилик шу охириги [рақам] га амал қилади ва ҳисобларга машҳури ҳам шудир. Ислом файласуфларининг дастлабкиси бўлмиш ва ҳатто, «Бунинг илми Даниёл яширин нарсалар ғоридан чиқариб олган илмдан; бу эса инсонлар отаси Одам омонат қилиб қўйган ўзининг барча илмидир», дейилган, Холид ибн Язид ибн Муъовия ибн Абу Суфён<sup>1200</sup> шундай деган:

Тўла ўн йил, бу билан бирга тўла уч йил,

Ҳамда санокли юз йил, тартибланган олтита мингга қўшилганида [Муҳаммад алайҳиссалом] ўз рабби динини изхор этди, бу дин ҳижрат билан маҳкам барқарор бўлди.

(303)|| Гап шундаки, ҳижрат Искандар эрасининг 933 йилида бўлган. Буни олам яратилиши эраси бўлмиш 6113 йилдан айирилса, 5180 қолади. Кейин шу йилларни кичик «жижал»ларга айлантирганларида, ўн икки йил [ортиб] қолган. Булар эса «жижал» бошидан то Искандар эраси бошигача ўтган йиллардир. [Яҳудийлар] «иббур»ни [шу] йиллар ичида 2–5–7–10–13–16–18 ҳисобига кўра тартибга солганлар. Чунки бу ўз-ўзидан тартибли бўлиб, эра йилларидан бирон нарса камайтиришга эҳтиёжсиздир.

Пасхани «жижал»нинг биринчи йили Озарнинг йигирма бешинчи кунига белгилаганлар, чунки шабиҳи Масих салибга михланган йилнинг пасхаси шуни тақозо этади. Бошқа йиллар пасхаларини [ҳам] ушбу пасхага мувофиқ тузганлар. Шунда пасха жуда олдинга сурилса, Озарнинг йигирма биринчи куни, жуда кейинга қолдирилса, Нисоннинг ўн саккизинчи куни келиб, [икки орадаги муддат] йигирма саккиз кун бўлади. Натижада, пасха жуда олдин сурилганда ҳам баҳорда кўз кўриб исботлайдиган тенгкунликдан икки кунча кейин бўлади. Бу ҳавворийлар Қонунларидан еттинчи Қонундаги ҳукми юзага чиқариш ва уни ўз жойида сақлаш учундир. У ҳукм мана бу: «Қайси епископ, руҳоний ёки шаммос пасха байрамини тенгкунликдан олдин қилса, у даражасидан узоқлаштирилади».

Агар христианларнинг рўзадан чиқиш куни худди [яҳудийлар] пасхаси [куни] ёки ундан маълум ва ўзгармайдиган узоқликда бўлганида, албатта, пасха билан бирга келар ёки пасха кунлари сингари кунларда унга параллел бўлар эди. Лекин у пасхадан олдин бўлмагач, унинг энг олдинги [вакти] пасханинг энг олдинги вақтидан бир кун кейин бўлади, у кун – Озарнинг йигирма иккинчиси. [Рўзадан чиқишнинг] энг кейинги вақт эса пасханинг энг кейинги вақтидан бир ҳафта кейиндир, чунки агар [улар] бир кунга тўғри келганида, рўзадан чиқиш кейинги якшанбада бўлиб, пасхадан бир ҳафта орқада қолади. Пасха энг кейинги вақтида бўлганда, рўзадан чиқиш ҳам Нисоннинг йигирма бешинчи куни бўлади. Шунинг учун христианларда рўзадан чиқиш ўттиз беш кун орасида келади. Шу сабабдан рўзанинг бошланиши унга параллел бўлиб, мазкур муддат мобайнидаги кунлар ичида келади. У кунларнинг биринчиси Шуботнинг иккинчи куни бўлиб, охиргиси Озарнинг саккизинчи кунидир. Натижада рўза боши билан пасха орасидаги икки хил узоқликнинг энг узун (каттаси) – қирқ тўққиз кун ва энг қисқаси (кичиги) қирқ икки кун бўлади.

(304)|| Оддий йилда пасхада [Қуёш билан Ойнинг] рўпара келиши билан Озарда ёки иббур йилда иккинчи Озарда учрашув бўлиши орасида қирқ тўрт кун, етти соат ва соатнинг ўндан бири бор. Бу учрашув ҳамиша [юқорида айтилган] кичик узоқлик боши билан катта узоқлик боши орасида ва рўза

боши якинида бўлади ва [рўза бошини] ҳисоблаб чиқаришда асос тутилади. Ҳисоблаш [мана бундай]: Шубот ойида бўладиган учрашувга қаралади ва бу учрашувга икки томондан, яъни аввалги ва кейинги кунлардан энг яқин бўлган душанбани белгилашга ҳаракат қилинади. Агар [душанба] рўза чегараси бўлмиш иккинчи Шуботдан то саккизинчи Озаргача чўзилган [муддатда] бўлса, рўза бошидир. Агар у [душанба] рўза чегарасига етмай, ундан ташқарида бўлса, у учрашув бекор қилиниб, ундан кейинги учрашув ҳам аввалгиси сингари текширилади ва шундай қилиб рўза бошланиши топилади.

Пасха, биз айтгандек, [баъзан] йигирма биринчи Озаргача етади, бу унинг энг аввалги вақтидир. Агар рўпара келиш шу кунга тўғри келиб, у шанба куни бўлса, йил оддий йил бўлади ва Шуботдан тўрт кун ўтгандан кейинги учрашув эътиборга олинади. Бу [учрашувдан] аввалги душанба бунга энг яқин [душанба] бўлиб, шу билан бирга, агар йил оддий йил бўлмаса, ўша [душанба] рўза чегарасининг боши ва рўзанинг биринчи куни деб белгиланади. Агар йил оддий йил бўлса, бу [душанба] рўза чегарасида Шуботнинг иккинчиси, рўзанинг [эса] биринчи куни ҳам бўлади.

Пасха энг кейин қолганда ўн саккизинчи Нисонда келади. Агар рўпара туриш шу кунга тўғри келиб, у якшанба куни бўлса, йил кабиса бўлади ва эътиборга олинadиган учрашув, яъни иккинчи Озардаги учрашув сурёнча Озарнинг бешинчи кунида воқе бўлади. Бу [ойнинг] саккизинчиси ўша учрашувдан кейин келувчи ва унга энг яқин душанба бўлади, чунки сурёнча Озарнинг боши душанбадир. Шундай қилиб, рўза боши Озарнинг саккизинчи куни бўлиб, бу [кун] рўза чегарасининг охири [ҳам] бўлиб қолади.

Агар биринчи Озардаги учрашувга қайтсак, унинг кабисали йилда бешинчи Шубот куни воқе бўлишини кўраимиз. Шубот боши якшанбага тўғри келади ва аввал ўтган душанба учрашувига энг яқин душанба бўлиб, рўза чегарасининг боши бўлади. Агар бошқа шартлар топилса эди, у рўза боши бўлишга ҳам тўғри келарди. Бу [шартлар] шуки, агар бу душанбани рўза боши десак, рўзадан чиқиш пасхадан бир ойча аввал воқе бўлади; [яхудийлар] тутган усулга кўра бу ҳам мумкин эмас.

Агар йил кабисали бўлмаса, учрашув Шуботнинг тўртинчи кунида воқе бўлади. Шунда учрашувдан аввалги душанбаларнинг унга энг яқини биринчи Шубот бўлиб, бу [рўза] чегарасидан чиқиб қолади. Натижада у учрашув қолдирилиб, ундан кейинги учрашувга мурожаат қилишимиз керак бўлади.

(305)|| Масих алайҳиссаломнинг суҳбатдошлари рўза бошини аниқлаш учун олдин яҳудийлар пасхасини билишни лозим топиб, пасха тўғрисида яҳудийлардан фатво олар ва [қай вақтда келишини] сўрардилар. Яҳудийлар эса христианлар билан ораларидаги душманлик сабабли уларни адаштириш учун ҳақиқатнинг тескарисини айтардилар. Шу билан бирга, христианларнинг

солномалари бир хилда эмас эди. (84)|| Ниҳоят, уларнинг кўп ҳисобчилари рўза бошини ҳисоблаб чиқаришга мутасадди бўлиб, уни хилма-хил даврлар ва турли амалларга қараб ҳисобладилар. Улар «хроникон» деб аталадиган жадвалдан фойдаланишга келишдилар. Христианлар даввосига кўра, бу ҳисобни Қайсария<sup>1201</sup> епископи Евсевий уч юз ўн саккиз нафар епископ билан бирга биринчи синодда бажарган.

**Христианларнинг «Хроникон» жадвали (306–307)**

Ой даври		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Каби сал йиллар	Шубот																			
	Шубот, Озар																			
	1	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
	2	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24
Каб	3	9	1	16	9	23	16	8	23	9	1	23	9	1	16	9	23	16	1	23
	4	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
	5	6	27	28	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
	6	12	26	19	5	26	12	5	19	12	5	19	5	26	19	5	26	12	5	19
Каб	7	11	3	18	4	25	18	4	25	11	3	18	11	25	18	4	25	11	3	25
	8	9	2	16	9	23	16	2	23	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
	9	8	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	21	15	8	22	15	1	22
	10	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
Каб	11	13	27	20	6	27	13	5	20	13	5	20	6	27	20	6	27	13	5	20
	12	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
	13	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24
	14	9	2	16	9	23	16	2	28	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
Каб	15	8	29	15	8	29	15	7	22	15	29	22	8	29	15	8	22	15	7	22
	16	6	27	20	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
	17	12	26	19	5	26	12	5	19	12	5	19	5	26	19	5	26	12	5	19
	18	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
Каб	19	10	2	17	10	24	17	2	24	10	2	17	10	2	17	3	24	17	2	24
	20	8	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	1	15	8	22	15	1	22
	21	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
	22	6	27	20	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
Каб	23	12	26	19	5	26	12	4	26	12	4	19	12	26	19	5	26	12	4	19
	24	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24

	25	9	2	16	9	23	16	2	23	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
	26	8	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	1	15	8	22	15	1	22
Каб	27	7	28	21	7	28	14	6	21	14	28	21	7	28	14	7	28	14	6	21
	28	12	26	19	5	26	12	5	19	12	5	19	5	26	19	5	26	12	5	19

Хроникон<sup>1202</sup> жадвалдан қуйидагича фойдаланилади: Искандар эрасининг тўлиқсиз йилларини олиб, икки жойга ёзиб қўйилади. Улардан бирини йигирма саккизга тақсимлаб, чиққан ҳосил олиб ташланади, қолгани Қуёш даври бўлади. Бошқа жойдаги [сонга] ўн иккени қўшиб, йигиндини ўн тўққизга тақсимланади, қолгани ой даври бўлади. Бу икки даврга тегишли [сонлар] ўз жадвалига киргизилади. Шунда рўза боши иккала даврга муштарак бўлган катакчада – икки бармоқ учрашган жойда топилади. Агар [рақам] қора билан [ёзилган] бўлса, рўза боши Шуботда, қизил билан ёзилган бўлса, Озарда келади<sup>1203</sup>.

«Хроникон» деб аталадиган бу жадвал катта даврга асосан ишланган. Чунки пасха, биз айтиб ўтганимиздек, шу даврда сурёний ой ҳафтасидаги ўз кунига ва ўз жойига қайтади. Маълум бўлишича, рўза ҳолати ҳам шу давр билан боғлиқдир. [Христианлардан] баъзиси кичик давр билан кифояланиб, Искандар эрасининг тўлиқсиз йилларини олади ва буларга ўн иккени қўшади, йигиндини ўн тўққизга тақсимлаб, қолганини ўртача рўза жадвалидаги сонлар қаторига киргизади. Сўнг жадвалда бунинг рўпарасида турган сонни олади, бу [сон] Шубот бошидан то шу кунгача ўтган [кун] бўлади. Кейин шу йилдаги Шубот бошини ҳисоблаб, унинг ҳафта ичидаги «аломати»ни аниқлайди. Шунда агар ўртача рўза боши душанба кунига тўғри келса, бу мўътадил рўза бўлади.

(85)|| Ўртача рўза жадвали

Кичик давр йиллари	Христианлар таълимотича, пасха куни	Христианлар таълимотича, пасха ойлари	Ўртача рўза	Христианлар пасхаси тақозосича, пасхадан кейин келувчи тишрий боши
1	25	Озар	6	4
2 иббур	13	Нисон	25	23
3	2	Нисон	14	12
4	22	Озар	3	1
5 иббур	10	Нисон	22	20
6	30	Озар	11	9
7 иббур	18	Нисон	30	28

(360-бетдаги жаadwalнинг давоми)

9	27	Озар	8	17
10 иббур	15	Нисон	27	25
11	4	Нисон	16	14
12	24	Озар	5	3
13 иббур	12	Нисон	24	22
14	1	Нисон	13	11
15	21	Озар	2	31
16 иббур	9	Нисон	21	19
17	29	Озар	10	8
18 иббур	17	Нисон	29	27
19	6	Нисон	18	16

(86)|| Бу [жаadwal] пасха рўзанинг охириги кунида келишига асосан тузилган. Ўртача рўза боши мана бундай ҳисоблаб чиқарилади: Искандар эрасининг тўлиқсиз йилларини олиб, унга ўн икки кўшилади ва йиғиндини ўн тўққизга тақсимлаб, қолдиқни ўн тўққизга кўпайтирилади, чиққан сонга ўн еттини кўшилади, кейин йиғиндини ўттизга тақсим этилади. Шунда ўттизга етмаган қолдиқ ўртача рўза [боши] бўлади.

Биз юкорида рўзадан чиқиш пасхадан олдин ва иккисининг бир кунда келмаслигини, балки ҳамиша ундан кейин келиши шарт эканини баён этдик. Бундан мўътадил рўзанинг, унинг душанба кунига тўғри келиш-келмаслигидан қатъи назар, ҳамиша ўртача рўзадан кейин келиши лозим бўлади. Бу кейин келиш, албатта, бир ҳафтадан нарига ўтмайди, чунки ўртача рўза билан мўътадил рўза орасига иккитадан бошқа душанба кирмайди. Бу [шартга] асосан шу жаadwal «Хроникон»га мувофик бўлади. Агар бу шарт бекор қилиниб, улар айтганига амал қилинса, баъзан иккаласи бир-биридан бир ҳафта фарқ қилади. Масалан, Искандар эрасининг минг уч юз ўн биринчи йилида<sup>1204</sup> шундай фарқ воқе бўлган эди. Хроникон ўша йил рўзасининг боши ўн иккинчи Шубот кунига тўғри келишини айтади. Бу жаadwalда эса ўртача рўза боши бешинчи Шуботда бўлиб, душанба кунига тўғри келади. Агар икки жаadwal орасидаги бир ҳафта фарқ эътиборга олинмай, рўза боши бир ҳафта кейинга кўйилса, иккала жаadwal мувофиқлашади. Яхудийларнинг учрашув ва рўпара келиши ҳақидаги ҳисоблари Хрониконнинг фойдасига гувоҳлик бермай, қарши гувоҳлик беради. Чунки санаси [юкорида] мисол қилиб кўрсатилган ўша йили ўн тўртинчи Нисон сурёнча Озарнинг йигирма учинчиси, шанба кечаси ўн бир соат ва икки юз ўн бир «ҳайлак»қа тўғри келади. Шунда пасха шанба куни, «саонин»дан бир кун олдин воқе бўлади. Бу дуруст эмас, чунки пасханинг бир нечта шартларидан бири унинг рўза ҳафталаридан охириги ҳафтада воқе бўлишидир. Бунга яна [далил] шуки, ўша йил оддий йилдир,



яхудийлар Озарининг учрашуви саккизинчи Шубот пайшанба кечасидан тўрт соат ва бир юз икки ҳайлак ўтганда [содир] бўлади. Олдин ўтган душанба бу учрашувга энг яқин душанбадир, чунки икки душанба оралиғининг иккита яримга бўлинадиган вақти пайшанба кунининг тонг пайти бўлади. Ўша [олдин ўтган] душанба Шуботнинг бешинчиси бўлиб, рўза чегарасидан ташқари эмас, унинг бошидир. Хрониконда кўрсатилган душанба эса учрашувдан кейинги душанба бўлиб, Шуботнинг ўн иккинчисидир.

[Ёриткичларни] кузатиш орқали ижро этиладиган ҳисобларга келганда, булар баъзан Хрониконга, баъзан бошқа [жадвалларга] гувоҳлик беради. Тўғриси шуки, [бу жадвалларнинг] асос ва шартлари ёриткичларнинг замонамизда аниқланган ҳаракатлари орқали тузатиб олинади, зеро, уларнинг мавкелари ўз ўринларидан силжиб кетган. Айниқса, [бу] яхудийлар [жадваллари]га хосдир, чунки улар ҳисобни жуда ҳижжалай берадилар. Бу кўпинча ҳисобга ҳалал беради.

(87)|| Христианларга келганда, уларнинг бундай ҳижжалашга эҳтиёжлари йўқ, чунки булар пасха хусусида биз айтиб ўтган нарса билан кифояланиб, учрашув ва рўпара келишларни [аниқлашга] муҳтож эмаслар. Балки уларда [учрашув ва рўпара келишлар] учун махсус жадваллар мавжуд. У [жадваллар] камарий ойнинг фақат йигирма тўққиз ярим кун бўлишига [асосан] тузилган бўлиб, у кунлар кичик даврда белгиланган учрашув бошидан бошланади. Биз яхудийларга синчиклаш ва фикрлашни даъво қилувчи ва ўзини [уларга] тақлид қилишдан қочувчи қилиб кўрсатувчи бир кишига ёриткичларнинг замонамизда учратилган ҳаракатлари орқали пасхаларни аниқлаш кераклигига ҳужжат кўрсатдик. Бу шундай: Қуёш ва Ойнинг Ҳамал буржида бир-бирига рўпара келиш куни асос қилиб, Қуёшнинг Ҳамал буржидаги кунлари унинг қайтадан айланиши учун чегара қилиб олинади, кейин булар чегаранинг иккала томонидан ҳам чиқмайдиган қилиб ўша рўпара туриш [куни] устига ҳисобланади, ниҳоят пасха баҳорги тенгкунликдан олдин келмайди ва Ой фақат тенгкунлик буржида тўлади – у киши орқасига қайтди ва ўз қўли билан қурган бинони йиқитди. [Ундай] киши, пасхани тақозо этадиган рўпара туришни аниқлашда Ойнинг Қуёш ботишидан олдин чиқиши ва Қуёш чиқишидан кейин ботиши бевосита эътиборга олинган, деб ўйлайди. Баҳслашув [умидлари] узилиб, ҳужжатлар эшиклари ёпилгач, шундай воситаларга тутинадилар ва ёлгонлиги [яққол] кўришиб турган беҳуда нарсаларга ёпишадилар. Пухта [Қуръон] улар ҳақида мана бундай деган: «Ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибрга берилиб, уларни инкор этдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўргин!»<sup>1205</sup>

Бу умиди узилганларнинг айтгани пасха ҳисобида асос қилиб олинган шартларга алоқасиздир, чунки Қуёш ботишидан олдин Ой чиқиши ва Қуёш

чиққанидан кейин Ой ботиши бошқа сабаблар натижасидир. Бу сабабларнинг бири – рўпара туришнинг кеча ярмида бўлиши, иккинчиси – кечанинг узунлиги, учинчиси – Ойнинг ўз ҳаракатидаги тезлиги, тўртинчиси – мамлакатларнинг шимол томон узокларида бўлиши, бешинчиси – Ой кенгламасидан кўп қисмининг мамлакат кенгламаси юзасига тўғри келишидир. Шу беш сабаб натижасида [Қуёш ва Ойнинг] энг қисқа вақтларда [бир-бири билан] яқинлашиши ва бошидан охиригача тафовутли [муддатларда] учрашиши воқе бўлади. Бундай ҳолларда улар айтган аҳволнинг вужудга келишида пасха келиб туриш муддатига [ҳеч қандай] эҳтиёж қолмайди. Лекин бу аҳвол ҳар вақт мавжуд, аммо биз буни баҳордан кўра кишда кўпроқ кўрамыз. Бу [ҳолатни] далил қилиб келтирувчига мана бу [шеър] мисол бўлади:

*Хўл бўлмайин деб ёмғирдан қочдим-у,*

*Ўзимни тарнов тагида кўрдим.*

Мусулмонларга қарши гапириб, улар аҳли китоб ҳисобларини ишлатадилар, деб айбловчи «жадвали мужаррад» соҳиблари қаердалар? Улар аҳли китоб асос қилиб олган нарсага ва аҳли китоб ўзларини [муҳим] бир асосга тутинган деб гумон қилишларига жами мусулмонларнинг қарши эканини кўрсинлар ва мусулмонлар тутган йўлнинг йиллар ва асрлар ихтилофига қарамай, аниқ ҳақиқат эканини ёки ундан бошқа учинчи бир йўлнинг нотўғрилигини билсинлар! Лекин «Улар Аллоҳнинг нуруни оғизларидаги беҳуда гаплари билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, ўз нуруни камолга етказувчидир»<sup>1206</sup>.

Христианларнинг рўза муддатини аниқлашда «Хроникон»га мувофиқ келадиган жадвали бор. Лекин бунинг вазияти чиройли, тузилиши ажойиб ва ишланиши қизиқдир. Бу жадвал билан мана бундай ишланади: Искандар [эрасининг] йиллари жорий йил билан [қўшилиб], Қуёш даврларига айлантирилади, қолдиқ ёдда сақланади. Кейин Искандар йилларига ўн иккини қўшиб, Ой даврларига айлантирилади ва қолдиқ ёдда сақланади. Қуёш даврларига айлантирилгандан қолганни Қуёш даври қаторига ёзилади ва унинг рўпарасида турган йил асли олиб, ёдда сақланади. Кейин Ой даврларидаги [сон] Ой даври қаторига ёзилади. Сўнгра унинг рўпарасидаги етти қаторнинг биринчисидан бошлаб жадвал энига қараб, ёдда сақланган йил асли сонича бир неча хона саналади. Кейин жадвал қуйисига томон қизил билан битилган бир рақамига етгунича бармоқ юргизиб қаралади. Шунда агар йил кабисали бўлса, алиф рўпарасидаги кабисали йил рўзаси, агар йил кабисасиз бўлса, оддий йил рўзаси бўлади. Яна унинг рўпарасида шу йил ойларининг қайсисида бўладиган байрамлар ҳам учратилади. Жадвал куйида берилмоқда:

Христианлар рўзасини аниқлаш жадвали

Хамсин байрами	Қўққа кўтарилиш байрами	Қиёмат хайити. Бу рўзадан чиқишдир	Қабисали йил рўзаси	Оддий йил рўзаси	Христианларнинг рўзасини аниқлаш егги устуни	Ойнинг қайси куни	Пасханинг сурёний ойларнинг қайсингидан келиши	Ой даври	Румликларнинг қабисали йиллари	Йил асли	Қуёш даври
Айёр	Нисан	Озар	Шубот	Шубот	4 3 2 1 7 6 5	21	Озар	15		1	1
10	30	22	3	2	5 4 3 2 1 7 6	22	Озар	4		2	2
11	Айёр	23	4	3	6 5 4 3 2 1 7	-	-	-		4	3
12	2	24	5	4	7 6 5 4 3 2 1	24	Озар	12		5	4
13	3	25	6	5	1 7 6 5 4 3 2	25	Озар	1		6	5
14	4	26	7	6	2 1 7 6 5 4 3	-	-	-		7	6
15	5	27	8	7	3 2 1 7 6 5 4	27	Озар	9		2	7
16	6	28	9	8	4 3 2 1 7 6 5	-	-	-		3	8
17	7	29	10	9	5 4 3 2 1 7 6	29	Озар	17		4	9
18	8	30	11	10	6 5 4 3 2 1 7	30	Озар	6		5	10
19	9	31	12	11	7 6 5 4 3 2 1	-	-	-		7	11
20	10	Ҳазирон 1	13	12	1 7 6 5 4 3 2	1	Нисон	14		1	12
21	11	2	14	13	2 1 7 6 5 4 3	2	Нисон	3		2	13
22	12	3	15	14	3 2 1 7 6 5 4	-	-	-		3	14
23	13	4	16	15	4 3 2 1 7 6 5	4	Нисон	11		5	15
24	14	5	17	16	5 4 3 2 1 7 6	-	-	-		6	16
25	15	6	18	17	6 5 4 3 2 1 7	6	Нисон	19		7	17
26	16	7	19	18	7 6 5 4 3 2 1	7	Нисон	3		1	18
27	17	8	20	19	1 7 6 5 4 3 2	-	-	-		3	19
28	18	9	21	20	2 1 7 6 5 4 3	9	Нисон	16		4	20
29	19	10	22	21	3 2 1 7 6 5 4	10	Нисон	5		5	21
30	20	11	23	22	4 3 2 1 7 6 5	-	-	-		6	22
31	21	12	24	23	5 4 3 2 1 7 6	12	Нисон	13		1	23
Ҳазирон 1	22	13	25	24	6 5 4 3 2 1 7	13	Нисон	2		2	24
								-		3	25
2	23	14	26	25	7 6 5 4 3 2 1			-		4	26
3	24	15	27	26	1 7 6 5 4 3 2	15	Нисон	10		6	27
4	25	16	28	27	2 1 7 6 5 4 3		-	-		7	28
						17	Нисон	18			
5	26	17	29	28	3 2 1 7 6 5 4	18	Нисон	7			
6	27	18	1	Озар 1	4 3 2 1 7 6 5						
7	28	19	2	2	5 4 3 2 1 7 6						

(362-бетдаги жадвалнинг давоми)

8	29	20	3	3	6 5 4 3 2 1 7						
9	30	21	4	4	7 6 5 4 3 2 1						
10	31	22	5	5	1 7 6 5 4 3 2						

(88)|| Бунинг мисоли: Искандар [эрасининг] 1310 йили. Қуёш даври қолдиғи 22, Ой даври қолдиғи 11, йил асли – 6 бўлади. Кейин еттига қатордан ой даври қаторидаги ўн бирнинг рўпарасига қараб ва бошидан бошлаб олгани санаймиз. Бу йил асли сонига тенг бўлиб, бизни уч [сонига] олиб келади. Сўнгра, то қизил бирга етгунимизча жадвал қуйисига томон бармоқ юргизиб, унинг рўпарасидан оддий йил рўзасини оламиз, чунки йил кабисали эмас. На-тижада бу рўза йигирманчи Шуботдан бошланади. Юқорида ўтган Хроникондан ҳам шундай чиқади.

Бу жадвалда етти қаторда йил асли сонича санаб, қизил бирга етилганда, агар шундай қилувчи киши биз айтгандек жадвал қуйисига тушса, [ҳисоб] Хрониконга мувофиқ бўлади, агар қуйи тушмай, қизил бир қаршисидаги сонни олса, биз айтиб ўтган ўртача рўзага мувофиқ бўлади ва Хроникон тақозосидан бир ҳафта олдин келади.

Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Хусайн ал-Хозин<sup>1207</sup> яҳудий ва христианлардаги ўн тўққиз йиллик даврларнинг икки боши орасидаги тафовут тўғрисида янглишиб, христианлар эрасининг йилини яҳудийларникидан уч йил ортик деб гумон қилди. У Искандар эрасининг биринчи йили бошини Бани Исроил Мисрдан чиққан кундан олдин ҳисоблади. Чунки олимлар у кунни пайшанба деб билишган. Абу Жаъфар ҳисобида йил боши уч йил орттирилгандан кейингина душанба кунига тўғри келади. Иш бундоқ эмас, у икки миллатнинг Одам эраси ҳақидаги ихтилофлари сабабли шундай бўлди. Агар Бани Исроилнинг Мисрдан чиққани сурёнча ойларнинг қайси бирида экани маълум бўлганида эди, Абу Жаъфар ҳисоби тўғри чиқарди. Агар у маълум бўлганида, Абу Жаъфар келтирган мисоллар рамзларини, албатта, кўпроқ очган бўларди.

Сўнгра [Абу Жаъфар] ўртача рўза [боши]ни аниқлашда ғалати йўлни ўйлаб чиқарди. Бу шундай: Канун ҳрой бешинчи кунининг (бу данҳ байрами рўзаси) арабча ойлардан қайси ойнинг қайси куни эканига қаралади. Кейин ўша кунгача қамарий ойдан ўтган ўттиз бир кун айирилиб, Шубот бошидан қолган кунлар саналади. [Санок] бориб етган жойда биринчи Шуботдан кейин келувчи ва унга энг яқин душанба ўртача рўзанинг боши бўлади.

Бу йўл айтиб ўтилган йўлдек эмас. Зеро, ўртача рўза ҳамиша мўътадиллаштирилган рўзадан олдин келади ва ундан кейин қолмайди ва мўътадиллаштирилган рўза боши бу йўл билан аниқланадиган ўртача рўза бошидан баъзи ҳолларда олдин келади. Ўртача рўза гоҳ олдин ва гоҳ кейин келгач, ҳисобловчига рўза боши шубҳали бўлади ва шу сабабли у ҳақиқатдан

узоқлашади. Агар [Абу Жаъфар]: «[Биринчи Шуботнинг] қайси томонидан бўлмасин, унга энг яқин ва рўза чегараси ичида бўлган душанба рўза боши қилинади», – деганда, ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. Чунки шунда биринчи Шуботдан эътиборга олинадиган учрашувдан кейинги душанба маълум бўлади.

[Абу Жаъфарнинг] асарларидан бирида шундай маълумотни учратдик: данҳ [байрами] (бу Канун ҳройнинг олтинчиси) воқе бўладиган арабча ойдан кейин келувчи арабча ойнинг йигирманчи кунига қараган. Агар у душанба бўлса – рўза боши, бўлмаса, ундан кейинги душанба рўза боши бўлади.

(89)|| Бу шундай муҳим ишда тўғри чикмайдиган ҳисоб бўлиб, бир қанча [сабабларга] кўра, ҳақиқатдан узоқдир. Уларнинг бири: агар «данҳ» арабча ойнинг биринчисидан то учинчисига тўғри келганида, ундан кейинги ойдаги учрашув Шубот бошларида воқе бўлади ва буни эътиборга олиш зарурдир. Шунда рўза боши кўпинча ўша [учрашув] атрофида, яъни «данҳ» байрамидан кейинги ойнинг йигирманчи ёки ундан кейинги кунларида эмас, бошларида бўлади.

У [сабабларнинг] яна бири: агар учрашувнинг арабча ойнинг йигирма олтинчи кунига воқе бўлиши аниқланса, рўза ҳамиша учрашувдан олдин келса ва ундан кейинга қолмаса, йигирманчи кунни эслашга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Балки рўза бошининг матлуб учрашувдан ғоят даражада олдин келиши пайшанба кунига тўғри келганида, у арабча ойнинг йигирма бешинчи кунига воқе бўлади.

Ҳисоб хулосаси: ҳисоб иши кўп қисмларга бўлиниши сабабли гарчи узундан узоққа чўзилса ҳам, ислоҳ этилгани мақсадга мувофиқ дуруст бўлади. Бу [ҳақда] шундай дейилади: данҳ арабча ойнинг қайси кунига воқе бўлишига қаралади. Агар ўша ойнинг биринчисидан учинчисигача бирор кунда воқе бўлса, унинг йигирма тўққизинчи кунига қаралади. Агар у душанба кунга бўлиб, «данҳ» билан унинг ораси йигирма етти ёки ундан кўпроқ кун бўлса, ўша [душанба] рўза бошида келади, агар [арабча ойнинг йигирма тўққизинчиси] душанба кунга бўлмаса, ундан кейинги душанба рўза боши ҳисобланади. Агар «данҳ» араб ойининг учинчи кунидан то йигирма учинчисигача воқе бўлса, бу ой ташланиб, кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунигача қаралади. Агар бу душанба бўлса – рўза боши, [душанба] бўлмаса, [рўза боши] ундан кейинги душанба бўлади. Агар «данҳ» араб ойининг йигирма саккизинчисидан то охиригача бирон кунда воқе бўлса, у ой ташланиб, айтиб ўтганимизга биноан ундан кейинги ойга қаралади. Лекин рўза бошини аниқлагунча [ойнинг] йигирма олтинчисини эътиборга олиш керак бўлади.

Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий «Ал-Комил»<sup>1208</sup> деб атаган зижда христианлар рўзасини аниқлаш учун мана бу усулни баён этган:

Шуботга тўғри келадиган учрашувга қаралади. Агар аломати 2, 3, 4 – булар Қамар, Миррих ва Уторид учун [белги] – бўлган кунларнинг бирида воқе бўлса, учрашувдан аввалги душанба куни рўза [боши] ҳисобланади. Агар аломати 1, 5, 6 ва 7 – булар Куёш, Муштарий, Зухра ва Зухал учун белги – бўлган кунларда воқе бўлса, учрашувдан кейинги душанба куни [рўза боши]дир. Бу усул дуруст ва биз айтиб ўтган қоидага асослангандир. Лекин шу билан бирга, [учрашув] ҳолатини текшириб, баъзи кунларни мустасно этишга эҳтиёж тугилади. Бу шундай: айтиб ўтилган учрашув душанба куни воқе бўлса, шу куннинг ўзи рўза боши; агар сешанба, чоршанба ёки пайшанба куни воқе бўлса, учрашувдан аввалги душанба куни рўза боши бўлади, чунки бу, юқорида айтганимиздек, [учрашувга] жуда яқиндир. Агар жума, шанба ёки якшанба куни воқе бўлса, учрашувдан кейинги душанба куни рўза боши бўлади, чунки бу олдинги [душанба]дан кўра учрашувга яқинроқдир. Булар ҳаммаси [тўғри чиқиши учун] кўрсатилган душанба рўза чегарасида бўлиши шарт; агар душанба рўза чегарасидан, яъни иккинчи Шуботдан олдин келса, бу учрашув бекор қилиниб, мазкур текшириш Шубот охирлари ёки Озар бошларида воқе бўладиган учрашувга кўчирилади.

(90)|| Ҳайбарлик<sup>1209</sup> яҳудий Юсуф ибн ал-Фазл «Зиж»ида<sup>1210</sup> христианлар рўзасини аниқлаш учун бир жадвал бор. Бу Евсевий Хроникони ва унинг хулосасидан парчадир.

[Ал-Фазл ўз «Зиж»ида] айтишича, Искандар эрасининг ноқис йилларига ўн икки қўшилиб, йиғинди ўн тўққизга бўлинади ва қолдикни Ой даври устунининг бўйига; йил боши аломатини эса – бу Тишрин қадим [боши] – энига битилади. [Шу эн ва бўйи устида] иккита бармоқ юргизилади, бармоқлар қаерда учрашса, рўза боши ўша ерда қора билан битилган бўлса – Шуботда, қизил билан битилган бўлса, Озарда бўлади. Агар йил кабисали бўлиб, рўза боши қизил билан битилса, уни қўйиб, йил аломатига бирни қўшилади ва [Искандар тўлиқсиз йиллари устидаги] аввалги амал ҳисобланади.

Юсуф ибн ал-Фазл – бу ҳисоби дуруст бўлса ҳам – қисмларнинг ҳар бирига бериладиган ҳиссани унутган. У бундай: йил кабисали, рўза боши қора билан битилган бўлса, бу рўза бошининг ўзи бўлади ва бирон ҳисобни ўзгартиришга эҳтиёж қолмайди. Агар қизил билан битилган ва йил аломатига бир [сони]ни қўшилган ва ҳалиги ҳисоб ишлатилган бўлса ва иккинчи мартада ҳам рўза боши қизил билан ёзилган ҳолда кўрилса, бу рўза бошининг ўзидир. Агар у қора билан [ёзилган ҳолда] кўрилса, рўза бошига бир адади қўшилсин. Шунда матлуб [рўза боши] Хроникондан келиб чиқадиганга мувофиқ келади. У жадвал мана бу:

(91)|| Яхудий Юсуф ибн ал-Фазлнинг христианлар рўзасини ҳисоблаб чикариш жадвали<sup>1211</sup> (бу Хрониконнинг бир қисмидир).

Ой даври	1	2	3	4	5	6	7
1	12	11	10	9	8	7	6
2	26	25	3*	2*	1*	28	27
3	19	18	17	16	15	14	20
4	5	4	3	9	8	7	6
5	26	25	24	23	22	28	27
6	12	11	17	16	15	14	13
7	5*	4*	3*	2*	8*	7*	6*
8	19	25	24	23	22	21	20
9	12	11	10	9	8	14	13
10	5*	4*	3*	2*	1*	28	27
11	19	18	17	16	15	21	20
12	5	11	10	9	8	7	6
13	26	25	24	2*	1*	28	27
14	19	18	14	16	15	14	13
15	5	4	3	2	8	7	6
16	26	25	24	23	22	21	27
17	12	11	10	16	15	14	13
18	5*	4*	3*	2*	1*	7*	6*
19	19	18	24	23	22	21	20

Хрониконнинг христианлар пасхасига асосланганини баён этдик. Агар ўрта рўза яхудийлар пасхаси тақозосига асосланса эди, албатта, у рўза чегараларининг боши – Канун ҳройнинг йигирма тўққизинчиси бўлиб, унинг рўза тутишдаги ҳамма сабаблари ва мўътадиллаштирилган рўза христианлардагидан бошқа бўлар эди.

Ўқувчи бу китобдаги биз ишорат қилган [ўринлар]га юзаки қарамасин деб, бу рўзани яхудийлар тутган йўлга мувофиқ ҳисоблаб чикардик. Рўза чегарасидан ташқарида қолган [рўза бошини] бир ҳафта кейинга қўйдик. Бунга одатланмаган кишиларнинг кўнгиллари хотиржам бўлиши учун кейинга қолдирилган рўза пасхаси охириги [ҳафтада] эмас, олтинчи ҳафтада воқе бўлади.

Бу [жадвал]қуйидагича ҳисобланади: Искандар эрасининг ноқис йиллари олиниб, икки жойга ёзиб қўйилади-да, бири йигирма саккизга бўлинади, қолдиқ Қуёш даври бўлади. Иккинчи жойдагисидан ҳар доим ўн икки айирлиб, ўн тўққизга бўлинади ва қолгани Ой даври бўлади. Қолдиқларнинг ҳар бири ўз жадвалига бириктирилади. Натижада, яхудийлар пасхаси тақозосига

кўра, рўза боши [иккала қолдиққа] умумий катакчада кўрилади. Ой даври колдигининг рўпарасида, тепада олдинги йилда воқе бўлган яхудий йили бошининг белгиси кўрсатилади. Агар белги қорада [битилган] бўлса, рўза боши Айлулда; қизил [билан] битилган бўлса, Обда бўлади. У билан бирга Озар ва Нисон ойларида яхудий пасхаси воқе бўладиган жой ва унинг тепасида эса ўрта рўза [боши] ҳам кўрилади. Агар [ўрта рўза боши] қора билан [битилган] бўлса, у Шуботда; қизил билан [битилган] бўлса, иккинчи Канун ҳройда келади. Айтиб ўтилган Хрониконнинг охири мана бу (350-351-бетлар)<sup>1212</sup>.

Христианлар рўзаси ва [рўза] бошини ҳисоблаб чиқариш йўллари ҳақида биз айтганлар етарлидир. Уларнинг шу бобда зикр қилиниши сабаби шуки, христианлар одамларнинг қайта тирилиши ва қиёмат Масих қабрдан турган куни бўлади, деб эътиқод қиладилар ва гўё уни рўзадор ҳолатда кутиб олмакчи бўладилар. Гоҳо улардан баъзи бирлари: «Тўфон шундай вақтда бўлган» деб тентакларча гапирган, христианлар бундан [Тўфондан] кўркиб ва ўзларига шундай [вақт] келмаслигини умид қилиб рўза тутганлар.

Инжилда баён этилишича, Масих Урдун дарёсида ювингандан кейин Урдун саҳросида қирқ кун рўза тутган. Рўза бошидан то унинг қирқинчи куни бўлмиш жумагача ўша [қирқ] кунга тегишли кунлар ўтади. Қирқ биринчиси бўлмиш шанба куни Байт ул-Муқаддас яқинидаги Зайтун тоғида қабрдаги [Исо] тирилган. Қирқ иккинчиси якшанба куни – бу катта «саонин» байрами – Масих «Инжил»да айтилган [эшак] миниб юриш тавсифини бажариш учун Вифиниядан Байт ул-Муқаддасгача хўтиққа миниб борган. Эркаклар, аёллар ва болалар кўлларида зайтун барги тутган ҳолида уни кутиб олиб, то у Байт ул-Муқаддасга киргунича, унинг ҳузурида «Таврот» ва «Забур» китобларини ўқиганлар. Душанба, сешанба ва чоршанба кунлари Масих яхудийлардан бекинган ва пайшанба куни пасха қилган.

Шу куни мурун, яъни хушбўй мой ишлатадилар. Бунинг сабаби, шу куни ахлоксиз бир аёл уч юз динорга баҳоланган атир олиб келиб, ҳурмат ва иззат юзасидан Масихнинг бошидан куйган.

(92)|| Тўрт «Инжил»да айтилишича, Масих шу куни, яъни пайшанба куни ўз шогирдларидан бирини ва уни кутиб олувчини Байт ул-Муқаддасга юборган. У киши елкасига сопол қувача кўтариб олган. Масих у кишига ўзи ва тобелари унинг ҳузурига бориб пасха байрамини ўтказишлари учун таом тайёрлаб қўйишни буюрган. Буюрилган киши яхудийлар ўз пасхаларида ейдиган фатир ва бошқа таомларни тайёрлаган. Масих у киши ҳузурига кечаси келган ва шогирдлари билан бир хужрада пасха овқатини еб, иззат ва икром юзасидан уларнинг оёқларини ювган. Бу кечаси епископлар ҳам ўз дўстларини шундай сийлайдилар. Кейин Масих ўз шогирдларига: «Билиб олинг, шу кеча бирингиз менга хоинлик қиласиз ва у мендан юз ўгиради», деган. Кейин ўша хужрадан кетиб, Зайтун тоғига чиққан. Масих шогирдларидан



Урга рўза	10	30**	18	7	26	15	4	23	12	1	20	9	29**	17	6	25	14	2	21
Сурёний ойда яхудийлар гасхаси	Озар	Озар	Нисон	Озар	Нисон	Нисон	Озар	Нисон	Озар	Озар	Нисон	Озар	Озар	Нисон	Озар	Нисон	Нисон	Озар	Нисон
Яхудийлар гасхаси	29	18	6	26	14	3	23	11	31	20	8	28	17	5	25	13	2	22	9
Ой даври	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Кун даври	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот
Румлик- ларнинг кабисаги йиллари	11	4	25	11	4*	18	11	25	18	4	25	11	4	18	11	4*	18	4	25
1																			
2																			
3	Кабиса	16	23	9	1*	16	9	1*	16	2	23	16	2	23	9	1*	16	9	23
4		14	7	21	14	28	7	28	14	7	21	14	7	21	7	28	21	7	28
5		13	6	20	13	27	6	27	13	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27
6		12	5	19	12	5*	5	26	19	5	26	12	5	19	12	26	19	5	26
7	Кабиса	11	4	25	11	3*	11	25	18	4	25	11	4	18	11	3*	18	4	25
8		16	2	25	9	2*	9	2*	16	2	23	16	2	23	9	2*	16	9	23
9		15	8	22	8	1*	8	1*	15	8	22	15	8	22	8	1*	15	8	22
10		14	7	21	14	28	7	28	14	7	21	14	7	21	7	28	21	7	28
11	Кабиса	13	6	20	13	27	6	27	13	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

12		11	4	25	11	4*	18	25	18	4	25	4	18	4	25
13		17	3	24	10	3*	17	10	24	3	24	10	3	24	10
14		16	2	25	9	2*	16	9	2*	2	23	16	2	25	9
15	Қабиса	15	8	22	8	29	22	8	29	8	22	15	8	22	8
16		13	6	20	13	27	20	6	27	6	27	13	6	20	13
17		12	5	19	12	5*	19	5	26	5	26	12	5	19	12
18		11	4	25	11	4*	18	11	25	4	25	11	4	18	11
19	Қабиса	17	3	24	10	2*	17	10	24	3	24	10	3	24	10
20		15	18	22	8	1*	22	8	1*	15	22	8	15	22	8
21		14	17	21	14	28	21	7	28	14	21	7	21	14	28
22		13	6	20	13	27	20	6	27	13	27	13	6	20	13
23	Қабиса	12	5	19	12	4*	19	5	26	5	26	12	5	19	12
24		17	3	24	10	3*	17	10	24	3	24	10	3	24	10
25		16	2	23	9	2*	16	9	2*	2	23	16	2	23	9
26		15	8	22	8	1*	22	8	1*	15	22	8	15	22	8
27	Қабиса	14	7	21	14	28	21	7	28	14	21	7	21	14	28
28		12	5	19	12	5*	19	15	26	5	26	12	5	19	12

бири бўлмиш Яхудо Искарриот бу воқеа ҳақида коҳинларга ва яхудийларнинг улуғларига айтиб, улардан ўттиз дирҳам пора олган ва уларга Масиҳ томон йўл кўрсатган. Улар Масиҳни тутиб олиб урганлар, унга тикондан тож кийгизиб, ҳақорат қилганлар ва кийнаганлар, ўша кеча тонг отгунча унга азоб берганлар. Матфей, Марк ва Лука сўзига кўра, жума куни саҳар соат учда уни салибга михлаганлар. Аммо Юҳаннанинг айтишича, Масиҳ кундуз кунни соат олтида михланган. Бу салибга тортиш жумасидир. У билан бирга, «жум-жума», ибронийча «гулгулга» дейиладиган тоғда иккита ўғри ҳам салибга михланган. Айтишларича, Масиҳ тўққизинчи соатда жон таслим қилган. Юсуф ар-Рамасаний<sup>1213</sup> (у ал-Буливтаний деб ҳам аталади) Масиҳ [жасадини] яхудийлар бошлиғи Пилатдан ўзига беришни сўраган. Пилат жасадни Юсуфга берган ва Юсуф уни ўзича тайёрлаган қабрга дафн этган.

Салибга тортишдан кейинги шанба кечаси [кабристондаги] ўликларга Масиҳ келишидан башорат берилган, шу шанба куни кечкурун тирилиш байрамидир. Христианлар даъвосича, Масиҳ қабрда бир кун ва икки кеча ётган. Сўнгра учинчи кун – бу рўзадан чиқиш куни бўлган якшанба куни қабрдан турган.

[Масиҳ] тирилган шанба ҳақида табиат илмларидан хабардор киши ҳайратда қоладиган, балки унга иқрор бўлмайдиган бир ҳикоя келтирилади. Агар душманлар бу хабар хусусида «биз уни кўрдик» деб қабул қилмаганларида, фозил олимлар ва бошқалар ўз китобларида бу ҳақда ёзиб қолдирмаганларида эди, албатта, кўнгил тинчимас эди. Биз [бу ҳикояни] китоблардан билдик ва Ал-Фараж ибн Солиҳ ал-Бағдодийдан мана шу тарзда эшитдик: «Байт ул-Муқаддасда Тирилиш ибодатхонасининг ўртасида яхлит бир тошдан ўйилган Масиҳ қабри жойлашган. Бу қабр устида бир гумбаз бўлиб, унинг устида бошқа катта гумбаз туради. У тош атрофида болохоначалар бўлиб, христианлар ва бу ерга ҳозир бўлганлар шу куни ўша болохоначалардан қабргоҳга тикилиб қараб, туш пайтидан то кечгача Аллоҳ таолога зорланиб дуо қиладилар. Қабр ёпиқдир. Бундан олдин христианлар ўз чирокларини ва шамдонларини ўчириб, бир шамдонда ярқираб турган тиник оппоқ олов кўрингунича кутиб турадилар. Кейин жоме ва ибодатхоналардаги шамдонлар шу оловдан ёқилади. Сўнгра ўша олов тушган вақтни билдириб, халифалар ҳузурига мактуб юборилади. Олов тез ва тушга яқин пайтда тушса, буни ўша йили серобгарчилик бўлишига; кечкурунга қолиб ва кечикиб тушса, курғокчилик йили бўлишига далил келтирадилар.

Шу хабарчининг ҳикоя қилишига кўра, султонлардан бири олов тушганда ёнмай иш бузилсин, деб [шамдонга] пилик ўрнига мис қўйган, лекин олов тушиши билан мис ёнган.

Бу оловнинг турли кунда ва ноаниқ вақтда тушиши ажабланишга лойик бўлиб, кўзга кўринган моддаси бўлмай туриб, олов пайдо бўлиши эса бун-

дан ҳам ажиброқдир. Миср қишлоқларининг биридаги черков иши шакшубҳасиз яна ҳам қизикарлидир. Сўзи ишончли, фикрлари макбул, улар ҳақида ёлгон гапирилмайдиган ва ёлгон тўкиб тарқатмайдиган кишилар бу ибодатхонани кўрганлар. Уларнинг айтишича, ибодатхонада ертўлалар бўлиб, у ерга йигирмадан ортик зинапоя билан тушилар экан. Бу уйда бир тахт бўлиб, унинг остида теридан ясалган тўшакка ўралган бир эркак ва бир боланинг [ўлиги], [тахт] устида мрамар идиш, бунинг ичида шиша идиш, унинг ичкарасида мис пилик ва бунинг оралиғида ёниб турган каноп пилик бор экан. Идишга зайтун ёғи қуйилса, шиша идиш дарров зайтун ёғи билан тўлар экан. Ёғ мрамар идишга тошиб чиқар ва бундан ўша черковда эҳтиёж учун фойдаланилар экан.

(93)|| Ал-Жайҳонийнинг айтишига кўра, ишончли кишилардан бири ўша ертўлага тушиб, шиша идишни мрамар идишдан кўтариб олган ва иккала идишдаги зайтун ёғини бўшатиб, оловни ўчирган ва зайтун ёғидан бошқа ҳамма нарсани ўз жойига қайтариб қўйган. Сўнг ўзида бор зайтун ёғини қуйган ва шишадаги пилик ўрнига бошқа пилик қўйиб ёндирган, дарҳол ёғ шиша идишга тошиб, кейин кўриниб турган [ёғ] моддаси (асли бўлмайд туриб) мрамар идишга тошаверган. Унинг айтишича, тахт остидаги жасад чиқарилганда, олов ўчган ва зайтун ёғи тошмаган.

Яна ўша қишлоқ аҳолисида шундай ҳикоя мавжуд. «Ўзини ҳомиладор деб гумон қилувчи аёл ўша ўлик болани кўтариб бағрига босганда, агар у ҳақиқатан ҳомиладор бўлса, қорнидаги бола қимирлар экан; агар қимирлаганини сезмаса, умидини узар экан».

(308)|| Рўзадан чиқилгандан кейин бешинчи куни шаҳидлар хотирланади. Улар христианларнинг бир қавми бўлиб, подшоҳлардан бири уларга ўз динларидан чиқишни таклиф этган. Улар кечаси қочиб чиқишган ва ҳаммалари вафот этишган. Бу жума ҳам «кичик саонин» деб аталади.

Рўзадан чиқилгандан кейинги якшанба «Янги якшанба» деб аталади. Шу куни Масих оқ [кийим] кийган. Христианлар [аҳамиятли] ишларини шу куни бошлайдилар ва бу кунни шартнома ҳамда ҳужжатлар учун сана тутадилар. Зеро, бу якшанбаларнинг биринчиси каби бўлиб, бундан олдинги якшанба энг машҳур исм, яъни рўзадан чиқишга махсусдир. Христианларда ҳамма якшанбалар улуғ саналади, чунки «Саонин» [байрами] ва [Масихнинг] тирилиши шу кунга тўғри келган. Шунингдек, яҳудийларда шанбалар [ҳам] улуғ тутилади, чунки Тавротда айтилишича, Аллоҳ таоло шу куни [махлукотни] яратишдан бўшаб, ором олган. Ислом олимларидан баъзиларининг ҳикоя қилишларича, жумани улуглашга сабаб шуки, Яратувчи оламини яратишдан ва Одам жасадига жон киргизишдан шу куни бўшаган. Мунажжимларнинг фикрича, турли динларда ҳар хил кунларнинг улугланиш сабаби, ўша кунларнинг соҳиби бўлмиш ёриткичлар у миллатлар пайғамбарларининг туғилишларини кўрса-

тиши ва [ёриткичларнинг] бир-бирлари билан учрашишининг пайғамбарлар юзага чиқишидан дарак бериши бўлган.

Рўза тугагач, кирк кун кейин «Меърож» байрами бўлиб, бу ҳамиша пайшанба кунига тўғри келади. Шу куни Масих Зайтун тоғидан осмонга кўтарилган ва шогирдларига то ўзи уларга Параклет, яъни муқаддас руҳни юбормагунча, Байт ул-Муқаддасда пасха байрами ўтказилган ҳужрада қолишларини буюрган. Кўкка кўтарилиш байрамидан ўн кун кейин «Эллик кун» байрами бўлиб, бу доимо якшанба куни бўлади. Бу Параклет тушган ва Масих ўз шогирдларига кўринган кундир, шогирдлари [унинг] ёрдамчиларидир. Сўнгра шогирдларининг тиллари турлича бўлиб тарқалганлар; ҳар бир гуруҳга илҳом қилинган тил [ҳукмрон бўлган] ва шу тилда сўзлашиладиган жойга кетган.

Христианлар шу куни кечкурун ерга сажда қиладилар. Улар рўзадан чиққандан то шу кунгача сажда қилмай, тик туриб дуолар ўқийдилар, чунки бунга ва барча якшанба кунларига кўрсатма бор. Бу ҳақда биринчи Синод қонунларининг охиргисида сўзланади.

Меликия христианларида солиҳийлар, яъни ҳавворийлар рўзаси «Эллик кун» байрамидан ўн кун кейин, чоршанба куни бошланади ва бошидан кирк олти кун ўтгач, доимо якшанба куни рўзадан чиқилади.

Бу рўзанинг учинчи куни бўлмиш жума куни «Олтин жума» деб аталади, чунки шу куни Исонинг ҳавворийлари Байт ул-Муқаддасда ўрnidан кўзғалолмай, тиланчилик қилиб ўтирган бир кишига йўликқанлар. У киши улардан Аллоҳ учун садақа қилишларини сўраган. Ҳавворийлар: «Бизда на тилла ва на кумуш бор, лекин ўрнингдан тур ва курсингни кўтариб ўз тирикчилигинга жўна! Бизнинг кучимиз етадиган нарса шу», – деганлар. У киши дарҳол соғайиб ўрnidан турган ва курсисини кўтариб, ўз ишига кетган.

Бундай байрамларнинг аксари рўзани аниқлаш учун ишлатиладиган етти устунлик жадвалда кўрсатилган. Қачон у жадвалдан рўзани топилса, иншооллоҳ, бир йўла байрамлардан ҳам вокиф бўлинади.



## XVII б о б. НЕСТОРИАН ХРИСТИАНЛАРИНИНГ БАЙРАМЛАРИ, ХОТИРЛАНАДИГАН [КУНЛАРИ] ВА РЎЗАЛАРИ ҲАҚИДА

Бу гуруҳ нисбат бериладиган Несторий меликияларга қарши чиқди ва [дин] асослари тўғрисида сўз юритиб, улар билан ўз гуруҳининг ажралишига олиб келди. Бу душманларга қарши туриб [дин асослари ҳақида] баҳслашиш ва уларга тақлид этмасликка тайёрланиш учун масалага диққат билан карашга, текшириш, шохобчалаштириш ва таққослашга қизиктирадиган ишларга даъват этди. Несторий ўз фикри ва текшириши жиҳатидан меликияларга мухолиф бўлиб, уларга кўр-кўрона эргашмасликни ўз тобеларига қонушлаштирди.

Несторианлар машҳур кунларининг баъзисиди меликияларга мувофиқ бўлиб, баъзисиди мухолифдирлар. Мухолиф бўлган кунлари иккига бўлинади: айримларини батамом тарк қилганлар, баъзиларини эса тарк қилмаганлар, лекин уларни меликияларга нисбатан бошқа вақтда ва бошқа тартибда ўтказадилар. Меликияларга мувофиқ бўлган [кунларига] келганда, уларни меликияларда ўтказилмайдиган кунларга тайин қилганлар. [Несторианларда] шундай кунларининг тўртинчи қисми ҳам бор, бу меликияларда ишлатилмаган ва улар ишлатадиган кунларга тайин ҳам қилинмаган [кунлардир].

Несторианларнинг меликиялар билан мувофиқлашадиган [кунлари] эса [Масих] туғилган кун, [уни] чўмилтириш куни, шам байрами, рўза боши катта «саонин»дир. [Масих ўз] ҳавворийларининг оёқларини ювган [кун], Масих пасха [байрам] қилган [кун], салибга тортилган жума, [Масих] тирилиши, рўзадан чиқиш, янги якшанба, кўкка кўтарилиш, эллик кунлик [байрами], морт Марям<sup>1214</sup> рўзаси ва меликиялар хотирлайдиганлар қаторидаги айрим [кунлардир].

Меликиялар билан мувофиқлашиб, вақт ва ишлатиш жиҳатдан уларга мухолиф бўладиган кунлар эса, масалан, Моалсо, яъни [несторианлар] ибодатхоналар саҳнларидан уларнинг томларига чиққан кунидир. Бу [маросим] Бани Исроилнинг Байт ул-Муқаддасга қайтишига кўра ижро этилади ва «ибодатхоналарни муқаддаслаш» деб аталади. Агар ой боши чоршанба кунига ёки якшанба кунигача бўлган ундан кейинги бирон кунга тўғри келса, бу [маросим] Тишрин ҳрой ойининг биринчи якшанбасида ўтказилади, агар ой боши душанба ёки сешанба кунига тўғри келса, Тишрин қадимдаги охириги якшанбада ўтказилади. Юҳанна муаллимнинг баён этганларини эшитишимизча,

буни ўттизинчи Тишрин қадим билан бешинчи Тишрин ҳроӣ орасидаги якшанба куни ўтказиш яхшироқдир.

«Суббор» ҳам бунга мисолдир. Бу Марямга унинг Масиҳга ҳомиладор бўлганидан хушхабар берилиши. Бу байрам, агар ой боши жума билан якшанба орасида келса, Тишрин ҳройнинг охириги якшанбасида ўтказилади. Ҳар ҳолда, бу Моалсо якшанбасидан кейинги бешинчи якшанбага тўғри келади.

(310)|| Масиҳ туғилган йилидаги Канун қадим боши якшанба куни келиб, у билан туғилиш ораси йигирма беш кун бўлган. Несторианлар: «Масиҳнинг таносил йўли билан туғилиши бошқа одамларникига муҳолиф бўлгани каби она қорнида туриш муддати ҳам одатдагига хилоф бўлган», – дейдилар. Балки она қорнидалигида хушхабар берилган бўлиши ёки хушхабар ундан олдин ёки кейин берилган бўлиши ҳам мумкин.

Яъқубий христианларда хушхабар байрамнинг яҳудийлар Нисонининг ўнинчисида [ўтказилиши] ҳикоя қилинади. Милод йилидан олдинги йилда ўша кун сурёнча Озарнинг ўн олтинчисига тўғри келган. Шунингдек, авлиё Марям рўзаси ҳам [бунга] мисол бўлади. Бу хушхабар байрамидан кейинги душанба куни бўлиб, рўзадан чиқиш милод кунига тўғри келади. Несторианларда Яҳё Муъмидоннинг<sup>1215</sup> ўлдирилиши Обнинг йигирма тўртинчи куни [хотирланади]. Шамъун ибн Саббоий, яъни «бўёкчи ўғли»нинг ўн еттинчи Обда хотирланиши, [Масиҳ] салиби [тўсини]нинг топилгани байрами ҳам [бунга мисол]. Бу несторианларга кўра, Айлулнинг ўн учинчи куни бўлади, чунки Елена салибни шу куни юзага чиқарган, сўнгра ўн тўртинчи куни халққа кўрсатган ва халқ салиб тепасига йиғилган. Несторианлар салиб юзага чиқарилган кунни, меликиялар эса [Елена] уни халққа кўрсатган кунни олганлар.

Энди [фақат] меликиялар нишонлайдиган ва улар ўтказадиган [кунларга] тайинланган [байрамларга] келсак, масалан, Юҳанна ал-Кашқаронийни хотирлаш. Бу Тишрин қадимнинг биринчи куни [ўтказилади], авлиё Фетионни хотирлаш – шу ойнинг йигирма бешинчисида; Юҳанна Дайри байрами – Канун қадимнинг олтинчи куни; Байт ул-Муқаддасдаги Марям черкови байрами – Канун ҳройнинг еттинчи куни; авлиё Фотионни хотирлаш – Ҳазироннинг йигирма бешинчи кунда; тажаллий байрамнинг биринчиси, бу Масиҳнинг халққа охириги кўриниши – Обнинг олтинчи кунда; «Дайр ан-нос» байрами ҳам шу куни; тажаллий байрамнинг охиригиси – Обнинг ўн олтинчи кунда; авлиё Мария байрами – Обнинг ўн иккинчи куни; Криспин ва Криспианни хотирлаш – Айлулнинг учинчи куни [ўтказилади].

Аммо [несторианлар] ҳафта кунларига тайин этган ва меликиялар билан ораларида умумий ёки боғланиш бўлмаган [байрам ва маросимлар], масалан, роҳиб Кута, яъни авлиё Сергийни хотирлаш. Бу маросим, агар Тишрин

қадимнинг боши якшанба куни бўлса, еттинчи кун [ўтказилади], бўлмаса, еттинчидан кейинги якшанбага қолдирилади.

(311)|| Шунингдек, Сулаймонни<sup>1216</sup> хотирлаш. Бағдод христианлари таълимотича, ундан кейинги якшанбада [ўтказилади]. Шунга ўхшаш Абу Халид Дайрининг байрами, бу Тишрин хройнинг биринчи жумасида; яна Қадисия Дайри байрами – шу ойнинг учинчи жумасида; Ал-Каҳҳол Дайри байрами – шу ойнинг тўртинчи жумасида; Барсафони хотирлаш – Айлулнинг охириги якшанбасида; Ас-Саолиб Дайри байрами – Айлулнинг охириги шанбасида [ўтказилади]. Лекин келгуси йил Тишрин қадимнинг боши якшанба кунига тўғри келса, бу байрам ўша кунга кечиктирилади ва Айлулдан чиқиб кетади. Натижада жорий йил бу байрамдан холи бўлиб, келгуси [йилда] у икки марта қайтарилади – йил бошида ва охирида.

[Меликия ва несторианлар] ораларида умумий бўлган кунларга тайинланган [маросимларга] келсак, булар уч қисмга бўлинади. Биринчиси – катта рўзага ёки ундан чиқишга боғлиқ бўлган; иккинчиси – милодга боғлиқ бўлган, учинчиси, «данҳ»га боғлиқ бўлган [маросимлардир].

Катта рўзага боғлиқ бўлганлар ё унинг бошига, ёки охирига [алоқадор] бўлади. Масалан, Аходир жумаси, бу – рўза бошлангандан [кейин] ўн иккинчи [кун], шунингдек, «Форуқа», бунинг маъноси – «нажот [сўраш]», бу – пайшанба куни, рўза бошидан йигирма тўртинчи кун [ўтганда] авлиё Барахиё хотирланади; ўлдирилгунича ҳам христианликдан қайтмаган ёш бола авлиё Кириакни хотирлаш – бу рўзадан чиқишдан йигирма кун кейин, жума куни; Шопур подшоҳ қўлида қатл қилинган арманилар Сурен ва Даврон хотирланади, бу рўзадан чиқишдан йигирма тўққиз кун кейин, якшанба куни.

Ҳавворийлар рўзаси несторианларда ҳамиша катта рўзадан чиқишдан етти ҳафта кейин – душанба куни ва «Эллик кунлик» кунига ёндашиб келади. Рўза кунлари қирқ олти кун бўлиб, ҳамиша жума куни рўзадан чиқилади.

Авлиё Мариянинг шогирди авлиё Абдани хотирлаш. Бу маросим ҳавворийлар рўзасидан чиқилгандан сўнг ўн тўрт кун ўтгач, пайшанба куни бўлади. Ҳавворийларнинг бу рўзасидан чиқиши катта рўзадан чиқишга уланади.

Шунингдек, авлиё Марияни хотирлаш ҳам [бунга] мисол бўлади. Бу ҳавворийлар рўзасидан чиқишдан ўн беш кун кейин – жума куни [бўлади]; Илиё рўзаси ҳам [бунга] мисол – бу катта рўзадан чиқишдан йигирма бир ҳафта кейин – душанба куни бошланиб, қирқ саккиз кун давом этади ва якшанба куни рўзадан чиқилади.

Ниневия рўзаси ҳам бунга мисол. Бу катта рўзадан йигирма икки кун аввал – душанба куни бошланиб, уч кун [давом этади]. Айтишларига кўра, Юнус [пайғамбар] қавмини азоб ўраб олгандан сўнг Аллоҳ азобни кўтарган, улар омон қолганлар ва шу уч кунда рўза тутганлар.



КАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ҲДОРЛИКЛАР

16	17	27	28	12		24	3	3	5	23	24	31	18	26	27
17	18	28	29	13		25	4	4	6	24	25	1	19	27	28
												Август			
18	19	1	Озир	14		26	5	5	7	25	26	2	20	28	29
19	20	2		15		27	6	6	8	26	27	3	21	29	30
20	21	3		16		28	7	7	9	27	28	4	22	30	31
21	22	4		17		29	8	8	10	28	29	5	23	31	1
															Шубот
22	23	5		18		30	9	9	11	29	30	6	24	1	2
														Ташрин хрой	
23	24	6		19		1	10	10	12	30	31	7	25	2	3
									Хазрон						
24	25	7		20		2	11	11	13	31	1 Об	8	26	3	4
25	26	8		21		3	12	12	14	1 Об	2	9	27	4	5
26	27	9		22		4	13	13	15	2	3	10	28	5	6
27	28	10		23		5	14	14	16	3	4	11	29	6	7
28	29	11		24		6	15	15	17	4	5	12	30	7	8
1	1	12		25		7	16	16	18	5	6	13	1	8	9
													Ташрин кадим		
2	2	13		26		8	17	17	19	6	7	14	2	9	10
3	3	14		27		9	18	18	20	7	8	15	3	10	11
4	4	15		28		10	19	19	21	8	9	16	4	11	12
5	5	16		29		11	20	20	22	9	10	17	5	12	13
6	6	17		30		12	21	21	23	10	11	18	6	13	14
7	7	18		31		13	22	22	24	11	12	19	7	14	15
8	8	19		1	Наисон	14	23	23	25	12	13	20	8	15	16

[Катта] рўзага боғлиқ байрамлар жадвали

И	II	VI	V	VI	I	IV	II	VI	V	VI	VI	II	VI	VI	II	II	II
Одний йилда рўза [боши]	Шубор	Ахорр жумаси	Кутлиш [ал-Форука]	Шубор	Намон	Сурин ва дурдонин хотираш	Мелкикиларда хаворитлар рўзаси	Настуркиларда хаворитлар рўзаси	Олтин жума	Авние Абдонин хотираш	Авние Марьянин хотираш	Илгие рўзаси	Айюл	Айюкчилар кечаси	Мусо рўзаси	Катта рўздан олдин келувчи Ниневия рўзаси	
2	3	13	14	26	27	10	19	20	11	22	9	10	17	4	12	12	13
3	4	14	15	27	28	11	20	21	12	23	10	11	18	5	13	13	14
4	5	15	16	28	29	12	21	22	13	24	11	12	19	6	14	14	15
5	6	16	17	1	Озор	13	22	23	14	25	12	13	20	7	15	15	16
6	7	17	18	2		14	23	24	15	26	13	14	21	8	16	16	17
7	8	18	19	3		15	24	25	16	27	14	15	22	9	17	17	18
8	9	19	20	4		16	25	26	17	28	15	16	23	10	18	18	19
9	10	20	21	5		17	26	27	18	29	16	17	24	11	19	19	20
10	11	21	22	6		18	27	28	19	30	17	18	25	12	20	20	21
11	12	22	23	7		19	28	29	20	31	18	19	26	13	21	21	22
12	13	23	24	8		20	29	30	21	1	19	20	27	14	22	22	23
										Хаайрон							
13	14	24	25	9		21	30	31	22	2	20	21	28	15	23	23	24
14	15	25	26	10		22	1	1	23	3	21	22	29	16	24	24	25
							Айёр	Хаайрон									
15	16	26	27	11		23	2	2	24	4	22	23	30	17	25	25	26

«Айгоқчилик кечаси», бу жума кечасидир. Бу кечани хотирловчилар даъволарига кўра, улар шу кечада Масихни қидирадилар. [Аmmo] бу кеча тўғрисида ихтилофлар мавжуд. Баъзилари бу Илиё рўзасидан кейинги ўн тўққизинчи кеча – жума кечаси деса, айримлари Масих салибга тортилган жума, яъни «михланиш жумаси»дир, дейди. Баъзилари эса бу михланишдан бир ҳафта кейинги шаҳидлар жумаси деган.

Бу уч хил сўзлардан биринчиси афзал кўрилади. Агар мўлжалланган йилда рўза боши маълум бўлса ва у йил оддий йил бўлиб, рўза боши оддий йил рўзаси жадвалига киритилса ёки йил кабисали бўлиб, рўза боши кабисали йил рўзаси жадвалига киритилса, бунинг рўпарасида рўзага уланган байрамлар жадвалида, биз айтиб ўтган байрамлар оралиғида, неча кун ва қанча вақт борлиги ҳамда катта рўзадан олдин келувчи Ниневия рўзасининг вақти маълум бўлади. Ушбу жадвал [358–359-бетларда] берилган:

(314)|| [Несторианлар] милод байрамига боғлайдиган [маросимларга] келсак, масалан, «ибодатхона байрами». Бу – милоддан кейинги якшанба куни; Мартани хотирлаш – Мартанинг маъноси «хурматли озод [аёл]». Бу – милоддан кейинги жума куни. Лекин, иттифоқо, милод пайшанба кунига тўғри келса, пайшанба кечаси пайшанба кундузи билан жума кундузи орасида восита бўлиши сабабли милод байрами ва хотирлаш кетма-кет келмасин деб, буни иккинчи жумага қолдирилади.

[Несторианлар] «данҳ» байрамига боғлайдиган [кунларга] келганда, [масалан]: «бокира қизлар рўзаси». Бу – «данҳ» байрамидан кейинги душанба куни [бўлиб], уч кун [давом этади], пайшанба куни рўзадан чиқилади. Шу кунларда ибодийлар<sup>1217</sup> ва христиан араблар рўза тутадилар. Бу [рўза] сабабини шундай баён этганлар: Ҳиранинг исломдан олдинги подшоҳи ўзига [хотинликка] олиш учун ибодий қизларидан бир нечасини танлаган. Шунда қизлар уч кун кетма-кет рўза тутганлар ва подшоҳ у қизларга етишолмай, [уч] куннинг охиргисида вафот этган. Зу Қар<sup>1218</sup> куни араблар форслар устидан ғалаба қозониб, христиан арабларнинг қизлари Аллоҳга ҳамду санолар айтиб шу рўзани тутганлар.

Баъзан бу рўза «Ниневия рўзаси» билан қўшилиб кетади. Бу шундай: катта рўза боши «Ниневия рўзаси» чегарасининг бошига тўғри келса, «данҳ» [байрамидан] кейинги душанба «бокиралар рўзаси» бўлади. Бундан то катта рўзагача йигирма икки кун бор. Натижада ўша кун «Ниневия рўза»сининг ҳам боши бўлади. Бу икки рўзанинг ҳар бири уч кундан иборат.

Кейин несторианлар авлиё Юҳаннани хотирлаш [маросимини] ўтказадилар. Бу «данҳ»дан кейинги жума куни бўлади; иккинчи жумада Павел ва Пётрни хотирлайдилар, бу Юҳаннани хотирлашдан кейинги жума. Павел

яхудий эди. Айтишларига кўра, Масих бир мўъжиза қилган: у аввал [Павелнинг] кўзини кўр қилган, кейин яна очган. Шунда у Масихга имон келтирган. Сўнгра Масих уни халқларни динга даъват этишга юборган. Пётр эса Шамьун ас-Сафодир<sup>1219</sup>.

[Несторианлар] тўрт «Инжил» соҳибларини хотирлашни учинчи жумада, шаҳид Стефанни хотирлашни тўртинчи жумада – баъзилари эса ўша [жумадан] бир кун аввал пайшанба куни; сурёний оталарни хотирлашни бешинчи жумада; оталарни хотирлашни олтинчи жумада; [бу Диодор, Теодор несторианлардан иборат юнонлик епископларни хотирлашдир]; авлиё Абба католикосни хотирлашни еттинчи жумада; Одам болаларини хотирлашни (бу Одамнинг то шу вақтгача ўлган болаларини хотирлашдир) саккизинчи жумада ўтказадилар.

Шунда агар катта рўза келиб [бўш] жума қолмаса, [несторианлар] сурёнар оталарини хотирлашни бекор қиладилар ва унинг ўрнига авлиё Абба католикосни хотирлаб, кейин хотирлаш [маросимини] аввалги тартибда давом эттирадилар. Катта рўзада улар жумалар байрамини бекор қиладилар, фақат бир жума куни кечкурун «қуддас», яъни Тангрини улуғлаш [маросими] бўлади.

(315)|| [Несторианлар] милод ва «данх» [байрамига] боғлиқ бўлган кунлар ҳамда ҳафталардаги хотирлаш кунлари учун жадвал тузганлар, бу [жадвал] ўша кунларнинг сурёний ойлардаги ўринларини кўрсатади. Ушбу жадвал билан иш қилмоқчи бўлган киши Искандар [эраси] йилларини жорий [йил] билан қўшиб, Қуёш даврларига айлантиради. Қолганини несториан христианлари жадвалидаги сонлар каторига киритади. Шунда унинг рўпарасида [байрамларнинг] ҳар бирини учратади, агар у [байрам] кизил билан кўрсатилган бўлса, жадвал тепасида кизил ёзилган ой ичида; қора билан кўрсатилган бўлса, жадвал тепасида қора битилган ой ичида [кўради]. Бунинг юқорисида доимо ўша [байрам] воқе бўладиган ҳафта куни [кўрсатилган].

Агар яъқубий христианлардаги [байрам ва маросимларни] билганимизда эди, бошқа [христианлар] раъйига мувофиқ [ҳисоб] қилганимиздек, албатта, улар раъйига мувофиқ ҳам ҳисоблаган бўлардик, лекин уларнинг мазҳаблари бўйича эътиқод қилувчи ёки улар аҳволини билувчи кишига етишолмадик.

(316–317)|| [Несторианлар] жадвали қуйида берилган:

**[Бу] байрамлар учун биз томондан Қуёш ёрдамида  
хисобланган жадвал:**

Сонлар ҳақора	I	I	I	VI	VI	VI	I	II	I	VI	II
	Тишрин қадим	Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин ҳрой	Тишрин ҳрой	Тишрин ҳрой	Тишрин ҳрой	Тишрин ҳрой Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин ҳрой	Тишрин ҳрой
	Авлиё Сергий хотирланади	Сулаймон хотирланади	Моалсо	Абу Холд дайри хайти	Ал-Қадсия дайри хайти	Ал-Қаҳол дайри хайти	Ас-Субҳор хайти	Авлиё Марям рўзаси	Ибодатхона хайти	Авлиё Марям хотирланади	Ибодатхона рўзаси бу боғи-ралай рўзасидир
		21									
1	7	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
		27									
2	13	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
		26									
*3	12	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
		24									
4	10	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
		23									
5	9	16	30	4	18	25	27	5	1	30	9
		22									
6	8	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8
		21									
*7	7	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
		26									
8	12	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
		25									
9	11	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
		24									
10	10	27	31	5	19	26	28	29	26	31	10
		23									
*11	9	16	30	4	18	25	27	5	1	30	9
		21									
12	7	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
		27									
13	13	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
		26									
14	12	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
		25									

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

*15	11	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
		23									
16	9	26	30	4	18	25	27	5	1	30	9
		22									
17	8	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8

**[Бу] хайитлар учун биз томондан Қуёш ёрдамида  
хисобланган жадвал:**

VI	VI	VI	III	VI	VI	VI	VI	VI	I	VII
Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот Озар	Айтул	Айтул Ташрин Қадим
Юханно хотирла- нади	Павел ва Петр хотирланади	Нижеги муаллифла- ри хотирланади	Дайламлик авлиё Юханно хотирла- нади	Стефан хотирла- нади	[Сурилик] оталар хотирланади	Юноник оталар хотирланади	Авлиё Авво жослик хотирла- нади	Одам болалари хотирланади	Бар Сафо хотир- ланади	Ас-Саалиб дағри байрами
11	18	25	29	1	8	15	22	1	30	29 1
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
9	16	23	3	30	6	13	20	27	289	27
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	3	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	
11	18	25	29	1	8	15	22	29	30	29 1
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	2	25	24
11	18	2	29	1	8	15	22	1	30	29
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
13	20	27	31	3	10	17	24	3	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	

**[Бу] хайитлар учун биз томондан Куёш ёрдамида  
хисобланган жадвал:**

Сонлар қатори	I	I	I	VI	VI	VI	I	II	I	VI	II
	Тишрин қадим	Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин хрой	Тишрин хрой	Тишрин хрой	Тишрин хрой	Тишрин хрой Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин қадим	Тишрин қадим Тишрин хрой	Тишрин хрой
	Авлиё Сергий хотиярланади	Сулаймон хотиярланади	Моалсо	Абу Халид Дайри байрами	Ал-Қадисия Дайри байрами	Ал-Қаххол Дайри байрами	Ас-Суббор байрами	Авлиё Марям рўзаси	Ибодитхона хайити	Авлиё Марям хотиярланади	Ибодитлар рўзаси бу боксралар рўзасидир
		21									
18	7	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
		27									
*19	13	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
		25									
20	11	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
		24									
21	10	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
		23									
22	9	16	30	4	18	25	27	5	1	30	9
		22									
*23	8	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8
		17									
24	13	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
		26									
25	12	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
		25									
26	11	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
		24									
*27	10	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
		22									
28	8	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8

**[Бу] байрамлар учун биз томондан Қуёш ёрдамида  
ҳисобланган жадвал:**

VI	VI	VI	III	VI	VI	VI	VI	VI	I	VII
Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой	Канун хрой Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот Озар	Айгул	Айгул Тишрин қадим
Юханно хотирланади	Павел ва Петр хотирланади	Инжил муаллифлари хотирланади	Дайламлик авлиё Юханно хотирланади	Стефан хотирланади	[Суриялик] оталар хотирланади	Юнонлик оталар хотирланади	Авлиё Авво жослик хотирланади	Одам болалари хотирланади	Бар Сафо хотирланади	Ас-Саолиб Дайри байрами
11	18	25	29	1	8	15	22	1	30	29 1
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	3	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	1	24	
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28 1
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	27	4	11	18	25	26	
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	



## ХVIII б о б . Қ А Д И М Г И М А Ж У С И Й Л А Р Б А Й Р А М Л А Р И , С О Б И Й Л А Р Н И Н Г Р Ё З А В А Б А Й Р А М Л А Р И Ҳ А Қ И Д А

Қадимги мажусийлар Зардушт юзага чиқишидан олдин ҳам мавжуд эдилар<sup>1220</sup>. [Энди] улардан Зардушт динига инонмайдиган холис ва соф бирон киши топилмайди, балки улар ҳам Зардушт кавмидан ёки Куёшга топинувчилардан бўлиб кетганлар; лекин улар бирмунча қадимги [урф-одатларни] хикоя қилиб, шулар билан ўз динларига нисбат берадилар. Бу нарсалар Куёшга топинувчиларнинг ва қадимги ҳарронийларнинг шариятларидан олингандир.

Собийлар эса [бу номнинг ҳақиқатда собийлар исмига эга бўлган халққа хос бўлаётганини юкорида айтдик], улар Бухтунассар Байт ул-Муқаддасдан Бобилга кўчирган Бобил асирларининг наслларидандир.

Улар шу ерга ўрганиб, Бобил мамлакатига кўникдилар, Шомга қайтиш малол келиб, Бобилда туришни ихтиёр этдилар. Динлари жиҳатидан ишончли ўринда бўлмаганларидан мажусийлар сўзларини эшитиб, [у сўзларнинг] баъзиларига инондилар. Натижада, Бобилдан Шомга кўчирилган, яъни сомирийлар деб танилганлар эътиқоди каби уларнинг мазҳаблари ҳам мажусийлик ва яҳудийликдан иборат [аралаш] бўлиб қолди.

Бу табақанинг аксари Ироқ саводида учратилади. Булар ҳақиқий собийлар бўлиб, йиғноқ эмас, тарқоқ ҳолда; бошқаларга эмас, ўзларига [тегишли] махсус шаҳарларда яшайдилар. Шу билан бирга, улар иттифоқ билан бир эътиқодда эмаслар, гўё улар ўз эътиқодларини маълум бир динда собит бўлган ваҳий ё илҳом ёки шу иккисига ўхшаш асосга боғламайдилар ва ўзларини Ануш ибн Шис ибн Одамга нисбат берадилар.

Гоҳо бу исм қадимги мағриб дини аҳлининг қолдиги бўлган ва юнонлик румлар христианликни қабул этгандан кейин у диндан ажраган ҳарронийларга нисбатан ишлатилади. Ҳарронийлар ўзларини Агатодемон, Гермес, Валис, Маба ва Саварга нисбат берадилар, шулар ва уларга ўхшаш донишмандларни пайғамбар деб эътиқод қиладилар. Гарчи ҳарронийлар, Аббосийлар давлати [замонида] икки юз йигирма саккизинчи йили<sup>1221</sup> зиммийлар каторига олиниб, аҳду омон берилиши учун ўзларини шу Собий исми билан атаган бўлсалар ҳам, бу исмнинг бошқалардан кўра уларга нисбатан [ишлатилиши] машҳурроқдир. Бундан олдин улар ҳанифлар<sup>1222</sup>, васонийлар<sup>1223</sup> ва ҳарронийлар<sup>1224</sup> деб аталганлар.

[Собийлар] ойларини сурёнча номлар билан атайдилар ва бу тўғрисида яхудийлар йўлига ўхшаш йўлдан бориб, ўзларини уларга ўхшатадилар. Чунки яхудийлар [уларга нисбатан] қадимгироқдир. Демак, уларга кўшилиш энг дуруст [ишдир].

(319)|| Собийлар ойларнинг номларига «ҳилол» лафзини кўшиб, «ҳилоли Тишрини қадим», «ҳилоли Тишрини ҳрой» дейдилар. Уларда йил боши «ҳилоли Канун ҳрой»дир, лекин санашда «ҳилоли Тишрини аввал»дан бошлайдилар. Кун боши уларда янги Ойлар билан ҳисобловчиларга хилоф равишда Куёш чиқишидан ҳисобланади. Учрашувнинг иккинчи куни уларда янги Ойнинг боши бўлади. Қачон учрашув – бир дақиқа бўлса ҳам – Куёш чиқишидан олдин бўлса, албатта, ундан кейинги кун ой боши бўлади. Агар учрашув Куёш чиқиши билан биргаликда ёки Куёш чиққандан кейин бўлса, учрашувнинг иккинчи куни ой бошидир. Уч йилда бир ой ва бир неча кун йиғилгач, улар ойларига ҳилоли Шуботдан кейин бир ой кўшадилар ва буни «ҳилоли Озари қадим» деб атайдилар.

Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий ўзининг «Ал-Комил» [номи] билан машҳур бўлган зижида собийлар байрамларидан бир нечасини хабар тариқасида баён этган, [лекин] уларнинг дастлабки аҳволини текширмаган ва сабабларини батафсил кўрсатмаган. Биз уларни шу бобга кўчирдик, бошқалардан эшитганимизни ҳам шуларга кўшдик. Бу [байрам кунларини] ҳисоблар билан текшириб, юзаки томондан тузатдик, чунки бизда бу [кунлар] тўғрисида бошқалар ҳақида бўлгани каби аниқлаш қуввати йўқ эди. Аллоҳ тўғри [йўлга] муваффақ этгувчидир.

**Ҳилоли Тишрин қадим.** Бу ойнинг олтинчи куни – Заҳбона байрами. Еттинчисида – байрамни нишонлаш бошланади.

Ўн учинчи кунда Фудий Илоҳий байрами нишонланади.

Ўн тўртинчи кунда Илоти Фудий байрами нишонланади.

Ўн бешинчи кунда Куръалар байрами нишонланади.

**Ҳилоли Тишрин ҳрой.** Бу ойнинг биринчи куни – Катта бахт [байрами]. Иккинчи куни авлиё Шилама [хотирланади.]

Бешинчи кунда бош сочини кириш учун «туз сочиш» маросими бўлди.

Тўккизинчи кунда Зухра санами Тарсо [байрами] нишонланади.

Ўн еттинчи кунда Тарсо байрами нишонланади. Шу куни Батнон [шаҳрига] чиқилади.

Ўн саккизинчи кунда Саруж байрами нишонланади. Бу кийимлар янгиладиган кун. Абул-Фараж аз-Занжонийнинг айтишига кўра, бу ойнинг тўртинчиси Мазол байрамининг боши, ой бошидан ўн саккизинчи куни унинг охиридир.

**Ҳилоли Кануни қадим.** Бу ойнинг еттинчи кунда Зухра санамига девор айлантериш байрами нишонланади.

Ўнинчи кунда Миррих учун санамлар байрами нишонланади.

Йигирманчи кунда Жинлар байрами нишонланади.

Йигирма биринчи кунда биринчи рўза боши. Шундан кейинги учрашув куни рўзадан чиқилади. Бу рўзада гўшт ейиш ҳаром ҳисобланади. Собийлар рўзалардан чиқишда садақа ва эҳсон қиладилар.

Йигирма саккизинчи кунда Жинларни чиқариш байрами нишонланади.

Йигирма тўққизинчи кунда Жинлар учун бахтлар байрами нишонланади.

(320)|| Ўттизинчи кунда Маслаҳат байрами нишонланади. Абул-Фараж аз-Занжонийнинг айтишига кўра, шу ойнинг йигирма тўртинчи куни милод байрами нишонланади.

**Ҳилоли Канун ҳрой.** Бу ойда бўладиган барча дуо, рўза ва байрамлар жинлар учундир.

Биринчи куни – румликлардаги Қаландос [байрами] сингари йил боши байрами.

Тўртинчи кунда Дайр ал-Жабал [монастири] байрами ва Балтий, яъни Зухра байрами.

Саккизинчи куни – етти кунлик рўза бошланиб, ўн бешинчида рўзадан чиқилади.

Ўн иккинчи кунда Вахсу чакирилади.

Йигирманчи куни Бел Ҳарронга қараб дуо ўқилади.

Йигирма бешинчи кунда Тирраса санамига дуо ўқилади.

Йигирма олтинчи кунда Йил тўйи байрами нишонланади.

**Ҳилоли Шубот.** Тўққизинчи куни – кичик рўза бошланади. Бу етти кун [давом этиб], ойнинг ўн олтисида рўзадан чиқилади. Бу рўзада ёғли нарсасиз турли узум ва узумдан [тайёрланган] егулик ва ичимликлардан бутунлай тотмайдилар.

Ўнинчи кунда Қуёш учун «Келин уйи» байрами нишонланади.

Йигирма иккинчи кунда Қуёш учун Мантас байрами нишонланади.

Йигирма тўртинчи кунда Ҳурматли шайх, яъни Зухал байрами нишонланади.

Йигирма бешинчи кунда Алмана тўйи байрами нишонланади.

**Ҳилоли Озар.** Биринчи куни Ай рўзаси бошланиб, уч кун [давом этади] ва бу ойнинг тўртинчи кунда рўзадан чиқилади.

Еттинчи куни – Гермес – Уторид байрами нишонланади.

Бу ойнинг саккизинчи куни – катта рўза бошланади. Бу рўзада фақат гўшт ҳаром саналади. Бу рўзанинг бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти шуки, [собийлар] бунда Қуёш Ҳут буржида эканида таъзия [бошлаб], то ўттиз бир кун ўтгунича [давом этадилар], шунда Қуёш Ҳамал буржида, Ой Саратон буржида Қуёшники каби даражаларда бўлади. [Ўша кунларнинг] боши собийлар рўзасининг боши бўлиб, охири рўзадан чиқиш [қунидир].

Баъзан Ҳилоли Озар ўттиз кундан кам бўлса, бу рўза йигирма тўққиз кун давом этади.

Ўнинчи кунда болалар кўкрак сутидан ажратилади.

**Ҳилоли Нисон.** Иккинчи кунда – Дамис байрами нишонланади.

Учинчи кунда Сурма байрами нишонланади.

Тўртинчи кунда қўшиқлар эъзозланади.

Бешинчи кунда Зухранинг санами Балиан байрами нишонланади.

Олтинчи кунда Симор ва Ойдаги тирик жонивор байрами нишонланади.

Козий Дайри монастири байрами ҳам шу куни нишонланади. Кўп ҳолларда катта рўзадан чиқиш шу ойнинг саккизинчи кунига тўғри келади. Яна шу кунда Рухларнинг туғилиши байрами ҳам нишонланади.

Тўққизинчи кунда Соатлар соҳиблари байрами нишонланади.

Ўн бешинчи кунда Симок [юлдузи] сирлари байрами.

(321)|| Йигирманчи кунда Козий Дайри монастирида йиғилиш байрами.

Йигирма саккизинчида Дайр-Синий [монастири] байрами нишонланади.

**Ҳилоли Айёр.** Иккинчи куни шайтонлар раиси Салуға байрами нишонланади.

Учинчи кунда Бағдод ибодатхонаси байрами нишонланади.

Тўртинчи кунда Назр-ниёзлар байрами нишонланади.

Олтинчи кунда Амисулҳ байрами нишонланади. Бу – чўқинтириш байрами ҳамдир.

Еттинчи кунда Ой санами Даҳдок байрами нишонланади.

Ўн биринчи кунда Даҳдок ва Журушиё байрами нишонланади.

Ўн иккинчи кунда Журушиё байрами нишонланади.

Ўн учинчи кунда Бархушиё байрами нишонланади.

Ўн бешинчи кунда Бархурушиё байрами нишонланади.

Ўн еттинчи кунда Похол дарвоза байрами нишонланади.

Йигирманчи кунда Даҳдок учун охирги байрам, Даҳдок кўр санамдир. Шу куни Тарауз байрами ҳамдир.

**Ҳилоли Ҳазирон.** Еттинчи кунда Таммуза хотирланади. Бунда йиғлаб, фарёд чекадилар.

Йигирма тўртинчи кунда Ал-Курмус байрами. Бу табриклаш байрами ҳамдир.

Йигирма еттинчи кунда Қассоб ибодатхонаси байрами нишонланади.

**Ҳилоли Таммуз.** Ўн бешинчи куни Йигитлар байрами нишонланади.

Ўн еттинчи кунда «Уруси дақоик»<sup>1225</sup> байрами нишонланади.

Ўн саккизинчи кунда Дақоик байрами нишонланади.

Ўн тўққизинчи кунда ҳам Дақоик байрами нишонланади.

**Ҳилоли Об.** Учинчи куни – Зухра санами Дайлафатон байрами.

Еттинчида ҳам Дайлафатон [байрами] бўлади.

Йигирма тўртинчи кунда – иссиқ булоқ ҳаммоми Саружда чўмилиш байрами нишонланади.

Йигирма олтинчи кунда ҳам байрам нишонланади.

Йигирма саккизинчи кунда Кафармисо байрами нишонланади.

Ўттизинчи куни – иссиқ булоқ ҳаммоми Саружда чўмилишнинг охири.

**Ҳилоли Айлул.** Ўн учинчи кунда «Амид даруно»<sup>1226</sup> байрами, аёллар учун – рўзадан чиқиш.

Ўн тўртинчи кунда Дафално рўзаси.

Йигирма тўртинчи кунда Янги ойлар чиқиши байрами нишонланади.

Йигирма бешинчи кунда Ҳаррон тепалигида Шам байрами нишонланади.

[Собийлар] ойларининг ҳар бирида уларнинг қоҳинларига фарз қилинган рўза кунлари бор. Менимча, бу [рўза] ҳар ойда ўн тўрт кун ёки ҳар ойнинг ўн тўртинчи куни [бўлади]. Бунинг ҳақиқатини аниқлай олмадим.

[Собийлар] мазҳабларини баён этувчиларнинг бири бундай ҳикоя қилди: «Ҳар ойнинг ўн еттинчи куни собийлар учун байрам. Бунинг сабаби Тўфоннинг ноаниқ бир ҳилол ойнининг шу кунда бошланганидир. Иккала тенгкунлик ва иккала Қуёш туриш кунлари ҳам улар учун байрам. Қуёш туришларининг қишкиси [янги] йил туғилишидир».

(322)|| Ал-Ҳошимий ва бошқалар баён этган [байрам ва маросимлар] ана шулар. Биз уларни қандай ёзилган бўлса, шундай ҳолатда жамлаб кўчирдик, холос. Уларни [шу мазҳаб] эгаларидан эшитиш ва собийлар, ҳарронийлар ҳамда энг қадимги мажусийларга тегишли нарсаларни бир-бирдан ажратиш бизга муяссар бўлгач, иншооллоҳ бу йўлда ҳам бошқача йўлдан борамиз.

Собийларнинг катта рўзалари [боши] Қуёш ва Ой «жуфт танали»<sup>1227</sup> икки буржда эканида ҳилоли Озарнинг биринчи чорагида; рўзадан чиқиш эса бу иккала ёриткич биргаликда «ҳаракатчан» [ва] муайян икки буржда эканида, ҳилоли Нисоннинг биринчи чорагида воқе бўлади. Бу ҳол собийлар ойларининг шамсий йилда яҳудийлар ойлариники сингари айланишларини тақозо қилади, бу ўртача ҳаракатга кўради. Булардан ҳар бирининг сабаби иккинчисиникига боғлиқдир. Чунки пасханинг шартиники иккала ёриткичнинг икки тенгкунлик буржларида бир марта бир-бирига рўпара келишидир. Баъзан улар икки марта шундай рўпара келиши ҳам мумкин. Рўзадан чиқишларининг шартиники эса биз [юқорида] эслатиб ўтган сабабдир. Демак, шунда пасхадан олдинги ой чораги собийларнинг рўзадан чиқишлари, кузги тенгкунликка энг яқин учрашув эса улар йилининг боши бўлиб, бу Айлул чегарасидан чиқмоқдир. Агар йил бошини ўн тўққиз йиллик даврлардан бирортасида синчикламай ҳисобласак, [ўтилган натижа] ҳосил бўлади. Чунки собийлар йил бошини, биз [юқорида] эслатгандек, учрашув вақти билан тўғрилайдилар. Яҳудий ва христианларнинг пасхани аниқлашдаги амалиёт ва ҳисоблари ёриткичларнинг, айниқса, Қуёшнинг, ҳақиқатдан, кейинда

қолганлиги бизга равшан бўлган ҳаракатларига асосланган. Агар [Қуёш ва Ойнинг] рўпара туриши ёриткичларнинг янги расадлар орқали бўлган ҳаракатлари билан аниқланса, – баъзи бир рўпара туришнинг бу икки [миллат олимлари] фикрига қараб – пасха учун тайинланган чегара бошларидан олдин келиши кўрилади. Бундай рўпара туриш тўғри бўлиб, [яхудий ва христианлар] бунинг тарк этиб, эътиборга олмайдилар. Баъзи [рўпара туришнинг] эса пасха учун белгиланган чегара охирига яқин келиши кўрилади. Бу нотўғри бўла туриб [улар] бунинг асос қилиб оладилар ва унга суянадилар, ҳақиқийси эса ундан бир ой аввал келади.

Юқоридаги [баёндан] мақсадимиз ҳақиқатларни юзага чиқариш ва иккала гуруҳ<sup>1228</sup> орасида восита бўлиб, улар ўртасидаги [келишмовчиликни] ислоҳ этиш бўлгач, иккала гуруҳдан ҳар бирининг амалиётлари сингари иш қилдик. Улардан ҳар бирига у [амалиётнинг] фойдали ва зарарли натижаси зоҳир бўлсин, деб ишни униси ва бошқасининг фикрига [мосладик]. Ниҳоят, ҳақиқат зоҳир бўлиб, қайси бирининг сўзини танлашни ва унинг фикрига асосланишни ўз томонимиздан кўрсатдик. Мазкур қонун-қоидаларни текширганимизда, бир гуруҳга қарши чиқишимиздан кўнгли нотинч бўлмасин, чунки у қонунлар ўз ҳолича қолганда, биз аксарини эслатиб ўтган чалқашлик ва тартибсизликлардан холи бўлмайди.

(323)|| Шундай қилиб, пасха чегараларининг бошини Озарнинг ўн олтинчи кунига кўямиз ва [Қуёш билан Ойнинг] рўпара туриш кунини, ҳақиқатан, икки тенгқунликнинг икки буржида воқе бўлади, деб ҳисоблаймиз. Давр ичидаги пасхаларни шу [қунга] асосан шундай белгилаймизки, бирон пасха ҳам тайинланган ўша чегарадан олдин келмайди, юқорида шарт қилингандек, пасха фақат икки ёриткич [Қуёш ва Ой] шу кунини бир-бирига рўпара келгандагина воқе бўлади. Пасха чегараларининг охири Нисоннинг ўн учинчи кунини бўлади. Лекин Қуёш пасхалардан кейин ҳам Ҳамал буржида [кўринса], Ой унга рўпара келмайди. Аммо бундан олдин шу буржда бир марта рўпара келган бўлади. Кейин [қунлари] тўғриланган пасхалардан собийларнинг рўзадан чиқишини [ва] бундан эса янги йиллари бошини аниқлаймиз. Бу эса ҳилоли Тишрин қадимда [Қуёш билан Ой] учрашувидир.

Биз бу [амалиётни] ишлаб, жадвалларда кўрсатдик. Кимки Искандар эраси йилларини [собийлар янги] йили бошидаги учрашувдан кейинги Тишрин қадимнинг бошида қамайиб бораётган йил билан қўшиб ҳисоблаб, унга ўн олтинчи кўшса ёки ундан учини айирса ва йиғиндини ўн тўққизга бўлиб, бўлинмани ташласа ва қолганини тўғриланган давр жадвалининг сонлар қаторига киритса, бунинг рўпарасида [собийлар] йил бошини, катта рўзаларидан чиқиладиган қунни, [қуни] тўғриланган пасхани ва христианларнинг сурёний ойларнинг [қайси қунларига] тўғри келиши бу пасха орқали аниқланган ўрта рўзаларини кўради. Тўғриланган давр жадвали қуйида кўрсатилган:

(324)|| Тўғриланган давр жадвали

Сонлар	Даврдаги яббур йиллар	Собийлар йили бошининг айлул [кунларга] тўғри келиши	Катта рўзаларидан чиқиб	Шу рўзадан чиқиб тўғри келган ой	Тўғриланган пасха	Шу пасха тўғри келадиган ой	Христианларнинг шу пасха орқали аниқланган ўрта рўзаси	Шу рўза ой	Шу пасхадан кейин келадиган тигрин боши	Тигрин боши тўғри келадиган ой
1		28	1	Нисон	8	Нисон	20	Шубот	18	Айлул
2	Иббур	17	21	Озар	28	Озар	9	Шубот	7	Айлул
3		6	9	Нисон	16	Озар	28	Канун хрой	26	Об
4		25	29	Озар	4	Нисон	16	Шубот	14	Айлул
5	Иббур	14	17	Озар	24	Озар	5	Шубот	3	Айлул
6		2	5	Нисон	12	Нисон	24	Шубот	22	Айлул
7	Иббур	21	25	Озар	1	Нисон	13	Шубот	11	Айлул
8		10	13	Нисон	21	Озар	2	Шубот	31	Об
9		29	2	Нисон	9	Нисон	21	Шубот	19	Айлул
10	Иббур	18	22	Озар	29	Озар	10	Шубот	8	Айлул
11		7	10	Нисон	18	Озар	20	Канун хрой	28	Об
12		26	30	Озар	6	Нисон	18	Шубот	16	Айлул
13	Иббур	15	19	Озар	26	Озар	7	Шубот	5	Айлул
14		4	7	Нисон	15	Озар	27	Канун хрой	25	Об
15		23	27	Озар	3	Нисон	15	Шубот	13	Айлул
16	Иббур	12	16	Озар	23	Озар	4	Шубот	2	Айлул
17		1	4	Нисон	11	Нисон	23	Шубот	21	Айлул
18	Иббур	20	24	Озар	31	Озар	12	Шубот	10	Айлул
19		9	12	Нисон	20	Озар	1	Шубот	30	Об



(325)|| XIX б о б . ЖОҲИЛИЯ [ДАВРИДА] АРАБЛАР НИШОНЛАГАН  
[БАЙРАМЛАР] ТЎҒРИСИДА

Биз юқорида араблар ойларининг ўн иккита эканини, улар ойларга кўшимча кўшишларини, натижада ойлари шамсий йил билан биргаликда бир йўлда айланишини ва шу сабабли ойларнинг номларида арабларни ўзаро келишувга чақирган маънолар борлигини айтдик<sup>1229</sup>. [Ойлар] номларининг баъзиси, улар йилнинг қайси вақтида [келишини], баъзиси эса арабларнинг ўша ойларда қиладиган [маросимларини] кўрсатади. Ойларнинг номлари ҳақида тилшунослардан ва араблар ахборотини ривоят қилувчилардан баъзиларининг фикрини баён қилдик. Энди бу ҳақда уларнинг бошқа бирларининг фикрини эслаймиз.

**Муҳаррам.** Бу ойнинг бундай аталишига сабаб, араб ойларидан тўрттаси ҳаром ойлар саналиб, [улардан] биттаси танҳодир, бу – Ражаб [ойи], учтаси [эса] кетма-кет келади, булар: Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам. Араблар шу тўрт ойда жанг [қилиш]ни ҳаром қиладилар<sup>1230</sup>.

**Сафарнинг сафар**<sup>1231</sup> деб аталишига сабаб, уларда шу ой вабо пайдо бўлиб, одамлар касал бўлганлар ва ранглари саргайган. Кейин **Рабиулаввал** ва **Рабиулохир.** Бу икки ой куз фаслида келар эди. [Исломгача бўлган] араблар кузни робий<sup>1232</sup> деб атардилар.

Кейин **Жумодилаввал, Жумодилохир**<sup>1233</sup>. Бу ойларда тонг совуқлари бошланиб, муз ва қиров тушади, сув яхлайди. Бу қиш фаслидир.

Кейин **Ражаб.** Бунинг Ражаб деб аталишининг сабаби «иржабу» феълидир, яъни «уришиш ва талончиликдан тийилинг, чунки бу ҳаром ой» дейилган. [Баъзиларнинг] айтишича, балки араблар бу ой келиб қолишидан кўрқиб, олдинроқ [ўз ишларини тугатадиган] бўлганлар. [Бир нарсадан кўрқилса], «ражибту шайъан», яъни «фалон] нарсадан кўрқдим», – дейилади.

**Сўнгра Шаъбон**<sup>1234</sup> [келади]. [Бундай аталишига] сабаб, [араб] қабилалари бу ойда сув бўйларига чиқар ва талончилик қилардилар. Бундан кейин **Рамазон**<sup>1235</sup>. У ҳарорат кўтарилиб, ер қизиган вақтда [келар эди]. Араблар жоҳилия [даврида] бу ойни улуғлар эдилар.

**Сўнгра Шавволдир**<sup>1236</sup>. [Унинг шундай аталишининг] сабаби бунда «шаввал», яъни «кўчинглар!» дейилган. [Баъзиларнинг] айтишига кўра, балки бу ном билан аталишининг сабаби: шу вақтда туялар жинсий алоқани истаб, думларини кўтардилар. Шунинг учун араблар бу ойда ўғил уйлантирмайди-



лар ва киз чикармайдилар. Кейин **Зулқаъда**<sup>1237</sup>. Бу ойда «ўтиринг ва жангдан тийилинг!» дейилгани учун шундай [аталган].

**Зулҳижжа** – бу ойда араблар ҳаж қилгани сабабли шундай [аталган].

Бу ойлар [йилнинг] тўрт фаслига тақсимланган эди. Араблар у [фаслларни] куздан бошлаб, кузни «робийъ» деб атардилар. Кейин қиш, сўнгра баҳор келиб, буни «сайф»<sup>1238</sup> деб атардилар, баъзилари «иккинчи робийъ» деб атаган. Сўнгра ёз [келади], буни «қайз»<sup>1239</sup> деб атардилар. Лекин бундай аташ бекор қилинган ва ёдда сақланмаган.

Арабларнинг йил фасллари чегаралаб кўрсатишидан фақат куйидагиларга воқиф бўлинди: «робийъ», яъни кузнинг боши – уларда Айлулнинг учинчиси, қиш боши – Канун қадимнинг учинчиси, «сайф», яъни баҳорнинг боши – Озарнинг бешинчиси ва қайз, яъни ёзнинг боши Ҳазироннинг тўртинчиси эканлиги. Арабларнинг шундай [чегара белгилаганлари] Ой манзилларининг чиқиш ва ботишлари ўша [фаслларга] тақсимланганидан билинди.

(326)|| Тўрт фаслнинг бошланиши ихтилофли масалалардандир. Птолемей «Сфералар ҳақидаги фанга кириш» китобида: «Юнонлар [тўрт фаслни] Қуёшнинг икки тенгкунлик ва икки Қуёш туриш нуқталарига келишидан ҳисоблаганлар» [деб] кўрсатган. Калдонийлар ҳақида ҳикоя қилиб, улар [йил фасллари] бошларини икки тенгкунлик ва икки Қуёш туришидан саккиз даража кейиндан ҳисоб қилганлар. Бизнинг фикримизча, бунга калдонийлар зижларидаги ҳисобларнинг юнонлар тажрибаси ва уларнинг зижлари тақозо этган муддатдан орқада қолиши сабаб бўлган, у муддат саккиз даража микдор фараз қилинган. Чунки [калдонийлар] бу тафовутни осмон сферасининг олд ва орқага томон ҳаракатидан деб билардилар, [бу ҳаракатнинг] бориб етган чегараси саккиз даражадир<sup>1240</sup>. Яна уларнинг мақсадларини Аллоҳ яхшироқ билгувчидир.

Бу ҳаракат Абу Жаъфар ал-Хозиннинг «Ас-сафоих»ида<sup>1241</sup>, Иброҳим ибн Сионнинг «Қуёш ҳаракати ҳақида китоб»<sup>1242</sup> номли асариде батафсил баён этилган.

Аммо румликлар ва сурёнийлар [фасллар] бошини икки тенгкунлик ва икки Қуёш туриши тўрт нуқтасидан ярим бурж олдинга қўйганлар. Натижада фасллар бошлари Қуёшнинг олдинги буржлар ярмига киришидан [ҳисобланган]. Шунинг учун [у буржлар] «икки жасаддилар» деб аталган.

Сион қибтлар ва Гиппархдан икки хил ҳикоя қилган, иккиси ҳам [фасллар бошини] ўша тўрт нуқтадан расо бир бурж аввал қўйишни тақозо этади.

Табиатшуносларнинг ўтакетган ашаддийлари [фасллар бошини] бир ярим бурж олдинга қўйганлар. Уларнинг, ҳақиқатан, ҳаддан ташқари узоклашганлари эса буни Қуёшнинг экватордан ўзининг тўла огишининг ярмича [мойил] бўлган пайтидан ҳисоб қилганлар. Бу билан улар халқ урфидан чиқиб, тўрт фаслга ном қўйилишига сабаб бўлган маънолардан узоклашганлар.

У фикрлар турли ихтилофлари билан бирга жадвал ичига олинди. Жадвал шаклининг кўриниши куйидагича:

(327)||

Турли фикрлар		Румликлар, сурёнлар ва кўпчилик мунажжимлар		Птолемей баёнига кўра юнонлар		Птолемей хикоясига кўра калдонийлар		Анво китобларида баён этилишига кўра араблар	
Фасллар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	
Баҳор	1	Озар	15	Озар	23	Озар	5	Озар	
Ёз	1	Ҳазирон	16	Ҳазирон	24	Ҳазирон	4	Ҳазирон	
Куз	1	Айлул	17	Айлул	25	Айлул	3	Айлул	
Қиш	1	Канун кадим	15	Канун кадим	23	Канун кадим	3	Канун кадим	

Турли фикрлар		Синон ибн Собит хикоясига кўра кибтийлар		Синон ибн Собит хикоясига кўра Гишарх		Ҳақиқатдан чеглашган ўтакетган табиатшунослар		Табиатшуносларнинг ҳаддан ташқари ҳақиқатдан узоклашганлари	
Фасллар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар
Баҳор	1	Шубот	7	Шубот	11	Шубот	1	Канун хрой	15
Ёз	1	Айёр	10	Айёр	12	Айёр	1	Нисон	15
Куз	1	Об	15	Об	16	Об	1	Таммуз	17
Қиш	1	Тишрин хрой	11	Тишрин хрой	11	Тишрин хрой	1	Тишрин кадим	17

Насий қилинган ойларининг маълум вақтларида [жоҳилия] арабларининг махсус жойларда бозорлари бўлар эди. Улардан бири Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Бағдодийнинг<sup>1243</sup> «Китоб ал-мужир»да эслатиб ўтганидир. У бундай деган:

«Думат ал-жандал<sup>1244</sup> бозори. Рабиулаввалнинг биринчи кунидан то ярмигача давом этиб, бунда арабларнинг олди-сотди ишлари тош ташлаш билан бўлар эди. Яъни, мол тепасига халқ йиғилар ва молга қизиққан киши [унинг устига] тош ташларди. Гоҳо бир молнинг харидори кўпайиб кетарди, шунда улардан ким тош ташласа, [молнинг ўша кишига] сотилиши лозим бўлар эди».

Сўнгра **Ал-Мушакқар**<sup>1245</sup> бозори. Иккинчи жумаданинг биринчи кунидан бошланиб, бунда савдо-сотик, хилофгарчилик ва ёлғон гап хавфи сабабли «мулосама», яъни имо-ишора билан бўлар эди.

Кейин – **Сухар**<sup>1246</sup> бозори. Ражаб ойининг ўнинчисидан бошланиб, беш кун давом этарди.


Кейин **Даба**<sup>1247</sup> бозори. Ражабнинг охирги куни бўлиб, бунда савдо-сотик келишиш йўли билан бўлар эди. Сўнгра **Аш-Шихр**<sup>1248</sup> бозори. Шаъбоннинг ярмида бўлиб, бунда олди-сотди [мол устига] тош ташлаш йўли билан бўларди.

Кейин **Адан**<sup>1249</sup> бозори. Рамазон ойининг биринчи кунидан то ўнинчи кунигача давом этарди.

Сўнгра **Санъо**<sup>1250</sup> бозори. Рамазон ойининг ярмида бошланиб, унинг охиригача давом этарди.

Кейин **Ар-Робия**<sup>1251</sup> ва **Укоз**<sup>1252</sup> [бозорлари]. **Ар-Робия** Хазрамавтда, Укоз эса Нажднинг юқори қисмида Арафот яқинидадир. Бу икки [бозор] бир кунда – Зулқаъда ойининг ярмида очиларди. **Укоз** арабларнинг энг катта бозорларидан бири бўлиб, бунда курайш, ҳавозин, гатафон, аслам, укайл, ал-мусталиқ [қабилалари], ҳабашлар ва бирор қабиллага мансуб бўлмаган одамлар катнашардилар. Бу бозор Зулқаъданинг ярмидан то ой охиригача давом этарди. Зулҳижжа ойи кўринганда **Зулмажоз** [бозорига] келардилар. Бу бозор Укоз яқинида бўлиб, «сувга кондириш куни»гача<sup>1253</sup> давом этарди. Кейин Минога қайтардилар.

Сўнгра Ҳайбарда **Ан-Натот** бозори ва Ямомада Ҳажр бозори.<sup>1254</sup> Булар Муҳаррам бошидан то ойининг ўнинчисигача давом этарди. Аллоҳ ислом [дини] юборгач, бу урф-одатни аксари тарк этилди.



## XX б о б . МУСУЛМОНЛАРДА НИШОНЛАНАДИГАН [КУНЛАР] ҲАҚИДА

Мусулмонларга келсак, улар [жоҳилиядаги] араб ойларини насий қилмай қўллайдилар. Бунинг сабабини ва бу ҳақдаги гапларни юқорида айтдик. Тўртта «хурматли» ойни тақиқланган ҳисоблайдилар. Чунки Аллоҳ таоло: «Улардан тўрттаси уруш тақиқланган ойлардир. ...Бас, ўша ойларда жанг қилиб ўзингизга зулм қилмангиз»<sup>1255</sup> деган. Улар Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжанинг биринчи ўн кунини «ҳаж ойлари» деб атайдилар. Бу шундай ойларки, Аллоҳ улар ҳақида: «Ҳаж мавсуми учун маълумотлар белгиланган. Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса, ҳажни ният қилса, ҳаж давомида хотинига яқинлашиш, гуноҳ-маъсият ва жанжал каби ишларга рухсат йўқ»<sup>1256</sup>, – деган.

(329)|| Буларнинг «ҳаж ойлари» деб аталишига сабаб шуки, ҳаж қилувчининг бу ойлардан олдин эҳром ҳудудига<sup>1257</sup> кириши мумкин эмас. [Турли] мазҳаб вакиллари бўлган фақиҳларнинг бу [ойлар] ҳақида ихтилофлари мавжуд. Ихтилофлар фикҳ бобида киради, уни [бу ерда] баён этилса, китобнинг [ҳажми] ортиб кетади.

Ҳаж мавсуми [икки ойу ўн кун бўлса ҳам, Зулҳижжа] ойининг учдан бири бўлмиш каср [вақтни] тўла ҳисоб қилинган ва «ойлар» деб кўпликда ишлатилган.

Аллоҳ: «Эй, мушриклар! Уруш тақиқланган тўрт ойда ер юзи бўйлаб саёҳат қилингиз»<sup>1258</sup>, – деб [Макка мушрикларига] аҳд-омон берилган ойлар эса, Қурбон байрами кунидан<sup>1259</sup> Рабиулохирнинг ўнинчисигача бўлган [муддатдир]. Чунки Амир ал-мўъминин [Али] алайҳиссалом шу сурани Қурбон байрами куни [ҳаж] мавсумида халққа ўқиб берган.

Мусулмонларнинг шу ойларда улуғлайдиган кунлари бор, улар мана булардир:

**Мухаррам.** Бу ойнинг биринчи куни улуғланади, чунки бу [кун] йил боши ва йил даврининг бошланишидир.

Тўққизинчи куни, [ўнинчи] «ашуро» дейилганидек, «тасуо»<sup>1260</sup> деб аталади. Шиа мазҳабининг зоҳидлари шу куни намоз ўқийдилар<sup>1261</sup>.

Ўнинчи куни «ашуро» деб аталади. Бунинг [бошқа кунлардан] афзаллиги машҳурдир. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинишича, у: «Эй халойиқ, бу куни яхши [ишлар] қилишга шошилинг, чунки бу улуғ ва баракатли кун. Аллоҳ шу куни Одамга баракат берди», – деган.

Хусайн ибн Али ибн Абу Толибнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ўлдирилиши шу кунга тўғри келгунича<sup>1262</sup>, араблар ашура кунини улуглар эдилар. Хусайн ва унинг тарафдорларига барча миллатларда ёмон кишиларга ҳам раво кўрилмаган ишлар: ташна қўйиб, қилич билан [чошиб] ўлдириш, қуйдириш, бошларини осиб қўйиш ва жасадлари устидан отлар юргизишдан иборат ёмон ишлар қилинганидан кейин бу кунни бахтсизлик [куни] санадилар.

Умавийлар эса шу куни янги кийимлар кийиб ясанадилар ва кўзларига сурма суриб байрам қиладилар, тўйлар ва зиёфатлар ўтказадилар, ширинликлар ва лаззатли [таомлар] ейдилар. Уларнинг ҳукмронлик замонларида бу анъана кўпчилик орасида жорий бўлди, ҳокимият уларнинг қўлларидан кетгандан кейин ҳам [бу] авом [халқ] орасида давом этди.

Аммо шиалар «шаҳидлар саййиди»нинг ўлдирилганига ачиниб, шу куни доду фарёд қиладилар. Мадинат ус-салом ва шунга ўхшаш шаҳар ва мамлакатларда [йиғи-таъзия] изҳор этадилар. Карбалодаги саодатли қабр [Хусайн гўрини] зиёрат қиладилар. Шунинг учун оддий халқ бу кун идишларни ва уй асбобларини янгилашни ёмон кўради.

Хусайннинг [ўлдирилиш] хабари Мадинага келгач, Ақил ибн Абу Толибнинг<sup>1263</sup> қизи чиқиб [бу шеърни] айтган:

«Агар Пайғамбар алайҳиссалом сизга: «Сиз миллатларнинг энг яхшиси эдингиз-ку, нималар қилдингиз?»

Мен йўғимда авлод ва хонадонимнинг ярми асир этилди, ярми қонга беланди.

Мен сизга хайрихоҳ бўлганим учун менга мукофот бундай бўлмаслиги керак эди, сиз авлодимга ёмонлик қилиш билан менга мухолиф бўлдингиз», десалар, нима дейсиз?»

(330)|| Расулulloҳ оиласининг ҳомийси Иброҳим ибн ал-Аштар шу куни ўлдирилди. Айтилишича, Аллоҳ шу куни Одамнинг тавбасини қабул этди ва Нух кемаси Жудий<sup>1264</sup> тоғида тўхтади. Шу куни Исо тугилди; Мусо ва Иброҳим кутулди ва [Иброҳим] атрофидаги олов совиди. [Шу куни] Ёқуб пайғамбарнинг кўзи очилди, Юсуф қудуқдан чиқарилди, подшоҳлик [яна] Сулаймонга қайтарилди, Юнус қавмидан азоб кўтарилди ва Айюб [баданидаги] зарарли нарса – [қурт]лар йўқотилди, Закариё дуоси қабул этилди ва ўғли Яхё тугилди. Айтишларича, фиръавн сеҳргарларининг учрашиш вақти бўлган «зийнат куни» ашура куни [нинг] завола вақтидир.

[Юқорида айтилган] барча ҳодисаларнинг гарчи ашура кунида воқе бўлиши мумкин бўлса ҳам, [гаплар] текшириш олиб боролмайдиган авом халқ ривоятчиларига ёки китоб аҳли билан келишишга асосланган.

Айтилишича, «ашуро» яҳудийча сўз бўлиб, бунинг арабийлаштирилгани «ашур» ёки яҳудийларнинг рўзаси Киббур рўзаси бўлган Тишрин ойининг «ўнинчиси»дир. Бу кун яҳудий ойларида биринчи ойнинг ўнинчи кунида

этиборга олингандек, араб ойларида ҳам назарга олинган ва улар ойларидан биринчи оининг ўнинчи кунига қўйилган.

[Ашуро] рўзаси хижрат йили бошида фарз қилинди. Сўнгра ундан кейин келган Рамазон ои рўзаси билан алмашди.

Ривоят қилишларича, Расулulloҳ алайҳиссалом (унга Аллоҳнинг салони бўлсин) Мадинага келгач, яҳудийларнинг ашуроода рўза тутаётганларини кўриб, улардан бунинг қандай кун эканини сўраганлар. Улар: «Ашуро Аллоҳ фиръавн ва унинг тобеларини гарқ этиб, Мусо ва унинг ҳамроҳларини кутказган кун», – деб хабар берганлар. [Пайғамбар] алайҳиссалом: «Мусога яҳудийлардан кўра биз садоқатлироқмиз», деб, ўзлари рўза тутган ва суҳбатдошларини ҳам рўза тутишга буюрганлар. Рамазон ои рўзаси фарз қилингандан кейин суҳбатдошларини ашуро рўзасини тутишга буюрмаганлар ва [тутишдан] тиймаганлар ҳам.

Бу ривоят ҳақиқатга яқин эмас, чунки тажриба бунга қарши гувоҳлик беради. У мана бундай: хижрат йилида Муҳаррам боши жума куни Таммузнинг ўн олтинчиси Искандар [эрасининг] тўққиз юз ўттиз учинчи йили эди. Агар яҳудий йили бошини шу йилдан ҳисобласак, у якшанба куни Айлулнинг ўн иккинчиси бўлиб, бунга Сафар оининг йигирма тўққизинчиси тўғри келади ва ашуро рўзаси сешанба куни тўққизинчи Рабиулаввал бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг хижрати эса Рабиулаввалнинг биринчи ярмида эди.

[Пайғамбар алайҳиссаломдан] душанба кунининг рўзаси ҳақида сўралганда: «Бу мен туғилган кун, шу куни [пайғамбар] қилиб юборилдим, шу куни менга [Қуръон] нозил бўлди ва шу куни хижрат қилдим», – деганлар.

Сўнгра хижратнинг қайси душанбада бўлгани хусусида ҳам ихтилоф бор. Баъзиларнинг гумонича, у Рабиулаввалнинг иккинчи куни; баъзиларнинг айтишича, саккизинчи куни ва бошқаларнинг гумонича эса ўн иккинчи кунда бўлган. Хижрат [Рабиулаввалнинг] саккизинчисида бўлганига келишилган. Иккинчи ёки ўн иккинчида бўлиши ҳақиқатга яқин эмас, чунки иккиси душанба куни эмас эди. Зеро, ўша йили Рабиулаввал боши душанба куни эди. Шу баён этганларимизга кўра, Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага ашуродан бир кун олдин келган бўлиб, [ашуро] Муҳаррам [ойига] факат ўша йилдан бирмунча йил олдин ёки ундан бир неча йил кейингина тўғри келади. Бу ҳолда: «Ашуро ўша йили ўнинчи Муҳаррамга тўғри келгани сабабли Пайғамбар алайҳиссалом [ашуроода] рўза тутдилар» дейилиши тўғрими? Бу факат [ашуро] яҳудий оиларининг биринчисидан араб оиларининг биринчисига, у билан мос келсин, деб кўчирилгандагина [воқе] бўлиши мумкин. Шунингдек, хижратнинг иккинчи йилида ашуро Айлулнинг шанба куниси, тўққизинчи Рабиулаввалда бўлган. Демак, улар айтгандек, Пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадинага келишлари билан ашуро кунининг у вақтда бир-бирига мос келиши ҳар ҳолда мумкин эмас.

(331)|| Яҳудийларнинг «Аллоҳ шу куни фиръавни гарқ этди» деган сўзларига келсак, Таврот бунга қарши гапиради. [Фиръавн] Нисоннинг йигирма би-

ринчи куни ғарқ этилган, бу «фатир» кунларидан еттинчи кундир. Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага келганидан кейин яхудийларнинг биринчи пасхаси сешанба куни – Озарнинг йигирма иккинчиси, Искандар эрасининг тўққиз юз ўттиз учинчи йилида бўлиб, Рамазон ойининг еттинчи кунига тўғри келган эди. Фиръавни Аллоҳ ғарқ этган кун Рамазоннинг йигирма учинчи кунидир. Шундай бўлгач, [яхудийлар] келтирган ривоятга ҳеч қандай далил йўқ.

[Мухаррамнинг] ўн олтинчи куни қибла Байт ул-Муқаддас томонига айлантирилган.

Ўн еттинчида – «Асҳоби фил»<sup>1265</sup> [Маккага] келган.

**Сафар.** Бу ойнинг биринчи кунда Хусайн алайҳиссаломнинг боши Дамашқ шахрига келтирилди. Шунда Язид [ибн Муовия] уни олдига қўйди ва кўлидаги таёқ билан озиқ тишларига туртиб, ушбу шеърни айтди:

*«Агар Аҳмад авлоди<sup>1266</sup>дан уларнинг қилмишлари сабабли*

*ўч олмасам, ҳиндифлардан эмасман.*

*Кошки Бадрда [ҳалок бўлган] боболарим ҳазражийларнинг<sup>1267</sup>*

*найза санчилишига чидолмаётганларини кўрсалар эди!*

*Шодликдан қичқиришар ва хурсанд бўлишарди-да.*

*Сўнгра: «Эй Язид, бўшашма!» дейишар эди.*

*Уларнинг бошлиқларидан саййидини ўлдириб,*

*Бадр ҳалокатига баробар қилдик ва [ҳисоб] тенглашди».*

[Шу куни] имом Зайд ибн Али ўлдирилиб, Фирот кирғогига дорга осиб қўйилди, кейин танаси куйдирилди ва кули сувга сочиб юборилди.

Ўн олтинчида – Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг (унга Аллоҳнинг саломи бўлсин) вафот этишларига сабаб бўлган касаллик бошланди.

Йигирманчида – Хусайннинг боши танаси билан биргаликда дафн этилди<sup>1268</sup>. Шу куни унинг қариндошларидан қирк [киши] Шомдан қайтганларидан кейин қабрини зиёрат [қилдилар].

(95)|| Йигирма учинчида – Ал-Маъмун ибн [Ҳорун] ар-Рашид беш ярим ой яшил кийим<sup>1269</sup> кийгандан кейин унга қарши Аббосийлар қўзғалгач, кўк кийишни тарк этди ва Аббосийлар шиори бўлган қора кийишга қайтди.

Йигирма тўртинчида – пайғамбар алайҳиссалом Маккадан ҳижрат қилиб, Абу Бакр Сиддиқ (унга Аллоҳнинг саломи бўлсин) билан биргаликда кофирлардан яшириниб, ғорга кирдилар. Аллоҳ уларнинг икковини ўз сўзига итоат эттирди: «Агар унга – Мухаммадга ёрдам қилмасангиз, Аллоҳ (Ўзи) унга ёрдам қилгай. Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида ватанидан чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб, Мухаммад алайҳиссалом ҳамроҳи (Абу Бакр)га: «Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!» деган эдилар<sup>1270</sup>».

**Рабиулаввал ойи.** Биринчи куни, бу душанба эди, Расулulloх алайҳиссалом Асад буржи кўтарилганда, Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттонийнинг «Китоб ал-кусуфот»да<sup>1271</sup> баён этишича, туғилган вақтининг саккизинчи [даражасида], ас-Салломийнинг «Эралар китоби»да айтишича, кун оған пайтда вафот этдилар.

Учинчи куни – чоршанба [кечаси] – Пайғамбар алайҳиссалом Ойша уйига дафн этилдилар.

Саккизинчи куни (Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний айтганидек) душанба куни сахар пайти Сунбула буржи кўтарилганда Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага келиб, унинг ташқарисига тушдилар ва кечаси [Мадина] қалъасида ётиб, сўнгра тўккизинчи Рабиулаввал сешанба куни эрта билан Мадинага кирдилар.

Ўнинчи кунда [Пайғамбар алайҳиссалом] Хадичага уйландилар.

Ўн иккинчи кунда – бу душанба куни эди, Расулulloх алайҳиссалом туғилдилар. Уларнинг фақат Рабиулаввалда душанба куни туғилганлари машхур. Аммо Рабиулаввалнинг нечанчисида туғилганлари (қайси куни Пайғамбар қилиб юборилганлари каби) ихтилофлидир. Абу Маъшар «Сирлар китоби»да Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдан ҳикоя қилиб, шундай дейди: «У, ёриткичларнинг ўша кечадаги ҳаракат ва ҳолатларини кузатганида, унда туғилган бола пайғамбарликка ҳақли бўладиган бирон толени кўрмаган, фақат сахар вақтида Мезоннинг биринчи қисмини кўрган, холос. Бу вақт Куёшнинг Ақраб [буржи] охирларида бўлишини тақозо этади»<sup>1272</sup>.

(96)|| Машааллоҳ бундай деган: «Пайғамбар алайҳиссалом душанба куни Дай мох [ойининг] рўзи хўрида Ануширвон подшоҳлигининг қирқ биринчи йили, еттинчи соат бошланиши ва Куёш тепага тик келганида туғилдилар». Бу толенинг Саратон [буржи] бўлишини тақозо этади.

Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний «Китоб ал-кусуфот»да: «Пайғамбар алайҳиссалом душанба кечаси йигирманчи Нисон Искандар [эрасининг] саккиз юз саксон иккинчи йилида туғилдилар. Пайғамбар алайҳиссалом умрининг миқдоридан олинган далиллар толенинг Жадий [буржидан] йигирманчи даражада бўлганини тақозо этади. Бундан бошқаси дуруст бўлмайди, чунки агар бу толе ўзгартирилса, бунинг «кўчирилиши» Пайғамбар алайҳиссалом умрининг миқдorigа тўғри келмайди», – деган. Унинг нима учун бундай деганини «Намудорлар ҳақидаги китоб»<sup>1273</sup>да тавсифлаймиз. Бу китобни кечикиброқ тайёрладик ва уни «Бошланғичларни тугатишга йўллаш» деб атадик. Ас-Салломий «Эралар китоби»да<sup>1274</sup>: «У душанба кечаси ўн иккинчи Рамазон фил йили тонг отарда туғилди», – деган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилиш вақти ҳақида ихтилофлар бўлиши мумкин, чунки бундай нарсаларни ёзиб, эсда сақловчи кишилар йўқ эди.

Ҳамза ал-Исфаҳоний «Буюк миллатлар эраларига оид китоб»да бундай дейди: «Айтишларича, у Рабиулаввалнинг иккинчи, [баъзиларнинг]



айтишича, саккизинчи, [бошқаларнинг] айтишича, ўн учинчи куни кечаси туғилган. Алайҳиссаломнинг душанба куни, [Рабиулаввал] ойининг биринчи ярмида туғилгани ҳақида ихтилоф қилмаганлар ва туғилиш Ануширвон подшоҳлигининг қирқинчи, [баъзиларнинг] айтишича, қирқ биринчи, [бошқаларнинг] сўзича, қирқ учинчи йилида бўлди, деганлар». Лекин [тарихчиларнинг] Пайғамбар алайҳиссалом ҳижрати ҳақидаги ихтилофлари ажабланарлидир – бу ҳақда юқорида эслатилган [гаплар] айтилади. Уларнинг Пайғамбар алайҳиссалом вафоти ҳақидаги ихтилофлари ҳам турличадир. [Айрим кишилар]: «Ул зот Рабиулаввалнинг иккинчи кун – душанбада вафот этдилар», – деса; [баъзилари]: «Ўн иккинчи кунда, олтмиш ёшларида вафот этганлар», – дейди, [қай бирлари]: «Олтмиш икки ёшларида», – деса, [кимдир]: «Олтмиш уч ёшларида», – дейди, [бошқаси эса]: «Олтмиш беш ёшларида», – деган. Ривоятлар очик-ойдин куфрдан бошқа натижа бермайдиган гаплар билан тўлдирилганидек, бу ихтилофларнинг ҳам кишиларни таажжублантириб ва кўнгилларига шубҳалар келтириш учун атайлаб тузилганига шубҳа қилмайман. Аллоҳ, унинг пайғамбари ва пайғамбарнинг суҳбатдошлари бундай ривоятлардан юқоридирлар. Аллоҳ унга қарши турувчи ва неъматларини инкор этувчи кишиларга кифоядир.

Шу ойнинг ўн учинчи куни ал-Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий Хусайн қотилларидан ўч олиш учун Кўфа шаҳрига отланди.

Ўн тўртинчи кунда Язид ибн Муовия ўлди, унга Аллоҳнинг лаънати [бўлсин]<sup>1275</sup>.

**Рабиулохир ойи.** Бу ойнинг биринчи куни Ҳажжож ибн Юсуф Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрни қамал қилган пайтида, Байтуллоҳ – Каъбага олов отиб, [мана бу шеърни] ўқийди:

*«[Байтуллоҳнинг] чанги тўзиётганини кўрмаясизми,  
Ҳолбуки [Ибн аз-Зубайр тарафдорлари] даъвосича, Аллоҳ унинг ҳимоячисидир».*

[Натижада] Каъба куйиб, деворлари кулади.

Ўн тўртинчи кунда турғун ва мусофирлар учун намоз фарзлиги муқаррар бўлди.

(97)|| **Жумодилаввал.** Бу ойнинг саккизинчисида Амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом туғилди.

Ўн бешинчи кунда «Туя жанги» [бўлиб],<sup>1276</sup> бунда мушук ўз болаларини еган.

**Жумодилохир.** Учунчи куни Фотимаи Заҳро вафот этди. Йигирманчи кунда у туғилган эди. Айтишларича, унинг ўлимидан олдин Абу Бакрга ҳеч

ким қасамёд қилмаган: на Али ибн Абу Толиб, на Ҳошим авлодидан бирор киши.

Саккизинчи кунда Абу Бакр Сиддик (Аллоҳ ундан рози бўлсин) вафот этди.

Ўн бешинчи кунда [Абдуллоҳ] ибн аз-Зубайр ўз кўли билан Каъбани кулатди.

**Ражаб.** Айтишларича, шу ой бошида Нух [пайғамбар] алайҳиссалом кемага тушган.

Биринчи куни Ярмуқ фатҳ этилди.

Тўртинчи кунда амир ал-мўминин [Али] ва Муовия Сиффин<sup>1277</sup> да тўқнашдилар.

Айтишларича, еттинчи кунда Довуд пайғамбар синалган<sup>1278</sup>.

Йигирма олтинчида – душанба куни – Пайғамбар алайҳиссалом пайғамбарлик қилди. Ас-Салломий: «Ул зот душанба куни, ўнинчи Рабиулаввалда пайғамбар қилиб юборилдилар», – деган.

Йигирма еттинчи куни кечаси Расулуллоҳ алайҳиссалом Масжидул Ҳаромдан Масжиди Ақсога кўчирилди.<sup>1279</sup>

**Шаъбон.** Учинчи куни Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб туғилди.

Бешинчи кунда Ас-Салломийнинг айтишига кўра, Ҳасан ибн Али туғилди<sup>1280</sup>.

Ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи [кунлар] – «оқ кунлар» деб аталади.

Ўн бешинчи кун кечаси улуғ кеча бўлиб, «хукм кечаси» ёки [гуноҳдан] қутулиш кечаси» деб аталади. Авом халқнинг айтишига кўра, ҳамманинг жонини олишга вакил қилинган фариштага шу кечаси ўша йил ичида жони олинадиганларнинг номлари топширилар эмиш.

(98)|| Ўн бешинчи куни – аср намозидан олдин қибла Байт ул-Муқаддас томонидан Каъба томонига айлантирилди, бундан олдин ўн саккиз ой Байт ул-Муқаддасга қараб намоз ўқилган эди. Нихоят, «Қайси жойдан сафарга чиқсангиз ҳам намозда юзингизни Масжидул Ҳаром – Каъба томонга ўғиринг»<sup>1281</sup> [деган оят] нозил бўлди ва [Пайғамбар] алайҳиссалом мусулмонларга қаерда бўлишларидан [қатъи назар], Каъба ва «Иброҳим мақоми»ни қибла қилишни буюрдилар. Миллатлардан «хар бири»нинг юз қаратадиган қибласи бор, «у юзини ўша томонга қаратади»<sup>1282</sup>.

Яҳудийларга келганда, Мусо уларга «Бу ёққа қаранг, у ёққа қараманг», деб буюрмаган. Улар Аллоҳ таоло: «Қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томондан Аллоҳнинг юзи мавжуддир»<sup>1283</sup>, – деганидек, то Довуд алайҳиссалом замониғача шу [аҳволда] колдилар. Кейин Довуд уларни Байт ул-Муқаддасга қарашга буюрди. Ўша вақтдан бери Байт ул-Муқаддас уларнинг қибласидир.

Христианларнинг қибласи эса экваторнинг кун чиқиш томонидир, чунки булар жаннат томонга юз қаратишга буюрилганлар. Қуёшнинг жаннатдан чиқиши бунга далил келтирилган<sup>1284</sup>.

Сомирийлар қибласи Барик тоғидир. Мажусийлар қибласи эса Қуёшдир. Улар Қуёш чиқишида, ботишида ва кундуз ярмида Қуёшга қараб намоз ўқийдилар. Яна улар олов, сув ва барча махлуқларга қараб намоз ўқийдилар ҳамда уларга қараб Аллоҳга тасбеҳ айтадилар.

Харронийларга келсак, улар жанубий қутбга, собийлар эса шимолий қутбга қарайдилар. Моний [мазҳабидагиларни] ҳам шу қутбга қарайдилар деб гумон қиламан, чунки бу [қутб], уларнинг фикрига кўра, осмон куббасининг ўртаси ва энг баланд жойидир. Лекин мен «Китоб ал-боъ» эгасини (бу монийчилар жумласидан ва улар томонига даъват этувчилардандир) шу уч диндаги кишиларнинг [ибодатларда] бир томонга қараб, бошқа томонга қарамасликларини уларга [бирор] офат келтирадиган нарсалар каторида айблаганини кўрдим. Гўё у Аллоҳ учун намоз ўқувчининг бирон қиблага қараши керак эмаслигини билдирмоқчи бўлади.

(332)|| **Рамазон ойи.** Бу фарз рўза ойдир. Ас-Салломийдан бошқаларнинг айтишига кўра, Рамазоннинг олтинчи кунида Хусайн ибн Али алайҳиссалом туғилди.

Еттинчи кунда Ал-Маъмун яшил либос кийди.

Ўнинчи кунда Хадича<sup>1285</sup> вафот этди.

Ўн еттинчи кунда малъун Абдурахмон ибн Мулжам ал-Муродий<sup>1286</sup> (Аллоҳ уни лаънатласин) Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломни бошига уриб, миясини ёрди. Ўн еттинчи кун тонгида Бадр воқеаси юз берди. Баъзилар: «Йўқ, ўн тўққизинчи куни юз берди», – дейди. Бу тўғри эмас, чунки у воқеанинг хижрий иккинчи йили<sup>1287</sup> душанба куни рўй бергани ҳақида хабарлар кетмакет уланиб келган. Агар Рамазон бошини ҳисоблаб кўрсак, унинг шанба куни эканини кўрамыз. Шунда кидирилаётган душанба ўн еттинчи кунга тўғри келади.

Ўн тўққизинчи кунда Макка фатҳ этилди. Расулulloҳ алайҳиссалом ҳаж маросимини ўтамадилар, чунки арабларнинг ойлари «насий» сабабли [ўз ўрнидан] ўзгариб кетган эди. У ойлар ўз ўрнига қайтгунича кутиб турдилар. Кейин видолашиш ҳажини адо этиб, «насий» [қўшиш]ни ман қилдилар.<sup>1288</sup>

Йигирма биринчи куни – амиралмўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом вафот этди. Али ар-Ризо ибн Мусо ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содиқ ибн Муҳаммад ал-Боқир ибн Али ас-Сажжод Зайнулобиддин ибн ал-Хусайн, «шаҳидлар саййиди», ибн амиралмўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломнинг вафоти ҳам шу кунга тўғри келади. Баъзиларнинг айтишига кўра, [Али ар-Ризо] Зулқайда [ойининг] йигирма учинчи кунида вафот этган.

Ас-Салломий: «Амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом йигирма иккинчи кунда туғилди», – деган.

Йигирма бешинчи кунда Абу Муслим Абдурахмон ибн Муслим ошкор равишда Аббосийлар давлатига даъват этди.

Йигирма олтинчи кунда – Ал-Буркуий<sup>1289</sup> Басра шаҳрига бостириб кирди. Айтишларича, бу киши Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо ибн Зайд ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибдир. [Баъзилар] уни Али ибн Муҳаммад ибн Абдурахим ибн Абдулкайс деган. Ҳикоя қилинишига кўра, Табаристон ҳукмдори Ал-Ҳасан ибн Зайд [Ал-Буркуий] Басрада турган пайтда унинг қандай ҳуқуққа эга эканини билиш учун мактуб юбориб, насабини сўраган. У: «Сенинг ишингга ғамхўрлик қилган кимса менинг ишимга ҳам ғамхўрлик қилсин, вассалом!» – деб жавоб берган. Бу жавоб шундай қисқа ва кескинки, Хуросон ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур<sup>1290</sup> Сижистон ҳукмдори Валий ад-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмадга<sup>1291</sup> уни қўрқитиб ва турли таҳдидлар билан мактуб юборганида, унга ёзган жавоби ўшанга жуда ўхшашдир. Валий Ад-Давла шундай жавоб берган: «Эй Нуҳ! Биз билан баҳслашдинг, лекин баҳсни кўп қилиб юбординг. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ўша чўчиётган нарсанг азобини келтир!»<sup>1292</sup>.

(333) | Йигирма еттинчи кечаси «қадр кечаси» дир.<sup>1293</sup> Бу кун ҳақида Аллоҳ таоло: «Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»<sup>1294</sup>, – деган. Авом халқ шунга келишганлар, чунки «қадр кечаси» қайси кеча экани аниқ маълум эмас. [Баъзилар]: «Уни ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кечалардан қидиринг», чунки бу иккиси орасида Бадр воқеаси ва Маккани фатҳ этиш юз бериб, ёрдам учун фаришталар [жаннатдан] тушириб юборилган», – дейди. Бу тўғри бўлиши мумкин, чунки Аллоҳ таоло: «У кечада фаришталар Рух (Жаброил) Парвардигорларининг изни билан йил давомида қилинадиган барча ишлар режаси билан осмондан ерга тушарлар»,<sup>1295</sup> – деган.

Айтишларига кўра, Рамазон ойининг биринчи куни Иброҳим пайғамбар алайҳиссаломга бир неча «Саҳифа» туширилган<sup>1296</sup>. Олтинчи кунда – Мусога «Таврот» туширилган. Ўн иккинчи кунда – Довудга «Забур» туширилган. Ўн сакқизинчи кунда – Исога «Инжил» туширилган<sup>1297</sup>.

Йигирма тўртинчи кунда – Муҳаммад алайҳиссаломга Фурқон<sup>1298</sup> туширилган.

Қуръон (ҳақида) эса Аллоҳ таоло: «Рамазон ойи шундайки, унда Қуръон туширилди»<sup>1299</sup>, – деган. Демак, унинг рамазонда туширилгани аниқ маълумдир. Кейин бир гуруҳ Аллоҳнинг: «Агар Аллоҳга ва ажрим куни – икки кўшин тўқнашган куни бандамиз (Муҳаммад алайҳиссалом)га нозил қилган нарсамиз»<sup>1300</sup>, – деган сўзи билан Қуръоннинг ўн еттинчи куни туширилганини исбот этган, чунки икки тўда Бадрда ўша куни учрашишган. Яна Аллоҳ яхшироқ билгувчидир.

Тавротга келганда, унинг Сиваннинг ўн олтинчи куни туширилганини юкорида айтдик. Бу «Ансара» байрамидир.

Агар у вақтда Рамазон шу ойга тўғри келганида, иш айтилгандек бўлар эди, [лекин] «Таврот» туширилган йилнинг яширинлиги сабабли, уни билишга йўл йўқ. У йил маълум бўлганида эди, албатта, ҳисоблаб кўрар эдик.

Инжил тўғрисидаги гап унинг кайфиятини, тузилишини ва вазиятини билмаган кишининг сўзидир. Бошқа китобларнинг нозил бўлган вақти эса тубдан номаълум ва уни билиш мумкин эмас. Аллоҳ энг яхши билгувчидир.

**Шаввол.** Бу ойнинг биринчи куни – рўзадан чиқиш байрами, бу «рахмат куни» деб [ҳам] аталади. Шу куни Аллоҳ ваҳий юбориш учун Жаброилни танлади ва асаларига ваҳий юбориб, унга асал ишлашни илҳом қилди. Баъзилар: «Аллоҳ шу куни жаннатни яратди», – деб даъво қиладилар. Бунга қўшиладиган ва лозим келадиган нокулайликлар [мавжуд] бўла туриб, сўзни тарк этмайдилар, ҳатто унга: «[Аллоҳ] шу куни ўз қўли билан Тубо дархтини ўтқазди», – деган ўхшатишдан иборат сўзларини қўшадилар ва бунини тафсир қилмай, жоҳиллик билан унга қандай бўлса, шундайлигича эътиқод қиладилар.

Бу ойнинг иккинчи куни нафл рўзаси бошланиб, олти кун давом этади.

Тўртинчи кунда – Пайгамбар алайҳиссалом билан Нажрон христианлари бир-бирларини лаънатлашди ва Аллоҳ таолонинг «мубоҳала»<sup>1301</sup> оятидаги фармонига бўйсуниб, [пайгамбар] ўғиллари ўрнида Ҳасан ва Ҳусайнни, завжалари ўрнида Фотимани олиб чиқди ва Али ибн Абу Толибни ўзига яқин қилди.

Ўн еттинчи кунда – Уҳуд<sup>1302</sup> жанги, [баъзиларнинг] айтишларига кўра, бу ойнинг ўртасида бўлган. Жангда Ҳамза ўлдирилиб, Расулulloҳ алайҳиссалом унга қайғурганлар.

Ўн тўққизинчи кунда Абу Толиб вафот этган.

Йигирма иккинчи кунда даъво қилишларига кўра, уни (Юнус алайҳиссаломни)бир наҳанг ютиб юборди<sup>1303</sup>.

**Зулқаъда.** Бешинчи кунда Одамга осмондан Каъба ва раҳмат нозил бўлган. Шу куни Иброҳим ва [ўғли] Исмоил Хонаи [Каъба] пойдеворини кўтаришган<sup>1304</sup>.

Ўн тўртинчи кунда, айтишларига кўра, Юнус балиқ қорнидан чиққан. Бу сўз Юнуснинг балиқ қорнида йигирма икки кун турганини тақозо этади. Христианларнинг айтишларига кўра, Инжилда баён этилганидек, уч кун турган.

Йигирма тўққизинчи кунда даъво қилишларига кўра, Юнус устида ошқовоқ палаги ўсган.

(334)|| **Зулҳижжа.** Биринчи куни Расулulloҳ алайҳиссалом ўз қизи Фотимани амакисининг ўғли Али ибн Абу Толибга турмушга узатдилар. Бу ойнинг биринчи ўн куни «маълум кунлар» ёки «тақиқланган кунлар» деб ҳам

аталади. Айтилишича, Аллоҳ Мусога қилган ваъдасини шу кунлар [ичида] бажарган. Ваъдаси мана бу сўзидир: «Мусога ўттиз кечани ваъда қилдик», у – Зулқаъданинг кечалари «ва уни ўн [кун] билан тугалладик»<sup>1305</sup>, у тақиқланган ром кунлардир.

Бу ойнинг саккизинчи куни «тарвия [куни]»<sup>1306</sup> деб аталади. Чунки Масжидул Ҳаромда ҳожилар учун тайёрланган «ҳовузча» жоҳилияда ҳам, исломиятда ҳам сувга тўлиб турар, ҳожилар бундан қонгунларича ичарди. [Баъзиларнинг] айтишларига кўра, [тарвия дейишнинг сабаби] Маккадан ровия, яъни устига сув юкланадиган туяларда сув олиб келардилар. [Баъзилар]: «Шу куни Аллоҳ Исмоил [пайғамбар] алайҳиссалом учун Зам-зам булоғини қайнатиб чиқарган. Исмоил бундан қониб ичган, шу сабабдан «тарвия» исми берилган», – дейди. [Баъзилар] эса: [Қуръоннинг] Мусо қиссасида айтилганидек, шу куни Рабб Тур тоғида пайдо бўлган ва шу сабабли «тарвия куни» деб аталган»<sup>1307</sup>, – дейди.

Тўққизинчи куни «Арафа» деб аталади. Бу Арафот [тоғида]<sup>1308</sup> катта ҳаж кунидир. Ҳаж маросимини ўташ учун [атрофдан] келган одамлар [шу куни] тўпланган вақтларида бир-бирлари билан танишишлари сабабли бу кун «Арафа»<sup>1309</sup> деб аталади. [Баъзилар]: «Ундок эмас, балки Одам Ато ва Момо Ҳавво иккиси жаннатдан тушгандан кейин, шу куни одамлар йигиладиган жой, яъни Арафот [тоғида] бир-бири билан танишгани сабабли у «Арафа» деб аталган», – дейди.

Шу куни Аллоҳ Иброҳимни ўзига дўст танлаган. Бу кун «афв этиш куни» деб ҳам аталади.

Ўнинчи кун қурбонлик куни, жонлик сўйиш кунидир, чунки шу куни қурбонлик бўғизланади ва улар [Маккага] юборилади. Бу кун ҳаж кунларининг охиригисидир.

Қурбон қилинмоқчи бўлган [Исмоил]нинг ўрнига шу куни бир кўчқор фидо қилиниб сўйилган.<sup>1310</sup> Айтилишича, «сирот» [кўприги одамлардан] ҳисоб олиб, ҳукм чиқариш учун шу куни яратилган.

Ўн биринчи кун «қарор топиш» кунидир. Чунки одамлар шу куни Минода<sup>1311</sup> қарор топганлар.

Ўн иккинчи кун «югуриш куни»дир. Чунки бу кун одамлар шошилиб югурадилар<sup>1312</sup>.

«Қуритиш кунлари» – (Ташриқ кунлари) ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунлардир. Бу [кунларнинг] ушбу ном билан аталишига сабаб шуки, [сўйилган] қурбонликларнинг гўштлари ўша кунларда қуритилади.

[Баъзилар]: «Эй Сабир<sup>1313</sup> [тоғи, тезроқ гўштимизни] қурит, юришдан тўхтаб қолмайлик», – деган сўздан олиб шундай ном берилган», – дейди.

Ибн ал-Арабий: «У кунлар шу ном билан аталди, чунки Маккага юборилган қурбонликлар то Қуёш чиқмагунича<sup>1314</sup> бўғизланмайди», – дейди. У кунлар [шундай кунларки], Аллоҳ улар ҳақида: «Аллоҳни санокли кунларда

ёдлангиз!»<sup>1315</sup> – деган. У кунларнинг боши ва охирида ҳар бир намоздан кейин такбир айтилиб, Аллоҳ улуғланади. Такбир қайси намоздан кейин бошланиб, қайси намоздан кейин тўхтатилиши ва қанча айтилиши хусусида фикҳ олимлари ўртасида ўз санъатларига боглиқ ихтилофлар бор.

Ўн еттинчи [Зулҳижжа] куни Усмон ибн Аффон<sup>1316</sup> (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ўлдирилди.


Ўн саккизинчи кун «Ғадир Хумм»<sup>1317</sup> деб аталади. Бу манзиллардан бирининг номи бўлиб, Пайғамбар алайҳиссалом «видолашиш ҳажи»дан қайтаётганларида шу ерга тушиб, [туяларнинг] эгар-жабдуқларини йигдирганлар ва Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломнинг биллагидан тутган ҳолда, тўпланган нарсалар устига чиққанлар ва: «Эй халойиқ, мен ўз жонларингиздан кўра сизга яқинроқ эмасманми?» – деганлар. Одамлар: «Тўғри [яқинроқсиз]» – деганлар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким мени ҳурмат қилса, Алини ҳурмат қилсин. Ё Аллоҳ, Алининг дўстига – дўст, душманига – душман бўл, унга ёрдам берган кишига ёрдам бер, уни хўрлаган кишини хўрла, у қаерда бўлса, ҳақ ва ҳақиқатни у билан бирга қил!»<sup>1318</sup> – деганлар. Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом осмонга қараган ҳолда уч марта: «Аллоҳим, элчилик вазифасини бажара олдимми?» – деганлар.

(335)|| Йигирма тўртинчида – амиралмўъминин рукуъда туриб узугини садақа қилди<sup>1319</sup>.

Йигирма бешинчи куни Умар ибн ал-Хаттоб<sup>1320</sup> ўлдирилди. Шу куни «Ҳал ато...» сураси нозил бўлди<sup>1321</sup>.

Йигирма олтинчи кунда – Довуд пайғамбар алайҳиссаломга истиғфор нозил бўлди<sup>1322</sup>.

Йигирма тўққизинчи кунда – «Ал-Ҳарра» воқеаси юз берди. Бунда Умаййлар Мадина аҳолисини ўлдириб, молларини таладилар, аёлларига тажовуз қилдилар<sup>1323</sup>.



## XXI б о б . ОЙ МАНЗИЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ЧИҚИШИ, БОТИШИ ВА ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА

Мавзуни тугатиш вақти келди. Биздан сўралган ва биз билган нарсалар ҳақида қудратимиз етганча маълумот бериб, ваъдани бажаришга ҳаракат қилдик. «Ҳар бир билимдондан юқори турувчи билимдонроқ бор»<sup>1324</sup>.

Бу фанни тўла ўрганиш учун фақат шамсий йил кунларида Ой манзилларининг чиқиш вақтларини билиш қолди, холос. Бунинг манфаати умумий бўлгани учун [ўрганилиши] фойдалидир, чунки Ой манзилларининг ўзгариши сабабли ўзгарувчи ва қайтарилиши билан такрорланувчи табиий ҳолатлар ўша манзилларни ўрганиш натижасида олдиндан билинади.

Энди диққатни бу масаланинг умумий ва хусусий қисмларининг баёнига қаратиб, буларга шу хусусда таълиф этилган китоблардан, масалан, ал-Кулсумий китоби<sup>1325</sup>, Иброҳим ибн ас-Сарий аз-Заҷож китоби<sup>1326</sup>, Абу Яҳё ибн Куноса<sup>1327</sup> ва Абу Ҳанифа ад-Диноварийларнинг<sup>1328</sup> анво ҳақидаги китоблари, Абу Муҳаммад ал-Жабалининг «Ёриткичлар манзилларини аниқлаш ҳақида китоб»и<sup>1329</sup>, Абул-Ҳусайн ас-Сўфийнинг «Турғун юлдузлар тасвири ҳақида китоб»и<sup>1330</sup> ва бошқа китоблардан топилган бир неча мисолларни кўшамиз.

Айтамикки, ҳиндлар Ой манзилларини йигирма еттита қилиб, унинг орбитасини ҳам шунчага бўлганлар. Натижада орбита манзиллар саногига бўлиниб, ҳар бир манзил, қарийб ўн уч бутун-у чорак даража бўлган<sup>1331</sup>. Юлдузларнинг ўз манзилларида бўлишларига қараб ҳиндлар [улар] ҳақида турли ҳукмлар чиқарганлар. Бу манзиллар ҳар бир ҳол ва эҳтиёж учун алоҳида белгиланган бўлиб, «жафрлар» номи билан машҳурдир. Булар [ҳаммаси] ҳақида ҳикоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлмаган сўзлар сабабли мунозара узоқ чўзилиши мумкин. Тўхташ жойлари аҳкоми [нужум] китобларида мавжуд ва маълумдир.

[Исломгача бўлган] араблар эса манзилларни йигирма саккиз қисмга бўлганлар, ҳар бир манзил қарийб ўн икки бутун олтидан беш даража бўлиб, ҳар бир буржга икки бутун-у учдан бир манзил тўғри келган. Шоирлардан бири бундай деган:

*Манзиллар сонини билмоқчи бўлган киши учун  
Улар йигирма ва ундан кейин саккиз юлдуздир.  
Уларнинг ҳар бири бир буржда Ой манзилларидан  
Икки бутун, кейин расо учдан бир [манзил] бўлади.*



*Ҳисоблар шулар билан анволар ҳам шулар билан бўлиб,  
Ўз ва қиш шулар орқали айланади.*

(337)|| Арабларнинг Ой манзилларидан фойдаланишлари хиндларникидан бошқа бўлган. Чунки уларнинг мақсадлари иклимнинг турли вақтлардаги ҳолатини ва йил фаслларида бўшлиқда юз берадиган ҳодисаларни билиш эди. [У вақтларда араблар] саводсиз кишилар бўлиб, [манзилларни] танишлари бирор нарсани кўз билан кўриш орқалигина мумкин бўларди. Натижада, ўша манзилларга тўғри келган турғун юлдузларни улар учун белги қилиб, уларнинг эрта тонг ёритганидан кейин чиқишини Қуёшнинг бир манзилга дуч келиш аломати деб тайинладилар. Чунки у ёриткичлар асрлар ва узоқ замонлар ўтмай манзиллардан кетмайдилар. Арабларнинг бундай ҳодисаларни аниқлашлари мураккаб эди.

Кейин [араб шоирлари] шеърлар тўкиб ва қофияли жумлаларни тартиб билан бериб, вақти-вақти билан юз берадиган ва ўзлари топган тажриба ҳамда имтиҳонга биноан, ёриткичлардан ҳар бирининг чиқишига мос келадиган табиий таъсирларни ўша шеър ва жумлаларда тўпладилар. Бу – саводсиз кишиларга шеърларни ёдда сақлаш осон бўлиши ва тирикчилик ишларида шуларга амал қилишлари учун эди. Масалан, улардан бири бундай деган:

Қачон Ой учинчи кечада Сурайё билан учрашса, албатта, қиш тугайди.

Чунки Сурайё жойи Савр буржининг тақрибан ўнинчи даражасидан то ўн бешинчи даражасигача бўлган [масофадир]<sup>1332</sup>. Қачон Ой учинчи кечада Сурайё билан учрашса, Қуёш билан Ой ораси тахминан қирк даража бўлиб, Қуёш Ҳамал бошларида бўлади<sup>1333</sup>.

Бошқа бири бундай деган:

Тўлган Ой Сурайёга рўпара келганида совуқ келиб, унинг боши қиш [боши] бўлади.

Чунки Ой Сурайёга рўпара келганида, Қуёш Ақрабнинг ярмида бўлиб, шу кунлар совуқнинг бошланиши бўлади. Яна бири бундай деган:

Бир кун [келиб] ўн тўртинчи кечада тўлган Ой ад-Дабарон<sup>1334</sup> билан учрашса;

Ҳамма ерда қиш бўлиб, отлиқлар оловда исинишга чақирадилар.

Ўн тўрт кечалик Ой осмонда ўтов қуради, ҳатто чодирлар устунларининг сояларини қисқартиради.

Бу [ҳол] ярим кечада [бўлиб], бўшлиқ булут хиралигидан пок бўлади.

Чунки Қуёш шу вақтда Ақрабнинг қалбида туради. Бу эса қиш совуғи ва эрталабки изгиринлар вақти бўлиб, Ой даражаси шимол томонга мойил бўлади. Баъзан Ой кулчаси эклиптикадан оғиш томонига ўтиб, араблар қок тепасига тўғри келади ва у осмон ўртасига етганида, кишиларнинг сояси йўқ бўлади. Бу вақт ярим кечадир. Арабларнинг [шоирдан бири] бундай деган:

*Биринчи кечада янги Ой ан-Наъоим<sup>1335</sup> [юлдузлари] орасида одамлар кўзларига кўринса,*

*Ҳамма томондан сенга совуқ шамоллар келади ва ўралган [оттоқ] салла-лар тонг отиш олдиди чиройли кўринади.*

*Чунки Қуёш бу вақтда Қавс бошида бўлади.*

Бошқа бири бундай деган:

*(338)|| Бутун кеча аҳоли учун совуқ бўлди ва ал-Авво<sup>1336</sup> Қуёш учун манзил бўлиб қолди.*

*Чунки Ал-Авво юлдузлари, уларга махсус жадвал [китобнинг кейинги қисмида] кўрсатилганидек – кузги тенгқунлик атрофидадир.*

Агар бундай байтлари ва ҳар бир манзил чиқиши учун айтилган қофияли жумлаларни келтираверсам, албатта, уларнинг маъноларини шарҳлашга ва улардаги нотаниш сўзларни изоҳлашга муҳтож бўлар эдим. Бу биз [юқорида] эслagan анво китоблари муаллифларининг [баёнларига] муносибдир.

Араблар [табиий] таъсирларни юлдузларнинг чиқиш ва ботишига нисбат бериб, табиат илмидан беҳабарликлари сабабли таъсирларнинг орбиталаридаги бирмунча жойларга ва Қуёшнинг у жойларда бўлишига эмас, юлдузлар жисмларига ва уларнинг чиқишларига алоқадор, деганлар. Улар Гиппократ ўз замонида Яман Шиъроси<sup>1337</sup> чиккан кунларда иссиқ дорилар истеъмол қилиш ва томирдан қон олдиришни ман қилганига ўхшаш [нарсаларга] (бу юлдузлар ҳақида биз айтиб ўтган эдик<sup>1338</sup>) эътикод қилганлар. Бу баҳс Аҳмад ибн Фориснинг<sup>1339</sup> қуйидаги сўзига тўғри келган ҳолатлардан бирини бизга эслатади:

Ўтган замонда бир донишманд:

«Одамнинг одамлиги фақат икки энг кичик [аъзоси] билан», – дебди.

Бошқа бир ақлли киши:

«Одамлик фақат унинг икки тангаси билан», – дебди.

Икки тангаси бўлмаган кишига, ҳатто хотини ҳам қарамайди,

Хўрлигидан таҳқирланади.

Бу шундай [бўлди]:

Биз олий даргоҳдан узоклашиб, шарафли хизмат саодатидан маҳрум бўлган кунларимизда Рай шаҳрида илми нужум олимлари қаторида саналувчи бир кишини кўрдик<sup>1340</sup>. У [Ой] манзилларига қарашли юлдузларнинг [Ой] билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, манзилларнинг риботлари ва жафрларидан турли ҳукмлар чиқарар ва бўшлиқдаги ҳодисаларни олдиндан билишни истарди. Биз унга ҳақиқат унинг [ҳисобларига] хилоф эканини билдирдик ва Ойнинг биринчи манзилига тегишли табиат, у манзилдаги хусусиятлар ва ҳиндлар тавсиф этганидек, унинг бошқа манзиллар билан боғланишини ҳамда ўша манзил юлдузининг Ҳамал буржидан кетиши сабабли, у бурж бошларидан кетмаслигини тушунтирдик. Худди шундай,

масалан, Ҳамал буржининг шакли ундан кўчса ҳам, унинг ҳукмлари кўчмайди. Мазкур киши бизни менсимай бурнини юқори кўтарди. У сўзимизни ёлғонга чиқарди, бизни ҳақорат қилди ва бизга бўйсунмади. Ваҳоланки, орамиздан фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки биз у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдик. Сўнгра у қийинчиликлар қисман енгиллашгач, [у киши] бизнинг [ҳақлигимизга] иқрор бўлди.

(339)|| Маълумки, агар табиий таъсирларни [олдиндан] билиш учун у [манзиллар] ёриткичлари жисмларининг кўз билан кўриладиган чиқишига асосланилганда, уларнинг [осмондаги] кўчиб юриши билан, албатта, вақтлар ўзгарар, бу ҳол турли иқлимларда тафовутли бўлар, сайёра<sup>1341</sup> ёриткичларнинг зоҳир ёки яширинлигини билишда турли қийин амалларга эҳтиёж тушарди.

Лекин «манзилларнинг чиқиши» дейилишининг маъноси бундай: Куёш [Ой] манзилларининг бирида бўлган вақтда, уни ва ундан олдинги манзилни бекитади. Учинчи манзил эса буржлар аксича тонг [ёришиши] ва Куёш чиқишлари орасида Ибн ар-Раққа [куйидаги] шеърда тавсифлаган вақтда чиқади:

*Шиърони<sup>1342</sup> кузатувчи киши уни эрталабки намоздан қайтишига яқин равшан кўради.*

*Биз тонг оқлигидан Шиърони қизиллигини биламиз ва кеча Шиъродан юқорига кўтарилиб яширинади.*

*Шиъро кейинида келгач, кеча ундан ноумид бўлмайди ва Шиъронинг кечага тегишли эканини кундуз тан олмайди.*

Манзил чиқишини унинг нави, яъни кўзгалиши деб атаганлар. Чиқишнинг [табиатга] таъсирини «борих», ботиш таъсирини «навъ» деб атаганлар. Ҳар бир манзил чиқишидан то ундан кейинги манзил чиқишигача ўн уч кун ўтади. Ал-Жабҳа<sup>1343</sup> манзили бундай эмас, унинг чиқиши билан ундан кейинги манзил чиқиши орасида ўн тўрт кун бор. Шоирлардан [бири] бундай деган:

*Вақтнинг барчасини чорақлар деб бил!*

*Ҳар бир чорак учун еттидан бирлар бор.*

*Ҳар бир еттидан бир ёриткичнинг чиқиши*

*Ҳамда зарбда ботувчи бир юлдузнинг нави учундир.*

*Ҳар бир чиқувчи юлдуз чиқишидан то ундан кейинги*

*Юлдуз чиқишигача тўрт кеча [ўтади],*


*Сўнгра унга [яна] тўққиз [кеча] эргашади.*

Кейин [астрономлар] таъсирлар ҳақида ихтилоф қилиб, баъзилари: «Бир манзил чиқишидан кейин то ундан кейинги манзил чиқишигача пайдо бўладиган ҳар бир таъсир аввалгисига мансубдир», – деса, бошқалари: «Манзиллардан ҳар бирининг чиқиши ва ботиши учун ўлчовли вақт бор, шу вақт ичида бўладиган [таъсир] ўша вақт эгаси бўлган манзилга нисбат берилади. Бу

муддат тугагач, ундан кейин бўладиган [таъсир] у манзилга нисбат бермайди», – дейди. Кўпчилик кейинги сўзга иқроор бўлган.

Яна ўша вақтлар миқдори [масаласи]да ҳам ихтилоф мавжуд; у ихтилофли [миқдорларни] келгусида тавсифлаймиз. Таъсирнинг қайси биридан экани аниқланганда, ўша вақтлар ичида ундан ҳеч қандай таъсир кўрилмаса, «юлдуз бўшга кетди» ёки «манзил бўшга кетди», яъни нав муддати ўтиб кетди, бу вақт ичида на ёмғир, на иссиқ, на совуқ, на шамол бўлмайди, дейдилар.

[Астрономларнинг] шамол эсадиган томонлар, жойлари ва уларнинг миқдорлари ҳақида ҳам ихтилофлари бор. Баъзилари: «Шамоллар [эсадиган] томонлар олтига», – дейди. Масалан, Ибн Куноса Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Саъд ибн Самура ибн Жундуб ал-Фазорийдан<sup>1344</sup> шундай ҳикоя қилган. Аксарлари (гарчи эсадиган жойлар булар фикрича турлича бўлса ҳам) Холид ибн Сафвондан<sup>1345</sup> ҳикоя қилинганидек, «Шамоллар эсадиган томонлар тўртта», – дейди. Арабларнинг бу икки хил фикрлари мана шу икки доирада тўпланган.<sup>1346</sup> Биринчи фикр – [доира] ичида, иккинчи фикр (340)|| шамолларнинг номлари ва эсадиган томонлари билан бирга доира ташқарисидадир (2-шакл).



Биринчи фикрда «махва» жануб шамоли дейилган. Ҳолбуки, «махва»-нинг шимолий [шамол] экани маълумдир, чунки булутларни жануб тўлдириб жўнатгандан кейин «махва» бўшатиб йўқ қилади.

Яна ўша фикрда «накба» шамоли эсадиган махсус бир жой кўрсатилган. Ҳолбуки, эсадиган жойи [юқорида] айtilган тўрт шамолдан иккитасининг эсадиган жойи орасида бўладиган ҳар бир шамолнинг «накба»лиги

маълумдир. Зуррума тўрт шамолни ва улар билан бирга «накба»ни мана бундай тасвирлайди:

«Анво селлари ва икки «ҳайф» уйлар устига қорамтир тоғлар кумларини олиб келади.

Учинчиси, Шом томондан кўзгалувчи совуқ шамол, бу майда тошлар тепасидан гирдоблар билан ўтади.

Тўртинчиси, Қуёш чиқадиган томондан чанг кўтариб ва момақалдирик билан кўзғалади.

Тез учувчи накба шамоллар [ҳам] чанг кўтариб, [ҳомиласи] ўн ойга яқинлашган туялар фарёдини кўпайтиради.

«Икки ҳайф» – жанубий ва ғарбий шамоллар. Шом томонда эсадигани – шимолий шамол, Қуёш чиқадиган [томондан] келадиган – шарқий шамолдир.

Форсларда ҳам шамолларнинг эсадиган жойлари юнонлар ва барча табиатшунослардаги кабидир. Шамолларнинг марказлари тўрт томонга мансуб. Улар мана бу доирада кўрсатилган (3-шакл):



3-шакл.

Сўнгра шамолларнинг икки турли эсар [жой] марказлари оралиғидан эсадигани икки марказнинг эсар [жойга] яқинроқ бўлганига нисбат бериллади. Баъзилар бундай шамолни икки [ёзги ва қишки] Қуёш туришида Қуёш чиқадиган ва ботадиган томонларга нисбат бериб, юнонча ном билан атайдилар.

[Ой] манзилларининг чиқиш ва ботишидаги [табиатга] таъсир вақтини билиш учун [бундан] яхши йўл бор. Айлул бошидан то [таъсир] ҳолатини билиш мўлжалланган кунгача ҳисоблаб олиб, натижа ўн учга бўлинади. Шунда ҳеч қандай [қолдик] қолмаса, қаралади: агар Ой Қуёш рўпарасида ёки ўзи-

нинг икки квадрантининг бирида бўлиб, ёмғир вақти бўлса, албатта, ёмғир ёгади, ёки ҳаво айниб, ё шамол, ё иссиқ, ё совуқ бўлади. Бунинг [изоҳи] шундай: агар ҳеч қандай [қолдиқ] қолмаса, ўша вақтда бир манзил чиқиб, унинг рақиби бўлган манзил ботади. Айлулнинг биринчи кунда ас-Сарфа<sup>1347</sup> [манзили] чиқиб, Саъд ал-Ахбия<sup>1348</sup> манзили ботгани учун ҳисоб шу кундан олинади.

Ҳисобнинг [Айлул бошига] хосланишининг сабаби шуки, бу кун ой боши бўлиб, куз фаслининг бошланишидир. Агар бунга Ойнинг ўз асосий ўринларида бўлиши қўшилса, иш кучли бўлиб, таъсир [янада] очик кўринади.

(341)|| Абу Маъшар айтади: «Биз буни икки юз етмиш тўққизинчи йили [Куёш ва Ойнинг] Шавволда<sup>1349</sup> рўпара туришида тажриба қилдик. Айлул бошидан то рўпара туриш кунигача ҳисобласак, бир юз ўттиз кун бўлди<sup>1350</sup>. Буни ўн учга бўлсак, ҳеч қандай қолдиқ қолмади. Рўпара туриш толеи Далв [буржи] эди, ўша кун ёмғир бўлди. Ой ўзининг ўнг томондаги квадрантида бўлганида ҳам шу кун ёмғир ёғди». Яна у айтади: «Ўша айтган йилимиздан кейинги йилда ҳам тажриба қилдик. Биринчи Айлулдан Канун қадимнинг ўн учинчиси бўлмиш пайшанба кунигача ҳисоблаб, ўн учга бўлдик, сира қолдиқ қолмади<sup>1351</sup>, икки ёриткич [Куёш ва Ой] орасида ярим бурж масофа бўлиб, Ой Миррих нуктасининг олтидан биридан ўтиб, Зухрага яқинлашмоқда эди. Худди шу вақтда ёмғир ёғди». Абу Маъшарнинг бу [икки ҳикояси] шу амалнинг тўғри келишига далилдир. Агар бу амалда ҳиндларнинг «рибот» ва «жафр»ларидан ёрдам олинса, ҳисоб янада тўғрироқ чиқади.

Айтишларича, юлдузларга қараб ҳукм чиқаришда арабларнинг энг билимдонлари Бану Мория ибн Калб ва Бану Мурра ибн Ҳаммом ибн Шайбон [арабларидир].

Араблар юлдузларни, яъни Ой манзилларини ҳисоблашда Аш-Шаратон<sup>1352</sup> манзилидан бошлаганлар. Чунки аш-Шаратон уларнинг замонида Ҳамал буржининг бошларида бўлган. Араблардан бошқалар – ажамликлар эса Сурайё<sup>1353</sup>дан бошлаганлар. Билмадим, Сурайё бошқа манзиллардан кўра зоҳирроқ тафаккур қилинмай ва кўп синчикланмай, топилиши осонроқ бўлганидан шундай қилганларми ёки Гермес китобларининг бирида учратганим «Баҳорги тенгкунлик Сурайё манзилида бўлади» деган сўзга амал қилганларми? Бу Искандардан уч минг йилча ёки ундан кўпроқ [вақт] олдинги гап бўлса керак. Уларнинг мақсадларини Аллоҳ яхшироқ билади.

Лекин биз араблар йўлига амал қилиб, улар бошлаган манзилдан бошлаймиз. Аш-Шаратон, булар «Икки белги» демакдир. Султонларнинг ҳамсухбатлари «шурат» деб аталганидек, бу [манзил] шу ном билан аталган. Чунки уларнинг ҳамсухбатлари қора ёки бошқа рангни ўзларига аломат қилган эдилар.

Бу манзилда Ҳамал шаклида иккита юлдуз бор. Баъзан буларга [ўзларига] якинроқларидан учинчи бир юлдузни кўшиб «шаратлар» деб аташади. Икки шарат осмон ўртасида турганида оралиғи икки газ<sup>1354</sup> микдорида кўринади. Уларнинг бири – шимолий, иккинчиси жанубийдир.

Юлдузлар ораларидаги кўз билан кўриладиган барча масофалар бошқа ерда эмас, осмон ўртасида туришларига қараб белгиланади, чунки ерни ўраб турган буғ ичида нурнинг каттик букилиши сабабли у масофалар – [ёриткичларнинг] геометрия манзаралари китобларида айтилганидек – [осмон ўртасидан бошқа] уфқларда катталашади. Шунингдек, икки юлдуз шимолдан жанубга ўтганда, баъзан иккиси уфқда шарқдан ғарбга оғандан ёки баландлик доираларининг бирида бўлганида, ораларидаги масофа тахминан олинади. Бу сфераларнинг экватордаги перпендикулярлигидан оғиши сабабли бўлади.

(342)|| Аш-Шаратон [манзили] «Натҳ»<sup>1355</sup> деб ҳам аталади, чунки «шарат-тайн» деб кўзичок икки шохининг тағларига айтилади. Бу манзилнинг таъсирлари Ҳамал буржининг биринчи ҳолатига тегишли бўлиб, шу ном билан аталувчи юлдузларга алоқаси йўқдир. Улар бизнинг замонимизда биринчи [ҳолатдан] ўша буржнинг иккинчи ҳолатига кўчганлар.

Сўнгра Бутайн<sup>1356</sup>. Бу Ҳамал қорнининг охирида, қовурғалари бир-бирига тенг учбурчак шаклида турувчи учта юлдуздир. Бутайн «батн» [сўзининг] кичрайтирилгани, чунки араблар Ҳут [манзили] батнига нисбатан буни кичрайтирганлар.

Сўнгра Сурайё. Бу тўпланиб турган олтита юлдуз бўлиб, узум шингилига жуда ўхшайди. Араблар буни «ҳамал думбаси» деганлар, аслида ундай эмас. Чунки бу юлдузлар Савр [буржининг] ўркачи устида туради. «Сурайё»<sup>1357</sup> [сўзи] «сарва»нинг кичрайтирилгани бўлиб, аслида «сарва»дан олинган. «Сарва» – «йиғилмоқ» ва «сон кўплиги» маъноларидадир. [Араблардан] баъзиларининг гумонича, бу [юлдузларнинг] шундай ном билан аталишига [сабаб] уларнинг ботишида ёмғир ёғиб «сарва», яъни бойлик ҳосил бўлади. [Шу юлдузлар] «Нажм»<sup>1358</sup> деб ҳам аталади.

Птолемей эслатиб [ўтган Сурайё] юлдузлари тўртта юлдуздир, чунки Птолемей кўзга кўринишида оралари тор бўлгани учун тўрттадан бошқасини кузатолмаган. Араблар эътиқодига кўра, бу манзилнинг Қуёш нури остида бекиниб туриш муддати қирқ кун бўлиб, энг ёмон кунлар ва йилнинг энг ваболи вақтларидир. Ал-Асадий: «Сурайёнинг чиқиши ва ботиши, албатта, бир монеликсиз бўлмайди», – деган. Араб табибларидан бири: «Сурайёнинг ботишидан то чиқишигача бўлган [муддатда] сиз менга кафил бўлинг, йилнинг қолган ҳамма вақтида мен сизга кафил бўламан», – деган. Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай ривоят қилинади: «Нажм чикқач, ер юзидан офат

кўтарилади». Бошқа ривоятда: «Барча шаҳарлардан офат кўтарилади» [деб кайд этилган].

Сўнгра Ад-Дабарон<sup>1359</sup>. Бу манзил нуруний, кизил юлдузидир. Унинг «дабарон»<sup>1360</sup> деб аталишига сабаб, Сурайёдан кейин чиқишидир ва Саврнинг жанубий кўзи устида туради. Дабарон «Ал-Фаник» деб ҳам аталади. «Фаник» катта туядир. Чунки араблар [Дабарон] атрофидаги юлдузларга «урғочи туялар» деб ном берган. Шунингдек, у «Нажмга эргашувчи» ва унинг «кейинидан келувчиси» деб ҳам аталади, чунки у чиқиш ва ботишда Сурайёга эргашади. Яна у «Ал-Мухдиж»<sup>1361</sup> деб [ҳам] аталади.

Сўнгра Ҳақъа<sup>1362</sup>. Бу [бир-бирига] яқин учта кичик юлдуз бўлиб, худди бош бармоқ, кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг йиғилган ҳолда ерга тиралган изларига ўхшайди. Бу [манзилни] отнинг ён томонида оёқ бўғини олдидаги [соч] ҳалқасига ўхшатиб, шу ном билан атаганлар. [Бундай отни] «махқу от» дейилади. Баъзилар бу [манзилни] «Ат-Таҳойй» деб атаган. Птолемей бу [юлдузларни] булутсимон битта юлдуз қилиб, Жаббор, яъни Жавзо устидаги хира юлдуз деб атаган.

Сўнгра Ал-Ҳанъа<sup>1363</sup>. Бу [манзил] Сомон йўлидаги Жавзо<sup>1364</sup> билан Эгизаклар боши орасидаги иккита равшан юлдуз бўлиб, иккинчисининг ораси камчин [бўйичадир]. Буларнинг бирига Аз-Зирр, иккинчисига Ал-Майсон дейилади. Булар иккинчи Эгизакнинг оёғи устида туради.

Зажжож<sup>1365</sup> «Ал-Ҳанъа» [лафзи] «фалон нарсани эгдим ва бир томони-ни иккинчи бир томонига букдим» деганидаги «ханъа» [фёлидан] олинган. Гўё у икки юлдузнинг бири иккинчисига эгилиб туради», – дейди. Биров эса: «Балки у икковига тегишли ва улар ўртасидан орқароқда туриб иккисини худди эгилган бўйиндек қилиб кўрсатувчи учинчи бир юлдузга қиёсан бу [сўз] кўлланган», – дейди.

(343)|| Араблар [эса] бундай гумон қилганлар: «Ҳанъа ва бошқа олтита юлдуз Жавзонинг Асад [томонига]<sup>1366</sup> отадиган камонидир».

Сўнгра Аз-Зирроъ<sup>1367</sup>. Бу оралиғи бир зирроъ микдорида келадиган иккита юлдузидир. Уларнинг бири Шиъро, яъни куйган Шиъро бўлиб, у Шом Шиъросидир. «Зирроъ» [сўзи] арабларга кўра, Асаднинг ёзилган тирсагидир; [бу манзил] икки юлдузининг бири, [яъни] «йиғилган зирроъ» дейиладигани эса Абур Шиъроси бўлиб, бу Яман Шиъролидир<sup>1368</sup>.

Ёзилган зирроъга келсак, у астрономлар наздларида, Эгизаклар боши, йиғилган зирроъ эса «Калб ал-Мутақадди.м»<sup>1369</sup> юлдузларидандир. Астрономлар орасида бу [манзил] ҳақида ихтилофлар ва буни шундай ном билан аташларида [турли] гап ва хурофий хабарлар бор.

«Куйган» [Шиъро] – Искандар эрасининг минг уч юзинчи йили Таммуздан ўн кеча ўтганда, Яманники дейиладиган Абур Шиъроси эса Таммузнинг йигирма учинчи кечаси чиққан<sup>1370</sup>.



Сўнгра Ан-Насра<sup>1371</sup>. Бу манзил Асаднинг оғзи билан бурнининг икки тешиги орасидаги бир жойдир. Бу Ал-Лаҳо<sup>1372</sup> ҳам дейилади. Бу манзил иккита юлдуз бўлиб, оралиғида булутсимон доғ бор. Бу [манзилнинг] ҳаммаси Саратон суратига тегишли.

Сўнгра Ат-Тарф<sup>1373</sup>. Бундан Асад кўзини назарда тутадилар. Булар бирига яқин иккита юлдуздир. Бири – Асад суратига, иккинчиси эса – Саратон суратидан чиққан юлдузларга [тегишли]. Бу [манзил] олдида ал-Ашфор, яъни «Асад киприклари» деган юлдузлар бор.

Сўнгра Ал-Жабҳа<sup>1374</sup>. Асаднинг пешонаси. Бу [манзил] тўртта юлдуздан иборат, ҳар икки юлдуз ораси бир қамчин бўйи. Улар шимолдан жанубга қараб тўғри вазиятда эмас, эгри [ҳолда] ётадилар. Астрономлар наздларида, бу манзил Асаднинг ёли ўрнидадир. Уларнинг жануб томондагиларини «Шер подшоҳнинг юраги» деб атайдилар. Бу [манзил] Ҳижозда Сухайл кўриниши билан чиқади. Сухайл<sup>1375</sup> – Кема юлдузларининг эшқакдаги қирқ тўртинчисидир. Кенгламаси жанубда етмиш беш даража [бўлганлиги] натижасида у уфқда унча баланд кўринмайди ва шунинг учун кўзга тўлқинланиб кўринади. Айтишларига кўра, [кўзлик] кишининг кўзи Сухайлга тушса, у киши ўлади. Яна айтишларича, Ромин оролида, Сарандиб чегараларида бир ҳайвон бор. Уни киши кўрганидан кейин қирқ кун ҳам яшамайди. Бу ҳолатлар руҳий нарса ва уларнинг таъсирига тегишли бўлиб, бу «раъода»<sup>1376</sup> деб танилган балиқ таъсиридан ажиброк эмас. Бу балиқ тўрда тирик турган вақтда уни овлаган [кишининг] қўли увишади, ҳатто шундай дейдиларки, биров қамишни олиб, унинг бир учини ҳали тирик бўлган ўша балиқ устига қўйиб, бошқа учини ўзи ушлаб турса, қўли увишиб, қамиш унинг қўлидан тушиб кетади.

Шунга ўхшаш Шарқий Журжоннинг қишлоқларидан бири Раъда учратиладиган қуртлар ҳам [Сухайлдаги таъсирга] мисол бўлади. Бу қишлоқнинг айрим жойларида майда қуртлар бор; сув кўтарган киши уларни босса, ўша сув бузилиб ҳидланади, босмаса, тоза, хушбўй ва чучук мазалигича қолади.

(344)|| Сўнгра Аз-Зубра<sup>1377</sup>. Асад зубраси, яъни елкаси ва бўйни ўрнатилган жой. Аз-Зажжож: «Бу Асад кифтидаги соч ўрни, чунки [шер] ғазабланганида сочи тикланади», – деди. Ан-Ноиб ал-Омулий: «Зубра бир парча темир бўлиб, Асад [буржининг] икки кифти шунга ўхшатилади», – дейди.

Бу [манзил] иккита юлдуз [дан ташкил топган] бўлиб, оралари бир қамчин бўйи келади. Улар тешиқ [маъносидаги] «хурт» сўзидан олиниб, «хуртайн»<sup>1378</sup> ҳам дейилади. Гўё буларнинг ҳар бири Асад қорнига кириб боради. Ҳақиқатда, бу иккови Асад суратининг сон қисми устида бўлиб, бири дум ўтқизилган жой тепасидадир. Бу иккиси чикиши билан Ирокда Сухайл кўринади.

Сўнгра Ас-Сарфа<sup>1379</sup>. Бу жуда равшан юлдуз [бўлиб], унинг ён-атрофида «Асад чангали» дейиладиган бир неча юлдузлар бор. Бу [манзил] чиққанида

иссиқ қайтиши ва ботганда совуқ [қайтиши] сабабли шундай ном билан аталган.

Сўнгра Ал-Авво<sup>1380</sup>. Бу учи куйига қараб эгилган чизик шаклидаги бешта юлдуздан иборат. Шунинг учун бу ном билан аталган. Киши бирор нарса ни эганда «авайту шайъан» («нарсани эгдим») дейди. Аз-Зажжож: «Мендан бошқа [яна] бировнинг бу [манзилни] шундай изоҳ этганини билмайман». Кимки «бу – шернинг орқасидан қувиб хурувчи итлар» деса, янглишган», – деди. Бу юлдузлар Азроъ кўкраги ва қаноти устида туради<sup>1381</sup>.

Сўнгра Симок Ал-Аъзал<sup>1382</sup>. Бу «Асад оёғи» деб аталади, унинг бошқа оёғи эса «Симок ар-Ромих»<sup>1383</sup> деб аталади. Бу манзилнинг «аъзал» деб аталди. Лишига сабаб шуки, [Симок] ар-Ромих билан бирга «унинг найзаси» дейилди. Сибавайх: «Бу [манзил] баландлиги сабабли «Симок» деб аталган», – дейди. Баъзилар: «Балки Ой бунда тўхтамагани учун шундай номлангандир», – дейди. Агар шундай бўлса, Ал-Аъзал [Ой манзили] номини олишга сира ҳақли бўлмас эди. Албатта, Ой бу [манзилга] тушади ва гоҳо уни яшириб туради.

[Симок] Азроъ буржининг сўл кафти устидаги энг равшан юлдуз. Баъзи одамлар уни Сунбула<sup>1384</sup> деб атайди, лекин бу тўғри эмас. Сунбула Птолемей «Аз-Зафира»<sup>1385</sup> деб атаган Хулбадир. [Хулба] Катта Айиқ юлдузининг орқасида тўп бўлиб турган бир қанча кичик юлдузлар бўлиб, марваридгул баргига жуда ўхшайди; шу буржнинг барча юлдузлари [Хулба] номи билан аталган.

Араблар, Хулба Асад [буржи] думининг учи устида туради, дейдилар. Бу Асад думи учиди бўладиган майда килчалардир.

Сўнгра Ал-Ғафр<sup>1386</sup>. Бу нурсиз учта юлдуздан иборат бўлиб, Азроънинг этагида ва сўл оёғи устида туради. Араблар бунини «манзилларнинг яхшироғи» дейдилар, чунки бу Асад [буржининг] орқаси ва Ақрабнинг олдидадир. Асад узун тишлари ва тирноқлари билан, Ақраб заҳари ва найзаси билан зиён еткази.

Арабларнинг ражаз [вазни] билан шеър айтувчи шоирлардан бири шундай деган:

*Кечаларнинг яхшиси ҳамиша*

*Зубонайн ва Асад орасидагидир.*

«Пайғамбарларнинг тугилган вақтлари шу манзил чикишига тўғри келган», – дейлади. Азият етказишдан ўзини сақлаган [Исо] Масихдан бошқа [пайғамбар] ҳақида бунини тўғри деб ўйламаймиз. Мусонинг тугилган вақти эса [яхудийлар] сўзининг қиёси унинг Асад озиқ тиши чикиб, Ой Асад чангалига тушган пайтга тўғри келганини талаб этади.

(345)|| Бу [манзил] юлдузларининг нури камлиги сабабли «Ғафр» деб аталган. Киши бир нарсани бекитганда «Ғафарту шайъан» («нарсани бекит-

дим») дейди. Яна сабаб шуки, бу [манзил] Ақраб буржининг шохи тепасида калконга ўхшаб туради. Аз-Зажжож: «ғафр», «ғафрат»дан олинган, бу Асад думи учигаги мўйлардир», – деган.

Сўнгра Аз-Зубонайн<sup>1387</sup>. Бу манзил бир-биридан ажралиб турувчи иккита равшан юлдуз бўлиб, оралари беш зиро келади. Турган жойига қараб булар Ақрабнинг икки қискичи бўлиши мумкин, лекин Мезон суратига тегишлидир<sup>1388</sup>. Айтишига кўра, бу ном «забн» [сўзидан] олинган бўлиб, ҳар бири ўз суҳбатдошига яқинлашмай узоқ туради.

Сўнгра Ал-Иклил<sup>1389</sup>. Бу Ақрабнинг боши – қатор турувчи учта юлдуздир. Ибн Ас-Сўфий шундай дейди: «Бу мумкин эмас, [Иклил] Мезон суратидан ҳисобланадиган [юлдузларнинг] саккизинчиси ва у суратдан ташқаридаги – [юлдузларнинг] олтинчиси бўлиши керак». Яна Птолемей: «Алмажистий»да ёд этмаган бошқа бир [юлдуздир]», – дейди. Ибн ас-Сўфий «Иклил қатор учта равшан юлдуз», деганлар [фикри]ни хатога чиқариб, Иклил [Ақраб] бошидан бошқа жойда бўлмайди, деб даъво қилади. Шу билан бирга арабларда Иклил Ибн ас-Сўфий айтганидек эмас, балки қатор учта юлдуз экани машҳурдир. Ас-Сўфий билан араблар ўртаси «Иккала даъвогар рози бўлишди-ю, қози рози бўлмади» деган мақолга мисолдир<sup>1390</sup>.

[Сўнгра Қалб<sup>1391</sup>. Бу Ақрабнинг саккизинчиси].

Сўнгра Аш-Шавла<sup>1392</sup>. Бу Ақрабнинг игнаси ва найзасидир. У доимо баланд, яъни юкори кўтарилгани сабабли шу ном билан аталган. Шавла Ақраб думи учига бир-бирига яқин иккита равшан юлдуздир.

Сўнгра Ан-Наъоим<sup>1393</sup>. Бу [манзил] саккизта юлдуздан [иборат]. Тўрттаси Сомон йўлида тўртбурчак шаклида. Булар: «[Сувга] тушувчи Туякушлар»дир, чунки улар анҳорга, яъни Сомон йўлига тушаётганлар. Тўрттаси эса Сомон йўлидан ташқарида бўлиб, булар ҳам тўртбурчак шаклидадир. Анҳордан кечаётганликлари сабабли «Чиқувчи Туякушлар»дир<sup>1394</sup>.

Аз-Зажжож шундай дейди: «Бу [манзил] «нун» ҳарфига «замма» ҳаракатини қўйиб, «Наъоим» деб аталади. «Наъоим» деб қудуқ тепасида чарх ва челақ осиб қўйиладиган ёғочларга айтилади. У юлдузлар шу ёғочларга ўхшатирилган, гўё тўрттаси тушаётгандек, тўрттаси кетаётгандекдир, тушувчилари ўқ отувчининг камони ва ўқи устида, кетувчилари унинг кафти ва кўкрагидадир»<sup>1395</sup>.

Сўнгра Ал-Балда<sup>1396</sup>. Бу манзил осмоннинг бир парча чўли каби бўлиб, унда юлдузлар йўқ. Бу Ўқчи суратининг от сурати ёнидадир. Аз-Зажжож: «Бу манзил бир-бирига туташмаган икки қош орасидаги ораликқа ўхшатирилган. Икки қоши ораси узоқ кишига «аблад» дейилади», – дейди.

(346)|| Сўнгра Саъд аз-Зобиҳ<sup>1397</sup> Бу [манзил] иккита юлдуз – бири шимолий, иккинчиси – жанубий; оралари бир зиро миқдоридадир. Шимолийсининг

олдида кичик бир юлдуз бор, [гўё] бу унинг сўядиган кўйи. Бу икки юлдуз Жадий [буржининг] шохи устида туради.

Сўнгра Саъд ал-Булаъ<sup>1398</sup>. Бу манзил иккита юлдуз бўлиб, ораларида махфий – гўё иккисидан бири ютиб юборган ва томоқдан кўкракка тушган-дек – бир юлдуз бор. Баъзилар: «Балки бу манзил ўша учинчи юлдузни ютиб ва нуруни олиб яширган кишига ўхшаганидан бу ном билан аталган», – дейди, Абу Яхё ибн Куноса эса: «Бу ном билан аталишига сабаб шуки, у «Эй ер, сувингни ют!»<sup>1399</sup> дейилган вақтда чиққан», – дейди. Бу жуда бўш гап. Бу юлдузлар «Сув қуювчи», яъни Далв [буржининг] сўл қўли устида туради.

Сўнгра Саъд ас-Суъуд<sup>1400</sup>. Бу учта юлдуздан иборат бўлиб, бири қолган иккитасидан нурлироқдир. [Араблар] бу [манзил] чиқишини бахтли ҳисоблаганлари сабабли шундай ном билан аталган, чунки бу [манзил] совуқ қайтиб ва қиш ўтиб, кетма-кет ёмғирлар бошланган вақтда чиқади. Бу юлдузларнинг иккитаси – сув қуювчининг сўл елкасида, учинчиси, Жадий думининг устида туради.

Сўнгра Саъд ал-Ахбия<sup>1401</sup>. Бу манзил тўртта юлдуз бўлиб, учтаси тор бурчакли учбурчак шаклида, биттаси эса у шаклнинг ўртасида, худди уни ўраб турган доира марказидек бўлади. «Саъд» атрофидагилар унинг «чодирлари»дир. Баъзилар [нинг] айтишига кўра, ушбу манзил намоён бўлганда, яшириниб ётган ўрмаловчи жониворлар ҳам чиқади. «Балки бу ном билан аталишининг сабаби шудир». Бу [манзил] Далвнинг ўнг қўли устида туради. Аллох яхшироқ билгувчидир.

Сўнгра Биринчи Фарғ<sup>1402</sup> Бу [манзил] «юқориги тахтача» ва «Далвнинг иккита олдинги туширувчиси» деб аталади. Иккови бир-биридан ажралган алоҳида иккита равшан юлдуздир. Булар от устида унинг елкасида туради.

Сўнгра Иккинчи Фарғ<sup>1403</sup>. Бу [манзил] «Қуйи тахтача» ва «Далвнинг [кудукқа] иккита кейинги туширувчиси» деб аталади. Бу иккиси «юқориги тахтача» шаклидадир. Арабларга кўра, Далв ўша тўрт юлдуздан иборат.

Сўнгра Батн ал-Хут<sup>1404</sup>. Бу «Қалб ал-Хут» деб ҳам аталади. Бу [манзил] «Ришо»<sup>1405</sup> деб аталувчи ва буржлар шаклларида бўлган маълум икки балиқдан бошқа бир балиқ қорнининг икки бўлагидан биридаги ёруғ юлдуздир. Бу юлдуз «Эр кўрмаган занжирбанд аёл»<sup>1406</sup> [буржидан] бўлиб, «Мезон» тепасида туради.

Юқорида айтилган [манзиллар бобини] қисқа қилиб, бунга [Ой манзиллари] аҳволдан иборат бошқа қисмни қўшиқ ва манзилларни мазҳаблар ҳамда сўзлар ихтилофига қараб «Манзиллар ҳолатлари» жадвалига қўйдик. Манзил юлдузларининг Искандар эрасининг минг уч юзинчи йилидаги<sup>1407</sup> чиқишини [араблар] баён этган ўртача ҳисобга мувофиқ кўрсатдик ва буларни «Манзиллар юлдузларининг ҳолатлари жадвали»га киритдик. Бу икки жадвалга қаровчи кишининг ҳар бир жадвал устунлари тепасига битилган сўзлар

сабабли, манзиллар ҳақида бировдан сўрашга эҳтиёжи қолмайди. Бу икки жадвал 422–425-бетларда кўрсатилган.

(351) Ой маълум бир юлдузга ёки манзиллар белгиси бўлган ва улар нисбат бериладиган юлдузларга учрашганда, [араблар] «Ой манзилга тушди», дейдилар ва буни ёмонликка йўядилар. Агар Ой сайрини тезлаштириб манзилдан ўтса ёки сустлаштириб манзилга етолмаса, уни икки манзил ўртасидаги ораликда кўрсалар, «Ой манзилдан ўтди» дейдилар ва буни яхшиликка йўядилар.

Шундай ораликларнинг баъзиси алоҳида ном билан аталган. Масалан, Сурайё ва Дабарон ўртасидаги оралик «Зайқа» деб аталади. Араблар буни наҳс ва ёмон қуръа ҳисоблайдилар. У тез ботиб келиши сабабли Зайқа номи билан аталган, чунки Сурайёнинг ботиш даражаси билан Дабароннинг ботиш даражаси оралиғи эклиптикада олти даража, экваторда эса қарийб етти даражадир.

Анво китоблари муаллифларининг баъзиси, Зайқа Савр юлдузларининг йигирма биринчи ва йигирма иккинчиси<sup>1408</sup> бўлиб, араблар бу иккисини Дабароннинг икки ити деган ном билан атайдилар, деб гумон қилган. Лекин бу ундай эмас.

Баъзан [Ой] Ҳанъа [манзилига] етмай, Таҳоййга тушади, бу Эгизак юлдузларнинг ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчисидир<sup>1409</sup>. Бир гуруҳ «Таҳойй Ҳақъа [манзили]» деса, бошқалар «У Ҳақъа ҳам эмас ва ундан бошқаси ҳам эмас», дейди.

Баъзида [Ой] Симок манзилига етмайди, унинг баъзи араблар «Асад орқаси» деб атайдиган тахтига тушади. Бу Қарға юлдузларининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчисидир<sup>1410</sup>.

Баъзан [Ой] Шавла манзили рўпарасига етмасдан, Акраб думининг айрим бўғинларига рўпара бўлади. Бўғинлар унинг умуртқаларидир.

Гоҳо [Ой] Балда манзилига етмай, унинг маржонига тушади; маржони «Уд-ҳий» деб аталади. Бу Ўқчи юлдузларидан тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч ва ўн тўрттинчисидир<sup>1411</sup>. Баъзи одамлар уни Қавс деб гумон қилган. У эса Ўқчининг боши ва икки кокилидир.

Баъзан [Ой] Саъд ас-Суъудгача етмай, Саъд Ноширани манзил қилади. Бу Жадий юлдузларидан йигирма учинчи ва йигирма тўрттинчисидир<sup>1412</sup>.

Гоҳо [Ой] иккинчи Фарғ [манзилига] етмасдан, Қарабда тўхтайти. Қараб деб Далв иккала томон бандининг қўшилиб, арқон боғланадиган жойини айтадилар. Бу Қанотли От юлдузларининг бешинчи ва еттинчисидир<sup>1413</sup>. Ёки [Ой] «Тулкилар шаҳри»га тушади. Бу эса иккинчи Фарғ билан Симак орасидаги юлдузсиз бўш жойдир.

Анво китоблари муаллифларининг баъзиси Анисайннинг – бу иккови Учбурчак юлдузларининг биринчи ва иккинчисидир<sup>1414</sup> – Шаратондан кейин

ботаётганини кўриб, «бу иккиси Батн ал-Хут билан Шаратон орасида» деб гумон қилади-да, «Ой гоҳо Шаратонга етмай Анисайнга тушади», дейди. Бу тўғри эмас, чунки Ҳамал буржида Анисайн даражаси Шаратонникидан кўпроқ. Лекин Анисайн кенглиги шимолдалиги сабабли кейинроқ ботади. Шимолга мойилроқ юлдузлар, шимолга мойиллиги камроқ юлдузлардан олдин чиқиб, ундан кейин ботади. Жанубда эса бунинг акси бўлади.

(352)|| [Ой] манзиллари нисбат бериладиган ва [Ой манзиллари] улар билан аталувчи бу турғун юлдузлар бир хилда секин ҳаракат қилишлари сабабли, ҳар бир олтмиш олти шамсий йилда бир даража сайр этганларида, уларнинг ҳар бир чиқиш ва ботишларига бир кун қўшилиши керак бўлади. Биз Ой манзиллари юлдузларини Искандар эрасининг минг уч юзинчи йилидаги жойларини – астрономлар атаган номларига мувофиқ – узунлиги, кенглиги ва олти даражали миқдорлари билан исботладик. [Юқорида айтилгандек], бир кун қўшилишини аниқламоқчи бўлган киши, у манзиллар юлдузларининг ўз замонидаги жойларини, биз баён этган кўчириш йўли билан, яъни ҳар олтмиш олти йил учун бир кун қўшиб тасҳих этсин. Сўнгра у киши ўша юлдузларнинг Қуёш нурида яшириниши ва нур кетганда кўриниши хусусида зижларда баён этилган ва «Алмажистий» китобида исботланган қоидага биноан амал қилсин. Чунки [у юлдузларнинг] чиқиш ва ботишлари мамлакатлар кенгласи ва ўз жисмларининг олти даражали миқдорлари ҳам эклиптикадан узоқликлари сабабли турлича бўлади. Бу ишни [бажаришда] эклиптикада кўп кенглик юз берса, Зухра Симақ буржида Қуёшга учрагандаги сингари ажаблаларли ҳолат юз беради. Зеро, Зухранинг шу буржда Қуёш нури остида яшириниши қарийб бир ёки икки кун муддати бўлиб, агар Азро буржида Қуёшга учраса, тақрибан ўн олти кун давомида яширинади.

Уторид Ақраб буржида Қуёшга қарши турганида, тонг пайтларида кўринади, иккисининг ораси бир буржнинг бешдан тўртча бўлади; Қуёшдан тескари турганида ҳам кўринади, лекин кечалари кўринмайди. Савр буржида унинг аксича бўлади, яъни Қуёшга қараганида ҳам, ундан тескари турганида ҳам кечалари кўринади-ю, тонг пайтларида кўринмайди. Бунинг барча далил ва исботи «Алмажистий» китобида ёзилиб, шарҳ қилинган. Энди ой манзиллари юлдузларининг жойларини кўрсатувчи жадвални баён этамиз. (428–430-бетларга қаранг).

(357)|| Биз бу китобни шу фанда йўл кидириб истифода этадиган [ўқувчига] малол келтирмайдиган тарзда туздик: ҳар бир боб ҳиссасини имкон борича тўлиқ бердик ва у бобда тугал гапирмай туриб, сўзни бирон китобга ҳавола қилмадик. Ой манзилларини ва бошқа ёриткичлар суратларини текисликда қандай тасвирлаш ҳақида бу китобга бир фасл қўшишимиз керак. Чунки киши турли вақтларда ёриткичларнинг чиқиши ҳар хиллигини билганида, эклиптика вазиятларини тасаввур қилади. Юқоридаги ишорат ва гаплар у [кишига]

(347-348) || Манзиллар ҳолатларини кўрсатувчи жадвал

Ой манзилларининг боғлиқ аниқлашти	Ой манзилларининг номлари	Манзиллар бошларининг Ҳамал юлдузларининг жойлари билан эмас, ҳисоб билан ўзлаштирилган			Бахтлилари ва бахтсизлари		Жуғрафик савоби манзилларининг ётирилган ҳолат беришлари		Манзилларининг сўраши оқшар ва чикшарлари		Сўраши оқшар ва чикшарлари		Анво китобларининг ақсарига баён этилганча, манзиллар бора манзилларининг миклори		Манзилларининг сўраши оқшар ва чикшарлари		У оқшарининг нечанчи кунлига		Анво китобларининг ақсарига айтилганча, манзиллар нислори		Абу Аҳе ибн Кунас бағиша, манзиллар миклори		Абу Ханифа ад-Диноварий бағиша, манзиллар нислори				
		Буржлар	Даржақлар	Даржақлар	Сониқлар	Ўрғача	Бахтли	Ўрғача	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил	Ўрғача	Намил			
1	Ал-Шаратон	0	0	0	0	Ўрғача	Ўрғача	Ўрғача	Намил	Нисон	10	23	1	1	Типрин қадим	10	23	1	1	Типрин қадим	10	23	1	1	Типрин қадим	10	23
2	Ал-Бугайн	0	12	51	26	Бахтли	Бахтли	Курук	Курук	Афёр	6	19	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18
3	Ас-Сурайе	0	25	42	52	Бахтли	Бахтли	Мўғадил	Мўғадил	Афёр	6	19	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18
4	Ал-Дабарон	1	8	34	18	Наҳс	Наҳс	Намил	Намил	Афёр	6	19	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18
5	Ал-Ҳақъа	1	21	25	44	Наҳс	Наҳс	Намил	Намил	Афёр	6	19	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18	4	1	Типрин хрой	5	18
6	Ал-Ҳанъа	2	4	17	10	Бахтли	Бахтли	Ўрғача	Ўрғача	Ҳазрон	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14
7	Аз-Зиро	2	17	8	35	Бахтли	Бахтли	Намил	Намил	Ҳазрон	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14	3	1	Қанун қадим	1	14
8	Ан-Насра	3	0	0	0	Аралаш	Аралаш	Ўрғача	Ўрғача	Таммуз	10	23	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22
9	Ал-Тарф	3	12	51	26	Наҳс	Наҳс	Курук	Курук	Таммуз	10	23	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22
10	Ал-Жабха	3	25	42	52	Бахтли	Бахтли	Намил	Намил	Таммуз	10	23	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22	1	1	Қанун хрой	9	22
11	Аз-Зубра	4	8	34	18	Бахтли	Бахтли	Ўрғача	Ўрғача	Об	19	1	3	3	Шубот	4	17	3	3	Шубот	4	17	3	3	Шубот	4	17
12	Ас-Сарфа	4	21	25	44	Наҳс	Наҳс	Намил	Намил	Об	19	1	3	3	Шубот	4	17	3	3	Шубот	4	17	3	3	Шубот	4	17
13	Ал-Авво	5	4	17	10	Бахтли	Бахтли	Ўрғача	Ўрғача	Айбул	14	27	1	1	Озар	15	18	1	1	Озар	15	18	1	1	Озар	15	18
14	Ас-Симоқ	5	17	8	35	Ўрғача	Ўрғача	Ўрғача	Ўрғача	Айбул	14	27	1	1	Озар	15	18	1	1	Озар	15	18	1	1	Озар	15	18
15	Ал-Ғафр	6	0	0	0	Наҳс	Наҳс	Намил	Намил	Типрин қадим	10	23	3	3	Нисон	10	23	3	3	Нисон	10	23	3	3	Нисон	10	23
16	Аз-Зубонайн	6	12	51	26	Наҳс	Наҳс	Мўғадил	Мўғадил	Типрин қадим	10	23	1	1	Нисон	10	23	1	1	Нисон	10	23	1	1	Нисон	10	23

17	Ал-Икпел	6	25	42	52	Наҳс	Намли	Тхирин хрой	{ 5	4	Айер	{ 6	4	4
18	Ал-Қалб	7	8	34	18	Бахтли	Қуруқ	Канун қадим	18	1		{ 19	1	1
19	Ал-Шавла	7	21	25	44	Наҳс	Намли		1	1	Ҳазирон	{ 1	3	3
20	Ан-Наъом	8	4	17	10	Наҳс	Намли		14	1		{ 14	1	1
21	Ал-Бада	8	17	8	35	Аралаш	Намли		27	1		{ 27	1	3
22	Савд аз-Забих	9	0	0	0	Бахтли	Намли		9	1		{ 10	1	1
23	Савд Була	9	12	51	26	Ўргача	Озгина намли	Канун хрой	{ 22	1	Таммуз	{ 23	1	1
24	Савд ас-Суъуд	9	25	42	52	Наҳс	Ўргача		4	1		{ 5	1	1
25	Савд ал-Аҳбия	10	8	34	18	Аралаш	Муътадил қуруқ	Шубот	{ 17		Об	{ 5		
26	Фарғ ал-Муқаддам	10	21	25	44	Бахтли	Қуруқ		2	1		{ 1	3	3
27	Фарғ ал-Муаххар	11	4	17	10	Аралаш	Намли	Озар	{ 15	1	Айтул	{ 14	4	4
28	Бағи ал-Хут	11	17	8	35	Бахтли	Намли		28	1		{ 27	1	1



(349–350) || Манзиллар юлдузларининг ҳолатларини [кўрсатувчи] жадвал

Ой манзилларининг нумлари	Манзиллардаги юлдузларнинг микдори	Манзилларнинг Искандар [кўрсатувчи] 1300 йили сурёндай ойларидagi чиқишлари	У ойларнинг нечани кунда	Манзилларнинг Искандар [кўрсатувчи] 1300 йили сурёндай ойларидagi ботишлари	У ойларнинг нечани кунда	Манзиллардаги юлдузлар шакллрининг астрономлар қабул этган мартабалари	Манзиллардаги юлдузлар шакллрининг араблар қабул этган мартабалари
1	Ал-Шаратон	Нисон	22	Тишрин қадим	22	Ҳамалнинг икки шохи	Ҳамалнинг икки шохи
2	Ал-Буғайн	Айёр	15 18 31	Тишрин хрой	4 17 30	Ҳамал думбаси	Ҳамал қорни
3	Ас-Сурайё						Ҳамал думбаси
4	Ал-Дабарон	1	31	Савр кўзи	30	Савр кўзи	Савр кўзи
5	Ал-Ҳақъа	3	13	Ҳазрон	13	Жаббор боши	Жавзо боши
6	Ал-Ҳанъа	2	26	Ҳазрон	13 26	Жаббор боши	Жавзо камони
7	Аз-Зирёъ	2	26				Кейинги эгизакнинг икки оёғи
8	Ал-Насра	3	13 26	Канун хрой	8 21	Иккала эгизакнинг икки боши	Асаднинг ёзилган кўли
9	Ал-Тарф	2	4	Шубот	3 16	Асад бўйни	Асад бурни
10	Ал-Жабҳа	4	17				Асад ёли ва юрағи
11	Аз-Зубра	2	31	Об	4 17	Асад бўйни	Асаднинг пешонаси
12	Ас-Сарфа	1	13				Асад думининг тағи
13	Ал-Авво	4	26	Озар	1 14 27	Асад ёнбошининг охири	Асад елкаси
14	Ас-Сямок	1	9	Нисон	9 22	Азро кўкрағи	Асад думи
15	Ал-Ғафр	3	22				Азро кўли
16	Аз-Зубонайн	2	4	Айёр	4 17 30	Азро этағи	Асад сонни
17	Ал-Иқтил	3	17				Азро кўли
18	Ал-Қалб	1	30	Айёр	5 18 31	Азро этағи	Ақрабнинг қалқони
19	Ал-Шавла	2	13	Ҳазрон	13 26	Тарозия палласи	Ақраб боғи
20	Ал-Наъобим	8	26				Ақраб қалби

21	Ал-Балда	0	Канун хрой	{ 8 21 }	Таммуз	{ 9 22 }	Отувчининг бадаи Жадий қорни	Юлдузсиз жой Шақли йўқ
22	Савд аз-Забих	2					Сув қуловчининг чап қўли	Шақли йўқ
23	Савд Булаъ	2					Сув қуловчининг чап елкаси	Шақли йўқ
24	Савд ас-Суъуд	3				4	Сув қуловчининг ўнг билагаи	Шақли йўқ
25	Савд ал-Ахбия	4	Шубот	{ 3 16 }	Об	{ 17 31 }	От елкаси ва унинг ўнг қўли	Давлнинг юқориги тахтакачи
26	Фарғ ал-Муқалдам	2					От қаноти ва қандиги	Давлнинг пастки тахтакачи
27	Фарғ ал-Муаххар	2	Озар	{ 1 17 27 }	Айтул	{ 13 26 }	Занжирбанд аёлнинг ёни	Балиқ қорни
28	Баги ал-Хут	1	Нисон	9	Тишрин	9		

манзиллар юлдузларини кўриб таниш ва уларни кўрсатиш имкониятига эга бўлиш учун кифоя қилади. Лекин [Ой манзилларига] эҳтиёжи тушган ҳар бир киши эклиптика вазиятларини билавермайди. Ой манзилларини тасвирлашда ва қирқ саккиз шаклни ўз ичига олган бошқа юлдузларни тасвирлашда турли мартабадаги барча илм аҳлига умумий бўлган кўп манфаатлар бор. Шундайлар орқали мамлакатлар, шаҳарлар ва ер юзидаги бошқа нарсалар текисликда тасвирланади. Бу ҳақда бирон [кишининг] сўзини эшитмадик. [Энди] уни ҳикоя қиламиз, лекин бу тўғрида ўз хотиримга келганини баён қиламиз<sup>1415</sup>.

Катта-кичик доиралар ва нуқталардан иборат сфераларни, башарти уларнинг икки қутбидан бирининг текис қисмлари ўша доира ва нуқталар устидан ўтиб, аниқ бир текислик ажратадиган конуслар боши қилинса, текисликка проекциялаш мумкин бўлади. Зеро, агар ўша текислик билан ҳалиги конуслар сиртлари орасидаги умумий чегаралар доиралар устидан ўтса ёки агар текислик билан чизиклар орасидаги умумий чегаралар нуқталар устидан ўтса, у доира ва нуқталарни ўша текислик юзасига проекциялайди. Бу астурлоб усулининг амалиётидир. Агар бу шимолда [татбиқ этилса], жанубий қутб конуслар боши қилинади; жанубда [татбиқ этилса], шимолий қутб конуслар боши қилиб белгиланади. Мақсад қилиб олинган текислик экваторга параллел текисликларнинг бири бўлади. Натижада [сфералар] доиралар ва тўғри чизиклар шаклини олади. Абу Ҳомид ас-Сагоний конуслар бошини иккала қутбдан кўчириб, уни ўқлар бўйига қараб сферанинг ичига ё ташқарисига қўйган. Шунда сфера тўғри чизиклар, доиралар ва гипербола ташкил этган. Ушбу фазовий шаклларнинг текисликдаги тасвирдан ундан аввал ҳеч ким фойдаланмаган<sup>1416</sup>.

(358)|| Биз «цилиндрик» деб атаган проекция шу турдандир. Бу санъат арбобларидан бирон кишининг биздан илгари [цилиндрик проекцияни] баён этганини эшитмадик<sup>1417</sup>. Бу жараён шундай: сферадаги доира ва нуқталар устидан чизиклар ва ўққа параллел текисликлар ўтади; [шунда] экватор текислигида фақат тўғри чизиклар, доиралар ва эллипслар ташкил топади. Бизнинг «Астурлоб ясашда мумкин бўлган усулларни қамраш» [номли] китобимиз<sup>1418</sup> буларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. Лекин [доиралар, чизиклар ва нуқталар] текисликда сферадагидек шаклларга кирмайди. Зеро, сферадаги бир-бирига тенг ора узоқликлар (айниқса, уларнинг баъзиси қутбга ва баъзиси бошқа бир [қутбга] яқин бўлганда) текисликда жуда фарқли бўлади. Астурлобдаги мақсад [доира ва нуқталарни сферанинг] кўринишига мувофиқ шаклантириш эмас, лекин улардан баъзиси ҳаракатсиз бўла туриб, бошқасининг айланиши ва бу [амалиёт] натижаларининг, вақтлар турлича бўлса ҳам сферадаги ҳолатга мос келишидир. Юлдузлар ва мамлакатларни тасвирлашдан мақсад, уларнинг сферадаги [нарсаларга] мувофиқ ва ҳамранг бўлишидир.

Лекин шуни билиш керакки, тўғри чизиклар доира [шаклидагиларга] мос келмайди, сфера сиртлари текисликларга ўхшамайди.

Шундай бўлгач, уларни бир-бирига яқинлаштириб тасвирлаш керак. Ясси астуруб яшаш амалиёти бизга [тасвирлашни] ўргатувчи усулларнинг биридир. Бу шундай бўлади: қандай бўлса ҳам бир доира чизамиз (доира ҳар қанча катта бўлса, яхшироқ чиқади) тўғри бурчак остида кесишувчи икки диаметр билан у доирани тўрт бўлакка бўламиз. Ҳалиги икки диаметрнинг [тўртта] ярмидан бирини тўксонга тенг бўлакка тақсим этамиз-да, доира марказини марказ қилиб, тўксон бўлакдан ҳар бирининг бўлиниши нуқтасидан ўтувчи доира чизамиз; доиралар бир-бирига параллел бўлиб<sup>1419</sup>, бир-биридан бир хил узоқликда бўлади. Уларни ўраб турган [катта] доира айланасини давра бўлакларига [уч юз олтмишга] тақсимлаймиз ва ҳар бир бўлак билан марказ орасини тўғри чизикларда туташтирамиз. Шундай қилгач, биринчи [катта] доира айланасини эклиптика ва унинг марказини эклиптика икки қутбининг бири деб фараз қиламиз. Эклиптикада [бир] нуқта танлаб, уни Ҳамал буржининг боши деймиз. Ёриткичлар жойларини «Алмажистий» китобидан ёки Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний «Зижи»дан ёки Абу-л-Ҳусайн ас-Сўфийнинг «Турғун юлдузлар китоби»дан аниқлаймиз ва ёриткичларни [ўзимизга керакли бўлган] фаразий вақтигача ўз ҳаракатларида ҳозирги кунгача юргизамиз<sup>1420</sup>.

Сўнгра [буржнинг кўрсатилган] доираси чизилган ярмидаги ёриткичлардан бирини олиб, ҳалиги белги қилинган нуқтадан ўнг томондан сўл томонга қараб ўша ёриткичнинг Ҳамал бошидан узоқлигича масофани ҳисобга оламиз. Бориб етган [жойи] шу ёриткичнинг узунлама даражаси бўлади.

Яна [ҳалиги нуқтадан] марказга тортилган чизик бўйига қараб ёриткичнинг тўксон доирадан эгаллаган кенгламаси сонини ҳисобга оламиз. Бориб етган ери ёриткич танасининг ўрни бўлади. Юлдузнинг олти даража миқдори ва катталигига қараб ўша ерга сарик ёки оқ нуқта қўйилади. Шунингдек, кенгламаси бир томонда бўлган юлдузларнинг ҳар бирида то ўша томондагилардан қутулгунча ҳалиги [юлдуздаги] амалиётни қўллаймиз. Худди шу амалиётни бошқа томондаги [юлдузларга] ҳам қўллаб, сферадаги юлдузларнинг ҳаммасини икки доира ичига қўямиз; юлдузлар орада равшан кўриниши учун иккала доирани ложувард ранг билан бўяймиз; юлдузлар ўша суратдан ўзлари учун айтилган жойларга туширилгандан кейин ҳар бир шаклдаги ёриткичга тегишли юлдузларни тавсиф этилган шаклга мослаб тасвирлаймиз. Шундай қилиб, натижа ҳосил бўлади.

Лекин биз бу усулни маъқул кўрмаймиз, чунки эклиптикадаги шаклларни тўла тасвирлаш мумкин бўлмайди, балки уларнинг бир аъзоси бу яримда, қолганлари у яримда бўлиб қолади.

(353-354) Ой манзиллари юлдузларининг жойларини кўрсатувчи жадвал

Ой манзиллари нинг номлари	Ой манзилларининг кўрк саксиз шаклидаги юлдузларининг жойлари	Уш шаклидаги юлдузлардан кейинги	Узунд-маси		Кенглимаси			Кенглама томони	Абу-л-Ҳасан ас-Суфий баёнча катталиклари
			Буржлар	Лапаркалар	Лапаркалар	Лапаркалар	Лапаркалар		
Аш-Шаратон	Ҳамал икки шохи дейиладиган икки юлдузнинг бири Унинг иккинчиси	1 2	0 0	18 19	13 13	7 8	20 20	Шимоллий Шимоллий	3 3
Ал-Бутайн	Ҳамал думбаси ўсиб чиққан жойдаги юлдуз Ҳамал думбасидаги уч юлдузнинг биринчиси Ҳамалнинг иккинчи сонидagi юлдуз	7 8 11	1 1 1	2 5 1	53 23 13	4 1 1	50 40 10	Шимоллий Шимоллий Шимоллий	5 4 5
Ас-Сурайё	Саврада Сурайё олдинги қовургасининг шимол томон учи Сурайё олдинги қовургасининг жанубга мойил учи Сурайёнинг иккинчи томони, бу энг тор жойи Сурайё шимоллий томондаги кичик юлдуз	29 30 31 31	1 1 1 1	13 14 15 15	43 3 13 13	4 3 3 5	30 40 20 0	Шимоллий Шимоллий Шимоллий Шимоллий	5 5 5 4
Ал-Дабарон	Птолемей ёки ундан олдинги ва кейинги [астрономлар] кўрсатмаган икки юлдуз	1 1	1 1				Кузатувчилар кузатмаган	Шимоллий	4
Ал-Ҳақъа	Саврининг жануб томон кўзи устидаги юлдуз	14	1	24	13	5	13	Жанубий	1
Ал-Ҳанъа	Жавзо болли устидаги булутсимон юлдуз Птолемей учбурчак ўртасини бир юлдузга санайди	1	2	3	33	13	50	Жанубий	
Аз-Зироз	Иккинчи эгизакнинг чап оёғи устидаги юлдуз Иккинчи эгизакнинг ўнг оёғи устидаги юлдуз	17 18	2 2	23 26	33 13	7 10	30 30	Шимоллий Шимоллий	3 4
Ал-Набра	Биринчи эгизакнинг бошидаги юлдуз Иккинчи эгизакнинг бошидаги юлдуз	1 2	3 3	4 8	53 1	9 6	40 15	Шимоллий Шимоллий	2 2
Ал-Тарф	Саратон кўкрагидаги булутсимон тўқма юлдуз ўртаси Тўрт қовурғалдан иккита кейингисининг шимол томондагиси У иккитанинг жанубга энг мойили	1 4 5	3 3 3	21 21 22	53 53 53	0 2 0	20 40 10	Шимоллий Шимоллий Шимоллий	4 4 4
Ал-Жабҳа	Саратондан чиққан тўрт юлдуз зубонининг жанубий учи ёнидагиси Асад шаклининг руҳсори ўрнидаги юлдуз	2 2	4 4	3 2	13 43	5 7	40 30	Жанубий Шимоллий	4 4
	Асад шакли бўйидаги уч юлдузнинг шимоллий томондагиси Кейинги юлдуз, бу учтанинг ўртадагиси Уларнинг энг жанубийси Асад қалбидаги юлдуз, буни «шоҳона» деб аташади	5 6 7 8	4 4 4 4	11 13 12 14	43 43 13 3	11 8 4 0	0 30 30 10	Шимоллий Шимоллий Шимоллий Шимоллий	3 2 3 1

ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ҒДГОРЛИКЛАР

Аз-Зубра	Асад икки оғини бошидаги икки қолдунинг шимолга энг мойили Асад думининг учи устидаги қолдүз	20 20	4 4	25 27	43 53	13 9	40 40	Шимолй Шимолй	2 3
Ас-Сарфа	Асад думининг учи устидаги қолдүз	27	4	6	3	11	50	Шимолй	1
Ал-Авво	Азронинг чап каноти учидати қолдүз	5	5	10	33	0	10	Шимолй	3
	Ундан кейингиси	6	5	19	48	1	10	Шимолй	3
	Ундан кейингиси	7	5	24	43	2	50	Шимолй	3
	Азро ўнг канотидати уч қолдунинг шимолдигиси Бу қангабак аломати қилиб олдинга сурилган	13	5	23	43	15	10	Шимолй	3
Ас-Сымок	Азронинг ўнг кафти устидаги қолдүз	14	5	8	13	2	0	Жанубий	1
Ал-Ғафр	Азронинг ўнг кафти устидаги қолдүз	22	5	18	13	7	30	Шимолй	4
	Уларнинг жануб томондигиси	23	5	18	53	2	40	Шимолй	4
	Азронинг жанубий томон чап оёғидати қолдүз	25	5	21	33	0	33	Шимолй	4
Аз-Зубобайн	Зубобайн жанубининг охиридаги икки қолдунинг энг равшани, яъни [Мисон] жанубий палласидигиси	1	6	29	33	0	40	Шимолй	3
	Зубобайн жанубининг охиридаги икки қолдунинг энг равшани, яъни [Мисон] шимолй палласидигиси	3	6	2	43	8	50	Шимолй	3
Ал-Икпил	Ақраб пешонасидати учта равшан қолдунинг энг шимолйиси	1	7	17	53	1	20	Шимолй	3
	Уларнинг ўртасидигиси	2	7	17	13	1	20	Жанубий	3
	Уларнинг жанубга энг мойили	3	7	17	13	5	0	Жанубий	3
Ал-Қалб	Ақрабнинг қалби	8	7	24	13	4	0	Жанубий	2
Ал-Шавла	Ақраб шохидати икки қолдунинг иккинчиси	20	7	9	3	13	20	Жанубий	3
	Ақраб шохидати икки қолдунинг биринчиси	21	7	8	33	13	30	Жанубий	3
Ал-Наъоьим ал-Ворнда	Отувчи шаклининг ўк дастасидати қолдүз	1	8	16	3	6	20	Жанубий	3
	Чап қўл дастасидати қолдүз	2	8	19	13	6	30	Жанубий	3
	Кемоннинг жануб томонидати қолдүз	3	8	19	33	10	50	Жанубий	3
	Олдинги ўнг оёк тўпини устидаги қолдүз	25	8	18	13	13	0	Жанубий	3
Ал-Наъоьим ас-Сорнда	Отувчининг чап елкасидати қолдүз	6	8	26	53	3	10	Жанубий	3
	Бундан олдинги ўк устидаги қолдүз	7	8	24	33	3	50	Жанубий	4
	Отувчи кафтидаги, яъни орқадаги учтанинг ўртадигиси	21	8	29	13	4	30	Жанубий	4
	Шу учтаниннг қўлтиғи тағидигиси	22	8	27	53	6	45	Жанубий	4
Ал-Балда	Юдүзсиз жой, бу отувчи шаклидан 11 ва 12-қолдүзлар яқинида жануб томонда								
Савд аз-Зобих	Жадий шаклидаги иккинчи шохдаги уч қолдунинг шимолйиси Уларнинг энг жанубийиси	1 3	9 9	18 18	53 53	7 5	20 0	Шимолй Шимолй	3 3

(429-бетдаги жасаднинг давоми)

Саъд ал-Булаъ	Сув куювчининг ўнг қўли устидаги уч юлдузнинг ўртадагиси Уларнинг олдингиси	7 8	10 10	27 26	43 13	8 8	0 40	Шимоллий Шимоллий	5 4
Саъд ас-Суъуд	Сув куювчининг чап елкасидаги юлдуз Унинг гагида орқадаги, гўё қўтирдан куйироқдаги юлдуз Жадий думи учи устидаги юлдуз	4 5 28	10 10 10	8 8 10	3 53 13	8 6 4	50 15 20	Шимоллий Шимоллий Шимоллий	3 5 5
Саъд ал-Ахбия	Сув куювчининг ўнг билағидаги юлдуз Унинг ўнг кифтидаги уч юлдузнинг шимоллийси Қолган икки юлдузнинг олдингиси Унинг кейинги жанубдагиси	9 10 10 11 12	10 10 10 10 10	21 23 23 24	3 13 33 53	8 10 9 8	45 45 0 30	Шимоллий Шимоллий Шимоллий Шимоллий	3 4 4 4
Фарғ ал-Муқаддам	Отнинг ўнг елкаси ва оёғи ўсиб чиққан жойдаги юлдуз Отнинг устидаги – икки кифти орасидаги юлдуз	3 4	11 11	13 8	43 13	31 19	0 40	Шимоллий Шимоллий	2 2
Фарғ ал-Муаххар	От киндаги устидаги юлдуз, бу киндикка ва Андромедага тегишлидир От усти ва қаноти охиридаги юлдуз	1 2	11 11	29 23	23 43	26 12	0 30	Шимоллий Шимоллий	2 2
Батн ал-Хут	Андромеда шаклидан ёлқич келасидаги уч юлдузнинг энг жанубийси	12	11	15	23	26	20	Шимоллий	2

(359)|| Агар эклиптика доираси сиртига параллел ва бир-биридан масофа ясси астурлобда ишланадиган масофа сингари қилиб тўксонта доира чизилса, [албатта] иш равшан, тартибли чиқади-ю, [лекин] юлдузларнинг шаклдаги ва осмондаги ўринлари бир-биридан жуда ҳам фарқли бўлади. Шундайки, бир-бирига тенг кўришиб турган юлдузларнинг масофалари қанчалик жанубга кириб, ҳаммасининг маркази шимол кутби бўлса, шаклда каттароқ ва кенгрок бўлади, ҳатто, эҳтимолдан ташқари катталашиб кетади.

Юлдузларни эклиптика икки кутбидан ўтувчи доира текислигида вертикал чизиклар тушадиган жойларда астурлоб проекциясидаги сингари тасвиришни истаган кишининг усули ҳам шунга ўхшайди. Чунки тасвирилар [доира] атрофида кенгайиб, марказ атрофида торашиб кетади.

Энди тасвирилаш учун бошқа бир тадбир ишлаб, аввалги амалиётда бизга маъқул келмаган жойларнинг баъзи бирини бундан кеткизишга ҳаракат қиламиз. Бир айлана чизиб, уни тўрт бўлак қиламиз, шу тўрт бўлаклар нукталарига олам томонларининг номларини ёзамиз. Доира томонларига қараб тўғри ва чексиз равишда доирани тўртга бўлиб турган икки чизик ўтказамиз ва диаметр яримларининг ҳар бирини – баробар тўксон бўлакка, доира айланасини уч юз олтмиш бўлакка бўламиз. Сўнгра шарқ ва ғарб томон чизигида ҳар бир диаметр бўлакларининг биридан ҳамда жанубий ва шимолий икки нуктанинг ҳар биридан ўтган доиралар марказларини кидирамиз. [Марказлар] топилгач, [катта] доира ичига кирган доираларни марказлар атрофига қўямиз. Шунда диаметрни баробар бўлакларга бўлган, шимолий ва жанубий икки нуктасида [бир-бирини] кесиб ўтган бир юз саксонга ёй ҳосил бўлади. Бу узунлама доираларидир.

Кейин шимолий нуктадан диаметр бўйлаб чиққан чизикка қайтиб, бунда катта доира ичида шарқ ва ғарб икки нуктасидан ҳар бирининг бир даражасидан ҳамда диаметр марказидан ўтувчи доира марказини, сўнгра икки ва уч даражадан ўтувчи [доиралар марказларини], ниҳоят тўксон доира тамом бўлгунича [барча доиралар марказларини] кидирамиз.

Жанубий яримда унинг [жанубий] нуктасидан диаметр бўйлаб чиққан чизикда ҳам шундай иш қиламиз. Натижада бизга бир юз саксон доирадан иборат кенглама доиралари ҳосил бўлиб, улар узунлама доираларининг ҳар бирини бир юз саксон қисмга бўлади. Сўнгра ғарб нуктасини – Ҳамал боши, шарқ ва ғарб [орасидаги] чизикни эклиптика айланаси, деб фараз қиламиз. [Ҳар бир] маълум юлдузнинг Ҳамал бошидан узоқлик [микдорини] ҳисоблаймиз, охир унинг [узунлама] даражасига етилади. Кейин узунлама доираси томон юлдуз кенгласини ҳисоблаймиз ва юлдуз турадиган жойгача етиб борамиз.



Яна худди шундай бир шакл ясаб, бунда ғарб нуктасини Мезон боши деб фараз қиламиз; [натижада] барча юлдузлар шу икки шакл ичида деб ниҳоясига етади. Бу шакл ичида турли [буржлар] шакллари тасвирлашда ҳам айтиб ўтган тадбиримизни қўллаймиз.

(360)|| Агар мамлакатлар жойлашишларини [тасвирламоқчи] бўлсак, юқоридагига мувофиқ шакл тайёрлаб, бунда ғарб нуктасидан маълум бир шаҳар узунламасини ҳисоблаймиз, кейин у шаҳар томонининг кенглама миқдори етиб борадиган узунлама доирасини [чизамиз], натижада [мазкур] шаҳар ўрнашган жойгача етилади. Бундан бошқа шаҳарлар учун ҳам шундай қиламиз. Сферани текисликка проекциялаш усули ана шудир.

Баъзи кишилар ҳисоб ишларига мойил бўлиб, уларни жадвалларда кўрсатади ва ҳисоб ишларини бу санъатга оид амаллардан олдинга қўяди. Шунинг учун узунлама ва кенглама доираларининг диаметрларини, уларнинг марказларининг [катта] доира марказидан узоқлик миқдорини аниқлашни ўргатишимиз керак, шунда кўзлаган мақсадимиз тугал бўлади. Энди  $h$  маркази атрофида  $abcd$  айланани чизамиз ва у айланани  $ahc$  ва  $bhd$  икки диаметри билан тўртга бўламиз;  $a$  нуктаси – ғарб,  $b$  нуктаси – жануб,  $c$  нуктаси – шарқ ва  $d$  нуктаси шимол бўлсин (шакл 4а).

Диаметрлар яримларини тўқсон бўлакка, доира айланасини уч юз олтиш бўлакка бўлинсин. Мисол учун узунлик доираларининг бири бўлмиш  $vzd$  доираси диаметрининг ярми ва унинг марказининг доира марказидан узоқлигини аниқлаймиз.  $hk$  – марказдан узоқлик бўлсин.  $hz$  нинг маълум эканлиги равшан, чунки у ўзининг ярим диаметри  $hc$  ни тўқсонга қилиб турган бўлақлар билан белгиланган.  $vh$  ва  $hd$  нинг ҳар бири [ҳам] тўқсонгадан. Маълум [миқдор]  $hz$  ни номаълум  $hk + kz$  нинг йиғиндисига, яъни матлуб диаметр минус  $zh$  га кўпайтирилиши  $hv$  ни  $hd$  га кўпайтирилишига, яъни бу иккидан бирининг квадратига кўпайтирилишига тенгдир.

Энди  $hv$  ни ўз-ўзига кўпайтириб, кўпайтмани, яъни саккиз минг бир юзни маълум  $hz$  га тақсимласак, ҳаммаси  $hk$  ва  $kz$  чиқади; бунга  $hz$  ни қўшиб, йиғиндининг ярмини оламиз. У  $zk$  бўлади, бу эса  $vzd$  ёй тегишли бўлган доира диаметрининг ярмидир<sup>1421</sup>.

Буни аниқлагач, шунга баробар қилиб циркул [оёғини] очамиз.  $z$  нуктаси маълум. Циркулнинг бир оёғини  $z$  га, бошқа оёғи  $ha$  чизигидан ниҳоясиз чиқарилган [жойга] қўйилади ва доира марказигача, яъни  $k$  [нуктасигача] олиб борилади. Шу билан икки марказ орасидаги масофани билишга эҳтиёж қолмайди. Агар орада масофа бўлмаса, диаметр ярмидан чиққан бизга маълум  $zh$  ва қолдиқ икки марказ орасидаги масофа бўлсин. Ҳисоб орқали сферани текисликка проекциялаш усули ана шудир.

Бирор кишига «ўтиш масофасини», яъни *v* ва *k* икки нуқта орасини туташтирувчи чизик доирадан ўтадиган жой масофаси бу *at* ёйдир – билиш керак бўлса, биз *t* нуқтада айланани кесувчи *vk* чизикни чизамиз ва *vd* га *ts* перпендикуляр чизигини ўтказиб, *td* ни туташтирамиз.

(361)|| *vhk* учбурчагининг томонлари доира радиусини тўқсонга бўлиб турган бўлақлар орқали маълум бўлгани учун энди унинг ҳар бир томонини доира радиуси олтмиш бўлган масштабга<sup>1422</sup> айлантириш учун уни олтмишга кўпайтириб, кўпайтмани тўқсонга бўламиз. Шунда [томонлар] «олтмишлик» масштабда маълум бўлади.

*vhk*, *vd* ва *vt* учбурчаклари бир-бирига ўхшашдир, *kh* ни *vd* га кўпайтириб, кўпайтмани *vk* га бўламиз, *dt* чиқади. Кейин *dt* ни *hk* га кўпайтириб, кўпайтмани *vk* га бўлсак, *ds* чиқади. Агар буни синуслар жадвалида ёйга айлантириб, ёйини тўқсондан айирсак, *at* ёйи қолади<sup>1423</sup>.

Агар «ўтиш масофаси»ни осонроқ йўл билан аниқлашни истасак, томонлари маълум *vhk* учбурчагини *abcd* доираси ярим диаметрини олтмиш бўлақ қилиб турган масштабга алмаштирамиз. Биринчи суратда (шакл 4 а) *tds* бурчаги, иккинчи суратда (шакл 4 б) *td* бурчаги бутун «ўтиш масофаси»ни ифодалайди.

Агар шу учбурчакнинг ҳар бир томонини *vk* ни олтмиш бўлақ бўлган масштабга кўчиришни истасак, [томонни] олтмишга кўпайтириб, кўпайтмани доира радиусини олтмиш бўлақ бўлган масштаб орқали *vk* га бўламиз, шунда матлуб ҳосил бўлади. Кейин шу миқдор орқали *kh* томони бизга маълум бўлса, уни синуслар жадвалида ёйга айлантирамиз, *dt* ёйи чиқади. [Айтиб ўтилган] усулларнинг қайси бири билан хоҳласак ишлайверамиз, чунки бу усуллардан кутилган мақсад битта – натижалар бир-бирига мос ва мувофиқдир.

Кенглама доиралари ҳақида айтиб ўтилганларни аниқлаш учун суратни яна қайтарамиз. Биз радиусини билишни истаган доиранинг бир қисми *mql* [ёйи] бўлсин ва *am*, *hk* ва *cl* қисмлар ҳар бирининг [даражалар] сони бир хил (шакл 5). *tx* перпендикулярни, яъни *dm* ёйнинг маълум синусини ва *hx* [перпендикуляр], яъни *am* ёйнинг маълум синусини чиқарамиз. *hx* дан – уни олдин тўқсон бўлақ масштабдан олтмиш бўлақка айлантирганимиздан кейин – *h* ни айирамиз. Натижада *qx* қолади. Бунга *tx* квадратини тақсимлаб, тақсимдан чиққанга *qx* ни қўшамиз ва йиғиндининг ярмини оламиз, натижа *qk* бўлади. Бу эса *abcd* доиранинг радиуси олтмиш бўлақ бўлганидаги ёйи *mql* бўлган доиранинг радиусидир<sup>1424</sup>.



Агар «ўтиш масофаси»ни аниқламокчи бўлсак, доира айланасини *t* нуқтада кесувчи *ak* ни ва *tc* чизикни ўтказамиз, *ts* перпендикулярни *ac* га туширамиз.

*act* учбурчагининг томонлари маълум бўлиб, *akh* ва *act* икки учбурчаги унга ўхшаш бўлганидан *hk* ни *ac* га кўпайтириб, кўпайтмани *ak* га бўлсак, *tc* натижа чиқади. Шу тақсимдан чиққан натижани *kh* га кўпайтириб, кўпайтмани *ak* га бўлсак, *sc* ҳосил бўлади. Бу микдорни *as* га кўпайтирилганининг илдизи *ts*. Бу эса ўтиш ёйининг синусидир<sup>1425</sup>.

Шунингдек, агар биз *ah* ни *ak* нинг бир юз йигирма бўлган масштабга айлантириб, кейин уни тўлиқ ватарлар жадвалларида ёйга айлантирсак, *at* ёйи чиқади. Бу «ўтиш масофаси»дир.

*c* томонидаги ҳолат айнан *a* томонидагига ва *e* томонидаги ҳолат *d* томонидагига айнан ўхшаш бўлиб, ҳеч қандай фарқ бўлмайди<sup>1426</sup>.


Доира шакли мана бу:



(362)|| Мен у ҳақда гапни кенгайтирган масаланинг охири шу.

«Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилур»<sup>1427</sup> ва «У ҳар бир жоннинг қилаётган ишини билур»<sup>1428</sup>. Биз тасҳиҳлаб баён этган асослар ақлларни бойитиш учун кифоя, башариятнинг дастлабки аҳволи ҳақида фикрни тозалашга йўлбошчи, [турли] пайғамбар ва подшоҳлар эралари хусусида шакшубҳаларни кетказувчи, ўз эътиқод ва маросимлари тўғрисида таажжубланган яҳудий ва христианларга тўғри йўл кўрсатувчи деб ўйлаймиз. [Бу китобни] ўқиган ўқувчи [қўйидаги кайфиятдан] холи бўлмайди: ё у маълумотда бизга тенглашади ва бу китобга қилган меҳнатимиз учун биздан миннатдор бўлади, ёки мартабада биздан ортиқлик қилади; унда янглишларни ислоҳ этиб, юз берган тойилишларда [бизни] маъзур тутлади.

[Қайта ишланган суратга тегишли] доира шакли:




5-шакл

Адоватчининг адоватидан ёки душманнинг душманлигидан қандай хавф-хатарда бўлайинки, қаерда бўлсам, хўжамиз улуғ амир музаффар хўжам ва неъматлар эгаси Шамс ул-Маолий – Аллоҳ унинг кудратини давомли қилсин – давлати ҳимоясидаман, у давлатининг мустаҳкам рукнига тутинаман ва суянаман, унинг овозасидан яширин ва ошкора қувват ҳамда ёрдам оламан, равшан нури билан йўл топаман, гуллаб турган баракатидан қувват умид этаман. Аллоҳ менга ва барча мусулмонларга унинг неъматлари учун шукур этиш ҳақиқатини танитиб, [ҳаммамизни] фарз бўлган итоат вазифаларини адо этишга, унинг ҳақиға доимо дуо қилиб, миннатдорчилик билан мукофотлашга муяссар қилсин!

Китоб охирини ёрдам бериб йўл кўрсатган «жанг сабабли ҳалок бўлганлар ҳам ҳужжат билан ҳалок бўлишлари, тирик қолганлар ҳам ҳужжат билан тирик қолишлари учун бўладиган ишни тақдирни тамомига етказиш мақсадида ёв билан тасодифан тўқнаштириб қўйди»,<sup>1429</sup> деб, қоронғи йўлдан тўғри йўлни ажратиб ёритган Аллоҳнинг ҳамди билан тамом қилайлик.

Яхши уммат пайғамбари қилиб юборилган зотга ва унинг пок оиласига ҳамиша раҳмат ёғсин! Кўпдан-кўп саломлар бўлсин!





# ИЗОХЛАР



<sup>1</sup> Куръон, «Нисо» сураси, 59-оят. Куръон оятларини ўз тахриримизда тасбит қилдик.

<sup>2</sup> Шамс ул-Маолий – милодий 976–981 ва 998–1012 йилларда Каспий денгизининг жануби шарқидаги Журжон (Гургон) вилоятида (пойтахти Гургон) ҳукмронлик қилган амир Қобус ибн Вашмгирнинг фахрий унвони. У хижрий 403 (мил. 1012 – 1013) йилда ўлдирилган. Беруний унинг саройида 998–1004 йилларда хизмат қилган (Булгаков П. Г. Жизнь и труды Беруни. – Т.: 1972. – С. 70 – 85).

<sup>3</sup> Куръон, «Қалам» сураси, 4-оят.

<sup>4</sup> Ўрта аср мусулмон файласуфларнинг таълимотларига биноан, одам кичик олам (микрокосмос) ҳисобланади, яъни у дунёдаги мавжуд нарсаларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради.

<sup>5</sup> Бу ерда «тарих» сўзи тарих маъносида ва шу билан бирга, йил ҳисоби, эра маъносида ҳам ишлатилади.

<sup>6</sup> Куръонда («Ҳаж» сураси, 17-оят) «китоб аҳллари» деб насронийлар, яҳудийлар аталганлар, чунки буларнинг ҳаммасида ўз муқаддас китоблари бўлган.

<sup>7</sup> Катта доира (*ад-доира ал-’узма*) олам маркази бўлган ва айланаси осмон сферасида жойлашган доира.

<sup>8</sup> *Билкува* – потенциал, яъни содир бўлиши аниқ.

<sup>9</sup> Румликлар деб Беруний ўрта асрнинг бошқа арабийнавис ёзувчилари каби Византия империясининг асосий аҳолиси – юнонларни тушунади (империянинг ўзи эса Рум дейилади).

<sup>10</sup> Кундуз ярми доирасидан (*доира нисфи наҳар ёки хатт нисфи наҳар*) – маълум жойнинг меридианидан, демакдир. Лотинча «meridian» сўзи ҳам «кундуз ярми (ёки ўртаси)» маъносини билдиради.

<sup>11</sup> Яъни, Куёшнинг юқори кульминациясидан.

<sup>12</sup> *Зиж* – кенг маънода астрономик асар. Унда Куёш, Ой ва Ерга энг яқин беш сайёра – Венера, Марс, Юпитер, Сатурн ва Меркурий учун ҳаракат жадваллари келтирилади. Одатда, жадваллар бирор бошланғич сана (эпоха)дан 30 йиллик давр учун келтирилади. Лекин жадваллардан ўша давр, ўша санадан бир неча аср аввалги ёки кейинги жадваллар учун ҳам фойдаланиш мумкин.

<sup>13</sup> «Зижи Шаҳриёроншоҳ» («Шоҳлар шоҳи зижи») ёки «Зижи Шоҳий» паҳлавий тилдаги зиждир. Эроннинг энг сўнгги сосоний Шаҳаншоҳи Яздигард III га (632–651) ёки Хусрав II Парвизга бағишланган деб ҳисобланади (Kennedi E.S. The Sasanian Astronomical Hadbuch Zij-i Shah and the Astronomical Doctrine of Transit, Journal of the American Oriental Society, T., 78 (1958), P. 246-262). VIII асрда арабчага ўгирилган.


<sup>14</sup> Яъни, Куёшнинг қуйи кульминациясидан.

<sup>15</sup> Эклиптика (*фалак-ул-буруж* – «буржлар фалаки ёки минтақат ул-буруж – «буржлар минтақаси») – Куёшнинг осмон сферасидаги бир йиллик ҳаракат йўли;

бу юнонча ном «eclipse» – «тутилиш» сўзидан келиб чиқади. Чунки Қуёш ва Ой тутилишлари шу доирада бўлади. Арабча аталишларга сабаб – Қуёш бир йиллик ҳаракатида 12 бурждан ўтганлигидадир.

<sup>16</sup> Яъни, миқдори ўзгариб турадиган «ҳақиқий» шамсий кеча-кундуз эмас, миқдори йил давомида ўзгармайдиган «ўртача» кеча-кундуз эътиборга олинади.

<sup>17</sup> Тўғри сфера (*кура мустақима* – ёки форсча *жуйи рост*, лотинча *sphere recta* – арабчадан таржима) – экваториал координат системаси бўлган ва Ер экваторидан кузатиладиган осмон сфераси. Бу ҳолда осмоннинг иккала қутби (1-шаклда P ва P' нукталар) уфқда бўлади ва осмон экватори зенит (Z) ва нодир (Z') орқали ўтади. Бундай аталишига сабаб шуки, бу ҳолда барча турғун юлдузларнинг бир кеча-кундузлик кўринма ҳаракат доиралари уфқ доирасини тўғри бурчак остида кесади, яъни унга перпендикуляр бўлади.



<sup>18</sup> Экваторга параллел доиралар – географик кенглама доиралари.

<sup>19</sup> Яъни, ёриткичларнинг ҳолатини аниқлаш.

<sup>20</sup> Араб тилида «*яувм*» сўзи икки хил маънода ишлатилади: агар ҳафтанинг ёки ойнинг бирор куни назарда тутилаётган бўлса, бу ҳолда бу сўз ўзбекча «кун» сўзи каби «кеча-кундуз» маъносини англатади, кам ҳолларда «кундуз» маъносини ҳам англатади. Лекин араб тилида «кундуз» маъносида «*наҳор*» сўзи ҳам ишлатилади.

<sup>21</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 187-оят.

<sup>22</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 187-оят.

<sup>23</sup> Икковининг сабабчиси Қуёшдир.

<sup>24</sup> Исломдаги ҳақиқий халифа деб фақат Алини (мил. 656 – 661) тан олган кишилардан иборат бўлган мазҳаб тарафдорлари шиалар деб аталади. Шиалар Ўрта асрда бир неча майда мазҳабларга бўлиниб кетган. Ҳозирги форслар шиа мазҳабидадирлар.

<sup>25</sup> Баҳорги тенгкунлик (яъни, кеча ва кундуз соатлари тенг – 12 соат бўлган кун) 21 мартда бўлиб, бу Қуёш маркази ўзининг эклиптика бўйлаб йиллик ҳаракатида Жанубий Шимолий яримшарга осмон экваторини кесиб ўтадиган кун.

<sup>26</sup> Кузги тенгкунлик (яъни, шу кунги кеча ва кундуз соатлари 12 соат) 22 сентябрда бўлиб, Қуёш маркази ўзининг эклиптика бўйлаб йиллик ҳаракатида Шимолий яримшардан Жанубий яримшарга осмон экваторини кесиб ўтадиган кун.

<sup>27</sup> Ёзги Қуёш туриши – 22 июнь, кундузнинг энг узун бўлган куни.

<sup>28</sup> Қишки Қуёш туриши – 22 декабрь, кундузнинг энг қисқа бўлган куни.

<sup>29</sup> Қуръон, «Ҳадид» сураси 6-оят.

<sup>30</sup> Қуръон, «Зумар» сураси 5-оят.

<sup>31</sup> Гап Муҳаммад алайҳиссаломнинг, агар мусулмонлар масжидга жума куни куннинг аввалги олти соати ичида келсалар, алоҳида мукофот оладилар, қанча кеч келсалар, мукофот ҳам шунча оз бўлади, деган мазмундаги ҳадиси устида боряпти.

<sup>32</sup> Тенглаштирилган (*муъаддала*) ва текис (*муставия*) соат деб, ўрта асрларда арабийнавис астрономлар (Ал-Хоразмий, Беруний ва б.) кеча-кундузнинг 1/24 қисмини, яъни осмон сфераси катта айланасининг 15°га тенг вақтини атаганлар.



Замоний ва эгри (*замония, муъавважа*) соатлар деб йил фасли ва географик кенгликдан қатъи назар, кечанинг ва кундузнинг 1/12 қисмини атаганлар.

<sup>33</sup> Қуёшнинг қишки туришидан сал олдин ундан сал кейинги вақт.

<sup>34</sup> Қуръон, «Наҳл» сураси, 1-оят.

<sup>35</sup> Кундузги намозларда суралар товуш чиқармай ўқилгани учун улар «гунг» намоз деб аталади.

<sup>36</sup> Фикҳ олимлари – факихлар – Ислом қонуншунослари.

<sup>37</sup> Птолемей Клавдий – машҳур юнон астрономи ва географи. Тахминан милодий 168 йилга яқин вафот этган. Милодий 127–151 йилларда Мисрда, Искандария шаҳрида астрономик кузатишлар олиб борган.

<sup>38</sup> Мусулмон олимлари Қуёш апогейининг ҳаракатини, яъни прецессия ҳаракатини билганлар. Беруний «Қонуни Масъудий» асарининг 6-мақоласи 7–8-бобларини апогей ҳаракати ва унинг миқдорини аниқлашга бағишлаган (Беруний. 5-ж., 2-китоб, 70–95-бетлар). Бу ҳаракатга кўра, унинг ҳисобида турғун юлдузлар юз йилда 1° га сурилган. Улуғбек «Зиж»ида эса 1° га сурилиш 70 йилда бўлган (Улуғбек. Зиж жадиди Қурагоний, 154-бет).

<sup>39</sup> Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида айтишича (Беруний. 2-ж., 125-бет), *синдҳинд* хиндча *сиддҳанта* сўзининг арабийлаштирилганидир; хиндлар астрономик асарларини шундай атаганлар. Лекин Беруний қайси «Синдҳинд»ни назарда тутатганини аниқ айтмайпти.

Ислом дунёсига хиндча астрономик асарнинг кириб келиши сабаби бундай: Аббосий халифа Ал-Мансур ҳузурига ҳижрий 154 (мил. 771) (ёки ҳижрий 156 (мил. 773) йили Ҳиндистондан Бағдодга элчилар таркибида олим Манка (ёки Канка) ҳам бўлган. У ўзи билан бирга бир жадвалли астрономик асарни ҳам олиб келади. Иброҳим ал-Фазорий ва Ёқуб ибн Торик уни арабчага таржима қилиб, қайта ишлайдилар ва «Китоб ас-Синдҳинд» деб атайдилар. Бу асарнинг асл манбаси астроном Браҳмагуптанинг (VII) «Брахмаспхута-сиддҳанта» асари бўлгани маълум.

<sup>40</sup> Берунийнинг «*Китоб ал-истишҳод би-ихтилоф ал-арсод*» номли асари бизгача етиб келмаган. П.Г. Булгаков олимнинг бу асарини унинг милодий 998–1001 йилларда ёзилган асарлари қаторида эслайди (Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – С. 86–81). Лекин бу асарни Берунийнинг ўзи тузган, ҳижрий 427, мил. 1035–1036 йилгача ёзган асарлари рўйхатида йўқ.

<sup>41</sup> Асар номини П.Г. Булгаковнинг маълумотига (Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни) кўра шундай – *Фи тажрид аш-шу'а'ат ва-л-анвар 'ан ал-фада'их ал-мудаввина фи-л-асфар* – тузатдик. Матнда – *Фи тажрид аш-шу'а'ат ва-л-анвар*; бу ном китоб номининг қискартирилган ҳолатидир. Асарнинг биринчи нашрида бу ном хато – «Яширин шуъла ва нурларни этиш» деб таржима қилинган.

<sup>42</sup> Юкорида, 2-изоҳда Шамс ул-Маолий назарда тутилаётир.

<sup>43</sup> Теон – милодий IV асрда яшаган исқандариялик юнон астрономи ва математиги. У Птолемей асарларига шарҳ ёзган.

<sup>44</sup> Қустантания – ҳозирги Истанбулнинг Теон давридаги номи. Асарнинг биринчи нашрида хато қилиниб, шаҳар номи XV аср ўртасида турклар қўйган номи билан Истанбул дейилган.

<sup>45</sup> Румликлар – юнонлар (юкорида 9-изоҳга қаранг).

<sup>46</sup> Сурёнийлар – Суриянинг қадимги ҳистиан аҳолиси.

<sup>47</sup> Калдонийлар – Ироқнинг маркази ва ғарбидаги қадимги аҳолиси.

<sup>48</sup> Ал-Муътазид биллоҳ (мил. 892–902) – Аббосийлар сулоласидан ўн саккизинчи халифа. У 894 йили тақвим ислохотини ўтказган. Бу ҳақда Беруний куйида маълумот беради.

<sup>49</sup> Беруний қибтлар деб қадимги ва ўзига замондош бўлган христиан мисрликларни атаган.

<sup>50</sup> Пешдодийлар – Эроннинг афсонавий подшоҳлари сулоласи.

<sup>51</sup> Кабиса – «қўшимча» демакдир. Бу сўз арабча бўлганлиги Пешдодийларнинг афсонавийлигини яна бир бор исботлайди.

<sup>52</sup> Ал-Мажистий (Альмагест) – Птолемейнинг астрономияга оид машҳур китоби бўлиб, арабийнавис ёзувчилар орқали Европага борган. Бу асар бир неча асрлар давомида ислом Шарқи ва кейинчалик Европа халқлари учун астрономиядан асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Птолемей ўз китобини «Мегале синтаксис» («Буюк тузилиш») деб атаган. Кейинчалик буюк астрономнинг шарҳловчилари китоб номини «Синтаксис мегисте» («Энг буюк тузилиш») деб ўзгартирганлар. Арабийнавис олимлар «мегисте» сўзини «Ал-Мажистий»га айлантирганлар, бундан лотинча «Альмагест» келиб чиққан. Ҳозир бу китобнинг русча нашри мавжуд (Клавдий Птолемей. Альмагест или Математическое сочинение в тринадцати книгах // Перевод с древнегреческого И.Н. Веселовского. – М.: Наука, 1998).

<sup>53</sup> У ҳам Ёқуб, ҳам Исроил номи билан атала бошланди. Лекин Исроил исми кўпроқ қўлланиб, ном билан баъзан бутун яҳудий халқи Бани Исроил, яъни «Исроил авлоди» деб аталди. Ёқуб пайғамбарнинг 12 та ўғли бўлган. Қуръоннинг (Аъроф) сурасида (160-оят) ҳам Мусо қавмининг 12 сибт-(қабила)га ажралгани ҳақида маълумот бор.

<sup>54</sup> Собийлар – юлдузга топинувчилар мазҳаби бўлиб, узоқ вақт араб халифалигида фаолият олиб борганлар. Уларнинг асосий марказлари Ироқ шимолидаги қадимги Ҳаррон (ҳозирги Туркиянинг жануби-шарқидаги Ҳаран) шаҳри бўлган. Шунинг учун собийлар «ҳарронийлар» номи билан ҳам юритилганлар.

<sup>55</sup> Жоҳилия (нодонлик) – араблар ўз халқининг исломгача бўлган даврини шундай ном билан атайдилар.

<sup>56</sup> Бу ерда матнда англашилмовчилик бор. Шеърларнинг мазмуни улар Абу Сумомага эмас, балки Фуқаймага бағишланганидан далолат беради. Шеърлар вази ҳам аниқ эмас.

<sup>57</sup> Арабларда Исломгача ва Ислом даврида то Пайғамбар алайҳиссалом видолашув ҳажигача йиллар шамсий-қамарий бўлган, яъни улар тақвимларини ҳам шамсий, йилдан 11 кун қисқа бўлиб, 354 кундан иборат бўлгани учун улар ҳар уч йилда қамарий йилга бир ой қўшиб уни шамсий йилга мослаштирганлар. Ана шу қўшимча бир ой ёдда сақланувчи кунлардан тўплангани учун араблар уни «насий» деб атаганлар. «Насий» 632 йили Муҳаммад алайҳиссалом «Видолашув ҳажи»ни адо этаётганида бу ерда эслатилаётган оят нозил бўлиб, «насий» ой ҳаром қилинган ва араблар қамарий йилга кўчганлар.

<sup>58</sup> Қуръон, «Тавба» сураси, 37-оят.

<sup>59</sup> Ўрта аср космографлари Ой «манзил»лари деб эклиптиканинг Ой орбитаси ўтадиган 28 қисмини атаганлар. Бу манзилларнинг ҳар бири Ой йилининг бир кунига тенг, яъни ҳар бир манзил ўртача 13° га тўғри келади.

«Жафр» сўзи астрономик термин сифатида унча тушунарли эмас. Беруний сўздан хулоса чиқарилса, у манзилларнинг кичик қисмларини «жафр» деб атаган кўринадидан (Шу китоб, (397-бет). Астрологлар Ойнинг шу қисмларга киришини олдиндан айрим воқеалар билан боғлаганлар (уруш, ғалаён каби).

<sup>60</sup> Абу Муҳаммад ан-Ноиб ал-Омулий – IX асрда яшаган арабийнавис астроном. Матнда кўрсатилган китобининг номи «*Китоб ул-гурра*».

<sup>61</sup> Ёқуб ибн Торик – хорижий тиллардаги астрономик асарларни биринчи марта арабчага таржима қилган олимлардан бири (VIII а.)

<sup>62</sup> Аш-Шаратон (Икки белги) – Ойнинг биринчи мазилидаги икки юлдуз, Ҳамал буржининг юлдузлари.

<sup>63</sup> Ҳозирги пайтда эра деб бирор шартли ёки тарихий воқеадан бошланган йил ҳисоби тушунилади.

<sup>64</sup> Муғлар – оташпарастлар, яъни олов-ўтга ва Қуёшга топинувчилар. Қадимда Ўрта Осиё ва Эроннинг аҳолиси шу динга эътиқод қилганлар.

<sup>65</sup> Қуръон «Иброҳим» сураси, 9-оят.

<sup>66</sup> Зардушт – мажусийлар (оташпараст-муғлар ҳақида юқорида 64-изоҳга қаранг) динининг ярим афсонавий асосчиси. Энг сўнгги тадқиқотларга кўра, у мил. авв. 1500–700 йиллар оралиғида Волгадан шарқдаги ва Хоразмдан шимолроқдаги Осиё чўлларида, кўчманчи қабилалар орасида яшаган. Бу ҳақда унинг исми ҳам далолат беради. Унинг исми қадимги форсийда Заратуштра (бундан Заратуштра), яъни «Туя хайдовчи» дейилган. Қадимги юнонлар унинг исмини ўз талаффузларида Зороастр деганлар ва шу исм остида у дунё тарихига кириб қолган (Мэри Бойс. Зорастрейцы. Верования и обычаи /Пер. С англ. и примеч. И.М. Стеблин-Каменского. – М.: 1987. – С. 3, 27, 51). Зардушт ва унинг дини ҳақида Беруний асарида муфассал тўхталиб ўтган (қуйида 232–234-бетлар).

<sup>67</sup> Селевкийлар йили деб юритиладиган «Искандар эраси»нинг бошланиши Селевк I Никатор тахтга ўтирган кун – мил. авв. 312 йил 1 октябрь ҳисобланади ва унинг Искандар Зулқарнайнга алоқаси йўқ.

<sup>68</sup> Сосонийлар сулоласининг охириги подшоҳи Яздигард III кўзда тутиляпти. У милодий 632–651 йилларда ҳукм сурган.

<sup>69</sup> Ҳақиқатан ҳам, Селевк I тахтга ўтирган кун (мил. авв. 312 йил 1 октябрь) билан Яздигард III тахтга ўтирган кун (мил. 632 йил 16 июль) оралиғида қарийб 943 йил ўтган. Бу асарнинг биринчи ўзбекча нашри ва русча нашрида Селевк I македониялик Александрга алмаштирилиб, хатога йўл қўйилган. Натижада йиллар йиғиндиси улларда 960 йил бўлиб қолган.

<sup>70</sup> Сосон – Эроннинг Сосоний подшоҳлари сулоласининг ярим афсонавий асосчиси.

<sup>71</sup> Демак, 69-изоҳдаги 943дан Сосонийлар подшоҳлик йилларининг Яздигард тахтга ўтирган йилигача ўтган муддатини айирсак, яъни 943 – (632–226) = 943 – 406 = 537 йил қолади, яъни Беруний рақамидан 9 йилга фарқ қилади.

<sup>72</sup> Мулук ат-Тавойиф («қабил подшоҳлари») – Искандар ворислари ва ундан кейин унинг давлатини тақсимлаб олган диадохларни ўрта асрнинг арабийнавис олим-

лари шундай деб атаганлар. Келгусида бу ном ўзбек тилида, «қабила подшоҳлари» тарзида берилди.

<sup>73</sup> Ашконийлар – милoddан аввалги 247 йилдан милodнинг 226 йилигача ҳукм сурган сулола. Бу сулола Европа тарихий китобларида Аршакийлар номи билан юритилади. Ашконийлар Ўрта Осиё, Эрон ва Месопотамия худудида ҳукм сурган.

<sup>74</sup> Ашконийлар ҳукмронлиги аслида 472 йил давом этган.

<sup>75</sup> Яъни, алифбодаги ҳарфларнинг сон қийматиға қараб, абжад ҳисобида.

<sup>76</sup> Бу икки шахсни тасбит этишнинг имкони бўлмади.

<sup>77</sup> Таврот – Библиянинг аввалги беш китоби.

<sup>78</sup> Таврот, Иккинчи қонун, XXXI, 18-матнда яҳудийча сўзлар араб имлосида келтирилган.

<sup>79</sup> Даниёлнинг сўзи асл нусхасида «Қурбонликка руҳсат берилмагунча» – деб ёзилган. Берунийда аксинча (Қаранг: Таврот, Даниёл китоби, XII, II).

<sup>80</sup> Ўша ерда.

<sup>81</sup> Увришалим, яъни Байт ул-Муқаддасдаги ҳарамнинг қайта тикланиши назарда тутилади.

<sup>82</sup> Яҳудо (Иуда) – яҳудийча «Аллоҳға мақтов ёки шон-шараф бўлсин» демакдир. Биринчи марта бу ном билан Ёқубнинг тўртинчи ўғли аталган. У кейинчалик яҳудийлар қабиласининг асосчиси бўлган. Бу қабила бошқа қабилаларға нисбатан машҳурроқ бўлиб, алоҳида яҳудийлар давлатини ташкил этди ва шундан бошлаб яҳудийлар икки давлатға – Яҳудо авлодлари ва Бани Исроилға – ажралди.

Яҳудо авлодлари Фаластиннинг жанубини ишғол этиб, ўз давлатларининг маркази қилиб Байт ул-Муқаддасни олганлар. Бу жойларнинг ўзи ҳам Яҳудо деб юритилган. Бани Исроил Фаластиннинг шимолини ишғол қилганидан сўнг унинг маркази Самария шаҳри бўлган. Бу шаҳар Фаластин ишғол қилингандан кейин қурилган. Шунинг учун Исроилға тобе кишилар самарийлар деб аталади. Яҳудийларнинг икки давлатға ажралиши мил. авв. 900 йилларда содир бўлган эди.

<sup>83</sup> Қаранг: Библия, Мавжудлик, XIX, 8–10.

<sup>84</sup> Сурёнийча – Сурия христианлари тили.

<sup>85</sup> Матнда бу сўзлар сурёнийча бўлиб, лекин араб имлосида келтирилган.

<sup>86</sup> Қуруш (Кир) – Қадимги Эроннинг Ахоманийлар сулоласидан биринчи подшоҳи (мил. авв. 558–529).

<sup>87</sup> Даниёл китоби, IX, 24–26.

<sup>88</sup> Юқорида Байт ул-Муқаддас «етмиш сабуда», яъни 490 йилда қурилди дейилган эди. Бу ерда эса «етти сабуда», яъни 49 йилда қурилди дейилапти. Асарнинг мавжуд барча нусхаларида шундай кўрсатилган.

<sup>89</sup> Закариё китоби, IV, 2.

<sup>90</sup> Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши тахм. мил. авв. 1400 – мил. авв. 1320 йиллар оралиғи деб фараз қилинади. Лекин фанда Бани Исроилнинг Мисрда яшагани ҳанузгача аниқ исботланган эмас.

<sup>91</sup> Бу ҳолда яҳудийларнинг Мисрдан чиқиш йили мил. авв. 1312 йил бўлади.

<sup>92</sup> Искандар эраси мил. авв. 312 йилда бошланганини эътиборға олсак, Исо Искандар эрасининг 312 йилида, яъни мил. I йилида туғилган бўлиши керак эди. Беруний эса Исо Искандар эрасининг 304 йилида туғилган, деб қайд этипти.

<sup>93</sup> «Бир минг уч юз ўттиз бешинчигача яшашни умид қилувчи киши бахтлидир» деган гапи.

<sup>94</sup> Яъни, 1335 йили.

<sup>95</sup> Байт ул-Муқаддаснинг биринчи, иккинчи ва учинчи вайрон қилиниши ҳақида 82-изоҳга қаранг. Байт ул-Муқаддаснинг учинчи вайрон қилиниши мил. 70 йилида эди. Беруний ҳисобича 73 йилда чиқяпти.

<sup>96</sup> Байт ул-Муқаддасни биринчи вайрон қилган киши Бухтунассар эмас, балки Саргон II дир (82-изоҳга қаранг). Берунийда бу подшоҳ исми асарнинг ҳамма жойида Бухтунассар ёзилган. Таржимада ҳам шундай қолдирилди.

<sup>97</sup> Библия. Иккинчи қонун, XVIII, 18–19.

<sup>98</sup> Ишъиё – Библиядаги Исая.

<sup>99</sup> Иккинчи қонун, XXXIII, 2.

<sup>100</sup> Куръон, «Нисо», 38-оят. Яъни, шайтонга дўст бўлган одам ёмон дўстдир.

<sup>101</sup> И.да «айтиб ўтган ва айтаётган» дейилган.

<sup>102</sup> Куръон, «Ҳижр» сураси, 15-оят.

<sup>103</sup> Птолемей Филадельф (мил. авв. 282–246) – Мисрда Искандар ва Селевкийлардан кейин мил. авв. 305–30 йилларда ҳукм сурган юнон подшоҳлари Птолемейлар сулоласидан иккинчи подшоҳ (қуйида 458-изоҳга қаранг).

<sup>104</sup> Куруш деб бу ерда «Кичик Куруш» деб аталадиган, Доро II Ахоманийнинг ўғли ва Мисрдаги ноиби Куруш назарда тутилади. Беруний арабийнавис муаллифларнинг анъанасига амал қилиб, Курушни Баҳманнинг, яъни Доро II нинг бошқа ўғли – Артаксеркс II нинг (мил.авв. 404–358) ноиби деяпти. Аслида Куруш бу билан Миср тахти учун қонли кураш олиб борган.

<sup>105</sup> Таврот тахм. мил. авв. 100 йилларда қадимги яҳудий тилидан юнон тилига таржима қилинган ва бу «Септуагинта» – «Етмишлар таржимаси» номи билан машҳур бўлган. Беруний келтираётган ривоятга кўра, Таврот Птолемей Филадельф (мил. авв. 282–246) замонида таржима қилинган.

<sup>106</sup> Ло мисосия – «тегизмовчилар» демақдир. Ўрта аср арабийнавис ёзувчилари самарийлар аждоди деб қандайдир Сомрийни ҳисоблайдилар. У қадимги яҳудийларни йўлдан оздириб, олтиндан бузоқ шаклида бут ясашга ва унга чўқинишга кўндирган.

<sup>107</sup> Элия – Иерусалим, Байт ул-Муқаддас, Қуддуснинг энг қадимги, яъни биринчи номи.

<sup>108</sup> Афинея – матнда Асинийу – кимлиги маълум эмас.

<sup>109</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Бозиёр (IX а.) – астролог. Абу Маъшар Балхий (қуйида 123-изоҳга қаранг) билан ёзишмада бўлган. Бозиёр– форсча исм («қирғий дўсти»). Унинг [«Сайёраларнинг»] қўшилиши китоби»ни Беруний фақат шу асарида эслатади.

<sup>110</sup> Европа тилларидаги адабиётларда Исонинг бу шогирдларининг исмлари Матфей, Марк, Лука ва Иоанн деб ёзилади. Библия, асосан, икки қисмдан иборат: Қадимги аҳд (Ветхий завет) ва Янги аҳд (Новый завет). Унинг Қадимги аҳд қисми беш китобдан иборат бўлиб, улар умумий ном билан Таврот (Тора) дейилади. Бу – яҳудийларнинг диний китоби ҳисобланади. У қадимги, яъни Исодан олдинги пайғамбарларнинг ҳаётига бағишланган. Янги аҳд Инжил (Евангелие) дейилади. Бу Исо Масихнинг ҳаётига ва айтган сўзларига бағишланган. Беруний айтганидек,

Тавротнинг бир-бирига мос келмаган, ҳатто зиддиятларга молик нусхаларининг кўплиги иудаизмнинг ва худди шунингдек, Инжилнинг бир-бирига мос бўлмаган нусхаси тўртта бўлгани ва бошқа зиддиятлари гўё худо ҳам ота, ҳам ўғил, ҳам руҳ ал-қудс(святой дух) бўлгани христианликнинг заиф томонлари эканлигини яхши билган мусулмон халифалар ва султонлар ўз саройларига яҳудий ва христианликнинг йирик намояндаларини таклиф этиб, мусулмон дин пешволари билан диний баҳслар уюштирганлар. Натижада яҳудий ва христиан намояндалар мулзам бўлишиб, исломни қабул қилишга мажбур бўлганлар.

<sup>111</sup> Маркион ва Ибн Дайсан (Бардесан) – мил. II–III асрларда яшаган гностиклар; бир-бирига карама-карши бўлган диний-фалсафий қарашларни тарғиб этганлар.

<sup>112</sup> Моний (276 йилда қатл этилган) – монийлик номи билан машҳур бўлган диний-фалсафий оқим асосчиси. Беруний Моний ҳақида куйида муфассал тўхталиб ўтган.

<sup>113</sup> Баломиснинг ким эканлиги маълум эмас. Салмон ал-Форсий Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинадаги саҳобалари, унинг номи билан жуда кўп ҳикоя ва нақллар боғлиқ. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Мадинадаги биринчи издошлари қаторига Абдуллоҳ ибн Саломни ҳам қўшадилар. Нақл қилишларича, унинг ўғли Салмоннинг оғзидан «Етмишлар Инжили»ни ёзиб олган.

<sup>114</sup> Пайғамбарлар китоблари деб Қадимги аҳд таркибидаги беш китоб назарда тутилади.

<sup>115</sup> Форслар, ҳиндлар ва бошқа шарқ халқлари тўфонни инкор этишларининг сабаби шуки, бу воқеа мил. авв. 3500–3000 йиллар оралиғида бўлган деб ҳисобланади. Форслар ва ҳиндлар эса ҳозир яшаётган жойларига мил. авв. II–I минг йилликлар атрофида келганлар деб ҳисобланади. Яъни, улар тўфон ҳақидаги хабарлар деярли унутилганидан кейин келганлар. Хитойга эса бу воқеа бормаган.

<sup>116</sup> Таҳмурас – Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бирининг арабийлашган номи.

<sup>117</sup> Мағриб – шимоли-ғарбий Африканинг арабча номи. Мағрибга Тунис, Жазоир ва Марокаш киради.

<sup>118</sup> Дунбованд ёки Дамованд – Техроннинг шимолидаги тоғ.

<sup>119</sup> Куфа – Ироқдаги қадимги ва ҳозирги шаҳар.

<sup>120</sup> Яъни, сув тошиб, тўфон бошланган (қаранг: Қуръон, «Худ» сураси, 40-оят).

<sup>121</sup> Жудий – Таврот ва Қуръонга кўра, Нух пайғамбар кемаси шу тоғ ёнида тўхтаган. У ҳозирги Туркия шарқидаги Арарат тоғи ҳисобланади.

<sup>122</sup> Берунийда Бухтунассар ёзилган. Ҳақиқатда эса бу Бобил подшоҳларидан Набонассар (мил. авв. 747–734)дир. Чалкашлиқдан қутулиш учун Набонассарни ўз номи билан қолдиришни лозим топдик.

<sup>123</sup> Абу Маъшар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Балхий (тахм. 786–886) – машҳур астроном ва астролог, Балхда туғилган, Бағдодда ишлаган ва Воситда вафот этган. Ғарбий Европада «Albunasar» деб лотинчалаштирилган номи билан машҳур бўлган. Бир қатор астрономик ва астрологик асарларнинг муаллифи. Бу ерда эслатилаётган зиж – «Минглар зиж китоби»деб (*Китоб аз-Зиж ал-ҳазорот*). (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.) – М: 1983, Т. 2. – С. 78–79).

<sup>124</sup> 39-изоҳга қаранг. «Синдҳинд» – ҳиндча «Сиддҳанта» (яъни, «мақсад», «хуло-са») сўзининг арабчада бузиб ёзилиши.

<sup>125</sup> Аржабҳаз – аслида Ариабҳата, буюк ҳинд астрономи, 476 йили туғилган. Унинг икки асари бизгача етиб келган: «Дашагитика – сутра» ва «Ариаташата». Лекин улар биргаликда «Ариа-сиддҳанта» дейилади. Беруний ана шу асарни назарда тутди.

<sup>126</sup> Бу ерда «Арканд зижи», яъни Браҳмагуптанинг «Кҳандакҳадяка» асарининг арабча таржимаси назарда тутилаётир.

<sup>127</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундоз ас-Сарахсий (IX–X) – Сарахслик математик ва астроном (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.) – М.:1983, Т.2. – С. 167).

<sup>128</sup> Абул-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Исмоил ибн ал-Аббос ал-Бўзжоний (940–998) – асли Хуросондаги Бўзгон Шаҳридан, ўрта асрларда ислом дунёсидаги энг йирик математик ва астрономлардан, 959 йилдан бошлаб Бағдодда ишлаган. Беруний «Геодезия»сида хабар беришича (Беруний, III ж., 181-б.), у Хоразмнинг пойтахти Котда ва Бўзжоний Бағдодда туриб, 997 йилдаги Ой тутилиш-ни кузатганлар. У 20дан ортиқ асар ёзган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды(VIII–XVII вв.) – М.:1983, Т.2. – С. 177–179).

<sup>129</sup> Беруний бу асарини юқорида ҳам эслатган эди (юқорида 40-изоҳга қаранг).

<sup>130</sup> Яъни, айнан бир вақтнинг ўзида бир хил масофани босиб ўтади.

<sup>131</sup> Яъни, бунинг учун Абу Маъшарга ўхшаб астролог эмас, астроном бўлиш керак, демакдир.

<sup>132</sup> Яъни, улар чекланган ва чексиз эмас.

<sup>133</sup> Набонассар подшоҳлик қилган эранинг бошланиши мил.авв. 747 йилдан ҳисобланади (122-изоҳга қаранг).

<sup>134</sup> Иккита Бухтунассар орасида эмас, Набонассар (мил. авв. 747–734) билан Байт ул-Муқаддасни вайрон қилган Навуходоносор – Берунийда Бухтунассар (мил. авв. 604–562) – орасида 143 йил ўтгани ҳақиқатга яқинроқдир.

<sup>135</sup> Бу ерда сўз кетаётган йилларнинг «даври» ёки «цикли» қадимги вақтда қўлланган икки турли – шамсий ва қамарий – тақвимларни мослаштириш учун тузилган. Қамарий йиллар 29 ёки 30 кундан ташкил топиб, қамарий йил шамсий йилдан тахминан 11 кунга фарқ қилган. 29 кунлик ойлар «ноқис», 30 кунлик ойлар «тўлиқ» ойлар деб юритилган. Қамарий йилни шамсий йилга мослаштириш учун қамарий йилга вақти-вақти билан 13-қўшимча ой қўшилган (юқорида 57-изоҳга қаранг). Милоддан аввалги 432 йилда юнон астрономи Метон 6940 кунга 125 «ноқис» ва 110 «тўлиқ» ойлардан иборат 19 йиллик даврни ҳисоблаб чиққан. Бу 19 йилдан 7 таси 13 ойдан иборат бўлган.

Метон даврида шамсий йил одатдагидан 1/76 қисмга узунроқ бўлган. Бу ноаниқлик мил. авв. III асрда яшаган бошқа юнон астрономи Калипп томонидан қисман тузатишган. У 940 қамарий йил учун 441 «ноқис» ва 499 «тўлиқ» кунлардан иборат 76 йиллик даврни тақдим этган. Биринчи давр бошланиши мил. авв. 330 йилдан ҳисобланади. Птолемей ҳам Калипп давридан ўз «Ал-Мажистий»си учун фойдаланган. Аммо у кун ойларни Миср тақвими бўйича белгилаган.

<sup>136</sup> Гиппарх мил. авв. II асрда яшаган буюк юнон астрономи. У ҳам йил циклларини ҳисоблаган ва уники Калиппникидан аниқроқ бўлган.

<sup>137</sup> Саккиз йиллик цикл мил. авв. V асрда ҳисобланган бўлиб, ўзининг чўзик эмаслиги билан энг қулайдир. У 96 камарий ой ва учта қўшимча ойларни ўз ичига олади. Қўшимча ойлар II, V ва VII йилга қўшилади.

<sup>138</sup> Бу ерда Э.Захау нухасидаги «жумла» сўзи ўрнига Л. ва И.даги «жулла» (улуғ) сўзи олинди.

<sup>139</sup> Яъни, ҳилол кўринишидан бошланадиган ой муддати миқдори.

<sup>140</sup> Милет – Кичик Осиёнинг ғарбидаги қадимги шаҳар, йирик маданият ва фан маркази.

<sup>141</sup> Фалес (тахм. мил. авв. 624–547 й.) – милетлик машҳур қадимги юнон файласуфи, математик ва астроном; у математик фанларнинг, астрономиянинг, метеорологиянинг ва физиканинг оёққа туриши, асосланиши ва ривожланиши тарихида улкан аҳамият касб этган. Фалес ҳақли равишда қадимги Юнонистоннинг «етти доносидан бири» бўлиб шуҳрат қозонган. Мисрда майдон ўлчашда қўлланиладиган усулларни таҳлил қилиб, геометрия фанига асос солди (геометрео – қадимги юнончада «ер ўлчайман»). Қадимги бобилликларнинг астрономик маълумотларини ўрганиб, қадимги юнон астрономиясига асос солди. Хусусан, у мил. авв. 585 йили Мидия подшоҳи Киаксар билан Лидия подшоҳи Алиатт ўртасида жанг кетаётган пайтда Мисрга саёҳат қилаётиб, ўша йилнинг 28 майида тўлиқ Куёш тутилиши юз беришини олдиндан айтиб беради (Бикерман Э. Хронология древнего. – С. 245). Ҳақиқатан Фалеснинг номи эса Юнонистон, Миср, Яқин ва Ўрта Шарқда шуҳрат қозонади. Геродотнинг айтишича (Геродот. История, в девяти книгах. – Л.: 1972, – С. 64), Фалес асли Финикиядан бўлган. Ҳақиқатан ҳам, унинг исми юнончада, латин алифбосида Thales ва арабчада Салис (ثالس) ёзилишига кўра, у сомиё халқ вакили, яъни финикиялик бўлган ва кейинчалик юнон маданиятига сингиган.

<sup>142</sup> Албатта, бу ерда Фалес ҳақида Беруний келтирган маълумотлар араб манбаларига эмас, қандайдир юнон манбаларига асосланганлиги шубҳасиз.

<sup>143</sup> Берунийнинг бу фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ, чунки юқорида айтганимиздек (141-изоҳга қаранг), Фалес мазкур Куёш тутилишини Бобил астрономик жадвалларини ўрганганидан сўнг айтиб берган. Демак, қадимги бобилликлар Куёш ва Ой тутилишларини олдиндан ҳисоблаб топишни билганлар. Лекин афсуски, у маълумотлар бизгача етиб келмаган.

<sup>144</sup> Ардашер I ибн Бобак ёки Ардашер Попакон (226–241 й.) – Эроннинг Сосонийлар сулоласига асос солган биринчи подшоҳи.

<sup>145</sup> Асарнинг русча ва биринчи ўзбекча нашрларида Кайқубод афсонавий Эрон подшоҳи бўлган ва Зардушт даврида (мил. авв. VII–VI а.) яшаган дейилган эди. Агар бир оз мулоҳаза қилинса, балки Кайқубод у қадар афсонавий бўлмас. Маълумки, эронликлар оғзаки ижодида Ахоманийлар сулоласи Куруш II (мил.авв. 558–529 й.) дан бошланади ва булардан, олдин (тахм. мил. авв. 700–559 йиллар) ҳукм сурган подшоҳлар – Ахоман, Чишпиш, Куруш I ва Камбиз I лар тўғрисида айтилганди. Лекин Куруш II дан аввал Каёнийлар ва олдин Пешдодийлар ҳукм сургани айтилади. Каёнийларнинг охиригиси Камбиз I (мил. авв. 600–559 й.) Кайқубод бўлиши мумкин, чунки бунинг подшоҳлик йиллари Фалес яшаган даврга мос келади.

<sup>146</sup> Шу ерда يصف – йасифу сўзи биздаги нухаларнинг ҳаммасида ва Сирафий таржимасида نصف – насифу деб олинган. Русча таржимада ҳам шундай «приписыва-



ет» (39-бет) деб кўрсатилган. Биз уни йасифу – «тавсифлайди» деб ҳозирги келажак замон феъли шаклида олдик. Шунда «матн бузилибди» дейишга эҳтиёж қолмайди.

<sup>147</sup> Македониялик Искандарнинг отаси эмас, руҳий касал укаси Филипп Арридей кўзда тутиляпти. У Искандар вафотидан кейин мил. авв. 323 йили тахтга ўтирган ва мил. авв. 317 йилгача ҳукм сурган, амалда ҳокимиятни саркардалар Пердикка (мил. авв. 323–321 й.), Антипатр (мил. авв. 321–319 й.) бошқарган.

<sup>148</sup> Теон – мил. IV асрда яшаган исқандариялик астроном.

<sup>149</sup> Яъни, «Зулқарнайн» лақабининг келиб чиқиши ҳақидаги ихтилофларни.

<sup>150</sup> Юлий Цезарь даврида қабул қилинган тақвим устида гап кетяпти. Бу тақвим мисрликлардан олинган бўлиб, унга кўра, йил 365  $\frac{1}{4}$  кунни ташкил этади. Ҳар тўрт йилда бир ортиқча 366 кун кўшилади. Ой кунлари 28 билан 31 кун ортиқча бир кун февраль ойига кўшилади.

<sup>151</sup> Ҳабиб ибн Биҳриз – юнон китобларини араб тилига таржима қилган олим (IX а.)

<sup>152</sup> Бу ерда фаранглар тили лотин тили маъносида келмоқда. Шарқ тилларидаги «қайсар» сўзи лотинча *caesar*, яъни «кесиб олинган» (*caedo* – «кесаман») сўзидан олинган. Аслида онасининг қорнидан кесиб олинган ва кейинчалик Рим лашкарбошиси ва сўнг императори бўлган шахс Гай Юлий Цезарь (мил. авв. 100–44 й.) эди. Ундан кейинги императорларнинг исмига «цезарь» атамаси кўшилиб, унга «император» маъноси берилди. Шарқда ўта ўжар одамнинг қайсар дейилишига сабаб, тутқаноғи бўлган ва ўжар император Юлий Цезарга ўхшаганларга нисбатан ишлатилади. Император Август (мил. авв. 43– мил. 14 й.) – Юлий Цезарнинг тутинган ўғли. Бундан то Диоклетиангача (284–305 й.) бўлган Рим императорларининг ҳаммасини Цезарь дейишган.

<sup>153</sup> Аҳмад ибн Саҳл ибн Ҳошим – Сомонийлар сулоласи даврида (X а.) ҳозирги Ўрта Осиё ва Хуросон худудида яшаган йирик зодагон, 307/919 йилда қамокхонада ўлган (қаранг: Бартольд В.В., Сочинения, Т. II, часть 2, – М., 1964. – С. 500).

<sup>154</sup> Ҳақиқатан ҳам, пайғамбар Исо алайҳиссаломнинг туғилиши Август подшоҳлигининг 17-йилига эмас, 43-йилига тўғри келади.

<sup>155</sup> Август замонида Мисрда тарқалган Юлий тақвими устида гап кетяпти. Бир пайтлар бу тақвим бобилликлардан олинганлиги учун Беруний уни «калдонийлар» йили деб атаган. Ҳозирги фанда у «Искандар тақвими» деб юритилади.

<sup>156</sup> Рум деб бу ерда Беруний Римни ва румлар деб римликларни атаяпти. Рим императори Антонин Пий 138–161 йилларда ҳукм сурган.

<sup>157</sup> И. ва Лда «ҳар юз йилда» дейилган. Бу нотўғри.

<sup>158</sup> Диоклетиан (Берунийда Даклутиёнус) 284–305 йилларда ҳукм сурган. Христианларни таъқиб қилган. Шарқдаги «мин даққи Юнус» (яъни, Юнус пайғамбар давридан) деган иборанинг Диоклетианга алоқаси йўқ.

<sup>159</sup> У даврда махсус астрологик масалалар китоби бўлиб, унда астрологияга оид саволларга жавоблар келтирган.

<sup>160</sup> Маймун ибн Михрон – Умавий халифа Умар ибн Абдулазиз (717–720) замонида яшаган, Ироқда хирож бошқармасининг раиси бўлган.

<sup>161</sup> Умар ибн ал-Хаттоб (634–644) – Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин унинг ўринбосарлари бўлган тўрт «Хулафои рошидин»нинг иккинчиси.

<sup>162</sup> Ҳурмузон – араблар томонидан Эронни забт этиш даврида асир қилиб олинган форс ҳарбий кўмондони, у исломни қабул қилиб мусулмонлар томонига ўтган.

<sup>163</sup> Масдар – араб грамматикасидаги «ҳаракат номи»дир. Ўн хил феъл навларининг ҳар қайсисидан ҳар хил масдар олинади. Тарих (تاریخ) сўзи II нав феълнинг, яъни арраха (أَرخ)нинг масдаридир. Бу масдар «ҳикоя», «белгиланган сана» маънолари билан бирга «эра» маъносини ҳам билдиради.

<sup>164</sup> Берунийнинг бу сўзларида жон бор, чунки Куръонда «тарих» сўзи ҳам, «арраха» феъли ҳам йўқ. Демак, бу сўз келиб чиқиши бўйича арабча сўз эмас.

<sup>165</sup> Аш-Шаъбий – мусулмон ривоятларини нақл қилувчи машҳур ровий.

<sup>166</sup> Абу Мусо ал-Ашъарий – исломнинг дастлабки йилларидаги давлат арбобларидан бири, саҳоба.

<sup>167</sup> Девои сўзи араб тилида жуда кўп маъноларда ишлатилади; бу ерда ўзининг аввалги ҳисобот дафтари, хирожлар рўйхати деган маъноларида келган.

<sup>168</sup> Ҳижрат – Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчган вақти. Ҳижрий йил ҳисоби бўйича йилнинг бошланиши милодий 622 йил 16 июль жума куни ҳисобланади. Баъзи бир йилнома ёзувчилар, шу жумладан, Беруний ҳам бу сани бир кун олдинга суриб, пайшанба кунидан ҳисоблайдилар.

<sup>169</sup> Яъни, 639 йил.

<sup>170</sup> Хусрав I Ануширвон (531–579 й.) Эроннинг Сосонийлар сулоласидан 19-подшоҳи. Ануширвон Одил номи билан машҳурдир. Нушервони Одил ҳам дейилади.

<sup>171</sup> Ширк – Аллоҳга бошқани шерик қилиш, унинг яккаю ягона эканини инкор этиб, кўпхудоликка эътиқод қилиш.

<sup>172</sup> Яъни, Рим императорлари.

<sup>173</sup> Эроннинг Сосонийлар сулоласидан охириги подшоҳи Яздигард III кўзда тутиляпти. 68-изоҳга қаранг.

<sup>174</sup> Бу йилларнинг арабча номлари: биринчи йил – «Сана ал-изн», иккинчиси – «Сана ал-амр бил қитол», учинчиси – «Сана ат-тамҳис», тўртинчиси – «Сана ат-тарфия», бешинчиси – «Сана аз-залзола», олтинчиси – «Сана ал-истеънос», еттинчиси – «Сана ал-истиғлоб», саккизинчиси – «Сана ал-истиво», тўққизинчиси – «Сана ал-бароа», ўнинчиси – «Сана ал-видо».

<sup>175</sup> Халифа Умар ибн-Хаттобнинг (юқорида 168-изоҳга қаранг) халифалик йилларида араблар шаҳаншоҳ Яздигард III билан бўлган қатор жанглarda ғалаба қозонганлар. Беруний «машҳур» деб шу жанглари назарда тутди.

<sup>176</sup> Марв аш-Шоҳижон – қадимги Марв, 1220 йилда мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Ҳозирда унинг харобалари Туркменистондаги Байрамали шаҳри яқинидадир.

<sup>177</sup> 48-изоҳга қаранг.

<sup>178</sup> Абу Бакр Муҳаммад ас-Сулий (946 йилда вафот этган) – машҳур араб тарихчиси.

<sup>179</sup> Ҳамза ибн ал-Исфаҳоний (893–970) – тарихчи ва филолог.

<sup>180</sup> Наврўз – форсларнинг янги йил байрами.

<sup>181</sup> Баҳорги тенгкунликда (21 март) байрам қилинган ва қадимги тақвим бўйича янги йил бошланган. Меҳригон (арабча шакли миҳрижон) эса кузги тенг кунликда (22 сентябрь) йигим-терим тугагандан кейин байрам қилинган.

<sup>182</sup> Ал-Мутаваккил (847–961) – Аббосийлар сулоласидан ўнинчи халифа.

<sup>183</sup> Убайдуллоҳ ибн Яҳё ибн Хоқон – Ал-Мутаваккилнинг вазири.

<sup>184</sup> Мўбад, Мубод – мажусий (оташпараст)лар коҳини, у диний ишлардан ташқари тарих ва тақвимни ҳам яхши билган.

<sup>185</sup> Қадимги Эрон тақвими шамсий бўлиб, кўёш ҳаракати билан боглик. Йил 365 кундан иборат бўлган деб ҳисобланган бўлса-да, ойлар 30 кундан иборат деб ҳисобланган. Лекин бундай ойлар ўтиб, йил 360 кунга тўлгач, йил охирида «ўғирланган кунлар» деб аталган беш кун йил кунларига қўшиб қўйилган. Мўбад «қўшимча кунлар» деб, ана шу кунларни назарда тутган. Лекин бу ерда баён қилинаётган фикрга кўра, Эронга ислом келиши билан бу қўшимча беш кун ҳам ҳаром қилинган кўринади.

<sup>186</sup> Деҳқонлар – исломгача ва исломнинг дастлабки II–III асарларида Эрон, Суғд, Хоразм, Шош ва Фарғонада йирик ер эгалари ва зодагонлар. Кейинчалик бу зодагонлар мулкларидан ажралиб, қашшоқлашиб қолгач, бу ибора оддий қишлоқ аҳолисига нисбатан ишлатиладиган бўлди.

<sup>187</sup> Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий – Умавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик (724–743) даврида унинг Фарбий Эрондаги ноиби бўлган.

<sup>188</sup> Куръон, «Тавба» сураси, 36-оят боши.

<sup>189</sup> Ҳорун ар-Рашид (786–809) – Аббосийлар сулоласидан бешинчи халифа.

<sup>190</sup> Яҳё ибн Холид ибн Бармак – асли Балхдан, Аббосий халифалар давридаги форс вазирлар хонадонининг ёрқин намояндаси.

<sup>191</sup> Иброҳим ас-Сулий – юқорида зикр қилинган (178-изоҳга қаранг) тарихчи Ас-Сулий бобосининг акаси, Ал-Мутаваккилнинг котиби бўлган.

<sup>192</sup> Ҳазирон – сурёний христианлар йилининг тўққизинчи ойи июнга тўғри келади.

<sup>193</sup> Мухаррам – мусулмон йилининг биринчи ойи. 243 йилнинг Мухаррами 857 йилнинг 30 апрели – 29 майга тўғри келади.

<sup>194</sup> Абу Убода Валид ибн Убайд ат-Тоий ал-Бухтурий (204–284/819–897) – атоқли араб шоири.

<sup>195</sup> Асарнинг русча ва ўзбекча биринчи нашрида тақвим ислоҳоти ўтказган йил дейилган, бу ерда эса сўз Ал-Мутаваккил ҳақида кетаяпти. У эса бундай ислоҳот ўтказмаган. Демак, гап у тахтга ўтирган 847 йил ҳақида боради.

<sup>196</sup> Тақвим ислоҳотини халифа Ал-Муътазид астроном Ан-Найризий ёрдамида 894 йил ўтказган (юқорида 48-изоҳга қаранг). Ҳақиқатан ҳам, шу йил билан Яздигард III ўлдирилган 651 йил оралиғида шу эслатилган муддат ўтган.

<sup>197</sup> Хурдод моҳ – Эрон шамсий йилининг учинчи ойи.

<sup>198</sup> Бу ерда Абу Аҳмад Яҳё ибн Али ибн Абу Мансур ал-Мунажжим (855–913) назарда тутилаётган бўлса керак. У Бағдодда туғилган ва халифалар саройида ишлаган, фалсафа, шеърят, мусиқа ва астрономия билан шуғулланган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.) – М.: 1983, Т. 2. – С. 111–112).

<sup>199</sup> Яъни, Яздигард I (399–421).

<sup>200</sup> Қўшимча кунлар (*ал-лавоҳиқ*) ҳақида куйида асарнинг 76–78-бетларида муфассал маълумот берилган.

<sup>201</sup> Яъни, қўшимча ойни ўша йили Обон моҳдан кейин қўйдилар. Обон моҳ – Эрон йилининг саккизинчи ойи. Бу ҳақида Беруний куйида муфассал баён қилади.

<sup>202</sup> Берунийнинг форсларнинг «йил ҳисоби жуда ноаниқ» деган сўзларига қўшилган ҳолда, бу ноаниқлик унинг ўзини ҳам чалғитмадимикан, деган фикрга келамиз. Чунончи, агар Яздигард ибн Шопурни русча ва биринчи ўзбекча нашрдэгидек Яздигард I (399–421) десак, унинг подшоҳлигининг охириги йили билан Яздигард III (632–651)нинг охириги йили орасидаги айирма саналган 230 йилдан 120 йил айирилса, «тахминий ҳисоб билан» ҳам 70 йил чиқмайди. Агар Беруний янглишган, деб Яздигард I ўрнига Яздигард II (438–457)ни олсак, мазкур амал бажарилса (яъни,  $651-457=194$ ,  $194-120=74$ ), у ҳолда ҳосил бўлган 74 йилни «тахминий ҳисоб билан» қарийб 70 йил дейиш мумкин.

<sup>203</sup> Иброҳим алайҳиссалом – Куръоний ва тарихий шахс, Тавротдаги Авраам. Араблар ва яҳудийларнинг умумий аجدоди. Басра шаҳридан шимолроқдаги Ур шаҳрида мил. авв. 2300 йил атрофида зуҳур қилган. У илк болалик чоғиданок қабиладошлари ва айниқса отаси Азар топинган санамлар, Қуёш, Ой ва юлдузларга топинишдан бош тортган ва унга ваҳий келиб, биргина Аллоҳни худо деб олган. Шунинг учун у ўзини «ҳаниф» (якка Аллоҳга ибодат қилувчи) деб атаган ва атрофидагиларни ҳам шу эътиқодга даъват этган. Кўпчилик жумладан, отаси томонидан ҳам қаттиқ қаршиликка учрагач, юртини тарк этиб, шимолга кетган. Фирот бўйлаб юриб, Фаластинга келган. Бу ерда у Сорага уйланади, лекин ундан фарзанд кўрмагач, Ҳожарни олади. Узоқ йиллар ундан ҳам фарзанд кўрмайди. Иброҳим алайҳиссалом фақат кексайган чоғида Ҳожардан ўғил кўради ва унинг исмини Исмоил қўяди. Хотини Соранинг рашки сабабли, Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар билан Исмоилни олиб Арабистонга кетади. У ерда ўғли билан биргаликда Каъбани барпо қилади. Исмоил маҳаллий араб қизига уйланади. Улардан қолган авлодлар шимолий арабларнинг, хусусан, Бану Адноннинг аجدодлари ҳисобланади.

<sup>204</sup> Тихома – Арабистон яриморалининг Қизил денгизга туташган саёз соҳиллари. Лекин яриморолнинг шимоли-шарқидаги кичик соҳили ҳам шундай аталади.

<sup>205</sup> Исломгача Каъбадаги санамлардан бирининг номи.

<sup>206</sup> Балқо – Фаластиндаги бир жойнинг номи.

<sup>207</sup> Зулактоф – Сосоний шаҳаншоҳ Шопур II (310–379) нинг лақаби.

<sup>208</sup> Каъб ибн Луайй – исломгача бўлган арабларнинг қабила бошлиқларидан бири.

<sup>209</sup> Ҳимярийлар – жанубий араб қабиласи.

<sup>210</sup> Фил йили (570 ёки 571 йил атрофи) – Ҳабашистон подшоҳи Негус (арабчада Нажоший)нинг Ямандаги амири Абраҳа Каъбага юриш қилиб келади ва мағлубиятга учрайди. Куръоннинг «Фил» сураси ўша воқеага бағишланган. Муҳаммад алайҳиссалом ўша йили туғилган деб ҳисобланади.

<sup>211</sup> «Арабларнинг кунлари» (*аййом ал-араб*) деб қадимги араблар жоҳилия давридаги турли жанглар ва қабилалар орасидаги тўқнашувлар ва бошқа эсда қолувчи воқеалар бўлган кунларни атаганлар. Бу «кунлар» ўша жанг бўлиб ўтган жой номи ёки уни келтириб чиқарган сабаб билан аталган ва «Айём ал-араб» деб аталган маҳсус китобда тўлиқ тавсифланган.

<sup>212</sup> Шаҳри Ҳаром – «муқаддас ой» демакдир. Қамарий йилдаги Муҳаррам ойи шу ном билан юритилади. Рамазон ойи ҳам шундай ойдир.

<sup>213</sup> З да ал-Ғазо куни, И да ҳам ал-Ғазо куни. Э. Захау кўрсатган бошқа бир нусхада эса Ал-Ғазо куни ёзилган, русча таржимада ҳам шундай.

<sup>214</sup> Пайгамбар с.а.в.нинг амакилари Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳл исломни қабул қилмай, Макка кофирлари билан бирга Муҳаммад алайҳиссалом бошчилигидаги мусулмонларга қарши кўп марта жанг қилганлар. Бу ерда ўша жанглардан бири ҳақида сўз кетаётир.

<sup>215</sup> Туббаъ – Ҳимяр подшоҳлари шундай аталган.

<sup>216</sup> Ал-Ҳира – Ироқда Фирот дарёси бўйидаги қадимги шаҳар, Лаҳмийлар (V–VI а.) сулоласи подшоҳларининг пойтахти бўлган, ҳозир хароба ҳолга келиб қолган.

<sup>217</sup> Сиёвуш ибн Кайковус – Хоразмнинг ярим афсонавий биринчи подшоҳи. Ривоятга кўра, у Хоразмга Мозандарон тарафдан келган. Искандар эраси мил. авв. 312 йил бошланганини эътиборга олсак, Сиёвуш Хоразмга мил. авв. 1200 йил келган бўлади. Хоразмда туркларнинг подшолиги эса мил. авв. 1292 йил ўрнатилган бўлади.

<sup>218</sup> Кайхусрав – Сиёвушнинг ўғли.

<sup>219</sup> Африг – Хоразм тахтига милодий 305 йил ўтирган шоҳ. Сиёвушийлардан ҳисобланган.

<sup>220</sup> Ал-Фир – Хоразмнинг қадимги пойтахти Котнинг ғарбидаги қалъа. Эслатилган воқеа милодий 305 йил (616–311=305) юз берган.

<sup>221</sup> Санъо – Жанубий Арабистондаги шаҳар. Ҳозирда Яманнинг пойтахти.

<sup>222</sup> Заҳҳок – Қадимги Эрон афсоналарида зикр қилинадиган ярим одам, ярим дев шаклидаги махлук.

<sup>223</sup> Жайхун – Амударёнинг арабча аталиши.

<sup>224</sup> Бу воқеа милодий 994 йилда, яъни Берунийнинг ушбу «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари ёзилишидан атиги олти йил олдин юз берган.

<sup>225</sup> Кутайба ибн Муслим – Хуросон волийси (705–715) Хоразм ва Мовароуннаҳрни забт этган араб амири. 715 йил Фарғона водийсида халифага қарши исён кўтарилганда, унга хиёнат қилган саркардалари томонидан ўлдирилган. Унинг мозори Андижон вилояти Жалолқудук туманида жойлашган, зиёратгоҳ.

<sup>226</sup> Беруний келтирган қадимги ва илк ўрта асрлардаги Хоразмшоҳларнинг рўйхати кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мукамал эмас. XX асрда Қадимги Хоразм тангалари ва остодонлар (тобутлар)ини ўрганиш натижасида келинган фикрга кўра, Хоразмни мил. авв. 20 ёки 10 йилдан то милодий 995 йилга қадар икки сулола шоҳлари бошқарган. Шундан биринчи сулоланинг номи ҳали аниқланмаган, иккинчи сулола эса – Афригийлар сулоласи бўлиб, улар Хоразмда 305–995 йилларда шоҳлик қилганлар. Шу икки сулола хоразмшоҳларининг номларини хронологик солиштирган ҳолда тангалар ва Берунийдаги рўйхат бўйича келтирамиз. (Лившиц В.А., 1970 – С. 164–165; Вайнберг Б.И., 1977. – С. 80–81).

#### Тангаларда

Артав

Артамуш

Вазамар (мил. III а. охири)

Биварсар

Санбар

#### Берунийда

–

–

–

Африг (тахм. мил. 305 й.)

Багра

Раст	Саххасак
Сиявспарш	Аскажамук
Вик ёки Вир	Азказавар
Кави ёки Рави	Сахр
Тутухас	Шауш
Хамуси	Хамгари
–	Бузгар
Бравик ёки Фравик	Арсамух (тахм. 622 й.)
Шрам (VII)	Сахр
–	Сабри
Азқацвар I Чаган (712 й. ҳалок бўлган)	Азказавар (712 й. ҳалок бўлган)
–	Аскажамук
Хусрав (Кердарда ҳоким, VIII а. боши)	– Каник
Савшафон (VIII а. ўртаси)	Шаушафар
–	Туркасабас
Азқацвар II (мусулмонча Абдуллох исмини олган, VIII а. охири)	Абдуллох
–	Мансур
–	Ирок
–	Абу Саид Аҳмад
–	Абу Абдуллох Муҳаммад (995 й. ҳалок бўлган)

<sup>227</sup> Зулкарнайн (икки шохли демақдир). У ҳақда Қуръоннинг «Каҳф» сураси 83–93-оятларида зикр қилинади.

<sup>228</sup> Наснослар – арабийнавис муаллифлар асарларида тасвир этилган ярим май-мун-ярим одам шаклидаги махлуқлар.

<sup>229</sup> Яъжуж ва Маъжуж – Қуръонда мазкур «Каҳф сурасида (228-изоҳга қаранг) зикр қилинишича, Искандар жанг қилган қабила номлари. Қўшни халқларни уларнинг ҳужумидан сақлаш учун Искандар томонидан уларнинг мамлақати чегарасида мустаҳкам тўсиқ қурилган, деб ҳисобланади. Машҳур математик ва астроном, бизнинг ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий (783–848) ўзининг «Китоб сурат ал-арз» («Ернинг тасвири китоби») асарида Яъжуж ва Маъжужни, Узоқ Шарқда унинг замонида яшаётган халқ сифатида кўрсатиб, улар яшайдиган шаҳарлар ва тоғларнинг географик координатларини келтиради (Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: 1983, 302, 304, 313, 315, 360-бетлар.) Немис олими Хуберт Даунихт эса Ал-Хоразмий асаридаги Яъжуж ва Маъжуж билан алоқадор барча географик объектларни аниқлаштириб, харитага киритган ва у объектлар Шимолий Хитой ва Монголияда эканлигини кўрсатган, ўз тадқиқотларини эса беш жилдда нашр қилган (Hubert Daunicht. Der Osten nach der erdkarte al-Huwarizmis, Bonn, Bd. I, 1968, Bd. II–V, 1970).

<sup>230</sup> Қўк денгиз – Атлантика океани.

<sup>231</sup> Боб ал-Абвоб (Дарвозалар дарвозаси) – Кавказ тоғ тизмасидаги дара.

<sup>232</sup> Доро ибн Доро – Қадимги Эроннинг Ахоманийлар сулоласидан охириги подшоҳи Доро III (мил. авв. 336–330) назарда тутилади, лекин у Доро II (мил. авв. 432–404)нинг ўғли эмас, балки Артаксеркс (мил. авв. 358–338.) ёки Арсеснинг (мил.

авв. 338–336) ўгли эди. Аррианнинг (мил. II а.) хабарига кўра, Доро III ни ўз яқинлари Сатибарзан ва Барсаентлар ўлдирган (Арриан. Поход Александра / Пер. с древнегреч. М. Е. Сергиенко. – М.: – Л.: 1962. – С. 123). Беруний келтирган қотилнинг исми бу исмларга мос келмайди. У анча кейинги Шарк манбасидан фойдаланган кўринади.

<sup>233</sup> Шахризур – Ғарбий Эрондаги ўрта асрлардаги шаҳар, Сулаймониядан жануби-шарқроқда бўлган (Бартольд. Сочинения. Т. VII,– С. 198). Искандар аслида Бобилда ўлган.

<sup>234</sup> Машҳур қадимги юнон файласуфи Аристотель (мил. авв. 384–322) Александр Македонскийнинг устози эди.

<sup>235</sup> Ахоманийлар сулоласидан бўлган подшоҳ Артаксеркс (мил. авв. 465–424) кўзда тутилади.

<sup>236</sup> Арабча нусхада насл сўзи ўрнида «қарн» ҳам ёзилган. Чунки бу сўз арабларда шох, насл, авлод, аср каби жуда кўп маъноларда ишлатилади. Беруний ҳам ўз ўрнида «қарн» сўзидан фойдаланиб, жуда чиройли сўз ўйини қилган.

<sup>237</sup> Муҳаммад ибн Абдураззоқ ат-Тусий – Эрон ва Ироқда X асрда ҳукм сурган Бувайҳийлар сулоласи асосчиларидан бири ва Бувайҳийлар султони Рукн уд-Давла (ваф. 967) даврида Тус шаҳри ҳокими бўлган.

<sup>238</sup> Иброҳим ас-Собий – Бувайҳийлар давридаги давлат арбобларидан бири. Унинг Бувайҳийлар сулоласи тарихини ўз ичига олган ва Беруний тилга олаётган «Тож» номли асари бизгача етиб келмаган. Ас-Собий сўзига биноан, у ўз китобини турли афсона ва уйдирма гаплар билан тўлдирган экан. Беруний бу ерда мазах қилиб келтираётган Бувайҳийлар насаби ҳам ана шундай афсоналардан биридир.

<sup>239</sup> Иккита Шерзилни бир-биридан ажратиш учун Шерзили асгар – кичик Шерзил ва Шерзили акбар – катта Шерзил деб юритилапти.

<sup>240</sup> З да «жабалда» (فی جبل) И да эса «Жилда» (فی جبل) дейилган. Биз кейингисини қабул қилдик ва «Жилда» сўзини Гилонда деб таржима қилдик.

<sup>241</sup> Мардовиж – Вардоншоҳнинг набираси, Ироқнинг бир қисми ва Эроннинг Каспийолди вилоятларида X–XI асрларда ҳукм сурган Зиёрийлар сулоласи асосчиси Зиёрнинг ўгли. Мардовиж Табаристон ҳокими Асфар ибн Шеруя кўшинида қўмондонлик қилган ва 931 йилда Асфарни ўлдирган, ўзи эса 935 йилда ўлдирилган.

<sup>242</sup> Гарчи асарнинг ҳамма нусхаларида «Вардоншоҳнинг ўғли» дейилган бўлса-да, матн маъносига кўра, «Вардоншоҳнинг набираси» деган хулоса келиб чиқади, тарихий фактлар ҳам шуни тақозо қилади. Шунинг учун биз шундай ҳолда таржима қиламиз.

<sup>243</sup> Жибол – ҳозирги Эрон Ироқининг ўрта асрлардаги арабча номланиши.

<sup>244</sup> Кисро (*қўплиги Акосира*) – араблар Сосонийлар сулоласи шаҳаншоҳлари – Хусравларни шундай атаганлар.

<sup>245</sup> Хусрав I Ануширвон (531–579) назарда тутилади (170-изоҳга қаранг), унинг отаси Кубод I (488–531) бўлган.

<sup>246</sup> Яъни, отаси ва онаси томонлари.

<sup>247</sup> Яъни, Сомонийлар сулоласи амирлари демокчи. Сомонийлар IX аср охири ва X асрда (874–999) Хуросон, Мовароуннаҳр ва Эроннинг баъзи вилоятларида ҳукмронлик қилган. Сомонийлар давлати пойтахти Бухоро бўлиб, ўша вақтда Шарқнинг машҳур илм-фан ва маданий марказларидан бири эди. Сомонийлар давлати Хуросон давлати ҳам дейилган.

<sup>248</sup> Марзубон ёки марзбон – Сосонийлар даврида форсларда чегара вилоят ҳокими шундай унвон билан аталган.

<sup>249</sup> Ширвон – Каспий денгизининг ғарбий қирғоғидаги вилоят.

<sup>250</sup> Ал-Қаддоҳ – Мисрда ҳукмронлик қилган Фотимийлар сулоласидан биринчи халифа (909–934). Фотимийлар ўз насабларини Муҳаммад алайҳиссалом қизи – унинг амакиваччаси Алининг хотини Фотимадан бошлайдилар. Шунинг учун улар ўзларини алавийлар (Али авлодлари) деб атайдилар.

<sup>251</sup> Нақиб («кузатувчи», «бошлик») – Али авлодларидан деб саналиш ҳуқуқини олиш учун кишиларга алоҳида гувоҳнома берувчи Али хонадони вакилларини «нақиблар» деб атаганлар.

<sup>252</sup> Абу Али – Ал-Ҳаким номи билан машҳур бўлган, Миср Фотимийлари халифаси, 996–1021 йилларда ҳукм сурган.

<sup>253</sup> Беруний келтирган бу шажаранинг манбасини аниқлаш имконияти бўлмади.

<sup>254</sup> Эронга тобе бўлган Ироқдаги Лаҳмийлар сулоласи подшоҳларидан бири Мунзир ибн Ма-ас-Само назарда тутиляпти. Лаҳмийларнинг пойтахти Фирот дарёси соҳилидаги Ҳира (юқорида 216-изоҳга қаранг) шаҳри бўлган, улар милодий V аср охиридан 633 йилгача ҳукм сурганлар.

<sup>255</sup> Билқис – Қуръондаги маълумотларга кўра, Сулаймон алайҳиссалом (мил. авв. X а.) замондош бўлган Жанубий Арабистондаги Сабо подшоҳлиги маликаси исмининг арабийнавис муаллифларда ёзилиши.

<sup>256</sup> Ибн Дурайд – араб филологи (ваф. 933).

<sup>257</sup> Қуръоннинг «Намл» сураси 20–44-оятларида худхуд (сассикпопишак), Сулаймон алайҳиссалом ва Билқис қиссаси келтирилади. Қиссада худхуд Билқисга Сулаймоннинг мактубини олиб боради ва пировардида Билқис исломни қабул қилиб, Сулаймон унга уйланади.

<sup>258</sup> Зу – زو – «эга», «эгалик қилувчи» маъноларини англатади.

<sup>259</sup> Бу ерда Беруний арабийнавис географик адабиётнинг икки йўналишига диққатни жалб қиляпти: биринчи – Птолемейнинг (мил. II а.) «География» (сўзма-сўз – гео – «Ер», graphio – «тавсифлайман» ёки «тасвирлайман»)сига асосланган бўлиб, уларнинг энг биринчиси Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» асари эди. Бу йўналиш, одатда, математик география ҳам дейилади; иккинчиси – халифаликнинг ўзида шаклланган, лекин у ҳам узоқ ўтмишдаги антик давр «итенирарий»ларига бориб тақаладиган «ал-масолик вал-мамолик» («йўллар ва мамлакатлар») йўналишидаги адабиёт бўлиб, бу, одатда, «тавсифий география» ҳам дейилади. Мазкур кейинги йўналишда жуда кўп асарлар яратилган. Истахрий, Ибн Ҳавқал ва бошқа муаллифларнинг асарлари шулар жумласидандир.

<sup>260</sup> Иқлим – юнонча klima – «оғиш» сўзидан олинган. Птолемей ўз «География»сида Ер шарқий яримшарининг шимолий ярмини саккиз иқлимга ажратган бўлиб, бу иқлимлар Ер экваторига параллел зоналар эди (Муҳаммад ал-Хоразмий. Танланган асарлар, 250-бет). Лекин Ал-Хоразмий ўзи тўплаган маълумотлар ва маҳаллий анъаналарга асосланиб, иқлимларнинг сонини биттага камайтиради ва фан тарихида биринчи марта адабиётга етти иқлим тушунчасини киритади (қаранг: ўша китоб, 250–251-бетлар).

<sup>261</sup> Берунийнинг ушбу сўзлари кўрсатадики, у ҳам Яъжуж ва Маъжужларга ватандоши Ал-Хоразмий каби афсонавий халқ деб қарамаган.



<sup>262</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб ат-Табарий (839–923) – машҳур арабийнавис тарихчи ва тафсирчи, асли Эрон шимолидаги Табаристоннинг Омул шаҳридан. Унинг «Тарих» асарининг Ўрта Осиёга тегишли қисмининг русча изоҳли таржимаси 1987 йили Тошкентда нашр этилган (Ат-Табари. «История», – Т.: «Фан», 1987).

<sup>263</sup> Беруний Озарбайжон деб Эрон Озарбайжонини (ҳозирда пойтахти Табриз) назарда тутяпти. Уни араблар 650 йил атрофида забт этганлар. «Озарбайжон ҳукмдори» ўша пайтдаги бу ўлканинг пойтахти Ардабилда турган араб амири бўлган ва у Хазар тарафга фақат жосусларини юборган бўлиши мумкин.

Хазар – Шимолий Кавказ ва Волга-Дон оралигида жойлашган VII–X асрда ҳукм сурган ҳоконлик, туркий давлат.

<sup>264</sup> Абул-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (тахм. 820–892 ёки 912) – машҳур арабийнавис географ, асли Хуросондан. Унинг «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар китоби») асари рус тилига тўла изоҳли таржима қилиниб, 1986 йили Боқуда нашр этилган (Ибн Хордадбех. Книга путей и стран / Пер. с араб., комм., иссл., указат. и карты Наили Велихановой. Баку, Элм, 1986).

<sup>265</sup> Ал-Муътасим (833–842) – Аббосий халифаларнинг саккизинчиси. Бу ерда Беруний янглишяпти: Яъжуж ва Маъжужлар яқинидаги тўсиқ ва уни кўриш учун юборилган одамлар ҳақидаги қиссанинг бу халифага алоқаси йўқ. Аслида, бу воқеалар ундан кейинги Ал-Восиқ (842–847) номи билан боғлиқ.

<sup>266</sup> Ал-Восиқ томонидан Саллом ат-Таржумон бошчилигида Яъжуж ва Маъжужга юборилган экспедиция ҳақида Ибн Хурдодбех китобининг 129–132-бетларига қаранг (264-изоҳга қаранг).

<sup>267</sup> Ернинг одамларнинг чораги яшайдиган шимоли-ғарбий чеккаси ҳозирги Швеция, Норвегия, Дания ерларига тўғри келади. Демак, матнда йўл қўйилган хатolikни этиборга олиб, «шимоли-шарқий» деб ўқилиши керак.

<sup>268</sup> Булғор – Волга Булғорияси ва унинг аҳолиси назарда тутилади. X–XV асрларда унинг пойтахти Улуғ Булғор ҳозирги Татаристондаги, Каманинг Волгага қуйилиш жойидан жануброқда, Волгадан 6 км масофадаги Булғори қишлоғи ўрнида бўлган. Сувар Булғорнинг ғарбий қисми бўлган. Кейинчалик Суварнинг аҳолиси христианликни қабул қилиб, алоҳида чуваш миллати бўлиб шаклланди. Тадқиқотларга кўра, ҳозирги «чуваш» атамаси «сувар» атамасининг бузиб айтилишидир. «Сувар» қадимги туркча «сув эр», яъни «сув одамлари», «дарё одамлари» маъносини англатади, чунки улар милодий VII аср бошида Хазар ҳоконлигидан шимолга кетиб, икки сув – Итил ва Кама бўйларига жойлашганлар.

<sup>269</sup> Қуръон. «Тавба» сураси, 36-оят.

<sup>270</sup> Бу ерда Беруний келтирган ўн икки ой номи форсларнинг зардуштийликдаги ойларининг номидир. Энг сўнгги тадқиқотларга кўра, бу ойлار номларининг этимологияси қуйидагича: Фарвардин – паҳлавий (III–VII а.) форсчасидаги *фравартинам* (*фраварти* сўзининг қаратқич келишигидаги кўплиги) – «кўрикловчи фаришта» сўзидан. Урдибихишт – икки фаришта номидан, қадимги форсчадаги *отам ваҳиштом* – «энг яхши ҳуқук» сўзидан. Хурдод – хурдат, фаришта номидан қадимги форсчада *хаурзатат* – «бутунлик» сўзидан. Тир – *тиштрия* сўзидан – фаришта исмидан, Меркурийнинг номини англатади. Мурдод – *Амуртат* номли фариштанинг номи-

дан, қадимги форсча *амеретат* – «кўрқмас» сўзидан. Шаҳривар – *Шавревар* деган фаришта исмидан, қадимги форсчадаги *хшаврешвайрим* – «талаб қилинаётган мамлакат» сўзидан. Мехр – Меср деган фаришта исмидан, қадимги форсчадаги *мисра* – «олов» сўзидан. Обон – *Апан* номли сув фариштасининг исмидан (Об, яъни сув). Озар – Азур номли олов фариштаси исмидан (*озар*, яъни *олов*). Дай – дазв «яратишга тааллуқли» демакдир, қадимги форсчадаги *дазваҳ* – «яратувчи» сўзидан. Баҳман – Баҳуман деган фаришта исмидан, қадимги форсчадаги *вахумана* – «виждонли» сўзидан. Исфандармуз – *Спандармат* деган илоҳ исмидан, қадимги форсчадаги *спента армайти* – «муқаддаслик ва мўминлик» сўзларидан. (Қаранг: Хаууам О. Nawruz – namah. Pp. 81–83).

<sup>271</sup> Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Сижизий (тахм. 950 – тахм. 1025) – асли сижистонлик бўлган. Беруний билан учрашган ва ёзишмада бўлган. Шерозда Бувайҳий амир Азуд ад-Давланинг саройида ишлаган. Қаламига мансуб 48 асардан 14 таси астрономияга ва 34 таси математикага бағишланган. Математикага оид асарларининг аксарияти геометрияга бағишланган, шунинг учун ҳам Беруний уни «геометрик олим» деяпти. У астуриб яшашнинг моҳир устаси бўлган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). – М.: 1983, Т. 2. – С. 202–206).

<sup>272</sup> Сижистон (ёки Сейистон) – Эроннинг жануби-шарқидаги қадимги Сакастан ўлкаси номининг ўрта асрлардаги аталиши. Ҳозирда у Эрон билан Афғонистон ўртасида иккига бўлинган. Қадимги ва ўрта асрлардаги сижистонликларнинг эроний тиллар гуруҳига кирувчи алоҳида тиллари бўлган. Ҳозирда уларнинг тиллари форс-лашган.

<sup>273</sup> Матнда ойларнинг номлари бузиб ёзилган. Биздаги мавжуд материаллар бўйича уларнинг талаффуз этилишини аниқлаш мумкин бўлмади. Шунинг учун бу номлар шартли равишда ёзиб кўрсатилди. Шубҳали ўринларда фақат ундош ҳарфларнигина ёзиш билан кифояланилди.

<sup>274</sup> Матнда хато қилиниб, Собит ал-Омулий ёзилган. «Китоб ул-ғурра»нинг муаллифи Ан-Ноиб ал-Омулий (60-изоҳга қаранг).

<sup>275</sup> Беруний билан шахсан таниш бўлган уч олим – Абул-Фараж аз-Занжоний, Зодавайх ибн Шоҳавайх, Абул-Ҳасан Озархуройлар ҳақида маълумот топилмади. Беруний улар билан 998–1003 йилларда Зиёрийлар саройида бўлган кезларида бирга ишлаган бўлиши мумкин.

<sup>276</sup> Яъни, подшоҳ аҳолини йиллик хирождан – ер солиғидан озод қилган.

<sup>277</sup> Замзама – зардуштийларда овоз чиқармай ўқиладиган дуо.

<sup>278</sup> Шу жумла Л. ва И. бўйича таржима қилинди, чунки З. да сўзлар тушиб қолган.

<sup>279</sup> Яъни, Саратон буржи олам яратилганда уфқдан тулуъ қилиб, кўтарилиб чиққан.

<sup>280</sup> Астрологлар таълимотига биноан, ҳар бир сайёра эклиптикада ўзининг юкори даражаси (шарафи) ва қуйи даражасига эгадир. Юпитернинг шарафи Саратон буржида бўлади. Астрологлар: «Сайёра ўз шарафида турганида ердаги ишларга энг кўп таъсир кўрсатади» – деб даъво қиладилар.

<sup>281</sup> Бу сўз 3 да «айтадилар» (يَقُولُونَ) деб ёзилган ва Л да «суяладилар» (يَعُولُونَ) деб қайд этилган. Таржимада иккинчи иборани олдик, русча таржимада ҳам шундай қилинган. Чунки Э. Захау нусхасидаги бу сўз ўрнига мувофик келмайди.

Русчасида фақат форсларга тегишли деб олинган.

«[Жоҳилият] араблари саводсиз бўлганлар, ривоятларни абадий қолдиришда фақат ёдда [сақлаш] ва шеърларда [келтиришга] суянганлар» жумлаларида ҳам «суянганлар» (يَعُولُونَ) сўзи қўлланган.

<sup>282</sup> Юқоридаги 260–261-бетлардаги жадвалга қаранг.

<sup>283</sup> Бу ердаги «улар давлатларининг бошланиши» (أول ملكهم) калимасидаги замири-ни шу миллатга хос деб қабул қилинди. Чунки кейинги хатбошидаги «Қибтлардан... бошқа бирор халқнинг ҳафтани ишлатишда форслар, суғдлар ва хоразмликларга эргашгани бизга маълум эмас» жумласи шуни тақозо этади.

<sup>284</sup> Яъни, «ҳар иккисига салом» (Иброҳимга ҳам, Исмоилга ҳам).

<sup>285</sup> Қўлимизда мавжуд бўлган нусхаларнинг ҳаммасида «Бизга маълум эмас» (وما اتصل بنا) жумласидан бошлаб «Абул-Аббос ал-Омулий ҳикоя қилади» (وذكر أبو العباس الأملی) иборасигача бўлган қарийб бир бет Сирафий таржимасида тушиб қолган.

<sup>286</sup> Рим императори Август мил. авв. 43 йилдан мил. 14 йилгача ҳукм сурган.

<sup>287</sup> 3 да «бунда назар солиш керак» (فيهانظر) деб ёзилган. Бошқа нусхаларда نظر сўзига ҳаракат қўйилмаган. Биз «йилларга қаради» деб қабул қилдик.

<sup>288</sup> Яъни, қўшимча бир йил қўшиладиган 1460 йиллик давр тўлишига қадар.

<sup>289</sup> Шу жумла И. ва Л. бўйича таржима қилинди, яъни «аниқ бир» (مفروض) сўзи ўрнига, «тугади» (فانقرض) сўзи олинди.

<sup>290</sup> Қибт ойлариининг ҳақиқий номлари қуйидагича:

Thoth	Phamenot
Phaophi	Pharmuthi
Athur	Pachon
Choiak	Pauni
Thubi	Erhiphi
Mechir	Mesori

<sup>291</sup> Беруний қўшимча кунларнинг юнонча номларини келтирар экан, худди қибтлар талқин қилгани каби изоҳлайди. Қибтлар бу юнонча сўзни «кичик ой» деб тўғри таржима қилганлар.

<sup>292</sup> Мавжуд қўлёзма нусхаларнинг ҳаммасида *ан-нақт* (النقط) ёзилган. Аслида, *ал-бақт* бўлиши керак. Чунки *ал-бақт* юнонча «эпакта» сўзининг қибтий тилда бузиб кўрсатилган шакли бўлиб, бу охирги ой бошидан то йилнинг маълум кунига қадар, масалан, 22 мартгача ўтган кунлар сонини ифода этади.

<sup>293</sup> Абул-Аббос ал-Омулий (X а.) – астроном, асли Эроннинг шимолидаги Омул шаҳридан. Унинг «Қибла далиллари китоби» (*Китоб дала'ил ал-қибла*) ҳақидаги маълумот ва ундан қуйидаги иқтибос, фақат Берунийнинг ушбу асарига сақланган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). – М.: 1983, Т. 2. – С. 175).

<sup>294</sup> Берунийнинг бу ерда «ғарб халқлари» деган ибораси ва уларнинг йил ҳисобини Миср қибтларига қандайдир алоқаси борлигини таъкидлаши диққатга сазовор. Китобнинг русча нашрида мазкур иборани шарҳлашда: «Испанлар назарда тутилаётган бўлса керак» дейилган. Бизнингча, бу иборани шарҳлашда қуйида келтириляётган ойлarning номи лотинчанинг шеваларига тааллуқли эканлигига эътибор бериш керак. Маълумки, Цезарь ва Август милод бошида Мисрни тўла истило қилганларидан сўнг ва айниқса, Юлий Цезарь тақвим ислоҳотини амалга оширганидан сўнг бутун Рим империясида «юнон тақвими» тарқалади. Албатта, Цезарь кўп вақтини Мисрда ўтказиб, у ердаги қибтларнинг тақвимидан ўз истилоҳида фойдаланган.

Энди «ғарб халқлари» иборасига келсак, бу ерда фақат испанларни эмас, балки XI аср бошида арабларга, аниқроғи, Миср арабларига қарам бўлган ва лотин тилининг шеваларида гаплашган Мальта, Сицилия, Жанубий Италия аҳолисини ҳам назарда тутиш керак.

<sup>295</sup> Беруний бу ерда «румликлар» деб, ҳақиқатан, Рим аҳолисини, яъни ўша пайтда Рим папасига қарам бўлган ҳудудда яшаган ва лотинча гаплашган аҳолини назарда тутган. Чунки у келтирган ойлarning номлари лотинчадан олинган бўлиб, у ой номлари аслида бундай бўлган:

Januarius	Julius
Februarius	Augustus
Martius	September
Aprilius	October
Maius	November
Thoth	Phamenot
Junius	December

Ҳозир бу ойлarning номлари деярли бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ва ҳатто, Покистон, Туркия, Араб амирликлари, Шимолий Африкадаги араб мамлакатлари каби туб аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларда ҳам тарқалган.

<sup>296</sup> Яъни, Юлий Цезарь. Бу ерда унинг ҳаёти ҳақида келтириляётган рақамлар афсонавий характерга эга.

<sup>297</sup> 1460 йиллик давр Юлий тақвимида эмас, Миср тақвимида эътиборга олинган (юқорида 295-изоҳга қаранг). Унда йил Сириус (Шўъро)нинг эрталабки биринчи тулуғидан бошланган. Мисрликларнинг йили касрсиз тўлиқ 365 кундан иборат бўлгани учун, у шамсий йилдан кеч қолиши сабабли Сириус мисрликлар тақвимининг ҳамма кунлари бўйича олдинга суриб турилган. Сириус йилнинг 365 кунининг ҳар бири учун олдинга сурилиб, яна ўз ўрнига қайтиб келишигача ўтган давр айнан ўша 1460 йилни ташкил қилади.

<sup>298</sup> «Ундан кейин» (بعده) сўзи ўрнида 3-да «мана бу» (هذه) ёзилган.

<sup>299</sup> Бу ерда сўз ким ҳақида бораётгани маълум эмас. Берунийнинг кейинги бетда берган маълумотига қараганда, муаллиф ўз китобини Искандар эрасининг 1225 йилида (914 йили) ёзган. Китобнинг арабча номи «*Маъхаз ал-мавоқит*».

<sup>300</sup> Яъни, румликлар йиллари билан ҳинд йили ўртасидаги фарқ рус тилидаги изоҳда «Рум ва Қуёш йили ўртасидаги фарқ» дейилган.

<sup>301</sup> И. ва Төхрон нусхасида «бу олтмиш» ёзилган.

<sup>302</sup> Юқорида 299-изоҳга қаранг.

<sup>303</sup> Сирафий таржимасида «учдан икки» дейилган.

<sup>304</sup> Шу ердан бошлаб Беруний «румликлар» иборасини юнонларга нисбатан айтади.

<sup>305</sup> Қуръон, «Исро» сураси, 84-оят.

<sup>306</sup> Қуръон, «Муъминун» сураси, 53-оят.

<sup>307</sup> Албатта, бу ерда Птолемейнинг «Ал-Мажистий»си ва Брахмагуптанинг «Брахма-спхута-сиддҳанта»си ёки «Пулиса сиддҳанта» каби ҳинд «Сиддҳанта»лари назарда тутилаётар.

<sup>308</sup> Ҳамза ибн ал-Ҳасан (ёки Али) ал-Исфохоний (893–970) – Исфохонда туғилиб, ўша ерда яшаган ва вафот этган тарихчи. «Ердаги подшоҳлар ва пайғамбарларнинг [яшаган] йиллари тарихи китоби» (*Китоб тарих сини мулук ул-ард ва-л-анбийа*) асари унинг қаламига мансуб. Балки Беруний шу асарни назарда тутаётгандир (В.А. Rozenfeld, E. Ihsanoglu. *Mathematicians, astronomers & other sholars of islamic civilisation and their works (7 th–19 th c.)* – P. 82; Sezgin, I, – P. 336–337).

<sup>309</sup> Бу ерда келтирилган рақам  $365 \frac{2481}{400}$  соат бўлади. Русча ва биринчи ўзбекча нашрларда соатлар рақами  $\frac{81}{400}$  соат деб хато қилинган.

<sup>310</sup> Яъни, румликлар  $\frac{81}{400}$  қасрни ташлаганлар.

<sup>311</sup> Мусо ибн Шокир (IX а.) ёшлигида Хуросонда қароқчилик билан шуғулланган, кейинчалик халифа Ал-Маъмуннинг (813–833) мулозимларидан бўлган. Унинг ўғилларининг каттаси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Шокир (ваф. 872) астрономия билан, ўртанчаси Аҳмад, асосан, механика билан ва энг кичиги Ал-Ҳасан геометрия билан шуғулланган. Уч оға-ини фан тарихига Бану Мусо («Мусонинг ўғиллари») номи билан кирган. Улар Бағдодда ишлаганлар ва юнон илмий адабиёти билан яхши таниш бўлганлар, юнонча асарларни арабчага ўгиришда раҳбарлик қилганлар.

<sup>312</sup> Абул-Ҳасан Собит ибн Қурра ал-Ҳарроний ас-Собийий (836–901) асли Суриянинг шимолидаги Ҳаррон (ҳозирги Туркиянинг жануби-шаркидаги Ҳаран) шаҳридан бўлган, юлдузга топинувчилар – собийилар оиласидан чиққан, ака-ука Бани Мусолар тарбиясида бўлган ва Бағдодда, халифа Ал-Муътазид саройида яшаган ва унга хизмат қилган. Кўплаб юнонча ва сурёнийча асарларни араб тилига таржима қилган. Унинг 60 га яқин асарлари орасида Беруний эслатган «Қуёш йили ҳақида» (*Китоб фи сана аш-шамс би-р-расад*) ҳам бор (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). – М.: 1983, Т. 2. – С. 85–103).

<sup>313</sup> Птолемей Қуёш апогейини ҳаракатсиз ва у Жавзонинг  $5^{\circ}30'$  да деб ҳисоблаган (Ptolemäus. *Handbuch der Astronomie*, I – S. 170). Беруний эса «Қонуни Масъудий» асарида Қуёш апогейининг ҳаракатли эканлигини исботлаб, бу масалага махсус икки бобни бағишлайди, ҳаракат жадвалларини келтиради. Унинг кўрсатишича, 1031 йилга келиб Қуёш апогейи Жавзонинг  $25^{\circ}10'$  сига кўчган, яъни Птолемей давридагига нисбатан  $19^{\circ}40'$  га сурилган (Беруний. Қонуни Масъудий, I, 70–95-бетлар). Беруний бу илмий ихтироси билан «Турғун юлдузлар» ҳам ўз ҳаракатига эга эканлигини кўрсатган.

<sup>314</sup> Яҳудийлар таквимидаги ойларнинг номлари Яқин Шарқдаги кўп халқлар ойларининг номлари каби қадимги бобилликлар ойларининг номларидан келиб чиққан. Шу сабабли, солиштириш учун бобилликлар ойларининг номларини ҳамда яҳудийлар ойларининг Берунийдаги ва ҳозирги кундаги номларини келтирамиз:

Бобил ойлари	Берунийдаги яҳудий ойлари	Ҳозирги кундаги яҳудий ойлари
Нисанну	Нисон	Нисон
Айру	Айёр	Айёр
Сиванну	Сиван	Сиван
Дузу	Таммуз	Таммуз
Абу	Об	Об
Улулу	Айтул	Айтул
Тишригу	Тишрий	Тишрий
Арахсампа	Мархешван	Хешвон
Кисливу	Кислев	Кислев
Тубиту	Тебет	Тейвас
Шебату	Шубот	Шубот
Азару	Озар	Одар

<sup>315</sup> Юқорида келтирилган парчадан Беруний яҳудий таквими жуда яхши ўргангани ва унинг қандай қилиб қамарий йил таквимидан шамсий-қамарий йил таквимига айланганини синчковлик билан кузатгани кўринади. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бу ўтиш жараёни мил. авв. IV асрда бошланиб, 499 йили ниҳоясига етган. Кабиса йили қўшиладиган 13-ойни Озар (Одар) ўрнига қўйиб – уни ҳозир яҳудийлар Одар дейдилар – ҳақиқий Озор (Одар)ни эса 13-ўринга қўйиб, Веадар дейдилар (Селешников. История календаря и хронология. – М.: 1977. – С. 120–122).

<sup>316</sup> Л. ва И. да шу ерда «ҳар икки ой эллик тўққиз кундан иборат» деган ортиқча жумла қўшилган.

<sup>317</sup> Аслида Беруний бу ерда яҳудийлар шамсий-қамарий таквимиининг мослаштириш жадвалини ўқиб беряпти. Бу жадвал шундай кўринишга эга:

Даврлар	Шамсий йиллар	Қамарий ойлар	Қўшимча ойлар (веадарлар)
1.	8	99	3
2. «кичик давр»	19	235	7
3.	76	940	28
4. «ўрта давр»	95	1176	35
5. «катта давр»	532	6580	196

Бу жадвалнинг «сири» қуйидагича очилади. Маълумки:

1 тропик йил = 365,24220 кун

1 синодик ой = 29,53029 кун

Биринчи рақамни иккинчисига бўлиб топамиз.

$$A = 365,242201/29,53059 = 12 + 1087512 / 2953059$$

Бу рақам шуни кўрсатадики, бир шамсий йилда 12 тўлиқ қамарий ой билан яна қандайдир қаср бор. Агар қасрнинг сурат ва махражини суратдаги рақамга бўлсак, қаср мана бу кўринишни олади:

$$K = \frac{1}{2 + \frac{778035}{1087512}}$$

Агар бундан кейин махражда ҳосил бўлган қасрнинг (яъни, 778035/1087512) Евклик алгоритми бўйича сурат ва махражини суратдаги рақамга бўлаверсак, қаср мана бу чексиз қаср кўринишини олади:

$$K = \frac{1}{2 + \frac{1}{1 + \frac{1}{2 + \frac{1}{1 + \frac{1}{1 + \frac{1}{17 + \frac{1}{3 + \frac{1}{6 + \frac{1}{2 + \frac{+1}{1 + \frac{1}{2 + \dots}}}}}}}}}}}}$$

Бу қасрни кетма-кет ечиш натижасида ушбу «мос келувчи қасрлар»ни ҳосил қиламиз: 1/2, 1/3, 3/8, 4/11, 7/19, 123/334, 376/1021, 1395/3836 ва ҳоказо. Бу қасрларни ҳосил қилиш учун шундай ифодалар бажарилади: агар К қасрнинг махражидаги 2 дан кейинги келувчи қасрни эътиборга олмасак, 1/2 ҳосил бўлади; агар 2 дан кейин қасрнинг махраждаги 1 дан кейин келувчи қасрни эътиборга олмасак, 1/3 ҳосил бўлади ва ҳоказо.

«Мос келувчи қасрлар»дан кўринадики:

- 1) 1 шамсий йил = 12 1/2 қамарий ойга, ёки 2 шамсий йил = 25 қамарий ойга;
- 2) 1 шамсий йил = 12 1/3 қамарий ойга, ёки 3 шамсий йил = 37 қамарий ойга;
- 3) 1 шамсий йил = 12 3/8 қамарий ойга, ёки 8 шамсий йил = 99 қамарий ойга;
- 4) 1 шамсий йил = 12 4/11 қамарий ойга, ёки 11 шамсий йил = 136 қамарий ойга;
- 5) 1 шамсий йил = 12 7/19 қамарий ойга, ёки 19 шамсий йил = 235 қамарий ойга;
- 6) 1 шамсий йил = 12 123/334 қамарий ойга, ёки 334 шамсий йил = 4131 қамарий ойга;
- 7) 1 шамсий йил = 12 376/1021 қамарий ойга, ёки 1021 шамсий йил = 12628 қамарий ойга;
- 8) 1 шамсий йил = 12 1395/3836 қамарий ойга, ёки 3836 шамсий йил = 47427 қамарий ойга ва ҳоказо.

Яҳудий тақвимининг ислоҳотчилари, агар изчил бўлсалар, мана шу келтирилган тартибга риюя қилишлари керак эди. Лекин уларнинг жадвалидан кўринадикки, улар бу тартибга қисман риюя қилиб, фақат 3) ва 5) тартибларни олиб, ўзларининг 1 ва 2-даврларини қилганлар. Қолган уч даврни шуларнинг комбинацияларидан келтириб чиққанлар. Чунончи 3-давр рақамлари иккинчи давр рақамларини 4га кўпайтиришдан ҳосил қилинган. 4-давр эса 2 ва 3-даврларни кўшишдан ҳосил қилинган 5-давр 3-давр рақамларини 7 га кўпайтиришдан ҳосил қилинган.

Шуни тан олиш керакки, яҳудий тақвими баъзи камчиликларига қарамай, узок ўтмишда унинг ислоҳотчиларидан юксак ҳисоблаш маҳоратини талаб қилган.

<sup>318</sup> Яъни, 179876755. Беруний араблар ишлатадиган ҳозирги рақамларни «ҳинд рақамлари» деб атаб, уларнинг ҳиндлардан олинганига ишора қилади.

<sup>319</sup> Яъни, 365 кун 5 соату 3791/4104 соат.

<sup>320</sup> Ёки 8 йил 1 кун 13 11/13 соат. Яҳудийлар ҳисобича,  $1/5$  соат – 216 ҳайлик  $1/6$  соат – 180 ҳайлик. Шунинг учун  $11/30 = 1/5 + 1/6 = 216 + 180 = 387$  ҳайлик.

<sup>321</sup> Асл нусхада келтирилган жами сонлар абжад ҳисоби бўйича ифода этилган. Бундан кейинги шундай ҳолатларда фақат сонларни келтириш билан кифояланилади.

<sup>322</sup> Яъни, Уторид ва Зухра.

<sup>323</sup> Яъни, Уторид, Зухра ва Ой.

<sup>324</sup> 3-да шу ўринда «Иқтирон» (الاقتران) ёзилган, И.да эса «ифтирок» (الافتراق) кўрсатилган бўлиб, бу «ажралиш», «фарқ қилиш» демакдир. Таржимада кейингиси олинди.

<sup>325</sup> Кейинги изоҳга қаранг.

<sup>326</sup> Анан ибн Довуд – яҳудийларнинг «ананиялар» номли диний мазҳабининг асосчиси. Кейинчалик бу мазҳаб «каройлар» ёки «кароимлар» номини олган. Анан VIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўша вақтдаги яҳудийларнинг олий ва шарафли мансаби бўлмиш «ҳайдалганлар бошлиғи» (эксиларх) лавозимини эгаллаш учун даъвогар бўлган.

<sup>327</sup> И.да «авом мусулмонлар» деб ёзилган.

<sup>328</sup> Али ибн Абу Толиб – тўртинчи халифа (659–661), чаҳорёрларнинг охиргиси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёви.

<sup>329</sup> У даврда имом араб халифалик давлатининг бошқарувчиси бўлган.

<sup>330</sup> Савод – Қадимги Бобил ғарбининг арабча номларидан бири бўлиб, арабийнавис муаллифларнинг асарларида кўпинча, Ироқ номи билан юритилади. Набаталар – қадимги араб қабилалари. Набата подшоҳлиги Суриянинг жанубида бўлганлиги учун Сурия билан боғланыпти.

<sup>331</sup> Ҳозирда араб мамлакатларида Юлий тақвими ойлари сурёний ойлар ишлатилади.

<sup>332</sup> Айр (أير) сўзи араб тилида эркаклик таносил аъзоси маъносини англатади.

<sup>333</sup> Муҳаррамнинг маъноси муқаддас, тақиқланган, ҳаром қилинган демакдир. Муҳаррам, Ражаб, Зулқайда ва Зулҳижжа ойларида уруш ҳаром қилинган, шунинг учун бу ойлар муқаддас ойлар деб юритилади.

<sup>334</sup> Беруний жумада (جمادى) сўзини жамада (جمدة), яъни «музламок» феълига боғлапти. Бу ерда араб ойлари ҳақида Беруний айтаётган гаплар жоҳилия даврига тегишлидир, чунки у пайтларда араб тақвими шамсий-қамарий бўлиб, араб ойлари



доим йилнинг маълум фаслларига тўғри келган, жумладан, «иккала Жумада» ойлари сув музлайдиган пайтга тўғри келган.

632 йили насий ой бекор қилинганидан кейин араб ойлари йил бўйлаб «сайр қиладиган» ва йилнинг бир жойига фақат 33 йилда қайтиб келадиган бўлди.

<sup>335</sup> 3-даги «ло» (ل) сўзи ўрнига И.даги «ли-л-амни» (للامن) – «тинчлик» сўзи олинди.

<sup>336</sup> «Азқ муражжаб» (عزق مرّجّب) – «тиргак қўйилган мевали хурмо дарахти» демакдир.

<sup>337</sup> Бу ойда араб қабилалари сув излаш, талончилик ва жанг қилиш учун тарқалишган.

<sup>338</sup> «Бовид» (بائد) – «ҳалок бўлувчи» маъносини англатади.

<sup>339</sup> «Ранна» (رنة) – «нола» демакдир.

<sup>340</sup> «Бурак» (برك) сўзи «барака» феълидан олинган бўлиб, «тиз чўкмоқ» демакдир.

<sup>341</sup> Абул-Қосим Исмоил Аббод (936–955) – Ас-Соҳиб таҳаллуси билан машҳур бўлиб, Бувайҳийларнинг Райдаги вазирларидандир. Машҳур шоир ва адиб. Шоир ва олимларнинг ҳомийси бўлган ва уларни ўз саройига тўплаган. Кўпгина шоирлар ўз асарларида Абул-қосим Исмоил ибн Аббодни мадҳ қилганлар.

<sup>342</sup> Насий ҳақида 57-изоҳга қаранг.

<sup>343</sup> Яъни, хоҳлаган ойида урушни ҳалол ёки ҳаром қила олади, демоқчи.

<sup>344</sup> Бу ердаги иборалар Сирафий таржимасида чалкаштириб юборилган.

<sup>345</sup> Охирги жумла таржимаси И. ва Л. бўйича берилди. 3-да бу тушиб қолган.

<sup>346</sup> Пайғамбар алайҳиссаломнинг Видолашув ҳажи (Ҳажж ал-видо) ҳижратнинг 11 йили милодий 632 йилда бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом бошқа ҳаж қилмадилар. Ўшанда «насий» ойи бекор қилингани ҳақидаги оят нозил бўлди.

<sup>347</sup> Яъни, ойларнинг тартиби «насий» қабул қилингунича бўлган даврдаги ҳолатига тушди. Натижада, йил фақат камарий бўлиб қолди, илгари эса шамсий-камарий эди.

<sup>348</sup> Ҳижрий тақвим математик жиҳатдан энг аниқ ва энг тўғри бўлишига қарамай, энг ноқулай тақвим ҳамдир. Балки бу тақвим Арабистон яриморалининг иқлим шароитига мос келар. Лекин у йилнинг тўрт фасли аниқ билинадиган географик ҳудудлар учун қулай эмас. Чунки ҳижрий-камарийнинг ойлари йил фасллари билан боғлиқ бўлмай, улар сузиб юради. Бундай ҳудудларда у деҳқончиликка тўсқинлик қилади, яъни зарар келтиради. Шунинг учун қатор мусулмон мамлакатларида (Туркия, Покистон, Эрон ва б.) диний ишларда ҳижрий-камарий йилдан фойдалансалар ҳам, кундалик ҳаётда ва қишлоқ ҳўжалик ишларида шамсий йилни қўллайдилар.

<sup>349</sup> Ибн Дурайд ал-Аздий ва унинг китоби ҳақида маълумот топилмади.

<sup>350</sup> Самудийлар – қадимги араб қабиласи.

<sup>351</sup> Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Журжоний ал-Масихий (977–1011) – асли Каспий денгизининг жануби-шаркидаги Журжондан, христиан, кўпқиррали олим, лекин, асосан, табиблиги билан шуҳрат қозонган. Табобат ва фалсафада Ибн Синонинг устози. Беруний у билан Гурганчда, Хоразмшоҳ Маъмун II нинг саройида – «Маъмун Академияси»да ишлаган. Ибн Сино билан бирга Султон Маҳмуд Ғазнавий таъқибидан Эронга қочаётганида Қорақум саҳросида вафот этади. Қатор асарлар

каламга мансуб (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). – М.: 1983, Т. 2. – С. 199).

<sup>352</sup> З.даги «ашҳар» – «энг машҳур» сўзи ўрнига О. ва И.даги «ашҳар» – «энг машҳур» сўзи ўрнига Л.ва И.даги «ашҳур» – «ойлар» сўзи олинди. Русча таржимада Э. Захауга суянилган ва «И Мусбиль, пока он не кончается; он среди них известнейший» (80-бет) деб таржима қилинган. Бу эса маъно жиҳатидан боғланмаган.

<sup>353</sup> *Ғурра* (غرة) сўзининг яна бир маъноси «от пешонасидаги оқ қашқа»дир. Ўзбекчадаги «ғурра» ҳам арабча сўздан келиб чиқади, лекин маъноси тўғри келмайди.

<sup>354</sup> *Шуҳб* (شهب) – «оқ-қора» демақдир.

<sup>355</sup> *Тусаб* (تسعب) – «тусъа»дан, яъни «тўққиз»дан олинган маъносини билдиради.

<sup>356</sup> *Бухр* (بهر) – «қоронғи» демақдир.

<sup>357</sup> *Яъни, ʼашар* (عشر) – «ўн» сўздан олинган.

<sup>358</sup> *Бийз* (بيض) – «оклар», яъни ойдин кечалар демақдир.

<sup>359</sup> *Зулом* (ظلم) – «қоронғиликлар» демақдир.

<sup>360</sup> *Ҳанодис* (هنداس) – «ҳаддан ташқари қоронғиликлар» деган маънони билдиради.

<sup>361</sup> *Дуҳм* (دهم) – «қоралар» демақдир.

<sup>362</sup> *Сирр* (ўзбекчада – «сир») сўздан олинган.

<sup>363</sup> «Кўмир каби қора» демақдир.

<sup>364</sup> З.да «Куёшнинг тутилиши» ёзилиб, «ал-қамар мин» калимаси тушиб қолган. Таржимада И. ва Л.га асосланган. Русча таржимада эса Э.Захау нусхасига асосланган.

<sup>365</sup> *Баро* (بِرا) – *бариа* феълидан олинган бўлиб, «қутулган» демақдир.

<sup>366</sup> *Наҳир* – «бўғиз» демақдир.

<sup>367</sup> Асрнинг кўлимиздаги мавжуд кўлэзма нусхаларининг ҳар бирида *яеми* (يومى) – «қуним» деб ёзилган. Аммо «Муҳит ал-муҳит» китобининг «Дабр» бобида кўрсатилган байтда *мавти* (موتى) – «ўлимим» деб ёзилган. Таржимада шу асос қилиб олинди.

<sup>368</sup> *Қуръон*, «Бақара» сураси, 189-оят.

<sup>369</sup> *Жаъфар ас-Содиқ* (Муҳаммад Боқир ибн Зайнулобиддин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб) – шиаларнинг 12 имомидан олтинчиси бўлиб, 148/765–766 йилда 65 ёшида Мадинада вафот этган.

<sup>370</sup> *Яъни*, ҳилол бир вақтнинг ўзида кенгламалари ҳар хил иккала шаҳарда кўрилади.

<sup>371</sup> З.да ой (الشهر) сўзи тушум келишигида берилиб, жумла таржимаси «ойни ёзишни ва ҳисоблашни билмаймиз» кўринишида бўлиб қолган. Ҳадис ва фикҳ китобларида бу сўз бош келишқда берилган. Бу ҳақида «Саҳиҳи Бухорий», «Мишкот ал-масобих» асарларига ва «Ҳидоя»нинг ҳошиясига, «Ал-Кифоя» китобининг «Китоб ас-савм» қисмига қаранг.

<sup>372</sup> *Зайдий* шиалари – халифа Алининг авлодларидан бири бўлган имом Зайдга эргашувчи шиалар.

<sup>373</sup> *Юқорида зикр қилиб ўтилган Жаъфар ас-Содиқ* кўзда тутилади (369-изоҳга қаранг).

<sup>374</sup> Куръон, «Каҳф» сураси, 51-оят. Бу оятни Али ибн Абу Толиб ўз сўзида иқтибос ўрнида айтган.

<sup>375</sup> Ал-Мансур (751–775) – Аббосийлар сулоласидан иккинчи халифа.

<sup>376</sup> Моний ҳақида юқорида 112-изоҳга қаранг.

<sup>377</sup> Яъни, Муҳаммад ибн Сулаймон.

<sup>378</sup> Юқорида айтиб ўтилган «номонлар» гуруҳи назарда тутиляпти.

<sup>379</sup> Яъни, «Сен араб тилини ёмон биласан».

<sup>380</sup> Қуёш ва Ой.

<sup>381</sup> Куръон, «Тур» сураси, 44-оят.

<sup>382</sup> Куръон, «Анъом» сураси, 7-оят.

<sup>383</sup> Зангилар – Шарқий Африка ва Занзибар оролида яшовчи қора танли халқларнинг паҳлавий форсчасида арабчалаштириб «занжи» (кўплиги – *зунуж*) дейилган. Ҳозирда арабчада қора танлилар умумий ҳолда *зунуж* деб аталади.

<sup>384</sup> Кубо – Ҳозирги Фарғона водийсидаги Қува шаҳри.

<sup>385</sup> Бухортак – бизнингча, бу ном «Бухоро» атамасининг суғдчада кичрайтирилган кўриниши бўлса керак. Муаллиф, эҳтимол, Бухоро атрофидаги ундан кейинги иккинчи йирик шаҳар Пойкандни шундай атагандир.

<sup>386</sup> Улугбек ўз «Зижи»да худди шундай жадвални (фақат унда Сичқан ўрнига Кешку ва Тавуқ ўрнига Дақук) уйғур туркларининг жадвали деб келтирган (Улугбек, Новые Гурагановы астрономические таблицы. – С. 33).

<sup>387</sup> Румлиқлар – бу ерда римлиқлар, яъни лотинлар кўзда тутиляпти. Чунки ойлари номлари лотинча.

<sup>388</sup> Бу ерда «юнонлар» – македонлардир. Чунки ойлари македончадир. Бу ойлари ҳақиқий македон ойлари билан солиштирамиз:

Audnaios	Аирднаус
Peritios	Мадутаус
Dystros	Диструс
Xandikos	Ксантикус
Artemisios	Артемасаус
Daisios	Дасаус
Panemos	Банамус
Loios	Лауас
Gorpaio	Ғарбинас
Hyferberetios	Аубарфаратаус
Dios	Диас
Apellaios	Абилаус

(Бикерман. Хронология. – С. 16).

<sup>389</sup> Ҳинд ойларининг ҳозирги номлари куйидагича:

Vaisakka	Karttika
Jyerhtha	Margasirsha
Ashadha	Pansha
Sratvana	Magha
Bhadrapada	Phalguna
Asvina	Chaitra

<sup>390</sup> Улуғбек ўз «Зиж»ида Беруний келтирган турк ойларига ўхшаш, лекин бир оз фарқли ушбу ойларни келтиради:

1. Арам ай	7. Единч ай
2. Икинч ай	8. Сакзинч ай
3. Учинч ай	9. Туқузунч ай
4. Тўртинчи ай	10. Ўнунч ай
5. Бешинчи ай	11. Бир йигирминч ай
6. Алтинчи ай	12. Жахшабат

(Улуғбек. Новые Гурагановы астрономические таблицы. – С. 45).

Лекин у ҳам ўзи келтирган жадвалини изоҳламаган. Бироқ шуниси кўзга ташланадики, Улуғбекдаги номлар Берунийдаги номдан бирмунча архаик, чунки 11-ни «бир йигирминч», 21-ни «бир ўтузинч» дейиш VII– IX асарлардаги турк тилига хос бўлган.

<sup>391</sup> Яъни ўзини ҳам, ўқувчини ҳам қийнайди.

<sup>392</sup> Жадвал бошида Беруний Одам Атони (аниқроғи – Адамни) «Инсонлар отаси» дейиши Қуръоний одатга риоя этилиши, деб қаралмоғи керак.

<sup>393</sup> Русчада 210 йил деб кўрсатилган.

<sup>394</sup> Яхудо авлодлари ҳақида 82-изоҳга қаранг.

<sup>395</sup> Ат-Тих – ҳозирда Синай саҳроси номи билан юритилади, унинг Ҳижозга алоқаси йўқ.

<sup>396</sup> Седер-Олам – тахминан VIII асарда номаълум шахс томонидан ёзилган яҳудийлар солномаси.

<sup>397</sup> Бу жадвал ҳам фақат яҳудийлар тарихига тааллуқли бўлиб, уларнинг афсонавий китоби «Седер Олам»идан олинган. Бунинг устига Исо Масих туғилганидан Муҳаммад алайҳиссалом ҳижратигача бўлган давр 622 йил ўрнига 800 йил деб ёзилган. Демак, яҳудийларнинг Тавротни ҳам ишониб бўлмайдиган манбалардир.

<sup>398</sup> Қуръон, «Ҳаж» сураси, 2-оят.

<sup>399</sup> Ал-Жазира – Ироқ шимолнинг ўрта асрлардаги номи.

<sup>400</sup> Ҳашвийлар – антропоморфист илоҳиётчилардир. Бу атама (ортикча ва фойдасиз гап) маъносидаги *ҳашв* (حشا، حشوي) сўзларидан олинган. Улар фақат кўзга кўринадиган нарсаларга асосланадилар ва худони ҳам одам каби жисм деб эътиқод қилиб: «Унда инсонга хос бўлган табиий, жисмоний ва маънавий сифатлар мавжуд», – дейдилар.

Даҳрийлар – худони инкор этувчилар, худосизлар демақдир.

<sup>401</sup> Беруний, асосан, астрологияга бағишланган «Астрологиянинг бошланғич тунчалари китоби» («*Китоб ат-тафҳимли-аваил синаъат ат-танжим*») – қисқача: «Тафҳим») асарининг 245-саволида: «Толе нима?» деб савол қўяди ва қуйидагича жавоб беради: «Бу – шарқий уфқнинг эклиптика билан кесишиши. Бу бурж – толе буржи, унинг даражаси эса толе даражасидир». (Беруний. Тафҳим. 108-бет).

Толе – асли арабча сўз бўлиб, «чиқувчи» маъносини англатади, яъни бу билан эклиптиканинг шарқий уфқда чиқувчи, тулуъ қилувчи даражаси назарда тутилади. Астрология нуктаи назаридан чиқаётган буржнинг даражаси қанчалик юкори рақам бўлса, яъни «толеи баланд» (толиҳи баланд) бўлса, ўша онда тугилган одам шу қадар бахтли ҳисобланган. Европа тилларида толе «гороскоп» дейилади. Юнонлар эклиптиканинг шарқий уфқ билан кесишиш нуктасини *horoskopos* (*hōra* – «йил фасли, вақт, соат» ва *skopein* – «қарамоқ» сўзларидан) ва *anatole* – «чиқиш, тулуъ» деб атаганлар; кейинги юнонча сўзни арабчага *тали*’ деб таржима қилганлар. Кейинчалик «гороскоп сўзи ёриткичларнинг *тали*’ ёрдамида тузиладиган жойлашиш жадвалига ва шу жадвал ёрдамида фол очишга ҳам кўчирилган. Шу сабабли, «толе» (оғзаки айтилишда «толиҳ») сўзи «тақдир» маъносини ҳам олган.


«Ёриткичлар ҳадяси» деб астрологияда у ёки бу ёриткич томонидан одамга «ҳадя» қилинадиган умр миқдорига айтилади.

<sup>402</sup> Ҳайлаж – арабча сўз бўлиб, Европа астрологларида транскрипцияси– *hyleg*, юнон астрологларида *afetes* – «худога аталган», форс астрологларида «кадбону» «уй бекаси» – эклиптиканинг нуктаси демакдир. Астрологик ҳукм чиқаришларда бу нуктани танлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Бу нуктанинг арабча номи ясиқ меваси номи билан боғлиқ (форсча – *ҳалила*, арабча – *ҳалилаж*), унинг қоринда бўлиши уй бекасининг уйда бўлишига ўхшатилади. Ҳайлаж учун эклиптиканинг беш нуктасидан бири танланган, бу эса астрологларга ўз ҳисобларини бошқа мулоҳазага кўра, аввалдан маълум бўлган хулосага «тўғрилаш» имконини берган.

<sup>403</sup> Кадхудо – форсча сўз бўлиб, маъноси «уй соҳиби» демакдир. Юнон астрологларида – *oikodespotes*, Фарбий Европа астрологларида – *alcochoden* – ал-кадхудо сўзининг бузиб ёзилиши. Уй соҳиби учун, астрологлар характеристикасига кўра, энг кучли бўлган, ҳайлаж билан назарда турган сайёра танланади. Фарбий Европа

астрологлари ҳайлаж ва кадхудони «кўрсаткичлар» (*significatores*) деб атаган.

<sup>404</sup> «Уйлар» (арабча кўпликда – *буйут*, бирликда – *байт*) – Птолемейдаги *topoi* – «жой» – сўзининг таржимаси. Астрологияда 12 уй маълум, улар Европада қуйидаги номлар билан аталади (мусулмон мамлакатларида Ўрта асрлардаги астрологик анъана унутиб юборилгани учун у уйларнинг ҳамма номлари маълум эмас): 1) «Гороскоп» (*Horoskopos*, *Horoskopus*) ёки «Толе» (*Anatole*, *Ortus*); 2) «Пастки дарвоза» (*Anafora*, *Horta interna*); 3) «Маъбуда» (*Thea*, *Dea*); 4) «Ер



ости» (Hypogeion, Hypogeum); 5) «Бахт» (Agathe tyhe, Bona Fortuna); 6) «Бахт-сизлик» (Kake tyhe, Mala fortuna); 7) «Ботиш» (Dysis, Occasus) 8) «Юқори дарвоза» (Epikatafora, Porta superma); 9) «Худо» (Theos, Deus); 10) «Осмон ўртаси» (Metourania, medium Coelum); 11) «Яхши малак» (Agathodaimon, Bonus daemon); 12) «Ёмон малак» (Kakadaimon, malus daemon). «Толе», «Ботиш», «Ер ости», «Осмон ўртаси»нинг бошланишлари уларга мос қозикларга тўғри келади. Уйларнинг номлари уларнинг астрологик ҳукм чиқаришдаги мавқелари билан боғланган. Бундай ҳукм чиқариш учун маълум шахснинг туғилган вақти ва унга тегишли уй учун «қозиклар» топилади. Сўнгра шу пайтда Қуёш, Ой ва беш сайёра қайси уйдалиги аниқланади ва шу ёриткичлар ва улар турган уйларнинг астрологик характеристикаларига кўра, шу шахснинг тақдири ҳақида ҳукм чиқарилади. Одатда, уйлар 2-шаклдаги кўринишда ифодаланади; бунда уйларнинг рақамлари ва улар таъсири-нинг характеристикаси кўрсатилган.

<sup>405</sup> «Шараф» – «шон, шуҳрат, олийжаноблик» демақдир. Европада – «экзальтация», Толенинг эришган юқори даражаси унинг «шараф»и, яъни шуҳрат қозонган, олийжанобликка эришган ҳолати ҳисобланади.

<sup>406</sup> «Қозиклар» (арабча кўпликда – автад, бирлиги – ватад) – Птолемейдаги kentra (kentron) – «қозик, учи ўткир таёқ» – (жумладан, «циркулниги оёғи» сўзининг кўплиги) сўзининг таржимаси. Ғарбий Европада «қозиклар» cardines ёки puncta cardinalis – «кардинал нуқталар» деб аталган.

Тўртта асосий уйлар – 1, 4, 7 ва 10 нинг бошланиш нуқталари, яъни эклиптика-нинг уфқ ва осмон меридиани билан кесишиш нуқталар қозиклар деб аталади.

Беруний «Тафҳим» асариди I, IV, VII ва X уйлар қозикларини «тик турувчи қозиклар», II, V, VIII, ва XI уйлар қозикларини «оғишган қозиклар», III, VI, IX ва XII уйлар қозикларини «маҳкум қозиклар» деб атайди (Беруний. Тафҳим. 108–109; 136-б).

<sup>407</sup> «Эркаклик мувофиқ чорак» (рубъи музаккари мувофиқ) – Қуёшнинг бир йиллик кўринма ҳаракатидаги йўли – эклиптика 12 буржининг ярми (Ҳамал, Жавзо, Асад, Мезон, Қавс, Далв) иссиқ буржлар ҳисобланади, иккинчи ярми (Савр, Саратон, Сунбула, Ақраб, Жадий, Ҳут) совуқ буржлар ҳисобланади. Иссиқ буржларнинг ҳаммаси эркак жинсидаги (музаккар) буржлар, совуқ буржларнинг ҳаммаси аёл жинсидаги (муаннас) буржлар дейилади. Шу иккала гуруҳ буржларнинг ҳар учтаси эклиптиканинг бир чорагини, яъни 90° ни ташкил қилади. Бу ерда иккита эркаклик чорагидан толега мувофиқи назарда тутилаётир.

<sup>408</sup> «Уторид (Меркурий) йигирма йил» жумласи И. дан олинди. Қуйида эслатиладиган 215 рақами шу жумла ҳисобига йиғилади.

<sup>409</sup> Назар – арабчада «қараш, назар солиш» демақдир. Лотинча ўша маънодаги aspectus сўзидан олинган. Астрологик маъноси: толе даражасининг воқеа рўй берган пайтда бошқа буржларга нисбатан қандай бурчак остида «назар» ташлаётганини билдиради. Назарлар (аспектлар), асосан, тўрт бўлади: олтибурчакли назар (гексагонал



3-шакл.

аспект, тасдис), учбурчакли назар (тригонал аспект, таслис) қарама-қарши туриш (мутақобил). Бу эса эклиптиканинг  $1/6$ ,  $1/4$ ,  $1/3$  ва  $1/2$  бўлақларида буржларнинг (3-шакл) «бир-бирига назар ташлаши, қарашидир». Бу «қарашлар» – «дўст», «душман», «дўст эмас» ва «бетараф» қарашлар бўлиши мумкин. «Мувофиқ назар» – шу қарашларнинг «дўстона»си.

<sup>410</sup> Икки наҳс сайёра деб Миррих (Марс) ва Зухал (Сатурн)га айтилади.

<sup>411</sup> Яъни, «мувофиқ назар» ҳолида турмайди, бошқача айтганда, аспектда бўлмайди.

<sup>412</sup> Арабийнавис астрономлар «Бош» ва «Дум» деб эклиптика билан Ой орбита-си кесишган нуқталар – тугунларни атаганлар: қадимда Қуёш тугилганда уни афсонавий Аждар ютган деб тасаввур қилинган. Қуёш тугилишлари эса ана шу икки тугунда юз беради.

<sup>413</sup> Яъни, ҳашвийлар ва даҳрийлар.

<sup>414</sup> Қуръон, «Муъминун» сураси, 71-оят.

<sup>415</sup> Яъни, геоцентрик дунёқараш бўйича Ерга нисбаган Қуёшдан юқори сайёралар: Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер), Зухал (Сатурн).

<sup>416</sup> Оловли буржлар – олтита иссиқ буржлар: Ҳамал, Жавзо, Асад, Мезон, Қавс, Далъ.

<sup>417</sup> Машааллоҳ ибн Асарий ал-Басрий (ваф. тахм. 815) – асли Басрадан, яҳудий (ҳақиқий исми Менассия) астролог. Ғарбий Европада Messehalla номи билан маълум. 762 йили Бағдодга асос солинишида ўлчаш ишларига бошчилик қилган. Халифалар Ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, Ал-Амин ва Ал-Маъмунлар саройида хизмат қилган, астрологияга оид кўплаб асарларнинг муаллифи.

<sup>418</sup> «Ўртача бирлашиш» (*қирони авсат*), «кичик бирлашиш» (*қирони асгар*) ва «катта бирлашиш»лар (*қирони акбар*) ва уларнинг йиллари ҳақида Беруний «Тафҳим»ининг 109-бетига қаранг.

<sup>419</sup> «Туғилишлар ҳақида китоб» («*Китоб фи-л-мавалид*») – Машааллоҳнинг бу асари бизгача етиб келмаган. Берунийнинг бу ердаги қайдидан кўринадики, у аслида 418-изоҳда келтирилган, «Тафҳим»даги биз ҳавола қилган маълумотларни Машааллоҳнинг мазкур китобидан олган.

<sup>420</sup> Китобнинг арабча номи «*Ат-Танбиҳ 'ало-синоат ат-тамвиҳ ва аҳкам ан-ну-жум*» (التنبيه على صناعة التمويه وهى حكام النجوم).

<sup>421</sup> Асарнинг арабча номи «*Китоб аш-шумус аш-шофия ли-н-нуфус*» (كتاب الشموس الشافية للنفس) Беруний мазкур икки асарини ушбу «Осори ал-бокия» асарида эслатганидан кўринадики, ўша икки асарни у бу асаридан аввал, яъни 998–1000 йилларда ёки ундан ҳам аввалги йилларда ёзган.

<sup>422</sup> Абу-л-Ҳасан Собит ибн Синон ибн Собит ибн Курра (ваф. тахм. 973) – юқорида (312-изоҳ) эслатилган Собит ибн Қурранинг невараси, Бағдод халифалари Ал-Розий, Ал-Муттакий, Ал-Мустақфий ва Ал-Мутиъларга хизмат қилган табиб.

<sup>423</sup> Сурраман рао (асл маъноси «кўрган киши шод бўлади») – Бағдоддан шимолроқда, Дажла дарёсининг сўл соҳилида халифа Ал-Муътасим томонидан 836/837 йилда қурилган шаҳар. Ал-Муътасим халифалик пойтахтини Бағдоддан шу ерга вақтинча кўчиради. IX аср охирига келиб Бағдод яна пойтахтга айланади ва Сурраман рао тез орада харобаликка юз тутади. Бу шаҳар ҳозирда Самарра номи билан юритилади.

<sup>424</sup> Тузун – халифа Ал-Муттакий (940–941) даврида ҳарбий кўмондон, нуфузли мансабдор шахс. Асли Мовароуннаҳрдан олиб кетилган турк ғуломи.

<sup>425</sup> Изз-уд-Давла Бахтиёр (967–978) – Бувайҳийлар сулоласидан бўлган Ироқ ҳокими.

<sup>426</sup> Муъизз уд-Давла Аҳмад (945–967) – Бувайҳийлар сулоласидан бўлган Ироқ ҳокими, Изз-уд-Давланинг отаси.

<sup>427</sup> З.да «иккита қубба» (قبتان) деб ёзилган, И.да эса «иккита бўйин» (قبتان). Таржимага асос қилиб, кейингиси олинди.

<sup>428</sup> Носир уд-Давла ал-Ҳасан (929 – 969) – Ҳамадонийлар сулоласидан бўлган Сурия ва Шимолий Ироқ (Жазира) ҳокими.

<sup>429</sup> Юқорида эслатилган «Ас-Соҳиб» тахаллуси билан машҳур бўлган Исмоил ибн Аббод ҳақида сўз юритилипти (юқорида 342-изоҳга қаранг).

Журжон – Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоғига туташган вилоят.

<sup>430</sup> Ямома – Арабистон яриморалининг жанубидаги, Нажд билан Баҳрайн орасидаги вилоят номи.

<sup>431</sup> Абу Саид Шозон – IX асрда яшаган мунажжим.

<sup>432</sup> Юқорида 418-изоҳга қаранг.

<sup>433</sup> «Йиқилаётган қозик» – 406-изоҳда эслатилган «оғишган қозик»нинг айнан ўзи.

<sup>434</sup> Сайёраларнинг «қайтма ҳаракати»ни, яъни орқага қайтишдек бўлиб кўринадиган ҳаракатини изоҳлаш учун 4-шаклга мурожаат этайлик. Птолемей сайёраларнинг кўринма ҳаракатини тавсифлашда ўз геоцентрик дунёқарашда «эпицикллик» назариясига асосланади. Шу назарияга кўра, сайёралар эпицикллар деб аталадиган кичик орбита бўйлаб, шарқий йўналишда ҳаракат қилади. Эпициклнинг маркази В ҳам деферент бўйлаб, шарқий йўналишда ҳаракат қилади. Сайёра эпициклнинг MPN қисмини шарқий йўналишда ўтаётганда олам маркази О да, яъни Ерда турган кузатувчига сайёра тўғри ҳаракатда бўлиб кўринади. Аммо сайёра эпициклнинг NQM қисмини ўтаётганда эса Ердаги кузатувчига у орқага қайтаётган бўлиб кўринади. Бруний сайёранинг эпициклнинг N нуқтасидан Q нуқтаси орқали М нуқтагача бўлган ҳаракатини «Қайтма ҳаракат» деб атапти.


<sup>435</sup> Демак, Абу Маъшарнинг айтишига кўра, ўша одам  $240 - 50 = 190$  йил умр кўриши келиб чиқади.

<sup>436</sup> З.да «тасдиқ этдилар» (فارقوا) деб ёзилган. Таржимада И.га асосланганлиги.

<sup>437</sup> Ас-Саффор (мисгар) – 867–1003 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган Саффорийлар сулоласига асос солган Ёқуб ибн Лайснинг лақаби. Ёқуб давлат тепасига келишидан олдин мисгарлик билан шуғулланган.

<sup>438</sup> Софистлар – юзаки қараганда тўғрига ўхшаган, аслида хато тушунчага асосланиб, сохта хулоса чиқарувчилар.

<sup>439</sup> Ҳалила (*ихлلاج*), амила (*амлаж*) ва балила (*балилаж*) – дори тайёрланадиган гиёҳлар номи.



4-шакл.

ABCD – деферент ёки апогей орбитаси, О – унинг маркази, MPNQ – эпицикл, В – унинг деферентдаги маркази.



<sup>440</sup> Қуръон, «Юнус» сураси, 39-оят.

<sup>441</sup> Қуръон, «Аҳкоф» сураси, 11-оят.

<sup>442</sup> Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий (X–XI) – арабийнавис табиб, файласуф, математик, Беруний замондоши, Ибн Синонинг ёшлик пайтидаги устози бўлган. У Ибн Синога Аристотель фалсафаси ва мантиқини ҳамда Птолемейнинг «Ал-Мажистий» асарини ўргатган.

<sup>443</sup> Жаббор – йўғон, бўйи узун, бақувват ва танаси ҳаддан ташқари катта бўлган баҳайбат киши.

<sup>444</sup> Од қавми – Қуръонда номи зикр қилинган жисмоний жиҳатдан етук, баланд коматли, жуда бақувват ва соғлом одамлар қавми.

<sup>445</sup> Қуръон, «Мудассир» сураси, 50-оят.

<sup>446</sup> Мадйан – Арабистон яриморалининг шимоли-ғарбидаги ўлка.

<sup>447</sup> И. ва Л. да «соя куни» (يوم الظلة) дейилган, тўгриси ҳам шундай бўлиши керак. Чунки Беруний бу билан «Шуаро» сурасининг 189-оятдаги бир воқеага ишора қилади. Аммо З. даги «зулмат аҳли» (اصحاب الظلمة) ва «Зулмат куни» (يوم الظلمة) сўзлари ҳеч қандай боғланмайди. Русча таржимада З.га асосланган. Сирафийда ҳам шундай.

«Соя куни» («*явм аз-зилла*») ҳақида қози Байзовий тафсирида шундай дейди: «Шуайб алайҳиссалом қавми уни ёлғончига чиқарганда, Аллоҳ уларга азоб бериб, етти кунгача иссиқликни юборган, бу жазирамадан анҳорлари қуриган. Шунда Аллоҳ бир булут орқали соя туширган, ҳаммалари булут тагига йигилганлар ва устларига олов ёгилиб қуйиб кетганлар. Ана шу кун «соя куни» деб аталган».

<sup>448</sup> Ушбу 1003 йили ёзиб тугатилган «Осори ал-бокия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асари Берунийнинг хронология масалаларига бағишланган илк асари эди. Бундан ташқари, ўзининг айтишича, қуйида келтирилаётган Осурий подшоҳлари жадвалини қандайдир камчиликларга эга, муаллифи номаълум бир китобдан кўчириб олган ва бу подшоҳлар номларининг тўғрилигига ўзи ҳам кафолат беролмаган. Лекин кейинроқ, орадан 30 йилча ўтгач, 1030 йили ёзилган «Қонуни Масъудий» асарида у хронология масаласига жиддий ёндашган. Бу пайтга келиб у бошқа манбалар билан ҳам танишгани, шубҳасиз. Шунинг учун мазкур асарнинг хронология масалаларига бағишланган 2-мақоласида Осурия подшоҳларининг ушбу мукамалроқ рўйхатини келтирган:

1. Бел	10. Мал
2. Нин, унинг ўғли	11. Алгаий
3. Ниннинг хотини – Семирамида	12. Маманк
4. Рамис	13. Маркал
5. Арий	14. Асфарай
6. Аралий	15. Мамуй
7. Ксеркс	16. Асфаран
8. Армамутр	17. Аскагор
9. Дулук	18. Амунит

19. Элик	29. Син
20. Балкур	30. Кукилай
21. Манфрид	31. Авпалай
22. Сосирим	32. Асаслий
23. Ламкатр	33. Фаридит
24. Панай	34. Афритан
25. Сосум	35. Авпрактий
26. Миср	36. Акромий
27. Тўтал	37. Сардик
28. Таутал	

Келтирилган номлардан кўринадики, буларнинг баъзилари «Осори албокия»даги номларга мос келса, баъзилари мос келмайди. Демак, номлар нусха кўчириш натижасида манбадан манбага ўтавериб, анча ўзгарган. Лекин бу номлар яҳудий тақвимидагидек, салкам 1000 йил яшайдиган афсонавий шахсларнинг номи бўлмай, тарихий шахсларнинг номидир. Чунончи, Нин – Қадимги Ниневиянинг асосчиси, ўзи хотини Самирам (Семирамида) учун машҳур осма боғин, яъни шарқда Эрам боги деб машҳур бўлган боғни барпо этган.

<sup>449</sup> Гомер – мил. авв. X–IX асрларда яшаган буюк юнон шоири, машҳур «Одиссея» ва «Илиада» дostonларининг муаллифи.

<sup>450</sup> Араб ва арабийнавис олимларнинг асарларида араб бўлмаган, лекин араб халифалиги таркибига кирган сурёнийлар, арманлар, форслар «ажамлик» номи билан юритилади. Лекин кўпроқ форсларга нисбатан айтилади. Русча таржимада «бир форс» деб кетилган.

<sup>451</sup> Каёнийлар – Эрон подшоҳларининг афсонавий сулоласи.

<sup>452</sup> Бу ерда Беруний Ироқ деб Қадимги Бобилни (Вавилонияни) айтяпти.

<sup>453</sup> Беруний «Қонуни Масъудий»да Нимруднинг отасини Хуш (Қавс) деб кўрсатган.

<sup>454</sup> Беруний ушбу жадвалдаги «Бобил подшоҳлари» деб келтирилган беш подшоҳ рўйхатини «Қонуни Масъудий»да «Тўфондан кейин Бобилда турган Калдоний подшоҳлар» (10 та подшоҳ) жадвалида келтирган. Лекин иккала жадвалда подшоҳлардан фақат Нимруд ва Сомируснинг номлари мос келади.

<sup>455</sup> Куйида келтирилган «Калдоний подшоҳларининг жадваллари»да ҳам Беруний фойдаланган манбадаги чалкашликлар сезилади. Чунки жадвалнинг юқори қисмидаги 19 та подшоҳ асли Бобил подшоҳлари, қолган II подшоҳ эса Эроннинг Ахамонийлар сулоласидаги подшоҳлардир. Солиштириш қулай бўлиши учун бу Бобил, Оссурий ва Эрон подшоҳлари номларини Бобил тарихига оид манбалар (Meissner V. Babylonien und Assyrien, Bd. 2. Heidelberg, 1925; Э. Бикерман. Хронология древнего мира. – М.; 1976) ва Птолемейдаги рўйхатни (Ginrel F.K., Handbuch der mathematischen und Technischen Chronologie, Bd. I, Leipzig, 1906, – S. 139) ва уларнинг подшоҳлик йилларини келтирамыз.

Бобил подшоҳлари	Шоҳлик йиллари	Птолемей рўйхати бўйича	Шоҳлик йиллари
Набу-насир	747–735	Nabonassaros	747–733
Набу-надик-зери	734–733	Nadios	733–731
Набу-шум-укин II	732		
Укин-зер	732–730		
Пулу	729–727	Chinzeros, Poros	731–727
Улулай	727–722	Holaios	726–721
Мардук-апал-иддин	722–711	Mardokempados	721–709
Шаррукин II	710–706	Arkeanos	709–704
Синахериб	705–704	Подшошизлик	704–702
Мардук-закир-шуми II	703	оралиги	
Мардук-апал-иддин II	703		
Бел-ибин	702–700	Bilibos	702–699
Апшур-надин-шуми	699–694	Aparanadios	699–693
Нергал-ушериб	693	Pegebelos	693–692
Мушериб-Мардук	692–689	Meseimordakos	692–688
Синахериб II	688–681	Подшошизлик	688–680
Асархаддон	681–669	Asaradinos	680–667
Шамаш-шум-укин	668–648	Saosdonchinos	667–647
Канделану	647–626	Kineladanos	647–625
Набопалассар	625–604	Nabupolassaros	625–604
Навуходоносор II	604–562	Nabokolassaros	604–561
Авел-Мардук	561–560	Nhoarondamos	561–559
Нергал-шар-уцур	559–556	Nerigasolassaros	559–555
Лабаш-Мардук	556	–	–
Набонид	555–538	Nabonadios	555–538

Осурия подшоҳлари	Шоҳлик йиллари
Тиглатпаласар III	745–727
Салманасар V	727–722
Шаррукин II (Саргон II)	721–705
Санхериб (Синахериб)	705–681
Асархаддон	680–669

Эроннинг Ахамонийлар сулоласи подшоҳлари				
Куруш	Kyros	538–529	Кир II	Курус
Камбузия	Kambyses	529–521	Камбис II	Камбисус
Даривуш	Darios I	521–486	Доро I	Дориус
Хусрау	Xerxes	485–481	Ксеркс I	Аксиркис
Ардашир	Artaxerxes	464–424	Араксеркс I	Аргахшист

Даривуш	Darios II	423–404	Доро II	Дориус
Ардашир	Artaxerxes II	404–359	Артаксеркс II	Артахшист
Ардашир	Artaxerxes III	358–337	Артаксеркс III	Артахшист
Ариш	Arses	337–335	Арсес	Арсис
Даривуш	Darios III	335–330	Доро III	Дориус

<sup>456</sup> Филипп – Македониялик Искандарнинг укаси Филипп Арридей.

<sup>457</sup> Қадимги Миср подшоҳлари, яъни фиръавнларининг ҳақиқий тарихи мил. авв. 3000 йилдан анча аввал, баъзиларнинг фикрича, мил. авв. 3500 йиллар атрофида бошланган. Ўша фикрга кўра, бу муддатнинг аввалги 500 йилида Миср майда мулкларга бўлиниб кетган бўлиб, у мулкларни майда «мулуки тавоиф», яъни ўлкалар подшоҳлари бошқарган ва шунинг учун улар Мисрнинг сулолавий тарихига кирмаган деб ҳисобланади. Мисрни мил. авв. 3000 йилдан то Искандар забт этгунига қадар (мил. авв. IV а. охири) 30 сулола фиръавнлари бошқарган. Беруний келтирган рўйхат XXI сулоладан (мил. авв. 1085 – мил. авв. 950) то XXX сулолагача (мил. авв. 380 – мил. авв. 343) бўлган подшоҳлар номларини ўз ичига олади. Лекин бу номларнинг аксарияти шу қадар бузиб ёзилганки (балки Беруний фойдаланган манба шундай хусусиятга эга бўлган ёки манба бошқа тилда бўлгани учун у уларни яхши ўқий олмаган), уларни ташхис, яъни идентификация қилишнинг иложи йўқ. Масалан, рўйхатда биринчи турган исм «Диусфулито»ни олайлик. Ундан кейин келган икки подшоҳнинг исмлари – «Самандфус» ва «Сусанис»ни ташхис қилса бўлади. Булар XXI сулола подшоҳлари Смендес ва Пусеннес эканлиги, шубҳасиз. Лекин бу сулоладан олдинги XX сулоланинг (мил. авв. 1200 – мил. авв. 1085) 10 та подшоҳларидан биринчиси – (Сетнахтдан) бошқа ҳаммасининг исмлари Рамсес (III дан то IX гача). Демак, биринчи исм бу сулолага ҳам «киролмайди». Бошқа баъзи исмлар ҳам шундай. Берунийдаги Миср подшоҳлари исмларини Э. Бикерманнинг китобидаги (Бикерман. Хронология древнего мира. – С. 177–178) исмлар билан солиштирамыз:

Берунийда	Аслида
1. Диусфулито	XXI сулола (1085–950)
2. Самандаус	Смендес
3. Сусанис	Пусеннос II XXII сулола (950–730)
4. Нафаҳрос	Шепонк I
5. Амонофутос	Осоркон I
6. Асахурис	Такелот I
7. Фасинохис	Шепонк II
8. Фасусоние	Осоркон II
9. Сасанхусис	Такелот II
10. Асортун	Шепонк III
11. Такамусис	Пами
12. Фатуфастис	Шепонк V
13. Асарасун	Осоркон IV XXIII сулола (817–730)

14.Фасаммус	Петубастис
15.Авфанивос	Шешонк IV
16.Сабақун ал- Ҳабаший	Осоркон III
	XXIV сулола (730–715)
17.Сабийҳас	Тэфнахт
18.Тарохус	Бокхорис
	XXV сулола (715–664)
19.Аморос ал-Ҳабаший	Кашта
20.Астофиносис	Пианхи
21.Нахфасус	Шабака
22.Наху	Шабатақа
23.Фасамматикус	Тахарка
	XXVI сулола (664–525)
24.Нажануқа	Псамметих I
25.Фасаммусос	Нехо
26.Вафрис	Псамметих II
	Априй
27. Амасис	Амасис
	Псамметих III
	XXVII сулола: Ахамонийлар
Форслар	XXVIII сулола
28. Амиртаюс	Амиртей
29.Нафаритос	Неферит I
30. Ухарис	Псаммут
31. Фасамус ва Мусатус	Ахорис
	Неферит II
	XXX сулола
32.Нақтанабус	Нектанеб I
33. Тавус	Тахос
34. Нақтанабус	Нектанеб II

Иккала рўйхатни солиштириш шуни кўрсатадики, Беруний фойдаланган қўлёзмада исмлар бузиб ёзилганидан ташқари, улардан кўпининг ўрни ҳам алмашган. Масалан, Беруний рўйхатидаги тўққизинчи Сасанусис XXII сулоласидаги учта Шешонкларнинг бирига тўғри келиши мумкин, лекин у ўз қаторида эмас. Ўн иккинчи рақамдаги Фатуфастис XXIII сулоладаги Петубастисга жуда мос келади, лекин ўрни тўғри келмайди. Худди шунингдек, йигирма иккинчи рақамдаги Наху XXVI сулоланинг иккинчи фиръавни Нехонинг айнан ўзи, лекин бироз юқори жойлаштирилган. Бундан ташқари, фиръавнлар Априй, Псамметих III, Неферит II ларга мос келувчи исмлар Беруний манбасида келтирилмаган. Лекин Мисрда форслар ҳукмронлигидан кейинги барча фиръавнларнинг номлари икки жадвалда бир-бирига мос келади.

<sup>458</sup> Беруний фойдаланган китобнинг камчилиги Миср Птолемейларининг рўйхатидан ҳам кўринади: биринчидан, рўйхат тўлиқ эмас; иккинчидан, у подшоҳларнинг ҳаммасида лақаб бўлган, у манба эса лақабларнинг ҳаммасини келтирмаган; учинчидан, бир неча ҳолатда мамлакатни икки подшоҳ бошқарган, у манбада бу ҳам кўрсатилмаган. Биз Искандар (мил.авв.336–323) ва унинг отаси Филипп (мил.авв.353–336) Птолемейлардан бўлмаганлиги учун Э.Бикерман (Хронология древнего мира. – С. 178–179) ва бошқа гарб муаллифларининг манбаларига кўра (Skeat T. The Reigns

Reigns of the Ptolemies, 1954; Samuel A.E. Ptolemaic Chronology, 1962), Птолемейларнинг тўлиқ жадвалини келтирамыз.

Птолемейлар	Шоҳлик йиллари
1. Птолемей I Сотер	305–282
2. Птолемей II Филадельф	285–246, 29 январь
3. Птолемей III Эверет I	246–222
4. Птолемей IV Филопатор	222–205
5. Птолемей V Эпифан	204–180
6. Птолемей VI Филометор	180–145
Мамлакатни Птолемей VI билан Птолемей VIII ва Клеопатра II мил. авв. 170 йилнинг октябридан бошқарадилар. 164/3да Филометор қувгин қилинади.	
7. Птолемей VII Неос Филопатор	145–144 (бирга бошқариш)
8. Птолемей VIII Эвергет Фискон	144–116
9. Клеопатра III ва Птолемей IX Сотер II (Латир)	116–107
10. Клеопатра III ва Птолемей X Александр I	107–101
11. Птолемей X Александр I ва Клеопатра Береника	101–88
12. Птолемей IX Сотер II	88–81
13. Клеопатра Береника ва Птолемей XI Александр II	80
14. Птолемей XII Авлет	80–58
15. Береника IV	58–55
16. Птолемей XII Авлет	55–51
17. Клеопатра VII ва Птолемей XIII	51–47
18. Клеопатра VII ва Птолемей XIV	47–44
19. Клеопатра VII ва Птолемей XV (Цезарион)	44–31, 30 август

<sup>459</sup> Аслида бу подшоҳ – Птолемей I Сотердир. Унинг «Арнаб», «Ал-Мантиқий» – «Мантиқшунос» лақаблари Шарқ манбаларига хос бўлиб, Ғарб манбалари билан тасдиқланмаган.

<sup>460</sup> Охирги жумла И. ва Л.га асосан таржима қилинади. 3. да «У Фаластинга юриш қилди, Байт ул-Муқаддасда бош кўтариб, Бани Исроилни асир олди. Кейин уларни озод этди ва уларга муқаддас идишни ҳадя қилди» дейилган. Бу тушунчалар ҳам Шарқ манбаларига хос.

<sup>461</sup> Беруний бу ерда уч подшоҳ: Птолемей VIII (мил.авв.116–108 ва мил.авв. 88–80), Птолемей IX (мил.авв.108–88), Птолемей X (мил.авв. 80)ларнинг подшоҳлик даврлари – 36 йилни кейинги подшоҳ Птолемей Сотер Темирчи даври қилиб кўрсатган.

<sup>462</sup> «Мўминлар» деб бу ерда христианлар назарда тутилади. Берунийда Нерондан кейин оз вақт подшоҳлик қилган Галба (68-69), Отон (69 йил) ва Вителлий (69 йил) тушириб қолдирилган.

<sup>463</sup> Афсус – Кичик Осиёдаги шаҳар, Қадимги Эфес; Асхоби Қаҳф ғори шу шаҳарда бўлган. Ҳозирги Туркиянинг ғарбида, Эгей денгизининг бўйида, Измирдан жануброкдаги порт шаҳар.

<sup>464</sup> 3-да «Байт ул-Мукаддасни вайрон қилди» жумласидан кейин «Подшоҳлигининг ўн саккизинчи йилида тақиқлади» (مَحْرَمٌ) деб ёзилган. И. ва Л. да эса харрама сўзи ўрнига *жузума* (مَجْرَمٌ) – «мохов касалига дучор бўлди» деб ёзилган. Таржимада кейингисига асосланилди, чунки Э. Захау нусхасида жумладаги сўзлар маъно ва грамматик томондан бир-бирига боғланмайди.

<sup>465</sup> Жолинуc – Гален – II асрда яшаган машхур табиб.

<sup>466</sup> Кумидус – Коммоддан олдин давлатини 20 йил Марк Аврелий деган император идора этган, Коммод давлатни 12 йил бошқарган.

<sup>467</sup> Берунийда Антонин исми икки марта келтирилган. Иккинчиси ортиқча. Ҳақиқатда, Антониндан кейин Макрин (217–218) ва Элагабал (218–222) подшоҳлик қилган.

<sup>468</sup> Берунийда Децийдан кейинги Валус (251–253) (Волузиан) тушиб қолган. Галлнинг подшоҳлиги эса фақат 3 йил кўрсатилган.

<sup>469</sup> И. ва Л.да Доринуc.

<sup>470</sup> Жадвалнинг бошидаги «Рим подшоҳлари» деган иборани «Рим императорлари» деб тушунмоқ керак. Бундан ташқари, уларнинг ҳаммалари исмларига «Цезарь-Август» унвонлари ҳам қўшилган. Шу билан бирга, жадвалнинг охири император Диоклетианнинг номи билан тугалланиши керак эди. Чунки у христианларни қувгин қилган даҳрий эди. Балки Беруний қўлига тушган қўлёманинг нуқсонлари туфайли у христиан императорларининг биринчиси қилиб қўйилган. Бу жадвал ҳам тўлиқ эмас, номлари тушиб қолган баъзи императорларнинг исмлари жадвал ичига берилган изоҳларда кўрсатилди. Жадвалдаги яна битта камчилик – император Август – Цезарнинг ҳукм сурган йиллари 43 йил қилиб кўрсатилган. Аслида мил. авв. 27 йилдан мил. 14 йилгача 40 йил ўтган бўлади. Солиштириш қулай бўлиши ва жадвалда аниқлик киритиш учун қуйида Э. Бикерманга кўра Рим императорларининг номлари, унвонлари ва подшоҳлик йилларининг жадвалини келтирамиз.

<sup>471</sup> Олдинги изоҳда айтганимиздек, Диоклетианнинг исми Римнинг бундан аввалги даҳрий императорлари жадвалига киритилиши керак. Бундан ташқари, бу «подшоҳлар» Византия императорларидир.

<sup>472</sup> Валентиниан ва Валент бир даврда подшоҳ бўлган. Берунийда Валентиниан подшоҳлиги 4 йил кўрсатилган.

<sup>473</sup> Нистуриc – Несторий – V асрдаги Константинополь патриархи, христианларнинг «неcториан» мазҳабига асос солган киши.

<sup>474</sup> Яъкубийлар (яковитлар) – V асрда вужудга келган христиан мазҳаби.

<sup>475</sup> Амурия – Аморий – Византиянинг Кичик Осиёдаги шахри. Ҳозирги Туркиянинг марказидаги Туз қўлидан ғарброқда бўлган.

<sup>476</sup> Ар-Руҳо – Ироқ Жазирасининг шимоли-ғарбидаги Қадимги Урхай, Византия давридаги Эдесса, ҳозирда Туркиянинг жануби-шарқидаги Урфа шахри.

<sup>477</sup> Беруний Тиберийдан олдинги император Юстин II (565–574) ни тушириб қолдирган.

<sup>478</sup> Баҳром Чубин – VI аср охирида Сосонийлардан Ҳурмузд VI га қарши қўзғолон кўтарган Эрон саркардаси. Ҳурмузднинг ўғли ва вориси Кисра – кейинчалик Хусрав II номи билан подшоҳ бўлган – Баҳромга қарши курашиб, мағлубиятга учрайди. У ёрдам сўраб Византия императори Маврикийга мурожаат қилади. Берунийнинг подшоҳлиги 6 йил ортиқ, Маврикийники 6 йил кам кўрсатилган.

Рим императорлари	Шоҳлик йиллари
Август, Гай-Юлий Октавиан	мил. авв. 27 й. – м. 14 й.
Тиберий, Юлий Цезарь	мил. 14–37
Кампула, Гай Юлий Цезарь Германик	37–41
Кампула, Тиберий Друз Германик	41–54
Нерон, Луций Домиций Агенобарб Германик	54–68
Галба, Сервий Сулпиций	68–69
Отон, Марк Салвий	69
Вителлий, Авл Германик	69
Веспасиан, Тит Флавий	69–79
Тит, Цезарь Веспасиан Август	79–81
Домитиан, Тит Флавий	81–96
Нерва, Марк Кокцей	96–98
Траян, Марк Улпий	98–117
Адриан, Публий Элий	117–138
Антонин, Пий, Тит Элий Адриан	138–161
Марк Аврелий, Анний Катилий Север	161–180
Луций Вер, Цейоний Коммод Аврелий	161–169
Коммод, Луций Элий Аврелий Антонин	176–192
Пертинакс, Пий Гелвий	193
Дидий Юлиан, Марк Север	193
Сиптимий Север Луций Пертинакс	193–211
Клодий Альбин, Децим Септимий	193–197
Песценний, Нигер, Гай Юст	193–194
Каракалла, Септимий Бассиан	
Марк Аврелий Антонин	198–217
Гета, Луций Пий Септимий	209–212
Макрин, Марк Опеллий	217–218
Диадумениан, Марк Опеллий Антонин	218
Элагабал (Гелиогабал), Марк Аврелий Антонин	218–222
Север Александр, Алексан Бассиан Марк Аврелий Север	222–235
Максимиан, Гай Юлий Вер	235–238
Гордиан I, Марк Антоний Семпрониан Роман Африкан Сениор	238
Гордиан II, Марк Антоний Семпрониан Африкан Юниор	238
Балбин, Децим Целий Клавин	238
Пупиен, Марк Клодий	238
Гордиан III, Марк Антоний	238–244
Филипп Арабикус, Марк Юлий	244–249
Деций, Гай Мессий Квинт Траян	249–251
Требониан Галл, Гай Вибий	251–253
Волусиан, Гай Вибий Афиний Галл Велдумниан	251–253
Эмилиан, Марк Эмилий	253
Валериан, Пий Лициний	253–260
Галлиен, Пий Лициний Эгнатиий	253–268
Клавдий II Готикум, Марк Аврелий	268–270
Квинтилл, Марк Аврелий Клавдий	270
Аврелиан, Домиций	270–275
Тацит, Марк Клавдий	275–276
Флориан, Марк Анний	276



Проб, Марк Аврелий	276–282
Кар, Марк Аврелий	282–283
Карин, Марк Аврелий	283–285
Нумериан, Марк Аврелий Нумерий	283–284
Диоклетиан, Гай Аврелий Валерий	284–305
Максимиан, Марк Аврелий Валерий	286–305
Констанций I, Марк Флавий Валерий	293–306
Галерий, Гай Валерий Максимиан	293–311

<sup>479</sup> Шаҳбарон (Шахрбароз) – Хусрав II нинг лашкарбошиси Фарруханнинг факрий лақаби. У византияликларга қарши муваффақиятли жанг қилган.

<sup>480</sup> Маслама ибн Абдулмалик – араб лашкарбошиси, Умавий халифа Абдулмаликнинг (685–705) ўғли. Унинг қўшинлари 716 йилда Константинополни қамал қилган.

<sup>481</sup> Августа Ирина – асл исми Чечак, туркий аёл, Хазар хоқонининг қизи бўлган. 733–734 йили Византия императори Лев III Хазар хоқони билан муваффақиятли битим тузиб, ундан ўз ўғли – бўлажак император Константин V учун хотинликка хоқоннинг қизи Чечакни олган. Чечак Константинополга келиб, христианликни қабул қилган ва Ирина исмини олган. Эри Константин V, ўғли Лев IV, невараси Константин VI ўлганидан сўнг, аввал 780 йилдан норасида невараси билан бирга, унинг вафотидан кейин кексайган чоғида 5 йил мустақил (797–802) императорлик қилган.

<sup>482</sup> Басил ас-Сақлабий, яъни Василий – славян, аслида у Македония славяни бўлган. Беруний фойдаланган қўлёзмада Византия императорларининг Константин I дан то Василий I гача рўйхати ҳам тўлиқ эмас. Қуйида тўлиқ рўйхатни Беруний рўйхати билан солиштирамиз:

Константин I Буюк	306–337	Қустантин
Констант	337–361	Қустант
Юлиан	361–363	Юлиан кофир
Иобинан	363–364	
Валентиниан	364–375	Валентиниан
Валент	364–378	Валент
Грациан	378–379	–
Феодосий I Буюк	379–395	Улуғ Феодосий
Аркадий	395–408	Аркадий
Феодосий II Кичик	408–450	Кичик Феодосий
Маркиан ва Фулхерия	450–457	Маркиан, Фулхерия
Лев I Буюк	457–474	Улуғ Лав
Лев II	474	–
Зенон Армениак	474–475	Зенун ал-Арминак
Василиск	475–476	–
Зенон, иккинчи марта	476–491	–
Анастасий I	491–518	Анастос
Юстин I	518–527	Юстин
Юстиниан I	527–565	Юстиниан
Юстин II	565–578	–
Тиберий II Константин	578–582	Тибер

Маврикий	582–602	Маврик
Фока	602–610	Фуқа
Ираклий	610–641	Ҳиракл
Ираклий (Ираклион)	641	–
Константин III	641	Кустантин
Констант (Константин) II	641–668	Кустант
Константин IV	668–685	Кустантин
Юстиниан II	685–695	Юстиниан
Леонтий	695–698	Лиунт
Тиберий III Аписмар	698–705	Тиберий Афсимар
Юстиниан II, иккинчи марта	705–711	Юстиниан-Бурни кесик
Вардан Филиппик	711–713	Филибақ
Анастасий II	713–715	Анастас-Артимус
Феодосий III	715–716	Феодосий
Лев III Исавр	716–741	Катта Лав
Константин V	741–780	Кустантин
Лев IV	775–780	Кичик Лав
Константин VI	780–797	Кичик Кустантин
Ирина Августа	780–802	Августа Ирина
Никифор I Ставракий	802–811	Никифор ва ўғли Астирак
Михаил I Георгий	811–813	Михаил Журж ўғли
Лев V Армениак	813–820	Лав V
Михаил II	820–822	Михаил Кустантиний
Феофил	829–842	–
Михаил III	842–867	–
Висилий I Македоник	877–886	Басил ас-Сақлабий

<sup>483</sup> Қуйида Беруний Ҳамза ал-Исфаҳонийга ҳавола қилиб, гўё қози Вокий (ёки ҳозирги ифода билан айтганда Насриддин афанди) Рум подшоҳларидан бирининг китобидан кўчирган ушбу рўйхат аввалгига қараганда анча ноаниқ ва уни изоҳлашнинг ҳожати ҳам йўқ.

<sup>484</sup> Жадвал шу еридан ҳақиқатга бирмунча яқинлашади. Эслатилаётган Лав – Лев III Исавр (мил. 716–741), лекин унинг даврида Умавийлар сулоласи барҳам топмаган эди.

<sup>485</sup> Бу ерда Лев IV (мил. 715–780) эслатилган. Келтирилган гап тўғри, чунки Константин V (мил. 741–775) сатри тушириб қолдирилган. Умавийлар унинг даврида барҳам топганлар.

<sup>486</sup> Аббосий халифаларнинг бешинчиси Ҳорун ар-Рашид (786–809) нафақат Никифор I (мил. 802–811) га, балки императорлар Константин VI (780–797) ва Ирина (мил. 780–802) ларга ҳам замондош эди.

<sup>487</sup> Аббосий халифаларнинг ўн учинчиси Ал-Муътазз (866–869) замонидан императорлик этник юнонлардан келиб чиқиши славян бўлган Василий (867–866) кўлига ўтди.

<sup>488</sup> Император Лев VI (мил. 886–912) замонида Аббосий халифаларнинг ўн олтинчиси Ал-Муътазид (мил. 892–902) ҳукм сурган.

<sup>489</sup> Беруний биринчи одам яратилганда ерда балчиқдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган деган фикрни келтиряпти. Форсча «*гил*» – *عل* – «балчиқ», «лой» демакдир.

<sup>490</sup> Яъни, кутубхоналарини.

<sup>491</sup> Ардашир ибн Попакон – Эроннинг Сосонийлар сулоласидан биринчи подшоҳ (226–241).

<sup>492</sup> Абул-Ҳасан Озархур ибн Уштоз Жашнис (IX–X а.) – эронлик геометрик олим, у Яздонхасис номи билан ҳам маълум. Беруний уни «Ватарлар ҳақида» рисоласида ҳам эслайди (Беруний. Ватарлар ҳақида. 29; 34-б.).

<sup>493</sup> Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Балхий – Бувайҳийлар замонида (X а.) яшаган шоир, у ҳам Фирдавсий каби «Шоҳнома» ёзган.

<sup>494</sup> Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа – машҳур адиб, паҳлавий тилидан жуда кўп асарларни араб тилига таржима қилган, шу жумладан, ҳайвонлар тили билан ёзилган машҳур «Калила ва Димна» китобини ҳам араб тилига таржима қилган. Ибн ал-Муқаффа ҳижрий 142 (мил. 759–760) йилда Аббосий халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754–775) томонидан ниҳоятда азоблаб ўлдирилган: аввал оёқ-қўлларини кесиб, кўз олдида оловда куйдиришади, кейин танасини ўтга ташлашади. Беруний бу ерда тилга олаётган бошқа кишилар ҳам таржимонлик билан шуғулланганлар.

<sup>495</sup> Муҳаммад ибн Жаҳм ал-Бармакий – IX асрда Аббосий халифаларга вазирлик қилган Бармакий вазирлар хонадонидан, шоир.

<sup>496</sup> Шопур шаҳри – Эроннинг Сосонийлар сулоласидан иккинчи шаҳаншоҳи Шопур I (241–272) томонидан Хуросоннинг шарқида барпо қилган Шопуракон шаҳри. Ҳозирда Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги Шибирғон шаҳри. Худди шу номли қалъани у Бухородан шарқроқда ҳам барпо қилган. Ҳозир унинг ўрнида Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани маркази жойлашган.

<sup>497</sup> Адиблар Ҳишом ибн ал-Қосим, Баҳром ибн Мардоншоҳ Баҳром ибн Михрон ал-Исфажоний, мажусий Баҳром ал-Ҳиравийлар ҳақида маълумот топмадик.

<sup>498</sup> Истаҳр – Эроннинг жануби-ғарбий томонидаги шаҳар. Эрон подшоҳларининг қадимги пойтахти.

<sup>499</sup> З.да *шабоб* (شباب) – «ёшлик» сўзи ўрнига *шароб* (شراب) деб ёзилган. Таржима Л. га асосан қилинди.

<sup>500</sup> З.да *қаббор* (قبار) деб ёзилган. И.да эса ҳарфларнинг диакритик белгилари қўйилмаган. Шунинг учун бу сўзни *қиноз* деб ўқиш маъқулроқдир, шунда князга мос келади.

<sup>501</sup> Пешдодийлардан бошлаб то Ашконийларгача бўлган форс подшоҳлари афсонавий шоҳлардир. Уларнинг подшоҳлик йиллари ва яшаган умрлари афсоналарда турлича берилади. Масалан, Фирдавсий «Шоҳнома»да кўрсатилишича, Каюмарс 3000 йил, Жамшид 700 йил, Заҳҳок 1000 йил, Кайқубод 100 йил яшаган.

<sup>502</sup> Шом – Сурия.

<sup>503</sup> Яқин қариндошлар эгаллайди, демоқчи.

<sup>504</sup> Жаббор – 443-изоҳга қаранг.

<sup>505</sup> Каюмарс – Биринчи одам, Эроннинг биринчи подшоҳи ва кейинги ҳамма подшоҳларининг отаси. «Авесто» ва паҳлавий тилидаги манбаларда ёзилишича, Каюмарс Мешо ва Мешонани туғдирган. «Шоҳнома»да Каюмарс умри 3000 йил деб кўрсатилган.

<sup>506</sup> Будасаф – собий (юлдузга топинувчилар) динининг афсонавий асосчиси. Бу подшоҳ ҳақида Беруний куйироқда муфассал баён қилади.

<sup>507</sup> Афридун (Фаридун) – «Шоҳнома»да кўрсатилишича, у Эронни Заҳҳок Зулмидан озод этган қаҳрамон.

<sup>508</sup> Манучеҳр – «Шоҳнома»да ёзилишича, Эроннинг олтинчи подшоси, Фаридун авлодидандир.

«Манучеҳр» номи «Авесто»га бориб тақалади: «Мануш» – тоғ номи, «Чита» – исм бўлиб, «тогда туғилган» демакдир. Манучеҳр туғилган жой Қадимги Рай шаҳри атрофлари ҳисобланади. Халқ орасидаги Манучеҳр ҳам Фаридун каби адолат учун кураш рамзи бўлган.

<sup>509</sup> Бир афсонавий воқеа устида гап борапти. Буни Беруний куйида ҳикоя қилади.

<sup>510</sup> Кай («Авесто»да «Кавий») – «жаноб», «ҳукмдор», «подшоҳ» демакдир. Бу сўз «Шоҳнома»да кўпинча лақаб маъносида қўлланилади, кейинчалик эса Каёний подшоҳлари исмларининг таркибий қисмига қўшиб айтиладиган бўлди.

<sup>511</sup> Паҳлавий тилидан таржима қилинган «Худайнома» китоби кўзда тутилаётган бўлса керак. Унинг арабча номи «Китоб ас-сияр» («Таржимаи ҳол китоби») деб юритилади.

<sup>512</sup> Беруний «Худайнома»нинг арабча таржимаси муҳаррирларидан бири зардушт коҳини («мўбад») Баҳром ибн Мардоншоҳни айтмоқчи.

<sup>513</sup> Берунийнинг юқорида келтирилган подшоҳлар жадвалларини ишончли деб бўлмади, чунки уларда Эроннинг афсонавий (Каёнийлар, Пешдодийлар) подшоҳлари рўйхати билан қисман Оссурия ва Бобил подшоҳларининг ҳамда Қадимги Эроннинг ҳақиқий подшоҳлари – Ахамонийларнинг рўйхатлари қориштириб юборилган.

<sup>514</sup> З. ва Л. «лекин» сўзи билан бошланган жумла матнга алоқасиздай бўлиб қолади. Шунинг учун И. даги «Масалан, биров» (كون) сўзига асосланиб таржима қилинди. Русча таржимада З. га асосланилган.

<sup>515</sup> Саид ибн Муҳаммад аз-Зухлий – IX асрда яшаган фақиҳ.

<sup>516</sup> Фирдавс – жаннат ҳақидаги тасаввур форсларда қадимда – зардуштийлик даврида шаклланган ва у Адан билан Сарандиб (Ланка) оралиғида деб ҳисобланган. «Фирдавс» сўзи – унинг кўплиги «фарадис» ҳам – жаннат маъносида Куръонга кирган. Куръонда «*жанноти 'Адний*», яъни «*жаннат ('Адан) боғлари (жаннот)*» ибораси бир неча марта учратилади. Милод бошларида Санъо яқинида Мариб тўғони бўлган пайтларда, Яманнинг катта майдони суғорилиб, боғ-роғларга айлантирилган. Шунинг учун ҳам Адан жаннатга ўхшатилган.

<sup>517</sup> Берунийнинг Ашконийлар (аслида Аршакийлар) сулоласи ҳақида турли форс манбаларидан олган хабарлари ва жадвалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу манбаларда у сулолани македониялик Александр, ё Доро III, ёки икки-си билан боғлашга уриниш ва уларни форсча исмлар билан атаб, форс подшоҳлари қилиб кўрсатишга уриниш бўлган. Лекин уларнинг келиб чиқиши бўйича форсларга ва умуман, Эронга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Аршакийларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Шулардан бирига кўра, уларнинг давлатига Каспий денгизининг жануби-шарқидаги (ҳозирги Қорабўғозкўлнинг шимолидаги) Дайастон (Даҳистон)да истиқомат қилган «дай» қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган дейилади. Иккинчи фикрга кўра, дайларни (ёки даҳларни) аслида Искандар Македониянинг шимолидаги қабилаларни бўйсундираётганида Дакия (ҳозирги Руминия) қабилаларининг бир қисмини (яъни, дакларни) Қора денгизнинг шимоли-шарқида

кувгин қилган. У ерлардан эса скиф-сарматлар дақларни Каспийнинг шимоли орқали Осиёга сиқиб чиқарган ва маҳаллий қабилалар уларни «дак» демасдан «дай» деганлар деб ҳисобланади. Яна бир фикрга кўра, дайлар Хоразм атрофидаги сармат ва массагет қабилалари орасидан чиққан деб ҳисобланади. Бу фикрларнинг биронтаси дайлар ва Аршакни Эрон билан боғламайди.

Аршак исмининг биринчи бўғини «ар» (эр) сўзи «одам», «баҳодир», «мард» маъноларини англатган; Аршак исми эса «шак» («сак»)ларнинг «пахлавони» маъносини англатган. Аршак асос солган давлат Парсава, (с – тиш орасида талаффуз қилинадиган «с»), инглизча «think», «thank» сўзларидаги th каби) бошқача ёзилиши бўйича, Парфия юксак қудратга эришганида таркибига Ўрта Осиёнинг жанубини, Эронни, Кичик Осиёни, Қора денгизнинг шимолий ва ғарбий соҳилларини, Жанубий Кавказни киритган. «Парсава» атамаси бизнинг ҳудудларда «Партава» деб талаффуз қилинган.

Аршакийларнинг қароргоҳи Ашхободнинг яқинидаги Қадимги Нисо шаҳри бўлган. Уларнинг давлати мил. авв. 250 йилдан то мил. 224 йилгача ҳукм сурган. Бу ораликда Партавани 22 подшоҳ бошқарган. Уларнинг номлари ва подшоҳлик йиллари қуйидагича:

Аршак I	250–248/277	Фраат IV	37/36–2
Тиридат I	248/247–211	Фраат V	мил. авв. 2– мил. 4
Артабан I	211–191	Вонон I	7/8–12
Прианат	191–176	Артабан III	12–38
Фраат I	175–170	Готарз II	38–51
Митридат I	170–138/137	Вологез I	51/52–79/80
Фраат II	138/137–128	Митридат IV	128/129–147
Артабан II	128–124/123	Вологез III	148–192
Митридат II	123–88/87	Вологез IV	192–207/208
Фраат III	70/69–58/57	Вологез V	207/208–222
Ород II	57–37/36	Артабан V	209–224

<sup>518</sup> Жибол – Эроннинг ғарбида, Ироқ билан чегарадош вилоят.

<sup>519</sup> З.да шу сўздаги ҳарфларга диакритик белгилари қўйилмай ёзилган. Биз уни «Ашк ал-Жаббор» деб ўқиймиз.

<sup>520</sup> И. ва Л.да ал-аҳмар (الأحمر), биз ал-ахир (الأخر) деб ўқиймиз.

<sup>521</sup> Беруний келтирган Ашконийларнинг жадваллари ичида фақат шу жадвалдагина жами йиллар 496 бўлиб, Ашконийлар ҳукмронлик қилган (мил.авв. 250–мил.226) ҳақиқий йиллар сонига (475) бир оз яқин келади. Лекин ал-Исфаҳонийдан олинган бу жадвал ҳам афсонавий, чунки унда Аршакийлар Ахамонийларнинг авлоди қилиб кўрсатилган.

<sup>522</sup> Яъни, мил.авв. I асрнинг ярмида.

<sup>523</sup> Абу Мансур ибн Абдураззоқ – 237-изоҳга қаранг.

<sup>524</sup> Яъни, ривоятлар бузиб ва чалкаштириб юборилган.

<sup>525</sup> Монийнинг Сосоний Шопур I (241–272) шарафига аталган бу китобидан бизгача фақат кичик бир парчагина етиб келган, холос. Беруний бу китобни қирқ йил ахтаргани ва пировардида Хоразмдан топганини айтади (қаранг: Бертельс Е.Э., Избранные, I, М., 1960. – С.81).

<sup>526</sup> Олим аслида шундай бўлгани учун ҳам шубҳаланмас бўлади. (517-изоҳдаги жадвал охириги сатрига қаранг).

<sup>527</sup> Беруний агар «Абадий ва ишончли китоб» деб Қуръонни назарда тутаётган бўлса, унда Ардашир ва Яздигардлар эслатилмаган, агар Монийнинг юқорида эслатилган «Шопуракон» китобини эътиборга олаётган бўлса, унга нисбатан хайрихоҳлик (симпатия) изҳор қилган бўлади.

<sup>528</sup> Форсларнинг шамсий йилларида 365 кун ва 6 қасрли соат бўлган. Бу ерда ушбу  $93 \frac{1}{4}$  рақами Беруний айтган астрологларнинг китобларидан олинган, қуйидаги ҳисоблашлар ҳам ўша китобларга мансуб бўлиб, у китоблар ва улардаги ҳисоблашлар бизга номаълумдир.

<sup>529</sup> 407 йил Ардашир подшоҳлигининг бошидан (226), Яздигард подшоҳлигининг боши (632) гача ўтган давр.

<sup>530</sup> Юқоридаги 528-изоҳга қаранг.

<sup>531</sup> Сосонийлар подшоҳлигининг бошланишидан (226) Яздигард III нинг подшоҳлигигача (632) ўтган муддат  $632 - 226 = 406$ , ўтаётган йилнинг ойлари билан бирга ҳисобланса,  $= 407$  йил, Искандар эрасининг бошидан (312) Сосонийлар подшоҳлигининг бошигача (226)  $311 + 226 = 537$  йил. Иккала рақам йиғиндиси  $537 + 407 = 944$  йил бўлади.

<sup>532</sup> Сосонийлар сулоласи 226–651 йилларда Эронда ҳукмронлик қилиб, улар Форс вилоятининг кўзга кўринган хонадонидан келиб чиққан. Сулолага асос солган биринчи шаҳаншоҳ Ардашир I ибн Бобак (226–241), яъни Ардашир Попакон эди. Давлатни бирлаштириш мақсадида, Сосонийлар III асрда Зардушт динини давлат дини сифатида қабул қиладилар. Сосонийлар даврида Эроннинг иқтисодида деҳқончилик асосий роль ўйнаган. Ҳунармандчилик ҳамда Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишлари ривожланган, маданият бирмунча жонланган. Сосонийлар Рим ва Византия империялари билан Арманистон, Грузия, Сурия ва Арабистон учун урушлар олиб борганлар. Ўрта Осиёдаги кўчманчи ва ўтроқ халқлар билан уруш қилиб, баъзан уларни узоқ вақтгача ўзларига бўйсундирганлар.

Эроннинг Сосонийлар сулоласи подшоҳларининг ҳозир фанда қабул қилинган рўйхати қуйидагича:

Ардашир I Попакон	226–241	Феруз	459–484
Шопур I	241/272	Болош	484–488
Хурмузд I	272–273	Кубод I	488–531
Баҳром I	273–276	Хусрав I Анушпирвон	531–579
Баҳром II	276–293	Хурмузд IV	579–590
Нарсе	293–302	Хусрав II Парвиз	590–628
Хурмузд II	302–309	Кубод II Шируя	628
Шопур II Зулактоф	310–379	Ардашир III Шируя	628–629
Ардашир II	379–383	Бўрон	629
Шопур III	383–388	Феруз II Жушанасбанда	629–630
Баҳром III	388–399	Озармидухт	630–632
Яздигард I	399–421	Хурразод Хусрав	632
Баҳром IV Гур	421–438	Яздигард III	632–651
Яздигард II	438–457		
Хурмузд III	457–459		

<sup>533</sup> Ривоятларга қараганда, Шопур араблардан бир қанчасини асир қилиб олади ва уларнинг кифтларини (куракларини) тешиб, ип ўтказнишга буюради. Шунинг учун ҳам «зулактоф» («кифтлар эгаси») деган лақаб олади.

<sup>534</sup> З. да шу сўз ҳарфларининг диакритик белгилари қўйилмаган. И. да эса Туркзод (تركزاد) ёзилган. Таржимада шу қабул қилинди.

<sup>535</sup> Қўлимиздаги мавжуд нусхаларнинг ҳаммасида, шу жумладан кейинги иккита исм ҳарфларининг диакритик белги ва ҳаракатлари қўйилмай ёзилгани сабабли уларни ўқиш имкони бўлмади. Шунинг учун бу сўзлар тушириб қолдирилди.

<sup>536</sup> Юқорида Сосонийлар сулоласи 425 (226–651) йил ҳукм сурганини айтдик. Беруний келтирган мазкур жадвалда эса 431 йил бўлиб, фақат 6 йил фарқ қилади, холос. Қуйида келтириладиган бошқа жадвалларда ҳам турлича фарқлар мавжуд.

<sup>537</sup> Беруний бу жадвални Ал-Кисравий тўғрилаган жадвал деб ишонч билдирса ҳам, ундаги Сосоний подшоҳлари ҳукм сурган умумий муддат (696) ҳақиқий муддат (425) дан 271 йилга фарқ қилади, яъни Ал-Кисравийда йиллар жуда ортиқча ҳолатда кўрсатилган.

<sup>538</sup> Бу ердан бошлаб З. да тушиб қолган жойларни И. орқали К. Гарберс ва И. Фюклар томонидан тузатилган фотонусхадан таржима қилиб тўлдирилди ва шу нусха бетлари кўрсатиб кетилди.

<sup>539</sup> Мунажжим – илми нужумнинг, яъни астрологиянинг мутахассиси, астролог.

<sup>540</sup> *Қирони авсат* – «ўртгача бирлашиш» демакдир. Муштарий ва Зуҳалнинг ўртгача бирлашиши ҳақида юқорида 418-изоҳга қаранг.

<sup>541</sup> Ашкониёлар ҳукмронлиги 476 йил (мил.авв. 250 йилдан мил. 226 йилгача) давом этгани ҳақида юқорида изоҳ берилган эди. Буни Беруний яхши билган. Бизнингча, бу ерда олим ҳисоб илмини билмаган астрологларни мазах қиляпти.

<sup>542</sup> Виштасп тарихий шахс ва мил. авв. VI асрнинг биринчи ярмида яшаган, ҳатто Доро I нинг (мил. авв. 522–486) отаси бўлиб, Ахамонийларнинг ён тармогига тегишли, Камбизнинг амакиси (ёки тоғаси) бўлган деб ҳисобланади. Унинг Зардуштга замондош бўлгани ва у Виштаспга унинг авлоди минг йил подшолик қилиши ҳақидаги гапи кейин тўқилган афсоналардан деб қаралмоғи керак.

<sup>543</sup> Агар бу 1221 рақамидан милод бошидан Яздигард III ўлдирилган йил 651 гача бўлган рақамни айирсак, милоддан аввалги 571 йил, яъни Зардушт Виштаспга мазкур сўзларни айтган йил рақами келиб чиқади. Лекин ҳозирги тадқиқотларга кўра, Зардушт бу йилдан анча аввал – мил. авв. 1500–800 йиллар атрофида яшаган деб ҳисобланади (Мэри Бойс. Зороастрийцы. – С. 8).

<sup>544</sup> Айирилган 258 рақами «Виштасп авлодлари подшоҳлик қилган йиллар» дейиляпти. Лекин аслида бу йиллар Куруш тахтга ўтирган мил.авв. 558 йилдан то Доро III ўлдирилган мил. авв. 330 йилгача бўлган оралик саналиб, у 228 йилни ташкил қилади.

<sup>545</sup> Шу ердан бошлаб И.га асосланиб таржима қилинди ва унинг рақамлари қўйилди. Чунки немис олимлари томонидан З.га илова қилиб тўлдирилган нусхада ҳам тушиб қолган жойлар бор.

<sup>546</sup> Қуръон, «Хужурот» сураси, 13-оят.

<sup>547</sup> Қуръон, «Муъминун» сураси, 101-оят.

<sup>548</sup> Бу ерда ҳадис келтирилган.

- <sup>549</sup> Яъни, «Яман ахолиси унга тобе бўлган эди». «Туббаъ» ҳақида 161-изоҳга қаралсин.
- <sup>550</sup> *Арабча сабо* (شعبا) – «асирга олиш» демақдир.
- <sup>551</sup> *Арабча роиш* (رائش) – «таъминловчи» демақдир.
- <sup>552</sup> Ҳозирги Тунис ва унинг шу номли пойтахти Рим империяси даврида Африка деб аталган. Бу унинг арабча талаффузидир. Кейинчалик бутун қитъа шу ном билан аталган.
- <sup>553</sup> *Наснос* – инсонсимон махлуқ.
- <sup>554</sup> *Заъир* (ذاعر), кўплиги *азъор* (أذعار) – «қўрқитувчи» демақдир.
- <sup>555</sup> *Ҳодҳод* (هدهاد) – кози, ўзига мушкул бўлган масалаларда ёрдам сўраладиган киши.
- <sup>556</sup> *Юнъиму* – *анъама* (آنعم) – феълининг ҳозирги-келаси замон шакли – инъом «беряпти» демақдир.
- <sup>557</sup> Бу исм Ёқутнинг «Муъжам ал-булдон» (босма нусхаси инв. № 8194) ва Шокир Сулаймонийнинг «Тарихи Ислом» (босма нусхаси 921, 14-бет) китобларида «Куликариб» шаклида ёзилган.
- <sup>558</sup> Бу ерда Қуръоннинг «Қоф» сураси 14-оятга назарда тутилади.
- <sup>559</sup> Подшоҳ фаолиятсиз ўтираверса, *мувсабон* (موثبا) дейилади.
- <sup>560</sup> Қуръоннинг «Буруж» сураси 4-оятдаги «Чоҳ эгалари» сўзини Байзовий қуйидагича изоҳлайди: «Нажронликлар христианликни қабул қилганларида химярийлардан бўлган яҳудий Зу-Нувос уловга қарши уруш қилиб, чоҳлар қаздирган ва шу чоҳларда уларни оловда куйдирган». Қуръоннинг русча таржимасига ёзилган И.Ю. Крачковский изоҳида ҳам: «Чоҳ эгалари» деб ё Яман подшоси ёки Зу-Нувос (524 йил) кўзда тутилган бўлса керак», – дейилган.
- <sup>561</sup> Русча таржимада бу подшоҳ юқоридаги шахсга қўшиб кўрсатилган. «Ўн йилдан кейин «ҳарб ул-фижор» бўлиб ўтди» жумласи тушириб қолдирилган.
- <sup>562</sup> Вахриз ва қуйидаги Бозон, Зодавайҳларнинг тўлиқ исмлари уларнинг Сосоний подшоҳлари хонадонидаги шахзодалар эканлигидан далолат беради.
- <sup>563</sup> Кейинги жумла Л.га асосан таржима қилинди.
- <sup>564</sup> Арим сели – Яманда бўлиб ўтган жуда катта сел тошқини. Бу сел Қуръоннинг «Сабо» сураси 16-оятда ҳам айтиб ўтилган. Бу тарихий воқеа мил.V аср охири ёки VI аср бошларида юз берган, деб ҳисобланади. Милод бошларида, балки ундан ҳам илгари, яманликлар Санъо яқинидаги тоғ дарасини тўғон билан беркитиб, катта сув омборини барпо қилганлар. Бу тўғон тарихда Мариб тўғони номи билан машҳур бўлган. Омборда тўпланган баҳорги ёмғир сувлари Яманнинг талай қисмини суғориб, боғ-роғларга, серҳосил экинзорларга айлантириш имконини берган. Яманликлар узоқ йиллар (балки асрлар) фаровон ҳаёт кечирганлар, Ямандаги боғлар жаннат боғларига ўхшатишган ва ҳатто, бир шаҳарларини 'Адан (жаннат) деб атаганлар. Қуръонга кўра, яманликлар ер юзидан жаннат барпо қилганликлари билан мағрурланганлар. Бундан Аллоҳнинг қаҳри келиб, уларга Арим селини юборган. Сел Мариб тўғонини бузиб, мамлакатини сувга ғарқ қилган ва яманликлар пароканда бўлиб, шимол тарафга тарқалиб кетганлар. Натижада Суриянинг жанубида Ғассоний араб амирлиги ва Ироқнинг гарбида, Ҳирада, Лаҳмий араб амирлиги шаклланган (юқорида 516-изоҳга қаранг).



<sup>565</sup> Арабча *мазақа* (مزق) феъли «йиртмоқ, ёрмоқ, парчаламоқ» каби маъноларни билдиради. «Музоқия» сўзи шу феълдан олинган.

<sup>566</sup> Матндаги ёзилиши шундай (Қайсар Настас) ўкилишини тақозо қилади. Бу исми русча нашрдагидек (Беруни. Памятники. – С.134), Кесарь Анастасий деб тасбит этиш мумкин. Лекин Рим императорлари орасида Анастасий дегани бўлмаган. Бизнингча, арабча ёзилишда хатолик бўлган ва аслида бу Қайсар Антунас бўлиши керак эди. Шунда бу номи император Қайсар (Цезарь, Кесар) Антонин Каракалла (211–217) билан тасбитлаш мумкин бўлади. Шунда Беруний келтирган жадвалдаги йиллар ҳам ҳақиқатга мос келади.

<sup>567</sup> Қайсар Дикив – Рим императори Цезарь Деций (249–251) – христианлик ҳали расмий тан олинмаган пайтда уларни таъкиб остига олган. «Фордаги ўсмирлар» – Децийнинг таъкибидан қочиб, горга бекинган бир гуруҳ такводор христиан ёш ўсмирлар.

<sup>568</sup> Анбар ва Ҳира – Ироқнинг ғарбидаги шаҳарлар.

<sup>569</sup> Хаварнақ – Ан-Нуъмон ибн Мунизир томонидан Ҳирада Баҳром Гўр хотира-сига атаб қурилган қаср.

<sup>570</sup> Адий ибн Зайд (VI а.) – араб-христиан шоири.

<sup>571</sup> «Икки Бузоқ» – Фарқадон – Кичик Айиқ юлдуз туркумининг юлдузлари. Исломгача арабларнинг бир қисми шу икки юлдузга топинган ва унга хайкаллар (санамлар) кўйган. Афтидан, Жазима шундай санамнинг олдига келиб май ичган.

<sup>572</sup> Агар бу ерда баён қилинган маълумотлар ва рақамлар ҳақиқат бўлса, Лаҳмийларнинг Ҳирадаги подшоҳлиги (ёки амирлиги) Ардашир I Попакон подшоҳлиги бошланган 226 йилдан 175 йил аввал, яъни милодий 51 йилдан бошланган бўлади. Бу ҳолатда Арим селининг келиши ва Мариб тўғонининг бузилиши, ҳақиқатан ҳам, Беруний юқорида айтганидек, «исломдан 500 йилча илгари» рўй берган бўлиб, бу деярли милод бошларига тўғри келади. Лекин фанда бу воқеа учун мил. 500-йиллар атрофи кўрсатилган.

<sup>573</sup> Бу ерда Эроннинг Сосонийлар сулоласидан иккинчи шаҳаншоҳи Шопур I (241–272) назарда тутилади.

<sup>574</sup> Имруул-Қайс ибн Амр – исломгача Арабистон яриморолидан ташқари ҳукм сурган араб подшоҳларининг энг машҳури, (ваф. мил. 328) Дамашқдан жануби-ғарброқдаги Немара номи мавзе қабристонига кўмилган. Қабр тошидаги битикда мазкур сана кўрсатилиши билан бирга, уни «ҳамма арабларнинг подшоҳи» дейилган ва у бўйсундирган қабилалар, забт этган ерлар қайд этилган (Пигулевская. Арабы у границ Византии и Ирана. – С.22–27).

<sup>575</sup> Қуня – отанинг бола номи билан аталадиган лақаби. Масалан, «Абу Толиб» – «Толибнинг отаси», «Абул-Қосим» – «Қосимнинг отаси» каби. Лекин қуня бирор хусусият, ҳунар ва шунга ўхшаш нарсалар муносабати билан ҳам берилиши мумкин. Масалан, асар муаллифи Берунийнинг қуняси «Абу Райҳон», лекин унинг Райҳон исми ҳеч кими бўлмаган.

<sup>576</sup> Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (тахм. 783–848) – буюк ўзбек олими – математик, астроном, географ ва тарихчи: у ўзи шуғулланган барча фанлар соҳасида биринчи бўлган. Унинг алгебрага оид асари орқали шу фанга асос солинган ва фаннинг номи берилган. Арифметикага оид рисоласида тўққиз рақами ва ноль белгиси муо-

малага киритилиб, ўнлик позицион ҳисобига асос солинган. «Китоб ат-тарих» асари тарих соҳасидаги биринчи асар бўлиб, у йилнома тарзида ёзилган, унинг сақланган парчалари 1983 йили олим таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан рус тилида нашр этилган. (Ал-Хорезми. К 1200 летию.– С. 234–260).

<sup>577</sup> «Амина» Л.дан бошқа нусхаларда йўқ.

<sup>578</sup> Муҳаммад алайҳиссаломнинг отаси Абдуллоҳ Абдулмутталибнинг ўғли бўлган ва ўз ўғли тугилмасидан олдин вафот этган. Онаси Омина эса Муҳаммад беш ёшга тўлиб, олти ёшга ўтганда, Йасрибдан Маккага қайтиш йўлида, Абва деган манзилда вафот этади. Ёш Муҳаммад бобоси Абдулмутталибнинг қарамоғида қолади.

<sup>579</sup> Ёш Муҳаммаднинг бобоси Абдулмутталиб 578 йили вафот этади ва уни амакиси Абу Толиб ўз қарамоғига олади.

<sup>580</sup> Бусра – Дамашқдан жануброқдаги шаҳар.

<sup>581</sup> Уқоздаги жанг 590 йили юз берган, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам иштирок этган.

<sup>582</sup> Муҳаммад алайҳиссалом 595 йили, 25 ёшида амакиси Абу Толибнинг маслаҳати билан бадавлат тул аёл Ҳадича бинт Хувайлиднинг Сурияга юбораётган карвонига мухтасиб бўлиб боради.

<sup>583</sup> Карвон Маккага қайтиб келганидан сўнг Ҳадича Муҳаммаднинг ҳалол ва поклигига тан бериб, унга турмушга чиқади. Эски адабиётда ўша пайтда Ҳадичанинг ёши 40 да эди дейилган. Лекин сўнгги тадқиқотлар унинг ёши 28да бўлганини ва у Муҳаммаддан фақат 3 ёш катта эканини кўрсатди. (Большаков. История Халифата I. – С. 66).

<sup>584</sup> Бу воқеа 610 йили Муҳаммад алайҳиссалом 40 ёшда бўлганда юз берган.

<sup>585</sup> Абу Толиб 619 йили 80 ёшида вафот этган.

<sup>586</sup> Ҳадича ҳам ўша йили, Абу Толиб ўлимидан бир ой кейин вафот этган.

<sup>587</sup> Зайд ибн Ҳориса – аввалига Ҳадичанинг қули бўлган. 595 йили Муҳаммад алайҳиссалом унга уйланганида Зайдни турмуш ўртоғига ҳадя қилган. Лекин кўп ўтмай, Муҳаммад алайҳиссалом уни Каъбага олиб бориб, ўша ерда тантанали равишда озод қилган.

<sup>588</sup> Тоиф – Арабистонда Маккадан 80 километрча шарқда жойлашган шаҳар. Бу шаҳарда боғдорчилик, хусусан, узумчилик қадимдан ривожланган. Биздаги «тоифи» навли узумнинг ватани ўша шаҳар.

<sup>589</sup> Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Йасрибга (кейинчалик Мадина) кўчиши – ҳижрати 622 йилнинг 16 июль куни юз берган.

<sup>590</sup> Одатда, сафарга чиққан кишиларга осон бўлиши учун намозда энгиллик берилади. Фарз намозларининг тўрт ракатлилиги (пешин, аср ва хуфтон) икки ракат қилиб ўқилади. Бу «қаср намоз» («қалта намоз») деб аталади. Муҳаммад алайҳиссалом Мадинага кўчиб келгунларича доимий сафарда бўлганлари учун «қаср намоз» ўқиганлар.

<sup>591</sup> Муҳожирлар – Пайғамбар билан биргаликда Мадинага кўчган кишилар – ҳижрат қилганлар, ансорлар – унга ёрдам берган мадиналиклар.

<sup>592</sup> Муҳаммад алайҳиссалом Ойшага 623 йили 53 ёшида уйланган, у пайтда Ойша 9 ёшда эди.

<sup>593</sup> Бу воқеа 324 йили бўлган.

<sup>594</sup> Расулulloҳ бу жанг учун 623 йилнинг 15 июль куни 60 киши билан Йасрибдан чиқади ва Абва яқинидаги ал-Фаръ сойига етиб тўхтайтиди. Катта жанг юз бермай, мусулмонлар Йасрибга сентябрь бошида қайтиб келадилар.

<sup>595</sup> Бу ва бундан кейинги ойдаги жанг ҳам мусулмонлар учун натижасиз тугаган.

<sup>596</sup> 624 йилнинг бошида юз берган бу жангда мусулмонлар Тоиф билан Макка оралиғида кичик гуруҳ билан маккаликларнинг карвонига ҳужум қилганлар ва галабага эришиб, катта ўлжани қўлга киритганлар.

<sup>597</sup> Бу фарз 2 ҳижрий йили Шаббон ойи ўртасида, яъни милодий 624 йилнинг 11 февралда жорий этилган.

<sup>598</sup> Исломнинг илк тарихида мусулмонлар яҳудийларни ҳам «китоб аҳли»ни ҳам «ҳанифлар» деб ҳисоблашган ва улар бир муддат Байт ул-Муқаддас тарафга қараб ибодат қилганлар. Энг биринчи ханиф Иброҳим алайҳиссалом Каъбани Қуддусдан (буни Довуд алайҳиссалом мил.авв. X асрда барпо қилган) анча аввал (мил.авв. XXIII асрда) барпо қилган. Сўнг қиблани Каъбага йўналтириш ҳақида «Бақара» сурасининг 142–145-оятлари (Йасрибда) нозил бўлади. Шундан кейин мусулмонлар 624 йилнинг бошларидан намозларини Каъбага юзланиб адо эта бошладилар.

<sup>599</sup> Бадр – Мадинадан қарийб 120 километр жануби-гарбда жойлашган Шом-Мадина карвон йўлидаги манзил. 624 йилнинг 15 мартада шу манзил ёнида Муҳаммад алайҳиссалом бошчилигидаги мусулмонлар билан Абу Жаҳл бошчилигидаги мушриклар ўртасида юз берган жангда, мусулмонларнинг сони душман сонидан қарийб тўрт баравар кам ва душманларнинг кўпи отлик ва туяда бўлишига қарамай, мусулмонлар тўлиқ галабага эришадилар.

<sup>600</sup> Қайнуқаъ авлоди – Бани Қайнуқаъ – Йасрибда яшовчи яҳудий динидаги араблар. Муҳаммад алайҳиссалом Бадр жангидан кейин Йасрибга қайтгач, уларга Исломга ўтишни таклиф қилади ва акс ҳолда, уларнинг Аллоҳ Макка Қурайшийларини жазолаганидан ҳам оғирроқ жазолашини айтади. Шунда улар Расулulloҳга: «Эришган ғалабанг билан мағрурланма: сен жангни билмайдиган одамларни енгдинг, биз эса жанг одамларимиз, агар биз билан урушсанг, бундайлар билан ҳеч урушмаганлигингни англайсан», – қабилида жавоб берадилар. Жанг 624 йилнинг 10 апрелида юз беради. Кўчалардаги кичик жангдан сўнг Бани Қайнуқаъ ўз маҳаллаларида истехкомланиб оладилар. Бир неча кун давом этган камалдан сўнг улар таслим бўлади. Лекин Муҳаммад алайҳиссалом таслим бўлган Бани Қайнуқаъни жазоламай, шимолга – Ҳайбар дараси ва Сурия тарафга кўчириб юборади.

<sup>601</sup> Асарнинг русча нашрида савиқ Абу Суфённи қувлаш учун юборилган мусулмон кишининг номи бўлиб қолган. Ўзбекча нашрда эса у жойининг номи бўлиб қолган. Аслида савиқ – буғдой ёки арпани ёғ, асал ёки хурмо билан қайнатиб, кейин қуритиб тайёрланган таомнинг номи. Одатда, араблар карвонда узоқ йўлга чиққанларида ўзлари билан бир неча қоп савиқ олиб юрганлар. Бадр жангидан сўнг Абу Суфён мағлубият учун қасос олиш мақсадида маккаликлардан 40 кишини олиб, Йасриб тарафга юради. 624 йил 12 июнь куни Ал-Урайд деган манзилга келиб, бир мусулмонни ўлдиради. Бундан хабардор бўлган Пайғамбар алайҳиссалом дарҳол 200 кишини тўплаб, маккаликларга қарши чиқади. Лекин маккаликлар ўзлари билан бўлган савиқ солинган қопларни ташлаб, енгил бўлиб, ўз шаҳарлари тарафга қочиб улгурадилар. Бу воқеа тарихга «Савиқ жанги» номи билан кирган.

<sup>602</sup> Муҳаммад алайҳиссалом 624 йил 8 июль куни 200 кишилик қўшин билан Мадинадан 80 километрча шарқдаги Ал-Қудр деган жойда Бану Сулайм ва Ғатафон қабилаларидан душман тўплангани хабарини эшитиб, ўша тарафга юради. Лекин келиб, ҳеч кимни топмайди ва 15 кундан кейин 500 туядан иборат ўлжа билан Мадинага қайтиб келади.

<sup>603</sup> Мазкур воқеадан уч ойча ўтганидан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом 450 кишилик гуруҳ билан Мадинадан узоқ бўлмаган Зу-Амарр деган жойда Бану Саълаба ва Ғатафоннинг мухориб уругидан бир гуруҳи душманлик мақсади билан тўпланганлигини эшитиб, ўша тарафга юради. Лекин бу гал ҳам ҳеч кимни учратмагач, 11 кундан кейин Мадинага жангсиз ва ўлжасиз қайтиб келишади.

<sup>604</sup> Абу Суфён «Бадр жанги»даги мағлубият аламини унутолмади ва қасос ололмади, аксинча «Савиқ жанги» унинг аламини янада кучайтирди. Мусулмонлардан қасос олиш учун у Тоифдаги Бани Сақиф қабиласини ҳам жалб қилди. Абу Суфён жами 3000 кишидан иборат куч тўплади. Уларда 3000 туя ва 200 от бўлиб, аскарларининг 700 таси совут кийган эди. Абу Суфён шу куч билан 625 йил 21 март куни Мадина тарафига юради ва ундан 10 километрча жануби-ғарбдаги Зул-хулайфа деган жойда тўхтади. Бундан беҳабар қолган Муҳаммад алайҳиссалом душман ҳақида эшитиб, шошилинич равишда 1000 кишидан иборат аскар тўплаб улгуради, улардан фақат 100 кишида совут бор эди. Душманга тўсатдан дуч келиб колмаслик учун Муҳаммад алайҳиссалом ўз аскарлари билан Мадинадан шимолга Қанот сойи томон юради ва Шайхан майдонида тўхтади. Кейин у сойга орқа қилиб, Айнайн тепалигининг шимоли-ғарбига, яъни Уҳуд тоғидан жануброққа жойлашади. Душман ҳам шу ерга яқинлашиб келган эди. Лекин шу пайт кутилмаганда мусулмон қўмондонларидан бири – мунофиқ Ибн Убай ўзининг 300 аскарлари билан Мадинага қайтади. Мусулмон аскарлар билан Мадина оралиғига Макка мушриклари сурилиб келаётган эди ва улар шаҳарга хавф туғдиришлари мумкин эди. Кучлар тенг бўлмаган ҳолда жанг бошланади ва мусулмон аскарлар қаттиқ матонат кўрсатганларига қарамай, душман устун келади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзи бошидан қаттиқ ярадор бўлади ва юзи қонга беланади. Лекин шунга қарамай, у жангни давом эттираверади. Мусулмонлар енгилганларига қарамай, жанг майдонидан қочмайдилар. Абу Суфён бошлиқ мушриклар қасос олинди, деб ҳисоблаб, Маккага қайтадилар.

<sup>605</sup> Муҳаммад алайҳиссалом 626 йил июнда 400 кишилик гуруҳ билан Мадинадан 100 километр шимоли-шарқдаги Зот ар-Риқоъ деган жойга Ғатафон қабиласига қарши чиқади, лекин тўқнашув бўлмайди. Муҳаммад алайҳиссалом Мадинага баъзи саргузаштлар билан, жумладан, хавф намозини ўқиб, кичик ўлжа билан қайтади.

<sup>606</sup> Думат ал-Жандал – Арабистон яриморалининг шимоли-ғарбидаги мавзе. У ердаги жанг 630 йили юз берган. Демак, жадвалнинг шу сатри хато равишда юқорига чиқиб қолган ва бунинг жойи анча қуйида бўлиши лозим. Шундай бўлсада, воқеанинг тавсифи қуйидагича: 630 йилнинг саратонида Сурия савдогарлари Мадинага: «Византия императори Ираклий Арабистон ва Мадинага катта куч билан келаяпти», – деган хабарни олиб келдилар. Муҳаммад алайҳиссалом тезда куч тўплаб, император юришининг олдини олиш учун ўз қўшини билан шимолга юради. Яриморолнинг шимоли-ғарбидаги Табук шаҳрига келганида византияликларнинг Мадинага юриши ҳақидаги хабар ёлғон эканлигини аниқлайди, яъни «душманнинг

хийласига учмайди». Табук аҳли жангсиз таслим бўлади ва жия тўлашга рози бўлади. Расулulloҳ асосий кучлари билан Табукда ўрда куриб, атрофдаги воҳаларга элчиларни юборади ва лашкарбошиси Холид ибн ал-Валидни 420 отлиқ билан Табукдан 350 километр шимоли-шарқдаги Думат ал-Жандал (ҳозирги ал-Жауф) қалъасини бўйсундиришга юборади. Холид қалъага кўкқисдан ҳужум қилади ва қалъа амири Киндийлардан бўлган насроний Уқайдир бўйсунушга мажбур бўлади. У ўлпон сифатида 2000 туя, 800 қул, 400 совут ва 400 ўқ топширади. Холид Уқайдирни укаси билан бирга Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурига олиб келади. Уқайдир билан бўлган сулҳ битимига кўра, у ва унинг тобелари исломни қабул қилишади, Пайғамбарга ўлжа сифатида ерларининг 1/5 қисмини топширади ва ҳар йили хурмо ҳосилининг 1/10 қисмини ҳамда садақа сифатида чорва маҳсулотини топширишга рози бўлади.

<sup>607</sup> Муҳаммад алайҳиссалом 626 йилнинг охирида қарийб 340 кишилик гуруҳ билан Бани Хузоъа қабила бирлашмасининг шохобчаси бўлмиш Бани Мустаълик қабиласига қарши жангга чиқади. У ҳаётида биринчи марта урушга аёлларини – икки завжаси Ойша ва Умму Саламани олиб чиқади. У Ал-Фуръ сойининг ўрта қисмидаги Ал-Мурайсий қудуғининг ёнида душманга кутилмаганда ҳужум қилиб, тамомила енгади. Юз берган қисқа отишмада мусулмонлардан бир киши ўлдирилади, душманлардан эса 10 киши ўлдирилиб, қолганлари асир олинади. Голиблар қўлига катта ўлжа тушади: 2000 туя, 5000 қўй ва 200 аёл болалари билан.

<sup>608</sup> Муҳаммад алайҳиссалом Бани Мустаъликқа қарши Ал-Мурайсийда бўлган жангдан қайтаётганда Ойша ҳожат учун карвондан четга чиқади. Бунинг устига бўйнидаги маржонининг ипи узилиб, у сочилиб кетади. Уни териш билан овора бўлган Ойша карвондан қолиб кетади. У пайтда Ойша 13 яшар ва жуссаси кичик бўлгани учун туякаш ҳам муҳаффаъ (туя устидаги соябон қурилма – кажава)да унинг йўқлигини билмай қолди. Ойша эса карвон турган жойга келиб, ҳеч кимни тополмай, чодирига ўралиб олади. Шу пайт Ойша каби ҳожат сабабли «далага чиққан» ёш ансор Сафвон келиб қолди ва у Ойшани туясига ўтказиб, карвон тўхтаган жойга олиб бориб қўяди. Тез орада карвонда Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаси кечани бегона эркак билан ўтказибди, деган бўхтон тарқалади. Шундан сўнг, Ойшанинг айбсизлиги исботланади ва Қуръоннинг «Нур» сурасида унинг поклиги, иффати ҳақида бир неча оят нозил бўлади.

<sup>609</sup> Муҳаммад алайҳиссаломнинг мушриклар устидан доимий ғалабалари баъзи мушрикларни бу ғалабаларнинг сабаби нимада эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилган бўлса, баъзиларини унга қарши йирик иттифоқ тузиш керак деган фикрга олиб келади. Мана шу кейинги фикрга келганлар Мадинадан ҳайдалган Бани Назир қабиласи бошлиқлари эди. Улар дарҳол Маккадаги Қурайший мушрикларнинг йўлбошчиси Абу Суфёнга ўз таклифлари билан мурожаат этадилар. Қурайшийлар таклифни қабул қиладилар. Лекин Абу Суфённинг дунёқарашы бироз ўзгарган эди. Унда иккиланиш пайдо бўлиб: «Нега мусулмонлар доим ғалаба қозонаверадилар? Ёки Муҳаммаднинг таълимоти тўғрими?» деган фикрлар унинг ҳаёлини чулғар эди. Буни кўриб, Бани Назир вакиллари маккаликларнинг эътиқоди тўғри деган фикрни унга уқтирадилар. Маккаликлар 4000 аскар тўплайдилар, бунга Марр аз-Заҳронда Бани Асаддан 300 отлиқ ва Бани Сулаймдан 700 аскар қўшилади. Буларга яна Бани Ғатафондан 1800 кишилик аскар ҳам қўшилади. Умуман олганда, мушриклар 10000 кишилик қўшин тўплайдилар.

Бундан хабардор бўлган Муҳаммад алайҳиссалом 3000 аскар тўплаб, Мадинани мудофаага ҳозирлай бошлайди. Уч баробардан ортиқ душман билан жанг майдонда курашиш мусулмонлар учун ҳалокатли эканлигини у яхши тушунарди. Шунда у форс саҳобаси Салмон ал-Форсийнинг маслаҳати билан шаҳарнинг душманга қараган тарафига хандақ казиб, уни сув билан тўлдиришга қарор қилади. Маккаликлар 627 йилнинг 31 мартида Мадинага жануб тарафдан келиб, унинг сув тўлдирилган хандақ билан ўралганини кўриб, ниҳоят ажабланидилар. Шундай бўлса-да, мушриклар шаҳарни хандақ тарафдан камал қилиб турадилар. Ниҳоят, камалнинг ўн учинчи ёки ўн тўртинчи куни шиддатли бўрон келиб, душмanning ўрдасини кўкка совуради. Мушриклар ортга қайтишга мажбур бўладилар ва мусулмонлар навбатдаги ғалабага эришадилар.

Бу борада Қуръоннинг «Аҳзоб» сурасидаги бир неча оят нозил бўлади.

<sup>610</sup> Бани Қурайза мадиналик бўлишларига қарамай, «Хандақ жанги»да душмanning тарафини олган эдилар. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом улардан 150 кишини иъдом (қатл) қилади ва қолган 600 кишини асир олади.

<sup>611</sup> Зайнаб бинт Жаҳш – Пайғамбар алайҳиссаломнинг қули ва кейинчалик асранди ўғли бўлган Зайд ибн ал-Ҳорисанинг завжаси. Зайд хотинини талоқ қилади.

<sup>612</sup> Муҳаммад алайҳиссалом 627 йилнинг 21 августида 200 киши (бундан 20 таси отлик) билан Ар-Ражиъда ўлдирилган мусулмон учун қасос олиш мақсадида Бани Лихёнга қарши жангга чиқади. Мақсадни душмандан сир сақлаш учун у аввал шимолга, Сурия тарафга юради, сўнгра Ал-Батрга келгандан кейин чапга юради ва Йайн орқали Макка йўлига чиқиб, тезлик билан Ғурон сойи яқинига келади. Лекин эҳтиёт чоралари кўрилганига қарамай, Бани Лихён ҳолатдан хабар топиб, тарқалиб кетадилар. Муҳаммад алайҳиссалом 3 сентябрда Ал-Усфон орқали Мадинага қайтиб келади.

<sup>613</sup> Мазкур сентябрь ойининг охирироғида Бани Фазора қабиласининг раиси Уйайна ибн Ҳисн 40 отлик билан келиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг Ал-Ғаба (Мадинадан 20–25 километрда) ўтлоғидаги 20 та соғиладиган туясини ҳайдаб кетади. Пайғамбар алайҳиссалом уларни таъқиб қилиш учун 500 кишини олиб чиқади, улар Бани Фазоранинг орқада қолган одамларига етиб оладилар ва улардан тўрт кишини, жумладан, Уйайнанинг ўғлини ўлдирадилар. Муҳаммад алайҳиссалом Зу-Қарадга бориб, у ерда бир кун туради ва туяларининг фақат ярмини қайтариб олиб, Мадинага қайтиб келади.

<sup>614</sup> Эрон шоҳи Хусрав II Парвизнинг (590–628) ўғли Кавад II Шируя 628 йили Византиянинг ёрдами билан отасига қарши кўзғолон кўтаради ва саройга кириб, уни ўлдиради. Лекин ўша йил охирида ўзи ҳам ўлдирилади.

<sup>615</sup> 628 йил март ойининг бошида Муҳаммад алайҳиссалом Маккага Умра ҳажи қилиб боришларини эълон қилади. Тайёргарчиликлар 13 март куни тугайди ва Пайғамбар алайҳиссалом минг кишидан ортиқ катта карвон билан Мадинадан чиқади. Қурбонликка 70 та туя олдилар, улар орасида Бадр жангида ўлжа бўлган Абу Жаҳлнинг туяси ҳам бор эди. Ҳажжожлар ўзлари билан фақат қиличларини оладилар. Карвон Ал-Усфонга келганида маккаликлар қуролланиб, аскар тўплаб, мусулмонларни Каъбага киритмасликка ҳозирланиб турганларини кўради. Шунга қарамай, Расулulloҳ олдинга юраверади, лекин Халид ибн Ал-Валид 200 отлик аскар билан

чикиб, унинг йўлини тўсади. Ўшанда мусулмонлар қарвони чап тарафга бурилади ва айланма йўл билан Маккадан 18 километр масофадаги Худайбия деган сувлоққа етиб келади. Лекин сувлоқ ҳавзасининг суви тамом бўлиб, таги қуриб қолган эди. Шунда Расулulloҳ бир мўъжиза қилади: ўқдонидан бир камон ўқини олади ва уни одамларидан бирига бериб, ўқ учини булоқ кўзига тикишни буюради. Аскар ўқни ҳавза тагига тикқанида, тешиқдан сув отилиб чиқади. Мушрикларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай, мусулмонлар Қаббага қандай қилиб бўлса ҳам киришга тайёрликларини билдирадilar ва бир оғиздан Муҳаммад алайҳиссаломга қасамд қиладилар. Бу орада Усмон ибн Аффон мушриклар билан изчил музокара олиб боради. Пировардида, мушриклар Муҳаммад алайҳиссаломни тенг тараф деб тан олишга ва у билан шартнома тузишга рози бўладилар.

Шартноманинг асосий ҳолатлари ҳақида келишилганидан сўнг уни қандай сўзлар билан бошлаш ҳақида баҳс юзага келади. Муҳаммад алайҳиссалом уни «Бисмиллоҳир раҳмони-р-раҳим» деб бошламоқчи бўлди, лекин маккаликларнинг вакили Суҳайл ибн Амр: «Биз Аллоҳни биламиз, лекин Ар-Раҳмон Ар-Раҳимни билмаймиз», – дейди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом Алига айтади: «Ёз: Сенинг исминг билан, ё Аллоҳ!». Шартномада Муҳаммад алайҳиссаломнинг унвонини ёзиш ҳақида ҳам баҳсли ҳолат юзага келади. Мусулмонлар уни «Расулulloҳ» деб аталиши ҳақида қаттиқ туриб оладилар. Суҳайл эса эътироз билдириб: «Агар мен сенинг Расулulloҳ эканлигингни тасдиқласам, у ҳолда биз сен билан нега урушдик?» – дейди ва уни «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ» деб ёзилишини талаб қилади. Муҳаммад алайҳиссалом мийиғида кулиб, розилик билдиради.

Шартномага кўра, мусулмонлар билан маккаликлар ўртасидаги уруш ҳолати бекор қилиниб, сулҳ ўрнатилади, умра ҳажидан сўнг мусулмонлар кетадилар ва Маккага келаси йилгача кирмайдилар. Шартномада келаси йили маккаликлар шаҳардан чиқадилар ва мусулмонлар уч кун ҳаж қиладилар, дейилган эди. Шундан сўнг мусулмонлар Маккадан қайтиб, Ал-Усфонга келганларида «Фатҳ» сурасининг биринчи ояти: «Инна фатаҳна лака фатҳам-мубинан» – «Ҳақиқатан, биз сенга аниқ ғалаба бахш этдик» – нозил бўлди.

<sup>616</sup> Худайбия шартномасидан сўнг Муҳаммад алайҳиссаломнинг мавқеи анча кўтарилади ва у 628 йилнинг ёзида исломни қабул қилишлари даъвати билан Византия императори Ираклийга (610–641), Эрон шоҳи Хусрав II Парвизга (590–628), Ираклийнинг Мисрдаги ноиб Ал-Муқавқис (аслида, Георгий)га, булардан ташқари, Ҳабашистон негусига, Суриядаги Ғассонийлар амирига, Уммон ва Яман маликларига, Баҳрайн ва Ямома ҳокимларига элчилар орқали мактублар юборади. Жавоб фақат Ал-Муқавқис – Георгийдан келади, қолган мактублар жавобсиз қолади. Георгий жавоб сифатида ҳадялар юборади: опа-сингил икки канизак, бичик ғулом, хачир ва қибт матоларидан кийимлар. Канизаклардан бирини – Мария Ал-Қибтияни Пайғамбар ўзига хотин қилиб олади, иккинчисини Ҳассан ибн Собитга ҳадя қилади.

<sup>617</sup> Ҳайбар Мадинадан 150 километрча шимолдаги мавзе ва унинг атрофидаги воҳа бўлиб, Ироқ ва Сурияга олиб борадиган йўлда жойлашганди. Бундан ташқари, у ерда илгари Мадинадан қувилган яҳудийлар ўрнашиб олган бўлиб, улар вақти-вақти билан Мадинага ҳужумлар уюштириб турар, шаҳар атрофидагиларнинг туялари ва қўйларини ўғирлар ва умуман, мадиналикларга катта ташвишу ноқулайликлар

туғдириб турардилар. Расулulloҳ Худайбиядан қайтиб келганидан кейин икки ой ўтгач, Ҳайбардаги диний душманлар билан орани очик қилишга қарор қилади ва 1400 га яқин аскар тўплайди, улардан 200 таси отлик эди. Мусулмон аскарлари Ҳайбар яқинида тўсатдан пайдо бўлади ва воҳадаги душманлар ўзини ўнглаб ололмайдди. У воҳадаги қалъа ва истехкомларни бирин-кетин забт этиб, 628 йилнинг ёзи охирида Мадинага катта ўлжалар билан қайтиб келади.

<sup>618</sup> Маккада Умра ҳажи қилиниб, Худайбия битими (616-изоҳга қаранг) имзоланганига бир йил тўлгач, Муҳаммад алайҳиссалом 629 йилнинг 2 мартида ўша ҳажда иштирок этганларнинг ҳаммасини, шунингдек, баъзи мушрикларни ҳам бирга тўплаб – жами 200 киши тўпланади – янги Умра ҳажига отланади. Бу ҳаж тарихга «ал-умра ал-қадийа» («қазо умраси») номи билан кирган. Аввал 100 отлик илғор қилиниб, улардан кейин ўғруқ қурол-аслаҳа билан олдинга юборилади, уларнинг кетидан ҳажожлар эҳромга борадилар. Маккага яқинлашилганда қурол-аслаҳа ва ўғруқ 200 кўриқчи билан қолдирилади ва қолганлар фақат қиличлари билан Маккага кирадилар. Маккаликлар Дор Ан-Надва яқинида уларга жой ажратиб берадилар. Муҳаммад алайҳиссалом Каъба атрофида етти марта тавоф қилганидан сўнг Марва яқинида тўхтайдди ва қурбонликка келтирилган ҳайвонларни сўйдиради. Сўнгра ҳожиларнинг бир қисми шаҳардан ташқарига чиқиб, ўғруқни кўриқлаб турганларни ҳажга киритадилар. Набиulloҳнинг бир ўзи оз муддат сукутга чўмиб, Каъба олдида тўхтаб туради. Маккаликлар узокдан бу ҳодисани диққат билан кузатиб турадилар.

Тинчлик билан ниҳоясига етган бу ҳаж Муҳаммад алайҳиссалом мавқеининг кучайишида муҳим аҳамият касб этди: унинг айтганлари ва берган ваъдалари амалга ошаётганига ҳамма шохид бўлди. Маккаликлар уч кун давомида унинг фармонлари сўзсиз бажарилаётгани, икки минг одам ҳеч бир эътирозсиз унга бўйсунаётгани, унинг чиндан ҳам катта кучга эга эканлигини ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлдилар. Биринчи бўлиб буни Холид ибн ал-Валид англади ва: «Ҳар бир оқил одамга аёнки, Муҳаммад сеҳргар ҳам, коҳин ҳам эмас. Унинг сўзлари – Оламлар Роббининг сўзларидир. Идроки бор ҳар бир киши унга эргашиши керак», – деди. Холид билан деярли бир вақтда Амр ибн ал-Ос ҳам исломни қабул қилади.

<sup>619</sup> 629 йилнинг охирига келиб Мадина ва унинг атрофларида Ислом тўла ғалаба қилди. Мадина билан Макка оралиғи ҳам исломга ўтган эди. Макканинг ўзида ҳам исломга яширин ҳолда эътиқод қилаётганлар мавжуд бўлиб, бундан 7–8 йил бурунги жаҳолат шиддати анча сўнганди. Шундай бўлишига қарамай, йирик қабила ва уруғларнинг раислари ҳали жаҳолат оғушида эдилар. Шуларни эътиборга олиб, Муҳаммад алайҳиссалом Маккани куч билан забт этишга қарор қилади. 630 йилнинг 1 ёки 4 январида у бир неча минг кишилиқ лашкар билан Макка тарафига юриш қилади. У асл мақсадини қаттиқ сир сақлаб, атрофдагиларга қайси тарафга юраётганини билдирмайди. Абвага (ёки Ал-Жухфага) етиб келганида, амакиси Ал-Аббос билан учрашади ва у Исломни қабул қилади. Ниҳоят, маккаликлар мусулмонларнинг катта куч билан келаётганидан хабардор бўлиб, кон тўкилишининг олдини олиш учун Абу Суфён, Ҳаким ибн Хизом ва Будайл ибн Варқадан иборат тамсилчиларни музокарага юборадилар. Улар кечки пайт етиб келадилар. Муҳаммад алайҳиссалом уларни эртаси кун тонгда қабул қилиб, учаласига ҳам Исломни қабул қилишни таклиф қилади. Будайл ва Ҳаким кўнмайдилар, Абу Суфён эса бир оз иккиланиб



туриб, исломни қабул қилишга рози бўлади. Расулulloҳ Абу Суфёнга ҳам, мушрикларга ҳам, агар улар уйларида ташқарига чиқмасалар, омоиликни ваъда қилади. Сўнгра маккаликларнинг қаршилиқ кўрсатишга журъатларини тамоман синдириш мақсадида Абу Суфён ва унинг ҳамроҳлари олдидан 10000 кишилиқ аскарини саф тортириб ўтказди. Абу Суфён руҳан эзилган ҳолда Маккага қайтиб келади. Аҳвол шаҳарликларга аён бўлганидан сўнгра ҳамма уйларига бекиниш чорасини кўради. 630 йилнинг 12 январь куни мусулмон аскарлар Маккага тўрт тарафдан қатор тизилиб кирадилар. Жарчилар маҳаллаларда юриб, Ислоннинг асосий қонун-қоидаларини эълон қиладилар. Эртаси куни Муҳаммад алайҳиссаломнинг фармони билан Каъбадаги, маҳаллалар ва хонадонлардаги бут ва санамлар синдирилади. Шаҳар атрофидаги қишлоқ ва туманларда ҳам худди шундай қилинади.

<sup>620</sup> Ислон кўшини Маккани кўлга киритиб, атрофдаги мушрикларнинг ибодатхоналари ва санамларини бузиш билан банд бўлиб турганида, Макка яқинидаги қудратли Ҳавозин ва Сақиф қабилалари бирлашиб, мусулмонларга зарба бериш учун Автасда (Тоифдан 80 километр шимолда) куч тўплаётган эдилар. Буни эшитгач, Муҳаммад алайҳиссалом шошилиқчи равишда ўз кўшинларини қуроллантиришга киришади ва бунинг учун Сафвон ибн Умаййадан қарзга 50000 дирҳам ва 100 та совут олади, Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъ Ҳувайтибнинг ҳар биридан 40000 дирҳамдан олади. Унинг 10000 кишилиқ кўшинига маккаликлардан яна 2000 киши қўшилади.

Икки тараф кўшинлари 630 йилнинг 30 январидан 100 км шимоли-шарқдаги Ҳунай сойи яқинида тўқнашадилар.

Мусулмонларга улардан қарийб икки барабар ортиқ куч қарши турарди, бунинг устига Ҳавозинларнинг ёш ва баджаҳл раиси Малик ибн Авф ўз аскарларининг матонатини кучайтириш мақсадида уларга ўз оила аъзолари билан бирга уй ҳайвонларини ҳам олишни буюради. Мусулмон аскарлар дам олаётган пайтда Малик ибн Авф ўз кучларини қуйидаги тартибда жойлаштиради: биринчи сафда аскарлар, унинг орқасида – иккинчи сафда туя минган аёллар туради, уларнинг ортида – мол подалари ва сойнинг ирмоқлари бўйлаб пистирмалар жойлаштирилади. Эртаси куни тонгда Муҳаммад алайҳиссалом ўз кучларини сафга тизаётганида, душманнинг кўплиги мусулмонларни ҳайратга солади. Холид ибн ал-Валид бошчилигида Бани Сулаймликлар илғор чиқиши билан жарликларда пистирмада турган душман гуруҳлари дарҳол уларга ташланадилар. Сулаймийлар чидолмай қочадилар ва маккаликларни ҳам эргаштириб кетадилар. Фақат Муҳаммад алайҳиссаломнинг атрофидаги муҳожирлар ва ансорлардан иборат юз киши сабот ва матонат билан турадилар. Мушриклар ўзларини ғалаба қозонган сезиб, мусулмонлар ташлаган ўрдани талай бошлайдилар. Мусулмонлар дарҳол сафларини ростлаб олиб, сочила бошлаган душман сафларини бир зарба билан улоқтириб ташлайдилар. Яқсон қилинган душман уч йўналишда қочади: Нахла сойи тарафга, Автасга ва истехкомланган Тоифга.

Мусулмонларнинг кўлига катта ўлжа тушади: 6000 асир (асосан, аёллар ва болалар), 24000 туя, 40000 қўй ва 4000 уқия қумуш (160 минг дирҳам). Улар бу бойликларнинг ҳаммасини ишончли кўриқчилар билан бирга Макка яқинидаги Ал-Жиъронга юбордилар.

<sup>621</sup> Ҳунайн жангида ғалаба қозонгач, мусулмонлар қочган душманларни таъкиб қила бошлайдилар. Бир гуруҳ Автасда бекинганларни қамал қилади. Муҳаммад алайҳиссалом бошчилигидаги куч Тоифни қамал қилади. Автас осонлик билан эгалланади, аммо Тоифнинг қамали осон кечмайди: шаҳарнинг асосий қисми баланд тепаликларда бўлиб, девор билан ўралган эди ва уни қамал учун мўлжалланган қуролларсиз олиб бўлмасди. Аскар ўрдасини шаҳар деворига яқин жойлаштиришга уриниш муваффақиятсиз бўлади, тоифликлар уларни ёмғирдай ўққа тутадилар. Шунинг учун уни хавфсиз жойга кўчиришга тўғри келади.

Тоифликлар ўзларини дадил ва мурасасиз тутадилар, музокара қилишга уринишларни рад этадилар ва ҳатто, уларга музокара учун юборилган элчини отиб ўлдирадилар. Шундан сўнг қамалга жиддий киришишга тўғри келади. Турли қамал усқуналари ясалади, лекин булар билан ҳам шаҳарни қўлга киритиб бўлмайди. Ўн икки кунлик қамал натижа бермаганидан сўнг Тоифни олишдан воз кечишга тўғри келади ва Ислом қўшини қамални тўхтатиб, Ал-Жиъронга қайтади. У ерда Ҳунайн жангида олинган ўлжалар тақсимланганидан кейин мусулмонлар ниҳоятда бойиб кетадилар. Энди асирларни (6000 киши) тақсимлаш ва улар учун қариндошларидан бадал пули олиш керак эди. Лекин уларнинг қариндошлари мусулмонларнинг орасида эди. Бунинг устига, асирларнинг кўпчилиги Исломни қабул қилади. Шундан сўнг асирларнинг эгалари уларни озод қиладилар.

Маълумки, Тоиф мудофаачиларининг бошлиғи Ҳавозин қабиласининг раиси Малик ибн Авф (620-изоҳга қаранг) эди. Расулulloҳ унинг ҳузурига махфий равишда бир одамни юбориб, агар Малик Исломни қабул қилса, унга оила аъзолари қайтарилишини ва бунинг устига, унга яна 100 та туя берилишини билдиради. Малик дарҳол Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўрдасига келиб, Исломни қабул қилади ва жасур аскарга айланади. Тоифликларнинг эса Малик кетганидан сўнг шаҳарни мусулмонларга топширишдан бошқа иложлари қолмайди.

<sup>622</sup> Жадвалнинг Думат Ал-Жандал жанги ҳақидаги сатри шу ерда бўлиши керак эди. Табук жанги ҳақида 606-изоҳга қаранг.

<sup>623</sup> Мусулмонларнинг биринчи хижрати аслида 614 йили Ҳабашистонга бўлган ва ўша пайтда 80 нафар эркак у ерга кетган эди (Большаков. История Халифата, I – С.80). Бу мухожирлар орасида Муҳаммад алайҳиссаломга яқин одамлардан қизлари Руқия ва Умму Кулсум, амакиваччаси Жаъфар ибн Абу Толиблар бор эди. Улар Ҳабашистонда қарийб 10 йил турган, ҳабаш негуси уларга яхши муносабатда бўлган эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳабашистоннинг христиан подшоҳига (Негус – шундан арабча аннажоший сўзи келиб чиққан) нисбатан бундай марҳамати сабаби эди.

<sup>624</sup> Қуръоннинг «Бароат» сураси кўпинча «Тавба» сураси деб аталади.

<sup>625</sup> Бу ҳақда 57-изоҳга қаранг.

<sup>626</sup> Марвон авлоди – Умавий халифалар сулоласининг бир шохобчаси, уларнинг бошлиғи Марвон ибн ал-Ҳакам бўлган.

<sup>627</sup> «Ноқис» – «камайтирувчи».

<sup>628</sup> «Ҳимор» – «эшак».

<sup>629</sup> Қуръон «Бақара» сурасининг 259-оятига ишора.

<sup>630</sup> «Имомлар» сўзи Л. бўйича кўшилди.

<sup>631</sup> Бу ҳақда ушбу китобнинг 61-62-бетларида маълумот берилган.

<sup>632</sup> Халифаларнинг халифалик йиллари милодий ҳисоб билан ўрта кавс ичида кўрсатиб кетилади. Абу Бакр Муҳаммад алайҳиссаломга ўта садоқатли бўлгани учун унга «Ас-Сиддик» лакабини берган.

<sup>633</sup> Муҳаммад алайҳиссалом вафот этганидан сўнг, эътиқоди суст бўлган баъзи араблар: «Ислому – Муҳаммаднинг дини эди, унинг ўлимидан кейин Ислому бўлмайди» деб ўйлаб, Исломдан қайтганлар. Тарихга бу ҳодиса «ридда» («қайтиш») ибораси билан кирган. Шунда яримролнинг турли ерларида янги «пайғамбар»лар пайдо бўлган. Мадинадан шарқроқда зухур қилган Тулайха ибн Ҳувайлид ўшалардан бири эди.

<sup>634</sup> Охирги Сосоний шоҳ Яздигард III нинг подшоҳлиги 632 йили бошланган.

<sup>635</sup> Холид ибн ал-Валиднинг Йамомадаги жанглари Исломдан қайтган муртадлар ва янги «пайғамбар» билан бўлган жанглardan иборат эди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотидан кейин «ридда» кучайиб, мусулмонлар оғир аҳволга тушиб қоладилар. Макка, Мадина оралиғидаги бир неча қабила исломдан қайтиб, яна аввалги «ханифлик»ни тарғиб қилаётган эди. Ўша пайтда Йамоманинг марказий қисмларида Мусайлима ва ғарбида Сажоҳ исмли аёллар «пайғамбарликни» даъво қилган эдилар. Сажоҳга Бани Тағлиб, Бани Йарбуъ, Бани Ҳузайл ва Бани Тамим қабилалари кўшилишга интилаётган эдилар. Ҳатто, Мусайлима Сажоҳга бутун Арабистонни ўзаро иккига бўлишиб олишни таклиф қилгани ҳақида маълумотлар бор (Большаков. История Халифата, I. – С.193). Бундан ташқари, ҳали Мадина атрофидаги Тулайха ибн Ҳувайлиднинг (633-изоҳга қаранг) даъвосига ҳам тўла чек қўйилмаган эди. Аввал Холид ибн ал-Валид ўзининг 4000 кишилик кучи билан Тулайханинг худди шунча кучини тамомила енгиб, тарқатиб юборади. Бундан сўнг Холид Мусайлима билан бўлган курашиш мақсадида Йамома тарафига қараб юради. Мусайлима билан бўлган жангда икки тарафдан ҳам 4000 кишилик аскар тўкнашади. Жанг эрталаб барвақт бошланади. Холид ҳам, Мусайлима ҳам жангни ҳар бири ўз тарафидаги бир тепаликдан кузатиб турадилар. Ҳанафийлар уч марта мусулмонларни ўзларининг ўрдалари тарафга сиқиб келадилар, лекин ҳар гал мусулмонлар душманни даф этиб, ўз навбатида унинг ўрдаси томон сиқиб борадилар. Холиднинг байроқдорларидан бир неча киши байроқни ҳимоя қилиб ҳалок бўлади.

Фақат кун ботишига яқин мусулмонлар душманни тамомила улоқтириб ташлайдилар ва тўзатиб юборадилар. Қочаётган ҳанафийларнинг бир гуруҳи – қарийб 300 киши, баланд деворли боғ ичига кириб олиб, дарвозани қулфлаб олади. Таъқиб қилаётганлар орасидан жасур бир мусулмон йигит девор ошиб, боғнинг ичига тушади ва мусулмонлардан қарийб ханифлар сонига тенг кишини боғ ичига киритиб, дарвозани қулфлаб олади. Боғдан чиқиб кетиш иложсиз эканлигини кўрган душманлар ҳаёт-мамот жангига киришадилар. Пировардида, душманнинг ҳаммаси кирилиб битади, мусулмонлардан ҳам кўпчилик ҳалок бўлади. Холид «боғ жанги»да ханифларни қирган бўлишига қарамай, аҳоли зич жойлашган Йамомада ҳали ханифлар кўп эди. Шунинг учун, у сулҳ тузиш тарафдори эди, бунга уни аскарларининг талафот кўргани ҳам мажбур қиларди. Душман тараф эса Мусайлима ўлдирилганидан сўнг анча кучсизланиб қолган ва улар ҳам сулҳга рози бўлиб турган эди. Бу сулҳ 633 йил мартининг охирларида тузилади.

<sup>636</sup> Муҳаммад алайҳиссалом мушриклар билан Табукда жанг қилган йилнинг (622-изоҳга каранг) ўзидаёқ мусулмонлар Византия чегараларига яқинлашиб қолган эдилар. Улар учун Сурияни забт этиш масаласи яқин келажақда ҳал қилинадиган вазифалардан эди. Ниҳоят, «ридда» ва муртадларни даф этиш масаласи 633 йилнинг охирига келиб, деярли ҳал бўлгач, биринчи халифа Абу Бакрда Византия ҳудудига аскар юбориш фикри туғилади. Бунга уни Холид ибн ал-Валиднинг Йамома ва Ироқ яқинларида эришган ғалабалари ҳам руҳлантирган эди. Бу фикрни у атрофидаги энг яқин кишиларига билдирганида, уни фақат Умар ибн ал-Хаттоб қўллаб-қувватлайди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг энг яқин саҳобаларидан бўлган Абдурахмон ибн Авф эса Рум аскарларининг тажрибали, кучли ва жасур жангчи эканликларини эслатиб, Абу Бакрни Византиянинг ички ҳудудларига аскар юборишдан тўхтатмоқчи бўлади. Бошқалар эса бирор фикр билдирмайди. Абу Бакр улардан жавоб талаб қилганида, Усмон ибн Аффон: «Мусулмонларга нима фойда келтиришини халифанинг ўзи яхши билади», – дейди. Шунда ҳамма Усмонни қўллайди. Али эса юриш муваффақиятли бўлишини таъкидлайди ва Пайғамбар алайҳиссалом ўзининг дини ҳамма душманларни енгади, деганини эслатади. Унинг бу сўзлари Абу Бакрнинг қатъиятини кучайтиради.

Ниҳоят, тортишувлардан кейин Сурияга юриш учун қарор қилинади ва лашкар-бошилар Йазид ибн Абу Суфён, Шурахбил ибн Ҳасан ва Абу Убайд ибн Жарроҳлар бошчилигида Сурияга ҳар бири 5000 кишидан иборат уч гуруҳ бирин-кетин юборилади. Бу воқеа 633 йил мартининг охирида бўлган эди.

<sup>637</sup> Холид ибн ал-Валид Йамома муртадлари масаласини тамомила ҳал қилганидан сўнг, ҳижрий 12 йилнинг Мухаррам ойида (милодий 633 йилнинг март-апрель ойларида) 2000 кишилиқ гуруҳ билан шимолга – Ироқ тарафига юради. Йўлда Ироқ ҳудудига яқин ерлардаги мусулмон араблардан унга яна бир неча минг аскар қўшилади ва уларнинг умумий сони 10000 кишига етади. Холид Ироқ ҳудудига унинг жанубидан – Басра ва Убулла тарафидан яқинлашади. У Ал-Козима деган мавзега келганида, унинг йўлини форс лашкарбошиси Ҳурмуз ўз аскарлари билан тўсади. Рўй берган қонли жангга мусулмонлар енгади. Холид яккама-якка тўқнашувда Ҳурмузни ўлдиради. Мусулмонлар қўлига катта ўлжа тушади, жумладан, бир туя занжир. Шунинг учун бу жанг тарихга «занжир куни» номи билан киради. Холиднинг бундан кейинги йўналиши Фирот дарёси орқали шимоли-ғарбга қаратилади. Бундан сўнг Холид дарёнинг юқори оқими тарафига юриб, бирин-кетин дарё бўйидаги манзилларни қонли жанглар билан забт этиб боради.

Маълумотларга кўра, Холид мавжуд кучларини уч гуруҳга бўлади. Бир гуруҳни унинг ўзи бошқаради, иккинчи гуруҳни Ал-Мусанна бошчилигида Лаҳмий арабларининг пойтахти Ҳирага ва учинчи гуруҳни Қуйи Фиротга юборади. Кейин Холиднинг ўзи ҳам Хира тарафига йўналади. Сосонийларнинг Фирот бўйига туташ ерларида – жанубда ал-Валажа ва Уллайсдан шимолда, то Бобилгача бўлган жойларда каналлари кўп бўлиб, аҳоли зич жойлашган. Бу вилоят Бех Кубод деб аталиб, у ўз навбатида Юқори, Ўрта ва Қуйи Бех Кубодга ажратилган эди. Бу ердаги арабларнинг аксарияти христианликка эътиқод қиларди. Ҳиранинг олиниши эса бутун Бех Кубоднинг олинишини англатади. Шунинг учун Холид асосий кучларини Ҳирага ташлайди. У ҳарбий ҳаракатларини энди бошлаб, бир неча черков ва монастырларни

қўлга киритганида, шаҳарнинг христиан руҳонийлари аҳолига таслим бўлишни ва сулҳ тузиш маъқуллигини айтидилар. Холид ҳам бунга рози бўлади. Фақат шуни айтиш керакки, бу Беруний айтганидек, Ирокнинг фатҳ этилиши эмас, балки унинг бир қисми – Қуйи ва Ўрта Беҳ Кубоднинг қўлга киритилиши эди. Мусулмонлар тарафидан сулҳ ёрлигига Холид ибн ал-Валид ва христианлар тарафидан Зад ибн Бухайша ва Беруний эслатган Салуба ибн Настун имзо чекканди. (Большаков.История Халифата, I. – С.219). Бу воқеа 633 йилнинг 13 сентябрида рўй берганди.

<sup>638</sup> Беруний баёни яна хронологияга зид келяпти. Барча тарихий манбаларда ёзилишича, Фихлдаги жанг Ажнодайн жангидан кейин бўлган. Бундан ташқари, Ажнодайн жанги Абу Бакрнинг ўлиmidан олдин, Фихл жанги эса ундан кейин юз берган. Берунийда кўрсатилганига кўра эса иккала жанг ҳам Абу Бакр ўлиmidан олдин бўлган.

Холид ибн ал-Валид Ҳирани олганидан сўнг ғарбга, Сурия тарафига юради ва Дамашқдан гарброкдаги Бусра шаҳарчасига яқинлашади. Ундан аввал шаҳарни Абу Убайда, Шурахбил ва Йазид ибн Абу Суфён қамал қилиб турган эдилар. Холид келиши билан мусулмонлар кучайиб, Бусранинг ўрдасини яқсон қиладилар. Бусра олганидан сўнг Йазид Азрийат ва Аммон тарафига кетади. Холид билан Абу Убайда Бусрада Шурахбилни қолдириб, Дамашқни қамал қилиш учун кетадилар. Лекин Холид ва Абу Убайда Византия императорининг укаси Фёдор Ҳимс яқинида катта куч тўплаб, улар тарафига келаётганини эшитгач, Дамашқ камалини тўхтатиб, душман тарафига юрадилар. Жанг 634 йилнинг июлида Ажнодайн деган жойда рўй бериб, Фёдорнинг кучлари тор-мор этилади ва мусулмонларнинг қўлига катта ўлжа ва асирлар тушади. Шундан сўнг Холид билан Абу Убайда яна Дамашқни қамал қилишга қайтадилар. Бу воқеа 634 йил августининг 20-ларида бўлади.

634 йилнинг охирида Байсон ва Фихлга яқин ерларда румликларнинг катта кучлари пайдо бўлади. Мусулмонлар яна Дамашқ камалини тўхтатишга мажбур бўладилар ва Фихл тарафига юрадилар. Кўпчилик тарихчиларнинг фикрига кўра, Фихлдаги жанг 635 йилнинг 23 январида юз беради ва яна мусулмонлар ғалаба қозонадилар. Фихл ва унга яқин бошқа манзилларнинг аҳолиси жия тўлаш шарти билан мусулмонлар билан сулҳ тузадилар. Шундан сўнг мусулмонларнинг бирлашган кучлари яна Дамашқ камалига юзланадилар.

<sup>639</sup> Юқорида 638-изоҳга қаранг.

<sup>640</sup> Абу Бакр 634 йилнинг 8 августидида шамоллаб қолади ва иссиғи чиқиб, кундан-кунга аҳволи оғирлашиб боради. Ўлими яқинлашаётганини сезиб, ўрнига халифа тайинлаш ҳақида ўйлайди. Ниҳоят, у ворисликка Умар ибн ал-Хаттобни танлайди.

<sup>641</sup> Бу ерда Абу Убайд ибн Масъуд деб, Мадина кўнгилдиларининг бошлиғи назарда тутилади. Унинг аскарлари 1000 дан ортиқ бўлиб, улар орасида саҳобалар кўп эди. Абу Убайд бир неча кичик тўқнашувларда ғалаба қозонади. Лекин 634 йилнинг 26 ноябридаги форслар билан бўлган тўқнашувда фил минган форсга дуч келади ва филнинг хартумини қиличи билан чошиб ташлайди. Бунинг оғриғига чидаёлмаган фил уни ўз оёқлари остида эзиб ташлайди. Ўша жангда Абу Убайднинг укаси ва ўғли ҳам ўлдирилади.

<sup>642</sup> Жарир ибн Абдуллоҳ билан бирга Утба ибн Ғазвон 635 йилнинг охирида Ал-Мазор деган жойда Майсаннинг марзбони билан жанг қиладилар, марзбонни асир қилиб, катта ўлжани қўлга киритадилар.

<sup>643</sup> Нуҳайла (ёки Бувайба) яқинида форслар ва уларнинг бошлиғи Миҳрон билан бўлган жангда мусулмонлар кучларининг ўнг қанотида Масъуд, сўл қанотида Адий ибн ал-Хотим турадилар. Жанг бошланиши билан мусулмонларга маҳаллий христиан араблардан бир гуруҳи келиб қўшилади. Юз берган қонли жангда форслар тамомила енгилади ва Миҳрон ўлдирилади – уни ёш араб-христиан ўлдиреди (Большаков. История Халифата, II. – С. 48).

<sup>644</sup> 635 йилнинг март ойи ўрталарида мусулмонлар жанг қилиб тўрт томондан Дамашққа яқинлашиб келадилар: гарбий дарвоза (Боб ал-Жабийа) ва шарқий дарвоза (Боб аш-Шарқий) тарафларда Абу Убайда ва Холид ибн ал-Валид ўз кучлари билан турадилар, шимол тарафдан Шурахбил ва Амр ибн ал-Ос аскарлари шаҳарни тўсади, жанубдан эса Йазид ибн Абу Суфён ўз кучлари билан келиб туради. Бундан олдинги икки қамал дамашқликларга ибрат бўлиб, бу гал улар егулик ва ичимликларини анча ғамлаб олган эдилар. Шунинг учун қамал чўзилиб кетади. Ниҳоят, 635 йилнинг 3 сентябрь куни шаҳарликлар Холид ибн ал-Валид билан музокара олиб бориб, зиммаларига жизя ва хирож олиб, шаҳарни мусулмонларга топширадилар.

<sup>645</sup> Ҳимс Баълабакдан кейин фатҳ этилган. Мусулмонлар 635 йилнинг декабри ўртасида Ҳимс деворлари олдига келадилар ва уни 18 кун қамал қиладилар, сўнг шаҳар таслим бўлади.

<sup>646</sup> Баълабак Дамашқдан кейин 635 йил кузида забт этилган.

<sup>647</sup> Ярмук жанги ислом тарихида катта аҳамият касб этади. Ярмук Табария кўлидан шарқда шимоли-шарқдан жануби-ғарб йўналишида оқадиган ва шу кўлдан жануброқда Иордан дарёсига қуйиладиган кичик дарё. Унинг атрофида кичик сойлар ва жарликлар кўп бўлган.

Ярмук жангигача араблар Дамашқни вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Чунки румликларнинг келаётган катта ва янги кучи Дамашқни шарқдан ва жанубдан ўраб олиши натижасида мусулмонлар огир аҳволга тушиб қолиши мумкин эди. Ярмуқда румликларнинг кучлари Табария кўлидан 25 километр шарқда, Дайр Жабал тепалиги билан Жавлон оралиғида жойлашади. Уларнинг сони Беруний айтганидек, икки юз минг нафар бўлмай, эллик минг атрофида эди. Уларнинг қаршисида, жануброқда жойлашган арабларнинг сони эса 27 минг нафарни ташкил қиларди.

Жанг олдидан юзма-юз турган иккала лашкар ғоявий-маънавий жиҳатдан бири-биридан тубдан фарқ қиларди. Румликларнинг лашкари кўп миллатли бўлиб, улар юнонлар, арманлар, сурёнийлар ва қисман христиан араблардан иборат эди. Бунинг устига улар ёлланма бўлиб, уларга раҳнамо бўлган ягона ғоя йўқ эди. Мусулмонларнинг лашкари эса Ислом байроғи остида бирлашган биргина миллатдан – араблардан ташкил топган бўлиб, улар Исломнинг ҳақлигига ва душман тарафнинг ноҳақлигига қалбан ишонган, Ислом учун жон беришга тайёр бўлган жангчилардан иборат эди.

Румликлар жанг бошлашга шошилмайдилар: аввалига улар арабларнинг руҳий-психологик ҳолатидан бутунлай беҳабар бўлиб: «Араблар узоқ турмайдилар, шундай тураверсак, уларнинг ўзлари жанубга, чўл тарафга кетиб қоладилар» – деб ўйлайдилар. Бу орада византияликларнинг аскарлари маҳаллий аҳолини талаш, уларнинг озиқ-овқатларини олиб қўйиш билан машғул бўладилар. Бунинг устига, юнон зобитлари билан арман зобитлари орасида қўмондонлик масаласида низо чиқади.

Ниҳоят, 636 йилнинг 20 август куни византияликлар ҳаракатга келиб, жангга киришга қарор қиладилар. Буни кўрган араблар ҳам ўз истехкомларидан душман қаршисига чиқадилар. Қўшин сафининг марказидан қўмондон сифатида Абу Убайда ўнг қанотдан эса Муъаз ибн Жабал жой олганди. Пиёдаларнинг бошида Ҳошим ибн Утба турарди. Марказда эса минг кишидан иборат Пайғамбар саҳобалари жойлашганди. Улар асосий гоъвий куч бўлиб, арабларни жангга ундаб ва чорлаб турардилар. Мусулмон лашкарининг бош қўмондони Холид ибн ал-Валид бўлиб, асосий зарба берувчи куч саналган 4000 отликка ҳам унинг ўзи бошчилик қилади. У отликларни тўртга бўлиб, 1000 тадан марказ, ўнг ва чап томонларга бўлиб, яна мингтани ўзи билан олиб қолади. Мусулмонлар ўғрукни мол-мулк ва оила аъзолари билан бирга марказий қисм ўрнашган тепалик устига жойлаштирадилар.

Икки тарафдан отликлар ҳужуми бошланганидан сўнг румликларнинг сўл қаноти арабларнинг ўнг қанотига ҳужум қилади. Аввалига душманнинг икки ҳужуми қайтарилади. Лекин учинчи ҳужумга бу ерда турган яманликлар бардош беролмай, марказга, ўғрук тарафга қочадилар. Фақат қабила байроқдорларининг атрофларидагилар бир оз қаршилиқ кўрсатишади. Душман ўғрукқа яқинлашиб келаётганда, яманлик қочқинлар ўрдадаги хотинлар уларни қарғаётганлари ва чодирларнинг қозиклари билан ҳайдаётганларини кўриб тўхтайдилар ва ўрдани мудофаа қиладилар. Етиб келган отликлар византияликларни ҳайдаб, илгариги жойларига суриб борадилар. Византияликларнинг ўнг қанотни бузишга уринишлари ҳам беҳуда кетади.

Иккинчи куни жанг янада авжига чиқади: ўша куни румликлар бутун кучларини марказий қисмга қарши ташлайдилар ва марказ бир оз орқага чекинади. Мусулмонларнинг қарши ҳужумлари арман ўқчиларининг камон орқали ёмғирдек ёғдирган ўқларидан сўнг тўхтаб қолади. Мусулмон манбаларида «қийшайиш куни» деб ном олган бу кунда арманларнинг ўқларидан 700 нафар мусулмон аскарларининг ҳимояланмаган турли тана аъзолари яраланиб, букчайиб қолган эдилар. Арман аскарларининг қўмондони Ваган ҳар 10 пиёда аскарини, форсларнинг одатларига кўра, белларидан занжир боғлаб жангга киритади, лекин бу ҳам натижа бермайди. Жангнинг учинчи куни охирига яқин араб отликлари душманнинг ўнг қанотини бузиб, унинг орқа тарафига ўтиб олиб, душманни қира бошлайдилар. Ўша куни табиат мўъжизаси ҳам мусулмонларга катта ёрдам беради: арабларнинг орқаларидан қаттиқ шамол эсиб, чанг-тўзон душманнинг юзига уради, душман отган камон ўқларининг ҳам йўналиши ўзгариб, мўлжалга етмайди ёки етганида ҳам зарб билан тегмайди.

Уч кунлик жангда ҳолдан тойган византияликларнинг лашкари кечга яқин чанг ва тўзонда ваҳима билан қочишга тушадилар, аскарлар йўл тополмай атрофдаги сойликлар ва жарликларга ўзларини ташлаб, нобуд бўладилар. Бундай шармандали мағлубиятидан сўнг Ваган тарки дунё қилиб, Сино яриморотидаги бир монастирда умрининг қолган қисмини ўтказди.

Ярмук жангидаги ғалаба мусулмонларга ҳам қимматга тушади: жанг майдонида ўлган 4000 аскар ўша ернинг ўзига кўмилади. Яна бундан уч баробар кўп киши ярадор бўлиб, урушга ярамай қолади. Шундай қилиб, арабларнинг 27 минг кишилиқ лашкаридан соғлари 10–12 минг кишини ташкил этади. Лекин улар жангда чиниққан ва янги тўқнашувларга тайёр аскарлар эди.

Византияликларнинг 50 минг кишилик лашкаридан жанг майдонида ўлдирилганлари 10 минг кишини ташкил қиларди. Яна неча минг киши жарликларга йикилиб ўлган. Ярадорларнинг сони 15 мингга яқин эди. Соғ қолган Рум аскарларининг умумий сони 20 минг атрофида бўлиб, улар руҳи синган, иккинчи марта қўлига курул олмайдиган қочқинларнинг майда-майда гуруҳларидан иборат эди. Буни билган Византия императори Ираклий Антиохияни ташлаб, Константинополга кетаётиб: «Алвидо абадий, Сурия!» – дейди.

<sup>648</sup> Ислом тарихида Қадисия (Қодисийа)даги жанг муҳим саналади. Йармуқ жангидан сўнг унда иштирок этган мусулмон аскарлар қочаётган румликларни таъқиб этиб, тарқалиб кетадилар. Худди шу пайтда Ироқнинг жанубидаги ҳарбий ҳаракатларнинг лашкар амирларидан бири Саъд ибн Абу Ваққос Ҳира яқинидаги Шараф деган манзилда ўз кўшинлари билан турарди. Лекин мусулмонларнинг Ироқдаги асосий кучлари Жарир ва Ал-Му’анна бошчилигида Ироқнинг жанубида жойлашганди. Аксига олиб, бу орада Ал-Му’анна касалликдан вафот этади ва халифа Умар Саъдни Ироқдаги кучларнинг бош амири этиб тайинлайди. Саъд эса Ал-Му’анна кўшинига амир этиб унинг укаси Ал-Му’аннани тайинлайди. Саъд ва Ал-Му’аннанинг кучлари кўшилганидан сўнг мусулмонларнинг Ироқ жанубидаги кучларининг умумий сони 25–30 мингга яқинлашади. Бундай катта куч билан душманнинг мамлакат ҳудудларида пайдо бўлиши пойтахтни ташвишга солади ва Сосонийларнинг бош қўмондони Рустам бутун Эрондан – Сейистондан то Дарбандгача – куч тўплай бошлайди. Ниҳоят, у 40 минг аскар тўплаб, яна 33 та жанг филларини ҳозирлайди.

Аввалига Рустам Нажаф – Ҳира – Ҳаварнак чизиги бўйлаб жойлашиб, зиддиятни тинчлик билан ҳал қилмоқчи бўлади. У араблар босқинчилик қилиш, ўлжа олиш илинжида келишган деб ўйлаб, катта бойлик эвазига сулҳ тузишни таклиф қилади. Лекин араблардан қатъий рад жавобини ва Исломга ўтиш талабини олганидан сўнг уруш бошлашга киришади. Рустам ўз лашкарини Қадисия тарафига суриб, Атиқ анҳорини тўсади ва анҳордан жанубда жойлашади. Араблар Қадисия билан Узайб оралиғида ҳозир бўладилар. Уларнинг орқасида Сосонийлар замонида Ҳирани бадавийлар чопқинидан сақлаш учун қурилган мудофаа девори ва хандақ турарди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мусулмонлар таркибида 1000 нафар саҳоба бор эди. Саъд эса Қудайс қалъасидан жанг майдонини кузатиб, жангни ёрдамчиси орқали бошқарарди.

Жангнинг биринчи куни пахлавлонларнинг одатдагидек яккама-якка олишувларидан сўнг Рустам филларини жангга киритади: уларнинг 18 таси марказда, 7 таси ўнг қанотда ва 8 таси сўл қанотда жойлаштирилганди. Жанг тун қоронғисигача давом этади. Араблар филларнинг устидаги ўқчи-камончилар жойлашган жанг минораларини бузишга муваффақ бўладилар.

Жанг эртаси куни тонгдан бошланиб, тушга яқин қизийди. Худди шу пайт мусулмонларга Суриядан ёрдамга юборилган 700 кишилик кўшин келиб, дарҳол жангга киришадилар. Араблар учун бу катта далда бўлади. Шу кунги жангда форслар тарафидан филлар ишлатилмайди. Лекин араблар ўз туяларини шундай бошқарадиларки, душман отлари бундан ваҳимага тушиб, ўз эгасини ташлаб қоча бошлайди. Натижада араблар форсларнинг отликларини қочишга мажбур қиладилар. Фақат форс пиёдаларининг қаттиқ матонати Рустамни асирликка тушишдан сақлаб қолади.



Қуёш ботганидан кейин жанг бир муддат давом этади. Шу куни мусулмонлардан 2500 киши, форслардан эса 10 минг киши ҳалок бўлади. Арабларда ярадор ва ўликларни жанг майдонидан олиб чиқиб кетадиган махсус гуруҳ бор эди: ярадорларни аёллар ҳузурига олиб боришар ва улар ярадорларни муолажа қилишарди. Ўликларни эса шу яқин орадаги аёллар ва ўспиринлар казиб қўйган мозорларга қўмишарди. Форслар эса фақат ярадорларни майдондан олиб чиқиб, ўликларни қолдирардилар.

Жангнинг учинчи куни тарихга «ғазабланиш куни» номи билан кирган. Бу куни форслар яна филларини жангга киритадилар. Лекин бу сафар улар жангга қўриқчилар билан кирадилар. Арабларнинг баъзи довьорак жаиғчилари жанглар билан икки асосий филга яқинлашиб, уларнинг кўзи ва хартумига найза санчадилар. Филлар огрикқа чидолмай орқага бурилиб қочадилар. Бошқа филлар ҳам уларга қўшилиб қочади. Иккинчи тарафдан бир кун аввал Суриядан ёрдамга келган қучлар ўз амирлари Каъкаъ раҳбарлигида душманнинг марказига зарба бериб, уни ёриб ўтадилар. Натижада душман ваҳимага тушиб, қоча бошлайди. Рустам Атиқ анҳори орқасига қочаётганида оддий аскар унинг кимлигини билмай, бошини таиасидан жудо қилиб ўлдиради. Лекин Фирдавсий «Шоҳнома»сида уни қаҳрамон сифатида кўрсатиб, гўё у Саъд ибн Абу Ваққос билан яккама-якка жангга чиқиб енггани ва Саъдни ерга ётқизиб, энди қиличи билан калласини олмоқчи бўлганида, Саъд уни тўсатдан ханжари билан бир неча жойидан ярадор қилгани ва шундан кейин у ҳалок бўлгани тавсифланган (Колесников. Завоевание Ирана арабами. – С. 94).

Ўша куни пешинда мусулмонлар Қадисияни олиб, атроф ноҳияларни душмандан тозалаб, кечга яқин ўз ўрдалари Қудайсга қайтиб келадилар. Қадисия жанги 636 йилнинг 2 декабрида бошланиб, 4 декабрда тугаган ҳисобланади (Большаков. История Халифата, II. – С. 65). Лекин математик ва астроном олим Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг «Китоб ат-тарих» асарида бу воқеани ҳижрий 16 йилнинг Жумодилавал ойида (мил. 637 йилнинг июнь-июль ойларида) бўлган деб баён этган (Муҳаммад ал-Хоразмий. К 1200 летию. – С. 236).

<sup>649</sup> Араблар Ироқда Ал-Мадоин (Ктесифон)ни олишдан аввал қаршиликсиз икки кичик шаҳар – Куса ва Дайр Каъбани эгаллаб, Сабатга яқинлашиб келадилар. Лекин унинг ҳокими шаҳарни арабларга жангсиз топширади ва бундан ташқари, у арабларга 20 та тош улоқтиргич жиҳозлар (манжаниқлар) қуришга ёрдам беради.

Бу пайтга келиб, шаҳаншоҳ Яздигард III бутун хонадони, сарой аъёнлари ва бойликлари билан шимолга – Хулвонга кўчади. Лашкарбоши Рустамнинг укаси Хурразод қўшиннинг қолган қисмини қутқариш учун уни тунда Селевкиядан Ал-Мадоинга кўчиради ва ўзидан кейин Дажла устидаги кўприкларни бузиб, қайиқларни ўзи билан олиб кетади. Шу пайт, мартнинг охири дарёнинг суви қўпайиб, эни 300 метргача кенгайиб кетган эди. Лекин Хурразоднинг умиди пучга чиқади: қутилмаган ғалабалардан руҳланган араблар дарёдан кечиб ўтишга қарор қиладилар. Саъд маҳаллий аҳолидан дарёнинг энг қулай кечув ерини билиб олиб, сузишдан хабардор бир неча юз кўнгилчиларни танлаб олади. Улар дарёдан сузиб ўтиб, форсларнинг қўриқчиларини йўқ қиладилар. Шундан кейин лашкарнинг қолган қисми ҳам дарёдан ўтиб олди. Шундай қилиб, Қадимги ва Илк Ўрта асрлар дунёсининг буюк империяси – Сосонийлар давлатининг пойтахти Ал-Мадоин деярли жангсиз мусулмонларнинг қўлига ўтади. Араблар пойтахтда мисли кўрилмаган бойликларни қўлга киритадилар. Бу воқеа 637 йил апрелининг бошларига тўғри келади. Муҳаммад ал-

Хоразмий бу воқеани 637 йилнинг июль-август ойида содир бўлган деб ҳисоблайди (Мухаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 236).

<sup>650</sup> Фақат Майсара ибн Масруқ эмас, ундан аввал Холид ибн ал-Валид ва Абу Убайда ҳам Сурияни шимол тарафидан чопқин қилган эдилар (Большаков. История Халифата, II. – С. 40–43; 78).

<sup>651</sup> Бу воқеа 637 йилнинг майида юз берган. Ўшанда халифа Умар ибн ал-Хаттоб Жобияга келган эди.

<sup>652</sup> Бу ерда Беруний Умар деб халифа Умар ибн ал-Хаттобни назарда тутяпти. Аслида эса Байт ул-Муқаддасни жанг билан Амр ибн ал-Ос олган ва халифа Қуддус аҳолиси билан тузилган битимга имзо қўйишга келган эди.

<sup>653</sup> Халифа Умар томонидан Холид ибн ал-Валид лавозимидан четлатилганидан сўнг унинг ўрнига Ийад ибн Ғанм тайинланади. Ийад илгарилари Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашарди. У Сурияга келиб, Ҳимс, Қиннасрин ва Ҳалабнинг ноибни бўлади. Ийад келганидан сўнг қилган биринчи иши шу бўлдики, Жазиранинг (Осроена – Шимоли-Ғарбий Ироқ) префекти Иоанн билан шартнома тузади. Шартномага кўра, румликлар 100 минг динор тўлайдилар, эвазига араблар Фиротнинг ўнг соҳилига ўтмайдилар. Бу битим шартидан император Ираклий ғазабланиб, Иоанни Константинополга чақириб олади ва ўрнига жангарироқ ноибни юборади. Византиянинг пул тўлашни тўхтатиши Ийаднинг Жазирага киришига баҳона бўлади. У 639 йилнинг 21 августида юриш бошлаб, Ар-Раккага ҳужум қилади. Ийад шаҳарни шимол тарафдан қамал қилиб, жанубдан шаҳар атрофларини кўшинига талатади, улар катта ўлжани қўлга киритадилар. 5-6 кундан кейин румликларнинг шаҳар бошлиғи – патрикий, шаҳарни Ийадга топширади.

Сўнг Ийад бу ердан Жазиранинг пойтахти ва йирик шаҳри Ар-Руҳа (Эдесса) тарафга юради. Йўлда учраган Ҳаррон ва Ал-Харнания шаҳарчаларини дахлсиз қолдириб, Ар-Руҳага етади. Шаҳарни мудофаа қилаётган аскарлар ташқарига чиқиб, арабларга ҳужум қилади ва зарба еб, шаҳар ичига бекинади. Ар-Руҳанинг епископи шаҳар қамал қилинишидан кўркиб, Ийад билан музокара ўтказди ва катта ўлпон тўлаб, ёрдам беришни, йўллар ва кўприкларни тузатиб, тоза саклаб туришни бўйнига олади. Шундан кейин Ар-Руҳа Ийаднинг таянч нуқтасига айланади. Келаси 640 йил баҳорида Ийад Ар-Руҳадан ғарброкдаги Суруж шаҳрини эгаллайди.

Ҳозирда Қиннасрин ва Ар-Ракка Суриянинг шимолидаги шаҳарчалар, Суруж, Ар-Руҳа ва Ҳаррон Туркиянинг жануби-шарқидаги Суруч, Урфа ва Ҳаран шаҳарлари саналади.

<sup>654</sup> Араблар 638 йили Ҳарадан бир оз шимолда, қадимги Акола шаҳри яқинидаги бир тепаликка ҳарбий истехком қуради ва уни Куфа деб атайдилар. Кейинчалик бу жой арабларнинг Бобил шимолий қисмидаги ҳарбий ўрдалари бўлиб қолади (Колесников. Завоевание Ирана арабами. – С. 101).

<sup>655</sup> Мухаммад ал-Хоразмий Амид, Телл-Мавзанни ҳижрий 18 йилда (мил. 639) забт этилган шаҳарлар сирасида қайд этади (Мухаммад ал-Хорезми К 1200 летию. – С. 236–237). Амид – ҳозирги Туркиянинг шарқида, Дажланинг ўнг соҳилида жойлашган Диёрбакр шаҳри.

<sup>656</sup> Умайр ибн Саъд – Ийад ибн Ғанмнинг ўрнига келган лашкарбоши.

Айн ал-Варда – аслида Раъс ал-Айн – ҳозирда Суриянинг шимолида Туркия чегараси яқинида жойлашган шаҳар.

<sup>657</sup> Бу ерда Беруний «Муовийа» деб араблар томонидан Фаластинга тайинланган ноиб Муовийа ибн Абу Суфённи, яъни Умавийлар сулоласидан бўлажак биринчи халифа Муовийа I ни (661–680) назарда тутяпти.

Кайсария – Фаластиндаги шаҳар.

<sup>658</sup> Араблар Ал-Мадоинни олгандан сўнг кўлларига тушган бой ўлжани тақсимлаш билан овора бўлиб турганларида, бу шаҳардан 150 километр шимолдаги Жалула деган шаҳарча ёнида форслар Миҳрон ва Рустамнинг укаси Хурразод бошчилигида куч тўплай бошлайдилар. Форсларнинг Жалуладаги кучлари Хулвонда турган шоҳ ва унинг хонадонини тўсатдан бўладиган ҳужумдан саклаб турарди. Саъд ибн Абу Ваққос форсларга қарши Жалулага ўз жияни Ҳошим ибн Утбани 1200 кишилик куч билан юборади. Қамал тўққиз ойча давом этгач, араблар қаттиқ жанг билан Жалулани кўлга киритадилар. Бу воқеа 637 йилнинг июлида юз беради.

<sup>659</sup> Ийад ибн Ғанмнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бу воқеалар бошқа барча манбаларда юқоридаги 653-изоҳда баён қилинган воқеалар билан бирга келтирилган. Демак, Берунийда жадвал сатри яна пастга сурилган.

Нисибин, Тур Абдин ва Қард ҳозирги Туркия ва Сурия чегараларидаги шаҳарлардир.

Византия императори Ираклий 641 йилнинг 11 февралда вафот этган (Большаков. История Халифата II. – С.113).

<sup>660</sup> Ўрта асрлардаги девонлар – кенг маънода ўша даврдаги давлатнинг хўжалик тармоқлари ва ижтимоий ҳаёт йўналишлари бўйича вазирликлар саналарди. Лекин бошлангич пайт аҳвол бошқача бўлган. Маълумки, Пайгамбар алайҳиссалом даврида бошланган одат бўйича, мусулмон аскарлар томонидан бирор шаҳар ёки манзил забт этилгач, тушган ўлжанинг 1/5 қисми Аллоҳ ва Унинг Расули улуши сифатида марказга – Мадинага юбориларди. Лекин Пайгамбар алайҳиссалом ҳам, халифалар Абу Бакр ва Умар ҳам бу молдан ўзлари фойдаланмай, асосан, узоқдаги уруш-жангларга юбориладиган кўнгилли аскар гуруҳларини қуроллантириш учун сарфлаб, қолган қисмини шаҳар ва унинг аҳолиси эҳтиёжлари учун ишлатишарди. Ўлжанинг 4/5 қисмини эса ҳарбий ҳаракатда иштирок этган аскарлар, амирлар ва отлиқ аскарлар маълум тартибга кўра бўлишиб олардилар. Ҳарбий ҳаракатлар ҳали Арабистон яриморотида олиб борилаётган пайтларда бундай тақсимланиш аскарлар билан уларнинг бошлиқлари мулклари орасида номутаносибликни келтириб чиқармаган эди. Лекин ҳарбий ҳаракатлар борган сари шимолий ҳудудларга кўчирилиб, Сурия ва Эроннинг бой марказларига кириб борганида, аҳвол бутунлай ўзгаради, лашкар ва ҳатто, кичик қўшинларнинг амирлари ҳам катта бойликларни кўлга киритиш имконига эга бўладилар. Хусусан, улар фақат 5–10 аскар билан бой черковни талаб, унинг ичидаги олтин ва кумушларни ўзлаштириш имконига эга бўлади. Худди шунингдек, улар йирик феодал зодагонининг мол-мулкани мусодара қилиб, ўзи ва оила аъзоларини қулликка сотиб, унинг қаср ва саройларини ўзлари эгаллаб оладилар. Натижада лашкар ва қўшин амирлари ниҳоятда бойиб кетиб, оддий аскарлар уларнинг олдида бечораҳоқ бўлиб қолади. Шунинг учун 637 йили халифа Умарнинг Байт ул-Муқаддасга келиши бежиз эмас эди. У бу шаҳарга келганида ўз лашкарининг

амирларига нисбатан бир ночор камбағал ҳолига тушиб колгандек кўринади. Чунки эндиликда улар, яъни кун кеча саҳроларда чанг босиб юрган бадавийлар Сурия ва Фаластинга келиб, ҳашаматли иморатларга эга бўлган ва қимматбаҳо либосларга бурканиб улгурган эдилар. Пайгамбар алайҳиссаломнинг муаззини кекса Билол ўша пайтда Умар билан учрашиб, унга: «Суриядаги лашкар бошлиқлари фақат куш гўшти ва оппоқ ион ейдилар, оддий аскарлар бундай нарсаларни ҳатто кўзи билан ҳам кўрмаган», – дейди. Шундан сўнг Умар дарғазаб бўлиб, аскарларга егулик, ичимлик ва кийим-кечакни меъёрида тақсимлаш учун девонлар ташкил қилади. Бу илк девонлар фақат аскарлар рўйхатидан иборат бўлиб, унда бир ой ва бир йилда тақсимланадиган маош, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа нарсалар кўрсатилган эди. Шунингдек, унда қўшин бўлинмалари – жундлар ҳам кўрсатилган эди.

<sup>661</sup> Амр ибн ал-Ос – араб лашкарбошиси, Пайгамбар алайҳиссалом ва Исломни анча кеч тан олган саҳобалардан. У 634 йили Мадинадан Фаластинга румликларга қарши юборилган. Абу Бакр унга денгиз соҳили бўйлаб юришни ва ўша тарафдаги шаҳар ва манзилларни забт этишни буюрган. У ўша тарафда бир неча шаҳарни эгаллаб, охири денгиз соҳилидаги Қайсария (657-изоҳга қаранг) шаҳрига ҳоким бўлганди.

Ёзма манбаларга кўра, ҳеч ким унга Мисрни забт этишни вазифа қилиб топширмаган. Мисрнинг забт этилиши ҳақида махсус китоб ёзган Абдурраҳмон ибн Абдулҳакам (Абд ар-Раҳман ибн Абд ал-Хакам. Завоевание Египта. – С. 76–77) ва бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра, ташаббус Амр ибн ал-Осининг ўзидан чиққан. Ўша хабарларга кўра, халифа Умар 637 йили Сурияга келганида (651-изоҳга қаранг) Амр у билан Жобияда учрашади ва Мисрнинг бойликлари, мисрликларнинг жанговар қобилияти йўқлигини ҳамда озгина аскар билан уни босиб олиш мумкинлигини айтиб, уни қизиқтирган. Халифа бу иш билан қаттиқ қизиқиб, Амрга 4000 нафар аскар бериб, Мисрга йўллаган. Амрнинг Миср ҳақидаги маълумотига келсак, у Исломдан илгари номаълум сабабга кўра Мисрга, то Искандариягача боргани, йўлларини яхши билиб олгани ҳақида маълумотлар бор (Ибн Абд ал-Хакам, Завоевание Египта. – С. 74–75).

Амр халифадан Мисрга йўлланма ва 4000 аскар олганидан сўнг дарҳол йўлга чиқади. Бу орада, Амр ибн ал-Ос халифадан Мисрга йўлланма олганини эшитган Усмон ибн Аффон дарҳол Умарга чопар орқали мактуб йўллаб, Амрни Мисрга юбормаслик кераклигини айтади. Халифа бу хабарни эшитиб, зудлик билан Амрга мактуб йўллаб, агар у ҳали Миср ҳудудига қадам қўймаган бўлса, орқага қайтишини, кирган бўлса, йўлида давом этаверишни буюради.

Миср аҳолиси зич жойлашган (айниқса, Нил дельтасида), канал ва анҳорларнинг тизимини жорий қилган, баланд девор ва истехкомлар билан ўралган қалъаларга эга бўлган мамлакат эди. Мисрнинг қадимги пойтахти – Нил дельтаси бошланиш жойининг ўнг соҳилидаги Бабалйун шаҳрининг ўзи баландлиги 18 метр ва қалинлиги 3 метр бўлган пишиқ ғиштдан қурилган девор билан ўралган мустаҳкам қалъа эди. Бутун Миср тугул биргина Бабалйунни 4000 кишилик аскар билан ҳеч қандай қуроласлаҳасиз, Беруний жадвалида кўрсатилганидек, 3–4 ойда олиб бўлмасди. Амр ибн ал-Ос Миср дельтасининг ўзини қарийб 3 йилда забт этган.

<sup>662</sup> Умар ибн ал-Хаттоб 641 йили Ҳайбар, Фадак, Тайм, Нажрон ва Вади ал-Кура яҳудийлари ва насронийларини, уларнинг қўлида Пайгамбар алайҳиссалом

билан тузилган битим бўлишига қарамай, Ироққа кўчирган. Шунда яҳудийлар Куфага жойлаштирилади. Бунга Ҳайбарда маҳаллий яҳудийлар Умарнинг ўғли Абдуллоҳга хужум қилиб, уни ярадор қилганликлари сабаб бўлган (Большаков. История Халифата, II.– С. 131).

<sup>663</sup> Жадвалнинг бу сатри ҳам пастга тушиб қолган. чунки Утба ибн Ғазвон бу шаҳарларни ҳижрий 20 (мил. 641) йилда эмас, ҳижрий 16 (мил. 637) йилда олган ва ўша йилнинг охирида вафот этган.

<sup>664</sup> Ниҳованд жанги араблар Эронни забт этишларидаги муҳим жанглардан бири бўлганлигига қарамай, у ҳақда сақланган маълумотлар етарли даражада аниқ ва муфассал эмас. Беруний ҳам ўз жадвалида Эрон ва Ироқ шаҳарларининг бирма-бир забт этилишини изчиллик ва узлуксизлик билан кузатиб борган эмас. Воқеалар ҳам хронологияга баъзи ҳолларда мос келмайди. Юқорида айтганимиздек, «сатрлар сакраши», яъни воқеа баён қилинаётган сатр пастга тушиб ёки юқорига чиқиб кетишига ўхшаш ҳолатлар мавжуд. Буни қуйироқда жадвалнинг баъзи сатрлари мисолида кўриш мумкин.

Беруний жадвалига кўра, Ниҳованд жанги ҳижратдан 20 йилу 1 ой ва 15 кун ўтганида, яъни ҳижрий 21 йилнинг бир ярим оии ўтганида рўй берган. Муҳаммад ал-Хоразмий (К 1200 летию. – С. 237) ва Цибульский (Цыбульский. Современные календари. – С. 20) жадвалларига кўра, бу сана милодий 642 йилнинг 23 февралига тўғри келади.

Араблар Ҳулвон ва Ҳузистонни забт этиб, катта мол-мулкни қўлга киритганларидан сўнг Эронни бир муддат ўз холига қўйган эдилар. Бу муддат қарийб уч ярим йилга чўзилиб кетади. Бу орада шаҳаншоҳ Яздигард III Курдистоннинг марказий шаҳри Ниҳовандда жойлашиб, Эроннинг араблар қўлига ўтмаган деярли барча қисмидан аскар ва кўнгиллиларни тўплайди. Шуниси ҳам муҳимки, Яздигард тахтга ўтирган 632 йили ҳали норасида бўлиб, мамлакат аҳолиси уни ўша вақтда яхши билмас, ҳатто баъзилар тан олмас эди. Лекин ўтган ўн йил орасида кўп нарса халққа аён бўлиб, эронликлар Яздигард атрофида жипслаша борадилар ва унинг чақириғига жавобан Ниҳовандда кўнгиллилардан катта куч тўпланади: манбалар тўпланган куч ҳақида 60 мингдан то 150 минггача бўлган рақамни келтиради.

Эронликларнинг Ниҳовандда тўпланганликлари ҳақида хабардор бўлган, Иломни қабул қилган Ҳулвон ҳокими Кубод бу ҳақда Куфага, Саъд ибн Ваққосга хабар юборади. У дарҳол шароитга тўғри баҳо бериб, жангга ҳозирлик кўра бошлайди. Лекин бу орада Куфадаги араб аскарлари ўртасида иғво тарқалади. Халифа Саъдни Мадинага чақириб олади. Халифа Умар куфаликларга яна ёрдамчи кучлар юбориб, араб аскарларининг умумий сонини 30 мингга етказди. Бу қўшинга бошлиқ қилиб саҳоба Нуъмон ибн Муқарринни тайинлайди ва Ниҳовандга юборади. Шу билан бирга, Ахвондаги баъзи араб гуруҳларига Ниҳовандга Форслар тарафдан келадиган йўлларни бекитишга фармон беради. Нуъмон ибн Муқаррин ўз қўшини билан аввал Ниҳованддан 20 фарсахдан ортиқроқ масофадаги Тазар деган жойга келади. Бу ердан араблар эҳтиёткорлик билан силжиб, махфий ҳолда Исфизахон рустокидаги Қудайсижон қишлоғига, яъни Ниҳованддан 15–20 километр масофадаги жойга келиб тўхтайдилар. Яздигарднинг ўрдаси эса Ниҳованддан 10–12 километр масофадаги Вайхурд деган ерда эди.

Эронликлар мудофаа жангига қаттиқ киришадилар. Улар ўз ўрдаларининг атрофига, душман отлари юролмасин деб, темир тиканакларни сочиб ташлайдилар, пиёда аскарлар эса қочишнинг олдини олиш учун ўзларидан ҳар 5–10 кишини бирлаштириб белини занжир билан боғлайдилар. Маълумотларга кўра, жанг чоршанбадан жумагача, уч кун давом этади. Аввалига томонлар бир-бирларига камонлардан ўқ отиб, душманни яқинлаштирмасликка ҳаракат қиладилар. Сўнг араблар ҳийла ишлатиб, гўё ўзларини қочаётгандек кўрсатадилар. Буни кўрган содда форс кўнгиллилари душман чекиняпти деб ўйлаб, «қочқинлар»ни кува бошлайди. Шундан сўнг умумий жанг бошланиб кетади. Жангнинг икки куни ҳеч қандай натижа бермайди. Учинчи куни Нуъмон ибн Муқарриннинг ўзи отлиқлари билан бирга жангга киради. Иккала тарафдан пиёда ва отлиқлар аралашиб кетганида, форслардан кимдир қиличи билан Нуъмон ибн Муқарринни чопиб ўлдиради. Араблар дарҳол бошқа лашкарбошини қўядилар. Ниҳоят, арабларнинг қўли баланд кела бошлайди ва форслар чекинади. Уларнинг барча занжирбанд пиёдालари кириб юборилади. Араблар ғолиб келганларидан сўнг уларга Ниҳованд дарвозаси очилади. Араблар шаҳарга кириб, катта бойликларни қўлга киритадилар.

Энди бу мағлубиятдан сўнг Яздигард Эрон кучларини ўзи байроги остида бирлаштира олмайди, бундан буён араблар алоҳида шаҳар, рустоқ ва ўлканинг ўзи билангина яккама-якка ҳолда курашишга тўғри келади.

<sup>665</sup> Беруний бу ерда яна хронологияга хилоф равишда воқеаларни тезлаштиряпти, чунки Яздигарднинг Марвда ўлдирилиши – бу ҳижрий 30 (мил. 651) йил воқеасидир. Унда эса жадвалнинг бу сатри ҳижрий 21 (мил. 633) йилга алоқадордир (Китобнинг биринчи нашрида икки сатр воқеалари бир сатрга қўшиб қўйилган. Бу тузатилди).

Яздигарднинг Марвда ўлдирилишига келсак, у Ниҳованддаги мағлубиятидан сўнг Рай тарафга қочади ва у ерда ҳам муқим бўлолмай, Эроннинг маркази, жануби ва шарқидаги шаҳар ва вилоятларда сарсон-саргардонликда бир неча йилни кечириб, ниҳоят, 651 йилнинг ёзида Хуросоннинг шимолидаги Марв шаҳрига келади. Лекин унга шаҳар дарвозаси очилмайди. Шунда у Марвдан 6 фарсах нарида жойлашган Зарк кишлоғидаги (Якуби. Китоб ал-булдан, Книга стран, примеч. – С. 166.) бир тегирмонга боради. Тегирмончи уни едириб, ичирганидан сўнг Яздигард уйкуга кетади. Тегирмончи унинг устидаги қимматбаҳо кийимлари ва қўлларидаги узукларига ҳасад қилиб, бошини танасидан жудо қиладди ва жасадини сувга ташлаб юборади.

<sup>666</sup> Барқа – Ливиянинг шимолидаги Ўрта Ер денгизига туташ соҳилнинг ўрта қисми. Амр ибн ал-Ос у ерга 643 йили бориб, маҳаллий барбарлар билан улар томонидан йилига 13000 динор тўланиши шартига кўра сулҳ тузади (Абд ар-Раҳман ибн Абд ал-Ҳакам. Завоевание Египта. – С. 188–189).

<sup>667</sup> Аҳвон – Ўрта асрларда ва ҳозирда Эроннинг жануби-ғарбидаги Хузистон вилоятининг бош шаҳри. Озарбайжон VII аср ўртасида Эроннинг ғарбидаги Азербайжон рустоқи ҳисобланиб, унинг аҳолиси у пайтларда эроний тиллар гуруҳига кирувчи тилда сўзлашувчи этнос бўлган.

Беруний жадвалининг бу сатрида ҳам чалкашлик бор, чунки Озарбайжонни Муғира ибн Шуъба фатҳ этмаган ва ҳатто, у бу ерларга келмаган. Муғиранинг фаолияти аввал Басра билан боғлиқ бўлган. Ҳижрий 14 (ёки 15) йили Ироқнинг жанубида, таянч нуқтаси Басра бўлган мусулмон кучларининг амири Утба ибн Ғазвон ҳажга

кедиб, йўлда вафот этади. Унинг ўрнига саҳобий Муғира ибн Шуъба амир бўлади. Маълумотларга кўра, Муғира Йармуқ жангида (647-изоҳга қаранг) иштирок этиб, бир кўзига ўқ тегиб, кўр бўлиб қолган эди. Шундан сўнг Мадинага қайтиб келган. Кейин халифа уни 400 кишилик аскар билан Ҳузистонга Саъд ибн Абу Ваккос учун ёрдамга юборади. Лекин бу воқеа санаси Беруний кўрсатганидек ҳижрий 22 (мил. 643-644) йилга эмас, 16 (мил. 637) йилга тўғри келади. Ўша йили Муғира Аҳвозга юриш қилади ва ҳокими Бирзан билан катта миқдорда пул тўлаши эвазига сулҳ тузади. Ўша йили ёки кейинроқ сулҳ тузилганига қарамай, Абу Мусо ал-Ашъарий ҳам Аҳвозга юриш қилади.

Озарбайжоннинг фатҳ этилишига келсак, бу вилоят (Азербайжан) Урмия кўли, Аракс дарёси, Каспий денгизи ва Курдистон орасидаги ҳудудларни ўз ичига оларди ва пойтахти Ардабил шаҳри саналарди. Озарбайжон ва унинг пойтахти Ҳузайфа ибн ал-Йаман томонидан ҳижрий 22 (мил. 642–643) йили 800000 дирҳам тўланиши шарти билан фатҳ этилган эди. Лекин Озарбайжоннинг янги ҳокими Исфандиёр сулҳ битимини бузади ва келаси ҳижрий 23 (мил. 644) йили Утба ибн Фарқад ва Симак ибн Ҳараша ўлкани қайта забт этадилар (Большаков. История Халифата, II. – С. 102).

<sup>668</sup> Истаҳр – Форс вилоятининг маркази Шероздан 100 километрча шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, Сосонийлар давлатининг бешиги ҳисобланар ва шаҳаншоҳларга тож кийдириш маросими шу шаҳарда бўларди. Истаҳрга биринчи бўлиб ҳижрий 22 (мил. 644) йили Усмон ибн Абул-Ос келиб, уни забт этади. Лекин кўп ўтмасдан, халифа Умар вафот этгани ва ўрнига Усмон ибн Аффон ўтиргани ҳақидаги овоза тарқалгач, Истаҳр ва умуман, форс аҳолиси Исломдан қайтади. Шундан сўнг Эроннинг жанубий ҳудудларини қайтадан забт этиш ҳаракати бошланади. Энди бу сафар Усмон ибн Абул-Осга ёрдам учун Абу Мусо ал-Ашъарий келади. Ҳарбий ҳаракатлар суи кетаётганини кўрган халифа Усмон Абу Мусони Абдуллох ибн Амр билан алмаштиради. Ниҳоят, Истаҳрнинг тамомила бўйсундирилиши ҳижрий 32 (мил. 653) йилда амалга ошади.

<sup>669</sup> Жадвалнинг бу сатрида кўрсатилган сана – ҳижрий 23 йилнинг 25 Рабиус-соний ойига, яъни милодий 643 йилнинг 11 мартига тўғри келади. Лекин Муҳаммад ал-Хоразмий Ҳамадон ва Исфаҳонни фатҳ этган шахснинг исмини қайд этмай, фақат фатҳ этилиш санаси – ҳижрий 23 йилни кўрсатган (Мухаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 237). Бу йил эса 643 йилнинг 19 ноябрида бошланиб, 644 йилнинг 8 ноябрида тугаган. Демак, Беруний келтирган сана бу йилга мос келмайди.

А.И. Колесников Ўрта аср манбаларига асосланиб, Ҳамадон ва Исфаҳоннинг фатҳ этилиш саналари ҳижрий 23 (мил. 643) ва ҳижрий 24 (мил. 644) йиллар эканлигини кўрсатиб, Табарийга кўра, бу шаҳарларни фатҳ этганлар Абдуллох ибн Варқа ар-Риёҳий ва Абдуллох ибн Варқа ал-Асадий эканлигини қайд этган (Колесников А.И. Завоевание Ирана. – С. 112–113).

<sup>670</sup> Рай – мил. авв. 311 йил Селевк Никатор томонидан шимолдан келувчи кўчманчиларга қарши қурилган Рага (*рага* – юнонча «тишлик» демакдир) қальаси, Ўрта асрларда Техрондан 2 фарсах шарқдаги шаҳарча, ҳозирда Техроннинг шарқдаги тумандир. Бу шаҳар Исфаҳон билан бир йилда, яъни 644 йили фатҳ этилган. Бошқа манбаларда Қарз ибн Каъбнинг номи кўрсатилмайди.

<sup>671</sup> Аскалон – Фаластиннинг денгиз соҳилида жойлашган шаҳри (ҳозирги Ашкелон). У соҳилдаги бошқа шаҳарлар каби узоқ муддатли қамални бошидан кечиради ва Муовия ибн Абу Суфён уни 644 йили забт этишга муваффақ бўлади.

<sup>672</sup> Халифа Умар ибн ал-Хаттоб 644 йилнинг 4 ноябрида ҳаждан қайтаётганида Абу Луълуба томонидан ўлдирилган.

<sup>673</sup> Маслаҳат мажлиси 664 йил 4–7 ноябрь кунлари бўлган.

<sup>674</sup> Усмон ибн Аффон халифалик лавозимига 644 йилнинг 7 ноябрида тайинланган. Бу ерда Беруний қайд этган шахснинг тўлиқ ва асл номи – Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сархдир. Халифа Умар даврида у Юқори Мисрнинг (ас-Саъид) ҳокими эди. Лекин Миср ва Шимолий Африкада жойлашган мусулмон ҳарбий кучларининг бошлиғи Амр ибн ал-Ос уни ёқтирмас эди. Усмон халифаликка ўтирганидан сўнг Амр Мадинага бориб, ундан Абдуллоҳ ибн Саъдни Мисрдан чакириб олишни талаб қилади. Бироқ Усмон Абдуллоҳни бу лавозимга халифа Умар қўйганини, бундан ташқари, ўзи билан Абдуллоҳ болаликда эмиқдош бўлганлигини эслатиб, уни ўз ўрнида қолдиришини қатъий айтади. Амр ибн ал-Ос бунни эшитиб, агар Абдуллоҳ Мисрдан кетмаса, ўзи у ерга бормаслигини билдиради. Шунда халифа Усмон Абдуллоҳ ибн Саъдни бутун Шимолий Африкадаги кучларнинг бошлиғи қилиб тайинлайди. Абдуллоҳ ибн Саъд Ифриқиядаги жангларни ҳижрий 25 (мил. 645–646) йили бошлаб уни ҳижрий 27 (мил. 647–648) йили тамомила забт этади.

<sup>675</sup> Искандария Амр ибн ал-Ос томонидан анча илгари забт этилган эди (662-изоҳга қаранг). Бу ерга шаҳар аҳлининг Исломдан навбатдаги қайтиши ва Абдуллоҳ ибн Саъд уларга қарши жазо кучларини юбориб, шаҳарликларни яна Исломга қайтаргани назарда тутилади.

<sup>676</sup> Бу ерда Форс вилоятида жойлашган Шопур-Хурра ноҳиясидаги арабларга қарши қўзғолоннинг бостирилиши назарда тутилади.

<sup>677</sup> Бу сатр юқорида жойлашиши керак эди. Чунки Қиннасин жанги Ийад ибн Ганм номи билан боғлиқ бўлиб, 635–636 йилларга тўғри келади. Бу ердаги қайд эса 648 йилга тааллуқли.

<sup>678</sup> Бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом ҳижрат бошида – 622 йили Йасрибга келганида қурган биринчи масжиди назарда тутилади. Хабарларга кўра, Пайғамбар алайҳиссалом Йасрибга келганидан сўнг туясини қўйиб юборган ва у бориб ётган ерда масжид барпо қилган.

<sup>679</sup> Эроннинг жанубидаги Форс (қадимги Парс) ўлкасини забт этиш уч босқичда бўлган. Биринчи босқичдаги ҳарбий юришга ҳижрий 17 (мил. 638) йили халифанинг Баҳрайндаги ноиби Али ибн ал-Ҳадрабий бошчилик қилган ва у кемаларда денгиз орқали Форс қирғоғига келиб, Истаҳрга ҳужум қилган.

Бу ерда Беруний қайд этган Форсга қарши жанг эса халифа Усмоннинг Басрадаги ноиби Абдуллоҳ ибн Амр томонидан ҳижрий 28 (мил. 650) йили уюштирилган бўлиб, у аслида учинчи юриш эди. Бу жанг 653 йили араблар ғалабаси билан яқунланди.

<sup>680</sup> Искандария учун қайта-қайта бўлган жанглар арабларга шуни исботладики, денгиз кемаларига эга бўлмай туриб, қуруқлик ва денгизда ҳукмронликка эришиш ва денгиз соҳилларидаги порт шаҳарларни забт этиш имконсиз экан. Чунки византияликлар истаган пайтларида денгиз тарафдан келиб, Сурия ва Миср соҳилларидаги



шаҳарларга ҳужум қилишлари ва уларни талон-торож қилишлари мумкин эди. Шунинг учун Муовийа ибн Абу Суфён 647 йили Фаластиндаги Акка портида Кипрга ҳужум қилиш учун ҳарбий флот тайёрлай бошлайди. 648 йилнинг киши ўтганидан сўнг 220 кема ичи тўла аскарлар билан Кипрга (Қибрисга) йўл олади.

Халифалик тарихидаги биринчи денгиз экспедицияси араблар учун муваффақиятли бўлади. Кипр денгиздан ҳужум бўлишини ҳеч кутмаган эди. Улар арабларнинг оролга келиб тушишига қаршилик кўрсата олмайди. Араблар бутун орол бўйлаб тарқалиб, катта ўлжани қўлга киритадилар. Натижада орол ҳокими Византияга йилига тўлайдиган 7200 динорни арабларга тўлаб, бетарафликни сақлашга розилик билдиради.

Лекин ҳижрий 33 (мил. 653–654) йилга келиб, кипрликлар шартномани бузди-лар ва императорга арабларга қарши курашиш учун кемалар ясаб берадилар. Бу гал Муовийа жиноятчиларни жазолаш учун ўз сафдоши Абу Аъвар ас-Сулабий бошчилигида 500 кемани юборади. Денгиз соҳилларида яшовчи аҳоли арабларнинг кўплигини кўриб тоғларга қочадилар. Араблар оролда 40 кун туриб, сўнг аввалги шартномани тиклаб, бир оз аскар қолдириб, бошқа оролларни забт этишга кетадилар.

<sup>681</sup> Араблар Эроннинг шимолидаги Каспийбўйи вилоятларига Рай олинганидан сўнг, яъни 643 йилдан кейин ўтганлар. Чунки у тарафга олиб борадиган йўллар Рай орқали ўтарди. Лекин манбаларда Табаристоннинг илк бор забт этилиши ҳақида бирор аниқ маълумот келтирилмайди. Аниқ хабарлар фақат халифа Усмон ибн Аффон ҳижрий 29 (мил. 649–650) йили Саъид ибн ал-Ос ибн Умаййани Куфага амир этиб тайинлаганидан бошланади. Кейинги ҳижрий 30 (мил. 650) йилдаги хабарга кўра, Куфанинг амири Саъид ибн ал-Ос ва Басранинг амири Абдуллоҳ ибн Амр деярли бир вақтда Хуросонга қарши юриш учун чиқадилар. Абдуллоҳ Хуросонга олдинроқ етиб келади ва Нишопурда тўхтайтиди. Саъид ибн ал-Ос бундан хабардор бўлиб, араблар билан илгари сулҳ тузган Кумисда тўхтайтиди. У Кумис орқали Гургон билан Табаристонга юриш қилади ва Гургон аҳолиси ўлпон йигиб беради. Сўнг Саъид ибн ал-Ос Каспийбўйига ва Гургон чегарасидаги Тамис шаҳрига юради. Шаҳар камал қилиниб, бир муддат ўтгач, унинг аҳолиси омонлик сўрайди. Бироқ араблар учун Табаристоннинг бошқа шаҳарларини бўйсундириш ва халқини исломга киритиш осон бўлмайди: улар шаҳарларни тарк этишлари билан аҳолиси исломдан қайтаверади. Бу ҳолат то IX аср ўртасигача давом этади. Фақат ўша пайтдан кейингина ислом Табаристонда узил-кесил ғалаба қозонади.

<sup>682</sup> Шу сатрнинг аталишида ноаниқлик бор. Чунки унинг аталишига қараб айтиш мумкинки, ҳижрий 30 йилнинг ўртасига келиб, бутун Эрон фатҳ этилган бўлиши керак эди. Лекин қуйидаги сатрига кўра, Эрон шаҳарларининг забт этилиши яна давом этади.

<sup>683</sup> Бу ерда қайд этилган Заранж ва Золик – Эроннинг жануби-шарқидаги Сакастон (Сейистон, Сижистон) вилоятининг шаҳарларидир. Арабларнинг бу ҳудудларга биринчи юриши ҳижрий 23 (мил. 644) йили халифа Умар даврида Осим ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Умайрнинг юришлари билан бошланган эди. Ўшанда Эрон аскарлари енгилиб, Заранжга чекинган, араблар эса бутун Сакастон бўйлаб ёйилган эди. Пировардида, Заранж аҳолиси шаҳарни топшириб, ўзлари учун қулай бўлган шарт билан таслим бўлган эдилар. Ўшанда халифаликнинг ҳудудлари шарқда Синд дарёси

билан Қандаҳоргача етган эди. Табиийки, Кобул бу ҳудуднинг ичида бўлади. Лекин кейинчалик Сакастон аҳолиси исён кўтариб, арабларга итоат этмай кўяди. Шунда халифа Усмоннинг Басрадаги ноиби Абдуллоҳ ибн Амир ибн Қурайз ҳижрий 30 (мил. 650) йили лашкарга бош бўлади. У Ширжонда тўхтаганида, Рабиъ ибн Зиёд бошчилигидаги бир гуруҳ кўшин Сакастонни забт этиш учун юборади. Мусулмонлар қатор манзилларни эгаллагач, маркази 5 фарсах (30 км) масофадаги Золиқ рустокига етдилар. Улар кузги Мехригон байрамида Золиққа кириб, бекиниб олган эронликларга ҳужум қилиб, шу ерлик деҳқонни асир оладилар. У эса арабларга ўлпон тўлаб, сулҳ тузади. Бир неча кундан кейин араблар Рабиъ ибн Зиёд бошчилигида Заранжга ҳужум қиладилар. Қаттиқ ва қонли жанглардан кейин Заранжнинг марзбони Парвез мусулмонлар билан сулҳ тузиб, шаҳарни уларга топширади.

<sup>684</sup> Тарихий Арманистон (Армения ёки Армания) Кичик Осиёнинг шарқидаги талай ерларни ўз ичига оларди. Тоғли ҳудудлардан иборат бўлган бу ўлка бир неча князликлардан ташкил топган бўлиб, улар турли даврларда ташқи таъсир остида ҳар хил бирлашмалар ва иттифоқларни тузиб олардилар. Ташқи хавф ёки таъсир барҳам топиши билан бу бирлашмалар ҳам дарҳол тарқалиб кетарди. У даврда Арманистон деган ягона давлат мавжуд бўлмай, бу атама фақат географик тушунча саналарди.

Араб фатҳи арафасида бу географик ҳудуд иккига ажралган бўлиб, шарқий қисми Эрон, ғарбий қисми эса Византия таркибида эди. Иккала империяга араблар томонидан 637–639 йилларда берилган зарба улар иккисининг Арманистондаги ҳукмини сусайтириб қўйган эди. Араблар Ирок Жазирашига кириб борган пайтларда Арманистоннинг Византияга тегишли қисмидаги нахарарлар (князлар) император Ираклий томонидан қўйилган ишхан (подшоҳ) Давут Сахратунини ағдариб, у ерга бош ҳоким сифатида Эрон Арманистонидаги марзбон ва спарапет (испахбад) Теодорос Рштунини кўтардилар ва бу билан иккала Арманистонни бирлаштирадилар. У дарҳол ўз лашкарини тузишга киришади. Лекин тақдир унга жуда кам вақт ажратгани сабабли мўлжаллаган ишларини охирига етказа олмайди.

640 йили ёзда араб лашкарбошиси Ийад ибн Ғанм Арманистонга жануби-ғарб тарафдан кириб келиб, Амид, Хилат ва бошқа шаҳарларни эгаллаб (653–655-изоҳларга қаранг), Ҳимосга қайтади ва ўша ерда вафот этади. 643 йилнинг ўртасигача араблар Арманистон ерларини деярли бўйсундирадилар. Бу фатҳ, асосан, ўша пайтдаги Арманистон ишхани Теодорос Рштуни билан турли арман шаҳарлари учун тузилган сулҳ битимларидан иборат эди.

646 йили византиялик амалдор Фома номаълум ваколатлар билан Арманистонга келади ва йирик шахсларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида араблар ўртасида сулҳ тузади. Шу орқали у араблар тарафидан келиши мумкин бўлган хавфни бартараф этиб, Теодорос Рштунини ҳибсга олиб, кишанлаб, Константинополга олиб кетади. Лекин пойтахтдаги аҳвол кишини ҳайратга соларди: император чинданми ёки ёлғонданми, Фомадан ғазабланиб, уни қабулига киритмай, эгаллаб турган мансабидан туширади. Воқеаларнинг ривожини шуни кўрсатадики, императорнинг режаси Арманистонни Византияга хавф солиб кучайиб бораётган ва кўп ўтмай мустақилликни даъво қилиб чиқадиган ишхандан маҳрум қилиш, шунингдек, у билан ўзи ўртасида низо чиқармаслик бўлган. Натижада Теодорос Рштуни ўз мамлакатидан узоқлаштирилади ва иккинчи тарафдан Константинополдаги император саройига

богланиб қолади. Бироқ кўп ўтмай, император Константин Теодорос Рштунини ватанига мажбуран қайтариб юборади. У пойтахти Двинга келиб, 652 йили Муовийа билан битим тузади. Битим шартига кўра, Теодорос арабларнинг вассали бўлиб, у аслида Византияга қарши қаратилган эди. Бундан воқиф бўлган император дарҳол Арманистонга жазо кучларини юборади. 653 йилнинг баҳорида Теодорос арабларнинг ёрдами билан византияликларни енгади ва кўлга туширган ўлжалари билан Муовийанинг хузурига, Дамашққа келади. Муовийа уни катта тантана билан кутиб олади ва унга қимматбаҳо либослар кийдиради, сўнг уни бутун Арманистоннинг ва Кавказ жанубининг, жумладан, ҳали забт этилиши керак бўлган ерларнинг ҳам ҳокими этиб тайинлайди. Бу кейинги ишларни амалга ошириш учун Муовийа Теодорос билан бирга араб қўшинларини ҳам юборади. Лекин қиш қаттиқ келгани сабабли араб аскарлари совуққа чидолмай, Дамашққа қайтадилар. Бу орада қаттиқ бетоб бўлиб қолган Теодорос Рштуни арманларнинг ўзига бўлган ишончини йўқотади. Арман нахарарлари уни инкор этган ҳолда, бир-бирига хужум қилмаслик бўйича ўзаро битим тузиб, Арманистонни майда бўлақларга бўлиб оладилар ва аҳолига катта солиқ соладилар.

Теодорос яна араблардан ёрдам сўрайди. Бунга жавобан Муовийа Беруний номини эслатган Ҳабиб ибн Маслама ал-Фихрий бошчилигида 6000 ёки 8000 аскарни унинг хузурига юборади. Бундан ташқари, яна шунча куч Куфадан Салмон ибн Рабиъа ал-Бахилий бошчилигида келаётган эди. Ҳабиб ибн Маслама бутун Арманистонни янгидан фатҳ этиш билан бирга, Доғистонни ҳам эгаллайди (Большаков. История Халифата, II – С. 172).

<sup>685</sup> Китобнинг биринчи нашрида унинг ноширлари Беруний матнини бузиб ҳеч қандай асоссиз, Нишопурни Шопурга Табасайинни Табаристонга алмаштирганлар (Беруний, I, 168-6.). Ундан 11 йил аввал русча нашрда ҳам шундай қилинганлиги учун (Беруни, I. – С. 144) русча нашрга ишонганликлари шубҳасиз.

Нишопур – Эроннинг Сосоний подшоҳлари Шопур I ёки Шопур II нинг номи билан боғлиқ саналган шахри бўлиб, илк ўрта асрларда Абаршаҳр деб ҳам аталган. (Бартольд, VII. – С. 108–100). У Машҳаддан 80 километрча гарбда жойлашган. Хуросоннинг йирик шахридир.

Табасайн – яъни «Икки Табас» – Хуросонда иккита, Табас шахри бўлиб, уларнинг жанубда жойлашгани шу ном билан аталган. У ҳозирда ҳам мавжуддир.

Кўҳистон – Хуросоннинг Жануби-шарқидаги тоғли ўлка.

652 йили халифанинг Басрадаги ноибни Абдуллоҳ ибн Омир Хуросонга қарши юришга отланади ва шарқий йўналишда Кермон орқали юради. У аввал мазкур шаҳарларнинг энг жанубидаги Табасайнга келади ва уни қаршиликсиз эгаллайди. Абдуллоҳ «Хуросон дарвозаси» ҳисобланган Табасайинни олгидан сўнг кейинги мақсади қилиб Нишопурни танлайди ва Кўҳистонга юради. Унинг кучларининг илгор қисми бошлиғи Аҳнаф ибн Қайс Кўҳистонда ҳайталларнинг (эфталитларнинг) қаттиқ қаршилигига дуч келади. Бу қаршиликни енгач, Аҳнаф ибн Қайс билан Абдуллоҳ ибн Омир Нишопур ва унинг атрофидаги шаҳарларни забт эта бошлайдилар.

<sup>686</sup> Ҳайталлар турклар билан бирга Ҳирот атрофида Аҳнаф ибн Қайсга қаршилик кўрсатадилар. Уларнинг қаршиликлари синдирилгач, Ҳирот нисбатан осонлик билан забт этилган.

<sup>687</sup> Нишопур олинганидан сўнг Абдуллоҳ ибн Омир Абдуллоҳ ибн Хозимни Хуросоннинг шимолига юборади. Нисо ҳокими дарҳол 300 минг дирҳам тўлаб, ўз мулкини таланишдан сақлаб қолади. Абивард ҳокими ҳам 400 минг дирҳам тўлаб, таслим бўлади. Фақат Сарахс шаҳри қаршилиқ кўрсатади. Қамал қилинган шаҳар аҳолиси шу қадар оғир аҳволга тушиб қоладики, эркаклардан фақат 100 кишини омон қолдириб, барча аёлларни арабларга бериш шarti билан қальани топширишга рози бўладилар. Шаҳар марзбони афв этилган 100 кишининг рўйхатини тузиб, унга ўзининг исмини қайд этмайди. Араблар уни биринчи бўлиб қатл қилишади. Унинг қизи эса Абдуллоҳ ибн Хозимга улуш сифатида тегади.

<sup>688</sup> Китобнинг биринчи нашрида (Беруний I, 168-б.) матнга хилоф равишда шу сатрда «Арзирум вилоятидаги Анқарани» деб ёзилган. Бунга сабаб, арабча «арзи рум» (сўзма-сўз ҳолда «Рум ери») ибораси аслича қолдирилиб, Арзирум шаҳрининг номи сифатида қабул қилинган. Аслида, Анқара Арзирумдан қарийб, 750 километр ғарбда жойлашган бўлиб, улар Византия даврида ҳам, ҳозирги Туркия даврида ҳам маъмурий ва расмий жиҳатдан бир-бирига яқин ва боғлиқ бўлмаган шаҳарлар саналади.

Беруний кўрсатган сана, яъни ҳижрий 33 йилнинг 15 Рабиулаввал ойи милодий 653 йилнинг 14 октябрига тўғри келади. Хоразмий ҳам шу санани келтиради ва бу юришда Муовийа ибн Абу Суфён Марж аш-Шахмгача етганини қўшимча қилади.

<sup>689</sup> Юқорида эслатилганидек, Иффрикия ва унинг агрофидаги ерларни Амр ибн ал-Ос ва Абдуллоҳ ибн Сархнинг ўзи (661, 666, 674-изоҳларга қаранг) аввалроқ фатх этган эди. Бу ерда баён қилинаётган жанг эса ҳижрий 33 йилнинг Ражаб ойида милодий 654 йилнинг феввалида юз берган бўлиб, у денгиз жанги саналади ва тарихга «Кема устунлари жанги» номи билан кирган.

Мазкур санада византияликлар император Константин III бошчилигида мингта кема билан Иффрикия соҳилига келади. Мусулмонларнинг Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх амирлиги остидаги кемалар бор йўғи 200 та эди. Шунга қарамай, у денгиз жангига чиқади. Шиддатли жанг арабларнинг ғалабаси билан тугайди (Абд ар-Рахман ибн Абд ал-Ҳаким. Завоевание Египта. – С. 208–209).

<sup>690</sup> Бу ерда исм ёзилишида чалкашлик бўлса керак. Чунки Жарир ибн Абдуллоҳ ҳижрий 35 (мил. 656–657) йилги воқеаларда ҳаёт эмас эди.

<sup>691</sup> Константан III ҳижрий 35 (мил. 655–656) йили Искандарияга денгиз тарафдан муваффақиятсиз ҳужум қилгач, ўз денгизчилари томонидан ўлдирилади.

<sup>692</sup> Ушбу сатрдаги халифа Усмоннинг ўз уйида қамал қилиниши ва кейинги сатрдаги унинг ўз уйида ўлдирилиши ҳақидаги хабарлар ҳозирги замон ўзбек ўқувчиси учун тушунарли эмаслигини ва Қуръоннинг бизгача етиб келган нусхаси унинг номи билан боғланиб, «Мусхафи Усмон» деб аталишини эътиборга олиб, шу ерда унинг фаолиятини кенгроқ шарҳлашни маъқул кўрдик.

Авваламбор шуни айтиш керакки, халифа Усмоннинг Ислом шаклланиши ва тарихидаги энг муҳим – Қуръоннинг қонунлаштирилган стандарт матни «Мусхаф»ни эълон қилгани бўлди. Баъзи исломшунослар бу ишни Муҳаммад алайҳиссалом Қуръонни инсониятга эълон қилганидан кейинги иккинчи муҳим иш деб биладилар.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлигида унга ваҳий орқали нозил бўлган оятларни унинг котиб-саҳобалари Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит ёзиб борганлар, баъзи

оятларни эса айрим саҳобалар ва Пайгамбар алайҳиссаломнинг яқинларидан Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Масъуд ёзиб борганлар. Унинг завжалари – Ойша, Ҳафса ва Умму Саламалар ҳам баъзи ёзувларни қайд этиб борганлар. Лекин кўплаб мусулмонлар оятлар ва сураларни огзаки айтиб, ёдда сақлар ёки хотира сифатида сопол парчаларига, терига, қўй ва молларнинг курак суякларига ёзиб қўядилар. Лекин бутун матни ёзилган, алоҳида яхлит китоб йўқ эди.

Ислоом тарихий анъанасига кўра, Қуръоний вахийларни ёзиб олиш учун илк уриниш Абу Бакр томонидан «Боғ жанги»дан кейин бўлган эди: (635-изоҳга қаранг), чунки бу пайтга келиб, Қуръонни ёддан билган кўп саҳобалар шахид бўлган эдилар. Шундан кейин, ёдда сақлаб юрилган матнларни битикка кўчириш ҳаракати кучайди.

<sup>693</sup> Берунийнинг подшоҳликлар ва халифаликлар тарихини баён қилиш учун танлаган жадвал усули фақат шахсларнинг туғилган, ўлган, тахтга чиққан ёки ундан тушган саналарини қайд қилиб, ўша оралик муддатлардаги муҳим тарихий воқеаларни, жумладан ўша подшоҳларнинг тахтга чиқиш ёки ундан тушишлари учун сабаб бўлган ҳодисаларни баён этмайди.

Масалан, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ўлдирилиб, Абдулмалик ягона халифа этиб тайинланганидан то вафот этгунига қадар (705) ўтган 12 йилдан ортиқ вақт оралиғида нафақат халифаликнинг, балки у билан боғлиқ қўшни мамлакатларнинг, жумладан, Мовароуннаҳрнинг тарихида ҳам муҳим бўлган воқеалар рўй берган.

Ўша пайтдаги муҳим сиёсий воқеалардан бири – сиёсат саҳнасига Ҳажжож ибн Юсуфнинг чиқиши бўлди. Ҳажжож халифа Абдулмаликнинг Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр билан курашида лашкарбоши сифатида ўзини кўрсатган бўлиб, унеча ҳеч ким билмаган номаълум шахс эди. Лекин у халифанинг Макка ва Мадинадаги ноиби бўлиб, ўзининг Ислоом аъёнларига, муҳожирлар ва ансорларга ҳамда уларнинг авлодларига эътиборсизлиги билан ажралиб турарди. Ҳатто, у баъзи саҳобаларга ҳам турли айблар қўйиб, уларнинг обрў-эътиборини оёқости қилган. Чунончи, Мадинада эканлигидаёқ саҳобалар Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Малик, Саҳл ибн Саъдларни: «Улар Умавийларнинг душмани» – деб бўйинларига муҳрланган кўрғошин осиб юришга мажбур қилган.

Аммо Ҳажжож ибн Юсуф қаҳрли ва каттиққўл бўлишига қарамай, унинг феълида баъзи ижобий сифатлар ҳам кузатилган. Ривоятларга кўра, у ёшлигида араб тилининг нахв ва сарфидан (грамматикасидан) дарс берган. Умрининг охиригача тилшуносликка бўлган эътиборини йўқотмаган. У араб ёзувини ислоҳ қилиб, диакритик нуқталар ҳаракатларни истеъмолга киритган. Араб фольклорини каттиқ севиб, унинг юксак қадрловчи ва тўпловчиси бўлган. Бироқ унинг бошқарувчилик ва ҳарбий истеъдоди барчасидан устун келди.

Халифа Абдулмалик Ҳажжож ибн Юсуфнинг ҳаракати билан Ҳижозни тамомила Умавийлар тасарруфига ўтказганидан сўнг, энди Ироқни бўйсундиришда ундан фойдаланишга қарор қилади. Чунки Ироқ аҳолисининг зичлиги, кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сероблиги, тушадиган солиқларнинг кўплиги билан халифаликнинг бой ўлкаларидан саналарди. Шу билан бирга, Эрон ва унга қўшни ерларга ўтадиган йўлларнинг ҳаммаси Ироқдан бошланар, яъни Ироқнинг ҳарбий стратегик жиҳатдан аҳамияти жуда юқори баҳоланар эди. Бундан ташқари, Ироқда хорижийлик ҳаракати ва шиаларнинг таъсири ҳам кучли эди. Шунинг учун халифа Абдулмалик

Умавийларга садокатли бўлган Ҳажжож ибн Юсуфни 694 йили Ирокка ўзининг тўла ҳуқуқли ноиби этиб юборади ва Ҳажжож то ўзининг ўлимигача (714) бу ўлкада шу мансабда қолади. Ҳажжож қаттиқ жазо қўллаш, қон тўкиш ва қамашлар натижасида. Ироқда хорижийлар ҳаракатини тўхтатишга эришади.

<sup>694</sup> Муҳаммад ал-Хоразмийнинг маълумотига кўра, ал-Валид ибн Абдулмалик халифалик тахтига ҳижрий 86 йилнинг 14 шаввол ойида (мил. 705 йилнинг 8 октябрида) ўтирган (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 240). Бу халифа даврида Ҳажжож ибн Юсуфнинг фаолияти янада кучайган. Унинг буйруги билан Қутайба ибн Муслим 706 йили Мовароуннахрга биринчи марта юриш қилади. Аммо Мовароуннахрда Исломни ўрнагиб, бу худудни фатҳ этиш осон бўлмайди. Ҳар йили Марвдан ва Хуросондаги арабларнинг ҳарбий ўрдаларидан Мовароуннахрдаги жанг майдонларига янги ва чиникқан жангчилар юбориб турилади. Чунки маҳаллий аҳоли арабларга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, уларга қатта талафот етказётган эди.

Мовароуннахрни фатҳ этишда Қутайба ҳарбий маҳоратидан ташқари, дипломатик салоҳиятини ҳам ишга солади. Айни пайтда у, ҳатто, қўшинига нисбатан ҳам қаттиққўл муносабатда бўлади.

Қутайбанинг мақбараси Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги қабристонда жойлашган бўлиб, у Самарқанддаги Қусам ибн Аббос мақбараси даражасидек зиёратгоҳ эмас.

Халифа ал-Валид ибн Абдулмаликнинг тахтга ўтириши ва унинг даврида халифаликда юз берган муҳим тарихий воқеаларни Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг бизгача фақат баъзи қисмлари етиб келган, Беруний маълумотларини тўлдирган ҳолда йилма-йил баён қилган «Китоб ат-тарих» асарида қуйидагича тавсифлайди:

«86 йил – юнонларнинг (яъни, Селевк эрасининг) 1016 йилининг Канун ҳрой ойида жума кунида (мил. 705 йил 2 январда) бошланди. Унда Абдулмалик ибн Марвон вафот этди. Ундан кейин халифаликка Ал-Валид 14 Шавволда (мил. 705 йил 8 октябрда) ўтирди. Унда Маслама ибн Абдумалик Византияга кириб, қалъани эгаллади, аҳолисини асирга олди, қалъаларни талон-торож қилиб, ғалаба билан қайтди.

88 йил – юнонларнинг 1018 йилининг 12 Канун қадим ойи якшанба кунида (мил. 706 йил 12 декабрда) бошланди. Унда Ал-Валид Дамашқда масжид барпо қилди. Муҳаммад ибн Марвон Арманистонга бориб, ғалаба билан қайтди.

91 йил – юнонларнинг 1021 йилининг 9 Тишрин ҳрой ойи шанба кунида (мил. 709 йил 9 ноябрда) бошланди. Унда Қутайба ибн Муслим Тохаристон, Бухоро ва Самарқандни фатҳ этди. Унда ибн ал-Валид румийлар мамлакатига кирди ва ғалаба билан қайтди.

92 йил – юнонларнинг 1022 йилининг 29 Тишрин қадим ойи чоршанба кунида (мил. 710 йил 29 октябрда) бошланди. Унда Аббос ибн ал-Валид румийлар мамлакатига кирди. Унда Йамандаги ноиб Муҳаммад ибн Юсуф ўлди. Унинг ўрнига Айюб ибн Яхё ибн Ҳаким ибн Абул-Ос тайинланди.

93 йил – юнонларнинг 1023 йилининг 19 Тишрин қадим ойи душанба кунида (мил. 711 йил 19 октябрда) бошланди. Унда ал-Валид ибн Ҳишом ибн Уқба румийлар мамлакатига кирди ва Марж аш-Шаҳмгача етди.

94 йил – юнонларнинг 1024 йилининг 7 Тишрин қадим ойи (мил. 712 йил 7 октябрда) бошланди. Унда Аббос ибн ал-Валид румийлар мамлакатига кирди ва ички

Антокияни фатҳ этди. Ўшанда шу жойда қирқ кун давомида зилзила бўлиб, Антокияни вайрон қилди. Унда Муҳаммад ибн ал-Қосим ҳинд мамлакатини фатҳ этди.

95 йил – юнонларнинг 1025 йилининг 26 Айлул ойи сешанба кунида (мил. 713 йил 26 сентябрда) бошланди. Унда Аббос ибн ал-Валид – румийлар мамлакатига, Салама ибн Абдулмалик – Арманистонга кирди» (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 240–241).

<sup>695</sup> Халифа ал-Валиднинг вафот этиши, кейинги халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг ҳокимиятга келиши ва унинг қисқа муддатли халифалигидаги воқеаларни ал-Хоразмий қуйидагича тавсифлайди:

«96 йил – юнонларнинг 1025 йилининг 16 Айлул ойи якшанба кунида (мил. 714 йил 16 сентябрда) бошланди. Унда ал-Валид ибн Абдулмалик ўлди. Ундан кейин ҳокимиятга унинг укаси Сулаймон 14 Жумодиссоний ойида (мил. 715 йил 24 февралда) келди. Унда Ўазид ибн Муҳаллаб Арамия (Ироқ) ўлкасининг ноиби этиб тайинланди.

97 йил – юнонларнинг 1026 йилининг 5 Айлул ойи пайшанба кунида (мил. 715 йил 15 сентябрда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик румийлар мамлакатига кирди ва икки шаҳар билан уч қалъани фатҳ этди.

98 йил – юнонларнинг 1027 йилининг 24 Об ойи душанба кунида (мил. 716 йил 24 августда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик румийлар мамлакатига кирди. Қустантанияни (Константинополни) қамал қилди ва ўша ерда қишлади. Араблар далаларга экин экидилар, ҳосилини йиғиштириб олдилар ва истеъмол қилдилар. Шу йилнинг ўзида румийлар денгиз тарафдан келиб, Латакияни қамал қилдилар ва унга товон солдилар, сўнг уни талон-торож қилиб ёндирдилар-да, ўз юртларига қайтиб кетдилар» (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 241).

Сулаймон ибн Абдулмаликнинг қисқа муддатли (2 йилу 8 ой) халифалиги даврида рўй берган кўзга кўринарли воқеа – фақат 716–717 йилларнинг қишида – Константинополни бутун қиш бўйи қамал қилгани бўлди, холос.

<sup>696</sup> Халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг ўлими ва халифаликка Умар ибн Абдулазизнинг ўтириши ҳамда унинг халифалик йилларида юз берган воқеаларни ал-Хоразмий қуйидагича қисқа тавсифлайди:

«99 йил – юнонларнинг 1028 йилининг 14 Об ойи шанба кунида (мил. 717 йил 14 августда) бошланди. Унда Сулаймон ибн Абдулмалик ўлди. Ундан кейин 8 Сафар сешанба кунида (мил. 717 йил 21 сентябрда) ҳокимиятга Умар ибн Абдулазиз келди. Ўшанда 15 Жумодиссоний ойида (мил. 718 йил 23 январда) Нисибин ўлкасида ва Жазирада (Шимолий Ироқда) зилзила бўлди ва кўп уйлар вайрон бўлди. Зилзила олти ой давом этди.

100 йил – юнонларнинг 1029 йилининг 3 Об ойи чоршанба кунида (мил. 718 йил 3 августда) бошланди. Унда Ўазид ибн Ақил Ироққа ноиб этиб тайинланди.

101 йил – юнонларнинг 1030 йилининг 23 Таммуз ойи якшанба кунида (мил. 719 йил 23 июлда) бошланди. Унда Умар ибн Абдулазиз ўлди, ўрнига 25 Ражаб ойида (мил. 720 йил 9 февралда) ҳокимиятга Ўазид ибн Абдулмалик келди. Унда румийларнинг подшоҳи Лев [яъни, Лев III Исавр (717–741)] мамлакатигаги барча яҳудийларга салибга чўқинишларини буюрди» (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200-летию. – С. 241–242).

Келтирилган парчадан кўринадики, халифа Умарнинг Беруний жадвалида кўрсатилган ҳукмронлик йиллари (ҳижрий 100 (мил. 718–719) – ҳижрий 104 (мил. 722–723) Хоразмий асарида қайд этилган ва ҳозирги замонда қабул қилинган – ҳижрий 99 (мил. 717) – ҳижрий 101 (мил. 720) саналарга мос келмайди, шунинг учун биз уларни эътиборга олмаймиз.

Халифа Умар қисқа муддат – атиги уч йил ҳукм сурган бўлса ҳам, унинг ҳукмронлик йилларини тадқиқотчилар Умавий халифалар давридаги фавқуллодда муҳим саналар эканлигини тан олганлар. Ислом тарихчиларининг эътироф этишича, Умавий халифалар диний жамиятни дунёвий давлатга айлантириб, «подшоҳлар» сифатида ҳукм сурганлар. Ушбу асарда кўриб турибмизки, Беруний уларни, ҳатто, «амирлар ва фиръавнлар»га қиёслаган. Аммо тарихчилар Умар ибн Абдулазизни «хулафои рошидиннинг бешинчиси» деб эътироф этганлар, яъни уни халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али билан бир қаторга қўйганлар.

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлгунига қадар юқори мансабларда хизмат қилиб, ҳашаматли иморатларда яшаган, қимматбаҳо кийимларда юриб, ўз эҳтиёжи учун катта маблағ сарфлаган. Айтишларича, ҳеч ким атир, кийим ва отларга Умарчалик кўп пул сарф қилмаган. У кийимларини ювдирадиган кирхоналарга одамлар навбатда турганлар ва унинг кийимлари либослари билан бирга ювилиши, демак, унинг кийимларидан анқиган ҳидлар уларнинг кийимларига ўтиши учун катта пул тўлаганлар.

Умар ибн Абдулазизнинг бундай ҳаёти халифа бўлгунига қадар давом этади. У халифаликка кўтарилгач, тамомила такводорлик йўлига киради. Авваллари у 400 дирҳамлик либос кийган бўлса, эндиликда 14 дирҳамлик кийим билан қаноатланади. Бир пайтлар 1000 динорлик безакли халат кийган бўлса, энди 10 дирҳамлик қўйлақда юришни одат қилади. Беш вақт намозни қанда қилмай, ўзидан олдинги Умавий халифалар каби айш-ишратга берилмайди. Уларни бекор қилиб, мусулмонларнинг гамини ейди (Бартольд В.В. Халиф Омар II и противоречивые известия о его личности – Бартольд В.В. збр соч. Т. VI, – М.: Наука, 1966. – С.504–531).

<sup>697</sup> Юқориде кўрсатилгандек, Ўзид ибн Абдулмалик тахтга 720 йилнинг 9 февралда ўтирган. Бу халифа Ўзид II номи билан ҳам маълум бўлиб, унинг даврида халифаликда айтарли муҳим воқеа рўй бермаган. Унинг халифалик йилларини Муҳаммад ал-Хоразмий қуйидагича тавсифлайди:

«102 йил – юнонларнинг 1031 йилининг 12 Таммуз ойи жума кунда (мил. 720 йил 12 июлда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик Ўзид ибн ал-Муҳаллаб билан жанг қилди, Ўзид ўлдирилди. Унда Умар ибн Хубайра Арамия (Ироқ) юртининг ноиби бўлди.

103 йил – юнонларнинг 1032 йилининг 1 Таммуз ойи сешанба кунда (мил. 721 йил 1 июлда) бошланди. Унда Аббос ибн ал-Валид румликлар мамлакатига бостириб кирди, лекин араблар мағлубиятга учрадилар.

104 йил – юнонларнинг 1033 йилининг 21 Ҳазирон ойи якшанба кунда (мил. 722 йил 21 июлда) бошланди. Унда Жарроҳ ибн Абдуллоҳ турклар (Шимолий Кавказдаги хазар турклари) ерларига бостириб кирди ва Шеба шахрини фатҳ этди.

105 йил – юнонларнинг 1034 йилининг 10 Ҳазирон ойи пайшанба кунда (мил. 723 йил 10 июнда) бошланди. Унда Ўзид ибн Абдулмалик ўлди. Ундан кейин хали-



фалик тахтига унинг укаси Ҳишом 29 Шаъбон оии чоршанба кунда (мил. 724 йил 16 январда) ўтирди» (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 242).

<sup>698</sup> Халифа Ҳишом ибн Абдулмаликнинг қарийб 20 йиллик ҳукмдорлиги Умавий халифаларнинг вакиллари орасида узок муддатли ҳукмронлик бўлди ва бу муддат давомида мамлакат ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам кўпгина тарихий воқеалар юз берди. Ал-Хоразмий бу воқеаларни қисқача қуйидагича тавсифлайди:

«106 йил – юнонларнинг 1035 йилининг 29 Айёр оии душанба кунда (мил. 724 йил 29 майда) бошланди. Унда Умар ибн Хубайра Арамия (Ироқ) мамлакати ноблиги мансабидан туширилди. унинг ўрнига Холид ибн Абдуллоҳ тайинланди.

107 йил – юнонларнинг 1036 йилининг 19 Айёр оии шанба кунда (мил. 725 йил 19 майда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик Қайсария шаҳрини забт қилди. Унда вабо Сурияда кўп одамлар ва ҳайвонларни нобуд қилди.

108 йил – юнонларнинг 1037 йилининг 8 Айёр оии чоршанба кунда (мил. 726 йил 8 майда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди.

109 йил – юнонларнинг 1038 йилининг 27 Нисон оии якшанба кунда (мил. 727 йил 27 апрелда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик Озарбайжон ва Арманистонга бостириб кирди. У, шунингдек, [хазар] турклари мамлакатига ҳам кирди, улар билан жанг қилди ва уларни енгди.

110 йил – юнонларнинг 1039 йилининг 16 Нисон оии жума кунда (мил. 728 йил 16 апрелда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик иккинчи марта [хазар] туркларининг мамлакатига кирди, улар билан жанг қилди ва уларни енгди.

111 йил – юнонларнинг 1040 йилининг 5 Нисон оии шанба кунда (мил. 729 йил 5 апрелда) бошланди. Унда Хуросон мамлакатаида Аббосийлар сулоласи бошланди, уларнинг бошлиғи Сулаймон ибн Касир эди.

112 йил – юнонларнинг 1041 йилининг 26 Озар оии якшанба кунда (мил. 730 йил 26 мартда) бошланди. Унда [хазар] турклари Жарроҳ ибн Абдуллоҳни ўлдирдилар. арабларни таъқиб қилдилар ва Марж Ирбилда уларни таладилар. Шунда Саъд ибн Амр улар билан жанг қилди, туркларни енгди ва улар араблардан тортиб олган ҳамма нарсани қайтариб олди.

113 йил – юнонларнинг 1042 йилининг 15 Озар оии пайшанба кунда (мил. 731 йил 15 мартда) бошланди. Унда Маслама ибн Абдулмалик [хазар] туркларининг хокони билан жанг қилди ва уни ўлдирди. Унда Марвон ибн Муҳаммад Арманистон ва Озарбайжоннинг амири этиб тайинланди.

114 йил – юнонларнинг 1043 йилининг 3 Озар оии душанба кунда (мил. 732 йил 3 мартда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди ва асирларни, яъни биринчи бўлиб борган гуруҳдан асирликка тушиб қолган арабларни олиб чиқди. Қолганларини эса румликлар тутиб олиб, қатл қилдилар.

115 йил – румликларнинг 1044 йилининг 21 Шубот оии шанба кунда (мил. 733 йил 21 февралда) бошланди. Унда Букайр ибн Мохон Хуросонга келди ва аҳолисини Аббосийлар ҳукмига бўйсундирмоқчи бўлди. Унга Абу Авн ва Аккий кўшилдилар.

116 йил – юнонларнинг 1045 йилининг 10 Шубот оии чоршанба кунда (мил. 734 йил 10 февралда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди.

117 йил – юнонларнинг 1046 йилининг 30 Канун ҳрой ойи якшанба кунда (мил. 735 йил 30 январда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди.

118 йил – юнонларнинг 1047 йилининг 20 Канун ҳрой ойи жума кунда (мил. 736 йил 20 январда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди.

119 йил – румликларнинг 1048 йилининг 8 Канун ҳрой ойи сешанба кунда (мил. 737 йил 8 январда) бошланди. Унда Муовийа ибн Ҳишом ўлди. Унда Марвон [ибн Муҳаммад] [хазар] турклари ерига бостириб кирди ва уларни енгди.

120 йил – румликларнинг 1049 йилининг 28 Канун қадим ойи шанба кунда (мил. 738 йил 28 декабрда) бошланди. Унда Юсуф ибн Умар Ироқ мамлакатига ноиб этиб тайинланди.

121 йил – юнонларнинг 1050 йилининг 18 Канун қадим ойи пайшанба кунда (мил. 738 йил 18 декабрда) бошланди. Унда Юсуф ибн Умар Зайд ибн Алини Куфада ўлдирди. Унда Маслама ибн Абдулмалик вафот этди.

123 йил – юнонларнинг 1052 йилининг 26 Тишрин ҳрой ойи шанба кунда (мил. 740 йил 26 ноябрда) бошланди. Унда Сулаймон ибн Ҳишом румийлар мамлакатига бостириб кирди ва зафар билан қайтди. Унда румликларнинг подшоҳи [Лев III Исавр] ўлди, унинг ўғли Константин [V] ворис бўлди.

124 йил – юнонларнинг 1053 йилининг 15 Тишрин ҳрой ойи чоршанба кунда (мил. 741 йил 15 ноябрда) бошланди. Унда Сулаймон ибн Ҳишом румликлар мамлакатига бостириб кирди ва Левнинг ўғлини ярадор қилди.

125 йил – юнонларнинг 1054 йилининг 4 Тишрин ҳрой ойи якшанба кунда (мил. 742 йил 4 ноябрда) бошланди. Унда Ҳишом ибн Абдулмалик ўлди. Ундан кейин Ал-Валид ибн Йазид 6 Рабиуссоний ойи чоршанба кунда (мил. 743 йил 6 февралда) подшоҳ бўлди» (Муҳаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 242–243).

Келтирилган парчадан кўринадики, халифа Ҳишом ибн Абдулмалик даврида араблар, асосан, Византия ва Кавказ йўналишида ҳамда қисман Мовароуннаҳр ва Хуросон тарафда ҳарбий ҳаракатларни олиб борганлар. Византия билан бўлган урушлар ўзаро ўлжани қўлга киритиш учун қилинган босқинчиликлардан иборат бўлиб, бу халифалик томонидан забт этиш учун олиб борилган давомли жанглар эмас эди.

Кавказ тарафига қилинган юришларда кўзга ташланадиган жиҳат – бу «турклар» билан бўлган тўқнашувлардир. Хоразмий «турклар» деб хазарларни назарда тутди. Ҳақиқатдан ҳам, Хазар хоқонлиги VIII аср бошига келиб, катта кудратга эришади ва халифаликка шимолдан таҳдид солиб туради. Масалан, ҳижрий 112 (мил. 730) йили хазарлар халифанинг Арманистон ва Озарбайжондаги ноиби Жарроҳ ибн Абдуллоҳни ўлдириб, халифалик ҳудудига то Озарбайжондаги Ирбил шаҳри атрофларигача кириб келадилар. Бу эса халифалик учун жиддий хавф эди. Халифа Ҳишом бунга жавобан келаси ҳижрий 113 (мил. 731) йили укаси Маслама ибн Абдулмаликни катта куч билан Хазар хоқонлигига юборади. Маслама Хазар хоқонини ўлдиришга муяссар бўлади, лекин мамлакатдаги ички аҳвол оғир бўлгани сабабли тезда орқага қайтади.

Арабларнинг хазарларга қарши амалга оширган катта юриши ҳижрий 119 (мил. 737) йилдаги Марвон ибн Муҳаммад бошчилигидаги жанг бўлди. Бунда Марвон

Хазар хоқонлигини кесиб ўтиб, хоқонни таъқиб этиб, Итил (Волга)нинг ўнг соҳили бўйлаб то Итилга Кама дарёси куйиладиган ергача етиб борди ва орқага қайтди.

Умуман, халифаликнинг Хазар хоқонлигига қарши ҳаракатлари натижасиз тугади. Чунки бу ҳаракатлар ниҳоясида араблар Хазар хоқонлигини халифалик таркибига кирита олмади ва хазарлар Исломни қабул қилмади (Артамонов. История хазар. – С. 270–320).

Халифа Ҳишом даврида Ўрта Осиёда арабларнинг зулми кучайди. Шариат бўйича Бухоро, Самарқанд, Шош ва Фарғона аҳолиси орасида исломни қабул қилганлар хирож солиғини тўларди. Шундан сўнг халифа Ҳишомнинг Мовароуннахрдаги маъмурлари маҳаллий аҳолидан ҳам хирожни, ҳам жияни талаб қила бошлайдилар. Бу эса аҳолининг жиддий норозилигига ва натижада қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлади. Табарийнинг айтишича, «Шунда Суғд ва Бухоро аҳолиси яна мушрик бўлиб, туркларни ёрдамга чақирадилар» (История ат-Табари. – С. 209–211).

Халифа Ҳишом айнан шу сиёсатни Хуросонда ҳам олиб боради. Натижада Хуросонда ҳам халифаликка қарши қўзғолонлар юз беради. Бундай қўзғолонларнинг энг каттаси 736–737 йилларда бўлиб ўтади. Лекин қўзғолон араблар томонидан шафқатсиз бостирилади.

Умуман олганда, Хуросон ва Мовароуннахрдаги бу қўзғолонлар Умавийлар ҳокимиятига қарши қаратилганди. Ана шу зиддиятларнинг барчаси пировард натижада Умавийларга нисбатан жиддий рақиб бўлган куч – Аббосийлар рақобатини шакллантиради. Аббосийларнинг Умавийларга қарши курашида Хуросон кулай жанг майдонига айланади. Муҳаммад ал-Хоразмийнинг асарида келтирилган маълумотларга кўра ҳижрий 111 (мил. 729 йилда) Хуросонда Сулаймон ибн Касир, ҳижрий 115 (мил. 733) йилда Букайр ибн Моҳон, Абу Авн ва Аккийлар томонидан Аббосийлар сулоласи учун олиб борилган ҳаракатлар бунга далилдир.

Халифаликнинг деярли барча ҳудудларидаги аҳолининг қаттиқ норозилиги ижтимоий таянчини бутунлай йўқотган Умавийлар сулоласининг кулашига олиб келди. Халифа Ҳишом даврида аҳолини талон-торож қилиш эвазига йиғилган давлат хазинасидаги мол-мулк унинг сиёсий жиҳатдан ночор ва сусткаш ворислари даврида кўкка совурилади. Унинг намунавий деб ҳисобланган маъмурий-молиявий идоралари ва яхши ташкил қилинган лашкарлари қисқа муддатга таназзулга юз тутди. Халифа Ҳишом ўлганидан (743) кейинги икки йил (743–744) давомида уч халифа алмашади. Улар орасида эътиборлиси халифа Ал-Валид ибн Йазид ибн Абдулмалик эди. У айшишрат ва турли ифлосгарчиликлар орқали давлат хазинасидаги бойликларни талон-торож қилади. Пировардида уни ўз қариндошлари ўлдиради.

Унинг ночор вориси Йазид ибн ал-Валид ибн Йазид «ноқис», яъни «камайтирувчи» лақабини олади. Сабаби, у хазинада пул қолмагани учун аскарларнинг маошини камайтиради.

Ниҳоят, Умавий халифаларнинг охиригиси Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳакам (744–749) тахтни 60 ёшида куч билан олади. У ёшлигида серғайрат ва удабуро лашкарбоши бўлишига қарамай, тахтга жуда кеч ва ноқулай пайтда келади. Унинг халифалик йиллари ўз мавқеини тиклаш учун кураш ва қўзғолонларни бостириш билан ўтади. Унинг даврида халифалик қайнаётган вулқонни эслатарди: Ироқ, Миср ва Мағрибда хорижийлар қўзғолони кучаяди; Суриядаги Ҳимс шаҳри

Умавийларга қарши кўзғолоннинг марказига айланади. 746 йили Абу Муслим Хуросонда, унинг марказий шаҳри Марвада ўрнашиб, ўша ерда Аббосийлар фойдасига ташвиқот олиб бориб, атрофига тарафдорларини тўплай бошлайди. Бу ҳаракатга Мовароуннаҳр аҳолиси ҳам қўшилади. Бундай шароитда Марвон II халқнинг қаттиқ нафратига учраб, «ҳимор», яъни «эшак» лақабини олади. У Мисрга кочиб, ўша ерда ҳижрий 132 (мил. 749) йили ўлдирилади. Ўша ҳижрий 132 йилнинг 5 Рабиулаввал ойида (мил. 749 йил 22 октябрда) Аббосийларнинг вакили Абу-л-Аббос Куфа шаҳрида ўзини Ас-Саффоҳ номи остида халифа деб эълон қилади. Ас-Саффоҳ Пайгамбар алайҳиссаломнинг амакиси, Самарқанддаги Шохизинда қабристонига кўмилган Қусам ибн ал-Аббоснинг отаси Ал-Аббоснинг авлодидан бўлгани учун у асос солган сулола Аббосийлар сулоласи деб аталади.

<sup>699</sup> Умавийлар сулоласидан фанда тан олинган халифаларнинг рўйхати ушбудир:

Муовийа I	661–680	Умар I	717–720
Йазид I	680–683	Йазид II Ҳишом	720–724
Муовийа II	683	Ал-Валид II	724–743
Марвон I	684–685	Йазид III	743–744
Абдуллоҳ	685–691	Иброҳим	744
Абдулмалик	691–705	Марвон II	744–749
Ал-Валид I	705–714		
Сулаймон	715–717		

<sup>700</sup> Ал-Аббос – пайгамбарнинг амакиси. Аббосий халифалар фақат имом эканликларини ислом тарихчилари эътироф этганлар.

<sup>701</sup> Жадвалнинг бу сатридан кўринадики, охириги Умавий халифа Марвон II Абу-л-Аббос ас-Саффоҳ халифа деб тан олинганидан 8 ой ва 2 кун, яъни 238 кун ўтиб ўлдирилган.

<sup>702</sup> Биринчи Аббосий халифа Абу-л-Аббос «то ўлгунигача» халифалик тарихида ўзига хос ўрин тутган баъзи ишларни амалга оширди. Унинг дастлабки муҳим иши Умавийларнинг пойтахти Дамашкни ўзига пойтахт қилмай, Фирот дарёси бўйидаги Ал-Анбор деган манзилга кўчиш ва унда пойтахт саройини бино қилиш бўлди. Иккинчидан, у тахтга ўтириши билан Умавийлардан бўлган балоғат ёшидаги деярли барчасини қирғин қилади. Фақат улардан бир киши – Абдурахмон қутулиб қолиб, у Андалусга (Испанияга) қочади ва ўша ерда Андалус Умавийлари давлатига асос солади. Абу-л-Аббос давридаги тарихда қолган муҳим воқеалардан яна бири Абу Муслимнинг ўлдирилишидир. Аслида Аббосийлар ҳокимият тепасига ниҳоятда оммавий тус олган Абу Муслим ҳаракатининг тўлқинида келган эдилар. Унинг халқ орасидаги обрў-эътибори юқори даражада эди. Бундан ўз ҳокимияти учун хавфсираган Ас-Саффоҳ Абу Муслимни йўқ қилиш чорасини кўради. Натижада унинг укаси, бўлажак халифа Абу Жаъфар Абу Муслимни ўлдиради. Кейинчалик Мовароуннаҳр ва Хуросонда «Абу Муслим» номли халқ достони юзага кела-

ди. Бу дoston, ҳатто, XX асрнинг биринчи ярмида ҳам Ўрта Осиё аҳолиси орасида кенг тарқалган эди.

<sup>703</sup> Абу Муслим ўлдирилишидан кўп ўтмай Абу-л-Аббос ҳам оламдан ўтади ва унинг васиятига кўра, халифалик тахтига укаси Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Мансур ўтиради.

Халифа Ал-Мансур даврида амалга оширилган тарихан муҳим ишлардан бири – бу Бағдод шаҳрига асос солинганидир. Халифа ал-Мансур даврида форс мавлоларининг обрў-эътибори ва мавкеи анча ортади. Улар пойтахтнинг Ал-Анборда, яъни Сурия саҳросига деярли яқин жойда бўлишини маъқул кўрмайдилар ва уни шаркка кўчириш учун Ал-Мансурни кўндирадилар.

Дажла дарёсининг бўйида, Сосонийларнинг пойтахти Ктесифон яқинида яна олти кент мавжуд эди. Бу етти кентни араблар умумий ном билан «Ал-Мадоин» («Шаҳарлар») деб атадилар. Етти кентдан бирининг номи ўрта форс тилида Бағдод (яъни, «Худо берган») деб аталиб, у йилда бир марта бўладиган ярмаркаси билан машҳур эди. Араблар бу ярмаркани «Суқ Бағдод» («Бағдод бозори») деб атадилар. Халифанинг форс мулозимлари уни шу етти кентни умумий девор билан ўраб, пойтахтни шу ерга кўчиришга кўндирадилар. Қурилиш ишлари 759 йили бошланиб, 762 йили ниҳоясига етказилади. Шу ўтган уч йил ичида араблар ҳеч қандай уруш олиб бормаганликлари учун халифа пойтахтга «Мадина тус-салом» («Тинчлик шаҳри») деган ном беради. Лекин халифанинг саройи шаҳарнинг Бағдод қисмида жойлашгани учун унинг номи абадий Бағдод бўлиб қолади.

Бағдод пойтахт бўлгач, ундаги бозор доимий жараёнга айланиб, кенгайиб боради. Бу эса давлат ишларига ва ҳарбийларнинг жойлаштирилишига халақит бера бошлайди. Шунинг учун 773 йили Ал-Мансур шаҳар бозорини дарёнинг ўнг соҳилига, Карх деган жойга кўчиради. Буни Ал-Хоразмий ҳам ўз асаридида қайд этган (Мухаммад ал-Хорезми. К 1200 летию. – С. 246).

Халифа Ал-Мансур ташаббуси билан амалга оширилган энг муҳим, тарихий аҳамиятга молик иш – ўз саройида таржимонларни тўплаб, юнон, форс ва ҳинд илмий асарларини араб тилига таржима қилишни йўлга қўйганлигидир. Бу таржималар асосида буюк илмий ихтиролар қилинди.

<sup>704</sup> Беруний давригача ўтган Аббосий халифалар орасида энг машҳури халифа Ҳорун ар-Рашид бўлди. У бу машҳурликка Берунийдан анча кейин – «Минг бир кеча» ҳикоялари яратилганидан сўнг эришди. Чунки бу ҳикояларда у асосий қаҳрамон сифатида кўрсатилган эди. Аслида эса Ҳорун ар-Рашид бу ҳикояларда тасвирланган сиймодан фарқ қилган. Шунга қарамай, бу халифа ва унинг ўғиллари Ал-Амин ҳамда Ал-Маъмуннинг ҳукмронлик йилларида нафақат халифалик, балки Марказий Осиёнинг ҳам сиёсий, ижтимоий ва маданий тарихида оламшумул аҳамиятга молик воқеалар юз берганлиги сабабли, уларнинг халифалик йилларини бир оз бўлса-да изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Халифа Ҳорун ар-Рашид тахтга келган 786 йилда Маккада халифа Али ибн Абу Толибнинг авлодидан бўлган Ал-Ҳусайн ибн Али ибн ал-Ҳасаннинг қўзғолони эндигина бостирилган эди. Осудалик 806 йилга қадар давом этади. Ўша йили Суғдда йирик араб аъёни Рафиъ ибн Лайс қўзғолон кўтаради. У тез орада Хуросонга ҳам кўчади. Қўзғолон кенгайиб бораётганидан хавотир қилган халифа Ҳорун ар-Рашид

Хуросондаги ноиби Али ибн Моҳонни мансабидан тушириб, ўрнига Харсама ибн Аъённи тайинлайди. Лекин бундан кейин ҳам кўзғолоннинг кўлами кенгайверади. Охир-оқибат халифа Ҳорун ар-Рашид 808 йили шахсан ўзи лашкари билан кўзғолонни бостириш учун Хуросонга йўл олади. У ўзи билан иккинчи ўғли Ал-Маъмунни олиб, биринчи ўғли Ал-Аминни пойтахт Бағдодда қолдиради.

Лекин бу воқеалардан бир оз аввал, ҳижрий 186 (мил. 802) йили Ҳорун ўгиллари Муҳаммад, Абдуллоҳ, Ал-Қосим ва сарой аъёнларининг катта гуруҳи билан ҳажга боради. Ўшанда у Каъбада кўпчилик ҳожилар ҳузурда ўз васиятномасини ўқиб беради. Унда у ўзидан кейин халифалик тахтига катта ўғли Муҳаммад Ал-Амин номи билан, ундан кейин иккинчи ўғли Абдуллоҳ Ал-Маъмун номи билан, ундан сўнг эса учинчи ўғли Ал-Қосим Ал-Муътамар номи билан ўтиришини эълон қилади. (Табарий. Тарих ар-расул ва-л-мулук, 10-ж., 73–75-бет).

<sup>705</sup> Ҳорун ар-Рашид Рафиъ ибн Лайс кўзғолонини бостириш учун кетаётиб, 809 йили Тусда тўсатдан вафот этади. Унинг васиятига кўра, Бағдодда қолган катта ўғли Ал-Амин номи билан халифалик тахтига ўтиради. Хуросондаги укаси Абдуллоҳ ал-Маъмун эса 809–810 йилларда Рафиъ ибн Лайс кўзғолонини бостириб, Мовароуннахр. Хуросон ва Хоразмнинг йирик зодагонлари билан муносабатини яқинлаштиради. Унинг обрўси кундан-кун ортиб бораётганини кўрган Ал-Амин укасини 810 йили пойтахтга чақиради. Ал-Маъмун бу талабни рад этиб, Ал-Аминнинг номини хутбадан ва Марвда зарб қилинадиган танга пуллардан чиқаради. Бу эса исён эди. Шундан сўнг ака-ука ўртасида тахт учун кураш бошланиб, мамлакатнинг йирик шахслари, жумладан, халифа саройидагилар ҳам икки тарафга бўлинади. Бу кейингилар орасида Тохир ибн ал-Ҳусайн бўлиб, у Ал-Аминни енгилди ва Ал-Маъмуннинг тахтга ўтиришида катта роль ўйнади.

<sup>706</sup> Ал-Маъмун халифалик лавозимида расмий равишда Ал-Амин ўлдирилган санадан, яъни ҳижрий 198 йилнинг 24 Муҳаррам (мил. 813 йил 24 сентябрь) кунидан тайинланган деб ҳисобланса ҳам, амалда Беруний жадвалига кўра, у – Ал-Амин тахтдан туширилиб, қамалган вақтдан, яъни ҳижрий 196 йилнинг Ражаб (мил. 812 йил 26 март) кунидан халифа бўлган. Бундан ташқари, яна шу жадвалдан кўринадикки, Ал-Маъмун қонуний халифа бўла туриб, пойтахт Бағдодга бормади, Марвда турганини кўрган амакиси Иброҳим ибн ал-Маҳдийнинг Бағдоддаги тарафдорлари ҳижрий 201 йилнинг 5 Муҳаррам (мил. 816 йил 5 август) санасида уни халифаликка кўтарганлар ва у то ҳижрий 203 йилнинг 16 Зулҳижжа (мил. 819 йил 14 июнь) санасига қадар пойтахтда қўғирчок халифа бўлиб турган. Ўша куни қонуний халифа Ал-Маъмуннинг Бағдодга келишини эшитган Иброҳим эса тезда бекиниб, ғойиб бўлади. Берунийнинг жадвалига кўра, у 1 йилу 11 ой ва 11 кун халифа бўлган.

Ал-Маъмун номи билан боғлиқ халифаликдаги муҳим ишлардан бири шу бўлдики, у 821 йилнинг баҳорида ўз лашкарбошиси Тохир ибн ал-Ҳусайнни халифаликнинг шарқдаги ерларига ноиб этиб тайинлайди ва ўша йилнинг майида уни мазкур мулкнинг маркази Марвга юборади. Тохир эса ўша 821 йилнинг октябрида ўзини мустақил деб эълон қилади. Натижада Марказий Осиёнинг халифаликдан мустақил тарзда ривожланишига асос солади.

Ал-Маъмуннинг иккинчи муҳим иши бу бўлдики, у ўзининг аниқ ва табиий фанларга бўлган катта иштиёқи сабабли Марвга келган 809 йилдан бошлаб то

Бағдодга қайтган 819 йилгача ўз атрофига Хоразм, Хуросон, Суғд, Фарғона, Шош ва бошқа яқин ўлкалардан кўзга кўринган олимларни йиға бошлайди. Барча сиёсий ракибларини йўқ қилинганидан сўнг, у 819 йили Бағдодга кўчиб, ўзи билан Марвда тўпланган олимларнинг барчасини олиб кетади. Улар орасида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ибн Абдумалик ал-Марварудий, Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий, Абу-т-Таййиб Санад ибн Али, Аҳмад ал-Фаргоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ҳабаш ал-Ҳосиб, Абдулҳамид ибн турк ал-Хутталиий ва бошқалар ҳам бор эди. Бағдодда эса бу олимлар «Байт ул-ҳикма» академияси олимларнинг асосий ўзагини ташкил қилди.

<sup>707</sup> Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз (861–908) – бир кунгина халифа бўлган машҳур шоир ва адиб.

<sup>708</sup> Беруний давригача ҳукм сурган Аббосий халифаларнинг ҳозирги замон фанида тан олинадиган рўйхати қуйидагича:

Ас-Саффоҳ Абул-Аббос	749–754	Ал-Муҳтадий биллоҳ	869–870
Ал-Мансур	754–775	Ал-Муътамид биллоҳ	870–892
Ал-Маҳдий	775–785	Ал-Муътазид биллоҳ	892–902
Ал-Ҳодий	785–786	Ал-Муқтафий биллоҳ	902–908
Ар-Рашид Ҳорун	786–809	Ал-Муқтадир биллоҳ	908–932
Ал-Амин	809–813	Ал-Қоҳир биллоҳ	932
Ал-Маъмун (Марвда)	813–819	Ал-Муқтадир биллоҳ	932–933
Ал-Муборақ, Иброҳим	817–819	Ал-Қоҳир биллоҳ	933–934
Ал-Маъмун (Бағдодда)	819–833	Ар-Розий биллоҳ	934–940
Ал-Муътасим биллоҳ	833–842	Ал-Муттақий биллоҳ	940–944
Ал-Восиқ биллоҳ	842–847	Ал-Мустақфий биллоҳ	944–946
Ал-Мутаваккил биллоҳ	847–861	Ал-Мутиъ биллоҳ	946–974
Ал-Мунтасир биллоҳ	861–862	Ат-Тоййиб биллоҳ	974–991
Ал-Муътаъин биллоҳ	862–866	Ал-Қодир биллоҳ	991–1031
Ал-Муътаз биллоҳ	866–869	Ал-Қоим биллоҳ	1031–1075

<sup>709</sup> «Раъс ал-жалут» яҳудийлар эътиқодига мансуб бўлиб, бу ҳақда юқорида китобнинг «Эранинг моҳияти ва халқларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари хусусида сўз» бўлимида тўхтаб ўтилган.

<sup>710</sup> Бу ерда халифа Ал-Қодир биллоҳ (991–1031) назарда тутилади.

<sup>711</sup> Олимнинг тўлиқ исми Абу-л-Аббос ибн Муҳаммад ибн Марвон ас-Сарахсий (ваф. мил. 899) – сарахслик файласуф, табиб, математик ва астроном, Ал-Киндийнинг шогирди, халифа Ал-Муътазиднинг устози. У Аҳмад ибн ат-Таййиб номи билан маълум бўлган. Математика, астрономия, астрология, мусиқа ва фалсафага оид 11 та асари маълум (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т.2. – С. 81–82).

<sup>712</sup> Ҳиндистонлик математик ва астроном Канка 775 йили Бағдодга халифа Ал-Мансур хузурига ўзи билан бирга ҳиндларнинг астрономик асари «Сиддҳанта»ни олиб келган. У халифа Хорун ар-Рашид (786–809) даврида яшаган бўлиши мумкин (Юшкевич А., История математики в средние века. – М.: Наука, 1960. – С.171).

<sup>713</sup> Имод уд-Давла Али ибн Бувайҳ (мил. 934–949) – X–XI асрларда Эрон ва Ироқда ҳукм сурган, асли Эроннинг шимолидаги Дайлам ўлкасидан чиққан Бувайҳийлар сулоласининг асосчиси.

<sup>714</sup> Аббосийлар халифалиги милодий X аср бошига келиб кучсизланиб қолади ва ўз ер-мулкларини бой беради. Шундан сўнг уларни маҳаллий мустақил сулолалар бошқара бошлайди. Ўша пайтдан эътиборан Аббосий халифаларнинг иши, асосан, сохта лақаблар улашишдан иборат бўлиб қолади.

<sup>715</sup> Қуйида келтирилган баландпарвоз лақаблар Аббосий халифалар томонидан турли сулолаларга мансуб подшоҳлар, амирлар, султонлар ва уларнинг вазирларига берилган бўлиб, уларни ташхис қилишнинг аҳамияти йўқ.

<sup>716</sup> Сомонийлар (819–1005) – араб халифалигидан кейин Мовароуннаҳрда вужудга келган биринчи маҳаллий мустақил давлат сулоласи. Сомонийлар X аср ўртасига келиб, ислом дунёсидаги энг қудратли давлатга айланади. Бу пайтга келиб, бу давлат таркибига бутун Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистон ва Эроннинг талай қисми кирарди.

<sup>717</sup> Буғроҳон (992–998), Хорун – Мовароуннаҳр ва Туркистонда ҳукм сурган Қорахонийлар (992–1211) сулоласининг асосчиларидан бири.

<sup>718</sup> Беруний бу ерда ўз ҳомийси Қобус ибн Вашмгирни назарда тутяпти.

<sup>719</sup> Бу ерда Қобус ибн Вашмгирнинг «Шамс ул-Маолий» («Олий мартабалар куёши») лақабига ишора қилиняпти.

<sup>720</sup> Берунийнинг бу сўзларига қараганда, халифа Ал-Қодир биллоҳ Қобусга «Амиралмўминин» деб мурожаат қилиб, аслида унга нисбатан лаганбардорлик ва хушомадгўйлик қилган. Чунки «Амиралмўминин» халифаларнинг лавозими саналган. Бу эса X аср охирига келиб, Аббосий халифалар ниҳоятда ночор бўлиб қолганидан далолат беради.

<sup>721</sup> Тайласон – арабларнинг бошига ёки елкага ташлаб юрадиган тўртбурчак рўмолидир. У бошга ташланганида тўртбурчак шаклида бўлади. Агар елкага ташланса, диагональ бўйича букланиб, учбурчак шаклига киради. Беруний қуйида келтирган жадвал ана шу шаклдадир.

<sup>722</sup> Бу ерда ихтиёрий сонни олтмишлик тизимида ифодалаш назарда тугилади. Масалан, ихтиёрий катталиқдаги А сони берилган бўлса, уни  $A = a_0 \cdot 60^n + a_1 \cdot 60^{n-1} + \dots + a_n \cdot 60^0$ , кўринишда ифодалаш назарда тугилган. Бунда ҳар бир олдинги  $60^i$  сон кейингисига, яъни  $60^{i-1}$  га нисбатан бир мартага «кўтарилган».

<sup>723</sup> Бу ерда ҳиндларнинг машҳур «шахмат масаласи»нинг ечими келтирилган,

яъни  $\sum_{n=0}^{63} 2^n$  йигинди топилган. Демак, Беруний коидасига кўра:

$$\sum_{n=0}^{63} 2^n = ((16^2)^2)^2 \cdot ((16^2)^2)^2 - 1 = 18446744073709551615$$



<sup>724</sup> Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг арифметик рисоласи орқали ҳинд рақамларини муомалага киритганидан сўнг Ислом дунёсида бу рақамлар бутун ўрта асрлар давомида «ҳинд рақамлари» деб юритилди. Бу ерда Беруний ана шу анъанага амал қилган. Лекин Ал-Хоразмийнинг мазкур рисоласи Европада XII асрда арабчадан лотинчага таржима қилинган, бу рақамлар у ерда ҳозирги кунга қадар «араб рақамлари» деб аталиб келмоқда (Муҳаммад ал-Хоразмий. Танланган асарлар. 12-13, 59, 139–247-бетлар).

<sup>725</sup> Яъни куйида келтирилган рақам бу сатрдан олдинги сатрда келтирилган рақамнинг яъни  $2^{63}-1$  нинг олтмишлик системада ёзилишидир.

<sup>726</sup> Араб ҳарфларида ёзилган рақам юқорида ўнлик тизимида ёзилган рақамнинг абжад ҳисобида, яъни алифбосининг сонли қийматларида берилишидир.

<sup>727</sup> Куйида келтирилган [«Кўшқават тайласон»], аслида тақвимларнинг синхроник жадвалидир. Унда ўнта эра тақвимнинг биридан бошқасига ўтиши мумкин. Мазкур жадвал билан ишлашда асарнинг аввалги бобларида кўрсатиб ўтилган турли эраларнинг ойлари ва ҳафта кунлари ҳақидаги жадваллардан қўшимча маълумот сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жадвал тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унда симметрик ҳолатни юзага келтириш учун учбурчак ҳосил қилинган ва у маълумотлар билан тўлдирилган. Жадвалнинг бу ярмидаги рақамлар [«Кўшқават тайласон»]да диагональ бўйича жойлашган араб ҳарфларининг рақам кўринишига келтирилган ҳолатидир.

<sup>728</sup> Бу ерда Беруний шахмат масаласига муфассал ёндашяпти. У бу ўринда келтирган қоида ушбу: «Шахматнинг ихтиёрий катагидаги сон квадрати ундан бир хил узокликдаги икки катакда жойлашган сонларнинг кўпайтмасига тенг» деган қоиданинг хусусий ҳолатидир. Бу қоидада  $m \leq k \leq 32$  бўлганида  $(2^k)^2 = 2^{k-m} \cdot 2^{k+m}$  қоида ҳақида сўз кетаёттир. Хусусий ҳолда, агар  $k = 14$  бўлса,  $(2^{14})^2 = 2^7 \cdot 2^{21} = 2^9 \cdot 2^{19} = 2^3 \cdot 2^{25}$  ва ҳоказо бўлади. Лекин бу қоида фақат шахмат катаклари учун эмас, балки  $\sum_{n=0}^{\infty} 2^n$  кўринишдаги қатор учун ҳам ўринлидир.

<sup>729</sup> Иккинчи қоидани умумий ҳолда  $\sum_{m=0}^{n-1} 2^m = 2^{n-1}$  кўринишда ёзиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, агар хусусий ҳолда  $n=10$  бўлса,  $\sum_{m=0}^9 2^m = 2^{10} - 1$  бўлиши керак. Бу ерда  $2^{10}=512$  ва  $2^{10} - 1=511$ .  $\sum_{m=0}^9 2^m$  эса  $1+2+4+8+16+32+64+128+256=511$ . Демак, қоида тўғри.

<sup>730</sup> Беруний бу мисолда  $1+2+2^2+2^3+\dots+2^{63}=2^{64}-1$  тенгликни исботлаган, яъни шахмат тахтасидан ташқаридаги 65-катакни олган. Бошқача айтганда,  $2^n$  кўринишдаги сонлар қаторини фақат шахмат тахтаси билан чегараламай,  $n$  ни ихтиёрий катталиқдаги сон бўлиши мумкин деб умумлаштирган (728-изоҳга қаранг).

<sup>731</sup> Бу ерда «Абу Райҳон» деган ном муаллифнинг ўзига тегишли бўлмай, куйидаги иқтибосни киритган матн кўчирувчининг сўзлари бўлса керак. Чунки, биринчидан, агар бу сўзлар Берунийга оид саналса, куйидаги иқтибос манбаси бўлган «Рақамлар китоби» ушбу «Ёдгорликлар» асаридан аввал ёзилган бўлиши мумкин эди. Ҳолбуки, бу асар олимнинг ҳижрий 427 (мил. 1035–1036) йилгача ёзган асарлари таркибида кўрсатилмаган. Иккинчидан, агар Беруний ўзининг бирор асаридан иқтибос келтирса,

факат «мен фалон асаримда бундай қилганман» ёки «деб кўрсатганман» қабилида ўз фикрини билдирган. Лекин учинчи шахс сифатида иқтибос келтирмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Беруний асарларини чуқур ўрганиб, унинг қаламига мансуб асарлар ва ҳатто мактублар рўйхатини 180 тага етказган П.Г. Булгаков бу асар ҳақида эсламаган (Булгаков. Жизнь и труды Беруни. – С. 311). Демак, Берунийга тегишли ушбу асар №181 рақами остида бўлади.

<sup>732</sup> «Жуфт-жуфт» сон деб,  $2^n$  ( $n$  сони қандай бўлишидан қатъи назар) кўринишидаги сонга айтилади. Иқтибоснинг қолган қисмини қуйидаги рақамларда тушунтириш мумкин.

Агар  $2^1, 2^2, 2^3, \dots, 2^n$  кетма-кетлиги берилган бўлса ва бу ерда  $n$  жуфт сон бўлса, у ҳолда иккала чеккадаги сонларнинг кўпайтмаси ўртадаги икки соннинг кўпайтмасига тенг, яъни  $2^1 \cdot 2^n = 2^k \cdot 2^{k+1}$ , яъни  $2^{n+1} = 2^{2k+1}$ . Масалан, агар  $n=10$  бўлса,  $k=5$  бўлади ва тенглик  $2^{11} = 2^{11}$  бўлади. Бошқача айтганда,  $k=n-k$ , яъни  $2k=n$ .

Агар кетма-кетлик тоқ  $2^1, 2^2, 2^3, \dots, 2^{n+1}$  бўлса, у ҳолда ўртада битта  $2^{n+1}$  сони бўлади ва  $2^1 \cdot 2^{n+1} = (2^{2k+2})^2$ , яъни  $2^{n+k} = 2^{k+2}$ , бунда  $n+2 = 2k+2$ , яна бундан  $2k = n$  келиб чиқади.

<sup>733</sup> Бу ерда юқоридаги 730-изоҳда кўрилган қоида келтириляпти.

<sup>734</sup> Бошқача айтганда, бу ерда Беруний шахмат тахтасига 65-катакни ва ундаги  $2^{64}$  ни жойлаштиряпти. Маълумки, биринчи катакда  $2^0 = 1$  рақами турарди. Агар  $2^{64} - 1$  амали бажарилса, шахмат тахтасида қолган сонларнинг йиғиндиси  $\sum_{n=0}^{63} 2^n$  бўлиши ҳақида сўз кетаётир.

<sup>735</sup> Беруний ушбу хатбошида «Чеккадагиларнинг кўпайтмаси ўртадагининг квадратга тенг» қондаси бўйича ушбу  $2^0 \cdot 2^{64} = (2^{32})^2$ ,  $2^0 \cdot 2^{32} = (2^{16})^2$ ,  $2^0 \cdot 2^{16} = (2^8)^2$ ,  $2^0 \cdot 2^8 = (2^4)^2$ ,  $2^0 \cdot 2^4 = (2^2)^2$ ,  $2^0 \cdot 2^2 = (2)^2$  кўпайтмаларни тузади. Бу кўпайтмаларда  $2^{32}, 2^{16}, 2^8, 2^4, 2^2, 2$  лар «ўрта пропорционаллар»дир, чунки 
$$\frac{2^0}{2^{32}} = \frac{2^{32}}{2^{64}}, \frac{2^0}{2^{16}} = \frac{2^{16}}{2^{32}}, \frac{2^0}{2^8} = \frac{2^8}{2^{16}}, \frac{2^0}{2^4} = \frac{2^4}{2^8}, \frac{2^0}{2^2} = \frac{2^2}{2^4}, \frac{2^0}{2} = \frac{2}{2^2}.$$

<sup>736</sup> Беруний бу хатбошида геометрик прогрессияларнинг йиғиндисини топишни мақсад қилган. Бу мақсадга у юқоридаги абзацдаги кўпайтмаларнинг энг қуйидагисидан (735-изоҳ) бошлаб, кетма-кет кўпайтириб чиққан. Натижада унда юқорида келтирилган рақам 18 446 744 073 709 551 615, яъни шахмат тахтасининг катакларида жойлашган геометрик прогрессия  $2^0, 2^1, 2^2, 2^3, \dots, 2^{63}$  нинг йиғиндисини ҳосил бўлади.

<sup>737</sup> Беруний бу ерда 18 446 744 073 709 551 615 рақамини мумкин қадар ихчам ёзишни кўзда тутяпти. Беруний бўлиш амали бажараётиб, ўнлик касрларни ташлаб юбораётганини эътиборга оламыз.

Биринчи босқич: 10000 га бўлишда 18 446 744 073 709 55 *бидра* қолади; иккинчи босқич: 8 га бўлишда 2 305 843 009 213 56 *вақр* қолади; учинчи босқич: 10000га бўлишда 23 05 8 43 0 092 *пода* қолади; тўртинчи босқич: 1000 га бўлишда 23 05 8 430 *дарё* қолади; бешинчи босқич: 10000 га бўлишда 2305 *тоғ* қолади.

Беруний бу ерда *бидра* ва *вақр* ибораларини ҳам санок, ҳам огирлик ўлчам бирликлари сифатида ишлатяпти. Уларнинг келиб чиқиш тарихи бизга номаълумлигича қолмоқда.

<sup>738</sup> «Аниқланган кунлар» – «Қўшқават тайласон» жадвалидаги кунлар.

<sup>739</sup> Беруний юқорида «Эраларнинг моҳияти» бўлимида Абу Маъшарни қаттиқ қоралаб, унинг усули ёлғон ва унга эргашувчиларни «аҳмоқлар» эканлигини айтган эди. Бундан кейинги ҳисоблашлар, асосан, Абу Маъшар жадваллари ва улардан олинган «Қўшқават тайласон»га асослангани учун уларга аҳамият беришни ортиқча деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, ҳозирда Беруний келтирган эраларнинг аксарияти ва «Қўшқават тайласон» ишлатилмайди.

<sup>740</sup> «Ибуғумно», яъни юнонча «эпагоменай» – кичик ой ҳақида 217-изоҳга қаранг.

<sup>741</sup> Араблар Исломгача ва Ислом даврида то 632 йилнинг бошидаги «видолашув ҳажи»гача шамсий-қамарий тақвимдан фойдаланганлар. Лекин оддий шамсий йил 365 кун ва оддий қамарий йил 354 кун бўлгани учун улар қамарий йил кунларининг шамсий йил кунларига етмаган 11 кунни «насий» деб атаганлар. Уч йилда «насий» кунлардан йиғилган 33 кунни 13-ой қилиб, уни «насий» ойи деганлар ва ўша йил кунлари йиғиндисига қўшганлар. Шунда учта қамарий йил кунларининг «насий» ой кунлари билан қўшилган йиғиндисини учта шамсий йил кунлари йиғиндисига тенг бўлган, яъни  $365 \cdot 3 = 354 \cdot 3 + 33 = 1095$ .

Лекин «видолашув ҳажи»да «Тавба» сурасининг 37-ояти нозил бўлиб, «насий», яъни «қўшимча» ой ҳаром қилингандан кейин мусулмонларнинг тақвими фақат қамарий бўлиб қолган.

<sup>742</sup> Абул-Аббос ал-Фазл ибн Ҳотам ан-Найризий (ваф. 922) – Шероз (Форс) яқинидаги Найриз шаҳридан бўлиб Бағдодда халифа Ал-Муътазид саройида ишлаган ва унга Наврўз тақвими кириштиришга ёрдам берган. Ўрта асрларда Европада Анагитиуз номи билан маълум бўлган. Ҳожи Халифа ва баъзи муаллифлар унинг номини хато қилиб, *التيريزى النيريرى* ўрнига *التيريزى* ёзганлар. Лекин астроном олим Ат-Табризий у билан айнан бир даврда яшамаган. Унинг математика ва астрономияга оид 15 та асари маълум. Улардан энг машҳурлари: Евклиднинг «Негизлар»ига шарҳ, «Қибла азимути ҳақида рисола», «Шарҳ ал-Мажистий», «Катта зиж», «Кичик зиж», «Ал-Муътазид зиж» (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т. 2. – С. 117–118).

<sup>743</sup> Турли эра ойлариининг номлари китобнинг аввалги бобларида келтирилган.

<sup>744</sup> Бу ерда Беруний ўзи ҳисоблаган синодик ой миқдорини келтиряпти. Ҳозирги белгилашларда буни  $29^d 12^h 44' 02'' 17''' 21^{IV} 12^V$  кўринишида ёзиш мумкин. Тегишли қисқартириш ва соддалаштиришлардан кейин бу катталиқ 29,57 кун кўринишини олади. Бу эса ҳозирги ўртача сидерик ой муддати 29,53 дан 0,04 га фарқ қилади.

<sup>745</sup> Яҳудийларнинг шамсий йили миқдори  $365^d 5 \frac{3791^h}{4104}$  аслида 365,2374 кун бўлади. Беруний «Қонуни Масъудий»да ўртача бир йил миқдорини 365,25 кун деб олади ва: «Бу ҳисоб аниқ эмас, тахминийдир», дейди (Беруний. Қонуни Масъудий, 1 китоб. 80-б., 128-изоҳ). Ҳозир қабул қилинган миқдор эса 365,2422 кундир.

<sup>746</sup> Яхудийча «иббур» – кабиса демакдир. 2–5–7–10–13–16–18 рақамлар эса яхудийлар йилларида 19 йиллик даврдаги тартибланган кабиса йиллари.

<sup>747</sup> Яхудийларнинг ҳисобига кўра, бир соат 1080 ҳайлақдан ва бир кун 1080·24=25920 ҳайлақдан иборат.

<sup>748</sup> Бу ҳисоб ҳақида юқорида – 86–87-бетларда баён қилинган.

<sup>749</sup> Холид ибн Абдулмалик ал-Марварудий (IX а. 1-я.) – Аббосий халифа Ал-Маъмун билан милодий 819 йили Марвдан Бағдодга кетган хуросонлик математик ва астроном, Бағдод ва Дамашқда астрономик кузатишлар олиб борган.

<sup>750</sup> Мусо ибн Шокир ўғиллари (Бану Мусо ибн Шокир), учта ака-ука, ёшлигида Хуросонда қароқчилик қилган ва кейин халифа Ал-Маъмуннинг мулозими бўлган Мусо ибн Шокирнинг ўғиллари. Уларнинг каттаси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо (ваф. 872) астрономия, геометрия ва мантик билан шуғулланган, иккинчиси Аҳмад кўпроқ механика билан ва энг кичиги Ал-Ҳасан геометрия билан шуғулланган. Улар Бағдодда ишлаганлар. Юнон адабиётидан яхши хабардор бўлиб, юнончадан арабчага таржима қилиш ишларига раҳбарлик қилганлар.

<sup>751</sup> Мадинат ус-Салом – ўрта асрларда Бағдоднинг расмий номи.

<sup>752</sup> Беруний бу ерда Искандар эрасининг ўн иккинчи йили, яъни мил.авв. 300 йилда Байт ул-Муқалдас – Иерусалимда кузатилган Куёш ва Ой бирлашиши (ижтимоий) ҳодисасини ўша пайтдаги Бағдод вақтига кўчирипти (аниқроғи, бу ишни Бани Мусо амалга оширган). Лекин Бағдод милодий 762 йили қурилгани юқорида айtilган эди.

<sup>753</sup> «Замон» – осмон экваторининг  $\frac{1}{360}$  қисми (яъни, 1 даражаси). Вақт миқдори сифатида «замон»  $\frac{1}{360}$  – кеча-кундузнинг  $\frac{1}{360}$  қисми, яъни 4 дақиқа.

<sup>754</sup> Бу асос вақт  $20^{\circ} 24' 50'' 14''' 29^{IV}$  куйидаги жадвалда биринчи саҳрада 12 йил 2 кундан кейин келтирилган.

<sup>755</sup> Яъни, даврларга киритилмаган йиллардан.

<sup>756</sup> Бу ерда разряд (мартаба)ларини кўтариш, яъни соатларни кунларга, дақиқаларни соатларга кўтариш назарда тутиляпти.

<sup>757</sup> Хроникон – Беруний куйироқда изохлашича, яхудийлар пасхаларини олдиндан ҳисоблаб аниқлаш жадвали.

<sup>758</sup> Яъни, 36288 даврлар сони кичик давр йиллари сонига – 19 га кўпайтирилганда, 689472 давр сони ҳосил бўлиши назарда тутиляпти.

<sup>759</sup> Белги – ҳафтанинг ой бошига тўғри келадиган куни. У 1 дан 7 гача рақамлар билан кўрсатилган.

<sup>760</sup> Яъни, тугаётган ой 30-кунининг бошланғич 12 соат 793 ҳайлақи шу ўтган ойнинг 29-кунидан ортиқча қаср ҳисобланади ва қолган 11 соат 287 ҳайлақи кейинги ойда тегишли ҳисобланади.

<sup>761</sup> Иккита бошланишнинг бири – ўтган ой 30-кунининг кейинги 11 соат, 287 ҳайлақи, иккинчиси – бошланаётган ойнинг биринчи куни.

<sup>762</sup> Ой тўлишлари – Ойнинг Куёшга рўпара турган 14 кунлик бўлганида тўлин бўлиб туришидир.

<sup>763</sup> Яъни, геоцентрик назария бўйича Уторид, Зухра ва Ой.

<sup>764</sup> Юбил, яъни юбилей, эллик йиллик демакдир.

<sup>765</sup> Еттилик (*яхудийча – шубуъ, арабча – сабуъ*) даври, яъни етти йиллик давр.

<sup>766</sup> Бу ерда Беруний келтирган маълумотлардан кўринадики, тўлин Ойнинг инсон соғлиги ва жисмоний ҳолатига таъсири ҳақида у ва унинг замондошлари яхши билганлар. Бу эса астрология учун ёрдам берган.

<sup>767</sup> Бу ерда Қуёшнинг бир кунлик ҳаракати миқдори, яхудийларнинг фикрича,  $0^{\circ} 59' 8'' 17''' 7^{IV} 46^V$  эканлиги  $35\ 975\ 351:98\ 496\ 360^0$  амални бажариб, олтмишлик тизимга ўтказишдан келиб чиққан. Лекин Берунийнинг ўзи «Қонуни Масъудий»да Қуёшнинг бир кунлик ҳаракатини  $0^{\circ} 59' 8'' 20''' 38^{IV} 21^V\ 32^{VI}$  топган (Беруний. Қонуни Масъудий, 2-китоб. 116-бет).

<sup>768</sup> Сомина – саккизинчи даражадаги олтмишлик касри, яъни  $\frac{1}{60^8}$ .

<sup>769</sup> Шу хатбошининг аввалида ибора тушиб қолган ва ўзида ҳам чалкашлик бор. Лекин шуни аниқ айтиш мумкинки, Беруний аввал  $x \cdot t = 1$  бўлган ҳолда олдинига маълум ёйлар  $zr$  ва  $lf$  ларга кўра, «марказлар орасидаги масофа»  $hx$  ни синус сифатида аниқлайди ва унинг ёйи  $2^{\circ} 22' 19'' 13''' 16^{IV}$  «энг катта тенглама» бўлади. Сўнг  $ht=1$  бўлган ҳолда бир неча поғонада асосий нуқтаси  $t$  нинг узунламаси  $at$  ёйини, яъни апогейни аниқлайди.

<sup>770</sup> «Саботли» буржлар – Савр, Асад, Ақраб ва Далъ буржлари.

<sup>771</sup> Абу Наср Мансур ибн Али Ироқ ал-Жаъдий (ваф. мил. 1036) – асли Хоразмдан. Африғий хоразмшоҳлар хонадонидан, Ироқ (Бани, Ироқ) авлодидан, монийлар мазҳабидан чиққан. Уларга Жаъд ибн Дирҳам асос солгани учун Ал-Жаъдий кунясини олган.

У Берунийнинг устози ва дўсти бўлиб, Африғийларнинг қадимги пойтахти Котда, сўнг Ғурганчда ишлаган ва милодий 1017 йилнинг декабрида Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан Беруний билан бирга пойтахт Ғазнага олиб кетилган ва ўша ерда вафот этган. Математика ва астрономияга оид 30 га яқин асар ёзган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, 2. – С. 209–212).

<sup>772</sup> Берунийнинг «Қузатишлардаги ихтилофларга далил келтириш китоби» («*Китоб ал-истишҳад би-ихтилоф ал-арсад*») асари бизгача етиб келмаган. Бу асар «Ёдгорликлар»да эслатилишига кўра, Беруний уни милодий 1001 йилгача ёзган. Лекин олим негадир уларни 63 ёшигача ёзган асарларининг рўйхатига киритмаган (қаранг: Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига, Тошкент, Фан, 1973. 230–243-бетлар).

<sup>773</sup> Шамсий йилларнинг 28 йиллик даври назарда тутилади.

<sup>774</sup> Яъни, тақуфа бошланадиган соатда «ҳукмронлик» қиладиган ёриткич.

<sup>775</sup> Ушбу ўринда асл нуханинг нашрида тушиб қолган кичик парча мавжуд бўлиб, у қўлёзмаларга кўра тикланади.

<sup>777</sup> Бу рақам шамсий йилнинг аниқ бир жинсли миқдори эканлиги юқорида кўрсатилган.

<sup>778</sup> Абу Саҳл Вижон (Вайжон) ибн Рустам ал-Кўҳий (мил. X–XI а.) – асли Каспий денгизи жанубидаги Табаристоннинг Кўҳистонидан. У Бағдодда Бувайҳий амирларидан Азуд уд-Давла ва Шараф уд-Давлаларнинг саройида ишлаган, милодий 988 йили Бағдодда расадхона бунёд қилган. У математика, механика, астрономия ва

фалсафага оид 30 дан ортиқ асарлар ёзган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, 2. – С. 189–193).

<sup>779</sup> Абу Хомид Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сағоний ал-Астурлобий (ваф. мил. 990) асли Чағониён (арабчада Сағанийон, шундан Сағоний), яъни Сурхон воҳасидан. У йирик математик ва астроном бўлиб, Бағдодда фаолият юритган. Математика ва астрономияга оид 6 та асари маълум (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, 2. – С. 162–163).

<sup>780</sup> «Текис соатлар» – *саъат муставия* – бир кеча-кундузнинг  $\frac{1}{24}$  қисмлари, яъни биз ишлатадиган оддий вақт бирлиги. Ўрта асрларда мусулмон астрономлари «эгри соатлар»ни (*саъат муъавважа*) ҳам ишлатганлар; бу соатлар кеча ва кундузнинг  $\frac{1}{12}$  қисмлари бўлиб, йилнинг турли фасллари, ойлари, ҳафталари ва кунларида текис 1 соатдан кам ёки ортиқ бўлиб тургани учун араб тилида *муъавважа*, яъни «эгри» ёки «кийшиқ» деб аталган. Бундай соатлар учун йилда икки марта – баҳор ва куз бўладиган тенгкунлик лаҳзалари мустасно. Чунки тенгкунликларда кеча ҳам, кундуз ҳам 12 соатдан иборат бўлиб, улар эгри бўлмай, оддий соатлардек бўлиб қолади.

<sup>781</sup> Русча нашрда келтирилмаган бу жадвал 28-давргача шундай шаклда давом этади. Биз унда фақат бир даврни келтириш билан кифояландик.

<sup>782</sup> Шу ерда босма нусхада етишмаган парча тугайди.

<sup>783</sup> Берунийнинг ҳижрий йил боши, яъни Муҳаррам ойининг 1 кунини ҳафтанинг қайси кунига (бунда якшанба учун–1, душанба–2, ..., шанба–7) тўғри келишини аниқлаш қондаси қанчалик тўғри эканлигини текшириб кўрамиз. Бунинг учун, мисол тариқасида Мирзо Улуғбек туғилган ҳижрий 796 йил (боши) ҳафтанинг қайси кунига тўғри келганини текшираемиз. Қоидага кўра, ундан олдин тамом бўлган 795 йилни уч жой ва уларнинг остига мазкур кунлар, дақиқалар ва сонияларни қайд этиб, ҳар бирини ўз тепасидаги сонга кўпайтираемиз:

$$\begin{array}{r} 795 \\ \times 354 \\ \hline 421430 \end{array} \quad \text{кун} \qquad \begin{array}{r} 795 \\ \times 22^1 \\ \hline 17490^1 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 795 \\ \times 1^{11} \\ \hline 795^{11} \end{array}$$

Айтилганидек, дақиқалар сонига 34 ни кўшиб, дақиқа ва сонияларнинг марта-баларини кўтарамиз, яъни  $17490^1 + 34^1 = 17524^1$ ,  $795^{11} : 60^1 = 13^1$ ,  $17524^1 + 13^1 = 17537^1$ . Энди бу дақиқаларни кунларга алмаштириш учун уларни  $24 \cdot 60^1 = 1440^1$  га бўламиз, яъни  $17537^1 : 1440^1 = 12$  қасрни ташлаймиз. Ҳосил бўлган барча кунлар йиғиндиси, жумладан, 5 кун ҳам қўшилганидан кейин  $421430 + 12 + 5 = 421447$  кун бўлиб, бу – ҳижрат бошидан то 796 йилнинг 1 Муҳаррамигача ўтган кунлар сонидир. Энди буни 7 га, яъни ҳафта сонига бўлсак, натижа  $421447 : 7 = 60206$  чиқади. Бундан 5 қолдиқ қолади. Бу 5 ҳафта белгиси бўлиб, пайшанба кунини билдиради. Кўринадики, ҳижрий 796 йилнинг 1 муҳаррами 1393 йилнинг 6 ноябри – пайшанба кунига тўғри келган (Цыбульский. Современные календари. – С. 72).

<sup>784</sup> Маълумки, Мирзо Улуғбек ҳижрий 796 йилнинг 19 Жумодилаввал (мил. 1394 йилнинг 22 март санасида) тутилган. Энди Беруний қондаси орқали ўша йил 1 Жумодилаввал кунини ҳафтанинг қайси кунига тўғри келганини кўрамиз. Бу ойгача

тўртта тўлиқ ой ўтгани ва Муҳаррамнинг белгиси 5 бўлганини эътиборга олиб, ёзамиз:  $2+1+2+1+5=11$ . Энди бунини 7 га бўлсак, аниқроғи, ундан 7 ни айирсак, 4 қолади. Бу ҳафта белгиси бўлиб, у якшанбанинг белгиси 1 бўлганида чоршанбани билдиради. Яъни, Жумодилаввал оийи ҳижрий 796 йилнинг чоршанба кунини бошланган экан.

<sup>786</sup> Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий Ҳабаш ал-Ҳосиб (яъни, «Ҳисобловчи») (тахм. мил. 770–870) – асли Марвдан бўлиб, халифалар Ал-Маъмун ва Ал-Муъта-сим даврида Бағдодда ишлаган машҳур астроном. 825–835 йиллардаги астрономик кузатишларда ва Синжар чўлидаги ер меридианининг бир даражаси узунлигини ўлчаш ишларида иштирок этган. У бир қатор астрономик асарлар ва зижлар муаллифидир. Уларнинг энг машҳурлари «Зиж ал-Мумтаҳан» ва «Зиж ал-Маъмуний»дир.

<sup>787</sup> Шиа мазҳабидагиларнинг ботиния гуруҳи ҳақида гап борапти. Улар ҳар бир зоҳир нарсанинг яширин томони бор деб ўзларини шу «ботин» (яъни, «яширин»), «сирли») нарсаларни билишликка даъво қиладилар.

<sup>788</sup> «Ботиний»ларнинг Рамазон бошини ҳисоблаб топиш усуллари ҳам аслида Берунийдаги ихтиёрий ой бошини аниқлашнинг айнан ўзи. Бу ҳақда қуйида Берунийнинг ўзи ҳам айтяпти. У ҳам, демак, оддий (лекин, пайғамбарлик сирин эмас!) ва аниқ ҳисоблашга асосланган. Бунини юқоридаги Мирзо Улуғбек туғилган санани аниқлаш мисолида кўриш мумкин. Ўша ҳижрий 796 йилнинг Рамазон оийи боши ҳафтанинг қайси кунига тўғри келганини кўрайлик.

Мирзо Улуғбек туғилган йилдан аввалги тўлиқ ҳижрий йилларнинг 4 га кўпайт-маси:  $795 \cdot 4 = 3180$ ;

$$\text{Қамарий йилнинг } \frac{1}{5} \text{ и } - 354 \cdot \frac{1}{5} = 70 \frac{4}{5} \approx 71;$$

$$\text{Қамарий йилнинг } \frac{1}{6} \text{ и } - 354 \cdot \frac{1}{6} = 59.$$

Барча рақамларга 4 кўшилса,  $3180+71+59+4=3314$  бўлади.

$$\text{Бундан } - 3314:7=473 \frac{3}{7}.$$

Ҳосил бўлган 3 «қолдиқ» ҳафтанинг сешанба кунини кўрсатади (қаранг: Цыбульский. Синхронистические таблицы. – С. 73).

<sup>789</sup> Яъни, ўша мазҳаб бошлиғи.

<sup>790</sup> Бу жадвал аслида иккита устундан: «210 йиллик давр» устунини ва «Рамазон бошининг белгиси» устунидан иборат бўлиб, у қулайлик учун 7 та 60 сатрлик устунчаларга бўлинган. Агар устунлар аввалги ҳолига келтирилса, жадвални «винтсимон» ҳам, «спиралсимон» ҳам, «айланасимон» ҳам қилиш мумкин.

<sup>791</sup> Бу сўзлардан кўринадики, юқорида келтирилган «Холис жадвали»нинг бир қисми бўлмиш винтсимон жадвал Ҳабаш ал-Ҳосибнинг «Зиж ал-Мумтаҳан»идан олинган.

<sup>792</sup> Бу жадвал бундан олдинги «винтсимон жадвал»нинг айнан ўзи, фақат бу «дақиқалар» устунини киритиш ҳисобига «тузатилган».

<sup>793</sup> Шиаларнинг «катта»ларидан бўлмиш Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шихобнинг, ҳақиқатан ҳам, қаллоблиги унинг жадвалидан кўринади. Яна аввалги мисолимизга қайтиб, Мирзо Улуғбек туғилган йил учун тўлиқ йилларга тўртни қўшсак  $795+4=799$ , буни 8 га бўлсак,  $799:8=99\frac{7}{8}$  бўлади. 7 қолдиқ билан жадвалнинг еттинчи сатрига кирсак, унинг қаршисидаги бирор рақам ҳафтадаги ой боши белгисини кўрсатади.

<sup>794</sup> Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ (тах. 700–765) – шиа имомларидан бири.

<sup>795</sup> Яъни, Муҳаммад алайҳиссалом.

<sup>796</sup> Яъни, Жаъфар ас-Содиқ.

<sup>797</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хозин ал-Хуросоний (ваф. мил. 961 ва 971 ораси) – асли Хуросондан бўлиб, Райда (ҳозирги Техрон) фаолият олиб борган. Математика ва астрономияга оид 20 дан ортиқ асар ёзган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т. 2. – С. 149–151). Беруний бу ерда қайд этган «Илми ну-жумга кириш» (Ал-мадхал ила ’илм ан-нужум) асари бизгача етиб келмаган.

<sup>798</sup> Яна мазкур ҳижрий 796 йилнинг 1 Муҳаррами ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишини энди Абу Жаъфар ал-Хозин усули бўйича текшириб кўрамиз. Жами тўлиқ 795 ҳижрий йилда 30 йилликлар сони  $795:30=26\frac{15}{30}$  та. Бундан  $26\cdot 5=130$ , қолдиқ  $15=10+5$  бўлгани учун

$$\begin{array}{r} 10 - 1+16^h \\ 5 - 20^h. \end{array}$$

Умуман  $-130+1+16^h+20^h+5=136+24^h+12^h=138$ .

Шунинг учун  $138:7=19\frac{5}{7}$  бўлади. Бу ерда 5 қолдиқ пайшанбанинг белгиси. Демак, ҳижрий 796 йилнинг 1 Муҳаррами ҳафтанинг пайшанба кунига тўғри келган.

<sup>799</sup> Мирзо Улуғбек туғилган ой бешинчи – Жумодилаввал, Муҳаррамнинг белгиси 5. Жумодилаввалдан олдин иккита тоқ ва иккита жуфт ой ўтган. Шунинг учун  $5+2+4=11$ . Демак,  $11-7=4$ , яъни ҳижрий 796 йилнинг 1 Жумодилаввал санаси чоршанба кунига тўғри келган (қаранг: Цыбульский. Современные календари. – С.72).

<sup>800</sup> Мазкур мисолда ҳижрий 796 йилнинг 1 муҳаррами куйидаги тартибда топилди:

$$795-1=794 \quad 397\cdot\frac{3}{4}, \quad 397\cdot 8 \quad 4 \text{ кун } 22' \text{ ёддаги.}$$

$\frac{1191}{4} + 3176 + 5 - 397 + 4 + 22 \approx 3085$ ,  $3085 \div 7 = 440\frac{5}{7}$ , яъни бу гал ҳам ҳижрий 796 йилнинг 1 Муҳаррами пайшанба (5) кунига тўғри келяпти.

<sup>801</sup> Яздигард эраси ва қуйида эслатилаётган, муомаладан аллақачон чиққан бошқа эраларга мисол келтиришнинг зарурати йўқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>802</sup> Будасаф ҳам, Тахмураас ҳам афсонавий шахслар бўлиб, улар ҳақида айтилганлар ҳам афсона саналади.

<sup>803</sup> Доро I нинг отаси Виштасп ҳақида юқоридаги бўлимга қаранг.

<sup>804</sup> Яъни, Қуёш ва Ой.

<sup>805</sup> Ибн Синкиланинг шахси аниқланмади.

<sup>806</sup> Мавҳум Ибн Синкиланинг Иброҳим алайҳиссалом ҳақида айтганлари христіанлик пайдо бўлганидан кейин тўқилган уйдирмадир. Иброҳим алайҳиссаломнинг



Ҳарронга ҳам ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Энг аниқ тадқиқотларга кўра, Иброҳим алайҳиссалом милоддан 2300 йил аввал ҳозирги Ироқнинг жанубидаги Ур шаҳрида (ҳозирги Басрадан шимолроқда) дунёга келган. Ўша пайтда бутун Ур аҳолиси, жумладан, Иброҳимнинг отаси ҳам, бошқа барча сомиё халқлар каби Қуёш, Ой ва юлдузларга топинганлар. Лекин Иброҳим йигитлик ёшига етганида унга Аллоҳ ягона эканлиги ва ундан ўзга илоҳ йўқлиги ҳақида ваҳий келади. Шунда Иброҳим алайҳиссалом отасига мурожаат этиб, юлдузлар ва санамларга топинмай, Аллоҳни тан олиб, ҳаниф бўлишни сўрайди. Отаси бу илтимосни қатъий рад этиб, аждодларининг эътиқодида қолажагини билдиргач, Иброҳим уйини ва шаҳрини тарк этиб, Фирот бўйлаб Фаластинга кетади.

<sup>807</sup> Абдулмасиҳ ибн Исҳоқ ал-Киндий (тах.мил. X а.) – номаълум арабийнавис христиан. Бошқа динларни танқид остига олган. Уни милодий IX асрда яшаган машҳур араб қомусий олими Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий билан адаштирмаслик керак. Асарни инглиз тилига таржима қилган Э.Захау айни хатога йўл қўйган.

<sup>808</sup> Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Ҳошимий (тах.мил. X а. охири ёки X а. боши) – унинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади.

<sup>809</sup> Беруний «Энг яхши исмлар» деб, «Асмо ул-ҳусно»ни, яъни Аллоҳнинг 99 та гўзал исмини назарда тутаётир.

<sup>810</sup> Максура – масжидда меҳроб ёнидаги имом турадиган алоҳида жой.

<sup>811</sup> Тайласон ҳақида 721-изоҳга қаранг.

<sup>812</sup> Лот ва Узза – Исломгача Каъбанинг тўрт бурчагига ўрнатилган тўрт санамдан иккисининг номи.

<sup>813</sup> Беруний қуйида Гермес тўғрисида етарли маълумот берган.

<sup>814</sup> Агагодемон – бу бирор шахснинг номи эмас; юнончада «агаго» – яхши, «демон» – малак, фаришта демакдир.

<sup>815</sup> Фалес ҳақида юкорида 141-изоҳга қаранг.

<sup>816</sup> Пифагор (тахм.мил.авв. 570–500) – тошкесар Мнесархнинг ўғли. Асли Самос оролидан бўлиб, математик, файласуф ва ҳакимдир. Ёшлигида Лесбос оролига кўчиб, у ерда Ферекиддан таълим олган. Кейин билимини мукаммаллаштириш мақсадида Мисрга ва Бобилга саёҳат қилиб, фалсафа ва аниқ фанлардан таълим олади. Ватанига қайтиб келганидан кейин мил.авв. 532 йилда Самос ороли тирани (ҳокими) Поликратнинг таъқибига учраб, Жанубий Италиядаги юнон колониясига кўчади ва Кротонда диний-фалсафий мактабга асос солади. Ўзи жисмонан бақувват, келишган гавдали бўлиб шогирдларидан ҳам илмий-ақлий, ҳам жисмоний камолотга эришишни талаб қилади. Унинг овози жуда ёқимли бўлгани сабабли маърузаларини эшитишга 600 дан ортиқ тингловчи келади. У ўз маърузаларида одамларга фақат яхшилик қилишни уқтиради.

Пифагор «Тарбия ҳақида», «Давлат ҳақида», «Табиат ҳақида» номли асарларни ёзган. Маълумотларга кўра, у геометрияни камолотга етказди, лекин кўпроқ сонлар билан шуғулланади. Кейинчалик ўз номи билан аталган теорема исботланганида, яъни тўғрибурчакли учбурчак гипотенузасининг квадрати катетлари квадратларининг йиғиндисига тенг экани аниқланганида, хурсандлигидан 100 та буқани қурбонлик қилади. У юнон илмида биринчи бўлиб узунлик, юза ва оғирлик ўлчамларини киритган. Пифагорнинг таълимотига кўра, ҳар бир нарсанинг бошланиши – (1)

бир, бирнинг сабаби билан ноаник (2) икки ҳосил бўлган; бир билан ноаник иккидан бошқа барча сонлар ҳосил бўлган. Сонлардан нукталар, нукталардан чизиқлар, чизиқлардан текис шакллар, текис шакллардан ҳажмли шакллар ҳосил бўлган; булардан эса ҳиссий жиҳатдан сезиладиган жисмлар келиб чиққан. Буларнинг тўрт асоси – олов, сув, тупроқ ва ҳаво мавжуд. Уларнинг бир-бирига аралашиб, алмашиши дунёни ҳосил қилган. Пифагор, шунингдек, табиблик билан ҳам шуғулланган. (Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. – М.: «Мысль», 1979. – С. 332–346).

<sup>817</sup> «Бобо» кимлиги аниқланмади.

<sup>818</sup> Солон (тахм.мил.авв. 638–559) – Эсекестид ўғли. Афиналик машҳур давлат арбоби ва шоир. У афиналикларга қонунлар тузиб бериб, ўн йилгача шу қонунлар асосида яшашларига ва уни бузмасликларига кўндиради. Ўзи эса шарққа саёҳат учун кетади. Ўша қонунлар Афина демократияси учун асос бўлган (Геродот. История. – С. 19–21).

<sup>819</sup> Нафл намози – Аллоҳ буюрган фарз ва Пайғамбар алайҳиссалом кўшимча қилган суннат намозларидан ташқари ўқиладиган кўшимча намоз.

<sup>820</sup> Васания – санамлар ва бутларга сиғинувчилар.

<sup>821</sup> Восит – Ироқнинг жанубида, Бағдод шаҳри билан Дажла ва Фирот дарёлари қўшилиши ўрни орасида, Дажланинг ўнг соҳилида жойлашган ўрталик (восит – ўрта) ўлка. Маркази Ал-Кут шаҳри.

<sup>822</sup> Жаъфар, Савод, Жамида, Сила анхори – Ироқнинг жанубидаги географик объектлар.

<sup>823</sup> Аслида Ҳаррон собийлари билан Ироқ жанубидаги собийлар – икки элат: улардан бирининг номи «сод», иккинчисининг номи «син» орқали ёзилган. Ибодат усуллари ҳам бошқа-бошқа бўлган.

<sup>824</sup> Магушолих – Тавротдаги Мафусаил.

<sup>825</sup> Шаманийлар – табиат ходисалари ва умуман, табиатдаги нарсаларга топинувчилар.

<sup>826</sup> Тўғўзгузлар – шарқий турклар. Қадимда туркий элатларнинг деярли барчасида шаманийлик эътиқоди тарқалган. Ҳозирда бу эътиқод Сибирь ва Олтой туркийлари ва шимолий қирғизлар орасида сақланиб қолган.

<sup>827</sup> «Ҳижрат эрасининг уч юзинчи йилига яқин таълиф этилган китоблар» жумласи Берунийнинг ифода усулига хос бўлмаган ноаник иборадир. Бу балки нусха кўчирувчининг ишидир. Чунки Беруний, одатда, китобнинг ва унинг муаллифи номини аниқ келтиради. Бунинг устига, ҳижрий 300 (мил. 912–913) йил Беруний ушбу асарни ёзаётган пайтдан қарийб 90 йил узоқ бўлиб, у даврда ёзилган китоблар унинг қўли остида бўлган.

<sup>828</sup> Яъни, орқа, олд, ўнг, чап ва юқоридан. Бу ўринда бош атрофидаги ёғду – нимб тавсифланаётир.

<sup>829</sup> Яъни, тугилмай ва ўлмай, абадий яшаш назарда тутилаётир.

<sup>830</sup> Зуннор – мажусийлар белига боғлайдиган чизимча.

<sup>831</sup> Цейлон – Шри Ланка давлати ва оролининг 1972 йилгача бўлган номи.

<sup>832</sup> Зафор – Арабистон яриморалининг жанубида, денгиз соҳили яқинида жойлашган қадимги шаҳар. У Ҳимярийлар давлатининг пойтахти бўлган. Ҳозирда

бу шаҳар сақланиб қолмаган. Фақат Яман ва Уммон давлатлари чегарасида шу номли ўлка мавжуд.

<sup>833</sup> Араблар юзаки қараганда бир нарсани эълон қилиб, хуфиёна бошқа ишни мўлжаллаган, яъни иккиюзламачи кишига: «Кўпик ютаётганини яширяпти» дейдилар.

<sup>834</sup> Аҳмад ибн Таййиб ас-Сарахсий ҳақида юқорида 711-изоҳга қаранг.

<sup>835</sup> Икки нахс сайёра – Зуҳал ва Миррих (Сатурн ва Марс).

<sup>836</sup> Яъни, 693 йил.

<sup>837</sup> Қуръон, «Фотир» сураси, 43-оят.

<sup>838</sup> Қуръон, «Аъроф» сураси, 187-оят.

<sup>839</sup> Абу Муслим ҳақида юқорида 703–704-изоҳларга қаранг.

<sup>840</sup> Қора кийимлилар – улар Аббосийлар бўлиб, улар халифалик тахти учун қурашаётганларида ўзлари учун шу рангни танлаган эдилар. Аммо тахтга ўтирганларидан сўнг дарҳол ранглари ҳам ўзгартирдилар, Абу Муслимни ҳам ўлдирдилар.

<sup>841</sup> Санавий мазҳаби – дуализм.

<sup>842</sup> «Пайгамбарларнинг мухри» – охириги пайгамбар демақдир.

<sup>843</sup> Ҳозирги Мардин номли шаҳарча Туркиянинг жануби-шарқида, Сурия билан чегарадош ҳудуд яқинида жойлашган.

<sup>844</sup> Искандар эраси мил.авв. 312 йилда бошланганлиги учун ўша йил шу эранинг ҳисоби бошланувчи, яъни «нолинчи» йил вазифасини ўтайди. Милодий эра «нолинчи» эмас, «биринчи» йилдан, яъни 1 дан бошлангани учун 527 йилнинг милодий қатордаги ўрнини топиш мақсадида  $527-311=216$  амалини бажариб, бу милодий 216 йилга тўғри келишини кўрамиз.

<sup>845</sup> Искандар эрасининг 539 йили – мил. 228 йил. Ардашир I Попакон тахтга милодий 226 йили ўтирган.

<sup>846</sup> Юқорида 645–655-изоҳларга қаранг.

<sup>847</sup> Баҳром ибн Ҳурмуз – Эроннинг Сосонийлар сулоласидан тўртинчи подшоҳи Баҳром I (мил. 273–276).

<sup>848</sup> Жундишопур – Эроннинг Хузистон вилоятидаги шаҳар. Аввалига у иккинчи Сосоний подшоҳ Шопур I нинг лашкаргоҳи (жунд) бўлган, сўнг кенгайиб шаҳарга айланган.

<sup>849</sup> Кубод ибн Феруз – Эроннинг Сосонийлар сулоласидан ўн саккизинчи подшоҳи Кубод I (мил. 488–531), Хусрав I Ануширвоннинг (мил. 531–579) отаси.

<sup>850</sup> Тафсир – матннинг зоҳирий маънолари. Таъвил – матннинг ботиний, яширин маъноларини талқин қилиш.

<sup>851</sup> «Худ бўлинг» (كونواهودا) – «...Яҳудий... бўлинг...» маъносида. Қуръон, «Бақара», 135-оят.

<sup>852</sup> Араб алифбосида «дол» (د) ва «зол» (ذ) ҳарфлари фақат «зол»нинг устига қўйилган нуқтаси билан фарқ қилади.

<sup>853</sup> Қуръон, «Сафф» сураси, 14-оят.

<sup>854</sup> Бу сўзларнинг маъноси қуйидагича: *гайм* – булут ва сувсизлик, *айм* – тул хотин, *айн* – вақт, чарчатиш.

<sup>855</sup> Мажус сўзининг тарихи қуйидагича: оташпарастлар коҳини қадимги форсчада «муғ» дейилган. Қадимги юнонлар бу сўзни «магос» деб транскрипция

қилганлар. Илк ўрта асрларда араб таржимонлари бу сўзни арабчага «мажус» деб кўчирганлар.

<sup>856</sup> «Фурс», «форс» сўзлари «Парс» сўзининг арабийлашган кўплик ва бирлик шакли бўлиб, келиб чиқиши жиҳатидан арабийликка алоқаси йўқ. Милоддан аввалги XI–VIII асрларда ўзаги «парс» бўлган Парсуа, Парсамаш, Парсумаш, Парсу каби географик атамалардан бир нечтаси ҳозирги Ғарбий Эрондаги Урмия (Резоя) кўлидан то Балхгача ва Каспий денгиз шарқидан то Шерозгача бўлган ҳудудда мавжуд эди. Милод бошларига келиб улардан фақат иккитаси – Парфия ва Парс, Ислом зуҳур қилган VII асрнинг биринчи чорагигача эса фақат Парс атамаси сақланиб қолган. Араблар Эронни забт этиш жараёнида «Парс»ни ўз талаффузларига мослаштириб, «Форс» деб талаффуз қилганлар (Грантовский Э.А. О распространении иранских племен на территории Ирана. – В кн. История иранского государства и культуры. – М.: 1971. – С. 286–327).

<sup>857</sup> Византия императори Ираклий араблардан енгилиб. Сурияни ташлаб чиқиб кетаётганида юнон тилида: «Сурия, алвидо!» деган. Мамлакат шарқ тилларида «Сурия», Ғарб тилларида «Сирия» деб аталиши юнончадаги атамага бориб такалади. Бу атамадаги «U» – «юпсилон» ҳарфининг талаффузи «и» билан «у»нинг ўртасида бўлиб, «ю»га ўхшаб чиққан. Шунинг учун мамлакатни баъзилар «Сирия», баъзилар «Сурия» деб атаган. «U» билан белгиланадиган товуш ҳозирда турк тилида сақланиб қолган бўлиб, унда бу «ü» ҳарфи билан белгиланади (üzüm – узум; uzun – узун, üst – уст).

<sup>858</sup> «Иброний» сўзи ясалиши ва маъноси жиҳатидан арабийдир. Унинг ўзаги «ибр», «қирғоқ», «кечик» маъноларини англатса, «иброний», «ибрий» (ебрей, еврей) сўзлари «қирғоқлик» маъносини билдиради.

<sup>859</sup> Қуръон, «Аъроф» сураси, 128-оят.

<sup>860</sup> Новус – оташпарастлар киши ўлганидан кейин мурда гўштларини йиртқич кушларга едиргач, гўштан тозаланган суякларини солиб сақлашадиган кути – сандиқча бўлиб, у лойдан тайёрланган ёки тошдан ўйиб ясалган.

<sup>861</sup> Бодғис – Хуросондаги шаҳар бўлиб, ҳозирда у Эрон билан Туркменистоннинг чегарасида жойлашган.

<sup>862</sup> Муқанна – «ниқобдор», «ниқобли» маъносини англатади. Хуросонда Муқанна кўзголови VIII асрнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган.

<sup>863</sup> Кеш – Шаҳрисабзнинг эски номи. Араблар уни Кашш деб талаффуз қилганлар, шоирлар ўз шеърларида «Кашш – дилкаш» деганлар.

<sup>864</sup> Насаф – ҳозирги Қаршининг қадимги номи.

<sup>865</sup> «Оқ кийимлилар» – Муқанна тарафдорларининг номи. Чунки улар оқ сурпдан кийим кийган эдилар.

<sup>866</sup> Ал-Маҳдий (мил. 775–785) – Аббосийлар сулоласидан учинчи халифа.

<sup>867</sup> Ҳижрий 169 йил – милодий 785 йилнинг 14 июлидан милодий 786 йилнинг 3 июлигача бўлган муддат.

<sup>868</sup> Қарматийлар – милодий IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи ярмида кенг тарқалган ва Аббосий халифалигини ларзага солган диний-сиёсий ҳаракат, исмоилийлар оқимининг бир йўналиши. Исмоилийлар Ҳамдон Қармат бошчилигида IX асрнинг 80-йилларида Куфа атрофида фаол ташвиқот олиб бориб, 890 йили Қуйи

Ироқда курулли курашни бошлайдилар. Қарматийлар курулли кураш билан бирга Сурия, Бахрайн, Форс ва Ҳиндистонда ўз ғояларини тарғибот ва ташвиқот қиладилар. Аммо X асрнинг 30-йилларига келиб, халифалик томонидан қатъий чоралар кўрилгани ва мусулмонлар орасида уларга қизиқиш қолмагани сабабли бу оқим сўниб борди.

Берунийнинг мазкур китоби сақланиб қолмаган.

<sup>869</sup> Абул-Муғис ал-Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож (тахм. мил. 858–922) – ўз таълимоти ва тарғиботи учун қатл этилган машҳур сўфий. У Эроннинг жанубидаги Ал-Байзо кишлоғида туғилган. Унинг бобоси оташпараст бўлиб, отаси Ислонни қабул қилган. Отаси пахтани чигитдан тозаловчи (халлож) бўлган. Ироқдаги Восит шаҳрига кўчиб ўтган ва Мансур ўша ерда билим олади. Мансур тахминан 16–17 ёшида Тустарга кўчади ва у ерда кўзга кўринган сўфий Саҳл ат-Тустарийга шогирд тушади. Милодий 876 йили у Басрага кўчиб, у ерда сўфий Амр Ал-Маккийдан (ваф. мил. 908) таълим олади ва сўфийлик хирқасига эга бўлади.

У Ироқда икки марта ҳаж қилиб, Ҳижозда, Ҳиндистон ва Туркистонга қилган сафарларида ўз ғояларини: гўё Аллоҳ билан руҳан бирлашганини ва бошқа «ғоялари»ни тарғиб қилади, ўз даврининг «Маҳдийси», «кутби» бўлганини даъво қилади. Ҳатто оддий сўфийлар билан бирга фақиҳлар, муътазиллийлар уни қаттиқ танқид остига оладилар. Охири, милодий X аср бошига келиб, Мансур ал-Халлож «Ана-ал-Ҳаққ», яъни «Мен – Худоман» дейишгача бориб етади.

Гарчи у 908 йили Бағдоддан қочишга муваффақ бўлса-да, орадан уч йил ўтгач, ҳибсга олинди, Бағдодга келтирилади ва зиндонга ташланади. У зиндонда бўлган пайтида ўзининг ягона асари «Китоб ат-тавосин»ни ёзади. У 922 йили суд қилиниб, ўлимга ҳукм этилади.

<sup>870</sup> Таллиқон – илк ўрта асрларда Хуросон ва Эронда шу номли уч шаҳар бўлган: бири Каспий денгизи яқинидаги Дайламда; иккинчиси, ҳозирги Афғонистоннинг шимолида, Кўкча дарёсининг чап қирғоғида; учинчиси, Нишопур яқинида бўлган. Ҳозир улардан фақат Афғонистонда жойлашгани сақланиб қолган.

<sup>871</sup> Бу ерда «У» – Худо демакдир.

<sup>872</sup> Эсланган китоблар кейинчалик Мансур ал-Халложнинг тарафдорлари томонидан унинг номига боғланган китоблар.

<sup>873</sup> Ҳижрий 301 йил – милодий 913–914 йиллар. Мансур ал-Халлож жазоланиб, ўлдирилган йил эса 922 эди (869-изоҳга қаранг).

<sup>874</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ – Алининг авлодларидан бири. Шиалар унга алоҳида эътибор беради.

<sup>875</sup> Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий (мил. VII) – машҳур шиа тарғиботчиси. У ўз чиқишларида Алининг ўғилларидан бири – Муҳаммадни тарғиб қилди. Муҳаммаднинг онаси бани Ҳанифа қабиласидан эди. Шунинг учун Муҳаммадга «Ибн Ҳанафия», яъни «Ҳанафиянинг ўғли» деб лақаб берилган.

<sup>876</sup> Разво – Макка яқинидаги тоғ.

<sup>877</sup> Суфёний – биринчи Умавий халифа Муовийанинг отаси Абу Суфённинг авлоди.

<sup>878</sup> Дажжол («алдовчи», оромийча *даггала* – «сохта», «қалбаки» сўзидан) – мусулмонларнинг диний ривоятларидаги персонаж, христианлардаги Антихрист. «Қиёмат қоим» бўлиши ҳақидаги ҳадислар ва ривоятларда эслатилади. Шунингдек,

у Ал-Масих Ал-Каззоб ва Ал-Масих ад-Дажжол деб ҳам аталади. Исломдаги таъбирга кўра, Дажжол Иблис билан боғлиқ ва у киёмат қоим бўлишидан аввал ўзини одамларга ҳақиқий Масих ва Маҳдий қилиб кўрсатмоқчи бўлган энг охирги йўлдан оздирувчи саналади.

<sup>879</sup> Форук – халифа Умар ибн ал-Хаттобнинг лақаби.

<sup>880</sup> Илия ёки Элия – Қуддус, Иерусалим.

<sup>881</sup> Абу Тохир Сулаймон ибн Абу Саъид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий (ваф. мил. 943) – машҳур қарматий, Ҳамдон Қармат ва Абдонларнинг шогирди. Баҳрайн, Жанубий Ироқ ва Уммонда фаолият олиб борган.

<sup>882</sup> Ҳижрий 318 йил – милодий 930 йилга тўғри келади.

<sup>883</sup> Яъни, милодий 931 йил.

<sup>884</sup> Ибн Абу Закариё ат-Таммомий – X асрнинг биринчи ярмида Эроннинг гарбида зухур қилган сохтакор. Муаллиф унга аниқ ва тўғри баҳо берган.

<sup>885</sup> Яъни, 1242–311=931.

<sup>886</sup> Абу Абдуллоҳ (ёки Закариё) Яхё ибн ал-Адий ибн Ҳамид (мил. 893–974) – Тикритлик христиан – Ёқубий, Матта ибн Юнус ва Форобийнинг шогирди. Бағдодда фаолият юритган, астрономия, астрология ва фалсафа билан шуғулланган.

<sup>887</sup> Ал-Муктафий (мил. 902–908) ва ал-Муктадир (мил. 908–932) – Аббосий халифалар.

<sup>888</sup> Яъни, сайёраларнинг оловли буржларда қўшилиши.

<sup>889</sup> Имод уд-Давла Али ибн Бувайх ҳақида юқорида 713-изоҳга қаранг.

<sup>890</sup> «Оловли учбурчак» – «оловли» буржлардан иборат учбурчак.

<sup>891</sup> Шу сатр И.га кўра таржима қилинди.

<sup>892</sup> Бу ерда «ан-наййирон» («икки ёриткич») деб Қуёш ва Ой назарда тутилган.

<sup>893</sup> Яъни, Қуръоннинг «Зумар» сураси.

<sup>894</sup> «Жаннат ул-Фирдавс» – «Жаннат боғлари» демақдир.

<sup>895</sup> Шу ердан бошлаб таржима қўшимча нусхадан амалга оширилиб, унинг саҳифалари жойлаштириб борилди.

<sup>896</sup> Муҳаммад ибн Али ибн Абу Азоқир аш-Шалмағонийнинг шахси аниқланмади.

<sup>897</sup> Ар-Розий (мил. 934–940) – Аббосийлар сулоласидан бўлган халифа.

<sup>898</sup> Ҳижрий 322 йил – милодий 934 йилга тўғри келади.

<sup>899</sup> Ҳусайн ибн Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб ва Абу Авн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Нажм – X асрнинг биринчи ярмида Ибн Абу Азоқир гуруҳига кирган Бағдод мулхидлари.

<sup>900</sup> Наврўз – «янги кун» демақдир. Ҳозирда бу байрам форслар ва тили эроний бўлмаган кўп халқлар томонидан нишонланади.

<sup>901</sup> Али ибн Мусо ар-Ризо – халифа Алининг авлоди. Ал-Маъмун халифалигининг дастлабки пайтларида унга яқин бўлган. Ҳатто Ал-Маъмун унга халифалик лавозимини топириши мумкинлигини ҳам айтган.

<sup>902</sup> Аскара – қийинчилик, қаттиқчилик ва қаҳатчиликка учраганлар.

<sup>903</sup> Шу ердан бошлаб таржима яна 3. бўйича амалга оширилади.

<sup>904</sup> Бу ривоят персофилларнинг (форссеварларнинг) тўқимасидир. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом Эронни кофирлар мамлақати деб билган ва шаҳаншоҳига мактуб йўллаб, унга Исломни қабул қилишини тавсия қилган.

<sup>905</sup> Бу хатбоши – афсона. Сулаймон ибн Довуд яшаган давр – мил.авв. X асрда Яқин ва Ўрта Шарқда форслар ва «форс» тушунчаси ҳам бўлмаган.

<sup>906</sup> Калвозо – Бағдод яқинидаги мавзе.

<sup>907</sup> Берунийга замондош ва у билан суҳбатдош бўлган Саъид ибн ал-Фазл ва Абул-Фараж аз-Занжоний ҳақида хабар етиб келмаган.

<sup>908</sup> Ал-Калб ал-Акбар – Катта Ит. Осмон сферасининг жанубидаги юлдуз туркуми. Таркибига 19 та юлдуз киради.

<sup>909</sup> Бушанж, аниқроғи, Пушанг – Ўрта асрда Нишопур яқинида, Хуросонда жойлашган шаҳар. У ҳозирда сақланиб қолмаган.

<sup>910</sup> Афахтар ёки Апахтар – «Шимол», лекин «Жануб» эмас.

<sup>911</sup> Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшиднинг номи Жом шаклида ҳам ёзилган.

<sup>912</sup> «Исфидо навишт» – «окка кўчирилган» демакдир.

<sup>913</sup> Яъни, шаҳар аҳолиси учун.

<sup>914</sup> Гоҳанбар – муддат, оралиқ, давр, палла.

<sup>915</sup> Афросиёб – асли турк бўлиб, Туроннинг подшоҳи бўлган. Бу номни унга қадимги форслар берган. Унинг асл туркча исми Алп Эр Тўнга бўлган. У Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бош қаҳрамонларидан бири.

<sup>916</sup> Манучехр ҳам Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги қаҳрамонлардан бири.

<sup>917</sup> Бу ерда ўрта асрлар афсоналарига хос зўр лоф айтилган. Бунда афсона ва лофнинг классик қоидаларига амал қилинган. Бунинг моҳиятида, биринчидан, Манучехрнинг Афросиёбдан мумкин қадар катта майдонни қайтариб олиши, иккинчидан, Ариш ўз ўлимини яхши билса ҳам, ватани тупроғини қайтариб олиш учун ўзини қурбон қилишга рози бўлиши ғоялари ётади.

Ҳақиқатдан ҳам, лоф шу даражада бўрттирилганки, бу ерда эслатилган кўрсаткичларни ҳеч қандай ҳақиқатга яқинлаштириб бўлмайди. Чунончи, Руён тоғини ҳозирги Техрон атрофидаги тоғлардан бири десак, ўқ бориб тушган «Хуросоннинг Фаргона ва Табаристон орасидаги энг узоқ чеккалари» Хоразм йўналишидаги қандайдир жой бўлиши керак. Лекин у тарафда ёнғоқ ўсмайди. Бундан ташқари, «минг фарсах», яъни 6000 км масофани ва бунинг устига Афросиёб Манучехрга қайтариб бериши керак бўлган Эроншаҳрнинг, яъни Эрон мамлакатининг (6000 км<sup>2</sup>), 12000000 км<sup>2</sup> майдонини ҳеч қанақасига кўз олдига келтириш мумкин эмас. Чунки Эрон Куруш ва Доро I даврларида ҳам бундай катталиқдаги майдонга эга бўлган эмас.

<sup>918</sup> Албатта, бу парча сумалак тайёрлаш тарихининг бошланишига алоқадор.

<sup>919</sup> Рўзи Тир – «Ўқ куни» демакдир.

<sup>920</sup> Гўш рўз – «Қулок куни». Ўқ тушиши хабари шу куни тарқалган.

<sup>921</sup> Сова – ўрта асрларда Эроннинг шимолидаги йирик шаҳар. Ҳозирда у Техрондан жануброқдаги шаҳарча саналади.

<sup>922</sup> Омул – Эроннинг шимолида Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар. Ҳозирда у темир йўл бекати.

<sup>923</sup> Хазар денгизи – Каспий денгизи.

<sup>924</sup> Озаржашн – «Олов байрами» демакдир.

<sup>925</sup> Хазони аввал – куз боши.

<sup>926</sup> Аз-Заххок ва Қовий – Қадимги Эрон афсоналаридаги қаҳрамонлар.

<sup>927</sup> «Дирафши Ковиён» – «Қовий тарафдорларининг байроғи».

<sup>928</sup> Фаридун – Эрон афсоналари қаҳрамонларидан бири: бу исм Афридун шаклида ҳам келади.

<sup>929</sup> Шаҳин тоғи – Техрондан шимолдаги тоғ.

<sup>930</sup> Ҳақиқатан ҳам, Меҳржон кунни, яъни 21 сентябрга келиб, Дунбованд тоғи чўққиларига қор тушади.

<sup>931</sup> Ҳомин – Қадимги форсларнинг ақидасига кўра осмон ва жаҳаннам орасидаги ўрта жой.

<sup>932</sup> Бу ерда Беруний «кабиса бекор қилиниши» деб, 632 йили «Видолашув ҳажи» пайтида нозил бўлган «насий» ойнинг ҳаром қилиниши ҳақидаги «Тавба» сура-сининг 37-оятини назарда тутаётир. Чунки форсларнинг йилларида кабиса бекор қилинганлиги ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ. Аксинча, халифа ал-Муътазид (мил. 892–902) даврида мусулмонликнинг мустаҳкам қалъаси бўлмиш Халифаликда Қадимги Эроннинг Наврўзлик ва кабисалик тақвими муомалага киритилади.

<sup>933</sup> Беруний «Бизнинг замонимизда Хуросон подшоҳлари» деб, Сомонийлар давлатини назарда тутаётир. Чунки милодий X–XI асрларнинг тарихий адабиётларида бу давлат «Хуросон давлати» деб аталарди.

<sup>934</sup> Бу ерда Эроннинг Сосонийлар сулоласидан учинчи подшоҳи Ҳурмуз I (мил. 272–273) назарда тутиляпти.

<sup>935</sup> Юқорида 252-бетга қаранг.

<sup>936</sup> Носир ал-Утруш (ваф.мил. 917) – зайдий шиаларнинг (имом Зайд тарафдорлари) имомларидан бири ва Табаристон ҳокими.

<sup>937</sup> Шу ердан бошлаб таржима И. нухасидан бажарилади ва унинг саҳифа рақамлари кўйиб борилади.

<sup>938</sup> Дай бадин – Форс ойлари кунларининг 23-си; уларда ойнинг ҳар бир кунни ўз номига эга (Беруний. Қонуни Масъудий, I.77-бет).

<sup>939</sup> Туркий халқлар (хусусан, қозоқлар)нинг халқ дostonларидаги Алдар Кўса персонажи ана шу «кўса»дан бошланган.

<sup>940</sup> Берунийга замондош ва у билан суҳбатдош бўлган геометрик олим Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ҳақида маълумот сақланиб қолмаган.

<sup>941</sup> «Баҳоржашн» – «Баҳор байрами» демакдир.

<sup>942</sup> Учар тулқилар Каёнийлардан кейин ҳалок бўлиб кетмаган. Улар ҳозир ҳам мавжуддир. Бу ерда Беруний воқеани ҳодиса билан боғлашни контаминация қиляпти, яъни ўрин алмаштиряпти. Гап шундаки, милодий VIII асрнинг иккинчи ярмидан то X асрнинг ўртасигача Эроннинг жанубида, Форс кўрфазидида гуллаб-яшнаган бандаргоҳ шаҳар Сирוף бўлган эди. Милодий X аср ўртасидан бу шаҳарнинг мавқеига путур ета бошлаб, Беруний даврига келганда, бутунлай аҳамиятини йўқотади. Бандаргоҳ шаҳарнинг ривож топган йилларида денгизчи-савдогарлар Жануби-Шарқий Осиё оролларида учар тулқилар, бошқа ғаройиб ҳайвон ва қушларни келтирганлар. Бундан ҳам қизиғи шуки, кейинчалик ўша денгизчи-сайёҳларнинг ҳикоялари асосида сирוףлик Бузург ибн Шаҳриёрнинг «Ажойиб Ҳинд» асари ва «Минг бир кеча» ҳикоялари тўплами яратилган. Сирוףнинг тараккиёти X аср охирига келиб тўхтаганидан сўнг «учар тулқилар» келтирилмай қўйган ва одамлар у махлуқлар қачонлардир қирилиб битган деб ўйлаган.



<sup>943</sup> Берунийнинг суҳбатдоши ва хабарчиси Абул-Қосим Али ибн Аҳмад ат-Тоҳирий ҳақида маълумот топилмади.

<sup>944</sup> Исфижоб – ҳозирда Қозоғистон жанубида жойлашган Сайрам шаҳри.

<sup>945</sup> Ҳижрий 379 йил – милодий 989 йил 11 апрелидан то 990 йилнинг 31 мартигача бўлган муддат.

<sup>946</sup> Сомонийлар сулоласидан подшоҳ Абул-Қосим Нуҳ ибн Мансур (мил. 976–997) ҳақида сўз кетаётир.

<sup>947</sup> Шу ердан бошлаб таржима яна 3.га кўра амалга оширилади.

<sup>948</sup> «Навад рўз» – форс тилади «Тўксон кун» демақдир.

<sup>949</sup> Шу ердан бошлаб матннинг 3.да тушиб қолган ўринлари И.га кўра таржима қилинади ва унинг саҳифа рақамлари қўйиб борилади.

<sup>950</sup> Гален (Берунийда Жолинус Клавдий (тахм. мил. 131–201) – Қадимги Рим табиби, табиатшунос ва файласуфи. Ўрта аср муаллифлари «Ситта ашара» («Ўн олти») асарини унинг қаламига мансуб деб ҳисоблаганлар.

<sup>951</sup> Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ибн ас-Саббоҳ ал-Киндий (ваф. тахм. мил. 873) асли Басрадан, арабларнинг Бани Кинда қабиласидан келиб чиққан, Бағдодда халифалар Ал-Маъмун (мил. 813–833), Ал-Муътасим (мил. 833–842) саройида ишлаган ва халифа ал-Мутаваккил (мил. 847–861) томонидан таъқиб қилинган. Қомусий олим «араблар файласуфи» деб аталиб, машҳур бўлган. Ғарбий Европада Alkindus номи билан маълум бўлган. Математика, астрономия, география, фалсафа, табиатшунослик ва бошқа фанларга оид 90 та асар ёзган, уларнинг кўпчилиги бизнинг давримизгача етиб келган (Матвиевская, Розенфельд, Т. 2. – С. 66–74).

<sup>952</sup> «Кафф ул-хазиб» («Бўялган қўл») – Кассиопея юлдуз туркумининг 12) β юлдузи.

<sup>953</sup> Искандарнинг 1310 йили – милодий 999 йил.

<sup>954</sup> Табаристондаги бизга маълум сулолалар орасида бу ном учратилмади.

<sup>955</sup> Шу ердан бошлаб таржима 3. нусхасидан қилинади.

<sup>956</sup> Караж – Техрондан бир оз шимолда жойлашган шаҳар.

<sup>957</sup> «Масамуғон» – «Маса муғон» – муғлар, яъни мажусийлар бошлиғи.

<sup>958</sup> Бу ерда Австралия кенгуруси ҳақида сўз кетаётгани шубҳасиз. Лекин Ҳиндистонда кенгуру бўлмаслиги ҳам маълумдир. Бироқ ўрта асрлардаги, айниқса, Беруний давридаги араб денгиз кемалари бир устули-елканли бўлиб, улар фақат каботаж сузишига, яъни фақат соҳилга яқин сувларда сузишга мослашгани сабабли, Австралиядан Форс кўрфазига келтирилаётган кенгуру Ҳиндистон сувлари ва соҳиллари бўйлаб ўтаётганида «Ҳиндистон ҳайвони» сифатида тасаввур уйғотиши ҳам мумкин.

<sup>959</sup> Шундай ҳолатларда росмана илон пайдо бўлганини ҳеч ким кўрмаган бўлса керак. Лекин шундай тери ва гўштларга иссиқ кунда тропик пашшалар ўтирса, каттагина куртлар пайдо бўлишини кўпчилик кўрган.

<sup>960</sup> Абу Усмон Амр ибн Бакр ал-Жоҳиз (мил. 767–868) – асли Басрадан бўлиб, Ислоннинг муътазилый мазҳаби вакили. Ан-Наззомнинг шогирди, муътазилыйдаги «ал-жоҳизий» тариқатининг асосчиси, табиатшунос, файласуф ва шоир. Басра, Бағдод ва Самаррада фаолият юритган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т. 2. – С. 64–65).

<sup>961</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний – милодий X асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган машҳур бухоролик сайёҳ ва географ. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Милодий 920 йиллар атрофида амир Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг бош вазири бўлган. Унинг «*Китоб ал-масолик ва-л-мамолик*» номли асари бизгача етиб келмаган, лекин Ўрта аср Шарқ географларининг ижодига катта таъсир кўрсатган. Жумладан, қуйида Беруний келтирган ҳикоя унинг ушбу асаридан олинган бўлиши мумкин. (Крачковский И.Ю. Соч. Т. IV, Арабская географическая литература. – С. 219–222).

<sup>962</sup> Бод рўз – «шамол куни» демақдир.

<sup>963</sup> Кумм – Техрондан 140 км жанубда жойлашган шаҳар, Эрон шиаларининг маркази.

<sup>964</sup> «Африжагон» – аслида Обризагон сўзининг арабчалаштирилган кўринишидир. Шунда «сув куйиш» маъноси келиб чиқади.

<sup>965</sup> Берунийнинг зардуштийликка нисбатан анча бағрикенглик қилиб айтаётган сўзларини у бизга фақат оташпарастларга оид хабарлар етказяпти деб тушунмоқ керак.

<sup>966</sup> Берунийнинг «Табиат ажойиботлари ва сунъий ғаройиботлар» («*Ал-’ажса ’иб ат-таби ’ийа ва-л-ғара ’иб ас-сина ’ийа*») асари унинг 63 ёшигача ижод қилган асарлари рўйхатида мавжуд эмас. Унинг ижодини тадқиқ қилган П.Г. Булгаковнинг «Жизнь и труды Беруни» номли китобида ҳам қайд этилмаган.

<sup>967</sup> Миски Тоза – «Тоза мушк» демақдир.

<sup>968</sup> Яздигард эрасининг уч юз ўттиз учинчи йили – милодий 984 йил.

<sup>969</sup> Танлов жадвали юқорида 230–231-бетларда келтирилган.

<sup>970</sup> Яъни, хосиятли кун ҳисоблайдилар: рўзи Моҳ – «Ой куни» демақдир.

<sup>971</sup> Яъни, танаси соғ ва ақли ҳам мукамал бўлмаган.

<sup>972</sup> Ойнинг Қуёш рўпарасига туриб, унинг алангали нурларига дуч келиши куйиб-ёнишига ўхшатиляпти. Астрологик нуқтаи назардан бу ҳодиса офатли ҳисобланади.

<sup>973</sup> Яъни, йирик жуссали.

<sup>974</sup> Берунийнинг юқорида келтирган парчасида эроний халқларнинг қадимги тарихига оид ажойиб хабар айтилади. Албатта, унинг баён этган сўзлари хотирада сақланган (балки битикда ҳам бўлган) хабарларга асосланган. Унинг айтганларидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Форс подшоҳлари (демак, умуман, форслар) кейинчалик Форс деб аталган ерга ва Бобилга келишларидан аввал Балх ва унинг атрофларида, бошқача айтганда, қадимги Бахтарзамин ва Арианам Вайжеҳда истикомат қилганлар.

2. Ўша кезларда улар билан суғдларнинг йил ҳисоблари ва таквимларида айтарли фарқ бўлмаган. Форслар жанубга кетганларидан сўнг ўша янги жойларига мослаштириб, ўз таквимларини ўзгартирганлар. Суғдлар эса таквимларини ўзгартирмаганлар.

3. Форслар Балхда бўлган кезларда суғдлар билан шу қадар яқин бўлганликларига қарамай, иккала этник бирлашманинг ўз подшоҳлари ва ўз давлатлари алоҳида бўлган.

4. Форсларнинг Балхдан кўчиш пайтлари Зардушт ўз таълимоти билан Балхга келган вақтга тўғри келган.

Зардуштнинг зухур қилган вақти ҳақида фанда аниқ бир фикр йўқ. Бу фикрлар вақт жиҳатидан милоддан аввалги 1500–700 йиллар орасида тебранади. Демак, Зардуштнинг Балхга қачон келгани аниқ исботланса, форсларнинг ҳам Элам ва Шумер ерларига қачон келгани аниқ бўлади.

<sup>975</sup> Ромуш – ҳозирги Ромитан бўлиши мумкин.

<sup>976</sup> Жиржин – ўқилиши шартли. Матнда фақат *ж-р-ж-н* харфлари келтирилган.

<sup>977</sup> Пойканд – илк ўрта асрларда Бухородан 20 километр ғарбда жойлашган шаҳар. Араб фатҳигача у савдогарлар шаҳри бўлган. Ҳозирда унинг харобалари Яккатут қишлоғи яқинида топилган.

<sup>978</sup> Ашнохонда – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Ашн-х-нда* тарзида келтирилган (қаранг: 279-бет).

<sup>979</sup> Мажиханда – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Мажндо* тарзида келтирилган. (қаранг: 279-бет).

<sup>980</sup> Кумужкат – Бухоро яқинида жойлашган шаҳар бўлиб, Ибн Хурдодбех *Бамижкас* деб юритган. (Ибн Хурдадбех. Книга путей и стран. – С. 64). Ёқутга кўра, Бухородан, 4 фарсах (24 км) масофада жойлашган қишлоқ (Йакут, I, 737-б.). Ал-Муқаддасий уни Кумужкас деб атаб, Бухоронинг бош шаҳри деган (Ал-Муқаддасий, 267-бет).

<sup>981</sup> Тавовис – Бухородан 7 фарсах (42 км) масофада жойлашган катта қишлоқ. Уни Истахрий (313-б.), Муқаддасий (281-б.) ва Ёқут (ж. III, 555–556-бет.; Ле Стренж. 462-бет) ҳам эслатган. Тавовиснинг вайроналари Шахривайрон ўрнида (Якубовский. Археологическая экспедиция. – С. 113–125) жойлашган.

<sup>982</sup> Фағакон – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Ф-г-кон* тарзида келтирилган.

<sup>983</sup> Тасис – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Т-с-и-с* тарзида келтирилган.

<sup>984</sup> Масафуг – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *М-с-ф-у-г* тарзида келтирилган.

<sup>985</sup> Шарғ – Бухоро яқинидаги катта қишлоқ. Лекин қаерда жойлашганлиги аниқ маълум эмас. Ёқутга кўра, (III, 270-б.) «Чарғ» атамасининг арабийлаштирилган кўринишидир.

<sup>986</sup> Жимда – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Ж-м-н-д-ж* тарзида келтирилган. (Қаранг, 279-бет). Шуни айтиш керакки, суғд оиларининг охири «ж» билан тугаганлари асли суғдийда «ч» билан тугаганлиги маълум. Араб тилига ўгириш асносида «ч» ни «ж» га алмаштирилган. Орфографияни бузмаслик учун биз «ж»ни ўз ўрнида қолдирдик.

<sup>987</sup> Ардавишт – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *А-р-д-в-ш-т* тарзида ўқилади.

<sup>988</sup> Хурвад – ўқилиши шартли. Биринчи нашрда *Х-р-в-д-а-д* тарзида келтирилган. (Қаранг: 280-б.).

<sup>989</sup> Абу Закариё Яҳё ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ ал-Фарра (ваф. мил. 822) – Куфалик грамматик олим (Ан-Нахвий). Халифа ал-Маъмуннинг фарзандларига грамматикадан сабоқ берган, астрономияни ҳам яхши билган.

<sup>990</sup> Биринчи нашрнинг 79–80-бетларига қаранг.

<sup>991</sup> Шу ердан бир ажойиб ҳақиқат – хоразмийлар тилида «хеж» сўзи худди форс тилидаги «хез» сўзи каби «турмоқ» маъносини англатиши маълум бўлади.

<sup>992</sup> Бу ердан яна бир ажойиб ҳақиқат – яъни ҳозирда Амударёнинг юқори оқими Ваҳш деб аталганидек, қадимги Хоразмда ҳам у дарё шундай номлангани маълум бўлади. Искандар давридан бошлаб дарёнинг юнонча Оксус деб аталиши шу номга бориб такалади. Арабчада атаманинг (أفخش) ёзилиши унинг *Вахш* деб ўқилишини тақозо қилади. Бошқа тиллардаги «х» ва «ш»лар юнончада «кс» билан алмашинишини эътиборга олсак, «Уахш» атамасидан «Оксус» атамаси келиб чиқишини кўриш қийин эмас.

<sup>993</sup> «Инча» сўзи «ин» сўзининг кичрайтирилган кўриниши эмасмикин? Агар шундай бўлса, у ҳолда ҳозирги ўзбек тилидаги «ин» (яъни, «уя» ва умуман, «уй») сўзининг қаердан келиб чиққанлиги аниқ бўлади.

<sup>994</sup> Суғдларда ҳам бундай одатнинг мавжудлиги юқорида айтиб ўтилди.

<sup>995</sup> Бу ерда арабча юлдуз атамаларидаги чалкашликларга ишора қилинган. Арабчада Эгизак эклиптик юлдуз туркуми ҳам, Жаббор (Орион) юлдуз туркумидаги икки юлдуз ҳам бир ном билан Жавзо деб аталган.

<sup>996</sup> Ан-Насра – саратон юлдуз туркумининг  $\gamma$ ,  $\beta$ ,  $\epsilon$  юлдузлари. Бу Ойнинг саккизинчи манзили ҳисобланган. Қуйида 1392-изоҳга қаранг.

<sup>997</sup> Авво, яъни Ҳурувчи – Азро (Сунбула) юлдуз туркумининг  $\beta$ ,  $\gamma$ ,  $\epsilon$  ва  $\eta$  юлдузлари. Бу Ойнинг ўн учинчи манзили ҳисобланган. Қуйидаги 1357-изоҳга қаранг.

<sup>998</sup> Ромиҳ, яъни Найзадор Симок – Ҳўқизбоқар юлдуз туркумининг  $\alpha$  юлдузи. Қуйида 1404-изоҳга қаранг.

<sup>999</sup> Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба ал-Жабалий – милодий IX асрда яшаган арабийнавис тарихчи. Узоқ муддат Эроннинг шимолидаги Жибал ноҳиясида яшагани учун «Ал-Жабалий» нисбатини олган.

<sup>1000</sup> Уржуза – араблардаги шеърятда аруз вазнининг ражаз баҳрида ёзилган шеър.

<sup>1001</sup> Анво – (أنواء), бирлиги (نوء) – сўзи арабларда Ой манзилининг ботишини, яъни айни манзил гарб томондаги уфқда ғойиб бўлишини англади. Улар бу ҳодиса билан турли метеорологик воқеаларни боғлайдилар. Масалан, шамол бўлиб, ёмғир ёғишини ҳам улар «нав» дейдилар. Беруний «Қонуни Масъудий» асаридаги 9-мақоласининг тўққизинчи боби анвога махсус бағишланиб, «Араблар таълимотича, анво ва бориҳлар ҳақида» деб аталган (Беруний. Қонуни Масъудий, II. 376–384-бетлар). У қуйироқда ҳам анвоё тўғрисида муфассал баён қилади.

<sup>1002</sup> Бу ерда тоғликларнинг табиати чапани, чўрткесар, қайсар эканлигига урғу берилмоқда.

<sup>1003</sup> Қуръоннинг «Тавба» сураси 97-оят, яъни Аъробийлар куфр ва нифокда ашаддийроқ ва Аллоҳ ўз Пайгамбарларига нозил қилган нарсанинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли зотдир, деган сўзи назарда тутиляпти.

<sup>1004</sup> Беруний матнидаги Ой манзилларининг номларини ўзгартирмаган ҳолда қуйида уларнинг таржималарини, шунингдек, у манзилларнинг суғдча ва хоразмийча номларининг шартли ўқилишини алломанинг 1976 йилда амалга оширилган «Қонуни Масъудий» асарининг ўзбек тилидаги нашрида (Беруний. Қ.М...) келтирилган жадвал асосида кўрсатамиз.

Бунда манзилларни Беруний «Қонуни Масъудий»да келтирган тартиби бўйича жойлаштирамиз. Чунки матндаги тартибда манзилларнинг охирида туриши керак бўлган «Сурайё» ва «Алдабарон» негадир жадвалнинг бошига чиқиб қолган:

Ой манзиллари жадвали:

№	Арабча номлари	Сўғдча номлари	Хоразмийча номлари
1	Икки белги	Башиш	Риванда
2	Қоринча	Барав	Фариханда
3	Сурайё	Парван	Парван
4	Алдабарон	Бабрав	Бабрав
5	Сочлар ҳалқаси	Муразина	Ахумах
6	Ҳанъа	Рушанванд	Хавиё
7	Тирсак	Ғусиф	Ғувсиф
8	Нарса	Ғанаб	Чири
9	Кўз	Хамшуриш	Хамшиш
10	Пешона	Муғ	Ачир
11	Тусин	Буза	Амуғ
12	Буришиш	Визав	Визив
13	Хурувчи	Фустапг	Афсаст
14	Симок	Шуғор	Ахшафран
15	Ғафр	Сарив	Шавшак
16	Икки Қисқич	Фисрав	Сарофусрив
17	Тож	Ғаниванд	Аганиванд
18	Қалб	Вағнаванд	Бағнаванд
19	Нипш	Муғнисадвис	Зоринад
20	Туяқушлар	Бисасим	Саризив
21	Қошлар орасидаги бўшлиқ	Важузик	Мурхапик
22	Сўювчининг бахти	Вананд	Хачман
23	Юувчининг бахти	Юг	Юг
24	Бахтлар бахти	Шадмапир	Садмасиж
25	Чодирлар бахти	Шавипг	Мапгаванд
26	Биринчи жўмрак	Фериштабас	Фирхшабис
27	Иккинчи жўмрак	Барафрапг	Вабир
28	Балиқ қорни	Риванд	Жудоз

<sup>1005</sup> Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ (мил. X а.) – Хоразмнинг Африғийлар сулоласидан бўлган охириги хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммаддан (ваф. мил. 995) олдинги хоразмшоҳ. Берунийнинг хабарига кўра, у 950 йилларнинг бошигача Бухорода Сомонийларнинг ҳибсида бўлган ва ўша ўн йиллик бошида у ердан қочиб, ватанига қайтишга муяссар бўлган. Ўша кезларда Сомонийлар давлати сусайиб, инқирозга юз тута бошлаган эди. Шунинг учун бўлса керак, Сомонийлар Хоразмшоҳни қайта ҳибсга олиш учун ҳаракат қилмадилар.

<sup>1006</sup> Хоразмшоҳ Абу Саъид ибн Ироқнинг тақвим истилоҳи Искандар эраси бўйича 1270 йили, яъни милодий 1270–311=959 йили амалга оширилган. Берунийнинг бундай хабарига кўра, ўша кезде Искандар эраси Хоразмда истеъмомда бўлган.

<sup>1007</sup> Охирги жумла 3.да йўқ. У И.дан олинди.

<sup>1008</sup> «Банот наъш» – Катта Айиқ юлдуз туркумининг айиқ думидаги 25) ε (Алиот), 26) τ (Мицар), 27) η (Алқоид) юлдузлари.

<sup>1009</sup> Шу ергача келтирилган жумла 3.да йўқ. У И.га кўра таржима қилинди.

<sup>1010</sup> Абу Саъид Синон ибн Собит ибн Қурра (ваф. мил. 942) – Собит ибн Қурранинг ўғли, исломга ўтган собийлардан. Аббосий халифалар Ал-Муктадир (908–932), Ал-Қохир (мил. 932–934) ва Ар-Розийнинг (мил. 934–940) сарой табиби бўлган. Математикага оид 3 та, астрономияга оид 5 та асар ёзган. Шулар қаторида халифа ал-Муътазидга бағишланган «Анво ҳақида китоб» («*Китоб ал-анва*») ҳам бор.

<sup>1011</sup> Сухайл (Канопус) – Арго (кема) жанубий юлдуз туркумидаги 44) юлдуз.

<sup>1012</sup> Собит ибн Қурра ҳақида юқорида 312-изоҳга қаранг.

<sup>1013</sup> Евктемон – милоддан аввалги III асрда яшаган исқандариялик астроном.

<sup>1014</sup> Астроном Филипп ҳақида маълумот сақланмаган. Эҳтимол, у Искандарнинг отасидир.

<sup>1015</sup> Калипп (мил. авв. IV) – қадимги юнон астрономи. У Метон (мил. авв. 460) аниқлаган 19 йиллик даврни «тўлиқ» ой билан тўлдирган.

<sup>1016</sup> Книдлик Евдокс (тахм. мил. авв. 408–356) – Қадимги Юнонистоннинг йирик математиги ва астрономи. Тахминан милоддан аввалги 380 йили Мисрда бўлиб, у ерда астрономик билимларни ўзлаштирган. Ўз шаҳри Книдга қайтиб келиб, расадхона қурган ва фан тарихида биринчи марта сайёралар ҳаракатининг математик назариясини ихтиро қилган. У математика соҳасида нисбатлар назариясини ва юзларини ўлчашда «камраш усули»ни кашф этган.

У бизгача етиб келмаган «Тезликлар ҳақида» номли астрономик асарида сайёралар ҳаракатининг геометрик назариясини баён қилган. Бу назарияга кўра, олам марказида Ер бўлиб, Қуёш, Ой ва сайёралар Ер атрофида ўз сфераларида айланган. Бу геоцентрик таълимот саналади.

<sup>1017</sup> Метродор – милодий VI асрда яшаган византиялик грамматик олим.

<sup>1018</sup> Демокрит (тахм. мил. авв. 460–370) – асли Фракиядаги Абдера шаҳридан бўлиб, қадимги дунёнинг комусий олими саналади. Математика, астрономия, фалсафа ва бошқа кўпгина фан тармоқларига оид 70 дан ортиқ асар ёзган. Кўп саёҳат қилиб, Миср, Эрон, Бобил, Ҳиндистон ва Ҳабашистонда бўлган (Кольман Э. История математики в древности. Физ.-мат.г-из. – М.: 1961. – С. 96–98).

<sup>1019</sup> Гиппарх (мил. авв. II а.) – асли Вифиниядаги Никея (ҳозирги Туркияда жойлашган Изник) шаҳридан бўлиб, қадимги дунёнинг буюк астрономи саналади. Астроном сифатида прецессияни (тенгкунлик нуқтасининг ҳаракатини) аниқлагач, шуҳрат қозонган. У шамсий йил узунлигини, ўрта қамарий ойни, эклиптиканинг осмон экваторига огиш бурчагини ва бошқа параметрларни жуда катта аниқлик билан ҳисоблаган. У сайёраларнинг гелиоцентрик ҳаракатини, эпицикллар ва эксцентрик орбиталар назариясини ихтиро қилган, 1000 га яқин қўзғалмас юлдузлар каталогини

тузган. Унинг назарияларидан кейинчалик Птолемей фойдаланиб, сунистеъмомл қилган (Ньютон Роберт Р. Преступление Клавдия Птолемея// Перев. с англ. Н.Б. Малышевой. – М.: Наука, 1985).

<sup>1020</sup> Досифей (мил. авв. III а.) – қадимги юнон математиги ва астрономи. Евклиднинг (тахм. мил. авв. 310–230) шогирди Архимед (тахм. мил. авв. 287–212) кўпгина асарларини Досифейга мурожаат шаклида ёзган.

<sup>1021</sup> «Кесарь» деб ким назарда тутилгани аниқланмади.

<sup>1022</sup> Конон (мил. авв. III а.) – самослик математик олим, Евклиднинг шогирди.

<sup>1023</sup> Метон (тахм. мил. авв. 460) – қадимги Юнонистонда астрономия билан маҳсус шуғулланган биринчи олим. У 19 шамсий йил 235 қамарий ойдан иборатлигини аниқлади. (Берри А. Краткая история астрономии. – М., – Л. 1946. – С. 34–35).

<sup>1024</sup> Абул-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (тахм. мил. 820–912) – машҳур географ ва тарихчи, асли Табаристондан. У бу ўринда кўрсатилган «Йўллар ва мамлакатлар китоби»дан («Китоб ал-масалик ва-л-мамалик») ташқари яна етти-та асар ёзган. Мазкур китобининг русча таржимаси нашр этилган (Ибн Хордадбех. Книга путей и стран // Пер. С араб., иссл, указат. и карты Наили Велихановой. Баку, «Элм», 1986).

<sup>1025</sup> Ан-Ноиб ал-Омулий ҳақида юқорида 48-изоҳга қаранг.

<sup>1026</sup> Туркларнинг «яда» тоши билан ёмғир ёғдиришлари ҳақида сўз кетаётди.

<sup>1027</sup> Мисрда фақатгина – Муқаттам тоғи бор. Муаллиф шуни назарда тутяпти.

<sup>1028</sup> Ал-Фустат – Амр ибн ал-Ос (милодий 639–640 йиллар)да Мисрни тўлиқ забт этганидан сўнг, халифа Умар ибн ал-Хаттобнинг розилиги билан Нилнинг дельтага ёйилиш жойидан олдинги дарёнинг шарқий соҳилида қурган шаҳарчаси. Кейинчалик у Қоҳирага қўшилиб кетди.

<sup>1029</sup> Қоринга «сарик сув» йиғилиши назарда тутиляпти.

<sup>1030</sup> И. ва Л.да шу ўринда «ёмон эмас» дейилган.

<sup>1031</sup> Абу Исҳоқ Каъб ибн ал-Ахбор (ваф.ҳиж.32, мил. 652–653) – Исломнинг илк давридаги муҳандислардан.

<sup>1032</sup> Исо ибн Нун – Инжилдаги Иисус Навин. Беруний қуйида вақтнинг узок чўзилиши аслида азоб чекаётганининг руҳий ҳолатида юз берадиган феномен эканлигини тўғри тавсифлаган. Аслини олганда, Куёш туриши ҳодисаси инсон учун деярли сезилмас ҳодисадир.

<sup>1033</sup> Али ибн ал-Жаҳм – милодий IX асрда яшаб ўтган шоир.

<sup>1034</sup> Беруний давридаги рағл турли мамлакатда ҳар хил оғирликка эга бўлган ва географик ҳудудга қараб 406,25 граммдан 2,5 килограммгача фарқланган.

<sup>1035</sup> Ан-Наср ал-Воқе («Йиқилаётган бургут») – Лира юлдузи туркумининг 1) α (Вега) юлдузи. Юлдузнинг арабча номидаги ал-Воқе сўзидан лотинча Vega келиб чиқади. Бу юлдуз Тошбақа деб ҳам аталган.

<sup>1036</sup> Яъни, «ёнувчи кўмир».

<sup>1037</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (мил. 865–925) – ўрта асрларнинг йирик кимёгари ва табиби. Райда тугилиб, ўша ерда ўқиган, сўнг Бағдодда фаолият юритган. Шунингдек, фалсафа ва математика билан ҳам шуғулланган. Ғарбий Европада Rhases ва Abubater номлари билан маълум бўлган. Фаннинг турли соҳаларига оид ўттизга яқин асар ёзган.

<sup>1038</sup> Абу Бакр Ҳусайн ат-Таммор – Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариёга замондош олим бўлиб, у билан ёзишмалари мавжуд.

<sup>1039</sup> *Ал-Вабр* – «вабара» феълидан келиб чиккан бўлиб, «бирор киши ортидан юриш» маъносини англатади.

<sup>1040</sup> *Омир* – амр этувчи, буюрувчи.

<sup>1041</sup> *Ал-Муътамир* – ўйлаш, фикр юритиш.

<sup>1042</sup> *Ал-Муаллил* – юпатувчи.

<sup>1043</sup> *Мутфи ал-жамр* – ёнаётган кўмирни ўчирувчи.

<sup>1044</sup> *Мукфи ал-қидр* – қозонни тўнтарувчи.

<sup>1045</sup> *Ас-Сарфа* (Бурилиш) – Ойнинг 12-манзили ва Асад юлдузи туркумининг юлдузи ҳақида яна юқоридаги 983-изоҳни қаранг.

<sup>1046</sup> Совукнинг ортиши назарда тутиляпти.

<sup>1047</sup> Бухоролик ҳисобдон Абдуллоҳ ибн Али ҳақида маълумот сақланиб қолмаган.

<sup>1048</sup> Куръон, Ҳоққа сураси, 7-оят.

<sup>1049</sup> Мусулмонлар ўзлари турган маконни хандақ билан ўраб олганлари учун жанг «Хандақ жанги» номи билан машҳур бўлган. Шарқдан келган қаттиқ шамол кум тўзонларини мушрикларга урган ва мусулмонлар ғалабага осон эришганлар.

<sup>1050</sup> Яъни, тупроқ, ҳаво, сув ва олов.

<sup>1051</sup> Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (мил. 980–1037) – Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Бошланғич билимларни отасидан, сўнг Ан-Нотилийдан олган. 16 ёшида олим ва табиб сифатида шаклланган. Бухорода Нух ибн Мансур Сомоний саройида табиб ва маслаҳатчи лавозимларида ишлаган. Мовароуннахрни Қорахонийлар забт этганидан сўнг, 1002 йили Хоразмга кўчиб, хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган. Сўнг султон Маҳмуд Ғазнавий таъкибидан қочиб, Журжонга кўчган, у ердан эса Ҳамадонга, Бувайҳий султон Шамс уд-Давла ҳузурига борган. У ердан Исфаҳонга, султон Ало уд-Давла саройига борган. Исфаҳонда вафот этган ва ўша ерга кўмилган.

У асосан, табиб ва файласуф сифатида шуҳрат қозонган, лекин математика ва астрономия билан ҳам жиддий шуғулланган. Ғарбий Европада *Avicenna* номи билан маълум бўлган. Унинг табобатга оид «Тиб қонунлари» асари қарийб 1000 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, асрлар давомида кўп марта кўчирилган ва нашр этилган. (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т.2. – С. 227–236).

<sup>1052</sup> Бу ерда «Шайх ур-раиснинг Абу Райҳон Беруний саволларига жавоблари» (*Ажвиба аш-Шайх ур-раис ған масоил Абу-р-Райҳон ал-Беруний*) номли асар назарда тутилмоқда. Бу асарнинг кўпгина нусхалари сақланиб қолган ва кўп тилларга, жумладан, ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб нашр этилган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т.2. – С. 233).

<sup>1053</sup> Бу ерда Беруний айтаётган фикр шундан иборатки, Хитой ҳам, Эрон ҳам экватордан шимолдаги мамлакатлар бўлгани учун форслардаги баҳорнинг биринчи кuni хитойликлардаги кузнинг бошига тўғри келиши мумкин эмас. Бундай ҳолат қачонки улардан бири экватордан шимолда, иккинчиси жанубда жойлашган бўлса, ўринли саналиши мумкин.

<sup>1054</sup> «Кунни баробарловчи», «баробарлик чизиғи» иборалари арабча «муъаддал ан-наҳор» ва «хаттул истиво» ибораларининг таржимасидир.



<sup>1055</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Ҳозин ал-Хуросоний (ваф. тахм. мил. 961–971) – асли Хуросондан. Райда фаолият юритган, кутубхоначи («Ҳозин») бўлган. Асосан, математика ва астрономия билан шуғулланган, 7 та математикага ва 12 та астрономияга оид асар ёзган (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т.2. – С. 149–151).

<sup>1056</sup> Ас-Суҳо – Савр юлдуз туркумидаги юлдузча. Шу туркумнинг олти юлдузи алоҳида Сурайё юлдуз туркумини ташкил қилади. Булар 9)  $\zeta^1$ , 10)  $\delta$ , 11)  $\gamma^1$ , 12)  $\delta^1$ , 13)  $\nu$ , 14)  $\alpha$  юлдузларидир.

<sup>1057</sup> Муҳаммад ибн Митёр ал-Исфажоний – милодий VIII асрда яшаган таржимон. Қадимги асарларни паҳлавий тилидан араб тилига таржима қилган.

<sup>1058</sup> Ал-Фустиқ шаҳри ҳақида юқорида 1029-изоҳга қаранг.

<sup>1059</sup> Дайр Айюб – Суриядаги монастирли шаҳарча.

<sup>1060</sup> Абу Яҳё ибн Куноса – милодий VIII асрда яшаган араб метеорологи.

<sup>1061</sup> Жайхун – яъни Амударё.

<sup>1062</sup> Бу ерда «Ҳабаш мамлақати» деганда Ҳабашистонни тушуниш керак эмас. Балки юқори Мисрни, яъни қора танлилар яшайдиган ер деб тушунмоқ керак.

<sup>1063</sup> Асвон – ҳозирги Мисрда жойлашган шу номли шаҳар ва сув омбори.

<sup>1064</sup> Ой тоғи – *Жабал ул-Қамар* – Жанубий Судан ва Угандадаги тоғлар. Бу ерда Беруний айтган «...Жануб томонларда: ё экваторда, ёки... у атрофда одам яшамайди» деган сўзлар илк ўрта асрлардаги арабийнавис муаллифларнинг Марказий Африка ва Нилнинг бошланиш жойлари ҳақидаги фикрларини акс эттиради. Чунки араб сайёҳлари милодий VIII–X асрларда қуруқликдан у ерларга қадар бориб етмаганлар. Лекин айнан ўша пайтларда араб денгизчилари денгиз орқали Африканинг экватордан анча жанубдаги соҳилларига, Пемба, Занзибар ва Мафия ороллариғача бориб етганлар. Бу ҳақидаги ҳикоялар Бузург ибн Шаҳриёрнинг «Ажойиб ал-Ҳинд» китобидан келтирилган (Бузург ибн Шаҳриёр. Ажойиб ал-Ҳинд // Арабчадан А.Аҳмедов таржимаси. Тошкент, Ўзбекистон: 2011).

<sup>1065</sup> Нил суви кўпайишининг асосий сабаби унинг бошланиш ерларида, яъни экваториал Африкада йилда икки марта – қиш ва ёзда экваториал ёмғирларнинг ёғишидир. Бу ёғингарчиликлар деярли 50 кун давом этади. Шунинг учун бу ёғингарчиликлар Судан ва Мисрда «хамсин» («эллик») деб аталади.

<sup>1066</sup> Абаршаҳр, Тус – ўрта асрлардаги Хуросонда жойлашган шаҳарлар. Туснинг ҳозирги номи Фирдавсдир.

<sup>1067</sup> Кимак мамлақати – Илк Ўрта асрларда кимак турклари кўчманчилик қилган ерлар, яъни Иртиш дарёсининг қуйи оқими, жанубий ва жануби-ғарбий Уралдан Волга ва Кама дарёлариғача бўлган ерлар.

<sup>1068</sup> Манкур тоғи – Урал тоғи.

<sup>1069</sup> Ўғуз турклари милодий X асрда Орол, Қуйи Волга ва Жанубий Урал оралиғида кўчманчилик қилганлар.

<sup>1070</sup> Бомиён тоғлари ҳозирги Афғонистон шимолида жойлашган. Лекин ҳозирда у ерда Беруний тавсифлаётган қўл сақланиб қолмаган.

<sup>1071</sup> Деҳи нав – ҳозирги Ўзбекистоннинг жануби-шарқидаги Денов тумани ва унинг маркази.

<sup>1072</sup> *Ҳайвонийлар* – Ислондаги диний-фалсафий оқим.

<sup>1073</sup> Гиппократ (тахм. мил. авв. 460–370) – матнда Букрот. Асли Хиос оролидан бўлиб, «Табобат отаси» номи билан машҳурдир. Милоддан аввалги 450–430 йиллар-

да Афинада дарс берган. У математика билан ҳам жиддий шуғулланган. Хусусан, у ушбу теоремани исботлаган: «Агар доира ичига квадрат чизилган бўлса, шу доиранинг юзаси квадрат томонларида чизилган яримдоиралар юзаларининг йиғиндисига тенг».

<sup>1074</sup> Хиймус – чала ҳазм бўлган овкат.

<sup>1075</sup> Ҳиндистонлик Ҳаннанинг кимлиги аниқланмади.

<sup>1076</sup> Хусрав II Парвез (мил. 590–628) – Эроннинг Сосонийлар сулоласидан бўлган йигирма биринчи подшоҳи.

<sup>1077</sup> «Бухрон» – касалнинг ё енгил тортиб чекиниш, ёки зўрайиб, хуруж қилиш дамлари.

<sup>1078</sup> *Мадд* – сув тошқини, жазр – сув қайтиши.

<sup>1079</sup> Мағриб денгизи – Атлантика океани.

<sup>1080</sup> Андалус – Испания.

<sup>1081</sup> «Катта Ит» – «*Калб ал-Жаббор*» ёки «*Калб ал-Акбар*» – жанубий юлдуз туркуми бўлиб, унинг 18 та юлдузи мавжуд. Улардан биринчиси –  $\alpha$  юлдузи («Сириус») ёки [Яман Сириуси] – матнда «*Шуъро ал-Йамания*» – дейилади. Бу юлдузлар иккита бўлган. Иккинчиси «*Шуъро аш-Шомия*» ёки «*Шуъро ал-Ғумайса*», яъни Шом Сириуси ёки Йиғлоқи Сириус деб аталади. Юнонча «Сириус» сўзи аслида сомиий сўз бўлиб, «*Шуъро*» сўзи билан умумий илдизга эга деб ҳисобланади.

<sup>1082</sup> Абу Нувос – Аббосий халифа Ҳорун ар-Рашид давридаги машҳур шоир, «Минг бир кеча»нинг асосий қаҳрамонларидан бири.

<sup>1083</sup> Христиан метеоролог ва астроном Али ибн ал-Котиб ташхис қилинмади.

<sup>1084</sup> Денгиз итлари – *Килоб ал-бахр* – акулалар.

<sup>1085</sup> Йиллик шамоллар – йилда бир эсадиган шамоллар.

<sup>1086</sup> «Тинчлик шаҳри» – Бағдод эканлиги юқорида айtilган. Уни Ал-Мансур қургани учун гоҳо «Мадинаг ал-Мансур», яъни «Ал-Мансур шаҳри» деб айtilган. Искандар эрасининг 1074 йили – милодий 762 йил, яъни шаҳарни қуриш ишлари тугатилган йилдир. Қурилиш эса 759 йилнинг, 23 июлида (23 Таммузда) бошланган эди.

<sup>1087</sup> Беруний бу ерда астрологияга оид бир нечта тушунчаларни келтирган: «йилни алмаштириш» – матнда «*таҳвил ал-сана*» – Ғарбий Европада *revolutio anni* – яъни, Қуёш баҳорги тенгкунлик нуктасини кесиб ўтиш пайти; «муддатнинг ўтиши» – матнда «*интиҳоръот*» – яъни, агар ҳар бир буржга бир йил мос келтирилган бўлса, иккинчи йилнинг ўтиши иккинчи буржда толиъдан кейинги иккинчи буржда айни даражада бўлади. Шунингдек, учинчи йилнинг ўтиши учинчи буржда бўлади; «ҳаракатга келтириш» – матнда «*тасйир*» – Европа астрологларида *directio* – («йўналиш»), «ҳаракатга келтириш», – яъни, бу шундай астрологик амалки, унинг ёрдамида ёриткичга осмон экваторининг бирор ёйи мос келтирилади, бу ёйнинг бир учи – ёриткични осмон экватори қутбидан катта айлана ёрдамида шу экваторга проекцияси.

<sup>1088</sup> Навбахт (ваф. тахм. мил. 777) – Аббосий халифа Ал-Мансурнинг сарой астрологи. Форс олимлари ва давлат арбоблари сулоласини бошлаб берган шахс. Машааллоҳ билан биргаликда 759 йил Бағдодга асос солинишида ўлчаш ишларига бошчилик қилган ва шу ишлар бошланишига (яъни, 23 июль кунини танла-

шга) астрологик ҳукм чиқарган. Биргина асар – «Китоб ал-аҳком» («Астрологик ҳукмлар китоби»)ни ёзган ва бу асар биргина нусхада бизгача етиб келган (87. – С. 30).

<sup>1089</sup> Аслида бу шакл Бағдодга асос солишда Навбахт томонидан ҳисобланган то-  
лиъ (гороскоп)дир.

<sup>1090</sup> Хўтан – Шарқий Туркистоннинг жанубидаги қадимги шаҳар.

<sup>1091</sup> Саламия – Бусра каби Суриядаги шаҳар.

<sup>1092</sup> Азриот – Суриядаги шаҳар.

<sup>1093</sup> *Жабҳа* – Пешона – Асад юлдузи туркумининг (Регул)  $\gamma$ ,  $\eta$  ва  $\iota$  юлдузлари,  
Ойнинг 10-манзили. Яна 1343, 1374-изоҳларга қаранг.

<sup>1094</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Зайёт – Аббосий халифалар ал-  
Муътасим ва ал-Восиқ давридаги вазир. Бироқ ал-Восиқ ҳижрий 233 (мил. 847–848)  
йилда уни вазирликдан тушириб, қатл қилинган.

<sup>1095</sup> Манбиж – Суриянинг шимолидаги, Фиротнинг Сажур ирмогидан  
жануброқдаги шаҳар.

<sup>1096</sup> Юқорида 1032-изоҳга ва асар матнидаги унга тегишли ўринга қаранг.

<sup>1097</sup> Беруний давомий қаттиқ шамол кишининг кайфиятига таъсир қилишини на-  
зарда тутаётган бўлса керак.

<sup>1098</sup> «Синдҳинд» зижи – ҳинд астрономи Брахмагуптанинг (V а.) «Брахма-  
спхута-сиддҳанта» асарининг Муҳаммад ал-Фазорий (VIII а.) томонидан араб тили-  
га қилинган таржимаси. Беруний бу асарни «Ҳиндистон» ва «Геодезия» асарларида  
эслаб, ундан парчалар келтиради. Д.Пингри бу зижнинг барча сақланган парчалари-  
ни инглиз тилига таржима қилиб, нашр этган.

<sup>1099</sup> Меҳржон – форсларнинг кузги тенгкунликда нишонланадиган ҳосил бай-  
рами.

<sup>1100</sup> «Саолиба» – арабларнинг Бани Саълаба қабиласи номининг кўпликда («тул-  
килар») айтилиши.

<sup>1101</sup> 26, 27, 28-кунларга тегишли матн русча нашрда келтирилмаган.

<sup>1102</sup> Бу ҳақда Қуръоннинг «Соффат» сураси 107-оятда айтилган.

<sup>1103</sup> Абу Исо ал-Варроқ (мил. IX а.) – адиб, буюк мутасаввиф олим. Қабри Сур-  
хон воҳасида жойлашган.

<sup>1104</sup> Яхуёқим – Тавротдаги Иоаким.

<sup>1105</sup> Ирмиё – Тавротдаги Иеремия.

<sup>1106</sup> Нерюн – Тавротдаги Нерия.

<sup>1107</sup> Бу ерда Сурия ва Фаластиннинг Селевкий подшоҳи Антиох Эпифан (ми-  
лоддан аввалги II а.) назарда тутиляпти. У яҳудийлар динини ман этиб, улар устидан  
зўравонликлар қилган.

<sup>1108</sup> «Етмишлар Тавроти» – «Септуагинта» ҳақида юқорида «Эраларнинг  
моҳияти ва халқларнинг бу ҳақидаги ихтилофлари хусусида сўз» бўлимида айтил-  
ган. Ўша бўлими ва тегишли изоҳларига қаранг.

<sup>1109</sup> Юшаъ ибн Нун – Тавротдаги Иисус (ёки Иешуъа) Навин, Мусонинг Миср-  
дан чиқишдаги ҳамроҳларидан бири.

<sup>1110</sup> «Ун ҳамда бедана» матнда «Манна ва салва»дир. Китобнинг биринчи  
нашрида «манна» сўзи «янтоқ шакар» деб таржима қилинган. Янтоқдан шакар олин-

майди. Матннинг мазкур ўрнида Қуръоннинг «Бақара» сурасидаги 57-оятга ишора қилинган.

<sup>1111</sup> Тустар – ҳозирги Эроннинг жанубида Қорун дарёсининг чап соҳилида жойлашган Шуштар шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

<sup>1112</sup> Ахшуруш – Қадимги Эроннинг Ахамонийлар сулоласидан еттинчи подшоҳи Артаксеркс – Ардашир II нинг (мил. авв. 459–404) қадимги форсча номи.

<sup>1113</sup> Ҳомон – Артаксеркснинг вазири бўлиб оддий халқ орасидан чиққан.

<sup>1114</sup> Истир – Артаксеркснинг хотини Эсфир. У яҳудий бўлган.

<sup>1115</sup> Юқорида келтирилган қисса асосида Қадимги Эроннинг ҳаққоний воқеалари ётади. Бу воқеалар Библиянинг «Эсфир» китобида баён қилинган. Бериуний бу воқеалар тўғрисида «Қонуни Масъудий»нинг 2-мақоласида ҳам баён қилган.

<sup>1116</sup> Нодоб (Надав) ва Абиҳу – Библия персонажлари, Мусонинг акаси Ҳоруннинг (Аарон) ўғиллари.

<sup>1117</sup> Имрон қизи Марям (биби Марям) ҳақида Қуръоннинг «Оли Имрон», «Марям» сураларида баён қилинган.

<sup>1118</sup> Фатир – биздаги «патир»нинг айнан ўзи. Яна биз қўллайдиган «фитр», «ифтор» сўзларининг ҳам ўзаги шу сўз ўзагининг айнан ўзидир. Яҳудийлар патирни «маца» дейдилар.

<sup>1119</sup> «Ал-Макс» – тўлиқ ботиш, кўринмай ғарқ бўлишни англатади. Арабчада Куёш ва Ой тутилишларида тамомила кўринмай қолиб, тўлиқ тутилишда ҳам шу сўз ишлатилади.

<sup>1120</sup> Ишмуил – Библиядаги Самуил.

<sup>1121</sup> Юробаом ибн Набат – Библия персонажи Иероваам.

<sup>1122</sup> Салман ал-Аъшар – Бобил подшоҳи Салманасар (мил. авв. 747–735), иккинчи номи Набонассар I.

<sup>1123</sup> Хизқиё – Библиядаги Иезекия.

<sup>1124</sup> Шамъун, Шамуил ва Ҳанино – Библия персонажлари Симеон, Самуил ва Анания.

<sup>1125</sup> Ҳанино ибн Тардион – Ананиянинг отаси, Терадион.

<sup>1126</sup> Рабби Ақибо – Библиядаги раввин Ақибо.

<sup>1127</sup> Китобнинг рус тилидаги нашрида шу ўринда «ўн тўққизинчи» («девятнадцатый») бўлиб қолган.

<sup>1128</sup> Бу ерда Байт ул-Муқаддаснинг иккинчи вайрон қилиниши ҳақида сўз кетяпти.

<sup>1129</sup> Яъни, ғарбга – Андалус ва Марокашга кетиб қолган яҳудийлар.

<sup>1130</sup> Иббур – юқорида айтилганидек, яҳудийларнинг кабиса йили.

<sup>1131</sup> Қуръон, «Аъроф» сураси, 163-оят.

<sup>1132</sup> Табария – Фаластинда шу номли қўлнинг ғарбий соҳилидаги шаҳар. Ҳозирги номи Тиверия.

<sup>1133</sup> Балинас шаҳри ҳозиргача сақланиб қолмаган.

<sup>1134</sup> Китобнинг биринчи нашрида бу сўз «Маликия» тарзида ўқилиб, тегишли изоҳда ушбу сўз арабий экани айтилган. Русча нашрдаги изоҳда ҳам шундай (по-арабски) дейилган. Аслида бу сўзнинг араб тилига алоқаси йўқ. Христианликнинг

бу оқими Сурия христианларининг орасида тарқалган бўлиб, бу сўз суренчадир ва у «меликия», яъни «меликийлар» деб ўкилиши керак.

Шу билан бирга, олимнинг бу жумлалари унинг давридаги Хоразмда румликлар, яъни Византия юнонлари бўлганлигидан далолат беради. Беруний ўзининг «Сайдана» асарида айтганидек (139-б.), ёшлигида бир румликдан унинг тилида турли ўсимликлар қандай аталганини ёзиб олганлигини эътиборга олсак, бизнинг фикр ўринли бўлади. Бундан ташқари, хоразмликларнинг ҳам қанчадир бир қисми меликия христианлигига эътиқод қилган бўлиши мумкин.

<sup>1135</sup> Несторий (Nestorios, ваф. мил. 440) – (матнда Настурис, «несторийлик» ҳам «настурия» тарзида келтирилган) христианликдаги несторианлик черковига асос солган, милодий 428–431 йилларда Константинополнинг патриархи бўлган. Милодий 431 йили «несторианлик» мулҳидияси Эфесдаги дунёвий соборда лаънатланган. Несторийнинг таълимотига кўра, Масихда илоҳийлик ва инсонийлик табиатлари мужассамлашмаган бўлиб, илоҳийлик ва инсонийлик табиатлари мужассамлашган деган ортодоксал христианликдан фарқ қилган. Илк ўрта асрларда несторианлик Ўрта Осиёдаги Марв, Самарқанд ва Тороз шаҳарларида тарқалган. Ҳозирда христианликнинг бу мазҳаби Сурия, Ҳиндистон ва Хитойда тарқалган.

<sup>1136</sup> Яъқубия – христианликнинг яқовийлар черковининг тарафдорлари. Яков Бардавей (ваф. милодий 578) томонидан асос солинган. Улар Масихда илоҳийлик ва инсонийлик табиатларини тан олувчи ортодоксаллар (православлар) Халкедонда милодий 451 йили ўтказган дунёвий соборларида яковитларни «монофизитлар» деб лаънатлаганлар. Ҳозирда яковитлар динига Миср коптлари (қибтлари) эътиқод қиладилар.

<sup>1137</sup> Ақоним – христианликдаги «ипостась», яъни илоҳнинг хувийяти, вужудияти; лохутият – илоҳийлик; носутият – инсонийлик; иттиҳода – «монофизитлик».

<sup>1138</sup> Аревисия – яъни, христианликдаги арианизм эътиқоди. Милодий V асрда юзага келган ва асосан, ўша пайтлардаги герман қабилалари орасида тарқалган, кейинчалик бу оқим йўқ бўлиб кетган.

<sup>1139</sup> Мазкур жумлалар Хоразмда Беруний даврида меликия христианлиги тарқалганлигидан гувоҳлик беради.

<sup>1140</sup> Павел – Исонинг 12 ҳаворийларидан (апостол) бири.

<sup>1141</sup> Анания (Ҳанин) – Павелнинг шогирдларидан бири, Рим императори Адриан (мил. 117–138) даврида Симеон ва Самуил билан бирга қийноққа солиб ўлдирилган. Епископ – матнда усқуф.

<sup>1142</sup> Бу ерда ортодоксал (православ) христианларидаги «именинник», яъни «исм эгаси» деб, авлиёнинг исми билан аталган шахснинг туғилган кунини нишонлаш тўғрисида сўз кетяпти.

<sup>1143</sup> Наҳрон – Яманнинг шимолидаги шаҳар. Илк ўрта асрларда Арабистон ярим-оролида христианликнинг маркази бўлган. Хурис ан-Наҳроний – маҳаллий роҳиб.

<sup>1144</sup> Дионисий – матнда Диунисиюн – роҳиб.

<sup>1145</sup> Яъни, Бағдодда.

<sup>1146</sup> Абул-Хусайн Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Аҳвозий ҳақида ва унинг «Румликларнинг илмлари ҳақида китоб» номли асари ҳақида маълумот сақланиб қолмаган. Лекин унинг тўлиқ исми ва унинг китобидан Беруний келтирган маълумотларга

кўра, у аслида Эроннинг жанубидаги Аҳвоз шаҳрида бўлиб, милодий IX ё X асрда яшаган ва Византияга саёҳат қилиб, унинг турли шаҳарларида, жумладан, пойтахти Константинополда ҳам бўлган. Византия мансабларидан яхши хабардор бўлганига кўра, император саройида ҳам бўлган кўринади. Демак, Ал-Аҳвзий ўз даврининг кўзга кўринган кишиларидан бўлган.

<sup>1147</sup> Гуменос, яъни игумен.

<sup>1148</sup> Папас, яъни поп.

<sup>1149</sup> Шаммос – арабчада «шамчи» демакдир. Черковларда диаконлар шам ушлаб турувчи ўспиринлардан иборат бўлади.

<sup>1150</sup> Басилевс – юнончада «подшоҳ» демакдир.

<sup>1151</sup> Лағасит – яъни, логофет, том маъноси – «сўзни англатувчи». Византия императорлари саройида вазир (министр)лик мансаби бўлмаган. Хорижий элчиларни қабул қилишда император логофетнинг, яъни содда қилиб айтганда, таржимоннинг хизматидан фойдаланган. Логофетларнинг императорлар саройидаги мавқеи жуда юқори бўлган. Шунинг учун Ал-Аҳвзий логофетни вазир деб ўйлаган.

<sup>1152</sup> Исродифус – яъни, «стратегос».

<sup>1153</sup> Афасус – матнда шундай. Ҳозирги Туркия ғарбидаги Афсус шаҳри.

<sup>1154</sup> «Асҳоби Қаҳф» ҳақида Қуръоннинг «Қаҳф» сураси 9–26-оятларида зикр қилинади.

<sup>1155</sup> «Асҳоби Қаҳф», яъни горда узок муддат ухлаб қолган етти ўсмир ҳақидаги ҳикоя илк ўрта асрларда ислом дунёсида машҳур бўлган. Ўша ҳикояларнинг бирига кўра, ўша «асҳоб»га қўлини тегизган киши Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир бўлмай, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бўлган ва у билан бирга Салмон ат-Таржумон деган яна бир киши бўлган.

<sup>1156</sup> Мунажжим Али ибн Яҳё ким эканлиги борасида маълумот мавжуд эмас.

<sup>1157</sup> Қуръоннинг «Қаҳф» сураси 25-ояти назарда тутиляпти.

<sup>1158</sup> 300 шамсий йилни қамарий йилларга айлантирилганда 309 йил, 75 кун 16 соат ва 4/5 соат қаср бўлиши ҳақида айтиляпти.

<sup>1159</sup> Юқоридида айтилганга кўра, бир кичик давр 19 йилни ташкил қилади. Шундан 15 таси, яъни  $19 \cdot 15 = 285$  ни ташкил қилади. Бунга 16-даврининг 15 йили қўшилса, мазкур 300 ҳосил бўлади.

<sup>1160</sup> Бу ҳақида Қуръоннинг «Оли Имрон» сураси 39-оятида, «Марям» сураси 7-оятида, «Анбиё» сураси 90-оятида эслатилган.

<sup>1161</sup> Қуръонга кўра, бу исм шундай ўқилади. Лекин Инжилга кўра исм – Юҳанна, яъни Иоанн, Захарийнинг ўғли.

<sup>1162</sup> Инжилга кўра, уларнинг исмлари Исаак ва Авраам.

<sup>1163</sup> Чопиб парчаланган Яъқуб – форслик насроний бўлиб, подшоҳ Яздигард I томонидан милодий 400 йили чопиб қатл қилинган.

<sup>1164</sup> Андрей – Исонинг 12 ҳаворийларидан бири.

<sup>1165</sup> Авлиё Савва – асли Кичик Осиёдан, Қуддусдаги монастирда асос солган. «Монофизитлик мулҳидияси»га қарши бўлиб курашган.

<sup>1166</sup> Берунийда – Жилосий.

<sup>1167</sup> Ҳирадус – Яҳудий подшоҳи Ирод. Инжилда айтилишига кўра, ал-Ҳалил (Галилея) шаҳрида Исо Масих туғилганини эшитиб, ўша кунни ўша шаҳарда янги туғилган болаларнинг ҳаммасини ўлдиришни буюрган.

<sup>1168</sup> Калиндос (Календ) – қадимги римликларда ҳар ойнинг боши. Бу ерда янги йилнинг биринчи куни – 1 январь.

<sup>1169</sup> Бу ўринда ҳадисдан иқтибос келтирилган.

<sup>1170</sup> Феодосий ( мил. 425–529) – Фаластинда биринчи монастырга асос солган киши, бошқа монастырлар шундан кейин қурилган.

<sup>1171</sup> Ривоятга кўра, бу «солиҳ кишилар» Синай тоғида III асрда ҳалок бўлган.

<sup>1172</sup> Иоанн «Олтиноғиз» Константинополнинг патриархи бўлган.

<sup>1173</sup> Ривоятларга кўра, Чўқинтурувчи Иоаннинг калласи икки марта топилган: биринчи марта икки роҳиб Константин I (мил. 306–337) императорлиги йилларида топган; иккинчи марта V асрда ғарбдан топилган. Лекин бизнингча, иккала ҳолда ҳам топилган бошлар Иоанники бўлмаганлиги ҳақиқатга яқин.

<sup>1174</sup> Марямнинг ҳомиладор бўлиши мўъжиза бўлиб, ҳомила муддати оддий одамларникидек бўлгани, Исони оддий пайғамбар, у ҳам инсон дегувчиларни ҳеч қандай изтиробга солмайди. Лекин Исони ҳам Худонинг отаси, ҳам ўғли, ҳам Рух ул-Қудс ва Марямни Худонинг онаси дегувчиларнинг тан-жони соғ, ақл-хуши жойида бўлса, руҳи, виждони бир оз изтироб чекиши керак.

<sup>1175</sup> Шу бўлимнинг изоҳдан кейинги парчасида Исонинг толеи (гороскопи) тўлиқ баён қилинган. Биринчидан, шу нарса тўла аниқки, Исонинг гороскопи мутлақ маълум эмас. Шунинг учун унинг тугилиш пайти ҳам аниқ маълум эмас. Иккинчидан, Беруний бу ҳолатларни жуда яхши билган бўлиб, бир буюк иш қилган – ўша билганини ўз китобида келажак авлодларга ёзиб қолдирмаган. Агар у шуни ёзганида, турли дин вакилларининг боши ҳозир ҳам ўзаро жанжалдан чиқмас эди.

Берунийнинг шу парчадаги охириги жумласининг натижаси – ваъдасининг бажарилиши сифатида у томонидан кейинчалик, 1029 йилда ёзилган, тамомила астрология ва толеларга бағишланган «Тафҳим» асарини кўрсатиб ўтиш керак.

<sup>1176</sup> Шу ўринда Беруний «мисрлик» сўзини *мисрийа* тарзида арабий ифода қилмай, юнонча *Aegyptos* сўзининг арабча транскрипциясини – *изуфтийа* шаклини қўллаган.

<sup>1177</sup> Ниқия – юқорида эслатилган ҳозирги Туркия ғарбидаги Изник шаҳри. Бу синод император Константин ҳузурда 315 йилда ўтказилган бўлиб, тарихда Никея собори номи билан машҳурдир.

<sup>1178</sup> Исонинг уч уқнуми – унинг юқорида 1174-изоҳида эслатилган ҳолати ва бир вақтнинг ўзида уч ҳувиятда (ипостас): худо – ота, худо – ўғил ва «Рух ул-Қудс» бўлиши, яъни ботил эътиқоддир.

<sup>1179</sup> Бу ерда сўз Феодосий I (мил. 379–395) ҳузурда 395 йилда Константинополда ўтказилган собор тўғрисида кетаётир.

<sup>1180</sup> «Кичик Феодосий» – Византия императори Феодосий II (мил. 408–450); Эфес собори ва Несторий ҳақида юқорида 1135-изоҳга қаранг.

<sup>1181</sup> Маркиан (мил. 450–457) – Византия императори. Халкидон – бу воқеалар тавсифланаётган пайтда Кичик Осиёда Константинополдан шарқроқда жойлашган шаҳарча; ҳозирда Истанбулнинг шарқий қисмидаги Қадикўй маҳалласи.

<sup>1182</sup> Бу ерда Византия императори Юстиниан I (мил. 527–565) назарда тутилаётир.

Мапсуэста – Византиянинг шарқидаги шаҳар. Ҳозирда Туркия жануби-шарқидаги Масис шаҳарчаси.

Ар-Руха – қадимги Урхай («ҳаёт шаҳри»). Илк ўрта асрлардаги Эдесса, ҳозирги Туркиянинг жануби-шарқидаги Урфа шаҳри.

<sup>1183</sup> «Имонли» Константин – Византия императори Тиверий II Константин (мил. 578–582).

<sup>1184</sup> Марк (мил. I а.) – Исонинг 12 ҳаворийларидан бири. Исонинг шогирдлари – ҳаворийлари (апостоллар) томонидан унинг ҳаёт йўли, яъни «сийра»си ёзиб олинган ва «евангелион» деб аталган. Уларни «муқаддас китобат» деб ҳисоблайдилар. Беруний бу ҳақида «Қонуни Масъудий» асарида бундай ёзган: «Инжил» сўзининг тафсири «башорат»дир. Бу (юнонча) «евангелион» сўзининг арабчалоштирилганидир. Инжил Масихнинг туғилганидан то йўқ бўлгунига қадар берган хабарларини ўз ичига олган. Инжилни Масихнинг жойи ва тиллари бошқа-бошқа бўлган тўрт шогирди ёзган. Улар: Матфей – Фаластинда бўлиб, иброний (яъни, яҳудий) тилида; Марк – Римда бўлиб, рум (яъни, лотин) тилида; Лука – Искандарияда бўлиб, юнон тилида; Юҳанна ҳам Эфесда бўлиб, юнон тилида ёзган. Сўнгра шу тўрт Инжил – иборатда бир-бирига муҳолиф бўлса ҳам, маънида мувофиқ бўлган – икки муқовага жам қилиниб, «Инжил» деб ном берилган» [202-б.].

<sup>1185</sup> Бу маълумот милодий X–XI асрларда Хоразмда меликия христианлиги бўлгани ҳақида яна бир бор гувоҳлик беради.

<sup>1186</sup> Бу ерда Дельфин юлдузи туркумининг аввалги тўрт юлдузи: 1) α, 2) ι, 3) χ, 4) ρ назарда тутиляпти.

<sup>1187</sup> «Наср ал-Воқе» («Тушаётган қуш») – Лира юлдуз туркумининг 1) α (Вега) юлдузи. Вега (Vega) сўзи «ал-Воқе» сўзининг лотинча транскрипциясидир.

<sup>1188</sup> Шу юқоридаги парча Беруний сунна мазҳабида бўлганлигига ёрқин далил саналади.

<sup>1189</sup> Ишъиё – Библиядаги Исаяя.

<sup>1190</sup> Додишуъ («Ишъиё берди») исмининг маъносига кўра, Инжилнинг форсча таржимаси назарда тутиляпти.

<sup>1191</sup> Закариё – Библиядаги Захарий пайгамбар.

<sup>1192</sup> Шамъун, яъни Симеон.

<sup>1193</sup> Қирқ беш шаҳид – IV асрда Арманистонда ҳалок бўлган христианлар.

<sup>1194</sup> Соҳиб ал-Имод – «устун эгаси» ёки «устундаги» демақдир – Симеон Устундаги (мил. 356–459), таркидунё қилишни афзал кўриб, ривоятларга кўра, гўё у 40 йил ўзи ясаган устундаги чайлада яшаган экан.

<sup>1195</sup> «Библия»даги Исаяя, Иеремия, Захарий ва Иезекиил.

<sup>1196</sup> Исо мавлуди эраси қабул қилингунига қадар христианлар янги йилни сентябрда кутиб олганлар. Мавлуд эраси Европа мамлакатларида турли пайтларда, шунингдек, Россияда 1699 йилнинг 29 декабрида Пётр I нинг декретидан кейин қабул қилинган. Демак, Россияда биринчи марта «янги» янги йил 1700 йил 1 январидан бошланган. Кейинчалик Россия империяси мустамлакаларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам шу таквим қабул қилинган.

<sup>1197</sup> Христианлар бу байрамни Константиннинг онаси «Еленанинг (мил. 247–327) салиб билан халққа кўриниши байрами» ҳам дейдилар.



<sup>1198</sup> Юқоридаги мисолларда кўрган миздек, милодий X–XI асрларда Византия империясида бўлганидек Хоразмда ҳам христианликнинг меликий йўналиши мавжуд бўлган. Демак, Беруний бу диний одат билан таниш бўлган ва шунинг учун юқорида келтирилган бўлим Хоразм этнографияси ва маданиятига тўғридан-тўғри алоқадор.

<sup>1199</sup> «Индукцио» ёки «индикт» – 15 йиллик давр, тахминан милодий 312 йилга яқин бошланган.

<sup>1200</sup> Халид ибн Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён – умавий халифа Язид I (мил. 680–683)нинг ўғли.

<sup>1201</sup> Қайсария – ҳозирги Туркиянинг марказий қисмидаги Қайсери шаҳри.

<sup>1202</sup> Жадвалдан кейинги босма матнда чалкашликлар мавжуд, шунинг учун таржима шу ердан қўлёзма нусхаларга асосан тайёрланди.

<sup>1203</sup> Қўлёзмада Шубот ва Озардаги саналар бир хил рангда келтирилган. Шу сабабли таржимада ҳам худди шундай келтирилди.

<sup>1204</sup> Искандар эрасининг 1311 йили – милодий 1000-йил, яъни Беруний ушбу асарини ёзаётган йил.

<sup>1205</sup> Қуръон, «Намл» сураси, 14-оят.

<sup>1206</sup> Қуръон, «Сафф» сураси, 8-оят.

<sup>1207</sup> Абу Жаъфар ал-Хозин ҳақида юқорида 1055-изоҳга қаранг.

<sup>1208</sup> Абу Али Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий (милодий X а.), фақих, математик ва астроном, милодий 932 йили ар-Раққада (Сурия) Ой тутилишини кузатган. Ўнга яқин асар ёзган, жумладан, бу ерда зикр қилинган «Аз-Зиж ал-Комил» ҳам унинг қаламига мансуб.

<sup>1209</sup> Ҳайбар – Ясриб (Мадина) яқинидаги довон (қалъа).

<sup>1210</sup> Ҳайбарлик яҳудий астроном Юсуф ибн ал-Фазл ва унинг «Зижи» ҳақида фақат Беруний хабар берган.

<sup>1211</sup> Жадвалда Озарга тегишли саналар юлдузча билан белгиланган.

<sup>1212</sup> Жадвалда бир юлдузча билан Озар оғи кунлари, икки юлдузча билан Кануни соний оғи кунлари белгиланган.

<sup>1213</sup> Юсуф ар-Рамасаний – Инжилдаги Иосиф Аримафей.

<sup>1214</sup> Морт Марям – сурёнчада авлиё Марям демакдир.

<sup>1215</sup> Яҳё Муъмидон – Иоанн Чўқинтирувчи.

<sup>1216</sup> Матнда Ишмунин.

<sup>1217</sup> Ибодийлар – христианликка даъват этган араб қабиласи.

<sup>1218</sup> Зу Қар – Ироқнинг жанубида, Фиротнинг ирмоғи; бу ерда ёдга олинган жанг милоддан аввалги VI аср охирида юз берган, форсларнинг 2000 кишилиқ қўшини Лаҳмий христиан арабларнинг подшоҳи Ан-Нуъмон (милодий 580–602) бошчилигида 5000 кишилиқ қўшинидан енгилган.

<sup>1219</sup> Шамъун ас-Сафо – Инжилдаги Симон-Кифа.

<sup>1220</sup> Бу жумлалар ушбу асардаги муҳим қайдлардан биридир. Бу билан Беруний оташпарастлик – мажусийлик дини Зардуштийлар давридан анча аввал мавжуд бўлганини таъкидлаётир. Зардушт фақат у диннинг тарғиботчиси бўлганини, уни ихтиро қилмаганини тан олинишидир.

<sup>1221</sup> Милодий 842–843 йил.

<sup>1222</sup> Ҳаниф – Иброҳим алайҳиссаломга милоддан аввалги 2300 йили ваҳий келиб, яққахудоликни тан олганидан сўнг эътиқоди бўйича ўзини шу ном билан атай бошлаган. Қуръонда ҳам бу атама унга нисбатан ишлатилган. Демак, ҳанифалар – Иброҳим пайғамбар таълимотини тан олувчилар.

<sup>1223</sup> Васонийлар – бутпарастлар.

<sup>1224</sup> Ҳаррон – ўрта асрларда Суриянинг шимолидаги шаҳар. Ўша пайтларда бу шаҳар Сурия ва Ироқ шимолида яшовчи юлдузларга топинувчи собийларнинг маркази эди. Ҳозир Туркиянинг жануби-шарқида шу номли шаҳарча мавжуд.

Китобнинг биринчи нашрида 900-изоҳда ушбу шаҳарни Зардушт туғилган ер деб, изоҳ хато берилган.

<sup>1225</sup> «Уруси дақоик» – модда элементларининг жуфтлашиши.

<sup>1226</sup> «Амид дарино» – сурёнчада ҳам, арабчада ҳам «уйимизнинг устун» деб аёлларга нисбатан айтилган.

<sup>1227</sup> «Жуфт танали» буржлар деб Ўрта асрларда Шарқда Жавзо, Қавс, Ҳут, Азро буржларини ва «ҳаракатчан буржлар» деб Ҳамал, Саратон, Мезон ва Жадий буржларини атаганлар.

<sup>1228</sup> Яъни, христианлар ва яҳудийлар.

<sup>1229</sup> Китоб бошидаги бўлимларга қаранг.

<sup>1230</sup> Шунинг учун улар «муҳаррам», яъни «ҳаром қилинган» дейилган.

<sup>1231</sup> Лекин араблар ҳозир «робий» деб баҳорни атайдилар. Беруний иккала Робий ойларини «Куз фаслида келар эди» дейиш билан исломгача арабларнинг тақвимлари ислом давридагидек сузувчи ёки айланувчи эмас эди, ойлар доим бир вақтга тўғри келар эди, деб таъриф берган. Юқоридаги маълумотлардан маълум бўлишича, милодий 632 йили видолашув ҳажиди Пайғамбар алайҳиссалом «насий» ойи ҳаром қилинганлигини эълон қилганидан кейин араб ойлари «сузувчи» бўлиб қолган («Тавба» сураси, 37-оят).

<sup>1233</sup> «Жумада» сўзи – *жамада*, «совуқ емоқ», «совуқ қотмоқ» ўзагидан олинган.

<sup>1234</sup> «Шаббон» – *шаъба*, «майдаламоқ», «таламоқ» ўзагидан олинган.

<sup>1235</sup> Рамазон – *рамиза*, «қиздирувчи», «куйдирувчи» ўзагидан олинган.

<sup>1236</sup> Шаввол – *шала*, «турмоқ», «кўтармоқ» ўзагидан олинган.

<sup>1237</sup> «Қаъда» – *қаъда*, «ўтирмоқ» ўзагидан олинган.

<sup>1238</sup> Ҳозир арабча «сайф» сўзи ёзни билдиради.

<sup>1239</sup> «Қайз» сўзи арабчада жазирама иссиқ ва қурғоқчилик маъноларини англатади.

<sup>1240</sup> Беруний қадимги калдонийларнинг ва уларга таҳассуб қилган юнонларнинг тақвимлари фавқуллода астрономик бўлганини, яъни доимий тўрт астрономик воқеа – икки тенгкунлик ва икки Кўёш туришга асосланганлигини таъкидлапти.

<sup>1241</sup> Абу Жаъфар ал-Ҳозиннинг бизга маълум бўлган 12 астрономик асари орасида бу зиж ёдга олинмаган (қаранг: Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т. 2. – С. 149–151).

<sup>1242</sup> Иброҳим ибн Сиёнинг бу асари Патна (Ҳиндистон)да сақланадиган биргина қўлёзма нусхасига кўра нашр этилган (қаранг: Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т.2. – С. 134–136).

<sup>1243</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Бағдодийнинг шахсияти аниқланмади.

- <sup>1244</sup> Арабистон яриморолининг шимолидаги Думат ал-Жандал (ҳозирги Ал-Жа-уф) манзили ҳақида юқоридаги 606-изоҳга қаранг.
- <sup>1245</sup> Ал-Мушаққар манзилининг ўрнини аниқлашнинг имкони бўлмади.
- <sup>1246</sup> Суҳар – Уммоннинг шимолроқдаги бандаргоҳ шаҳри.
- <sup>1247</sup> Даба – Суҳардан шимолроқдаги бандаргоҳ шаҳар.
- <sup>1248</sup> Аш-Шихр – Арабистоннинг жанубида Ҳазрамавтнинг бандаргоҳ шаҳри.
- Ҳозир Яман таркибига киради.
- <sup>1249</sup> Адан – ҳозирги Яманнинг жанубидаги бандаргоҳ шаҳар.
- <sup>1250</sup> Санъо – ҳозирги Яман пойтахти.
- <sup>1251</sup> Ар-Робия манзили ҳозирда сақланиб қолинмаган.
- <sup>1252</sup> Укоз – Макканинг бироз шарқ томонидаги воҳа.
- <sup>1253</sup> Беруний «сувга қондириш куни» тушунчасини куйида Ислом даврида араблар Зулҳижжа ойидаги урф-одатларини баён қилаётганида изоҳлайди.
- <sup>1254</sup> Ямома – Арабистоннинг марказий қисмидаги йирик ўлка. Ҳажр – шу ўлка-нинг йирик шаҳри.
- <sup>1255</sup> Қуръон, «Тавба» сураси, 36-оят.
- <sup>1256</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 197-оят.
- <sup>1257</sup> Эҳром ҳудуди – ҳаж пайтида зиёрат қилинадиган ерларнинг ва бошқа жой-ларда қилиш мумкин бўлган баъзи ишлар ман қилинган ҳудуднинг умумий номи. Ҳаж пайтида ҳожи баданига ўраган махсус оқ либос ҳам «эҳром» дейилади.
- <sup>1258</sup> Қуръон, «Тавба» сураси, 2-оят.
- <sup>1259</sup> Яъни, Зулҳижжа ойининг 10-куни.
- <sup>1260</sup> Ашуро – *ашара* (ўн), тасуо – *тасиъа* (тўққиз) сўзларидан олинган.
- <sup>1261</sup> Шиа зоҳидлари ўша кунларда рўза тутадилар.
- <sup>1262</sup> Ҳусайн ибн Али ҳижратнинг 61 йили Муҳаррамнинг 10-кунида (милодий 680 й. 10 октябрь) вафот этган.
- <sup>1263</sup> Ақил ибн Абу Толиб – Алининг укаси.
- <sup>1265</sup> Асҳоби фил ҳақида юқоридаги 576-изоҳга қаранг.
- <sup>1266</sup> Аҳмад авлоди – Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима ва куёви Али тарафидан авлод.
- <sup>1267</sup> Бу ерда ҳижратнинг 2-йили (милодий 623 й.) Мадинадан ғарброқдаги Бадр деган жойда Муҳаммад алайҳиссалом бошчилигидаги мусулмонлар билан Абу Жаҳл бошчилигидаги Макка мушриклари ўртасидаги жангга ишора қилиняпти. Бу жангда мушриклар енгилгани ҳақида юқорида айтилган эди. Абу Жаҳл аслида Умаййа авлодидан бўлиб, аскарлари, асосан, бу уруғнинг Бану Ҳазраж қабиласидан эди.
- <sup>1268</sup> Ҳусайн Карбалого дафн этилган. Ҳозир унинг мақбараси шиаларнинг зиёратгоҳидир.
- <sup>1269</sup> Яшил кийим – шиаларнинг белгиси. Ал-Маъмун ўз фаолиятининг бошида шиаликка майл билдирган ва ҳатто, ўша пайтдаги шиа имомини халифалик даражасига кўтармоқчи ҳам бўлган эди. Аммо кейинчалик «катта сиёсат» уни Аббосийларнинг белгиси – қора кийимга қайтишига мажбур қилди.
- <sup>1270</sup> Қуръон, «Тавба» сураси, 40-оят.
- <sup>1271</sup> Ал-Багтонийнинг «Китоб ал-қусуфот» («Куёш тутилишлари ҳақида китоб») асари ҳақида маълумот сақланиб қолмаган.

<sup>1272</sup> Бу ерда Муҳаммад ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келмаган «Китоб ат-тарих» асаридан иктибос келтирилган.

<sup>1273</sup> Берунийнинг бу иккала номи билан аталган асари унинг асарлари фикристида келтирилмаган. Бироқ Улуғбек «Зижи»нинг астрологияга бағишланган тўртинчи мақоласининг биринчи бўлими «Намудорлар ҳақида» деб аталган, унда муаллиф шундай ёзади:

«Қачонки (кишининг) туғилган вақти аниқ бўлмаса ёки тахминан маълум бўлса, унинг толиғини намудорсиз аниқлаб бўлмайди. Бу санъат аҳлида (астрологияда) намудорлар кўпдир. Аммо уларнинг энг машҳурлари учтадир. Буларнинг машҳурроғи Птолемей намудоридир... У бундайдир: мумкин бўлганча толиғни тақрибан аниқланади, шунингдек, «қозиклар» ҳам аниқланади. Худди шунингдек, туғилишдан олдинги учрашиш ёки рўпара туриш ҳам аниқланади. Кейин қарайдилар: Бахтли қуръалар соҳибларидан қайси сайёра унинг даражасининг олдинги қисмидаги қайси қозикнинг даражасига яқинроқ бўлган, шунга кўра, унинг қуръаси ана шу қозикда кучлироқ саналади. Шунда мазкур сайёранинг туғилиш пайтидаги узунламасини аниқлайдилар ва ҳалиги «қозик»нинг даражасини ўша сайёра узунламасига тенг қилиб оладилар. Бошқа «қозик»ларни ўша қозикқа қараб аниқлайдилар» (Мирзо Улуғбек. Илми нужум. Тошкент, 1994, 7-бет.).

<sup>1274</sup> Ас-Салломий ва унинг «Эралар китоби» ҳақида маълумот сакланиб қолмаган.

<sup>1275</sup> Садақа Аллоҳул-азим.

<sup>1276</sup> «Туя жанги» ҳақида юқорида айtilди.

<sup>1277</sup> Сиффин – Суриянинг шимолида Ар-Раққадан 40 км ғарброкдаги ботқоқ ва ўтлоқ ер. Милодий 657 йил июлининг охирида Али билан Муовия ўртасида Сиффин жанги юз берган. Бу жангда Али ғалаба қозонаётганига қарамай, қозилар ҳукми билан сулҳ ўрнатилишига рози бўлганлар. Бироқ лашкарининг бир қисми бундан норози бўлиб, Алининг ўрдусини ташлаб кетганлар. Улар «хорижийлар» номини олган. Натижада ислом кучларида парчаланиш ва тарқоқлик юзага келган.

<sup>1278</sup> Бу ҳақда Қуръон «Сод» сурасининг 24-оятда айtilган.

<sup>1279</sup> Масжиди ҳаром – Маккадаги масжид (Муқаддас масжид), Масжиди Аксо – Қуддусдаги масжид (Узоқдаги масжид). Бу ҳақида Қуръон «Исро» сурасининг 1-оятда айtilган.

<sup>1280</sup> Авом халқ Ҳасан ва Ҳусайнни бир кунда туғилган эгизак деб ҳисоблайди. Лекин аслида бундай эмас. Уларнинг каттаси Ҳасан ҳижрий 3-йил 5-Шаббонда (мил. 625 йил 21 январда) туғилган, кичиги бўлмиш Ҳусайн ҳижрий 4-йил 3-Шаббонда (мил. 626 йил 8 январда) туғилган.

<sup>1281</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 149, 150-оятлар.

<sup>1282</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 148-оят.

<sup>1283</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 115-оят.

<sup>1284</sup> Илк христианлар жаннатни шарқда деб ҳисоблаганлар.

<sup>1285</sup> Пайғамбарнинг биринчи хотини.

<sup>1286</sup> Абдурахмон ибн Мулжам ал-Муродий – Алининг қотили, 661 йили унинг бошига қилич билан уриб ўлдирган.

<sup>1287</sup> Макка мушриклари билан мусулмонларнинг Бадрадаги жанги назарда тутиляпти. Бу воқеа ҳижрий 2-йил 19-рамазон (милодий 627 йил 15 март) эрталаб юз берган (Большаков. История Халифата. I. – С. 100).

<sup>1288</sup> Видолашиш ҳажи милодий 632 йили январиди бўлган ва ўшанда «Тавба сурасининг 37-ояти нозил бўлиб, унда «насий», яъни қўшимча 33 кунлик ой ҳаром (ман) қилинган.

<sup>1289</sup> Ал-Бурқуъий – исломнинг бошланғич йилларида ҳокимият талаб қилиб чиққан даъвогарлардан бири.

<sup>1290</sup> Бу ерда Нух ибн Мансур Сомоний (милодий 976–997), яъни Нух II кўрсатилган.

<sup>1291</sup> Бу ерда Саффорийлар сулоласидан 9-ҳукмдор Валий ад-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмад (милодий 963–1003) ёдга олинган.

<sup>1292</sup> Қуръон, «Худ» сураси, 32-оят.

<sup>1293</sup> Рамазоннинг 27-кечаси Қуръон нозил бўлган кеча ҳисобланади.

<sup>1294</sup> Қуръон, «Қадр» сураси, 3-оят.

<sup>1295</sup> Қуръон, «Қадр» сураси, 4-оят.

<sup>1296</sup> Анъанага кўра, Иброҳимга бизга маълум маънодаги китоб эмас, «бир неча саҳифа»да Муқаддас ёзув нозил бўлган дейилади.

<sup>1297</sup> Беруний юқорида тўрт Инжилнинг муаллифлари Исонинг шогирдлари эканлигини (юқорида 1164-изоҳ ва матннинг мос бетларига қаранг) айтган эди.

<sup>1298</sup> Фурқон – Қуръоннинг номларидан бири.

<sup>1299</sup> Қуръон, «Бақара» сураси, 185-оят.

<sup>1300</sup> Қуръон, «Анфол» сураси, 41-оят.

<sup>1301</sup> Мубоҳала ояти деб Қуръон «Оли Имрон» сурасининг 61-оятига айтилади.

<sup>1302</sup> Уҳуд – Мадинадан 3–4 км шимолдаги тепалик. Милодий 625 йил 21 мартада Муҳаммад алайҳиссалом Макка мушриклари Абу Суфён бошчилигида 3000 кишилик аскар билан Мадинадан 10 км жануби-ғарбдаги Зул-Хулайфа деган жойга келган ва Бадр жангидаги мағлубиятлари учун қасос олишга ҳозирланаётганларини эшитиб, шошилинч равишда 700 кишилик гуруҳни йиғади ва Уҳуд тепалигини орқа қилиб жануб тарафдан душманни кута бошлайди. Жанг 8-Шаввол / 22 мартда юз беради ва душман устун келади. Жангда Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси Ҳамза вафот этади.

<sup>1303</sup> Қуръон, «Соффот» сураси, 142-оят.

<sup>1304</sup> Бу ҳақда Қуръон «Бақара» сурасининг 127-оятда айтилган.

<sup>1305</sup> Бу ерда «Аъроф» сураси, 142-оят орасида Беруний ўзининг «у-Зулқаданинг кечалари» изоҳи билан келтирган.

<sup>1306</sup> «Тарвия»нинг том маъноси сувга кондириш демакдир.

<sup>1307</sup> Бу ерда Мусога Тур тоғида (Сино яримролида) Аллоҳ билан гаплашгани ҳақидаги қисса назарда тутилади. Бу ҳақда Қуръоннинг «Аъроф» сураси, 143-оятда айтилган.

<sup>1308</sup> Арафот – Макка яқинидаги тоғ. Қурбон ҳайити арафасида ҳожилар шу тоғга чиқишади.

<sup>1309</sup> «Арафа» сўзи билиш, танишиш маъноларини англатади.

<sup>1310</sup> Қуръон, «Соффот» сурасининг 107-оятга қаранг.

<sup>1311</sup> Мино – Маккадан 5 км ча шарқдаги жарлик.

<sup>1312</sup> Ҳаж маросимида Сафо ва Марва тепаликлари орасида югуриш назарда тутилади.

<sup>1313</sup> Сабир – Мино жарлиги ёқасидаги тепалик.

<sup>1314</sup> Қуритиш ва Қуёш чиқиши сўзларининг араб тилидаги ўзаги бир бўлиб, «шарақа» феълидан олинган.

<sup>1315</sup> «Санокли кунлар» – Қуръон «Бақара» сурасининг 184- ва 203-оятларида эслатилади. Бу билан мазкур «ташрик кунлари», яъни «қуритиш кунлари» назарда тутилади. Бу кунлар ханафий мазҳабига кўра, Зулҳижжа ойининг 10, 11, 12-кунлари ва шофийий мазҳаби бўйича, 11, 12, 13-кунлари ҳисобланади. Беруний ушбу кейинги кунларни эслатгани учун у, шофийийлар мазҳабидан бўлган, деб фараз қилиш имконини беради.

<sup>1316</sup> «Хулафои рошидин»нинг учинчиси Усмон ибн Аффон 656 йили ўлдирилган.

<sup>1317</sup> Ғадир Ҳумм – Макка билан Мадина оралиғидаги манзил.

<sup>1318</sup> Бу қўштирноқ ичидаги жумлалар кейинчалик шиалар томонидан тўқилган бўлиши эҳтимол. Пайгамбар алайҳиссалом вафот этиб, Али маййитни ювиш ва кўмиш билан овора бўлиб турганида, Абу Бакр, Умар, Усмон, саҳобалар, ансорлар ва муҳожирлар Пайгамбар алайҳиссалом ўлиmidан кейин мусулмонлар имоми масаласини ҳал қилаётган пайтларида ҳеч ким Алининг номини ва гўё Пайгамбар алайҳиссалом айтган бу сўзларни эсламаган ва ҳамма бир оғиздан Абу Бакрнинг имом (халифа)лигига байъат қилган (Аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах. – С. 36).

<sup>1319</sup> Халифа Али назарда тутилади.

<sup>1320</sup> «Хулафои рошидиннинг иккинчиси Умар ибн ал-Хаттоб милодий 644 йили вафот этган.

<sup>1321</sup> «Ҳал ато» («Кечганми...?») ибораси билан Қуръоннинг «Инсон» сураси бошланади.

<sup>1322</sup> Довуд Аллоҳдан тиз чўкиб магфират сўраганида, унинг талаби адо этилгани ҳақида ваҳий келган. Бу ҳақда Қуръоннинг «Сод» сураси 24, 25, 26-оятларида баён қилинади.

<sup>1323</sup> Ал-Ҳарра – Мадина яқинидаги тошлок ва қумлок, жазирама иссиқ ер. Ўша ерда Умавийлар ва уларнинг тарафдорлари билан Али ва унинг тарафидаги мадиналиклар ўртасида жанг бўлган. Али тарафдорлари Муҳаммад алайҳиссалом билан бирга Маккадан ҳижрат қилган муҳожирлар ва уларга ёрдам кўрсатган мадиналиклар, яъни ансорлардан иборат бўлган.

<sup>1324</sup> Қуръон, «Юсуф» сураси, 76-оятининг охириги жумлалари.

<sup>1325</sup> Ал-Кулсумий китоби ҳақида маълумот сақланмаган.

<sup>1326</sup> Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ас-Сарий аз-Заҳож (милодий 923 йил вафот этган) – аввалига шиша чархловчи бўлган, кейин ўқитувчи, наҳву-сарф (грамматика), астрономия мутахассиси (заҳож – «зижларни тузувчи»), бир муддат Аббосий халифа Ал-Муътазиднинг вазири ҳам бўлган. Бу ерда Беруний унинг «Анвоъ китоби» (*Китоб ал-анваъ*) асарини назарда тутаяпти.

<sup>1327</sup> Абу Яҳё ибн Куноса ҳақида маълумот сақланиб қолмаган.

<sup>1328</sup> Абу Ҳанифа Аҳмад ибн Довуд ибн Вананд ад-Диноварий (тах. милодий 820–895) машҳур тилшунос, тарихчи, ўсимликшунос, файласуф, математик ва астроном, Исфаҳон ва Диноварда ишлаган, 849–850 йиллар Исфаҳонда астрономик кузатишлар олиб борган. Ўндан ортиқ асар ёзгани маълум (Матвиевская, Розенфельд. Математики и астрономы, Т. 2. – С. 81–82).

<sup>1329</sup> Абу Муҳаммад ал-Жабалий ва унинг «Ёриткичларнинг манзилларини аниқлаш ҳақида китоб» асари ҳақида маълумот бизгача етиб келмаган.

<sup>1330</sup> Абул-Ҳусайн Абдурраҳмон ибн Умар ас-Сўфий (903–998), асли Райдан (ҳозирги Техроннинг шарқи). Машҳур астроном, Форсада, Шерозда ишлаган. Бувайҳий султон Азуд ад-Давланинг устози ва дўсти бўлган. Асосан, астрономия билан шуғулланган. Унинг номига шуҳрат келтирган асари – Беруний эслатган, араб тилида ёзилган «Турғун юлдузлар» тасвири ҳақида – китоб»дир (*Китоб сувар ал-Кавокиб ас-собита*). Ас-Сўфий бу китобни Азуд ад-Давла учун 353/964 йили ёзган ва Насриддин Тусий (1201–1274) уни 647 йил 25-Зулқаъдасида /1250 йили 1-мартида форсча таржимасини яқунлаган. Насириддин Тусий таржимаси дастхати кейинчалик Мирзо Улуғбек кутубхонасига келиб қолган. Унга Улуғбекнинг шахсий муҳри қўйилган. Муҳрдан арабий: «Ли-аҳважи ҳақи Аллоҳ илайҳи – Улуғбек», яъни «Аллоҳнинг унга энг муҳтож бандаси – Улуғбек» дейилган. Бу нусха ҳозирги Истанбул (Туркия)даги «Аё София» музейида 2090-рақами билан сақланади. Шу нусхада китобнинг форсча таржимаси Техронда 1351/1973 Саййид Муъизиддин Маҳдавий томонидан нашр этилган. Ҳозир дунё кутубхоналарида китобнинг 31 та араб тилидаги нусхаси ва 6 та форс тилидаги нусхаси сақланади.

<sup>1331</sup> Аслида  $360^{\circ}:27=13,33^{\circ}$  яъни  $13^{\circ}20'$  бўлади.

<sup>1332</sup> Савр – эклиптикада Ҳамалдан кейинги иккинчи бурж, Сурайё – шу буржнинг 29) 16, 30) 17, 31) η, 32) 38 юлдузлари ва узунлама бўйича улар Саврнинг  $14^{\circ}$ ,  $15^{\circ}$ ,  $16^{\circ}$  даражаларида жойлашган. Сурайё – Ойнинг учинчи манзили.

<sup>1333</sup> Демак, Куёш эклиптиканинг кишки ярмидан ёзги ярмига, яъни қиш кетиб, астрономик баҳорга ўтади.

<sup>1334</sup> Ад-Дабарон – Саврнинг юлдузлари.

<sup>1335</sup> Ан-Наъоим (Туяқушлар) Ойнинг 20-манзили, Ўқчи юлдуз туркумининг 1) γ, 2) δ, 3) ε, 25) η, 6) σ, 7) ν, 20) φ, 21) τ юлдузлари.

<sup>1336</sup> Авво (Хурувчи) – Ойнинг 12-манзили, бунга Сунбула юлдуз туркумининг 5) β, 7) γ, 13) ε, 6) η юлдузлари киради.

<sup>1337</sup> Яман Шийроси – аш-Шийра ал-Ямания – Яман Сириуси, Катта Ит юлдуз туркумининг 1) α юлдузи.

<sup>1338</sup> Юқорида 478-бет, 1081-изоҳга қаранг.

<sup>1339</sup> Аҳмад ибн Форис – X асрда яшаган арабийнавис шоир.

<sup>1340</sup> Китобнинг шу саҳифаси милодий 995 йили Кат хоразмшоҳи Абу Абдуллоҳ ўлдирилганидан кейин Беруний Райга келганлигидан гувоҳлик беради. Шунинг учун «олий даргоҳ» дейишида Катни, Хоразмшоҳнинг саройини назарда тутгани аниқ. Бир вақтлар П.Г. Булгаков мантиқий услуб билан шундай хулосага келган эди. (Булгаков. Жизнь и труды Беруни, С. 40). Китобнинг биринчи нашрида Сайрафийга (тўғрироғи, Сирафий) ҳавола қилиб, «Олий даргоҳ» деб Гургон амири Шамс ул-Маолийнинг саройи назарда тутилган, деган хато хулосага келинган эди.

<sup>1341</sup> Бу ерда матнда сайёра (планета)га нисбатан «мутаҳаййир» – «хайратланиб, санқиб юрувчи» ибораси ишлатилган.

<sup>1342</sup> Шийро – Яман Сириусининг (1081-изоҳга қаранг) айнан ўзи; Беруний «Сириус» иборасини шу ибора билан беряпти. Аслида юнонча Сириус номи «Шийро»нинг транскрипцияси. яъни бу ном келиб чиқиши бўйича сомиий халқларга мансуб.

<sup>1343</sup> Ал-Жабҳа – Пешона демақдир, бу Ойнинг ўнинчи манзили. Унга Асад юлдуз туркумининг 5) ξ, 6) γ, 7) η, 8) α (Регул) юлдузлари киради.

<sup>1344</sup> Абу Муҳаммад (ёки Маҳмуд) Жаъфар ибн Саъд ибн Самура ибн Жундуб ал-Фазорий (VIII а.), машҳур Ал-Фазорийлар хонадонига тегишли астроном ва метеоролог. Унинг яқин қариндоши Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳабиб ибн Сулаймон ибн Самура ибн Жундуб ал-Фазорий Ислом даврида биринчи марта астурлоб ясаган олим бўлиб, у тахминан милодий 777 йилда вафот этган. Унинг ўғли Абуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳабиб ал-Фазорий (VIII а.) ҳинд тилидаги астрономик асарларнинг биринчи таржимони бўлган.

<sup>1345</sup> Холид ибн Сафвоннинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади.

<sup>1346</sup> Беруний «арабларнинг икки хил фикри»ни бир шаклда жойлаштириб, аслида юнонларнинг «шамоллар гули» (роза ветров) шаклини келтирган.

<sup>1347</sup> Ас-Сарфа – Бурилиш – Ойнинг тўққизинчи манзили, Асаднинг (Денебола) юлдузи.

<sup>1348</sup> Саъд ал-Ахбия – Чодирлар бахти Ойнинг 25-манзили, Далвнинг 9) γ, 10) π, 11) ξ, 12) η юлдузлари.

<sup>1349</sup> 279 йил Шавволи – милодий 892 йил 25 декабридан 893 йил 23 январигача ораликка тўғри келади.

<sup>1350</sup> Демак, Куёш ва Ойнинг рўпара туриши милодий 893 йил 8 январига тўғри келган.

<sup>1351</sup> Бу галги ҳисобда милодий 893 йил 1 сентябридан (Айлул бошидан) 13 декабригача (Канун қадимнинг 13-сигача) 104 кун ўтган, бу сон 13 га қолдиқсиз бўлиниди: 104:13=8.

<sup>1352</sup> Аш-Шаратон – Икки белги – Ойнинг биринчи манзили, Ҳамал буржининг 1) γ, 2) β юлдузлари.

<sup>1353</sup> Беруний «Қонуни Масъудий»да Саврнинг 14) α юлдузи – Ад-Дабаронни, яъни «Сурайёнинг изидан борувчи» юлдузни Ойнинг учинчи манзили қилиб кўрсатган (Беруний. Қонуни Масъудий, 2, 379-б.).

<sup>1354</sup> Газ – қарийб 0,5 метр.

<sup>1355</sup> Натҳ – Шох демақдир.

<sup>1356</sup> Бутайн – Қоринча – Ойнинг иккинчи манзили, Ҳамалнинг 7) σ, 8) ε, 11) ρ юлдузлари.

<sup>1357</sup> Ойнинг учинчи манзили Сурайё ҳақида 1332-изоҳга қаранг.

<sup>1358</sup> Нажм – арабчада «юлдуз» демақдир.

<sup>1359</sup> Ад-Дабарон – Ойнинг тўртинчи манзили, 1334-изоҳга қаранг.

<sup>1360</sup> Бу ерда Беруний атамага асос бўлган «дабара» феълени назарда тутаяпти, феълнинг маъноси «кейин келиш», «эргашиш»ни билдиради.

<sup>1361</sup> «Муҳдиж» сўзи – «жисман нуксонли бола туғувчи» маъносини билдиради.



<sup>1362</sup> «Ҳақъа»нинг маъноси «Сочлар ҳалқаси» демақдир; Орион юлдуз туркумининг  $\lambda$ ,  $\phi'$ ,  $\phi''$  юлдузлари. Шу ерда Беруний Орионни арабларда «Жаббор» ва «Жавзо» дейилишини ҳам айтган («Жавзо» номини Эгизак юлдуз буржи билан адаштирманг).

<sup>1363</sup> Ҳанъа – Жавзо (Эгизаклар)нинг  $\gamma$  ва  $\xi$  юлдузлари, Ойнинг олтинчи манзили.

<sup>1364</sup> Жавзо – Орион юлдуз туркуми.

<sup>1365</sup> Зажожж ҳақида юқоридаги 1327-изоҳга қаранг.

<sup>1366</sup> Асад – Арслон, бу ерда Жавзонинг овчилигига ишора қилиняпти.

<sup>1367</sup> Аз-Зирוף – Тирсак – Эгизакларнинг 1)  $a$  ва 2)  $b$  юлдузлари; Фарба бу юлдузларни Кастор ва Поллукс дейилган, ойнаинг еттинчи манзили.

<sup>1368</sup> Яман Шийроси ҳақида юқоридаги 1081-изоҳга қаранг.

<sup>1369</sup> Калб ал-мутақаддим – Кичик Ит юлдузи туркуми; ёзилган ва йиғилган Зирוף шу туркумининг  $\alpha$  ва  $\beta$ , яъни Процион ва Мирцам юлдузлари.

<sup>1370</sup> Бу ерда Беруний келтирган икки сана милодий 989 йилнинг 10 ва 20 июли бўлиб, ўша пайтда Беруний Хоразмнинг пойтахти Котда бўлган. Демак, у ҳали 16 ёшга тўлмасидан, Яман Сириуси ва Сурия Сириуси юлдузларини кузатган.

<sup>1371</sup> Ан-Насра – Саратон юлдуз туркумининг 4)  $\epsilon$ , 6)  $\gamma$  ва 20)  $\delta$  юлдузлари, Ойнинг саккизинчи манзили.

<sup>1372</sup> Ал-Лаҳо – «тилча» демақдир.

<sup>1373</sup> Ат-Тарф – яъни Кўз – Саратоннинг 2)  $\eta$  ва Асаднинг 2)  $\lambda$  юлдузлари, Ойнинг тўққизинчи манзили.

<sup>1374</sup> Ал-Жабҳа – Пешона – Асаднинг 8)  $\alpha$  (Регул), 7)  $\eta$ , 6)  $\gamma$  ва 5)  $\zeta$  юлдузлари, Ойнаинг ўнинчи манзили. Беруний юлдузни бу ерда ва «Қонуни Масъудий»да (2-китоб, 626-б.) ҳам «маликий», яъни «подшоҳий» деган; Регул номи шу сўзнинг лотинчага таржимаси *regulus* дан келиб чиқади. 1343-изоҳга қаранг.

<sup>1375</sup> Суҳайл – Кема юлдуз туркумининг 44)  $\alpha$  юлдузи, Европада «Канопус» дейилади.

<sup>1376</sup> Раъода – «қалтирок» демақдир.

<sup>1377</sup> Аз-Зубра – Тўсин – Асаднинг 20)  $\delta$  ва 21)  $\eta$  юлдузлари, ойнаинг ўнинчи манзили.

<sup>1378</sup> Ҳуртайн – Икки тешик демақдир.

<sup>1379</sup> Ас-Сарфа – Бурилиш – Асаднинг 27)  $\beta$  (Денебола) юлдузи, ойнаинг ўн биринчи манзили. Денебола атамаси арабча «Занаб ал-Асад» («Асаднинг думи») атамасини Европада бузилиб ёзилишидир. 1347-изоҳга қаранг.

<sup>1380</sup> Ал-Авво ҳақида юқоридаги 1336-изоҳга қаранг.

<sup>1381</sup> Абдурахмон Суфий тасвирида 5), 6), 7) юлдузлар Азро (Сунбуланинг) чап канотида тасвирланган (Сувар ул-кавокиб Абдурахмони Суфий. – 100-б.).

<sup>1382</sup> Симок ал-Аъзал – Қуролсиз Симок – Азро (Сунбула) юлдуз туркумининг 14)  $\alpha$  юлдузи, у Азронинг чап кафтида тасвирланган, қисқартириб «Симок» ҳам дейилади, лотинча номи Спика; Ойнаинг 14-манзили.

<sup>1383</sup> Симок ар-Ромиҳ – Найзадор Симок – Ҳўкизбоқар – Соиҳ (Қичқирувчи), Бақирувчи (Авво) – юлдуз туркумидан ташқарида тасвирланган, лекин шу туркумга тегишли 1) юлдуз.

<sup>1384</sup> Сунбула – «бошок» демақдир.

<sup>1385</sup> Аз-Зафира – соч ўрими.

- <sup>1386</sup> Ал-Ғафр – Парда – том маъноси «ёпувчи», Азронинг 22)  $\tau$ , 23)  $\chi$ , 25)  $\lambda$  юлдузлари, оининг 15-манзили.
- <sup>1387</sup> Аз-Зубонайн – «Икки қисқич» – Мезон юлдуз туркумининг 1)  $\alpha$ , 3)  $\beta$  юлдузлари, Оининг 16-манзили.
- <sup>1388</sup> Қадимда Мезонни Ақрабнинг давоми деб қаралган. ўшанда мазкур икки юлдузни «Чаённинг қисқичлари» деб қаралган.
- <sup>1389</sup> Ал-Иклил – Тож – Ақраб юлдуз туркумининг 1)  $\beta$  (Ақраб), 2)  $\delta$ , 3)  $\pi$  юлдузлари – Оининг 17-манзили;  $\beta$  юлдузини европалиқлар туркумининг арабча номидан Ақраб дейдилар.
- <sup>1390</sup> Қўлёмалар ва уларга асосланган нашр нусхаларида Оининг 18-манзилининг номи тушиб қолган. Уни биз Беруний «Қонуни Масъудий»си (2-китоб, 373-бет) га кўра тиклаймиз.
- <sup>1391</sup> Қалб – яъни Ақрабнинг қалби – Ақрабнинг 8)  $\alpha$  (Антарес) юлдузи. Юлдузларнинг ранги қизил бўлгани учун Қалб ал-Асад деб аталган. Худди шу сабабга кўра, Птолемей уни Антарес ('*avta* – «ўрнига» ва *Aφης* – «Марс» сўзларидан), «Марс ўрнига» деган, Оининг 18-манзили.
- <sup>1392</sup> Аш-Шавла – Ниш – Ақрабнинг думи учудаги найзаси. Ақрабнинг 20)  $\lambda$ , 21)  $\nu$  юлдузлари, Оининг 19-манзили.
- <sup>1393</sup> Ан-На'о'им – Туяқушлар – Оининг 20-манзили ҳақида юқоридаги 1331-изоҳга қаранг.
- <sup>1394</sup> «Сувга тушувчи Туяқушлар» Ўқчи юлдуз туркумининг 1)  $\gamma$ , 2)  $\delta$ , 3)  $\epsilon$ , 25)  $\eta$  юлдузлари; «Сувдан чиқувчи Туяқушлар» ўша туркумининг 6)  $\tau$ , 7)  $\nu$ , 20)  $\psi$ , 11)  $\tau$  юлдузлари.
- <sup>1395</sup> Беруний аз-Зажожнинг таърифини фақат тарихийлик нуқтаи назаридан келтирган. Унинг таърифи фанда ўрнашмади. Шунинг учун ҳақиқий атама Нуъоим эмас На'о'имлиги аниқ.
- <sup>1396</sup> Ал-Балда – Қошлар орасидаги бўшлиқ – Ўқчининг 11)  $\pi$  юлдузи олдидаги бўшлиқ, Оининг 21-манзили.
- <sup>1397</sup> Са'д аз-Зобих – Сўювчининг бахти – Жадий юлдуз туркумининг 1)  $\alpha$ , 2)  $\nu$ , 3)  $\beta$  юлдузлари, Оининг 22-манзили; бунда юлдузни сўйлаётган куй сифатида тасвирланган.
- <sup>1398</sup> Са'д ал-Була' – Ютувчининг бахти – Жадий юлдуз туркумининг 6)  $\pi$ , 7)  $\rho$ , 8)  $\eta$  юлдузлари, Оининг 23-манзили.
- <sup>1399</sup> Қуръон, «Худ» сураси, 44-оят.
- <sup>1400</sup> Са'д ал-Су'уд – Бахтлар бахти – Жадий юлдуз туркумининг 1)  $\alpha$ , 2)  $\nu$ , 3) юлдуз туркуми»нинг 4)  $\beta$ , 5)  $\zeta$  юлдузлари, Оининг 24-манзили.
- <sup>1401</sup> Са'д ал-Ахбия – Чодирлар бахти – Оининг 25-манзили ҳақида юқоридаги 1342-изоҳга қаранг.
- <sup>1402</sup> Биринчи Фарғ – Биринчи жўмрак – Қанотли от, яъни Пегас юлдуз туркумининг 3)  $\beta$  (Шеат) ва 4)  $\alpha$  (Маркаб) юлдузлари Оининг 26-манзили. Юлдузининг Шеат аталиши арабча Са'ид – «елка олди» – сўзининг лотинчада бузиб ёзилишидан ва  $\alpha$  юлдузнинг Маркаб аталиши арабча «маркаб» – «эгар» атамасидан келиб чиқади.
- <sup>1403</sup> Иккинчи Фарғ – Иккинчи жўмрак – Қанотли от (Пегас) юлдуз туркумининг 1)  $\delta$  (Альфerraц) ва 2)  $\gamma$  (Альгениб) юлдузлари, Оининг 27-манзили. Юлдузларнинг

аталишига келсак, «Альферрац» – арабча «ал-фарас» – «от» сўзининг транскрипцияси. «Альгениб» – арабча «ал-жанах» – «қанот» сўзининг бузиб транскрипция қилинишидир.

<sup>1404</sup> Батн ал-Хут – Балиқ қорни – Андромеда юлдуз туркумининг 12) β (Мирак) юлдузи, Ойнинг 28-манзили. «Мирак» – арабча «*марақ*» – «қорин» сўзининг транскрипцияси.

<sup>1405</sup> Ришо – «Кийкча» демақдир, Андромеда β юлдузининг иккинчи номи.

<sup>1406</sup> Беруний «Эр кўрмаган занжирбанд аёл» деб, юнонча «*Ἀνδρομεδὴ*» сўзини таржима қилган. Юнон мифологиясига кўра, Андромеда – афсонавий Ҳабаш маликаси. Унинг онаси Кассиопея ўзини денгиз парилари – nereидалардан ҳам чиройли деб мағрурланиб, денгиз маъбуди Посейдоннинг қазабини кўзгатган. Шундан сўнг Посейдон Кассиопеянинг мамлакати қирғоқларини вайрон қилиш учун денгиз махлуқи Горгонани юборган; отаси Цефей, фалокатдан қутулиш бадалига, Андромедани қирғоқдаги қояга занжирбанд қилиб, махлуққа топширган. Андромеда Персей томонидан қутқарилган ва унга турмушга чиққан.

<sup>1407</sup> Искандар эрасининг 1300 йили – милодий 989 йилдир, яъни Берунийнинг ўша йилда Котда бажарган кузатиши назарда тутилаяпти. Юқоридаги 1370-изоҳга қаранг.

<sup>1408</sup> Бу ерда Савр туркумининг 21) ν 22) χ юлдузлари эслатилган.

<sup>1409</sup> Бу ерда Эгизаклар юлдуз туркумининг 14) η, 15) μ, 16) ν юлдузлари назарда тутилаяпти.

<sup>1410</sup> Бу ерда Қарға юлдуз туркумининг 3) ζ, 4) γ, 5) δ, 7) β юлдузлари назарда тутилаяпти.

<sup>1411</sup> Бу ерда Ўқчи юлдуз туркумининг 9) ξ, 10) ο, 11) π, 12) α, 13) ρ, 14) ν юлдузлари назарда тутилаяпти.

<sup>1412</sup> Бу ерда Беруний Саъд Ношира деб Жадий юлдуз туркумининг 23) γ, 24) δ юлдузларини атаяпти.

<sup>1413</sup> Бу ерда Қанотли От, Пегас юлдуз туркумининг 5) τ, 7) η юлдузлари назарда тутилган.

<sup>1414</sup> Бу ерда шимолий юлдуз туркуми Учбурчакнинг 1) α, 2) β юлдузлари назарда тутилаяпти. Шу икки юлдузни Беруний Анисайн, яъни Икки Анис деб атаган.

<sup>1415</sup> Бу ерда картографик проекциялаш ҳақида сўз бормоқда. Беруний бу масалага доир махсус рисола – «*Тастих ас-сувар ва табтих ал-кувар*» («Юлдуз туркумларини проекциялаш ва жойларни (харитага) кўчириш ҳақида») ёзган (Қаранг: Беруний. Картография. Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига, 244–259-бетлар).

<sup>1416</sup> Беруний бу ерда гиперболик проекцияни Абу Ҳомид ас-Сағоний кашф этганини эътироф этапти.

<sup>1417</sup> Беруний цилиндрик проекцияни ихтиро қилганини таъкидлаяпти.

<sup>1418</sup> Берунийнинг «*Исти'об ал-вужух ал-мумкина фи синаати-л-астурлоб*» («Астурлоб ясашда мумкин бўлган усулларни қамраш») асари 998–1000 йиллар оралиғида у Гургонда бўлганида «Осор ал-боқия»дан олдин ёзилган. Ҳозир унинг 12 қўлёзма нусхаси сақланган.

<sup>1419</sup> Ўрта аср шарқ математиклари текисликда бир-биридан бир хил масофада ётган эгри чизикларни ҳам параллел деб қарашган.

<sup>1420</sup> Яъни, юлдузларнинг прецессия ҳаракати, бошқача айтганда, 66 йилда бир даражага сурилиши эътиборга олинган.

<sup>1421</sup> Беруний бу бўлимда қўллаган амал куйидагидан иборат. Бу ерда  $bzd$  ёй айланасининг радиуси  $zk$  топилиши керак. Унинг амали тушунарли бўлиши учун 4  $a$  шаклни бир оз тўлдирамиз.  $zk$  чизикни ўз йўналишида давом эттириб,  $zm$  диаметр-ни ҳосил қиламиз. У  $bzd$  ёй айланасининг диаметри  $zb$  ва  $bm$  ларни туташтирамиз.  $zbt$  учбурчак диаметр  $zm$  га тиралган тўғри бурчакли учбурчак бўлгани учун унинг баландлиги  $bh$  диаметрда ажратган парчалари  $zh$  ва  $hm$  лар орасида ўрта пропорционалдор, яъни  $\frac{zh}{bn} = \frac{bh}{hm}$  ёки бошқача ёзсак,  $\frac{zh}{bn} = \frac{bh}{hk+zh}$ . Бунда  $bh^2 = zh(hk+zk)$  ва  $\frac{bh^2}{zh} = hk+zk$  ёки тенгликнинг икки тарафига  $zh$  қўшилганидан сўнг  $\frac{bh^2}{zh} + zh = 2zh$  бўлади. Бунда  $bh$  ва  $zh$  лар маълум бўлгани учун  $kz = \frac{bh^2 + zh^2}{2zh}$  ҳам маълум бўлади.  $kz$  аниқланганидан сўнг икки марказ орасидаги масофа  $hk = kz - zh$  ҳам маълум бўлади.

<sup>1422</sup> Бу ерда «масштаб» деб «микдор» сўзи таржима қилинди.

<sup>1423</sup> Келтирилган шакл 4  $a$  да  $bhk$ ,  $bst$ ,  $bdt$  тўғри бурчакли учбурчаклар ўхшаш ва уларда фақат  $dst$  учбурчакнинг томонлари номаълум. Энди ушбу шаклда «ўтиш масофаси»нинг ёйи  $at$  топилиши керак. Уни топиш учун Беруний аввал  $bhk$  ва  $btd$  учбурчаклар ўхшашлигидан  $\frac{kh}{bk} = \frac{dt}{bd}$  пропорциядан  $at = \frac{kh \cdot bd}{bk}$  ни топади. Сўнгра  $bhk$  ва  $bst$  учбурчаклар ўхшашлигидан  $\frac{kh}{bk} = \frac{ds}{dt}$  пропорциядан  $as = \frac{dt \cdot hk}{bk}$  ни топади.  $ds$  эса  $dat$  ёйнинг синуси бўлгани учун синуслар жадвалидан  $dat$  ёйни топиб, ундан  $90^\circ$ ни айириб,  $at$  ёйни топади. Лекин бунини бошқача усул билан топиш ҳам мумкин.  $ds^2$  топилганидан сўнг ундан  $dh$  – маълум радиусни айириб  $hs$  топилса, яъни  $hs = ds - hd$  амални бажариб,  $hs$  кесма  $at$  ёйнинг синуси бўлгани учун синуслар жадвалидан унинг ёйини топса ҳам бўлади.

<sup>1424</sup> Бу ерда Беруний 5 шаклда  $mx$  перпендикулярни айланадан диаметрга туширилган баландлик деб қараб, унинг ўрта пропорционаллиги қонидасидан (1427-изоҳга қаранг)  $mx^2 = qx(2xk + xg)$  тенгликдан  $\frac{mx^2}{qx} = 2xt + xq$ ,  $\frac{mx^2}{qx} + qx = 2xk + 2xq$  ва  $\frac{mx^2}{qx} + qx = 2qk$  амаллар орқали  $qk = \frac{mx^2 + qx^2}{2qx}$  ни, яъни  $mql$  ёйнинг радиусини топган.

<sup>1425</sup> Шакл 5 тўлдирилгандан сўнг Беруний шаклда барча тўғри бурчакли учбурчаклар ўхшашлигидан фойдаланиб, аввал  $\frac{ac}{ak} = \frac{tc}{hk}$  пропорциядан  $tc = \frac{ac \cdot hk}{ak}$  ни топган. Сўнг  $\frac{tc}{ak} = \frac{sc}{kh}$  пропорциядан  $sc = \frac{tc \cdot kh}{ak}$  ни ёки  $sc = \frac{ac \cdot hk}{ak} \cdot \frac{kh}{ak} = \frac{ac \cdot hk^2}{ak^2}$  ни топган. Сўнгра айлана ичига чизилган,  $ac$  диаметрга тиралган тўғри бурчакли учбурчак  $atc$  нинг баландлиги  $ts$  ўрта пропорционаллигидан  $ts^2 = as \cdot sc$  тенглик ўринли бўлганидан  $ts = \sqrt{as \cdot sc}$  да тегишли қийматларни ўрнига қўйиб,  $ts = \sqrt{\frac{as \cdot ac \cdot hk^2}{ak^2}} = \frac{hk}{ak} \sqrt{as \cdot ac}$  ни топган.

Лекин ясалишга кўра  $ts = \sin amt$  бўлгани учун  $amt = \arcsin \frac{hk}{ak} \sqrt{as \cdot ac}$  бўлади. Бу ёй эса  
 исталган «ўтиш масофаси» дир.

<sup>1426</sup> Бу ерда Беруний барча ҳолларда ҳам, яъни юқорида кўрсатилганидек,  $mql$  ёйи 4а-шаклдагидек  $b$  нукта тарафида бўлганида ёки 5-шаклда «ўтиш чизиги»  $a$  нуктадан чиқмай,  $c$  нуктадан чиқарилганида ҳам усул бир хил бўлишини айтмоқчи.

<sup>1427</sup> Қуръон, «Исро» сураси, 84-оят.

<sup>1428</sup> Қуръон, «Раъд» сураси, 42-оят.

<sup>1429</sup> Қуръон, «Анфол» сураси, 42-оят.





# КЎРСАТКИЧЛАР



## ШАХС ИСМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

- Абба, авлиё – 338, 374–381, 383, 385  
Ал-Аббос, Муҳаммад Пайгамбар алайҳиссаломнинг амакилари 472, 498  
Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий, математик – 5  
Абдон ибн Гиллел – 114  
Абд Кулол ибн Мусаввиб – 156  
Абдулкарим ибн ал-Фазл – 172  
Абия ибн Робоам – 115  
Абдулкаъба – 165  
Абдуллоҳ ибн Аббос – 251  
Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду-Манноф ибн Кусай,  
Муҳаммаднинг отаси – 77  
Абдуллоҳ ибн Абу Сарх – 167  
Абдуллоҳ ибн Али, астроном – 301  
Абдуллоҳ ибн Амир – 167  
Абдуллоҳ ибн Будаил – 167  
Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр – 169, 171, 400, 401  
Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Ҳошимий – 230  
Абдуллоҳ ибн Масъуд (ёки Ибн Масъуд), саҳоба – 491  
Абдуллоҳ ибн Муътаз – 131  
Абдуллоҳ ибн ал-Муқтафий, Аббосий халифаси – 171  
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос – 170  
Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх – 168  
Абдуллоҳ ибн Хозим – 168  
Абдуллоҳ ибн Шуъба – 244  
Абдуллоҳ ибн Ҳилол – 79  
Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид, Аббосий халифа ал-Маънун – 170  
Абдулкарим ибн Абулавж – 107  
Абдулмалик ибн Марвон – 169  
Абду-л-Масих ибн Исҳоқ ал-Киндий – 230  
Абду-л-Мутталиб, Муҳаммад Пайгамбар алайҳиссаломнинг боболари – 161  
Абдураззоқ ат-Тусий – 76, 431  
Абдурахмон ибн Мулжам ал-Муродий – 168, 402  
Абдуссамад ибн Али – 251  
Абд Шамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қахтон, қ. Ҳимяр ибн Сабо – 156  
Аби Мелех ибн Гидеон – 114  
Абиҳулар – 330

- Абраҳа ибн ал-Ҳорис – 156  
 Абраҳа ибн ас-Сабоҳ – 157  
 Абсун – 114  
 Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун, хоразмшоҳ – 17, 18, 19  
 Абу-л-Аббос ал-Омулий – 88, 294  
 Абу Абдуллоҳ – 170  
 Абу Абдуллоҳ ал-Адий – 247  
 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ирок, Афригийлар сулоласидан сўнгги  
 Абу Абдуллоҳ ас-Содиқ – 106  
 Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табарий ан-Нотилий, Ибн Синонинг  
 устози – 121  
 Абу Абдулмалик ибн Марвон – 169  
 Абу Авн – 248, 249  
 Абу Айюб – 169  
 Абу Холид – 169  
 Абу Али ибн Низар – 78  
 Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Балхий (шоир) – 132  
 Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим – 174  
 Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино – (буюк табиб), 18, 303, 392  
 Абу Аъвар ас-Суламий – 167  
 Абу Аҳмад ал-Муваффақ – 171  
 Абу Аҳмад Ҳорис ибн Аҳмад – 174  
 Абу Бакр Муҳаммад ибн Дурайд ал-Аздий – 102  
 Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийе ар-Розий – 22, 209  
 Абу Бакр ас-Сиддик, халифа – 243  
 Абу Бакр ас-Сулий – 69  
 Абу Бакр Ҳусайн ат-Таммор – 299  
 Абу-л-Валид – 169  
 Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бўзжоний, астроном – 62  
 Абду-л-Жаббор – 107  
 Абу Жаъфар ал-Мансур, Аббосий халифа – 319  
 Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Сулаймон – 107  
 Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Бағдодий – 393  
 Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хозин, астроном – 226, 305, 363, 392  
 Абу Исмаъ – 119  
 Абу Исо ал-Варроқ – 326, 334, 335  
 Абу Исо ал-Исфаҳоний – 52  
 Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Собий – 76  
 Абу Исҳоқ ибн ал-Ҳусайн – 173  
 Абу Кариб ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис – 158  
 Абу Кариб Шаммар Юръиш ибн Ифрикис Ҳимярий – 79  
 Абу Кобус ан-Нуъмон ал-Мунзир ибн ал-Мунзир – 160  
 Абу Қуллол ибн Мусаввиб – 156  
 Абу Лайло – 169



- Абу Малик ибн Шаммар – 156  
 Абу Мансур ибн Абдурраззоқ – 143  
 Абу Мансур Бахтиёр ибн Абу-л-Ҳасан – 173  
 Абу Мансур Бисутун ибн Вашмгир – 173  
 Абу Мансур Бувайх ибн ал-Ҳасан – 173  
 Абу Мансур Алп Арслон ал-Болавий – 174  
 Абу Маъшар ал-Балхий – 62, 230  
 Абу Муслим – 237, 243, 244, 403  
 Абу Муслим Абдурахмон ибн Муслим – 403  
 Абу Муса ал-Ашъарий – 67  
 Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба ал-Жабалий – 282  
 Абу Муҳаммад ал-Жабалий – 407  
 Абу Муҳаммад Жаъфар ал-Фазорий – 411  
 Абу Муҳаммад ан-Ноиб ал-Омулий – 49, 82, 290, 416  
 Абу Муҳаммад ибн Ҳамдон – 173  
 Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Ноно – 77  
 Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ – 211  
 Абу Наср Хурра Фируз ибн Фанна Хусрав – 174  
 Несторий – 31, 337, 338, 346, 350, 373  
 Абу Равх, Ҳорун ар-Рашид амакисининг ўғли – 342  
 Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ, Афригий хоразмшоҳ – 284  
 Абу Саид ибн Шозон – 119  
 Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Сижзий, геометр. – 81  
 Абу Саҳл Виҷон ибн Рустам ал-Кўхий – 217  
 Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масихий – 102  
 Абу Сумома Жунода ибн Авф ибн Умайя ибн Қалъа ибн Аббод ибн Қалъа ибн Ҳузайфа – 48  
 Абу Суфён – 27, 35, 162  
 Абу Толиб – 161, 162  
 Абу Толиб Рустам ибн Али – 174  
 Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий – 246  
 Абу Убайд – 165  
 Абу Убайд ал-Жарроҳ – 166  
 Абу Умайя – 163  
 Абу Усмон ал-Жоҳиз – 270  
 Абу-л-Фаворис Бектузун ал-Ҳожиб – 174  
 Абу-л-Фаворис ибн Фанна Хусрав – 174  
 Абу-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад ибн Халаф аз-Занжоний – 149, 150, 272, 286  
 Абу Холид – 169  
 Абу Шамир Жабала ибн ал-Ҳорис – 158  
 Абу Шужоъ Фанна Хусрав ибн ал-Ҳасан – 174  
 Абу Яъфур ибн ал-Қама аз-Зумайлий – 160  
 Абу Яҳё ибн Куноса – 407, 419, 422  
 Абу-л-Қосим – қаранг: Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссалом – 165

- Абу-л-Қосим Али ибн Аҳмад ат-Тоҳирий – 263  
 Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Иброҳим – 174  
 Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Сабуктегин – 174  
 Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбеҳ – 289  
 Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб, вазир – 71  
 Абу-л-Ҳакам – 169  
 Абу Ҳанифа ад-Диноварий – 407, 422  
 Абу Ҳарб ал-Хабаший ибн Абу-л-Ҳусайн – 173  
 Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Толиб – 161  
 Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамдон – 173  
 Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Бувайҳ – 173  
 Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим – 174  
 Абу-л-Ҳасан Озархуроний Яздонхасис – 78  
 Абу-л-Ҳасан Фоиқ ал-Хосса – 174  
 Абу Ҳафс – 169  
 Абу Ҳомид ас-Сағоний – 217, 426  
 Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Аҳвозий – 339  
 Абу-л-Ҳусайн ас-Сўфий – 407, 418, 427, 428  
 Авво – 282, 283, 383, 422, 424, 429  
 Август, император – 25, 66, 127, 128  
 Август ибн Гай – 87  
 Август Ирина, Византия (Рум)нинг аёл турк императори – 130  
 Авиво – 341  
 Авиценна, қаранг: Ибн Сино – 5  
 Авлиё Марям – 374, 380  
 Аврелиан – 129  
 Авс ибн Қалдом ибн Бутайно – 160  
 Авфанивос – 126  
 Агатодемон – 230, 384  
 Адий ибн Зайд, шоир – 159  
 Аднон – 77  
 Адриан – 128  
 Аждаҳок – 135  
 Азариё – 350  
 Аз-Заҳҳок ибн ал-Абяз ибн Муовия – 77  
 Азмоил – 269  
 Азуд ад-Давла – 172, 174, 252  
 Айрон – 134, 135, 136  
 Айюб, пайғамбар – 169, 307, 346, 396,  
 Ал-айҳам ибн Жабала – 158  
 Ал-айҳан ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир – 158  
 Ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис – 158  
 Акраганос – 124  
 Александр, қаранг: Искандар – 65

- Али ибн Абу Толиб, халифа – 162, 164, 168, 396, 400–404, 406  
 Али ибн Али ал-Котиб – 318  
 Али ибн Аҳмад ибн Талха – 171  
 Али ибн Бувайҳ – 172, 173, 247  
 Али ал-Жаҳм – 293  
 Али ибн Муҳаммад ибн Абдурахим ибн Абдулкайс – 403  
 Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо – 403  
 Али ар-Ризо ибн Мусо ал-Козим – 403  
 Алтадус – 123  
 Аморос ал-Ҳабаший – 126  
 Амасия ибн Йоаш – 115  
 Амасис – 127  
 Амим ибн Луд ибн Ирам ибн Сом ибн Нуҳ – 61  
 Ал-Амин – 170  
 Амиртаюс – 127  
 Аммуни ибн Манаша – 115  
 Амнитус – 123  
 Амонофутос – 126  
 Амр ибн Адий – 159  
 Амр ибн ал-Ос, ислом лашкарбошиси – 167  
 Амр ибн Жабала – 158  
 Амр ибн Жафна – 158  
 Амр ибн ал-Мунзир ибн Мо ас-Само – 160  
 Амр ибн ан-Нуъмон – 158  
 Амр ибн Рабаи – 72  
 Амр ибн Рақош Малик – 159  
 Амр ибн Тубба Мувсабон – 156  
 Амр ибн Яҳё (Амр ибн Рабаи) – 72  
 Амр ибн Ҳинд ибн Имру ул-Қайс – 157, 160  
 Амр ибн ал-Ҳорис – 158  
 Анан, «Ҳайдалганлар бошлиғи» – 96, 97  
 Анания – 96, 97, 334, 338  
 Анастас – 129  
 Анастасия, шаҳид аёл – 340  
 Андрей, шаҳид – 341  
 Андрей, ҳаворий – 341  
 Анна (Марямнинг онаси) – 352  
 Анан – Дониёл ибн Шовул ибн Анон ибн Довуд – 96  
 Антиох, император – 327  
 Антлис – 131  
 Антоний роҳиблар раиси – 342, 346  
 Антонин, император – 66, 128, 129  
 Анушжон – 175  
 Ануширвон ибн Куъбод – 68, 78, 147–150, 152, 160, 161, 241, 270, 399

- Ануш ибн Шис – 111, 231, 384  
 Аралюс – 123  
 Арбот ибн Сахм – 157  
 Арбоқ – 124  
 Артабан – 143, 144  
 Артабан ибн Ашконон, катга – 142  
 Артабан ибн Балашон – 142  
 Артабан ибн Нарси – 141  
 Артабан (кичик) – 143  
 Артабан (охирғи) – 145  
 Ардашир – 138, 144, 145  
 Ардашир ибн Ахшверш – 139  
 Ардашир Баҳман – 76, 136  
 Ардашир ибн Бобак – 65, 132, 140, 144–150, 151, 152, 237–239, 268  
 Ардашир (Доро иккинчининг ўғли) – 139  
 Ардашир ибн Шируя – 148–150, 152  
 Ардашир (Каёвоний) – 140  
 Ардашир III – 139  
 Ардашир, Шопур биродари – 149, 150, 151, 238  
 Ардашир ибн Хурмуз – 147, 148, 149, 150  
 Ариб ибн Қатан (Зу-Нувос) – 157  
 Арий – 215, 342, 345  
 Аристотель, файласуф – 208, 261, 280  
 Ариюс – 123  
 Ариш – 143, 257  
 Ариқинув – 125  
 Ариғабал – 125  
 Аркадий, улуғ Феодосий ўғли – 129, 130  
 Армамитрис – 123  
 Арсамух ибн Бузгар ибн Хамгарий хоразмшоҳ – 74  
 Арсений – 349  
 Арсис ибн Охус – 139  
 Артабан – 138, 143, 144, 145  
 Артабан ибн Балаш ибн Фирузон – 142  
 Артабан ибн Балашон – 142  
 Артабан ибн Нарси – 141  
 Артахшаст I – 126  
 Артахшаст II – 126  
 Арфахшад ибн Сом – 111  
 Арфахшот – 125  
 Аркадий ибн Сидус – 457  
 Арғу ибн Фолиғ – 111  
 Аса ибн Абия – 59, 115  
 Ал-Асадий – 414

- Асахурис – 126  
 Ал-асвад ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон – 160  
 Асарасун – 126  
 Асаратун – 126  
 Асридину – 125  
 Ас-Соҳиб Исмоил ибн Аббад – 100  
 Астофиносис – 127  
 Ал-Асфар – 128  
 Асфиён – 135, 265  
 Асфаратус – 123  
 Асфарус – 123  
 Асад ибн амр ибн Рабиа ибн Молик – 79  
 Асад, Туббаъ – 160  
 Аскантидус – 123  
 Аталия – 115  
 Атаниал ибн Қиназа – 114  
 Атракис – 79  
 Афанасий – 346  
 Афиней – 59  
 Афлотун – 230, 233  
 Афрайус – 124  
 Афридун, пок – 136–139, 155, 260–262, 265, 269, 272  
 Афридун ибн Асфиёнгов – 135  
 Афридун ибн Яздигард – 147  
 Африғ, илк хоразмшоҳ, ўз сулоласига асос солган – 73  
 Афровак ибн Сиёмак ибн Мешо – 135  
 Афросиёб – 136, 137, 255, 257, 258  
 Афратанавус – 124  
 Афғуршоҳ – 141, 143  
 Афғустус – 104  
 Ахриман – 132, 333  
 Ахшверш ибн Доро – 139  
 Ахшдашир ибн Ахшверш – 139  
 Ахшияруш – 123, 126  
 Ахшуруш – 329  
 Ашк ибн Ашк – 141  
 Ашк ибн Ашк ибн Ашкон – 142  
 Ашк ибн Ашкон – 142, 143  
 Ашк ибн Балош – 142  
 Ашк ибн Доро – 143, 144  
 Ашкон – 142, 144  
 Ашмирам – 123  
 Ақил ибн Абу Толиб – 396  
 Ал-Ақран ибн Абу Малик – 156

- Ағлон ибн Аммул – 114  
 Аҳаз ибн Йосам – 115  
 Аҳазия ибн Яхурам – 115  
 Аҳмад ибн Жаъфар – 171  
 Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ал-Муктадир – 171, 172, 245  
 Аҳмад ибн Мусо ибн Шокир – 90, 190  
 Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шихоб – 215, 225  
 Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид – 171  
 Аҳмад (Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломнинг иккинчи исмлари) – 55  
 Аҳмад ибн Саҳд ибн Ҳошим ибн ал-Валид – 66  
 Аҳмад ибн Таййиб ас-Сарахсий – 235  
 Аҳмад ибн Талха ал-Муътазид Биллоҳ – 69  
 Аҳмад ибн Форис – 409  
 Ал-Аҳнаф ибн Қайс – 168  
 Болод – 141  
 Балаус – 123  
 Баломис – 60  
 Балатарис – 123  
 Балахус – 123  
 Балош – 143  
 Балош ибн Ашқонон – 143  
 Балош ибн Фирузон – 142, 147–150, 157  
 Балош ибн Шопур – 141, 142  
 Балошон – 142  
 Балташар ибн Увлод – 139  
 Балус – 123  
 Балхий – 62, 119, 133, 230  
 Барахиё, қиссис – 375  
 Барда – 147  
 Бародих – 141  
 Бархалалтағар – 127  
 Барсафо – 375  
 Басил ас-Сақлабий – 130, 131  
 Баҳмана – 57, 274  
 Баҳман ибн Исфандиёр – 146  
 Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром – 146  
 Баҳром ибн Мардоншоҳ – 132  
 Баҳром ибн Михрон ал-Исфаҳоний – 132  
 Баҳром Чубин – 78, 130  
 Баҳром ибн Шопур Зулактоф – 147–152, 157, 234  
 Баҳром ибн Яздигард, Гўр – 147, 148  
 Баҳром ибн Ҳурмуз – 141, 144, 148–150, 239  
 Баҳром ал-Ҳиравий, мажусий – 132  
 Баҳус – 340

- Беруний, қаранг: Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний  
 Биҳофарид ибн Ашқонон – 142  
 Беҳофарид ибн Моҳ Фурудин – 243  
 Биварасп – 137, 138, 255, 260–262, 265, 266, 268, 269  
 Бизан ал-Ашқоний – 143  
 Билибис – 125  
 Билқис, Ҳаддод қизи – 156  
 Бинёмин – 113, 235, 312  
 Ал-Бобилий – 266  
 Бобо – 230  
 Бодисатва – 232  
 Бобакон – 147  
 Бозом ибн Сосон – 157  
 Балаторис – 118  
 Борух ибн Нерюн – 327  
 Бахтли – 148  
 Браҳман – 234  
 Бувайҳ ибн Фанна Ҳусрав ибн Самон – 76  
 Будда – 232, 238  
 Будасаф – 135, 229, 231, 238, 240, 249  
 Ал-Бурқуъий – 536  
 Бухтунассар – 21, 25, 54, 57, 58, 64, 115, 125, 136, 139, 159, 178, 179, 218, 231, 325, 328, 332, 350, 352, 384  
 Ал-Бухтурий – 70  
 Буюк Феодосий – қаранг: Феодосий, Буюк  
 Букрот, қаранг: Гиппократ – 314, 318, 409  
 Бухайра ар-Роҳиб – 161  
 Бўрон, Ҳусрав Парвез қизи – 148, 149, 150, 152  
 Вабра ибн Ҳуззо – 157  
 Вайжон – 259  
 Вайкард – 258, 265  
 Валент – 129  
 Валентиниан – 129  
 Ал-Валид ибн Язид ибн Абдумалик – 165  
 Валий ад-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмад – 403  
 Валериан (Веюс X) – 129  
 Валиа ибн Марсад – 157  
 Валис – 384  
 Варвара – 341  
 Вардоншоҳ Гилон шоҳи – 78  
 Василий – 342  
 Вафрис – 127  
 Вахсу – 386  
 Ваҳб ибн Абд Манноф, Пайғамбар алайҳиссаломнинг она тарафидан боболари – 161

- Вахриз бу Хурзод ибн Дорбахор ибн Нарси – 157  
 Веспасиан, подшоҳ – 128, 153, 352  
 Вийжан, (Жувдарз ўғли) – 142  
 Визак – 154  
 Вийжан ибн Балош – 142  
 Виштасп – 136, 138, 152, 153, 156, 229, 233, 235, 258, 268  
 Воил – 73  
 ВОРТУШ қ. Зардушт – 28, 29, 51, 65, 84, 136, 145, 152, 153, 229, 233–235, 240, 244, 249, 250, 257, 261, 264, 277, 384  
 Воқий – 130  
 Гай Юлий – 128  
 Гален – 128, 129, 267, 280, 286, 287  
 Гедалиё, (Аҳикомнинг ўғли) – 325  
 Гермес – 230, 231, 384, 386, 413  
 Геласий, шаҳид – 342  
 Гидеон ибн Офра – 114  
 Гиппарх – 64, 65, 288, 289, 291–293, 295, 296, 298–300, 303, 304, 306, 307, 313, 315, 316, 319, 320, 321–324, 392, 393  
 Гиппократ, юнон табиби – 314, 318, 409  
 Гиршасп – 136, 137, 318  
 Гиршоҳ (Гилшоҳ) – 131, 135  
 Гомер – 124  
 Григорий, (мўъжизакор) – 341  
 Григорий Ниссий – 340  
 Григорий (ускуф) – 353  
 Гударз ўғли Вайжон – 248, 259  
 Гўдарз ибн Шопур ибн Афғўршоҳ – 352  
 Гуноҳкор – 147–150, 273  
 «Гўр» – 148–150, 152  
 Гурий – 341  
 Даврон – 375  
 Ад-Дажкол – 249  
 Дайлафатон – 387  
 Дамиан, шаҳид – 340  
 Даниёл – 52–55, 115, 354  
 Даруклус – 124  
 Дакоик – 387  
 Дах – Оқ – 124  
 Демокрит – 30, 288, 289, 291–297, 299, 303, 306, 308, 315, 316, 319, 321  
 Диодор – 379  
 Дионисий, епископ (қадимги юнон олими) – 128, 338, 349  
 Дебора, аёл пайғамбар, яхудийларда – 114  
 Диоклетиан – 66, 127, 129, 177, 181, 220  
 Дионисий – 128, 338, 349



- Диусполитос – 126  
 Довуд (пайгамбар) – 58–60, 65, 96, 97, 113–115, 151, 156, 164, 252, 290, 326, 332, 342, 401, 403, 406  
 Довуд кизи Мулайка, Пайгамбар алайхиссаломнинг завжалари – 164  
 Додишуъ – 349  
 Домиций, (шаҳид) – 350  
 Домициан – 128  
 Дариус ибн Арсих – 126  
 Дориус биринчи ал-Модой – 125  
 Доро – 65, 132  
 Доро ибн Ардашир Баҳман – 136, 137, 138, 139  
 Доро ибн Доро – 75, 136, 137, 234  
 Доро иккинчи – 136, 139  
 Доро ал-Мохий (биринчи), бу Дорийдир – 139  
 Доро (сўнгги Эрон подшоҳи) – 75, 132, 136–139  
 Даруклус – 124  
 Досифей, қадимги юнон олими – 30, 288, 289, 291–299, 304, 307, 312, 315, 316, 319–323  
 Дусар ибн Манучеҳр – 234  
 Евдокс, қадимги юнон астрономи – 288, 289, 291–299, 304, 306–308, 312, 313, 320–324  
 Евктемон, қадимги юнон астрономи – 287–324  
 Евклид, қадимги юнон математиги – 21  
 Евсевий, Қайсария епископи – 357, 365  
 Евтихий – 346  
 Евстафий, шаҳид – 352  
 Евфимия, шаҳид – 352  
 Евфилос – 124  
 Елена, Константиннинг онаси – 129, 130, 215, 347, 352, 374  
 Елизавета – 346  
 Елисей – 351  
 Енох – 231  
 Епифан – 349  
 Юшиё ибн Аҳазиё – 97  
 Ёсир Юнъим, Билқиснинг амакиси – 156  
 Ёфул – 138, 139  
 Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий – 230, 267, 276, 301, 348  
 Яъқуб ибн Мусо ан-Никрисий, яҳудий – 326  
 Ёқуб ибн Торик – 49  
 Ёқуб, пайгамбар – 52, 59, 110–112, 154, 155, 396  
 Жабала ибн ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Мария – 158  
 Жабала ибн ан-Нуъмон – 158  
 Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир – 158  
 Ал-Жабалий қ. Ибн Кутайба, Жаброил – 282, 407

- Жаброил ибн Нух, насроний – 240  
 Жазима ал-Абраш ибн Малик – 159  
 Ал-Жайхоний – 270, 311, 319, 335, 371  
 Жамасп ибн Феруз – 147, 150, 157  
 Жамшид, Эроннинг афсонавий шоҳи – 253, 255, 261, 263, 265, 266, 277  
 Жарир ибн Абдуллоҳ – 165, 168  
 Жафна – 155, 157, 159  
 Жафна ибн ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис – 158  
 Жафна ибн Амр – 158  
 Жаъфар ибн ал-Муътазид – 171  
 Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ – 225  
 Жаъфар ибн Ҳорун – 170  
 Жаҳжабо ибн Атик – 160  
 Жом ибн Вижаҳон – 135  
 Жомасп ибн Феруз – 224  
 Жувдарз – 143  
 Жувдарз ибн Ашконий – 143  
 Жувдарз ибн Вийжан ибн Балаш – 143  
 Жувдарз ибн Вийжан ибн Шопур – 143  
 Жундуб ал-Фазорий – 411  
 Жушанасбанда – 149  
 Заббо бинт Малик – 159  
 аз-Заҷож – қаранг: Иброҳим ибн ас-Сарик  
 Зайд ибн Али – 398  
 Зайнаб Жаҳш қизи, Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири – 163  
 Зайнаб Ҳузайма қизи, Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири – 163  
 Закариё (пайғамбар) – 340, 341, 349, 350, 351, 396  
 Заратуштра қ. Зардушт ибн Сафид Туман, оташпарастлар пайғамбари – 233, 234, 420  
 Замис ибн Нинус – 123  
 Зарбобил – 53  
 Заҳҳок қизи Фотима, Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири – 164  
 Зенон ал-Арминакий – 129  
 Закариё ибн Вараҳаё ибн Аддаво – 53  
 Зибованд Хайриддин – 13  
 Зевс – 232  
 Зоб ибн Таҳмосп – 136  
 Зодавайҳ ибн Фируз – 157, 254, 259  
 Зодавайҳ ибн Шоҳавайҳ – 82  
 Зол ибн Таҳмасп – 262  
 Замис ибн Нинус – 123  
 аз-Зубайр – 169  
 аз-Зубайр ибн Жаъфар – 171  
 Зув ибн Тумасп – 139  
 Зу-Жадан – 80, 157

- Зулазъор – 80  
 Зулактоф – 147  
 Зулманор Абраха ибн ал-Хорис – 80  
 Аз-Зумайлий – 160  
 Зу-Нувос – 80, 157  
 Зуррума, шоир – 412  
 Зу Хусбон ибн ал-Акран – 149  
 Зу-ш-Шанотир – 157  
 Зу-Язан – 80  
 Зулқарнайн – каранг: Искандар Македоний – 26, 65, 75, 76, 79, 156, 160  
 Зухра – 74, 161  
 Ибн Абдураззоқ ат-Тусий – 76  
 Ибн Абу Азоқир – 248, 249  
 Ибн Абу Закариё ат-Таммомий – 247  
 Ибн ал-Арабий – 405  
 Ибн ал-Бозиёр – 59  
 Ибн Дайсан – 60  
 Ибн Дурайд – 79  
 Ибн Ясир – 79  
 Ибн аз-Зубайр – 169  
 Ибн Куноса – 307, 407, 411  
 Ибн Мансур – 403  
 Ибн ар-Раққа – 410  
 Ибн Суриё – 236  
 Ибн Синкила – 229  
 Ибн Сино, каранг: Абу Али ибн Сино  
 Ибн ас-Сўфий – 418  
 Ибн Яксум Абраха ал-Ашрам – 157  
 Ибн Қутайба, Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ал-Жабалий – 282  
 Иброҳим шаҳид – 148, 324  
 Иброҳим, алайҳиссалом, пайғамбар – 26, 59, 79, 87, 110, 112, 113, 155, 229  
 Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулий, астроном – 70  
 Иброҳим ибн ал-Аштар – 396  
 Иброҳим ибн ал-Валид ибн Абдулмалик – 169  
 Иброҳим ибн Жаъфар – 172  
 Иброҳим ибн ал-Маҳдий – 170  
 Иброҳим ибн ал-Муктадир – 172  
 Иброҳим ибн Мухаммад, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўғиллари – 164  
 Иброҳим ибн ас-Сарий аз-Зажжож – 407  
 Иброҳим ибн Синон – 392  
 Игнатий – 341  
 Идрис – 231  
 Иеремия, пайғамбар – 346  
 Ийад ибн Ғаним – 166

- Иззуд давла Бахтиёр – 118  
 Исмоил – 325  
 Ийёс ибн Кабиса ат-Тоий – 160  
 Ийус ан-Насоро – қаранг: Исо Масих – 242  
 Илё, Илёс – 351  
 Илиё, коҳин – 147, 375, 376, 378  
 Илёс, пайғамбар – 223, 351  
 Иля – 346  
 Имрон ўғли Мусо, қ. Мусо алайҳиссалом – 54, 351  
 Имру ул-Қайс ибн Амр ибн Ҳинд ал-Мухарриқ – 160  
 Иоаннес «Олтиноғиз» – 344  
 Иоанн, шаҳид – 344  
 Ираж – 136, 154  
 Ираклий – 130, 166, 167, 242  
 Ирмиё яҳудий пайғамбари – 327, 351  
 Искандар ибн Басил – 131  
 Искандар ибн Филипп – қаранг: Искандар «бинокор»  
 Искандар Румий – 141, 142, 143  
 Искандар ибн Маммо – 129  
 Искандар «бинокор» македоний (Зу-л-Қарнайн) – 127  
 Исмоил ибн Иброҳим, Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломнинг аждодлари – 77, 87  
 Исмоил ибн Аҳмад Сомоний – 78  
 Исмоил ибн Кобуш ибн Фиквор – 155  
 Исо Масих пайғамбар – 31, 52, 53, 55, 59, 60, 341  
 Исо ибн Марям – қаранг: Исо Масих  
 Исо ибн Моҳон – 170  
 Исо ибн Нуин – 113  
 Исоф, санам – 72  
 Испахбад Марзубон ибн Рустам – 240  
 Исроил – 48, 53, 57, 58, 60, 75, 91, 96, 112–115, 124, 127, 154, 325–334, 347, 363, 373  
 Истир – 330  
 Исҳоқ – 341  
 Исҳоқ, шаҳид – 341  
 Ифрит – 140  
 Ифриқис ибн Абраҳа – 156  
 Ифраим – 114  
 Ишъиё, пайғамбар – 55, 349, 351  
 Ийад ибн Ғаним – 166  
 Ўазид ибн Муовия, умавий халифа – 167  
 Ўош ибн Аҳазия – 115  
 Ўосам ибн Ўзия – 115  
 Ўошия ибн Аммуна – 115  
 Каён – 124  
 Кайардашир ибн Баҳман – 136

- Кайвиштасп ибн Луҳрасп – 136, 137  
 Кайковус ибн Қайния – 136–138  
 Кайқубод ибн Зағ – 136  
 Кайлуҳрасп ибн Кайважий – 136  
 Кайхусрав ибн Сиёвуш, Хоразмда Сиёвушийлар сулоласига асос солган – 136  
 Калипп – 30, 287–312  
 Камир ибн Ёфас ибн Нуҳ – 61  
 Камбисус – 451  
 Камбиз – 139  
 Канка, ҳиндистонлик – 172  
 Ал-Каражий – 284  
 Карнута – шаҳид – 341  
 Каъб ибн ал-Ашраф – 236  
 Катта Лав (Лев) – 130  
 Каъб ал-Ахбор – 293  
 Каъб ибн Луайй – 72  
 Каюмарс – 51, 60, 61, 131, 132, 133, 137, 138, 251, 269  
 Кесарь – 291–321  
 Катта Констангин – 130  
 Ал-Киндий – 301  
 Кинона ибн ар-Рабиъ – 236  
 Киприян – 340  
 Кир – 346  
 Кирилл – 350  
 Кирик, роҳиб – 349  
 Кирос – 344  
 Кирик – 351  
 Кириак, авлиё – 375  
 Ал-Кисравий – 146, 150, 151  
 Кисра (Хусрав) – 141  
 Кисра ибн Фируз – 141  
 Кичик Лав (IV), катта Константиннинг ўғли – 130  
 Кичик Тубба, Ҳассон ўғли – 156  
 Кичик Константин VI, кичик Лавнинг ўғли – 130  
 Кичкина – 147  
 Клавдий, император – 128  
 Клеопатра – 128  
 Кобуш ибн Фиквор – 155  
 Кави – 430  
 Кокил – 266  
 Камир ибн Ёфас ибн Нуҳ – 61  
 Коммод – 128  
 Константин, император – 66, 129–131, 168, 345–347, 349, 352  
 Констант – 128, 130

- Константин III – 457, 490  
 Коперник – 623  
 Криспиан – 374  
 Криспин – 374  
 Кудак – 154  
 Ал-Кулсумий – 407  
 Куруш, подшоҳ – 53, 55, 57, 139  
 Кута, роҳиб – 374  
 Кухбад – 147  
 Кўҳий – 76  
 Лавасагинус – 124  
 Ланфридис – 124  
 Ланфарус – 124  
 Ламак ибн Матушолих – 231  
 Леви – 110  
 Леонтий – 350  
 Леон – 130  
 Леон ибн Константин – 131  
 Лав ибн Феофил ибн Михаил – 130  
 Леон ибн Басил – 131  
 Лоху авлоди, Лаёҳиж – 77  
 Лоху ибн ад-Дайлам ибн Босил – 77  
 Лудд – 246  
 Лут, пайғамбар – 328  
 Луқмон – 156  
 Лука – 59, 60, 340, 350, 370  
 Лухрасп – 136  
 Люций, шаҳид – 552  
 Маврик – 130  
 Маба – 384  
 Маздак ибн Ҳамдодон – 240, 241, 244, 249  
 Маймун ибн Михрон – 67  
 Маймуна Ҳорис кизи – 163  
 Майсара ибн Масрук – 166  
 Максим, роҳиб – 343  
 Максимиан – 128  
 Ал-Малик ал-Муаййад – 173  
 Маликикариб ибн Тубба (Малик Кали Кариб) – 156  
 Малик ибн Фаҳм – 157  
 Малҳиёна (Момо Ҳавво) – 132  
 Малҳий (Одам) – 132  
 Мамулус – 123  
 Мамутус – 123  
 Ал-Мансур, халифа – 107, 170

- Манаша ибн Ҳнзиқия – 115  
 Манашша авлоди – 114  
 Мансур ал-Халлож – 245  
 Манучехр – 76, 136, 137, 138, 154, 233, 234, 257, 258  
 Манхалус – 123  
 Ал-Марварудий – 501  
 Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳакам, халифа – 169  
 Мард (Одам) – 132  
 Мардона, Момо Ҳавво – 132, 147  
 Мардовиж, Гилон амири – 78  
 Мардуқанфад – 125  
 Марзубон, Яман подшоси – 157  
 Ал-Марзубон ибн Бахтиёр – 174  
 Марзубон ибн Рустам испаҳбад – 240  
 Марк, «Инжил» муаллифи – 346, 350, 370  
 Маркус – 59  
 Маркиан – 129, 346  
 Марсад ибн Абд Кулол – 156  
 Марта – 378  
 Марфа, Шамъуннинг онаси – 350  
 Мар Фёдор – 246  
 Марям, Исо пайгамбарнинг онаси – 31, 53, 54, 55, 59, 60, 66, 248, 330, 341, 342, 344, 351, 352, 373, 374, 380, 382  
 Марям (Мисрлик) – 314, 327, 329  
 Марям Қайсар қизи – 148  
 Маркиан – 129, 130, 346  
 Марям ўғли Исо – қаранг: Исо Масих  
 Майсара ибн Масрук – 166  
 Масисимурдакус – 125 Масих, қ. Исо Масих  
 Маслама ибн Абдулмалик, лашкарбоши – 130  
 Масрук ибн Абраҳа – 157  
 Матфей – 350, 370  
 Матушолих ибн Ахнух – 231  
 Маъжуж – 75  
 Ал-Маъмун ибн Ҳорун ар-Рашид – 170, 398, 251  
 Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-Ҳиравий – 341, 352  
 Маън ибн Зоида – 107  
 Махдий, Имом – 246  
 Ал-Махдий, халифа – 170, 244  
 Махлоил ибн Қайнон – 111  
 Маҳмуд ибн Сабуктегин Ғазнавий – 174  
 Метон, қадимги юнон астрономи – 289, 294, 306, 316, 319  
 Мец Адам – қаранг: Адам Мец  
 Метродор, қадимги юнон астрономи – 288–293, 295, 296, 298, 304, 306–308, 313, 315,

316, 319–323

Мешо – 132, 133, 135, 138, 140

Мешона – 132, 133, 135, 138, 140

Микоил – 350

Мина, шаҳид – 350

Мино – 394

Мисраюс – 123

Мишоил – 350

Михаил ибн Ниқифур – 131

Михаил Константиний – 130

Михаил ибн Георгий – 130

Михаил ибн Ставракий – 130

Михаил ибн Фиофил – 130

Михрон – 132, 166

Моалсо – 373, 374, 380, 382

Модест, батрик – 341

Можам – 139

Моний – 60, 107, 145, 147, 238–240, 249, 280, 402

Мордухай Исроилий – 330

Мория – 338

Мория, роҳиба – 338

Мория ал-Қибтия – 164, 166

Мория ибн Калб – 413

Маркус – 59

Машааллоҳ – 116

Моҳ – 215

Ал-Муаззам – 173

Мубад – 138, 259

Ал-Муваффақ – 173

Муъизз уд-Давла – 117

Музайкия ибн Омир – 157

Музоқия – 157

Ал-Муктафий Биллоҳ – 247

Мулайка Довуд қизи – 164

Ал-Мунзир ибн Жабала – 158

Ал-Мунзир ибн Моас-Само – 75, 160

Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон – 160

Мунзир ибн ал-Нуъмон – 160

Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн Имру ул-Қайс – 160

Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир – 160

Ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис – 158

Мунтасир – 171

Муовия – 167, 168, 169

Муовия Абу Аъвар ас-Суламий – 167



- Муовия ибн Абу Суфён – 486  
 Муовия ибн Язид ибн Муовия – 169, 436, 400  
 Мурра ибн Ҳаммом ибн Шайбон – 413  
 Мусайлима ибн Ҳабиб – 242  
 Мусо, шаҳид – 330–333, 396, 401  
 Мусо ибн Имрон (алайҳиссалом) – 330, 326, 329, 351  
 Мусо ибн Исо ал-Кисравий – 146  
 Мусо ибн Муҳаммад – 170  
 Мусо ибн Шокир – 90, 190, 340  
 Мусатгус – 127  
 Ал-Мустаин – 171  
 Ал-Мустакфий – 172  
 Ал-Мутаваккил, аббосий халифа – 69, 70, 260  
 Ал-Мутгақий, халифа – 172  
 Ал-Мутий, халифа – 172  
 Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий – 246, 400  
 Мутъим ибн Адий – 162  
 Муъин уд-Давла – 173  
 Муовия ибн Абу Суфён, умавий халифа – 168  
 Муовия ибн Йазид ибн Муовия – 169  
 Ал-Муътаз, адиб – 171  
 Муътазид Биллоҳ – 47, 69, 182, 284  
 Ал-Муътамид, халифа – 171  
 Ал-Муъгасим, халифа – 170  
 Мукавқис – 163  
 Муқанна – 244, 245, 249  
 Ал-Муқтадир Биллоҳ, халифа – 171, 172, 245, 247  
 Ал-Муқтафий Биллоҳ – 171  
 Ал-Муғира ибн Шуъба, ислом лашкарбошиси – 167  
 Муҳаммад алайҳиссалом – 24, 25, 27, 28, 35, 55, 56, 67, 107, 115, 235, 242, 247, 355, 398, 403  
 Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий, «Ал-Комил», муаллифи – 364, 385  
 Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Зайёт – 322  
 Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний – 221, 399, 427  
 Муҳаммад ибн Абдуллоҳ – 246  
 Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад – 170  
 Муҳаммад ибн Али – 246  
 Муҳаммад ибн Али аш-Шалмағоний – 248  
 Муҳаммад ибн Баҳром ибн Митёр – 250  
 Муҳаммад ибн ал-Восиқ – 171  
 Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, географ ва тарихчи – 80  
 Муҳаммад ибн Жаъфар – 171  
 Муҳаммад ибн Жаҳм ал-Бармакий – 132  
 Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундоз ас-Сарахсий – 62

- Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий – 161  
 Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир – 90, 340  
 Муҳаммад ибн ал-Муътазид – 171  
 Муҳаммад ибн Ҳанафия – 246  
 Муҳаммад ибн Ҳорун – 170, 171  
 Муҳаммад ибн Митёр – 305, 314  
 Мубад – 69, 138, 142, 149, 150  
 Набонассар – 62, 64  
 Набуфаласару – 125  
 Навуходоносор – Надивус – 125  
 Навбахт – 319  
 Навжусанас ибн Озарбахт – 75  
 Нажануқа – 126  
 Ан-Нажоший – [Негус], Ҳабашистон подшоҳи – 134, 164  
 Назир – 163  
 Нарси ибн Ашконон – 143  
 Нарси ал-Ашконий – 143  
 Нарси ибн Баҳром – 141, 143, 147–151  
 Нарси ибн Вийжан – 142  
 Нарси ибн Феруз – 141  
 Наср – 159  
 Настурис – 529  
 Настур, Қустантания батрики – 346  
 Настур ар-Роҳиб – 161  
 Наган – 326  
 Несторий – 31, 337, 350, 373  
 Нафаритос – 127  
 Нафаҳрос – 120  
 Наҳиражон – 153  
 Наҳфасус – 127  
 Наҳжиркон – 140  
 Наху – 127  
 Нақтанабус – 127  
 Небукаднецар – 64  
 Некрай – 147  
 Нерва – 128  
 Нерон, император – 454  
 Некурив – 128  
 Николай – 341  
 Нимруд ибн Куш – 124  
 Никифор, император – 130  
 Ан-Никриси – 310  
 Нинус – 123  
 Нистур – 129

- Нимруд – 124  
 Никифор – 130  
 Ан-Нобиға аз-Зубиёний – 160  
 Нодоб – 330  
 Ан-Ноиб ал-Омулий – 49, 290, 416  
 Ноила, санам – 72  
 Носир уд-Давла ал-Ҳасан – 118  
 Носир ал-Утруш – 173  
 Нотус ибн Хусрав (Суғд) – 139  
 Нафаритос – 127  
 Наху – 127  
 Нахфасус – 127  
 Нақтанабус (I) – 127  
 Нақтанабус (II) – 127  
 Нохур ибн Сориг – 111  
 Ан-Нуъмон (Ҳаварнақни бино қилган) – 158  
 Ан-Нуъмон ибн ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис – 158  
 Ан-Нуъмон ибн Амр ибн ал-Мунзир – 158  
 Ан-Нуъмон ибн ан-Асвад ибн ал-Мунзир – 160  
 Ан-Нуъмон ибн Имру ул Қайс – 160  
 Ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир – 160  
 Нуъмон ибн ал-Муқаррин – 167  
 Ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис – 158  
 Нуҳ, пайғамбар – 50, 58, 60, 61, 74, 111, 155, 396, 401, 403  
 Нуҳ ибн Ламак – 111  
 Нуҳ ибн Мансур – 263, 403  
 Обир ибн Шолиҳ – 111  
 Одамато – 405  
 Одил – 147  
 Озарбод, мубад – 234  
 Озарбод ибн Мораспанд – 234  
 Озарбон, подшоҳ – 239  
 Озармидухт, Парвез қизи – 148–152  
 Озархур, Абу-л-Ҳасан – 83, 132  
 Озодбеҳ ибн Моҳбиён ибн Меҳрбундод – 160  
 Ойша бинт Абу Бакр Сиддиқ, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суюкли завжалари – 162, 163, 164, 399  
 Омина, Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломнинг оналари – 161  
 Омар Хайям – қаранг: Умар Хайём  
 Ал-Омулий, Абу Муҳаммад ан-Ноиб – 49  
 Омина бинт Ваҳб ибн Абд Манноф – 161  
 Охус – 126  
 Оқил ал-Мурор – 156  
 Павел – 128, 338, 350, 353, 378, 379, 381, 383

- Павел, муаллим – 350  
 Парвез ибн Хурмуз – 148, 150, 152  
 Пафнутий, шаҳид – 351  
 Параклет – 372  
 Паҳлавон – 147  
 Петр – 128  
 Пешдод – 135, 140  
 Пётр, Дамашқ батриқи – 343  
 Пётр, (епископ) – 341, 350, 378  
 Проб – 129  
 Поликарп, епископ – 344  
 Прокопий (шаҳид) – 350  
 Птолемей ибн Арнаб ал-Мантикий – 127  
 Птолемей, метеролог – 289, 296, 315, 316, 328  
 Птолемей Клавдий астроном ва географ – 46, 64, 65, 68, 123, 127, 208, 238, 392, 393, 415, 417, 418, 428  
 Птолемей II (Филаделф) – 57, 127  
 Птолемей III, Эвергет – 127  
 Птолемей IV (Филоматор) – 127  
 Птолемей V, Эпифан – 127  
 Птолемей VI, (Филопатор) – 127  
 Птолемей VII, Эвергет – Искандар иккинчи – 128  
 Птолемей VIII (Сотер ал-Ҳадидий) – 128  
 Птолемей IX (Дионисий) – 128  
 Пурушасп – 234  
 Ар-Раба ибн Наср – 160  
 Равул, (ускуф) – 351  
 Ар-Раий – 52  
 Расулуллоҳ – қаранг: Муҳаммад, Пайгамбар алайҳиссалом  
 Рафоъа ибн Зайд ибн ат-Тобут – 236  
 Ар-Рабиъ ибн Зиёд ал-Ҳорисий – 168  
 Ар-Розий Биллоҳ, Муҳаммад ибн Жаъфар – 171  
 Робоам ибн Сулаймон – 115  
 Роман, шаҳид – 341  
 Рустам, лашкарбоши – 78  
 Рустам ибн Достон – 136  
 Рустам ибн Ширин – 78  
 Руқия бинт Муҳаммад – 162  
 Сабақун ал-Ҳабаший – 126  
 Сабиниан, шаҳид – 353  
 Сабийхас – 126  
 Ас-Сабоҳ ибн Абраҳа ибн ас-Сабоҳ – 157  
 Сабуктегин – 174  
 Савва, роҳиб – 341

- Савар – 384  
 Садакия, яхудий ҳукмдори – 115  
 Саъид ибн Муҳаммад аз-Зухлий – 140  
 Саъид ибн ал-Ас – 487  
 Саид ибн ал-Фазл – 252, 260  
 Сайф ибн Зу-Язан – 157  
 Салинус – 123  
 Салом ибн Абдуллоҳ ибн Салом – 60  
 Ас-Салломий – 399  
 Салм – 135, 136  
 Салманосар – 139  
 Салмон ал-Аъшар – 332  
 Салмон ал-Форсий – 60  
 Салуба – 165  
 Самирус, Бобил подшоҳи – 79  
 Самон Кўҳий ибн Шерзил – 77  
 Самандаус – 126  
 Самсон – 114  
 Самуил – 114  
 Санораф – 139  
 Ас-Сарахсий – 172, 235  
 Сасанахусис – 126  
 Сасдукин – 125  
 Саъб ибн Ҳаммоқ Ҳимярий – 79  
 Саъд ибн Абу-л-Ваққос – 166  
 Саъид ибн ал-Ас, лашкарбоши – 488  
 Саъд ал-Мадоин – 166  
 Саълаба ибн Амр – 158  
 Север – 128  
 Сергей, авлиё – 374  
 Сергей, шаҳид – 340  
 Сибавайҳ – 417  
 Сиёвуш ибн Кайковус – 73, 136  
 Сиёмак ибн Мешо – 135  
 Ас-Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофа – 165  
 Силвестр – 342  
 Симеон – 342  
 Симон – 346  
 Симон-Петр, апостол – 128  
 Синахҳариб ибн Салманосар – 139  
 Синоп (метеоролог) – 287, 288, 289, 291–293, 297, 298, 303, 304, 307, 308, 312–316, 318, 320, 321, 324  
 Синоп ибн Собит ибн Қурра – 286, 287, 309, 393  
 Сис – 341

- Сисин – 341  
 Сабийхас – 126  
 Солон – 230  
 Сом ибн Наримон – 136  
 Сом ибн Нух – 61, 74, 111  
 Сомирус – 125  
 Сардун (Зув ибн Тумасп) – 139  
 Сосон авлоди – 132  
 Софроний, батрик – 344  
 Соҳиб ал-Имод роҳиб Шамъун – 351  
 Ставракий – 130  
 Стефан – 131, 342, 379, 381, 383  
 Стратоника – 352  
 Сувар – 80  
 Сувфар ибн Нафар ибн Исав – 128  
 Сулаймон ибн Абдулмалик – 169  
 Сулаймон ибн Довуд – 59, 97, 113, 114, 155, 156, 252, 290, 332  
 Сурен – 375  
 Суруж – 166  
 Сусирас – 123  
 Сусанис – 126  
 Сусрамус – 123  
 Суфёний – 246  
 Суғд Нотус ибн Хусрав – 139  
 Суҳбон ибн Мухрис – 157  
 Тавтанас – 123  
 Тавтаюс – 123  
 Тавус – 127  
 Тайм ибн Мурра – 165  
 Аморос ал-Ҳабаший – 127  
 Тарсо – 385  
 Тагта, шаҳид – 353  
 Такалусис – 126  
 Тахмурас ибн Вижаҳон ибн Инкаҳад – 135  
 Теодор – 379  
 Теон, астроном – 47  
 Тиберий Апсимар – 130  
 Тиберий ибн Август – 128  
 Тит, подшоҳ – 128, 352  
 Тиглатпалосар – 451  
 Тожи, золим – 269  
 Торах ибн Нохур – 111  
 Тагта – 353  
 Такалусис – 126

- Тоҳир ибн Тоҳир – 264  
 Траян – 128  
 Тубба – 134, 155  
 Тубба Асъад ибн Маликикариб – 116  
 Тубба ибн ал-Ақран – 156  
 Тубба ибн Ҳассон – 156  
 Туж, подшоҳ – 135  
 Тузун – 118  
 Тулайҳа ибн Ҳувайлид – 165  
 Тўлаъ ибн Фуа – 114  
 Туну Каланкарирос – 124  
 Туркзод – 147  
 Тугайл – 351  
 Убайд ибн ал-Абрас – 160  
 Убайдуллоҳ ибн Яҳё – 69  
 Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ – 78  
 Увлод ибн Бухтунассар – 139  
 Улуғ Лав (Лев) – 129  
 Улуғ Феодосий – қаранг: Феодосий, Улуғ  
 Улуғ Тубба ибн ал-Ақран – 156  
 Умар қ. Умар ибн Ҳаттоб  
 Умар ибн Абдулазиз умавий халифа – 169  
 Умар ибн Саъд – 166  
 Умар ал-Форук – 165  
 Умар ибн ал-Ҳаттоб халифа – 67, 69, 79, 246, 406  
 Умму Айман – 161  
 Умму Кулсум, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари – 164  
 Умму Салама бинт Абу Умайя – 163  
 Усмон қ. Усмон ибн Аффон  
 Усмон ибн Аффон – 162, 167, 406  
 Утба ибн Ғазвон – 167  
 Уфрандию – 125  
 Ушанж – 133, 135  
 Ухарис – 127  
 Ал-Фазл ибн Жаъфар – 172  
 Файноуш ибн Кириш – 155  
 Фалес, Милетдан – 64, 230  
 Фалишжон – 157  
 Фамнувас – 124  
 Фаннус – 123  
 Фанна Хусрав ибн Самон ибн Кўҳий ибн Шерзил – 76  
 Ал-Фараж ибн Солиҳ ал-Бағдодий – 370  
 Фаридун – 260  
 Фаровак – 133

- Фаррухзод Хусрав – 148, 150  
 Форук – 246  
 Фасинохис – 126  
 Фасамус – 127  
 Фасаммус – 126  
 Фасамматиқус – 126  
 Фасаммусос – 127  
 Фасорон ибн Амр – 160  
 Фасусонис – 126  
 Феодосий, Буюк – 343  
 Феодосий, Улуғ – 129, 345, 346  
 Фетион, авлиё – 374  
 Феодосий, роҳиб – 343  
 Фёкла, шаҳид – 353  
 Феврония – 350  
 Фийшаҳарт – 160  
 Филипп, астроном – 304, 307, 319, 324  
 Филипп, Искандар Македонийнинг отаси – 75, 76, 127  
 Филипп, император, Румда – 127  
 Фиритиадас – 124  
 Феруз – 157  
 Феруз Дайламий – 157  
 Феруз, Ардашир ибн Бобак авлодидан – 152  
 Феруз, Жушанасбанда – 149  
 Феруз ибн Баҳром – 141  
 Феруз ибн Минузод – 148  
 Феруз ибн Хурмузон – 142  
 Феруз ибн Яздигард – 148, 149, 150  
 Феруз ибн Хурмуз – 142, 144  
 Фирун – 126  
 Фиръавн – 331  
 Фодарун – 238  
 Фока, шаҳид – 351  
 Фока, император – 130, 131  
 Фолиғ ибн Обир – 111  
 Фома, солиҳ – 350  
 Фотимаи Захро, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари – 400  
 Фотима Заҳҳок қизи – 164  
 Фудий – 385  
 Фулхерия – 129  
 Футафастис – 126  
 Фуқайма – 48  
 Хадича Ҳувайлид қизи, Пайғамбар алайҳиссаломнинг биринчи завжалари – 161, 162, 399



- Ал-Каражий, мунажжим – 284  
 Харитон, роҳиб – 353  
 Хинзируфур – 125  
 Хирмон – 147  
 Холид ибн Бармак – 69  
 Холид ибн Абдулмалик ан-Марваррудий – 190  
 Холид ибн ал-Валид – 165  
 Холид ибн Сафвон – 411  
 Холид ибн Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён – 354  
 Христиан ибн Синкила – 229  
 Христофор – 346  
 Хурзод ибн Дорбахор – 157  
 Хурзодоншаҳр – 157  
 Хурис ан-Нажроний – 338  
 Хуррахусрав ибн Марзубон – 157  
 Хурразодхусрав – 149  
 Хуршид ибн Зиёр – 250  
 Хуршид Мубад – 259  
 Хусрав – 143  
 Хусрав (I) Ануширвон – 68, 78, 139  
 Хусрав Парвез – 68, 134  
 Хусрав II – 139, 147  
 Хусрав ибн Ашконон – 142  
 Хусрав ибн Малозон – 142  
 Хусрав ибн Ферузон – 142  
 Хусрав ибн Кубод ибн Хурмуз – 148  
 Чехразод – 136, 137  
 Чиройли – 147  
 Аш-Шаъбий – 67  
 Шамкур ибн Анад – 114  
 Шаммар – 136  
 Шамс ал-Маолий қ. Қобус ибн Вашмгир  
 Шамуил – 332  
 Шаламания Маккабия  
 Шамъун, роҳиб – 349, 350, 351  
 Шамъун ибн Саббой – 346, 374  
 Шамъун ас-Сафо – 350, 379  
 Шарм қ. Салм  
 Шурахил ибн Жабала – 158  
 Шаҳрбароз – 130, 152  
 Шерзил акбар – Шероншоҳ ибн Шерафна – 76  
 Шилама, авлиё – 385  
 Шируя ибн Парвез – 148, 149  
 Шируя ибн Хурмуз – 152

- Шис ибн Одам – 111, 384  
 Шовул, Толут – 97  
 Шолиҳ ибн Арфахшад – 111  
 Шопур I ибн Ардашир – 147, 148  
 Шопур, подшоҳ – 240  
 Шопур ибн Ашк – 141, 142  
 Шопур ибн Ашкон – 142, 143  
 Шопур ал-Жунуд – 151  
 Шопур «Зулактоф» – қ. Шопур ибн Хурмуз Шопур ибн Шопур – 147, 149, 151, 167  
 Шопур ибн Хурмузд, «Зулактоф» – 148, 150  
 Шоҳдўст – 147  
 Шопури – 147  
 Элеазар ибн Фаррух – 96  
 Элеон – 114  
 Элулив – 125  
 Ал-Эроншаҳрий – 264  
 Эҳуд ибн Гира – 114  
 Юлиан – 130  
 Юлиана – 341  
 Юлиан, кофир – 129  
 Юлитга, Киряк онаси – 351  
 Юлиус Диктатур – 88  
 Юнон ибн Бурс – 66  
 Юнус, Пайгамбар алайҳиссалом – 124, 375, 396, 404  
 Юрьш ибн Ифрикис – 79, 156  
 Юстин – 129, 131  
 Юстиниан – 129, 130, 346  
 Юстиниан, бурни кесилган – 130  
 Юсуф ибн Илия ибн Мафат – 59  
 Юсуф ар-Рамасоний ал-Булавтий – 341  
 Юсуф ибн ал-Фазл – 365, 366  
 Юсуф ибн Ёқуб – 59  
 Юшаъ ибн Нун – 328, 331, 333  
 Юҳанна ал-Кашкароний – 374  
 Юҳанна кичик, марвлик – 351, 370, 378  
 Юҳанна, Инжил муаллифи – 128, 341, 349  
 Юҳанн ал-Маллафон – 378  
 Яздагон – 147  
 Яздонбахт, мажусий – 240  
 Яздигард ибн Баҳром «Гўр» – 147  
 Яздигард «Раҳмдил» – 148, 152  
 Яздигард «Раҳмсиз» – 149, 152  
 Яздигард I ибн Шопур – 71, 73, 84, 145, 147  
 Яздигард III ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвез – 66, 68, 132, 144, 148–150, 152, 165,

227, 246

Яздигард ал-Ҳизорий – 84

Ҳазид ибн Абдулмалик – 169

Ҳазид ибн ал-Валид ибн Ҳазид – 169

Ҳазид (лаънати) ибн Муовия – 169

Ҳазид ибн Муовия – 169

Ҳайрил Гиладид – 114

Ҳаксум ибн Ҳаксум – 157

Ҳарид ибн Маҳлоил – 111

Ҳажж – 75, 80

Ҳаруб – 155

Ҳақуб, алайҳиссалом – 241

Ҳақуб, биринчи епископ – 337, 342

Ҳақуб, Исонинг биродари – 344

Ҳақуб, парчаланган – 341

Ҳақуб ибн Исҳоқ ал-Киндий – 267, 301

Ҳақуб ибн Мусо Никрисий – 326

Ҳаҳаҳаз ибн Ҳошия – 115

Ҳаҳудо – 52, 59, 111, 113

Ҳаҳудо Искариот – 370

Ҳаҳақим ибн Ҳаҳаҳаз – 115

Ҳаҳузо – 241

Ҳаҳақин ибн Ҳаҳақим – 115

Ҳаҳурам ибн Ҳаҳашафат – 115

Ҳаҳашафат ибн Аса – 115

Ҳаҳе ибн Нуъмон, Насроний – 239

Ҳаҳе ибн Али ал-Анбарий – 293

Ҳаҳе ибн Закариё – 327, 343, 344

Ҳаҳе Муъмидон – 374

Ҳаҳе ан-Наҳвий – 280

Ҳаҳе ибн Халид ибн Бармак, Аббосий халифалар вазири – 69

Ҳазия ибн Амасия – 115

Ал-Қаддоҳ – 78

Қайнон ибн Ануш – 111

Қайсар I, Цезар – 66

Қайсар Диқив – 158

Қайсар Настас – 159

Қалаюс, Пифагорнинг шогирди – 234

Қарз ибн Каъб – 167

Қобил – 262

Қобус ибн ал-Мунзир – 160

Қобус ибн Вашмгир, Гургон амири – 174

Қорбикос ибн Фагак – 239

Ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ – 173

- Қохит – 110  
 Кубод – 78, 241  
 Кубод ибн Феруз – 147, 148, 149, 240  
 Кубод Шируя – 149  
 Кубод ибн Хусрав – 147  
 Курз ибн Жобир – 162  
 Курс (Луҳрасп) – 139  
 Кутайба ибн Муслим ал-Бохилий, имом – 74, 86  
 Газвин – 136  
 Гор – 135  
 Ҳабиб ибн Бихриз – 66  
 Ҳабиб ибн Маслама ал-Фихрий – 168  
 Ҳавво (Момо Ҳавво) – 132, 135, 140, 272, 405  
 Ҳаддод ибн Шароҳил ал-Ҳадҳод – 156  
 Ҳажжож ибн Юсуф – 400  
 Ҳазикил, (пайғамбар) – 351  
 Ҳазура, Аҳриман ўғли – 133  
 Ҳалима, Пайғамбар алайҳиссаломнинг энагалари – 161  
 Ал-Ҳаллож, Мансур – 245  
 Ал-Ҳамдакий – 384  
 Ҳамза – 90, 348, 404  
 Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний – 69, 90, 130, 137, 138, 141, 142, 146, 149–151, 242  
 Ҳамза ибн ал-Ҳусайн ал-Исфаҳоний – 137  
 Ҳанино ибн Тардиюн – 332  
 Ҳанна, ҳиндистонлик – 314  
 Ҳарон ибн Тараҳ – 229  
 Ҳарузо, Фаришта – 255  
 Ҳасан ибн Али, Пайғамбар алайҳиссаломнинг катта набиралари – 401  
 Ал-Ҳасан ибн Бувайҳ – 173  
 Ҳасан ибн Зайд ал-Алавий – 268  
 Ҳасан ибн Зайд ал-Бурқуий – 403  
 Ҳассон ибн Амр ибн Тубба – 156  
 Ҳассон ибн Тубба – 156  
 Ҳафса бинт Умар ибн ал-Ҳаттоб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири – 163  
 Ҳизиқия ибн Аҳаз – 115  
 Ҳимяр ибн Сабо – 156  
 Ҳирадус подшоҳ (Ирод) – 342  
 Ҳишом ибн Абдулмалик – 69, 169  
 Ҳишом ибн ал-Муғира ал-Маҳзумий – 72  
 Ҳишом ибн ал-Қосим – 132  
 Ҳобил (Одам ўғли) – 262  
 Ал-Ҳодий – 170  
 Ҳом ибн Нуҳ – 124

- Ҳомон – 329, 330, 334  
 Ал-Ҳорис ибн ал-Айҳам – 158  
 Ал-Ҳорис ибн Амр ал-Киндий – 160  
 Ал-Ҳорис ибн Жабала – 158  
 Ал-Ҳорис ар-Ройиш – 156  
 Ҳорис қизи Маймуна, Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидан бири – 163  
 Ал-Ҳорис ибн Саълаба – 158  
 Ал-Ҳорис ибн Ҳужр – 158  
 Ҳорон ибн Тараҳ – 229  
 Ҳорун ибн Имрон – 332  
 Ҳорун ибн Муҳаммад – 170  
 Ҳорун ар-Рашид, аббосий халифа – 170, 171, 172, 342, 398  
 Ҳошим ибн Ҳақим – 244  
 Ал-Ҳошимий – 364  
 Ҳубал, санам – 72  
 Ҳубасунбо – 147  
 Ҳужр ибн ан-Нуъмон – 158  
 Ҳузайма – 163  
 Ҳузайфа ибн Абад ибн Фуқайма ибн Адий ибн Омир ибн Саълаба ибн  
 Малик ибн Кинона – 48  
 Ҳумоий – 20  
 Ҳурмуз – 143  
 Ҳурмуз ибн Ануширвон – 148, 149, 150  
 Ҳурмуз ибн Балош – 142  
 Ҳурмуз ибн Нарси – 141, 144, 147, 149, 151  
 Ҳурмуз ибн Шопур ал-Жунуд – 147, 150, 151  
 Ҳурмуз (V) ибн Ҳусрав – 147  
 Ҳурмузон, форс – 67  
 Ҳурмузон ибн Балош – 142  
 Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг кичик набиралари,  
 Имом – 396, 401, 403  
 Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож, қаллоб – 245  
 Ҳусайн ибн Қосим – 248  
 Ҳушанг, Дахуфазлик – 258  
 Ҳушанг Пешдод – 269  
 Ҳуяйи ибн ал-Ахтоб – 236

## ГЕОГРАФИК ВА ЭТНИК АТАМАЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абаршаҳр, шаҳар – 310  
 Аббосийлар, араб халифалари сулоласи – 164, 165, 172, 173, 243, 247, 384, 398, 403  
 Абва – 161, 162  
 Абивард, шаҳар – 134  
 Абу Холид, дайр – 169, 375, 380, 382  
 Адан, шаҳар – 140  
 Адий, қабила – 161  
 Ажамликлар – 124, 155, 252, 264, 266, 282, 287, 298, 304, 314, 323, 413  
 Ажнодайн, шаҳар – 165  
 Азд, қабила – 158, 159  
 Азриот, шаҳар – 320  
 Айрон – 134, 135, 136  
 Айн ал-Варда, шаҳар – 166  
 Айн аш-Шамс, шаҳар – 170  
 Амалиқа – 114  
 Ал-Лон – 80  
 Амид – 166  
 Амударё – 244  
 «Анания» гуруҳи – 96, 97, 334  
 Анбор, шаҳар – 159  
 Андалус – 317  
 Андеш – 259, 359  
 Анс – 157  
 Ансорлар – 162, 167  
 Антакия – 166, 338, 341  
 Анқара – 168  
 Араб подшоҳлари – 69  
 Араб халифалиги – 70, 80, 108, 161, 164, 165, 168, 172–174, 243, 245, 247, 260, 284, 286, 290, 314, 319, 338–370  
 Арамийлар – 118  
 Арафот – 394, 405  
 Арманистон – 75, 168, 264, 353  
 Армения қ. Арманистон Асвон – 293  
 Асад ибн Абдулузза, қабила – 169  
 Аслам – 394  
 Асқалон – 167

- Афригийлар, сулола – 73, 74  
 Афасус, шаҳар – 339  
 Ашконийлар – 51, 141, 142–144, 146, 150–153, 239, 352  
 Аҳвоз – 167  
 Ашшурия – 122, 123, 125  
 «Аҳли китоб» – 111, 155, 179, 231, 361  
 Баълабак – 166, 230  
 Бадр – 103, 162, 398, 402, 403  
 Байт ул-Муқаддас – 53–55, 57, 58, 65, 75, 95, 96, 112–115, 125, 127, 128, 136, 153, 154, 162, 186, 190, 192, 229, 231, 325–328, 332, 333, 341, 344, 347–350, 352, 367, 370, 372–374, 384, 398, 401  
 Байтуллоҳ – 166, 400  
 Балинас, шаҳар – 335  
 Балх – 124, 229, 233, 277  
 Балқо, шаҳар – 72  
 Бану Аммуни – 114  
 Бани Исроил – 48, 53, 54, 56–58, 60, 75, 91, 96, 112–115, 121, 124, 127, 154, 325–334, 347, 363, 373  
 Бани Кинона – 48, 101, 161  
 Бани Лиҳён – 163  
 Бани Мустаълик – 163  
 Бану Мория ибн Калб – 413  
 Бану Мурра ибн Ҳаммом ибн Шайбон – 413  
 Бани Тамим – 243  
 Бани Умайя – 165, 168, 246  
 Бани Фазора – 163  
 Бани Ярбу – 72  
 Бани Қахтон – 73, 155  
 Бани Хузоа – 157, 163, 167  
 Бани Қурайза – 163  
 Браҳманлар – 234  
 Барбарлар – 75, 156  
 Барик, тоғ – 402  
 Барқа, шаҳар – 167  
 Басра, шаҳар – 168, 286, 403  
 Батнон – 385  
 Бағдод – 107, 118, 170, 171, 190, 217, 221, 245, 252, 253, 286, 314, 319, 370, 375, 387  
 Бинёмин қабиласи – 112, 113, 246, 329  
 Бобил – 53, 56, 57, 61, 66, 75, 79, 124, 125, 138, 145, 153, 231, 234, 238, 239, 248, 253, 266, 277, 284  
 Боб ал-Абвоб – 75, 80  
 Бобилликлар – 93, 125  
 Бомиеън подшоҳлари – 134  
 Бомиеън тоғлари – 311

- Ботиния – 241, 247  
 Бувайҳийлар, сулола – 76, 77, 119, 172, 173, 237  
 Булғор – 80  
 Бусра – 161, 308, 320  
 Бухоро – 134, 277, 278, 284, 301  
 Бухортэк, қишлоқ – 108  
 Бушанж – 254  
 Ваддон – 162  
 Ал-Варда – 166  
 Васонийлар – 384  
 Византия – 349  
 Восит – 231, 286  
 Гилон – 78  
 Гузгон – 134  
 Даба – 394  
 Дажла – 245, 252, 308, 319  
 Дайлафатон – 387  
 Дайр ал-Жабал – 386  
 Дайр ан-Нос – 374  
 Дайлам – 237, 245, 247  
 Дайр Айюб – 307  
 Дамашқ – 166, 190, 230, 246, 292, 343, 398  
 Дан уруғи – 114  
 «Дахрийлар» – 113, 116, 122  
 Дехистон – 134  
 Динори Розий – 272  
 Динор, пул бирлиги – 83, 330, 367  
 Дирҳам, пул бирлиги – 103, 107, 329, 370  
 Домдод, тоғ – 133  
 Доро шахри – 271  
 Думат ал-Жандал – 163, 393  
 Дунбованд – 61, 134, 253, 261, 269  
 Думо, Форсдаги тоғ – 252  
 Ёкубийлар (яковийлар) – 129  
 «Жабборлар» – 121, 122, 135, 239, 333  
 Жайй – 61  
 Жайхун, (Амударё) – 74, 308, 315, 319  
 Жалула – 166  
 Жаннат ул-Фирдавс – 248  
 Жафна ибн Амр – 157  
 Жаъфар, вилоят – 231  
 Ал-Жобия, шаҳар – 166  
 Жомида – 231  
 Жоҳилия араблари – 48, 98, 100, 108, 165, 181, 243, 391, 393, 395, 405



- Жудий, тоғ – 61, 396  
 Жундишопур, шаҳар – 239  
 Журжон – 119, 134, 270, 272, 290, 292, 416  
 Ал-Журжония – қаранг: Гурганч  
 Завзан, шаҳар – 243  
 Зайдий, шиалар – 106  
 Зайтун, тоғ – 367, 372  
 Замзам, Маккадаги муқаддас булоқ – 162, 246  
 Зангилар – 108  
 Занжон, шаҳар – 272  
 Заранж – 168  
 Зибованд – 135  
 Зот ар-Риқоъ – 163  
 Золик, шаҳар – 168  
 Зоҳид – 160  
 Зумайл – 160  
 Зулмажоз – 394  
 Зуфар, ўлка – 235  
 Зу Қарад – 163  
 Зу Қар – 378  
 Зухра, сайёра – 116, 215, 230  
 Зухра дарвозаси – 230  
 Ибр денгизи – 242  
 Ибронийлар, – 48, 90, 233, 242  
 Ибронийча – 91, 215, 370  
 Илиус – 123, 215  
 Ироқ – 75, 97, 124, 135, 136, 141, 143, 146, 159, 160, 165, 211, 231, 237, 242, 287, 289, 337, 384, 416  
 Искандария – 47, 65, 75, 134, 161, 291, 304, 338, 341  
 Испаҳбадон, дара – 290  
 «Искандаронлик»лар – 65  
 Исмоил авлодлари, арабларда – 56, 72  
 Исфаҳон – 61, 146, 167  
 Ифраим авлоди – 114  
 Ифрикия (Тунис) – 156, 167, 168  
 Йармуқ – 401  
 Каёнийлар – 124, 135–138, 229, 263  
 Калвозо – 252  
 Калдонийлар – 392, 393  
 Канъон – 112, 205  
 Караж – 269  
 Карбало, шаҳар – 169, 396  
 Кеш, шаҳар – 244  
 Каъба – 72, 73, 161, 162, 230, 246, 400, 401, 404

- Ал-Каҳҳол – 375, 380, 382  
 Кимак, турклар – 311  
 Кинона, қабила – 48, 101, 161, 236  
 Кисролар, Сосоний шоҳлар – 78, 83, 130, 134, 146  
 Кобул – 134  
 Ковакимардон, қишлоқ – 244, 311  
 Козий, дайр – 387  
 Коми Феруз – 271  
 Константинопол – яна қаранг: Қустантания  
 Кумужкат, қишлоқ – 278  
 Кушан – 113  
 Кувсо ариғи – 239  
 Кўфа – 61, 107, 159, 166, 167, 168, 246, 400  
 Кўк денгиз – 75  
 Лаҳмийлар, араб қабиласи – 73, 159, 160  
 Лўт қавми – 113, 328  
 Маадд, қабила – 159  
 Мадина – 101, 161, 162, 164, 165, 396, 397, 399, 406  
 Моваб – 114  
 Мадян – 114  
 Мадинат-ус-салом (Бағдод) – 107, 190, 217, 249, 338, 396  
 Ал-Мадоин – 166  
 Мажусийлар – 70, 71, 132, 133, 181, 227, 231, 233–235, 238, 239, 240, 244, 247, 252, 273, 277, 279, 337, 343, 344, 351, 384, 388, 402  
 Ал-Мазор, вилоят – 165  
 Майсон, вилоят – 167, 415  
 Македония – 127  
 Македонияликлар – 65  
 Макка – 67, 68, 72, 101, 161–163, 165, 169, 246, 395, 398, 402, 403, 405  
 Манбиж – 322  
 Манкур, тоғ – 311  
 Мансур, шаҳар – 303  
 Мапсуэста – 346  
 Марв – 134, 167, 168, 170, 244, 338, 350  
 Марв аш-Шоҳижон – 68  
 Марвон авлоди – 164, 165, 169, 170  
 Марям черкови – 374  
 Мардин, қишлоқ – 239  
 Ал-Масийса – 246  
 Машрик – 75  
 Мағриб, Тунис ва Марокаш – 61  
 Мағрибликлар – 61, 109, 124, 334  
 Маъжуж – 75, 80  
 Меликийлар – 337, 338, 353, 372–376

- Меҳржон – 251, 253, 260, 261, 280, 311, 323  
 Мина – 215, 280, 341  
 Миср – 54, 57, 61, 65, 66, 75, 91, 112, 114, 115, 122, 126, 134, 167, 285, 287, 290, 306, 326, 337, 363, 371  
 Мисрликлар – 47, 87, 91, 108, 230, 238, 344, 345  
 Михрон – 67, 166  
 Музокия уруғи – 157  
 Мовароуннаҳр – 84, 245, 277  
 Мондеш, қишлоқ – 259  
 Монийчилар – 402  
 Моҳ – 81  
 Мосул – 122, 123, 234  
 Музайқия уруғи – 157, 158  
 Мулук ат-Тавойиф – 51  
 Ал-Мусталиқ – 394  
 Муслмон араблар – 159  
 Муслмонлар – 38, 39, 43, 74, 98, 100, 103, 104, 107, 154, 162, 164, 165, 222, 236, 278, 326, 327, 337, 340, 347, 361, 395, 401, 435  
 Мўбад – 69, 70, 138, 142, 149, 150, 250, 253, 256, 258–260  
 Ал-Мушаққар – 58  
 Ал-Мухаррам, Бағдод маҳалласи – 118  
 Набулус – 58  
 Нажд, (Арабистондаги вилоят) – 394  
 Нажрон, (Арабистондаги вилоят) – 167, 404  
 Назир авлоди – 156  
 Найсабур – каранг: Нишопур  
 Насаф – 244  
 «Наснослар» – 75, 156  
 Насо – 240  
 Ан-Наот – 394  
 Наҳравон – 168  
 Несторийлар – 337, 338, 346, 350, 353  
 Никея – 129  
 Нил – 285, 295, 306, 308, 314, 315  
 Ниневия, шаҳар – 123  
 Нисибин, шаҳар – 167  
 Ниҳованд, шаҳар – 167  
 Носира, Исо туғилган қишлоқ – 242  
 Нишопур – 168, 243, 244, 352  
 Нуба – 134  
 Нухайл – 166  
 Од қавми – 122, 301  
 Озарбайжон – 80, 167, 233, 234, 253  
 Озархуро – 270, 271

- Ой Санами – 230, 387  
 Омул – 259  
 Оташпарастлар – 51, 53, 58, 60, 68, 84, 132, 140  
 Пешдодийлар – 47, 134, 135, 137, 138, 229  
 Пётр, епископ – 341  
 Птолемейлар, сулола – 57, 68, 122, 125, 127, 128  
 Раббонийлар, яҳудийларда – 95, 96, 97, 335  
 Рай, шаҳар – 409  
 Ар-Робия – 394  
 Ар-Ракка – 166  
 Ромин, орол – 416  
 Рум (Рим) – 61, 62, 71, 72, 85, 107, 129, 139, 144, 151, 159, 161, 163, 273, 320, 324, 325  
 Рум подшоҳлари – 66, 75, 122, 130, 134, 158, 242, 312, 328, 332, 337, 339, 340  
 Ромуш – 263  
 Румликлар – 41, 47, 48, 51, 70, 71, 87–90, 97, 98, 108, 109, 127, 130, 142, 151, 153, 154, 165, 166, 168, 180, 184, 200, 218, 219, 220, 230, 234, 284, 285–287, 293, 296, 297, 299, 317, 324, 337, 339, 342, 343, 362, 368, 386, 392, 393  
 Ар-Руха, шаҳар номи – 166, 346  
 Савод – 97, 231  
 Сабир, тоғ – 405  
 Сабзаруд, кўл – 310  
 Самарийлар, яҳудий қавми – 58, 59, 95  
 Саламия – 320  
 Саламсин – 230  
 Самарқанд – 80, 240  
 Самуд қавми, самудийлар – 102, 108  
 Санъо – 74, 394  
 Саолиб дайри – 324, 375, 381, 383  
 Саруж – 385, 388  
 Сарандиб, (Цейлон) – 119, 140, 416  
 Сарахс, шаҳар – 134, 168, 174  
 Сарир – 134  
 Сижистон – 290, 403  
 Сижистонликлар – 81, 109  
 Сила, анҳор – 231  
 Синий, дайри – 387  
 Сино, тоғ – 56, 331, 343  
 Сированд, қишлоқ – 243  
 Сиффин – 401, 168  
 Славян – 131, 134  
 Собийлар – 53, 229–231, 240, 253, 384–386, 388–390, 402  
 Ас-Собот – 160  
 Сова, жой номи – 258  
 Саир – 56

- Сомонийлар – 173  
 Сосонийлар, Эрон подшоҳлари сулоласи – 134, 182, 247  
 Сулайм, қабила – 163  
 Сурён, Сурия – 134  
 Суристон – 97, 242  
 Сурёнийча – 53, 55, 284, 316, 317, 354, 356, 359, 56, 215  
 Сурияликлар – 93, 108, 248, 381, 383  
 Сурра Ман Раа – 117  
 Суруж – 166  
 Суғд – 47, 84  
 Суғдча – 283  
 Суғдлар – 85–87, 109, 227, 277–279, 283  
 Табария – 335  
 Табаристон – 78, 134, 167, 222, 257, 258, 268, 290  
 Табасайн – 168  
 Табук – 164  
 Талликон – 245  
 Тохаристонликлар – 259  
 Тағлиб (қабила) – 73  
 Телл Маузан – 166  
 Термиз – 134  
 Тибат, Тибет – 108, 240, 319  
 Тинчлик шаҳри – қаранг: Бағдод  
 Тиннис – 295  
 Ат-Тих, Сино ярим оролидаги саҳро – 91, 112, 114, 326, 332  
 Тихома – 72  
 Тоиф – 162, 164  
 Тоқ тоғи, Табаристонда – 290  
 Турклар – 80, 109, 134, 135, 240, 244, 248, 265, 279, 290, 311  
 Тус – 170, 272, 310  
 Тустар – 329  
 Тўққиз ўғуз турклари, тўғўзғузлар – 134  
 Унришалим – қаранг: Байт ул-Муқаддас  
 Укайл, қабила – 394  
 Укоз – 161, 394  
 Умавийлар, сулола – 131, 164, 316, 396  
 Урдун дарё – 343, 367  
 Усрушона, ўлка – 134  
 «Устун дарвозаси», Байт ул-Муқаддасда – 352  
 Усфон – 163  
 Ухуд, тоғ – 163, 404  
 Фавор, тоғ – 351  
 Фаластин – 58, 114, 123, 127, 128, 165, 320  
 Фарғона – 119, 134, 258, 290

- Фаҳла – 271  
 Фишти, яъни фаластинликлар – 114  
 Фирот – 167, 308, 398  
 Фихл – 165  
 Ал-Фир, қалъа – 74  
 Форс – 47, 76, 81, 133, 135, 136, 141, 146  
 Форслар – 41, 47, 51, 53, 60, 61, 62, 67–71, 73, 76, 77, 81–87, 90, 98, 108, 109, 126, 127, 131–135, 138, 140, 142, 145–147, 151–155  
 Форсча – 64, 85, 124, 136, 139, 182, 215, 245, 251, 255, 271  
 Форс подшоҳлари – қаранг: Эрон подшоҳлари  
 Фирдавс – 140, 248  
 Форон – 56  
 Ал-Фирот, вилоят – 167  
 Ал-Фустати, Мисрда – 290  
 Хаварнак – 159  
 Хавоф – 243  
 Хазар – 80, 108, 134  
 Хазраж, қабила – 72  
 Хазрамавт – 394  
 Халифалик – 70, 80, 164, 168, 173, 243  
 Хитой – 75, 134, 240, 243, 294, 304  
 Хитой денгизи – 291  
 Хитойликлар – 61, 319, 323  
 Хоразм – 47, 74, 78, 84, 85, 132, 134, 221, 279, 289, 299, 304, 337, 346  
 Хоразмийча – 215, 283  
 Хоразмликлар – 73, 74, 86, 87, 109, 227, 279–284  
 Хоразмшоҳ – 134, 284, 285  
 Христианлар – 48, 50–60, 62, 97, 98, 103, 110, 111, 122, 140, 184, 195, 204, 222, 230, 238, 239, 240, 294, 327, 337, 339–343, 346, 347, 348, 350, 352–358, 360–363...  
 Хузистон – 242, 346  
 Хузоа – 157, 167  
 Хуросон – 75, 78, 97, 173, 231, 237, 247, 254, 258, 259, 261, 263, 272, 337, 338, 341, 344, 346, 349  
 Хуросонликлар – 231  
 Хуросон подшоҳлари – 78, 254, 261  
 Хусравлар – 73, 74, 78, 153, 154, 159, 227, 256, 260  
 Хўтан – 319  
 Цезарлар (Қайсарлар) – 66, 73, 127, 128, 134, 148, 158, 159, 163, 166, 339  
 Шаманийлар – 231, 232  
 Шаммо, қабила – 329  
 Шарвин – 152  
 Шарқий денгиз – 134  
 Шаҳин тоғи – 260  
 Шероз – 82, 263, 273

- Шиалар – 106, 349, 396  
 Ширвон – 78, 134  
 Аш-Шихр – 394  
 Шом – 57, 58, 61, 75, 87, 97, 98, 135, 157–159, 161, 242, 246, 289, 307, 337, 384  
 Шопур, шаҳар – 132, 167  
 Шош – 134  
 Элия – 58, 341, 342, 353, яна қаранг: Байт ул-Муқаддас  
 Эрон – 65, 68, 69, 70, 71, 75, 78, 84, 136, 144, 146, 238, 263  
 Эронликлар – 137, 143, 151  
 Эрон подшоҳлари – 68, 69, 138, 139, 144, 242  
 Эроншаҳр – 255, 257, 261, 270, 271  
 Эроншаҳрликлар – 265  
 Эҳром – 395  
 Юнонлар – 109, 124, 154, 230, 232, 234, 267, 327, 335, 392, 393  
 Юнон – 58  
 Юнон мамлакати – 65  
 Яман – 74, 79, 80, 154–158, 160, 289, 310, 318, 409, 415  
 Ямома, шаҳар – 119, 242, 243, 394  
 Ярмуқ – 401  
 Яъжуж – 75  
 Яхудийлар – 75, 90–98, 101, 108, 110–114, 153, 154, 157, 167, 172, 179, 184–190, 192, 195, 200, 201, 204, 205, 208, 209, 211, 212, 215–218, 222, 230, 236, 241, 246, 249, 297, 324–335, 344, 350, 352, 354, 355, 356, 360, 363, 366–368, 370, 371, 385, 386, 388, 396–398, 401, 417  
 Яхудийча – 64, 92, 396  
 Яхудийлар пасхаси – 184, 354–356, 366, 368  
 Ўғуз турклар – 134, 279, 311  
 Қадисия Дайри – 375  
 Қабилалар подшоҳлари – 143  
 Қайравон – 348  
 Қайсария – 166, 357  
 Қаламис – қ. Кинона  
 Қанауж – 134  
 «Қаройлар» гуруҳи – 96  
 Қард, шаҳар – 167  
 Қаҳтон – 73  
 Қибрис, Кипр – 167  
 Қибтлар – 47, 73, 75, 87, 88, 109, 285–299, 303–308, 312–324, 392  
 Қибт подшоҳлари – 122, 126, 134  
 Қизил денгиз – 112  
 Қиннасрин – 167  
 Қуддус – қаранг: Байт ул-Муқаддас  
 Қудр – 163  
 Қумм, шаҳар – 270

- Қурайш, қабила – 72, 161, 162  
 Қўстанғания – 47, 129, 130, 147, 166, 242, 338, 339, 342, 345, 346  
 Қўҳистон – 168  
 Ғадир Ҳумм – 406  
 Ғарб – 68, 88, 236, 248, 410, 412, 414, 431, 432  
 Ғарчистон – 134  
 Ғассония – 158  
 Ғумдон – 74  
 Ғабаш, мамлакат – 108, 134, 308  
 Ғабашистон – 164  
 Ғабашлар – 72, 157, 158, 235, 394  
 Ғавозин, қабила – 394  
 Ғажр, жой – 248, 394  
 Ғазраж – 72, 398  
 Ғайбар – 365, 394  
 Ғанифлар – 238, 384  
 Ғамадон – 160, 167  
 Ғарронликлар – 65  
 Ғаррон – 229, 230, 233, 234, 386, 388  
 Ғарронийлар – 48, 65, 384, 388, 402  
 «Ғашвийлар» – 113, 252  
 Ғижоз – 112, 167, 287, 289, 416  
 Ғизор – 84  
 Ғимяр, қабила – 72, 73, 79, 119, 155, 156, 157, 235  
 Ғимс – 166  
 Ғиндистон – 75, 229, 231, 234, 238, 240, 270, 314, 350  
 Ғиндлар – 49, 61, 62, 89, 90, 109, 120, 121, 232, 240, 305, 323, 407–409, 413  
 Ғиндча – 215  
 Ғира – 73, 159, 160, 341, 378  
 Ғирот – 168, 290  
 Ғомин – 260  
 Ғулвон – 61  
 Ғошим авлоди – 162, 401  
 Ғунайн, қабила – 164  
 Ғузайл – 164



**МАТЕМАТИК ВА АСТРОНОМИК АТАМАЛАР КҮРСАТКИЧИ**

- Аб – 90, 98, 108, 200  
 Абиб – 87  
 Абрир – 88  
 Авво, юлдуз – 282, 283, 409  
 Август эраси – 25, 66, 178, 180, 220  
 Авмири – 86, 280, 281  
 Ағустус – 88, 109, 219  
 А-д-и-д – 215  
 Адил – 99  
 Аётрим гоҳ – 257  
 Ажгар – 279  
 Азар – 90, 91, 217, 219, 248, 297, 300, 301, 303, 304, 306, 336, 344  
 А-з-в-п-ч-р – 215  
 Азор – 98  
 Азмин – 86  
 Азро, каранг: Сунбула – 282  
 Айлул – 90, 98, 109, 184–186, 195, 200–203, 211, 216, 217, 219, 286, 290, 318, 322, 323, 333, 352, 367, 374–377, 381, 383, 388, 390, 392, 393, 397, 412, 413, 423, 424, 425  
 Айёр – 98  
 Айяр – 98, 109, 219, 312, 346  
 Амро – 215  
 Амшир – 87  
 Анво – 282  
 «Андаргоҳ» – 82  
 Андромеда – 430  
 Анжун – 85  
 Анирон – 82, 270, 274  
 «Аниқланган кунлар» – 179, 180, 181, 284  
 Антонин эраси – 66, 177, 180, 220  
 Апогей – 208, 210, 217, 305  
 Апогей ҳаракати – 301  
 Апрель – 89  
 Араб эраси – 182  
 Ал-Арбао – 103  
 Арв – 86, 109, 280  
 Ард – 82  
 Ардамбиш – 85

- Ардахушт – 85  
 Ардушт – 86  
 Арзах – 85  
 Ариё – 215  
 Арий – 215  
 А-р-н-ғ-з – 217  
 Аршаман – 281  
 Аруба – 103  
 Ал-Асад – 215  
 Ал-Асамм – 99  
 Асбтмн – 83  
 Асмон – 82, 86, 274  
 Астоз – 85  
 Астролог – 113, 116, 117, 120, 145, 146, 234, 236, 238, 281  
 Астрология – 32, 236  
 Астрономия – 49, 89, 104, 107, 238  
 Астрономик кузатиш – 62, 89, 174, 184  
 Астурлоб – 426  
 Асфандмуз – 82  
 Асфандгоҳ – 82  
 Асфандлез – 82  
 Асфандмузгоҳ – 82  
 Атас – 85  
 Атур – 87  
 Афифи – 87  
 Ахир – 86  
 А-х-и-р – 215  
 Ахшриври – 86, 109  
 Ахштр – 82  
 Аштваз – 82  
 Аштоз рўз – 257, 262  
 Аштвз – 83  
 Аштвзгоҳ – 82  
 Аштодгоҳ – 82  
 Аштоз – 82, 86, 274  
 Ал-Ашфор – 416  
 Ал-Акраб – 215  
 Акрабо – 215  
 Акруб – 215  
 Ағуст – 88, 109  
 Ағустус – 88, 109, 219  
 Ағуқарус – 215  
 Ал-Аҳад – 103  
 Аҳанваз – 82  
 Аҳандгоҳ – 82

- Аҳван – 103  
 Аҳнвзгоҳ – 82  
 Баворих – 286  
 Ал-Балда – 418, 423  
 Банот наъш, юлдуз туркуми – 286  
 Бармахут – қаранг: Фармахут  
 Бара – 215  
 Баро – 103  
 Басок – 109, 278  
 Басоканж, сугд ойи – 85  
 Батн ал-Хут – 283, 419, 421, 430  
 Б-р-ҳ-с-б-ти – 215  
 Баталто – 215  
 Батулу – 215  
 Бауна – 87  
 Бауни – 109  
 Бахун – 87  
 Башнас – 87  
 Башондас – қаранг: Башнас  
 «Ал-бақт» – қаранг: кабиса йили  
 Баҳий – 215  
 Баҳман – 134, 274  
 Баҳман моҳ – 109, 179, 268, 269, 275  
 Баҳорги тенгкунлик – 83, 89, 109, 207, 210, 211, 254, 360, 413  
 Баҳром – 82, 215, 274  
 Беҳештгоҳ – 82  
 Беҳруз – қаранг: Анирон  
 Бидра – 179  
 Бийз, самудийларда – 102  
 Бил – 215  
 Биринчи Азар – 91, 201–203, 297  
 Биринчи Фарғ – 419  
 Бод – 82, 270, 274  
 Буос куни – 72  
 «Бош» – 116  
 Бурак – 99, 100, 108  
 Бурж – 46, 283, 289, 297, 312, 321, 344, 345, 360, 386, 388, 389, 392, 399, 407–410, 413, 414, 416–419, 421, 422, 432  
 Ал-Бутайн – 422, 424, 428  
 Бухтунассар эраси – 178  
 Ал-Вабр – 300  
 Ванозун – 85  
 Вахашгар – 85  
 Вақр – 179  
 Вақт тенгламаси – 42

- «Видолашув ҳажи» (йили) – 24  
 В-в-ф-и-к – 215  
 Виршачика – 215  
 Воз – 85, 86  
 Воғил – 99  
 Вҳствшт – 83  
 Вҳвхштр – 83  
 Вҳвхштргоҳ, – 82  
 Вҳашхтвиштгоҳ – 82  
 Вҳввхштр – 82  
 Вҳшт бихишт – 82  
 Геометрия – 89, 253, 256, 263, 349, 414  
 Гипотенуза – 209  
 Гов – 215  
 «Гоҳанбар» – 257  
 Дабир – 102  
 Ад-Дабарон – 408, 415  
 Дай бадин – 82, 86, 263, 274  
 Дай баозар – 81, 86, 274  
 Дай бамехр – 81, 86, 274  
 Дай Моҳ – 81, 109, 161, 180, 250, 264, 275, 399  
 Даймур – 102  
 Ад-Далв, бурж – 215  
 Дамбриус – 219  
 Даодий, самудийларда – 103  
 Даража – 66, 74, 92, 105, 116, 133, 134, 136, 144–146, 155, 175  
 Даст – 85  
 Даҳимбар – 88  
 Д-в-р – 215  
 Дельфин, юлдуз – 347  
 Дзв – 86  
 Дзу – 86  
 Дембриус – 109  
 Дин – 236  
 Дивиму – 236  
 Дилу – 215  
 Диний – 86, 251, 261, 281, 338  
 Доира – 41, 43, 90, 185, 190, 411, 414, 426, 427, 431–434  
 Дохис ва Ал-Ғабро куни – 72  
 Др-м-ч-ик – 215  
 Дубор – 103  
 Дул – 215  
 Дуло – 215  
 Дупайкар – 215  
 Дура, самудийларда – 102

- Дуғ – 215  
 Дҳану – 215  
 Ер – 69, 75, 81, 106, 107, 112, 116, 120, 124, 134, 138, 159, 205  
 Ернинг обод қисми – 84  
 Ернинг одамлар яшайдиган чораги – қаранг: Ернинг обод қисми  
 Ер экватори – 426  
 Ёзги Қуёш туриши – 96, 207, 227  
 Ёноҳн – 86, 109  
 Ёноҳн фохрсон рочибак – 86  
 Ёноҳун – 280  
 Ёриткич – 42, 43, 62, 64, 66, 282, 286, 287, 335, 360, 371, 372, 388, 389, 399, 402, 408, 410, 413, 414, 421, 427  
 Ёриткич даражаси – 62, 64  
 Ёриткич ҳаракати – 64, 208  
 Жаббор – 239, 282, 333, 415, 424  
 Ал-Жабҳа – 424, 428, 410, 416, 422  
 Ал-Жавзо – 215  
 Ал-Жадий – 215  
 Жаҳинар – 85  
 Живард – 85  
 Жизи – 86  
 Жимда – 85, 109, 278  
 Жимданж – 85  
 Жиржин, сугд оии – 85, 109  
 Жири – 109  
 Жири форозок – 86  
 Жумодилохир – 98, 109, 225, 391, 400  
 Жубор – 103  
 Ал-Жумъа – 103  
 Заббо – 99  
 Замон – 186, 190, 227, 230–232, 238, 239, 241–243, 245, 250, 251, 254, 255, 257  
 Зиж – 62, 65, 66, 68, 90, 104, 106, 110, 174, 179, 181, 182, 221–223, 227, 250, 251, 305, 323, 364, 365, 367, 385, 392, 421, 427  
 З-н-и-к – 215  
 Зовус – 215  
 Зомиёд – 274  
 аз-Зубонайн – 416, 422  
 аз-Зубра – 416, 422, 424, 429  
 Зулам, самудийларда – 103  
 Зулқаъда – 98, 99, 108, 215, 225, 391, 392, 394, 395, 402, 404, 405  
 Зулҳижжа – 98, 99, 108, 225, 391, 392, 394, 395, 404, 406  
 Зухал – 61, 62, 116, 119, 152, 215, 230, 268, 365, 386  
 аз-Зухра – 215  
 Зуғос – 215  
 Иббур йили – 91, 93, 192, 201–204, 329, 336

- Идрихус – 215  
 Икки Бузоқ – 159  
 Икки [энг ёруғ] ёриткич – 187, 194, 229, 248, 335, 389, 413  
 Иккинчи Азар – 91, 201, 202, 203  
 Иккинчи Фарғ – 419, 420  
 Ал-Иклил – 418, 423, 424, 429  
 Иксиюс – 215  
 Илиус – 215  
 Искандар эраси – 51, 52, 54, 55, 60, 62, 65–67, 73, 74, 144, 145, 146, 153, 176, 180, 181, 182, 184, 185, 187, 195, 198, 216, 218, 220, 239, 247, 267, 284, 319, 344, 345, 354, 355, 358, 359, 363, 365, 366, 389, 398, 415, 419, 421  
 Ал-Иснон – 103  
 Исфандаражи – 109  
 Исфандормажи – 86  
 Исфандормажи фвхшвм – 86  
 Исфандармуз – 81, 109, 257, 268, 271–274  
 Исфандармуз моҳ – 81, 109, 271, 272, 273  
 Исфандармуз рӯз – 272  
 Исқарбюс – 215  
 Ияр – 90, 108, 109  
 Йил – 50–55, 59–70, 72–74, 81, 83–94, 268, 273, 277, 278, 284, 286–289, 294, 296, 297, 300, 301, 304, 315–324  
 Йил қунлари – 82, 83  
 Йил ҳисоби – 49, 50, 67, 68, 72, 73, 75, 81, 95, 112, 141, 144, 146, 150, 166, 239  
 «Йиқилаётган қозик» – 119  
 Йиғинди – 144, 175, 176, 187, 209, 210, 211, 218, 220, 221, 225  
 Кабиса – 68, 70, 71, 84, 87, 88, 227, 228, 250, 251, 252, 261, 263, 269, 277, 284, 286, 297, 300, 304, 356, 365, 368, 369, 378  
 «Кабиса ийди» – 83  
 Кабиса йили – 71, 81, 83, 88, 91, 109, 112, 145, 227, 323, 356, 361, 363, 368, 369, 378  
 Ал-Кабш – 216  
 Каж пушт – 81, 109  
 Каждим – 215  
 Кажшин – 109  
 Кази – 215  
 Казиё – 215  
 Кайвон – 215  
 Ал-Калб ал-Акбар, юлдуз – 254  
 Калб ал-Мутақаддим – 415  
 Катта Айиқ, юлдуз туркуми – 417  
 Канун ҳрой – 98, 218, 219, 295, 297, 342, 363, 364, 366, 367, 374, 376, 381, 383, 385, 386, 390, 393, 422, 423, 425  
 Канун қадим – 98  
 Канья – 215  
 Каркарта – 215

- Карконас – 215  
 Каср – 46, 47, 70, 89, 90, 91, 92, 146, 184, 190, 195, 201, 217, 218, 221, 225, 226, 237, 240, 395  
 Катта доира – 41, 427, 431, 432  
 Катта Ит – 318  
 Катта Меҳржон – 261  
 Катта Наврўз – 254, 277  
 Кашто – 215  
 Каъба бино қилиниши эраси – 72  
 «Каъбани таъмирлаш» йили – 72  
 Квоз – 81, 109  
 Кенглама – 104, 105, 186, 192, 234, 235, 237, 253, 305, 361, 416, 427, 428, 431–433  
 Кеча – 105, 106, 186, 187, 192, 193, 195, 211, 212, 216, 217, 234, 243, 252, 256  
 Кеча боши – 43, 187, 211  
 Кеча-кундуз – 291, 301, 305  
 К-и-б – 215  
 Киёк – қаранг: Кайҳак  
 Кислев – 90, 94, 108, 200, 201–203, 327  
 Кичик доира – 46  
 Кичик кабиса – 88  
 Кишт – 215  
 Киху ҳамму – 212, 213–215  
 Коваш – 215  
 Канун аввал – 292  
 Канун охир – 181  
 Концентрик айлана – 209  
 Крунас – 215  
 Қринос – 215  
 Қувак – 87  
 Қумбҳа – 215  
 Қун – 209–216  
 Қун ботиши – 41, 43, 46  
 Қун чиқиши – 46  
 Қундуз – 44, 46  
 Қундуз боши – 42, 43, 46  
 Қундуз охири – 44  
 Қундуз ярми – 190, 192, 193, 217, 233, 275, 323, 402  
 Қундуз ярми доираси – 42, 43  
 Қунлик доира – 42  
 Қўпайтириш – 35, 176  
 Лабанах – 109  
 Леон – 131, 215  
 Лифона – 212  
 Мавҳо – 102  
 Мажиханда, суғд ойн – 85, 109, 273

- Мажусийлар эраси – 181  
 Мазрис ва Муаббис куни – 72  
 Майус – 88, 109  
 Макара – 215  
 Макир – 87, 109  
 Манзил ботиши – 422, 423, 424  
 Манзил чиқиши – 101, 286, 287, 409, 410, 417, 419  
 Марса – 88  
 Мартиус – 88, 109  
 Мархешвон – 90, 94, 108  
 Масафуғ, суғд оyi – 85, 248  
 Масури – 87, 109  
 Мах – 85  
 Махаш – 85  
 Махраж – 195, 221  
 Мая – 88, 109  
 Меридиан доираси – 43  
 Мезон – 91, 209, 215, 282, 399, 418, 419, 431  
 Мехржон – 251, 253, 260, 261, 280, 311, 323  
 Мехр моҳ – 81, 109, 250, 260, 275, 278  
 Мехр-Хуршид – 215  
 Мзвр – 81, 109  
 Ал-Мезон, бурж – 215  
 Мина – 215  
 Мирзадах – 85  
 Миррих, сайёра – 215, 248, 268, 365, 386, 415  
 Мехр – 82, 109, 250, 260  
 М-н-к-л – 212, 215  
 Мозим – 22, 215  
 Морасфанд – 82, 274  
 Мососо – 215  
 Мосури – каранг: Мусри  
 Мохард – 85  
 Моҳ – 85  
 Мридад – 85  
 Мризво – 109  
 Мрсбнд – 86  
 «Мувофиқ назар» – 116  
 Мужиб – 102  
 Мужир – 102  
 Мунажжим – 116, 152, 153, 172, 237, 239, 246, 267, 281, 284, 286, 338, 340, 371  
 Мурдод – 109, 259, 274  
 Мурдод моҳ – 81, 259, 274  
 Мурид – 102, 108  
 Мусбил – 102, 108



- Музаним – 215  
 Мулзим – 102, 108  
 Мурдодагон – 259  
 Мусдир – 102, 108  
 Мусо эраси – 66  
 Мусри – 87, 88  
 Муънис – 103  
 Ал-Муътазид Биллох эраси – 47, 69, 182, 284  
 Ал-Муътамир – 99, 300  
 Муштарий – 61, 62, 116, 215, 230, 237, 247, 254, 267, 268, 365  
 Муштарийнинг «шарафи» – 84  
 Мухаррам, ой – 70, 84, 98, 100, 101, 102, 118, 161, 165, 181, 182, 220–226, 391, 394, 395, 397, 398  
 Ан-Наъоъим – 418, 424  
 Муҳок, самудийларда – 103  
 Ан-Наъоъим ал-Ворида – 429  
 Ан-Наъоъим ас-Сорида – 429  
 Набвард – 85  
 Набонассар эраси – 62, 64  
 «Нав» – 287, 288, 296, 304, 306–308, 312, 313, 315, 321–324  
 Навамбриус – 88, 109  
 Наврӯз – 69–71, 90, 103, 109, 182, 227, 251–256, 261, 265, 270, 276, 277, 285, 305, 314  
 Навсард, суғд оёи – 85, 109, 227, 277  
 Навсаржи – 86, 109, 227, 279, 281, 284  
 Найсан – 336  
 Ан-Насра – 282, 416, 422, 424, 428  
 Нарғал – 215  
 Наханд – 85  
 Наҳир – 103  
 «Наҳс сайёра» – 116  
 Нимҳоб – 284  
 Нисан – 85, 89–91, 97, 108, 109, 161, 202, 203, 208, 211–214, 217, 219, 278, 284, 306  
 Нисан, ибронийларда – 89, 184, 200, 207, 208, 211–214, 217, 219, 317, 331, 362  
 Нисанж, суғд оёи – 85  
 Нисон – 89, 109, 330, 345, 355, 356, 358, 359, 362, 367, 368, 374, 387, 388, 389, 390, 393, 397, 399, 422, 424, 425  
 Нифу – 215  
 Ножир – 99  
 Нофик – 99  
 Нокис йил – 194, 195, 327, 328, 335, 365, 366  
 Ноҳуд – 215  
 Ноҳич – 215  
 Нуванбар – 88  
 Нуфал, самудийларда – 102  
 Нушинад – 85

- Нугар – 85  
 Нуғаҳ – 212–215  
 Об – 367  
 Обон – 81, 274  
 Обон моҳ – 71, 81–84, 109, 227, 228, 261, 262, 268, 269, 274, 275, 277, 302  
 Обонж, суғд оyi – 85, 278  
 Оддий йил – 97, 109, 185, 187, 193, 200–203, 216, 304, 329, 335, 336, 355, 356, 359, 361–363  
 Озар – 329, 330, 355–360, 362, 365–368, 374, 377, 381, 383, 385–390, 393, 398, 422–425  
 Озаржашн – 259, 264  
 Озар куни – 264  
 Озар моҳ – 81–83, 109, 182, 262, 263, 275, 302  
 Ой – 264–267  
 Ой белгиси – 220, 227, 228  
 Ой боши – 41, 67, 95, 102, 200, 201, 218, 301, 331, 332, 373, 374, 385, 401, 413  
 Ой кулчаси – 91, 103, 408  
 Ой кўриниши – 95, 104, 108, 109, 408  
 Ой манзиллари – 101, 264, 281, 283, 287, 392, 407–410, 412, 413, 417, 419, 420–422, 424, 426, 428  
 Ой нури – 208, 273, 276  
 Ой тоғи – 308  
 Ой ҳаракати – 41, 181  
 Октубар – 88, 109  
 Олам айланиши – 41  
 Олам ҳаракати – 46  
 Олам яратилиши эраси – 355  
 Оловли буржлар – 116  
 «Оловли учбурчак» – 247  
 Оркнозво – 81, 109  
 Осмон сфераси – 41, 44, 51, 63, 303, 392  
 Осмон сфераси ҳаракати – 51  
 Осмон ўртаси – 83, 231, 266, 267, 314  
 Панжа анвфта – 82  
 Панжа андаргоҳон – 82  
 Панжа аврврдён – 82  
 Панжа андрнда – 82  
 Панжа аҳжста – 82  
 Парсонас – 215  
 Пурим – 329, 333  
 Ар-Раби куни – 72  
 Рабиулаввал – 98, 391, 393, 397, 399, 400  
 Рабиулохир – 98, 391, 395, 400  
 Ражаб – 98–100, 107, 108, 225, 329, 391, 394, 401  
 Рамазон – 98–101, 104–108, 162, 166, 182, 221–225, 235, 246, 394, 397–399, 402–404  
 Ранна – 99, 100

- Рахшан – 85  
 Рашн – 82, 274  
 Рвжн – 86  
 Ридад – 85  
 Римжад – 280  
 Ром – 86  
 Ромжид – 85  
 Ром Рўз – 261  
 Ар-Ромий – 215  
 Ромун – 85  
 Рос – 86  
 Руён, тоғ – 258  
 Рум йиллари – 65, 66  
 Рум ойлари – 70, 183  
 Рум эраси – 67, 89, 183  
 Ручнофунавсаржи – 86  
 Рушан – 85  
 Ар-Руҳоба куни – 72  
 Рху – 81  
 Ршн – 86  
 Рўзи Исфандармуз – 268, 271  
 Рўзи Меҳр – 259, 260, 272  
 Рўзи Мурдод – 259  
 Рўзи Обон моҳ – 262, 268  
 Рўзи Тир – 257, 258  
 Рўзи Урдибиҳишт моҳ – 257  
 Рўзи Хурдод – 254, 257  
 Рўзи Шахривар – 259  
 «Саботли» буржлар – 210  
 Ас-Сабт – 103  
 Саво – 103  
 Ас-Савр – 215  
 Саъд ал-Аҳбия – 283, 423  
 Саъд ал-Булаъ – 419, 425, 430  
 Саъд аз-Зобиҳ – 283, 418, 429  
 Саъд ас-Суъуд – 419, 420, 423, 425, 430  
 Сайёралар ҳадялари – 113, 116  
 Санка – 215  
 Саратон – 84, 119, 133, 209, 215, 235, 251, 282, 386, 399, 424, 428  
 Саратун – 215  
 Сараш – 85  
 Сардурд – 85  
 Сарф – 283  
 Саруш – 82, 256, 273, 274  
 Ас-Сарфа – 300, 413, 416, 422, 424, 429

- Сатанбар – 88  
 Сафар – 98–101, 108, 225, 275, 326, 391, 397, 398, 401  
 Сахро – 215  
 Себтамбриус – 88  
 Ссленас – 215  
 Сибандармаз – 85, 200  
 Сиван – 90, 108, 200–203, 331, 336, 404  
 Ас-Самака – 215  
 Симок – 283, 417, 420, 424, 429  
 Симок ал-Аъзал (Қуролсиз Симок) – 417  
 Симок ар-Ромиҳ – 417, 282  
 Симан – 85  
 Сидик – 212  
 Ас-Синн – 300  
 Ас-Синнабр – 300  
 «Синдҳинд» даврлари – 64  
 Синус – 209, 210, 433, 434  
 Сириус – 318  
 С-нс-ж-р – 215  
 Собийлар – 229–231, 240, 253, 384–386, 388–390, 402  
 Сомон йўли – 415, 418  
 Сорво – 81, 109  
 С-о-р-н-и-к – 215  
 С-р-ғ – 215  
 Сризво – 81, 109, 215  
 Сувон – 99  
 С-ум – 215  
 Ас-Сулоса – 103  
 Ас-Сунбула, бурж – 103, 204, 215, 321, 399, 417  
 Сурайё, юлдуз туркуми – 283, 307, 408, 413–415, 420, 422, 424, 428  
 Ас-Сурога куни – 72  
 Саруш рўз – 82, 256, 273, 274  
 Сухайл – 286, 322, 416  
 Ас-Суҳо, юлдуз – 305  
 Тамбриус – 88, 97, 109, 219  
 Таммуз – 90, 96, 98, 108, 109, 182, 200–203, 207, 208, 212, 213, 214, 217, 219, 284, 289,  
 297, 315, 317, 318, 322, 332, 350, 376, 387, 393, 397, 415, 422–425  
 Ат-Тарф – 283, 416, 422, 424, 428  
 Тахлоқ ал-Лимама куни – 73  
 «Тақуфа» – 96, 184, 207, 208, 211, 212, 215–217  
 Тебат – 200–203, 207, 208, 212–214, 217, 328  
 Тенгкунлик – 109, 207, 210, 211, 216, 253, 254, 323, 355, 360, 388, 389, 392, 409, 413  
 Тебет – 90, 108  
 Тирагон – 257, 258  
 Тир моҳ – 81, 109, 215, 250, 257, 258, 274

- Тиш – 85  
 Тириёнво – 81, 109  
 Тишрий – 97, 184, 186, 187, 190, 195, 200–202, 204, 207, 208, 211–214, 216–218, 325, 333, 336, 358  
 Тишрин аввал – 287, 358  
 Тишрин боши – 185, 200, 201  
 Тишрин, ой – 396  
 Тишрин хрой – 98, 219, 341, 373–375, 377, 380, 382, 385, 393,  
 Тишрин қадим – 98, 185, 219, 338, 365, 373–377, 380–383, 385, 389, 393  
 Толе – 66, 116, 119, 140, 145, 146, 152, 212, 267, 289, 344, 345  
 Туба – 87  
 Тригонометрия – 210  
 Тубуи – 87  
 Туса, самудийларда – 102  
 Тут, ой – 179–181, 220, 285  
 Тўлиқ йил – 175, 179–181, 187, 195, 216, 218, 225, 327  
 Тўфон эраси – 60, 62, 178, 179, 184, 218  
 Тўлик, синус – 210  
 Тўгри сфера – 42  
 Узунлама – 43, 105, 186  
 «Уй эгаси» – 116, 119  
 Унайза қуни – 73  
 Урдибиҳишт – 81, 109, 257, 274  
 Урдибиҳишт моҳ – 81, 109, 257, 274  
 Усол – 81, 109  
 Уторид – 116, 215, 258, 267, 365, 386, 421  
 Уфқ доираси – 41, 42, 43  
 Учбурчак – 116, 210, 247, 248, 414, 419, 420, 428, 433  
 Ушар, самудийларда – 102  
 Ал-Фазо қуни – 72  
 Фабрайир – 88, 109  
 Фаминут – 87, 109  
 Фарваз – 85  
 Фарвардигон – 257, 262, 281  
 Фарвардин – 81, 85, 109, 181, 182, 227, 228, 250, 251, 254, 256, 257, 273, 274  
 Фармахут – 87, 88  
 Фармута – 87  
 Фармути – 87  
 Фарғ ал-Муаххар – 283, 423, 425, 430  
 Фарғ ал-Муқаддам – 283, 423, 425, 430  
 Фардух – қаранг: Хурмуз  
 Ал-Фасийл қуни – 73  
 Фауфа – 87  
 Фауфи – 87  
 Фағоз – 109, 85

- Фагакон, суғд оий – 278  
 Фаҳама – 103  
 Фебрариус – 88, 109, 181  
 «Ал-Фижор йили» – 73  
 «Ал-Фижор куни» – 73, 161  
 Физика илми – 309, 318  
 «Фил» йили – 72, 73, 399  
 Филипп эраси – 178, 179, 218  
 Фиг – 86  
 Форс йиллари – 68, 69, 146, 178  
 Форс ойлари – 69, 81, 178, 183, 266  
 Фуғ, суғд оий – 85, 109, 277, 278  
 Хашивам, суғд оий – 85, 278  
 Хавир – 85  
 Ал-Хамис – 103  
 Хантам – 99, 108  
 Хасишвар – 85  
 Хашум – 109  
 Хвнвз – 82  
 Ҳнвз – 83  
 Ал-Хинва куни – 73  
 Хирож – 67, 69, 70, 83, 254, 270  
 Ховгаст – 85  
 Хоразмликлар ойлари – 85  
 Хотиб куни – 72  
 Хронво – 81  
 Хурдод – 81  
 Хурдодагон – 257  
 Хурдод моҳ – 70, 81, 109  
 Хурдод рўз – 85  
 Хурвдад – 279  
 Хурмужд – 85, 86  
 Чирн – 280, 283  
 Шаввол – 98, 99, 104–106, 108, 225, 391, 395, 404, 413  
 Аш-Шавла – 283, 418, 420, 423, 424, 429  
 Шамсий йил – 47–49, 64, 66, 184, 204, 208, 211, 216, 217, 249, 286, 340, 388, 391, 407, 421  
 Аш-Шаратон – 49, 283, 413, 414, 420–422, 424, 428  
 «Шараф» – 84, 116  
 Шарқий уфқ – 41  
 Шаҳривар – 81  
 Шаҳривар моҳ – 81, 109, 259, 274  
 Шаъбон – 67, 98, 99, 101, 106, 108, 225, 391, 394, 401  
 Шубот – 98, 109, 180, 181, 218, 219, 296–300, 344, 355–360, 362–368, 376, 377, 381, 383, 385, 386, 390, 393, 422–425

- Шефат – 90, 97, 108, 200–203, 328, 344  
 Шиёр – 103  
 Шимолий кутб – 44, 231, 402, 426  
 Шубот оyi – 218, 297, 300, 356  
 Шуҳб, самудийларда – 102  
 Эгизаклар – 118, 282, 415  
 Экватор, осмонники – 51, 186, 414, 420, 426  
 Экватор, Ерники – 294, 304, 305, 308, 392, 402  
 Эклиптика – 42, 46, 49, 104, 184, 209, 211, 408, 420, 421, 426, 427, 431  
 Эксцентрик орбита – 209, 210, 305  
 Элул – 108  
 Юлдузларга қараб ҳукм чиқариш – қаранг: астрология  
 Юлиус – 88, 109, 219  
 Юлия – 88, 109  
 Юниус – 88, 109, 219  
 Юния – 88, 109  
 Юқори сайёралар – 116  
 Яздигард эраси – 178–182, 227, 273  
 Янайир – 88, 109  
 Январийус – 88, 180, 181, 218, 219  
 Янги Ой – 48, 64, 67, 95, 97, 104, 105, 106, 108, 109, 162, 181, 194, 221, 222, 273, 334, 385, 388, 409  
 Яҳудий ойлари – 91, 200, 325, 396, 397  
 Яҳудий йиллари – 94, 203, 367, 397  
 «Ўғирланган» кунлар, форсларда – 82, 278, 302  
 Қавс, бурж – 215, 247, 409, 420  
 Қайта ҳаракат – 119  
 Ал-Қалб – 423, 424, 429  
 Қалб ал-Хут – 419  
 Қамар – 91, 103, 215, 365  
 Қамарий йил – 46–49, 67, 178, 181, 221, 340  
 Қибт ойлари – 88, 177, 178, 179, 180  
 Қишки Қуёш туриши – 207, 293, 412  
 «Қозиқ» – 116, 119  
 Қолдиқ – 103, 212, 218  
 Қуёш апогеи – 46, 90, 208  
 Қуёш айланиши – 46, 48  
 Қуёш ва Ой учрашиши – 96, 186–189, 192, 195  
 Қуёш ботиши – 43, 44, 227, 231, 317, 326, 334, 360  
 Қуёш даври – 93, 94, 145, 208, 211, 212, 217–219, 345, 358, 361–363, 368  
 Қуёш йили – 49, 89–93, 101, 121, 186, 208, 211, 216, 277, 286, 294, 340  
 Қуёш кулчаси – 43, 244, 314  
 Қуёш нури – 253, 276, 302, 303, 307, 314, 335, 414, 421  
 Қуёш орбитаси – 209, 301  
 Қуёш туриши – 44, 96, 207, 210, 227, 253, 254, 277, 293, 314, 388, 392, 412

- Қуёш тутилиши – 42, 64, 65, 116, 164, 276  
 Қуёш чиқиши – 231, 293, 311, 360, 385, 402, 405, 410, 412  
 Қуёшнинг ўргача ҳаракати – 90, 95, 186, 208, 209, 297, 388  
 Қуёш ҳаракати – 48, 64  
 Ал-Қусайбот куни – 73  
 «Ғадр» йили – 73  
 Ал-Ғафр – 283, 417, 422, 424, 429  
 Ғвшт – 86  
 Ғурар, самудийларда – 102  
 Ғуш – 85  
 Ҳавбал – 102  
 Ҳавбар – 102  
 Ҳазирон – 109, 182, 217, 289, 294, 313, 314, 322, 350, 362, 374, 376, 377, 387, 392, 393, 422–424  
 «Ҳайлаж» – 116  
 Ҳайлақ – 92, 186–189, 193, 195, 202, 211, 212, 216, 259, 260  
 Ҳайфал – 102  
 Ҳамал, бурж – 116, 133, 184, 204, 209, 211, 215, 237, 254, 263, 264, 267, 318, 344, 345, 360, 386, 389, 408–410, 413, 414, 421, 422, 424, 427  
 Ҳамдад – 281  
 Ал-Ҳанъа – 283, 415, 420, 422, 424, 428  
 Ҳанодис, самудийларда – 103  
 Ҳатур – 87  
 Ал-Ҳақъа – 283, 415, 420, 424, 428  
 Ҳилол – 41, 46, 49, 76, 79, 95, 96, 97, 102–107, 163, 220, 222, 303, 385, 386–389  
 Ҳиндлар астрономияси – 49  
 Ҳмдад – 86  
 Ҳмдод – 85  
 Ҳрвдад – 85  
 Ҳмдоз – 86  
 Ҳрвдоз – 86  
 Ҳрвдод фвихири – 85  
 Ҳуво – 99  
 Ҳулба, юлдуз – 417  
 Ҳурмузд – 82, 83, 182, 215, 239, 252, 259, 260, 264, 273, 274  
 Ҳурмуз куни – 263



**БЕРУНИЙ ЭСЛАТГАН КИТОБЛАР НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ**

- Авесто (Авеста) – 133, 137, 141, 148, 150, 233, 234, 241, 257  
 Анво китоби, Синон ибн Собит асари – 286, 318, 324  
 «Алдаш санъатидан иборат юлдузларга қараб ҳукм чиқаришга қарши огоҳлантириш», Беруний асари – 116  
 «Аржабҳаз кунлари» – 62  
 «Арқанд кунлари» – 62  
 «Асосий китоб», Мансур ал-Ҳаллож асари – 245  
 «Астрономик кузатишлардаги ихтилофларни исботлаш китоби», Беруний асари – 62  
 «Астурлоб яшашнинг мумкин бўлган барча усуллари қамраш ҳақида» – 426  
 «Башоратлар китоби» – 246  
 Афоризмлар китоби: Гиппократ асари – 318  
 «Буюк миллатлар эраларига оид китоб» Ҳамза ал-Исфажоний асари – 399  
 «Варақлар китоби» – 69  
 «Вақтларни аниқлаш» китоби – 89  
 «Етмишлар инжили» – 60  
 «Етмишлар Таврот» – 328  
 «Ёриткичлар манзилларини аниқлаш ҳақида китоб», Абу – Муҳаммад ал-Жабалий асари – 407  
 «Жабборлар ҳақида китоб», Моний асари – 239  
 «Жуғрофия» – 80  
 «Зижи ал-Комил», ал-Ҳошимий асари – 364, 385  
 «Забур» – 357, 403  
 «Зижи Шаҳриёроншоҳ» – 42  
 «Зиж Синдҳинд» – 90, 323, 46, 64  
 «Зижи» Абу Маъшар Ал-Балхий – 62  
 «Зиж ал-Мумтаҳан», Ҳабаш ал-Ҳосиб асари – 223  
 «Зиж»и Юсуф ибн ал-Фазл – 365  
 «Ибодатхоналар ҳақида китоб», Абу Маъшар ал-Балхий асари – 230  
 «Инжил», Монийники – 239  
 «Ишоратлар китоби», Ал-Киндий асари – 348  
 «Йилнома китоби», Абу-л-Фараж Иброҳим ал-Занжаий асари – 143  
 «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб», ал-Жайҳоний асари – 80, 289, 311, 335  
 «Катта ўлчов китоби», Мансур ал-Ҳаллож асари – 245  
 «Китоб ал-боъ» – 402  
 «Китоб ал-Виждоҳ» – 79  
 «Китоб ал-кусуфот» – 399

- «Китоб ал-Мужир» – 393  
 «Китоб ат-тарих» – 161  
 «Кичик ўлчов китоби», Мансур ал-Ҳаллож асари – 245  
 «Кузатишлардаги ихтилофлар ҳақида далиллар китоби», Беруний асари – 46  
 «Кўнгилга шифо берувчи қуёшлар китоби», Беруний асари – 117  
 «Мақолалар китоби» – 326  
 «Ал-Мажистий» – 47, 64, 66, 90, 125, 182  
 «Олам йиллари» – 113, 153  
 «Олтинчи сезги» – 248  
 «Оқ кийимлилар ва қарматийлар хабарлари ҳақида» – 245  
 «Рақамлар» китоби – 176  
 «Румликлар илмлари ҳақида китоб», Абу-л-Ҳусайн ал-Аҳвозий асари – 339, 343  
 «Синдҳинд», Зиж – 46, 64, 90, 323  
 «Сайёраларнинг қўшилиши китоби», Ибн ал-Бозёрники – 59  
 «Седер Олам» – 113, 114, 115, 153  
 «Сирлар китоби», Абу Маъшар асари – 239, 399  
 «Сирлар ҳақида суҳбатлар китоби» – 119  
 «Сияр ал-Мулук» – 132  
 «Табиат ажойиботлари ва сунъий ғаройиботлар», Беруний асари – 272  
 «Таврот» – 52, 54, 56–60, 62, 77, 87, 91, 110, 112, 113, 121, 122, 127, 204, 205, 231, 326–328, 331–334, 344, 367, 371, 397, 403, 404  
 «Таржимаи ҳол китоби» – 137  
 «Тарих», – Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий – 80  
 «Теон қонуни» – 47  
 «Тирилтириш хазинаси», Моний асари – 239  
 «Тож», Абу Исҳоқ ас-Собий асари – 75  
 «Тонг китоби», Ноиб ал-Омулий асари – 82  
 «Тугилишлар ҳақида китоб», Машааллоҳнинг асари – 116  
 «Турғун юлдузлар тасвири ҳақида китоб», Абул-Ҳусайн ас-Сўфий асари – 407  
 «Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган уруғларининг тарихлари китоби» – 137  
 «Шапуракон», Моний асари, Балхийники – 239  
 «Шоҳнома» – 76, 132, 143, 145, 151  
 «Шуълалар ва нурлар [моҳиятини] китобларда тўпланган ёлгонлардан тозалаш ҳақида», Беруний асари – 46  
 «Эралар китоби», Салломий асари – 399  
 «Юлдузларни кўриш илми», Ибн Қутайба асари – 282  
 «Қибла далиллари китоби», Абу-л-Аббос ал-Омулий асари – 88, 294  
 «Қуёш йили ҳақида» китоби, Муҳаммад ибн Мусо ибн Шоқир асари – 90  
 «Қонунлар китоби», Афлотун асари – 233  
 «Қуёш ҳаракати ҳақида китоб» – 392  
 Қуръон – 43, 45, 121, 156, 234, 236, 237, 301, 325, 335, 339, 340, 360, 397, 403



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Абдар-Раҳман ибн Абд ал-Хакам*. Завоевание Египта – Абд-ар-Рахман ибн Абд ал-Хакам. Завоевание Египта, ал-Магриба и ал-Андалуса / Перевод с арабского, предисловие и примечания Певзнера С.Б. – Москва, 1985.

2. *Абдуллаев И.* Сўз боши. Беруний. «Ёдгорликлар» – Абдуллаев И. Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари // Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1 ж. – Тошкент, 1968. 5–20-б.

3. *Абу Райҳон Беруний*. Китоб ут-тафҳим – Абу Райҳон Беруний. Китоб ут-тафҳим ли авоилю синоат-ит-танжим / Ба чопгайёрқунандагон: Девонкулов А., Мамедова Ж., Собиров Г., Пешгуфтор: Осими М. – Душанбе, 1973 (на таджикском яз.).

4. *Мирзо Улугбек*. Илми нужум – Мирзо Улугбек. Илми нужум. – Тошкент, 1994.

5. *Ақромхўжаев О.М.* Беруний – дастлабки тадқиқотчи – Ақромхўжаев О.М. Беруний – геологик ходисалар, минераллар ва жавохирларни ўрганган дастлабки тадқиқотчи // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973. 32–64-б.

6. *Арриан*. Поход Александра – Арриан. Поход Александра / Перевод с древнегреч. Сергиенко М.Е. Москва: – Ленинград, 1962.

7. *Ахмедов А., Розенфельд Б.А.* «Картография» Беруни – Ахмедов А., Розенфельд Б.А. «Картография» – одно из первых дошедших до нас сочинений Беруни // Математика на средневековом Востоке. – Ташкент, 1978. – С. 127–153.

8. *Байхаки*. История Масъуда – Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда (1030–1041) / Вступительная статья, перевод и примечания Арендса А.К. – Ташкент, 1962.

9. *Бартольд В.В.* Историко-географический обзор Ирана – Бартольд В.В. Сочинения. Т. VII. – Москва, 1971. – С. 31–215.

10. *Бартольд В.В.* I Туркестан – Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. I. – Москва, 1963.

11. *Бартольд В. В.* Халиф Умар II и противоречивые известия о его личности – Бартольд В.В. Сочинения Т. VI. – Москва, 1966. – С. 504–531.

12. *Беленицкий А.М.* Место минералогического трактата. – Беленицкий А.М. Место минералогического трактата Бируни в истории восточной минералогии / Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Перевод Беленицкого А.М. – Москва, 1963. – С. 402–418.

13. *Беленицкий А.М.* Очерки жизни и трудов Бируни – Беленицкий А.М. Краткий очерк жизни и трудов Бируни // Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Перевод с Беленицкого А.М. – Москва, 1963. – С. 271–291.

14. *Беляев Е.А.* Арабы, ислам и Арабский халифат – Беляев Е.А. Арабы, ислам и Арабский халифат в раннее средневековье. – Москва, 1965.

15. *Берри А.* Краткая история астрономии – Берри А. Краткая история астрономии. Москва: – Ленинград, 1946.
16. *Бертельс Д.Е.* Предисловие – *Бертельс Д.Е.* Предисловие в кн. Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. Изд. 2-е. – Москва, 1973. – С. 3–13.
17. *Бертельс Е.Э.* Избранные, I – Бертельс Е.Э. Избранные труды I. История персидско-таджикской литературы. – Москва, 1960.
18. *Беруни.* «Геодезия» – Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. III. Определение границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия) / Исследование, перевод и примечания Булгакова П.Г. – Ташкент, 1966.
19. Беруни и гуманитарные науки – Беруни и гуманитарные науки. Научная сессия АН УзССР, посвященная 998-й годовщине со дня рождения Абу Райхана Беруни. – Ташкент, 1972.
20. *Беруний.* Ёдгорликлар – Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I ж. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон Расулов А. Изохларни Абдуллаев И., Расулов А. тузган. – Тошкент, 1968.
21. *Беруни.* Индия – Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. Н. (Индия) / Перевод Халидова А.Б. и Завадовского Ю.Н. Комментарии Эрмана В.Г. и Халидова А.Б. – Ташкент, 1963.
22. *Беруни.* К 1000-летию со дня рождения. – Беруни К 1000-летию со дня рождения. – Ташкент, 1973.
23. *Беруни.* Канон Масъуда, I – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. V. Ч. I. Канон Масъуда (книги I– V) / Вступит, статья, перевод и прим. Булгакова П.Г. и Розенфельда Б.А. при участии Рожанской М.М. (перевод и примечания) и Ахмедова А. (примечания). – Ташкент, 1973.
24. *Беруни.* Канон Масъуда, II – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. V. Ч. II. Канон Масъуда (книги VI– XI) / Перевод и примечания Розенфельда Б.А. и Ахмедова А. при участии Рожанской М.М. (перевод и примечания), Красновой С.А. и Смирнова Ю.П. (перев.), указатели Ахмедова А. – Ташкент, 1976.
25. *Беруний.* Картография – Абу Райхон Беруний. Юлдуз туркумланини проекциялаш ва жойларни [харитага] кўчириш хақида (Картография). Арабчадан А. Расулов таржимаси // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973. 244–257-б.
26. *Беруни.* Наука о звездах – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. VI. Книга вразумления начаткам науки о звездах. / Вступ. статья, перев. и примеч. Розенфельда Б.А. и Ахмедова А. при участии Рожанской М.М., Абдурахманова А.А. и Сергеевой Н.Д. – Ташкент, 1975.
27. *Беруни.* Памятники – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. I. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания Салье М.А. – Ташкент, 1957.
28. *Беруни.* Фармакогнозия – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. IV. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-Сайдана фи-т-тибб) / Исслед., перевод, примеч. и указат. Каримова У.И. – Ташкент, 1973.
29. *Беруний билан Ибн Сино* – Беруний билан Ибн Сионинг савол-жавоблари / Абдурахмонов М., Расулов А. таржимаси. – Тошкент, 1950.

30. *Беруний*. Рўйхат – Абу Райҳон Берунийнинг ўз асарларига ўзи тузган рўйхат. Арабчадан А. Расулов таржимаси // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. – Тошкент, 1973. 230–243-б.

31. *Беруний*. Тафҳим – Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. VI ж. Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби («Тафҳим») / Сўз боши. таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи профессор Аҳмедов Ашраф. – Тошкент – Урганч – Хива, 2006.

32. *Беруний*. Тураржойлар – Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. III ж. Тураржойлар [орасидаги] масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (Геодезия) / Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1982.

33. *Беруний*. Туғилган кунининг 1000 йиллигига – Абу Райҳон Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. – Тошкент, 1973.

34. *Беруний*. Қонуни Масъудий, I – Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V ж. 1-китоб. Қонуни Масъудий. 1–5 мақолалар / Таржимон А. Расулов. Махсус муҳаррир А. Аҳмедов. Изоҳларни А. Аҳмедов ва А. Расулов тузган. – Тошкент, 1973.

35. *Беруний*. Қонуни Масъудий, II – Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V ж. 2-китоб. Қонуни Масъудий. 6–11-мақолалар / Таржимон А. Расулов. Махсус муҳаррир, сўз боши ва кўрсаткичлар муаллифи А. Аҳмедов. Изоҳларни А. Аҳмедов ва Б. А. Розенфельд тузган. – Тошкент, 1976.

36. *Беруний*. Ҳиндистон – Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар II. Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби (Ҳиндистон). / Арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ғ. Жалолов таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар А. Ирисовники. – Тошкент, 1965.

37. Библия – Библия, или Книги священного писания Ветхого и Нового завета. Издание 11-е. – Санкт-Петербург, 1913.

38. *Бикерман Э.* Хронология древнего мира – Бикерман Э. Хронология древнего мира. Ближний Восток и античность / Перевод с англ. Стебли И. М. – Каменского. – Москва, 1976.

39. *Ал-Бируни*. Звездный каталог – Ал-Бируни. Звездный каталог. Перевод Красновой С. А. и Рожанской М. М. Примечания Розенфельда Б. А. // Историко-астрономические исследования. Вып. 8. – Москва, 1962. – С. 83–192.

40. *Большаков О. Г.* История халифата, I, II. – Большаков О. Г. История Халифата. Т. I. Ислам в Аравии. 570–633. – Москва, 1989.

41. *Большаков О. Г.* История Халифата. Т. II. Эпоха великих завоеваний. 633–656. – Москва, 2000.

42. *Брагинский И. С.* Возможен ли Ренессанс – Брагинский И. С. Возможен ли Ренессанс на Востоке // Теоретические проблемы восточных литератур. – Москва, 1969.

43. *Брагинский И. С.* Из истории – Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. – Москва, 1972.

44. *Бузург ибн Шаҳриёр*. Ажойиб ал-Ҳинд – Бузург ибн Шаҳриёр. Ажойиб ал-Ҳинд / Арабчадан Аҳмедов А. таржимаси. – Тошкент, 2011.

45. *Булгаков П. Г.* Глобус Бируни – Булгаков П. Г. Глобус. Бируни // Общественные науки в Узбекистане. 1965. №1. – С. 39–44.

46. *Булгаков П.Г.* Жизнь и труды Беруни – Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – Ташкент, 1972.
47. *Булгаков П.Г.* Исследования – Булгаков П.Г. Бируни и его «Геодезия». Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. 01. Определение границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия) / Исследование, перевод и примечания Булгакова П.Г. – Ташкент, 1966. – С. 7–78.
48. *Вайнберг Б.И.* – Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – Москва, 1977.
49. *Геродот.* История – Геродот. История в девяти книгах / Перевод и примечания Страгановского Г.А. – Ленинград, 1972.
50. *Горбунова Н.Г.* Фергана по сведениям... – Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов // История и культура народов Средней Азии. – Москва, 1976. – С. 26–30.
51. *Грантовский Э.А.* О распространении иранских племен – Грантовский Э.А. О распространении иранских племен на территории Ирана // История иранского государства и культуры. – Москва, 1971.
52. *Григорян Е.Н.* Из истории философии – Григорян Е.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII–XI вв. – Москва, 1960.
53. *Гулямов Я.* История орошения Хорезма – Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957.
54. *Гулямов Я.Г.* Эпоха Абу Райхана Беруни – Гулямов Я.Г. Эпоха Абу Райхана Беруни. // Беруни и гуманитарные науки. – Ташкент, 1972. – С. 25–34.
55. *Дандамаев М.А.* Ахеменидское государство – Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории Древнего Востока // История иранского государства и культуры. К 2500-летию иранского государства. – Москва, 1971. – С. 94–104.
56. *Диоген Лаэртский* – Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. – Москва, 1979.
57. *Дьяконов И.М.* Восточный Иран до Кира – Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История иранского государства и культуры. К 2500-летию иранского государства. – Москва, 1971. – С. 22–154.
58. *Захидов В.* Бируни как мыслитель – Захидов В. Бируни как мыслитель. // Бируни. Москва, – Ленинград, 1950. – С. 3–21.
59. *Зикриллаев Ф.* Баъзи физик ходисалар – Зикриллаев Ф. Баъзи физик ходисалар хақида Беруний ва Ибн Сино фикрлари // Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллиги. – Тошкент, 1973. 170–178-б.
60. *Ал-Аълум.* Хайридин Зирикли. 1-Х Т. – Қоҳира. 1954–1959.
61. *Ибн Исхак, Ибн Хишам* – Абдулмалик ибн Хишам ал-Маъфирий. Ас-сийра ан набавийя. 1 ж. 1–2-китоб; 2 ж. 3–4-китоблар. – Тошкент, 2011.
62. *Ибн Хордадбех.* Книга путей и стран – Ибн Хордадбех. Книга путей и стран / Пер. с араб, комм., иссл., указат. И карты Велихановой Наили. – Баку, 1986.
63. *Ибн Фазлан* – Ковалевский А.П. Книга Ахмеда Ибн-Фазлана о его путешествии на Волгу в 921–922 гг./Статья, переводы и комментарии. – Харьков, 1956.
64. «История» ат-Табари – История ат-Табари. Избранные отрывки. / Перевод с арабского Беляева В.И. Дополнения к переводу Большакова О.Г. и Халидова А.Б. – Ташкент, 1987.

65. *Йакут Хамави*. Иршад – The Irshad al-arib ila ma'rifat al-adib or Dictionary of Learned Men of Yaqut. Ed. By D.S. Margol, oth. Vol. I-VII. Leiden – London. 1907–1927 (GMS. VI, 1–7).
66. *Йакут*. Муджам ал-булдан, I–X. – Кахира, 1906. (на араб. яз.).
67. *Каримов*. Беруний – Каримов У.И. Абу Райхон Беруний (ҳаёти ва ижоди) // Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973. 19–31-б.
68. *Каримов У.* О дате смерти Беруни – Каримов У.И. О дате смерти Беруни // Общие научные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1970. №8. – С. 67–68.
69. *Каримов У.* Рукопись Сайданы – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. IV. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана фи-т-тибб) / Исслед., пер., примеч. и указатели Каримова У.И. – Ташкент, 1974. – С. 13–34.
70. *Клавдий Птолемей*. Альмагест – Клавдий Птолемей. Альмагест, или Математическое сочинение в тринадцати книгах / Перевод с древнегреческого Веселовского И.Н. – Москва, 1998.
71. *Колесников А.И.* Завоевание Ирана арабами – Колесников А.И. Завоевание Ирана арабами. – Москва, 1982.
72. *Кольман Э.* История математики – Кольман Э. История математики в древности. – Москва, 1961.
73. *Конрад Н.И.* Запад и Восток – Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва, 1966.
74. *Конрад Н.И.* Шекспир и его эпоха – Конрад Н.И. Шекспир и его эпоха // Избранные труды. – Москва, 1978. – С. 387–402.
75. *Коран* – Коран / Перевод и комментарии И.Ю. Крачковского. – Москва, 1963.
76. *Краснова С.А.* Геометрические построения на Ближнем и Среднем Востоке – Краснова С.А. Геометрические построения в трудах ученых средневекового Ближнего и Среднего Востока // Физико-математические науки в странах Востока. Вып. I. – Москва, 1966. – С. 42–45.
77. *Крачковский И.Ю.* Бируни и его роль – Крачковский И.Ю. Бируни и его роль в истории восточной географии // Бируни. – Москва: Ленинград, 1950.
78. *Крачковский И.Ю.* Благодатный огонь – Крачковский И.Ю. Благодатный огонь по рассказу ал-Бируни и других мусульманских писателей X–XIII вв. // Христианский Восток, III. – Санкт-Петербург, 1915. – С. 225–226.
79. *Крачковский И.Ю.* Избранные сочинения, I – Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. I. Москва; – Ленинград, 1955.
80. *Крачковский И.Ю.* Избранные сочинения, IV – Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. IV. Арабская географическая литература. Москва; – Ленинград, 1957.
81. *Крачковский И.Ю.* Избранные сочинения, VI – Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. VI. Москва; – Ленинград, 1960.
82. *Крывелев И.* Книга о Библии – Крывелев И. Книга о Библии. Москва, 1958.
83. *Леммлейн Г.Г.* Минералогические сведения – Леммлейн Г.Г. Минералогические сведения, сообщаемые в трактате Бируни. Абу Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Перевод Беленицкого А.М. – Москва, 1963. – С. 292–402.
84. *Лившиц В.А.*, 1970 – Лившиц В.А. Хорезмский календарь и эры Древнего Хорезма // История, культура, языки народов Востока. – Москва, 1970. – С. 5–16.

85. *Лившиц В.А.* – Лившиц В.А. Хорезмский календарь и эры древнего Хорезма. // Палестинский сборник. Вып. 21 (84). Москва: – Ленинград, 1970. – С. 161–169.
86. *Матвиевская Г.П.* К истории математики – Матвиевская Г.П. К истории математики Средней Азии. – Ташкент, 1962.
87. *Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А.* Математики и астрономы. Т. 2 – Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.). Т. 2. – Москва, 1983.
88. *Матвиевская Г.П.* Учение о числе – Матвиевская Г.П. Учение о числе на средневековом Востоке. – Ташкент, 1967.
89. Мец Адам. Мусульманский Ренессанс – Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. / Перевод с немецкого, предисловие, библиография и указатели Бертельса Д.Е. Изд. 2-е. – Москва, 1973.
90. Ал-Мукаддаси – Descriptio impeli moslemici auctore Schamso`d-din Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmed ... Al-Mokaddasi. Ed. M.J. de Goeje, Lugduni\ Batavorum, 1877 (BGA, III).
91. *Муҳаммад ибн Муса ал-Хорезми.* Астрономические трактаты – Муҳаммад / ибн Муса ал-Хорезми. Астрономические трактаты / Вступит, статья, перевод и комментарии Ахмедова А. – Ташкент, 1983.
92. *Муҳаммад ибн Муса ал-Хорезми.* К 1200-летию со дня рождения – Муҳаммад ибн Муса ал-Хорезми. К 1200-летию со дня рождения. – Москва, 1983.
93. *Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.* Танланган асарлар. Математика, астрономия, география / Кириш мақолалари, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Ахмедов. – Тошкент, 1983.
94. *Мэри Бойс.* Зороастрийцы – Мэри Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Перевод с англ. и примеч. Стеблин-Каменского И.М. – Москва, 1987.
95. *Мўминов И.М.* Абу Райхон Беруний – Мўминов И.М. Абу Райхон Беруний буюк энциклопедист олим // Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1973. 3 – 26-б.
96. Низами Арузи Самарканда Собрание редкостей – Низами Аруси Самарканди. Собрание редкостей, или Четыре беседы / Перевод Баевского С.И. и Ворожейкиной З.Н. – Москва, 1963.
97. *Норхўжаев Қ.Н.* Беруний ва геодезия фани – Норхўжаев Қ.Н. Беруний ва геодезия фани // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973.
98. *Ньютон Роберт Р.* Преступление Клавдия Птолемея – Ньютон Роберт Р. Преступление Клавдия Птолемея / Перевод с англ. Малышевой Н.Б. Под ред. Гребенникова Е.А. – Москва, 1985.
99. *Омар Хайям.* Трактаты – Омар Хайям. Трактаты / Перевод Б.А. Розенфельда, под ред. В.С. Сегалия и А.П. Юшкевича, вступ. статья и коммент. Розенфельда Б.А. и Юшкевича Л.П. – Москва, 1961.
100. *Петросян Ю.А.* Древний город – Петросян Ю.А. Древний город на берегах Босфора. – Москва, 1986.
101. *Пигулевская Н.А.* Арабы у границ Византии и Ирана – Пигулевская Н.В. Арабы у границ Византии и Ирана в IV–VI вв. Москва: – Ленинград, 1964.



102. Путешествие Абу Халида ал-Гарнати – Путешествие Абу Халида ал-Гарнати в восточную и центральную Европу (1131–1153) / Публикация Большакова О.Г., Монгайт А.Л. – Москва, 1971.

103. *Рожанская М.М.* Методы исследования функций – Рожанская М.М. Методы исследования общих свойств функций в «Каноне Масъуда» ал-Бируни // – Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. 1967. №1. – С. 29–35.

104. *Рожанская М.М.* О функциональных зависимостях в «Каноне Маъсуда» ал-Бируни // – Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. 1966. №4. С. 14–21.

105. *Рожанская М.М.* Функциональные зависимости у ал-Бируни: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Москва, 1967.

106. *Розен В.Р.* Рецензия на книгу – Alberuni's India. An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A.D. 1030. Edited in the Arabic Original by Dr. Edward Sachau. – London, 1887, – 380, III, (1888). – С. 146–162.

107. *Розенфельд и др. Ал-Бируни* – Розенфельд Б.А., Рожанская М.М., Соколовская З.К. Абу-р-Райхан ал-Бируни. – Москва, 1973.

108. *Розенфельд Б.А.* Астрономический труд – Розенфельд Б.А., Рожанская М.М. Астрономический труд ал-Бируни «Канон Масъуда» // Историкоастрономические исследования. Вып. 10. – Москва, 1970. – С. 63–95.

109. *Розенфельд Б.А.* О математических работах ал-Бируни – Розенфельд Б.А., Краснова С.А., Рожанская М.М. О математических работах Абу-р-Райхана ал-Бируни. // Из истории науки и техники в странах Востока. Вып. 3. – Москва, 1963. – С. 71–92.

110. *Розенфельд Б.А.* Попытка квадратичного интерполирования – Розенфельд Б.А. Попытка квадратичного интерполирования у Абу Райхана ал-Бируни // Историко-математические исследования. Вып. 12. – Москва, 1959. – С. 421–430; Вып. 15. 1963, – С. 473.

111. *Садыков Х.У.* Бируни и его работы – Садыков Х.У. Бируни и его работы по астрономии и математической географии. – Москва, 1953.

112. *Салих Заки.* Асари бакийа – Салих Заки, Асари бакийа. 1. – Стамбул, 1329 / 1912, (на турец.яз.).

113. *Селешников.* История календаря и хронология – Селешников С.И. История календаря и хронология. Изд. 3-е. Под ред. Куликовского П.Г. Москва, 1977.

114. *Семенов А.А.* Ал-Бируни – Семенов А.А. Ал-Бируни – величайший ученый средневекового Востока и Запада // Литература и искусство Узбекистана. Кн.1. – Ташкент, 1938. – С. 106–116.

115. *Сиражиддинов С.Х.* Математика и астрономия у Бируни – Сиражиддинов С.Х., Матвиевская Г.П., Ахмедов А. Математика и астрономия в работах Абу Райхана Бируни. – Ташкент, 1973.

116. *Сиражиддинов С.Х.* ... Бируний – математик и астроном – Сиражиддинов С.Х., Матвиевская Г.П., Ахмедов А. Бируний – математик и астроном. – Ташкент, 1973.

117. *Ставиский Б.Я.* О кушанской Бактрии – Ставиский Б.Я. О северных рубежах кушанской Бактрии // История и культура народов Средней Азии. – Москва, 1976. – С. 43–46.

118. *Ставиский Б.Я.* Средняя Азия и ахеменидский Иран – Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран // История иранского государства и культуры. К 2500-летию иранского государства. – Москва, 1971. – С. 155–163.
119. *Табари.* Тарих ар-русул ва-л-мулук – Annales quos scripsit Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari. Edidit M.J. de Goeje, series 1-111. Lugduni Batavorum, 1879–1901.
120. *Терновский В.Н.* Ибн Сина – Терновский В.Н. Ибн Сина (Авиценна). – Москва, 1969.
121. *Толстов С.П.* Бируни и его время – Толстов С.П. Бируни и его время // Бируни. Москва: – Ленинград, 1950.
122. *Толстов С.П.* Бируни и его «Памятники минувших поколений» – Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. 1. Памятники минувших поколений / Перевод и примечания Салье С.А. – Ташкент, 1957. – С. 7–21.
123. *Толстов С.П.* По следам древних цивилизаций – Толстов С.П. По следам древних цивилизаций. – Москва, 1948.
124. Тора – Библия или Книги священного писания Ветхого и Нового завета. Издание 11-е. – Санкт-Петербург, 1913.
125. *Улугбек.* Новые Гурагановы астрономические таблицы – Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагани. Новые Гурагановы астрономические таблицы / Вступит, статья, перевод, комментарии и указатели Ахмедова А.А. – Ташкент, 1994.
126. *Умаров Ф.Ё.* Беруний, Коперник – Умаров Ф.Ё. Абу Райхон Беруний: Николай Коперник ва хозирги замон фани. – Тошкент, 1973.
127. *Усмонов Т.* Берунийнинг физика тарихидаги ўрни – Усмонов Т. Берунийнинг физика тарихида тутган ўрни // Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973. 173–197-б.
128. *Фильштинский И.М., Шидфар Б.Л.* Очерк... – Фильштинский И.М., Шидфар Б.Л. Очерк арабо-мусулманской культуры. – Москва, 1971.
129. *Фрай Р.* Наследие Ирана – Фрай Р. Наследие Ирана / Перевод с английского Лившица и В.А., Зеймаля Е.В. Под ред. и предисл. М.А. Дандамаева. – Москва, 1971.
130. *Фрейман А.А.* Хорезмский язык – Фрейман А.А. Хорезмский язык // Материалы и исследования. I. Москва: – Ленинград, 1951.
131. *Хайруллаев М.М.* Мироззрение Фараби – Хайруллаев М.М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. – Ташкент, 1967.
132. *Хайруллаев М.М.* Уйғониш даври – Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарк мутафаккири. – Тошкент, 1971.
133. *Хайруллаев М.М.* Фараби – Хайруллаев М.М. Фараби – крупнейший мыслитель средневековья. – Ташкент, 1973.
134. *Халидов А.Б.* Дополнения к тексту «Хронологии» – Халидов А.Б. Дополнения к тексту «Хронологии» ал-Бируни по ленинградской и стамбульской рукописям // Палестинский сборник. Вып. 4 (67). Москва; – Ленинград, 1959. – С. 147–171.
135. *Цыбульский В.В.* Современные календари – Цыбульский В.В. Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока. – Москва, 1964.
136. *Чалоян В.К.* Восток – Запад – Чалоян В.К. Восток – Запад (преемственность в философии античного и средневекового общества). – Москва, 1968.

137. *Чельшев Е.П.* О некоторых чертах – Чельшев Е.П. О некоторых чертах Ренессанса в Индии // Народы Азии и Африки. №2. 1972.
138. *Чельшев Е.П.* О Ренессансе в Индии – Чельшев Е.П. О Ренессансе в Индии // Народы Азии и Африки. № 1. 1972.
139. *Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома – Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмедов, Ҳайдарбек Бобобеков. – Тошкент, 1997.
140. *Шарипов А.Д.* Малоизвестные страницы – Шарипов А.Д. Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой // Общественные науки в Узбекистане. №1 1. 1965. – С. 39–40.
141. *Шарипов А.Д.* Великий мыслитель Беруни – Шарипов А.Д. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. – Ташкент, 1972.
142. *Аш-Шахрастани.* Книга о религиях и сектах – Аш-Шахрастани. Книга о религиях. Ч. 1. Ислам / Перевод с арабского, введение и комментарий Прозорова С.М. – Москва, 1984.
143. *Юшкевич А.П.* История математики – Юшкевич А.П. История математики в средние века. – Москва, 1960.
144. *Якубовский А.Ю.* Археологическая экспедиция – Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зерафшанскую долину в 1934 г. // Труды Отделения Востока Эрмитажа. Т.2. – Ленинград, 1940.
145. *Қодиров А.* Ибн Сино – Қодиров А. Абу Али ибн Сино. – Тошкент, 1962.
146. *Ҳикматуллаев Ҳ.* Розий ва Беруний – Ҳикматуллаев Ҳ. Розий ва Беруний. // Беруний тугилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент, 1973. 198–205–6.
147. *Abu'l-Rayhan al-Biruni.* The book of instruction. – The book of Instruction in the Elements of the Art of Astrology by Abu'l Rayhan Muhammad ibn Ahmad Al-Biruni. Reproduced from Brit. Mus. Or. 8349. The translation facing the Text by R. Ramsay Wrigght. – London, 1934.
148. *Ahmad I.* Al-Biruni's astronomical works – Ahmad I. Al-Biruni's astronomical works. Cairo University Press, Bulletin. Cairo, 1959. №48. The works of al-Bayrouni, part II, ibid. 1959. №50. Al-Biruni's astronomical works, part III, ibid. 1962. №57.
149. *Barani S.H.* Al-Biruni – Barani S.H. Al-Biruni and his Magnum Opus «Al-Qanunu'l-Mas'udi» / Al-Qanunu'l-Mas'udi. P. I–LXXII.
150. *Barani S.H.* Muslim researchers – Barani S.H. Al-Biruni and his Magnum Opus Al-Beruni. Commemoration volume. Calcuta, 195J. P. 1–59.
151. *Ал-Қонуни Масъудий.* Т–III Т. Абу Райхон Беруний. Дойра ал-маориф а-Усмоғия. – Ҳайдаробод. 1954–1956.
152. *Boilot D.J.* L'Oeuvre dal-Beruni – D.J. Boilot. L'Oeuvre d'alBeruni. Essai Bibliographique. Instiut Dominicain d'etudes orientales du Caire. Melanges. V.2. Le Caire, 1955. P. 161–256; Bibliographic d'al-Beruni. Corrigenda et Addenda. Ibid. V.3. 1956. P. 391 – 396.
153. *Cassino.* Sulle equation cubiche – U. Cassino. Sulle equation cubiche di al-Biruni. // Periodico di matematica 4 ser. Vol. 21. 1, 1941. La trcsezione dell'angolo in Al-Biruni. – Idem. 1941. №2.

154. *Chronologie Orientalischer – Chronologie Orientalicher. Volker von Albiruni herosgegeben von Dr. Edward Sachau.* – Leipzig, 1876 – 1878.
155. *The Chronology – The Chronology of ancient nations. An English version of the Arabic text of the Athar-ul-bakiya of Albiruni transl.and cd. With notes and index by Dr. C.E. Sachau.* – London, 1879.
156. *Chronologie. Einleitung – E. Sachau. Einleitung, in. Chronologie orientalischer Volker von Albiruni. hrsg. Von Dr. C.E. Sachau.* – Leipzig, 1878.
157. *Farroq M. Al-Kanun al-Mas’udi – M. Farroq. Al-Kanun al-Mas’udi by al Beruni, Transl. and Ed. Aligarh,* 1929.
158. *Fuck J. Sechs Ergänzungen – Ftick J. Sechs Ergänzungen zur Sachaus Ausgabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker». Documenta islamica inedita.* – Berlin, 1952. S. 69–98.
159. *Garbers K. Eine Ergänzung, I – Garbers K. Eine Ergänzung zur Sachaus Ausgabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker». Documenta islamica inedita, Berlin,* 1952.
160. *Garbers K. Eine Ergänzung, II – Garbers K. Ergänzung zur Sachauschen Ausdabe von al-Birunis «Chronologie orientalischer Volker» // Der Islam Bd. 30. Heft I (Januar, 1952).* S. 39 – 80.
161. *Ginrel F.K. Handbuch – Ginrel F.K. Handbuch der mathematischen und Technischen Chronologie. Bd. 1.* – Leipzig, 1906.
162. *Hartner W., Schramm M. Al-Biruni and the theory of solar apogee – Hartner W., Schramm M. Al-Biruni and the theory of solar apogee an example of originality in Arabic science, «Scientific Change», ed. A.C. Crombie.* – London, 21. – P. 211–213.
163. *Hell J., Wiedemann E. Geographisches – Hell J., Wiedemann E. Geographisches aus dem Mas’udischen Kanon von Al-Beruni. // Sitzungsberichte der Physik. Mediz. Sitzungsbevichter in Erlangen, Bd. 44. 1912.* – S. 119–125.
164. *Hubert Daunicht. Der Osten – Hubert Daunicht. Der Osten nach der erdkarte al-Huwarizmis.* – Bonn. Bd. I. 1968; Bd. II–V. 1970.
165. *Ibn Wadhih – Ibn Wadhih qui dicitur al-Jaqubi. Flistorae, E.g.* – Brill, 1883.
166. *Kazim M.A. Al-Biruni and trigonometry / Al-Biruni Commemoration Volume,* – Calcutta, 1951. – P. 160–171.
167. *Kennedi E.S. Zij-I Shah – Kennedi E.S. The Sasanian Astronomical Handbuch Zij-i Shah and the Astronomical Doctrine of Transit // Journal of the American Oriental Society. V. 78 (1958).* – P. 246–262.
168. *Kennedy E.S. A Commentary – A Commentary upon Birunis Kitab Tahdid al-Amdkin, by E.S. Kennedy, American University of Beirut.* – Beirut, Lebanon, 1973.
169. *Kennedy E.S. Al-Biruni on Transits – Al-Biruni on Transits, transl. by M. Saffouri and A. ifram with a commentary by E.S. Kennedy.* – Beirut, 1959.
170. *Kennedy E.S. Al-Biruni – E.S. Kennedy. Al-Biruni (Al-Beruny) // Dictionary of scientific Biography.* – Vol. 3. 1970. – P. 147–158.
171. *Kennedy E.S., Engle S., Wamsted J. The Hindu calendar. – E.S. Kennedy, S. Engle, J. Wamsted. The Hindu calendar as described in al-Beruni’s Masudie Canon // Journal of Near Eastern studies.* – Vol. 24. 1965. №3. P. 274–284.

172. *Khayyam O.* Nawruz-namah – Khayyam O. Nawruz-namah, a treatise on the origin, history and ceremonies of the Persian new year festival, ed. with notes M. Minorei. – Tehran, 1933.

173. *Kramers J.* Determination – J.H. Kramers, Al-Biruni's Determination of Geographical Longitude by Measuring the Distances. // Al-Biruni. Commemoration volume. – Calcutta, Iran Society, 1951. – P. J 77–193.

174. *Krause M.* Al-Biruni – M. Krause. Al-Biruni // Der Islam. 26. Heft 1. 1940. S. 1–15.

175. *Krenkow F.* Al-Beruni – Krenkow F. Abu'r-Reihan al-Beruni // Islamic Culture. – Vol. VI. 1932. №4. – P. 528–534.

176. *Krenkow F.* MS Sultan Fatih – Krenkow F. Beruni and the MS Sultan Fatih №3368 // Al-Biruni Commemoration volume. – Calcutta, Iran Society, 1951. – P. 195–208.

177. *Meissner B.* – Meissner B. Babylonien und Assyrien. Bd. 2. – Heidelberg, 1925.

178. *Meyerhof M.* Vorwort – M. Meyerhof. Das Vorwort zur Dragenkunde des Beruni eingeleitet, iibersetzt und erlautert. – Berlin, 1932.

179. *Ptolemaus.* Handbuch der Astronomie, I – Ptolemaus Claudius. Handbuch der Astronomie, libers. K. Matins. – Leipzig. Bd. I. 1912; Bd. II. 1913.

180. *Reseller O.* Mitteilungen – Rescher O. Mitteilungen aus Stambuler Bibliotheken. Melanges de la faculte orientale, Beirouth. – V. 2. 1912.

181. *Rizvi Millinary* – Millinary of Abu Raihan Muhammad ibn Ahmad Al-Biruni. A newly discovered book of al-Biruni Gluirratuz-Zijat and al-Biruni's measurements of earth dimensions, by Saiyid Samad Husain Rivzi // International Congress of Mathematical Sciences, Pakistan. – Karachi, 1975.

182. *Rizvi.* Unique and unknown book of al-Beruni – A unique and unknown book of al-Beruni Ghurrat uz-zijat or Karana Tilaka, by Saiyid Samad Husain Rivzi // Islamic Culture, vol. XXXVII, NN2–4, vol. XXXVIII, NN 1-4. Vol. XXXIX. NNI–2. 1963–1965.

183. *Rozenfeld–Ihsanoglu* – B.A. Rosenfeld – E.Ihsanoglu. Mathematicians, astronomers and other scholars of Islamic civilization and their works (7th and 19 th c.). – Istanbul, 2003.

184. *Samuel A.E.* Ptolemaic Chronology – Samuel A.E. Ptolemaic Chronology, 1962.

185. *Salemann C.* Zur Handschriftskunde – Salemann C. Zur Handschriftskunde, 1, Al-Biruni's al-Atar al-Baqiyah // Известия Имперской Академии наук. Серия Vi. 1912, №14. – С. 861–870.

186. *Sarton G.* I–III – Sarton G. Introduction to the History of Science, vol. I–III, – Baltimore, 1927–1948.

187. *Schermer O.* Studien zur Astronomie – Schirmer O. Studien zur Astromie der Araber. // Sitzungsberichte phys. – med. Soz. Erlangen. Bd. 58. 1926–1927. – S. 33–38.

188. *Schoy C.* Aus der astronomischen Geographic – Schoy C. Aus der astronomischen Geographie der Araber. Isis. T. 5 (1923). – S. 51–74.

189. *Schoy C.* Al-Biruni's method – Schoy C. Al-Biruni's method of approximation of chord  $40^\circ$  // American Mathematical Monthly. Vol. 33. 1926. – P. 323–325.

190. *Schoy C.* Die Bestimmung geographischen – Schoy C. Die Bestimmung geographischen Breite der Stadt Gazne mittels Beobachtung in Meridian durch den arabischen Astronomen und Geographen al-Biruni // Annalen der Hydrographie und Moritimen Meteorologie, Bd. 53. 1925. – S. 41–47.

191. *Schoy C.* Die trigonometrische Lehren des persischen Astronomen Abu'l-Raihan Muhammad ibn Ahmed al-Biruni Dargestellt nach al-Qanun al-Mas'udi. Nach dem Fode des Verfassers hrsg. Voh I. Rusika und Wieleitner. – Hannover, 1927.
192. *Schoy C.* Erdmessungen – Schoy C. Erdmessungen bei den Arabern Zeitschrift der Gesellschaft für Erdkunde. Berlin, 1917. – S. 431–445.
193. *Sezgin, I.* – Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd. I. Leiden, 1967.
194. *Shamsi F.A.* – Shamsi F.A. Where was Al-Bayruni born? // The New Times (ракета) Rawalpindi, March 26 and 27. 1974.
195. *Skeat T.* The Reigns – Skeat T. The Reigns of the Ptolemies, 1954.
196. *Suter H.* Über die Projection – H. Suter. Über die Projection der Sternbilder und der Länder von Al-Biruni // Abhandlung zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin, Heft. IV, Erlangen, 1922. – S. 79–93.
197. *Suter H.* und *Wiedemann E.* Über al-Biruni – H. Suter und Wiedemann E. Über al-Biruni und seine Schriften. // Sitzungsberichten der Physikalisch – medizinischen Sozietat in Erlangen, Bd. 52 – 53. 1920–1921, Beiträge zur Geschichte der Naturwissenschaft, LX. – S. 55–96.
198. *Togan.* Biruni's Picture of the World – A. Zeki Validi Togan. Biruni's Picture of the World. Memories of the Archaeological Survey of India. – Delhi, 1940. №53.
199. *Wiedemann E.* Über die verschiedene – E. Wiedemann. Über die verschiedene bei der Mondfinsternis auftretenden Farben nach Biruni. // Jahrbuch für Photographie und Reproduktionstechnik. Bd. 28. 1914. – S. 25–30.
200. *Wiedemann E.* Über Erscheinungen – E. Wiedemann. Über Erscheinungen bei der Dommring und bei Sonnenfinsternissen nach arabischen Quellen // Archiv für Geschichte der Medizin. Bd. 15. 1923. S. 42 – 52.
201. *Wiedemann, Frank.* Allgemeine Betrachtungen von Al-Beruni's – E. Wiedemann, J.Frank. Allgemeine Betrachtungen von Al-Beruni in einem Werk über die Astrolabien // Sitzungsberichte der Phys. – med. Sozietat in Erlangen. Bd. 52–53. 1922. – S. 97–121.
202. *Ziauddin A.* Al-Biruni's researches – Ziauddin A. Al-Biruni's researches in trigonometry, given in the third book of Qanun Mas'udi, Islamic culture. V. VI. № 3. P. 363 – 369.

## МУНДАРИЖА

Беруний ва унинг «Осор ал-бокия» асари.....	5
1. Олимнинг ҳаёти ва ижоди.....	10
2. Осор ал-бокия.....	23
Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.....	37
I БОБ. Қундуз билан кеча, улар мажмуининг моҳияти ва бошланиш вақти.....	41
II БОБ. Кеча-қундузлардан таркиб топувчи ойлар ва йилларнинг моҳияти.....	46
III БОБ. Эранинг моҳияти ва халқларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари хусусида.....	50
IV БОБ. Зулқарнайн лақабини олган подшоҳнинг [кимлигини] аниқлашда турли халқларнинг ихтилофлари хусусида.....	75
V БОБ. Йил ҳисобларида белгиланган ойларнинг фазилатлари ҳақида.....	81
VI БОБ. Баъзи эраларни бошқасидан ҳисоблаб чиқариш, подшоҳликларнинг [бошланиши] ва уларнинг муддатларига оид турли ривоятлар ҳақида.....	110
VII БОБ. Яҳудийлар йиллари ва бошқа йиллардаги даврлар, «такуфа»лар, йиллар ва ойларнинг бошланиш вақти ҳамда кабисалари ҳақида.....	184
VIII БОБ. Пайғамбарликни даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари (уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин) эралари ҳақида.....	229
IX БОБ. Форсларнинг ойларидаги байрамлар ва машҳур кунлар ҳақида.....	250
X БОБ. Суғдларнинг ойларидаги байрамлар.....	277
XI БОБ. Хоразмликларнинг байрам кунлари.....	279
XII БОБ. Хоразмликларнинг байрамлари хусусида хоразмшоҳнинг тутган йўли.....	284
XIII БОБ. Румликлар ойларидаги маълум бўлган [байрам] кунлари ҳақида.....	286
XIV БОБ. Яҳудийлар ўз ойларида нишонлайдиган [кунлар] ҳақида.....	325
XV БОБ. Сурия ойларида меликий христианлари нишонлайдиган [кунлар].....	337
XVI БОБ. Христианлар рўзаси ва улар нишонлайдиган байрам кунлари.....	354
XVII БОБ. Несториан христианларининг байрамлари, хотирланадиган [кунлари] ва рўзалари ҳақида.....	373
XVIII БОБ. Қадимги мажусийлар байрамлари, собийларнинг рўза ва байрамлари ҳақида.....	384
XIX БОБ. Жоҳилия [даврида] араблар нишонлаган [байрамлар] тўғрисида.....	391
XX БОБ. Муслмонларда нишонланадиган [кунлар] ҳақида.....	395
XXI БОБ. Ой манзиллари, уларнинг чиқиши, ботиши ва шакллари ҳақида.....	407
Изоҳлар.....	437
Кўрсаткичлар.....	573
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	634

*Илмий-оммабон нашр*

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

**ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР  
(ОСОР АЛ-БОКИЯ)**

І ЖИЛД

Мухаррир *Шахло Бекназарова*  
Мукова рассоми *Бехзод Зуфаров*  
Рассом-дизайнер *Камола Закирова*  
Техник муҳаррир *Лина Хижова*  
Кичик муҳаррир *Матлуба Салимова*  
Мусахҳиҳ *Гулнора Паттохова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Саодат Азизтоева*

Нашриёт лицензияси АЛ№ 158, 14.08.2009.  
Босишга 2022 йил 4 августда рухсат этилди.  
Офсет қоғози. Бичими 70x100  $\frac{1}{16}$ , «Times New Roman»  
гарнитурасида офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 52,65. Нашр табоғи 52,84.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 22-1.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



**Абу Райхон Беруний**

Б 61      Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осор ал-боқия). [Матн] Ж. I/ Абу Райхон Беруний. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2022. – 648 б.

ISBN 978-9943-6579-2-2

**УЎК 94(5-191.2)**

**КБК 63.3(54)**